

АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙ ТУҒОН

# ХОТТИРАЛАР

Туркистонда мустақиллик  
ва озодлик учун курашлар тарихи

Аҳмад Заки Валидий Тўғон

# ХОТИРАЛАР

*Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун  
курашлар тарихи*

Тошкент  
«Истиқлол нури»  
2014

**Аҳмад Заки Валидий Тугон**

Хотиралар: Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи / Аҳмад Заки Валидий Тугон. Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи М. Абдурахмонов. Масъул муҳаррир Ҳ. Зиёев. – Т.: 2014. – 612 б.

КБК 63.3(5)

**Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга  
тайёрловчи:  
Муҳаммадҷон АБДУРАҲМОНОВ**

**Масъул муҳаррир:  
Ҳамид ЗИЁЕВ**

**Такризчи:  
Раҳбархон МУРТАЗАЕВА**

ISBN 978-9943-4178-0-9

© Заки Валидий,  
© «Истиқлол нури»,  
2014 й.



Ахмад Заки Валидий Тугон

*УШБУ МЕМУАРНИ НАШРГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИДА  
КУМАКЛАШГАН СЕВИМЛИ РАФИҚАМ НОЗМИЯ УНГОР  
ТУҒОНГА БАҒИШЛАНАДИ*

Бу хотираларга манба сифатида фойдаланилган барча маълумотлар бизнинг 1923 йил бошида Туркменистон орқали Эронга кетишимиздан аввалроқ Бухородаги Кобул элчилиги вакиллари ва Мухаммадбодга кетаётган савдогарлар орқали хорижга чиқариб юборилган эди. Уша йилнинг узида ҳамшахарим Усмон Тукимбетов жуда муҳим маълумотларни Финляндияга чиқарди. Турли вақтда ва турли йуллар билан кўпроқ шифрланиб ёзилган қайдлар ва ҳужжатларни Германияда асир бўлиб турган ва айнан шу воқеалар шоҳиди булган юртдошларимнинг баъзилари ўқиб чиқдилар ва улардан Берлинда жуда муҳим маълумотлар олинди. Бу ҳужжатларнинг барчасини Берлиндаги элчи — марҳум Саффо Арикан Туркияга олиб чиқди. 1957 йилда АҚШдаги Станфорд шаҳрида “Hoover Nap” (Гувер) институти кутубхонасида йиғилган рус газеталарининг намуналари тупламларидан А.Ф. Керенский ва асли поляк булган кутубхона директори, профессор В.С. Свораковскийнинг ёрдами билан кенг куламда фойдаланилди. Барқлай университетидан жаноб Ричард Пирс руҳсати билан унинг Россияга бориб, синчиклаб, диққат билан туплаган, Туркистонда нашр этилган газеталарнинг тулик микрофилмлари коллекцияларидан ҳам истифода этилди. Уларнинг барчасига уз миннатдорлигимни билдираман.

Берилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида, бу хотиралар сафдошларим Абдулқодир Инон, Усмон Хужа ўғли, Абдуллох Таймас ва озодлик курашчиларининг таникли раҳбари Шермухаммадбек ҳамда Парпи Хужа каби воқеаларнинг шоҳидларига ўқитиб олинди.

Асарнинг ilk куриниши 1924 йили Берлинда ёзиб тугалланган булса ҳам, баъзи сабабларга кура, нашр этилмади. Ниҳоят, хозир ҳамшаҳарларимдан бири номини бу ерда зикр этилмаслиги шарти билан, узок йиллар давомида топган сармойясини сарфлаб, ушбу хотираларнинг нашр этилишини таъминлади. Китобнинг асли шаркий туркий шевалар таъсирида ёзилгани учун адиб ва шоиримиз Урхон Шойик Кукёй гарб туркийчасига мослаштиришни уз зиммасига олди. Ҳар иккала дўстимга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Китоб матнида тилга олинган айрим расмларни нашр вақтида етказиб беролмадим. Бунинг учун узр сўрайман.

§ 1. *Оиламиз.* Бу китобда баён қилмоқчи булган Урал ва Урта Осиёда сунгги аср бошида содир булган буюк сиёсий ҳаракатларга, туркий халқларнинг кенг миқёсдаги олиб борилган миллий озодлик курашига раҳнамолик қилишимни ва халқаро шарқшунослик илмидаги фикрларим эътиборга олинадиган бир алломага айланишим мумкинлигини тасаввур қилмаган эдим.

Жанубий Уралдаги бир томони тоғлик ва ўрмонзордан бошқа томони буз ерлардан иборат булган кишлоқда чорвачилик, дехқончилик ва ўрмон хужалиги билан шугулланадиган бошқирд ва татарларнинг ўрта асрларга хос ҳаёт тарзи бугун у ерларда шуру колхозларидаги қариндошларим каби мен ҳам умидсиз ва итоаткор бир шахс сифатида шаклланишим мумкин эди.

Бу тоғ ва яйловлардаги камтарона ҳаётимиз, айниқса, унинг турли тарихий узгаришларини болалигимда тинглаган ва хотирага айланган акс-садолари бу муҳитга мансуб булган кишиларни турли саргузаштга бошлайдиган, туркий ва ислом оламининг бугуни ва келажагига оид режалар тузишга ундайдиган даражада мазмундор эди. Шуларни уйлаб, хотираларимни халқ орасида яшаётган тарихий хотираларнинг мантикий давоми сифатида қабул қилишингиз мумкин. Аммо баъзан вазиятга ойдинлик киритиш учун китобхонларга бир қарашда қизиқарли булмаган баъзи тафсилотларни хикоя қилишимга тўғри келади.

Аксарият аҳолиси утган асрнинг ўрталарида бу тарафларга келиб жойлашган татар, мишар ва мусулмон ҳувош кучманчиларидан иборат булган кишлоғимизнинг асосини уттиз-қирқ хонадондан ошмайдиган сўкли-қайлар ва унгут (*ун угиз – М.А.*) номли икки уруғ вакиллари ташкил қилар эди.

Ушбу қабилаларни танитиш учун маълумот илова қилиб айтсак, бошқирдлар бошқа туркий қабилаларидан фарқ қилиб “з” ва “ч” товушлари урнида “дж” ва “с” товушларидан фойдаланадилар ва улар тўрт гуруҳга бўлинадилар.

1. Тоғ бошқирдлари (бузан, усерген, тамйан).

2. Яланг (текислик) бошқирдлари (йурмати, қудай, гайива, иракти, янай, танип уруғлари). Бу икки гуруҳ милонинг бошидан бошлаб Урал тоғларида яшаганликлари аниқланган. Тоғ бошқирдлари “с” урнида “ҳ”, Яланг бошқирдларининг аксарияти эса “тҳ” товушидан фойдаланишади. Бирок, бу кейингиларнинг ғарбий ва шимоли-ғарбий ҳудудларда яшайдиганлари маълум даражада татарлашган.

3. Учинчи гуруҳ турли асрларда бошқирдларга Шарқдан келиб қушилган қипчок, қангли, сувун, уран, қайли, қатай (қътай), бейлар (байат), керей (керайит), сураш, нугой, қирғиз, маркит каби уруғлардан иборат. Уларнинг тоғ бошқирдлари орасида яшайдиган қисми соф

бошқирдча сузлашадилар. Ғарбий минтақадагилар тили татар тилига яқин. Бу уч гуруҳдагиларнинг барчаси сунгги асрларда бошқирд кушини сафларини тулдириб келган ва Россияга тулаган туловлари ҳам бир хил булган.

4. Туртинчи гуруҳ Волга Булғорияси ва Қозон томонлардан рус истилосига учраб, Бошқирдистонга келган кочок татар (ёхуд типтар), Волгабуйи булғорлари, мишар ва мусулмон чувашлардир. Ғарбда Қозон хонлиги худудидан келган бу кочокларни руслар “*башкиры припущенники*”, яъни “ичкарига олинган бошқирдлар” деб номлашган.

Номи саналган ушбу турт гуруҳнинг дастлабки учтаси ярим кучманчи ҳолатда булиб, кенг ерлар ва яйловларга эгалик қилган ҳолда, қабила ташкилотини саклаб қолишган эди. Туртинчи гуруҳ эса, азалдан утрок деҳқонлар булиб, улар қабила ташкилотини, тарихий дostonлар ва анъаналарни билмайдилар.

Мен мансуб булган сўкли-қайлар эса учинчи гуруҳга оиддир. Эллик беш йилдан бери тарихчи ҳисоблансам-да, уз уруғим тарихи ҳақида кам маълумотга эгаман. Оқ Эдил дарёсига қуйиладиган Йигган (*Юган – М.А.*) дарёсининг бир ирмоғида жойлашган ва қишлоғимизнинг асосини ташкил этадиган сукли-қай ва унгут уруглари XIX аср бошларида авлодларимиз булган Кузан ва Боқиға тегишли икки тепада ва Якубга қарашли қудуқ бошида тарқок жойлашган 12 хонадондан иборат экан. XVIII асрдаги урушлар натижасида улар куп талофат куришган ва кимсасиз ерларга айланган. Чор ҳукумати биздан тортиб олган буш ерларга, отам туғилган йили. 1860 йилда куп сонли “минзала-мишарлари” деб номланувчи ғарбий Бошқирдистондаги қишлоқ аҳолисини келтириб, алоҳида маҳалла ҳолида жойлаштиришгач, қишлоғимизнинг асосий қисми ташкил булган. Йигган дарёси ирмоқларида яшайдиган Эрмит, Утак ва Туғай (Туқай) номли қишлоқлар ҳам XVIII асрнинг охирларида жуда ҳам кичик бошқирд қишлоқлари булган. Утак ва Тугун қишлоқлари Салим Умидбоев ўзининг “Ёдгор” номли асаринда ёзишича, “кичик табин” қабиласидан экан. Эрмитлар Эрбит деб ҳам ёзишига кура, бир замонлар Ғарбий Сибирдаги Тюменьга алоқаси булиши мумкин; уларнинг қайси қабиладан эканликларини билмайман. Уларнинг ҳам ерлари тортиб олиниб, Ғарбий Бошқирдистондан кучириб келтирилганларга берилган. Ерларининг тортиб олиниши уларнинг Кучук Султон, Мурод Султон ва Султон Ғарай исмли саркардалари бошчилигида Россияга қарши кузғолон кутаришларига сабаб булган. Бизникилар улардан Кучук Султон номли обрули саркарданинг бошқаруви остида булиб, Шарқда Тобул (Табал) ҳавзасида Эрқарағай, Шарқий Уралда Ирандик ва Чуборкул деб номланган жойларда яшар, ёзнинг иссиқ кунларида Оқбийик тоғларида куним топар эканлар. Кучук Султон бошчилигида Кемелик, Кубан томонларга боришган, руслар билан жанг қилишган экан. Қушнимиз булган Қатай бошқирдлари ҳам биз



билан иттифокдош экан. Бирок, яна бир кушнимиз булган Арлар бу султонни қабул этишмабди. Арлар биздан қиз олиб, қиз бермайдилар. Кучук айни пайтда “кичик кўппак” деган маънони англагани туфайли Арлар халқи: “Сизнинг султонингиз ит-кўппак булган”, деб бизни масхаралар эди. Биз эса уларга: “Илон ютганлар”, дердик. Бизнинг яна бошқа қариндошларимиз Шарқий Уралдаги Қуси, Исмоил ва Нуғой қишлоқлари билан Йурмати улусида Мукас қишлоқларида яшаганлар. Қуси ва Нуғой қишлоқлари эскидан бизнинг қишлоғимизнинг шарқидаги Йигган дарёси бўйида Қуси юрти деган жойда экан. Сунг қишлоғимиз аҳолиси Уралга, Ирандик минтақасига кучиб кетишган. Бизникилар эса уз жойларида қолишган. Аммо урталарида никоҳ муносабатлари давом этган. Оқбийик яйловларининг шарқида Битира номли дарё бор. Тимаяч шаҳарчасига кетишда бу дарё билан йул кўп марта кесишади. Бундан чамаси 150 йиллар муқаддам биздан Қусига кетаётган ҳамда Қусидан бизга келаётган икки келин йулда учрашадилар. Биздан кетаётган келин уз она қишлоғидан узоклашгани сари, саноксиз кечувлардан утиш жонига тегиб: “Тугайди, тугайди, дейсиз. Ахир охири булмаса, қандай тугаши мумкин? Бу ҳаммага одат булиб қолган”, деб йиглар экан. Қусидан келаётган келин эса кечувлари тугашини хоҳламаслигини ва ҳозир яқинлашаётган Йигган дарёси ҳавзасида уни нималар кутаётганини билмаслигини ифода этувчи куйидаги сузларни айтиб, кузёш тукар экан: “Битира дарёси кечувлари тугамаса, агар юрагим ёнса, буни Йигган дарёсининг сувлари сундира олармикин?”

Мен ун турт ёшимданок Эрандикдаги Қуси ва Нуғой қишлоқларига тез-тез бориб турардим ва у ердаги кекса ёшдаги одамлар ва қариндошларимиз хотирасида сақланиб қолган “Муродим” (Едигей [Мирза уғли Нуриддин]) достонини ёзиб олган эдим. Менинг ёзганларим бизда маълум булган ривоятларга қўшимча будди. Менинг дастлабки илмий тадқиқотларимдан бири мана шу достонга оид булиб, 1911 йилда нашр қилинган мақолам ҳисобланади. Бизнинг йилқиларимиз баҳор ва ёз ойларида оталаримиз замонидан бери узлари урганган Оқбийик воҳасига узлари йилқибонсиз борганларида, Қусилар ҳам ёзнинг иссиқ кунларида йилқиларини ҳайдаб, Оқбийикка келиш одатлари борлигини менга улар ҳангама қилганлар ва уша даврни жонлантирувчи қушиқларини айтиб беришган эди. Бу қушиқлар шундай куйланар эди: “Оқбийик каби тоғни бизга Тангри, эчки жунидан қилинган оқ чодирлар қуриб, ёз ойларида унда яшаб, чорвамизни боқиш учун берган. Тойчоқлар уз яйловларига узлари чопқиллаб келишар, биз уларнинг бўйинларига аркон ташламасак ҳам”. Чунки жазирама пайтларда салқин яйловларда булган тойлар

\* Aqbiyik key tavni Tenri bergen, aq tirmeler qurup yeyle tip.  
O'risinden oynap qulun kile, quruqsidh uq yilege "beyle" tip.

роҳатланишиб ем-хашак еб ётишарди.

Бу яйлов биздан юз чақиримлар чамаси узоқда эди. Боболаримиз бир-бирдан узоқ булган ёзги, қишки яйлов ва қишлоқларда яшаганлар, жанг майдонларида ҳам бир-бирларидан узоқда ҳалок булишган. Баъзиларининг қабрлари маълум. Улардан бири ҳақида: “У Кубанда улган”, дейишарди. Бу Шимолий Кавказдаги Кубан дарёсидир. Бошқа бир авлодларимиз ҳақида эса у Туман томондаги Мансил деган жойда қаҳрамонларча ҳалок булган. Урал тоғининг шаркида, Чуборкул номли қул минтақасида калмоқлар ва руслар билан булган жангда шахид булганлигини айтишарди. Кексалардан катта амаким Вали мулла ва Унгутлардан Ғуссам ога эски дostonларни жуда яхши билишарди. Ушбу дostonлар Олтин Урда даврига оид маҳзун ҳикоялар эди (Едигей, Гиринже, Иса уғли Амет ва бошқалар). Авваллари оталаримиздан бундай дostonларни жуда яхши биладиганлардан бири сифатида, қабри қишлоғимиздан уч километр узоқликдаги Қорли булоқ деган баланд яйловда жойлашган Аллоҳберди эсланар эдики, уни Аллоҳберди Нуғой, қабрини эса “Аллоҳберди мазори” деб айтишарди. Оталаримиз орасида узун буйилар кўп булгани сабабли, отам шу Аллоҳбердининг қабрини очиб, ҳақиқатан узун буйли булганлигини аниқлаган ва қабрда қилич парчаларини топган. Аллоҳберди билан замондош Нуғой беги сифатида Бурнак исмли бек эсланади ва Нуғуш дарёси устидаги Окбийикка яқин яйлов унга нисбат берилади. Бошқа Нуғой беклари Кубаш ҳавзасига кучишганда, Бурнак ва Аллоҳберди шу ерда қолишган. Яна Истарлитамоқ шахрида уламодан Нуғой угиллари булиб, Нуғой мирзолари наслдан экан. Уларнинг оталаридан бири мана шу Аллоҳберди мазорига қумилган экан. Отамнинг ва амакиларимнинг устозлари ана ушалар булган. Улар бизни кига меҳмон булиб келишарди, уламолардан бўлишларига қарамай, ичкиликка берилган эдилар. Қузан угилларидан булган бешинчи отамиз Эштугон (Тугон фамилиям шундан олинган) биздан жуда узоқдаги Камалик деган жойда руслар билан булган жангларда ҳалок булган. Қишлоғимиз атрофида “Урис улган” ва “Урис қирилган” деган жойлар бор. У жойлардаги ерлар хайдалаётган вақтда қуроллар қолдиклари топиларди.

Уругимиз утмишига оид булган оғзаки ривоятларнинг барчаси шаклланишимга маълум даражада таъсир курсатган. Булардан қуринадики, менинг оталарим қушни қишлоқ бошқирдларидан шижоатлироқ, жанговар кучманчилар булганлар. Бизнинг юртимиз Йиган (Ювган) буйи ҳудуди булиш билан бирга, Окбийик яйловлари ва Шаркий Бошқирдистонда Ирандик тепалиги ҳам уларнинг юрти булган, сурувлари билан бирга у ерларда кучиб юрганлар. Шу билан бирга хонлар, беклар ва мирзоялар ёнида туриб, Ғарбий Сибирда Мансил, Тоболда Эрқарагай, Ғарбий Бошқирдистонда эса Кемелик, Шимолий Кавказда Кубан дарёси орасида содир булган бутун сиёсий

вокеа-ходисаларда иштирок этишган. Руслардан ташкари, калмоклар билан ҳам жанг қилишган. Қушни булган кичик бир калмок кишлоғи аҳолиси оталаримиз билан бирга ғайримуслим (буддачи) калмоклар билан жанглар натижасида ҳозирги ерларига кўчиб келишган. Бирок, сардорлари булган Кучук Султон ва оталаримиздан Бурнақбий, Аллоҳберди ва Кузанбийларнинг ким булганликлари номаълум. Аммо улғайиб русча ургангач, 1912 йилда Уфа ер тафтиш комиссияси архивларида ишлаб ва Ғарбий Сибир тарихига оид рус нашриёти ҳамда Бошқирд шажараларини ургана бошлаганимдан сунг Кучук Султоннинг Ғарбий Сибир хони машҳур Кучимнинг XVII асрда яшаган невараси ва Аблай Султоннинг угли Кучук Султон; Бурнақ ва Аллоҳберди бекларнинг эса XVI асрда яшаган Нуғой бекларидан эканлигини оталаримизнинг ана уша Кучук Султон қушинида аскар бўлиб, Кучук Султон ва унинг укалари Абаға ва Қансуяр Султонлар билан биргаликда Ғарбий Сибирда, Астрахан ва Кубан томонларда руслар билан жанг қилишганини, улар ушбу султонларнинг ҳарбий улжалари ҳисобига кун кечирришгани туфайли, уларга тегишли ерларнинг ҳам турли ҳудудларида тарқоқ ҳолатда яшаганликларини билиб олдим. Кучук Султоннинг 1663 йилда бир бошқирд бегига берган маҳаллий туркийда ёзилган фармони Фанлар академиясининг Бошқирдистон филиали “Тарихий ҳужжатлар”ида 1943 йилда нашр этилди.

Аждодимизнинг бу султон ҳаракатларидаги иштироки Аскар кишлоғида Хидоят Суфи қулида сакланаётган шажарада ҳам ёзилган. Бурнақ ва Аллоҳбердиларнинг бизга яқин Мукас кишлоғида бугун ҳаёт булган неваралари нуғой йурматийларнинг шажараси ҳам 1960 йилда СССР Фанлар академиясининг Бошқирдистон филиали томонидан нашр этилган шажаралар қаторида чоп этилди. Кучук Султон 1664 йилда руслар билан жанг қилганида, ёнида 6400 нуғой аскарлари борлиги, унга тобе булган бошқирдларнинг “Кучум хон қандай мустақил давлат қурган бўлса, биз ҳам шундай истиқлолни қулга киритиш учун жанг қиламиз”, деганлари русча манбаларда мавжуд. Исёнларда бошчилик қилган Султон Мурод эса Кучук Султоннинг угли бўлиб, Қримга ва Истанбулга бориб Султонни қўрган, Доғистондаги жанглардан бирида руслар томонидан асир олиниб, улдириб юборилган. Султон Герей деган саркарда эса Кучук Султоннинг жиёни, руслардан қочиб-яшириниб юрган пайтда “Қора Сокол” ва “Шуна” номлари билан юрган. Қишлоғимизга номи берилган катта отамиз Кузан Қарт қачон яшагани маълум эмас, бироқ кишлоғимиз ёнидаги тоғ унинг номи билан аталади. Бу Кузаннинг невараларидан булган Айдақ ва Журакнинг Йурмати уруғи телтима аймағининг 42 беги орасида, яъни улар билан бирга 1757 йилда Истарли дарёси бошларида узларига оид ерни Саид (Қарғали) татарларига сотганликларини билдирувчи шартноманинг туркийча ва русча нусхаларининг расмлари булган. Ва у

1956 йилда Бошқирд академияси филиали томонидан “Бошқирдистон тарихига оид материаллар” номи остида нашр қилинган (1-расм). Ер ва насабга оид бошқа ҳужжат бизнинг оилага тегишли ҳужжатлар орасида мавжуд эди. Оталаримизга саркардалиқ қилган султонларнинг номлари Султон Мурод, Бахти Герей, Султон Герей кейинги пайтларга қадар биз томонларда болаларга кўп қуйиладиган исмлар сирасига кириди.

Асл уруғимиз Сукли Қай, яна бизга яқин бўлган Сенекли Қай, Юрактав Қай, Тавли Қай, гурухлари каби Қай ёхуд Қайли уруғи тармоғидир. Бу уруғ биз ҳозир яшаётган ерларга келмасдан илгари Шаркий Уралнинг Ирандик ҳудудида яшаганликлари ривоят қилинади. Қай (Қайли) қабиласининг кўп сонли гуруҳи Ғарбий Бошқирдистонда яшашади. Исат дарёси устидаги Ялан Қатай ва бизга яқин урмон Қатай қабилаларининг хонлар замонида аскарний гуруҳлар ташкил этишгани XVII аср бошларидан бери тарих саҳнига чиққан Қатай қалъаси (Қатайский острог) ва Қай қалъаси (Қайгород) ҳудудларидан маълум. Қишлоғимиздаги яна бир қабила Унгут қабиласи бўлиб, бу қабила Чингизхон замонида оқтатар номи билан танилган эди. Қай, қатай қабилаларининг бошқирдларга қорахитойлар даврида: табин ва унгуларнинг эса мугуллар даврида қушилган деб уйлайман. Қатай қабиласи чингизийлардан бўлган Шибон (Шайбоний) угилларининг асосий таянчлари бўлганликлари сабабли, Мовароуннаҳр ишғолидан сунг уларни Қатай хонлари дейишган. Буни XVI асрда немис сайёҳи Герберштейн ҳикоя қилган. Отам қишлоғимизнинг ғарбидаги бошқирд қишлоқларини яхши билмасди. Барча алоқалари Шаркий бошқирдлар билан эди. Бу Кучимхон ва угиллари даврида русларга қарши бир сафда жанг қилганларининг натижасидир. Отам мени 14 ёшимданок Ёйик (Урал) дарёси қиргоғида яшаган тунгевир бошқирдларидан Ҳожи Муҳаммад Яқшимбет углининг қизига унаштириб қуйган эди.

**§ 2. Оиламизнинг маданий алоқалари.** Мен мансуб бўлган мухит ҳаётини маданий жиҳатдан куздан кечирадиган бўлсак, наслимиздан илм ёки бошқа соҳаларда ном чиқарган ҳеч ким бўлмаганига гувоҳ бўламиз. Шундай бўлса-да, мамлакатимизнинг зиёли қатлами орасида Сукли Қатайларнинг роли қатта бўлган. Қатта отамиз Валидбейнинг уйи XIX асрнинг биринчи ярмида мажлислар ўтказиладиган, умумий зиёфатлар бериладиган марказий жой бўлиш билан бирга, бошқирд оқсоқоллари, рус генераллари, ҳокимлари, қатта-қатта мулла ва шайхлар ҳам таширф буюрадиган маскан бўлган. Уйимиздаги қадимий кимиз учун идиш ҳамда бир нечта эски йиртик гилам олтинчи авлодимизга бир бек томонидан хотира сифатида берилган экан.

**§ 3. Ота-боболаримизнинг ҳарбий хотиралари.** Оиламизга дўст бўлганларнинг ақсарияти бошқирд қушинида ота-боболаримиз билан елкама-елка бўлган кишилардир. Уларнинг бошида қишлоғимиздан олти километр узоқликдаги Макар қишлоғидан Қармиш угиллари.

Яна Алагояя қишлоғидан Қочқинбой уғиллари келиб туришарди. Қочқинбой угли Шамсиддин Мулла билан катта амаким Вали Мулла аскарликда сержант, майор булиб хизмат қилишган. Қармиш уғилларидан Умар Ҳожи исмли жуда кекса киши кантон раиси (яъни ҳарбий бошлик) эди. Бу оилага мансуб муаллим ва зобитлар бизнинг миллий курашларда ва қушинимизнинг биринчи сафларида туриб жанг қилишган. Қармиш уғиллари орасидан майор Юсуф Карамшев чиққан. Халқимиз мана шу Юсуф майор ҳақида чиқарилган қушиқларни айтар ва унинг сузларини ҳар доим тинглашдан ҳузурланарди. Бу басталарни марҳум дустим Олимжон Тугон ва профессор Янски, Вена Фанлар академияси нашрларида эълон қилишган. Ҳарбий хизмат сабабли бу оилалардан русча биладиган кишилар ҳам чиққан. Шулардан бири Вали Мулла булиб, ҳарбий хизматдан олдин мадрасада таҳсил олган. Вали Мулла ҳарбий хизматни Сирдарё хавзасида, отам эса Доғистонда утаганликлари туфайли арабча ва форсчани яхшигина урганиш имконига эга булишган. Вали Мулланинг арабча ва форсча ёзган асарлари бор эди. Мен эса ҳали ёш булганим туфайли ундан фақатгина “Едигей”, “Жиренже”, “Исо уғли Эмет” каби туркийча миллий тарихий дostonларимизни ургандим. Отам Кавказда Шайх Шомилнинг қароргоҳи булган Гунибда хизмат қилиб, шайхнинг қотиби Дабр ал-Ҳиндий исмли олим билан танишган. У ва биродари билан 1905 йил инқилобига қадар арабча хат ёзишиб турган. Амаким ва отамнинг арабчани яхши урганганларининг бошқа сабаблари ҳам булган, бироқ бу сабабларни билолмадим. Аммо отамнинг ҳарбий хизматни утаб булгач, Доғистонда яна бир йил қолиб, арабча урганишни давом эттиргани, катта отам Валиднинг ҳузурига ҳар йили Умар Акай исмли доғистонлик кишининг келиб уғилларига, шу жумладан, Вали Муллага араб ва форс тилидан дарс бергани маълум.

1860 йилга қадар бошқирд қушинида фақатгина Россия ҳудудида хизмат қилган ва ҳарбий мактабларда таҳсил қурган бошқирдлар орасида рус маданиятига эргашиш кузатилмайди. Юсуф майор ва бошқа зобитлар хизматдан уз қишлоқларига келишганидан сунг, расмий рус ҳарбий формаларини кийишмаган. Рус мусикидан ва қушиқларини ушлаштиришмаган, раке ва уйинларига асло яқинлашмаганлар. Қармиш уғилларининг уйларида Ғарб ва русларга оид ашёлар йук эди. Уй ва ховлилари доимо Сирдарё хавзасидаги Туркистон усулида эди. Шуро даврида нашр этилган асарларида баъзи бошқирд тарихчиларининг ноҳолис мулоҳазаларига русларнинг таъсири сабаб булган. Акс ҳолда, замонавий техникада рус устунлиги сузсиз қабул қилинсада, маънавий жиҳатдан бошқа мусулмонлар қатори бошқирдларнинг устунлиги қатъий тан олинади. Орамизга баққол ёки темирчи булиб урнашган руслар тезда тилимизни урганишар ва кўпинча, уларнинг фарзандлари ислом таъсири остида қолар, баъзан эса рус қонинлари таъқиқлаганига қарамай, мусулмон булишар эди. Баъзи рус киши-

лари бошқирдлар ҳаётининг узига хослиги ҳақида суз юритишган. XIX асрнинг уртасида Оренбург харбий кумондони, асли полшалик генерал Циолковский ҳам Макар кишлоғида Юсуф майорнинг уйида меҳмон булган маҳалда бошқирд ҳаётининг узига хослиги, бошқирд мусикасига мафтун булганлигини изҳор қилган ва бошқирдларга уз урф-одатларини муҳофаза этишлари хусусида тавсия берган. Уз ўтмишларини қадимда ҳам Ғарбга хайрагланкиш билан утган деб ўйлайдиган туркиялик зиёлилар бор. Баъзиларининг Фотиҳ Султон Меҳметни Европа, айниқса, Италия Ренессансининг ошиғи сифатида кўришни исташлари ҳам тарихий ҳақиқатга мос эмас. Фотиҳ ўзи мансуб булган ислом маданиятининг ҳақиқий вакили эди, у европаликлар маданиятига қандай юқоридан қараган ва уз маданияти билан қандай гурурланган булса, XVIII-XIX асрларда рус маданияти муҳити билан истар-истамас ҳисоблашишга мажбур булган бошқирд зиёлилари ҳам шундай қилишган. Келиб чиқишига қура, Урта Осиёга мансуб маданиятни узларининг миллий маданиятлари деб билишган ва бу билан гурурланишган.

**§ 4. Бухоро ва Хива муллалари.** Оиламиз кўпроқ қизиқиб яқинлашадиган, тил топишадиган гуруҳ мулла (шайх)лар гуруҳи эди. Авваламбор, булардан истарлитамоклик Нуғой авлодлари Шарафиддин ва Камол, Сайрон кишлоғидан Абдусалом ва угли Бекбулат мулла, Юмағужа (Жумахужа) кишлоғидан Султон Герей, Қушоқ кишлоғидан Ақлам. Истарлибоддан Нёзматуллоҳ ва Зайнуллоҳ Урал шарқидан. Муллакай кишлоғидан Саид угли Абдуллоҳ. Қулбоқтидан Ҳаннон ва Троицқдан Зайнуллоҳ Эшон исми билан танилган шайхлардир. Булар арабча, форсчани билган, диний илмлардан воқиф, нақшбандийлик тарикатига мансуб мадраса соҳиби, мадраса ва китоб қурган, китобсевар зотлар эди. Вали Мулла ҳам, отам ҳам муллаларнинг жоҳиллари, мутаассиблари билан муомала қилмасдилар. Бу шайхлардан энг билимдонлари Троицқдан Зайнуллоҳ билан Муллакайлик Абдуллоҳдир. Бухорода таҳсил қурган Абдуллоҳ дин илмларида нуфузли, арабча, форсча шеър ёза оладиган устод, тасаввуфда эса нақшбандийликнинг Ҳиндистондаги мужаддиди Холидий шўъбасига мансубдир. Буларнинг мадрасалари Бухоро, билхосса, Хоразм усулида қурилган. Лекин булар, масалан, Қозон тарафларда Қишгор (Қошғар) ва Тунтар муллалари ва Бошқирд элидагир бир талай эшонлар каби мутаассиб эшонлар эмас эдилар. Ҳаммаси сиёсатдан хабардор кишилар эди.

**§5. Ориф Сайроний ва Хизир мулла.** Улар орасида оиламизга энг кўп таъсири булган Истарлитомок Нуғой шайхлари эди. Улар узларини Қримдан келган нуғой Ойбоқти Мирзо наслидан келиб чиққан деб билишарди. Курсавий, Маржоний, Ғарбий Сибирдан Чордокли Ҳаким каби олимлар ҳамда Бухоро билан алоқада булишган. Сиёсий фикрига эга булган амаким Вали мулла ва отам уларнинг мадрасасида таҳсил қуришган. Улар орасидан мутафаккирлар ҳам етишиб чиққан. риёзиёт

ва тарих илмларига алоҳида эътибор беришган. Нуғой уғиллари мадрасасидан етишиб чиққан истеъдодли шахслардан бири қушни Сайрон қишлоғидан Бекбулат мулланинг биродари Ориф Сайроний булган. Бу зот Кўруч қишлоғидан, Қатай уругидан булган Низомиддин билан биргаликда Нуғой уғиллари мадрасасида таҳсил қурганида, қозонлик Шаҳобиддин Маржонийнинг исломдаги уша пайтга нисбатан замонавий қарашини талқин этган “Ат-тариқат ал-мутла” асаридан илхом олиб, риёзиёт ва фалсафага муҳаббати уйғонган. Бу борадаги илмини ошириш мақсадида утган асрнинг биринчи ярмида Бухорога борган. У ерда бундай илмларнинг кадрланмаслигини қургач, жуда мутаассир булиб ёзган арабча мактубини совға тариқасида отасига ёки катта амакимга юборилган “Ақойиди Насафий” номли китобнинг орқасига қушиб жунатган. Отам буни татарларнинг буюк олими Ризоуддин Фахриддин ва тарихчи Мурод Рамзийга бериб нашр эттирди.

Ориф Сайроний уша пайтлардаги Бухоро уламосини “бошларидаги салла тоғлар қадар юксак, иддаолари денгизлар қадар кенг, бироқ жохил ва гул”, деб таърифлайди. Яна бир арабча мактуби қозонлик тарихчи Шаҳобиддин Маржонийнинг асарида чоп этилган. Бу зот оташнафас дусти Низомиддин билан илмий тадқиқот олиб бориш мақсадида Бухородан Хирот ва Кобулга, у ердан Эрон йули билан Бағдодга боради. Бироқ у ерларда ҳам умидлари пучга чиқади. Иккаласи ҳам 1856 йили суиқасдни эслатувчи ўлим топадилар. Ҳақиқий илм ва ижтимоий ҳаётда инқилоб излаган бу икки зотнинг саргузаштларга бой ҳаёти, ниҳоят исломнинг Бухоро, Хирот, Рай ва Бағдод каби марказларида тафаккур ҳаётининг жуда ҳам тубанларда эканини қуриб, умидлари пуч булиши уша пайт учун жуда катта фожиа саналади. Биз мансуб булган Йурмати уругида ислом маданиятининг ижобий томонларини талаб этиш Ориф Сайроний билан чекланиб қолмайди. Яна қишлоғимиздан турт километр узокликда жойлашган Бужа қишлоғидан Хизир исмли имом хандаса илмини жуда яхши эгаллаган эди. Отам менга у кишидан хандаса (геометрия) дарси олдирган эди. Бу зот Самарқандда Амир Темурнинг невараси, риёзиётчи Улугбекнинг “Руби мужаййаб” (Астрономик квадрат)ини татбиқ этиб, масжидларда қиблани аниқлар эди. Бироқ уни замонавий Туркия ва Россиядаги ривожланган риёзиёт илми билан тенглаштириб булмас эди. Мана шу имом атрофимиздаги баланд тоғлар ҳисобланган Улқун ва Олатов тоғлари чуққиси баландлигини оддий қуроллар воситасида аниқлаган экан. Хизир Мулла ҳаётининг сунгги йилларини Бажик қишлоғида имомлик қилиш билан ўтказди. Менинг русча урганаётганимдан ҳурсанд булар, муҳандис булишимни истар эди. Вафотидан сунг мен ҳам баъзи янги қурилган жомеъ масжидларининг қибласини унинг усулида аниқладим.

Жанубий Урал бошқирдларига Хиванинг таъсири миллий

хаётнинг бир қатор жабхаларида очик-ойдин давом этиб келмоқда эди. Масалан, туйларда Хива чолони деб номланган кийим ҳада қилинарди. Бизда киш қунларида кийиладиган мато билан қопланган сарик муйналарнинг шакл ва безаклари тамомила Хива-Хоразм тарзида булиб, ҳатто сокол куйиш тарзи ҳам бир хил булган. 1920 йилда Хоразмга борганимда, қуриб хайратга тушдим. Қисқаси, отам мансуб булган муҳит том маънода Хоразм ва Бухоро маданияти таъсирида қолган, бироқ у ярим кучманчи ҳаётдан XIX асрда ажралган ёки ҳали тулалигича айрилмаган таъсиридаги муҳит эди. Ушбу муҳитнинг қузга ташланадиган маданият маркази биздан етти километр узокликдаги Сайрон қишлоғи билан Юсуф майорнинг қишлоғи эди. Руслар империалистик мақсад йулида Чин ва Тибет орасидаги кенг ҳудудни қишлоқларига қадар урганган булишларига қарамай, Урал ҳудудларини тамоман унутишган эди. Оренбургда тузилган Жугрофия жамияти факат Жанубий Бошқирдистоннинг марказий уқоқларидан Зиёнчура шаҳарчасини урганган ва баъзи ёзувлар чоп этган булса-да, бундай тадқиқотлар биз томонларгача етиб бормаган. Бошқирдистон ва Татаристонда Сайрон, Шелжи, Япанжи, Сарт Ҳасан каби шахсларни етиштириб берган ёхуд тарихий манбаларда келтирилган шаҳарчалар Ғарбий Туркистондаги Сайрам, Шелжи ва Юфанч каби тарихий маданият марказларидан узилиб қолган инсонларнинг мамлакатимизда жойлашганини кўрсатади.

6. *Қозон мактабининг таъсири.* Отам қишлоғимиздан 15 километр шимолдаги Утак номли бошқирд ва типтар аралаш қишлоқда имомлик қилган Сатлик ўғли Кофий исмли бир зотнинг кизи онам Уммулхаёт билан турмуш қургач (2-расм). Бухоро ва Хива билан боғлиқ муҳитни ташлаб, Қозон билан алоқадор бошқа муҳитга кирган. Утақдан азалдан таникли олимлар етишиб чикқан. Улардан 1826 йилда вафот этган Қучқор ўғли Амирхон Доғистон, Истанбул, Миср ва Ҳижозда таҳсил олган, узи ва Аҳмадхон исмли ўғли олим, илоҳиётшунос Ислом теологиясига баъзи янгиликларни киритган, ҳаждан қайтаётганида Қозон томонларда бир ерда имом булиб қолиб кетган.

Она томондан қариндошимиз булиб, Утак қишлоғида мадраса эгаси булган Утак ўғли Абжалил ҳазрат 1856 йилда вафот этган. Хивада Янги Урганч шаҳрида таҳсил қурган, онамининг отаси булган Сатлик ўғли Кофий (вафоти 1900) ҳам Бухоро ва Хивада таҳсил олган, ҳар иккаласи ҳам форечани яхши билишган. Қишлоғимизда аввалдан мавжуд булган бу форсий маданият онам воситасида янада ривожланган. Отам менга араб тилини ургатганидек, онам форс тилини ургатар эди. Бироқ Қозон томонларда имом булиб жойлашиб қолган Амирхон ва унинг ўғли Аҳмадхонни Утак қишлоғидаги қариндошларини таҳсил олиш учун Қозонга чақиришлари билан биз



Утак кишлоғидан чиқиб кетишган. Уларнинг бош вакили мени 11 ёшимда мадрасасига олган тоғам Сатлик ўғли Ҳабиб Нажжор эди. Қозонда етишиб чиққан Шаҳобиддин Маржоний биз томонларда Шаҳоб ҳазрат номи билан танилган эди. Унинг ислом акидаларга оид эркин фикрлари номи зикр этилган бухоролик мулалар томонидан ҳам яхши қарши олинган булса-да, тарихга оид асарларида қозок ва бошқирдлар ҳақида бу қавмларни фақир қурган иборалари мавжудлиги сабабли ҳеч ким хушламас эди. Бу жиҳатдан Ҳабиб Нажжорга ҳам Шаҳоб Мулланинг хизматкори сифатида қарашган. Маржоний араб сайёҳи Ибн Фазлоннинг шомоний “тоғ” деган бут (санам)ларга доир сўзларини нотўғри изоҳлаган ва бошқирдлар ҳам “Паллус” култи экани ҳақида фикр билдиргани учун арабчани жуда яхши эгайлаган Муллакай Абдуллоҳ ҳазрат отамнинг хузурда Маржонийнинг “Мустафад ал-аҳбор” номли асарини оловга ташлаган. Менинг усиб улғайишимда бу уч муҳитдан ташқари бошқа кишилар ҳам сабабчи бўлишган. Улардан бири Муллагул Девонадир.

**§7. Муллагул Девона.** Онам форс тилини тил сифатидагина эмас, XIII аср Эрон суфий шоири Фаридиддин Аттор ва XVII асрда Бухорода туркийча билан бирга форчада ҳам ижод қилган Суфий Оллоёр талкин қилган мистик фикрлар тили сифатида узлаштирган эди. Бу жиҳатдан у бизникига кўп маротаба келиб кетадиган Муллагул Девона исмли (мен кичкиналигимда у эллик ёшларда бўлган) дарвишнинг таъсири остида эди. Сангим Қипчоқ уруғидан бўлган бу дарвиш Туркистон (Ясси) шаҳри ва унинг атрофларида яшаган ва бизда у қадар кенг ёйилмаган Яссавийлик тариқатига мансуб эди. Зикрлари балан овозда нашидалар уқиш, бошини олдинга, орқага қимирлатиш ва рақсдан иборат эди. Отам зикрларини ичларида айтадиган нақшбандийлик тариқатига мансуб булса-да, уларнинг жаҳрий деб атайдиган зикрларини ёктирар ва Муллагулга намоз уқиб булғач, арабча суфий дастурларини эслатиб, унинг “ё Ҳу” деб сакрашига сабаб бўларди. Рақсга ухшаган бу сакрашлар, бошни олдга ва орқага ташлаб ҳаракат қилиш форчада “арра”, яъни “арра зикри”, туркчада эса “чопкин” дейилар экан. Муллагулнинг масжидга бормаи уйимизда уқийдиган намозлари сунгида қилинадиган бу зикрларни онам жуда ёктирарди. Онам бу дарвеш укиган туркча ва форча шеърларни ёд олар, баъзиларини ёзар ва менга ёдлатарди. Буларнинг барчаси диний, ахлоқий шеърлар эди. XII асрнинг буюк суфийси Аҳмад Яссавийдан нақл этилган шеърлар инсонни ҳаяжонга соларди:

Йўлини толган валийлардан йўлининг қандай эканлигини сурасам,  
Уларнинг тиззасига бошимни қўйиб юзимни сурсам булмасми?  
Юксак тоғлар тепасига чиқиб зоҳид булсам Булутларга аралашиб  
ерга сунгисиз ёмғирлар ёғдирсам, Қуриётган дарахтларни тирилтириб,

\* “Ya Hu ya men, Cered al-emre (?) illa Hu” ve saire.

бустонларга айлантирсам булмасми? Шункор булиб булутларга теккан Тушиб жониворларни овласам, овчи булсам, Тургайларга кушилиб, Аллохнинг номини туқсон минг марта айтсам Булбулларга кушилиб, жавлон урсам булмасми?

Ҳамон эсимда, Муллагул бир байрам куни бизникида эди. Пайгамбарга оид бир хикояни аввалроқ бизга ва бошқаларга айтиб берган булса керак. Ҳар ҳолда ҳамма бу хикояни биларди. Хикоянинг мазмуни куйидагича эди: Пайгамбар бир байрамда ҳамма томони безатилган туяларга миниб келган бойларнинг фарзандларини куриб, “Қошки менинг ҳам туям булса”, деб йиғлаган камбағал, етим бир болани хурсанд қилиш учун узларини туя қилиб, болани елкасига олиб, оломон ичида сакраб айланади. Абу Бакр бу иш Сизга ярашмайди, деганида Пайгамбар, у ҳолда бола остидаги туяни сотиб олиб қуйиб юборсин, дейди. Абу Бакр болага олтига ёнғоқ бериб, Пагамбарни халос қилади. Муллагул ҳам масжид ёнида тупланган жамоат олдида мени елкасига олиб, манзум хикояни қушиқ қилиб айтган, отам эса менга олтига ёнғоқ бериб, туя вазифасини утаган Муллагулни халос қилган эди. Шамс Табризийга нисбат берилган қуйидаги туркча шеърни отам менга ўқиб:

*Билса эди ул сабий ул теваинг юкини  
Ун саккиз оламини берса ҳам бермас эди*

мисрасини жушган ҳолатда ўн марталаб такрорлар эди. Бу кичик бир театр саҳнасига ўхшар эди. “У бола остидаги одамнинг ким эканлигини бола булганлиги учун билолмади. Акс ҳолда, бутун дунё ва коинотни берсалар ҳам алмашмаган булар эди” маъносидаги сўзлари мени ҳам йиғлатган эди. Чунки бу ерда Муллагул Пайгамбар, отам эса Абу Бакр ролини уйнаган эди.

Муллагул баъзи диний нашидаларни қушиқ қилиб айтиб, “қурай” деб номланган найда чаларди. Исломиий анъаналарни у мана шу шаклда катталар ва кичиклар олдида жонланттирарди. Унинг ургатишича, форсча шеърлар айтган суфий Шамс Табризий айни пайтда туркча шеърлар ҳам айтган, рақслари ва нашидалари билан мусулмонларни жушқинланттирган оташнафас дарвеш эди.

Муллагул рус-япон уруши пайтида вафот этди. 1918 йил бир гуруҳ аскар билан уйга келганимда, Муллагулга тегишли булган бир даф-

---

\* Yolga kirgen eren'den, Yolun sursam bulmas mu? Basim qoyip tizine, Yuzum sursem bulmasmi? Chiksam tag'lar basina, Cilten bulsam bulgay mu? Aq bulutlar agdirsam, Sansiz yagmur yagdirsam, Quru derekhtler undurup, Bostan qilsam bulgay mu? Bulutlami uclasam, Sunqar facin quslasam. Sansiz canvar cuslanip, Sayyad bulsam bulgay mu? Turgaylarga qosulsam, Toqsan ming yadin aytsam. Bulbullerge qosilib, Cevlan qilsam bulgay mu.

тарнинг уйимизда сақланиб қолганини қурдим. Ота-онам ундан эшитган форсча ва туркча шеърларини ҳам мана шу дафтарга у улгандан сунг ёзган, илова қилган экан. Бу шеърларни отам ҳам Муллагул билан биргаликда айтарди, қупинча, ёлғиз қолганда узи айтарди. Бу шеърлар шу қадар раво ва жушкин шеърлар эдики, инсон хотирасида уз-уздан қолиб кетар эди. Муллагулнинг галати ҳолатлари буларди, масалан, баъзан отамнинг бирор нарсасини ўғирларди. Отам эса, майли, ола олақолсин, дер эди. Бир сафар Маккадан совга сифатида қелган қумуш чунтак соатини ўғирлади. Отам уни тутиб олиб урди. Йирик жуссали булишига қарамай: “Олмадим, муллам, олмадим, дуст моли деб ёқтирдим”, деб йиғлар ва “заргар олтинни қанча қуп урса, олтин ҳам шунча гузал булади” маъноли форсча шеърни такрорларди. Ҳақиқатан ҳам Муллагул угри эмасди, аммо яқин ва дуст билган кишиларининг нарсаларини сурамасдан олиб кетарди.

У ёз ойларида бизникига қелган пайтида мадраса томондаги “Олачик” (Олачук) деган ёзги уйимизда яшар эди. Ёзги ошхонамиз ҳам шу ерда булиб, биз болалар ҳам езда уша ерда қолардик. Бир сафар онам эчки суйдириб, гуштини пиширган эди. Муллагул бу гуштниги бир оёғини “бу Маҳмайники” деб, шу исмли итимизнинг олдига ташлади. Бундан онамнинг қаттиқ жаҳли чиқиб, Муллагулнинг бошига чўмич билан солди. Шу ерда ҳам Муллагул бу ҳолатга мос форсча шеър айтиб, биздан 150 километр узоқдаги хотинига хитоб қилган: “Роҳила, уста бика мени уряпти” деб бақирган эди. Устабика – устод бика, яъни, муаллима опа дегани. Унинг бу чумич воқеасида айтиб такрорлаган форсча шеърини онам унутмаган, Муллагулнинг дафтарига ёзган экан. Маъноси: “Мени у хушбуй хид ичкарига (ошхонага) тортди, у эса бошимга чумич билан урди”\*. Бу унинг уша пайтда тукиган шеъри булмай хотирасидаги минглаб шеърлар орасидан уша ҳодисага мосини олиб айтган эди.

Муллагул девона Қуръон оятларидан ҳам мана шундай усталик билан фойдаланарди. Мен ҳам у ишлатган жойларда бу ояглардан фойдаланишга ҳаракат қилар эдим. Муллагул мени жуда яхши қурар ва болалигимданоқ менга туркча ва форсча ахлокий шеърларни ургатарди. Масалан, “Қелган меҳмонни очик юз билан кутиб олсанг, Аллоҳ сенга сон-саноксиз неъмат эҳсон қилади”\*\* ва “Эй ўғил, инсонларни тилинг билан ранжитмагинки, Аллоҳни ўзингдан бездирган буласан”\*\*\*. Яна “Ҳаводаги қушларга балиқни емиш қилиб берган Аллоҳ ожиз бандасига ҳам ҳукмдорлик давлатини бахш эти-

\* Zer her demi khuster seved, az zaxmi k-an zerger zened.

\*\* Mi kesid an bum era an kefcera zed ber serem.

\*\*\* An ki miħman-ra be ruyi taze did, ez Xuda eltaf-I endaze did.

\*\*\*\* Ey pusar qasd-i dilazari mekun, Ve-z Khuda-i kħiish bizari mekun.

ши мумкин”.<sup>\*</sup> Бирок бу сунгги шеърнинг маъносини айтмади. Катта булсанг билиб оласан, деди. Мен ҳам кистамадим. Отам баъзида уришига карамай, Муллагулни авлиёлардан булиши мумкин, дер эди. 1918 йилда Бошқирдистонда ҳукумат бошқарувига кирганимда, отам “Муллагул айтган шеърнинг маъносини энди тушундингми?” деб уша шеърни эслатди. Унинг оғзидан нақл қилинган бундай парчаларни Эрон адабиётини мукаммал биладиган озарбайжонлик Охунд Юсуф Толибзодага (1922) айтганимда, буларнинг барчаси XII–XIII асрда яшаган эрон шоирлари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийдан олиганини бирма-бир айтиб берди. Муллагул тарихдан ҳам хабардор экан. Масалан, салжуқийлар ҳукмдори Санжар билан қорахонли Арслон хоқоннинг шайх Аҳмад Яссавий хузурига келиб, эшик қоқишларини ва остонасида тупроқ каби ётиб, шайхнинг оёгини ўпганликларини ифодаловчи бир шеърни айтарди. Мен буни узи тукиган деб уйлардим. Бирок бу ҳам Румийнинг асарларидан олинган экан”. Муллагулнинг ёш булишимга карамай, менга ургатган шеърларини уша пайтда, умуман, жиддий қабул қилмаган булсам-да, буларнинг барчаси унинг буюк зотлардан эканлигини билиб олдим. Устозим Заки Халифа ҳам, мен ҳам Муллагулнинг онам томонидан чумич билан урилганда юртига, яъни узокларда қолган хотинига эшиттириш учун бақирини сохтакорлик деб ҳисоблардик, узини эса ўғри деб билардик. Отам эса уни олим, авлиёлардан деб ҳисобларди. Менга унинг дуосини олишимни, қарғишидан қочишимни тавсия этарди. Мен уни қўшни қишлоқлардаги дустларимизникига от-аравамиз билан олиб борардим. Ҳар ҳолда Муллагулнинг менинг форс ва чигатой адабиётини урганишимда ва яссавийликнинг, Ислоннинг халқ орасида қандай ёйилганини ўрганишимда катта ёрдами теккан. У расмиятчи, носамимий кишиларга асло яқинлашмас эди. Отамнинг ҳам дин йулида органикча расмиятчилигини шиддат билан танқид қиларди. Масалан, хали бола бўлганим ҳолда мени эрталабки намозга уйғотишини истамасди. “У хали бола, хали намознинг мазасини олмаган, нега уни мажбурлайсиз?” дерди.

Яна бир ҳикоя: мен узимни таниганимдан бери биз “Агой” деб атайдиган меҳмонхонамиз деворида катта бир лавҳа осиглик турарди. Унинг чеккаларига Яссавийдан, Аттордан ва бошқа мутасаввифлардан олинган суфиёна туркча ва форсча шеърлар ёзилган эди. Урта қисмларида эса, хотирамда қолганига кўра, уч дарвешнинг боши тасвирланган эди. Кузларидан дарё булиб мовий ёшлар оқар, оққан ёшлар кўлни ташкил этиб қишлоқни босиб оладигандек қилиб курсатилган эди. Бу дарвишлар “Оҳ ун мин ал-ишқ”, яъни “Оҳ бу ишқдан, Аллоҳ, Аллоҳ”, деб бақирарди экан. Мен Муллагулдан: “Амаки, бу нима-

\* An ki be murg-i hava mahi dihed, Bendegan-ra devlet-i sahi dihed.

\*\* Khak-i deres Khaqan buved, Halqa-i deres Sansar zened.

си? Аллох йук булса, каерда эканлиги номаълум булса, унга ошиқ булиш мумкинми? Аллох Лайломидирки, унга Мажнун каби ошиқ булишсин. Куз ёшлари дарёга айланиши мумкин эмас”, дедим. Шу сузларим сабаб отам мени калтаклади, “чучка” деб уришди. Муллагул дархол ўртага тушди: “Мулла, нима қиялпсиз? Болада тасаввуфни англаш қобилияти йук, тасаввуф зурлик билан қулга киритиладиган нарсами? Аллох уни шундай яратганки, у ориф булиши мумкин, аммо сўфий булолмайди, у булганда ҳам старшина булади. Шайх ёки мурид булолмайди”, деган эди. Старшина рус тилида ноҳия бошлиғи ёки ҳарбийда майор дегани. Отам унинг бундай аралашувларига эътироз билдирмас ва уни қабул қиларди. Бу менга қул келарди. Муллагул Ислолда “уламон русум” дейиладиган расмиятчи (риёкор) муллаларни хушламас эди. Муллагулда ортиқча расмиятчилиги туфайли тоғам Ҳабиб Наҳжор ва кишлоғимиздаги мутаассиб Кашшоф Муллага асло яқинлашмасди. Муллагул вафот қилганида мен эндигина 14 ёшга қадам қўйган эдим, унинг кадрига ета олмадим. Уни вафотидан сунг менга ёд олдирган шеърларидан ва ота-онам орқали озми-купми танидим. Кейинчалик Муллагулнинг васият дафтари ва отамнинг унга ёзиб қўйган эслатмаларини ўқиганимда янада яқиндан билиб олдим.

§ 8. *Рус тилини ўрганиши.* Мен олпти-етти ёшларимданок арабча ва форсча билан бирга рус тилини ўргана бошладим. Бу менга улгайиб вақтимни тил ўрганишга сарфлаш ўрнига бошқа ишлар билан машғул булиш имконини тақдим этди. Нима сабабдан русчани бу қадар эрта ўргандим? Бунинг узига яраша сабаблари бор. Отам ҳарбий хизматни утаётганида, русчани яхши билмаганлиги туфайли куп азоб чеккан ва ўғилли булса ҳар нарсадан олдин унга рус тилини ўргатишни кунглига туғиб қўйган экан. Отамнинг айтишича: мусулмонликда ихтилом ҳолатида, яъни тушда инзоли маъний воқеъ булса, ғусл қилинади. Аскарликда отамнинг бошига шу ҳолат тушади. Бирок тунда ғусл қилаётганида, бир зобит уни тутиб олади. Ҳарбий докторнинг талаби билан ҳарбий қисм командири булган зобит отамни қамаб қўяди ва ичига қум солинган қоп остида соатлаб колдириш орқали жазо беради. Отам қопнинг оғригига чидай олмай, ох тортиб турганида, доғистонликларнинг рус қушинига мансуб булган ва шамҳал деб аталган беклари қалин формалар кийиб, у ердан утиб қолишади. Бу нимаси, деб ёш рус зобитидан сўрашади. Командир булган воқеани айтиб беради. Шамҳал командирга: у ҳолда бу аскар менинг қулимда жазосини олсин, деб уз қисмига олиб кетади. Русчани билмаган отам у билан арабча сузлашганда, Шамҳал ундан хурсанд бўлади ва жазо муддати тугагач, отамни уз қисмига қайтараётиб, командирга: “Бу жуда яхши йигит, уни зобит қилиб ол”, дейди. Шу тариқа отам зобитга айланади. Аммо русчани билмагани туфайли, хизмат унга оғир кечади ва қўп қийналади.

Ана шунда отам ўғилли булса, унга биринчи навбатда русчани

ургатишга қарор қилади. Қишлоғимизда русчани ургатадиган мактаб бўлмаган. Қушни Макар қишлоғида бор эди, ammo у ерга юборишни истамасди. Ўз мадрасасида “Рус шаҳар мактаби”ни битириб келган Абдурахмон Менглибоев исми татар талабасига мени русчага уқитиш вазифасини юклади. Икки йилдан сунг Аҳмар қишлоғидан отамнинг дусту булган бир кишининг худди шу “Рус шаҳар мактаби”ни тамомлаган угли Шохибек Узбеков отамнинг мадрасасига келди. Абдурахмон кетгач, менга рус тилидан шу киши сабоқ берди. Ун бир ёшга кирганимда, Шохибек бошланғич мактабда ўқитиладиган дарсларини тамомлаб, ёзги имтиҳонга тайёрландим. Қишда Макар қишлоғига бир неча маротаба бордим. Баҳорда эса уша ерда имтиҳон топширдим. Мактаб ўқитувчиси Мифтоҳ Қорамиишев бу имтиҳондан утганимни билдирувчи шаходатнома ҳам берди ва турт йил давомида хусусий дарс олиб, рус тилини уз талабаларидан яхшироқ урганганимни айтиб, мени Истарлитомокдаги шаҳар мактабига юборишларини тавсия қилди. Мен ҳам буни жуда истадим. Бирок отаонам мени рус мактабига беришга асло рози булишмади. Кузда (1902) Утақдаги тоғамнинг мадрасасига олиб боришди. Мутаассиб Кашшоф Мулланинг: “Мулла ога углини рус мактабига беряпти” деган гап-сузи менинг Истарлитомокка боришимга монё булди.

**§ 9. Утақдаги таҳсил.** Тоғам яшайдиган бу қишлоқ биздан 14 километрлик масофада жойлашган булса-да, уларда муҳит бизникидан жуда фаркли эди. Мен, купинча, тоғамнинг бой кутубхонага эга булган хонасида яшардим.

Онамнинг отаси Кофий Сатликнинг беш угли ҳам имом ва уч қизини турмуш уртоклари ҳам имом эди. Катта угли булган тоғам Ҳабиб Нажжор (3-расм) номи юкорида тилга олинган Кучкор угли Амирхоннинг бой савдогар ўғли томонидан Қозонга олиб кетилиб, ўша даврнинг энг буюк устози ва мутафаккири, машхур тарихчи Шаҳобиддин Маржонийга шогирд тушган. Сунг унинг мадрасасида муаллимлик қилган. Ислом тарихига оид “Мифтоҳ ат-таворих” (“Тарихлар қалити”) деган асар битиб, нашр эттирган. У ислом метафизикаси ва фалсафасига доир машхур мадраса китобларига арабча шарҳлар ёзган. Арабча хошияларни китоблар босилаётганда, тасҳих иули билан ёзган, китоб муаллифларининг таржимайи ҳолларини ҳам арабча ёзган. Ана шундай китоб хошияларидан бир қанчасини тоғамнинг дусту булган Ҳамид Шангарий ёзган. Яна тоғамнинг араб адабиётидан таржима қилган Қалйубий латифалари ҳам бор. Ҳабиб Нажжор сиёсатдан ҳам хабардор эди. Кримлик Исмоил Гаспиринский нашр этган “Таржумон” газетасини дастлаб чиққан 1883 йилдан бошлаб ўқиган, суфийликда ҳам ўз даврининг тараққийпарвар шайхи булган Тунгатар (Тунқатор) уругидан Шайх Зайнуллохнинг муриди булган. Бу киши, яъни Ҳабиб Нажжор Туркия газеталарини ўқир эди. У ҳам отам сингари араб тили ва бу тилдаги фалсафий-ахлоқий

асарлар билан машгул буларди. Аммо иккаласининг дунёкарашида фаркли томонлар бор эди. Тоғам дунёнинг юмалок шаклда эканини Фламмарнонанинг таржимасидан билиб олган эди. Хайъат ва риёзиётни замонавий маънода биларди. Отам эса бу масалага ягона муршид деб хисоблагани XII асрнинг ислом мутафаккири Газзолийнинг қараши билан боқарди. Ернинг юмалоклигига, ойнинг ердан кичик ва ерга яқин, куёшнинг ердан катта ва ердан узоқ эканига ишонар, куёш ва ой тутилиши нима эканлигини билар эди. Бироқ ернинг куёш атрофида айланишига ишонмасди. Газзолий узига таъсир этган Птоломейга эргашган ва геоцентрик фикр билдирган. Отам уз ваъзларида Газзолийнинг “Ихё ад-улум ал-дин” (“Дин илмларини тирилтириш”) номли китобидан ҳаяжон билан нақл қилар эди. Бироқ худди шу асарнинг баъзи жойларини ётоқда уйқуси келиши учун уқир эди. Мен отамдан: “Бу асар қандай қилиб ҳам ҳаяжон беради, ҳам уйқуси келтиради”, деб сурардим. У эса: “Бу асарда ҳам ҳаяжон берувчи, ҳам уйқуга элтувчи уринлар бор, уғлим”, дерди. Кейинчалик, француз олими Г. Бускенинг мана шу китобни таҳлил қилиб ёзган асарида худди шу сузларни уқиб, отамнинг ҳақ эканини англадим. Мен Газзолийни (вафоти хижрий 505 – милодий 1111) ун ёшлигимдаёқ билганман. Отам Газзолий ёки Пайғамбаримиз сингари 63 ёшида вафот этишни истарди. Бироқ бу тилаги амалга ошмади. У болшевиклар қулида азиат чекиб улган вақтида 80 ёшдан ошган эди. Отам ҳам кримлик муҳаррир Гаспринскийнинг газетасини мунтазам равишда оларди. Аммо жуда муҳим булган ходисаларнигина уқир, давринг фикрий жараёнларини акс эттирган мақолаларни яхши тушунмас, зълонлардаги расмларга, масалан, соч зълонида расми чикқан Анна Шилаг номли узун сочи аёлга худди ҳақиқатдек қарар эди. Шу тарика отам аввал мансуб булган муҳит мутаассиблигидан узоқ булиш билан бирга, купрок эскилик тарафдори (консерватор) ҳам эди. Ҳабиб Нажжорнинг муҳити эса мунаввар ва тараққийларвар муҳит эди. Бу ҳолат мени отамдан кура купрок тоғамга боғлади.

**§ 10. Отам ҳақида.** Менга бир қадар суник куринса-да, бир қанча хусусларда отам мансуб булган муҳитни афзал курардим. Отам ва тоғам дуст эди, бироқ характерлари ва дунёкарашлари бир-биридан фарк қиларди.

Тоғам ёшлигида Маржонийнинг яна икки издошлари Аббос ва Садрийлар билан Қозонда илмда биринчилардан булиш билан бирга жуда ҳам енгил ҳаёт кечирешар, куп ичишар ва разолат чиқаришар экан. Уларга алоқадор: *Нажжор, Аббос ҳам Садрий узлари талаба экан, аммо жумбушида зур, кузлари қизларда экан* деб бошланадиган ҳажвий шеър ҳам туқишган экан. Аббос Истанбулга бориб, у ерда

\* Neccar, Abbas hem Sadri, Sekirt iken ozleri. Tiptireler bek usta, Tetilerde kozleri.

хам маишатга бой ҳаётни ташламабди. Шухрати мана шу ҳажвиялар сабаб, Истанбулгача келган Нажжор эса қишлоғида имом ва ниҳоят, шайх булибди. Менимча, шахсий ҳаёти сирли эди. Уйида яшасам ҳам “Мулла ота ичармикан”, деб уйлардим. Отам эса содда ва том маънода самимий инсон эди. Мен учун ҳеч қандай сирли томони йўқ эди. Тоғам шогирдларига нисбатан ортикча кибрли эди, отам эса тоғамнинг ҳурматини сақлаш билан бирга шогирдлари ва угилларига нисбатан дуст ва ҳақиқий ота сифатида муомала қиларди. Бир гуноҳ иш қилинса, албатта жазолар, аммо купинча кўрмасликка оларди. Ҳаёти давомида оғзига суқиш сузларини олмаган, оилада намоз мажбурий эди. Бироқ узи йўқлигида намоз ўқимаслигимизни ҳам билар, суриштирмасди. Жуда интизомли эди. Оилада барчамизни каттик тутарди. Ўз эгарига “қупчик” деб номланган ёстик қуяр, аммо бизга эллик километрлик узоқ масофага кетсак ҳам юмшоқ нарса қўйдирмас, эгаринг узига утқизарди. Сафар тунлари кўрпамиз “чекман” (чакмон) эди. Езда подаларнинг чўпонлари булишига карамай, йуқолган ёки касалланиб орқада қолган сигир ёки қўй учун улардан қура бизни – угилларини масъул тутарди. Уйдаги отларимиз бештадан кам бўлмасди. Кечкурунлари бизни қуналгага, яъни отларни яхши утли жойга утлатишга юборар эди. Қочиб одати булган отни қозикка узун қилиб боғлардик ва кечаси туриб қозикларнинг урнини алмаштирардик. Бомдод намозида отларни уйга келтирардик. Қуёш чикқунча ётиб, отларни кеч олиб келсак, отам бизни албатта қалтакларди.

Отам эски урф-одатларга мустаҳкам боғланган эди. Мишар, типтар (дафтарли) ва татарларда бўлмаган одатлар туфайли муовини булган Кашшоф Мулла билан доимо тортишиб юрарди. Бу киши отамнинг орқасидан “шариат урнига законни афзал билган мулла” дер экан. Бухорода таҳсил қурган Кашшоф Мулланинг “закон” дегани бошқирдларнинг шариатига мос тушмас эди. Бундай мерос масалаларида, “инжи” деган одатда ва асал ичкилигида қузатилади. Инжи (инжу) – мол-мулкнинг оила аъзолари орасида аёл-эркакка тенглиги асосида тақсимланиши ва ҳайвонларнинг шунга қура тамғаланиши демақдир. Диний қурбонлик қилиш ва меҳмонга зиёфат бериш учун мол сўйишда, закот беришда ва мерос ишларида шариат билан инжи оила ҳаётини мувозанатга келтирадиган бош низом эди. Қишлоғимиз асалари боқиш, асал олиш ва аччиқ асал деб номланган ичкилик ичиш билан танилган экан. Қариндошимиз булган Аҳил мулла исмли кекса имом купинча маст булар ва маст ҳолатда халққа намоз ўқитар экан. Кашшоф Мулла бунга эргашиб намоз ўқиб булмайдиган деса, отам шубҳаланувчилар бўлса, намозини уйида адо қилсин, деб кекса муллани аччиқ асал сабаб асло ранжитмас экан. Онам ҳам отамдан яшириб, аччиқ асал тайёрлар ва ичарди. Отам уша аччиқ асал турадиган “қурага” деб номланган дарахтдаги идишни қўрар, узини кўрмасликка оларди. Ҳатто асалари уясидан олинган асалнинг



“нонли” деган туридан мум қилиш учун ювганда чиққан асал сувини онамга бериб, олиб бориб тўк, дер, онам эса уни тукмасдан бир идишга солиб кўяр. бу энг кучли асал буларди. Отам буни ҳам сезмасликка оларди. Кашшоф Мулла бу ҳақда эшитиб, ўзи жуда ҳурмат қиладиган отам ҳақида: “Мулла оганинг уйида ҳаром асал кам булмайди”, дер экан. Кашшоф Мулла эса шариатга тулик рия қилинишини истарди. Отамнинг типтар ва мишарлар орасида муридлари бор эди. Улар отамга қарши ғийбат қилишарди. Отам қишлоқ ҳаётида ҳам эски одатларга таянгани туфайли келишмовчиликлар келиб чиқарди. Қишлоқнинг асосий машғулот и чорвадорлик, яйлов топишдан иборат эди. Деҳқончилиги эса фақатгина “бишмат” ва “йилен” деган жуббасининг этагига қўйилган тарикни қўл билан экиладиган ер буларди. Йиллик деҳқончилик уруғи икки-уч этакдан ошмасди. Экилган ерни хайвонлардан қуриш учун “карта” дейиладиган ўсимлик девор билан ўраб қўйишарди. Ҳаммининг даласи шундай эди. Мишарлар келгач, рус усулида қалин қилиб девор ичига олишиб, русча “укалса” (околица) дейишган. Ўсимлик деворлар эса экин майдонларига айланттирилган. Ана шу пайтда чорвадорлар билан деҳқонлар уртасида кураш булар эди. Отам кузда тоғлардан, яйловлардан қайтган хайвонларимизнинг экин майдонларига ҳужум қилишларини оддий ҳол деб биларди. Мишарлар ва руслар бизнинг қишлоқ яйловларни ёз келгач, картошка экиш учун ижарага олишарди. Бизникилар бу картошкаларни ифлос ерда пишган, деб ейишмасди. Мишарлар ҳам русларга ухшаб сабзавот экар, уларни девор билан ураб оларди. Қўшнимиз Сиддик Мишар мени битта бодринг олганим учун уриб, отамга: “Уғлингни угриликка ургатаяпсан”, дебди. Уртада гап купайибди. Ваҳоланки, отам экинзорда усган бодринг ёки нухат сабаб бировни урдириб қўймасди. Бирок отам бутун бу кучманчилар урф-одатига садокатли экани билан бирга ҳаётга мослашишни, бир урфнинг бошқа урфга қараб мослашиш деб қарар эди. Яъни, ҳаётга мослашишда бош меҳвар урф-одат эди. шариат эмас. Бу жиҳати билан у фақатгина Кашшоф Муллага нисбатан эмас. Ҳабиб Нажжорга нисбатан ҳам тараққийроқ эди. Йиллар утиб, у ҳам уша оғил урнида картошка экди ва бизга ҳам улашди. У ерда ҳатто қарам ҳам етиштирди. Қариндошларини ҳам шунга ургатди. Ҳаётга мослашишда, ҳовлига баъзи мевали дарахтларни экиш билан бунга эга бўлмаган Кашшоф Мулладан ўзиб кетди. Мен улғайгач, еримизни ўн гектарга кенгайтиришга кундирдим.

Авваллари биз чалғи билан ут урардик. Ўроқ белимизни оғритгани учун бу ишда татарлар ва русларни ишлатардик. Вақти келиб, укаларим ҳам уроқ уришга урганишди, машинага ҳам. Авваллари хайвонларимизни қишда ҳам очик оғилларга қамардик. Кейинчалик, мишарларникига ухшаб оғилхоналар, омборлар қурдик. Уйимиз ёнида булган икки хонали бошқирд қишлоқ мактаби татар шаҳарчаларидагидек мукаммал мадраса шаклига кирди. Яъни отам

болалигимда бутунлай урта асрга оид булган хаётимизни дархол замонга мослаштирди. Мен 18 ёпимда кишлоғимдан чикиб, узоқларда укин учун чикиб кетган йилга қадар утган ўн йил мобайнида хаётимизда асрлар курмаган узгаришлар булди. Бу хусусда отам дин ва хаётни алоҳида деб билар, хаёт билан шариятни аралаштирмас, фақатгина урф-одатларга тобе эди.

§ 11. *Отамнинг мадрасаси.* Отамнинг мадрасаси турт бинодан иборат эди. 150-200 талабаси буларди. Бу талабаларнинг аксарияти тоғ бошқирдлари булиб, узоқдан келишарди. Улар турт ой таҳсил кургач, қорлар эримасдан кишлоқларига қайтиб кетишарди. Отамдан яширинча асал ачитиб, бошқирд усулида ичкилик мажлислари куришар, пайшанба оқшомлари кураш ва ракслар ташкил этишарди. Улар уртасида жуда қаттиқ интизом бор эди. Аччиқ асалга оид хабарлар отамнинг қулогига етиб бормас, мен ҳам айтмас эдим. Мадрасада талабалар орасидан кузда қози танланарди. Уни оқ кигиз устига ўтказиб, турт киши юкорига кутарар, қолган талабалар уни чимчилашар, хатто баъзида бигиз тикиб, йиғлатишар эди. Аммо у ҳам кейин аламини чикариб оларди. Бу қадимги туркийларда хон, яъни ҳукмдор танлаш одати эди. Бундай одатлар тамомила Хоразм одати эканлигини кейинчалик билиб олдик. Мадрасанинг раъсий мудири отам бўлса-да, амалда уни уша танланган қози бошқарарди. Мадрасанинг ички даъволарини мударрис деб номланган мадраса хужайинига етказмаслик қозининг маҳоратига боғлиқ эди. Отамнинг маҳорати – эшитганларини эшитмагандек кўринишдан иборат эди.

Шу шаклда мадраса хаёти жамоамиз ва унинг тарихининг том маънодаги кўзгуси эди. Бунда усули жадид деб номланган янги тарбия тизимидан асар ҳам йўқ эди. Аммо отам риёзиёт ва жуғрофия илмларини ўрганишни истаганларга сабоқ бериш вазифасини Заки Халфа исмли ёрдамчисига юклаган эди. Бу ерда хоҳловчиларга русча ургатадиган талабалар буларди. Бироқ отам рус ҳукуматининг мадраса ёнида русча бошланғич мактаб очип таклифини қатъиян рад этди. Мен эса мадрасада кишлоқ кутубхонаси очган эдим. Туманимизга ер-сув комиссари (земский начальник) сифатида жунатилган ҳукукшунос Бошқирд Султонов Уфадаги муфтий Султоновнинг ўғли эди. Ҳукумат табиби сифатида жунатилган татар қизи Зайнаб Абдурахмонова каби у ҳам Петербург университетида таҳсил олган эди. Иккаласи ҳам бизникига тез-тез келиб туришар, сиёсат ва маориф хусусида сузлашишар эди. Урта аср кучманчилари савиясидаги эга кишлоқ имоми булган отамнинг ислохотчи булиб етишувида балки мана шу икки кишининг таъсири булгандир. Мен отамнинг мадрасасида узидан арабча диний дарсларни, Заки Халфа ва Қашшоф Мулладан форсча, Абдурахмон ва Шохибекдан русча ҳамда риёзиётни ургандим. Менинг энг кўп марок билан қилган ишим талабаларга фақатгина пайшанба куни руҳсат берилгани ҳолда? бизда ҳар оқшом тушиладиган курашларда қатнашиш

эди. Асал мажлисларини ҳам утказиб кибормадим. Чирок учирилиб? уйкуга кетгунга қадар халқ ҳикоялари айтилар эди. Уларни жуда ёқтирардим.

§ 12. *Яна бир оз онам ҳақида.* 1918 йилда Оренбургда шурулар томонидан қамокка ташландим. 1944 йилда Туркияда Исмат попо тарафидан ҳибс этилдим, ўқиладиган ҳар нарсадан маҳрум қилинган вақтларимда, кўпинча, онамдан урганган шеърларни ва Аҳмад Яссавийнинг “Шабъи Ялдо” (“Ялдо кечаси”) муножотини уқир эканман, менга онажонимнинг таъсири нақадар муҳим, аҳамиятли бўлганини ҳис этдим. 1944 йил воқеалари вақтида отамнинг хотиралари аллақачон унутилган, фақат онамнинг хаёли “Асровчи фаришта” дейилгучи малак каби ёнимда буларди. Мен баъзан худди болалигимдагидек, узимни онамни ҳидлаётгандай, искалаётгандай ҳис этардим. Унинг жозибаси ва жозибадорлиги шеърлар билан тулиқ бўлган ахлоқий талқинларда эди. Онам уз хаёти давомида ҳеч қачон энг кичик бир гуноҳ ҳам қилмаган ва менга нисбатан беҳад самимий бўлган. Онам менга ургатган форсча, туркча шеърлари фақатгина ахлоқий парчалардан иборат эмас, балки, булар орасида адабий ва эстетик шеърлар ҳам бор эди. У менга ёдлатган Навоий ғазалларини мумтоз парчалар эканини кейинчалик шоир қуллиётини бошдан охиригача ўқиб чиққанимда билдим.

Буларни онамга қим ўргатганини эса билмайман. Чунки “Девон”нинг бу парчаларни ичига олган қисмлари бизда йуқ эди. Бошқа жиҳатдан урганган ахлоқий шеър ва ҳикоялар эса бир мажмуа (антология) шаклида тупланган бўлиб, уларнинг кўпини онам хотирасида сақларди, ёд биларди. Булар, асосан, Ағтор, Жалолиддин Румий, Навоий, Яссавий, Суфи Оллоёрдан олиниб тупланган парчалар эди. 1957 йил бошида Покистон Лохўр университети меҳмони бўлдим. Бу ерда форс адабиёти профессори бўлган дустим Муҳаммад Бағирнинг уйида XIX асрда ҳайдарободлик Низомнинг кўшин қумондонларидан, асли бухоролик ўзбек бўлган бир кишининг ҳам ўғлига онам айна менга ўқитган китобларни ва шеърларни худди шундай ўқитганини билгач, бу таълим тизими XIX асрда туркийлар орасида нақадар кенг ейилганини кўриб, ҳайратда қолдим. Менга ўргатилган форсча шеърлар қимники эканлигини онам билмаса керак, деб ўйлайман. Булар танланган, мумтоз парчалар бўлганини, уларнинг талаффузини ҳам онам менга туғри ўргатганини фақат кейинроқ билдим. Асрдош Эрон ҳукмдори Муҳаммад Ризо Шохнинг иккинчи марта хузурида бўлганимда, форсчани қаерда(н) урганганлигимни суради. “Онамдан” деганимдан сунг, “Онангиз эронлик эдимилар?” дедилар. Чунки. Шаҳоншоҳ менинг талаффузим Бухоро тожикчасидан фарқли эканига эътибор бергандилар. Эҳтимолки, онамнинг арабчаси каби форсчаси ҳам Кузан ўғиллари ва Сотлик ўғиллари салжуклар ҳамда XVIII асрда муаллимлик қилган доғистонлик устоzalар тарафидан сингдирилган

адабий форс тили эди.

Намоз ниятларини ҳам онам форсча ургатди. Менга Ўрта ва Яқин Шарк ҳаётини яқиндан урганмоқ, уша диёрларда жуда самимий дўстлар орттирмоқ имконини берган форс тилини иштиёқ билан, ўргатгани учун онажонимдан абадий миннатдор булиб қолдим. Онам сиёсатдан мутлақо хабари йўқ эди. Уйимиздаги газеталарга қарамасди. Фақат ичида Аллохнинг исми ёзилган булмасин дея, уларни оёқ остида қолишига ёки бир нарсга ураш учун ишлатишга руҳсат этмасди. Намозни ҳеч қолдирмас, отам каби кун чикмасдан турарди. Шеърдан завқу шавқ, лаззат олувчи онамнинг сўзлари жуда фасохатли эди. Ҳар бир жумласини дарҳол мақол билан мустаккамлаб, қучайтириб ёки бирор ҳикматли суз қушиб гапирар эдилар.

**§13. Онамнинг бир шеъри ва Фрейд.** Онам ёзишни билар, талабалар уқиган дуоларни ёзарди, аммо мактуб ёзмасди. Фақат 1908 йилда отам мендан ранжиб юрган кезлари Қозондалигимда бир-икки марта хат ёзган эди. Шу билан бирга, отамга ёзган шеърлари ҳам бор эди. Улар отамнинг китоблари орасида тарқоқ ҳолда ётарди. Бизда мол савдоси баъзида муаммо туғдирарди. Онам биз туркун деб атайдиган ота уйдан келтирган молларига нисбатан жуда ҳам хассос эди. Шу хайвонлардан биттаси бир сафар онамнинг розилигисиз сотилганида, онам отамдан қаттиқ хафа булган эди. Уша пайтда отам онамнинг устига хотин олмоқчи бўлган ёки шундай таҳдид қилган бўлса керак, мана шу муносабат билан онам:

*Сендан узга суйғали ёр битмагандирми дединг,  
Узгани яр энмегейнинг узгелендингми узинг,  
Лаъли лабим татин олган, муҳримни бузган узинг,  
Ажнабий беганасими, бу латифа не сузинг?*

деб шеър ёзган эди. Маъноси: “Сендан бошқа севиладиган ёр йўқ деб уйладингми? (То бугунгача) узгаларни ёр қилмагандинг ёки узгардингми? Ёқутдек қирмизи лабимнинг тотини олган, муҳримни бузган сенсан, бегонамисан, бу нима деганинг?”

Эҳтимол, сунгги икки мисра бошқа шоирдан олинган бўлиши мумкин. Бирок онам уша мисраларни жуда урнида ишлатган. Маъноси бутунлай туцунарли булган шеър хогирамда қолган эди. Аммо улгайгунимга қадар бу шеърда эр-хотин уртасидаги ўзаро муносабатлар акс этганига эътибор қилмагандим. Умуман олганда, ота-онам орасида ўзаро муносабатларнинг булиш ёки бўлмалиги биз фарзандларнинг ҳаёлига келмасди. Ҳолбуки, улар бизга ўзаро муносабатни тартибга соладиган исломий таълимотни уқитишар ва сигирлар қисир қолмасин, деб уларни бизнинг олдимизда жуфтлаштиришарди ёки қишда уй ичига олинган қуйларнинг ва езда бияларнинг туғишида уша ерда булардиқ. Булар бизнингча, одатий ва табиий

ишлар эди. Шу сабабли онамнинг шеърини гузал бир парча сифатида ёд олганмиз. Балки шу ва шунга ўхшаш парчаларни синглим Сора билан биргаликда айтган пайтларимиз ҳам бўлгандир. Аммо веналик файласуф Фрейд учун бу шундай эмасди.

1935 йили Венада таҳсил олаётганимда шарқийёт семинарига ва профессор Стрезеговскийнинг санъат тарихи институтига яқин бўлиши учун Бергасса кучасидаги 9-уйда ижарага хона олдим. Мен яшайдиган каватнинг остида институт жойлашганини билардим. Аммо бу Фрейднинг Психоанализ институту эканини билмасдим.

Бир куни уй бекаси менга: “Пастки каватда яшайдиганлар кечаси шовкин билан юришингиздан шикоят қилди, шиппак кийиб юрсангиз бўлмайdim?” деди. Мен, ҳўп, дедим. Бирок эсимдан чиқди ва бу танбех бир неча кун такрорланди. Бир куни уй бекаси: “Сизни профессор чақиряпти”, деди. У киши узининг Фрейд эканини ва институтда баъзи нозик анжомлар борлигини, мумкин булса, хонамда шиппакда юришимни илтимос қилди. Мен шу вақтгача Фрейдни курмаган эдим.

Суриялик арман талаба Фрейднинг олдида ишлар экан, у менга бу кишининг баъзи китобларини берган эди. Уларни ўқиб чиқдим, менга Фрейднинг фалсафаси ёкмади. Унга қараб: “Мен Оснэ яйловларидан келган одамман, оёқларимни бу шартингизга кундира олармикинман”, дедим. Фрейд мени хонасига таклиф қилди. Мен у ерда олти-етти ёшли киз боланинг отасига шаҳаат назари билан қарагани ҳақида ёзганлари бошқирд ва ҳозоклар учун айтилмаганини билдириб, онамнинг уша шеърини унга таржима қилиб бердим. Бу шеърда “муҳримни бузган” ибораси билан жинсий мавзу тилга олинганини фақатгина Фрейднинг рисолаларини ўқигачгина англаганимни айтдим.

Мен Фрейд билан кейин ҳам бир неча марта куришдим. Уша пайтда араб сайёҳи Ибни Фазлонинг қадимги ўгузларда жинсий муносабатга қараш бошқа мусулмонлар ва араблардан бутунлай фарқ қилиши ҳақида ёзганларини ўқиб, буни Херодотнинг қадимги исқитларда (скифларда) жинсий муносабатларга оид ёзганлари билан солиштирган эдим. Иккинчи сафар куришганимизда буни Фрейдга айтдим. Мен унга: «Сиз жуда муҳим ва қизиқарли илм ҳисобланган психоанализни мана бу рисолалардаги фалсафангизга айлантириш билан унинг тавсифида ёзган романларда аёлларнинг яланғоч баданини қалит тешиқларидан томонга қилганини уялмасдан хикоя қилдиган, йулдан озганлар ўқийдиган асдр яратган буласиз, дедим. Бу сузларимдан унинг умуман жаҳли чиқмади. У мен билан бу мавзуда купрок гаплашгиси келарди. Бирок мен Австриядан Германияга утиб кетганим туфайли у билан қайта куришиш имкони бўлмади.

**§14. Тоғам Ҳабиб Назежорининг тирбияси.** Тоғамнинг мадрасаси етти бинодан иборат эди. Уч юздан ортик талабаси бор эди. Уларнинг аксарияти отамнинг талабаларидан фарқли уларок йилда олти-етти ой сабоқ олишарди. Ҳатто ёз ойларида ҳам таҳсилини давом эттирадиган

талабалар буларди. Мен эса мадрасага кеч келар ва эрта кишлогимизга кайтардим. Чунки кишлоқда уз ишларим бор эдики, улар (масалан, бахорга томон хайвонларимизни “утар” деб номланган урмондаги уйимизга олиб бориш, у ерда қолиш), Утакда йук эди ёки дарс маҳали булгани учун бунга имкон булмасди.

Отам хайвонларга карашим учун мени эртарок кайтишга мажбур килар, шунинг учун мен март ойи урталарида уйга кайтиб келган булардим. Мадрасадаги тахсилим узоғи билан турт кул давом этарди. Шу билан бирга, қолиб кетган дарсларимни отам билан туғаллардим. Мен Утак мадрасасида араб тили ва адабиётини ургандим. Араб тилини яхши билишига карамай отамнинг араб адабиётидан хабари йук эди. Тоғам бу дарсларни узимга алоҳида уқитарди, шу сабаб купинча унинг уйида қолиб кетардим. Уша пайтда унинг боласи булмагани учун мени уз фарзандидек эътибор билан уқитди. Бошқа талабаларидан алоҳида ҳолда уйида сабоқ берарди. Айниқса, “араб тили балогати” деган маънони билдирувчи “баёни бадъ” илмига ва донишмандларнинг, машхур шахсларнинг ҳаётий ҳикояларига диққат билан аҳамият берарди. Бу борада мен унинг мадрасасидан кетгунимга қадар балогатга оид “Мугаввал” китобини уқиган эдим. У менга таржимайи ҳолга оид асарлардан Ибни Холликон, Тошқупрузода, хиндистонлик Абдулҳай Лукнавий кабиларнинг асарларини ва отамнинг дусту Мурод Рамзий томонидан ёзилган Урта Осиё сўфийлари ҳаётига оид “Рашаҳот” номи асарнинг арабча таржимасининг парчаларини турли ерларидан ўқитди. Мен бу китобларни уқишни ва «Рашаҳот...»ни тоғамнинг кутубхонасида булган форсча асл нусхаси билан таққослашни яхши қулардим. Тоғам менга фикҳ, калом каби илмларни араб тилини яхши билиб олганимдан сунг ҳам урганса булишини айтиб, мени бу илмлардан озод қилди. Бу илмлардан мен узим ҳам қочдим. Бунинг сабаби тоғамнинг столи устидан олиб уқишни яхши кўрган туркча китобим эди. Бу китоб туркиялик сиёсатчи ва донишманд Меҳмет Ориф Бей нашрга тайёрлаган “Минг бир ҳадис” номли асар эди. Бу китобда Ориф Бей Пайғамбаримизнинг “Е Раббий, фойдасиз илмдан ва макбул булмаган амал ва ибодатдан сенга сизинаман” деган ҳадисини шарҳлар экан, исломий миллатлар учун балота айланган калом ва схоластик мантик каби илмларни кераксиз, деб ҳисоблаган эди. Бу ҳадис менга қаттиқ таъсир қилди. Араб тили ва адабиёти ҳамда арабча тарихий асарларни уқишни жуда яхши қулардим, уларга аҳамият берардим.

Яна отамнинг мадрасасида тахсил қурган Шохбек Ўзбек ҳам тоғамнинг мадрасасига кучиб утган эди. Мен ундан русчани урганишда давом этдим. Кейинчалик, бошқирд қушинида зобит булган бу дустим биз 1919 йилда Шўролар билан сулҳ тузганимизда, бу ишдан норози булиб, менинг руҳсатим билан Украинага бориб, генерал Врангель қушинида хизмат қилди.

Кейинрок уни Кримда яраланиб, Истанбулга келганини ва уша ерда вафот этганини эшитдим. 1904 йил Рус-Япон муҳорабаси бошланганда Россиянинг мағлуб булишидан севинган тоғам ҳар куни Истарлитамоқка бир отлик юбориб, келтирган телеграф бюллетенларини менга уқитар эди. Бу менинг русчам яхшиланишига ва сиёсий масалалар билан шугулланишимга сабаб булди. Бу ерда Тухтамиш ўгли Герей исми бир тикувчи бор эди, русчани яхши билар, куп китоб уқир эди. Тоғам менга у билан ишлаб, русчамни ривожлантиришимни тавсия қилди. Мен у билан бирга ишлаб, Пушкиннинг “Пугачёв қузғолони” тарихини ҳамда “Қуръонга иқтибос” асари ва Пайғамбаримиз ҳақида ёзган шеърларини уша пайтда биз адабий тил сифатида фойдаланадиган чигатой туркчасига таржима қилдим. Бу таржималарни тоғам диққат билан уқиди. Рус шоири “Ва-з-Зуха” сураи таржимасини асли билан солиштириб куриб “сузма-суз таржима қилмаган ва баъзи иловалар киритган булса-да, суранинг маъносини бизнинг купчилик мутасаввифларимиздан яхшироқ тушунтирибди”, деди. Сунг тоғам Пушкиннинг ўз бобокалони ҳақидаги “Буюк Петрининг араби” асарини таржима қилдирди ва “Бу Араб ўгли муҳаққак, Қуръонни севади”, деган эди.

Утакда сабоқ олганимда, аксар ҳолларда тоғамнинг уйида қолишимни айтган эдим. Унинг куп мол, қуйлари оғилхона ва молхоналари бор эди. Мен ҳатто кишда ҳам от сурувига ем-хашак беришни ёқтирардим. Ёзда моллар учун йиғилган пичанлар орасида бизда жуда куп қуриган қулупнай буларди. Йиғиб қуйилган пичанлар орасидан бу қулупнайларни олиб ейиш ва ҳайвонларни томоша қилиш энг севимли машғулотим эди. Умуман олганда, мен ҳайвонларни яхши курардим. Дарсга кирмаган пайтларимда тоғам: “Боринглар, оғилда булса керак, чакириб келинглар”, дер экан.

Мен яна риёзиёт билан машғул булар, тоғамнинг Истанбулдан келтирган китобларини ўқирдим. Эрнест Ренаннинг, америкалик доктор В.Р. Дрэпернинг, германиялик Артур Шопенгауэрнинг дин ва илмга оид асарлари тадқиқига бағишлаб, Туркияда чоп этилган асарларни ва яна дин ҳамда ислом ижтимоий масалаларига оид мисрлик Муҳаммад Абдух ва Фарид Важдий кабиларнинг арабча асарларини 16–18 ёшимдаёқ уқиб фойдаланган эдим. Мени Ренан ва Дрэперга қарши ёзилган раддиялардан кура купроқ уларнинг узлари кизиқтирарди. Менда уларнинг аслини уқиш иштиёқи пайдо булди.

Туркия матбуотининг таъсирида мен сигарет чекишга ҳавасманд булиб қолган эдим. Биринчи марта чеккан сигаретамнинг қолдигини тоғамнинг иккинчи хотини топиб олиб, эрига берди. Шу сабаб, тоғамдан калтак едим. Шунга қарамай ора-сира сигарет чекиб турардим.

*§15. Ёз ойларини қандай ўтказардим.* Баҳорда мадрасадан уйга ҳайвонларимизни боқиш учун қайтардим. Чунки ёзда тайёрланган ут

март ойи бошларида тугар, “йила” деб номланган дарахт шохларини урмондан кесиб, хайвонларга берардик. Қорлар эригач, хайвонларни очилиб қолган ерларга олиб бориб утларардик. Узимиз ҳам қордан очилган ерларда униб чиққан ва “сарана” деб номланган ёввойи помидор ва бир қанча илдизларни йигиб, пишириб ердик. Мана шу тарзда табиат ва хайвонлар билан ёлғиз қолишни мадрасада ўқишдан афзал билардим. Апрельнинг биринчи ярмида татар қишлоқларида навбат билан қилинадиган “сабан туйи” – “сомон туйи” деб номланган деҳқончилик байрамларига, майнинг охирида бошқирд қишлоқларида утқазилардиган “йийин” номли байрамларга от миниб бориб, баъзида пойгада қатнашардим, курашларни томоша қилардим, ёшларнинг курашида иштирок этардим. Апрельнинг охирларида асаларилар билан шугулланардик. Юздан ортиқ ари уяси бўлган ва “умартлик” деб номланган асалари боғимиз қишлоғимиздан тўрт километр узоқликдаги Қорли Булоқда эски яйлов ва қабристон урнида буларди. У ерда «алачук» деб номланган яйлов уйи ва қишда ари уяларини саклаш учун қурилган «изма» номли бино буларди. Қолаверса, катта-катта дарахтларнинг баланд шохларига жойлаштирилган уяларимиз, ариларни тутиш учун арча дарахтига ўйиб қўйилган “сулук” деган уямиз буларди. Улар биздан юз километрлаб узоқда ҳар ерда тарқоқ ҳолатда буларди. Апрельда баъзилари катта оталаримиздан мерос бўлиб қолган мана шу сулуқларни тозалаб, асал муми қўйиб, ёввойи ариларнинг қунишига тайёргарлик қурилар эди. Бу ишни мен жияним Нур Муҳаммад ва Иброҳим Қочқинбой исмли дўстим билан бирга қилардим. Иброҳимларнинг сулуғи ҳам бизникидек қуп эди.

Бу вақтга келиб бизнинг йилқиларимиз (улар тўрт сурув эди) аллақачон яйловларда буларди. Ер ва яйловларимиз рус ҳукумати томонидан мусодара этилиб, давлат хазинасига олинганидан сўнг бизникилар яйлов ҳаётини ташлади. Фақатгина қишлоқдаги уйларимиз ёнида “Хон яйлови” ва “Қорли Булоқ” тоғида яйлов алачуқлари буларди. Хайвонларимиз бу яйлов ҳаётидан асло воз кечишмади. Улар апрелнинг бошлариданоқ биздан руҳсат ҳам сурамай? Месим ва Окбийик яйловларига кетишарди ва у ерда кузга қадар қолишарди. Бу эски яйловларимиз Иброҳим Қочқинбойларники, яъни уларнинг Алагоян (Олақоя) деган қишлоғининг мулки эди.

Қишлоғимиздаги мишар кучманчи халқининг деҳқончилик ва қишлоқ ҳаёти бизникига нисбатан тартибли эди. Мишарлар қуп экин экишар, сабзавот етиштиришар, йил бўйи қишлоқда қолган хайвонларни қишда ёпиқ “абзар” дейилган оғилларда саклашар ва ҳосилни сотиб яхши яшашарди. Бизнинг икки уруғни ҳосили эса, аввал айтганимдек, бир неча этак тариқдан нарига утмасди.

\* “Abzar”, farsca “ab-zar”dan, Bskurtlarda “Azbar”, yahut eski khorezmceden velen “kerte” kelimesi kullanilir



Хайвонларимиз эса кишда қадимги эрон тилидан бизга утган таъбир билан “карта” деган очик оғилларда, эзда эса кишлокка олиб тушилмасдан тоғларда қоларди. Шу сабабли биз деҳқончилик ҳамда оғиллар қурилиши учун вақт сарфламасдик. Хайвонларимиз эзда тоғларда эканлигида оиламизнинг йилқиларини мен боқардим. Экин экинни ёқтирмасдим. Хайвонлар учун ут уриш мен учун кизик машғулот эди, бироқ экин уриш купрок эгилишни талаб этгани сабабли азоб эди, бу ишни қилолмасдим. Барча ишларимизни урмонда бажарардик. Биздан 35 километр узокликда илгари бизнинг уругимизга тегишли булган, кейин ҳазинага олинган (Россия давлати тортиб олган) “Айғир улган” деган жойдан давлат бизга бир миқдор урмон берар, биз уларни кесиб, кишлокка ва бозорга олиб чиқиб сотардик. Шунингдек, арғувон дарахтининг пуслогини оқар сувга қуйиб чиритар, ундан “салабош” деган ихламур моддаси олиб сотардик. Бу ишлар тугагач, мен ут уриш маҳали келгунга қадар яна хайвонларимизнинг ортидан Окбийик томонларга, яйловларга кетар, уларга туз берар, аёллар тайёрлаган қимиздан ичар, бошқаларниқига қимиз ичишга борар, яйловдаги уйинларда иштирок этар эдим. Июнда “така замони” деган қуй суйиш пайти келганда отам, баъзида эса онам ҳам келишар, хайвонларимизни боқадиган оилаларда қолардик. Бу пайтдаги энг завқли иш аричиликда “билан қарав” деган иш эди. Бу қалин арча дарахтларининг юкори қисмида ўйилиб ясалган сулукларга эркин ари тудалари келиб урнашган ёки урнашмаганини ёки бу ёввойи ари оиласидан ажралиб чиққан янги оиланинг бу уяларни қай даражада ёқтиришганини от устида бир дарахтдан иккинчига югуриб кузатишдир. Ҳолбуки, бизга тегишли бўлган бу дарахтларнинг бири тоғда, бошқаси дарада булгани туфайли бир кунда энг яхши от устида 30—40 километр югурилишига қарамай, фақатгина 10—15 тасини қуришга муваффақ булардик. Ҳар йили 15 кун давом этган бу “билан қарав” ишнини мен доимо дустим Иброҳим Қочқинбой билан бирга қилардим.

**§16. Иброҳим Қочқинбой.** Иброҳим Алагоянбоши кишлогининг имоми булган Шамсиддин Қочқинбойнинг мендан икки ёш катга ўғли эди. Буйи икки метрга яқин булган Шамсиддин билан унга ухшаш узун буйли амаким Вали Мулла бошқирд суворий жангчилари орасида бирга хизмат қилишган ва юкорида номи тилга олинган Юсуф майор Қорамишев билан бирга рус қушинининг Сирдарё буйида Ҳуканддилар устига уюштирилган юришларида иштирок этишган. Вали Муллага ухшаб Шамсиддин Қочқинбой ҳам арабча, форсча ва русчани яхши билар, ҳар иккаласи ҳам Чигатой адабиёти билан, айниқса, Аҳмад Яссавий, Навоий ва Суфи Оллоҳёр асарлари билан таниш эдилар. Буржан бошқирдлари орасида Саидуғли Абдуллох исмли шайх билан мана шу Шамсиддин Қочқинбоев том маънода маданиятли инсонлар эди. Иккаласи ҳам Сирдарё ҳавзасида булишган, қушниларимиз булган Макар кишлогидан Юсуф майор Қорамиш

ва Сайрам кишлогидан Бекбулат Мулла каби у ернинг маданиятини Бошқирдистонга олиб келишган эди. Уларда арабча ва форсча қўлзма асарлар ҳам буларди. Шамсиддин Мулланинг китоблари орасида “Меҳр ва Муштарий” исмли бир-бирини яхши курган икки йигит ҳақидаги манзум ҳикоя бор эди. Мулла мен билан угли Иброҳимни Меҳр ва Муштарийга ухшатиб, бу китобдан шеърлар ўқиб берарди. Бу асарнинг расмлар билан безатилган мукамал нусхасини 1958 йил Вашингтонда “Freer Gallery f Art”да курдим.

Шамсиддин уз угли Иброҳимни отамнинг мадрасасида ўқитарди. Менга ухшаб Иброҳим ҳам арабча, форсча ва русчани урганган эди. У тилни менга нисбатан яхшироқ биларди ва уларда бизга нисбатан кучлироқ булган форс ва Бухоро маданияти ҳоким эди. Иброҳим жуда ҳам келишган эди. Шу билан бирга жуда ақлли ҳам эди. Устимиздаги кийимларимиз, “белбов” дейилган ипак белбоғларимиз, баланд пошнали этикларимиз, от куклиги, кушқунлари, узангилари, бел ва корин кайишининг тукалари доғистонлик (қубачилик) сайёр заргарлар томонидан қумушланган қошлари ва орқаси қокмали эгар тақимларимиз, камарларимиз ва ҳатто қамчиларимиз иккаламизники бир хил буларди. Бизга буларни Иброҳимнинг онаси буюрган, нақшли белбоғларни уз қули билан тукиган эди. Иброҳим билан қиш ойларида Утақдан қайтган пайтларимда ва май, июн ва июл ойларида уларникида қолган пайтларим бирга булардик. Отасининг вафотидан сўнг онаси ёлғиз қолдим деб Иброҳимни уйлантирган эди. Шу сабабли таҳсилни давом эттира олмай, узига тўқ бўлган оиласининг уй ишларига қарашга мажбурлигидан доим хафа бўлиб юрарди. Йилқилари зотдор эди. Уларни “шулган” зотли дейишарди. Афсонага қура, биялари Шулган номли қишлоқ яқинидаги ғор ва қулдан чиқиб келган айғирлардан қулунлармиш. Иброҳим бир учқур от ва бияни менга совға қилган эди. Биз шу бия келгач, йилқимиз орасига зотдор от қушилганидан фахр- ланадиган булгандик. Иброҳим таҳсилни ташлаган булса-да, китоб ўқишни ташламади. Ҳақиқатан ҳам жуда қуп ўқирди. Унинг энг яхши қурадиганлари русчада Лермонтов, форсчада Аттор ва Оллоҳёр, туркчада Навоий ва “Муҳаммадийя” эди. Бир-биримизга самимий мактублар ёзардик. Бу мактублар кейинчалик Бухорода курган усулимда кичик ва узун тумор шаклида келарди. Қупинча, бу мактублар халқ оғзаки ижодига мансуб шеърлар ёки эски адабиётдан олинган шеърлар билан безатилган буларди. Биттаси эсимда. Қор ёғаётган булса-да, қишлоққа ва оғилга келмаган икки йилқимизни биз бу томондан, улар у томондан кидиришни илтимос қилиб ёзган мактубимга жавобан “бош устига, бажарамиз” дейиш ўрнига шу маънодаги парчани ёзган эди: “Инсон дустини султон, ўзини унинг қули, дустини рух, ўзини фақатгина вужуд деб билиши лозим, дуст бурк истаса, бош беришга ва жонини истаса, уни ҳам бе-

ришга тайёр булиши керак”.

Ҳақиқатан у биздан 80 километр узоқда хизматкорлари билан бир неча кун излаб, йилкиларимизни топиб, уйимизгача олиб келиб берди. Бошқирдларнинг ёзги ҳаёти дангаса бир ҳаётга ухшаб қуриниши мумкин, аммо дайвон боқиш, урмончилик, ари боқиш ва аскарлик деганда, уларда дангасалиқдан асар ҳам қолмайди. Иброҳим бунга бир мисол эди. Йилқимизни топгунча тоғларда оти билан ҳар ҳолда 200 километр масофа босган. Иброҳимнинг отаси унга Навоийнинг ва Усмонли адабиётидан ёзувчи углининг “Муҳаммадийя”сини ва Камол Умлий девонининг қуп жойларини, форсчадан Аттот, Ҳофиз девонини ва Темурийлар замонида жуда ҳам муътабар бўлган “Нузхату-ларвоҳ” (“Рухлар севинчи”) китобининг ичидаги манзум ҳикояларни ёд олдирган эди. Мен бу охириги асарни умуман ўқимаган эдим. 1913 йилда Бухорога келганимда бу асарни кидириб топдим. Бир неча мартаба ўқиб, Иброҳимни эсладим. Кейинчалик бу асарнинг миниатюралари нусхасини қурдим.

Шамсиддин мулланинг бир нечта форсча қулёзма асарлари бор эди. Бу китоблар қандай китоблар эди, уларнинг такдири нима бўлди, у пайтда мен бу билан машғул бўлолмадим. Иброҳим билан мен кимиз мажлисларида чигатойча оғир манзум асарлардан нашидалар ўқир, маст бўлгач эса, уларни қуйиб, халқ шеърларини айтардик. Дустим Иброҳим “қурай” деб номланган бошқирд найида қуп қуй чаларди. Овози жуда ҳам ўткир ва тиник эди. У айтган қушиқларининг акс садосини эшитишни яхши қургани туфайли қарнисида бошқа тоғлар бўлган Такйа. Чусак тоғига чиқиб, қояларда қушиқ айтар ва най чаларди. Бу ерда Иаруя ва Қораоғоч яйловларида Қочкинбойлар от чоптириб ердан камчи олиш уйинини уйнашарди. Камчини ололмаганлар камчи билан каттик жазоланарди. Жазоланмаслик учун қочар, унга камчи отарди. Югураётиб камчини тута олмаса, бу сафар у камчи ерди. Алишер Навоий ҳам Сарик Тула исмли асли рум (Онадули)лик дусту билан ёшлигида шундай отда қувлашмачоқ уйнаганлари ҳақида айтган.

*Мен Сарик тула билан бирга йўлга чиқдик,  
Тоғ, текислик, водий буйлаб  
Йиртиқ чакмондан қўлимни чиқариб,  
У қочсаю мен қувсам, мен қочсам у қувса”*

\* Ozini qul yarin sultani bilse, Ozini ten refikin cani bilse.

Tilse borkini, bermek kerek bas, Eger can istese qaytarmagay qas.

\*\* Bir Sariq-tula u men tutsaq yol

Ni tag u ni tuz desek ni abad u ni col

Yirtiq kepenekden ciqarip yalan qol

Ol qacsa u men qavsam u men qacsam u ol [qovsa].

Иброҳим бундай шеърларни куп уқирди. Йигитларнинг отли қизлар билан қувлашиш одати ҳам бор эди. Ета олмаган йигит қиздан камчи еганидек, ета олмаган қизни упиш мумкин эди.

Иброҳимнинг қариндоши бўлган Урқия шундай қизлардан эди. Унинг хотини “Ок келин” бумусобақада томошабин бўлиб катнашарди. Бизнинг қишлоғимизда, оиламизда болалигимда Моҳия ва Гулсум исмли опаларимиз суворийликда эркаклардан қолишмас эди. Бирок қишлоғимизнинг кўчманчи татарлари мусулмон маданиятига ортикча берилганликларидан уларнинг таъсирида бизга ҳам ураниш маданияти кириб келди. Буржанларда ҳам баъзи-баъзида бундай олатларни куриш мумкин. Жуда ҳам гузал оти бўлган Урқиянинг орқасидан етиб келганимда жазосини чекса-ю, қадимий дostonларда айтилган “Қора йўрга” кўшигини гуё тағидаги отга айтаётгандек “ва устимдаги хонимни ўлтираман ва уни қучтираман” деб ўзи айтарди. Бу шеърда мадмуазелга муқобил “бекач” дейилган, бирок Қочкинбойлар шева-сида бу суз умумий бошқирд шеvasига мос равишда “бекечти” эмас, “бекачни” шаклида айтилади. Ҳар ҳолда улар айтган ва “кубайир” деб атаган халқ шеърлари Нуғой шеваси таъбирида айтилган шеърлар эди. Мен кейинчалик бунинг фарқига етдим. Бу қувлашмачоқлар пайтида баъзан мен Урқиянинг ортидан етиб борар, билагидан тутар, бирок уполмасдим. Чунки бизнинг наслимизда қизни ҳамманинг кузи унгида ўпиб бўлмасди. Кексалар эса биз ўлардик, сен ҳам уп, деб қулиб ҳазиллашарди. Баъзан Урқия менга етиб олар ва камчиларди. Шунда Ок келин “ҳид хир шол татарди”, яъни “камчи билан терисини шил бу татарни” деб бакирарди. Чунки биз – татарлар учун бошқирд, буржанлар учун эса татар эдик. Қочкинбойлар оиласида қимизнинг энг тозаси ичилар, қизда эса асал шароби Алағоян дарёсининг Ок Эдил дарёсига қушилган ерда воқе бўладиган ва фақат “Идма” деган Алағоян Тамоғи номли кишлоқларига қучиб утганларидан сунг ичиларди ва жуда ҳам жонли рақсларга тушиларди. Намоз казо қилинмас, маст бўлсалар-да, уқишарди. Рамазон маҳали руза тутмаган кишини топиш мумкин эмасди. Менда халқ дostonларига, миллий уйинларга, пойғаларга муҳаббат уйғотган катта амаким Вали Мулла ва мана шу Қочкинбойлар булишган. Иброҳимнинг яна эркаклардек бўлган онаси ҳам, хотини ҳам мулланинг қизлари бўлгани учун саводли эдилар.

*§17. Бошқа дустларим.* Ёшлигимда энг яқин дустларим қишлоғимизда жияним Нур Муҳаммад, қулни Макар кишлоғидаги бир имомнинг ўғли Азиз, рус бошланғич мактаби уқитувчиси Мифтоҳиддиннинг ўғли Амир Қорамис (Карамисhev) эди. Нур Муҳаммад уқини давом эттирмади. У билан ўрмон ишларини бирга қилардик, асалари уяларига бирга қарар, бирга овчилик қилар, киш

бошланганда бирга куён овлардик. Баъзи асарлари ҳам булган Азиз эса Троицкдаги шайхнинг мадрасасида, айни пайтда, рус мактабида тахсил олаётган ақлли ва шоир бола эди. Мадрасада кейинчалик машхур булиб кетган Мажид Ғафурий билан бирга уқишарди. Иккаласи ҳам езда козоклар томонга бориб муаллимлик қилар эдилар. Қўзда қайтганларида эса биргаликда Азизларникига боришарди. Азиз шоирлик жиҳатдан Мажидга нисбатан истеъдодлироқ булса-да, бирорта асар чоп эттирмаганди. Мажиднинг эса бир-иккита кичик шеърини тулами чиқкан эди. Мен бу чулоқ шоир билан (эхтимол, 1907 йилда) биринчи марта куришдим, сунг Азиз билан бирга бир неча марта бизникига келишди. Иккаласи шеър уқишганида ота-онам жуда хурсанд булишарди. Мажид ўша тўпламида “Бошқирдлар Эдил ва Дим дарёси буйларида яшайдиган озод жамоа эди, бегоналар келиб уларни асир этди” маъносидagi шеърларини ўша пайтда ёзган эди. Мажид мендан чамаси саккиз-тўққиз ёш, Азиз эса беш ёш катта эди. Амир мендан бир-икки ёш кичик эди. Шунга қарамай, у ҳам шеърни тушунар. Мажид ва Азизнинг шеърларини ёддан айтарди. Амир кейинчалик русчани ўрганди ва ҳарбий мактабда ўқиди. Ниҳоят, 1917 йил миллий ҳаракатларда у билан бирга ташкил этган ҳарбий қисминизда отқилар командири, сунг эса дивизия командири булди.

Амир мансуб булган Карамисhevлар оиласи аъзолари ўқимишли инсонлар эдилар. Улар XVIII–XIX асрларда бошқирд армиясида зобит ва идорада кантон раиси булишган. Менинг катта тогаларим ҳам юкорида зикр этганимиздек, Юсуф майорнинг қўмондонлиги остида хизмат қилишган. Улар ҳам кучманчи ҳаётни аллақачон ташлашган, маданиятли ҳаёт кечиришарди. Уйлари оқланган, атрофи бог эди. Богларида мевалар, жумладан, олма буларди. Юсуф майорнинг Сирдарё буйларидаги кишлок ҳаёти статистикасига ва козокларнинг ижтимоий ҳаётига доир чоп этилган ёзувлари бор эди. Улардан оиламизга ва Қочқинбойларга энг яқини Умар Ҳожи исми кекса бой киши эди. Бу киши аввал Бошқирдистон мухторият булганда кантон раиси булган экан. У Туркияни, Ҳижозни қурган, Троицклик Зайнуллоҳ эшоннинг яқин дустри эди. Карамисhevлардан яна Аҳмад исмлиси анча йиллар муқаддам Германия императори оиласига мансуб бир кишига кимиз тайёрлаш учун биялари ва оиласи билан кучиб кетган эди. Шу сабабли бироз немис тилини биларди. У бизга Германиянинг гузалликлари ҳақида ҳикоя қилар, расмлар кўрсатарди, яъни немис пропагандаси билан шуғулланарди. Биз энг яхши курадиган киши Карамисhevларнинг отаси – рус тили муаллими Мифтоҳиддин эди. Уларнинг ақсарияти Бошқирдистон мухторият ҳаракатларида ҳарбий ва бошқарув ишларида менинг ёнимда вазифа олдилар. Бошқа яқин дўстларим кишлогимиз жанубидаги Сайрон, Арлар кишлокларида Бекбулат хазрат, Нури муаззин ва Усмон Ҳожи Илёс ўгли оилалари эди. Уларнинг ўғиллари отамнинг мадрасасида

уқишарди. Улар ҳам 1917 йилдан кейинги ҳодисаларда биз билан бирга бўлишди. Жумладан, улардан бири кантондан Абдуллох Илёсов бўлиб, кейинроқ у ҳақда тухталамиз.

**§18. Отамнинг Троицкга сафари.** Июл ойи охирларида Йремел (Эрам эли) деган ердаги яйловларда пичан уриш учун отам томонидан ташкил этиладиган ҳашарлар жуда марокли утарди. Бундай ҳашарларга қабиламизнинг “Элчик темир”га мансуб кишлоклар уругидан купчилик келар ва жуда кўп мол суйиларди. Бу оиламизнинг байрами эди. Иш тугагач, отам дусларини ва шайхларни зиёрат қилишга кетарди. Унинг бу сафари Троицк шаҳридаги пири шайх Зайнуллоҳни зиёрат қилиш билан тугарди. Йулда карағай – қилчок, буржан уругларига мансуб дуслари ва шайхларининг яйловларида зиёфатлар бериларди. Бундай зиёфатларда илмий, диний ва ҳатто сиёсий масалаларда суҳбат қуриларди. Қайтишда отам узларини дoston қаҳрамони Жуработирнинг авлодлари деб ҳисоблайдиган Маҳдий ва Эмин қишлоғи мусулмон қозоклари, Тунгавир, Тунготар (Тунқотар), Тамйан ва Қатай қабилалари йули билан келиб, у ердаги дусларини қуриб утарди. Бу сафар бир ярим ой давом этарди. Ҳар йили такрорланадиган бундай сафарларнинг учтасида мен ҳам купрок от-аравага қараб туриш учун бордим. Ҳар бир сафар ҳаётимда ижобий из қолдирган. 1904 йилдаги сафаримиз Рус-Япон уруши пайтига, 1905 йилдаги сафаримиз рус инқилоби қуларига, 1906 йилдагиси эса Рус Думаси гавғолари вақтига тугри келган. Мен тасаввурфни умуман ёқтирмасдим. Узим риёкор деб ҳисоблайдиган шайхлардан нафратланардим, шу билан бирга Муллакай Абдуллох ҳазрат, Қулбоқти Абдулханнон ҳазрат ва отамнинг пири Зайнуллох ҳазрат каби самимий, ахлоқ ва фазилат намунаси булган руҳонийларни ҳурмат қилардим. Бу уч шайхдан баъзида гузал нарсаларни урганардим. Жумладан, 1906 йил борганимизда Зайнуллох эшон менга кўп илтифот қурсатди. Кичик бўлишимга қарамай, турли саволлар сураб, берган жавобларимни диққат билан эшитар эди. Бир куни эрталаб нонушта пайтида яна бир канча саволлар берди, билганимча жавоб қайтардим. Шунда ҳамманинг олдида “Ма, уғлим, бирор нарса оларсан.” деб қулимга ун рубллик тилла пул тутқазди. Мен у пулга “Хизмат” номли татар китоб дуқонидан Ғаззолийнинг метафизикани танқид қилган асарини, Мисрда ва Истанбулда чоп этилган ислом жамияти ва фалсафасига оид китобни, астрономия ва физикага оид китобларни. Толстойнинг “Крейцерова соната” китоби ҳамда бошқа баъзи рус романларининг арабча таржималарини, французчани урганиш учун туркча-русча суҳбатлашиш луғатини ва бир рус китоб дуқонидан Толстойнинг мамлакатимиз ва мен туғилган 1891 йилдаги очарчиликни қаламга олган “Очарчилик йиллари” номли асарини сотиб олдим.

Бир неча кундан сунг шайх мендан пулимни нимага сарфлаганим ҳақида суради. Мен нима олганимни айтдим. “Баракалла, русчани

биласан, энди французчани ҳам ургансанг, яхши булади”, деди. Физика ва астрономия китобларини олганимга ҳам хурсанд булди. Айниқса, Толстойнинг очарчилик йилларини ҳикоя қилувчи хотираларини айтиб берганимда, яхши китоб олибсан, деди. Кейин билсам, шайх ҳазратлари мени синаш учун пул берган экан. Кейинги мажлисларда қайси китоблардан қайси бирини уқиганимни, уларда нималар ёзилганини сўради. Ҳаззолийнинг “ал-Мункиз мин аз-залал” яъни “Залолат (адашувдан) қутқарувчи” номли асарини олганимни айтганимда, шайх “Уни ҳали тушунмайсан-ку”, деди. Мен: “Бундай китобларни арабчани яхши урганиб олганимдан сунг уқийман деб олдим” деганимда елкамни қоқиб яна пул берди. Мен 15 ёш булишимга карамай, китоб танлашда адашмаганимни шайх кейинги мажлисларда ҳам бир неча маротаба айтганида, албатта, ғурурланиб кетдим. Агар шундай рағбатлашлар булмаганда, балки ҳаётим илмдан бошқа томонга бурилиб кетган бўлармиди. Қозонлик шоир Абдулла Тукай ҳам шунга ишора қилиб: “Мен фақирнинг бошига нелар тушмади, бироқ миллатим бошимни силаб, менда илҳом уйғотди” деган эди. Агар шайх елкамга қоқмаганида эди, мен 15 ёшимда тижорат ишларида нозир (приказчик) булишим мумкин эди.

*§19. Бизнинг қозоқлар ҳамда Сибир (Тюмен) татарлари билан алоқаларимиз.* Бу сафарлар бизга нафақат Урта ва Шарқий Бошқирдистон ҳудудида, балки, қозоқлар орасида ҳам алоқалар ургатишимизни таъминларди. Бунинг 1917–1918 йилларда Бошқирдистон миллий ҳаракатини ташкил этишда жуда катта фойдаси булди. Чор ҳукумати Бошқирдистон билан Қозоғистон уртасига рус вилоятини киритиш учун Ёйик (Урал) дарёсининг шаркидаги миллионлаб гектар қозоқ ерларини тортиб олиб, қозоқ туркларини у ердан чиқариб юборган эди. Бироқ 1904 ва 1905 йилларда улар, айниқса, Қипчоқ қабиласи хануз бошқирдлар билан биргаликда яшашар ва биргаликда чорвачилик билан шуғулланишарди. Улар орасида отамнинг дўстлари булган Вайза ва Нурпай Ҳожи исмли бой кишилар оиласини зиёрат қилиб, бир неча кун у ерда меҳмон булган эдик. Нурпай Ҳожи отам билан тенгдош экан, кейинчалик отам у билан бирга ҳажга кетди. Улар Троицкнинг шарқий томонидаги Эркарағайга яқин эдилар. Мана шу қипчоқлар XVIII аср исёнларида ерларига сизгиниб келган бошқирдларни ҳимоя қилишган. Нурпай Ҳожи қуп дoston билар, катта шоир эди. Ундан бир нечта шеър ёзиб олган эдим. Шуролар узларини пропаганда қилган кекса қозоқ шоири сифатида Нурфайз Байганин исмли шоир ҳақида сузлашади. Унинг баъзи асарларини чоп ҳам этишган. Сунг тасодифан билиб қолдим, бу Байганин бизини Нурпай Ҳожи экан. Бу зот жуда ҳам миллатчи ва мусулмон киши

\* Azmi qaqanni ve soqqanni kuterdi bu yetim

Azgina ustirdi mini so' ygelep hu milletim.

эди. “Қубланди” (“Кобланди”) номли машхур дostonнинг мукамал ривоятини мана шу киши айтган эди. Бу сафарларда отамнинг эски дуэстаридан Тилтар (Дафтарли) кишлоғи Охундидан Мусо Ҳожининг, Тунготар бошқирдларидан эса Исо Охунд исмли кишининг, Тамянда Замагуе кишлоғида Абдуллатиф хазрат деган шайхнинг угиллари билан яқиндан танишган эдим. Уларнинг барчаси зиёли инсонлар эдилар. 1917–1918 йиллардаги миллий ҳаракат вақтида Бошқиристон ҳукуматида муҳим ўринларни эгалладилар. Тамяндан Муртазонинг угли Мусо бизда иккинчи дивизия кумондони булди.

1907 йилда отам тоғам Ҳабиб Нажжор билан бирга темир йули билан Уфа, Челябинск йўли орқали Троицк шаҳрига кетди. Мен уларни Девлекен темирйул станциясига олиб келдим ва уша пайтда биринчи марта 15 ёшлигимда темир йулни кўрдим.

Коронғуда поезднинг чироқлари узокдан кўринди, сўнг чироқ борган сари катталашди. Отларимиз хуркиб-хуркиб кетарди. Айниқса, “Локомотив”нинг қаттиқ чинқирганини эшитиб, отларимизни жойида тутиб туришнинг имкони бўлмади. Арава деворига урилди. Фақатгина уйларнинг орқасига утгачгина отларни минг машаққатда тухтагдик. Отам билан тоғам аравада булишгани учун ҳалоқатдан омон қолишди. Бу сафар отам Троицкдан қайтаётиб, Сибирнинг Мансил шаҳарчасида яшайдиган Неъматуллоҳ Ҳожиникига борибди ва у ердан машхур Сибир мухторияти тарафдори, қадимий Урхун обидаларини топган Ядринцевнинг “Мустамлақа сифатида Сибир” ва “Сибирдаги ғайрирус миллатларнинг аҳволи” номли иккита асарини олиб келди. Углининг, яъни менинг русча билишимни айтгач, Неъматуллоҳ Ҳожи бу икки асарни ҳадя қилибди. Бу энг катта ҳадя эди. Ҳар икки асардаги мақолалардан тушунганларимни отамга ва тоғамга таржима қилиб бердим. Уларда рус булмаган миллатларнинг инқирозга маҳкум эканликларига доир фикрлар рад этилган, бу миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинган эди. Ҳар иккала асар ҳам менинг сиёсий қарашимга таъсир қуратди. Мансил кишлоғига отамдан аввал катта амаким Вали Мулла ҳам борган экан. Ҳар ҳолда оталаримизнинг Ғарбий Сибирдаги Тюмен татарлари билан алоқалари булган

**§ 20. Отамнинг тасаввуфга муносабати.** Отам сафардан қайтиши биланок, “Фазканга борайлик”, деди. Бу Фазкан Алагоянбоши кишлоғидаги Қочқинбойлардан бири эди. “Фазкан”, эҳтимол. Фазлуллоҳ ёки Фозил Хон дегани булса керак. У суфий, машраб, ринд, жумард, эр киши эди. Менинг отам Аҳмадшоҳ шайхликни олса, (яъни шайхлик даражасига етса) биринчи муриди мен буладан дер экан. Шу йили шайх Зайнуллоҳ отамга шайхлик рутбасини берибди, отам ёзма ижозатномасини ҳам олибди. Аммо отам айтдики: “Замонимиз тасаввуф замони эмас, у пайтлар утиб кетди. Эшон (шайх) бергач олдим. Аммо ҳеч кимни мурид қабул қилмайман, фақатгина Фазканни оламан, чунки унга сўз берганман”, деди. Фазкан узига тук киши булиб, Муллакай



хазратнинг шогирди эди. Форсча, бир оз арабча биларди. Биздан эхтимол, 100 километр узоқда турарди. Уникига бордик. отамнинг отдан тушишига ёрдамлашиш учун олдига келдим. Уй томондан овоз, ҳатто шовқин эшитиларди, аммо ҳеч ким чиқмади. Ниҳоят бир киши келди. Бу Фазканнинг ўзи, аммо маст эди. Отамнинг узангасини ўпди. Отамни отдан туширди ва уйига олиб кирди. Уйдан аччиқ асал хиди келарди, жуда ёмон хид эди. Отам: “Ҳа, чучқа, ичибсизлар”, деди. Ҳақиқатан бугун улар базм қилишган эди. Фазкан: “Куноқлар (меҳмонлар) кўрагалар (яъни асал бочкалари)ни сен келганингни эшитиб, урундук (сарир) остига яшириб, ўзлари эса деразадан кочдилар”, деди. Бир оздан сунг аср намозини ўқидик. Фазкан қаттиқ йиғлади. Отам билан Фазкан яссавийчилар севадиган “Суфий нақш улдинг, вале ҳаргиз мусулмон булмадинг”, яъни «Куринишда суфий бўлсанг ҳам мусулмон булмадинг» нашидасини, Муллагулнинг “Масти саломат мекунад, пинҳон паёмат мекунад” нашидасини бирга ўқиб жуждилар. Юқорида ҳам зикр этганимдек, асли Шамс Табризийга оид бу телба қилувчи шеърларнинг маъноси шу эди: “Бир маст сенга салом бермоқда; сен қалбини угирлаган бу одамнинг жони сенга хизмат қилмоқда; Сен йуқдан бор, бордан йуқ қилишни биласан, мастнинг саломини тингла; бу шундай бир мастки, икки қули ҳам сенинг қопқонингга тушган. Сен ҳар дудокнинг тоти, ҳар мазҳабнинг кибласисан, кўкдаги ой ҳар кеча сенинг уйингда куриқчилик қилади. (Бу маъшук) бир боқсанг сенга қанот – учасан, бир боқсанг кемангнинг темиридир – кимир этолмайсан; бир лаҳза сенинг тонгинг, бошка лаҳзада сенинг коронгу кечангдир. У сени бир лаҳза титратади, бир лаҳза қажқаж кулдиради, бир боқсанг сени маст қилар, яна бир боқсанг сени жонсиз айва, тошга айлантирибди. Ҳечқиси йуқ, тан (бадан) бўлолмасам, жон бўламан, гавҳар бўлолмасам гавҳарларнинг қони бўламан; эй кунгил, шуҳратинг фано (йуқ) бўлишидан асло қурқма, бу орқали яхши шуҳрат топасан”. Уларнинг мана шундай суфий жазаवासига тушиб дунёни унутишларидан ичим сиқилди. Отамни бу телбанамо ҳаракатлардан қайтариш учун, ота, отларга сув берайми, дедим. Бер, деди, мендан хурсанд бўлди: «Аҳмад бизни уйғотди, у ҳушёр, жазавага тушиш жоиз эмас, мен тасаввуфни ва шеърларини

\* Mesti selamat mi kuned pingah peyamet mi kuned  
Anku (an ke u) dilesra burde-i can hem gulamet mi kuned  
Ey nist-kerdi hest ra, bisnev salam-i mest-ra  
Mesti ke her du dest-ra, pa bend-I damet mi' kuned  
Ey casini-i her lebi, ey qible-i her mezhebi  
Meh pasibani her sebi , ber gerd-i bamet mi kuned.  
Yek lahza et per mi dihed yek lahza lenger mi dihed  
Yek lahza subhat mi kuned yek lahza samet mi kuned  
Pes ten ne basem can sevem, gevher nebasem kan sevem

севаман, аммо суфийликни хушламайман, турайлик”, деди. Шундай қилиб, уша куни отам Фазканни муридликка қабул қилган.

Иккинчи куни Фазкан отамнинг шарафига от сўйиб бутун қушни кишлок муллаларини чақирди, катта зиёфат берди. Бу зиёфат Қочкинбой уғилларининг бизга нисбатан наслдан наслга утиб келаётган дустликларини абадийлаштириш учун берилган эди. Мен уша кеча Иброҳим Қочқинбойларникида қолдим, вақтимизни асал ичиш билан ўтказдик. Буни отам биларди, бироқ билмасликка олиб, биз томонга келмади. Қочқинбойларнинг қозоқ, қипчоқ уруғи билан мустаҳкам алоқалари бор эди. Иброҳим менга худди аввалгидек қозоқ шоири Сайдалининг шеърларидан, яна “Қизжибек” достонини уқиб берди. Чунки марҳум отаси Троицкада яшайдиган Сайдали (Сайдали ўғли) оиласи билан яқин дўст эди, унинг рус шоири Пушкиндан таржима қилган шеърларини ҳам Иброҳим биларди. Иброҳим менга бу сафар шундай дустлик курсатдики, ҳаётимда уларни ва Фазкан берган муридлик зиёфатини асло ёдимдан чиқармадим. Фазкан: “Мулла шайх бўлди, бироқ ҳеч қимни мурид қилиб олмади, фақатгина мени олди”, деб фахрланар экан. У ҳам Муллагул сингари ғалати инсон эди. Яхши суҳбатдош эди. Жуда қуш шеър ва дoston биларди. Баъзида жуда қаттиқ маст бўлса-да, ҳеч қачон намозини қолдирмаган. Жуда яхши курадиган Аллоҳига нисбатан баъзида “Жомимдаги шаробни тукдинг, ё Рабб, “Мен мастми ё сен мастмисан, ё Рабб” деган Онадули дарвишичалик” бепарво эди.

Отам бир сафар бошқа бир кишлокдаги дустивикига борган эди. Мен Фазканларникида бир ҳафтача қолдим. Фазкан бир куни август иснигида пичан йиғиб, чарчаб уйига қайтган эди. – Аср намозини ўқидингизми? – деб сурадим. – Асрни нима қиламан, иш бўлса, уни яйловга берасан тамом. Аллоҳ кутади, аммо пичан кутиб турмайди. Намознинг қазоси бор, аммо пичаннинг қазоси йук, буни Аллоҳдан яхшироқ биламан, – деган эди. Отам ягона мурид сифатида қабул қилган Фазканнинг бундай қуфр сузларидан хабардор эди. “Фазкан олд тишларини землемер (рус зироат муҳандислари) билан уришганда йукотган, ҳаёти давомида мусулмонларга фақат яхшилик қилади, Аллоҳ унинг ора-сира айтган қуфрларини кечиради. У менинг замондошим бўлган энг самимий мусулмондир, у Аллоҳнинг севган бандаларидан биридир” деди. Отамнинг суфийлиги ва мусулмонликка қараши мана шундай эди. Шу билан бирга, Фазкан уша кундан кейин ичмади. Отам: “Шайх бўлганимнинг ягона фойдаси Фазканни ичкиликдан қайтариш бўлди”, деб қаҳ-қаҳ отиб қуларди. Отамнинг қаҳқаҳалари жуда ҳам кучли эди.

§21. *Кузги ҳаётимиз.* Кузда мен кишлокдаги ари инларидан ташқари, тоғлардаги сулуқлардан ҳам асал туплаш билан машғул

\* Ibriq-i mera sikesti Rabbi, hakem ba-dehen meger ke mesti Rabbi (Baba

булардим. Бу ишни Кулгун кишлоғидаги дустим Меҳмет Кофий ва Иброҳим Қочқинбой билан бирга бажарардик. Кузда мен яна физика билан ҳам шуғулланардим. Троицк сафарлари пайтида физикадан асбоблар олган эдим. Отамнинг мадрасасидаги бир хона менинг “лабораториям”га айланган эди. Бунда менга Макар кишлоғидан юкорида номи тилга олинган Азиз ёрдам берарди. Электр ва телеграф ишлари билан ҳам узим шуғулланар эдим. Уйимиз билан мадраса орасида морзе ишлатардим. 1907 йил баҳор фаслида почта оркали Уфа ёки Троицкдан келтирган эдим. Буни биздан 35 километр узокда жойлашган Истарлитомок почтасидан олишга туғри келди ва у ерга отамдан яширинча бориб келган эдим. Мадрасада талабаларга илми ҳайбатдан (астрономиядан) дарс берардим. Бу дарсларни Аҳмад ва Саид исмли икки кишининг савол-жавоби шаклида ёзган эдим. Бу болада Фламариондан ва Хусайн ал-Жиср номли суриялик олимнинг асаридан фойдаланар эдим. Булар юртимиз учун янгилик эди. Талабалар ҳам қизиқишарди. Отамга бу дарсларим маъқул келмади. Чунки айтиб утганимдек, у ернинг айланишига ишонмасди.

Мен глобуснинг каттароғини ясадим. Куёш атрофида ернинг айланишини курсатиш учун коронгуда чироқ атрофида айлантириб талабаларга курсатардим. Мен ерни юмалоқ қилиб ясаш учун клей урнида ҳамир ишлатдим. Афсуски, ёзда мадрасадаги хонамга қуйилган бу глобусни сичқонлар еб, менинг шунча меҳнатим бекор кетди. Отам бундан хурсанд бўлиб: “Ернинг айланишига сичқонлар ҳам ишонмайди”, деб қотиб-қотиб кулди. Менда физикага оид русча дарсликлардан ташқари. Истанбулда чоп этилган туркча китоблар ҳам бор эди. Уларни Троицкда олган эдим.

Асалари боқиш сеvimли машғулотим эканлигини бир неча марта тилга олиб утдим. Бунга оид китоблардан, айниқса, “Пчеловодство” (“Асаларичилик”) номли русча мажмуадан урганганларимни уз ариларимда синаб кўрардим. Куз келганда ииларни қишлик жойларига уз қулим билан жойлаштирардим. Асаларилар менга зиён етказишмас, узларининг дусти деб билишарди.

Кузги машғулотларнинг яна бири сотиш учун боқилган йилки ва молларни Истарлитомокқа олиб бориб сотиш ва уйда қишлик гушт тайёрлаш эди. Эҳтимол, кузнинг энг гузал, энг завқли иши киш учун хайвон сўйиб, гушт тайёрлаш эди. Буни “суғум” (сўқим) дер эдик. Ундан жуда кўп кази тайёрланарди. Бу муносабат билан одамлар бир-бирларига зиёфатлар беришарди.

Асал ҳосилидан кишлоқда жуда кўп шароб тайёрланарди. Исломга мослаштирилган бу шаробни баъзи бошқирд имомлари ҳам ичишарди. Қариндошимиз Аҳил мулла хақида тўхталган эдим. У халқдан ушур деб асал йигиб олар, хаммасини ичиб битирар эди. Унга эргашиб намоз ўқийдиган жамоат ҳам узига ухшаган эди. Улар Аҳил муллани отамдан кўра кўпроқ яхши кўришарди. Имом афандимизнинг

бундай ҳаракатлари Алишер Навоий ва қозок шоири Абайнинг фикр ва қарашларига мос келарди. Унинг замонида ҳам суғум қунлари жуда қуш шароб ичилад экан. Алишер Навоий айтиди: “Қуёш ботиб шафақ қизаргунга қадар мажлисингни шароб билан раванк топтир, Тангрини ҳам унутма, шаробни ҳам ташлама, чунки Аллоҳ Каримдир, сени кечиради”. Хуллас, мен қузда тоғлардаги сулуғ асалларини уз қулим билан туплаб, уларни сотиб, бир оз пул қилиб олмасдан, асалари инларини қишки ерларига жойлаштирамасдан, илк қорларда дусларим билан қурол ва лочин олиб, урмонларда, тоғларда товуқ, қирғовул ва қуён овламасдан туриб мадрасага бормасдим. Мол, отларимиз қор қалинлашмасдан қишлоғимизга ва уйга асло қайтишмас эди. Улар “тебин”дан, яъни утқи қор остидан оёқлари билан қазиб олиб ейишни ёқтиришарди. Бизни узокдан қўриб қочишарди. Бу сарқаш ҳайвонларни қалин қорли урмонларда топиш учун чанғидан фойдаланардик. Қор жуда қалинлашганда улар шундоғам урмонлардаги “кебен” дейиладиган ут йиғинларига келишарди. Аммо ораларида эҳтимол оталаримиз Уралнинг шарқида булган пайтларидан қолган “Тебин” аънарасини саклаганлари биз уларни қуруқ ут йиғинларида тутмоқчи булганимизда яна қочишмоқчи буларди. Биз уларни тутиб олиб, яхшигина қалтақлар, эсларини қиритиб қуярдик. Бизнинг бошқирдлар ҳам севган аёлларини шундай уриб йулга солишади.

## УЗОҚЛАРДА УҚИШ ИСТАГИ

§ 22. *Туркиялик Ориф Бей, бир америкаликни, Мурод Рамзий ва араб файласуфи Мааррийнинг менга таъсири.* Тоғамнинг алоҳида эътибори билан 18 ёшимга қадар Утақда қуш нарсаларни урганган эдим. У ислом тарихи манбаларининг энг асосийси булган Ибн ал-Асирни бошидан охирига қадар уқиган, бир қисмини туркчага утириб нашр эттирган ҳам эди. У Туркия тарихидан Жавдат пошо тарихини деярли ёд олган, тарихга муҳаббати баланд олим эди. У 1877 йилдаги Рус-Турк муҳорабасини батафсил биларди, ҳатто Грязнов исмли бир руснинг уруш тарихига бағишланган асарини қулга қиритган, уни баъзан менга уқитарди. Турклардан номи юқорида тилга олинган Меҳмет Ориф Бейнинг урушга оид “Бошимизга тушган қушлар” номи остида чоп эттирган хотира китобини такрор-такрор уқиган эди. Мен ҳам бу асарни японларнинг русларни мағлуб этган урушнинг таассуротлари остида булган пайтимизда уқиган эдим. Бир америкаликнинг Миср ҳокими Тавфик пошога ёзган ва бу асар сунгидаги мактубида “Сиз етти миллион инсон икки-уч минг инглиз буйунтуруғига қандай

\* Ol dem ki quyas batti u sarg'ardi sefaq,  
Bezminge sefaqq'un mey ile ber ravnaq.  
Ni Haq-ni unut, ni mey-ni qo'yg'il mutlaq,  
Kim tanla erur Tanr-i kerim, u birur haq

ган утинларсиз” деган маънодаги фикрларини Россия мусулмонлари учун ҳам ибрат булиши керак булган сузлар деб биламан. Бир томондан. Ядринцевнинг асари, бошка томондан, Мехмет Ориф Бейнинг китоби менга каттиқ таъсир килган эди.

Мамлакатимизнинг Мурод Рамзий номли олими Хижозда яшарди. Бу киши ҳам отамнинг, ҳам тоғамнинг дусти эди. Ёз оиларининг бирида бизникида мехмон булган эди. Бу киши Қозон турклари ва Россия мусулмонлари тарихига доир икки жилдлик арабча асар ёзган эди. Бу асарнинг кул қисмини тоғам қоралама ҳолидаёқ уқиб чиккан эди. Шу асар 1907–1908 йилларда Оренбургда нашрдан чиқди. Отам уша йили қишда ҳажга кетган ва мадрасани ҳали ун етти ёшга кирмаган булсам-да, менга ва бир халфасига қолдирган эди. Мен киш буйи 1300 саҳифалик ушбу асарни уқиб, талабалар орасида ақллиларига, айниқса, Иброҳим Қочкинбойга айтиб берардим. Бунда туркларнинг утмиши гурур билан, русларнинг тарихи эса ачиниш билан қаламга олинган эди. Мадрасамизнинг бир чеккасида “Халқ кутубхонаси” номли кутубхона очган эдим. Кутубхонага китоб олиш учун пул йиғдим. Газеталар келтирдим. Баъзи газеталар уларга хабар берганимдан кейин бепул жунларди. Шу тарика Петербургда чиқадиган “Улфат” ва арабча “ал-Тилмих”, Қозондан “Баён ал-Ҳақ” ва “Юлдуз”, Оренбургдан “Вақт”, Астархандан “Эдил”, Боқудан “Иршод” газетаси билан “Фуюзот” мажмуаси келарди. Қримдан “Таржимон” газетасини отам илгаридан оларди. Яна русча “Биржевые ведомости” газетаси ва “Нива” журнали келарди. Уларни кишлоқда мен ва амаким Аликаррор мулла уқир эдик. Бу киши кул йиллар қозоқлар орасида муаллимлик қилгани боис қозоқча сузларни аралаштириб гапирарди. У менда қозоқ тили ва адабиётига нисбатан қизиқиш уйғотди. Унинг таъсирида Қозонда чоп этилган бутун қозоқча китоб ва рисоаларни кутубхонамга келтирдим. Отамда эски оилавий анъаналар натижасида қозоқчага нисбатан муҳаббати бор эди. Узи қозоқлар орасида яшамаган булса-да, улардан Нурфайз Ҳожи ва Вайза бой каби дуствлари бор эди. Ҳажга ҳам улар билан бирга борган эди.

Кутубхонамизга китоб келтириш мақсадида Орсқда “Шарқ” ва Тошкентда “Средняя Азия” номли китоб дуконлари билан алоқа урнатдим. “Шарқ” кутубхонаси хужайини Аҳмад Исҳокий зиёли инсон эди. Отаси Исҳоқ ҳазрат отамнинг дусти эди. Эҳтимол, у Туркияда таҳсил кўрган булса керак, Туркияда ва Мисрда чиқадиган замонавий нашрларни келтириб сотарди. Исломга оид русча нашрларни ҳам оларди. Бу кишининг менга кул нафи теккан. Мунтазам равишда каталоглар нашр этар ва мактуб орқали янги нашрлардан мени хабардор киларди. Унинг воситасида Истанбулдан “Маълумот” мажмуасини олиб келтирдим. Тошкентдан келган китоблар орасида қозоқ султони Кенесари угли Сиддик Султоннинг русча таржимайи ҳоли, Афғон

амири Абдурахмонхоннинг хотиралари ва генерал Куропаткиннинг “Қашгар саёҳатномаси” бор эди. Абдурахмонхон хотираларининг форсча асли ва русча таржимаси бор эди. Куропаткин Қошғарда Ёқуб Бек хузурда рус элчиси булган вақтда ёнида биз танийдиган Суяргулов исмли бошқирд оиласидан бир зобит борлиги учун менга қизик эди. Бу китобда Суяргуловнинг ҳам ёзувлари бор эди. Шу баҳонада Қашгар ахволини билиб олдим. Амир Абдурахмонхоннинг хотиралари эса Ўрта Осиё халқлари миллий овозли ҳаракатларининг жонли тарихини каламга олган эди. Бирок бу асарнинг форсчаси билан русчасини солиштириб уқиганим учун бу икки тилни ўрганиш жихатдан фойдали эди. Мен Қозонда босилган “Кенесари Наврузбой” достонини билардим. Кенесарининг ўгли Сиддик Султоннинг достонга мавзу булган ва мураккаб ҳаётини тасвир этган таржимаи холи Мурод Ришонинг тарихий китобига киритилган эди. Чунки Мурод Ризо Сиддик Султон ва унинг биродари Аҳмад Султонларга муаллимлик қилиб, бир неча йил бирга булгани боис уларни яхши сузлар билан мадҳ этган эди. Мурод афанди бизникида меҳмон булганда, улардан китобига кирмаган маълумотларни ҳам берган эди. Кенесари ва Сиддик тура миллатимиз озодлиги йулида курашган қаҳрамонлардан эди. Аликаррор мулла амаким уларга оид шеърларни ўргатганди. Масалан, қуйидаги шеърни асло унутолмасдим:

*Душманга ҳар томондан, буронли қор каби ҳужум қилиб,  
Абилай! Абилай! деб отларимизни куйиб юбордик ва уларни енг-  
дик, эздик.*

*Ёдингда Тангри булмаса, жонинг қасрда тинч ётади?  
Куз билан қуриб турган давлатинг булмаса, қунглинг қандай ҳузур  
топар?\**

Аликаррор амаким буларни ургатибгина қолмай, ёд ҳам олдирадди. “Халқ кутубхонаси”га келтирган китобларим орасида Хива хони Абулғозихоннинг “Шажараи турк” китобининг Петербургда чиққан нашри бор эди. Бу китоблардан Абдурахмонхоннинг хотираларини узяри ҳам Бухорода таҳсил курган Сайрон имоми Бекбулат билан отаминг ёрдамчиси Кашшоф хазрат уқир эди. Мурод Рамзий ва Кенесари бизга рус асоратидан қутулиш фикрини берса, Ориф Бей ва Амир Абдурахмон дунё даъволари орасида бизнинг ҳам миллий даъвомиз булишини айтишарди. Амир Абдурахмонхон замонамиз одами эди, бир қанча сузлари ҳаётий даррларимизга сурилган малҳам каби эди.

Инглизлар Афғонистоннинг ички ишларига аралашгач, у Абдурахмонхон Эрон йули билан Хивага келади, бу ернинг хони,

\* Javdi jasqab japorip \* Javgan qar day boradiq

Abilay'lap at qoyip \* duspandin aldin oradiq

Canin qayda cay tabar \* cadinda Cabbar bolmasa

Konlin qayda cay tabar \* ko'rmasa deydai bolmasa

беклари ва халқини ёқтиради. У ердан Бухорога келган, амирини ҳам, халқини ҳам ёқтирмайди. Самарқандни ишғол қилган руслар билан инглизларга қарши келишиб олишни уйлаб, одамлари билан Самарқандга келади. Руслар уни дастлаб аҳши қарши олишади, бироқ Туркистон истиқолини муҳофаза қилган козок султони Сиддик тура ва ўзбек Кенегас уруғи беки бўлган Журабекка нисбатан аҳши муносабатдалигини эшитиб, уни музокара учун келган деб уйлаб ярим кечаси Тошкентга келтиришади. У руслардан яхшилик келмаслигини куриб, узича иш қилиш учун юртига қайтиб кетишга чоғланади ва русларнинг кўрмагандек ҳаракат қилишига ишониб Масчо тоғлари, Ҳисор ва Бадахшон йули билан юртига қайтади. Маҳаллий Қатагон ва бошқа ўзбеклар ёрдамида Балхни, сўнгра Кобулни инглизлардан қутқариб, ҳозирги Афғонистонни янгитдан куради. Хур фикрли ва тараккийпарвар бўлгани боис мамлакатда фабрикалар ва матбаа курдиради, Ғарб усулида тиббиёт ва ҳарбий форма олиб киради. Дунё сиёсатини узокда туриб диққат билан кузатади. У даставвал инглизларнинг душмани сифатида Россияга тарафдор бўлган бўлса-да, у ердан юртига русларнинг душмани бўлиб қайтади. Русларнинг осийликларни ютиб ҳудудини кенгайтириш йўлига кирган, натижада осийликларни йуқ қилишни мулжаллаган бир миллат эканини осийликлар тушуниб етишади. У инглизлар сиёсатини ёқтирмаслик баробарида Осиё миллатлари учун ягона нажот йули Россия эмас, Ғарб миллатлари билан бирлашиш эканига ишонади. Тоғам ва отамда рус инқилобидан сўнғ мисрлик Мустафо Комилнинг газетасини уқиб, инглизларга нисбатан салбий муносабат уйғонган эди. Инглизлар айёр халқ ҳисобланарди. Шу сабабдан тоғам ва отам Абдурахмонхоннинг инглизларга мойиллигини хушлашмасди. Уларнинг фикрига кура, турклар ва Осиё миллатлари мустақил йул тутиши шарт эди. Бутун умидлари Япониядан эди. 1907 йилда япон императорининг дин излаётгани ва исломга мойиллиги борлигини, Туркиянинг эса у ерга бир хайъат юборганига доир хабарларга аҳамият беришарди. Отам менинг Пушкин ва Ядринцев асарлари билан машғул бўлишимни хушламасди. Шу билан бирга, Пушкиннинг Пугачёв кузғолони тарихига доир асарларидан бошқирдлар ҳақида, Ядринцевнинг олтойликлар ва қозоклар учун айтган ижобий сузларини менга таржима қилдириб тинглар ва “Инглизлар орасида Афғонистон ҳамда Миср тарафдорлари булганидек, Россияда ҳам балки Ядринцевга ухшаганлар кулайса бизга фойдаси тегади”, дер ва Ғаззолийдан “Золим фарзандининг асабига теккан нола ва фарёд мазлумга ёрдам келтиради” маъноли араб мақолини эслар. Ядринцевнинг ҳақиқа дуо қиларди.

1906–1908 йилларда “Халқ кутубхонаси”га келтирган газета, мажмуа ва китоблар, уқиган асарларим, отам ва тоғамнинг ҳузуридаги бундай суҳбатлар эндигина ун олтига кирган менга бир нави “Weltanschauung” сиёсий савод берган эди. Бунинг натижасида

мен рус тили орқали билимимни кенгайтиришни хоҳлардим. Рус тили уқитувчилари мактаби (учительская школа)га боришни, ислом манбаларида урганган тарихий маълумотларимни рус манбалари билан қиёслашни уз олдимга мақсад қилган эдим. Бу фикрни менда Мурод Рамзий уйғотган эди. Унинг уша пайтларда нашр этилган тарихий китобларининг баъзи парчаларини отам ва тоғамга уқиб берганимни айтган эдим. У ўзи билган русча тарихий китобларни, айниқса, узи фойдалана олмаган Соловьёвнинг “Тарих” китобини урганишимни истарди. Айниқса, Ядринцевнинг асарлари унга жуда ёққан эди. Бу қиш (1907–1908) отамнинг мадрасасида араб тилидан ва Пайгамбар ҳаётига доир “Нур ул-яқийн” номли арабча асардан баъзи сабоқлар бердим. Араб адабиётига нисбатан туйган, туғрироғи, тоғамдан олган муҳаббатим менинг фақатгина рус тили билан яқиндан машғул булишимга йул бермасди. Мусо Жоруллох Афандининг асарлари мендаги араб адабиётига бўлган муҳаббатни яна оширарди. Шу йили бу зотнинг араб шоири ва файласуфи Абул Аъло ал-Мааррийнинг “Ал-Лузумиёт” номли асаридаги фалсафий фикрларини изох этувчи китоби номини юқорида зикр этганим Аҳмад Исҳоқий томонидан чоп қилинган эди. Мен бу асарни (“Ал-Лузумиёт”ни) араб адабиётининг шох асари деб билар, ундаги фикрларга, хусусан, дин ҳақидаги эркин қарашларга мафтун эдим. Мусо Жоруллох ушбу асарнинг “Д” ҳарфигача бўлган қисминигина нашр эттирди. Аҳмад Исҳоқий орқали китобнинг Ҳиндистонда тошбосма усулида ва четларига шарҳлар билан босилган нусхасини келтирдим. Шарҳ ва изохга муҳтож бўлган асарни тулик тушунмагач, менда араб тилини мукаммал урганишга бўлган ҳавас янада ортди. Қийинчиликларни енгиш истаги менда кучли булгани учун (Абул Аъло) ал-Мааррийнинг “Ҳақиқатларнинг ва ҳазиналарнинг пинҳонийлиги фақатгина менда уларни қидириб топишга бўлган қароримни оширади” сузлари ҳаёлимни бутунлай банд этган эди. Дин хусусида унинг шу сузлари менга манзур эди: “Ҳар бир динда бир қанча ботил ақидалар бўлади, зотан ҳақиқатга етишишда имтиёз берилган ягона қавмни курсата оласизми?”.

*§ 23. Муҳитини, жамоатини даврасини, истиқомат жойини ташлаб таҳсил учун узоқларга кетсам, қаерларда, қандай таҳсил оламан?*

Кейинчалик Нью-Йоркда имом бўлиб, у ерда вафот этган Ниёз Мақсудов ўша вақтда Байрутда Америка коллежида уқирди. Мени у ёққа чақирмоқда эди. Мен ҳам Россияда қолмай, ташқари чиқиб, Байрутга қадар борсам, бир тарафдан, араб адабиётининг теранликларига шунғир, иккинчи тарафдан, инглизчани урганиб олар эдим, дея уйлардим. Отам ҳаждан қайтишда Араб диёридан ва Истанбулдан мен учун жуда муҳим асарлар келтирганди. «Йил

\* Fi kull-i din-in abatil-un yudan-u biha,  
Va hal tafarrada yavm-an bi'l-huda cil-u.



бахорда Кузан ва Утак кишлоқларига энди сигмайман” деган фикр миямга урнашиб қолди. Бир ерларга кетмоқни ва кенг миқёсда таҳсилни давом эттиришга қарор қилган эдим. Отам эса мени узига ворис сифатида имом ва мадрасасига мударрис қилишни истарди. Унинг фикрича, мен русчани ҳам билганим учун сиёсий ишларга аралашувчи “Земство” (туман раҳбарияти ёки вилоят идораси шуруolari)га, ҳатто Думага аъзо бўла оладиган даражада маълумотли бир имом бўлсам, миллатимизга янада фойдалироқ бўлар экан. У мени шу мақсадда дарҳол уйлантирмоқчи бўлиб, Урал шарқидаги Ҳожи Магмат (Мағамбек) Ёкимбетов исмли дустининг қизи Нафиса билан турмуш қурмоғимиз учун гаплашиб қўйгандилар. Лекин энди Мирзакай кишлоқидан асли катай (китай) уруғидан Абдурахмон деган бир бой бошқирднинг гузал эканини эшитган(им), лекин ҳали узини ҳеч кўрмаган(им) кизига уйлантиришмоқчи эдилар. Ҳатто сеп дегандай, у-булар ҳам олиб қўйишган, бунда отамнинг жуда яқин дустри Мирзакай имоми Собир ҳазратнинг ҳам таъсирлари бор эди. Лекин менинг розилигимга зид уйлантирмасликларини онамга айтгач (билдиргандан сўнг), улар ҳам бошқа жойларга бориб, илм урганиш фикрига берилганимдан хабар топдилар. Онам, Нурмуҳаммад ва Азиз бу хусуслардаги ҳаққимни менга танитар, тушунтирар эдилар.

Илк баҳорда Утақдан уйга қайтганимда, бизникига отамнинг дўсти, Дума (Россия парламенти) аъзоси Шоҳшариф Метинов келди. Менга отамнинг ҳузурда русча таҳсилимни давом эттиришимни тавсия этиб, муаллимликдан нима чиқади, деди (яъни илм олишга йўллади). Рус тилини яхши билган зот бу сафар профессор Грушевскийнинг Украинада мухторият ҳаракатлари ҳақидаги ва профессор Максим Ковалевскийнинг миллатлар мавқеи мавзудаги асарларини ҳаё этди. Бу билан бу зот мени ўз соҳасига, яъни сиёсатга тортмоқ истарди.

Май ойида мен Алоғайнбошига, Иброҳимларникига бордим. Бир куни олачик (чодир, чайла) дейилгувчи яйлов кулбалари олдидаги бир-бирига яқин икки арчага суяниб турардик. Мен дустимга барча сирларимни сузладим. Ниёз Мақсудов мени Байрутга даъват этганини, доктор Зайнаб Абдурахмонова ва Шоҳшариф Метиновнинг Россияда қолиб, русча олий маълумот олишни ташвиқ этганларини бирма-бир айтиб бердим. Дустим мени рус муҳитига кирсам, ўзи учун фидо бўлажогимни уйларди ва Ҳожи Муҳаммаднинг кизига дарҳол уйланишимни қатъиян тавсия этарди. Отамни бу ишга кундиришини айтди. У ерда қурут (пишлоқ) қайнатаётган аёли “Оқ келин” бизни эшитиб турарди. Эрига: “Таҳсилни давом эттиришни тусиб булурми?” деди. Мен ҳам “Аллоҳ рози бўлсин!” дедим. Онам ва Иброҳим, Нур Муҳаммад ва Азиз талаб, илтимос этсалар уйланмоқни қабул қилмоқчидим, онам рози бўлмаган тақдирда узоқ мамлакатга кетиш фикри уртадан кутариларди. Чунки ўша кунгача бўлган ҳаётимда отам мендан ранжиган пайтлар буларди, лекин ҳеч вақт онажонимни хафа

қилган эмасман. Оқ келиннинг бу аралашуви билан ҳаётимнинг буюк эврилиш (бурилиш) нуктасига кирган бўлдим. Чунки Иброҳим отамга ҳам таъсир эта оларди. Июньнинг сўнгига қолдирмасдан Оренбургда яшаб, илм олиш учун йўлга чиқишга қарор қилдим.

Мен узим яшаётган Кузан билан Ашакбар, Алгаёнболли, Оқ бийик яйловларини севганим ҳолда иқтисодий-маданий жиҳатдан жуда оғирда эканидан уқинардим, лекин рус адибларидан Толстой билан Аксаков Бошқирдлар ҳаёт фалсафасини идеаллаштирганда ҳақли эканликларини фақатгина кейинчалик англаб олдим. Бу муҳитнинг маънавий раҳнамолари булган зиёли ва мунаввар табақа кишилари мени турк, араб ва форс маданиятлари, Ғарб ва Шарқ мутафаккирлари билан таништирдилар, менга кейинчалик ҳеч қандай узғаришга, бошқа шаклга, бошқа йўлларга киришга муҳтожлик қолдирмайдиган ахлоқий тарбия ва сиёсий ғоя берди.

П  
МЕНИНГ ДАСТЛАБКИ ИЛМИЙ ИШЛАРИМ  
(1908 – 1916 йиллар)

§ 24. *Оренбург ва Қозон сафари.* Менинг 18 – 26 ёшгача булган йигитлик даврим катта машаққат билан ўтди. Бир томондан таҳсил олиш, муаллимлик қилиш, иккинчи томондан илмий изланишлар. Аввал ватаним Бошқирстонда ва Қозонда, кейинчалик илмий сафарлар ҳамда тадқиқотлар олиб бориш учун Фарғона, Петербург ва Бухорода бўлишим, менга кенг ва равион илмий муҳитга кириш имконини берди. Бу муҳитга мен 1908 йил 29 июнда қишлоғимиздан чиқиб, секин-аста кириб бордим. Уша куни ота-онам бошка бир қишлоқда меҳмонда эдилар, бир қуруш (чақа) пул олмасдан, елкамдаги турва – халтада бир юмалоқ нон, бир урам қазни, бир ховуч қурут ва бир оз чой булгани холда уйдан чикдим. Пою-пиеда йулга тушдим. Отамга, “Таҳсил олмоққа қарор қилдим, уйлана олмайман”, дея мактуб битдим. Бунда “Вақтидан аввал, яъни вақти-соати келмасдан уйланган киши думига супурги таққан сичконга ухшарки, уясига қира олмайди” мақолининг маъносидаги арабча ҳикматли сўзни илова этдим.

Сиқилмасликларини, дуода бўлишларини ўтиндим. Қишлоқда ҳеч қимга ҳеч нарса демадим. Жуда яхши қурадиган елкадошим, доимо кечалари от утлатмоққа бирга бориб, утлокзорда кучоклашиб ухлайдиган жияним Нур Муҳаммадга эса илгарирок айтиб қўйган эдим. Лекин унга ҳам қайси кун жўнашимни сузламадим. Ушанда жуда яхши курганим қўшни мишар кизи Лайлобадир онамнинг истеъдодли талабаси эди, биргалашиб дин ва ахлоқ ҳақидаги китобларни уқирдик. Бизнинг қишлоғимиздан сув олмоқ учун келарди. Энди жўнай деб турганимда, у келиб қолди, йиғламасин деб, унга ҳам айтмадим. Бу ишдан ягона хабардор укам Абдурауф билан бир отга мингашиб, сукмоқларидан юриш мушкул булган “Тўққиз кир” тоғи устидан ҳаракат қилдик. Укам мени 10 километргача қузатиб қайтиши керак. Отдан тушдик, иккимиз ҳам кўп йиғладик. Чунки бу тапвиш, можароларга тула ҳаётимнинг бошланиши эди. Бу қароримни Иброҳим Қочқинбой ҳам, у каби Абдурауф ҳам айни шундай қўрқув билан қаршилаган эдилар. Мен яёв кетдим. Абдурауф эса мен то қузга қуринмай кетгушимча йиглаб, қараб қолди. Яқин қишлоқларнинг ҳаммасига танилган бир ёш йигит булганимдан, йулимдаги Сайрон қишлоғига ҳам учрамасдан, қир йулларидан юрардим. Бу сунгги овулдан Умар Қирав деган бир бошқирдга дуч келдим.

– Йул бўлсин, бундай яёв?... – деди.

– От излаб юрибман, – дедим.

– Отларингиз ўтлайдиган жойлар бу ер эмас-ку? – деди.

– Меҳмонларимизнинг отларини ахтаряпман, – дедим.

Бу одам шубҳаланди. Мен хайрлашиб, йулимда давом этдим. Лекин бу одам отамга хабар беради, деб уйладим. Отам таъкиб этишини эса асло истамасдим, йулимни тамоман бошқа тарафга бурдим.

Бугун насронийларнинг “троица” (Тринту, – Учлик) дейилгувчи “кичик пасха” (кичик пасхалия) байрами эди. Верхотор номли Рус қишлоғига ҳолдан тойган ҳолда етиб келдим. Русларда бир мақол бор: “Без Троици дом не строится” дейишади. Яъни “кичик пасхасиз уй қурилмас” деганидир. Руслар ақидасига қура, бу байрам хайрли ишларнинг бошланиши ва асоси ҳисобланади. Шундай яхши бир кун елкамда кичик бир турвача булгани ҳолда рус қизлари билан рақс (танца) тушдим. Авваллар ҳам руслардан эшитиб юрганим “Во саду ли, в огороде девушка гуляла” каби қишлоқ яллаларига жўр булдим, қизлар ҳам мени кучоқлаб “башкирёнок, башкирчик” дея эркалаб, упиб қуйишарди. Мен эса ичимда “Қандай гуноҳлар қилмоқдаман. Агар бундай кетадиган булса, ишим хароб”, дердим. Бир йигит арок ичинга зурлади, ичмасдан қадаҳини тўкиб юборганимдан сўнг устимга арок қўйди, мен йиғладим. Чунки кичиклигимдан буен асал (аччик асал) ичганим ҳолда арок ичмоқ у ёқда турсин, либосимга бир томчиси тукилишига тоқат қилолмаган булардим, чунки Қуръонга қура катта гуноҳ эди. Рус қизлари турвамни елкамдан олиб яширдилар. Мен буларнинг ниятлари ёмон экан, дея уйга бордим. Ота-онамдан айри бу гайридинлар орасида кунимни қандай кечираман, дердим. Ниҳоят, мени сархуш ҳолда яшил утлар устида ётган бир бошқирд чулонининг ёнига ётқиздилар. У эса сархуш булишига қарамасдан, воқеани қузатган:

Уларнинг тилини биласан, улар билан рақс тушаяпсан, албатта, турвангни ҳам яшириб қўяди, устингга арок ҳам қўяди. Нега йиғлайсан, ёт, ухла, деди.

Турвамни эса бош тарафимга қўйиб қўйишган экан. Тонгда қуёш чикмасидан бу ердан жунаб қолдим.

**§25. Малавизда дин ҳуррияти байрами.** Уч кундан сўнг Малавиз номли шаҳарчага келганимда у ердаги мусулмонларнинг байрамига келган бир бошқирд муаллими менга Умар Қиравнинг мени курганини ва отамга хабар қилганини, отам дарҳол отига миниб ортимдан таъкиб қилганини, бироқ Азнай қишлоғида бой бошқирд дустининг олдига келганида ушга дустини отамни мени таъкиб этиш фикридан қайтарганини айтди. Бу гапларни эшитиб, кўнглим жойига тушди. Малавизда чор ҳукумати томонидан зўрлик билан насронийликка айлантирилган татарлар бор эди. Улар қалбан мусулмон эдилар. 1905 йилги инқилоб берган нисбий ҳурриятдан фойдаланиб, очикчасига мусулмонликка қайтиб, катта бир масжид қуришганди. Мана шу жомеъанинг очилиш маросими булаётган эди.

Бу ерга бир канча кишлоклардан имомлар, татар ва бошкирдлардан муътабар зотлар келишган эди. Бир неча юз куй, бир нечта хукиз, сигир курбондик қилинди. Атрофдаги кишлоклардан қимиз келтирилди. Мени муллалар дастурхонига утқизишди. Японияда исломнинг кенг миқёсда ёйиლაётганига доир “Олами Ислом” газетасидаги мақолалар хусусида сузлашиб туринганида уртага японлар мусулмонларнинг хак мазхабларидан бирини қабул қилишмаса ҳам мусулмон булишадими, деган савол ташланди. Мен исломнинг узи мазхабларидан кура устунроқ ва афзалроқ эканини исботлаш учун ислом олимларидан Ибни Таймийя ва Ибн Қаййум ал-Жавзийнинг асарларидан сузлаб нақл этиб, мутаассибларнинг хужумига учрадим. Холбуки, мазхаб ва тариқатларга фиркаланишнинг мусулмонлар учун зарарли эканини айтиб, менга тарафдор булганлар ҳам бор эди. Менинг сузларим мана шундай кишилардан Илёс Боязидов исмли татар савдогарининг диққатини тортибди. У мени уйига чақирди. Бу ерга баҳсларда очик ва дунёқараш кенг бошқа имомлар ҳам чақирилган экан. Маълум булдики, Илож Оға ушбу мавзуда илм аҳлларининг эркин ва атрофлича фикр билдиришларини таъминлашни истабди. Жуда мароқли суҳбат булди. Келган муллалар менинг илм олиш мақсадида чет улкаларга бориш ниятида эканлигимни билишди. Улар ислом илмлари соҳасида билимимни ошириш учун Мисрга боришимни тавсия этишди. Бошкирдистоннинг бир четида Ибн Таймийянинг фикрлари билан кизиқадиган савдогарнинг борлиги уша пайтда татар ва бошкирдлар орасида ривожланаётган миллий маданият харакатининг ижобий натижаси эди. У киши менга турт-беш рубл пул ҳам берди.

§26. *Қуноқбой гузали*. Малавиздан яёв чиқдим. Отамнинг таъкиб қилишидан чўчиб, шоссегга чиқмадим. Тунлари экинлар орасида ухладим. Шу тарика, Қуноқбой номли кичик бир кишлок чеккасидаги олачик, яъни ёзги уйга келиб қолдим. Бу ерда овқатланиб олмоқчи эдим, жуда фақир кишилар экан. Уйда катталар йўқ эди. Ўн икки-ун турт ёшлардаги киз ва икки ака-ука менга сув қайнатиб беришди. Нон билан чой ичдим. Ҳар иккаласи ҳам фавқулодда келишган эди. Бир тиланчи ўлиб, унинг ифлос, йиртик чопонидан кўрпа қилишмоқчи булишибди. Э Худо, бу инсонлар нақадор фақир, қандай кун кечиряшади улар, дедим. Шу билан бирга уларнинг гузаллигига жуда ҳам хайрон қолдим. Турвамдан нон, қурут ва қазии олиб, уларга бердим. Бу қандай гузаллик, унинг ёнида қандай фақирлик, деб узим узимга савол бердим.

Жалололдин Румий туркийлар хаётида кузатиладиган гузал ҳолатни тасвирлаб, бундай деган эди: “Кигиздан қилинган чодир қанчалик қора ва фақир булса, унинг ичидаги турк гузали уша нисбатда ой каби порлайди”. Уларнинг битта эчкилари булиб, соғиб

\* Besi aargah siyah based. deran Turki cu mah based.

сутини ичишарди. Бирок ботқирдларда сахийлик баъзида хаддидан ошади. Бу икки ака-уканинг отаси агар жуда қадрдон булган дусти ёки узига муршид деб билган эшон, шайх қунок булиб кулбасига келса, силанинг ризқи бўлган бу эчкини сўйиб, келганларни меҳмон қилиши турган гап. Ичимда агар илм учун бу сафарга чиқмаганимда шу қизга уйланардим, деб ўйладим. Укаси олачик атрофидаги утлоқда утлаётган эчкиларининг жойини узгартириш учун узоқлашганда қизни упсамми деган хаёл утди, аммо бунга журъат қилмадим. У мenden, кейинги йил ҳам келасанми, деб сураганида узоқларга илм талаб қилиб кетаётганимни айтдим. У узоқларга кетаётган булсанг керак булади, деб менга бир оз ок ип ва игна берди. Эҳтимол, бу бир одат (оклик) эди. Шосседан четроқда Мусо номли татар кишлоғида яшайдиган отамнинг дусти бой Наби Ҳожиникида меҳмон бўлдим. У жуда семиз киши эди. Отам келиб қолган тақдирда ҳам мени тутиб бермай кочириб юборишини айтди. У ҳам менинг қишлоқда қолиб кетишимни истамас экан, ҳатто бу ҳақда отамга ҳам айтибди, унга ўқишига имкон бериш керак, дебди. Эртаси қуни у ердан йулга чиққанимда мени Қарғали кишлоғига элтиб қўйиши учун арава берди. Яна йул пули ҳам. Бир кийимлик мато бермоқчи бўлиб, буни Оренбургда тиктирасан, деди. Мен унга Қунокбой кишлоғи чеккасидаги олачикда яшайдиган оиланинг фақирлигини сузладим ва уларга нима совға қилганимни айтиб, иккита курпа беришини ва менга бермоқчи булган матоси урнига шу ишни қилишини илтимос қилдим.

Ҳожининг уйидан чикиб йўлда кетар эканман, фикру-зикрим Зулайхо исмли уша қишлоқ қизи ва укаларида эди. Фурсатни бой бериб, уни уполмадим, дердим узимга. Кишлоғимизда бундай упиш одати йўқ эди. Буни мен романларда уқиган эдим. Бу ўшанинг таъсири эди. Яхшиям шу ишни қилмадим, дедим.

Йиллар утди. 1913 йилда почта отлари билан Оренбургдан Истарлитомоқка кетаётганимда, Қунокбой кишлоғи яқинидан утдим. Уша йилларда немис шоири Гётенинг Зулайхо исмли қизга хитоб қилиб ёзган шеъри менинг Зулайхомга айтилгандек эди. Гётенинг: “Ишқ сабаб кофир бўлишимнинг виждон азобини битта буса билан йўқ этишга изн бер, сен топинган санамлар яна қалбингда менга нисбатан севги уйғотган тилсим булсин” сўзларидаги бу санам Зулайхомнинг менга берган игна ва ипи эди, дедим. Почта станциясида бир қунокбойликдан: “Қишлоғингиз четида ёзда олачикда яшайдиган Зулайхо исмли қиз ва укаларини кўрган эдим, уларнинг аҳволи яхшими?”, деб сурадим. У укаларининг иккаласи ҳам уйланганини ва фарзандлари ҳам туғилганини айтди, бир пайтлар уларникига “шекирт” (талаба-шогирд) меҳмон бўлганини ва иккита курпа жунатганини

\* Lass die Reneg'atenburde, mich in deinem Kuss verschmelzen.

Den nein fitzliputzli wurde Talisman an deinem Herzen. (5)

айтиб, “Бу сенмасмисан?” деди. Мен мухаббатимни яшириб, “Жуда фақир эдилар, Наби Ҳожи оркали уларга бу ҳадяларни юборган эдим”, деганимда у киши “Бирок сен ҳам фақир талаба экансан, биз у кизни Зулайхо сулув дердик”, деди.

*§27. Оренбургга келишим ва Ҳусайнийя талабалари.* Пулим кам бўлгани боис уни фақат озиқ-овқатга сарфлардим. Пичан (уг) бозори жомеъа муаззинининг рухсати билан ўша жомеъанинг бир хужрасида ётардим. Бомдод намозига турар, хуфтон намозидан сунг ётиб ухлардим. Устбошим кир бўлиб кетганди. Совун сотиб олиб Сакмар дарёсига кирларимни ювиш учун бордим. Уларни юваётганимда ўзи битта булган кўйлагим дарёга оқиб кетди. Куйлакни тутмоқчи булганимда дарёнинг гирдобига тушиб қолдим. Жуда ҳолдан тойган эдим. Дарахтнинг сув ичига қадар кетган томири мени қутқариб қолди. Унга тирмашиб чиқиб олдим. Сув мени анча жойгача суриб кетган эди. Кўйлагимдан ажралган бўлсам-да, жонимни қутқариб қолганимга шукр қилдим. Соҳилда қолган кирларимнинг олдига келаётганимда, узларини Ҳусайнийя мадрасасида уқиймиз деб таништирган талабалар яқинлашишди. Улар ёзги таътилда мана шу ерда “роша”(дарахтзор, кичик урмон)да утиришган экан. Менинг гирдобга тушганимни куриб, ёрдамга югуришибди. Улар орасида (исмининг Бектемир эканини кейинроқ билдим) менга умрбод, қиёматли дўст бўлиб қолган бошқирд йигити ёнимга келиб: “Худонинг узи асради, шукр қил”, деди. Мен: “Ҳа, сузишни билмаганим ҳолда узимни дарёга ташлаганим учун Аллоҳ мени жазолади, бироқ жонимга ачинди, улимим яқинлашганда қулимга дарахт илдизини тутқазди”, дедим. У: “Қуркма, узим сенга сузишни ургатаман,” деди. Узлари утирган баракка олиб борди ва менинг яланғоч қолганимни куриб, тоза куйлак берди. Улар билан бирга овқатландик. Дустларининг баъзилари, жумладан, мен кейинроқ танишган ёзувчи Абдуллоҳ Баттолнинг укаси Кавий замонамиз таъбири билан айтганда “осий ёшар”, ўша пайтнинг тили билан “дахрий” инсонлар эди. Шу воқеа сабаб улар билан душлашдим. Улар менинг кийимимга қараб қулишарди. Чунки устимда бошқирд кишлоғи йигитининг кийими эди. Бошимда эса “бурк” ва “тақия”, устимда “башмат” ва “йилен” деган жубба, оёғимда “ситек” (маҳси) ва “қата” деган оёқ кийимим бор эди. Қишлоқдан олиб кетган қушимча куйлак “ингирбовлу” деган бошқирд куйлаги эди. Шимсиз, “учқурли” катан иштон кийган эдим. Бир кун ярамас йигитлардан бири уртокларининг олдига “усқур” деган иштон боғимни тортиб юбориб, шарманда қилмоқчи бўлди. Ҳамма қулди. “Бу кийимларни бу ерда қийма” дейишди. Бектемир менга шаҳар тикувчилари тиккан шим берди. Биринчи марта европача ёзги шим кийишим эди. Бизда шимни фақатгина кишда кийишади. Кийимим сабаб улар менга қўп ҳазил қилишар, мени содда қишлоқи деб билишарди. Бироқ улар орасида русча биладиган ва социализм

хаканда гапирувчилар ҳам бор эди. Улар менинг араб ва форс тилларини яхши, рус тилини ҳам уларга нисбатан анча мукаммал билишимни эшитиб, хайратландилар. Маъаррий Абу-л-Ало Аҳмаднинг “Ихтиёрий мажбурийлик” (“Ал-Лузумийят”) номли лирик фалсафий девони, рус олими Ядринцевнинг “Положение инородцев-Сибири” ва Фаридулдин Атторнинг “Панднома”сини турвамга солиб олиб келган эдим.

Бир рус китоб сотувчисидан араб адиби Жавзийнинг “Русча-арабча луғат” китобини топдим. Пулим оз булгани боис қулимдаги пулга уша китобни олсамми, олсамми деб уч кун бориб келдим. Ниҳоят олдим. Бу мен учун буюк неъмат эди. Ундан фойдаланиб, Ядринцевнинг китобидан алоҳида баҳсларни татарча (чигатойча)га таржима қилар ва Бектемирга уқиб берардим. Жумладан, бу китобдан “Причины вымирания инородцев и способность их к культуре”, “Значение кочевого быта в истории человеческой культуры” номли икки фаслни тушунганимча таржима қилдим. Мана шунинг воситасида “осий ёшлар” орасида эътиборим ортди. Бектемир узига тук қишлоқ имомининг угли эди. У менга узи қийиб юрган палтосини берди. Шундан сунг бинойидек шаҳарликка ухшаб қолдим. Бу “шекирт” шогирдларнинг баъзилари мендан арабча ва русча уқитишимни сурашди. Мен эса билишим дарс ургатадиган даражада эмас, деб узимни олиб қочдим. Улар мени узлари билан олиб қолишмоқчи ҳам булишди, бироқ мен қупчилиги ичкилик ичадиган ва кимор уйнайдиган бу йигитлар билан бирга қолишни узимга муносиб қурмадим. Қишлоғимиздан шу ерда майда тижорат билан шугулланадиган Мишарнинг ҳйга жойлашдим. Бектемир менга сузишни ургатди. Сакмар дарёсининг гирдобли булмаган жойларида деярли ҳар қуни чумилардик. Бу талабалар мендан нима қилишимни сурашди, мен уларга: “Ҳали билмайман, аммо, албатта, уқийман”, дер эдим.

§28. *Камолбойнинг имтиҳони.* Уша қунларда Туркияда инкилоб булган эди. Татарлар очган кироатхонага борар ва Еш туркларнинг Парижда чиқараётган “Шурои Умнат” газетаси нусхаларини уқирдим. Рус газеталари ҳам инкилобга оид батафсил маълумот берарди. Бу ҳодиса мени яна бир бор Туркия томонга тортди. Мусо Ҳожининг таявсиясига қура, Камолбой Убайдуллин исмли татар бойи билан танишдим. У менинг Истанбулга, Бойрутга ва Мисрга бориш ниятимни маъқуллади. Аммо тусатдан мени уз билганича имтиҳон қила бошлади. Мендан “Қирк фарзни биласанми?” деб суради. Мен намоз, закот, руза ва ҳаж каби фарзлардан бошқа фарзни билмайман дедим, саволига яхши жавоб бера олмадим. Асли тоғам менга факат арабчани ургатган, диний дарсларни кейин осон урганиб оласан, деган эди, аммо бунга фурсат етиб келмаганди. У либерал эркин фикрли киши булгани учун намозда факатгина фарзларга аҳамият берган, суннатларни ургатмаган эди. Камолбой мана шу суннатларни суради. Бу саволга ҳам тузукрок жавоб бера олмадим. Уша ерда унинг



иш бошқарувчиси ҳам бор эди. У менга ёмон караш қилди, “Қуръони каримда мусулмонлар учун ҳалол ҳисобланган тург ҳайвонни бир ерда турт жуфт, яна бир ерда эса саккиз жуфт дейилган, арабчани биласанми?” деди. Мен “Қуръонни қисман билман. аммо асбоби нузул (Қуръон нозил бўлиши сабаблари) ва аҳкомни билмайман”, дедим. Сунг Камолбой менга: “Сен Истанбул ва Мисрга боришингдан олдин бу ерда кўл нарсани ўрганишинг керак экан. Шу ердаги Зоҳид ҳазрат мадрасасига бор, бу йил уша ерда илм олиб, узим ёрдам қиламан, аммо Истанбулга боришинг учун бу йил ёрдам беролмайман, қурилиш ишим бор”, деди. Бу сузларни эшитиб, Маъаррий Абу-л-Ало Ахмаднинг “Бу дунёда инсонларнинг энг фақири буюк ва қудратли кушни қуриш учун пулга муҳтож бўлган подшоҳлардир” маъноли шеърини хотирладим. Камолбойнинг уйдан чиққач, тоғамдан жаҳлим чиқди, менга Мулла Жомий, Тафтазоний каби олимларнинг “Мутаввал”и, “Наҳжу-л-балоға” шарҳи каби наҳв, адабиёт ва балоғат китобларини ўқитдингиз, Ибн Холлиқон қабиларни тарихий асарларни ўқишимни тавсия этдингиз, аммо “Қирқ фарз”ни ўқитмадингиз, юзим қора бўлди. деб ич-ичимдан ачиндим ва бу воқеани дустим Иброҳим Қочкинбойга батафсил ёзиб юбордим. Камолбой ва иш бошқарувчиси менга ора-сира келиб туришим мумкинлигини ва ёрдам беришларини айтган булсалар-да, Оренбургдан чиқиб кеттунимга қадар уларнинг туманига бормадим. Камолбойнинг имтиҳони мени Миср ва Бойрутга бориш фикридан қайтарди. Унинг фикрича, менинг тоғамдан урганганларим ҳеч нарса эмасди. Мен ичимда: “Энди сенинг “Қирқ фарз”инг билан ишим йўқ”, дедим.

§29. *Ризоуддин Фахриддин.* Оренбургда буюк олим Ризоуддин Фахриддин раҳбарлигида “Шуро” деган бир мажмуа нашр этила бошланган эди. Бу зот шу йили мен ниҳоятда кадрлайдиган Маъаррий Абу-л-Ало Ахмаднинг ҳаёти ва фалсафасига доир жуда гузал бир мақола нашр этганди. Мен бу мақолани ҳали қишлоқдалиқ пайтимдаёқ ўқигандим. Отамнинг яқин дусту, журналнинг бош муҳаррири Ризоуддин ҳазратни зиёрат этдим. У зот мени хурмат билан қабул қилди. У мажмуа ноширлари бўлмиш Рамеевларга қарашли бир қаватли уйда турарди. У билан тарих ва адабиётга, билхосса, Маъаррийга оид куп нарсаларни суҳбатлашдик. “Қирқ фарз” воқеасини, табиийки, унга айтмадим. Таҳсил олиш ҳақидаги дардимни айтдим. Ўзлари озми-қулми, ишқилиб, русча билар эканлар. Менга баъзи рус тилидаги тарих китобларини ва Соловьёв тарихини курсатдилар. Бу ҳам узгача бир имтиҳон эди. Рус мактабида қолиш ёки Сурияга кетмок каби икки ут орасида тараддулланаётганимни айтдим. У менга мамлакатда қолмокни тавсия этди. Бу зот 1926 йилда ҳажга кетаркан, бир муддат

\* Va afqar un-nas-i fi dunyahum melik-un  
Yad[u]jha ila 'l-[luhab al]-qarrar-i muhtaca[tu]

Истанбулда тўхтаб, Самадийядаги яшаш жойимда меҳмон булдилар. 1908 йилда Оренбургда куришганимизда, мени русча тахсилга тарғиб этганларини хотирладилар ва:

– Россияда қолишингиз жуда уринли бир иш эди, чунки Сурияга кетган булсайдингиз, бу инкилоб йилларида қилган тарихий ишларни қилмаган булардингиз. Туркияга келган мунавварларимиздан Юсуф Окжура билан Аҳмад Ога ўғлидан бошқа шахсиятини эслашга арзирли, бу мухитда бир из қолдирувчи киши қуринмайди, – дедилар.

Мен «Шуро» мажмуасининг ноширларидан шоир Зокир Рамеевни ҳам уйида зиёрат қилдим. Бу зотни 1906 йилда Троицкка кетаётганда, Ирандик тоғлари шарқидаги «Султон» номли олтин конларида отам билан зиёрат этиб танишдик. Шеърлари беҳад гузал эди. У чигатой адабиётидан вокиф эди. Оренбургга келган кунларимнинг бирида «Шуро» мажмуаси эшигида Алишер Навоийнинг бир асаридан нақл этилган (аслида XIV аср Олтин Урда шоири Хоразмийнинг шеъри бўлган) «Севгилимнинг юзида хол яратган Тангри, унинг сочларини бўйи баробар узун яратган» маъносидagi икки мисрани тўрт мисра қилиб, гузал бир шакл бериб ёзиб қўйган эди. Мен Зокирбойнинг қулида бу парча янада гузал бир шакл олганини айтдим\*. («Онингким ол энгинда менг яратди, Қадри бирла сочини тенг яратди») ва Навоийнинг хотирамда қолган баъзи бошқа шеърларини нақл этдим. У эса дарҳол дафтарига қайд этди. Жумладан:

*Гурбатда ғариб шодмон булмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон булмас эмиш,  
Олтин қафас ичра ғар қизил гул бутса,  
Булбулга тикондек ошиён булмас эмиш.\*\**

шеъри менинг ҳолимни баён этганини ҳар ҳолда биларди. Мен унга Қозонга бормоқчилигимни ва русча муаллимлик мактабига кирмоқ ниятида эканимни айтдим, у ҳам буни мақбул кўрди. Лекин моддий ахволимдан суз очмадим. Шунингдек, у “Вакт” газетаси идораҳонасида Яруллоҳ Валиев деган муҳаррирга учрамогимни тавсия этди. Унга учраганимда эса эртаси кун менга Зокирбой номидан 50 рубл пул берди.

Зокирбойнинг суҳбатлари жуда самимий эди. У менадан Алишер Навоий асарларини каерда уқиганимни суради. Мен эса «Девон» отамда ва Алогуён (Олакуён)да Қочқинбойларникида, «Хамса»нинг

\* Anın kim al eninde men yarattı,  
Teni birleşecini ten yarattı.

\*\* Gurbetde g'arib sadıman bolmas imis,  
El ana safiq u mihruban bolmas imis.  
Altın qafes içre qizil gul butse,

босмахона нашрини Сайрон кишлоғида, Бекбулат ҳазратда қурганимни айтдим.

Демак, Зокирбой Рамеев ушанда ҳам Алишер Навоийнинг «Хамса»сини ва «Девон»ини курмаган, фақат «Муҳокама»сини ўқиган эди.

§ 30. *Астрахан сафари ва Абдурахмон Умар угли.* Мен Наби угли Мусо Ҳожи ва Зокирбой Рамеев берган пул билан аввал Астрахан, сўнг Қозонга бориш учун юк поездида йулга чиқдим. Йулда Бузовлик шаҳрида тушиб, Алиаскар Чигатой исмли имом ва адиб билан кўришдим. Бу киши либерал кайфиятда бўлиб, Пайгамбаримизнинг завжалари Ойшани қораловчи асар ёзган эди. Сухбатимиздан билиндики, бу мавзуга оид ёзганларини рус миссионерларининг китобларидан олган ва уйида ислом тарихига оид ҳеч қандай манба йук деб уйладим.

Самарада “Иктисод” номли мажмуа нашр этаётган имом Фотиҳ Муртазин билан кўришдим, зиёли киши экан. У билан миллий ҳаётимизга довр самимий суҳбатлар курдик. У менга иктисод илмларини урганиш ва рус муаллимлари мактабида ўқиш билан чегараланмай, университетга кириш йулларини кидирсам яхшироқ бўлишини, ёшим катта, яъни 18 га кирганим боис имтиҳонлар учун хусусий шартларда тайёрланишим кераклигини билдирди. Бундай тавсияни ноҳиямизда доктор Зайнаб Абдурахмонова ва адвокат Султонов ҳам айтишган эди. Фотиҳ ҳазратнинг ҳам шу фикрни айтганидан ажабландим. У ердан пароход орқали Астраханга йул олдим. Бу шаҳарга келишимнинг ягона сабаби “Эдил” номли газета нашр қила бошлаган Абдурахмон Умаров билан куришиш эди. Қоранғой туркларидан булган бу киши Қозондаги Маржоний мадрасасида тоғамнинг талабаси булган экан, мен кичкиналигимда бир марта устозини излаб кишлогимизга ҳам келган, амаким Вали мулла ва отам билан бутун юқори Ок Эдил ва Ёйик буйларини кезиб, қадимги нуғой дostonлариди айтилган жойларни, Эрамал, Сихмамай ва бошқа яйловларни зиёрат қилишган эди.

Мулла Абдурахмон тоғам ва отам билан мактублашиб туришар экан. Бу киши Астраханнинг Тирак номли посёлкасида яшар эди. Уйда меҳмон қилди. Астрахан атрофидаги нуғой кишлокларини айлантирди. Бу кишининг ҳам қадимий турк дostonларига муҳаббати баланд бўлиб, бу борада тайёрлаган асарлари ҳам бор эди. Бир қисмини рисола шаклида нашр этган эди. Араб тили ва адабиётини мукаммал биларди. “Қофия” исмли арабча наҳв китобини туркий тилга таржима қилиб чоп эттирган эди. Мен таҳсилим хусусида унга маслаҳат солдим, бироқ ёза олиш қобилиятимни билиб, узининг газетасида муҳаррир сифатида олиб қолиб, шу ерда уйлантиришни таклиф қилди. Аммо мен Қозонга бориб, илм олиш фикридан қайтмаслигимни билдирдим ва пароход билан у ердан жунаб кетдим.

Пароходнинг юклари орасида ярим қочок ҳолда Қозонга йўл олдим. Бирок Қозонга боришдан олдин йўлда қолиб, бир оз пул топмоқчи булдим. Саратовдан утгач. Балаков пристанида тушиб, бир кишининг таърифи билан Прохоров номли рус фермасига пиёда бордим. Ўттиз километрлик масофа экан. Оёқларим шишиб кетди. Кенга томон манзилга етиб келдим. Бир чойхонага кириб Иброҳим Қочкинбой ва онамга алоҳида мактуб ёздим. Чекаётган азобларим ҳақида айтдим ва модомики, ўқиш ниятида эканман, бу азобларга чидайман, дедим. Отамга хат ёзишга ботина олмадим, чунки билардимки, мендан хафа эди. Мана шу фермада хирмон машинасида 15 кун ишладим. Бу ишлар, бир томондан, мен учун завқли эди. 25 кун қолишни мулжаллаган эдим, бироқ хирмон мудирини машина бузилиб қолгани учун менга газаб килди. Бундан жуда ҳам қисиндим. “Ҳақорат эшитиб, топган пулларим харом булсин” деб ҳисоб-китоб қилишни сўрадим. Мудир ўзининг ноҳақ эканини билиб, менга 16 кун учун ҳақ берди. Мен топган пулим ишлатилиб кетмасин деб, Балаков бандаргоҳига пиёда қайтдим. Бу ерда бир кун пароход қутишга туғри келди. Шу пайт Камалик бошқирдлардан Гузайир номи киши от-араваси билан кишлоғига қайтаётганини эшитиб, мени ҳам бирга олиб кетасизми, мен ҳам Камалик буйини (яъни Кама дарёси буйидаги бошқирдларни) бир курай, чунки аждодларимиздан булган Эштуғон уша ерда вафот этган, дедим. У мамнуният билан мени уша ерга олиб борди. Сулак деган жойга, сунг номлари ёдимдан қутарилган бошқирд қишлоқларига келдик. 1917 йилда Бошқирдистон миллий озодлик ҳаракатида мана шу Камалик бошқирдлардан кўп мухтарам зотлар бизнинг ҳаракатимизга қўшилди. Сафарим тўққиз йилдан сунг содир буладиган воқеалар учун фойдали булди. Эртаси кун яна бандаргоҳга келаётган бир киши билан қайтиб келдим.

Пароходга кечикдим, шу боис бошқасини қутишга туғри келди. Фурсатдан фойдаланиб, онамга ва Иброҳимга рус фермасида ишлаганим ҳамда Камалик қишлоқларига борганим ҳақида узун мактуб ёздим. Ҳеч қачон шеър ёзмаган булсам-да, тамоман саргузашт булган бу мактубни вазнга солиб ёздим. Кейинчалик хатим қўпчилик танишлар томонидан ўқилгани ва таҳсинга сазовор булганини эшитдим. Пароходда Пушкиннинг “Пугачёв қузғолони” номи асарини таржима қилиш билан машғул булдим.

§ 31. *Маржоний ва унинг асарлари.* Қозонга келиб, тоғамнинг устози булган Шаҳобиддин Маржоний мадрасаси ва унинг ўғли Бурхон муллани зиёрат қилдим. Мадрасадаги мударрис Суфий ҳазрат ва халфаси билан суҳбатлашдим. Маржоний муҳаққак Россия мусулмонлари орасидан етишиб чиққан энг буюк олим булган. У рус мусташирлари (шарқшунослари) орасида ҳам танилган, уларнинг илмий конгрессларида қатнашган эди. Бирок унинг мадрасасини бошқариб турган Суфий ҳазрат мени қониқтирмади. Қосим ҳазрат

хамда одамлари билан муносабатим яхши эди. Бирок тоғам тарбия курган муҳит булгани сабабидан Маржоний муҳитини уз муҳитим деб билардим. Унини угли Бурхон мулла ва қозонликлар каттаси бўлган Олимжон Баруднинг кутубхонасида Маржонийнинг хали босилмаган “Вафии йат ал-аслаф ва тахият ал-ахлаф” номли саккиз жилдлик асарини уқидим. Бу асарнинг муқаддимасини ташкил этган биринчи жилди нашр қилинган эди. Араб файласуфи Ибн Халдунга эргашиб ёзилган бу “Муқаддима”да Маржоний бир қанча либерал фикрларни ургага ташлаган эди. Маржоний бу буюк асарини 1881 йилда нашр этган “Мунтахаб ал-Вафия” номли арабча хулосасида ҳам айтганидек, халифалар тарихини, ислом олимларининг таржимайи ҳолларини ёзган, сўнгги жилдларда эса (Эдил) Волга ҳудуди, Туркистон ва Усмонли олимлари ҳақида ёзган эди. Бу буюк асар хусусида болалигимдан бир нарсалар эшитганим туфайли, уни ўқиш мен учун жуда марокли эди. Ҳозирги кунда бу буюк асарнинг Қозон университети кутубхонасида сақланаётганини Россия Фанлар академиясининг Қозон шўъбаси нашридан билсак-да, асарнинг ҳеч булмаганда русча хулосаси йўқлигини, каталоги ҳам тузиб чиқилмаганини айтиш Россия Фанлар академияси нашрларидан биламиз. Бу асарнинг нусхасини Истанбул университетига келтириш йўлида Туркиянинг Москвадаги элчиси проф. Али Музаффар Бей орқали бир неча мартаба қилган ташаббусимиз натижа бермади. Мен 1908—1909 йилларда ушбу саккиз жилдлик асарни бошдан-охир ўқиб, бир жилд туркча хулосасини тайёрладим. Маржонийнинг 1915 йилда бўлиб ўтган 100 йиллик юбилейи вақтида Қозон университетининг Археология жамияти ушбу хулосам ҳақида тақриз ёзиб менга юборган ва ўша пайтда русчага ўгирилиб чоп этилган эди. Шарқий турклар орасида ўтган асрда вужудга келган ушбу муҳим маданият тарихи манбани ўқиб, ташвиқ қиладиган бирор кишининг чиқмаганлиги ажабланарли. Ҳар ҳолда Қозон татарлари орасида кейинги пайтларда арабчани етарли даражада биладиган тарихчи етишиб чиқмаган бўлса керак.

§ 32. *Қозондаги ислохотчилар.* Қозон ёшлари орасида бу пайтларда миллий соҳаларда кенг ислохотларни амалга оширишни истаган гуруҳ, мактабларни ислох қилиш фикр муҳити мавжуд эди. Умуман олганда, Қозонда куп киши билан инқилоб қилмоқчимасдим. Улар “Ал-Ислох” деган газета чиқаришарди. Мен мана шу кишилар билан куришдим. Бирок уларнинг режасиз, таркок, фикрларининг аксариятини асоссиз деб билдим. Улар ўзлари ўқиётган татар мадрасаларини ҳам гимназияга, муҳандислик мактабига ҳамда университетга айлантиришмоқчи эди. Менингча, ҳақиқатан ҳам скирган бу мадрасалардан фақатгина икки типдаги урта мактаб уриш мумкин эди. Бир қисми насронийлардагидек илоҳиёт семинарлари, иккинчи қисмини муаллим мактаблари шаклига

келтириш мумкин эди. Бу хусусда “Баён ал-Ҳак” номли газетага мақола ёзган эдим. Менинг фикрим зиёлилардан кўра ислохотчиларга ёкмади. Шоир Абдулла Тўқай шу мақола муносабати билан шеър, Фотиҳ Амирхон бир-иккита мақола нашр этишди. Бирок улар бу мақолани Абдуллоҳ Исмағий деган киши ёзган, деб уйлашган эди. Уларнинг ёзганлари раддия моҳиятида эди. Жумладан, Абдулла Тўқай: “Ул зиёлидур, билармисан, маърифат, ҳикмат сотар” мисраси билан бошланган ҳажвиясини ёзган эди. Бу шоир бир муддат кейин узи билан танишганимда мақола ёзувчининг Абдуллоҳ Исмағий эмас, мен эканимни билиб, ҳажвиядаги бир нечта нукта мулжалсиз кетганини тушунди. Бу шоир мансуб бўлган муҳит (Фотиҳ Амирхон муҳити) ичкилик ва киморга муккасидан кетган бўлганликлари боис уларга куп ҳам яқинлашмадим. Абдулла Тўқайнинг шахсан узини Булгор меҳмонхонасидаги хонасига бориб тез-тез зиёрат қилдим. “Қоф” ҳарфи билан бошланган қазӣ. қози, қиз, қаз ва қимиз ҳақидаги шеърининг аслида Шайбоқхонга (Шайбонийхонга) бориб тақалишини айтганимда, у Чигатой адабиётига қизиқиб қолди, бироқ яқин дўстларининг локайдлиги боис бу иш юришмади. Абдулла Тўқай “Ал-Ислоҳ” газетасида менинг мақсадимни нотўғри тушунганига доир бир мақола ёзган эди. Газетанинг эгаси Фотиҳ Амирхон мутақаббир ва мағрур киши бўлганидан менинг танқидимдан ранжибди ва Тўқайнинг бу мақоласини босмади. Кейинчалик узлари ҳам тушуниб этишдики, мақоланинг нотўғри тушунилганининг сабаби “Баён ал-Ҳак” газетасининг орада бир устунинг ташлаб кетилганидан экан.

**§33. Мусо Жоруллоҳ ва Қози Абдурашид билан танишганим.**  
“Ал-Ислоҳ” газетаси идорасининг устки қисмида машхур ислом олими Мусо Жоруллоҳ яшарди. У билан танишдим. Араб адабиётига бўлган мафтунлигим унга манзур бўлди. Ал-Маъаррийнинг баъзи фикрлари ва узи нашр этадиган “Ал-Тилмиҳ” газетасида ёзган фикрлари хусусида суҳбатлашдик. Унинг уйда машхур сайёҳ ва ёзувчи Абдурашид Иброҳим билан танишдим. Отамни танир, ҳаж сафаридида бирга булишган экан. У мени Қозоннинг “Янги Биста” деган маҳалладаги уйига олиб борди. Мен унга таҳсил хусусидаги дардимни айтдим. Унинг фикрлари ҳам Ризоуддин ибн Фахриддинники сингари эди. “Адабиёт таҳсили учун Сурия ёки Мисрга бориш лозим эмас. Бу ерга Мағриб уламоси араб тилининг энг буюк устодларидан булган Аҳмад Шинкитий меҳмон булиб келибди. Қосим домулланинг уйида бир йилча қолар экан. Арабчани ундан ва Мусо Жоруллоҳдан урганинг, русча таҳсил учун эса рус муаллимлар мактабига борманг, у ер фасод макони, яхшиси ўзингиз урганинг. Балки гимназия имтиҳонига тайёргарлик қурарсиз. Қўстаной татари Абдуллоҳ Исмағий ҳам шундай қиялати” деди. Иккинчи куни бу масалани Мусо Жоруллоҳга очдим. У ҳам шундай фикрни айтди. Шу билан мендаги “Дар...”

этсамми?" деган савол қатъий жавобини топди: Россияда қолиб, русча урганишга қарор қилдим. Умуман олганда, ҳаётимда бурилиш нуқтаси деб билган ташаббусларим ҳусусида ҳар доим узим ишонган кишилар билан маслаҳатлашишни одат қилдим. Бундан доим яхши натижаларга эга булдим.

Пулим булмагани сабабли Қосимия мадрасасига кирдим. Мадрасанинг дарслари мени қизиқтирмасди. Факатгина Фотиҳ Муҳаммадъевнинг риёзиёт дарсларига катнадим. Аҳмад Шинқитий ҳузурига бориб араб адабиётидан сабоқ ола бошладим.

Араб адиби Ҳаририйнинг латифаларини уқидим. Аҳмад Шинқитий, Мусо Жоруллоҳ ва Қосим ҳазрат менга ойда бир миқдор пул бериб туришди. Мусо афандидан араб шоири Тарафа ибн ал-Абднинг девони, ибн Дурайд ва бошқаларнинг қасидаларини олиб ўқидим. Мусо афанди русчам билан ҳам қизиқар, фойдали китоблар берарди. Яна узи чоп эттирмоқчи бўлган арабча "Ал-Муваффақат ва Ифодат ал-Киром" асарининг матбаа ишларига қаратар, бунинг учун алоҳида ҳақ берарди. Абдурашид афандининг угли Мунирбей "Баён ал-Ҳақ" газетасининг ёзув (мақолалар тайёрлаш) ишларини бошқарарди. У ҳам менга газетадаги илмий моҳиятга эга булган мақолаларни туғрилатар, бунинг учун ҳақ берарди. Яна "Баён ал-Ҳақ" газетасининг эгаси Муҳаммадҷон Сайдошев газетага қушимча нашр этиладиган "Маълумот" номли йиллик алманаҳга мақола ёзиш вазифасини берган, чоп этириш учун русчада ари парваришига доир мақола тайёрлаган эдим. Бир куни Муҳаммадҷон Сайдошев Абдурашид афандининг угли Мунир Бейга араб, форс ва рус тилларини яхши билади, бироқ қишлоқ кийимида юради, унга бир кийим тикдирай дебди, сунг мени чакирди ва татар услубида чиройли кийим тикдиришини айтди. Мен "энди шаҳарлик татар кийимини ҳам киймайман, рус кийимларидан кияман" деганимда ранжиди. Уша кунёк Қозоннинг эски кийим сотадиган бозорига бориб, рус услубида қора рангли либос олдим. Муҳаммадҷон Сайдошев идорага шу кийимда келганимни кўриб, иш ҳақимни камайтирди. Сайдошев ниҳоятда мутаассиб инсон эди.

**§34. Ҳусусий тарзда русча ва исломий илмларни урганишим.** Қосимия мадрасаси ёнида "Ғайрирус муаллимлик мактаби" муаллими Емеляновдан рус тарихи ва адабиётидан сабоқ олдим. Бироқ қозонликлар бу мактабга кирганларни яхши кўришмагани боис мактабга бормай, унинг уйида дарс олдим. Қозонда вақтимни Маржонийнинг босилмаган асарларини уқиш, араб адабиётидан дарс олиш, рус тили муаллимлари имтиҳонига тайёрланиш билан утқаздим. Орқага ташлашни истамаган яна бир ишим ҳам бор эди. У ҳам булса меп мансуб бўлган ислом дини ва маданияти асослари булган Куръон ва фикҳни русча таржималаридан урганиш ва уларни яхши биладиган киши билан арабча асли билан қиёслаш орқали умумий, туғри маълумотни кулга киритиш эди. Бу борада Куръонга тафсир ёзган

Имом Содик Имонқули муносиб эканини яна Абдурашид афандидан билдим. Тоғам менга, асосан, адабиётни урган, Қуръон ва фикхни сунгра урганасан, деган эди. Шу сабабли исломиятнинг бу асосий билимларидан хабарсиз эдим. Қолбуки, кўнглимда динимиз ҳақида умумий ва тулиқ маълумот олиш истағи бор эди. Имом Имонқули менга хусусий дарс беришга рози булди. Ҳафтада икки кун Қуръон ва фикхдан “Ҳидоя” дарслари берди. Қуръонни русча Саблуков таржимасидан, “Ҳидоя”нинг ибодатга оид булмаган қисмларини эса Тошкентда чоп этилган русча таржимасидан уқиб, уларни Имом афанди билан бирга арабчага таққослардик. Уч ой давом этган бу қиёсий урганиш натижасида мен, бир томондан, Бухорода таҳсил курган Имом афандининг билими дардга дармон буладиган даражада чуқур эмаслигини, бошқа томондан, динимизни арабча асосий манбалардан чуқур урганиш менинг ишим эмаслигини, бу кўп вақтни талаб этишини ва мен учун бундай имконият йуклигини, бу иш билан шуғулланадиган бўлсам, русча муаллимлик ва лицей имтиҳонларига тайёргарликни ташлашимга тўғри келишини англадим. Зотан, Қуръон ва фикхни чуқур урганиб, тўғри маълумотга эга бўлишдан нимага эга буламан? Уч ойдан сунг бу ишни ҳафтада бир мартага туширдим, кейинчалик бутунлай ташлаб қўйдим. Саблуковни ва “Ҳидоя”нинг русча таржимасини ўзим уқиб чиқиб, умумий маълумот олиш билан кифояландим. Исломий билимим нуксонли бўлишига қарамай, ислом тарихини, маданияти, тарихий жуғрофияси, турли даврлардаги иқтисодий вазиятини яхши билганим сабабли 1935–1939 йилларда Германияни Бонн ва Готтинген университетидида “Ислом илмлари профессори” ва Истанбул университетидида уз ташаббусим билан ташкил этилган “Ислом тадқиқотлари институти”нинг мудирни бўлдим. Асл ихтисослигим туркий халқлари тарихи булгани ва ишларимни унга бағишлашни истаганим учун мен Истанбулда Ислом институти мудирлигини 1953 йилда олти ой учунгина қабул қилган эсам-да, ҳалигача муносиб мудир ва профессор чиқмади. Ҳар ҳолда менинг бу институтда мудирлик қилишим, Туркияда ислом илмлари кейинги пайтларда жуда орқада қолганини курсатади. Ҳақиқатан ҳам, ислом маданияти соҳасида университет профессори буладиган, Шарқ ва Ғарб тилларини билувчи олимлар турк элларида жуда оз. Масалан, Ҳиндистонда Муҳаммад Шафий, Зокир Хусайн; Эронда Тақизодага ухшаган олимлар нима сабабдандир бизда етишиб чиқмаган. Гарчи мен 1925 йилда Туркияга янги келганимда Исмоил Соҳиб, Бабанзода Наим Бей, Ҳамдий Аксекилий каби гузида (танланган, оз) олимлар бор эди. Бирок университетда улар биладиган илоҳиёт урнига ислом маданияти дарслари қўйилгани боис бундай олимларнинг нафи тегмасди. Замонавий тил билан айтганда, Шарқ ва Ғарб тиллари ҳамда муаммоларидан воқиф исломшунослар бизда эндигина етишиб келастган эди.



Яна Қозонга қайтайлик. Аҳмад Шинкитийдан жуда куп фойдаландим. Араб адибларидан Ҳаририйнинг “Мақомот” асарининг катта қисмини, Жоҳизнинг “Туркларнинг фазилатлари”ни ва эски жоҳилия шоирларидан “Ун мақома”ни уқидим. Қолаверса, шу киши Аҳмад Шинкитийнинг тавсияси билан қозонлик олим Шаҳобиддин Маржонийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида 32 саҳифалик арабча мақола ёзиб, устозга такдим этдим. Шинкитий менинг турк тарихи билан жангу дилдан шугулланишимни биларди. Юртига қайтганидан сунг менга араб адабиётида туркларга оид ёзилган шеърлардан бир қанчасини юборди. Жумладан, қуйидаги маъноли шеър ёдимда қолган:

У (бўзқирларда) турк кийик боласи (ғизол) саксовул дарахтидан утлабди; магарки кийикнинг қони дарҳол мушққа айланибди\*.

Бу шеърни менга Равалпинди Конгрессида Фаластин муфтийси Муҳаммад Амин ал Ҳусайн ҳам айтиб берди. Ҳар ҳолда бу араб адабиётидаги машҳур шеърлардан бири бўлса керак.

§35. *Катанов ва Ашмарин билан танишувим.* Номии тилга олинган Емельянов уша, “Рус бўлмаганлар учун муаллимлик мактаби ҳамкасб шарқшунослар Николай Ашмарин ва профессор Н.Ф. Катанов билан таништирди. Шу тариқа, мен Қозондаги мусташриқлар мухити билан ҳам танилдим. Николай Ашмариннинг ҳувош Катанов эса Олтойнинг сағай туркийларидан эди. Ҳар иккаласи ҳам Москва Шарқ институтини битириб, рус мусташриқлари мухитига қушилган кииилар эди. Бу икки зот билан мулоқотда булишим мен учун куп фойдали булди. Уша йили Ашмариннинг “Халқ Маориф” вазирлиги журналида босилган “Татар адабиёти” номли мақоласини, русчадан татарчага таржима қилдим. Ушбу таржима Оренбургдаги “Вақт” газетасида эълон қилинди. Хуллас, мен бу йил Қозонда жуда муҳим ишлар билан банд эдим, куп уқидим, кўп мутолаа қилдим, фақирона ҳаёт кечирдим. Март ойида отамдан 70, Иброҳимдан 40 рубл олдим. Онам ва Иброҳимнинг онаси эса бир қанча кийим-кечак ва бошқа нарсалар юборишибди. Уларни куриб эркин нафас олдим. Китоб сотиб олиш ва муаллимлик мактаби имтиҳонларига тайёргарлик куриш учун муаллим еллаш имқони пайдо булган эди. Ашмарин менга Глухарин исмли муаллим топди. Мен рус адабиёти, математика ва педагогика дарсларидан сабоқ олишни давом эттирдим.

§36. *Қишлоқда ёз таътили.* Мен ёзги таътил кунларини ўз уйимда утказишга қарор қилдим. Май ойида 1909 йили пароход билан Уфага келдим. Бу ерда мадраса очиб, миллий даъволар йулида хизмат қилаётган Зиёвуддин Камолий исмли муаллим билан ва бу менинг

\* Ra'ha [fiha] ghazal[-ul] al-turk-i sikhani \* Fa-sara al-misk-u ba'da dam al-ghazali.

“Sih” sekseul, Turkistan collerinde yetisen yapraksiz, fakat cok yag'li nidugu'ndan teshin kuvveti cok yuksek olan bir cins ag'actir.

губерния маркази бўлган шахримизни биринчи марта куришим эди. Бошқирдлар тарихи билан жиддий шуғулланган Филоненко исмли рус муаллими билан танишдим. У бир неча йилдан сунг тадқиқотлари натижасини бир китоб ҳолида чоп эттирди. Қишлоғимизга келганимда тоғам ва отам хафаликларини унутишган эди. Отам муътабар зот эди, ундан қурқар ва ҳурмат қилардик. Аммо берган саволларига аниқ-тиник жавоб берган кишини яхши куради. Мени Қозонда арабча ўқиганимга ишона олмас, фақатгина русчани урганган деб уйларди. Дастлаб кўришганимизда: “Руслардан қандай яхши-ёмон амалларни урганганингни айт-чи” деди. Мен: “Яхшиси оёқда тик туриб ёзилмоқ, ёмони бўйнимизга сиртмоқ такмоқ” дедим, хурсанд бўлди. Менинг бир йил мобайнида руслардан урганганларим, бир томондан, тик туриб ёзилмоқ, бошқа томондан ёқа ва бўйинбоғ тақишдан иборат эканини ҳазил сифатида бошқаларга ҳам айтиб берар экан. Чунки отамнинг фикрича, бизнинг ҳаёт тарзимиз ва маданиятимиз шу қадар мукамал эдики, руслар ва оврупаликлардан техникадан ташқари урганадиган нарсамиз йўқ эди. Сигарет чекишга ўрганганимни улар кийимимда утириб қолган хиддан сезиб олишди. Русларга ўхшаб кийиниб олганим уларга ёқмади. Сигарет анқиб турган бу кийимлар онамнинг ва отамнинг кунглини айнитди. Улар бу кийимларни кузда кишлоқдан кетгунимга қадар киймаслик шарти билан том орасига осиб қуйишди. Эски кийимларимни кийдим. Эртаси куни эрталаб узим яхши курадиган “Кула” (қора) от билан атрофни айландим. Қайтишда уйимизнинг орқасидан оқадиган кичик дарёда аввал яхши курадиган мишар кизи Лайли-бадирнинг кир юваётганини кўрдим. Биттаси билан унаштирилганини билдим, бу гузал киз мени куриши билан қочди. Унга бўлган беғубор севгим узгармаган экан. Энг кичик укамдан шу маънода шеър ёзиб юбордим: “Дарёда кир юваркан ажаб, унинг билақлари толмасми? Қушни бўлатуриб мени ора-сира қурганида ажаб юраги ёнмасми?”. У ҳам менга бир қогозга: “Кийган шимининг почалари тор; яна Куръон ургатиладиган мадрасага келиб тамаки чекар экан; бадбўй хиддан кишлоқ аҳли аксиради, ухполмайди; ҳеч бўлмаса, бу кишининг оғзи, мўйлови ёнсини кишлоқ ёнмасин” деган маънода шеър ёзиб, жавоб берибди. Бундай манзум шеърни шеър тукий олин қобилияти булмаган, фақатгина “такмоқ” деган қушиқни биладиган мишар кизи ёза олмас эди. Кейин билишимча, буни жияним Моҳия ёзиб берибди. Яъни тамаки чекиш бизда уша

\* Su boyında kirler yuva, talmay miken bilegi?

Karsi turup kore yurup yanmay miken yuregi?

\*\* Kutine kiygen salbarinin balaklari tar iken,

Qur'en uyu medresede temeki tartar iken.

Kisegi sasiq yesine kursi-kulem tuskurup,

Avdhi yansin qurugunin il yanmasin teriken.

пайтда шу қадар манфур ва ёмон иш эдики, киз дарҳол буни юзимга солган эди. Мен тамаки чекишни бутунлай ташламоқчи булдим, лекин бу қароримни 15 йилдан сўнг Германияга келиб яшай бошлаганимдан кейин амалга ошира олдим. Шу билан бирга ёз таътил давомида орасира қуришни истаганим бу кизнинг танбеҳидан сунг бутун таътил давомида яширинча булса-да, сигарет чекмадим.

§37. *Кўзойнак тақийи эҳтиёжи.* Бир неча кун уйимизда қолиб мени жуда соғинган қора отимни миниб Ярув ва Қарагас яйловларига Иброҳим Қочқинбойларникига бордим. Иброҳимга қанчалик мустаҳкам бир севги билан боғланганимни мана шу бир йиллик айриликда англадим. Йулда кетаётиб, такрор-такрор Навоийнинг “Чехраси малак булган ва инсонлар орасида ухшаши йук бир йигит кунглимини олди” маъноли шеърини эслар ва айтар эдим. Мен Қарагас юртига келганимда Иброҳим қўй сўйиб, дўстларимизни чақирди. Улар менга тегиш булсалар-да, барчаси уйланган эди. Барчаси кеч булса ҳам хотинларининг ёнига шошмай, мендан бу бир йил ичида нималарни қуриб ўрганганимни қизиқиб тинглашарди. Қизилштон ови билан шуғулланиб отларимизни тоғларда чоптирар. Турли яйловларга бориб қимиз ичар, вақтимизни хуш утқазардик. Бир фалокат юз берди. Нугуш дарёсида чирок ва паншаҳа билан тунги балиқ овида қаттиқ шамолладим. Зотилжам бўлмасин деб қурқиб, яйловни ҳам ташлаб арвада қишлоққа кайтдим. Бир ой, балки ундан ҳам кўпроқ касал булиб ётдим. Отам мусулмон олими бўлишига қарамай, онамининг Айнаддин исмли “бағучи” (бахши)ни чакириб уқитишига қаршилиқ кўрсатмади. Бу ҳасталик кунларида мен “Биржевые ведомости” газетасида илова сифатида нашр этиладиган романларни уқиган эдим.

Мурод Рамзийнинг юқорида номи тилга олинган икки йиллик тарихи, Чор Россиясининг мусулмонларга қарши қилган зулмликларига қарши айтилган қиёсий фикрлар билан баён этилганлиги сабабли сотилиши Чор ҳукумати томонидан манъ қилинибди. Асарни босиш учун харажатларни троиклик Шайх Зайнуллоҳ ашон берган эди. Мусодарадан омон қолган китоб нусхаларининг бир қисми бизга доимий равишда жунатилган эди. Уларни тарқатиш ишини отам амалга ошираётган эди. Камёб баъзи салбий фикрларни ўз ичига олган булиши билан бирга мени туркий қавмлар қадимий тарихига жиддий қизиқиш уйғотган бир қанча жойи Чор ҳукуматини ғазаблантиргани сабабли, такрор-такрор уқиган эдим. Касал ҳолида кузларимни зуриктириб қўйдим. Буни ётоқдан туриб эскиртдан уйнаганимиз уқ уйини маҳалида билиб қолдим. Уқни уйимизга яқин жомеъ минорасининг хилоли устидан утқазардик. Мен бу ишнинг устаси эдим. Аммо бу сафар хилолни қура олмадим.

\* Ko'nlim aldi hir pari peyker melek sima ye'git  
Kim beni ademde andaq bulmamis peyda ye'git

Ҳолбуки, хилол аввалгидек жойида турарди. Сунг урмонга бориб ов қилаётганимизда ҳам кузим узокни кура олмайдиган булиб қолганини англадим. Натижада уч-турт ойдан сунг узимга ҳеч ҳам ёқмаган кузойнак тақшимга туғри келди.

**§38. Отам билан баъзи фикрларда чиқишолмаганимиз.** Ҳар йили кишилогимизга қайтаётиб, Қозонда ёхуд Уфада танилган дўстларимдан бирини уйга олиб келардим ёки улар дам олиш учун бизникига келишарди. Бу йил Қозондан қайтишимда Уфанинг уша пайтдаги пешво олими ва отамнинг дўсти Хайруллоҳ Охунд Усмоновларникида бир неча кун қолдим. Унинг уғиллари Абдулборий ва Иброҳим рус мактабларида ўқишарди. Иброҳим Москвадаги Лазарев Шарқ тиллари институтига ёзилган эди. Бир оз муддатдан сунг Иброҳим жуда узок бўлишимизга қарамай, бизникига келди. Максади, шарқийёт таҳсили хусусида Уфада бошланган суҳбатимизни давом эттириш ва тинглаш эди. Отаси уша йили Мисрда Ислом теологияси ва жамиятига доир бир арабча китоб нашр этган эди. Иброҳим китобдан бир нусхасини отамга олиб келибди. Бу асарда илгари сурилган, ҳозир мен тафсилотини унутган баъзи масалалар устида отам билан мунозара булди ва фикрларимиз орасида фарқ борлиги кузатилди. Отамга ўхшаб, онам ҳам бу фарқнинг келиб чиқишига сабаб, русча таҳсилимнинг салбий таъсири деб биларди.

Биздан саккиз километр масофада жойланган Сайрон қишлоғидаги Бекбулат ҳазрат тасаввуфда устозлардан эди. Отам у билан гузал суҳбатлар қуларди. Бир неча йилдан буён бели оғрирди. Бухородаги Шайх Баҳоуддин Накшбанд макбараси эшигидаги дарахтга белини таянса тузалишига ишонгани учун Бухорога бориб, машхур шайхнинг қабрини зиёрат қилди. Отам ва онам у Бухородан қайтгани муносабати билан худди Маккадан қайтган ҳожидек зиёрат этиш учун боришди. Мен Бекбулат эшон “белимда оғрик қолмади” деганда қулдим. Чунки тасаввуф ва қабрларни зиёрат этишнинг фойдаси бўлишига ишонмасдим. Ота-онам бундан қаттиқ ранжиди. Отам: “Авалло, кекса шайхнинг сузларига қулишинг густохлик, инкор йулига киришинг ёқмаяпти”, деди ва мен билан уша кун умуман гаплашмади.

Бу йил шунга ўхшап воқеа бир неча бор такрорланганидан ота-онам қайгуга тушишди. Ҳасталиқдан тургач, ҳали заиф булишимга қарамай, Алагуянбошига бордим. Бирок Иброҳим ҳам менинг баъзи ҳаракат ва сузларимдан шубҳага тушиди. “Сени пайтавангни аввал чап оёқдан ураганингни, этикни чап оёқдан бошлаб қийганингни қуришибди” деди ва Шишков номли рус ёзувчисининг ниғилистик карашларига қушилганим, чоризм ва динга қарши руҳдаги китобни ўқишим унга ёқмади. Иброҳим самимий дўстлигимизга соя соладиган бир ишнинг мен томонимдан содир бўлишини истамас эди ва ташқи ҳаёт сенга шундай таъсир утказишда давом этса, йил утган сайин уртамизда жарлик ҳосил булади деди.

§39. *Иккинчи Астархан сафари.* Кузда отам мени темир йул станциясига қадар кузатиб куйди. Тоғам эса бу йил яна бир бор Астарханга боришимни тавсия этиб, Абдурахмон Умаровга беришим учун баъзи ҳадялар ва бир бочка асал берди. Бу йил отам ва Иброҳим Қочкинбой биттадан от сотиб, пулини менга беришган эди. Онам ҳам алоҳида пул берди. Шу жиҳатдан Астарханга қилган сафарим марокли ўтди. Эски Сарой шаҳри харобаларини зиёрат қилмоқчи эдим, мулланинг вақти бўлмади, мен ҳам фикримдан қайтдим. У нашр қилаётган “Эдил” газетасига мақолалар эдим. Улар мақола булиш баробарида менинг илк илмий асарларим эди. Аввало, мен Мурод Рамзийнинг юқорида номи тилга олинган асарини таҳлил ва танқид қилиб, мақола ёздим. Бу муаллиф Маржонийни ноҳақ айблаган эди. Маржонийни илғор фикрли мужтаҳид, Мурод Рамзийни эса реакционер деб билганим учун Маржонийни каттик туриб ҳимоя қилдим ва мақоламни “бировнинг ҳаракатларини маъқул курсалар, унинг айбларига куз юмадилар, бировдан ранжиган булсалар, унинг кир кийимларини қидира бошлайдилар” мазмунидаги арабча шеър билан тугатдим. Ушбу мақолам Маржонийнинг талабалари ва дустлари томонидан яхши кутиб олинди.

Абдурахмон Мулла яна Астарханда Абдурахмон Иликов ва Мехмет Сиддиқ исмли имомлар билан “Маориф” мажалласини чиқара бошлаган эди. Мени бу журналнинг нашри учун маъсул қилмоқчи бўлишди. Бир куни Сиддиқ ва Абдурахмон муллалар мени Астарханга яқин бир ерда Сунгур Туба номи тарихий бир ерни зиёрат қиламиз, деб олиб боришди. Бой нуғой ҳожининг уйида нуғой миллий таомлари тортилган эди. Бу зотнинг жуда гузал қизи бор экан. Уни курсатишларига эътибор қилиб, кўриб олишимни айтишди. Бир оздан сунг мен утирган очик дераза олдида икки гилдиракли, усти ёпик “куйма” деган аравадан миллий нуғой кийимда жуда гузал бир қиз тушди. Бу фавқулудда бир манзара эди. Нақд мен истаган қиз. Кейин билдимки, астраханлик ёзувчи Важиб Асрий яқиндан танийдиган бир оиланинг қизи экан.

Астарханга қайтгач, “Маориф” журналинин бошқаришни буйнимга олишимни, Астарханда қолишимни сўраб туриб олишди. Абдурахмон мулланинг бу сафарги таклифи утган йилгига нисбатан амирона оҳангда эди. Мен қабул қилолмаслигимни айтганимда уртамизда совуқлик пайдо булди. Абдурахмон мулланинг уйдан мехмонхонага чиқиб кетдим. Мулла Астархандан кетаётганимда менга пароход учун билет олишга овора булмади ва кузатишга ҳам келмади. “Эдил” газетасига ёзган мақолаларимнинг ҳақини ҳам бермади. Фақир эканимни биларди ва муҳтожлигимдан фойдаланиб, мени қолишга

\* Va 'ayn ur-rida 'an kull-i 'ayb-in qatila-tun

мужбур қилмоқчи булди. Ҳолбуки, мен асло Астархан савиясидаги муҳаррир булиш ниятида эмасдим. Буларни Астархандан кетгач, Абдурахмон муллага узун бир мактуб ёзиб айтдим. Жуда эркин шартларида билдирган таклифларини рад этишимнинг бош сабаби (сифатида) журналда нашр этилаётган мақолаларининг купрок диний мавзуларда эканини, бу борада узлари ҳам эскича фикрли инсонлар эканликларини, баъзи масалалар устида тортишувлар бўлганини, уларни мен ислоҳ қилолмаслигимни, ҳатто жондан севган отамнинг фикрларига қарши одам эканимни билатуриб, Умаровнинг менга амирона мурожаат қилишининг сабабини тушуна олмаганимни билдирдим.

Абдурахмон ва Мухаммад Сиддик муллаларнинг Астархан яқинидаги Нуғой қишлоғида курсатган бой ҳожининг қизини ҳаёлимдан чиқара олмадим. Бутунлай Нуғой миллий кийими билан бурканган бу фавқулодда қиз туркча таҳсил олган саводли эканини билиб, унга мактуб ёзишни ва кейинги йил яна бир бор Астарханга келишини жиддий уйладим. Бирок арабларнинг машхур қумондони Мухаллаб ибн Аби Суфраннинг “Кулга киритган муваффақиятларининг (Хуросон фатҳидек буюк бир зафарни) ниманинг эвазига кулга киритдинг, деб сўраганларида, “Ҳар ишда хизматга итоат қилмоқ ва хою ҳавасни жиловламоқ билан” деб жавоб бергани” шу қадар манзур булдики, қизга мактуб ёзиш фикридан қайтдим. Мен таҳсил олишни, тараққий этишни истайман, уйланишни эмас, деган қарорга келдим.

Мана шу иккинчи Астархан сафарининг баъзи қизиқарли натижалари ҳам булган эди. Бу ерда Жамил исмли қишлоқ имомининг қулида ислом тарихига оид (милодий 889 йилда вафот этган) Ибн Қутайбанинг машхур “ал-Имом ва-л сиёсат” номли асарининг ёзма нусхасини олиб “Эдил” газетасига бир мақола ёздим. Бу асарда биз ёмон ҳукмдорлар деб таниган Уммавий ҳукмдорлари мадҳ этилган, биз исмларини муқаддас деб билган баъзи саҳобалар эса танқид қилингани туфайли менга манзур булди. Уша даврнинг буюк олими сифатида танилган Ризоуддин Фаҳриддин бу асарнинг Астарханда эканлигидан ажабланиди ва бу асарнинг мамлакатимизда мавжуд эканига ишонгиси келмади. Балки адашиб бошқа бир асарни унга адаштирган булишим мумкинлигини айтди. Китобни унга келтирганимда, қуриб чиқиб ҳукми тўғри эканини, асарда имомлар ҳақидаги фикрлари ҳам газетатадаги мақоламада тўғри хулосаланганини қуриб, менга нисбатан ҳеч қачон йўқолмайдиган ишонч пайдо булди. Бунининг ўзи 1926 йил Истанбулга келганида, уйимда меҳмон булиш асносида айтди. Мени бу икки мақолам билан, бир томондан, турк қавмлари тарихи, иккинчи томондан, ислом тарихига доир тадқиқотимнинг чинакамнига энди бошланиши эди.

\* Qulu: hima nilta ma nilta; qala: "hiza'at-i 'Ibrazim-i va isvan-i 'Ibava'

*§40. Абдурахмон мулла билан дустлигимизнинг илдизлари.*

Абдурахмон мулла ҳам 1926 йилда Ризоуддин Фахриддин билан бирга Истанбулга келди. У ҳам уйимда меҳмон булди. Бурса иссиқ сувида бир муддат бирга колдик. “Астарханга икки марта келдингиз, ҳар иккисида ҳам сизга нисбатан ҳурматда қусур қилдим” деб узр сўради. “Менга қуп ҳурмат кўрсатдингиз, нимаси қусур?” дедим. “Нуксонлар бор эди, сизни яхши танимаган эканман. Эски Сарой ҳаробаларини ва бошқа ерларни сизга йулдош булиб, зиёрат қилдира олмадим. Устозим Ҳабиб Наҳжор ва отангизни бир-икки ой меҳмон қилиб, кунгилларини олишни уйламадим. Қуп бойлигим бор эди. Барчаси иту қупакка ем булди, ҳеч булмаса, бу бойликни дустларим билан булишмадим, деб маҳзун булдим” деди ва жуда яхши биладиган Маъаррий Абу-л-Ало Аҳмаднинг шу маънодаги шеърини айтди: “Улимдан жуда қурққанимиз сабабли ҳаётга қаттиқ боғланганмиз, хирсимизни деб қароқчи буламиз ва ҳеч самимий дустга эга булмасдан бу дунёдан айриламиз (чунки улар бир кун аввал бизнинг атрофимиздан узоклашган буладилар)” ва йнглаб: “Сен у мамлакатдан кетдинг, биз учун улгандексан, зотан яшаётган булсалар-да, мен учун ортик улганлар жамоаси ҳаёти ҳақида галиришади, ҳақиқатда айни жамоада булган ҳар бир шуро аъзоси бошқасидан Хитой девори билан ажралган, бири бошқасидан маънан бутунлай узилган инсонлардир” деди. Абдурахмон Умаров бадбин киши эди. Эшитишимча, юртига қайтгандан сунг қуп утмасдан вафот этибди.

Абдурахмон мулланинг “ҳурматда қусур қилдим” деганини Астарханга илк келишимда менга Эски Сарой ҳаробаларини ва нўғой ривоятларида келган Босқунжоқ ва Бузан номли ерларни зиёрат қилдира олмаганини, кетаётганимда пароход билети олиб бермаганини, қузатмаганини, йул пулни топиш учун Булаковда рус фермасида ишлаганимни мулла ачиниб ҳикоя қилиб берганини унинг Қозон университетидеда уқиган Соҳиб Герей исмли талабасидан эшитдим. Яъни мен таникли киши булганимдан сунг бу сузларни айтибди. ҳолбуки, мен буларга эътибор бермаган эдим ва мулланинг менга ҳамда, оиламизга нисбатан бу қадар самимий боғланганини билмабман. Мулла яна айтдики: “Мен сенинг Астарханда журналга муҳаррир булишни паст қуриб, туғри қилганингни 1917 йилда Москва Конгрессидаги Россия мусулмонлари этнографиясига оид нутқингни эшитиб, тушуниб етган эдим, сунг яна буюк ишлар қилдинг, Ризо ҳазрат ва мен сенинг яна қуп ишлар қилишингга ишонамиз. Астарханга келган пайтларинг мен узимни сенинг иккинчи отанг, деб билдим. Чунки мен узимни устозим (яъни Ҳабиб Наҳжор)нинг оиласининг аъзоси деб билардим, сенга амирона хитоб қилганимнинг боиси

\* Nuhibb-u 'l-'is-a bugdan li-'l-manayaa, va nahnu bima havayna 'l-'asqiya`u Yamut-u 'l-mar`u laysa lahu safiyun, va qabl 'l-yavm-i azza 'l-'asfiya-u.

хам шундан, чунки сенинг сузимдан чикмаслигингга ва кишлокдаги Нугой кизига ошик булишингга ишонган эдим” деди.

Ҳозир уйлайман: мен нима сабабдан 1908 ва 1909 йилларда кетма-кет Астарханга, Абдурахмон Муллоаникига бордим У менинг ҳатто узок қариндошим ҳам эмасди, бизникига келганида мен жуда кичик бўлганим учун уни шахсан танимасдим ҳам. Астархан биздан (балки) минг километр узоқда жойлашган, аммо мен нима сабабдан ҳаётим ва тахсилим хусусида бу мулла билан маслаҳатлашишга эҳтиёж туйдим? Албатта, Маржоний мадрасасида тоғамнинг суюкли талабаси эканини, мактублашувларини билардим. Бирок отамга нисбатан муносабатлари у севиб шуғулланган қадимги Қора Нугой дostonларида зикр этилган Эдилбоши Ирамал Тав, Ёйикбоши, Қораурмон ва бошқа ерларни бизнинг улқамизда отам билан бирга бориб кўришлари ва Вали Мулла Кузанов деб эслаган катта амакимдан урганган бошқирд ривоятларидаги Бузқунжоқ, Бузан Астарханга яқин ерлар бўлгани боис отам ва амакимга изоҳлагани билан бошланган эди. Абдурахмон Мулла қора нугойларнинг қадимги дostonларида тилга олинган Бузқунжоқ ва Бузан каби ерлар Астархан томонларда эканини уз кузи билан қуриб аниқлагач, бизни узларининг узокларда қолган қариндошлари сифатида билган ва отам билан мунтазам мактублашиб турган. Мулла нугойларнинг XVI асрда Ёйик (Урал) дарёси ҳавзасида, жанубий ва шарқий Урал ва Орол қули ҳудудларида яшаган пайтларига оид шеър ва дostonларни жуда қуп туплаган, уларнинг бир қисмини 1909 йилда рисола шаклида нашр эттирган эди. Қолганларини ҳам чоп эттириш нияти бор эди, умри вафо қилмади. Қора нугойлар бошқирд хони Кучук (Кучум) Султон билан угли Мурод Султонга бағишланган дostonни сақлашган экан. Уларнинг бир қисмини 1883 йилда Муҳаммад Усмонов исмли нугой олими Петербургда чоп эттирди. Мурод Султон 1708 йилда Қрим ва Туркияга кетаётганида биздан унчалик узок бўлмаган Аллагуват (Аллоҳобод) кишлогининг Йадисан қабиласи нугойларининг беги Аллагуват Мирзо уни Волгага қадар кузатиб қуйган. Абдурахмон мулла бизникига келганда, мана шу кишлокқа ва Мукас кишлогига бориб, уша ерда яшаётган ва асл нугой эканликларини унутмаган бошқирдлар билан қуришган. Абдурахмон мулла ва унинг Астарханда қуриб суҳбатлашган фикрдошлари ва дostonчилар учун нугойлар ватани Доғистонда булиб, Яхсой ва Кубандан бошланади, Ғарбий Сибир ва Оролга қадар чўзилади. Улар бу ерларда воқеъ бўлган ходисаларни худди кеча бўлгандек хотирлашади. Отам ва катта амаким Кузан угли Вали Муллоанинг жуғрофиялари эса Шарқда Тобул, Шимолда Чубарқул ва Мийас дарёси, Ғарбда Камалик (Кама) дарёси, жанубда Букей-урдадаги Бузқунжоқ ва Бузан ҳамда Кубанга қадар чўзилган эди. Бу хотираларда Астарханга қилган иккинчи сафарим ва Абдурахмон мулла билан муносабатларимиз хусусида тухталишимнинг сабаби – уругимизнинг жуда анъана-



парафт эканини, тарихда Шаркда Тобул хавзасида ва Фарбада Астархан ва Кубан томонларда аждодимизнинг бошқа уруғлар билан бирга кечирган тарихий ҳодисаларга жону дилдан боғлиқ булишганини далиллаш эди. Урта Осиёда ва Уралда яшаган турли гуруҳларнинг ва бу гуруҳларга мансуб мен каби кишиларнинг ҳаёти фақатгина мана шундай нуқталар билан изохланиши мумкин.

*§41. Пароходимизнинг капитан ёрдамчиси.* Мен Астрахонга килган иккинчи сафаримни Маржонийнинг талабалари орасида булиб бу буюк олимнинг замонига оид хотираларни тинглаш билан ўтказдим. Волга дарёси орқали пароходда Қозонга қайтаётганимда, вақтимни Маржонийнинг ислом илмларига доир “ал-Тарикат ал-мутхла” номли асарини уқиш билан ўтказдим ва айрим хулосани қайд қилиб олдим. Яна кулимда мана шу ёз ойларида ўқиган русча асарлардан доктор Ж.В. Дрэпернинг дин билан фаннинг тўқнашувига доир (*History of Conflict between Religion and Science*) асарининг русча таржимаси, профессор Овсянико-Куликовскийнинг “Рус зиёлилари тарихи” номли асарлари бор эди.

Совуқ эрта тушди. Қор ёғди ва пароходимиз музлагани боис кечаси суза олмади. Яхшиям шу асарларни узим билан олган эканман. Аввалроқ Туркияда Дрэпернинг асарларидаги либерал фикрлар ҳақида Аҳмад Мидхат афандининг нашридан ўқиб билган эдим. Бу сафар русчасини ўқиган бўлдим. Туркчаси тулик булиб, мана шу китоб ва Овсянико-Куликовскийнинг китоби ҳаётимда менга қаттиқ таъсир курсатди. Йулда Царицин (ҳозирги Сталинград)да сотиб олган бир сандиқ “анис” деган ширин кичик олмалар қул келди. Бирок мен утирган учинчи класснинг каюталари йуқ эди. Совуқдан титрадим. Пароходда капитан ёрдамчисининг ёнимдан утаётиб, мен ўқиётган китобларга куз кирини ташлаганини курдим. У бир куни мени юкорига ўзининг каютасига олиб чиқди. “Мусулмонлар орасида бундай китобларни ўқиганларни курмаган эдим, шу ерда қолинг” деб мени бир матрос ёнидаги иссиққина хонага жойлаштирди. Билсам, Мишкин исмли бу капитан жуда зиёли киши экан. Бу китоблардан унда ҳам бор экан, ўқиб чиқибди. Ўзи симбирсклик булиб, у ердаги татарлардан Оқчуриларни яхши танир экан. Мен ўқиётган арабча китоб нима ҳақида эканини суради, мен узимнинг манзилгоҳимни бердим. Кейинроқ менга П. Милюковнинг “Рус маданияти тарихи очерклари” номли китобини ва Дрэпернинг “Европа тафаккури тараққиёти тарихи” номли асарининг русча таржимасини ва Чернышевскийнинг битта-яккита китобини совға тариқасида юборди. Бу киши (капитан Мишкин) Симбирскдаги Иброҳим Оқчурин исмли зиёли билан танишувимда воситачи булди. Шурулар даврида вафот этган Иброҳим Бей русчадан ташкари немис, чигатой ва уйғур тилларини ҳам биларди. Бир йилдан сунг мен Симбирскга келиб, унинг уйида меҳмон булдим. 1923 йилда Россияни тарк этиб келгунимизга қадар мен куп маротаба

қуришган ва уйғур ҳарфлари орқали мактублашган Иброҳим Бей ва унинг оиласи менга энг кўп таъсир кўрсатган кишилар бўлишди. Бу оила билан танишувимда воситачи булган капитандан бир умрга миннатдор бўлдим. Пароходимиз музларни ёриб, минг машаққатда Қозонга етиб келди. Самимий хайрлашган капитанни, афсуски, бошқа кўрмадим.

*§42. Қозонда муаллимлигим ва рус муҳити.* 1909–1910 уқув йилининг қишида мени “Қосимия” мадрасасига туркийлар тарихи ва араб адабиёти тарихидан дарс беришга таклиф этдилар. Қозоннинг рус маҳаллаларидан бирида Шалигин деган ферма хужалиги катта ер эгасининг уйидан ижарага хона олдим, оила катта, одам гўж эди. Менга яқин дўст бўлиб қолган Николай тиббиёт институти талабаси эди. Иккимиз бутун қиш буйи бир хонада яшадик. Улар ҳазиллашиб, менга тунгиз гушти едирмоқчи бўлишар, лекин бунга улар муваффақ бўла олишмасди. Мен эса менга юборишган қазини гоз гушти деб, алдаб егиздим деб хурсанд булардим. Ваҳоланки, улар от гушти эканини олдиндан билар ва истеъмол қилишар экан. Онам менга қишда почта орқали кўп миқдорда тайёр музлатилган бу ерда «пельмен» деб айтилувчи татарча чучварасини юборардилар.

Мен Шалигинлар оиласида икки йил яшадим. Улар билан муносабатимиз жуда яхши кечарди. Муаллимлик фаолиятим давомида «Туркийлар тарихи» номли дарслик ёза бошладим. Тарихий тадқиқ ва таълиф усулини профессор Кареевнинг тарих тадқиқоти методологиясига оид бир асаридан урганар эдим. Кейинчалик урганиб билдимки, Кареевнинг бу асари немис профессори Э. Бернм билан француз тарихчиси Сенъобоснинг тарих тадқиқот методологиясига оид асарларидан олинган айрим хулосалар асосида ёзилган китоб экан. Кейинчалик мен узим ҳам бу икки гарблик олимнинг асарларидан кенг фойдаланиб, тарих илмини туғри урганиш услубида ёзган тадқиқотимни яратдим. Бу икки олимни 40 йил аввал менга танитган ва менга туғри йул кўрсатган Кареевдан миннатдор бўлдим. Петербургда яшаган машҳур шарқшунос профессор В.В. Бартольднинг Урта Осиё тарихига оид асарларини ургандим. Бу дафъа миллий тарихимизга оид маълумотларни уз ичига олган Карамзин ва Соловьёвларнинг Россия тарихига доир асарларини ва рус солномаларини мутолаа этдим ҳамда француз олими Леон Каён ва инглиз олими Генри Ховортнинг туркийлар ва муғуллар тарихига оид асарларини русчада мутолаа этдим. Рус тилини яхши билганим жуда фойдали бўлди. Леон Каённинг тарихий асари Э. Лависс ва Рамбодларнинг қисқача тарихи русча таржимали нашри бошқирдлардан етишган машҳур адвокат Алиаскар Сиртлонов томонидан амалга оширилган эди. Буни Уфада генерал Шайхали оиласидан олгандим. Ховорт асарининг Чингизхонга оид қисми Тошкентда «Урта Осиё» мажмуасида русча нашр этилганди. Шундай қилиб, мен шу йил туркий қавмлар тарихини

талкин этиш борасида тугри йулга кирган булдим. Профессор Катанов ёрдами билан Фарбдан, Лондондан ва Лейдендан, бошқа тарафдан Тошкент ва Бокудан Шарк тарихига оид китоблар, манбаларни яна йнга бошладим. Айнан Катанов ёрдами билан мен лондонлик китоб савдоси билан шуғулланадиган Лузакадан форсча Мирхонд ва Хондамирнинг тарихига оид асарларини ва Бобур Мирзонинг хотирот нухасини келтирдим. д'Оссон ва Ховорсининг Мугулистон тарихига доир асарларини русчада ўрганишим шуни курсатдики, чиқарилган бу асарларни асл нухаларидан уқиш, чала билган француз ва инглиз тилини тулик узлаштириш зарурлиги аниқ сезилиб колди.

Мен мадрасада муаллим фаолиятини давом эттириб, айрим рус муаллимлик мактабининг дастурларига кўра имтихон топшириш учун хозирлик ва тайёргарлик куришда, дарслар билан машғул булишда давом этдим. Лицейга имтихон топшира олмасам, ҳеч булмаса, муаллим буламан дердим. Имтихонга тайёргарлик дарсларини берган уқитувчилар Риклитский ва Арбековлар билан лотинча, немисча ва математикани ўргандим ва рус мунавварлари муҳити билан танишишда менга ёрдам бердилар. Мен улар билан тез-тез шаҳар театрларига борардим. Бу мен учун янги бир олам эди. Бир кун опера театрига омадим келиб, шаҳарга гастролга келган Шаляпиндан «Қирол Лир»ни тингладим. Кейинчалик мен бу буюк санъаткорни 1934 йилда Австриянинг Кицбюэль шаҳрида унга Қозонда илк бор олган таасуротларимни айтдиб бердим.

Шаляпинлар оиласи сабабли мен бир қанча рус зиёли оилалари билан танишишга муяссар булдим. Шу оила кизи булган Татьяна билан оқшом йигинларига, кечаларга борар эдим ва раксга тушардим. Кабан кўли устидаги муз майдонларда сирпанардик, конки учардик. Шаляпинлар оиласининг барча аъзоларини менга булган муносабати самимий эди. Бироқ бизнинг диний эътиқодимиз бу дустликни доимо чегаралаб турарди. Мен спиртли ичимликлар ичмас эдим. Улар ҳам ҳеч вақт таклиф этмасдилар. Уларнинг уй кутубхонаси рус классик адабиётларига бой эди, мен эса булардан бемалол, унумли фойдаланар эдим. Мендан аввал бу мадрасада на турк тарихи, на араб адабиёти алоҳида фан сифатида ўқитилган. Лекин мен киритган бу янгиликдан ҳамма мамнун булди. Талабаларим куп эди. Улар жуда кизикиш билан мендан таҳсил олишарди. менга ёрдам беришни яхши куришарди. Шогирдларимдан бири уз кишлоғидан темурийлар замонида яшаган самарқандлик туркман беги Давлатшоҳнинг форсча «Шоирлар таъкираси»нинг муаллиф ҳаётига яқин замонда ёзилган жуда гузал бир нухасини ҳадя этди. Астрахонда топилган Ибн Қутайбанинг кўлёмаси ва бу ерда топилган Давлатшоҳнинг форсча асари шундан далолат берадики, агар яхши изланишлар олиб борилса, бизда ҳам ислом, билхосса, Урта Осиё маданиятига оид манбаларинининг топилиши мумкин экан. Булар эса менда ёзма манбавий кўлёмаларни

ахтариш иштиёки ва фикрини уйғотди, бундай изланишлар ҳаётимнинг мазмунига айланди. Бунгача Маржоний ва Қозонда яшаган немис шарқшуноси Готвальд утган асрларга оид бир неча муҳим асарлар топган эдилар. Мен талабаларимга бундай асарларни қишлоқларда курса, менга хабар беришларини сурадим ва “Қосимия”да тўрт йил давом этган муаллимлик даврида жуда кўп асарлардан хабар топдим ва бориб кўрдим.

Шарқшунос Х. Френ!840 йилдаёқ ислом улкаларида изланиши керак бўлган ислом маданияти тарихий манбаларини топиб, улар асосида бир асар нашр этганди. Бу ҳам менга йўлланма бўлди. Шу йили мен немис тили бўйича муаллимим Риклитскийнинг арабчадан немисчага ёхуд форсча ва туркчадан немисчага таржима қилинган асарларни, ҳикояларни қисқаш усулида ўрганиш жуда фойдали бўлишини айтганидан кейин русчани ўрганишимда ҳам тўтган бу усулни давом эттирадиган бўлдим. Профессор Катанов ҳам бу усул фойдали эканлигини сузлади ва туршунос В.В. Радловнинг «Туркий қабилаларнинг халқ адабиёти намуналари»ни ва «Қутадғу билиг» китобини урганмоғимни тавсия этди. Бу мени туғридан-туғри турк халқлари дostonлари билан шуғулланишга йўлади. Айни вақтда профессор Позднесвнинг «Муғул халқ оғзаки ижоди намуналари» китобини ҳам тадқиқ этдим. Бу эса изланишларим, ўрганишларим фақат турк эмас, муғул қавмлари тарихини ҳам ўрганишимга сабаб бўлди. Бу ҳаракатларим натижасида «Туркий халқларида тўрт мисрالي термалар» мавзусига доир илк илмий асарим вужудга келди.

Бир йилдан сўнг бу тадқиқотларимнинг натижалари «Шуро» журналинда эълон қилинди. Профессор Катанов менинг бу ишимдан жуда мамнуң бўлди.

§ 43. *Мусулмон халқи ва туркийларнинг тарихий тараққиётдан ортда қолиш сабабларини ўрганишим.* 1910–1911 йилларнинг кишида яна Шалигинларникида қолдим. Уйда рус «Духовной» семинари укувчилари ҳам туришарди. Улар профессор Кримскийнинг Россия мусулмонлари келажакларини жуда ҳам ночор қилиб, қоронғу тасвирлаган асарини уқийётганимни куриб севиндилар. Голландиялик профессор Дозининг туркчага таржима этилган «Исломият тарихи» номли асари ҳам менда катта шубҳалар уйғотди. Мен “Қосимия” мадрасасидаги тарих дарслиримда қуйидаги икки саволга катъий жавоб топишим керак, деб уйладим:

1. Мусулмонларнинг, билхосса, туркийларнинг ортда қолишига ҳақиқий сабаблари нимада?

2. Бунга асосий сабаб, ислом дини дегани тўғрими?

Мен ислом тарихига онд фалсафий фикрларни Маржонийнинг «Муқаддиматул вафиййат ал-аслаф» асари орқали Ибн Халдун фалсафасига бир оз ургу бериб урганмоқда эдим. Бу асарда тарихий ҳодисаларнинг тапқидий суратда ўрганилиши заруратиға, теократизм

зарурлигига, миллат тамойилининг тарихдаги ахамиятига оид фикрлар менга макул булсада, бошқа айрим фикрлар ҳаётда ва бугунги илмда татбиқи мумкин булмаган, эскирган гоёлар эканини дарҳол англадим. Мен кўпроқ Дрэпернинг «Оврупанинг фикрий тараккиёт тарихи» ва Милюковнинг «Рус маданияти тарихи» китобларини ёқтирардим. Бу китобларни укигач, капитан Мишкинга чиннатдорлик билдириб, мактуб ёздим. Ҳатто Дрэпернинг китобидан «Шарқда имон даврининг сунгига етиши» фаслини (Т. IX-т) рус тилидан татар тилига таржима ҳам қилгандим. Чунки мусулмонларнинг орқада қолиши сабабларига оид фикрлари менга туғридай туюлган эди. Лекин математика ва физика муаллимим Арбаков мени социал-демократ Плеханов асарлари («Тарихни материалистик англаш», «Тарихда шахснинг роли масаласига доир») билан таништиргач, мен тарихни иқтисодий ривожланиш қонунлари асосида ўрганиш тўғри усул эканлигини англаб етдим. Унинг «Россияда иқтимоий фикр жараёнлари тарихи» номли асари (Бельтов таҳаллуси остида нашр этган) «Йигирма йиллик ҳаёт» ва «Бизни танқид қилганларни танқид» номли асарларида «Инсон шуури борлиқни эмас, борлиқ шуурни тайин этади» фикрининг изоҳлари мени ҳақиқатда мойиллигим булган социализм фикрига боғлади. Плеханов бу асарида П. Струве ва Каресв каби унга мойил Россия олимларининг фикрларига эътироз билдирган сузларидан беҳад севинганим ҳолда, кейинроқ Чехословакия президенти булган профессор Масарикнинг материализм ва марксизмга қарши асосли танқидларига жавобларини ишончли топмадим.

Русларнинг буюк мутафаккирларидан Овсянко-Куликовскийнинг «Рус зиёлилари (интеллегенцияси) тарихи» номли асари билан ёз ойларида машғул булдим. Муқаддималарида адабиётни асос қилиб олган бу зотнинг Плеханов (Бельтов) таълимотини танқид қилиши. Умуман, менинг фикрий усишимда, айниқса, Ғарб билан Шарқ дунёқарашлари фарқини идрок этишимда замондош булган Овсянко-Куликовскийнинг бу асари материализмни фақат тарих тадқиқида ишга ярайдиган ва Ғарбнинг саноат мамлакатларига хос бир мафкура (идеология) эканидан, Шарқ ҳаётида тадбиқ этиш мушкул бир назария дея англашимга сабабчи бўлган эди. Плеханов ва Овсянко-Куликовский Шарқ масалаларини махсус урганмаганлар ва буни Дрэперчалик яхши билган эмас эдилар. Бу хусусда рус шарқшунослари билан бир қаторда, асарлари рус тилига таржима қилинган Ғарб шарқшунослари менга янада фойдали бўлишлари мумкин эди. Лекин Қозонда купгина рус миссионерлари тамомила беҳуда ташвиқотчи ва мутаассиб инсонлар эдилар. Ҳатто немис профессори Август Мюллернинг рус тилига ва голландиялик профессор Дозининг турк тилига таржималари нашр этилган ислом тарихига оид асарлари, кейинчалик дустлашганим украиналик профессор А.Е. Кримскийнинг

\* Ne soznanye opredelyayet bytye a bytye opredelyayet soznanye.

араблар, форс ва турк адабиётлари тарихига оид университет курслари мени қатъиян қониқтирмас эди. Шарқшунослар орасида мени уша вақтда икки либерал олим барон Виктор фон Розен билан профессор В. Бартольднинг тадқиқот усуллари қаноатлантирар эди. Чунки уларнинг фарқлари Плеханов ва Овсянко-Куликовский фикрлари билан мос эди. Ҳар икки олимнинг, хусусан, Ғарбда тарқалган Шарққа оид асарларни танитган ва танқид этган мақолалари жуда муҳим эдики, булар «Рус археология жамиятининг шарқ шубҳаси ахборотлари»да босилган эди. Мен бу мажмуанинг уша қунга қадар чиққан ун тўққизта сонини сотиб олдим. Бартольд, Леон Каён, Грум-Гржимайло, Аристов каби муаллифларнинг туркий халқлар тарихига оид асарларининг танқидлари жуда муҳим эди. Уларнинг фикрича, ислом миллатларининг ортда қолиш сабаби ақидалар эмас, балки XVI асрдан бошлаб, денгиз йулларининг очилиши, қуруқликдаги эски тижорат йулларининг ҳувиллаб бушаб қолиши ва бу вазиятнинг Оврупа халқларининг дунёда иқтисодий устунликка эга бўлиши билан боғлиқ экан. Мен ҳам тарих дарсларимда ва ёза бошлаган «Туркийлар тарихи» китобимда Плеханов билан Бартольднинг иқтисодий нуқтан назарларини асос қилиб олдим. Мен бу иқтисодий тарих тушунчасига 1910 йилда булганидек, 1940 йили Мисрда Туркистон тарихига оид нашр этилган «Умумий турк тарихига кириш» ва 1946 ва 1950 йилларда Истанбулда нашр этилган «Тарихда усул» мавзуларига доир асарларимда ҳам содиқ қолдим.

Шундан кейин узок йиллар давомида тадқиқ этиш методида россиялик пайтимда шаклланган фикрларимни кейинчалик ўзгартиришимга зарурат ва эҳтиёж қолмаган эди.

**§44. Диний қарашларимда усши.** Шу икки йилдан бери ақидаларим хусусида ҳаётимда ва фикрий ҳаётимда отамнинг мураккабасидан узок турсам-да, мунтазам бўлмаса ҳам намоз уқир, бир қанча қараш ва ҳаракатларимда ота-онамнинг таъсири остида қолган эдим. Бу хусус Куръонда (V, 104; XLIII, 21) араблар “жоҳил ва ғофил булган булсаларда, бизга оталаримиздан урганларимиз кифоядир” шаклида; яна Инжилда (Йоҳанна VIII, 4) узларини Иброҳимнинг аслидан деб билган яҳудийларнинг она эмас, оталарининг хато йулларига эргашишлари бу қавмларнинг қатта аҳмоқлиги шаклида тасвир этилган. Маъаррий Абу-л-Ало Аҳмад эса “Инсонлар оталарининг ақидаларига қурқуруна эргашишнинг туфайли бир-бирдан дин пардаси билан ажратилгандир” дейди. Мен билан бир хонада турадиган Коля Шалигин билан суҳбатимизда “оталаримиздан қолган ақидалар булмаса, уртаимизда фарқ булмасди” дердик. Коля насронийликдан тамоман совуган эди. Менга у яширин равишда Шишқов исмли бир рус ёзувчисининг Исо тарихий шахс эмаслигига, уни руҳонийларнинг узлари тўкиб чиқарганига доир рисоласини берди. Мен эса унга Маъаррий Абу-л-Ало Аҳмаднинг “Инсонлар ақидаларига эргашишнинг

тарафдорларининг юзларини сигир сийдигига ювишларига хайрон қоламан; насронийларнинг эса бошқа инсонлар томонидан чормихта қуйилганда, қарши чиқа олмаган ва ҳеч кимдан нажот топа олмаган бир инсонни Аллоҳнинг угли дейишларига хайрон қоламан; бошқа бир қавм эса шайтонга тош отамиз, деб узоқ мамлакатлардан Маккага тупланадилар. ажаб бу инсонларнинг кузлари қурми?"\* ёхуд яна шу Маъаррий Абу-л-Ало Аҳмаднинг "Исо келди ва Мусонинг шариатини бекор қилди, Муҳаммад эса беш вақт намоз олиб келди дейишади ва ундан сунг бошқа пайгамбар келмаслигини айтишади, яъни инсонлар тонг билан кеч орасида йўлларини йўкотадилар"\*\*\* маъносидаги шеърлари жуда хуш ёкарди ва уларни Коляга таржима қилиб берардим.

Мен онгли инсонларнинг бириқиб муштарак дин топа олишади деб уйлардим. Туркийлар аждодининг шомонизми биз учун миллий дин бўлиши мумкинми? Эҳтимол, унинг табиат дини эканлиги сабабли "китобий динлардан" яхши томонлари ҳам борку. Бирок сомиий қавмлар (жуҳудлар) каби ривожланган адабиётга эга бўлмаганимиз сабабли бу ибтидоий ақидалар мунтазам дин шаклида қола олмаган деб уйлардим. Шомонизмга оид В.В. Радлов, Михайлов, Вербицкий ва бошқаларнинг, айниқса, Чукон Султон Валихоновнинг тадқиқотларини ўқирдим. Чукон Султон Валихоновнинг асарлари қўлимдан тушмасди. У ҳам шомонизмни ёқлаган, хусусан, бу диндаги фароғат ва табиатга нисбатан муҳаббат диққатимни тортарди. Олтой туркийлари ва қозоқларнинг шомон дуоларини арабча исломий дуолардан яхшироқ билардим. Бирок бу ибтидоий ақиданинг катта миллий гуруҳни ташкил этган турклар ва зиёлиларни ўзига тортадиган томони йўқ эди. Мунтазам бир диний тизим шаклига эга бўлолмаганди.

1908 йилдан бери Таврот ва Инжилни ўқирдим. Масихийлик (насронийлик) тажовузга қарши бардошли бўлишни ўргатган булса-да, бу дин аҳлини, айниқса, мен билган русларни ўзига торта олмаган, ўзига қарши булганларни жазолашдан ожиз булган бу дин мени қониқтирмас эди. Айниқса, Инжилда (Йуханно VIII, 115) эрига хиёнат қилган зинокорга нисбатан уша пайтда маъжуд қонунлар асосида ҳукм этишдан чекиниб, ҳатто, Исонинг "сиз фақатгина жисмга қура ҳукм этмоқдасиз, мен эса ҳеч кимга ҳукм этмасман" деганини ўқигач, булар менга риёкорлик дини, ожиз бир жампанинг фалсафаси бўлиб туюлди. Зотан, насронийлик Дрэлср айтганидек, дастлаб римликлар зулми остида қолган бир қисм яҳудийларда яшаб келган дин эди.

\* Acibtu li-kisra va asya'ihī va gusl-i 'l-vucuh-i bi bavl-i 'lbaqar  
Va gavl-i 'n-Nasara 'an Ilahun yudamu ve yuzlamu hayyen ve la yuntasar  
Va qavmun atav min aqasi 'l-bilad-i li-ramy-i 'l-hicar-i lathm-i 'l-hacar

\*\* Ata 'Isa fa-batala sar'u Musa. Va ca'a Muhammadun bi-salat-i xamsin  
va qalu la nabīya ha'da hadha,fa dalla 'l-qavmu bayna gadim va amsin.

Инжил хикоялар тупламидан иборат булиб, инсоннинг ички ва ташки хаётини тартибга солувчи мажбурий таълимотни уз ичига олмайди. Ислон инсоннинг ички ва ташки хаётини тартибга солишни мақсад қилган дин ҳисобланади. “Жонга жон, кузга куз, кулоққа кулоқ, тишга тиш” тамойили курашувчан миллатнинг рухиятини акс эттириши ва хаётийлиги билан руҳимга мос эди. Шу билан бирга, Ислоннинг қувватли ҳарбий жамоанинг дини булиши, кейинчалик унга инсоннинг иродасини, ижтиҳодини торайтирувчи шакл берган мунозараларда мутаассиблик устун келган. Ислон ва насронийликни танқид қилган швед Пфандернинг “Мезон ал-Ҳақ” ва хинд Раҳматуллоҳ Дехлавийнинг “Изҳор ал-Ҳақ” номли асарларида шундай манзарани куриш мумкин. Бундай мутаассибларни отамнинг пирларининг пири Баҳоуддин Нақшбанд ва ҳиротлик илоҳиётчи Али ал-Қори қулларига қурол берилса, менимча, папа Пий II дан ҳам шавқатсиз жазо берган буларди.

Мен фалсафа муаллимим Давидов келтирган социал-демократик партия нашридан Аллохни ва динни бутунлай рад этувчи асарларни уқидим. Бирок коинотнинг турли шаклларга кириб, онгли ва мутадаббир борлик томонидан жорий этилган табиий қонунлар асосида бошқарилаётганини инкор этувчи бу асарлар ҳеч бир вақт мени қониқтирмади. Аллоҳ ва дин башарият устида ҳоким булган ҳақиқатдир. Буни инкор этган киши миллатидан ажралиб, ёлғиз яшашга мажбур. Айниқса, замондош ислон мамлакатларида миллатига ижтимоий-сиёсий соҳаларда фойдали бўлишни истаган давлат раҳбарлари, динга шаклан булса-да ҳурмат кўрсатиши улғач, диний маросимлар билан дафн этилишига миллатини ишонтириши зарур. У ҳолда динсизликни намойиш қилиб, олма хизматидан чекиниш, ҳамда халқ орасида юриб, унга фойдали булишдан қай бирини танлаш кераклиги ҳақида уйлаш лозим булади. Мен давлат одами эмас, фақатгина уқитувчиман, менга нима гам? Самимий айтадиган булсам, уша вақтда шундай уйлагандим. 1910 йил 1 май куни мени зиёрат этгани келган Усмон исмили талабам ва ҳозир исми хаёлимдан кутарилган яна бир талабам буни билишга қизиқишди. Шундай жавоб қилдим: инсон коинотни яратгандан фохрланади ва унга булган ишонч-этиқодини у ёки бу диний маросимлари орқали ифода этади, мушкул пайтларда унга сиғинади, буни ота-она ургатган маросим орқали амалга ошириш, диний мавзулар хусусидаги ҳар қандай карашга мене булмаслиги лозим. Инсон диннинг хаётни тартибга солишда ортикчаликка йул қуймаслиги, беғоналарнинг уз тақдирига ортикча аралашшига йул бермаслиги лозим. Узини унинг панжасига тутиб бермаслиги керак. Ислонга бир маънавият дини сифатида караш лозим. Қуръонда “Агар дунёдаги денгизлар сиёҳ булса, Аллоҳ билан боғлиқ коинотнинг сир-асрорини ёзиш керак булса, денгизлар қурийди, аммо коинотнинг асрори тугамайди” дегани рост. Менинг



динга кизикишим деист Дрэперникіга қадар, мусулмонлигим Куръонни яратилган эканини айтган аббосий халифаси Маъмун ва либерал муътазиллийларнинг қарашларига ухшашдир.

Дин ва ислом ҳақида шундай уйлашимга қарамай, мен узимни унинг кенг мудохаласидан қатъий равишда муҳофаза этишни истардим. Намозу ниёз мен учун оғир юкка айланган эди. Мен бу йил 10 майда Қозоннинг “Тош оёқ ярмаркаси” деган ярмаркани айланиб, бу юкни устимдан олиб ташлаб, тамомила кутулишга қарор қилдим. Ҳаво жуда иссиқ бўлишига қарамай, шу кунгача қадамимни босмаган рус майхоналаридан бирига бориб, шу кунгача ҳаром деб билган ва ўзимни тийган овқатларни егач, ичкилик олдим. Шалигинларнинг Суконное маҳалласининг тепасида булган уйларига қайтар эканман, тепаликда зурга судралиб борардим. Минг машаккатда уйга келиб, узимни ётоққа ташладим. Олдимга талабамдан ҳам яхшироқ курадиган Усмон келар эди. У шаҳар мактаби деб номланган рус семинарийсида ўқиган, сунг зироат мактабига кирган эди. Рус мактабидан чиқиб, исломий таҳсил олиш учун “Қосимия” мадрасасига келарди. Мадрасадаги тарих сабоғидан ташқари уйимга келиб, араб адабиётидан қушимча дарс оларди. Чунки у ҳам мен каби таҳсил учун Бойрутга бормоқчи эди. Дарс олиш учун келганида, мени гайриодатий холда кийимларим билан ётганимни кўриб, уйғонгунимча ховлида кутибди. Мендан нима булганини сураганида ҳақиқатни айтдим. Унга Навойнинг мана шу байтини ўқидим:

“Ииллар буйи шайх сузини тингладим, бироқ бу сузлар ва хунглимга бир заъв ва руҳимга хаяжон бера олди; Шароб сотувчи бир ютум ичкилик бериб жонимга наво солиб, кунглимни жушу хурушга келтирди”.

Уша оқшом иккимиз ҳам китобни бир четга суриб, динимиз бизга шу кунга қадар таъқиқлаган заъв ва сафога берилдик. Усмон бу хусусда мен билан бир фикрда эди. Айни изтиробларни бошимиздан кечирардик, зотан, бу хусусида бир неча мартаба суҳбатлашган эдик. Татарларнинг диний мадрасасида муаллим булганим боис дин худудларидан хатлаганимни билдира олмаслигимни айтдим. Иккимиз ҳам ақидаларимизни фақатгина ота-онамиздан олган булмайлик дер эдик. Бироқ бу фикр тамоман татбиқи қобил эмаслигига, инсонларнинг фикрий асорат ва тақлиддан кутулиш йўли ёлғиз илм йўли эканига ишончимиз қомил эди. Биз 11 май куни Усмон билан биргаликда Волга буйлаб пароход сайрига чиқмоқчи ва бирга бизникіга Урал тоғларига бормоқчи эдик. Самара вилоятида Малакас номли шаҳарчада

---

\* Yillar tutuben seyх maqalatiga gos  
Ni konlimge zevq yeti, ni canimga cos  
Canimga neva salditu konlimge xurus  
Bir cur'a mey bile mughece bade furus

яшайдиган ва араб тили грамматикасига бағишланган “Алфийа” номли манзум (назмий) асарни туркчага угираётган Атоуллох мулла билан хабарлашдик. Ундан бу китобни урганмоқчи эдик. Биргалиқда у ерга бордик. Йулда эски Булгор шаҳри харобаларини зиёрат қилдик. Малакада Жлобин исмли бир руснинг уйида қолдик ва Атоуллох мулладан бир ой дарс олдик. Аввал ҳам Аҳмад Шинкитийдан бир қисмини урганганим “Алфийа” китобини шу мулладан ўқиб ёд олдик.

Йулга тушишимиздан бир-икки кун аввал бу ерда бир ходиса бўлди. Кекса Жлобин, ўғли, хотини ва келини ичкиликка муккасидан кетишган эди. Ўғли Степан қимор мубталоси эди. Ичиш учун ҳамма нарсаларини сотишдан тўйишмасди. Бу сафар Степан ўзига тегишли нарса билан бирга, менинг Қозонда сотиб олган этикларимни ҳам сотибди. Ўғлига нисбатан жуда соғлом бўлган кекса Жлобин келинига эга чикмоқчи бўлди. Буни яхши билган Степан отаси билан муштлашди. Биз бу аҳволни кўриб, ўйнаётган қарталаримизни ташладик ва бир-биримизнинг кўзимизга қарадик. Нима демоқчилигимизни иккимиз ҳам яхши билардик. “Ота-онамиз орқали утган буш эътиқодлар аралашган булса ҳам биз яна исломга содиқ қолайлик. Уларнинг ота-оналаридан урганганлари ўзларига сийлов”.

Бу ерда яна бизнинг мухитимизда содир бўлиши мумкин бўлмаган воқеаларга ҳам гувоҳ бўлдик. Мен дарҳол бу оилани тарк этиб, бошқа бир оилга чиқиш ёки Малакадан кетиб, Бошқирдистонга боришга қарор қилдим. Эртаси кuni кейинги қароримни танладим. Чунки рус шаҳар халқига нисбатан рус қишлоқ аҳли диндор бўлиш билан бирга, Тангри хузурида (яъни баъзи фанларни ўқитишга янги киритилган эди) уларга нисбатан оз масъул эди. Насронийлик ҳам ислом каби одамларнинг қайта тирилиб, Тангри хузурида ҳисоб беришини талқин этса-да, унда келажак ҳаётга ишонч, исломдагидек “инсон бу дунёдан кетгач, уз холига ташлаб қўйилади деб ўйлайдими” деган даражада тушунилмайди, шу сабабли бошқа динлар инсоннинг ички дунёсини тартибга солишда исломчалик таъсирли бўлолмайди. Бу фикрга биз билан ора-сира суҳбатлашиб турадиган (насроний) руҳоний ҳам қушиларди.

Бир кuni дераза тоқчасида утириб, Алишер Навоийнинг қуйидаги шеърини такрорлаётим, Усмонга эътибор қилдим: “Эй қунгил ёримиздан айрилдик, биз уни ранжитдик, бошқа бир ёр излайлик, тоғларни, қирларни кезайлик, янги дуст, ёр топайлик. Бироқ... қидиришдан нима наф? Қидириб қимми топамиз, энг яхшиси, шу эски дустимизни қайта излаб топайлик ва унинг қунглини олишга ҳаракат қилайлик”<sup>\*\*\*</sup>.

\* A yahseb-u 'l-insan-u en yutrakā suda, Kur'an, LXXV, 36.

\*\* Ey konnil kel kim ikev bulib nigarni kozleli, Serv qadni isteben simin gadhami kozleli

Усмон унга жуда ёккан бу парчани мендан урганган эди. Маъносини биларди. “Бу ерда “эй кўнгул” деб муҳаққак мени назарда тутяпсиз, “эски дустимиз” эса Ислом. Бу ифлос ишларни куриб, яна Исломни кидира бошладингиз шундайми?” деди. Мен, ха, аммо тулик эмас, дедим. Бу сузим Усмонни кизиштириб қуйди. Исломни янгитдан англашимнинг нима эканини шу кунларда бир неча маротаба суради. Бизниқига келгандан сўнг Урал тоғларига борганимизда яна куп бор ана шу масалани кўтарди.

Тушундимки, мени уйлантирган масалалар уни ҳам ўйлантирмоқда, бироқ жавоб топа олмаган, бу жавобни эса мендан олишни истарди. У ҳам менга ухшаб мавжуд динларни Маъаррий Абу-л-Ало Аҳмаднинг рус ёзувчиси Шишковдан ва ота-боболар ақидаларига кўр-курона эргәшишдан иборат эканини билиб олди. Зиёли инсон булардан қутулиши лозим деган сузларимни янги дин ва ақида кидириб топиш деб тушунибди. Энди эса Алишер Навоийнинг шеърини берилиб ўқитганимга у фикрлардан воз кечиб, эски ота-боболаримизнинг ақидаларига қайтди деб уйлабди. Бироқ менинг уйлаганим на униси эди ва на буниси. Усмонни энг кўп таажжубга солган нарса ҳам шу булди. Хулоса: бизнинг оталаримиз динидан бошқа бир ақида кидиришга доир суҳбатимиз май ва июн ойларида фақатгина икки ой давом этди. Изланишларимиз натижасида биз яна исломиятга содиқ колдик. Бироқ биз унга ўз қарашимизга кура боғланамиз. Бу хусусида Усмон мен билан бир фикрда эди. Баъзида уйнаб турадиган карта уйинини энди асло ўйнамаймиз. Мен бу қароримни кейин ҳам узгартирмайман. Ўйлайманки, Усмон ҳам шундай қилади.

Биз бу ердан, яъни Малакас қишлоғидан июл ойи бошларида чиқиб, Самара йули билан мамлакатимизга кетдик. Кетишдан олдин Атоуллоҳ ҳазрат билан учрашиб, ёзнинг иссиқ кунларида ишларини ташлаб, вақтини бизга сабоқ беришга бағишлагани учун ташаққур айтдик. Жлобин оиласида кўрганларимизни айтиб, ҳазратдан бундай муҳитда, битта қишлоқда қисилиб колмадингизми? деб сурадик. Айтдики, “Биз узимизни улардан бутунлай ажратганмиз”. Ҳақиқатан ҳам мен мусулмон турк ва насроний рус муҳити орасидаги тазодни (зидликни) шу қадар равшан кўрсатган бошқа жойни учратмадим.

Ҳаво жуда ажойиб эди. Пароходда Самарга бир кундан сўнг у ердан Шафранга станциясига келдик. Ҳамма томонда ҳосил яхши

---

Yar deb ko'z tutqammiz ko'zledi eun ozge yar, Bizde hem ko'z bar barib bir ozge yarmi ko'zleli

Seyr-i dest u bag etermiz hem yine bir yar ucun \* Bag sari ko'zleli u dest-i sari ko'zleli

Belki bir fayda bulur maqsadga arman qilmasin \* Khas u gam icre qila alganca bari ko'zleli

Ey Nevayi bulmagun andin munm birle khalas \* Kel ki hem vaslin tileb sabr u qararm ko'zleli.

булган эди. Бу ердан (спатига) 150 километрли шиддатли шамолда ергача эгилиб қолган бугдой ва жавдар даласи орасидан утиб бордик. Уйимизда ҳеч ким йуқ экан. Яъни уша кун отам бошқа ноҳиялардан ҳам одамларни қақириб утказадиган “имажа” (хашар) кунн экан. Хашар утказиладиган Ирамал яйловига бордик. Ҳамма жойдан отамнинг дусти ва қариндошлари кимиз ҳамда куй олиб келишибди, отам ҳам бир нечта ҳүкиз сўйдирган эди. Аксарият ёшлар булган юзлаб бошқирд ашула айтиб, кулиб-яйраб ут уришарди. Аср махали уриш тухтатилди. Суйилган ҳүкиз ва куй гуштлари пишди. Овқатдан сўнг отам майдонни ўйинчи, кушиқчи ва курашчиларга ташлаб, уйга кетди. Биз ярим тунгача уйнаб-қулдик. Бу Усмон, умуман, эшитмаган ва кўрмаган манзара эди. У одамларнинг гуштни ва “салма” деган юпқаларни қул билан ейишларига ҳайратланди.

Уйда бомдод намозига тургизишарди. Аммо отам уйда булмаган пайтларда намозга турмасдик. Уйимизда бир неча кун қолган Усмон билан бирга бошқа кишлоқлардаги дусти ва қариндошларимизни қуришга бордик.

*§ 45. Аҳмадсоний ва Мансур менга Россияда таҳсил олишга маслаҳат беришди.* Бир муддат утиб бизникига ёшлигимдаги дустиларим Кучкор ўгли Аҳмадсоний билан Мансур келишди. Мен Усмон билан уларни отларга миндириб, биздан 30 километр узоқдаги Айғир ўлган яйловига олиб бордик. Аҳмадсоний ва Мансур Истанбулдан келишган эди. Яйловда кимиз ичишмоқчи эдилар. Аҳмадсоний Ўтак кишлоғидан бўлиб, сайёр олим-уламолар наслидан эди. Уларнинг авлодлари бу кишлоқга XVIII асрда келиб қолмишган. Унғача хоразм ва қорақалпоқлар орасида гоҳ Доғистон, гоҳ Қозон, гоҳ Истанбул томонларда кезиб, Ислон илмларини яхши эгаллашган. Куп жойларда мадрасалар қуришган эди. Бу силадан Амирхон Қускар Қозоннинг Мамадиш уездидаги Копка кишлоғининг имоми эди. Кейинчалик кишлоқдан узи билан татарларни олиб келган, улар орасида муаззинлик қилганларнинг баъзилари бизнинг кишлоғимизга келиб урнашган, бир қисми Утакда қолган. Қозонда жойлашганлари тижорат билан шуғулланиб бой бўлишган ва асл ватанлари деб ҳисоблаган Утакда масжид ҳамда мадраса бино этишган ва бу ердаги дусти биродарлари, қариндошларининг фарзандларини Қозонга олиб бориб уқитишган. Хуллас, мана шу Кучкор ва Утагул сулоласи биз томондаги шайх ва имом оилаларининг Хоразм, Қозон, Доғистон, Истанбул, Миер ва Макка билан алоқаларига сабаб ва васила бўлишган. Аҳмадсоний Истанбулда ҳам машхур булган буюк олим ҳамда арабча асарлар муаллифи Аҳмадзоннинг невараси эди. Бой қариндошларининг ёрдами билан дастлаб Утакда тоғамнинг мадрасасида ва Қозонда уқиди. Сунг Истанбулдаги Султонияга кирди. Биз тоғамнинг мадрасасида танишган эдик. Герей исмли кишидан бирга русча дарс олган эдик. Истанбулда борғач,

французчани ҳам урганибди. Аҳмадсоний (Туркияда Аҳмад Амирхон номи билан машҳур эди) менинг Истанбул билан алоқа урнатишимда воситачи бўлди, у ердан китоблар юборарди. Лицейни битириб, энди дорулфунунга кирмокчи эди. Қариндошларини зиёрат қилиш учун бу йил қишлоққа келибди. Утак билан қишлоғимиз ораси 14 километргина булгани бонс доим қуришиб турардик. Мен ундан Истанбулдаги вазиятни урганар эдим. У ҳам уз таҳсилини қайси йулда давом эттириш купрок фойдали булиши хусусида эски кадрдони сифатида мен билан маслаҳатлашарди. Мен унга география илмини тавсия этдим. Истанбулга қайтганида адабиёт факултетиди шу илм йулида таҳсилни давом эттирди. Лицейларда тарих ва жуғрофиядан сабоқ берди, уйланмади. У ҳар доим Истанбулдан Утакка келиб амакисининг васиятига қура, Туркияда урганганларини Утакдаги мадрасада ўргатишни уйларди, бироқ 1914 йилда бошланган уруш ва ундан кейинги рус инқилоблари унинг бу режаларини амалга ошишига имкон бермади. 1925 йили Истанбулга келганимда у билан учрашдик. Уйимиз бир ерда булиши учун ҳам Эранқуйда, ҳам Адапазари шарқидаги тоғларда ёнма-ён ер олишга ҳаракат қилдик. Пули булгани учун ҳар йили Оврупага борар, билимини оширарди, маданиятли киши эди. 1951–1953 йилларда Гузтепада қушни булиб яшадик. Нафаси қисш касали бор эди. Жануб иклими яхшироқ булади деган умидда Мадинага кетиб, вафотига қадар уша ерда яшади. Банкдаги пули, мол-мулкни ҳамшаҳарларининг илм олишлари учун вақф этди. Ушбу вақфдан фойдаланадиганлар орасида менинг икки фарзандим ҳам зикр этилган эди. Аҳмадсоний нозик ва келишган, вужудида гузал зариф жуббаси, бош кийими, туфлиси кўзларимга жозибали қуринарди. Бизга Меҳмет Амин Юрдақул ва бошқа шоирларнинг шеърларидан уқирди. Аҳмадсоний билан бирга келган Мансур эса Уфа томонларда Йумран номли бошқирд қишлоғининг имоми Нуъмон Қиличнинг ўғли эди. Отамнинг дусту булган имом ўғли Мансурни илм олиши учун Маккага олиб борибди. Мансур у ерда ва Истанбулда мадраса таҳсили кўрган, қори, муфассир ва муҳаддис булиб етишган эди. Бу ёш олим адабиётдан яхшигина хабардор эди. Ақидаларида қатъий булиш билан бирга, оврупалиқларнинг Исломият соҳасидаги тадқиқотларини уқишни яхши қуради. Жумладан, Оврупада нашр этилган арабча матнларни Маккадаги шахсий кутубхонасида мунтазам йиғиб келишини ўзи айтган эди. Мансурнинг отаси бизникига деярли ҳар йили ёз ойларида, баъзан ўғли билан бирга келгани учун Мансур билан кичкиналигимда танишган эдим. У 1910 йил Маккадан оиласини зиёрат қилиш учун қишлоғига келибди. Зотан, Аҳмадсоний билан келишиб, юртларига бирга қайтишган эди. Иккисининг ҳам мақсади Бошқирдистонда, Утакда замонавий “Ислому куллияси” очилди эди. Куллия деганда насронийларнинг диний семинари ёхуд илоҳиёт факултети очмокчи эдилар. Чунки ҳар иккаласининг фикрига

кура, энди мадраса даври ўтган эди. Мансур афанди ҳам уша йили Аҳмадсоний билан бирга Туркияга қайтди, аммо иккиси ҳам ватанларига қайтиш азмида эдилар. Бирок, биринчи жаҳон уруши бошланганлиги сабабли Мансур Маккага келди. Лекин бу уруш сунгида Макка катталари Туркияга хиёнат қилиб, инглизлар томонга ўтишгач, Мансур афанди “бу ерда ортик қололмайман” деб хозирги Хатай вилоятидаги Тўртўлга келди. Мен Туркияга келганида у билан бир неча марта куришдим. 1951 йилда Истанбулда тупланган Халқаро мусташирлар конгресси ва уни тайёрлаган кумитага раислик қилиб, жуда чарчаган эдим. Конгресс тугагандан сўнг Мансур афандининг уйига бориб, бир неча кун меҳмон бўлдим. Ўтган кунларни эсладик. Мени уйда меҳмон қилишдан қанчалар хурсанд бўлганини тақрор-тақрор айтганида, мен ҳам ёшлиқдаги дўстларим Мансур Қилич ҳамда Аҳмад Амирхон билан 1925 йилда Истанбулга келганимда Туркияда яна куришимиз буюк саодат эканини айтдим. Мансур Қилич Аҳмадсонийдан бир ёки икки йил аввал Тўртўлда вафот этди. Фарзандлари ҳалиям уша ерда яшашади.

Таржимайи ҳоллари шундан иборат бўлган Аҳмадсоний ва Мансур Қилич 1910 йил ёз ойларида бизникида, кузда уларнинг қишлоғида куришганимиздан сўнг Туркияга қайтишмоқчи эди. Усмон билан мен Малакасдалигимизда таҳсилимизни Россияда уқишга қарор қилган бўлсак-да, бу икки дўстимнинг ташрифидан сўнг бу масалани қайта кўриб чиқишни уйладик. Айгирулганга келганимизда суҳбатимизнинг биринчи мавзуси мана шу эди. Иккаласи ҳам Истанбулда ва Ҳижозда ватан ҳасратини чекишганини, бориб-қелиш кўп маблағ талаб қилишини, бу сафар Туркияга келсангиз ватанга қайтиш оғирлашишини, модомики, юртимизда ишлашни хоҳлар эканмиз, шу ерда қолишимизни, Бойрут Америка коллежи илм муассасаси бўлишдан кўпроқ миссионерлик мактаби эканини, у ерга бориб миссионер мактабига кириш Россиядаги миссионер мактабларида давом этишдан фарқсиз эканини, Россияда рус мактабларида уқиб, сўнг Туркияга кучиб ўтган Мусо Окйигитзода уларга “Россия мусулмонларига фойдали бўлишни истаганлар, у ерда қолиши лозим, у ер сиз каби зиёлиларга кўпроқ муҳтождир”, деганини айтиб, Усмон иккаламизнинг Россия мактабида уқишни давом эттиришимизни маслаҳат беришди. Шундан сўнг Усмон ва мен Бойрутга бориш фикридан қайтдик. Мен университетга, Усмон эса зироат мактабига кириш учун имтиҳонларга тайёрлана бошладик. Натижада уша вақтда мен араб адабиёти билан шугулланишни тўхтатдим. “Араб адабиёти тарихи” номли китобимни нашр этиш билан ҳам машғул бўлмадим. Аҳмад ва Мансур Бейларнинг ташрифи ҳаётимни бошқа йўлга буриб юборди.

§ 46. Урал тоғларидаги “Сурат қаҳвахонаси”. Айгирул яйловига келганимизда эски танишим Самарадан рус муҳандиси Николай

Мошковни учратдик. Бу киши сил касалига йуликмаган булса-да, жуда озгин эди. Бир неча йил бурун ҳам шу ерга кимиз ичиш учун келиб, бир-икки ой колган эди. Айгирулган Урик дарёси устида жойлашган фавкулдда гузал жой булиб, ерларимиз кулимиздан олингунга қадар бу ер ота-боболаримизнинг яйлови булган. Бирок энди бу мулкимизнинг урмонларидан фойдаланиш, йилда муайян миқдорда арча дарахти кесиб олиш, куриган дарахтларни гула қилиб бозорга олиб бориб сотиш, арча ва қайин дарахтлари пуствлоғидан қатрон чиқариш, ихламур пуствлоғидан алиф чиқариш, арча дарахтларида “сулук” деган асалари инлари куриш, яйловларда ут уриш, қишда ҳайвонларни боқиш учун “утар” деган вақтинчалик бошпана куриш каби ҳуқуқларимиз муҳофаза қилингани сабабли ҳар йили бу ерга келиб ишлардик. Шу сабабли бу ерларни мен беш кулимдек билардим. Меҳмонларим Усмон, Аҳмадсоний ва Мансур Қилич кимизга шунгишди. Мен эса Мошков билан худди олдинги йиллардагидек кийик овига кетдим. У социал-инқилобчи партияси аъзоси булиб, менга узининг сиёсий фикрларини билдирарди. Мошков рус социолоғи Чернышевскийнинг узим билан олиб келган “Пролог” асарини ўқишимдан мамнун булиб, унинг бошқа асарлари ҳақида ҳам сўзлади, айниқса, “Нима қилмоқ керак?” деган романини ўқишимни тавсия этди. Умуман олганда, бу киши Чернышевскийга жону-дили билан боғланган эди. “Гузал” ва “хунук” тушунчаларига онд бу рус мутафаккирининг сузлари мусулмонларда ҳам “хусн” ва “курух” тушунчалари билан мунозара қилинишини Мансур афандидан эшитиб, хурсанд булди. Хуллас, Мошков қизиқишлари кенг, узи ҳам бағрикенг инсон эди. У билан бирга қилган овимиз Тургеневнинг “Бир овчининг хотиралари” асаридаги ҳикояларини эслатарди. Мошков овимиз таассуротларини ёзиб борарди. Узи ёзиб турадиган рус газета ва журналларида буларни чоп эттирган булиши ҳам мумкин. Мен эса дуствларимни отган кийикларимизнинг гушти билан меҳмон қилишдан завқ олардим. Мошков оз-моз татарча биларди. Ижтимоий ва диний карашларда аъёналарга боғлиқ булган Мансур Қилич Мошковнинг социалистик фикрларини рад этарди. Шу билан бирга, менинг ўқиётган китобларимдан ва Мошков билан донмо русча гаплашишимдан шубҳаланарди. Мошков атеист булгани бонс бир қанча эркин фикрларни билдирарди. Рад этган динлари орасида исломга нисбатан ижобий фикрлар айтгани туфайли Мансур афанди уни насронийликдан воз кечиб, исломга тамойил этган рус деб биларди. Бу масалалар ниҳоят дуствларим билан Мошков уртасида аввалдан давом этаётган диний мунозаралар куринишини олди. Бу мен учун жуда қизиқ эди. Мансур афанди динлар тарихини ва ислом мазаҳбаларини, Мисрда ва Ҳиндистонда исломни мудофаа қилиш мақсадида ташкил этилган нашриётини мукаммал деб биларди. Мен ва Усмон фурсатдан фойдаланиб, Мансурдан бизни қизиқтирган

барча масалалар хусусида сўрадик. Қозон рус миссионерларининг “Исломга қарши” мажмуаларидан динимизга нисбатан иснод булган нуқталарини унга ҳикоя қилар ва Мансурдан олган жавобларини бирма-бир ёзиб оларди. Бу диний мунозаралар Ферей Мулланинг ёзги уйини “Сурат қахвахонасига” айлантирган эди. Сурат-Ҳиндистондаги савдо бандаргоҳи булиб, рус ёзувчиси Лев Толстой мана шу бандаргоҳнинг қахвахонасида тасодифан тупланадиган турли дин ва ирққа мансуб кишилар, денгиз йўли билан келган инсонлар уртасида бўлиб утган мунозараларни шу мавзуда узидан аввал ҳам қалам тебратган француз ёзувчиларидан фойдаланган ҳолда ажойиб бир ҳикоя ёзган эди. “Сурат қахвахонаси”даги мунозаралар турли динларга мансуб кишилар уртасида узаро англаш туғилган килиб тасвир этилган булса-да, Айгирулгандаги мунозаралар Мансур афандининг мутаассиб сузлари натижасида узаро келишувни ҳосил қилмади. Шунга карамай, Усмон бу мунозарани мунтазам ёзиб борди. Аҳмадсоний билан Мансур бир канча масалада улар билан ҳамфикр эмаслигимизни эшитишган эди. Бироқ мен гузал отлари куп булган Ферейнинг отларидан фойдаланиб, якка ўзим Йалтиран ва Кебес яйловларида танишларим орасида айланиб юардим. Менга баъзида Усмон ҳам кушиларди. Бироқ отга яхши минолмай узок вақт касал булиб ётарди. 20 кун утиб Аҳмадсоний ва Мансур бу ердан кетишди. Усмон бу дин кишилари билан суҳбатлашган мавзуларимиздан менга давомли саволлар берарди. Ниҳоят, мен бу мавзуларни ёзма шаклда изоҳ қилишни бўйнимга олдим. Бу ёзув кейинчаик бошимга бало булган булса-да, фойдаси ҳам булди. Усмон татарларникидан фарқли булган овқатларимизга куника олмади. Имтиҳонларга тайёрланиш мақсадида юртига қайтишини билдирди. Қишлоғимизга келганда, уни Истарлитомоққа олиб бордим. У ердан бир машина ёллаб йулида давом этди.

Мен отам билан бирга хайвонларга караш учун Окбийик томонга кетдим. Қораоғоч яйловида дустим Иброҳимникида меҳмон булдик. Унга отам мен Усмон билан юрганимизда одатларимизга туғри келмайдиган баъзи ҳаракатларимни курганини хафа булиб айтиб берибди. Масалан, Усмоннинг отнинг унг томонидан, яъни чап оёғи билан отга минганини айтди. Иброҳим эса менинг намозга таҳоратсиз борганимни онаси курганини айтди. Отам яна Иброҳимга “дусту татар Усмон билан бирга Истарлитомоқдаги рус ошхонасида овқатланганимиз, колбаса ҳам еганимизни ва арок ичганимизни татарлар айтиб берди. – Кураимиз, бу ишлар билан қаергача борар экан. – дебди. Мен отамнинг бундай нарсаларни аввал узимга айтмасдан, бошқа бировга айтганига биринчи марта гувоҳ булишим. Мен бундан хафа булдим, узига ҳеч нарса демадим. Зотан, Мансур афанди билан килган мунозараларимиз унга ёқмасди. Унинг фикрига кура, барчамиз муқотмон экинчи ва ҳақиқий биринчи ҳаёда диний мавзуларда



чуқур мунозара олиб боришимиз ижобий натижа бермайди. Энг яхшиси, бу масалаларни содда ҳал қилиш лозим эди. Унинг фирқиға кўра, Абул Аъло ал-Мааррийнинг қуйидаги сузларида буюк ҳақиқат мужассам эди: “Ҳаёт сирини, инсонларнинг яшашдан мақсадлари нима эканлигини билолмасдан дунёдан утиб кетамиз. Самовий китоблар ва олимларнинг юлдузларга доир тадқиқотлари бизга лозим бўлган билимларни беролмайди”. Имом ал-Ҳарамайн Жувайний эса: “Ҳаётим доимо диний калом ила машғул булиш билан утди, натижаси булмади, ниҳоят Нишопурдаги кекса аёлларнинг ақидаси билан улмоқдаман” деган ва энг туғри сўз ҳам шу, деди. Зотан, отамнинг калом хусусида, умуман, билими йук эди. Билганлари ва уқитганлари ахлоқ, фикр ва тасаввуфдан иборат бўлиб, Куръон ва ҳадис илмларида ҳам олим эмасди. Мадрасасида ҳеч қачон тафсир ва ҳадисдан сабоқ бермади. Бироқ дўстим Усмон ундай эмасди. Диний масалаларга чуқур кириб боришни истарди. У туриб олмаганида бошимга бало бўлган ёзувни ёзмаган булардим.

**§47. Фикрий инқилоб изтироблари.** Усмон шу ойдаги суҳбатларимизнинг хулосаси сифатида менга ёздирганлари у кетгандан сўнг катта машмашаларга сабаб булди. Унга ёзиб берганларимни бир китобнинг орасига солиб Истарлитомокдаги “Қалам” кутубхонаси хўжайинининг уйда унутиб қолдирибди. Уша пайтда Оренбургдан меҳмон бўлиб келган ва Мисрда, балким, Бойрутда таҳсил олган бир татармуаллими Суннатуллоҳ Бекбулат билан бу ёзувни уқиётганларида, у ерда бегона бир киши ҳам булиб, бу ҳақида бошқаларга айтгач, мен ҳақимда турли гап-сузлар чиқишига сабаб булди. Бундан менинг ислом чегарасидан чиқиб кетганимни айтиб, отам ҳам катнашган бир зиёфатда унинг кунглини қаттиқ оғритишибди. Шу сабаб отамнинг менга муносабати бирданига узгарди. Бунинг сабабини ва мен ёзган нарсга “Қалам” кутубхонаси хўжайинининг қулида эканлигини, уни дарҳол олиб йук қилишим кераклигини менга онам айтди. Мен отга миниб, шоша-пиша Истарлитомокка келдим. Кутубхона хўжайинидан ёзувни олдим ва бу ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаслиги хусусида ваъдасини олиб уйга келдим. Бўлган гапларни онамга айтиб отамни тинчлантиришини сурадим. Бироқ бу иш осон кўчмади. Мен қаттиқ янглишдим, ёзувни йиртиб отдим, дедим. Отам, қаерда у? деганида унга ҳеч қачон ёлғон гапирмаганим учун қогозни чиқариб бердим. Шу билан орамиз бутунлай бузилди. Мен билан, умуман, гаплашмай қуйди. Бомдод намозларига ҳам турғизмас эди. Онамнинг, купинча, йиғлаётганини курардим. Укаларимга ҳеч нарсга айтишмади, аммо бир гап булганини, оилада бегонадай бўлиб қолганимни улар ҳам

\* Nufariq al-'aysa lam mazhar bi-ma'rifatin, Ay al-ma'ani li-ahl-i al-ardi maqsudu. Lam tu'tina al-'ilm-a akhbar-un yasi'u biha, Nabi-un va la kavkab-un fi'l-ardi marsudu.

сезишди. Отам Утак кишлоғига бир неча марта бориб келди. Албатта, нима қилишлари хусусида келишиб олишган эди. 1920 йилда тоғам бу ёзувни топиб, менга хотира булсин, деб кулимга тутқазди.

Бу ерда номи тилга олинган Аҳмадсонийни тоғам жуда яхши курарди. Ҳатто у тоғамнинг маҳрами эди. Унга менинг мактубимни берибди. У эса ёзувни узи билан Истанбулга олиб бориб, Ускударда яшайдиган қозонлик доктор Сибатуллоҳ Давлаткелдига берибди. Сунг Аҳмад бу ёзувни у кишидан олиб менга берди. Бу мен учун катта фойда булди. Чунки тоғам менга 1920 йилда берган нусха Бошқирдистондаги ҳужжатнинг ичида қолган эди. Етти саҳифадан иборат булган бу ёзувда ёзилган фикрлар қисқача шундай: “Зиёли инсонлар учун дин коинотда бир онгнинг ҳоким эканига, унинг бу шуурли борлик томонидан бошқарилиши, инсон ҳаётининг бадан ичида кечирган давра билан чекланмай, рух сифати билан фоний вужуддан айри ҳаёти булишига ишонишдан иборат. Инсоният бу юксак борлик билан алоқа йулларини кидирган. Авом эса Аллоҳни уз тилида гапирадиган инсон деб уйлайди, ҳатто унга иброний ёхуд сурёний тилида сўзлар сузлайди. Авом дунёда кутариб юрган таваси ва суяклари билан қабридан маҳкамаларда булганидек, Аллоҳнинг хузурига олиб борилишига ишонади. Ваҳоланки, ерга ухшаш яна миллионлаб, ҳатто саноксиз оламларни яратган Аллоҳнинг фақатгина ваъз этган қонунлари ва табиат низомлари бор. Чумолилар жанги каби Аҳмаднинг, Меҳметнинг ишлари билан машғул булиш унинг иши эмас. Бу У яратган табиат низомининг ишидир. Инсонлар орасидан чиққан пайғамбарлар ҳаётнинг ва коинотнинг бошланиши ва охири, руҳий ҳолат ва ҳаёт масалалари устида кўп уйлайдиган узун мувоқабалари натижасида бошқа инсонлар билолмайдиган бир қанча нарсани урганган, узларини коинотнинг сирларидан воқиф ва Аллоҳга нисбатан харобот ҳосил қилган мумтоз инсонлар деб биладилар. Бироқ ибдитой кавмларда туркийларнинг кавм ёки шомон каби диний маросимларнинг раҳбарлари сифатида зухур этадилар. Бошқа кавмларга нисбатан маданийроқ булган сомий кавмларида улар пағамбарлар гуруҳини ташкил этишган. Аксарияти ўқиш-ёзишни билмайдиган ва авом табақадан чиққан, маданий савияларига кура авомга яқин булган бу диний раҳбарлар инсонларга фикр ва ғояларни талқин этишда тарихий ҳикояларни халқ билган ва ишонган шаклларда нақл этишган. Буюк истакларга молик инсонлар иродаларини ишга солиш йулида нелар қилмайдилар. Фикрини талқин этар экан, Куръонда зикр этилган шохли жаҳонгир Зулқарнайн ҳикояси келтирилади. Ҳолбуки, Мағриб билан Машрикни бирлаштирган бу фотиҳ фақатгина Македония кироли Филиппнинг угли Александрга оид дostonнинг араблар томонидан нақл қилинган ривояти қаҳрамонидир. Шахсан Куръон бир қанча зарбулмасалларни нақл этганини “Бақара” сурасида ҳамда яна йигирма тўрт жойда

айтади. Албатта, пайгамбарнинг уз замонаси ва узидан бир аср аввал Яманнинг асли ҳабашлик булган ҳокими Абраҳага берган маъдумотлари, ҳатто Исо пайгамбар ҳақида “Уни яҳудийлар на ўлдирдилар ва на осдилар, фақатгина уларга шундай қуриди” деган сузлари зарбулмасал эмас, тарихдир. Қуръонни Тангри ҳарфлар ва сузлари билан нозил этдими ёки фақатгина маъносиними? мавзуси устида олимлар турли фикрларни билдиришган. Шу жумладан, муътазиллийлар “Аллоҳ фақатгина унинг маъносини нозил этди», деганлар. Ҳақиқатда эса фақатгина ҳарф ва сузлар эмас, Қуръондаги пайгамбарлар қиссаси ва зарбулмасаллар ҳам пайгамбар замонидаги арабларга муайян маъноларни аниқлаштириш учун қўлланилган ифода тарзларидан иборат. Яъни маънолар араблар ишонадиган қисса, дoston ва масаллар орқали ифодаланган. Қуръондаги қиссаларнинг қайси бирининг ифода услубини ташкил этган араб зарбулмасаллари, қайсиларини ҳақиқий тарихий ҳодисалар тавсифи экани илмий жиҳатдан аниқлангач, қадимги Исроил ривоятларининг Аҳди Отик ва Жадиддаги шаклларини ҳақиқат деб қабул этган насроний миссионерларнинг иснодлари буш экани ўз-уздан аниқлашади”.

Муқаддас китобларда, шу жумладан, Қуръонда нақл этилган қиссаларга доир 20 ёшимда ёзган бу фикрларга ҳозир ҳам ишонаман. Чунки соий қавмлар эътиқотида бугун Баалбекнинг оёқда турган уч Рим устун ва тиргақларидан иборат “Эрам қиссаси” Қуръонда араблар билган ва тушунадиган тавсифлардан иборат. Қуръонда “Иброҳим ва Исмоил қаъбанинг пойдеворини қураётган экан” шаклидаги қатъий бир ибора билан ҳикоя қилинган ҳодиса ҳам улар дostonининг бир парчаси ҳисобланади. Мақсад Пайгамбаримиз талқин этган дин ва мусулмонликнинг жуда қадимий эканини, яъни пайгамбар томонидан уйлаб топилган нарсалар эмаслигини ифодалашдан иборат. Қуръонни бу шаклда тушунагач, Ислому мен учун янада сеvimли бир динга айланади. Авомлар қаъба зиёлилар ҳам бу қиссаларга истар тарих деб ишонишсин, истар ҳарф ва каломга тухтамай маъноси устида бош қотиришсин, бу икки гуруҳдан бирининг бошқасини тақфир этишлари лозим булмай қолади. Жалололдин Румий Қуръоннинг турли ифода тарзга эгаллигини жуда яхши билгани боис узининг Маснавийсига янги ҳикоялар киритган. Бирок бу ҳикояларнинг тарихий ҳақиқатга мос ёки мос эмаслиги у учун муҳим булмаган. Фақатгина улар орқали айтмоқчи булган маъноларига аҳамият берган. Шояд бизнинг турклар орасидан ҳам пайгамбарлар чиққан булганда эди, улар ҳам маълум маъноларни ифодалаш учун турк дostonлари, масалан, ҳоин инсонларни тасвирлаш учун Уғузхон дostonидаги Қуларкин ябғунинг хотинига доир қиссани, адолатини ифодалаш учун Эжиге дostonидаги “Эдиге туяси”ни, “Қурқурнинг гилами”ни турклар ишонадиган шаклларда нақл этган буларди. Кейинги пайтларда инглиз олимларидан Кеннет Крагнинг “Замондош исломиятга доир дарслар” номи остида нашр

этган асаридан Қуръондаги қиссаларнинг араб дунёсида ва Ғарбда бир қанча олимни жилдлаб асарлар ёзишга ундаганини билганимда 1910 йилдан бери бу мавзу устида бош қотириш, бу мавзуга доир китобларни уқиш мажбуриятини ҳис этмаганим ва бошқа мавзулар билан машғул бўлиш имконини топганим учун узимдан мамнун бўлдим.

Бироқ отам бу масалада бошқача фикрда эди. Шундай фикрларни билдирган ёзувини уқиб, отам менинг мусулмонликдан тамоман чиққанимга ишонган эди. Бироқ оиламиз учун фожеа бўлган бу мавзу ҳақида ҳеч кимга оғиз очмас ва менга нисбатан ҳис этган чуқур нафратини бошқаларга сездирмасди. Бомдод намозига турғазмаслик билан бир қаторда бошқалар ҳам буладиган ибодатларда менинг иштирок этишимни истар эди. Буни менга онам орқали етказган эди. Ун беш кундан буён отамдан шу пайтгача эшитмаган оғир жирканиш ва нафрат ҳисси ичида яшардим. Қозонга кетиб қолмоқчи бўлдим, бироқ бу ҳаракатим оилам билан алоқани бутунлай узиш дегани бўларди ва онамни қаттиқ ранжитарди. Озгина сабр қилай, балки тоғам бир чорасини топар деб уйладим. Бир куни отам: “Тур. тоғангикига борамиз”, деди. Мени аравасига миндиришни истамагани сабабли отда боришимни айтди. Утак қишлоғига келиб, тоғам Ҳабиб Нажжорнинг уйига кирганимизда бутун қариндошларимиз – онамнинг Тошбуқан, Ёлғизқайин, Янирис қишлоқларида ва Утак қишлоғининг узида имом бўлган катта-кичик биродарлари ва поччалари тупланганини курдим. Менинг устимдан оилавий муҳокама бўлса керак деб уйладим. Бироқ гап-сузлардан келганларнинг баъзиларигагина бу масала енгил бир тарзда билдирилганини ҳис қилдим. Баъзилар совуқ муомала қилса, бошқалари мен билан ҳазиллашишарди. Шом намозидан сунг овқат едик. Шундан сунг ҳақиқий оила муҳокамаси бошланди. Отам жуда қаттиқ сузлади. Мен унга “ла ин лам тантаҳи ла аржуманвака”, яъни “бу фикрлардан воз кечмасанг, сени тош билан уриб улдираман” демокчимисиз, ота, дедим. Қуръондан олинган бу суз Иброҳим пайғамбарга таҳдид қилган отасига қарата айтилган эди. Отам: “Йук, углим, сени доим узимиздан деб билганим учун айтаяпман. Сен олимсан, мана қаршимга Қуръонни куйдинг”, деди ва йиғлай бошлади, сунг гапирмади. Кабир мулла исмли поччам “Ёзув бир қоғоз, курайлик унинг барчаси узининг фикрларими?” деб мени ҳимоя қилди. Тоғам менга хитобан дедик: “Углим, бегона муҳитларда кезиб куп уқияпсан, албатта, фикрларингда узгаришлар булади, буни отанга ҳам айтаяпман, сенинг доим мусулмон бўлиб қолишингга ва Қуръонни севишингга ишонамиз, бироқ бир нарса бор: ҳаёлингача келган ва одамлар тушуна олмайдиган сузларни бу мамлакатда ҳеч кимга айтма, айниқса, қоғозга ёзма, бундан душманларимиз фойдаланадилар, бу айланиб келиб отанга, менга ва оиламизга тегади. Мана Шоҳшариф Метинов (собиқ Дума аъзоси) сенинг шу қадар русчани ўрганганини билсан...”

каби аризалар ёза олишингдан ҳайратда. Биз ҳаммамиз ҳам ёшинг етиб сенинг земствога (ҳокимиятга) ва ҳатто Думага аъзо булишинг тарафдоримиз. Бирок шаънингга тегадиган гап чиқарадиган сузларни бу ерда айтма, ишончинг комил булсинки, сен бизнинг кузимизнинг нурисан". Сунг хуфтон намози уқилди. Бунда бутун оила бор эди. Тоғамнинг ҳар икки хотини ҳам жуда ажойиб инсон эди. Ҳар иккаласи ҳам уқиган, катта онам Муборак, олима аёл эди. Улар оқ чойшабларни намоз учун ёйдилар. Бу бир оила намози, зиёли инсонларнинг намози эди. Мана шундай Қуръонни тушунадиган, арабчани биладиган оила аъзоларимизни, хотинлар орқа қаторда туриб уқийдиган намозни жуда ҳам яхши курадим. Киш ойларида онамнинг ва отамнинг биродарлари ҳамда поччалари, хотинлари ва фарзандлари билан биргаликда уйларимизни тулдириб, уч-турт кун меҳмон булишарди. Бошқа намозлар учун ёнимиздаги масжидга боришар, фақат хуфтон намозини мана шундай чойшаблар устида эркак-аёл биргаликда ва тоғам имом булган ҳолда уқир эдик. Тоғам Қуръон оятларини танлаб уқирди. Бу сафар ҳам шундай булди. Тоғам намозда ноодатий бир шаклда Қуръоннинг "ал-Ҳижр" сурасини уқиди. Бунда шу сузларни секин уқиди: "Сиз узингизга буюрилган ишни юзага чиқаринг ва мушриклардан юз угиринг. Албатта, Биз Сизни масҳара қилгувчиларга кифоя қилурмиз. Шак-шубҳасиз, Биз улар айтаётган сузлардан дилингиз сиқилишини билурмиз. Сиз Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан покланинг ва сажда қилгувчилардан булинг". Иккинчи ракатда Фуссилат сурасидан "Албатта, "Парвардигоримиз Аллоҳдир" деб, сунгра тугри устувор булган зотларнинг олдиларига фаришталар тушиб: "Қурқманглар ва ғамгин булманглар. Шак-шубҳасиз, мен мусулмонлардандирман, деган кишидан ҳам чиройлироқ сузлагувчи ким бор? Яхшилик билан ёмонлик баробар булмас, Сиз энг гузал сузлар билан дафъ қилинг! Баногоҳ сиз билан урталарингизда адоват булган кимса кайноқ-содиқ дуст каби булиб қолур"" оятларини уқиди. Тоғам бу оятлар билан менга мурожаат қилаётган эди. Чунки у отамга нисбатан либерал фикрга эга киши эди. Намоздан сунг одати буйича бизга угирилди ва уқиган оятлари ҳақида сузлар сузлади. Дуодан сунг менга мурожаат қилиб айтди: "Тугри устувор булиш нима?" сунг узи жавоб берди: «Ҳақ деб билган йулингга тараддудсиз давом этишдир. Бекорчи ишларни бир четга суриб, катта йулдан

\* Fasda' biina tu'mar va a'riz 'an 'il-musrikin. Inna kafaynaka 'l-mustahzi-'in. Vala-qad

Na'lam-u annaka yadiq-u sadruka bi-ma yaqulun. Fa-sabbih bi-hamd-i Rabbika va kun min al-sacidin.

\*\* Ve man ahsanu qavlen mimmen da a ila-Llahi va 'amila salihen ve qala innen-i min al-muslimin ve la tastavi 'l-hasanat-u va la'ssayuat-u, idfa' bi'l-lati hiya ahsan. Fa idhan alladhi baynak-a va bayna h-u adavat-un kaannah-u valiy-u[n] hamim.

юксакларга чиқа олишдир. Сен ҳам юксак таҳсил олиш йулингда имон ва тугрилиқ билан давом этсанг, мақсадларингга муҳаққак ноил буласан”, деди. Сунг ғоясида собит туриб, ҳеч кимга қарамай йулида давом этишнинг фойдалари ва иккиланишнинг зарарларига доир арабча нажизалар, ҳадислар келтирди. Намоз, дуо, насихатлар тугагач, отам айтдики: “Тоғанг барча масалани ҳал қилди”. Тоған айтди: “Исломот тарихида энг буюк сиймолардан бўлган Умавий Валид ибн Муовия Куръонни йиртиб отган ва унга хитоб қилиб: “Бор, кет, қиёмат келганда соҳибинг булган Аллоҳга Муовия мени йиртиб отди, де!” деган маънода шеър айтибди. Умавий Марвон ибн Муҳаммад билан халифа Маъмун хур фикрли инсон булганлиқларидан зиндик (худосиз) дейишган, Амир Темурни муътазилийларни афзал қургани ва турт мазҳаб мусулмонларига муътазилийларни имом қилмоқчи булгани учун шомлиқлар кофир деб эълон қилишган эди. Уғлимиз улардан ҳам ёмон мусулмон эмас. Хаёлига баъзида ғалати фикрлар келар экан, бундай фикрлар ҳар бир тафаккурли инсонга келиши мумкин. Мусулмон олимлар орасида Зулқарнайинни юнон ҳукмдори Искандар эканини айтганлар ҳам булган”. Отам айтди: “Бироқ уғлимиз Аҳмад Мидҳатга эмас, ғайридин Дрэперга, насроний арабларга ва ҳар уқиган русча китобларига ишонади ва фикри узгаради”. Тоған: “Фикр узгармасин деб китоб ўқимаслиқ ҳам булмас” деб қарши чиқди. Бу сузлардан ва намоздан сунг бутун оиламизнинг қалбида бу бухронни тамоман бартараф этган буюк бир сокинлик ҳосил булди. Тоған айтди: “Султонлар устози булган Хизир Бей ўғли Синоаддин ҳам шундай булган. Тараддудга тушиб қолиб, сунг Шайх Вафонинг кумагида йулини топган ва Фотиҳ Султон Мехметга муаллимлик қилган. Иншааллоҳ, Аҳмад Заки ҳам йулини топади”. Отам айтди: “Ишқилиб бунинг Шайх Вафоси бир насроний булмасин”. Тоған: “Йук, йук, ундай булмади. Бу ерда бир хато бор. Хаёлига уша пайтда келган фикрларини коғозга туккан ва гап-суз тарқалишига йул очган. Энди бундай нарсаларни ёзмаслиқ лозим”.

Мени муҳокама қилаётган оиламизнинг уртада аччиқ изтироблар тугдирган ҳодисани намоз асносида Куръондан нақл этилган оят воситасида енгил ҳал этиши фавқуллодда бир иш эди. Бу ерда илқ маротаба қатъий бир шаклда маълум булдики, тоған том маънода либерал бир шахс эди. У менинг фикрларимнинг деярли барчасида иштирок этган, уларни фикр сифатида маъқуллаган ҳам. Аммо бу ерда энг муҳим нукта унинг тактик маҳорати эди. У бир қанча хусусда мен каби уйлар, бироқ уларни бошқаларга айтиб бошига бало орттирмас эди. Отамнинг ҳурмати учун мени муҳокама қилган аслида эса мени ҳимоя қилган эди. Шу билан бирга, мутаассиб отамнинг тоған мени ҳимоя қилаётгандек фикр уйғотмаслиги учун ишни Куръонга қолдирган ва отамни бошини эгган эди. Куръондан уқиган оят орқали отамнинг хотирини жам қилиш билан бирга мени

фигрларим сабаб, кайтариш ўрнига мана шу йулда душманларимнинг гийбатларига эътибор қилмай қатъий давом этишга ундаган эди. Бу мухитнинг яна кўп фазилатлари бор эди. Бу бир-бирига самимий боғлиқлик, ўзаро ҳурмат, ҳар ишда азмкорлик, жонли, аммо меъёрни сақловчи, бутун аъзолари истеъдодли булган, мутаассибликдан, ичкиликдан ва ҳар турли нотабийликдан узоқ булган мухит эди. Менга ҳеч бўлмаганда Пайғамбарнинг “йул устида инсонларга зарар ва азият берувчи нарсаларни олиб ташлаш ҳам имондандир” деган фикрни берди. Биз урмонда йул устига дарахт қулаган булса, четга олиб кўяр, ахлат курсак, ерни қазиб кумиб қуярдик. Ҳатто, бугун ҳам йулда инсонларнинг машиналари балонини ёриш мумкин булган шох, шишага ухшаш нарсаларни курсам олиб қуяман. Менга мансуб булган мухит ҳеч кимга азият бермаган, инсонларни ранжитмаган эди. Бу мухит бир қанча қадрли инсонларни улғайтириши аниқ эди. Бирок Рус инқилобининг миллатимиз устида қурилган тажаллиси бунга йул қуймади. Қизил руслар уқиш-ёзишни фақатгина улар ургатаётганини дунёга эълон қилиб, аслида юксак маданиятга эга бу мухитни тағ-томири билан қуритди. Бу ҳодиса бўлмасдан бурун талабам Усмон билан биргалиқда турли қишлоқларда тарқоқ ҳолда яшайдиган, оиламизга мансуб инсонларни бирма-бир зиёрат қилган эдик. Тоғам Усмонни зироат муҳандиси таҳсилида азм қилгани билан кутлар экан: “Оиламиз муаллимлар ва имомлардан иборат, миллатимизга фақатгина шу йул орқали Чор ҳукуматидан “указ” олиб хизмат қила оламиз. Фарзандларимизни муҳандис, ҳуқуқшунос қилиб вояга етказамиз. Улар Аҳмад Заки каби тарих, адабиёт ва фалсафани Ғарб ва Шарқ манбалари билан солиштира оладиган даражада ургансин”, деган эди. Мақсади ўз қишлоғида замонавий зироат мактаби очиш эди. Бу гап Усмонга ҳам маъқул келди. “Мактабда яхши ургансанг, балки, шу ерда шундай мактаб очиш ишини қулингга оларсан, ер бошлиғи Султонов ҳам шунинг тарафдори”. деди. Бошқа томондан тоғам Аҳмадсоний билан Мансур Қиличнинг Туркиядан юртига қайтганларида куллия очиш фикрларини жуда яхши қарши олди. Бир матбаа таъсиси очишни ҳам мулжаллаётган эди. Шу тариқа Утак маданият марказига айланарди. Муҳокама воқеасидан сунг тоғам билан ҳам, отам билан ҳам самимий муносабатларимиз давом этди. Мен энди Аҳмадсоний билан суҳбатларимда отамнинг ҳузурида “Қуръон бир инсонга талқин ва ваҳий қилинган таълимот булгани боис Аллоҳнинг сузи; бирок бир инсон томонидан бир миллатнинг илида унинг фолклори ва маданий савиясини акс эттирувчи адабий сар булгани боис “Пайғамбаримизнинг сузи” деганимда отамда кс таъсир уйғонмади. Қуръонда Пайғамбарга яқин замонларга оид ақиқий тарихий ҳодисалар билан бирга араб фасоҳати услубига кўра,

фолклор йули билан қадимий ривоятларнинг арабча вариантлари акс этгани ҳақидаги замондош олимлардан Муҳаммад Ҳалафуллоҳ ва Жавод Али кабиларнинг фикрлари ҳам вақти келиб отамга маълум булган эди. 1920 йил кишда Москва йули орқали бизникига келган ҳиндистонлик Абу Саид Арабий билан отамнинг Қуръондаги “эрам боғи” ва юнонларнинг достони булган “Ухлаётган етти киши” қиссалари ҳамда Эрам ва Эфесус қазилмаларига доир тортишувларга гувоҳ булган эдим. Утакда булиб утган оила муҳокамаси отамга яхши таъсир утказибди.

Менинг истаган лайтимда намоз укишимга руҳсат берилди. Отам мени энди бомдод намозига уйғотмас эди. Мен ҳақимда бошқаларга: “У энди уз ижтиҳодига кура ҳаракат қилади, катта булди, узи билади”, дебди. Отам билан диний ва фалсафий мавзуларда тортишмайдиغان булдик. Зотан, шундан кейин бу каби мавзуларда ҳеч ким билан тортишмадим, ҳеч кимнинг ақидасига тегмадим ва тоғамнинг “инсонлар билан суҳбатлашаётганинда Пайғамбарнинг “инсонлар билан улар ақлларига сигдира оладиган даражада сузланг” деганини асло унутмадим. Тоғам арабиётни тулик ургангач, диний илмларни уқийсан деган эди. Энди у ҳам қолиб кетди. Менга илоҳиёт, ақоид ва фикҳни уқитмади. Ҳеч бир дуони ёд олдирмади. Қозонда Содик мулладан фақатгина “Ҳидоя”нинг “Муомалат” қисмини уқидим. “Ибодат”, “никоҳ”, “талок” қисмларини уқий олмадим. Ислом маданияти тарихи билангина шуғулландим. Бу хусусда яна тоғамнинг тавсиясига кура, Георг Зайданнинг “Ислом маданияти тарихи”ни асос қилиб олдим. Зотан, тоғам арабча тарих ва таржимаи ҳоллар китобларини уқишга муҳаббат уйғотган эди. Ибн Холликон, Тожқузуда (Шақойиқ), ханафийлик ва шофиийлик олимларининг таржимаи ҳолларига оид Истанбул ва Мисрда чоп этилган асарларни уқидим.

**§ 48. Диний мунозараларни қуйиб ал-Берунийга утишим.** Август ойи охириларида тоғлар ва урмонларда пичан уришда ишчиларга ёрдам бердим. Қишда ҳайвонларимиз сақланадиган Урик дарёси бўйидаги огилхоналарни таъмирладим. Бу ерда сулук асаларимиз иллари буларди. Уларнинг бир нечасини узим уйиб ясаганман. Бир қанчаси амакимиз Вали мулладан қолган эди. Уларга бу йил жуда кўп ёввойи асаларилар келиб урнашган эдилар. Элликта сулукдан уттиз бешталарида бор эди. бунни у ердаги бошқирдлар тарихий воқеа сифатида қабул қилишди. Мен дўстларимдан бири билан биргаликда турли тоғ ва дараларда жойлашган сулуклардан асал тўпладим, чунки отам қанча кўп асал тўпласам, сотиб пулини узимга олишим мумкинлигини айтган эди. Мен асалларни шу ерга келган татар савдогарига сотдим. Ферей мулланинг хотини бу асалларнинг қора



ранглиларини олиб шароб тайёрларди. Мен дусларим билан бу ерда бир неча кун кайфу сафо қилгач, қишлоғимизга қайтиб, Қозонга йул тайёргарлигини кўрдим.

Уша кунларда Туркияга кетмоқчи булиб юрган Аҳмадсоний билан биргаликда, Йумрон қишлоғига Мансур афандиникига бордик. Аҳмадсоний у кишига менинг бошимдан утганларини ва оила муҳокамаси ҳақида айтган экан. У мутаассиб илоҳиётшунос булсада, мунозарага сабаб булган ёзувдан у қадар таъсирланмади. Билъакс, Зулқарнайнинг македониялик Искандар эканлигини айтадиган олимлар ҳам борлигини билдирди. Айтдики, “Феруз Ободий “Комус”ининг Зулқарнайнга бағишланган моддасида ва Берунийнинг “Ал-осор ал бокия ан ал-куръун ал-ҳолия” номли асариди шу масалани изох этган”. Мен Берунийнинг ушбу асарини қаердан топишим мумкинлигини сурадим, асарнинг Европада нашр этилганини айтди. Мансур Афанди қисқа ифода билан айтганда, мен учун янги бир уфқ эшигини очган эди, чунки мен бу билан ислом тарихида энг буюк фан ва маданият намоёндаси булган Берунийни урганишга киришдим. Бу тадқиқотларни ўша кундан то ҳозирги пайтгача утган эллик беш йил мобайнида муваффақиятли давом эттирдим. Қозонга келишим биланок, дархол профессор Катановга учраб, Берунийнинг уша китобини топишда кўмаклашишини сурадим, зеро, Зулқарнай, яъни буюк Искандар муаммоси мен учун энг муҳим масалага айланган эди. Профессор менга бу китобни Германиядан келтириб беришини айтиб, ҳозирча ўзининг кутубхонасидаги нусхасини берди. Китобни профессордан олиб, катта ҳаяжон билан ўқидим. Лейпциг босилган арабча бу китобнинг уттиз-қирқ саҳифалик немисча мукаддимаси бор эди. Мен бу мукаддимада Берунийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида ёзилганини профессордан билиб, немис тилини урганишни кучайтирдим. Мен Мансур афандидан Беруний асарлари билан танишишни бошлаганимдан ва немисчани урганиб олишимга сабабчи булгани учун умр буйи миннатдор булдим.

Шундай қилиб 1910 йилги ёз ойлари мен учун жуда самарали утди:

1. Ислом оламани қамраб олган мутаассибликка қарши булган жангда ғалаба қозондим.

2. Айгирулганда Истанбул ва Маккадан келган дусларим ва бошқалар билан дин соҳасидаги фалсафий мунозараларимиз натижасида энди диний мавзулар билан машғул булмай, ҳаётимни умумбашарий ва ислом ва маданияти тарихига бағишладим.

3. Ал-Берунийни урганишни бошладим.

4. Немис тилини урганишни фаоллаштирдим.

**§49. Иброҳим Оқчуриин билан алоқаларим.** Пароходда Самара орқали Қозонга қайтаётганимда, Симбирскка тушдим. Бир йил давомида пароход капитани ёрдамчиси сабабли танишган Оқчуриин билан мактублашиб турган эдим. “У ёзда албатта, келинг” деб ёзган эди. Истанбулда “Турк юрти” журналини чиқарадиган Юсуф Оқчурииннинг қариндоши булган бу киши бир қаватли ёғоч, аммо кенг уйда яшар экан. Уйнинг бир томонида каттагина кутубхона, бошқа томонида эса дурадгорхона бор эди. У билимли, кўп китоб уқийдиган ва тилларни билган ва қолаверса, дурадгорчиликка ҳам ихлос қуйган. Китоб уқимаган кезлари дурадгорлик билан машғул буларди. Бу ерда икки кун қолдим. Ленин туғилган Симбирск шаҳри уша пайтларда хувиллаб, баъзи ерларида утлар ушиб, қишлоққа ўхшаб қолган эди. Иброҳим лицейда таълим оладиган қизлари билан анча жойни айландик. Иброҳим “Қутадғу билиг” асарининг В.В. Радлов томонидан уқилганини нотўғри деб ҳисоблар, уни тузатиш билан шуғулланаётган эди. Менга чигатой шоири Мир Ҳайдарнинг “Темур билан чумоли” номли манзум ҳикоясининг Парижда босилган уйғурча нусхасини араб ҳарфларида кучириб жунатишимни сўради. Яъни бу бир синов эди. Капитан ёрдамчиси Мишкин у ердан кетиб булган эди. Иброҳимга бу ёз Чернишевскийнинг бир романини уқиганимни ва “Нима қилмоқ керак?” деган романини уқимоқчи эканимни айтдим. Чор ҳукумати томонидан ман қилинган бу асар нусхаси унда бор экан. Уқиб булгач, почта орқали жунатмай, уз қулига топширишимни илтимос қилди. Фабриқачи қариндошларининг тижоратлари туфайли бошқа ўлкаларга кўп бориб келадиган Иброҳим ҳеч ҳам капиталист эмас эди. Аксинча, рус хурфиқрлиларининг таъқиқланган асарларини уқийдиган, эркин фикрли зиёли эди. Менинг шундай асарлар билан қизиқишимдан мамнун булди. У Қозонга келган маҳалларда илмий мавзулар билан бирга, сиёсий мавзуларда суҳбатлашардик. “Нима қилмоқ керак?” романида бош қаҳрамон Раҳметов асли келиб чиқиши татар булиб идеалист инқилобчи эди. Менуни татар ёзувчи (кейинчалик Истанбулда газетачи ва муаллим) Мусо Оқийгитзоданинг романидаги “Хусомиддин Мулла”га ухшатдим, узим ҳам унга ухшашига ҳаракат қилардим. Мен Россиядан чиқиб кетгач хабар топдим, у умрининг охириги кунларини фақирликда утказиб, Уфада вафот этган. Иброҳим Оқчуриин менда энг яхши хотиралар қолдирган кишилардан бири эди.

**§50. Илк тарих китобимни қандай ёздим.** 1910–1911 укув йилида яна Шалгинларникида яшаб қолдим. Имтиҳонга тайёргарликни давом эттирдим. Айниқса, немис ва лотин тиллари билан шуғулланишим зарур булди. Профессор Катановнинг тавсияси билан Қозон университети филология факултететида тингловчи сифатида дарсларга қатнаша бошладим. Энг аввало, шарқшуносликдан Катанов, умумий ва рус тилшунослигидан профессор Богородицкий, умумий тарихдан профессор Хвостов ва Харламовичларнинг маърузаларини эшитдим.

Туркий халклар тарихига оид дарслик китобини ёзиб боришда давом этдим. Профессор Рим тарихи буйича мугахассис профессор Хвостов маслаҳатига кура, мен профессор Кареевнинг «Ижтимоий фанларни урганишга кириш» ва «Жаҳон тарихи» номли асарларини ҳам ургандим ва кейин бу асарлар ҳақида фикрлашдим. Катановдан мен Сибирия туркий халklarининг лаҳжалари ва арузни ургандим. Туркийлар тарихига оид манбаларни уз кутубхонасидан вақтинча фойдаланишимиз учун бериб турарди. Бу билан тарих китобимни ёзмогим муваффақият ва қулайлик билан илгари силжиди. Мен бу асарни биринчи қисми XVI асргача, иккинчи қисми, ундан кейинги даврга оид жилдини киш давомида ездим. Шу йили турли муаллифларни туркий ва мўғулларнинг халқ адабиёти қавмлар этнографияси ва умум, этнографияга оид қўплаб асарларни ургандим. Бир вақтнинг узида Н. Аристовни туркий халклар этнографиясига оид асарларини жиддий ургандим. Радлов ва Потаниннинг туркий қавмлар этнографиясига оид асарларини алоҳида эътибор бериб урганишда давом этдим. Айни замонда устозим профессор Богородицкий билан «Экспериментал фонетика»дан семинар масалаларини туздик. Натижада «Бошқирд ва татар шеваларида оҳанг тебранишлар»ига доир тадқиқотимиз тайёрланди.

Тарих китобини ёзишга жуда қуш вақт кетарди. Шу сабабли урта маълумот олиш учун имтиҳонга бу йил ҳам етарлича тайёрлана олгандим. Фақат математикани, немис ва лотин тилини урганишни давом эттирдим. Келиб чиқиши украин булган муаллимим Рикитский кумагида В.В. Радловнинг «Олтой туркийларида шеър вази» мавзуга доир асарини немисчадан туркчага таржима қилдим. Бу асарнинг бир нусхасини уз вақтида «Турк юрти» мажмуасида нашр этиш учун Юсуф Окчуринга юборган эдим. Бир талай транскрипцион белгиларни талаб этувчи бу кулёзма босилмагани, Истанбулга келганимда. Юсуф Бей уни менга қайтариб берди. Мен шу йил аруз масаласи юзасидан фикрларим баёнини В. Радловга мактуб орқали алоқа боғладим. У менга бир қанча асарларини ҳадя қилиб юборди. В. Радловнинг шомонийликка оид кулёмаларини татар тилига ҳам таржима қилдим.

Шу йил езда Оренбургдаги “Хусайния” мадрасаси мудирининг рус гимназиясида таҳсил кураётган угли Иброҳим кишлоғимизга келиб, маълум вақт меҳмон бўлиб қолди. Жуда ёш бўлишига қарамасдан ичкиликка, қимор уйинларига мубтало бўлибди. Мен уни гузал жойларга олиб бордим. Бироқ табиатнинг гузал манзаралари уни камроқ кизиқтирди. Бизнинг қир-адирларимизда узига муносиб улфат топилмагач, юртига жунаб кетди. Уни қузатмоқ учун уз отларимда Истарлитамоқ шаҳрига келганимда, «Калом китоб уйи» соҳиби: «Татар адибларидан Абдуллоҳ Баттол билан Олимжон Иброҳим бу ерга келар экан», деди.

Мен татар муҳаррирларини кадрлаганим сабабли, бу икки ёзувчини кишлоғимизга олиб келиб, меҳмон қилиш ниятида отамнинг руҳсати билан яхши отларимизни чоптириб, Истарлятамokka бордим ва бизникида бир неча кун меҳмон бўлиб қолишлари учун таклиф этдим. Лекин ўшанда хали шуҳрат қозонмаганим, купдан буён шон ва шуҳрат соҳиби бўлган бу икки муҳаррирга самимий даъватимни қабул қилдира олмадим. Баттол Бей Тохиров деган татарнинг қунғирокли расмий почта уловига миниб шаҳардан чиқди. Ҳали-хануз Истанбулда эски дўстлар сифатида учрашиб қолганларимизда, Абдуллоҳ Баттол (кейин олган исми Тоймас) ва мухтарама рафикаси Азизахонимни автомобилда айлантирганимда: «Қани, қайда уша даврлар? Бошқирд аробасига минмайман деб аравакаш Тохировнинг почта уловида кетгандингиз. Энди нега бу машинага миндингиз?» дея ҳазиллашиб уша эски таклифимни эслатдим. «Сен ушанда кишлоқдан келган, кишлоқлик қиёфасидаги бир бошқирд муаллими эдинг, сенинг бундай машҳур шахсга айланишингни қайдан билардим», дея ҳазиллашди.

Абдуллоҳ Баттол кетгандан сунг Олимжон Иброхимов билан учрашиб суҳбатлашдим ва унга босилаётган Қозон босма хони нашр этилаётган тарих китобимдан суз очдим. У жуда заки бир зот эди. Бу асарнинг номи «Туркийлар тарихи» эди, лекин Олимжон «Татар тарихи» деб аталишини маслаҳат берди. Босмаҳонанинг Идрисов деган ношири «Туркийлар тарихи» деб номланишини маъқул қурмади. 1911 йилнинг охирида, асар чоп этилиши тугаганда, ўзи билганча унга «Турк-татар тарихи» деб ном қуйибди. Мен эса, «Турк-татар» тарзида ном берилиши туғри булмайди, булолмайди, ҳеч булмаса, «Турк ва татар тарихи» номини берайлик деган маслаҳатни бердим. У ҳам шундай иш тугди. Фақат охирида Қозон хонлигига тааллуқли қисмини бир оз кенгайтиришимни суради. Олимжон китобнинг нашрдан чиққан нусхасини Идрисовдан олган, уқиб маъқул қурган ва 1911 йили «Юлдуз» мактовлар билан ёзилган тақризиде миллий маданиятимиз тараққиёти йулида энг муҳим деб эътироф этди. Бу эса мени илҳомлантирувчи даъвати эди.

§ 51. *Рус шарқшунослари билан танишмоқ.* 1911–1912 укув йилида яна Қозон университетидеги дарсларни тинглашда ва айни вақтда, лицей имтиҳонларига тайёрланишда давом этдим. Бу йил, айниқса, Ғарб шарқшуносларининг исломиятга, араб, форс ва турк адабиётига тегишли асарлари билан машғул бўлдим.

Петербург Шарқ факултети доценти Игнат Крачковский билан мактуб орқали танишган эдим. У менга купдан-куп мактублар ёзар ва китоблар юборар эди. Унинг ал-Ваъба Дамашкий номли араб шоири ҳақида йирик бир асари чиққан эди. Унинг араб маданий ҳаёти ҳақидаги бошқа мақолаларини ҳам завқ билан ўқидим. Оврупа кутубхоналарида мавжуд қўлёзмаларнинг

каталоглари билан танишдим. Аввалдан француз тилини билишим, бир оз немисча урганганим бу тилларда нашр этилган асарлардан озми-купми истифода этиш имконини берарди.

Профессор Катанов ёрдами билан К. Броксельманнинг араб адабиёти тарихи ҳақида асарни ва «Эрон филологиясининг асарлари»ни («Grundriss der iranischen Philologie»), «Ислом энциклопедияси»нинг немис тилидаги нашрининг уша кунга қадар чиққан нусхаларини олиб келтиришга эришдим.

Мажор шарқшуноси Гольдциернинг «Исломиётга оид дарслари»нинг русча таржимаси шу йили нашр бўлган эди. Унинг рус шарқшуноси барон Розеннинг танқидлари орқали таниганим, «Ислом тадқиқотлари» (Muhammedanische Studien) китобини немисчада етарли даражада билган ҳолда қўлга киритган эдим. Китоб туплаш борасида Истанбулда «Замон», Мисрда Эмин Кончи ва бошқа китобчилар билан алоқа урнатдим. Оврупада Лузак, Брилл ва Харрасовиц каби шарқшуносларнинг китобларини нашр этувчилар билан алоқа боғладим. Менинг тарих китобим эълон қилиниши натижасида турк ва ислом тарихи билан шугулланган шарқшунослар муҳитига кирдим. Профессор Катанов мени доим илҳомлантириб турар эди. У мени гимназия имтиҳонларига тайёрланмоғимни ҳам қўллаб-қувватлар ва менга университет маълумотини олишни ва профессор бўлишимга умидвор эди. 1912 йил профессор Катанов 50 ёшга тулганини нишонлади. Шу муносабат билан уйига тақлиф этган дуслари орасида мен ҳам бор эдим. Озик-овқат ва ичимликлар жуда кўп эди. Айниқса, профессорнинг ўзи кўп ичди. Кеч булиб, меҳмонлар таркалаётганда менга: «Сен қол», деди. Ҳамма кетгач, кутубхонасида ёлғиз мен билан қолиб, кўп сузлади. Профессоримиз бир насроний миссионерсифат ва нашр ишлари буйича назоратчи булишига қарамасдан, рус ҳамкасблари томонидан қисувга олиниб, изтироб чекаётган экан. Ўзи кўп йиллардан буён Қозон университети тарих ва археология жамиятининг раиси бўлгани ҳолда, шу йил бу вазифадан ҳайдашмоқчи экан. Катанов: «Шаркий турк ва муғуллардан шарқшунослик йўлига ҳозирча уч киши – Дуржи Бонзоров, Чўқон Валихонов ва мен (Катанов) кирган эдик, биз ҳаммамиз рус маданиятига бутун борлигимиз билан узимизни бахш этдик, мен шомонликдан ажраб, насроний булдим, шуларга хизмат қиялман. Дуржи билан Чўқон 35 ёшга етмадилар. Ароқдан нобуд булдилар. Чунки рус ҳамкорларим на уларга, на менга бундан бошқа бирор нарса ургата олмадилар. Энди сен туртинчиси булялсан, бу муҳитдан узингни асра, ҳимоя қил. Менинг муҳитим исломиёт каби қувватли бир маданиятга мансуб эмас эди, бизнинг борлигимиз қолмади. Сен қудратли бир маданий муҳитга мансуб эканинлигингни англашинг, кадрлашинг керак. Катанов узининг «Урхуг тили» ҳақидаги асарига нисбатан камситиб ёзилган тақризлардан, айниқса, Мелиоранский

танқидларидан жуда ҳам хафа бўлганди. Ҳар ҳолда, рус ҳамкасблари билан узининг орасида мен билмаган воқеалар ҳам утган бўлса керак. Катанов буларни сузлар экан, арокни тухтатмай ичар ва йиглар эди. Катанов бундан кейин ҳам мен билан самимий суҳбатлашиб турди. У бир оз бўлса-да узгарган, доимги Катановдан бошқа бир одамга айланган, илмдан совуғач. уз қобигига уралгандек эди. Унинг айтганлари мени кўп уйлантирарди. Жонига қасд қилиб қуймаса эди, деган хавотирга ҳам борардим.

Бу суҳбатлардан сунг Қозон университетининг шарқшунослик профессорларидан узоқроқ, Богородицкий ва Хвостов каби шарқшунос бўлмаганларига яқинроқ юрдим. Катановнинг сузлари менга чуқур таъсир этди, ҳар ҳолда, ичмаганида, балки, бу гапларни айтмасди. Мен Қозонда шарқшунос рус олимларига ортикча яқинлашмоқ жоиз эмаслигини, улар билан муомалада эҳтиёт булиш кераклигини англадим.

Менинг тарих китобим отам, тоғам ва дустларимни жуда мамнун этди. Асар ҳақидаги фикрларини билдирувчи бир талай мактублар олдим. Бу йилги ёз суҳбатларининг купроғи шу асар ҳақида бўлди.

§ 52. *Туркийлар тарихига оид асарларимнинг акс-садолари.* Туркийлар тарихига оид асарим бир ой ичида мени машҳур қилиб юборди. Асаримни Туркияда Юсуф Окчура «Турк юрти» мажмуасида, Қримда Исмоил Ғаспирали «Таржумон» газетасида, Қозонда профессор Катанов билан мусташирлик Емельянов рус илмий мажмуаларида тақдирлаб қутиб олдилар. Германияда мусташир Мартин Хордманн, Можаристовда профессор Вамбери, Оренбургда нашр қилинган «Вақт» газетаси орқали мени кўп рағбатлантирувчи илиқ мактубларни ёритдилар. Асаримнинг тақдир нишонаси уларок Қозон университетининг Археология ва тарих жамияти мени узининг ҳақиқий аъзолигига сайлади, тантанали маросим утказиб, диплом берди. Маросимда университет профессорларидан Харламович мен ҳақимда илиқ сузлар айтди.

Асарни намуна ҳисоблаб, Истанбулда Ризвон Нафиз, Қўқонда Юнусжон Ҳожи Оғалик уғли туркийлар тарихига оид асарлар ёздилар. Озарбойжонда Ҳусайнзода Али Бей, Оренбургда Ризоуддин Фахриддин, Истанбулда Купрули Фуод Бей мени чиқишларида – мақолаларида «Турк муаррихи» дея эътироф этдилар. Бу асар туркий халқларнинг тарихий қисматларини, Шарқ ва Ғарб манбаларини замонавий илмий методларга мувофиқ тарзда мужассам этиб, тасвирловчи бир асар сифатида баҳоланди.

Симбирскда яшаган ва исми бу хотираларда зикр этилган Иброҳим Окчура (Окчура), қозокларнинг Чингиз авлоди буюкларидан уша вақтда Самарада бир банк маъмури уларок яшаётган Алихон Букайхон ва Букай Ўрдадан Шохингарой Султон Букайхон ва Уфада номи эслатиб ўтилган Салимгарой Султон Жонтувин \*\*\* Ушбу...

дарбандлик генерал Шайх Али мени ўз уйларида меҳмон қилмоқ учун таклиф этдилар. Самаркандлик муҳаррир – адиб, олим Маҳмудхужа Бехбудий ва Уфа “Усмония” мадрасаси мудирини Хайруллоҳ ҳазрат мени ўз мадрасаларида турк тарихидан дарс бериш учун яхши маош тулашни ваъда қилиб таклиф этди. Мен Алихон Букайхоннинг ва Салимгарой Жонтуриннинг таклифларига жавобан, май ойида Қозондан Самарага ва у ердан Уфага утдим. Алихон Букайхон билан Салимгарой Жонтуриннинг ҳаяжони ва шавқлари фавқулодда ҳолат эди. Алихонларникида уч кун меҳмон бўлдим. Ёнимда доим китобимни ўқир, иловалар қилиниши кераклигини айтарди. Салимгарой Султон эса Самара вилояти рус зодагонидан эски Дума аъзоси княз Кугуцевни ҳам таклиф қилди. Бу зот ҳам асли Олтин Ўрда татар мирзоларидан булгани учун турк ва мугулларнинг умумий тарихидан ҳабардор экан. Княз билан қул суҳбатлашдик. У китобимнинг рус тилидаги нашрини таъмин этадиган бўлди. Уфалик генерал Шайх Али эса, куёви марҳум Али Аскар Сиртлонов томонидан Леон Каённинг туркийлар ва мугуллар тарихига оид француз тилидан рус тилига тула таржима қилинган қўлёмасини менга топширди. У менга яна бошқа ҳадяларни ҳам берди.

Асарни илмий жиҳатдан тақриз этиб, мен билан жуда ҳам самимий муносабатга урнашган олим профессор В. Бартольд бўлди. В. Бартольд «Ислом олами» номли журнал нашр этаётгани сабабли, 1912 йилнинг ёзида Россия мусулмонлари орасига илмий саёҳат уюштирди. Мен ҳам бу муносабат билан Оренбургда нашр этилаётган «Вакт» газетасида олимнинг илмий фаолиятининг аҳамиятини баҳолаб, катта бир мақола эълон қилдим. Буни ўқиган В. Бартольд ўз асарларини қомилан ўқиб, истифода этувчи киши сифатида Барнаул мусулмонлари жамоаси билан булган учрашувда мен ҳақимда фикрлар билдирган. Бу эса «Вакт» газетаси саҳифаларида ёритилди. Бартольд йўллаган мактубида Петербургга расман таклиф этишга ҳаракат қилишини билдирди.

Менинг асаримни илмий нуқтаи назардан, қолаверса, узлари келиб чиқиши туркий булганлиги учун ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан ўқиган профессор Катанов ва Ашмарин булдилар. Уларнинг ҳар иккови ҳам рус цензураси алоқадори булсада, хаттоки, русларга тегиб кетадиган жойларини олиб ташламасдан, китобнинг тулик матни чиқишини таъминладилар.

Катанов эса Қозон университети қошидаги Археология ва тарих жамияти умумий мажлисида мени туркий халқлар тарихи ва этнографиясига доир тадқиқотлар олиб бориш учун ва ёзма манбалар, васиқалар изламоқ учун Фарғона водийсига юборишни тавсия этди. Миллатим ва шарқшунос олимларнинг бу даражадаги юқори баҳолари туркийлар тарихи билан шуғулланиш зарур эканлигини кўрсатади. Айни пайтда, мени ниҳоятда сиёсатга ҳам илҳомлантирди.

Асаримнинг миллатимиз учун қадрининг энг мукаммал куриниши – Туркистонда тарихимиз билан машғул булган Ашурали Зоҳирий ва Юнусжон ҳожи Оғалиев деган икки зотнинг китобимни ўқигандан кейин, кишлоғимизгача келишлари булди. Улар Фарғонанинг Қуқон шаҳридан эдилар. Ашурали у ерда муаллим экан. Юнусжон ҳожи Қуқон хонлари ичида «оғалиқ» мансабида булган шарафли кишилардан булиб, Юнусжонга ота-боболаридан қўлаб ёзма тарихий асарлар қолган. Кейинчалик унинг узи ҳам сотиб олган ва шу тариқа қатта ва қимматли бир тарихий асарлар хазинасини вужудга келтирган. Иккови ҳам Фарғона хонларининг тарихини ёзмоқ истагида эканлар. Бирок, қайдан ва нимадан бошлашни, рус тарихий манбаларидан қандай фойдаланишни билмай, шунингдек, Фарғонанинг туркийлари ва Туркистон тарихидаги мавқеини тайин этишда қийналаётган эканлар. Менинг турк тарихида содир булган ҳодисаларни кетма-кет жой-жойга қуйиб, бу воқеаларга бир тартиб берган ҳолда тасвирлашим, уларнинг бу мушкулотини ҳал этган. Улар Оренбург, Қозон ва Уфа тарафларга саёҳатга чиққанлар. Уфада манзилимни суриштириб билгач, менга мактуб ёзганлар. бу шаҳарга яқин Дим дарёси бўйида бир муддат қимизхурилик қилишгач, от ёллаб, бизникигача келганлар. Биздаги саратон чилласи иссиқлари Туркистондан келган бу азиз меҳмонлар учун салқин туюлди. Булар бизникида ун-ун беш кун меҳмон булиб қолдилар ва асарим, шунингдек, Туркистон ҳақида ажойиб таассурот қолдирганлигини айтиб, мени, отам ва тоғамни хурсанд қилиб кетдилар. Улар асарнинг иккинчи нашрида Туркистон тарихига кенг урин ажратиш кераклигини ва бу ишда ўзлари ёрдам беришларини айтдилар ва мени Фарғонага таклиф этдилар. Булар ҳақиқатан, ҳаётларининг сунги кунларига қадар менинг энг самимий дўстларим, ҳамкор уртокларим булиб қолдилар.

Бу орада қозоқ султони Алихон Букайхоновдан ҳам менинг кечикмасдан Самарага келишимни сураган бир таклифнома олдим. Мен фарғоналик меҳмонларни уз от-аробамиз билан биздан 120 километр узоқликдаги Давлекан темирўл бекатига элтдим. У ердан эса, Самарага бордим. Меҳмонларим у ердан Фарғонага жунаб кетдилар, мен эса Алихон Букайхонов ва унинг меҳмони булган Аҳмад Бойтурсунлар ёнида бир неча кун қолиб, “Туркийлар тарихи”га доир асарга қозоқ хонлари тарихини ҳам қўшмоқ хусусида суҳбатлашдим. Бу эса асаримнинг тартиб берилиши керак булган иккинчи жилди билан шугулланмоқ, дегани эди. Яна кишлоғимга қайтдим. Бир оз уй ишлари, молларга, уй ҳайвонларига қарагач, бошлаган этнография буйича тадқиқ ишларини давом эттириб, бошқирд шажараси билан шугуллана бошладим.

Шу аснода бутун ёзойлари илмий-тадқиқотлар билан шугулландим. Тоғларда бир оз ҳордиқ чиқардим. Шу сабабли ёзда Қозонга кетишга шошилмадим, мақсадим, Иброҳим Қочқинбой тарафга бориш



урмонда асал тупламоқчи ва ов қилмоқчи эдим.

§ 53. *Лочин овчилик.* Июл ойида фақат урмонда ёввойи асаларилар тўплаш билан шуғулландим, уларни бозорда сотиб анча пул ҳам қилиб олдим. Бу йил ҳам биз қуйган инларга куп асаларилар келиб қунган эди. Отам бундан хурсанд бўлиб: “Сен таҳсилнинг муҳаққак муваффақиятли бўласан, чунки ҳаётим давомида асаларилар шунчалик куп келмаган эди”, деди. Мен Олақуян қишлоғига келганимда, у томонлардаги асални Иброҳим йиғар, китобим чиққанидан ҳаммадан ҳам купроқ у қувонган эди.

Қиш эрта келди, дастлабки қор ёққандан сунг отамнинг учта талабаси Алиакбар қишлоғидан Вилдан угли Сулаймон, Олақуянда Қочқинбойлардан Ғилмиддин ва Иброҳим ургатилган лочин ва кирғийларни, ов итларини ва милтиқларимизни олиб, Нугуш дарёси юқорисидаги отамнинг энг азиз дусти бўлган Вилдан угли Ҳамид муллага тегишли қишда моллар сақланадиган отарга келдик. Бу ерга ҳайвонлар қишлоқдаги қуруқ утлар тугагандан сунгина келтирилди. Шу сабабли ҳеч ким йўқ эди. На ётоқ ва на қурпа-тушак бор. Аммо Иброҳим мен келмасдан бурун бир неча кунлик керакли нарсаларни жунатган экан, яъни бу мен учун аталган махсус ов эди. Биз бу ерда беш кун ов қилдик. Бу ҳаётимдаги унутиб бўлмас кунлар эди. Асал ва шаробни Иброҳим узи билан олиб келди. туну кун қирғовул, ёввойи товуқ ва қуён гуштидан тановул қилдик. Қундуз от. қуш ва итларимиз билан ов қилиш, кечқурун овқат устида асал шарбати ичиш, биз “қурай” деб номлаган най қуйдан баҳраманд бўлиш ва қўшиқ айтиш билан утарди. Аммо беш вақт намозни ҳам қанда қилмасдик. Юртимизда яссавий дарвишларининг машғулоти овчилик бўлган, шайхлар муридлар билан овга чиққан. Бекларнинг ҳам энг суюқли машғулоти шу. Оиламизда эски қушларимиздан хотира сифатида лочинни қўлда тутиб туриш учун ишлатиладиган “таралғи” деган қумуш билан безатилган қайишлар қолган эди. Овчи қушларни боқадиган одам қолмаганди. Аммо мен қасрда танишларимиз ов уюштирса борардим. Иброҳим бу йил жуда ғамгин (бизнинг тилимизда мунгли) эди, Ҳамид мулланинг отарида ўтказган овчилик пайтида ҳам бошқирд дарвиш шоири Шамсиддин Изақнинг мана шу парчасини ўқиди:

“Иброҳим гўё мен билан охириги марта дустлик сафосини ўтказайтганини билгандек эди. Мен умримда шеър айтмадим десам

\* Bu cihannin sehrinin bazarinin sevdasi kop, Qil bu sevdani yene bazari bolg'ay bolmag'ay.

At senin astindadir yurgil bu yerin heddin al, Nagehan ol at senin astinda bolg'ay bolmag'ay.

Qarcig'a qolindadir avlan bu ko'nlin ko'nlin' al, Nagehan ol qarciga o'ndevge keigey kelmeg'ay.

“Can” ile “iman” ikevle bir uyda bai icer, Nagehan ol ikisi bir uyda bolg'ay bolmag'ay.

булади, бироқ мажлисларда амаким мулла Валидан эшитганларимни урни келганда айтиб, дусларимни хурсанд қилардим. Жумладан, улар лочин кечаси уйкуга кетганда тургизиш учун “биялай” деган кулқопни кийиб, бақришар эди”. Мен мулла Валидан эшитган куйидаги парчани айтдим:

“Кулқопли кулингни маҳкам тутган лочин куш ипдан қутулиш учун қимирлай олмайди. Яхши инсонлар билан куп ичиб маст бўлиш, бир қанча бекадр инсонлар билан хушёр булишдан хайрлидир”.

Узлари суфий ва тариқатга мансуб булганлари ҳолда, бошқирдларнинг Шамсиддин Изақ ва мулла Вали тоифасидаги дуслари билан бирга асал ичиб, маст булишдан роҳатланишган. Яхши таҳсил олган Сулаймон ҳам шулардан эди. Иброҳимга ухшаб Сулаймон ҳам узун бўйли булиб, шоир эди. Иброҳим ҳам Сулаймон ҳам асар ёзишмади, бироқ ҳар мажлисда урни келганда ажойиб халқ кушиқларидан айтар эди. Бу ерда ҳам овчилик билан боғлиқ куп шеър айтилди, 1912 йил кузида илк қор ёққанда охирга марта тупланаётганимизни билганимда эди, бадиҳа усулида айтган барча шеърларини ёзиб олган булардим. Беш кун давом этган овчиликдан сунг ҳамма эгарига кутара олганича қирговул, қур ва агува деган ёнғвойи хурозларни юклаб қишлоққа қайтди. Мен ёлғиз узим Қалғасан деган қишлоққа келдим. У ердан уйга қайтиб, куп утмасдан Қозонга йул олдим. Иброҳимнинг айтган шеърида жон ва имон сузлари орқали узи ва мени назарда тутгани аниқ эди. Унинг “балки бир уйда утириб боя ичолмасмиз” мисрасини мен ҳам йулда бир неча бор такрорладим. Йулда яна бир бор Самарадаги Алихонга учрадим. Отам бу йил ҳажга боришни ният қилган эди. Бу эса Истанбул билан боғланишим учун яхши бир фурсат буларди.

§ 54. *Истанбулни зиёрат этиш иштиёқи.* Истанбул дорилфунунида уқиётган ҳамшаҳрим Аҳмадсоний Амирхон менга бу шаҳар ҳақида гапириб берарди. Лекин Истанбул кутубхоналарида мени қизиқтирадиган беҳисоб ёзма манбалар борлигини Катанов кутубхонасидаги Истанбул кутубхоналари «Дафтар»и, яъни фикрист (курсатгич)дан билиб олдим. Бу «Дафтар»ларни «Замон кутубхонаси» воситасида узим ҳам излаб топдим. Булар мени янги бир дунёга олиб кирди. Истанбул Ҳумоюн музейида масқукот (қадимий тангалар) куплигини билиб олдим.

У ердан тинмай китоблар келтирардим. Бу хусусда тоғам моддий ёрдам курсатиб турди. Тоғам менга шу йили куп пул берди. Қишлоқдан Қозонга келаётганимда бир неча кун Уфада Иброҳим Усмоновларникида қолдим. Иброҳим ва акаси Абдулборий менинг тарих китобимни шариф зотлардан уфалик бой-бадавлат булган

Марямхоним Султонга берган эканлар. Уфалалик пайтимда бу хошим билан танишдим. Хошим менга тарих тадқиқоти ва китоблар олишим учун хар хил ёрдамлар бергани туфайли Ғарбда чоп этилиб ёйилган арабча, Бумбай ва Калкуттада нашр этилган форсча тарихий асарларни, Мирхонд ва Хондамир асарларини, «Ёобурнома» каби китобларни ва Ғарб кутубхоналарида мавжуд Шарк қўлёзмалари каталогларини олиб келтиришга муваффақ бўлдим ва секин-аста кутубхона вужудга келажagini ўйлаб, кенгрок бир хона гутдим. Марямхонимнинг ёрдами билан энди кутубхонаси бор тарихчи бўлдим. Лекин бу кутубхона Қозонда эмас, Уфада бўлмоғини муносиб кўрдим.

Отамга хажга кетишларида Ҳижоз, Сурия ва Истанбул кутубхоналаридаги қўлёзма асарларга доир баъзи изланишлар учун бир режа берган эдим. У, хусусан, хоразмлик Берунийнинг фақат номигина маълум асарларини излаши керак эди. Отамга килинган бу илтимосни, топилган асарлар фикрини 1940 йилда Деҳлида босилган «*Republic Picture of the World*» номли асаримнинг муқаддимасида зикр этдим. Отамга янги чиққан «Турк ва татар тарихи» китобидан бир нусхасини Маккада Шайх Мурод Рамзийга топширмоқ учун бердим. Шайх Рамзий менга китобимни кадрловчи мактуб йуладилар. Отамга эса Истанбулда Фотиҳ кутубхонасида Ҳофиз Аbruнинг «Темур тарихи»дан мен учун нусха кўчиририб олишни тавсия этибдилар. Бу тавсия учун Шайх Мурод Рамзийдан умрбўйи миниатюр бўлсам ҳам арзийди. Отам Маккадан Истанбулга келгач, бу китобнинг муҳим бир қисмини кўчиририбди. Берунийнинг асарларидан эса жуғрофия тадқиқотлари усулига доир уз қўли билан битган ва Фотиҳ кутубхонасида сақланаётган ягона қўлёзмасининг бир бобини ва муқаддимасини (кўчириб) келтирдилар. Бу асарлардаги назик маънолар ва улардан чиқадиган хулосаларни тушунишида катта ёрдам берган Абдуллоҳ Афанди эдилар. Бу зот Туркияда «дарси оми» вазифасини қурган, халқ учун дарслар ташкил этган олим ҳамшахаримиз эдилар. У менга Сулаймония кутубхонасида Олтин Урда тарихига доир Қримли Ҳожи Абдулғаффор асарини ҳам нусхалатиб жунатган.

Булар мен учун бебаҳо асарлар эди. Мен Истанбул – миллий тарихимизга оид бой манбалар хазинасига эга деган фикрга келдим. Қўлёзма асарларни фақат Истанбулга борибгина керагича тадқиқ этиш мумкинлигини билардим. Отам келтирган қўлёзмалар денгиздан фақат бир томчи эди.

1925 йилда биринчи бор Истанбулга келганимда, илк ишим Леад Афанди ва Фотиҳ кутубхоналарини зиёрат этиш бўлди. Бунгача борлигини фақат «Каталог»лардан билганим – асарларни уз қўлим билан ушлаб қўзим билан куриб ўқишлар мен учун илг буюк бир саодат бўлди.

1912–1913 йил қиш ойларида кунрок вақтимни туркистонлик ва козок дустларимнинг истақларига мувофиқ, XVI–XIX асрларда

Мовароуннахр, Қашгар, козоқ хонлари ва Нуғой улқаси тарихига оид, яъни «Туркийлар тарихи» китобининг иккинчи жилди учун маълумот туглаб, тартибга келтириш билан утказдим. Айни вақтда араб файласуфи ва муаррихи Ибн Халдун асарлари билан машғул булдим. «Қосимия» мадрасасида туркийлар тарихи ва араб адабиётидан дарслар беришни аввалгидай давом эттирдим.

§ 55. *Иброҳим Қочқинбойнинг вафоти.* 1913 йил ёз ойларини яна кишлоқда утказдим. Бу сафар татар ёзувчиси ва зиёлиси Фуод Тухтаров мен билан дам олиш ва кимиз ичиш учун келган эди. Бу киши имтихонларга мустақил тайёргарлик куриб, Қозон университетининг ҳуқуқшунослик факултетига уқишга кирган эди. Менга ҳам ёз ойларида имтихонларга тайёрланишим учун ёрдам бермокчи булди. Бирок у биз томонларга келиб, муҳитимизга қуника олмади. Аввал унга овқатни қул билан ейишимиз манзур булмади. Бу ерда сигарет чекмаслиги керак эди, баъзида чекишга туғри келди. Халқимизнинг давгасалиги, инсонларимиз орасида истеъдодларнинг йуқлигини очикчасига такрор-такрор танқид қилди. Узи бир рус қизига мухаббат қуйган эди. Ундан олган мақтубларини қунда кирк марта уқир эди. Устидаги формасини ечмади, ҳолбуки, бизда доимо бирор жойга утиришга туғри келарди. Бошқирдлар ҳаёти унга бутунлай ибтидоий, барбарларникига ҳос булиб туюлди. Тогдаги яйловларга олиб бормокчи эдим. Бу орада дустим Иброҳимнинг оғир бетоблиги ҳақида хабар келди. Доктор йук эди. Қишлоғимизда қадимги бошқирд қушинида табиб ёрдамчиси оиласида фелдшер Аллом бор эди. Бу киши хотираларда бир неча бор номи тилга олинган Аликаррор муллаининг отаси эди. Уни олиб бормокчи булдим, бирок, ичкиликка ружуъ қуйган чол узоқ масофага от устида боролмади. Уни олиб боришга машина булмади, баъзи ерларда йул ҳам йук эди. Уни ярим йулда бир кишлоқда қолдириб, Фуод Тухтар билан йулимизда давом этдик. Бирок Фуод ҳам от миниб урганмаган эди. Эгар уриб ташлади. Уни ҳам бир кишлоқда қолдириб, биздан 120 километр масофада тушақда ётган Иброҳимникига жунадим. Бирок улгурмадим, келганимда, жони узилган эди. Дафн маросимига ҳам етиб келолмадим.

Иброҳимнинг вафоти менинг ҳаётимни андар-тунтар қилиб юборди. У булмаган, мен ҳам ёзда ёввойи асаричилик билан машғул була олмадим. Оқбийик яйловларида йилқиларимиз ортидан тоққа, яйловларга боришнинг ҳам маъноси қолмади. Уни йукотгач, узоқ йигладим. Фуоднинг бундан жаҳли чиқар “аёлларга ушаб йиглашга уялмайсизми?” дер эди. Аммо бизда урни келганда йиглаб, бушаб олиш у айтгандек уят саналмасди. Мен кишлоқда қатта отам Узуи Аҳмаджон ва қатта онам Мухибанинг қабрига тош қуйдириб, баъзи арабча жумлалар ёздирган эдим. Бу ерда йуниладиган тош ва йуцувчи асбоб топилмади. Болга билан арабча жумлалардан ва узи жуда ҳам яхши қурадиган қуйидаги маъноли халқ шеърини ёзиб

ездим: “Қалдирғоч куш иида, ини турли ранглар билан буялган. Бу фоний дунё кимларга вафо қилмади. Кетганлардан бировнинг моли, бировнинг эса севгани қолди”. 1948 йилда Гамбургда вафот этгани азиз ва ёшлиқдаги дустим миралайлик доктор Олимжон Таганинг қабрига ҳам, мана шу кушикни ёздирдим. У ҳам шу кушикни айтар эди. У бу кушикни дусту профессор Янский билан бирга Вена Фанлар академияси нашрида чоп эттирган эди.

Иброҳимнинг 1900 йилда вафот этган отаси Шамсиддин Қочқинбой форс ва рус тилларини мукаммал билгани ҳақида айтган эдим. Катта амаким Вали мулла ва катта отам Аҳмаджон буйлари узун булгани боис алоҳида қисмда эканлар. Шамсиддин билан Вали мулла қайси ҳарбий мактабда ўқишганини билолмадим. Шамсиддиннинг дусту козоқ знёлиси Муҳаммаджон Сайдалининг айтишича, Шамсиддин Қочқинбой “Рус империяси Жугрофия жамияти”нинг Оренбург шуббаси аъзоси экан. Форс адабиётини Молдакай Абдуллоҳ Саййид углидан урганган экан. Иброҳимнинг онаси ва хотинининг айтишича, зотилжамдан вафот этган, Иброҳимнинг бутун умиди “узокларда таҳсил олиш” экан. Бу борада менга эргашмагани учун узидан ранжибди. Узига туқ эдилар, бироқ, “мақсадим кишлоқда мол боқиб қолиш эмас эди”, дер экан. Иброҳим Ҳофиз, Саъдий ва Навоийни жуда яхши биларди. Пушкинни ҳам укиган эди. Ҳаёт булганида ва 1908 йилда менга эргашганида эди, ҳаётимизни бирга кечирган, балки, битта соҳада эгизаклар каби улғайган булармидик?! Ундан узга ҳеч кимни у қадар қуп эсламас эдим. Фуод Тухтар икки ой яшаб, бизнинг ҳаётимизга анча урганиб қолди. Жума намозига бориб, отамнинг уша йили бошланган Болкон уруши сабабли, Чор Россияси ҳукуматига қарши айтган ваъзаларини тинглашни яхши қуларди. Унинг фикрича, татар муҳитида бир имомнинг ҳукуматга қарши очикча шундай сузларни айтиши ва тинглаганларнинг бу ҳақида хабар бермаслиги мумкин эмасди. У Қозонга кайтганида бу ҳақида “Ялт-юлт” номли сатирик журналида ҳам ёзди. Мен бундан жиддий ранжидим ва Фуодга: “Сенинг ёзганларинг балки туғридир, бироқ бу сузлар отамга қарши қулланилиши мумкин”, дедим. Бироқ Фуод Бошқирдистонда яширин сиёсий ҳаракат ташкил этиш мумкинлигига ишонар, татар муҳаррири Қатом Носирийнинг: “Агар Суюнбика бошқирдлар юртида булганда эди, уни бошқирдлар русларга асло бермаган буларди”, деган сузларининг туғри эканини исботлар эди. Носирийнинг бу сузларини уша пайтда “Шуро” газетасида эълон қилинган бир хотирадан укиган эдим.

§ 56. *Буржан бошқирдлари этнографиясига оид ёзганларим фойдаси.* Фуод Тухтар бизникида таътилни утказиб, Қозонга кайтди. Мен бу орада “Шуро” журнали учун “Буржан бошқирдлари”

\* Qarlugas qus tay ay uyala, uyalari anin day buyala  
Kimderdin mali, kimderdin yelti, kimderden oalmay fan dunya ta-

мавзусида мақолалар ёздим. Мақолаларим журналнинг 1913 йил 19–22 сонларида нашр этилди. Мақолаларимда жуда ҳам бой бўлган бошқирд халқ оғзаки ижодининг татарлар ва руслар таъсирида факрлаша бошлаганини, аммо қадимги туркий халқлар маданиятининг бир қанча хусусиятларини энг яхши муҳофаза қилганлар Буржан бошқирдлари эканини, миллий мусиқа ва дostonларнинг, жумладан, Эдигей ва унинг угли Нуриддин (Мурод) ҳақидаги дostonлар бу ерларда хануз яшаб келишини тасвирладим. Ҳарбий ингизом бошқирдларнинг қонига сингиб кетган, улар раҳбарлари ортидан ягона қувват булиб ҳаракат қилишни биладилар. От устидаги бошқирдлар от ва эгарлари билан ягона бир хайкалга айланадилар. Бошқирдлар қурол ишлатиш ва отга миниш маҳоратини ҳалигача муҳофаза этиш билан қадимги турк тарихи ҳарбий руҳини сақлаб келмоқдалар деб ёздим. Масим ва Ирандик тоғларидаги бошқирдларда бу одат ҳозиргача яшаб келишини тасвирладим. Бу мақолаларим бошқирд зиёлилари орасида жуда катта таассурот қолдирди. 1917 йилдан сунг бошқирдлар миллий ҳаракатига фидокорлик билан қушилган Ҳабибуллоҳ Обид ва Собиржон Қурмуш уша “Шуро” журналининг 23–24 сонларида мақолани уқиб, ҳис этган ҳаяжонларини ифода этган мақола чоп эттирдилар. Бир қанча кишилар менга мактублар йуллашди. Бу мақолалар шу санадан тўрт йил утиб, бошқирд миллий ҳаракатини бошлашимизда мадад берди.

## МЕНИНГ ТУРКИСТОНГА ИЛМИЙ САФАРЛАРИМ

§ 57. *Туркистонга биринчи илмий сафарим.* Қозонга қайтиб келганимда, профессор Катанов мени Қозон университети тарих, археология ва этнография жамияти томонидан тарихий ва этнографик тадқиқотлар олиб бориш учун Туркистонга, Фарғона вилоятига юбориш хусусидаги ташаббуси ҳувватлангани хақида хабар берди. Мен “Қосимия”даги муаллимлик ва имтиҳон тайёргарликларига таъсир қилса-да, бу саёхат хақидаги хабарни мамнуният билан қабул қилдим.

Тошкентга келган кунимда дарҳол уша отамнинг тасаввуф силсиласида муҳим ўрин тутган Шайх Убайдуллох Аҳрорнинг аждоди Шайх Хованди Тахурнинг ижодига оид шу кунгача номаълум булган муфассал манокибни форсий ва туркий шеърларини, ҳикматли сузларини топдим. Саҳҳофлардан сотиб олган бу қулёзма асарларни Боғистон кишлогининг фарзанди (Хожа Аҳроф) Нақшбандий шайхларига зиёда ишонувчи отамга ва қушнимиз Бекбулат ҳазратга ҳадя қилиб юбордим. Асардаги шеър ва ҳикматлардан мана булар менга ёқди:

*Маҳбубдан узга бир ҳабиби зебо булмас,  
Ҳар боғчада нолон булбулдан узга жойи тамошо булмас.  
Кунглингни фақат сенга кунгул берувчига бергил,  
Жонингни фақат қадрингни билувчига бергил.*

Энди орадан 53 йил ўтиб, 1966 йилда эшитмоқдаманки, Тошкент жомелари вайрон этилган, йук қилинган, фақат Шайх Хованди Тоҳур мақбараси марказ жойда булгани учун намуна сифатида урнида қолган.

1914 йил мартига қадар давом этган бу сафарда мен Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида қулёзма асарларни, хусусий қуллардаги васикаларни, мамлакатнинг иқтисодий, тарихий жүғрофияси жиҳатдан жуда муҳим воқеалар акс этган манбаларни баъзи диний муассасаларнинг даромад руйхатларида қиймат ўзгаришларини билдирувчи қайдларни, Фарғона ўзбек уруғларига доир этнографик маълумотларни тулладим. Бу саёхатим «Бир турк олимга нисбатан кўрсатилган ҳурмат нишонаси» сарлавҳаси остида Туркия матбуоти («Турк юрти»)да юқори баҳоланиб, хабар босилди. Энг муҳими, XVI асрдан кейинги давр умум тарихи ва адабиёт тарихига доир бир қанча номаълум манзавий асарларни кашф этдим.

Март ойида Тошкентга қайтиб келганимда, Туркистон Археология жамияти ташкил этган бир мажлисда саёхатим натижаларига доир маъруза қилдим. У ерда ҳозир булган Туркистон волийси генерал

Суҳомлинов мени мактаб, илиқ сузлар айтди: «Мана бизнинг муслмонлар орасида маориф тарқатиш йулидаги ташаббусимизнинг яхши натижаси», деди.

Расмий «Туркистанские ведомости» газетаси муҳаррири муовини Александр Александрович Семёнов мени бир мансаб бериб, Тошкентда олиб қолмоқчи бўлди. Мен ҳали уқишимни давом эттиришим кераклигини айтиб, узр сурадим. Кейинчалик билишимча, менинг сафарим натижалари самарали бўлганлиги ҳақида Петербургга хабар берган экан. Натижада, Россия Фанлар академияси билан Урта Осиёни урганиш халқаро жамияти номидан бундан кейин ҳам тадқиқотлар олиб бормоғим учун янги вазифалар беришлари ҳақида бир мактуб олдим. Бундай таклиф, тавсия этганлар Россия Фанлар академиясининг аъзолари профессор В.В. Бартольд, В.В. Радлов, К. Залеманлар экан. Мен эса Қозон Археология ва тарих жамиятига ҳисобот берганимдан сунг Петербургга боришимни билдириб, жавоб ездим. Март ойининг охирида Қозонга келдим. Биродарларим Абдулборий ва Абдурауф бу йил Қозонда «Муҳаммадия» мадрасасида таҳсилда эдилар, бир муддат улар билан машғул бўлдим. Археология жамиятига ҳисоботимни ҳам топширдим.

Мен бу саёҳатим давомида Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухорода бир қанча янги дустлар орттирдим. Булардан кўпчилиги менга шу йилдан эътиборан, Туркистон маданий ҳаётида ва кейинроқ Туркистон сиёсий ҳаётида иштирок этишимда фойдалари тегили ва ҳар бири билан бўлган дўстлигим жуда кўп унутилмас ширин хотиралар қолдирди. Булардан чор қўшинининг собиқ зобити, асли бошқирд Миролой Абубакр Дивасевдир. У қозок, киргиз этнографиясига оид жуда фойдали асарлар утаётган бўлган. Бу зот мени Тошкентда яна подшо аскарлигида хизмат утаётган бошқирд зобитларидан Қучуков ва татарлардан генерал Еникеев, Самарқандда киргиз генерал Қулжонов, Мирбадалов ва бошқирд Акимбетовлар билан таништирди. Мен қайга борсам, уша ерга Абубакр оғанинг мени таъриф-тавсиф этувчи мактублари борганини билдим. Қозоклардан ҳали лицей талабаси ва кейинчалик коммунист бўлган Назир Турақул (Турақулов). Тошкентда Петербург университети ҳуқуқшунослик бўлими талабаси Мустафо Чуқаев, узбеклардан кейинчалик машҳур бўлиб кетган андижонлик шоир Абдулхамид Сулаймон (Чулпон), яна Тошкентда нуғойлардан тарихчи Пулат Соли, узбеклардан Мунаввар Қори ва Убайдуллоҳ Хужалар билан Тошкентда топилдим, Самарқандда эса Маҳмудхужа Бехбудий, Бухорода Аҳмаджон Маҳдум, яна киргизлардан талаба Жонузқоқ ўғли Иброҳим шулар жумласидандир.

Туркистонда топилганларимдан зикр этилганлар орасида



Назир Туракул ва Абдулхамид Сулаймон (Чулпон) хақида алоҳида тухталишим лозим булган яқин дустларимдандир. Назирнинг отаси Туракул Фарғона волийси (ҳокими) ёнида таржимон эди. У баъзи қимматли қулёзма асарлар туплаган. Назир қулига тушган китобни уқир. муаллифларининг таъсирига берилар эди. Мен эса унга, инсон қисқа умрида урганмок ва ўқимокни бир тамойил ва режа асосида амалга оширса, ижобий натижага эришиши мумкин, дедим. У менинг фикрларимни ўн беш ёшлик шоир Чулпонга уқгиришга ҳаракат қилиб, ўзи эса ўта таъсирчан, чидамсиз ва саботсиз булганидан бундай йул тутолмаслигини, бундай тартибга тушоилмаслигини айтгари. Ҳақиқатдан у уша пайтларда ашаддий туркпараст эди. Истанбулда чиқадиган «Турк юрти»ни уқирди. У Жиддала совет консуллигида ишлаб юрган вақтларида, турк тили масалаларига доир баъзи мақолалар наир этди. Қандай бўлишидан қатъи назар ўз миллий маданиятига содик қолди. Шу сабабли ҳам шурулар томонидан амалга оширилган катагон қурбони булди. Кейинчалик ўзбекларнинг энг буюк замонавий миллий шоири булган Чулпон уша пайтлари ёш эди. Менга тарих китобимни ўқиб илхомланганини ва фикрлашиш мақсади борлигини билдириб мактуб йуллаб, Андижонга, уйларига меҳмонга таклиф этганди. Мен Назир Туракул билан бирга уйларига борганимизда бой-бодавлат отаси Сулаймон: “Бола отасининг рухсатисиз уйга меҳмон чақириши мумкинми”, деб бизни совук қаршилади. Абдулхамид уйда йук эди, кейинроқ келди. Биз Абдулхамид хақиқатан хали усирин булса-да, уни етук бир киши сифатида қабул қилган эдик. Биз меҳмонхонага кетмокчи булганимизда отаси: “У ҳолда тунлик қилгандан сунг кетарсизлар”, деди. Абдулхамид отасига бир суз айтмади. Фақат дастурхон атрофида биз отаси билан суҳбатлашаётганимизда, Абдулхамид ёнидаги дустри билан гаплашаётгани учун отаси ундан уринли равишда ранжиган эди. Мен эса Мавлоно Румийнинг қуйидаги шеърини айтдим яъни: «Булбуллар энг яхши сайроки қушлардир, аммо уларнинг ёнида бошқа қушлар ҳам жим турмайди”. Сулаймон ота заки одам эканлар, бундан жуда қувонди. Бизни аввал анча совук қаршилаган Сулаймон отанинг фикрлари дарҳол ўзгарди ва “Сиз энди уғлимнинг эмас, менинг меҳмоним булгайсиз”, дея лутф айлаб меҳмонхонага кетишимизга рухсат бермади. Булажак буюк ўзбек шоири Чулпоннинг отаси форсий адабиётни севар ва бу тилга нисбатан ҳурмати чексиз экан. Унга ташрифномамни бердим. Бундай нарсани ҳеч қурмаган экан: “Демак, бу сизнинг исмингиз, демак, сиз буни чоп эттиргансиз”, деди ва ташриф коғозимни қайтариб узимга узатди.

Шу тариха, биз буюк ўзбек модерн шоири ва унинг отаси билан дуст булдик. Назир Туракул ҳам бир туркпараст миллатчи булгани билан форс адабиётидан вокиф ва унга берилган эди. Мен онамдан урганган форс тили хаётимда жуда керак булди. Тадқиқот ишларимда ҳам

катга фойда берди. Ҳар доим онамни ичимда шукроналик туйғулари билан ёд этдим. Сулаймон отанинг дуоларини олиб хайрлашдик. У зотни менга илтифот курсатиб совға этган матоларини, газмолларини онамга олиб бердим.

§ 58. “Манас” достони билан яқиндан шугулланишимга сабаб бўлган ҳодиса. Қирғизларнинг “Манас” достонини 1910 йилдан бери баъзи-баъзида укиб қуярдим. Бирок, бу йил Қозондалигимда айни дoston билан жиддий шугулланишимга мажбур қилган бир ҳодиса руй берди. Мен бу йил имтиҳонларга тайёргарлик қўрмоқчи эдим. Пулим ҳам бор эди. Отам бир бияни сотиб пулини берди. Асалнинг пули шундоқ ҳам узимда эди. Иброҳим Қочқинбойнинг онаси ҳам бир айғирни сотиб, пулини менга беришни айтиб отамга берибди. Мен театрлар, баллар, талабалар йиғинларига боришда давом этдим. Дарвоқе, мен Тошкентда бўлганимда, киргиз зиёлиси Иброҳим Жонузоков билан танишган эдим. Қозонда эса Сарикоулоков исмли манасчи талаба билан бир ҳодиса сабабли танишдим. Танишувимиз ғалати тасодиф туфайли руй берди. Проломний кучасида мен борадиган талабалар ошхонасида бир киргиз билан малласоч рус ичиб утиришарди. Ора-сира киргиз ёки козок шеvasида ҳам гапириб қуйишар, атрофга қараб суқинишарди. Мен овқатланаётган стол уларнинг рўпарасида жойлашган эди. Уларга қараганим учун менга ёвқараш қилишди. Индамадим. Бу ҳаракатим уларни баттар тажанглаштирди. Ошхона эгасига шикоят қилдим. “Ё менга бошқа жой беринг, ё буларни бу ердан олиб чиқинг”, дедим. Бошқалар ҳам менга хайрихоҳ эдилар. Ошхона хўжайини уларни чиқармоқчи бўлди. Шу пайт улар яна менга тегачоғлик қилишди. Мен “Йуқолинглар!” дедим. Қирғиз йигитга қараб уз тилида: “Кет дегенде ит китет, Элмембет қалмиқ не гитпейт”, дедим. Яъни “Кет десам ит ҳам кетади, Элмембет деган қалмиқ нега кетмайди?”. “Манас” достонидан олинган бу байтни эшитиб, киргиз талаба турган жойида қотиб қолди. “Бизни кечирасан, кимсан? “Манас”ни қаердан биласан?” деб суради. Шу тариқа танишди қолдик. Йигитнинг мастлиги тарқаб кетди. У аслида исмиمنى эшитган экан. Ҳатто тарихга оид китобимни ҳам ўқиган экан. Иккинчи кун у худди шу ошхонага келиб, мендан узр сўради. Энди у билан “Манас” устида ишлашга келишиб олдик. Ушбу достоннинг В. Радлов томонидан тайёрланган нашридан бутунлай фарқли равишда XIX асрда араб имлосида ёзилган тулик нусхасини Тошкентда менга Абубакр Диваев берган эди. Кўп жойини ўқиб бўлмасида, Сарикоулоковнинг таъкидлашича, бу бирор мохир бахшнинг айтганларидан ёзиб олингани аниқ эди. Бу дoston саккиз йил қўлимда юрди. 1921 йилда Жонузоков Боку<sup>1</sup> Шарқ конгресси пайтида мендан

<sup>1</sup> Шарқ халқлари I съезди (конгресси) 1920 йили 1–8 сентябр кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган М.А.

сураб олди, бироқ бир йилдан сўнг, шўроларга қарши кутарилган исёнда Фарғонада шахид бўлиб, қўлёзма ҳам йуқолди. Қирғизлар IX асрда Мугулистонда катта давлат қуриб калмоқларга қарши жанг қилганлар. “Манас” достони қирғиз халқига оид уша пайтдаги ва кейинги даврлардаги ходисаларни ҳамда миллий афсоналарни уз ичига олган, қадимги юнон афсоналарига ухшаш дoston эди. В. Радлов давлат ходими булгани боис дoston ёзиб олинаётганда қирғиз бахшилари унга маъқул келиши учун “Ок пошшо” деган ибораларни ҳам орага киритиб кетишган. 1924 йилдан буён шўролар ушбу дostonни уз сиёсатларига мослаб олишга уринмоқдалар. Менинг қулимдаги нусха Туркистонга рус босқинчилари келмасидан сал аввал хон замонида ёзилган нусха бўлиб, у 60 000 мисрадан иборат эди. Сарикүлоков иккимиз дostonни араб имлосида чоп эттиришни мулжаллаган эдик. Жонузоқов ҳам шу ниятда эди. Бироқ икки қирғиз зиёлиси ҳам русларга қарши жангда ҳалок булишди. Режаларимиз амалга ошмай қолди.

§ 59. *Ноёб илмий кутубхонаи Истанбулга жунатганим.* Бу пайтда яна бир воқеа юз берди. Профессор Катановнинг хотини китоб ва кутубхона душмани эди. Эрига: “Ё мени танла, ёки кутубхонагни” деб шарт қуйибди. У пайтларда чанг ютгич машиналар булмагани боис аёллар учун чангларни артиш, айниқса, китоб устидаги чангларни тозалаш азоб эди. Мана шу ва бошқа сабабларга қўра келишолмай қолиб, Катанов кутубхонасини сотишга мажбур бўлди. Кутубхона калитининг бир нусхаси менда булгани боис унинг қадрини яхши билардим. Профессормендан кутубхонасини сотишида ёрдам беришимни илтимос қилди. Мен бир шарқшуноснинг катта кутубхонасини сотилади, уни Қозон ва Оренбургда мусулмонлар илм муассасасини вужудга келтиришни истаганлар сотиб олишларини тавсия этаман, деб “Вақт” газетасига эълон бердим. Бироқ харидорлардан хабар бўмади. Истанбулдаги “Турк юрти”нинг муҳаррири Юсуф Оқчурага ёздим. У бу ҳақда Вақф нозирлигига билдирганда кутубхонасини сотиб олиб, Истанбулга келтиришга қарор қилишибди. Юсуф Оқчура менга бу ҳақда хабар қилди. Вақф нозирини Нойил Рашид ва асли татар булган ҳарбий Умар Терўгулни бир мактуб билан менинг олдимга, Қозонга юборишди. Мен кутубхонасини 8000 рублга сотиб олиб, сандиқларга жойлаштирдим, сўнг Туркияга Истанбулга жунатдим. Бироқ бу китоблар кутубхона ташкил этиш учун етарли эмасди. Баъзи китобларни Петербургга борганимда олишимни Туркиядан келганларга билдирдим. Петербургда В. Бартольд ва бошқа Академия аъзолари билан В. Радловнинг уида йиғилиб, Туркистонда амалга оширган илмий саяҳатим ҳақида гапириб бердим. Уз навбатида яна тадқиқот олиб боришимни давом эттириш учун ва қўлёзма асарлар сотиб олишим учун академия маблағ ажратишини билдиришганида мен жуда қувондим. Бу орада Петербург китоб дуконларидан Катанов

кутубхонасида булмаган асарларни олиш мақсадида 7000 рус рубли миқдорида китоб сотиб олдим. Академиядан, институтлардан Шарққа оид китобларни тупладим. Уларни ҳам сандикка жойлаб, мен билан бирга келган Нойил Рашид орқали Истанбулга жунатдим. Биринчи жаҳон уруши бошланмасидан кутубхона зиён кўрмасдан Истанбулга келтирилди. Кутубхона Истанбул университети қошидаги Туркшунослик институти асосини ташкил этди. 1925 йили Туркияга келганимда, бу кутубхона мен учун бебаҳо хазина булди. Агар бу кутубхонада рус илмий нашрлари бўлмаганида, тарих соҳасидаги нашр ишларим фақатгина шарқ ва ғарб манбалари билан чекланиб қолар, унинг манбавий таъмини етарли булмас эди.

Петербургда мен Фанлар академияси қошидаги Осие музейида Европа кутубхоналари каталогини урганиб чиқдим. 1845 йилда Френ нашр этган ноёб “Ислом асарлари руйхати”дан фойдаланиб, узим учун ислом қўлёзмаларининг ихтисослик буйича алоҳида руйхатини тузиш билан шуғулландим. Айна пайтда бошқирд ва нўғойлар тарихига доир маълумотни топиш мақсадида Фанлар академияси архивида ҳам ишладим. Илк Туркистон сафаримга оид ҳисоботларни Россия Археология жамиятининг Шарқ бўлими “Баённома”ларида нашр этишди. В. Бартолд менга гимназия имтиҳонларини топшира олмасам, бир иложини қилиб, Петербург университетининг шарқшунослик факултетига киритишини, Урта Осиени ўрганиш Халқаро жамиятига ишга жойлашини айтди ва Ғарбий Оврупа мамлакатларида исломга оид асарларни тадқиқ этиш учун юборишга ваъда берди. Шу тариқа мен 1914—1917 йилларда Германия, Австрия, Париж ва Лондонда ишлашим мумкин эди. Гарчи бошланиб кетган уруш туфайли бу режалар амалга ошмай қолган булса-да, мен учун бир орзуга айланган эди. Келажакда мен туркийлар ва Ислом маданияти тарихи билан шуғулланадиган шарқшунос булишга қарор қилган эдим. Нега мен Ховорснинг тарихимизга оид инглизча китобларини ва шарқшунос Френнинг тарихимизга оид лотинча асарларини мутолаа қила оладаган даражада инглиз ва лотин тилини ўрганмаслигим керак, деб ўйладим. Бу 1914 йил баҳор мавсумида қилган қатъий қарорим эди.

§ 60. *Ибн Халдуннинг фалсафасини ўрганишим.* Бу киш “Манас” билан биргаликда араб файласуфи Ибн Халдунни куп уқидим. Бу олимнинг олти жилдлик тарихи ва туркчага таржима қилинган “Муқаддима”си тоғамнинг кутубхонасида ислом тарихига оид манбаларидан бири Ибн ал-Асир асарлари билан бир жойда турарди. Тоғам Ибн ал-Асирдан ташқари, Ибн Халдундан ҳам ўқитарди, сўнгра уларни мендан сурарди. Ибн Халдуннинг “Муқаддима”сига келсак, ушбу фалсафий асар Маржонийнинг Қозонда босилган “Вафий йат ал-

аслаф” асари муқаддимасини ўқиганлигим боис кенг фойдаланилгани сабабли тоғам ва отам орқали маълум бўлса-да, тоғам ҳозир уни ўқима-тишини утмайди, дер эди. Чунки ижтимоий фанлар соҳаси билан ҳали таниш эмасдим. Бу йил устозим профессор Хвостов арабча билганим учун менга Ибн Халдунийнинг жамиятшунослигига оид қарашларини қоғозга тушириш вазифасини юклади. Мен асарда тасвирланган давлат ташкилоти ҳамда миллатнинг жамиятдаги ўрни ҳусусидаги баҳсларни Қозон университети Археология жамияти йиғилишида сузлаш мақсадида мақола тайёрладим. Уша пайтда Истанбулда “Турк юрти” журналинини чоп этаётган Юсуф Оқчура мендан мақола сураб қолди. Мен уша ёзганларимни турк ўқувчиларига мослаб ўзгартириб, Истанбулга юбордим. Оқчура бу мақоламни уша пайтда Тавфик Рушду ва Жалол Соҳир нашр этаётган “Билги” журналида чоп эттирди. Бундан 1925 йил Германиядан Истанбулга келган пайтимдагина хабар топдим. Истанбулга келган кунларимда муаллим М. Жавдот исмли киши билан куришдик. Кейинчалик дўстимга айланган ва каттагина кутубхонага эга бўлган бу киши қулоғимга шивирлади: “Мабодо Ибн Халдунга оид мақолангиз ҳақида баҳс очилса, менинг номинини тилга ола курманг”. Мақолангиз “Билги мажмуаси”да чиққанида мен ўзимиз Истанбулда нашр этаётган “Тадрисоти ибтидоия” мажмуасида сизни танқид қилиб, иккита мақола чоп эттирдим. Энди эса сиз илгари сурган фикрлар тан олинган, бизники таназулга юз тутган”. Уз мақоламни ва М. Жавдотнинг мақолаларини ўқидим. Мен мақоламда теократизмга муҳолиф бўлган бўлсам, М. Жавдот унга тарафдор бўлиб чиққан эди. “Шимол тарихчиси Заки Валидий бизнинг Туркия туркларининг давлат бошқаруви масаласига нега аралашади?” мазмунида қаттиқ танқид остига олган эди. Мен илгари сурган фикрлар қуйидача эди: теократизм турклар учун бошга битган балодур. Теократизм ислом жамиятининг уз сифати эмасдур. Биз гарб маданиятига қушилган эканмиз, ислом ҳам унга мослашиши керак. Зотан, туркийлар тарихида ҳар доим салтанатни халифаликдан ажратишган. Туркийлар ва мугулларда давлат бошқаруви масаласида дин билан богликлик томони ҳеч қачон бўлмаган. Чингизхон Ясосини ҳаётга тадбиқ этилиши ислом оламида янги даврни бошлаб берди. Бу қонулар Туркияда ҳам чуқур из қолдирди. Дин ва давлат бутунлай алоҳида бўлиши лозим. Куръон ҳукмлари дунёвий ҳукмлар билан ўзгартирилиши керак. Шарқ халқларининг инсоният жамияти ҳусусида фикрлари Европаликларникидан фарқи йўқдир. Мисрлик муфтий Мухаммад Абдух, турк Махмуд Асад, россиялик Мусо Жоруллоҳ афандиларнинг исломиятни ислоҳ этиб, уларни замонавий қонулар асосига мослаб олиш йулидаги ҳаракатлари натижа бермади. Ўрта Осиёда ислом мамлакатларининг Россияга тобё бўлиб қолишларининг асосий сабаби Чингизхон Ясо қонуларидан ўзқлашиб, шарнатга қайтганлари бўлган. Бухоронинг XVIII асрнинг

сунгги чорагидаги амири мангит Шохмурод дарвиш эди, намозни тарк этганларни ўлдирарди. Ибн Халдун буюк тарихини ёзган пайтда туркий оламда катта воқеалар юз бераётган эди. У Шомда Темур билан кўришди. Унинг туркий халқлар билан ҳақиқий алоқаси шу нақтдан бошланди ва алоҳида китоб ёзиб, қуйидаги хотирани ёзиб қолдирди: “Темур давлатни Ясо ва Тузуқлари асосида бошқарди”.

1930 йил 1 февралда Анкарада Чапқаяда (Жон-қояда) Отатурк қароргоҳига таклиф қилиндим. Отатурк дастурхони атрофида сиёсий масалалар билан бирга илмий масалаларда ҳам мулоқот бўлди. Отатурк Маҳмуд Бейга қараб: “Профессорнинг мақоласини келтиринг”, деди. Бир оздан сунг Маҳмуд Бей Отатуркнинг кутубхонасидан “Билги” мажмуаси”ни олиб чиқди. Билдимки, Отатурк мақолани диққат билан ўқиб чиққан. Маҳмуд Бейга яна бир бор ўқитди. Мақоланинг бир жойидаги “Чингизхоннинг даҳоси сабаб юзага келган фавқуллодда мунтазам ҳарбий бошқарув тизими Эроннинг расмиятчилик усулини йўққа чиқарди” деган сузимни изоҳлаб беришимни суради ва: “Адашмасам, бу ерда бир хато бор”, деди. Мен дарҳол: “Ҳақсиз, пошом, менимча, Юсуф Бей мақоламни усмонличага ўгираётиб, “теократизм усули” деган иборани “бюрократизм усули” деб олган қуринди”. Отатурк: “Мен ҳам шундай булса керак деб ўйладим, чунки бошқа ерларда “теократия” деб халифаликка қарши фикр билдиргансиз”, деди. Уша мажлисда журнал хўжайини Тавфиқ Рушду, Жалол Байар, Юсуф Оқчура, Офатхоним ва бошқа кишилар бор эди. Юсуф Бей теократия сузи узи томонидан хато ёзилганини тан олди. Отатуркнинг эътиборига ҳайратландим. Менга қараб: “Қуриб турганингиздек, сиз ҳали бу ерга келмасдан туриб, мақолаларингизни ўқиб чиқдик. Юртимизга келмай туриб яхши хабар йўллабсиз” деди. Бу мақолам сабабли Отатурк М. Жавдатнинг ҳам мақолаларини ўқигани маълум бўлди. Бироқ айнан шу сабабли Отатуркнинг менга илтифот курсатиши мен учун яхши бўлмади. Чунки Отатуркнинг мирзаларидан бири ҳисобланган профессор Шамсиддин Гунолтой 1914 йилда мақолам чоп этилган пайтларда М. Жавдат билан бир хил фикрда бўлиб, бу борада мақолалар ҳам эълон қилган экан. Отатурк мақолам ҳақида ижобий фикр айтаётганида, Гунолтойнинг ранги узғариб кетганини кейинроқ менга Юсуф Оқчура айтди. Ҳар ҳолда 1912–1913 йил қиш мавсумида Ибн Халдунни тадқиқ этишим натижасида ёзилган бу мақола Туркия олимлари ва сиёсатчилари томонидан жиддий равишда ўқилганини билиб хурсанд бўлдим. Кейинчалик, билишимча, бу мақолам 1922 йилда профессор Зиёуддин Фахрий томонидан Ибн Халдунга бағишлаб ёзилган бир асарда ҳам ижобий ҳолда тилга олинди. 1961 йили Ибн Халдуннинг “Муқаддима” асарининг энг муқаммал изоҳини амалга оширган америкалик профессор Ф. Роузентал узининг изоҳларида менинг ушбу мақоламга қизиқиш билдириб утган.

Жамиятга оид бундай фикрлар XIV асрда тарих фалсафаси ва ижтимоий фанлар соҳасида иш олиб борган, Урта Ер денгизи ва Испания томонида етишиб чиққан Ибн Халдуни каби Ғарб ислом олимларигагина хос булиб қолмай, аynи шу фикр Амир Темур замонида Самарқандда ҳам кенг тарқалганини 1913 йилда Бухоро кутубхонасидаги қўлёзма асарларни тадқиқ этаётиб, билиб олдим. Бу фикрлар Ибн Халдунининг замондоши булгани ҳолда уни қурмасдан, фикрларига воқиф булмасдан туриб, худди шу фалсафий қарашни ифодалаган Шамс Ижийнинг асарида ҳам келтирилган эди. Амир Темур даврида унинг амри билан ёзилган тарих фалсафаси ва турк қонуни ҳамда давлат бошқарув тизимига бағишланган “Тухфа” номли ушбу асар Темурга тақдим қилинган. Мен бу асарни Истанбулга қайтганимдан сунг Янги жоме масжиди кутубхонасидан топдим. Шариат урнида қонун, дин урнида авик фанлар натижаларига йул берилиши лозимлигини уқтирган ушбу асар ҳақида суҳбатимиз асносида Отатуркга айтдим. Отатурк булса фикрларимга қушилиб, “Темур – қудратли турк эди” деди. Шундан сунг бу асар хусусида 1951 йил Истанбулда тупланган XXII халқаро шарқшунослар конгрессида сўзладим. Ҳозирда Йаледа профессор Роузендал ушбу асарга бағишланган тадқиқотини нашр қилган.

*§ 61. Туркистонга иккинчи илмий сафарим.* Мени Россия Фанлар академияси тарафидан илмий тадқиқотлар учун Туркистонга эътибору эътироф билан жунаётганларини эшитиб севинган дўстларим орасида, аввало, Иброҳим Окчурин (Окчура) бор эди. Бу хотираларда исми бир неча бор зикр этилган бу зот Симбирск вилоятидаги фабрикачи Окчуриларнинг қариндоши ва уларнинг тижорат буйича вакили эди. Унинг ёши мендан анча катта булса-да, узига тенг тутар, менга тенгдошдай қарар эди. Уйғур тилини биларди. Мен Петербургдалик пайтимда у ҳам шу ерда эди. Бир кун менга уйғур харфлари билан битилган таклифнома йуллади. Гранд Отелда менга зиёфат бериш учун қақрибди. Мени Туркистонга кузатар экан куп муваффақиятлар тилади.

Бухорога келгач, амирнинг бош вакили Насруллоҳ Қушбегига учрашдим. Чунки бу сафар купрок Бухоро амирлигида ишлашим лозим эди. Шунинг учун ҳам жойларда маъмур менга ёрдам беришлари хусусида қушбегига тавсия мактублари зарур эди. Бундай мактублар тезлик билан ёзилиб жойларга жунатилди. Қайга борсам, бу мактублар мендан аввал келганини билдим.

Қарши шаҳрига келганимда, мени Чор ҳукуматининг Петербургдан таширф буюрган бир маъмур деб уйлаб хорижлик учун ажратилган уйга туширдилар, куп эъзоз-икром қўрсатиб ва ёнимга бир қўрсатувчи ҳам берди.

Шаҳрисабзга келганимда, бек мени бир мусулмон фарзанди эканлигимни билса-да, таржимон орқали рус тилида мурожаат этди.

Бунга ҳожат йук эканини билдирдим, у жуда хушнуд бўлди. Май ойида Қаршидалик пайтимда бозорда бир атторнинг дори урайдиган коғозлари орасида эски туркийча бир неча варақларни курдим: “Буларнинг қолганлари қани?” дедим. У варақларни бир китобдан йиртиб олган экан. Бу Қуръоннинг «Субъ»и («Ҳафтияк»), яъни “Еттидан бири”нинг туркийча тафсири экан. Буни 20 Бухоро пулига сотиб олдим. Кейинчалик маълум бўлдики, бу X асрга оид туркий тилида ёзилган энг қадимги ёзма обида экан. Шарқшунослардан В. Бартолд ва К. Залеман бу ҳақда мақолалар ёзди. Кейинроқ букинг XIV асрда Эронда Элхонлилар ва Олтин Урдада Жужи авлодлари даврида кучирилган нусхаларини Истанбулдан топдим. Бу қадимги Қуръон туртга тафсирлари ҳақида инглиз тилида тадқиқот натижаларини нашр этдим. Бухоро амирлигида илмий ишларимни яқунлаб, Тошкентга қайтиб келдим. Тошкентда губернатор ёрдамчиси шарқшунос олим А.А. Семёнов уша Қуръон саҳифаларини катта пулга сотиб олишини айтди. Мен унга: “Фанлар академияси учун олдим ва у жойга топширмакчиман”, дедим. Семёнов мени бу масалада тўғри йўл тутганлигимни мактаб, В. Бартолдга ёзганини кейинчалик билдим. Эҳтимол, у пулга муносабатини синаб курмокчи бўлгандир. Ҳақиқатда эса Семёновнинг ноёб қулёзма асарлар бой коллекцияси бўлиб, бундай ноёблар сотиб олиш учун пул харжларни аямас эди. Яқинда вафот этган профессор А. Семёнов Тожикистон Фанлар академиясида ишлади ва Туркистонда қадимдан яшаб келган эронийлар тарихига доир жуда муҳим асарларни нашр этди.

Русларнинг орасида яна тадқиқот билан шугулланган ва бир вақтнинг узида юқори даражада давлат маъмурий лавозимларда ишлаб тургандан Самарқандда яшаётган муҳандис Касталеский билан Вяткинни айтиш мумкин. Улар кўплаб ноёб қулёзма асарлар туплаганлар. Қарши шаҳрида мен сотиб олган бир йирик асар эса Маҳмуд Восифий ижодига мансуб бўлиб, XVI аср бошида Темурийлар даврида Ҳиротнинг ижтимоий ва маданий ҳаётини тасвирловчи буюк бир асар эди. Уша даврдаги жамият ҳаётини, айниқса, шоир Алишер Навоий ва унинг замондошлари ҳаётини энг кичик тафсилотларигача тасвир этган бу асар жамият ва маданият тарихи билан шугулланувчи олимлар учун ниҳоятда ноёб бир манба хизматиғи утамоқдадир. Ичиди кўп беҳаё тарихий ҳикоялар ҳам бўлган бу китобни Россия Фанлар академияси нашр этди. Шаҳрисабзга келгач, бу ердаги Темурийлар даврига оид меъморий обидаларидаги девор ёзув нақшларидаги кучирмалар олдим ва уларнинг тула тавсифини ёздим. Руслар Бухорони ишғол этганига 50 йилдан кўпроқ вақт утса ҳам Туркистоннинг буюк меъморий обидалари ва китоба-нақшлари ҳақида хануз бирорта китоб нашр қилинмади. Фақат бир талай тарихий бинолар хароб бўлгачина



хушларни йиға бошладилар. Бундан ишларни илк бор нашр этган Кон-Винер деган бир австралиялик олим булди.

§ 62. *Шарқий Бухорога саёҳатим.* Июн ойининг бошида Ғузорга келганимда у ернинг беги амирнинг амакиси Сайид Ақромхон тура мени катта ҳурмат билан қаршилади. Бу зот ҳукмдор жияли Амир Олимхондан мамнун эмас эди. Мулозимларидан Мустафо Мирохур қавчин уругидан эди. У шаҳарда ҳоким уруг хисобланган мангиларни эронийларга, тожикларга зиёда эрк бериб қуйганлиги учун ҳам ёқтирмас экан. Сайид Ақромхон тура менга уз саройида қолиб уғилларига муаллимлик қилмоғимни, рус тилини ургатмоғимни таклиф этди. Саройидан бир қанча ноёб кулэзма асарлар берди. Инглиз зобитлари Конолли ва Стоддартни катл қилдирган отаси амир Насруллохнинг (1828–1860) руслар тарафидан ишланган бир портрети борлигини эшитгач, шуни топиб унга юбормоғимни илтимос қилди. Мен шу расми ичида ақс эттирилган Хаников асарини юбордим. Бу зот русларни севмасди.

Бу ердан Сарюсиёега кетаётганимизда бизнинг дostonларимизда «Жийдали Бойсу» деб аталган ва дoston қахрамони Алп Бомзи Буйрак (Алпомиш)нинг бурак ва кунгирот уругларининг асл ватани саналган Бойсуннинг кунгиротларга мансуб беги билан танишдим. У бир кунда олти хил палов билан меҳмон қилди. Дахшатли иссиқда бу таомларни ҳазм қилолмай қийналардим. Туполондарёни кечиб утган жойимизда урмондан чиқиб, менга ташланган отимни хуркитган катта бир ёввойи тунғиз (қобон)ни туплонча билан отиб улдирдим. Тунғиз этигимга ташланди, яхшиям узанги саклаб қолди.

Бу ерларда тунғиз куплигини китобларда ҳам уқиган эдим. Ҳамроҳим Бойсун меҳмондори буни гуё мен бир арслон улдиргандай муболага билан дуч келгани тухтатиб, гапириб берарди. Зиёли йигит Сарюсиёе беги Исҳоқбек менга суфийларнинг ва Аҳмад Яссавийнинг у кунга қадар мен курмаган эски ва жуда мукамал бир куллийтини берди. Бу асарларни шахсан менга совға қилганлиги учун Фанлар академиясига топширмадим. Бунга ҳозир жуда ачинаман, чунки бу китоблар йуқ булиб кетди. Толширганимда йуқолмаган булармиди.

Бугун Тожикистон Республикаси пойтахти булган Душанбеда Бухоро амирининг аввалги кушбегиси Авлиёкул беги эди. Ҳусайний таҳаллуси билан шеърлар ёзган ва чоп эттирган экан. Булардан ҳеч хабарим йуқ эди. Бу девоннинг аксар форсча шеърларини менга шахсан узи ўқиб берди. Баъзи яқинларига мени курсатиб: “Мана русча таҳсил олган буса-да, мусулмон булиб қолган зиёли”, дерди. Душанбе яқинидаги «Ҳазрати Мавлоно» деган кишлокқа бордим. Бу кишлокда Туркистоннинг буюк суфийларидан Яқуб Чархий мазори бўлгани учун шундай ном олган. Темур давридан эътиборан кишлок аҳолиси муғуллардан иборат булган. Ҳозир ҳам шундай. Маълумки 1555 йилда бу ерни Туркия денгизчиси Саид Али Раис зиёрат этган.

Душанбе (эски номи Шумон, Шамон дегувчилар ҳам бор, бу ҳам ҳақиқатга яқиндир, чунки буддачи аҳоли яшаган – тарж.) VII–VIII асрда буддавийлик марказларидан бири бўлган эди. Лекин уша даврга оид ҳеч бир асар топмадим. Бу ерларда яшаган лақай ва қорлук уруғлари этнографиясини ҳеч ким ҳеч қачон тадқиқ этмаган. Шу туфайли кўп жойларга бориб, уларнинг тили ва халқ оғзаки ижоди (фолклор) намуналарини тупладим. Қадимий эфталитларга бориб тақалувчи бу уруғларнинг халқ адабиёти, урф-одатлари мени чин дилдан қизиқтирар эди.

§ 63. *Лақайларда нулимнинг уғирланиши.* Авлиёкул кушбегига вазиятни тушунтирдим. Ишим осон кучди. Уларнинг идораси билан амлоқдор хузурига бордим. Лақай беклари яшайдиган Куктош деган жойга бормоқчи эдим. Ҳоким турадиган баланд девор билан уралган ҳовлига мен учун чодир қурилди. Мен чодирга лақай ва қорлуқларни чақириб, қадимги ривоятларни биладиганларидан эски дostonларни ёзиб ола бошладим. Ҳокимнинг хонасидаги деворга осиб қуйган костюмимнинг чўнтагидан нимадир олиш мақсадида борганимда, кармонимда пул йуклигини қуриб, ҳокимга хабар қилдим. Беш юз эллик рус пули ва бир неча юз Бухоро тангаси, жами 800 рубл пулим уғирланган эди. Ҳоким бир неча гектарлик ҳовлининг эшиклари ёпилишини ва ҳовли девори ичида жойлашган бутун қишлоқ аҳолиси назорат остига олинишини буюрди. Уғирланган пул Бухоро ҳисобида тўрт минг танга булиб, бутун Куктош ҳокимлигининг бир йиллик солиғига тенг келарди. Ҳоким вазиятни билдириб, кушбегига мактуб йуллади. Кушбеги эса пул топилмаган тақдирда Куктош ҳокимлигига солинадиган солиққа қушиб, ундириб олинишини билдирди. Ҳукумат қуноғи ҳовлисида жойлашган аҳоли ҳамда қорлук ва лақайларнинг таниқли кишилари тутиб турилиши катта ҳодиса бўлди. Бир қанча киши пулни уғирламаганларини билдириб, Қуръонга қўлларини қуйиб, қасам ичишга мажбур булишди. Бу катта ҳаяжонга сабаб бўлди. Қабила оқсоқоллари ҳокимнинг хузурига келиб: “Балки бу одамнинг пули уғирланмаган, фақатгина уғирланди, деб алдаётгандир. Чунки пули уғирланса, мутаассир бўлган буларди, балки, биздан пул ундириб олиш мақсадида шундай деяётгандир”. дейишди. Ҳожи Али исмли имом халқ тилидан ҳокимга қарата айтдики: “Модомики, меҳмонимиз узини мусулмон деб билар экан, биз пулни олмаганимиз учун Қуръонни қуйиб қасам ичганимиз сингари у ҳам пули уғирлангани хусусида Қуръон билан онт ичсин”. Мен саккиз юз рубл учун қасам ичмаслигимни, пул топилмаса уни солиқ сифатида ундиришларига ҳам рози бўлмаслигимни билдирдим. Бу сўзим тупланганларнинг шубҳасини ортирди. Бироқ ҳоким пулни топиш учун бошқа усулларга ҳам мурожаат қилиб, кўпроқ шубҳаланган кишиларини қийноққа солибди. Натижада пул узининг одамларидан бири томонидан олингани маълум булибди. У айбини буйнига олган,

барчанинг юзига табассум югурди. У ердаги узбеклар: “Биз булсак бир Бухоро пули учун неча марта қасам ичамиз, бу киши турт минг тангаси йўқолганига қарамай қасам ичмади. ҳатто бундан хафа булгани ҳам сезилмади. Аксинча, ундан воз кечишини билдирди”, деб мена нисбатан ҳурматлари анча ошди.

Улар мени Куктош яйловига зиёфатга чақиришди. Отимга миниб кетаётганимда қабила оқсоқоллари мена: “Эй меҳмон, сен бизнинг зиёфатга келясан, бироқ бизда ўғри куп. Сен аввал угирлатиб, сунг топилган пулингни ҳамманинг олдида ҳокимга омонат қолдир”, дейишди. Мен рози булиб, ҳамманинг кузи унгида пулларимни ҳокимга топширдим. Сунг тоққа жунадик. Улар биз ҳокимнинг хузурида эканлигимизда қуй суйиб, турли таомлар тайёрлашибди. Қимизлари ҳам жуда мул экан. Ажойиб суҳбат қурдик. Мен яна икки-уч кун шу ерда қолиб, дoston ва ривоятлар тупладим. Улар менадунё сиёсатига доир куп нарсаларни сурадилар. Яқинда руслар ва олмонлар уртасида уруш чиқиши мумкинлигини эшитишибди. Ким томонда буларкин, деб қизиқишди. Сиёсатга шу қадар қизиқишлари, тўғриси, мени хайратга солди. Уларга билганларимни гапириб бердим. У ердан кетар эканман, улар отликлар ҳамроҳлигида мени ҳокимнинг хузуригача кузатиб қуйишди.

Ҳаётимда бир қанча ғалати тасодифлар булган. Бу ҳам ана шундай тасодифлардан бири эди. Куктошдаги угирлик воқеаси саккиз йилдан сунг миллий озодлик ҳаракати пайтида қул келди. Шу ролаарга қарши исён кутарилганда мена шу қорлук ва лақайлар Анвар пошони (балки у эмас, бошқа одамдир) деб худди шу Куктошда мена ҳам булган Иброҳимбекнинг уйида назорат остида ушлаб туришди. Мена пошо назорат остида булган пайтда (1922 йил январ) Бухоронинг Ғузор худудидаги Толди деган жойида Жаббор қурбошининг ёнида эдим. Шу пайт Жаббор қурбоши олдига лақайлардан чопар келди. Қарши ва Ғузор томонидаги босмачилар билан алоқа урнатишмоқчи эдилар. Чопарлардан бири мена таниди. Пул угирланиши воқеасини айтиб берди. Жаббор қурбошига “бу киши Чор ҳукуматининг буюк нозири марҳум Авлиёкул кушбегининг дусту эди. Турт минг танга пули угирланди. миқ этмади. Бизларга меҳмон булди. Уруш чиқади, турклар немислар томонда булади, Чор ҳукумати мағлуб булади, деган эди, сузлари тўғри чиқди”, дейишди. Мена улар билан куп суҳбат қурдим. Анвар пошо ҳақидаги сузларини ҳам тингладим. Шу пайт мена: “У ҳолда Куктошга келган пошонинг Анвар пошо эканини тасдиқлайман. Бориб унга ишончингизни билдириб, ҳурматини жойига қуйинг”, дедим. Улар кетишди. Бир неча кундан сунг пошонинг вакили Халил Бей исми ҳарбий келди. Пошо назоратдан озод қилинганини билдирди. Табиийки, пошо Жабборбекнинг олдига келган лақайларнинг сузи билангина озод қилинмаган. Аммо сузларим уша қабилаининг Анвар пошога хизмат қилишларига сабаб булгани аниқ эди. Буни уларнинг

1923 йил августида қабулга келган чопарларни очиқчасига эътироф этди. Лақайлар мен айтган гаплардан сунг Жаббор кўрбоши мени янада кўпроқ эътибор билан ҳурмат қила бошлади.

§ 64. *Сайёҳатларимнинг натижалари.* Мен Куктошдан 1914 йил июн ойининг охирларида қайтиб келганимда Авлиёкул қушбеги ҳам бу ҳодиса туфайли менга меҳр-муҳаббатини билдириб: “Яхшиям пул топилди, йўқса Бухоро билан Петербург орасида бир муаммо чиқарди”, деди.

Ушанда Шаркий Бухоро дейилган бу ўлка тарихидан манба була оладиган муҳим, қимматли асарлар топа олмадим. Бир неча адабий ва диний асар, вақф васикалари топилди. Бундан ташқари жуда кўп тарихий китоблар ва кўп қимматли этнографик маълумотлар тупладим. Шу жумладан, Хитойнинг милоддан аввалги “Хан сулоласи тарихи”да, милодий VII–VIII аср араб манбаларида ва замонавий Эрон адабиётида мадх этилган “Хуттолбек отлари” ҳақида маълумот тупладим. Булар кулдан чиққан ва горларда яширинган айғирлар наслидан таркаган афсонавий отлар ҳақидаги ривоятлардир. Бу ривоятлар ҳали-ҳануз «Жиликул» атрофида ва Қоратегин худудида яшаётган туркман ва қорлуқлар орасида кенг ёйилган. Буларни тула ҳолда аниқлаб тиклай олдим. Бу отлар ҳақида ҳатто Марко Поло ҳам ёзган эди.

14 июлда Қаршига келиб, Герман-Россия уруши бошланиб кетганини эшитдим. Мен сафарбар этилувчи ёшлардан булсам-да, Петербургдан маъмурий жунатилганим учун шошилмадим. Бухорода фаолиятимни давом эттирдим. Бухородаги рус консулигидан буни тасдиқловчи гувоҳнома ҳам олдим. Бошқалар каби мен ҳам бу урушда Туркия Германияни қўллаб-қувватлашини истардим. Бу хусусида Ёш бухороликлар билан кўп суҳбатлашар эдик. Насруллоҳ қушбеги мени амир саройига бошлаб бориб, баъзи китобларни кўрсатди. Фақат бу хусусида ҳеч қаерда ёзмаслигимни, ҳеч қимга айтмаслигимни сураб огоҳлангирди. Менга ҳукумат девонхонасининг бир хонасида ўз қули билан палов пишириб берди ва тун кийдирдиб бир оз пул ҳам берди. Саройда борлигини билганим уйғурча «Тарихи Ясо» китоби Карманда, яъни шахсан амирнинг қулида булишини, бунинг учун бошқа бир келишим керак эди. Бухорода мен топган муҳим асарлардан бири XVII асрга оид қосонлик Маҳмуд ибн Вали томонидан битилган муфассал бир жуғрофия китоби эди. Афсуски, 1920 йилда шурулар Бухорони бомбардимон қилганда йўқолган. Зарафшон ва Қашқадарё хавзаларидаги суғориш тизимларига оид муфассал маълумотни қамраган бу асардан чиқарган қисқа хулосаларимни Рус археология жамияти шарқ булими «Записки»си (XXIII жилд)да нашр этдим. У ерда бир неча кун қолиб, асарни яна бир тадқиқ қилдим. Бундан ташқари Бухоро ва Хуросоннинг XVII асрдан кейинги тарихига доир бир неча номаълум асарлар топдим. Булардан бири XVII асрда Бухорода Имомий

деган бир ўзбек шоири тарафидан тасниф этилган «Хонлар тарихи» ёхуд «Хоннома» деб аталган қадимий турк дostonлар мажмуаси эдики, бунинг 1948 йилда Истанбулда топилган форсчаси ҳақида немиш тилида бир ахборот ёзиб. 1954 йилда Кембридждаги Шарқшунослар конгрессида маъруза қилдим ва Ҳолландияда нашр этган эдим. Бу сафарим ҳам аввалги Фарғона сафари каби жуда самарали бўлди. Лекин уруш бошланиб қолганлиги сабабли қисқа давом этди. Мен 1912 йилда Уфада “Усмония” мадрасасига тарих муаллими сифатида тақлиф этилган эдим. Ҳар йил бу ишни кечиктирдим. Бу сафар у ерга бориб, тайинланганимни тасдиқ эттирдим. Бир оз дам олиш учун қишлоққа келган эдим. Аскарга чақирилмоғим андишаси булганидан бир неча кун қимиз ичиш мақсадида яйловда булдим, сунг қишлоққа келдим. Ва бу ерда қолмасдан бир неча кундан кейин Петербургга йул олдим. Бу шаҳарга боришим биланок Фанлар академиясига ва Ҳалқаро Ўрта Осиёни урганиш жамиятига ҳисобот топширдим.

§ 65. *Петербургда шарқшунослар орасидаги фаолиятим.* Бу ҳисобот ҳам аввалгисидек, Россия Археология жамияти Шарқ шуъбаси «Записки»сида нашр этилди. В. Бартолд ва В. Радлов бу саёҳатимдан беҳад мамнун булдилар. В. Бартолд Фанлар академиясида сузга чикиб «Ерли халқ ишончига сазовор булган, ерли олимларнинг йуқолаёзган ёзма асарларини, археологик ва этнографик маълумотларини, матн ва ҳужжатларни сақлаб қолишда нақадар фойдали экани Заки Валидов саёҳатлари билан исбот булди» маъносига маълумот берибди.

В. Бартолд мени Петербургда шарқшунослар анжуманларига тақлиф этарди. Шу тарика Рус императорлиги Археолог ва Жуғрофия жамиятларининг ва шарқшунос В. Радловнинг уйда ҳар ҳафта утказиладиган «Радлов тугараги» («Радловский кружок») йигинларида иштирок этиб турдим. В. Бартолднинг «Темурнинг Ҳиндистон сафари»га оид матнлари босиларди, уларнинг тузатишларига қарашардим. Мирзо Улугбек ҳаётига оид асарининг ёзилиши ва айрим манбалар уқилишида унга ёрдам бердим. Темурнинг Сурия, Шом ва Онадули (Рум) сафари ҳақида Шаҳобиддин Мунший деган зот асарини шу йил Фарғонада бир одамнинг хусусий кутубхонасида бир неча соат мобайнида қурган эдим. Соҳибни бу асарни русларга курсатмоқни истамади. Қуп ҳаракат этсам-да, қулга киритолмадим. Бу йил В. Бартолд билан булган иш фаолиятим, мен учун гоъят фойдали бўлди.

Бу орада «Туркийлар тарихи» китобимнинг иккинчи жилди устида ишлай бошладим. Туркий халқларнинг Россияга қарши асосан, нуғой ва бошқирд исёнлари ҳаракатларининг, русларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий тазйиқ тадбирларининг тарихи билан машғул эдим. В. Бартолд мендан уз ишларим, иш режаларим ҳақида “Радлов тугараги”да маълумот бермоғимни истади. Мен мамнуният билан рози булдим. 1914 йилнинг 12 декабридаги мажлисида тупланган

шарқшунослар олдиди қилган маърузамда «Бугун Россия маҳкуми бўлган Ҳазор денгизи нарисиди ва шимолида яшаётган туркий қавмларининг XVI асрдан кейинги тарихини, бугунги ҳаётимни асос этароқ ўрганаётганимни, бунинг учун дашт қавмларига ва бошқирдларга оид қонунларни ва ундаги узғаришларини, худудий муаммоларни, айниқса, қозоқ, қирғиз, торончи масалаларига доир Щербина, Кузнецов, Румянцев, Скрыплев, Переллетчиков каби муаллифларни 40 жилдли чоғ этилган асарларининг муҳим жойларини, «Кучириш идораси» архивларида қулёзма ҳолида сақланаётган маълумотларни йиғаётганимни батафсил гапирдим. Хулоса сифатида эса тарихни бугунги ҳаётдан қадимий даврларга – утмишга қараб урганиб бориш усулини қўлаганимни, дашт халқларининг ижтимоий ҳаёти ва этнографияси ҳақида узларидан фойдаланмоқчи бўлаётганимни сузладим. Бу масалада атрофлича фикрлашиб олинди. Устозларни менга ёрдам беришларини, Жуғрофия жамиятининг этнография бўлимида Россия ҳукмдорлигидаги халқларнинг этнографик харитасини тузган кумитада ишлашимни тавсия этдилар. Ваҳоланки, бошқирдлар яшаётган барча вилоятларнинг статистик ва этнографиясига оид маълумотлар менда тупланган эди. Бундан сунг мен, айниқса, профессор Самойлович билан бирга Жуғрофия жамиятининг этнография шўбасида мустақил, лекин уларнинг тўла ёрдами билан ишладим. Бу дафъа тўрт-беш ой давом этган бу меҳнат мен учун беҳад фойдали бўлди. Мен бу ишни 1916 йилнинг баҳори сўнгиди Петербургда келгандан кейин ҳам давом эттирдим ва Фанлар академияси архивида бошқирд, қозоқ ва нуғойларга оид ҳужжатларни тадқиқ этдим. Китобимнинг иккинчи жилд режасидан бир нусха пайтларида доимий алоқада бўлган Ромстедтга юборган бўлиб унутган эканман, буни 1937 йилда Хельсинкида унинг уйида меҳмон бўлганимда уша режани берди, мен бундан ғоят хурсанд бўлдим. Лекин, «Умумий турк тарихига кириш» номи билан тайёрланган бу асар иккинчи жилди ва туркийлар этнографиясига доир тадқиқотларим хануз нашр этилмади.

В. Бартолд мени ҳарбий хизматдан қутқармоқ учун қуп ғайрат қурсатди, императрица раҳнамоси остида бўлган. Амалдаги Шарқ академшунос муаллимлик ишига лектор жойлаш мақсадида мактаб директори генерал Писарев билан таништирди. Бу зот мен билан қандайдир қизиқиб қолди, бир неча марта уйларига таклиф этди. Шу сабабли мен Петербургнинг шарқ билан қизиқувчи, шарқ билан алоқадор баъзи таникли рус оилалари билан танишдим. Баъзи тантаналарга ҳам таклиф қилиндим. Машҳур Чукон Султон Валихонов Петербургдаги эътиборли кишилар муҳитига Достоевский ва дуствлари орқали тез кириб олган эди. Мен ҳам Амалдаги академияга Шарқ тиллари маърузачиси бўлсам, бу муҳитга қира олишимни фаҳм этдим. Чунки ораларида шарққа меҳр-муҳаббат билан б...

бор эди. Лекин бу академияга ишга қабул қилишни тайинлаштирилари Императрица тасдиқламагани учун ҳукмий қувватга эга булолмаётган эди.

Яна В. Бартолдташвики билан Қозонга бориб гайрирус уқитувчилар семинариясига рус тили бўйича муаллимлик унвони учун эски дустим Ашмарин ёрдами билан имтиҳон топширдим. Купдан тайёрларлигим яхши булганлиги учун ҳам бу иш мен учун осон кечди. Лекин бир жойга муаллим булмаганим учун фақат шаходатноманинг узи ҳеч нарсани ифода этмасди. В. Бартолдга Чор ҳукумати бу урушдаги иштироки мақул булмаганлиги учун, менга: "Маъносиз урушда тулга лўқма бўлиш сенга ярашмайди", дерди.

Лекин ўша ойларда бир қанча талабасини бу жабҳада йўқотган В. Бартолд ва профессор Самойловичнинг уринишларидан бирор натижа чиқмади. Мени аскарликка олдилар. Фақат аскар сифатида қазармада ун беш кун ўтгач, гайри рус мактабларидаги рус тили муаллимлари ҳарбий хизматдан озод бўлиши ҳақидаги қонун чиқди. Менинг кўганим ҳам шу фармон эди. Уфага қайтиб, муаллимлик қила бошладим. Ҳарбий хизматдан озод этилганимни тасдиқловчи ҳужжат олдим. Мен бу мактабда таълим мавзулари булган туркий тарихи ва туркий қавмларининг адабиётидан дарс олдим. Жуда қобилиятли ўқувчиларим бор эдики, кейинги сиёсий ҳаракатларимда кўп фойдалари тегди. Мен ҳамон лицей имтиҳонларига тайёргарликни давом эттирдим. Фақат бу ишда муваффақиятга эришаманми-йўқми, буни биллолмаганим учун ҳеч кимга билдирмасдим. Чунки ҳамшаҳрим Абдуллоҳ Исматийнинг бу борадаги омадсизлиги мишмишларга сабабчи бўлаётган эди. Ҳолбуки, бир ишга жазм этган инсон биринчи бор муваффақ булолмаса, балки, бешинчи мартасида омад унга ёр булур. Лавров деган бир лицей муаллими билан хотинидан дарс олдим. Бунинг устига Қозонда бошлаб қуйган лотинча дарсларим менга зўр келмоқда, қийинчилик тугдирмоқда эди. Бу билан бирга шарқшунос Ж. Френнинг бошқирдлар ва ҳазарлар тарихига оид Ибн Фазлондан олиб нашр этган лотинча мақолаларини рус тилига уғирган эдим ва буларни Лавров назорат этганди.

III  
1916 – 1918 йиллар  
СИЁСИЙ ҲАЁТ

§ 66. 1913 – 1916 йиллардаги сиёсий алоқалар. 1915 йил Уфада муаллимлик қилаётганимда, тарих китобимни аввалги чоп этилишида ношир Идрисов тарафидан «Биз татарларга буни алоқаси йук» дея чиқарган Шарк турклари тарихини ҳам кушиб, бу асарнинг расми мухтасар шаклини ва Фаргона хонларининг XVIII аср тарихига доир қулимга қирган янги хужжатларни ҳам киритиб, рус тилида «Туркистон Археология ҳаваскорли тўғараги қайдлари»да нашр этдим. Уфада эканимда элчиктамир уруги билан Кузан утиллариининг даъволарига оид хужжатларни зироат идоралари архивида ургандим. Балки бу бир асрлик даъволари эди. Бу мураккаб иш тадқиқи билан мени шуғулланишимни уз қариндошим сўраган эди. Уруш асносида сиёсий масалалар билан кўпроқ машғул бўлишимга тўғри келди. Аввало, бу ерда баъзи социал-демократ ва социал-революционер фирқалари бор эди. Менинг дўстим Умар Терегулов буларнинг биринчисига ва бошқа баъзилари эса иккинчисига дохил эдилар. Булар орқали Чор ҳукуматига қарши бир талай нашрлар қулимга тушарди. Бу нашрлар воситасида Россия хориждаги рус инкилобчилари орасида етилиб келаётган жараёнларни ҳам урганмоқда эдим. Инкилобчи фирқаларга кириш йулида таклифлар бўлаётган эса-да, бу иш менсиз ҳам қилинар, бу ишга аралашиб, камалиб қолгудай бўлсам, илмий ишларим орқага сурилиб кетади, деган уй билан бу партияларга аъзо бўлмадим ва ҳар қанақанги фаол сиёсий ҳаракатдан чекиндим. Зотан, мен бу даврда социализмга факат назарий жиҳатдан қизиқардим.

Қозоқ султонлари авлодидан булган Салимгарай Жонтуринининг Уфада уйи бор эди. Узи кишда Петербургда турарди. Қиш ойларида Уфадаги уйида баъзан сиёсий суҳбатлар қилардик. Туркистондаги сиёсий ҳаракатлар билан озми-кўпми алоқам бор эди. Мени бунга даъват этганлардан бири – можар олими Вамберининг, иккинчиси Фаргона губернатори ёрдамчисининг асарлари эди. Можар олими Вамберининг Урта Осиё мамлакатларига доир нашр этганлари, билхосса, 1905 йил инкилобида Россия мусулмонларида кўтарилган сиёсий ҳаракатларга оид рисоласининг рус тилига таржималари менга таъсир этган эди. Вамбери 1913 йилда вафот этгач, ҳаёти ва асарлари ҳақида узун бир мақола ёздим. Қозонда «Мақтаб» ва Туркияда «Турк юрти» журналларида босилди. Фаргона губернатори ёрдамчиси Наливкин билан Самарада Алихон Букайхон орқали танишдим. Бу зот туркча ва форсчани жуда яхши биларди. Тарихимизни, асосан, асл манбалардан урганган бир тарихчи эди. Қўқон хонлиги тарихига



оид рус тилидаги нашр этган асари француз тилида ҳам нашр этилди. Шунингдек, у 1908 йилда «Қадимги ва ҳозирги ерликлар» номли жуда гўзал, туркистонликларга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳислари билан ёзган бир асари бор эди. Аёли ҳам «Ерли аёллар аҳволи» деган жуда муҳим бир рисола ёзган эди. Наливкин оддий аскардан губернатор ёрдамчиси лавозимигача кутарилган социал-демократлар партиясига дахлдор эди ва шу сабаб билан Давлат Думасига ҳам аъзо булди. 1913 йилдаги учрашув вақтида куришганимда, мусулмонлар ташкилотларини шакллантириш лозимлигини айтган эди. Уша йили Фарғонага қилган илмий сафарим вақтида у ердаги социал-революционерлардан Вадим Чайкин билан куп маротаба суҳбатлашдим, биз мусулмонларни ташкилотлаштирмоқ устида тўхталдик, ҳам рус тилида, ҳам ўзбек тилида «Туркистон овози» газетасини нашр этишга қарор қилдик. Ўзбекчаси ҳақида Тошкентда адвокат Убайдуллох Хужаев, муаллимлардан Мунаввар Қори, Қуконда муаллим Ашур Али Зохирий билан сузлашиб, уларни Вадим Чайкин билан яқиндан таништирдим. Газета чиқадиган булса, гоёвий жиҳатдан қуйидаги уч моддага асосланишини айтдим. Булардан ҳамкор дусларим ва Вадим ҳам рози булдилар:

1. Сибир темир йули теварагида ва Афғонистон, Эрон чегаралари орасида яшовчи барча рус ва ерли аҳолининг ҳуқуқ ва солиқларда тенг булиши;

2. Қучирилган мусулмонлар жойлаштирилмасдан, қишлоқ-шаҳарларда ер билан таъминламасдан аввал рус миграциясига йул қуймаслик;

3. Замонавий маърифат ва маорифни тарқатиш.

Бу дастурни қабул қилган социалист Чайкин Андижонда, Убайдуллох Хужаев эса Тошкентда газета чиқара бошладилар. Мен ҳар иккаласида ҳар хил таҳаллуслар билан, айниқса, Туркистонда уз-узини бошқариш тизими ҳокимлик ва губерния идоралари (бошқарувлари. «земство») тузилишига доир мақолалар эълон қилдим. Айни 1913 йил охирида Қуконда миллий ҳам сиёсий мақсадлар билан таъсис этилган «Ғайрат» кутубхонасини ташкил бўлишига ҳам ҳисса қўшдим. Купрок қишлоғида яшайдиган Ашурали Зохирийнинг мантихона дукони устидаги хонаси ҳам мен яшайдиган, ҳам сиёсий суҳбатлар бўладиган жой эди.

Фарғонада амалга оширилган илмий саёҳатим вақтида маҳаллий зиёлилар билан яқиндигим русларнинг диққат-эътиборини тортган булса керакки. Скобелев шаҳрида Фарғона губернатори, айни вақтда шаркшунос Гиппиуснинг ёнида булиб тарихга оид тупланган қулёзма асарларни тадқиқ этиб юрган вақтимда, мени текшириб куриб, саёҳатим давомида сиёсий суҳбатларда қатнашаётган-қатнашмаётганимни гоёт дустона бир тарзда суриштирди. Мен сиёсий ишлар билан машғул эмаслигимни, шунинг билан бирга юкорида зикр

этилган уч моддага ишонишимни, лекин булар махфий булмастан шу йил чиқадиган узбекча газеталар саҳифасида акс этилишини айтдим. Бу зот ҳам илмий ишларим жуда муҳим эканини, булар миллатимнинг тақдири жиҳатидан ҳам фойдали бўлашини сузлаб, махфий сиёсий ҳаракатлардан узоқроқ юришни маслаҳат берди. Бу гапларни у менга губернатор сифатида эмас, бир дўстдай айтди. Балким у ҳам калбан инкилобчидир, деб уйлардим. Зотан, Алихон Букайхон ва В. Бартолд ҳам шундай фикрда эди. Уфада муаллимлик пайтларимда буларни қатъиян хотиримдан чиқармадим. Мен ҳар қанақа сиёсий ҳаракатлар бўлишига қарамасдан, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, илм билан шуғулланишим зарурлиги ҳақидаги гапларини доим эслаб турардим.

Фикримча, бошқирдларнинг алоҳида бир сиёсати бўлиши мумкин эмас. Ҳудудий масалаларида русларни кучириш сиёсати туфайли юзага келган муаммолар ҳусусида қозоқ, қирғизларда ҳам бир хил булгани учун ҳам бутун Туркистон билан бир булишлари кераклигига амин бўлган эдим. Зотан, XVIII аср курашлари натижасида Амударё ҳавзасига бориб жойлашган қотой бошқирдлари билан Сирдарё ҳавзасидаги қотой – қипчоқ қавмлари ҳали-хануз жанговарлигини йўқотгани йўқ. Мен таникли Ҳайдар Мирзо Сиртлонов ва Қилим йўлидаги султонлари наслдан булган султон Салимгирей Жонтурин билан 1915 йилнинг кузида бир неча кун суҳбатлашдим. Султоновлардан Алиасқар Сиртлонов уз вақтида рус-япон уруши қаҳрамонларидан генерал Стесселни ҳимоя этган. Россия мижёсида адвокат – окловчи эди, асли дербенди бекларидан булган кайноғаси Довуд Шайхали тарафидан ўлдирилди. Бунда русларнинг қули борлиги ҳақида гаплар юрарди. Марҳум Алиасқар ҳам, Салимгирей Жонтурин ҳам 1905–1907 йиллар инкилобларида шарқий турк қавмлари (у пайтлар биз уларни «мусулмон» дердик) учун «Автономия» деган бир рисола нашр этганди. Мен бу фикрни жиддий ёқтирган булганимдан, яна Алихон Букайхоннинг тавсияси билан Сибир автономияси тарафдорларидан машҳур тадқиқотчи Григорий Потанин билан алоқада булдим. У саксон ёшларга бориб қолган Сибир рус казаклар офицери бўлиб, у ҳам можарлардан туронликлар тарихига доир 14 жилд асар ёзган Баратоший – Балог ва 12 жилдлик асар ёзган бизнинг Ризо Нур Бей олимлар қаби, Сибирия ва Урта Осиё қабилалари маданияти, тарихи, этнографияси ва дostonлари билан илмий мақсадларда қуп ижодий завқ билан, бу қабилаларга меҳр-муҳаббат шавқи билан ҳаракат қилганлар. Бир талай славян ва Оврупа дostonларининг, ҳатто насронийлардаги «Аллоҳ ўғли» гоёси туркларнинг «Эрка» қултидан олинганига доир асарлар нашр этилди. Мен бу асарларни профессор В. Бартолднинг қаттиқ танқидларига қарамасдан ўқир эдим. У менинг Сибир автономияси масаласидаги қизиқишимга хайрихоҳлик билдириб, менга қуплаб мактублар ёзди.

Титроқ кул билан ёзилган мактубларини укиш мушкул булса-да, бу кекса идеалист олимдан олган мактубларни такрор-такрор укирдим. Чунки унинг дусту Янрицевнинг асарларини илгарирок укиб чиккан эдим. Ботаник мактубларни Салимгирей Жонтуринга ҳам ўқиб берардим. Биз Салимгирейни XVIII асрда бошқирдларга таяниб Россия истилосига карши олиб борилган миллий курашларда раҳнома булган козоқ хонларидан булгани учун шахзода маъносида «султон» дер эдик.

1915 йилда Салимгирейнинг Килим аудидаги экинзор далаларида меҳмон булар эканман, Сибир автономияси амалга ошадиган булса, авваллари Сибир (Кучум) хонларига тобе булган шарқий Бошқирдистони ҳам шу Сибир автономиясига қушилиши мумкинлигига доир фикрлар айтганимда у: “Вақти билан бир фурсат келса, шундай ҳам булиши мумкин”, деган жавобини олган эдим.

Салимгирей Султон қиш ойларида Петербургга келишимни жуда хоҳлар эди ва Россияда етилиб келаётган инқилоб вазиятлар билан танишмоғимни жуда истарди. У ёлғиз қолиб суҳбатлашган пайтларимизда, мени сиёсатни теран ва чуқур тушунадиган истеъдодли бир йигит сифатида кураётганини ҳам айтиб утарди.

§ 67. *Уфадан Петербургга юборилиши, Давлат Думасининг мусулмонлар фракциясидаги фаолияти.* Менга сиёсат билан жиддий суратда шуғулланиш имконини берган бир иш чикди. Чор ҳукумати тасдиқлаган янги сайлов қонунига биноан қозонликлардан беш киши ҳамда озарбойжонликлардан бир кишининг Думага аъзо булиш имконини берарди. Бошқа туркийлар, туркистонликлар Думага вакил киритишдан маҳрум булишганди. Уфа губерниясидан депутат булган Кутлукай Тавқилов жуда ҳам туғри ва билимдон киши булсада, кексайиб қолган эди. Бундан ташқари, рус муҳитида тарбия топганлиги боис мусулмонларга оид масалаларни батафсил билмас эди. Уфа вилоятдан сайланган яна бир аъзо Ибнямин Ахтямов олий маълумотли ҳуқуқшунос булиш билан бирга майда ишларга аралашиб, уз номига доғ туширган, фаолиятида эса самара йук эди. Оренбург вилоятдан вакил булган Исо Еникеев чала савод муаллим булиб, маориф масалалари билан машғул булган булса-да, жуда ҳам жоҳил, қатъиятсиз ва қурқок киши булгани учун Думада маорифдан бошқа масалаларга аралашолмасди. Думадаги мусулмон аъзоларидан ташқил топган фракцияда ишлаб, расмий депутатларга кумаклашиш учун Уфа губерниясидан бир вакил юборилиш зарурияти кундаланг булди. Кутлукай Тавқилов бундан кўпроқ манфаатдор эди, чунки улар ўзининг камчиликларини билар, буни очиқчасига эътироф этарди. Бир нечта номзодлар таклиф қилинган булса-да, Тавқилов билан Салимгирей Жонтурин марҳум Алиаскар Султоновнинг Уфа ва Петербург зиёлилари орасида таъсири кучли булган турмуш уртоғи Амина Султонова ҳамда Уфа земайвасига аъзо Умар Турагуловлар мени

тавсия этишибди. Шу тариха 1915 йил охирларида Уфа мусулмонлари мажлисида менга бу вазифани расман юклаб Петербургга юборишди.

§ 68. *Илмда мартаба.* 1909 йилдан эътиборан бошланган экстрен тарикаси (тезлаштирилган)да имтихонларга тайёргарлик ва университет масаласи шу билан четга сурилдими? Асло. Мен бу сиёсий фаолият ўткинчи эканига ишонган эдим. Мени университетга тайёрлаётган устозларим профессор Катанов, профессор Бартолд ва профессор Богородицкий ҳамда немис ва лотин тилларини ургатган устозим Риклитскийларга дархол куйидаги мазмунда мактуб йулладим: “Уфа губернияси мусулмонлари менга сиёсий вазифа юклашди. Бирок университетга кириш ва илмий ижодни давом эттириш масаласига бир кунни қайтаман. Яъни, ҳозирги вазифам вақтинчалик. Сизнинг хайрихоҳлигингиз мени қўллаб-қувватлаб туради. Бутунга қадар менга курсатган эътибор ва кумагингиз эришган илмий мартабамга содиқ қолишим учун гаров ҳисобланади”. Ун бир йил давом этган сиёсий фаолиятимдан сунг мен 1925 йилда Истанбулга келиб, илм соҳасига қайтдим. 1930 йилда Вена университетида иш бошладим. Айни пайтда гимназияга кириб, имтихонлар топширдим. 1935 йили фан доктори илмий даражасини олдим. Бонн университетининг Йслом илмлари бўйича фахрий профессори булдим. 1935 йил 9 июнда профессор П. Кале ҳамда О. Шпис иштироки “Orientalisches Seminar” иштирокчилари билан бирга тушган расмни Қозонга профессор Катанов ва профессор Богородицкийга “Мана, сузимнинг устидан чиқдим, сизга нисбатан ҳурматим боқий ва чексиз”, деган маънода русча мактуб билан юбордим. Бу пайтда профессор Бартолд вафот этган эди. Кейинчалик билишимча, профессор Катанов ҳам вафот этган экан. Профессор Богородицкийдан эса бир суздан иборат булган “Молодец!” (яъни, баркалла) деган кутлов олдим.

§ 69. *Петербургда сиёсий ишлар.* 1915 йил охирларида Петербургга келгач, мусулмон фракциясининг Думага яқин жойлашган, Таврическая кучасида бир социал-демократ грузин оиласи уйида ижарада турдим. Қиш ойларини ҳар йил Петербургда ўтказадиган Салимгирей Жонтуриннинг Шпалер кучасидаги уйи ҳам бу ерга яқин эди. Қутлукай ҳам тез-тез бу ерга келиб тургани учун масалаларнинг купи шу ерда муҳокама қилинарди. Қутлукай Думада музокара этилажак ва мусулмонларга тааллуқли булган масалаларни доим фракцияга айтиб турарди. Бошқа татар аъзоларидан жуда нодон булган Бойтереков ва Минлиалиев умуман келишмас эдилар. Кейинчалик фракцияга сайланиб юборилганлар Шимолий Кавказиядан Аҳмад Цаликов, Туркистондан Мустафо Чуқаев, Қримдан Исмоил Леманов эдилар. Ахтямов расман фракция котиби эса-да, ишларни ҳақиқатда бюро раиси булиб сайланган Аҳмад Цаликов бажарар эди. Леманов бюро котиби эди. Озарбайжондан доимий вакил булмаганлиги туфайли Алимардон Тупчибоши ва Халил Хосмамедов қабиларни тез-

тез Петербургда юборар, улар эса фракция мажлисида иштирок этиб туришарди. Мен ҳуқуқшунос булмаганим ҳолда Думага мусулмон фракцияси томонидан қилинадиган бир қанча баёнотномалар ишланишида қатнашдим ва Мустафо Чуқаев билан бирга ушанда туркистонликлар муаммолари билан машғул бўлиб, фронтга мардикор сифатида олинганлар ҳусусида депутат Керенский билан кулрок ишладик. Керенскийнинг отаси Тошкентда маориф назоратчиси эди. У Тошкентда улгайган булгани ва социал-революционер, ажойиб нотик сифатида ҳукуматни тез-тез танқид қилиб турганлиги сабабли туркистонликлар уни яхши кўришарди. Ҳусусан, Мустафо Чуқай угли унга боғланиб қолган эди. Мустафо Чуқай иккимиз Керенскийнинг ёрдами билан бир-икки марта уша мардикорликка олинганларнинг аҳволини тафтиш этиш учун фронтга бориб келдик.

Ҳали ҳаёт булган ўз хотиралари устида ишлаётган А.Ф. Керенский билан 1958 йил февралда АКШнинг Станфорд шаҳрида Гувер институти кутубхонасида мен бир неча бор учрашдим, утган кунлар ҳақида эслашдик. «Туркистанские ведомости» газетаси сонларининг микрофилми Берли университети профессори Ричард Пиреда бор экан, бу филми Керенский билан бирга экранда бажонидил ўқидик. Керенский мени кургач, Туркистон хотиралари кунгида янгиланди ва кутубхона ошхонасига тушлик қилгани кирганимизда Тошкентда булган ёшлик хотирасида сакланиб қолган азонни бир ўзбек муаззинидек овоз чиқариб ўқиди. Биз у билан 1916 йилда туркистонлик “фронт мадикорлари”ни аянчли аҳволда юрган кунларимизни хотирладик. У кексалик чоғида ашаддий рус ватанпарварига айланган ва бизнинг истиқлол ҳақидаги сузларимизни эшитишни ҳам истамасди. Майли, биз ҳам ҳеч нарса демайлик, лекин 1916 йил Дума мухитида ва 1917 йилда у ҳукумат бошлиғи булган лйтларда кечирганимиз демократик Россия ҳақидаги хотиротлар бизни яна бирлаштирган эди.

§ 70. *Рус зодагонлари.* 1915–1916 йилнинг киш фаслида Дума ҳаётини, турли партия ва гуруҳлар фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда уларнинг музокараларини тинглаш учун борардим. Қутлуқай мени баъзи дустлари томонидан уюштирилган зиёфатларга олиб борарди. Бир сафару мени Дума аъзоларидан брита шкил қилган, катта-катта кишилар, жумладан, Дума раиси ва баъзи партия бошлиқлари, вазирлар қатнашган зиёфатга олиб борди. Худди Лондондаги Туркия элчиси Ҳусайн Рагип узи билан киролича Елизаветнинг 1954 йили Букингем саройида берган зиёфатида булганидек, бу зиёфатга ҳам бошимга цилиндр шапка, эгнимга фрак кийиб боришга тугри келди. Уша ерда тушган суратимизни отамга йуладим. Отамнинг дустри ва собиқ II Дума аъзоси Шоҳшариф Охун Матинов бу суратда рус пешволаридан узи танийдиган княз Кочубей билан ёнма-ён ҳолатда ҳамда устимда унга ёқмайдиган кийимда турганимдан норозилигини

мактубида билдирган эди. Мен жавоб хатимда бу ҳолатларга жиддий эътибор бермасликларини тайинлаб, иккимизга ҳам яхши маълум булган форсча рубойни ёзиб юбордим. Унинг мазмуни куйидагича эди: “Кулингдан келса мард одамлар ёнидан жой ол, ишрат мажлисида султонлар ёнида бул, мусулмон кийимини кийиб, кофир булганингдан не фойда, кофирлар кийимида булсанг ҳам ичингда мусулмон бул”

Петербургда генерал Писарев ва Кутлукай туфайли танишишган зодагонлар мен учун кизиқарли эди. Бирок улар фойдасиз одамлар булиб, мен ёқтирмаган кимор уйинидан бошқасини билишмас, ҳалокатга маҳкум этилган синф эканликларини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

§ 71. *Максим Горький.* Менга купрок ёкадиган инсонлар шу кишининг атрофида бириккан ва купчилиги социалист, хур фикрли зиёлилар, янаям тугрироғи, социал-революционерлар эди. Максим Горький нашр қиладиган “Летопись” журналида ишловчи баъзи ёзувчилар ва файласуфлар билан танишдим. Горький Россияга тобе миллатларнинг маданиятини курсатиш учун уларнинг адабиётлари антологиясини нашр этишга қарор қилибди. Украина, Финландия, Арманистон ва Грузия адабиёти ва тарихи ёзилмоқда эди. “Россия мусулмонлари” тупламини тайёрлашни Горький менга топширди. 1916 йил кишида мана шу иш билан жуда куп шугулландим. Бунинг учун Петербург оммавий кутубхонасида мавжуд булган Россияда чоп этиладиган мусулмонлар матбуотларини, масалан, (Бугчасаройда) Исмоил Гаспиринский ва Озарбайжонда Ҳасанбек Маликов, Фатали Охундов ва бошқалар чиқараётган барча нашрларни ҳамда русларнинг Туркистондаги нашрларини куздан кечирдим. Бу борада менга кутубхонанинг Шарқ булими мудири кекса профессор Василий Дмитриевич Смирнов куп ёрдам қилди. Чунки унинг узи ҳам айнан мана шу масалалар билан шугулланар экан. Мен Россия мусулмонлари томонидан ёзилган, бирок нашр қилинмаган асарларни ҳам Смирнов ёрдамида куриб чикдим. Мен уларни жуда калин китоб холига келтирдим. 1916 йил кузида асарнинг русча ёзилган нусхасини Горькийга тақдим этдим. У эса услубий жихатдан текшириш учун украиналик Гуревичга берган эди. Сунг инқилоб булиб қолди. Инқилобдан кейин Украинада маориф вазири булган Гуревичнинг қулида қолди, кейинроқ улдирилган эди.

Ушбу асар устида ишлашим менга Горький билан танишиш ва унинг асарларини уқиш имконини берди. Бир сафар Горький мени Петербург Финляндия йулидаги Мустамякида жойлашган чорбоғига

\* Ta betuvani dar saff-i merdan bas  
dar bezm-i tarab-i harif-i sultan bas  
dar perde-i islam ce basi kafir  
dar perde-i kafiran musluman bas.

таклиф қилди. Ғайрирус миллатларининг ҳуқуқлари ҳақида куп либерал бефарқ фикрларни билдирди.

Руслар орасида биз ҳақимизда туғри фикрли буюк киши сифатида профессор Максим Ковалевскийни танир эдим. Чунки у 1905 йил инкилобни пайтида “Миллий масала ва асоратдаги фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги” номли асар ёзган. Бу асарни менга бир неча йил аввал Дума аъзоси Шохшариф Матинов берган эди. Максим Горький менга асаримни тайёрлашда М. Ковалевскийнинг мана шу асаридан фойдаланишни тавсия этди. Профессор Ковалевский Россияда яшовчи барча миллатлар истаганларидек яшашга ҳақли эканликларини, миллий маданиятларини узлари хоҳлаганидек ривожлантиришлари лозимлигини қайд этган. арманларга Бағратлар давридаги буюк Арманистонни тиклаш йулида озарбайжонликлар билан омонсиз курашга киришиш ва маданий дунёда шовкин-сурон кутариш урнига ўз тил ва динлари асосида миллий маданиятларини ривожлантиришни таклиф этган ва шу йул орқали Кавказ мусулмонларининг муҳаббатига сазовор булган эди. Профессор Максим Ковалевский ўз китобини Балтика денгизидан Тинч океанига қадар чўзилган Буюк Россия давлатининг золим Иван Грозний замонидаги тамойиллар билан бошқариб булмаслигини, Кавказ, Туркистон, Урал ва Олтойликларни узига эргаштиришга уринмаганини, ҳақ ва ҳақиқат сузлари фақатгина бу миллатларга миллий ҳақ-ҳуқуқлари тулиқ берилгандан сунггина рус миллатига ҳам мувофиқ, ярашиқли булишини ёзган эди. Инсонларга яшаш, фаровон турмуш кечириши ҳуқуқини бермаган Россия ҳақидаги фикрини авлиё Августиннинг “*Quid sunt regna sine justitia, nisi magna latrocinia?*”, яъни “Адолатсиз ҳокимият катта йулда қароқчиликдан бошқа нарса эмас” сузлари билан тамомлаган. Мен ҳам Россия мусулмонлари адабиёти антологиясини мана шу сузлар билан тугатдим. Максим Горький китобимга яхши муқаддима ёзиб берди. Фин ва арманлар антологияси чоп этилди, бироқ мен тайёрлаган туплам қолиб кетди. Мана шу нишимнинг Туркистонга оид қисми кейинчалик “Бугунги Туркистон ва унинг яқин мозийси” номли китобимга киритилган. Аввалгиси кенгрок булиб, унда Қрим, Кавказ ва Қозон тарихи ҳам бор эди.

Максим Горький татар адибларидан Мусо Жоруллоҳ Бегиевнинг карашлари ҳусусида тўхталиб, унинг рус ва Ғарб олимларидан ташқари, қадимги Андалуз олимлари Абу Бакр Арабий (вафоти 1148 й.) ва Иброҳим Шатубий (вафоти 1388 й.) ҳамда Ҳиндистон мутафаккири Неъматуллоҳ Дехлавий (вафоти 1774 й.) кабиларнинг таъсири остида қолгани ҳақидаги сузларимни уқиб, татарларнинг шунгча мамлакатлар билан маданий алоқалари борлигини мутлоқ билмас экаман, деди.

*А.Э. Валидий Тўғонинг «Бугунги Туркистон ва яқин мозийси» китоби 1928 ва 1940 йилларда Қоҳирада, 1947 ва 1981 йиллари Истамбулда нашр этилган - М.А*

1915–1916 йиллари Петурбургда яшаган вақтида сиёсий ишлардан ташқари, рус шарқшунослари орасида таниганларим билан муносабатларимни давом эттирдим ва билмаганларим билан алоқа урнатишга ҳаракат қилдим. Яна “Осиё музейи” ва “Императорлик Жугрофия жамияти”да ишладим. Бошқа томондан Петурбургда мусулмон зиёлилар ва талабалари билан вақтимни чоғ утқаздим. Салимгирей Жонтурин ва Алиасқар Султонов уйларида ҳамда “Петербург мусулмонлари хайрия жамияти”да университет талабалари билан куришиб турардик. Кейинчалик инқилоб даврида ҳамроҳ бўлган Мустафо Чуқай, Илёс Алкин, озарбайжонлик Алимардон Тупчибоши, туркманлардан Қақажон Бердиев, қозоклардан Исо Қочқинбой, татарлардан Султонбек Мамлиев, Мустафо Шоҳқули билан уша пайтда дуст тутинган эдим. Бундан ташқари, миллий масалалар юзасидан мусулмон сиёсатдонлари ҳам келар эди. Яна озарбайжонлик Алимардон Тупчибоши билан қозоклардан Алихон Букейхонни эслаб утмасам бўлмайди, чунки улар Россия мусулмонлари, айниқса, Туркистон масалаларини яқиндан ўрганишимда ёрдам беришган. Россиянинг урушда мағлуб бўлиши инқилобий ҳаракатларнинг тезлашишига сабаб бўлди. Мен ижрада турадиган бир ҳолани хўжайинини истеъфодаги грузин ҳарбийси Церетели таниқли авлоддан ва Чхеидзе каби грузин социал-демократларига яқин киши эди. Инқилобни қандай тайёрлаш кераклигини илк манбалардан урганарди. Ва, ниҳоят, инқилоб бошланди.

§ 72. 1917 йил инқилоби. 16 феврал куни кечкурун уй соҳибим бўлган гуржи бугун ёки эртага эрталаб инқилоб ҳаракатга келиши мумкинлигини айтиб қолди. Бизнинг уйимиз Преображенсий полки казармасининг шундоқкина рупарасида эди. Менинг деразам уша ёққа қараган. «Ук овози эшитилармикан? Балки, ҳукумат воқеадан хабар топиб, аскарларни бу ердан кучираётгандир?» дея уйлардим. Аммо, аслида исён бу казарманинг узидан чиқишини тасаввур ҳам қилмаган эдим.

Уша куни тонгда турдим. Бир оздан сунг дераза олдида тирсақларимга таяниб, бошимни қулларим орасига олиб, қуролланган ҳарбийларнинг низомига номувофиқ ҳолда тартибсиз казармадан чиқаётганини кузатиб турдим. Бу казармадаги аскарлар исёни эди. «Е Раббим! Менинг миллатимга ҳам истиклол йулини оч», дея Аллоҳдан сураб, йиғладим. Кийиниб, йулакка чиқмоқчи бўлганимда эшикбон: «Чикма, отишма буляпти», деди. Бунга қарамасдан чиқдим. Аъзоси бўлганим фракция бюроси тарафга қараб юрдим, ҳарбийлар гуруҳ-гуруҳ ҳолда қуролларини бетартиб ушлаганча, гоҳ-гоҳ ук узишиб, бир тарафга кетардилар. Россиялик пайтимда ора-сира қурган-кечирганларимни ёзиб туриш одатим бор эди. Рус инқилобига оид ёзганларим ҳозир узимда йук, аммо Қозонли ёзувчи Олимжон Иброҳим буларни қандайдир қулга киритган ва



узининг «Буюк Октябр инқилоби» деб номланган асаридан менинг хотираларимдан шу жумлаларни нақл этган: «Инқилоб бошланган тонгда уйимдан чиқиб, мусулмон фракциясига бордим. Эшик берк эди. Кунғирокни тухтовсиз босгач, ниҳоят, эшикни очдилар. Кириб, не куз билан курайки, бизнинг мусулмон депутатларимиз тун буйи қарта уйнабдилар. Барча хоналар тамаки тутуни ичида эди. «Буёқда қиёмат булмоқда, сиз бу ерда кимор уйнаб утирибсиз», дея разолатларини юзларига солдим. «Бу ерда қанақа инқилоб булиши мумкин, фақат аскарларнинг бир «пугч»идан (исёвидан) иборат бир воқеа холос, сизга эртага Протопопов курсатади», деди Ибнйамин Ахтямов. Унинг дўсти адвокат Нажиб Курбоналиев ҳам худди шу сўзларни айтиб, мени ранжитди. Мен буларни қўйиб, узини инқилобчи социал-демократ кўрсатувчи Аҳмад Цаликовга қарадим, унда ҳам бунга ишонч кўрмадим. Буларни инқилоб қаршисида ким томонда булишимиз, узимизни қандай тутишимиз кераклиги ҳақида суҳбатлашолмасдан, узимча ҳаракат этмоққа қарор қилдим.

Фракциядан кунглим хуфтон ҳолда чиққач, бир қават наstdа турадиган дўстим Мустафо Чуқаевнинг кунғироғини босдим. У ҳам ухлаётган экан. Уни нонушта қилмасидан ташқари чиқишга кундира олмадим. Елгиз йулакка чиқдим. Орадан бир соат ҳам утмасдан, воқеалар авж ола бошлади. Бир оздан сунг улдирилган катта полиция маъмурларининг шинелларини телеграф ёғочларига илганларини, куплаб генералларни Дума жойлашган «Таврический дворец»и эшигига юк машиналари Думадаги генералларни камоқхонага олиб кетишди. Булар орасида менинг ҳам танишларим Шарқшунослик академиясининг директори генерал Писарев билан княз Кочубей ҳам бор эди. Революционер ишчилар Чор ҳукуматининг бошқа буюк маъмурлари билан бирга бу икки генералнинг юзларига лой аралаш қор отдилар. Бу Кочубейнинг аждоди албаниялик Мустафо Кучибейнинг акаси машҳур Хуррамбей бир рисоласи учун Усмонли Монтекеё номини олиб шуҳрат топган эди. Хуррамбей кейинчалик Туркиядан юз угириб, Россия хизматига утиб, насронийликни қабул қилган эди. Княз Кочубей ғоят гавдали, буйдор, баланд овозли киши эди. Мени унга бир зиёфатда Қутлукай Тавқилов таништирган эди. Кочубей рисоласини профессор В. Смирнов нашридан ўқиганлигим учун менга нисбатан ҳурмат кўрсатганди. Ҳозир бу зотнинг бундай ҳақоратланишини куриб, жуда ачиндим. Балки уни уша кунёқ улдириб юборишгандир. Ҳар ёқдан уқ овозлари эшитиларди. Бунга қарамасдан бир гал фракцияга бориб, уша бинода тураётган дўстим Чуқай угли ва ҳуқуқчи Шоахметовни ҳам олгач, кучада булдик. Нева проспектида қурол соғувчи дуқонини вайрон этишганида менга ҳам милтиқ ва тўппонча таклиф қилдилар. Мен тўппончани олдим. Аммо ишлатишга туғри келмади. Бир жойда бир амаллаб тамадди қилдик. Оқшомга қадар кучаларда полициячилар ва чор маъмурлари билан

инкилобий кайфиятда булган ишчилар уртасидаги тўқнашувларни томоша қилдик. Окшомга келиб, инкилоб ҳаракатларини ифода этувчи варакалар чиқа бошлади. Мен бу инкилобнинг асл манбаи булган Преображенская казармасида бошланганини кузим билан курганим учун узимни бахтли ҳис этардим.

Инкилобнинг биринчи ҳафтасиданок Қозон, Қрим, Кавказ ва Қозогистондан мусулмон сиёсий вакиллари кела бошлади. Ҳамма мусулмонлар фракциядан Россия мусулмонларининг умумий конгрессини чақиришини талаб қиларди. Лекин бу конгресснинг қандай, қайси асосларга қура чақирилиши кераклиги, фаолият дастури ҳақида бир хил фикрлар йўқ эди. Фракция бюросининг илк йиғилишларида бунинг энг фаол аъзоси ва раиси Аҳмад Цаликов, Ахтямов, Исмоил Леманов ва Чуқай угли ягона демократик жумҳурият тузиш фикрини, мен ва Салимгирей Жонтурин Россия жумҳуриятлар федерацияси бўлиши кераклиги фикрини илгари сурмоқда эдик.

Мен вилоятлардан вакиллар келгунга қадар булажак конгресс ишларига доир фикрларимни ёзиб, ҳозирламоқ учун Финляндиянинг маркази Хелсинкига кетдим. Бу конгрессга Россия мусулмонларини тенглик асосида, сон нуфузи, зътибори билан мутаносиб тарзда тупланмоғичинг режаси эди. Бу режани тўрт-беш кунда тайёрладим.

Бугун бу ерда Хелсинкининг имоми мулла Вали Ҳакимовни курдим. Ўша вақтда бизнинг кишлоғимиздан бири Хелсинкидаги рус гарнизонида оддий аскарлик хизматида экан. Мулла Вали ундан сурабди:

– Заки Валидийни танийсизми?

– Нега танимай, биз унга Аҳмад Заки деймиз. Қуриқчининг биттаси, оғзининг икки четида икки сегара чекади, юз рублнинг румолча урнига кукрак чунтагида олиб юради, ҳеч кимга фойдаси йўқ, куча уртасида шундай кезиб юради. Мана, Чор ҳукуматининг умри тугади. Аҳмад Закиннинг куни келди. Энди у бизнинг тортиб олинган утлоқларимизни, урмонларимизни қайтариб олиб беради. Бизда ҳамма «бир иш чикса, шундан чиқади» дейишади, дебди.

Биз бу таърифдан яйраб қулдик. Чунки Чоризм зулмларидан безор булган бир кишлоқлик бошқирд фикри мени қурашларга илҳомлантирди.

Петербургда қайтганимизда Озарбойжондан Алимардон Тупчибоши, Қозондан Садри Максудий, Саидгарай Алкин, Қозогистондан Алихон Букайхон келган эдилар. Булар авваллар ирусларнинг «Кадет» (Конституцион демократ) фиркасига доҳил эсалар-да, Тупчибоши ва Букайхон ундан ажраб чиқмоқ ниятида эдилар. Садри Максудий ва баъзи бировлар «Кадет партия»сига содиқ қолишга қарор қилдилар.

§ 73. *Кадетлар ва Туркия.* Садри Мақсудий кадетлар партиясининг 25 мартда Петербургда тупланган съездида Россия мусулмонларининг

бу фиркага содик колишларини баён этиш, айни пайтда, харбий нозир Родичевнинг урушни давом эттириб, Истанбулни ишгол қилиб мустақил Туркияни йук қилиш режасини эълон қила туриб, узи бунга овоз бермади, аксинча, конгрессни давом эттирди. Бу Петербургдаги мусулмон вакилларнинг унга қарши “Русская роля” (4а-расм) ва “Дело Народа” (4б-расм) газеталарининг 28 март сониди қаттиқ норозилик чиқишларига сабаб булди. Садри Бейнинг Истанбул ишголидан мусулмонлар ранжишини айтиб, 30 миллион мусулмоннинг урушни то галабагача давом эттирилиши истагини билдирганини ва “Русская роля” газетасида: “Туркиянинг ишгол этилишига рози бўмаслигимиз бизнинг Россия ватанпарвари бўлишимизга тускинлик қилмайди” деган баёноти қаттиқ норозилик уйғотди. Садри Бейга қарши эътирозни имзолаганлар орасида Ахмад Цаликов, мен, Саидгарай Алкин, Салимгарай Жонтурин, Шайх Шомил авлодидан Зоҳид Шомил, Кримдан Баданинский, қозонликлардан Аёз Исҳоқий, Мусо Жоруллоҳ, собиқ депутатлардан Калимуллоҳ Ҳасановларнинг исми бор эди. “Петербург мусулмонлари жамияти” мажлисида Садри Бейга қарши ҳаяжонли нутқлар сузлаган ёшларнинг кунглига таскин бериб: “Мақсудий бу нутқни фақатгина узи мансуб булган кадет партиясининг Россияда ягона партиёга айланишини нотўғри тахмин қилиши натижасида айтган, 30 миллион мусулмонлар кадет партиясига содик қол деб қасамёд қилмаган. Садри Бейга ҳам бундай баёнот билан чиқишига ҳеч ким унга ваколат бермаган, аслида Россия урушни давом эттиришни хохламаётганини узи ҳам билади”, деган мазмунда нутқ сузладим. Бироқ Садри Бей эътирозни фракция бюроси раиси Соликовдан сунг иккинчи шахс сифатида мен имзолаганимни ҳеч қачон кечирмади. Садри Бей фракция ва Россиянинг мухтор жумҳуриятларга булиниши фикрига қарши инқилобнинг дастлабки кунларидан бошлаб қаттиқ туриб курашар эди. Биз эса федерализмга асосланмаган ва урушнинг давом этишини истаётган ҳеч бир партиёга мусулмонларнинг яқинлашмаслиги лозимлигини уқтирдик.

**§ 74. Россия мусулмонларининг умум конгрессига тайёргарлик.** Фракция бюроси 27 мартда Екатерина черкови ёнидаги бир кучада жойлашган “Петербург мусулмонлари хайрия жамияти” биносиди, Москвада тупланадиган Конгрессга қанча аъзо ва кимларни таклиф этиш ҳамда дастур масалаларини музокара этмоқ учун, қатта бир йиғилиш утқаздик. Цаликов раислик қилди. Мен барча мусулмон қааимлар ва гуруҳлар сонидан келиб чиқиб, вакиллар йиғиш учун олти юзча аъзо чақирилишини таклиф этдим. Хелсинкида тайёрлаб келган эканман, Россия мусулмонларининг статистикаси ва этнографияси хусусида маълумот бердим. Хелсинкида тайёрлаган ахборотимни ҳам уқиб бердим. Лекин, Цаликов, муҳаррир Аёз Исҳоқий ва бошқалар бундай буладиган бўлса, федерация фикри қабул қилинажигидан кўриб, «жохил ва ғофил инсонларни нечун чақирамиз, вакилларни

пух қозонлилардан чақирайлик. ярмидан купроғи улар бўлсин», дедилар. Менга сўз бермасликка уриндилар. Лекин, мен бундай булса, барча Муслмон гуруҳларига мактублар йўллаб, вазиятни тушунтиришимни айтдим. Уша кун ва оқшом тухтовсиз ҳаракат қилиб, бу мактубларни ёзиб, жунатдим. Жумладан, Бокуга Махмед Амин Расулзодага ҳам ёзиб Туркистон, Қозоғистон, Бошқирдистон мухтор жумҳуриятларини тузиш программаларини жунатишни ва Москва, Тошкент конгрессларига Озарбойжон федералист вакилларни юбормоқларини илтимос этдим. Бошқирдларни, қозок ва ўзбекларни уюштириб, ташкиллаштирмоқ учун 28 мартда Тошкентга жунатдим. Зиёлилармизни қатъиятсизлиги ва ишончсизлик қайфиятлари одамни хафа қилар эди. Ҳаттоки, амалга оширилиши мумкин бўлган кескин чоралар қуриш ғояларига ҳам қарши эдилар. Ваҳоланки, вазиятдан фойдаланиб буни амалга оширилиши мумкин эди. Муслмон Хайрия жамияти биносидаги йиғилишда мени татарлардан Лутфуллох Исҳоқий, Султонбек Мамлиев, тиббиёт талабаси бўлган бир қозок йигити Исо Қочқинбоев чин дилдан қўллаб-қувватладилар. Қўплар менга нисбатан кескин қарши чиқдилар. Аҳмад Цаликов эса, фракция бюроси раиси бўлгани сабабли бетарафлик йулини тутди. Уша кунларда Петербурга келиб кетувчилар ниҳоятда купайганлиги сабабли, шаҳардан чикмоқчи ва кирмоқчи бўлганлар ўзлари мансуб давлат муассасаларидан темир йўл маъмурларига ва билет олиш учун «Муҳим бир иш билан кетмоқда» деган маълумотнома курсатишлари шарт қилинган эди. Цаликов фракция бюросидан менга шундай маълумотнома бермади. Депутат Ахтямов ҳам уни қувватлади. Лекин мен Тошкентга темир йўл билетини Царское Селога бориб олдим. Билетни у ерга бориб олишимни билганларида, уша жойнинг темир йўл идорасига ёзиб, тусқинлик қилишар эди.

Йўлда Оренбургдаги бошқирд зиёлиларидан Сафарали Идиябоев билан учрашиб, унинг зобит ва университет талабаси бўлган ўғилларига ҳар тарафга юбориш учун айтиб туриб мактублар ёздирдим. Бу орада Турғай вилоятига губернатор қилиб тайинланган Алихон Буқайхонни ва бошқа қозок зиёлиларини куриб, улардан ҳам Москвага етарли миқдорда аъзолар юборишларини таъмин этдим. Барча бу ишлар ярим кунда бажарилди. Туртинчи апрелда Тошкентга келдим. Дарҳол бу ерда тупланадиган конгрессларда қатнашадиган, тушунадиганлардан иборат гуруҳлар тузишга киришдик. Биз учун муҳими 7–15 апрел кунлари тупланган «Умумий Туркистон ижроия кумитаси ўлка конгресси» эди. Конгрессда ҳам русларнинг, ҳам муслмонларнинг вакиллари қатнашган муштарақ конгресс эди. Мен фракция бюро аъзоси ва ташкилотчилардан бири сифатида Конгрессда федерация фикрини утказмоқ учун чоралар курдим. Бир неча кундан сунг Мустафо Чуқай ўғли ва адвокат Шоаҳмедов ҳам Петербургдан келдилар. Чуқаев кадетларга, Шоаҳмедов социал-демократларга

азо булганларидан федерация уғрисидаги ғояларни қатъият қуллашмадилар. Лекин менга қарши чиқишларда гапиришмади. Тошкентдаги рус газеталари бу икки зотдан федерация фикрига қарши мақолалар ундирмоқчи булишса-да, қунишмади ва Чукай угли конгрессда федерация ғоялари қупчилик фойдасига ҳал булгач, биз билан бирлашди.

§ 75. *Тошкентдаги икки съезд тортишувлари.* Ҳозир бу ерда мунозара мавзуи булган «Бошқарма кумиталарининг улка конгресси»да қилинадиган қарорнинг «Улка мусулмонлар конгресси»га ва Туркистон конгрессининг федерацияга зид келиши мумкин бўлган қарори Москвадаги Умурроссия мусулмонлари конгрессига таъсир этишини биз яхши билар эдик. Шу туфайли қаттиқ баҳсларга киришдик. Бизга қарши чиққан дустларимизни ҳам аяб утирмадик. Тошкентнинг собиқ бошлиғи, кадет партияси йулбошчиларидан бири бўлган профессор Маллицкий билан қаттиқ курашишга туғри келди. Бу тортушувда мени самарқандлик ёзувчи, муфтий Маҳмуд Ҳўжа Бехбудий ва эсэрлар, айниқса, эски дустларим Вадим Чайкин ва шарқшунос Лев Зимин қувватладилар. Кадетлар зиёлиларни алдаши мумкин Лекин қишлоқдан келган соғлом фикрли ўзбек, қозоқ ва туркманлар уларга нисбатан жуда ҳушёр муносабатда булдилар. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг фосих сузлаплари яхши таъсир этгани учун вилоят шаҳарлари ва қишлоқлардан келган мусулмон делегатларнинг барчасини федерация ғояси атрофида мустаҳкам жипслаштира олдик. Бу «Россия ягона демократик жумҳурият булсин» деган ғоя эди, яъни «унитаризм» мағлуб булди. Аммо бу конгрессда энг муҳим масала Туркистонни ва барча вилоят ва шаҳарлари бошқаруви тизимини шакллантириш масаласи эди. Рус зиёлиларининг аксарияти кадет партияси тарафдори булди. Раиси эса Маллицкий эди. У жуда айёр, маҳаллий зиёлиларга доимо шубҳа билан қарайдиган, империя тарафдори ашаддий рус шовинисти булган бу одам улка конгрессига ҳам раис қилиб тайинланди. Кадетларнинг улка идорасини тузишга оид режаларини қупайтириб тарқатиш учун тайёрлаб қуйган эди. Булар шаҳар идорасининг рус қисмини бир томонга, маҳаллий қисмини иккинчи томонга ажратиб, бузиб, бутун идорага русларни ўтказишни режалаштирган эди. Туркистоннинг умум мажлисига асосан рус вакилларини сайлаш йули билан бориб, маҳаллий хотин-қизларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш режалари бор эди. 13 апрел йигилишида бу масалада Маллицкий томонидан давомли маъруза ўқилиб, олдиндан тайёрланган қарорнома ҳам баён қилингандан кейин узим тайёрлаб келган режа ва қарорномаларни таклиф этдим. Буларни аввал ўзбекча, кейин русча тушинтирдим. Бу рус кадетлари учун қуғилмаган бир иш булди. Чунки мен русларнинг Туркистон земаввол тузумига доир бир неча йил аввал бошланган нашрларини керағича урганган эдим. Улар инглизларнинг Ҳиндистонда татбиқ этган

идора тизимини, яъни озчилик истилочиларнинг, купчилик маҳкум этилганлар устидан ҳукмронлигини таъмин этадиган қонуларини ва амалга ошириш усулларини рус тилига таржима этиб, бир неча бор нашр этгандилар. Мен 14 апрел йиғилишига бу китобларни ҳам олиб келдим.

«Бутун Россияда вакиллар ижройи муассасалари учун қандай мезон татбиқ этиладиган бўлса, Туркистон учун ҳам шундай бўлиши керак. Туркистонликлар купчиликни ташкил этишидан қурқмаслик керак. Сайловда маҳаллий аёллар ҳам рус аёллари каби иштирок этгайлар. Бунда ҳам ҳеч қандай тусиқ ва таҳлика бўлиши керак эмас», дедим. Таржима қилинган ва тайёрлаган режалар инглизларнинг Ҳиндистон учун ишлаб чиқилган қонулари Туркистон учун тўғри келмаслигини мисоллар билан аниқ исботлаб бердим. Факат Маллицкий ва социал демократ Доррер маҳаллий зиёлилардан биргина ҳуқуқшунос узбек Тошпулотбек Норбутабековни ва қозоклардан Мустафо Чуқаевни чалғитиб, яъни алдаб ишонтиришга улгурган эдилар. Булар минбарга чиқиб, менга қарши сўз айтишга журъат этмаган бўлсалар-да: «Делегатларнинг орасида эски ва янги шаҳарларга бўлинганлиги автономии демакдир. Марказий парламент мажлисида фаоллик кўрсатадиган билимдон одамларимиз йук, табиийки, биз мусулмонлар идорада сон жиҳатдан оз буламиз. «Русча таҳсил кўрганлар купайса, улка идорасида ҳам урнимиз купаяди», деган фикрларни айтдилар. Лекин Маҳмудхужа Бехбудий билан мен «Туркистон парламентида фақат русча сузлаш тўғри эмас, хатодир, узбек ва рус тилларининг ҳуқуқлари тенг бўлиши керак ва булажақдир», дедик. Мен бу масала музокараси тўғрисида эски дустим Мустафо Чуқаев билан баҳслашишга мажбур бўлганимдан жудаям афсусланган эдим. 15 апрелдаги мажлисда раислик қилган Маллицкий земство масаласини такрор тилга олиб, ўз қарашларини таъин изҳор этди. Мен яна унга қарши чиқдим. Маллицкий такрор сўз олиб: «Ерли халқларнинг купчиликни ташкил этиши бугунгача бўлганидек, бундан кейин ҳам улка идорасида купайиб боради», дея жавоб берди. Мен ҳам: «Ҳозир ҳуррият даври келган, ошқора, тенг, тўғри, жинс ажратмаслик сайлов ҳуқуқларини ҳеч ким, ҳеч қандай мулоҳаза билан Россия ҳукмронлигида бўлган халқлардан тортиб ололмайди; давлат идораси жохил қўлларга утиши тўғрисидаги даъволар асоссиздир. Чунки маъмурият ва идора ишлари учун ўқимишлиларни жалб қилиши шарт. Лекин қолганлари вақти келиб ўз-ўзидан хал бўлиб боради. Мен уларга Туркистонга Ҳиндистондаги инглиз мустамлака усулларини татбиқ этиш мақсади билан қалин китобларни инглизчадан русчага таржима этибсиз, бунинг ўрнига мустамлака улкаларга ҳукмронлик қилувчи миллат билан маҳкум миллатга бир хил сайлов ҳуқуқи бериб, уларни келажақда тинч яшай олишларини тўғри тушунтира оладиган асарларни рус ва маҳаллий тилларига таржима қилиб, нашр этсак, янада яхши булур

эди» дедим Ҳаяжонли мунозаралар бошланди. Эсерлардан Вадим Чайкин ва шарқшунос Зимин мени шиддатли ҳимоя қилиб чиқишди. Маллицкийнинг гапларини ҳеч ким тингламади. Маллицкий раислигидан фойдаланиб, уша куни масалани ҳал этмасдан қолдирди. Маллицкий ўз даъволарини катъийлаштириб, расмий «Туркестанские ведомости» газетасида қатор мақолалар эълон қилгани ҳолда менинг ва Бехбудийнинг нутқлари шу газетанинг 16 ва 26 апрел сонларида факат хулоса шаклидагина берилди.

Вазиятни Махмудхужа Бехбудий икковимиз 16 апрелда тупланган «Туркистон мусулмонларининг умум конгресси» раёсат хайъатига келиб тушунтирдик. «Умумий улка конгресси»даги кадетлар ерли аҳолининг улка парламентида мусулмон вакилларини сон жиҳатидан мутаносиб тамсил етарли бўлишига тусик буладиган қарор чиқарадиган бўлса, «Улка мусулмон конгресси» бунга қатъий норозилик билдириб, сузга чиқамиз дедик. Биз яна «Умумий улка конгресси»га бориб, тутган йулимизни қайта-қайта тушунтирдик. Натижада, делегатларнинг қулчилиги ва эсерлар парламент ва земство муассасаларининг руслар ва маҳаллийлар учун алоҳида эмас ягона бўлиб аҳолининг сонига қараб, депутатлар ижро муассасалари учун сайлов утказилиши лозимлиги билгилаб куйилди.

§ 76. *Туркистон миллий шуриси ва Туркистон мухторияти.* Мен уша кунларда Тошкент есер фирқасига ёзилдим. Бу курашларда унинг ҳам фойдаси тегди. Мустафо Чукай ўгли Сирдарё вилоят идорасининг Зироат бўлимида кадетлар ёрдами билан лавозим эгаллади. У кадетларга мойил эди. Ҳолбуки, қозоклардан Санжар Исфандиёров социал демократларга ва адвокат Шерали Лапин монархистлар уюшмасига дохил эдилар. Бундай рус фирқаларига кирмоқ қул фойда бермаслигини ҳисобга олиб, мусулмонларни бирлаштириш мақсадида «Туркистон миллий партия»сини ташкил этиш масаласида беш олти кишилиқ йигилишлар утказдик. Бирок буни келишмовчиликлар сабабли амалга ошира олмадик. Лекин биз, албатта, бирлашиш лозимлиги зарур эканини қабул қилиб, конгрессда «Туркистон миллий шуриси»ни тузмокни тақлиф этадиган булдик. 16 апрелда Туркистон мусулмонлари конгресси бошланиши лозим бўлса-да, аммо унинг дастури тайёр эмас эди. Уни шахсан узим 15 апрел куни кечаси билан ёзиб, «Туркестанские ведомости» газетасига бердим. Лекин эълон қилинмади. 16 апрелда конгресс йигилишида уқишга туғри келди ва бу дастур асосида қабул қилинди. Уша кунларда кадет Львов ҳуқумати томонидан ташкил этилган «Туркистон муваққат идора» кумитаси аъзолари келганди. Кумитада мусулмон улкалардан генерал Абдулазиз (*Давлатшин – М.А.*), Садри Мақсудий маълумотиغا кура муҳандис Муҳаммаджон Танишбоев бор эди. Садри Мақсудий мусулмонларнинг мадраса ва вақф ишлари билан шугулланиши лозим эди. Гуруҳ раҳбари Кадет Шенкин эди. Бу зот Мусулмон конгресси

очилипани табрик этди. Конгрессга аъзолардан навбатма-навбат раислик килдик. Давлат идораси ва идора ташкил қилиш масалаларида ҳисобот берувчи мен эдим, Федерация хақидаги гоъяларни атрофлича, тарихий далиллар билан исботладим.

Маҳмудхужа Бехбудий ва қозоклардан муҳандис Муҳаммаджон Тинишбоев ҳам бу гоъяни ҳимоя қилди. Ундан кейин Садри Мақсудий суз олиб, федерация гоъясига қарши сузлади. Унинг ҳукумат аъзоси сифатидаги чиқишлари залдагиларга ёқмади. Эсерлардан меҳмон бўлиб келган, туғрироғи, мен таклиф этган Вадим Чайкин эса федерация гоъясини ҳимоя қилди. Ниҳоят, каттик тортишувлардан кейин қабул килинди. Мамлакат идора тизими ва “земство”, яъни ҳокимлик ва вилоят шуролари масаласида ҳам ҳисобот берувчи эдим. Бунда Туркистон аҳолиси сони билан мутаносиб сайланадиган маҳаллий идоралар хақидаги фикр қабул килинди. Туркистон Миллий маркази шўроси учун бир Низом тузган эдим. У ҳам қабул килинди ва дарҳол матбуотда эълон килинди. Бу ерда «Туркестанские ведомости»да ёритилган «Конгресс кун тартиби ва дастури», «Бутун Россия давлат идора тизимида оид ҳисобот» ва «Туркистон бошқаруви “Земство” муаммолари камина томонидан ёзилганлиги ва ўқилганлиги» зикр этиб ўтишим керак. Чунки бу бир хақиқатдир. Маҳаллий зиёлиларга кадетларнинг таъсири баланд эди. Шу жиҳатдан федерация ва Туркистонда ягона парламент, ягона “земство” фикрини қабул қилмаётгандилар. Конгрессга келган делегатларнинг туксон фоизи рус тилини билмасди. Садри Мақсудий ва татарлар номидан сузлаган Кабир Бакир қандайдир бошқалар федерацияга қарши чиқиб, «Ягона демократик Россия жумҳурияти» фикрини қатъий илгари сурдилар. Бундай вазиятда Мунаввар Қори, Убайдуллоҳ Хужаев каби зиёлилар бошида федерация гоъясига қушилмадилар, буни хом хаёл деб тушундилар. Бу масалада фақат Маҳмудхужа Бехбудий ва қуқонлик Обиджон Маҳмудовнинг ҳеч иккиланмасдан менинг тарафимда булганлари билан ижобий бир тарзда ҳал булди. «Туркистон марказ шўроси Низомнома»си ягона булган лойиҳам қабул килинди. Музокараларнинг иккинчи куни. Мен тарафда булиб, мени қувватлаган дусларимдан яна бири қуқонлик Ашурали Зоҳирий эди. Туркманлардан Берди Ҳожи, қозоклардан Тинишбоев ва Абдурахмон Уразаевни ҳам хотирлаб ўтишим лозим. Булар булмаса эди, 17 апрелда Туркистон Конгресси Россиянинг федератив тузилиши тарафдори эканлиги туғрисидаги қарор асло чиқиши мумкин эмас эди. Чунки, бир тарафдан, Щепкин бошқараётган Туркистон Муваққат кумитаси, унинг Давлетшин ва Мақсудий каби мусулмон аъзолари бутун кучлари билан бу қарорни қабул қилмасликка ҳаракат қилишди. Қозонли зиёлилар Оренбургда чиқувчи «Вакт» газетасининг муҳаррири Кабир Бакир атрофида бирлашиб, федерация гоъясига қарши чиқишди.



77. *Федератив тизим ва мусулмон вакилларининг бошқарув мундасаларига кириши.* Фақат бу эмас, ҳаттоки Петербургда яшовчи Аҳмад Цаликов Мустафо Чуқаевга телеграммалар юбориб, ташаббусларимни барбод қилмоқчи булди. Туркистонда идора тарзи ҳақидаги қарорлар ва бошқа барча ҳужжатларни асосий купчиликни ташкил этувчи таҳсилсиз ёхуд кам таҳсил курган узбек ва козоқ делегатлар Бехбудий, Обиджон Чатоқ ва Абдурахмон Уразаев каби кишиларнинг таъсири туфайли қабул қилинди. «Туркистон муваққат комитети» аъзолари козоқ муҳандиси Муҳаммаджон Тинишбоев ҳам дустлари генерал Давлетшин ва Мақсудийдан фаркли улароқ федерация ҳоясини ёқлаб, қабул этилган қарорлари билан қутлади. Федератив тамойили қабул қилингандан кейин унга қарши чиккаларнинг обрўларига путур етди. Уз вақтида Думада мусулмонларнинг вакили бўлган Садри Мақсудийнинг «Бир жевые ведомости» газетасининг 16 апрел сонидан берган баёнотида «Сатрлар учун мухторият ортиқчадир» маъносидаги сузлари унинг узига қарши кескин салбий муҳит шакллантириб қўйди. Бир ҳафтага яқин давом этган бу Туркистон мусулмонлари конгресси купчилик, айниқса, кадетлар учун қўтилмаганда юқори савияда уюшган вазиятда ва тартибли тарзда утди. Энг муҳими, туркистонликлар узларини етуқлигини курсата олди. Конгресс Москвада май ойида очиладиган Бутун Россия мусулмонлари конгрессида иштирок этиш учун 12 кишилик кўмитага ва Туркистон мусулмонларининг даъволарини ҳимоя этмоқ, сайловларга тайёргарлик куриш учун Туркистон улка мусулмонлари Марказий Шўросини сайлади. мен ҳар икки ҳайъатга сайланган эдим. Туркистон улка мусулмонлари Марказий Шўросига Мустафо Чуқаев раис, мен бош котиб, Мунаввар Қори, Обиджон Маҳмуд, Маҳмудхужа Бехбудий, Убайдуллоҳ Хўжаев ва бошқалар аъзо булиб сайландик. Мен бу марказнинг ва унинг вилоятларда ва туманларда очиладиган бўлимларининг фаолияти ҳақидаги «Низом»ини ёздим. Бу тўрт саҳифадан иборат булиб босилди. Тошкент кўмитаси ҳам тузилди. Бунга Мунаввар Қори билан Садриддинхон раҳбарлик қилишди. Кўкон ва Самарқанд кўмиталарини ҳам дарҳол уша кўнларда Чуқай ўғли билан бориб, уша шаҳарларда туздик. Марказий Шўро нашри сифатида «Кенгаш» номли газета чиқара бошладик. Бу газетадаги имзосиз чиққан бош мақолаларни мен ва Мунаввар Қорига ёзган эдик. Кадетларнинг Щепкин бошқараётган «Муваққат Туркистон кўмитаси» бу ерда узоқ тураолмади ва Москвага қайтиб кетди. Унинг мусулмон аъзолари Давлетшин билан Мақсудий эса олдин кетган эдилар. Керенский ҳукумати тарафидан янғидан тузилган «Туркистон Муваққат идора қилиш кўмитаси»га аъзо булган козоқ муҳандиси Муҳаммаджон Тинишбоев биз билан қилинадиган ишлар хусусида фикрлашиб олинди. Унинг ва эсер фиркаси вакилларининг ғайрати билан муваққат кўмита қошида маслаҳат ҳайъати сифатида «Улка

ийинлиши» («Краевое совещание») тузилди, бунга ҳам «Туркистон улка Марказий Шуроси»дан Чукай угли, хукукшунос Норбутабеков ва мен вакил булиб кирдик. Бундан бошқа Чукай угли ва мен «Туркистон ер ишлари кумита»сига аъзо этиб сайландик.

Умуман, мен ва Чукай углига бошимиздан ошган даражада вазибалар юкланди. Дустим Чукай угли хали Сирдарё вилоятида раҳбарлик лавозимларидан бирини эгаллаб турар эди. Бу вилоят комиссарлигига эски дустимиз шарқшунос ва собиқ Дума аъзоси Наливкин тайинланган эди. Ушанда 66 ёшли қария Наливкин мени Сирдарё вилоят маъмурияти мажлисига бир неча бор таклиф этган эди.

Хуллас, булар жушқин ва жуда қувончли фаолият эди. Бу орада Россиядан Тошкентга юборилган озиқ-овқатни фақат шаҳар аҳолисига тақсим этиш масаласида эсерлар бошқа рус фирқалари билан бирлашгач, мен ҳам уларнинг партияси аъзолигидан чиқдим ва бу ҳақда Чайкин ва Зимин каби эски дустларга самимий таассуфимни билдирдим.

**§ 78. Москва съездида иштирок этишим.** Москвада очиладиган «Бутун Россия мусулмонлари съездига» Туркистондан вакил бўлиб 12 киши 7 майда съезд очилиш куни Москвага етиб келдик. Бошқирд, қозоқ ва қирғизлардан умумий аҳолига мутаносиб ҳолда вакил юборишлари йўлидаги ҳаракатларимиз уз натижасини берган эди. Фақат Бошқирдистондан 50 тача вакил келибди. Баъзи ноҳуш воқеалар ҳам содир булди. Аҳмад Цаликов, Шоқир Мумедьяров ҳамда Аёз Исоҳқий кабиларнинг федерализмга қарши туришларини билиб, нисбатан кўп сонли вакиллар келтирилган эди. Шунга қарамай бутун озарбайжонликлар қримлик ва туркистонликлар яъни федерация тарафдорлари қупчиликни ташкил қиларди. Буларни кўриб, Садрибей мени ва Меҳмет Амин Расулзодани буралатиб суқар эди. Мен федерация ғояси бутунлай голиб чиқишидан хотиржам эдим. Москва съезди Тошкент съезидан фарқли равишда федерация тарафдорларининг раҳбарлиги остида утди. Тошкент съезди раёсатиға унитаристлар қуп киритилган эди. Москва съездида эса Марказий мусулмон Шуроси вакили сифатида Алимардон Тупчибоши сайланди. Маҳмед Амин Расулзода, қримлик Жаъфар Саид Аҳмад, қозоклардан Жаҳоншоҳ Дустмухамедов каби федералистларнинг очик нутқидан сўнг иш федерация томонга ҳал қилинди. Мен бу съезде Тошкентдагидек қуп чиқишлар қилишимга зарураат булмади. Россия ҳукмронлигидаги туркий халқлар тақдири масаласида тарих, этнография ва статистикадан қандай фойдаланиш зарурлиги ҳақида тухталиб, «Россия мусулмонларининг этник келиб чиқиши ва уларнинг сиёсий ҳаётдаги урни» мавзусида маъруза қилдим. Раислик қилаётган Алимардон Тупчибоши минбарга яқинлашиб, қул қисиб қуйди ва маърузамга Мусулмонларнинг Москвадаги съездида миннатдорлик

билдирди. Ушбу маърузам Германияда чиқадиган “Der Neue Orient” журналининг август сонида энг яхши илмий чиқиш сифатида мақтов билан тилга олинган экан, буни мен кейинчалик билдим. Орадан ун йил утиб Алимардонбей Парижда чоп эттирган узининг бир мақоласида бу маърузаларни яна бир бор эсга олибди.

Аслида бу маъруза менинг кейинги йилларда амалга оширган курашларим дастурининг мазмун моҳияти асосини ташкил этган эди. Мухторият ва федерация гоёси 446 овоз олиб, 271 қарши овоз билан қабул қилинди. Мусулмонлар Ижройи Қумитаси ИКОМУС ташкил этилди. Бунга Туркистон вакиллари сифатида адвокат Убайдулло хужа, адвокат Жаҳоншоҳ Дустмухаммад ўғли, мен, адвокат Валидхон Танаҳ ўғли ва қозоқлардан ёзувчи аёл Окқағиз Дустжон кизи жами ун киши сайланди. Қозоқ ва бошқирдларнинг ҳудудий муаммолари ечимига оид лойиха таклифларига қарши қозонликлар “Бу фақат қозоқ ва бошқирдларга тегишли майда масалалар” деб рад этишди. Натижада бутун Россия мусулмонлари съезди фаолиятини диний масалалар, муфтий, шайхулисломлик унвонлари ва маориф масалаларига қаратди. Шу туфайли бошқирдлар қозоқлар билан ўзаро келишиб, айтилиб утилган барча муаммолар муҳокамаси учун Оренбургда алоҳида съезд қақиришга қарор қилди. Съездни тайёрлаш учун куйидагилардан иборат гуруҳ сайланди, яъни Сағит Мерос ўғли, Оллохберди Жаъфар ўғли ва Заки Валидийдан иборат. Германиялик Г. фон Менде Россия мусулмонларининг миллий ҳаракатларига доир ёзган асарида бу съездда бошқирдларнинг роли баъзи қозонликлар берган нотугри маълумотга кура бутунлай нотугри изоҳланган бўлиб, улар озчиликни ташкил этганликлари сабабли бу съездни тарк этишга мажбур бўлишганини ёзибди.\* Бошқирдлар ва озарбайжонликлар бу съездда ҳал қилувчи кўпчиликни ташкил этишганликлари боис уларнинг бирон бир мажлисни тарк этишларига сабаб буладиган бирор ҳодиса бўлмади. Мухторият масаласида матонатли бўлишни тавсия этиб Озарбайжон вакилларига бир мактуб тақдим этдим.

Москва съездининг олти юз саҳифани ташкил этган баённомаси фақатгина туркий тилда ёзилгани учун рус ёки бошқа бирор тилга таржима қилинмагани боис мажлис жараёни ва чиқарилган қарорлар ҳақида бир қанча нотугри эълон қилинган ишлар юзага келди. Биринчи навбатда Г. фон Менденинг юқоридаги асарини тилга олиш мумкин. Профессор. Б. Шпулер (“Der Islam”, 1949, 186) ва Америкада яшовчи полшалик муҳожир профессор С. Зенковский (“Panturkism and Islam in Russia” 1961, 1967) менинг номимга мақтовлардан иборат яхши сузлар айтиб, Бошқирдистон мухторият ҳаракати шахсан менинг ташаббусим ва ҳаракатларим туфайли бўлганини, ҳатто Зенковский мени келажаги

порлоқ шарқшунос сифатида мактаб, Бошқирдистон мухториятини тузиш учун илмий асосланган режалар такдим этганимни ёзибди. Бироқ мен Москва съездида Бошқирдистон мухториятини илгари сурмаган эдим. Гап уша пайтда Туркистон мухторияти ҳақида борган. Волгабуйининг рус аҳолиси купчиликни ташкил этган ҳудудларида миллий мухторият ҳақида суз булиши мумкин эмаслигини, аммо туркий аҳоли купчиликни ташкил этадиган шарқий қисмидаги халқлар эса (бу ерлар кейинчалик “Кичик Бошқирдистон” деб аталди) Туркистон ва Қозоғистондаги мухторият ҳаракатларига кушилиши мумкинлиги фикрида эдим. Съезд баённомасида ҳам сузларим айнан шундай ёзилган. Бошқа томондан поляк шарқловчиси Зенковский Москва съездида келиб табриклаган Россия кадетлар партияси вакилларининг сузларини эслатувчи фикрларни билдириб, бу съездда қозонлиқлар томонидан билдирилган таклиф қабул қилинса яхши булишини, козоқлар ва бошқирдларнинг мухторият дастурида рус ва украиналик муҳожирларни дархол мамлакатдан қувиб чиқариш фикри борлигини ёзган. Бу сузлар полшалик муаллифнинг мақоласи славян бирлиги ғояси таъсирида ёзилган деган эҳтимолни билдиради. Москва съездида келган бошқирдлар инқилоб шаронтида узларининг масалаларини ҳал қилиш мақсадида ташаббус гуруҳи тузилди ва мени ҳам бу гуруҳга киритишди.

Москвадан Тошкентга қайтишимда Оренбургда тухтаб ва у ерда “Бошқирд Улка Шуриси”ни ташкил этдик. “Вакт” газетасининг 19 май сониди “Бошқирд Марказий Шуриси” тузилганини ва 20 июнда илк Бошқирд курултойи Оренбургда тупланишини эълон қилиб, халққа билдирдик. “Бошқирд” газетасини ташкил этдик. Унинг дастлабки сониди имзосиз бош мақолани мен ёздим. Унда бошқирдлар Туркистон билан Волгабуйи уртасида куприк вазифасини уташини мухторият масаласига қарши булган қозонлиқларнинг ҳам Россия шарқида озодлик ҳаракатига кушилишига сабаб булишини ёздим. Бу мақолани уша пайтда Оренбургда яшайдиган мусулмонлар орасида қайта хурматга эга булганлар, айниқса, қозонлик олим Ризоуддин Фахриддин ва шоир Зокир Рамеев кабилар маъқуллади. Бироқ “Вакт” газетасининг бош муҳаррири Фотих Каримий мухториятнинг ашаддий душмани эди. Бу киши Туркистон билан Идилбуйи таракқиёт йуллари бир-биридан бутунлай фарқ қилади мени бир кун Тошкентда, бошқа кун Оренбургда, бир кун узбек ва козоқлар билан, бошқа кун эса бошқирд ва татарлар билан келишиб, катта сиёсий ҳаракатни амалга ошириш ниятимни икки оёғи билан икки қайиқни бошқараётган одамдай деб изоҳлабди. “Вакт” газетаси 23 май сониди муаллифлардан яна бири “Бошқирдлар” номини бутунлай йук қилиш ва бошқирдларни татар номини қабул этишга мажбур қилиш фикрини билдирган эди. Бу гаплар руслардан ташқари, ҳали уз ичимизда катта тусиқлар борлигини ва уларга қарши курашиш куп куч ҳамда вақтни

талаб этишини билдирувчи аччик хақиқатдан далолат берарди. Биз Оренбургдаги козок зиёлилари билан бу хусусда куп суҳбат курдик. Татарларга таъсир курсагиши мумкинлигини уйлаб, Ризоуддин Фахриддинни бир маротаба зиёрат килдим. У ушбу даъвомизни мукаддас деб билишини, бироқ энди кексайиб қолганини, қулидан тузукроқ иш келмаслигини, Абдурахмон ва Абдурашид исмли угилларига Бошқирдистон мухторияти учун кўмаклашишларини васият қилганини айтди. Бу мен учун яхши натижа эди. Мен татарлар орасида бизнинг ҳаракатимизга тарафдорлар топилишига умид боғлаб Тошкентга йўл олдим.

*§ 79. Тошкентда унитаризм ва реакцияга қарши курашлар.* Июл ойининг йигирманчисида очиладиган Бошқирдистон қурултойига қадар ярим ой Тошкентда ишладим. Гарчи Бошқирд Марказий "Шуроси" улкамизнинг ташкилий ишларини менга юклаган булса ҳам мухторият ҳаракати аввал Туркистонда ҳал этилмагунча Бошқирдистон ва Қозоғистонда ривож тополмас эди. Аввало, қозоклардан рус кадет фирқасига кирган Алихон Букайхон билан Мустафо Чукай иккиланишмоқда эди. Узбеклардан бу гоёнинг туғри эканини ошкор исбот этмоққа бел боғлаган зотлардан самарқандлик адиб Маҳмудхужа Бехбудий билан қўқонлик Ашурали Зохирий ва Обидхон Маҳмуд (Чатоқ) эдилар. Тошкентлик Мунаввар Қори баъзан иккиланиб қолсада, Маҳмудхужа ва менинг сўзимиздан чикмасди. Мен, Бехбудий, ёш узбек шоири Чўлпон, тошкентлик ёш муҳаррир Толибжон, татарлардан нуғойқургонлик Тохир ва самарқандлик Ҳакимзода билан шаҳарма-шаҳар юриб мажлислар ташкил қилар эдик. Чекка жойлардан зиёлилардан зиёлиларни Туркистон Улка Марказий Шуроси Марказий кенгашига таъсир қилардик.

Натижада мухторият гоёсининг асл душмани ҳисобланган Тошкентдаги кадетлар фирқаси уз обруини йўқотди. Июл ойининг бошигача қилинган жиддий курашлар натижасида мухторият гоёси барча жойларда оммалашиб борди. Бу Россия таъсис мажлиси сайловларига муайян бир миллий дастур атрофида бирлашиб бора олишимиздан далолат берар эди. Туркистон Марказий Шуросининг ташкилий ишлари менга юктанган эди. Бунинг устига Шуро нашри «Кенгаш» газетасига бош муҳаррир ҳам эдим. Қозоклар Мустафо Чукай ва Султонбек Хужаевлар раҳбарлигида энди чиқа бошлаган «Бирлик байроғи» газетаси атрофида бирлашди. Яна газета чиқарадиган одамни университетда таҳсил олган, сиёсий ишларга аралашган Тошпулатбек Норбутабековни газета чиқариш имконияти йўқ эди. Мунаввар Қори билан бирга улар етиштирган зиёлилар русчани билмас эдилар. Қолаверса, улар хали ёш эди. Булар орасида жиддий, фидойилар ҳам куп эди. Қозонлик муҳаррир Абдуллох Баттол худудий мухторият тарафдорларидан эди. У Тошкентга келиб, бир муддат Марказий Шуроода ишлади. Оренбургдан «Вақт» газетаси

мухбири Кабир Бакир апрелда Туркистон съезди вақтида мухторият гоёсига қарши кураш олиб борган эди, лекин кейинроқ қарашларини узгартириб, мухторият тарафдори булди ва Туркистонда қолди.

Бизнинг илтимосимизга биноан, Озарбайжон “Мусовот” партияси бир икки озарбайжонликни юборган эди. Улар жуда яхши ишладилар. Асосий масала “Россия Таъсис мажлиси”га шаклланган бир Туркистон гуруҳи ҳолида бормок эди. Чунки, сул фикрловчи ёшлар эсерлардан узоқлашдилар. Чунки улар Россиядан кучириб келтирилган русларни қувватлар эдилар. Бундай вазиятлардан болшевиклар фойдаланар ва ёшларни ўз тарафларига тортардилар. Булардан Санжар Исфандиёр, Назир Турақул каби танишларим болшевикларга мойиллик билдирардилар. Иккинчи томондан, “Уламо фирқаси” вужудга келди. Улар миллат ва мухторият гоёси атрофида бирлашмоқ истаганларни қўллаймиз, дея унғ эсерларни, русларнинг Самарқанд собиқ губернатори Лыношин раҳбарлигидаги монархист гуруҳларни қувватлай бошладилар. Қозоқлардан Шерали Лапин деган кекса бир зиёлининг уларга адвокатлик қилиши вазиятни тахликали бир ҳолга келтирмоқда эди. Бу сул қаноти ута реакцион уламо табақаси яхлит партия атрофида бирлашишга ҳаракат қилишди. Мунаввар Қори, Маҳмудхужа Бехбудий ва ёш бухороликлар рус кадетларига ҳам, социалистларга ҳам қарши чиқишди. Аксинча, узбеклардан Низомиддин Хужаев ва қозоқлардан Қулбой Тугусов социализм тарафдори эдилар. Марказий шўронинг ташкилий ишлари мудири сифатида ҳали тузилмаган, энди бу партияларни тузиш ва уларнинг ёмон қўлларга утиб қолмаслиги учун ҳаракат қилишдек оғир ва масъулиятли вазифалар зиммамда эканини тушундим. Менга: “Партиялар ўз-уздан тузилади, уларни тузишга бировнинг буюртмаси керак эмас, дейишарди. Лекин биз Россия таъсис мажлиси чакирилишидан аввал партиялар тузиб, ўзаро келишиб олишимиз керак”, дер эдим.

§ 80. *“Туркистон Ўлка қўмитаси”да рус партиялари билан курашлар.* Мен инқилобдан аввалроқ 1911 йилдан социализм гоёсини уни озми-кўпми маъқуллар эдим. Шу боис Муваққат ҳукуматининг раҳбари Керенский булганлигидан ва Сирдарё вилояти бошлиғи собиқ социал-демократ Наливкинга тайинланганлигидан мамнун булдим. Наливкинни шарқшунос сифатида 1913 йилдан эътиборан яхши таниганим боис шахсан бориб табриқладим. Россия сайловларида социалистлар купчиликни ташкил этиб, ғолиб чиқишидан хурсанд эдим, миллатимиз бундан, албатта, манфаат куришига ишонардим. Петербургдан “Туркистон Муваққат қўмитаси” сифатида юборилган кадетлар куп утмасдан эътибордан тушдилар ва қайтиб келдилар. Улардан Садри Максудий ва Азиз Давлетшинлар ҳам Россияга қайтишди. Наливкин Туркистон қўмитасини тез узгартирди, у партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотлар коалиция шаклига кириб,

Наливкин раислиги остида бирлашди. Бундан аввалги кумитанинг баъзи аъзолари Шендриков, Шкапский ва мусулмонлардан Муҳаммаджон Тинишбоев уз уринларида қолишди. Ҳамманинг ҳуқуқини тан олиш адолатлидир, деб биладиган социалист ва яхши инсон Наливкиннинг Туркистон комиссари этиб тайинланиши мени жуда хурсанд қилди. Шу муносабат билан уни яна бир бор қутладим. Мен туркистонликларни мажбурий ҳарбий хизматга олиш, милиция ҳамда темир йул ишларига жалб қилиш хусусидаги фикримни Наливкинга вақтини топиб айтдим. У фикримни қувватлаб, бир нечта мусулмонни милиция идорасида муҳим вазифаларга тайинлади. Шахсан ўзим баъзи инқилобий тадбирларсиз социализм амалга ошириши мушкул эканига ишонганим учун, айти пайтда, социализмнинг хусусий мулкка тегмаслик фикрини қўллаб-қувватлаганим учун эсерлар партиясига апрел ойида аъзо бўлиб, май ойида аъзоликдан чиққан бўлсам-да, бу партиянинг уша пайтдаги сул қанотига самимий мойиллигим бор эди. Туркистон мусулмонлари орасида сиёсий партия ташкил этишни истовчи, бироқ ишни қаердан бошлашни билмай боши қотган зиёлиларни 1917 йил 9 июн оқшомида “Регина” меҳмонхонасига чақирдим ва ўзим социалистик партия қуриш тарафдори бўлсам-да, Россия Таъсис мажлиси сайловлари тугагунга қадар фирқаларга ажралмасдан ягона Мусулмон шурулари номидан ҳаракат қилишимиз, бироқ партиямизни ташкил этиш учун ҳозирданок замин ҳозирлашимиз зарурлигини, Туркистонда социализм тарафдори бўлмаган илғор зиёлилар ҳамда социалистлардан иборат иккита партия тузиш кераклигини, ундан қўпи ортиқчалик қилишини, ташкил этиладиган икки партиянинг умумий иш дастурини ҳозирдан аниқлаб олиш зарурлигини айтдим. Тўпланганлар фикрларимни қабул этдилар ва Таъсис мажлиси сайловига қадар иқтисодий масалалар хусусида жим туриш лозимлигини таъкидлашди. Айти пайтда эсерлар, социал-демократлар, болшевиклар ва бизнинг социалист бўлмаган зиёлиларимиз қелиша оладиган демократ рус жамоалари билан боғланиб, ахволни урганиб чиқишга ҳам қелишиб олдик. Убайдуллаҳужа ва мен эсерлар партиясига билан, Низомиддин Хужа социал демократлар билан алоқада бўлиб турадиган бўлдик. Орада эсерлар партиясига қайтмоқчи ҳам бўлдим, бироқ партиянинг Тошкентдаги марказига мурожаат қилиб борган пайтимда, менинг инқилоб йилларида рус социалист партияларига нисбатан муносабатимни аниқлаштириб олишимга имкон берувчи баъзи ҳодисалар юз берди. Бу Россиядан келган озик-овқатларнинг рус ва маҳаллий аҳоли уртасида тақсимланиши ҳамда туркистонликларнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланишлари масаласи эди. Апрель ойидаёқ мусулмонлар конгресси билан бир пайтда давом этаётган Туркистон ишчи ва аскар шурулари конгрессида озик-овқат масаласи қутарилган эди. Россиядан озик-овқат келмайдиган бўлгач, Туркистоннинг узида

озик-овкат захираси тугагани боис улка аҳолиси очарчилик гирдобига тортилмоқдаэди. Озик-овкат тақсимотичунумумий комиссия тузилди. Мусулмонлар Шуриси томонидан бу комиссияга жунатилганлар орасида мен ҳам бор эдим. Бу комиссияда рус партиялари ҳамда ахудийларнинг “Бунд” партияси келган озик-овкатни фақатгина европаликларга тарқатиш, маҳаллий аҳолига эса жуда кам озик-овкат ажратиш ёки умуман, ажратмаслик ҳақида келишиб олишибди. Убайдулла Хужаев ва қозоклардан адвокат Абдурахмон Ҳўраев бу масалада улар билан қаттиқ тортишдилар. Болшевиклар партиясидан эканини кейинроқ билганим социал-демократ ишчи ташкилоти раиси Першин бу мажлисда, маҳаллий аҳоли шундоқ ҳам қирлиб кетади, уларни Россиядан келган озик-овкат қутқариб қололмайди, деди ва шунга ухшаш лоқайд фикрларни билдирди. Турор Рисқуловнинг бир асарига бу ҳақда шундай ёзади, ўша пайтда Тошкентда жуда фаол булган болшевик Тоболин ҳам шунга ухшаш сузларни айтган. Першиннинг сузларидан сўнг улар билан боғлашиб, бу масалани жиддий равишда урганишга қарор қилдим. Зеро, озик-овкат ва темир йул ишчилари унинг қулида булиб, комиссия номигагина тузилган эди. Билишимча, Першин озик-овкат тақсимотидан фойдаланиб, социал-демократларнинг болшевиклар жамоасини ишчилар ва европаликлар уртасидаги мавқисини оширмоқчи булибди. Дусларимиз булган эсерлар бу ҳақда билилган булса-да, эътироз бидиришга уринишмади. Мен эсер фирқасига қилган мурожаатимни дарҳол қайтариб олдим ва фикрдошларимга ҳеч қандай рус социалистик партиясига кирмаслигимизни ва Таъсис мажлисидан сўнгра дарҳол Туркистон социалистик партиясини ташкил этишимизни айтдим. Зотан, улар ҳам шундай фикрда эдилар. Першин билан тортишиб утирмадим, у билан бир неча марта қуришдим. Июл ойи охириларига қадар алоқалар шундай давом этди. Аён булдикки, эсерлар орасида бизга Туркистон Мухториятининг эгалари сифатида қаровчилар бор экан. болшевиклар Туркистоннинг истиклолида маҳаллий вакилларнинг фаол роли ҳақида уйлашмасди ҳам. Болшевикларнинг фикрига кўра, Туркистон уларнинг раҳбарлиги остида қурилади ва “социалистик диктатуранинг шарқий сектори” сифатида қолади. Улар маҳаллий вакилларга фақатгина уз партияларига қўшилиш таклифини билдиришди. У пайтда советлар қупчилик эмасди, бироқ ҳаммаси руслардан иборат эди. Улар уша пайтдаёқ Туркистонда парламентаризмни фақатгина “Ишчи шу-ролари диктаторлиги” сифатида тушунишарди. Гарчи очиқчасига эътироф этишмаса-да, уларнинг парламентаризмга қарши эканига шубҳа йўқ эди. Улар узларини интернационалист қилиб курсатувчи рус социалист диктаторлари булганлиги боис биз учун улар билан маслаҳатлашиладиган масала қолмаган эди. Ҳолбуки, мен Лениннинг “Оқимга қарши” асарини уқиб, унинг миллат масаласидаги ижобий фикрларига қизиқиб қолган эдим.



Ҳатто, эсерлар партиясининг раҳбари Виктор Черновнинг ўша пайтда Россияга қайтган Ленинни ёмонлаб, “Дело Народа” газетасида ёзган фикрларини ноҳақ деб топган эдим. Бирок Туркистондаги болшевиклар (Першин, Тоболин, Колесов ва бошқалар)нинг муҳим ҳаётий масалаларга муносабатларидан билдикки, уларнинг тили ширину, ишлари жирканч экан. Шунинг учун ҳам уларга ишониб булмас эди. Меншевиклар фиркасидан бизнинг йигилишларимизда врач Фитерман ва яҳудийларнинг социал-демократик ташкилоти “Бунд” вакили Бройдо кабилар иштирок этишган эди. Социал-демократлар орасида Мансуров исмли киши яхши инсон эди, у ҳам мен сингари болшевиклар билан ҳамкорлик қилиш ўзини ўзи ҳалок қилиш демакдир, деган фикрда эди. Яна украинalik Павлюченко бўлиб, Туркистон Мухторияти ғояси тарафдори эди, бироқ партиядо таъсири кучли эмасди. Умуман олганда, меншевикларнинг аксарияти миллий масалалар “интернационализм”га зид деб тушинганликлари сабабли бизга нисбатан қарашлари кадетларникига яқин эди.

**§ 81. Сайлов ҳақида ягона қонун ва ягона Туркистон парламенти учун кураш.** Иккинчи муҳим масала тўғрисидаги сайлов қонунни Туркистонга татбиқ этиш эди. Апрель ойида Советларнинг Улка съездида руслар Туркистонда “иккинчи Дума” бўлиши керак (бири руслар, бири маҳаллий вакиллар учун) деган таклиф билан чиқдилар. Биз бу таклифга қарши чиқдик. Мен ва Бехбудий бошчилигидаги мусулмон зиёлиларнинг каттиқ эътироз билдиришига қарамай, бу таклиф яна бир бор жонланди. Бош комиссар Наливкин мусулмонларга қарши қарор қабул қилмаган булса-да, бизни қатъий туриб ҳимоя ҳам қилмади. Биз “бу масалада фикримизни қуллаб-қувватлашингизни Туркистон генерал комиссарига билдиришингизни сураймиз, деган маънода Петербургдаги Керенский ҳукуматиға телеграмма жунатдик. 20 июнда Керенскийдан, бу масалани узингиз ҳал этинг, деган жавоб келди ва вазият янада кескинлашди. Мен Павлюченконинг таклифи билан ўзимизга тарафдор топиш мақсадида Ишчи ва аскар депутатлари Советига бордим. Меншевиклардан Бройдо ва болшевиклардан Тоболин кабиларнинг, “улка парламентини ўзбеклар кулига бериш катта фалокат демакдир, уломаларни куриб турибсиз-ку», каби гапларининг гувоҳи булдим. Бу маҳаллий шўроларнинг аксарияти бизга қарши овоз беришидан моҳиятан бир хил эди. Апрель ойида тупланган Улка ижроия қумитаси ва Туркистон мусулмонлари конгрессининг ҳар иккисида Туркистон парламенти ва вилоят ҳокимликларига аъзолар аҳоли сонига мутаносиб равишда киритилиши ҳусусида қарор қабул қилинган булса-да, кадетлар ва социал-демократлар “икки Дума” принципини қабул қилдириш ҳамда ўлканинг транспорт ва саноатини бевосита руслар бошқарувиға топшириш, маҳаллий вакилларга эса фақатгина мусулмон маҳаллалари бошқарувини қолдиришга уринишди. Уша пайтда руслар мутаассиб мусулмон уламосининг

рус монархистлари билан яқинлигидан уз даъволари учун хужжат ва далил сифатида фойдаланишар, ҳатто уламо таҳдидининг янада орғишидан манфаатдор бўлиб, гиж-гижлашга уринишарди. Петербургдан 20 июнда телеграмма келгандан сунг Наливкин Улка шуросини туплади. Туркистон Мусулмонлар Шуросидан Убайдулла Хужаев, Норбутабеков ва мен келган эдик. Мустафо Чукай кадетлар билан буладиган тортишувдан ўзини олиб қочиш учун бу мажлисга келмади. Норбутабеков эса кадетлар ва меншевиклар фикрига мойил эди. Мен уламолар ҳаракатини ортикча бурттириш демагоглик бўлади, бу гапларни айтаётганларнинг аксарияти аслида Мусулмон Шуросининг эътибордан тушишини ва уламоларнинг кучайишини исташмоқда, қолбуки, уламолар замонавий ташкилотни тушунишмайди, бордию улар Тошкент шахрида рус дуствларининг ёрдами билан ютиб чиқишса ҳам вилоятларда ва Умумроссия таъсис мажлисидан урин ололмайдилар, уларнинг даври ўтган дейишим билан мухалифатдагилар менга "ташланишди". Улардан бири (Фитерман булса керак) Норбутабеков ва Мустафо Чукайни узига яқинлигига шама қилиб, "маҳаллий Туркистон зиёлилари биз билан ҳамфикр бўлиб турганда бу бошқирд доим қарши чиқади" деди. Шунда Убайдулла Хужаев ва ҳукумат Муваққат кумитаси аъзоси, қозок муҳандиси Муҳаммаджон Тинишбоев жуда яхши жавоб қайтаришди. Тинишбоев: "Биз мана шу мажлисда Россия номидан иштирок этаётганларнинг қайси бири великарус, украин, ёки яҳудий эканини суриштирдикми, сиз нима сабабдан уртамиздаги фарқ ҳақида гапирасиз? Бизда ҳам худди сиздагидек партияларда фарқ булиши мумкин, миллатида эмас. Миллат сифатида ягона миллатмиз. Мен Еттисув вилоятидан келган қозокман. Валидовнинг фикрларини қуллаб-қувватлайман, мусулмон зиёлилари билан бирга мен ҳам тенг миқдордаги сайлов бизда ҳам ҳеч бир ўзгаришсиз жорий қилиниши тарафдориман", деди. Тинишбоевнинг сузларидан сунг Норбутабеков ҳам биз билан бир фикрда эканини билдирди. Шу билан мусулмонлар томони бирлашди. Эсерлар ҳам бизга қушилгач, биз купчиликни ташкил этдик. Сайлов қонуни Туркистонда ўзгаришсиз амалга оширилишига қарор қилинди. Бу ҳақда Петербургга билдирилди ва 16 июлдан 30 июлгача бутун Туркистон буйлаб маҳаллий сайловлар ўтазилиши эълон қилинди.

Бу биз учун, айниқса, мен учун катта ғалаба эди. Гарчи куп утмай, болшевиклар ҳукумат тепасига келиб, бу қарорларни бекор қилган булса-да, уша пайт учун катта натижа эди. Туркистон муваққат кумитасининг бу масалага доир қарорини Убайдулла Хужаев билан ўзбекчага таржима қилиб, араб ҳарфлари билан расмий "Туркистанские ведомости" газетасида эълон қилдик. Бу Туркистоннинг русча расмий газетасида биринчи араб ҳарфида битилган ўзбекча расмий ёзув эди.

Сунгги масалада мусулмонлар томонда турганликлари учун

эсерлар партиясининг мусулмонлар орасида эътибори кучайди. Биз Таъсис мажлиси сайловларидан сунг жадиidlар билан бирга радикал партия ва социалистик партия ташкил этишга қатъий келишиб олдик ва бунга тайёргарлик кўра бошладик. Мен социалистик партия дастурини ёзишга киришдим. Озик-овқат таксимоги ҳамда сайлов қонунининг Туркистонга татбиқ этилиши масалаларида рус партиялари билан тортишувлар натижасида биз партиялар моҳиятини англаб олган эдик. Шахсан мен учун бу катта сабоқ ҳамда инкилоб йилларидаги фаолиятимда катта тажриба булди.

### *§ 82. Социал-демократ Наливкин қандай ағданди.*

Мен болшевикларнинг ҳақиқий интилишлари нимадан иборат эканлигини ўшанда сездим. Уларнинг ҳамма жойда раҳбарий уринларга эришувларининг, ички ташкилотларига сукилиб кириб олишларининг, мусулмонлар орасида ўз фойдаларига қараб ҳаракат қилишларининг маъноси тушунарли булди. Июньнинг иккинчи ярмида Туркистон социал-демократик партиясининг съезди булиб утди. Мансуровнинг таклифига мувофиқ мен бу съезднинг баъзи йиғилишларида қатнашдим. Бош комиссар урнини олган Наливкиннинг партия сул канотида бўлиши “Туркестанские ведомости” газетасида эълон қилган мақолаларидан сезилиб турарди. У “ерли пролетариат” ҳақида ҳам ёзди. Меншевикларнинг съездини Давлат Думасининг социал-демократлар фракциясини номидан табриклади. Ишчи-хизматчилар Советлари маркази номига табриқ юборган болшевик Тоболин бутун социал-демократларнинг, шу жумладан, болшевикларнинг бирдамлигини ёқлаб нутқ сузлади. Мансуров болшевиклар билан бирга ишлаб булмаслигини, уларни социал-демократлар партиясидан чиқариш кераклигини тушунтирди. Шунга қарамасдан, конгресс болшевиклар билан ҳамкорлик қилишни лозим топди.

Бу ҳодисадан сунг Наливкин хузурига бордим, Туркистонда бутун бошқарув сон жихатдан жуда оз болшевикларнинг қулига утиб қолиши мумкинлигини, улар билан бирга ишлаш узга партияларни тарқатиб юбориш ва уларни маҳв этиш эканини айтдим. У эса Тоболин фақат сулга мойил бир социал-демократ эканини, ундай қурқмаслигини айтди. Мен Бройдо ва Фитерман каби яҳудий социалистларини фақат социалистгина эмас, балки кўпроқ сионист эканликларини, туркман саркардаси Жунайдохон бошчилигида Хивада содир булган исённи текшириш юборилаётган ҳайъатга қушиб, хато қилганини айтганимда, Наливкин узун соқолини сийпаш билан каноатланди. Лекин кетишимдан олдин: «Сиз билан бундай масалалар хусусида суҳбатлашиш мен учун фойдали эканига ишопинг», деди. Мен Тоболиннинг бир нухаси сифатида таниганим Бройдо ҳақидаги салбий фикрларимни очиқ айта бошладим. Ҳатто унга қарши газеталарда ҳам жиддий чиқишлар қилдим, лекин Наливкин яна уни социал-демократ дея Хивага борадиган гуруҳга қушди. Ҳолбуки, у

болшевик эди. Болшевикларнинг асосий мақсади Керенскийнинг демократик ҳукуматини ағдармоқ эди.

Наливкин Туркистонда демократияни олпортунизм (огмачилар) ботқоғига ботиришни олдиндан сезар эдим. Ва шундай булди ҳам, Октябр ойида ҳокимият болшевиклар қулига ўтди. Наливкин ишонганлари Тоболин ва Колесов томонидан таъкиб этила бошланди ва улдирилишдан қурқиб қочди. Бир муддат яшириниб юргандан сунг, рус кабристонида бир вақтлар мен ҳам яхши таниганим хотинининг кабри устида тўппонча билан ўзини отиб ўлдирди. Бу олпортунист, социалист совет генерал-губернаторининг фожиаси тасодифий бир ҳодиса эмас эди. Кейин ҳам курдикки, болшевиклар қаерда нуфузли бир олпортунистни курса, аввал хушомад қилиб, талтайтириб, ўз фойдаларига ишлатиб, сунг унинг бошини ердилар.

**§ 83. Илк шиқлоб ойларининг гузал хотиралари.** Россиядаги биринчи инқилобнинг дастлабки ойлари жуда гузал бир пайтлар эди. Бир-биримизга чин кўнгилдан ишонадиган, самимий, жондан азиз дўстларим бор эди. Купинча, дустона айтган фикрларим бу ёронларим томонидан бир мақола ёки бир шеър сифатида пайдо буларди ва майдонга чиқарди. Шоир Чўлпон сайлов қонунчи масалалари тугрисидаги курашларимизни беҳад гузал бир манзума килиб ёзибди. Қозоқлардан ҳуқуқчи Серикбай Ақаев деган бир дўстим бор эди. У қуйи Сирдарё хавзасини, қозоқ ва ўзбеклар урнашиб қолган бу жойни Туркистоннинг идоровий ва маданий маркази ҳолига келтира олишларига ишонарди ва бу ердаги қадимий Жанд ва Янги Кент угузлари маданияти тарихига доир бир маърузамни ҳам «Бирлик туги» деган қозоқ тилида чиқадиған газетада менинг руҳсатим билан ўз мақоласи сифатида ёритди. Бу мақола кейинчалик Қозогистон пойтахти Қизилурда шаҳри булиб қолишига сабаб булганини билдим! Қўқонда дўстим Ашурални Зоҳирий билан бирга «Юрт» номли бир маданий масалаларни ёритиш учун журнал нашрини бошлаган эдик. Унда «Туркистон миллиатининг маънавий сарвати» мавзуга доир мақоламнинг ижобий таъсирларини 1920 йилда Бухоро жумҳурияти раиси Мирзо Абдулқодир Муҳиддинов бу мақолани дўстларимизнинг ёнида ёддан айтиб берди.

Хуллас, не қилсам ҳам унинг сунгида ижобий натижа курилмоқда эди. Эркин инсон сифатида ишлаш Туркистонда қандай ижобий натижалар бераётганлигини куриш қувончли эди. Петербургдаги Дума Мусулмон фракцияси бюроси урнига май ойида Москвада Россия мусулмонлари съезди томонидан сайланган ва Россия мусулмон ташиқлотларининг ижроя қўмитаси («ИКОМУС») Петербургда иш бошлади. Дума фракция бюросидан олаётган маошимни ИКОМУС аъзоси сифатида бу ердан олишим лозим экан. Бунинг урнига Тошкентда тузганимиз Туркистон мусулмон шўросидан олмоқки афзал курдим. Июл ургаларида Уфадаги муаллим дўстларимдан «Қаерда

ишласангиз ҳам хайрли эканлигини тушуниб, бу ердаги дусларингиз фракция бюро аъзоси сифатида маошингизни сизга юборишда давом эттиради тарзида бир мактуб олдим ва ушандаёқ Петербургдан Уфага кайтдим. Салим Гирей Жонтурин менга икки ой учун 1000 рус рубли пул юборди. Дустим Убайдуллох Хужа бир ҳукукшунос сифатида, балки, сайловларда ҳам кучмас мулк масаласи курилиши мумкин, бир мулк ол, дегач, Тошкентнинг Оҳангарон дарёси хавзасида Облик деган жойнинг юқорисида Чотқол тоғларига қараган гузал бир жойда бог ҳовли сотиб олдим. Менга бу ерни 1917 йилда бориб курмок насиб этмади. Лекин 1922 йилда босмачилик ҳаракатига қўшилмок учун Бошқирдистондан келган йигитлар бу ерда бир неча ой яшадилар. Мен ҳам хушманзара, меваси ва суви ширин бу богда бир неча кун яшадим. Шаҳар ҳокимлиги сайловларида номзодлар рўйхати тузилди. Тошкент шаҳар идорасига менинг номзодим кўрсатилган эди. Кадетлар раҳбари Маллицкий сиёсий соҳада рақибим, ҳатто душманим булгани ҳолда, археолог булгани боис у билан муносабатимиз яхши эди. Баъзан ҳазиллашиб ҳам турардим. Бир кун бир йигилишда ўзбек аёли сиёсий нутқ сузлаганини Маллицкий билан бирга эшитдик. Мен унга: “Қара, икилобнинг бешинчи ойидамиз. Сен сайловга қушилиб, аралашиб, маданиятга путур етказди, деган ўзбек аёли энди минбарга чикмокда ва у ҳам ҳокимиятга ҳамда Россия таъсис мажлисига сени эмас, мени сайлайди”, дедим. «Кураимиз», деди Маллицкий. Кулишдик. Бу инкилоб ойлариининг бир кун утган даврларнинг йилларга тенглаштириш мумкин эди. Бир кун дустим профессор Лев Зиминнинг уйида тушлик қилдик. У мени эсерлар партиясига кайтармокчи булиб, яна бир бор уриниб курди. “Энди рус партиясига киришининг хожати йук. Сен маҳаллий зиёлилар сиёсий партия тuzолмайди, деб айтгандик, хозир мана тuzилмокда. Инкилоб бизни бир неча ой ичида бир канча авлод кулга кирита олмаган тараққиётга сазовор этди”, дедим.

§ 84. *Оренбургда бошқирдларнинг I қурултойи.* 21 июлда Бошқирдистоннинг қурултойида иштирок этмок учун Оренбургга келдим. Мен келганимда қурултой очилган эди. Бошқирд Марказий Шўроси ташкилий булим мудирини мен булсам-да, Тошкентда булганлигим сабабли Қурултойни бевосита ташкилий ишларида иштирок эта олмадим. Лекин Бошқирдистон Марказий Шўроси низомини мен ёзганим боис, ҳар икки Шўрода идора аъзолари яқин дусларим булганлиги учун мен булсам ҳам ишлар мукамал ташкил этилган эди. Оренбургга келганимда, дусларим Саид Мерос, Оллоҳберди Жаъфар ўғлининг Бошқирдистон туманларида низомга кура, яъни бизда “тубек-шуро” деб аталган туман итўбалари тuzилишини ҳам, аҳолидан харажатлар учун пул йиғиш ишини ҳам қурултойга ҳар тарафдан вакиллар белгиланган даражада танлаб юборилишини мукамал суратда таъмин этганларини кургач, сеvindим ва уларни мактадим. Қозокларнинг илк қурултойини ҳам

бизники билан бир кунларда Оренбургда чакирилишига оид қарор қабул қилган эди. Уларнинг қурултойи ҳам 20–25 июлда бўлди. Икки қурултой бир-бирини табриклади. Қабул қилинган қарорлар ҳам бир-бирига уйғун эди. Туркистон қурултойида ҳам кун тартибидаги “Давлат идораси” ва “Ер масалалари” моддаларидан ҳисоб берувчи мен эдим. Бу ерда “Бошқирдларнинг шарқий ва жағубий-шарқий тарафдаги мухторият йулига кирган кенгаш туркий уруғлари билан бирлашиб, мухторият олсин” деган қарори яқдиллик ва олқишлар билан қабул қилинди. Бошқирд қушинларини тиклаш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди. Орғаёш вилояти бошқирдлари орасида Қурбоналиев оиласи бор эди. Катта ер эгалари эдилар. Улар менинг ер масаласига доир уқиган ҳисоботим социализм ва катта ер майдонларининг тез тақсими масаласини қамрагани учун қарши чиқди, бироқ фикри қабул бўлмади. Аввалдан жуда мулоҳазакор ва янгиликка қаршилиги билан маълум бу оила вакили Абдулхай Қурбонали ёлғиз муҳолифона фикрларини айтди ва энг аввал динни ҳимоя қилиш масаласини Марказий Қумита дастурига киритмоқ зарурлигини илгари сурди. Уз тарафидан Шариф Монатов деган бир университет талабасини келтириб, янги сайланган Бошқирд Марказий Шуроси идора хайъатига киритди.

Мен Тошкентда ишлашим кераклиги учун Шуро раислигини зиммамга олмай, фақат ташкилий ишлар билан машғул бўлмоғимни айтдим. Раисликка адвокат Юнус Бикбоевни сайладик, лекин у бу ойлarda келолмаслиги туфайли Шариф Монатов уни вазифасини бажариб турадиган бўлди. Бу бир миллатчи йигитча эди. Петербургда Психоневрология институти талабаси бўлган пайтда Болкон уруши чиқиб қолгани сабабли Туркияга кетган, уруш тугагач, Швецияга келган, у ерда Ленин билан танишган. Бу одам Гавантюрора берилган бўлиб свгил табиатлиги қуриниб турар эди. Сул оғмачилик қарашлари бўлгани ҳолда ҳар қандай янги гоъларнинг ашаддий душмани, реакционер Қурбоналиевлар оиласи вакили эди. Ишончи мустаҳкам бўлмаган бу йигитчада ташкилотчилик қобилияти йуқлигидан, орамизга суқилиб кириб олганидан ҳеч мамнун эмас эдик. Дусларим Саид ва Оллохберди ҳам шундай фикрда эдилар. Қулидан бир иш келмасди, рус тилини яхши билмасди. Барча лойихаларни, масъулиятли мақолаларни узим ёзишга мажбур булардим.

Қозоклар йулбошчиси Алихон Букайхон Турғай вилояти волийси бўлиб кадетлар фирқасидан ҳали чиқмаган эди. Шунинг учун қозоклар қурултойи мухторият ҳақида катъий қарорга кела олмади. Фақат бунга эътибор бериб тарафдорлик фикрларини айта олди. Аммо Оренбург ва Урал рус казаклари, бой савдогарлари ул улқаларининг мухториятини эълон қилиш фикрида бўлганликлари учун ҳам биз эълон қилган мухториятни табрикладилар. Бундай куллаб-қувватлашлар яхши бўлди. Чунки улар ҳам Бошқирд қурултойида бўлганидек, уз қўлини тўзишга қарор қилган эдилар.

Бошқирд курултойи бизга Озарбайжон ва Украина каби мухторият тарафдори булган худудлар билан алоқаларимиз тикланишига сабаб булди. Мени. Усмон Қувватов деган университет талабасини ва Элдархон Мутин исмли бир зиёлини, Бошқирд ер ҳуқуқи ва Чор замонидан йиғилиб келган Бошқирд капиталлари, ҳамда Оренбургдаги бошқирд ҳарбий биноларни, боғлар ва масжидлар ҳақида Керенский ҳукуматига учраб, қанча вақтлардан бери сурилиб келаётган бу масалаларни ҳал этиш чорасини топмоқ учун Петербургга жунатди. Шахсан мен 10 майда Москва съездида Туркистон вакиллари орасидан Россия мусулмон шуролари ижроия комитети (ИКОМУС) га аъзо бўлиб сайланганлигим учун у ерга таклиф этилган эдим. Усмон Қувватов ҳали ёш тиббиёт талабаси бўлишига қарамасдан, бошқирд ер ҳуқуқи масалаларини тушунарди. Ҳукуматга арз этмоқ учун бизга берилган маълумотномада Бошқирдистонга Россиядан яшаш учун кучириб келтиришга доир 1906 йил 9 ноябр, 1910 йил 14 ноябр, 1911 йил 29 май қонунларини узгартиш ва бекор қилиш, жаҳон уруши даврида Россиянинг ғарбий вилоятларидан кучириб келтирилганларни уз юртларига қайтариб жунатилиши ва уларнинг ўрнига Россия ичидан қолган татарлар келиб жойлашишларига рухсат этилиши ҳақидаги талаблар бор эди.

Қайтишимизда биз Қозонга кириб 31 июлда ёпилиши керак булган қозонликлар съезди раҳбарлари билан учрашиб, узлари мухторият ҳоаларига қарши бўлишлари мумкинлиги, лекин Бошқирдистон мухториятига қарши гапирмасликларини илтимос қилдик. Шимолий Кавказ қаҳрамони Шайх Шомилнинг невараси Зоҳид Бейнинг уйида қилинган музокараларда Қозон раҳбарлари, айниқса, Садри Мақсудий бу фикрларга қушилмади.

§ 85. *Соғлиқни сақлаш вазири буларни ишлан.* Биз Петроградга келдик. ИКОМУС мажлисларида иштирок этдик. Унинг нашри ҳисобланган "Известия" номли русча газетада менинг Керенский ҳукуматига киритилганим ва соғлиқни сақлаш вазири лавозимига таъсия этилганлигим ҳақида хабарни ўқиб, ҳайратландим. Чунки бу ҳақда менга ҳеч ким айтмаган эди. Аҳмад Цаликов ва уни дуствларнинг бундан мақсадлари, мени катта мансабга жалб этиш баҳонасида шарқий туркий халқлар орасида мухторият ҳаракатларидаги ташкилотчилик ишларидан узоклаштириш деб уйладим. Қримлик Исмоил Леманов мен уйлаган фикрларимни исботлади. Мен ер ишлари вазири Чернов билан суҳбатлашдим. Социал-революционерлар партиясининг раҳбари ва асосий назариётчиси булган бу кишининг XVIII асрда қозоқ-қирғизлар хони "Тура Бобо" ҳақида гапирганда, сузи битмайдиган нотик, тухтамай бир неча кун гапириши мумкин, бироқ амалда кузичокни ҳам муаммосини ҳал эта олмайди, деганларидек бесамар киши эканини, ишдан кура қупроқ назария билан машғул булганини кўрдим. Ишимизга эътибор қилмай, уз назарияларини

сузлаш билан овора булди. Шундай булишига карамай, карвонсарой масаласини бизнинг фойдамизга ҳал қилиб берди. Карвонсарой бошқирд қўшини рус қўшинининг мустикая бир қисми булган пайтда Оренбург губернатори генерал Перовскийнинг буйруғи билан 1825–1855 йилларда қурилган булиб, шаҳарга келиб турадиган бошқирдлар учун қурилган ҳисобланарди. Унинг кенг боғи ва ажойиб масжиди бор. Буни генерал Перовский бошқирдлар истагига кўра Урта Осиё услубида қурдирган эди. Карвонсарой биноси учун барча бошқирд кантонларидан (худоудларидан) пул тўпланган ва карвонсарой миллий ифтихор сифатида тантана билан очилган эди. Унинг бизга берилиши ҳалқимиз назарида катта аҳамиятга эга булди. Бу бошқирдлардан олиб қўйилган ҳақ-хуқуқлар қайтарилишининг бошланиши булиши керак эди. Бу ҳусусда ҳукуматга ёзган мактубимизни Чернов диққат билан тинглади.

Виктор Чернов 1918 йили Оренбургда бизнинг меҳмонимиз булганида: “Демак, Валидов “бизга қайтаринг” деган талаб билан Петербургга келиб сураган Карвонсарой шу эканда. Уша пайтда бир кун келиб, мана шу бинода меҳмон булишимни билганимда эди, унга бошқа биноларни ҳам қўшган бўлардим”, деб ҳазиллашди. 1929 йил Прагада иккимиз чехославак легионерларнинг йиғилишда булганимизда, ҳамда Парижда қуришганимизда Карвонсаройга оид хотираларини яна бир бор эсга олди. Ҳазилкаш, хушмуомала киши эди. У эсерларнинг “Капитал”нинг урнини босиш учун нашр этган “Амалий социализм” китоби муаллифи ва уша пайтда Россияда энг нуфузли “Дела Народа” газетасининг бош муҳаррири эди.

**§ 86. Мишҳур Плеханов билан учрашувим.** Петроградга қилган сафаримиз асносида эсерлар ёқтирмайдиган Плехановни зиёрат этдим. Асарлари буйича баъзи масалаларни узидан билиб олдим. Кекса Плеханов мамнуният билан тушунтириб берди ва болшевиклар ҳақида салбий муносабат билдирди. Лениннинг самимий эмаслиги, алдамчи эканлигига доир айрим тафсилотлардан гапириб берди. Биз Черновдан Оренбургда бошқирдлар тарихий аҳамиятга эга бўлган биноларнинг қайтарилишига доир буйруқлар олдик. Бу иш эсерларнинг бизга қилган яхшилиги эди.

Қозок зиёлиларидан Жаҳоншоҳ Дустмухамедов ҳам ИКОМУСнинг съездида иштироқ этиш учун Петроградга келган эди. Москва мухторият элчисини каттиқ туриб химоя қилганлигинг курсайди, съездни уша кунларда газетада босилган баённомасидан мени ва Жаҳоншоҳнинг унитаристларга қарши айтган гапларимиз, ҳатто Бошқирдистон мухторияти сузи олиб ташланган экан. Аҳмад Цаликов ва Аёз Исоҳқий Москва съездида бутунлай мағлуб булишганига карамай, бу съезд қарорларини йўққа чиқариш мақсадида ИКОМУСга киришган, ҳатто Цаликов унга бошчилик қила бошлаган эди. Аҳмад Цаликов асл келиб чиқиши Кавказнинг осетин мусулмонларидан бўлиб,



рус тилидан бошқа тилни билмасди. Россия мусулмонларини ягона жамоа деб биларди. Унинг фикрига кура, Пушкин кай даражада рус шоири булса, шу даражада россиялик мусулмон ҳам эди. Федерацияни эса мусулмонларнинг рус маданиятидан ажралиши деб тушунар эди. Татар ёзувчиси Аёз Исҳоқий эса Россия мусулмонлари устидан қозонликларнинг раҳбарлигини таъминлаш мақсадида Цаликов билан ҳар хусусда бирга ҳаракат қиларди. Иккаласи муҳожириликда ҳам бирга булишди. 1924 йил Берлинда Аҳмад Цаликов Керенский томонидан чиқариладиган “Дни” газетасининг 1924 йил 22 август сониди, Аёз Исҳоқий эса 10 сентябр сониди “Миллий ҳислар хусусида” номли мақола ёзиб, ўзларини Россия демократиясининг тарафдорлари булганлигини ва ўз мусулмон биродарлари билан демократия учун курашганларни ифтихор билаг тилга олишибди. Уларни ўз навбатида Жаҳоншоҳ Москва съезди баённомаларига узгартиришлар киритганликлари учун “сохтакорлар” деб атади. Мен булган иш булди деб ортиқча гап гапирмадим. Бирок, узгартиришни шахсан амалга оширган Шокир Муҳаммадёров билан каттик тортишиб қолдик. Бу узгартиришдан энг куп ранжиган киши озарбайжонлик Али Мардон Тупчибоши бўлди.

§ 87. *Саидгирей Алкин билан тортишув.* Декабр ойида қасаллик баҳонасида Тошкентдан Петербургга кайтган “Туркистон Муваққат Кумитаси” аъзоси генерал Абдулазиз Давлетшинни куришга бордим. У ерда қозонлик адвокат Саидгирей Алкинни курдим. Бир иш билан Петроградга келибди. Бу киши Қозоннинг муътабар оиласидан булиб, она тили ва халқига содик эди. Уларни Шаҳобиддин Маржоний ҳам мақтаб тилга олган. Мирзо инқилобнинг бошида (март ойида) Петроградга Россия мусулмонларининг инқилобдан қандай фойдаланиши мумкинлигига доир катта лойиҳа билан келди. Бирок бу лойиҳа ҳақиқатга асосланмай, Россия мусулмонларининг теократик (диний бошқарувли) давлат сифатида бирлашуви мақсадида эди. Мирзонинг статистикадан мутлақо хабари йук эди. Уша пайтда лойиҳа фракция бюросида муҳокама қилинганда каттик танқид остига олдим. Шу тарика мирзонинг режалари барбод булиб, мендан ранжиб қолди. Унинг сузларини эшитган Абдулазиз Давлетшин менинг ҳақ эканимни ҳамда қутилмаган баъзи сузларни айтди: “Закийбей ва унинг дустлари бу инқилобдан миллатнинг қандай фойдаланиши мумкинлиги йулларини биздан кура яхшироқ билишади, чунки улар халқ орасида улғайишган. Ёзда Тошкентга борганимда, бир неча съезд бир пайтнинг узиди давом этаётган эди. Воқеалар ривожланиши ва нима ҳақда гап айтаётганини дабдурустдан англаш мушкул эди. Худди филмагидек воқеалар жадал ривожланарди. Закийбей мана шу чигал масалаларни англаш билан бирга съездда укиш учун ҳисобот ҳамда мусулмонлар томонидан таклиф этилиши лозим булган халқ осонгина тушунадиган маъруза ва хулосалар билан келган эди. Мен Туркистонда узок йил

яшадим, бироқ бу мамлакатда инглизларнинг Ҳиндистонни бошқариш учун тузган режалари ва қонунларини нима мақсадда русчага таржима қилиниб, нашр этилганини фаҳмламадим. Бу асарларни ҳатто курмаганман ҳам. Аҳмад Заки улқа съезди ҳамда улқа шуросида бу асарларнинг ҳақиқий моҳиятини очиб бериб, улқанинг келажакдаги бошқаруви масаласини миллий йуналишга бурди. Мен дастлаб федерация фикрига қарши эдим. Ҳозир федералистларнинг режалари мантиклироқ эканини қуряпман. Айни пайтда сиз таклиф этган шариятга асосланувчи теократик давлат қуриш асло мумкин эмас деб ҳисоблайман. Валидов сизга туғри эътироз билдирган”. Генералнинг бу сузлари мен учун қутилмаган маънад бўлди. Генерал Абдулазиз асли Бирски уездидан бўлиб, катта отаси Одишшоҳ эшон утган асрнинг бошларида бизга яқин Истарлибошда имом ва шайх бўлган. Угли Давлатшоҳ эшонни Бухорода уқитди. Давлатшоҳ эшон туркча, форсча асарлар ёзган ва Оренбургнинг Чибинли кишлоғида мадраса очган. Унинг уғилларидан бўлган Абдуллоҳ мулла, Чалабий (Челябинск) уездининг Ички волостига имомлик қилиб юрган кезлари бир сабаб билан русларга яқинлашган ва бошқирдлар кантони (ҳарбий қисми) бошлиғи лавозимига тайинланган. Россия ҳукуматининг эътиборига сазовор бўлиш учун машҳур шоир Окмулла ҳамда Зайнуллоҳ эшонларни сургун қилган. Ана шу киши, яъни Давлатшоҳ эшон угли Абдулазизни мадраса таҳсилдан сунг рус ҳарбий мактабига берган. Абдулазиз Туркистонда генерал Куропаткин кули остида олий ҳарбий маъмуриятда фаолият курсатди. Сунг Петербургдаги Россия Бош штабининг Осие бўлимини бошқарган. У император Вилгельм II Туркияга келганида Россия Бош штаби томонидан Сурияга юборилган. У ердан қайтиб келиб, махфий ҳисобот ёзган. Бу ҳисобот факатгина 1917 йил инқилоб кунларида “махфий ҳужжатлар” орасидан қўлимизга тушди. Турмуш уртоғи саводсиз рус аёли эди. Петроградда мусулмонларга аралашмас, унинг уйига ҳам деярли ҳеч ким бормасди. Яъни, бу киши том маънода руслар муҳитида улгайган генерал эди. Исломни тушунган, форсчани ҳам жуда яхши билишига карамай, мусулмонларнинг ишларига аралашмас эди. Мана энди инқилоб пайтида миллатчига айланди. Давлатшоҳ эшоннинг яна бир угли Аҳмадшоҳ Бухоронинг Қарши шаҳрида яшарди. Узини саидлардан деб кўрсатиб, “хужа” деган ном олди. Аҳмадшоҳнинг угли Гумерхужа (Умархужа) дегани билан кейинроқ, 1921 йилда Қаршида қуришганмиз. Аҳмадшоҳнинг яна бир угли Абдукалом Оренбург уездининг Илак шаҳрида, бошқалари эса Чибинлида имом эдилар. Улардан Фотих мулла Давлетшин ҳам биринчи бошқирд қурултойида иштирок этиб, Бошқирдистоннинг парламентиغا аъзо этиб сайланган эди. Оренбургдаги Бошқирд Шуросида фаол иш олиб борди. Бошқа томондан Бухоро амири ҳузурида саид ва хужалар орасидан урин эгаллаган, турли ерларда имом ва шайх бўлган Давлетшинлар оиласи

ниҳоят даражада оппортунист (огмачи) оила эди. Генерал Абдулазиз бу йил кадетлар ёрдамида Россия инқилобий ҳукумати томонидан “Туркистон Муваккат Қўмитаси”га аъзо бўлиб, Туркистонга юборилган эди. Энди кадетлар юлдузи суна бошлаганини куриб, хасталикни баҳона қилиб Петроградга қайтган ва бизга айтганидек, энди Тошкентга қайтиш истаги йук эди. Менинг бундан чиқарган хулосам, генералнинг миллатчиликка чин дилдан ишонгани учун эмас, биз тарафдор булган федералист ва автономиячиларнинг йўли энг ҳаётий йўл эканини кургач, тунини узгартириши эди. Мен ва Усмон Қувватов бу суҳбатдан хурсанд булиб чикдик. Бир оз вақт утгандан кейин биз генерал Давлетшинга кадимги бошқирд қўшини тарихини ёзиш вазифасини юкладик. Саидгирей Алкиннинг ҳукукшунос ва забит угли бир йилдан сунг Бошқирдистонга келиб, бизнинг ҳаракатимизга қушидди ва отасидан менга салом олиб келди.

§ 88. *Москва Давлат кенгаши.* Барчамиз 25–28 август кунлари Москвада тупланадиган Умумроссия Давлат Кенгаши конгрессига боришга тайёрландик. У ерда муслмонлар номидан баёнот ва федерация хақида нималар сўзланиши кераклиги, украиналиклар ва белоруслар билан бирга булишимиз хақида баёнотни Москва конгрессига раислик этувчи федералист Алимардон Тўпчибоши гапириши кераклигини келишиб олдик. Москвага келганимизда озарбайжонлик бадавлат киши булган Асадуллаевнинг мактабида тўпланиб, кенгашга келган барча муслмон делегатлари билан гаплашиб, уларни ҳам Алимардон Тўпчибошининг баёнотини ўқишига кўндирдик. Аҳмад Цалихов ва Аёз Исҳоқовлар тузган режалари барбод булди. Исҳокий узининг Москвада нашр этаётган “Эл” газетасида (39-сон) мен хақимда шундай гапларни ёзибди: “Закий Валидий рус тилида узундан-узук нутқ сузлаб, бизни ҳам фин ва украинлар каби бирлашайлик, ўз келажатимиз ўз қўлимизда. Ҳозирча оз булса-да келажак бизникидир. биз кенгашида тулик худудий мухториятни талаб қилайлик”, деди (5-расм). Бирок Дума аъзоси Ибниамин Ахтямов: “Бу ер бошқирд яйловларидаги митинг эмас, биз фин ва украинларга ухшаб мухториятни даъво қила олмаймиз”, деб жавоб берди. Шу сўзларни ёзган Аёз Исҳокий мухторият даъвосидан, ҳаттоки, украиналикларнинг даъволари устидан ҳам қулиб, “Мустакил Хохландия тузишармиш. Биз рус миллати билан тарихан боғлиқ булганимиз боис бу йулга кира олмаймиз. Шунинг учун биз турт кишилик вакил Садри Максудий, Ислон Шоаҳмедов, Аёз Исҳокий ва Шоқир Муҳаммадёроевлар билан ҳукумат раиси княз Лавовга бориб, “биз малороселфлар (яъни украиналиклар)га ухшаб сиздан айрилишни истамаймиз. Биз сиз билан қолиш тарафдоримиз”, деб эълон қилдик деб ёзибди.

Москва давлат шуреси кенгашида Алимардон Тўпчибоши бизнинг мақсадларимизни Хитой худудига суриб чиқарилган, сунг у ердан

қайтган киргизлардан 83 000 кишининг улдирилиши фожеаларини яхшилаб ҳикоя қилди. Бирок “ex orient Lux” Ёруглик Шарқдан келади ибораси билан тугалланган нутқида бошқаларни ранжитмайдиган сўзлар айтишни ҳам унутмади. Бу кенгашда Россиянинг барча машхур кишилари, барча инкилобчилар, Плеханов, Куропаткин, Чайковский ва бошқалар катнашди. Мақсад. Россия Таъсис Мажлисига қадар келишиб олиш эди. Керенский, генерал Корнилов ва бошқалар мана шу ҳақда гапиришди. Бу пайтда бир марта инкилоб қилишга уриниб курган болшевиклардан Рязанов вакил булиб келган эди. Унинг даъвоси зўравонликдан иборат эди. Россия мусулмон зиёлиларининг охириги марта барчаси тупланган кенгаши мана шу кенгаш булиб қолди. Сунг ҳамма таркаб кетди ва қайта тупланишнинг имкони бўлмади. Мен бу кенгашдан сунг яна Петербургга бориб баъзи ишларим билан шугулландим. Яна бир бор генерал Давлетшинни зиёрат қилдим. У бошқирларнинг кучмас мулк ва ерлари ҳусусида ҳужжатларни Керенский ҳукуматига бориб, тегишни аниқлаб тураман, деб ваъда берди.

§ 89. *Иккинчи бошқирд қурултойи.* 28–29 августда Уфада Иккинчи бошқирд қурултойи тупланди. Биз Петроград ва Москвага кетганлар қурултойнинг охириги куни етиб келдик. Қўрилиши керак булган масала 1917 йилнинг 23 декабрда очиладиган Россия Таъсис Мажлисига номзодлар киритилишини аниқлаб олиш эди. Бирок бу қурултойда татар айирмачилари ва социалистлар биз билан сайлов масаласида бириляшган эди. Унитаристлардан Ходи Атласий, Зокир Қодирий ва бошқалар уларни фикридан қайтариш учун уриниб куришди. Уфа, Оренбург, Перм губерниялари мени номзодимни курсатишди.

Бошқирд қурултойидан сунг “Уфа губерният мусулмонлари съезди” булди. Бунда мен раислик қилган мажлисда Садри Максудий сузга чикиб, мухториятчиларга қарши қаттиқ гапларни айтди. Мен раисликни бошқа кишига топшириб, сузга чиқдим ва уни умримнинг охиригача унута олмайдиган, ҳатто Туркияда чоп этилган бир китобда (Ҳусайн Номикнинг “Турк Дунёси”) узгартиришлар билан берган нуткимни сузладим. Бошқалар ҳам шундай фикрларни билдиришди. Шу тарика бу қурултой татар унитаристларининг Уфа губерниясида тўлик маглуб бўлишига сабаб булди. Уфа губернияси мусулмонлари съезди улар учун бир қабр булди. Бутун ташвиқотлари натижасиз қолди, қолаверса, Таъсис мажлисига ҳам сайлана олмади.

§ 90. *Қишлоғимизни зиёрат қилишим.* Мен Оренбургга бориб Уфада Бошқирд Марказ Шўроси ишлари билан шугулланишим, у ерда буладиган Иккинчи Қозок съездига ҳамда сентябр ойида Тошкентда тупланадиган Туркистон мусулмонларининг иккинчи съездига иштироким лозим эди. Отам ва тоғамни жуда кургим келиб, ёмгирга ҳам қарамасдан кеча-кундуз хат ташувчи отлар

билан яшилогимизга келдим. Уйда бир аёл хизматкордан бошқа ҳеч ким йук эди. Ота-онам Уфа йулининг қоқ ярмида жойлашган Зелим Каран деган қишлоқдаги қариндошимиз Жамолиддин Бойишникига меҳмонга кетишибди. Укаларим эса пичан йигиш учун узоққа, тоққа чиқиб кетишибди. Дарҳол Зелим Каранга бормоқчи булдим. Бироқ отларнинг қишлоқда эмас, яйловларда, урмонда эканини айтишди. Уларни топгунимча бир-икки кун вақт кетади. Ҳатто озод юрган ҳайвонларни бир кунда ҳам топиб келтириша олмайди. Қишлоқда қиядиган кийимларимни кийдим. Амаким Шойаҳмадникига бордим. Унинг уғли дустим Нур Муҳаммад ҳам тоққа пичан уришга кетибди. Уйда фақат хотинлар қолибди. Улар ҳам “ирдин” дейилладиган хирмон ерида экин янчишаётган экан. Уша ерга бордим. Қарасам, хирмонда Муҳиб ва Муҳия исмли опаларим билан Лайлибадр исмли мен ёшлик йилларимда ёқтирган киз ишламоқда. Улар ҳозир турмушга чиқишган. Муҳия Шойаҳмад амакимнинг қизи эди. Қишлоғимизда бошқирд ва мишарларнинг одатлари бир-биридан фарқ қиларди. Бошқирд қизлари очик юришади, отга минишади ва ҳаракатлари ҳам эркакмонанд булади. Муҳия ҳам шундай эди. Ҳатто турмушга чиқаётганида эгарсиз отга минган деб (бизда киз боланинг эгарсиз отга миниши уят саналади) суз таркаган эди. Муҳия эса турмушга чиқса эри билан курашар, йикитса, ажрашарди. Ҳозир Қалғасой қишлоғида бақувват бир кишига хотин бўлибди. Лайлибадр эса бизга қушни булган мишар қизи эди. Қичкиналимизда онамдан бирга сабоқ олган эдик. Мишар қизлари эркаклардан қочишар ва отга минишмасди. Муҳия унинг мендан қочишига йул бермади. Мен ҳам экин янчишга қарашдим. Бир пайт сомон устига узаниб ётдим. Муҳия у ерга йигиб қўйилган ва “қулга” деб аталадиган экин боғламани устимга тушириб юборди. Қулталар остида колганимда: “Нега ҳалигача уйланмайсан, уйланишга сўз бермасанг қулталар остидан чиқолмайсан”, деб ҳазиллашди. Уйга қайтдик, чой ичдик. Эркаклар оз, аксарият аёллар эди. Қишлоқда ҳамма далага чиқиб кетган ёки урмонда ут уриш билан машғул эди. Бу аёллар – опа, хола ва келинлар билан эски хотираларни эслаб суҳбат курдик.

Бир нечта болақайни олиб қишлоқ қабристонига бордим. Уларнинг тошларини узим уйиб, арабча ёзувларини ҳам узим ёзган эдим. Дарахтларни ҳам узим эккан эдим. Ҳаммаси жойида, ҳаммаси улгайибди. Отам уларни парвариш қилибди. Тез орада овқат тайёрлаган Муҳиядан қишлоққа оид барча хабарларни, кимнинг қайси ҳайвони улгани ёки суйилганидан тортиб, менинг “йиран” деган малларанг отимнинг оёғи синиб суйилганигача қул нарсаларни билиб олдим. Шу от “изик” сифатида уйимизнинг орқасидаги хирмон ёнига қумилибди. Мени олиб кетиш учун аравага қушиладиган отлар ҳам келди. Бироқ опа, хола ва келинлар менга кетма, бугун шу ерда қол, деб отларнинг тукимини яшириб қуйибди. Уларни қидириб топиш мени жуда

завклантирди. Улар менинг каерларга бориб нималар қилаётганим билан кизикмас, фақат сог-саломат эканимни куриб, хурсанд эдилар. Мени узлари билан олиб қолишни чин дилдан истаган қариндошларим орасида бир неча ширин соатни ўтказгач, вақт кеч булганига карамай, йўлга чиқдим. Хаёлим уйда, қариндошларимда эди. Қишлоғимда шу қадар хўрмат куришим жуда муҳим ҳодиса эди, миллатим ҳам мени ана шундай севишини истардим.

§ 91. *Мирзакай қишлоғидаги учрашув ва йиғилишлар.* Онамнинг қишлоғи ва мен таҳсил олган Утақда бувимнинг уйида ётиб қолдим. Тоғам ҳам Мирзакай қишлоғидаги Ҳасан ўғли Собир ҳазрат деган олим ва бадавлат кишининг уйига меҳмонга кетибди. Мен Зелим Қаран қишлоғига икки кун деганда кечки пайт кириб бордим. Ота-онам ва Жамолиддин мулла ҳаммаси Мирзакай қишлоғига Собир ҳазратни кига кетишибди. Мамлакатимизнинг шоири Мажид Ғафурий шу Зелим Қаран қишлоғида турарди. Унинг уйида меҳмон бўлиб қолдим. У мендан бир неча ёш катта бўлиб, тоғам Ҳабиб Нажжор ва Зайнуллоҳ эшоннинг шогирди эди. Унинг бир қанча шеърларини ўқидик. Эрталаб иккаламиз биргаликда Мирзакайга бордик. Менинг келганимни эшитиб, бошқа қишлоқлардан ҳам бир неча киши келди. Бу зиёфатлар жуда самимий ва марокли ўтди. Шоиримиз Мажид Ғафурий таъсирланиб, шеърлар ўқиди. Ҳозир бу шоирнинг асарларини юз минглаб нусхада чоп эттирган шўролар уни гуёки узлариники қилиб курсатадилар, ҳолбуки, у миллатпарвар эди. Камбағал оиладан етишиб чиққан эди. Менинг Оренбург Бошқирдистон конгрессида сузлаган нутқим бу ерларда яхши таассурот қолдирибди. Тоғам Ҳабиб Нажжор Бошқирдистон мухторияти йулидаги ташаббусларимиз амалга ошишига ишора этувчи туш қурибди. Шайхнинг сузлари бу томонларда бир неча минг нусхада чоп эттирилиб, тарқатилган ташвиқот қоғозларидан ҳам кура таъсирлироқ эди. Модомики, тоғам шундай туш қурган экан, отам ва Собир ҳазратнинг фикрига кура, Бошқирдистон мухторияти ташкил этилди ҳисоб эди. Отам бу мени жаннатга киришимга сабаб бўладиган энг катта савоб иш эканини айтар ва бу илохий мукофот эртагаёқ топшириладигандек ҳаяжонланиб гапирарди. Немис шоири Гётенинг “Ҳақиқий мусулмон жаннат ҳақида шундай сузлайдики, гуё у ерда бир пайтлар булгандек” деган шеъри ҳаммадан кура купрок отам ва Собир ҳазрат учун ёзилгандай эди. Биз бу ерда тоғамга эргашиб, Қуръон оятларини тинглаб, куп намоз ўқидик. Куп кимиз ичдик. Менга 1908 йили кизини бермоқчи булган Абдурахмонбойнинг уйида меҳмон булдик.

Эрталаб йўлга чиқиб, тоғамнинг қишлоғи Утаққа келдик. Биз билан Собир ҳазрат ва бошқа кишилар ҳам келишди. Бу ердаги суҳбатлар

---

\* Der echte muslim spricht vom Paradiese  
Als ob er einst alda gewesen waere.

Уфадаги конгрессдан кура мухимроқ куриниш олди. Мирзакай ва Утакдаги мажлислар расмий мохиятга эга булмай, факатгина дуст ва кариндошлар орасидаги зиёфат шаклида утган булса-да, хеч қайси қоғозга туширилмаган фикр ва қарорлар уртага ташланди.

Сунг қишлоғимизга бориб бир кунгина колдим. У ерда ва Сайрон қишлоғида бир неча киши тўпланди. Бу йиғилишлар XVIII асрдаги бошқирд исёнлари пайтидаги йиғилишларга ухшаб кетарди. Бу суҳбатлар миллатнинг озодлик йўлида жонларини фидо қилишга тайёр эканликларини кўрсатди. Мен Малавиздаги почта аравасида тухтовсиз Оренбургга келдим. Вазиятни яқин дустларимга билдирдим. Бу пайтда Иккинчи умумий конгресс учун тўпланган қозоклардан Алихон Букайхон билан кўришдим. Оренбургдаги Бошқирд Марказий шўроси ташкилий масалалари билан бир неча кун машғул бўлиб, кейин Тошкентга йўл олдим. Менимча, 15 сентябрда Тошкентда эдим.

*§92. Тошкент муниципалитетидagi тортишувлар.* Убайдуллох Хўжа раислик қилган II Умум Туркистон Конгресси раҳбарларига ИКОМУСдаги фаолиятлар, Давлат Шўроси, Уфа ва Қозоклар курултойи хақида маълумот бердим. Бу ерда Таъсис мажлисига номзодлар курсатилди. Мени ҳам бир жойдан номзод қилдилар, аммо қаерлигини унутдим. Бошқирдистонда руйхатдан утишимга амин эдим. Бу ерда сайловга тайёргарлик ташвиқоти учун мусулмон бойлардан ёрдам олишга қарор қилинди. Июнда сайлов қонунини тортишувларида Кадетларни ранжитмаслик учун “Улка Шўроси” мажлисига келмагани сабабли Мустафо Чукайдан хафа эдим. Энди хозир унутилди. Икки дуст Андижонга бориб Миркомилбой деган миллионердан ёрдам сурадик. Жуда совуқ қаршилади. Факат юз танга бергач: “Узингизга була қолсин, ё тиланчиларга садақа қилиб беринг”, дедик. Мен эса кизикконлик билан: “Болшевиклар келса, шундоғам яхшигина берасан, ҳаммасини бериб қуйганингни билмай қоласан”, дедим. Бу одам тушунмади. чунки у ҳали болшевикларни билмасди. Пул ва мол-мулк мусодара этилажагини эшитмаган куринади.

Икки ойдан сунг Тошкентни қулга киритган шўролар бойларнинг банкалардаги пулларини мусодара этгач, Миркомил: “Мусулмон Шўроси қайда? Пулларимни Тошкент ва Асака поезд станцияларида вагонларга юкланган пахталаримни кутқара олса, буларнинг юздан унини бераман”, деб хабар жунатди.

– Молиннинг юздан юзи узига булсин. – деб жавоб берди Убайдуллох Хўжа.

Биз Мустафо билан Самарқандга борганимизда, у ерда ҳам бойлардан хайрли натижани қулга киритолмадик. Қайтага уртаҳол савдогарлардан куп пул тупладик. Потеляхов деган бир яхудий миллионери ҳам анча куп пул берди.

Деакбр ойида бу орада Тошкент шаҳар советининг йиғилишлари бўлиб утди. Мен ҳам аъзо булганим учун бу анжуманларда иштирок

этдим. Купчиликни ташкил этадиган фойдакаш уламо ва реакционер руслар жуда ҳам дарғазаб эдилар. Биз овозга қўйилган масалаларда мағлуб булгач, мажлисни тарк этиб, кетмоқда эдик. Бир кун мажлисда яна бир рус монархисти:

– Совет тузилди, энди конунсиз тузилган ташкилот тарқатилиши керак, – дея бу мавзунини химоя этар экан. уламолардан бири сузга чиқиб аввалдан таниганим, ҳозир исмини унутганим бириси, “Мусулмон Шүроси”ни ҳам тарқатилиши зарур ташкилотлар сирасидан деб ҳисоблагач, жойимдан араб тилида:

– Таббат йада абул-лаҳаб! – дея бакирдим. Шу сабабли у одам паришон бўлиб, сузида давом этолмади. Бу Муҳаммад (с.а.в) пайгамбарнинг душмани Абу Лаҳаб деган араб ҳақида Куръондан бир оят эдики, маъноси: “Абу Лаҳабнинг ҳар икки қули қуриди” демакдир. Совет мажлисида бакирганим бу уч арабча суз: “Эй сен, мунофиқ! Қўлларинг қурисин!” дегани эканини уша нотик биларди. Буни айтишимга сабаб, бу одам уз вақтида “Мусулмон Шүроси”га келиб-кетувчиларнинг бири эди. Баладия мажлиси охирларида уламодан таниганларим билан суҳбатлашдим. Купчилиги саводсиз инсонлар эди. Изоҳлаб тушунтирсанг, англайдиганлари ҳам бор эди. Уша “домулло” бир мусулмон ташкилоти тарқатилишини руслардан илтимос қилаётганини ёмонладилар. Аввалдан ҳам бу “домулло”ни уз тенгдошлари орасида “мунофиқ” дейдиганлар булган экан. Шу сабабдан “Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин” маъносидаги оятни зикр этишим баъзиларга ёқиб тушди.

**§ 93. Наливкин ва Коровиченко билан суҳбатларимиз.** Иш бошида ҳали Наливкин турган пайтлар эди. Уни кўрдим.

– Уламо фақат Тошкентда купрок ютишига, бошқа жойларда енгилишига доир башоратингиз тўғри чиқди. Аммо улар Тошкентда ишлашингизга имкон бермайди, – деди.

– Таъсис мажлиси (Кенгаши)дан сўнг, улка Думаси, яъни Туркистон Парламенти тузилса, қайта сайлов утказиб, Тошкент советини тарқатамиз, – дедим.

Наливкин Тошкент Советининг таъсири остида эди. Уларга қарши сузни истамасди. Мен унга маслаҳат тарзида:

– Демократия душманлари фақат уламо эмас, бу Шүроларни уз қўлларига олмоқчи бўлаётган болшевиклардир. Уларни узоклаштирсангиз яхши иш қилган булардингиз, – дедим.

Сўнгра бу масалаларни “Туркистон Мусулмонлари Марказий Шүроси”га айтдим. Шүро шаҳардаги Шүролар ва ишчи синфлар ташкилоти уламонини баҳона қилиб, диктаторлик таъсис этмоқчилигини, бунинг олдини олмоқ учун қушин юбориши кераклигини билдирувчи телеграммани Керенскийга жунатди.

Керенский бу телеграммани олгач, қушин кўмондонларидан генерал (ёхуд полковник) Коровиченкони Оренбургдан Тошкентга



юборди. Шўролар бу қушинни келтирмаслик учун қулларидан келганини қилдилар. Бунга қарамасдан 25 сентябрда бу қумондон ҳарбий қисмга бош бўлиб, Тошкентга кирди. Келар-келмас кенгашлар бошлади. Айниқса, узининг келишига сабаб бўлган "Мусулмон Шўроси" аъзолари билан қуришди. Бир тарафдан болшевиклашаётган маҳаллий ишчилар Шўроси, иккинчи тарафдан унғчи (урф-одатлар ва мавжуд тузумни ёқловчи) совет (шаҳар ҳокимияти) таҳдидлари қаршисида не қилмоқ кераклигини сурарди:

– Агар жиддий тадбир қилмоқ истасангиз, шаҳар шўрои ва ишчи синфлар ташкилоти бошига чиққан болшевикларни бу мамлакатдан узоклаштириб, Россия ичкарасига жунатинг. Улар ҳозирча 15–20 тақа, бепарволик қилинса, 20 мингга етиши мумкин ва миллионларча одамларга диктаторлик қиладилар. Уламо масаласида қайта сайлов утказмоқдан ўзга чора йўқ. Чунки умумий ва қонуний сайлов натижасида иш бошига келган эдилар. Шунингдек, мусулмонлардан қунилли аскар олиш керак ва полис (полиция) ташкилотига мусулмонларни қупроқ олишингиз керак. Агар улканинг энг катта раҳбари Наливкин Шўроларга қарши ҳаракатга утишимизга монеълик қиладиган бўлса, уни бошқасига алмаштириш ҳақида Керенскийга телеграмма йўллаб, талаб қилиш лозим. Бундай қатъий, асосли тадбирлар зарур бўлган вақтларда иккиланишнинг оқибати хунук, – дедим.

Бу сузларни айтаётганимда, Коровиченконинг ёнида биздан бошқа ҳеч ким бўлмаса-да, чиққач, дустим Чуқай угли:

– Нима қилиб қуйдинг, дустинг Владимир Петровичи (яъни Наливкинни) нега аралаштирдинг? Энди сендан ҳам, мендан ҳам хафа бўлади, – деди.

– Бундай давлат ишларида шахсий дустлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Наливкинни даф қилиш керак. Керенскийга телеграмма юбориб, буни қатъиян талаб этаман, – дедим.

Лекин бу ишга на Чуқай угли, на Убайдуллоҳ Хўжа кунди. Кейинроқ мен хорижда Керенский билан қуришганимда, у Наливкин ҳақидаги фикрларимиз жуда тўғри бўлганлигини, у сулчиликка қарши оппортунистлик ҳаракатлари Туркистоннинг болшевиклар қулига утишига сабаб бўлди, деди. Агар Тошкентдаги Мусулмон Шўроси Наливкинни бушатиб, урнига бошқа одам қуйиш ҳақида телеграмма орқали талаб этганда эди, Керенский буни амалга оширар экан. Демак, хатолар ёлғиз Наливкиндан эмас, биздан ҳам утди. Ўз аскарлари орасида болшевиклар ташвиқотини юритган, узи гуруҳлари, қисм ва булинмаларига мусулмонларни жалб этмоққа ё қурққан ёхуд салоҳияти етмаган. Наливкинга чора қурилмади. Натижада Туркистонда иш ва ҳаракатларимиз бушашди. Қатъий тадбирлар қурилмагач, иккиланган унсурлар қулайиб, нариги тарафга утиб кетмоқда эдилар. Мен миллий қушин тузилмагунча миллий давлат тузилмаслигини

билганим учун куюнар ва бу ишни килолмаётганимизга хафа булардим. Бошқирдистонда эса бу мумкин эди. Шуролар истилоси хавфи бошланганига Коровиченкони ишонтириш мумкин эди. Лекин дустларим бунинг амалга ошувига ишонмасдилар. Октябр ойининг бошларида Бошқирдистон Марказий Қумитаси менга телеграмма йуллаб, Оренбургга чакирди. Сайловга тайёргарликлар кўриш учун губерния курултойи чакирилмоқда эди. Унда манфаатимизни химоя қилишимиз керак эди.

§ 94. *Шариф Манатовнинг найранглари.* Мени телеграмма орқали зудлик билан чакиришларига сабаб Шариф Манатовнинг найранглари эди. Матанов Ялан имомининг ўғли, насл-насабли, тарбияси етарли даражада бўлганлиги маълум эди. Туркиядаги фаолияти сабаб матбуотда номи куп бора тилга олинган Манатовни шуролар улдиришидан бир кун аввал Россияда кўриб таниган Исмоил Сойсали углининг айтишича, у “хоин эмас, авантюрист эди”. Болкон уруши пайтида Туркияга келган идеалист кунгилдилардан эди. “Турк Учоги” мафкурасини жонлантиришга доир ёзганлари унинг шаънига доғ тушириш истагида булган коммунистлар томонидан ўзига қарши фойдаланилган. 1917 йил феврал инкилобидан кейин (Москва конгресси сунгида) Шариф Бошқирд Марказий Қўмитасига келиб, бирга ишлаш истагини билдирди. Бикбоев ва Қувватов каби зиёли бошқирд оилалари дастлаб Бошқирд автономияси ҳаркатига лоқайд қараганлари учун биз Манатовни уз сафимизга олдик. Ички ташкилий масалаларда унинг фойдаси тегмади. Швейцарияда куп йиллар яшаган, француз ва немис тилларини билади, деб унга ташқи ишлар билан машғул булишни ва баъзида қулимизга тушиб турадиган чет эл матбуотига оид қоғозларни урганишни тавсия этдик. Шариф Манатов Украина, Кавказ, Финляндия, Бухоро ва Хива билан булган алоқаларда фаоллик курсатди. Бошқирдистонни Туркистоннинг бир қисми деган ғояни илгари сурди. Бироқ, нияти раислик лавозимига эришиш экани боис раисликка адвокат Бикбоевни қуйишга уринаётган Сайид Мерос, Аллохберди Жаъфар ўғли ва Ҳурматуллоҳ Одилбой билан муносабатлари ёмонлашди.

Манатов Иккинчи бошқирд курултойида Бошқирдистондаги энг мутаассиб, монархист ва реакционерлар билан бирлашиб, узини бу конгресс бошлиғи этиб тайинлатибди ва ниҳоят Марказий Қўмита бошлиғи ёрдамчиси бўлиб олибди. Россия Таъсис Мажлисига киритиладиган номзодлар руйхатига унинг номини қуштириб қуйдим. Бироқ Оренбургдаги ҳаракатлар асносида (бу пайтда мен Тошкентда эдим) бошқа қўмита аъзолари билан муносабатлари бузилибди, узи сулчи булишига қарамай, монархистлар билан бирга ҳамфикр эканини юзига солиб: “Сен бу ерга уртаимиздаги бирликни бузиш учун келгансан”, дейишибди. Унга энг каттик қаршилиқ курсатган киши Ҳурматуллоҳ Одилбой эди. Лицейни тамомлаган

Хурматуллох кўп укиган, айниқса, мумтоз бошқирд па рус адабиётини яхши ушлаштирган бўлиб, француз тилини яхши эгаллаган эди. Камтаринлиги сабабли Марказ аъзолигини қабул қилмади, аммо у ердан асло узоқламади. Ана шу киши Шариф Манатовнинг умуман француз тилини билмаслигини билиб қолиб, уни сохтакорликда айблабди. Биз ишлайдиган хона қарвонсаройнинг катта зали эди. Ҳаммамиз битта хонада утирардик.

Хурматуллох Марказга келиши билан дераза остига жойлашиб, барчани танкид қилишга тушиб кетарди. Ҳатто рус адабиётидан хабардор дустларига қахрамонларнинг исмларидан лақаб қуйиб олган эди. Мени илм билан кўп шугулланганим учун “Фауст”даги доктор Вагнер, Шариф Манатовни Достоевский асаридagi Раскольников, Оллоҳбердини дангасалиги сабаб Гончаровнинг Обломови номлари билан чақирарди. Шарифнинг узини билагон қилиб курсатиши Хурматуллохга ҳуш келмас, унинг билими аслида бошқалардан эшитган сузлардан иборат эканини бошқалар олдида очиб ташлашга уринарди. Шу сабабли Шариф кўп сайин эътиборини йўқотиб борарди. Хурматуллох “Шариф оға, Дантенинг жаҳаннамни тасвирлашида Шаркнинг таъсири борми?”, “Фауст пантеистликда самимиймиди?”, “Ницше нима сабабдан “Зардушт таваллоси” асарида аёлларга нисбатан салбий муносабат билдирган?” каби саволларни қаторлаштириб ташлар, уларга жавоб топа олмаган Шарифнинг аслида бу асарларни уқимагани билиниб коларди. Бир кун Хурматуллох Манатовга қараб: “Мен сизни Раскольников деб атамоқчи эдим, бироқ, у банкдан уғирлаётган пулларини диккат билан санаб оларди, сиз бўлса пул кассада чикар-чикмас чунтагингизга урасиз, бироқ узоққа бормай кулга тушасиз, акс ҳолда сизнинг Қурбоналиев ва Минхожилар билан нима ишингиз бор эди?” дебди. Манатов Хурматуллохни дуппосламоқчи бўлибди, бироқ бунга ботина олмабди. Кумитани ташлаб кетишини айтиб зарда қилибди. Шунда бошқалар: “Майли кетавер”, дейишганида каловланиб туриб қолибди. Шунда унга: “Сенда юз борми узи?” дейишибди. Мен Тошкентдав қайтганимда жанжал авжига чиққан эди.

§ 95. *Бошқирдистондаги Россия Таъсис мажлиси номзоди учун курашлар.* Бу ерда тўртта гуруҳ иш олиб борарди. Керенский ҳукумати вакили Оренбург ҳокими Архангелский, Оренбург рус казаклари, мусулмон қозоқлар ва Оренбург татарлари ташкилоти. Рус казаклари ва мусулмон қозоқлар федерация ва мухторият тарафдори бўлиб, биз билан ҳамфикр эдилар. Архангелский эса бизга душман эди. XVIII асрга оид миллий ва харбий бинолари, ховлиси бўлган Қарвонсаройнинг бизга қайтариллиши хусусида буйруқ олган ва генерал Давлегшин бу масала билан жиддий шугулланаётганига қарамай, архив ҳужжатлари билан бандлигини баҳона қилиб вақтни утказишарди. “Мусулмонлар комитети”ни ташкил этган

татарлар Архангелский билан иттифок эдилар. Улар “Оренбург вилояти мусулмонлари конгресси”ни туплашди. Биз ҳам иштирок этдик. Татарларнинг “Вақт” газетаси муҳаррири Фотиҳ Каримий Бошқирдистон мухторияти ҳаракатларига болта уриш учун куп ҳаракат қилди ва конгрессда ҳам бот-бот гапирди. Менинг Оренбург вилояти татарларига изоҳ ва айбловларга жавоб бериш учун сузлаган нутқим роса турт соат давом этди. Бу умрим давомида сузлаган энг узун нутқим эди. Татар унитаристларининг мақсади Таъсис Мажлиси сайловларида Оренбург вилояти бошқирдлари учун овоз бермасликдан иборат эди. Бирок сайловда татарларнинг купчилиги биз учун овоз беришди. Бизга ашаддий муҳолифатда булганлар Фотиҳ Каримий, Бурхон Шараф ва собиқ Дума аъзоси Калимуллоҳ Ҳасанов эди.

Қозок пешволари муҳаррир Аҳмад Бойтурсун, Чингизхон авлодидан мухтарам зот булган кекса Букай Урдали, Шоҳин-Гарай Султон Букайхонов, Тошкентдан Мустафо Чукай. Ойилдан Жаҳоншоҳ Дустмуҳамедов ва бошқалар Турғай ҳокимияти биносида, Алихон Букайхоннинг хонасида октябр ойи охирилари ва ноябрнинг бошларида тупланишди. Мен ҳам бир қанча мажлисларда иштирок этдим. Бу пайтда шуролар бир қанча жойда Таъсис мажлиси сайлови илдизини куриштиш ва пролетар диктатураси ғоясини кенг ёйишга уринишарди. 26 октябрда Уфа шаҳри шуролар кулига утди. 28 октябрда “Уфа вилояти мусулмон (татар) ҳарбий шуроси” шуролар томонига утди. Алихон Букайхон шу пайтга қадар кадетлар партияси аъзоси сифатида қайд этилган булса-да, энди партиядан чиқиб кетганини ва Қозогистоннинг “Алаш Ҳрда” автономияси фикрини қатъий қўллаб-қувватлашини эълон қилди.

28 октябрда Тошкентда бошқарув шуролар кулига утиб, Мустафо Чукай Оренбургда қолиш истагини билдирди. Қозок пешволари эса бу вазиятда мени бошқирдлар иши билан машғул булишимни маъқул куриб, Мустафо Чукайга эса Тошкентга қайтиб кетишини маслаҳат беришди. Икки кун давом этган маслаҳатлашув бизнинг тақдиримизни аниқ ҳал қилди. Натижада биз демократияга ҳамда Таъсис Мажлисига содик қолиб, болшевикларни қўллаб-қувватламайдиган, Украинада амалга оширилган автономия йулидан қайтмайдиган, декабр ойи охирида Умумий Қозогистон (Жалпи Қазоқастан) ва Бошқирдистон конгрессларини бир кунда Оренбургда туплайдиган, Туркистонда ҳам мухторият ҳаракатларини давом эттирайдиган булдик. Федерация фикрини қўллаб-қувватлаган рус мухити ва партияларининг Оренбург ва Урал рус казаклари алоҳида Туркистон, Қозогистон ва Бошқирдистон мухториятларини маъқуллаган булишса-да, биз билан биригишиб, ягона Жумҳурият ташкил этишга қатъий рози булмасликлари ва бу ҳаракатимизга салбий таъсир курсатиши мумкинлигини уйлаб, ҳозирча бу масалани уртага ташламай турайдиган булдик. Бу 1917 инкилобида олинган энг муҳим қарорларимиз эди.

Бошқирдистонни эски бошқирд қўшинидаги бошқарувдан хотира булсин учун кантонларга булиб тақсимладик. Уларда “тубек” (туман беги) ташкил этилди. Таъсис Мажлиси сайловларини туман беқлари тайёрлашди ва бошқаришди. Сайловларда том маънодаги ғалабани кўлга киритдик. Федерация ва автономияга қарши булган татар зиёлиларининг ҳеч бири сайланмади. Улардан фақат худудий мухторият ва социализм тарафдорларигина сайланишди. Мен Уфа, Оренбург ва Перм вилоятларидан сайланган эдим. Уфа вилояти вакиллигини танладим.

§ 96. *Бошқирдистон мухториятининг эълон қилиниши.* Болшевиклар ҳукуматни кулга киритишлари биланок узларини Россияга тобе миллатларнинг мустақиллигини тан олаётгандек қилиб курсатиб, 2 ноябрда декларация эълон қилишди. Бошқирд Шуриси музокара юритиб бундан фойдаланиб қолишни истамади. Халқнинг алдовларга учмаслиги лозимлигини уқтириб, 11 ноябрда “Биринчи рақамли фармон” (Приказ № 1)ни чиқарди. Кейинчалик шўро адабиётида бизга қарши ишлатилган ва мухтор Украинага вакил юборганимиз қайд қилинган бу фармонда жумладан бундай сузлар ёзилган эди: “25 октябрда Россия Муваққат Ҳукумати кулатилгач, Россияда фуқаролар уруши бошланди. Биз шуроларни тан олмаймиз, чунки биз ўз ҳақ ва ҳуқуқларимизга эга бўлишни истаймиз. Биз автономияни шуролар кўлидан олмаймиз, чунки биз ўз улкамизда инсон ҳуқуқи ва иродасининг ўз кўлимиз билан топталишига рози булмаймиз”. Шуролар билан сулҳ тузганимиздан сунг Лениннинг шахсан узи мендан бу фармонни суради. Мен: “Ҳа, фармонни ёзган мен эдим, бироқ у халқимизнинг уша пайтдаги миллий руҳияти ифодаси эди. Бундан ҳам муҳимроғи, Россияда анархия бошланганидан фойдаланиб, мухториятимизни эълон қилиш лозим эди. Чунки мусулмонлардан ҳали ҳеч бир улка мухторият эълон қилмагани” дедим. Ҳақиқатан ҳам, вазият шундай эди. Бу фармон эълон қилинганидан турт кундан сунг (Европа ҳисобида 29 ноябр) Бошқирдистон мухториятини расман эълон қилиб, миллий ҳукуматни туздик. Жойларда ҳам миллий қўшинни ташкил эта бошладик. Халқимиз орасидан етишиб чиққан ҳуқуқшунос адвокат Юнус Бикбоевни ҳукумат бошлиғи этиб сайладик. Мен ички ишлар ва ҳарбий ишларга масъул булдим. Бу муносабат билан халққа хитоб қилиб чиқарган декларациямизда украиналиклар билан келишганимизни ва у ерга вакилларимизни юборганимизни эълон қилдик. Украиналиклар ва Дон казакларига ёзган мактубларимизда бундан роппа-роса 210 йил аввал украиналикларнинг Мазепа бошчилигида, Дон казакларининг Булавин бошчилигида ва бошқирдларнинг Мурод Султон ҳамда Иброҳим Султон бошчилигида Буюк Петрга қарши бирлашиб, исён кутаришганини эслатдик. Мактубимиз уларга қаттиқ таъсир қилганини кейинчалик билдим. Бошқирдистондан сунг Крим,

кейин (эскича 11/ январда 24 декабрда) Туркистон ва кейинчалик Озарбайжон ва Қозоғистон Жумҳуриятлари эълон қилинди. Бу мухториятлар эълон қилингандан сунг ноябр ойи бошида қозок зиёлилари билан юқорида тилга олинган музокараларимиз асносида бири Кичик, бири Катта булган Бошқирдистон харитаси ҳамда “Шаркий Россия мухтор мусулмон ўлкалари бирлиги” номлари остида учта харита туздим. Уларни мухторият эълон қилинганда нашр эттирдик. Учинчи харитани А. Беннигсен 1964 йилда Парижда нашр этилган “La presse et le mouvement national chez les Musulmans de Russie avant 1920” номли асарига киритибди (6-расм). 1918 йилда Самарада Бошқирдистон ва Қозоғистон ҳукумати вакилларининг йиғилиши муносабати билан хариталарни яна бостирдик. Мен учун муҳим хотира ҳисобланган бу хариталарни Туркия генералларидан Нур Жаҳонгир пошо Россияга келганида бу хариталарни олибди. Анқарада менга совға қилди. Мен эса бу хариталарнинг охиригиси, яъни Самарада ва 1921 йилда Бухорода чоп этилган нухасини “Туркистон тарихи” номли китобимга киритдим (7-расм). Биз мухторият эълонида Бошқирдистон мусулмон аҳолисининг етмиш фоиздан кам булмаган шаркий қисмини Кичик Бошқирдистон деб олдик. Мусулмон аҳолиси кам булган бошқирд ва татарларни Кичик Бошқирдистонга ва Туркистонга кучириб утказишни уйладик. Кичик Бошқирдистон 79.560 кв. километр худудга эга булиб, 1917 йилда аҳолиси 1.259.059 эди. Бутун аҳолининг етмиш фоизини мусулмонлар ташкил этарди. Режамизга кура, Бошқирдистон, Ғарбий Қозоғистон ва Оренбург казакларининг маркази Оренбург бўлиши керак эди. Сунг Бошқирдистон билан Ғарбий Қозоғистон расман бирлашса, рус казаклари ҳам бунга қушилишарди. Рус казаклари орасида бу фикрни иккиланмасдан қабул этадиган дустларимиз бор эди. Мен ярим турк булган бу казаклар билан яхши чиқишишимизга умид қилдим. Бизда катта ҳаяжон уйғотган мухториятнинг эълон қилиниши Саид-Гирей Магаз (Мажоз) ва Шайхзода Бабич каби шоирларимизнинг шеърлари мавзусига айланди. Бошқирдлар ва Уралнинг шаркидаги мишарлар утган асрнинг сунгги чорагига қадар кантон ҳарбий бошқарувига эга булишгани боис улар учун ҳарбий миллий мухторият тушунчаси уз-узидан тушунарли булди. Бу бошқарув шакли Швейцариядан олинган эди.

**§ 97. Учинчи бошқирд қурултойи.** Ноябрь ойи бошларида қозок зиёлилари билан бирга қабул қилган қароримизга кура Бошқирдистон учинчи қурултойи 1917 йил 20 декабр, 1918 йил 4 январ кунлари Карвонсаройда тупланадиган булди. Бу қурултой Таъсис Мажлиси урнида эди. Аслида ҳукумат аъзоларининг аксарияти Петербургда очиладиган Россия Таъсис Мажлиси аъзоларидан иборат эди. Аmmo болшевиклар бу мажлиснинг очилишига йул қўймаслигини ва мамлакатимизда фаолият олиб боришимиз маъқулроқ эканини

уйлаб, у ерга бормадик. Аксинча, унинг очилиш кунига узимизнинг конгрессимизни чақирдик. Конгресснинг тинч ва осуда утиши учун Бошқирдистоннинг турли ерларидан кўриқчилар келтиришни таклиф қилганлар бўлди. Биз ун кун учун фақатгина 24 кўриқчи аскар етарли деб билдик. Бу ҳаракатимиз шаҳардаги татарлар кўмитаси ҳамда Оренбургнинг норасмий ҳокими Архангелскийнинг душманона ҳаракатларига қарши яхши чора бўлди. Қозоклар конгресси биздан бир оз аввал бошланган бўлса-да, аъзоларининг купчилиги ҳали тарқалишмаган эди. Конгрессимизда қозоклардан Саидазим Хидирбоев ва Бошқирдистон Мухториятидан ун кун кейин Қўқонда ташкил топган Туркистон Мухторияти ташки ишлар вазири Мустафо Чуқаев гувоҳ сифатида қатнашдилар. Мен ҳам бир-икки марта қозокларнинг конгрессига бордим. Бу конгрессда Аргайаш кантонлиги бошқирдларидан Абдулҳай Қурбоналиев ҳамда унинг Минҳож исмли дусту монархиячи руслар билан бирлашиб, олпозиция ташкил этишга уринишди. Узини социалист қилиб курсатган Шариф Манатов аслида зимдан уша гуруҳни қўллаб-қувватларди. Қурбоналиев Шариф Манатовнинг Бошқирдистон Ҳукумати раиси бўлишини истарди. Биз эса адвокат Юнус Бикбоевнинг раис бўлиши тарафдори эдик. Қурбоналиев халққа курсатиш учун зураки тарзда Манатовга пустиқ ҳадя қилди. Конгресснинг купчилик аъзоси номидан менга Токчуран кантонлиги *бошқирдларидан* қадимий эгар урилган пойга оти, ва устида олтин, қумуш аралаш араб харфлари битилган қумуш чойнак-пиёла ҳамда устига олтин суви югуртирилган қўл сумкаси совга қилишди. Орқа томони ажойиб шеърлар билан нақшланган *патисса қўйилган* бу совгалар менга билдирилмасдан аввалроқ тайёрлаб қўйилган экан. Булар мен учун миллатим номидан берилган энг самимий муқофотлар эди. Эгарнинг ҳар томонига тошлар қадалган, узангиси олтин аралаш қумушдан эди. Портфелни узок вақт узим билан олиб юрдим. Мен даставвал бошқирдлар миллий ҳаракатига раҳбарлик қиламан деб уйламаган эдим. Тошкент шуролар кўлига утмаганида эди мен доим Тошкент ва Оренбург уртасида жонҳалак булардим. Хуллас, бу конгресс Бошқирдистон ҳукуматини қонунийлаштирди. Расмий ҳукумат ташкил топди. Юнус Бикбоев ҳукумат раиси, мен аввалгидек ички ишлар ва ҳарбий ишлар мудирини бўлдим. Ҳарбийлардан Амир Қарамин менинг ҳарбий ишларда муовиним этиб тайинланди. Илдархон Мутин молия, татарлардан Абдуллоҳ Адхамов маориф, Айитбоев кишлок ҳужалиги ишлари буйича масъул бўлишди. Худди эски бошқирд кўшинидаги сингари “Бошқирд ҳарбий идораси” (Башкирское Войсковое управление) ташкил этилди.

Конгрессе бошқирд миллий қўшинини ташкил этишга қарор қилди. 1918 йил 5 январда ҳарбийларимиздан Мухтор Қарамин, Абдуллоҳ Эдилбой, Умрон Магазов ва полшалик зобит Брии ва унинг икки дусту Оренбург казаклари ҳукуматидан бир қанча қурол олиб

Баймоқ деган жойга дастлабки бошқирд отрядини ташкил этиш учун юборилди. Хукумат идорасини куриш, ходимларига маош бериш ва харбий кисмни бокиш учун маблагимиз йук эди. Бунинг учун куп микдорда солик тупладик. Усарган кантонлигида Чор Россиясининг жахон уруши вақтида ичкиликни ман этиши билан куп микдорда ароқ тупланиб қолган Самакин ароқ заводини босиб, барча ароқларни русларга сотишга келишиб олдик. Барча рус кишлокларидан, хатто Оренбург рус казаклари кишлогидан руслар чойнак, шиша, бочка ва бошка идишларни кутариб чоғиб келишди. Арзон гаровга сотилди. Ундан ярим миллион рублга якин пул тупланди ва янги хукумат ходимларининг маоши сифатида вилоятларга юборилди. Ароқ сотиш пайтида кунгилсиз воқеалар юз берибди. Русларнинг купчилиги заводнинг узидаёқ ичиб, уша ерда чузилиб қолишибди. Баъзилари бочка жумрагини очиб букканича ичишибди. Яна бири катта бочканинг устига чиққанида маст булгани учун сирпаниб кетиб, бочканинг ичига тушибди ва уша ерга чукиб улибди. Бошқирд аскарлари бошка руслар пайкаб қолмаслиги учун уша бочкадаги ароқни ҳеч кимга сотишмабди. Уни олиб чиқиб кумишибди. Бошқирдлар ароқ ичишмайди. Уша пайтда балки руслардан олиб ичганлар булгандир, аммо ҳеч бир бошқирд ароқ олиш учун заводга бормаган ва аскарлардан ҳеч бири ароқни оғзига олишмаган. Маст булиб қолган руслар эса йулларда чузилиб ётишар, баъзилари отларига ҳам ичиришарди. Русларга ҳеч ким Валидовдек зиёфат берган эмас, дейишибди. Бу пайтда солик тупланиб, қушин харажатларини қопладик. Қушин учун халқ ҳар қандай фидокорликка рози эди. Фақатгина Буржан кантонлигидан тупланган пул бир отрядни узоқ вақт озик билан таъминлашга етарди. Бирок кун утган сайин болшевикларнинг иши юришди. Бу орада Шариф Манатов масаласи чиқди. У конгресс томонидан масъул вазифага тайинланмаганидан хафа булиб юрган эди. Реакционерлар томонидан устига пустин ташланишини бизниқилар ҳар доим юзига солишарди. Яққаланиб қолган эди. Энди Таъсис Мажлисиси аъзосиман, у ерга бораман деганда Хурматуллох унга: “Сен Таъсис Мажлисига эмас, уни ва умуман демократияни кулатишда дўстинг Ленинга кумаклашиш учун кетяпсан. Бу ерда ҳам монархиячилар томонида туриб уни ичидан куритмоқчи булганингдан улар мамнун булишгандир”, дебди. Марказий Кумита ва хукумат унга узинг билганингдек иш тут деди ва ҳеч қандай масъул вазифани юкламади. Манатов бизга муҳолифатда булган коммунист Мулламур Воҳидовнинг кумитасига кирди.

*§ 98. Оренбургнинг болшевиклар томонидан ишғол қилиниши ва Бошқирдистон хукумати аъзоларининг ҳибсга олиниши.* Икки ярим ойдан бери Уфа ва Самара вилоятларини қул остига олган болшевикларга қарши фақатгина Оренбург казаклари генерал Дутов бошчилигида қаршилик кўрсатишарди. Казаклар орасида Каширин исмли харбий оиласи билан коммунист булгани



Бошқирдистоннинг шундоқ ортидаги Юқори Урал худудини уз таъсири остига олгани ҳамда Оренбургда бир қанча нуфузли казаклар яширинча шуrolар томонга утиб кетишгани сабабли шаҳарнинг бардош бериши иложсиз эди. Отрядларимиз ҳали тулик мустаҳкамланиб олмагани боис биз иштирок этмадик. Ниҳоят шуrolарнинг йил бошидан бери амалда булган Европа таквими билан 18 январда (1918) шуrolар Оренбургни ишғол этишди. Турғай вилояти ҳокими Алихон Букайхон ва бошқа козок зиётилари Шаркий Қозогистон ва Семипалатинскка қочишди. Биз Оренбургда қолдик. Биз ташкил этилаётган ҳарбий қисмимиз ҳамда мухториятимизга дахл қилишмаса, Баймоқ деган ерга бориб, у ердан улкамизни бошқаришга келишиб олдик. Цвиллинг бошчилигидаги болшевиктар бизга нисбатан яхши муомалада булишди. “Шуро ҳукуматиға муҳолиф булмасангиз, уз улкангизни мухтор улка сифатида, аммо ташқи сийәсатда шуrolарга тобе булиш шарти билан бошқаришингиз мумкин. Коммунист партияси назариясини қабул қилишингиз шарт эмас” дейишди ва буни ёзма шаклда билдиришди. Ташкил этаётган ҳарбий қисмимизни ҳам шу шартларга кундириш учун менинг у ерга боришимга рози булишди. Мен ва Оллохберди Жаъфаруғли Баймоққа бордик. Ҳарбийлар Усарган кантонлигидаги Қодиршоҳ қишлоғига келишган эди. Биз у ерда козокларга ухшаб Хитой худудига утиб кета олмаслигимизни ва шуrolарнинг у ерга ҳам боришлари мумкинлигини ўйлаб, кўшинимиз номидан ички ишларимизда мухтор булиш шарти билан шуrolарнинг юксак ҳокимиятиға буйсунишимизни билдириб, 27 январда Москваға телеграмма жунатдик. Бошқирдистонда инқилоб тарихини ёзган коммунист Ш. Типеев Москваға жунатилган бу телеграмма таҳдид мақомида эканини ёзган булса-да, аслида бу ёлгон булиб, биз уша пайтда таҳдид қиладиган аҳволда эмас эдик. Аскарларимизга сабрли булишни тайинладик ва шуrolарнинг руҳсати билан яна қайтиб келишимизни айтиб, Оренбургға жунатдик. Цвиллинг жуда хурсанд куринди. Бир неча марта мажлисларға чақирди. Бу мажлисларда татарлардан собиқ Дума аъзоси Калимуллох Ҳасанов ва Бурҳон Шараф болшевикларнинг кадрдон дўстларига айланишган эди. Орадан беш кун утиб, 3 февралда бизни ҳибсға олишди. Ҳибсға олишда иштирок этганлар татар аскарлари булиб, улар бизға шуrolар номидан ҳибсға олинаётганимиз туғрисидаги сохта буйруқни курсатишибди. Қамоққа олиб келишганда қамоқхона бошлиғи: “Буларнинг қамалиши туғрисида бизға буйруқ булмаган, вақтинчалик ушлаб турайлик”, деди ва бизнинг зътирозларимизға карамай, куйиб юборишмади. Кейинчалик маълум булишича, “Шаҳардаги мусулмон ҳарбий қумитасининг талаби билан улар томонидан ҳибсға олинган бошқирдларнинг шуρο қамоқхоналарида сақланишиға руҳсат этилсин” деган буйруқ булган экан. Оренбург вилоят Шуρο Қумитаси бу қарорини 4–18 февралда Оренбургнинг “Известия” газетасида

эълон қилди. Жами саккиз киши камокка олинган эдик. Орадан бир-икки кун утиб, мени суроққа тутишди. Айблов хулосасида Комил Каримов ва Иброҳим Бекчентаев номли икки татар зиёлиснинг Оренбургда болшевик казаклари томонидан чиқариладиган “Казачья правда” газетасида “Бошқирд контрреволюционерлари” номи остида бизни монархист ва ер эгалари реакционер капиталист деб курсатилган мақолаларини курдик. Бу сузлар бошдан охирига қадар бухтон экани уша ердаги болшевикларга ҳам маълум эди. Шу сабабли бу мақолалар аҳамиятга эга булмади. У ердаги болшевик ходимлар одамларни отиб ташлашга шу қадар урганишган эканки, хунук котоба аёл комиссарга юзланиб: “К стенке что ли его?” деб сўради. Комиссар виқор билан: “Погоди”, деди ва мени камокхонага қайтариб юборди. Бизнинг ишимиз мураккаблашди, чунки қамалишимиз халқ орасида катта хаяжонга сабаб булган эди. Баймоқдаги аскарларимиз эса русларнинг олтин конларини ишғол этиб, 300 кг.ча кумуш, 136 кг.га яқин олтин ва кўп миқдорда озик-овқат, қурол-аслаҳа олишган ҳамда Москвага бизни кутқаришни илтимос қилиб, телеграмма йуллаган экан. Орсқдаги руслар биз ташкил этаётган қушинни батамом йук қилишга қарор қилишибди. Баранов исмли комиссар Баймоқдаги бошқирд ҳарбий бошлиқларини гуёки қуришиш мақсадида яқин одамлари орқали дўстона мактуб билан таклиф қилибди. Белгиланган жойда яшириниб турган қизил аскарлар қуришиш учун келган ҳайъат аъзоларини тусатдан қулга олишибди ва уша куни кечқурун ҳаммасини уққа тутишибди. Улар орасида обрули ҳарбийларимиздан Умрон Магазов ва Абдуллоҳ Эдилбоев шу тарика тубанларча ўлдирилган эди. Шундан сунг қизил аскарлар ҳамма томондан Баймоқни ураб олишибди. Қумондон Амир Қарамиш, муҳаррир ва шоир Ҳабибуллоҳ Обидов эҳтиёткорлик қилиб, у ерга боришмаган экан. Улар аскарларни туплаб, бостириб келган русларга қарши ҳужум бошлашибди. Улардан бир нечтасини ўлдириб, Орсқка чекинишга мажбур қилишибди. Кейин руслар каттароқ куч билан келишганида бизникилар камокдаги ҳукумат аъзоларини ўлдиришади, деган мулоҳазада аскарларни тарқатиб юбориб, ўзлари кичик гуруҳ билан Буржан улусининг тоғли ҳудудига яширинишибди.

Қамокхона ходимлари совғага учишдими ё бизга хайрихоҳ эдими, хайтовур мен мунтазам равишда ташқаридан хабар олиб турдим ва айни пайтда шифрли хабарлар юбориб турдим. Бу пайтда Амир Қарамишнинг тоғда кунгиллиларни туплаб, Оренбургга ҳужум қилиш учун казаклар билан бирлашгани хабари келди. Бир куни мени бошқа дусларимдан ажратиб, кичикроқ, алоҳида хонага камаб қуйишди. Мен камокда қадимги нуғой достонларини тиклаш ҳамда 1915 йилда Петербургда ёза бошлаган “Нуғойлар тарихи” номли асаримни тулдириш билан шугулландим. Бир куни Муҳаммад Тоҳиров исмли татар йиғити овқат, ёзув қоғози ва қўл соати олиб келди. У Қозонда

менинг қулимда уқиган экан. Бироқ коммунизмни қабул қилгач, Қозондаги “Мусулмон ҳарбий шуриси” томонидан Бошқирдистон ҳукумати йук қилиш вазифаси юклатилибди. У: “Устоз, биз сизни қурқитиш ва мухторият ҳақидаги фикрингиздан воз кечтириш учун қамаган эдик, бироқ энди иш чувалашди. Сизни қутқаришга уринаймиз, бироқ уддасидан чиқолмаяпмиз. Сиз шуrolарга душман булдингиз, чунки тоғларда бошқирдларнинг кунгилли отрядлари тузилибди. Сизни бу ерда гаровда саклаб туришибди. Тақдирингизни уйлаб қурқиб кетяпман”, деди ва йиғлади. Кейинчалик Раҳимов деган киши “Бошқирдистон жумҳуриятининг ташкил топиш тарихи” номли русча асаридан “Татар аскарлари шуриси”нинг Оренбургдаги шуrolар билан муносабатлари ҳақида ёзган фикрлари Муҳаммад Тоҳировнинг сўзлари ҳақиқатан самимий эканини курсатди. Мен нима булса булар, деб “Нуғойлар тарихи” китобимни ёзишда давом этдим. Халқ орасида бош кутарган норозилик бизга фойда келтирмаслигини бошқирд оқсоқолларига билдирган булсамда, хаяжон ҳаливери босилмади. Ҳамма ердан “Маҳбусларни қутқаринг”, деб Москвага ҳамда Оренбург вилоят кумитасига телеграммалар, чопарлар юборилибди. Бу ҳолатда бизнинг аҳволимиз борган сари ёмонлашиб борарди.

Бир куни (27 март бўлса керак) қамоқхона кўрикчиси Оренбург вилояти кўмитаси раиси Цвиллинг бу ерга келишини билдирди. Китобларимни ётоғимнинг остига яширишимни маслаҳат берди. Чунки қалам ва китобларимни қулимдан олиш ҳақида буйрук келган экан. Цвиллинг келди ва қамоқда туриб тоғлардаги кунгилли отрядларни ташкил этаётганимни, бир ҳафта ичида қуrollарини топширишлари ҳақида уларга амр йўллашим кераклигини, агар шундай қилмасам, улдирилишимни айтди. Мен, қамоқхонадан юборилган буйруқнинг нима кучи бор? Аввал мени бу ердан чиқаринг, сунг юборамиз, дедим. У, узингиз биласиз, деб чиқиб кетди. Шундан сунг назорат кучайди. Менинг қоғозларим, китоб ва қаламимни олиб куйишди. Ҳар 10–15 дақиқада бир қурикчи келиб, эшикнинг дарчасидан қараб кетарди.

§ 99. *Қамоқдан қочганимиз.* 3 апрелдан 4 апрелга утар кечаси тўсатдан шовкин бошланди. Оренбургга казаклар бостириб кирибди. Уларга Амир Қарамйш юборган бошқирд аскарлари ҳам қушилибди. Эрталабгача қамоқхонани камал қилиб, казак ва бошқирд маҳбусларни озод қилишди. Бироқ мен ётган алоҳида хонанинг қалитини тополмай, бу хонага кира олишмади. Шовкин кутаришди, бақиршди. Бошқирдча сўзлар қулогимга эшитилди. Аммо мен ички хонада булиб, ташқаридан катта қулф осилган эди. Улар эшикни бузолмай ортларига қайтишди. Қуп утмай қамоқхона бошлиғи келиб, хонани очди ва менга: “Сен ҳам кетавер, бироқ қандай қилиб чиққанингни ҳеч кимга айтма”, деди. Кейин маълум булишича, қамоқхона бошлиғи дастлаб бошқирд аскарларига қалит унда эмаслигини айтибди. Шунда улар агар қалитни топиб Валидовни озод қилмаса, уни улдиришларини

айтишибди. Буни менга тўрт ойдан сўнг Оренбург шурулардан озод булганида камоқхона бошлигининг ўзи айтиб берди.

Апрел ойининг боши булишига карамай, устимда хибсга олинган пайтимдаги кийим ва оёғимда кигиз этик бор эди. Қорлар зрий бошлагани сабабли бундай этик билан сувда юриб булмасди. Уст-бошимга сал эътибор билан қараган киши камоқдан қочганимни дарҳол англади. Кетиб борардим, хар томонимдан уқлар учиб ўтарди. Бир ўк кийимимни тешиб утди. Ҳамма томон алғов-далғов, баъзи уйлар ут ичида қолган. Кучаларда жасадлар ётибди. Улар устидан хатлаб утаётганимда бир киши “Стой!”, яъни, “Тухта!”, деди ва ёнимга келди. “Сен хибсга олиндинг”, деб мени тор кучага олиб кирди. Бу қизил эсерлардан эди. Жим кетдик, ортиқча гапирмади. Анча юрдик, йўлда “Кўркма” деб куйди, сўнг мени Сакмар дарёси устидан ўтган темир йўл ёнидаги хилват уйга олиб борди. У ерда мендан аввалроқ камоқдан қочган Саид Меросни қурдим. Кейин билсам, бу уй татарларнинг таникли муҳаррирларидан бири Жамолиддин Валидийнинг уйи экан. Мени олиб келган қизил аскар эса унинг қариндоши экан. Дусларим мени қутқариб келиш учун яна икки кишини юборибди. Бироқ улар мени топишолмабди. Жамолиддин Валидий “Маҳаллий мухторият” тарафдори эди. Татарларнинг маданий ҳаёти ҳақидаги русча асаридан туркий қавмларнинг яқин ўтмиши билан шуғулланаётган Европа шарқшўнослари ҳам фойдаланишмоқда. Ўзи билан алоҳида суҳбатлашиш имкони булмаган бу киши ҳозир уйда ҳам, балки, Оренбургда ҳам йўқ эди.

Айни кунларда Тошкентдан келган бир дўстимни ҳам мана шундай қалтис вазиятда учратдим. У Наливкин маҳаллий кишилардан бирининг ҳовлисига яшириниб, сўнг рус кабрстониға борганини, у ерда уз жонига қасд қилганини, Мустафо Чуқай ва бошқа Қукон миллий ҳукумати аъзоларининг Қозоғистонга қочишганини ва бошқа ҳодисаларни айтиб берди. Туркистонга қайтиб кетишга чоғланган бу киши у ерга бориб, бизнинг партизанлик ҳаракатимиз ҳақида хабар берадиган булди. Вақт тиғиз эди, бироқ таом ейишга улгурмадик. Бир йигитни темир йўли орқали Уфага юбориб, у ердаги дўстларимизга апрелнинг еттинчи ва саккизинчи кунлари уша ерда тупланишларини тайинладим. Бир отлик казакни топиб, шаҳардан қочишга уриндик, чана ҳам топилди. Кучалардан утар эканмиз, устимиздан ҳали ҳам уқлар ёғдирилмоқда эди. Куча уликлар билан тула. Милтик овозлари тинди. Демак, казаклар ва улар билан келган бошқирдлар бу ердан чекинишган. Бизни қутқаришга келганлар мени озод қила олмаганликларидан қаттиқ хафа бўлишибди. Қарғали шаҳарчасига келиб, улардан бирини топдим. Амир Қарамишга: “Мен озод булдим. Уфага келинг”, деб хабар йўлладим. У ерда тухтамай, чанали отларни алмаштириб, Тоқ дарёси устидаги Умар номли бошқирд кишлоғига келдим. У ердаги бир танишимизникида қолдим. Ҳозиргача тирик

булса керак, уша кишининг химмати билан отларини олиб, бир кунда эгри-бурги йуллардан из қолдирмай Абдуллино темир йул станциясига келдим. Мени олиб келган бу киши станцияга ярим километр масофа қолганда ортга қайтди. Темир йул орқали Уфага бориб, у ердаги дусларимиз билан нима қилишимиз зарурлиги хусусида гаплашиб оладиган бўлдик. Бошқирдистон миллий озодлик ҳаракатида бурилиш нуктаси ясаган бу йиғилишни “Уфа йиғини” деб атадик.

*§100. Уфа мажлислари.* Устимда ишчи кийими бор эди. Абдуллино станцияси темир йул ишчиларининг мажлисида иштирок этдим. Улар баъзи станциялар локомотив сураганини, уларни бериш керакми ёки йўқми, суҳбатлашишарди. Хуллас, ҳар ким узича гапирар, ҳеч ким бир-бирини тингламас эди. Бир неча соатда босиб утиш мумкин бўлган йулни бир кунда зурга босиб утдим, шунда ҳам тасодифий поездларга чиқиб, 7 апрелда Уфага етиб келдим. Оренбургдан поезд орқали келиши керак бўлган Амир Қарамийш ҳам муъжиза билан Уфага келибди. Мен Қарғалида унга чолар қилиб юборган йиғит Амирни Мураптал (Мир Абдол) кишлоғида топиб, хабаримни етказибди, у дарҳол Токчуранда изимга тушибди. Узи билан Баймоқда қулга киритган олгинлардан бир қисмини олиб келибди.

Уфага келган кунимиз Сталиндан мени Москвага таклиф қилиш амрини олиб Оренбургга кетаётган Салоҳ Атнагулов исмли бошқирд зиёлиси тасодифан Уфага келганини билдик. Татар коммунистлари раҳбари Мулланур Воҳидовдан менга мактуб келибди. Коммунистик партия мусулмонлари автономия мухтор давлат ташкил этиш ташаббуси билан чиқишганида Сталин мени Оренбургдаги қамоқдан озод қилиб, хузурига келтиришларини буюрган экан. Гарчи бу гапларга ишонмасам-да, Салоҳ билан куришдим. Эҳ, қанақа илтифот курсатишмабди, қанча ваъдалар беришмабди, дейсиз. Мен рад жавоби бермасдан ўзаро музокара қилишда давом этдик. Сунг шундай қарорга келдик: “Шўролар сиёсати ёлғондан иборат. Марказда балки яхши кишилар бордир, аммо вилоятлардагилар шовинист ва хоин кимсалардир. Диктаторлик уларнинг қулига топширилади. Москвадан буйруқ келгунга қадар улар ишни битирган бўлишади. Итоатимизни изҳор этиб йуллаган телеграммаларимизга қарамай Баймоқда фожеалар юз берди. Сталин қутқариб, Москвага келтирилдиган бошқирдлар 4 апрелда улдирилиши керак эди. Яхшиям қутулиб қолдик. У ерга бормай, тоғларда озодлик ҳаракатини ташкил этамиз. 15 майда қозок (Алаш Ҳаракати) вакиллари билан куришамиз. Семипалатинскка одам юбориб, 15–20 майда Қўстнавайдаги муҳаррир Абдуллоҳ Исматиёвга отасининг уйига келишларини айтамиз. Муллажон Холиқ уғли Троицкка, у ердан Қўстанайга бориб бизни кутиб олади. Қўстанайда қозоклар билан келиша олсак Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистондаги вазиятни Япония воситасида дунёга билдирамиз. Бунинг учун Ғулжа ҳамда Узоқ Шарқдаги Владивостокка вакиллар юборамиз. Бизнинг кураш

марказимиз ҳозирча Тамян Қатайда Аҳмад кантонидаги кишлоғи бўлади. Амирнинг икки аскарни икки йулдан поезд орқали бориб Тамянда ташкилий ишларга масъул этиб тайинланган Йулмон муллага хабар ва шифрографлар (шифрланган хатлар) олиб боради. Амир Қарамиш билан мсн 9 апрелда Уфадан кетамиз ва Қатай йули билан Аҳмад кишлоғига келамиз. Мен Салоҳ Атнагулов билан яна бир бор кўришдим. “Ҳозирча Москвага боролмайман, камокдан қочдик. Гарчи Москвага ишонсам-да, маҳаллий коммунистлар билан келиша олмаймиз деб қурқаман” дедим ва биздан кейин Оренбургдан келганлар олиб келган вилоят комиссарининг эълонини олдиға қуйдим. У ерда айтилишича, Валидов бизнинг кадрдон дустимиз Цвиллингнинг жасади устидан ҳатлаб утиб, камокдан қочди. У албатта, ушланади. Сунг Салоҳға: “Шуроларга ишониб Москвада ишлаётган дустларимга омад тилайман”, дедим. Табиийки, нима қилмоқчи эканимиз ва қаерга боришимизни унга айтмадим.

*§ 101. Қатийда бошимизга тунган тишвишлар.* Дустларимиздан бирини Семипалатинскка ва икки аскарни Мияс ҳамда Белоретскка жунатгач, Амир Қарамиш билан бирга 9 апрел куни кечқурун ҳали эришга улгурмаган қор устида чанада йулға чиқдик. Юқорида тилга олинган Зелим Каран, у ердан Мирзакай кишлоғига келдик. Ҳамма томонда қор эримоқда эди, шу боисдан купрок кечаси йул юрдик. 1917 йил июлда биз уйда меҳмон бўлган Жамолиддин Бойишов ва Мажид Гофурийни курдик, улар билан Собир хазратниқига бордик. У бизга тоғ бошқирдларининг кийими ва отлар бериб, Қатай бошқирдлари ҳудудидаги Шамов конига юборди. У ердан Тамян Тунгавир кантонлигидаги Аҳмад кишлоғига утмоқчи эдик. Худойберди кишлоғига ун километр ҳам қолмаган эдики, отларимиз дарё устидаги музлардан утолмади. Бизни олиб келган одамни отлари билан қайтариб юбордик. Амир иккимиз ўрмон ичига кириб, белимиздаги олтинларни маҳкам қилиб боғладик. Тилламиз куп эмасди, аммо дастлабки отрядларни ташкил этиш ҳамда Японияга вакил юборишимиз учун старли эди. Биздан атиги етти километр узоқликдаги Макар кишлоғидан бўлган Амир ёшлиқдан дустим эди. У XIX асрнинг биринчи ярмида танилган бошқирд ҳарбийси Юсуф майор Қарамишев авлодидан эди. Қарамишевлар фавқулодда жасур ва идеалист инсонлар эди. Амирнинг Мухтор ва Ғави исмли ҳарбий биродарлари бор эди. Узи букри эди. Амир бошқирдлар миллий мусиқа асбоби қурай (пай)ни чалишга уста эди. Биз кирган ўрмонда қурай қамиши, яъни лотинчасига “*heraclium sibiricum*” куп экан. Амир устидан туртта, остидан битта тешик очиб най ясар ва чаларди. Оятой ҳамда Уралда усадиган бундай қамишни Европа ва Туркия ўрмонларида учратмадим. Уни баъзи музейлардаги табиат бурчакларидагина учратиш мумкин.

Оёғимиз қорға ботиб, юришимиз қийинлашди. Устимиз жикка

хул бўлди. Йулда болта кутарган бошқирдга дуч келдик. Қишлоққача узоқми деб сурадик. Мана шу тепанинг орқасида, узоқ эмас (минав тубанинг арқасинда йап-йагин) деди. Аммо соатлаб юрганимизга қарамай, тепаликка етолмадик. Тарихда китъаларни ошган туркий қавмлари учун масофа доимо яқин курсатилади. Бир Қозон татарни "минав Чугешек" деб Хитой чегарасидаги шаҳарни имлаб курсатган турк кишиси ҳақида "минав Чугешек" деган қозокнинг гапидан сунг уч ой йул юрдим, деган экан. Бу одат Онадули салжуқийлари даврида ҳам шундай экан. Жалолиддин Румий "Турқдан манзил ҳали узоқми? деб сураган йуловчига "ушбу" яъни, "мана" деб жавоб беришининг маъносини биласизми? Маъноси: Худо сенга қувват ва куч берсин, жуда узоқ деганидир" Биз ҳам уч-турт соат йул юргачгина тепаликка чиқиб олдик. Узоқдан қишлоқ кўринди. Қишлоққа етиб келгунимизча буларимиз булди.

У ерда муаллимлик қиладиган бир кишининг хотини онамнинг укасининг кизи эди. Уларникида қолдик. Бирок бу жойга жуда яқин булган Шамов қони коммунист комиссариятига мансуб бир полициячи бизни куриб, шубҳали одамлар, деб хабар берибди. Комиссар уларни олиб кел, деб буюрибди. У олиб кетмоқчи булганида биз овқатланиб олайлик, дедик. Орада белимиздаги олтин ҳамда қоғоз пулларни уша муаллимнинг хотинига топширдик, чунки тинтиб қолиб, топиб оладиган булса, ҳолимизга вой буларди. Бир оздан сунг яна бир полициячи келди. Олдингиси бошқирд эди, буниси рус экан. Бизни комиссариятга олиб бориб, суроқ қилишди. Берадиган жавобларимизни олдиндан режалаштириб олдик. "Бундай об-ҳавода ўрмонларда адашиб нима қилиб юрибсиз, қамоқдан қочдингизми?" деб сурашди. Биз отлар билан келганимизни, улар дарёдан утолмагач, буюғига пиёда юриб келганимизни айтдик. Хуллас, ноҳуш ҳолат булмади. Бизни куриб туришлари учун уйнинг юқори қаватида жойлаштиришди.

Бу ерда бир тасодиф юз берди. Бизни куриқлаётган фабрика куриқчиси қишлоғимиздан Темиралли исмли йигит экан. У мени ва Амирни эшиқдан киришимиз биланок танибди. Аммо русларга ҳеч нима демабди. Темиралли от угриси эди. Қишлоқда яшолмай Қатай томонларга кетганини билардим. Мана шу ерда қизил армия сафига кирибди. Менга "комиссар сизни кутқаради, булмаса узим сизни қочириб юбораман" деди. Бироздан сунг нариги қишлоқдан бир бошқирд келди. Муаллим ва яна бир-икки киши биз учун отларни тайёрлаб қуйишганини секин тушунтирди ва "Сизнинг бу ерда қилишингиз осмоннинг ерга қулашидай гап булди, комиссар сизни чиқариб юбормаса, уйни уққа тутамиз. Сизни албатта кутқариб

\* Cun Turk "isbu" guyed merd-i revande-ra  
"Isbu-i Turk" cist ki nezdik-i menzili  
Tanri-i-tu celadet u quvvet dehed tu-ra

оламиз” деди.

Бироздан сунг комиссар бизни чакириб, кетишимиз мумкинлигини айтди. Русчани билишимизни сездирмадик. У бироз бошқирдча билар экан. Фабрикадан чикиб, отларимиз турган томонга юрдик. Узимизни худди Худойберди қишлоғига қайтиб кетаётгандек килиб кўрсатдик. Йулда йўналишни узгарттирдик. Тунда қор йули қаттиқ музлагани боис аввалига секин юрдик. Муаллим бизга омонатларимизни топширди. Сунг икки кишилик булиб, отларни чоптириб кетдик. Тонгда Сарман қишлоғидаги Оқ Эдил дарёсига етиб келдик. Текис жойларда қор эриган булса-да, бу ерда баланд тоғлар орасида қор қўп эди. Дарёни муз қоплаган булишига қарамай ёрилиш хавфи булгани учун отларни биз билан келганларга бериб, дарё устидан яёв утиб олдик. Шигай қишлоғига келиб дам олдик. Уйгонганимизда дарё музлари эриб кетибди. Тушдан сунг етиб келган қизил аскарлар муз эригани боис биз томонга утишолмади. Орадан бир неча ой утиб билдикки, Шамовдаги полиция комиссарияти шубҳали икки киши фалон томонга кетди. деб, Узан қонига сим қоқибди. Бирок улар бизни тутишолмади. Кечга яқин Аҳмад қишлоғига кириб келдик.

*§ 102. Тамяндаги фаолиятимиз ва қўзғолончилар отряди.*  
Биз Уфага юборган аскарлар айтилган ерга аслида лақаби Йулмон мулла булган кишининг хузурига бориб омонатни топширишибди. Мулланинг бу қишлоқда қариндоши булгани учун уз уйида юргандек хис қиларди. Пайқаб қолишса, қизил аскарлар Қаширинлар, яъни Верхний Уралек томондан келишини уйлаб, қушни қишлоқлардаги танишларига тайинлаб қўйибди. Душманинг ҳаракати қишлоқдан қишлоққа утиб яширинча бизга билдирилади, биз эса узимизни четга оламиз. Қогоз қупайтириш машинаси урмондаги олачик (қулба) да жойлашган. Кечаси русча ёзувларни ёзиш учун бу ерга унча узоқ булмаган кантон идорасига кириб, музланган қогозларни ёзиб келтирардик, туркчаларини араб ҳарфлари билан қудимизда ёзардик. Қогоз оқборимиз масжиднинг томида жойлашган эди. Даставвал бир қанча хитобнома тайёрладик. Россия мусулмонларининг ахволини тасвирлаб, бошқа мамлакатларга юбориладиган мактубларимизни русча ёздик. Бу ерга анчадан бери баъзи дусларимиз келиб кетарди. Яна шу ерда эшитдикки, Шамов комиссариятига олиб борган полициячи воқеани англаб, бошини чангаллабди, мен билмабман, унга хизмат қилмоқчи эдим, дебди. Уша полициячи ва Темиралӣ кейинчалик бизга қушилишди ва қўп яхши хизмат қилдилар. Бошқирд халқи жуда ҳам аҳил эди. Оғизларига маҳкам эдилар. Бир қуни эрталаб хабар келди. Йигирма бештача қизил аскар бу томонга келаётган эмниш, бир қишлоқда тунаб қолишибди. Амир Қарамниш ташкилий иш билан бошқа жойга кетган эди. Биз турадиган уйнинг эгаси ва Йулмон мулла “Мана шу йулдан пиёда борсангиз, катрон қозони бор, у ерда бир киши ишлайди. Уша ерда туринг. Руслар келиб кетгач, от



юбориб сизни олиб келамиз” дейишди. Бу йил киши узок давом этди. Куп юрдим. қор ёғар. ҳамма тараф олпоқ эди. Қор изларимни кумиб кетарди. Катрон қозонини топдим. У ердаги киши езда катрон ишлаб чиқариш учун арча илдизи ҳамда қайин дарахти чағини туплар экан. Менга “Рўпарадаги қалин ўрмонга кир, сени ҳеч ким қурмайди. Мен ҳам ўрмонларда куп яшириндим” деди. У мени қамоқдан қочган қароқчи деб уйлабди. Узи ҳам бир пайтлар қароқчилик қилган, ҳукм чиқиб, узок вақт ўрмонларда, тоғларда яширинишга мажбур бўлибди. У баъзида чуқур нафас олиб, бу ўрмон қимларни бағрига яширмади, қимларнинг жонини қутқариб қолмади, деган маъноли қароқчилар қушигини қуйларди. Хуллас, пешинга яқин бир киши келиб, қизиллар кетди. деди ва мени олиб кетди.

Қушни қишлоқдан мени қуриш учув келган имомнинг отини ҳам олиб келибди. Буни кўрган ҳалиги киши мени қароқчи эмаслигимни билди. Мени олиб кетмоқчи бўлган киши унга бир нарсалар деди. Қишлоққа келдим ва тушундимки, қизилларнинг биздан хабари йўқ экан. Кантонлик идорасида полиция мудирини, кейинчалик Бошқирдистон ҳукумати раиси бўлган Мусо Муртазин келган эди. Амир ҳам у билан бирга келибди. Ҳозир Амир ёнимда эмаслигидан гашиландим. Йулда устидаги қорни қутаромай синган арча дарахтининг шохи елкамга йиқилиб, яралади. Йулломон мулла сизни оловда киздириб яраланган жойга босди. Устига қуйдирилган қизиллар кигиз қуйди. “Доғламок” деб номланадиган ва тарихий асарларда зикр этилган бундай даволаш усули ҳали унутилмаган экан. Йулломон мулла “Ачитади, аммо нима ҳам қилардик, ярани бир кунда тузатади” деди. Мен “Ҳечқиси йўқ, модомики, шу йулга қирган эканмиз, чидаймиз” дедим ва Ҳожа Ҳофизнинг “Агар Ҳажни ниёт қилиб Арабистон чулларини босган бўлсанг, муғайлон тиконлари оёгингга кирса эътибор қилма” мазмунидаги шеърини ўқидим. Сакмар дарёси бўйидаги Бухоро маданиятига мансуб Абдуллох эшон мадрасасида ўқиган Йулломон мулла Ҳофизни жуда яхши билар экан. Шу заҳоти шеърнинг давомини ўқиб юборди: “Йуқолиб кетган Юсуф Канъонга қайтиб келади, ҳам ема, қайғу уйи бир қуни гулистонга айланади, ҳам ема. Гарчи йўллар тахликали, борар манзил ҳам номаълум булса-да, амалларининг чегараси булмаган: кишилар ишланган ерга мухтож эмасдир, ҳам ема”\*. “Ҳужа Ҳофиздан фол очилади, бу фолни узинг очдинг, жавобини ҳам Ҳофиз берди, бу ишларда бир ҳақиқат бор” деди. Йулломон мулла билан қучоқлашдик. Эрталаб ярам тузалиб

\* Der beyaban ger zi savq-i ka'be khahi zed qadem  
Serzenisha ger kuned khar-i mughailan gam ma-khor (ф)

\*\* Yusuf-i gam-geste baz ayed be Kan'an gam ma-khor, Kube-i ahzan seved ruzi  
gulistan gam ma-khor.

Gerci nenzil pes khatarnak est u maqsad napedid, Hic rahi nist ki anra nist-u  
payan gam ma-khor (ф).

қолди. Мулла менинг кузга ташланадиган даражада усган сочларимни олиб куйди. Бирок устара шу қадар утмас эдики, гуё ҳар битта қилни битталаб юларди. Сочимни олдириш ярамни доғлатишдан кура оғирроқ булди. Мулла энди чидаб тур деб русчалаб: “Эй казак, сабр қил атаман буласан” деди. У шу қадар мулойим одам эдики, қулидан келмайдиган иш йўқ эди. Шифрографни ҳам у ишлатарди. Хотини жуда ширин овкат пиширарди. Шунга қарамай, мулла бечора хотинини уриб турар, аммо яхши сузлар ҳам сузларди. Гётенинг: “Мен уддабурон одам ким эканин жуда яхши билаван, у аввал уз хотинини уради, сунг уз қули билан унинг сочларини тарайди”<sup>\*\*\*</sup> мазмундаги шеъри бизнинг Йулумон мулла учун айтилганди. Хотини овкат келтираётганида баъзан кузлари ёшланган буларди, бирок ҳеч қачон мулладан шикоят қилмасди. Хуллас, хотини ҳам мулланинг ўзига ухшаган эди. Мулла бу ерда бизнинг хавфсизлик мудиримизга айланган эди. Ҳамма томонда одамлари булса-да, ўзи жуда ҳам камтарин инсон эди. Кичкиналигимда никохлаб куйилган Нафиса шу ерга яқин Абжалил кишлоғида яшарди. Мулла, хоҳласанг бориб келамиз, деди. Хуллас, биз Йулумон мулланинг мукаммал тузилган режаси орқали бутун Тамян, Тунгавир, Қарағай, Қипчок ва Буржан улусларида отрядлар тузишга муваффақ булдик. Бироз муболагачи булган Амирнинг сузларига кура, 57 та отрядимиз булибди. Йулумон мулла купайтириб, агрофга таркатган қоғоз микдори саноксиз эди. Қоғозни етарлича олиб келган эдик. Мен бу ерда апрелнинг охиригача тахминан икки ҳафтача қолдим. Йалан кантонлиги бошқирдларини туплаб 15 майда Қустанайда булишим лозим эди. Амир Қарамишни бу ерда отряд ташкил этишга қолдириб, ўзим Чалабий (Челябинск) томонларга кетдим. Мулла эҳтиётдан менга чопкир от берди. Устимда Тангавур кишлоғи бошқирдларининг кийими бор эди.

**§103. Тунгатар ва Йалан ҳудудларидаги фаолиятимиз.** Бу орада бу ерга бошқирд зиёлиси Талха Расулов келган эди. Уни чет улкаларга жунатмокчи эдик. Бир куни қайиң биродарим буладиган мана шу Талха Расулов билан Чалабий ва Йалан устидан Қуствавай шаҳрига бориш учун унинг улуси Тунгаторга йўл олдик. Тулак кишлоғидан Одилшоҳ исмли зиёли олтин кони хўжайининикига бордик. Қуствавайда қозоқлар билан келиша олсак, Японига ёки уларнинг Узок Шарқдаги миссияларига бориши лозим эди. Аҳмад кишлоғида ёзган ёзувларимизни олдик. Одилшоҳ жуда ҳам сахий ва хайрсевар киши экан. Шу боис кишлоқ аҳли ва фақир фуқаро уни жуда яхши куришарди. Миллий ҳаракатимиз учун жиддий молиявий ёрдам бериб турди. Миллатимизнинг ҳар қандай давлат вазидида ва жамиятларда шараф билан вакили була оладиган аклизаковатли, қобилиятли киши эди.

\* Terpi Kazak atamanom budes

\*\* Den echten Mann kenne ich ihn ganz genau,

Er prägelt erst, dann kommt er seine Frau.

Рус тилини ҳам яхши биларди. Куп уқиганди. Ташқи алоқаларимизда кзмак бўлиши учун бизга тилла гул берди. Сафаримиз учун отлар ажратди. Шу ерда ва Талханинг кишлоғи Тунгаторда бир-икки кун қолдик. “Тунгатор” – “Тун қатар”, яъни “тунги навбатчилиқда турган аскар” деганидир. Эски хонлар даврида уларнинг вазифаси шундай экан. Машҳур Шайх Зайнуллоҳ ҳам мана шу кишлоқдан эди. Яна бу ердан обрули ҳарбийлар ва олимлар етишиб чиққан. Талханинг отаси ҳамда мана шу шайхнинг биродари Исо Охунд рус-япон урушида Манжурияда рус қушинидаги мусулмон аскарларнинг бошида туришган. 1905 йил уруш тугаганда отам билан бу кишлоққа келиб уни зиёрат қилган эдик. Бироз ичарди. Тил остига нос ташлаб намоз ўқиш шариатга тўғри келмаслигини била тариб имомлик қилаётганда носини туфлаган пайтда отамдан “намоз нима булди” деб сураган эдим. “Албатта, намоз намоз булмади” деб намозни янгилаган эдик. Буни Охунднинг узига айтганида ҳечам ҳайрон булмаган “ха, мен баъзан таҳоратсиз ҳам намоз ўқийман, бироқ бунинг учун фақатгина узим масъулман, сизнинг ибодатингиз мақбулдир. Мадомики, углинг менинг нуқсонимни қурибди, албатта намозни бошқадан уқисин” деди. Қўлишишди. Бу гапларни отамга яқин дўсти бўлгани боис айтган эди. Отамнинг бу борада кенг мазҳабли эди, қариндошимиз Ахил мулла ҳам шароб ичарди. Маст ҳолда имомлик қиларди. Отам бунга ҳеч нарса демасди. Исо Охунд мени ҳам жуда яхши қурарди. У ўлган экан, уни хотирлаб ичимда фотиҳа уқидим. Талха мана шу Тамийн Қатай кантонини хоқими эди. Яхши отлар олдириб келди ва кишлоқнинг ғарбий қисмидаги узоқ Уйтош тоғи яйловларга бордик. Бирданига исиб кетган об-ҳавода отларни роса чоптирдик. Ҳақиқатан ҳам ҳаволар тўсатдан исиган эди. Ҳали барвақт бўлишига қарамай кишлоқнинг кичик қўлида Талха ва биродарлари билан бир неча марта чўмилдик. Атрофда кизил аскарлар айланиб юрганини эшитардик. Бироқ миллатимиз ахил ва иноқ булгани сабабли биз узимизни хавфсиз хис қилар, ҳеч нарса булмагандек от чоптириш билан машғул бўлардик. Талхани бир кундан сунг изимдан боришга ва Мусо Калимуллоҳ Ҳадисўғлининг уйда учрашишга келишиб кишлоқда қолдирдим ва у менга қўшиб жунатган йигит билан Чибарқул ҳамда Тўқтибой номли бошқирд қазақларининг кишлоғида ва Отжитар номли мишар кишлоғида баъзи билганларимни уз қузим билан қуриб турт қун деганда Мусо Калимуллоҳ Ҳадисўғлининг кишлоғига етиб келдим. Адашмасам, кишлоқнинг номи Илѐс эди.

Бу ерда ғалати ҳодиса юз берди. Уйнинг бусағаси ҳамда ҳовлисида отлар боғлик турарди. Мусо Калим менинг келганимни қуриб дарҳол ташқарига чиқди ва қуришмаёқ “уйда меҳмон куп, улар орасида муҳолифатдагилар ҳам бор, аммо энди ичкарига кирмасанг булмас, овқатланишяпти” деди. Мен: “Мени бусага томонга утқизасан, Кубагуш кишлоғидан деб таништирасан” дедим. У айтганимдек

қилди. Устимда Тунгавир қишлоғи одамлари киядиган кийим бор эди. Кузойнагимни яширин сафарларим асносида ёнимда олиб юрмас эдим. Қаерликсан, қаердан келяпсан, деган оддий саволлар сурашди. жавоб бердим. Овкатдан сунг намоз вақти булиб, барчамиз биргаликда намоз ўқидик. Сунг ҳамма тарқалди, фақатгина мени танийдиганлар қолишди. Улар узоқлашишгач, уйда қолганлар бирданига қулиб юборишди ва келганимдан жуда хурсанд булишди. Кучоклашиб қуришдик. Мусо Калимининг кекса онаси келиб, бошимни силади. Менга: “Ҳеч ким ҳеч нарса эшитмади, яна бир неча кун қол” дейишди. Мусо Калим бу ернинг жуда ҳам фаол ва обрули кишиларидан эди. Кооператив ишларини яхши тушунар, русчани билар, газетажурналлар ўқирди. Бир суз билан маданиятли киши эди. Конгрессларимизда иштирок этди. Унча узоқ бўлмаган Тангриқул қишлоғида вилоятнинг кантон бошлиғи штаб капитани Олимжон Тагани (8-расм) қақриб келиш учун одам юбордик. Бу киши (кейинчалик др. Таган) 1948 йил вафотига қадар Ганбург университетига турк тилидан сабоқ берди, мен билан яқин дуст бўлди. Рус тили муаллимлари тайёрлайдиган мактабда ўқигандан сунгра Чор армиясига ёзилган, капитан лавозимига кутарилган эди. Олимжон Таган миллий қушинимизнинг учинчи қисми ва иккинчи тумани қумондонни бўлиб, ҳаракатимиз муваффақиятга учрагандан сунг Манжурияда фаолият юритиб Японияга утган, у ерда япон тилини урганиб, дустлар орттирган. у ердан эса Венгрия элчиси томонидан Венгрияга юборилиб Дебрёзен кишлок хужалиғи ва Будапешт иқтисодиёт факултетларини битириб иқтисод доктори бўлган эди. Шуроларнинг молия тизими ва бошқирдлар этиографиясига доир можорча ва французча мақола ҳамда асарлар чоп эттирди, Будапештдаги Этиография музейида Шарқ бўлими мудири бўлиб, музейга Туркиядан куп асарлар олиб келиб бойитди. Жанубий турк қавмларини чуқур тадқиқ этди. Расмчиликда уста бўлгани боис, турк қавмлари ҳаёти ва турк моддий маданиятига оид минглаб расмлар тўплади. Мен билан бирга Европада ва Швейцария ала тоғларида куп кезди ва ниҳоят 1944 йил қизил аскарлар Венгрияга кирганида Немисияга кетиб, Ганбургдаги дустим проф. Шааденинг ёнига бориб жойлашган эди. Мана шу киши Мусо Калимининг ҳовли эшигидан Лермонтовнинг “Исмоилбей” номли асаридан менга тегиштириб қуйидаги парчани ўкиб секин кириб келди:

“Тинч кўйинг, яна бир бор шу яйловларда қора ёлли отим устида елай, тинч кўйинг шу ҳаёт ва хурриятга яна бироз яқиндан қараб олай, ўлиб бўлган қалбимда яна бир бор илҳом излари қуринди, мана шу илҳом, қайгу, алам ва ишқ ҳаробаларини оташин шеър сари

йўллади”.

У мени қаттиқ қучоқлаб калин муйловларини юзимга босиб муҳаббат ва ҳурмат билан ўпди. Қамоқдан тоғларга қочганимни эшитган бу дўстларим мени кишлоқларида узок вақт олиб қолмоқчи бўлишди. Мен 15 май кунн Қуставайда бўлишим зарурлиги айтдим. Жуда ҳам ажойиб суҳбатлар курдик. Келишиувимизга кура Таган бу ерда отряд куриш ишини бошлайдиган булди, туғрироғи аллақачон бошлаган экан. Менга “Қуставайдаги йигинга яқин қолибди, бу ерда чалғиманг, эртагаёқ йўлга тушинг, қайтишда истаганингизча коласиз” дейишди. Эрталаб Мусо Калимнинг от аравасида йўлга тушганимизда “Эҳтиёт булиб кетинглар, йулингизда Минҳож бор. Унинг кишлоғига кирманг. Закийни мана шу тўппонча билан отиб улдираман деб қурол кутариб юрган экан, сиз ҳам тўппонча олинг” деб Мусонинг тўппончасини беришди. Минҳож деганлари чор армиясида хизмат қиладиган бой киши эди. Қўрбоналиевлар билан бирга рус монархиячилари билан келишиб Бошқирдистон мухторияти ҳаракатининг ашаддий душманига айланган эди. Ўтган йилги конгрессимизда ҳам бизга қарши турган эди. Сунг кизиллар билан бирлашиб кишлоғига тажовузкор рус коммунистларини олиб келиб, улар билан бирга Олимжон Таганни уйида босиб ўлдирмоқчи бўлибди, бироқ бундан хабар топган Олимжон телеграф ходими булган укаси Шамсиддин билан хужумга қарши тайёргарлик куриб, уйларининг бир томонини ғиштдан истехком холига келтиришибди. Тўсатдан бошланган хужум асносида хотини ва болачақаси билан ава шу истехкомда туриб узларини химоя қилишибди. Натижада улардан бир нечтаси яраланиб қочибди. Шу сабабля мени ҳам Минҳожнинг кишлоғидан узок, бир оз нотекис йўлдан жунатишларини айтишди.

§ 104. *Қустанайдаги учрашув.* Талҳа дарҳол йўлга тушмаган куринади, мен бу ерда икки кун қолдим. Ундан эса дарак булмади. Таганга: “Талҳа бугун ёки эртага келса ортимдан Троицкка юборинг, агар эртага ҳам келмаса, мени шу ерда кутсин. Япония миссиясида қозоқлардан ҳам вакил бўлиши мумкин, Қуставайда қозоқлар билан куришим керак” дедим. Троицкда Тунгавир бошқирдларидан Муҳаммад Ҳалиқа исмли кишининг уйига тушдим. У киши шайх Зайнуллоҳнинг халфаси эди. Кичкиналимизда шу шаҳарга келганимизда отам билан бир марта бу кишининг уйида меҳмон булган эдик. Кийинимизга қараб мени узлари томондаги бошқирдлардан булса керак деб ўйлаб яхши Қабул қилди. Ҳовлидаги меҳмонхонада

\* Dayte raz po siniyu polyu, Proskakat na cherno-grivom kone  
Dayte raz na jizn i volyu, Posmotret poblife mne.  
Opyat yavilos vdoxnoveniye, Duse bezjiznennoy moyey  
I prevrascayet v pesnopenye, Tosku, razvalinu strastey.

қолишим мумкинлигини айтди. Бирок кимлигимни эшитганидан сунг ранги оқариб кетди. Қулга тушсам, ўлдирилишим хақидаги эълонлар босилганини айтди ва “Уй дарёси соҳилида фалон халфа, яъни шайхнинг халфаси бор, уша ерга боринг. меникига комиссар келиб қолиши мумкин, бу ер хавфли” деди. Мени у ерга юбораётгани учун хижолатда экани сезилиб турарди. Мен столи устига Гуруғли достонидаги Тулак исмли жуда қурқок кишининг тилидан айтилган бир шеърни ёзиб чиқиб кетдим. Бироздан сунг ортимдан келиб такрор узр сўради. Кейинрок бизда Бошқирдистон ҳукумати аъзоси ва Москвадаги вакилимиз Муллажон Ҳолиқ ўгли деган дўстимиз мени ўша халфанинг уйдан топди. Қуствайга у билан бирга боришимиз керак эди. Унга хабар юборилган эди. Асли татар бўлган бу киши Бошқирдистон автономияси ҳаракатининг асосий тирғақларидан булган. Биз 1923 йил чет элга қочганимизда у шўролар кулида қолиб куп азоб тортди ва ниҳоят 1937 йилда қатл қилинди. Бизнинг, яъни Звиллинг жасади устидан хатлаб утганларнинг тутиб олинган тақдирда қатл этилиши хақидаги Оренбург вилоят комиссарияти эълонини ўз кузим билан кўрдим. Шу билан бирга мени бундай кийим бошда ҳеч ким танимаслигига ишонганим учун Муллажон иккимиз поезд орқали алоҳида вагонда Қуствайга келдик ва муҳаррир дўстимиз Абдуллоҳ Исматнинг уйда қолдик. Қозоклардан икки киши биздан аввалроқ келишган экан. Бир кунда маслаҳатимизни тугатдик. Япония ва хорижга аҳволимизни қандай билдиришимиз мумкинлиги хусусида қарор қабул қилдик. Қозоклар, яъни Алаш Урда ҳукумати Гулжа ва Чугачак томондан хориж билан боғланадиган, биз эса Японияга одам юборадиган булдик. Тошкент ва Фарғона томонлар билан уруш хусусида қандай келишишимизни аниқладик. Бу “Қуствай мажлиси” масаласи 4 апрелда қамокдан қочган пайтимизда Тошкентдан келган киши билан куришишимиз натижасида бир неча дақиқа ичида ҳал булган эди. Оренбургдан ташқари Уфадан ҳам Семипалатинска одам юборилди. Улар ҳам айни вақтида Қуствайга етиб келишди. Фикримиз бир жойдан чиқиб узоқ гаплашиб утиришга ҳожат қолмади. Қарор қабул қилибқок Троицкка кетдик. Муллажон Троицкда қолди. Мен Мусо Калимнинг Троицкда мени кутётган отлари билан Йалан кантонлигига келдим. Хавфли жойлардан тунда ўтдик ва кантонлик маркази Тангрикул шаҳарчасидаги Олимжон Таганнинг уйига келдик. Талха Расулов ҳам шу ерда экан. Мусо Калим ҳам келди. Талхага ҳужжатларни, тилла ва қоғоз пулларни бериб ўша кунгек темир йўл орқали Чумлак станциясига юбордик. Агар Владивостокдаги япон вакиллари билан музокара натижа бермаса, Японияга бориш ва улар орқали Шарқий Россия мусулмонларининг фожеий аҳволини дунёга билдиришни дилимизга тугдик.

**§105. Чехославак исёни ва Бошқирд ҳукуматининг қайтадан ташкил топиши.** 27 май кун қатта воқеа содир булди. Челябинскда

чехославак легионлари русларга қарши исён кутариб, Челябинск билан Омск орасидаги темир йул станцияларини қулга киритишди. Улар жаҳон урушида Австрия қушинидан чиқиб русларга қушилган қўшинлар эди. Чор ҳукумати уларни Урал ва Фарбий Сибир томонлардаги темир йуллари ҳамда харбий вагонларга жойлаштиришган эди. Болшевиклар инкилобдан сунг Россия немислар билан битим тузгач ватан, миллат даъвоси билан чиқиб болшевиклар қарши исён кутаришибди. Бу ҳақда Челябинск томондан хабар келганида Чумлак станциясидан ортига қайтган Талха ҳам шу гапни топиб келди. Бизда умид уйғонди, энди болшевизм йўқ булади. Биз отрядларимиз билан уларга қўшилиб миллий қушин ташкил этамиз, болшевикларни мамлакатдан қувиб чиқарамиз деб ўйладик. Бунга қаттиқ ишонганимиз учун уша кун байрамга айланиб кетди. Кечқурун яна ишонладик. Таганларнинг машхур қурайчи (вайчи)лари бор экан, уни олиб келишди. Қимиз ва шароб ҳам бисёр эди. Бошқирд миллий рақс санъати усталари ҳисобланган Талха, Мусо Калим ва Таган бирма-бир туриб рақсга тушишди. Мен ҳам қараб турмадим. (Маавлавийлар ҳақида ёзган француз ёзувчиси С. Ҳарт) "scène des quatre deviches tatars" деганидек бир неча соат давом этган уйинқулгудан сунг ётиб ухладик. Эрта тонгда Челябинска йул олдим. Талхага йулида давом этишини буюрдик. Доктор Таган эса отряд тузиш ишлари билан машғул бўлиб, уч кундан сунг Челябинска келадиган бўлди. Мен фақатгина Отжитар номли мишар қишлоғидаги дўстларимиз билан отимни алмаштириб 125 километрлик масофани бир кунда босиб ўтдим ва 29 май кун чехославаклар қароргоҳига етиб келдим.

Харитага қараладиган бўлса, менинг 4 апрелдан бери ўтган етти кун ичида юрган йулим 2000 км га яқин экани ва бу йулнинг фақатгина 500 км ни поезд орқали босиб ўтиб, қолган қисмида доим от устида юрганим қўринади. Бироқ йул азоби менга билинмас эди. Бутун бу воқеалар шу қадар қисқа вақтда содир бўлган эдики, инкилоб пайтида икки-уч ерда отрядлар ташкил этдик, Уфа ва Қуставай конференцияларини амалга оширдик, энди чехославаклар ҳаракатига қўшилмоқдамиз. Уларнинг қароргоҳи станциядаги бир нечта вагондан иборат эди. Атрофи аскарлар билан тула вагонлар билан уралган эди. Ҳаракат етакчиси ва легион раҳбари Богдан Павловнинг ёнига бордик. Оренбургда болшевиклар қамокхонасидан қочган бошқирлар ҳукумати аъзосиман деб ўзимни таништирдим. Устимда қишлоқ кийими ва соқолим ушиб кетган бўлишига қарамай, у менга дарҳол ишонди. Бир оздан сунг бошқа кишилар ҳам келишди. Улар др. Патејдал ва др. Ҳирс бўлиб, инкилоб қўмитаси аъзолари экан. Мен уларга ўзимни танитиб, тез орада бошқирд қушини ташкил этишга тайёр эканимизни, Буржан, Тунгавир, Қатай ва Йалан кантонликларида отрядларимиз борлигини ва бизга қурол

аслаха кераклигини айтдим. Улар бизнинг ҳар қандай эҳтиёжimizни қондиришларини ва ҳукумат қароргоҳи сифатида шаҳар уртасидан жой ажратишларини билдиришди. Мен уларнинг иккиланмай менга ишонганлари ва дарҳол жой ажратишмоқчи булганидан хайрон қолдим. Бу санадан етти йил утиб Чехославакияга борганимда др. Патејдалнинг парламент раиси, Богдан Павлонинг парламент аъзоси ва ички ишлар вазири булганини кўрдим. Уларникида меҳмон бўлдик. Кейин билишимча, улар 1914 йилда уруш бошланмасдан илгари ҳам чех миллиятчи социалистлари бўлишган экан. Уша куни 1918 йил темир йул станциясида нима сабабдан менга иккиланмай ишонишгани ва гуё аввалдан танийдигандек муомала қилишганини сурадим. Др. Патејдал айтдики, “Уша куни сиз келмасдан бир неча соат аввал бир бошқирд келиб, раҳбаримиз Валидов қамқондан қочибди, ҳозир тоғларда отряд ташкил этаётган экан, у келиб сизни топади, деди. Бироздан сунг сиз келдингиз. Қочок кийимидаги зиёлиларга ўхшаб гапирадиган Валидов булмай қим бўлиши мумкин эди? Шу сабабли ҳам иккиланиб ўтирмадик” дейишди. Богдан Павло айтди: “Унинг чакнаб турган кузлари, азму шижоати ва ҳаракатлари унинг Валидов эканига шубҳа қолдирмаган эди”.

Мен бу ердан чиқиб бизга ажратилган жойни чех ҳарбийси билан бориб кўрдим, қалитини олдим. Бир томондан телеграмма ёки чопар жунатиб, телефон орқали яширинча дўстларини тўплаб, иккинчи куни бизга келиб қушилган Олимжон Таган ва лейтевант Ориф Мухаммадёров, польшалик мусулмонлардан Анқарада вафот этган Исмоил Мухлиё ва татарлардан Усмон Теригуловлар билан бирга сафарбарлик тайёргарлигини бошладик. 1 июнда Челябинск вилоятидаги баъзи бошқирд ноҳияларига бошқирд ҳукумати номидан қисмий сафарбарлик эълон қилиб буйруқлар юбордик. Ҳар томондан кўнгилчилар кела бошлади. Уларни қуроллантирдик. Рус қушини қумондони генерал Ханжиннинг руҳсати билан қурол-аслаҳа оғборига эга булдик.

**§ 106. Минҳожининг улци.** Бу пайтда яна бир воқеа содир бўлди. Миллий ҳукуматнинг Йалан кантонлиги идорасида қизиллар билан бирга босқинни амалга оширган моварҳист Минҳож туқнашув асносида ҳалок бўлди. Мени улдирмоқчи булган гүппончасини қўлимга тутказишди. Таганнинг қули остидаги ҳарбий, Ориф Мухаммадёров ва Хорис Сисанбой угли исмли аскар Чалабий воқеасини эшитар эшитмас милтиқларини елкасига олиб Йалан кантонлаги марказига от чоптириб кетишаётганида бир қишлоқ бошқирдлари Минҳож ва бир қизил аскарнинг аравада Чумлак станциясига қочганини ва ортларидан етиб олиш мумкинлигини айтишибди. Иккиси дўстларига хабар бериб уларнинг ортидан от чоптириб кетишибди. Қочиб кетишаётганида отларидан бирининг оёғига уқ тегиб ерга қулабди ва улар бир девор орқасига утиб ўзларини ҳимоя қилишибди. Туқнашувда иккаласи



ҳам яраланиб ҳалок бўлибди. Миллий мухториятимиз йулида уз миллатимиз орасидан берган қурбонимиз мана шу Минҳож бўлди. Балки бу хабарни эшитган Қурбоналневлар ҳам Бошқирдистон ҳукумати ҳазиллашаётгани йўқ деб сафарбарликка қарғи курашишни бас қилишибди, оқсоқ ва кекса Убайдулла эшон ва Қурбоналиевнинг узи қимиз ва бошқа совғалар кутариб Челябинска мени қургани келишди. Кечқрим суради ва ҳарбий угли Ҳорунни хизматимизга беришини айтди. Шу тариқа Минҳожнинг улимидан орамиздан бошқа хон чикмади. Бу ҳазилакам гап эмас эди. Чунки адоватнинг илдизи айни пайтда Қурбоналиевларнинг оталари ҳисобланадиган чордоқлик Абдулҳаким ҳазрат ҳамда троицқлик шайх Зайнуллоҳ эшон уртасидаги муносабатларга бориб тақаларди. Абдулҳаким биз томонлардаги Йетарлибоши эшонларига қўл берган эди. Ҳар икки гуруҳнинг ҳам қўл муридлари бор эди. Гарчи русларда бундан фойдаланиб қолиш имконияти бўлган бўлса-да, энди бунинг йули кесилган эди.

*§ 107. Янги ҳукумат тузилиши ва бошқирд миллий қушини.* Бошқирдистон ҳукуматини янгитдан ташкил этганимизни (7 июн) илк сафарбарликни эълон қилганимизда фармон орқали билдирдик. Бирок қулимизда маблаг ва ишлаш учун бинолар йўқ эди. Ҳукумат аъзолари ҳам ҳарбий форма кийишди. Ҳукумат идораси қурол-аслаҳа омборига қуриладиган бўлди. Бирок ётоқ учун ажратилган ерларда қароват ва курпатушак, столстул йўқ эди. Ҳукумат аъзолари палтоларимизга ўраниб ерда ётардик. Бутун ҳужжатларимиз бир саидикка жойланган эди. Бу ҳолат мен ва дусларимни умидсизликка туширмади. Бир истиснони ҳисобга олмаганда.

*§ 108. Ниёз Мақсудов.* Ок Эдил дарёси бўйидаги Қирмисқали қишлоғи мадрасасининг хўжайини Валид Охунд Мақсудовнинг угли Ниёз таҳсил олиш учун Туркияга боирб Байрут Америка коллежида сабоқ олган эди. Ова томондан қариндошимиз бўлган Ниёз инглизчани ўрганиб, америка маданияти муҳитига кирибди. Араб тилини билишидан жуда хурсанд эди. Доимо бу ҳақда мактублар йўлларди. У менга Байрутдаги ўша коллежда уқиш фикрини уйғотган эди. Бирок мен узоқ уйлаб Россияда қолиб таҳсилимни давом эттиришни афзал қургандим. Мана шу Ниёз Мақсудий инқилоб юз берганида Россияга қайтди. Чехославаклар исёнидан биров аввал у билан Троицқда куришиб, Урал ҳамда Қозоғистонда мусулмон давлати ташкил этмоқчи эканимизни, инглиз тилини биладиган ва дунё сиёсий оламидан хабардор зиёли сифатида ташқи сиёсатда бизга ёрдам қилишини сурадим. Мана шу киши (5 июн) Америка делегацияси билан Омскка кетаётиб, йўлда Челябинска келибди. Унга Троицқда айтганларимни такрорладим. Бизнинг камтарона идорамиз ҳамда сандикларимизга қараб: “Мен бу ишларга тушунмайман, Америкага кетаман” деди. Турмуш ўртоғи билан Шарқий Сибир томонга йўл олди. Нью-Йорқда бир неча йил қоровуллик, сунг имомлик

қилибди. Ниҳоят уни америкаликлар Мунихда 1954 йилда қурган “Россияни ўрганиш институти”га маслаҳатчи сифатида юборишибди. Истанбулдаги дўсти ва ҳамшаҳари Аҳмад Амирхонга ёзган мактубида биз ҳақимизда шундай сузлари бор эди: “Ҳатта ётоқлари ҳам йук эди, ерда утириб овкатланишарди. Мен Челябинскдан кетгач, Валидов ва дўстларининг ишни муваффақит билан амалга оширганини эшитдим. Челябинскка қайтмоқчи булдим, бироқ америкаликлар Россиянинг шарқидаги мусулмонларни оёққа турғизиш фикрига қарши эдилар. Валидийнинг бир одами мени Омскда кўриб унинг сузларини яна бир бор такрорлади. Мен бормадим, Россия мусулмонларидан бир иш чиқишига кўзим етмас эди. Бу имон масаласи, менда эса у йук. Балки татарларнинг купчилиги уша пайтда шундай эдилар”. Мунихга келганимда у билан куп қуришдим. Доим белоруслар билан ҳамсухбат булар, уни Максудий деб эмас, Максудов деб чақтиришимизни истарди. Олим киши эди. 1957 йилда Америкага борганимда онласини кўрдим ва уғилларига асло ватан меҳрини уйғотмаганига гувоҳ булиб, уша пайтда Байрутга бормаганимдан жуда севиндим.

**§ 109. Дастлабки полклар.** Челябинскдаги кийинчиликларга қарамай эришган муваффақиятимиз борган сари дўстларимизнинг ҳаяжонини орттирар эди. Ҳамма кеча-қундуз меҳнат қиларди. Бироз утиб, ҳукумат идораси ва ҳарбий идораларни ташкил этдик. Дарҳол халқдан солиқ тупладик.

Қисмий сафарбарлик тўлиқ муваффақият билан амалга оширилди. Ҳозирча икки волостдан икки куръа аскар чақирган эдик. Улар тўлиқ келишди. Яширин большевик агентлари аскарлар орасида ташвиқот олиб боришга уриниб қуришди. Бизнинг аскарлар уларни тутган жойида ўлдиришарди. Шу боисдан коммунистлар бошқирд армиясига яқинлашмайдиган бўлди.

Уз ҳарбийларимиз оз сонли булгани сабабли, бир нечта рус ҳарбийсини сафимизга олдик. Иккинчи пиёда туманини ташкил эта бошладик. Баъзи кишилар “Сиз хали бир батальонга ҳам эга эмассиз, шу сабабли битта полк ташкил этиш билан кифояланишингиз керак эди. Сиз булса батальон ташкил этмоқчисиз” дер эди. Мен уларга: “Биз фақатгина батальон эмас, икки пиёда батальони, икки бригада ва мустақил техник отряд ташкил этамиз” дедим. Ва айтганларим куп утмасдан амалга ошди. Бир оз утиб юқори даражали ҳарбийларга ҳам эга булдик. Бирок улар шурулар идорасидаги Ғарбий Бошқирдистонда қолишган эди. Олимжон Таган ва Теригулов Златауст ҳудудидаги бошқирдлардан учинчи пиёда қисмларини ташкил этиш билан овора эди. Бизда чехлар бергандан бошқа қурол йук эди. Сафарбар этилган гуруҳлардан иккинчи полкни ташкил этишда фойдаландик. Биринчи пиёда полкни Тамйан кантонлигида ташкил этиш вазифаси Амир Қарамиз ва Мусо Муртазинларга юкланган эди. Иккинчи полкка жанубий Бошқирдистон татарларидан булган ҳарбийни, Хорис

Тўймакасвни кумондон этиб тайинладик. Ҳар жойда яширин юрган Бошқирдистон ҳукумати аъзоларини телеграмма билан чақирдик, уларнинг аксарияти келишди. Миллий ҳукуматни ташкил этдик. Сайид Мерос муваққат ҳукумат раиси, Абдуллоҳ Адҳам, Абдулҳак Абидов, Сайнткерей Магазов, Муллажон Ҳоликов ва мен ҳукумат аъзолари бўлдик. Мен ҳарбий назорат ишини буйнимга олдим. Ориф Муҳаммадёрвни ўзимга ёрдамчи қилиб олдим. Июл ойида биз бошқирд ҳарбийларидан Аҳмад Бийишов бошчилигида милиция ташкил этишни бошладик. Милиция ташкилотни мамлакат миқёсида большевик отрядларининг изидан тушиши керак эди. У уз ишини муваффақият билан бажарди. Болшевикларнинг ҳар ерда қолдирган яширин ячейкаларини бутунлай тозалаб ташлади.

**§ 110. Ҳарбий ҳаракатлар.** Отрядлар ташкил эта бошлаганимизга бир ҳафта бўлган эди. Биз ташкил этилган ҳар икки бригадани Екатеринбург йувалишидаги Арғайаш кантонлигида болшевикларга қарши курашаётган чехларга ёрдам бериш учун юбордик. Бу отрядларнинг илк ҳаракатлари ҳақида хабар олганимизда мен ўзим билан Сайнткерей Магазовни олиб чех ҳарбийсининг машинасида Челябинскдан ҳаракат қилдим. Қуйаш деган жойда жуда ҳам шиддатли жанг бўлаётган эди. Бу ер дустим Абдулқодир Иноннинг қишлоғидан саккиз километр узоқликда эди. Сайнткерей иккимиз жангда иштирок этдик. Ниҳоят болшевиклар бу ерни ташлаб Екатеринбург йувалишидаги Тубук станциясига чекинишди. Отрядларимизнинг қулига қуп қурол-аслаҳа утди. Болшевикларнинг бир қисм аскарлари қочиб кетолмай Қуйаш қули атрофидаги қамишлар орасига беркинишди. Бирок барчаси ҳалок бўлишди. Ушбу фронтдаги чех ва бошқирдларнинг бирлашган кучлари ҳақида Жозеф Урба исмли чех ҳарбийси уларнинг “Нородни Освобозени” номли расмий газетасида мақола ҳолида чоп эттирди. 1929 йил Прагада пайтимда бу мақолани менга ўқиб, таржима қилиб беришди. Қуйашдаги жанг билан ҳаётимда янги саҳифа, яъни ҳарбий саҳифа бошланди.

Бу жангда қизилларнинг Максим исмли обрули большевиғи ҳам ҳалок бўлди. У ўта золим киши эди. Бошқирд қишлоқларини ёқиб қулини совурган, узларини эса ўлдирган эди. Унинг ҳалок бўлганини эшитиб, бир гуруҳ аскарни унинг уйини қуриқлашлари учун юбордим. Тонгда эса уйига кириб бошқирд қишлоқларидан талаб кетган нарсаларини топдик. Улар орасида пўстинлар, гиламлар, қумуш ва жавоҳирлар билан ишланган эгаржабдуқ, камарлар, туморлар. бошқирд аёллари тақинчоклари бор эди. Қушни қишлоқ аҳолисини чақириб уларни эгаларига қайтаришни бузурдим. Қишлоқ аҳолиси бундан қаттиқ севилишди. Мен ҳам бахтли эдим. Чунки биз XVII асрдан бери биздан тортиб олинган нарсаларни энди қайтариб ола бошлаган эдик. Бир неча йил ўтиб бутун бошқирд ерлари қолхозлаштирилиб, бутунлай қўздан кетишини эса билмас эдим.

Куйаш жангги бутун Россияни қаттиқ хаяжонга солганини 1920 йилда коммунист Преображенскийдан билдим. Бу киши Николай пошшони улдириш ташаббусининг бош қахрамонларидан эди. У: “Николайнинг уша кунларда улдирилишида сиз ва чехларнинг Екатеринбург устига юришингиз сабаб булди”, деди. Ҳақиқатан уша жанг куни Екатеринбург биздан 90 километр узоқликда эди. Чехлар шаҳар устига юриш қилмоқчи эдилар. Биз эса бошқирд отрядларини Екатеринбургга юбормоқчи эмасдик. Аммо қизиллар бошқирд армияси ҳам чехлар билан келяпти деб уйлашибди. Преображенскийнинг айтишича, улар бошқирдлар ва чехлар бирлашиб Екатеринбургни озод қилиш учун йулга чиққанини эшитиб, камокдаги Николайнинг ишини ҳал этиб қўя қолишибди. Куйаш жангидан сўнг Челябинскка қайтдим. 1 июлда чехлар ва бошқирдлар Тургаяк станциясида қизилларни мағлубиятга учратишди. Мен ва юзбоши Таган тунда дарҳол шу ерга келдик. Бу ерда ҳам кўп қуролни қўлга киритдик. Улар янги ташкил этилаётган биринчи ва учинчи полклар учун ажратилди.

**§ III. Каширинлар билан кураш.** Бу пайтда Оренбург казакларидан ака-ука Николай ва Иван большевиклар орасида шуҳрат қозонишган эди. Улар чех исёнига эътибор қилмай Николаи Оренбургни. Иван эса Верхнийуралск ҳамда Эдилбуйидаги конларни бошқаришда давом этиб, вазият нозиклашган тақдирда Қозоғистон ва Тошкентдаги большевиклар олдига қочишни муяжжаллашган эди. 8 июлда Златауст қизиллардан тозалангач, Олимжон Таган, Абдулла Ганбаров ва Усмон Теригуловни у ерда учинчи полкимизни ташкил этишлари учун юбордим. Бир оз утиб узим ҳам ортларидан бордим. Иван Каширин ва Блухер бошқирдларнинг бу ҳаракатга жиддий киришганини куриб бутун рус кучларини Волгабуйига туплади. Амир Қарамиш ҳам бу ердаги партизанларимизни туплаб биринчи пиёда ва иккинчи суворий полки ташкил эта бошлагач, Қозоғистонда ҳам отрядлар ташкил этилганини эшитиб, Тошкентга қараб чекинши фикридан воз кечишди ва Истарлитомоқ томонга ҳаракатланишди. Мен туғилиб ўсган қишлоқдан етти километр масофадаги Макар қишлоғига келиб ўрнашишди. Улар Жанубий Урал бошқирдларининг қишлоқларида даҳшатли зулмликлар қилишар, ҳатто араваларини асалари инларидан бузиб олинган асал билан ёғлашарди. Бошқирдларнинг шурулар душмани булган казаклар билан бирлашганини куриб зулм янада ортди.

Каширинлар Эдилбуйидаги конлардан чиқиб кетгач Амир Қарамиш ва Муртазин уз аскарлари билан пиёда ва отлик полкини ташкил этишни тезлаштиришди. 3 июлда мен бир юк машинаси билан Мийас станциясидан Эдилбуйига келдим. Амир икки қаватли бинога жойлашибди. Уша кун қушни бинонинг биринчи қаватида йиғилиш бўлаётган эди. Енимиздаги бинонинг юқори қаватида ҳам шовкин эшитилди. Ҳаммамиз чикдик. Маълум булишича, казаклар бошлиги Анненков қизил аскарларнинг Сарман қишлоғида қолдирган

қуролларини тўплаб қелишлари учун аскарларини юборибди. Масъ ҳолда бу ҳарбий ва унинг дустри юк машинасидан тугри деразаси очик турган менинг хонамга киришибди. Қурикчиликдаги аскарларимиз уларни қизиллар деб уйлаб уриб-уриб қамаб қуйишибди. Амир Қарамш тонгда уларни озод қилиб йулларида давом этишига ружсат берди. Аммо аввалроқ отлик аскарларни улар кетадиган йулга жўнатиб сунг қоронгида машинага хужум уюштириб қуролларни тортиб олди. Сунг уларни қуйиб юборишибди. Бу иш шу қадар усталик билан амалга оширилган эдики, халиги ҳарбий бир неча ойдан кейин ҳам уша пайтда қуролларни қизил аскарлар тортиб олгани ҳақида гапирарди. Мана шу шаклда Мийас, Эдилбуйи, Узан, Каги ва Авжан қонларидан қувиб чиқарилган қизиллардан бизнинг қушинимизга куп миқдорда қурол утди. Тамйан Қатай ва Буржан кантонликларидаги биринчи отлик полкимиз халкнинг кумаги билан жуда тез ташкил булди. Қумондонлардан Исмоил Шарипов хотираларида “Ҳар томонда 18 ёшдан 60 ёшгача булган бошқирдлар сафимизга қушилиш учун хатто кузёш тукишарди” деб ёзган эди.

Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Полкни ташкил этган Мусо Муртазин Тамйан уругидан эди. Сунг бошка полк қумондони булиб капитан даражасига кутарилди. 1921 йилда Бошқирдистон Жумҳурияти раиси булди. Шу муносабат билан бошқирд ҳарбий тарихини ёзиб 1927 йилда чоп эттирди. Муртазин бу асарида биринчи полкнинг ташкил этилишини батафсил баён қилган.

Мен бу пайтда халигача бизга қушилмаган бир отрядни зиёрат этиш учун бир қисм отлик аскар билан Тунгавирга бордим. Булажак қайнотам Ҳожи Меҳмет мулла Яқшимбет углига оиласи ва мен билан унаштирилган қизи Нафисани олиб Абжали кишлоғининг ғарбида биз аскарлар билан утадиган жойга кела оласизми деб мактуб йулладим. Биз турган Шигаё кишлоғига одам юбориб Абжалил бу пайтда қизил казаклар томондан эгаллангани сабабли у ерга келолмасликларини билдирдилар. Бу муносабат билан Нафисага таассуфимни билдириб, эски шоирларимиздан бирининг қуйидаги мазмундаги шеърини ёзиб юбордим: “Мен сизни қуриш умидида севинган, бу йулда гам ва ҳасратдан секин-аста қутула бошлаган эдим. Сиз томондан эсган шабада гул атридан озгина бўй келтиргач, менинг ишим булбул каби фарёд этиб улишдан иборат булди”. Мен уйланиш учун Абжалилга бир йилдан сунггина кела олдим. Шигаё кишлоғидан Челябинкка йул олдим. Охун кишлоғи татарлари Бошқирдистон мухторияти фикрига қулишиб Верхнийуралскдаги қизил руслар тарафини тутишгани сабабли эҳтиётан у кишлоққа кирмадик. Имангул татарлари бизнинг

\* Min min u vasl umididen sad bulgan  
Bir birg am u enduhden azad bulgan  
Az az gina bergen sayin gul atari neşim  
Bulbul dek isim nefe u feryad bulgan.

келәтгән имизни эшитиб йулимизга пешвоз чиқишди. Кушни кишлоклар ҳамда Охунд кишлоғи татарларидан ҳам бир неча киши бор эди. У ердан Чубарқұлдаги казак бошқирдлар олдиға бордик. Улар Оренбург казак аскарлари сафида булгани боис улар орасида Каширинлар тарафдорлари булиши мумкин деб уйладик. Аммо улар ҳам лозим булса бошқирд кушиниға кушилишларини билдирдилар. Шу тариха Шигаидан 200 километр узокликдаги Челябинскка йулдаги кишлокларнинг бизга нисбатан хайрихохлигидан хаяжонланиб икки ярим кунда етиб бордик. Чубарқул бошқирдларидан Хусайн Истанбулда уша кунги хотираларини айтиб тугата олмасди. Тунгаяк станциясида кулга киритилган куролларни учинчи пиёда полки учун, Амир Қарамининг дохиёна харақати натижасида казаклардан тортиб олинган куролларни биринчи пиёда полки учун ажратиб, Каширинларни ғарбга қочишга мажбур қилганимиз, татарлар ҳамда казакларнинг бизга кушилиши бизнинг бутун Шарқий Бошқирдистонни эгаллашимиз учун етарли булган эди. Бу ишлар Таган, Қараминш, Мўртазин ва Исмоил Шарипов каби ҳарбийларимизнинг саъй-харақатлари натижасида кулга киритилди. Мен уларни баённома шаклида чоп эттириб, шуrolар бошқарувидаги баъзи бошқирд аҳолисиға билдирдим. Улар эски замон тили билан айтганда Зафарномалар эди.

Челябинскка қайтганимиздан икки-уч кундан утиб Тунгатар бошқирдларидан вакиллар келишди ва Каширинларнинг курқиб ғарбга қочишганини хабар беришди. Келганлар бошқирдча “тириз” яъни кайин дарахти пуштоғидан қилинадиган идишда “қақ” яъни қоқ олиб келишди. Яна оқ матоға уралган мана шу йир, яъни кушиқ ҳам бор эди.

*Гузал қиз қулуннай туплайди,  
Саватини билағиға осибди.  
Кулуннайни туплаб қоқ қиладди,  
Севган дустига ҳадя этиши учун.\**

§ 112. *Ғарбий Сибир ва Алаш Урда ҳукуматлари билан алоқаларимиз.* 2 Июлда ҳарбийларимиздан ва ҳукуматимиз аъзоларидан Абдулҳак Обидовни уша пайтда Омскда ташкил этилган “Ғарбий Сибир Демократик ҳукумати” капитани Гришин Алмазовға жунатдик. Биз ундан ташкил этилаётган пиёда ва отлик отрядларимиз учун курол, пул ва бошқа нарсалардан ёрдам беришини сураддик. Шуrolар менинг Алмазовға ёзган мактубларимни нашр этган. Бунда мен бошқарув усули ҳақида: “Бошқирдистон ҳукумати демократияға

\* Matur qidhiqas yilek yiye, silekeyin silekeyin ilip sol bilekke.  
Yilekter yiyib qaqtar quya, yen huynen de yen huynen de dosthuna buleкке.

асосланиди, аммо унда кумита булмади (Безкомитетная демократия) деган эдим. Бу ортикча маслахатлашишга йул бермайдиган марказлашган демократия дегани эди. Шура тарихчилари "Қизил архив" да бу сузим "шуросиз демократия"ни англатишини ёзишибди. Бир неча кундан сунг хукуматимиз аъзоси Сайиткерей Магазов билан бирга Омскка бордим. Поездда кетаётганимизда тунда иккинчи класс вагонларда яширилган қурол ва бомбалар портлади. Биз поезддан узоқлашиб қузатиб турдик. Омскдан жунатилган поезд келиб бизни олиб кетди. Гришин Аямазов билан уша куниёқ учрашдик. Бошқирд қушинининг стратегик жихатдан Сибир хукумати бош кумондонлигига тобе бўлиш шарти билан барча талабларимизни қондиришини айтди. Утган бир он мобайнида қушин ташкил этиш йулидаги фаолиятимни тақдирловчи фармон чиқарди ва менга Ғарбий Сибир хукумати томонидан қапитан унводини бермоқчи бўлди. Мен ҳарбий таълим олмаганим ва бунга муносиб бўлмаганим сабабли буни Қабул қила олмаслигимни айтдим. Сайитқирай Магаз тақлифни Қабул этишимни қаттиқ истади. У бу ердан Қозоғистондаги миллий хукумат Алаш Урдага бориб 1821 июл кунлари буладиган мажлисларда иштирок этиши керак эди. Улар билан музокара қилинадиган моддаларни ва имзоланадиган шартнома қораламасини Омскда тайёрладик. У Алаш Урдага келганида Алихон Бскайхон ва Қуқон Мухторияти собик раиси Мухаммаджон Танишбоев уша ерда экан. Бу Қозоғистон, Қуқон мухторияти ва Бошқирдистон хукумати тўпланган дастлабки конгресс эди. У ерда 12 моддадан иборат музокара мавзулари орасида бу пайтда Украинани босиб олган ва Астархань казаклари билан муносабат урнатмоқчи бўлган Немисияга умуман яқишнлашмаслик, фақатгина Россиянинг иттифоқдоши бўлган японларнинг Сибир ҳамда Гулжадаги вакиллари билан учрашиш, озодлик ҳаракатини фақатгина Россия ҳудудида амалга ошириш ҳақида келишиб олдик. Бу фикрларни Алаш Урда вакиллари Қабул этишди. Орадан икки йил ўтиб (1920) Астархан казакларидан Мухаммаджон Тунгачин исмли зиёлининг ҳужжатлари билан бирга биз имзолаган 12 моддалик ҳужжатнинг бир нусхаси шуролар қулига утди. Ушбу ҳужжатларда бизнинг ҳаракатларимиз Россия ҳудуди доирасидагина қилини ҳақидаги қарорларимиз шуролар томонидан ижобий баҳоланганини, яъни улар ҳам чор маъмурлари каби хақикий рус миллиятчилари эканини шахсан Чичериннинг тилидан эшитдим. Қозоқ шевасида ажойиб шерьлар ҳам ёзадиган Сайидқирай Магаз қозоқлар орасида катта эътибор қозонибди. У "Алаш Урда" номи газетада мен ва бошқирдлар ҳаракати ҳақида мақола ҳамда шерьлар чоп эттирди. Туркча ёзилган ва имзоланган шартномани узи билан Челябинскка олиб келди.

§ 113. Оренбургга қучишимиз ва Жанубий Уралнинг қизил аскарлардан тозиланиши. Қизиллар 6 июлда Уфани, 8 июлда эса

Оренбургни ташлаб чикишга мажбур булишди. Оренбург казаклар рахбари атаман Дутовнинг қулига утди. Бошқирдистон ҳукумати ва Чалабийда ташкил этилган бошқирд ҳарбий отрядлари дарҳол Челябинскдан темир йул орқали Оренбургга кучиб утишди. Биз бошқирдларнинг эски миллий мулки ҳисобланган карвонсарой биносида жойлашдик. Қозоғистон ҳукуматининг ғарбий қисми вакили Саидазим Хидирбоев эди. У Эски Тургай ҳокимияти биносида жойлашган яъни Оренбургда учта ҳукумат бўлиб, улар казаклар ҳукумати, Бошқирдистон ҳукумати ва Қозоғистон вакиллиги эди. Шаҳар бошқаруви казаклар қулида эди. Биз Бошқирдистоннинг ҳамма томонида бошқарув муассасаларини ташкил этдик. Ҳарбий мактаб очдик. Оренбургга келаётганимизда Чалабийда қолган зиёлиларга Фатхулқодир Сулаймон ҳамда Тақи Исматиини раҳбар этиб, у ернинг маориф ва нашр ишларини топшириб келдик. Фатхулқодир ҳозир Анкарада яшайдиган дўстим Абдулқодир Инондир. “Бошқирд” газетасининг бош муҳаррири эди. Газета биз кетгандан кейин ҳам нашр этилди. Биз Самарада ташкил этилган Россия Таъсис Мажлиси ҳукумати билан алоқа урнатдик. Узимиз билан келган полкни учга бўлиб, бир қисмини Тошкент ва Оренбург уртасидаги ҳалиям қизиллар қулида булган Актюбинск (Ок тепа)га, бир қисмини Орск фронтига ва яна бир қисмини Жанубий Урални тозалаш учун юбордик. Улар Каширинларни қувиб чиқарди. Эдил буйидаги биринчи пиёда ва иккинчи отлик полклари қуруқлик орқали Оренбургга чақирилди. Улар жанубий Урал рус фабрика ва шаҳарчаларидаги кизилларни тозалаб ташладилар.

*§ 114. Каширинлар билан яна бир бор тўқнашув.* Блюхер ва Иван Каширин қишлоғимиз (Кузан) ёнидаги Макардалигида укаси Николай уз аскарлари билан уларнинг олдига келди. 8 июлда қишлоғимиз ҳамда Макар қишлоғи уртасида қаттиқ тўқнашувлар булди. Макар Амир Қарамишнинг қишлоғи эди. У ва укалари, мен, қариндошим Бойишев Каширинларга қарши жангда бошқирд аскарларига қумондонлик қилдик. Қишлоғимиздан 5 километр узоқликдаги Петровск номли рус қишлоғида 1112 август кунлари шиддатли тўқнашувлар булди. Мен 9 август кунни кечқурун Оренбургдан машина орқали ҳаракат қилиб учта қуриқчи аскар билан бирга Малавизга, у ердан иккинчи полкдан келтирилган отлар билан қишлоғимизга тонгда кириб бордим. Жанглarda иштирок этдим. Қизиллар қочишди. Мен ва бошқа ҳарбийлар қушидан ажралиб, Йиған дарёси купригидан ака-ука Каширинларнинг қочишини томоша қилдик. Уларни дурбин орқали кузатдик. Аммо уқ узмадик, чунки бизни пайқаб қолишлари мумкин эди. Бироздан сунг аскарларимиз ҳам етиб келишди. Каширин аскарлари қуролларини ташлаб, отлик ёки яёв ҳолатда қочишар эди. Орадан икки йил утиб, шуrolар билан сулҳ тузиш учун Москвага келганимизда Николай Каширинни курдим. Каширин аслида ёмон



одам эмас экан. Куприк устида туриб кочаётганларини томоша килганимизни айтганимда жим туриб тинглади. Мағлуб булган кизиллар Урта Уралда Красноуфимск ва Перм томонларга кетмоқда эди. Аскарларимиз уларни кадамма-кадам таъкиб килиб борди ва катта талофот етказишди. Хуллас, Бойишев ва дустлари Жилим ва Сим дарёлари устида уларнинг орқада қолган аскарларини 15–18 август кунлари кириб ташлаган пайтда Олимжон Таган ва Абдуллох Ганбаров учинчи бошқирд полки билан Уфакинг шарқидаги Иглино станцияси ёнидаги Ирникша деган жойда Каширинлар билан жанг килиб, уларни тормор келтиришди. Афсуски, болшевиклар бу ердан зурга қочиб қутулишган булса-да, “Уралда фукаролар уруши” 235 номли нашрларида учинчи бошқирд полкини мағлубиятга учратишганини ёзишибди.

**§ 115. Амир Қарамиишнинг вафоти.** Кизилларни Шарқий Уралдан қувиб чиқаришда энг фаол иштирок этган иккинчи отлик қушини кўмондони Амир Қарамииш сафаримиз асносида вафот этди. Бу биз учун катта нуқотиш эди. Унинг вафотига бағишлаб бошқирд шоирлари марсиялар ёзишди. Улар орасида Шайхзода Бабичининг:

Бугун бизга не булди, ҳисларимиз паришон. Чунки орамизда бир эр йигит улган. У эр йигит ким эди? Амир Қарамииш эди, мисралари билан бошланадиган марсияси кейинги пайтларда ҳам халқ орасида айтилишини 1943 йилда немисларга асир булган бошқирд аскарларидан эшитдим. Амир мендан бир неча ёш катта эди, аммо уни болалигимдан танирдим, чунки оталаримиз дўст булишган. Бошқирдистон ҳукуматиға муносиб дафн этиш ҳамда тош лавҳа қуйдиришни укаси Герей Қарамиишевға топширдик.

**§ 116. Самара ҳукумати ва Бошқирдистон.** Жанубий Урални кизиллардан тозалашда отлик отрядға кўмондонлик қилган Исмоил Шарипов 1921 йилда Врангел қушини билан Истанбулга келади ва 1924 йилда Анқара миллий мудофаа ишлари вакили Ражаб Пекерға бошқирд қушинининг кизилларға қарши озодлик ҳаракати тарихини хариталар билан муфассал тарзда тайёрлаб, тақдим этади. Мен буни кейинроқ ўқишға муваффақ булдим. Ҳақиқатдан ажойиб асар булибди. Чор тарафдори булган Дутов билан муносабатларимиз у қадар яхши эмас эди. У Ғарбий Сибирдаги реакционер рус генераллари ва Челябинскда биздан умуман мамнун булмаган генерал Ханжин билан бирға бизға қарши иш олиб борарди. Биз эса унга асло ёқмайдиган социалистлар билан ҳамкорлик килиб, Самарадаги Таъсис Мажлиси ҳукумати билан бирға эдик. Дутов аксарияти эсерлардан ташкил топган Самара ҳукуматини Россия ҳукумати деб билмас эди. Биз эса аксинча. Самара ҳукумати бизнинг қушинимизни пул ва қуроқ

\* Bugun bizga ne bolgan, Konlibiz nege taralgan?

Taralgannun manesi, Bir ayavli er olgan.

Ayavli er kim ini, emir digen er ini.

билан таъминларди. Ҳатто Қозоғистон ҳукумати аскарлари учун бериладиган кумакни Бошқирдистон ҳарбий шуриси воситасида топширарди. Мен бу шуронинг раиси эдим. Урал казаклари бошлиғи атаман Толстов, хусусан, атаман Каргин биз билан бирга эди. Яъни Самара ҳукумати кўллаб-қувватлашарди. Бу ҳукумат ташкил топгач, мен ва атаман Толстовнинг Самара ҳукумати Ҳарбий ноziри генерал Галкин билан дустона ёзишмаларимизни ҳозир шўролар чоп эттиришган. Биз ҳукуватимиз аъзоларидан Муллажон Ҳоликовни вакил сифатида Самарага юбордик.

*§ 117. Оренбургдаги ташкилий ишлар.* Оренбургга келар-келмас оддий фуқароларнинг ташкилий ишлари билан машғул булдик. Бу ишлар билан кулрок ҳукумат раиси адвокат Юнус Бикбов ва профессор Колаев машғул булдилар. 1917 йил декабр ойида чакирилган учинчи Бошқирдистон Умумий Курултойи 22 кишилик Олдпарламент (Предпарламент) сайлаган эди. Буни фақат Оренбургда чакира олдик. Булар, хусусан, адлия ишларига, зироат ва урмон (хужаликлари) бошкармаси ишларига доир қонунларни ваъз этдилар (қун тартибига қўйдилар).

Ишларимиз узаро ишонч руҳида кетмоқда эдики, олд парламент баҳс-мунозараларига бориб қатнашмоғимга хожат қолмаганди. Мен бутун дохийий (ички) ва аскарый ишлар билан машғул эдим. Менга: “Сен ҳаракат қил, ишла, (сендан) қолганини биз бажарамиз” дейишарди. На жондан, на жаҳондан бир имдод (бор) эди.

Қуконда тузилган ва Шўролар томонидан февралда таркатилган Туркистон Миллий ҳукумати аъзоларидан Убайдуллоҳ Хужаев, шоир Абдулҳамид Сулаймон (Чулпон), кейинчалик Бухоро ҳарбий ноziри бўлган Абдулҳамид Орифов ва Тошкент зиёлиларидан Мирмуҳсин, баъзи Хивали ва Бухоролilar менинг ёнимда эдилар. Абдулҳамид Орипов хорижия (ташки ишлар) доирасида чолишди – ишлади. Бу киши ва шоир Абдулҳамид Сулаймон менинг котибларимдан эди.

Самара ҳукумати, Урал кузоклари (оқсоқоллари, бойлари, нуфузли кишилари) ва Қозокстон билан бирга биз тузган муваффақиятли ташкилот – Истихборот (Ахборот Маркази) эди. Бунинг фаолият марказлари Уралск (Така), Астархан вилоятида Хон Ўрдаси, Гурьев (Уйшук) Ғарбий Сибирда. Шуро идораси остида булган Ўрск, Оқтуба (тепа) ва Тошкент каби жойларга вакиллар юбориб, тезда бу ташкилотни туздик. Мудир Орипов булди. Миллий шоирларимиздан Саидқирай Моғоз, Шайхзода Бобич, узбек шоири Абдулҳамид Сулаймон, қозоклардан ёш адиб-муҳаррир Баримжон ва бир ойдин (зиёли) қозок кизи бу жойларда махфий шўьбалар қурарок Оренбургдаги марказимизга жуда қимматли маълумотлар юбориб туришди. Булардан, айниқса, қозок қизининг, шоир Шайхзода Бобичнинг бу йулдаги фаолиятлари романга мавзу буларлик даражада кизикарлидир. Масалан, Шуроларнинг Қозокстонда Шуро ҳукумати

тузишга маъмур этганлари Жонгелдин бу кизга бутунлай ишонган ва Москвадаги вазиятни айтиб берган. Яна Бошқирдларнинг утган асрда яшаган бир тарихчиси М.Умидбоев (1841–1907) нинг угли Али Аҳмад Умидбоев, Озарбайжондан ва у ерда Туркия фаолиятдан хабар юбормоқ учун Гурьев-Петровск йули билан Бокуга ва унинг бошқа бир дусту Туркменистонга жунатилган эди. Шу восита билан биз 11 июлда Ашхободда эсзарлар исёнидан, инглизлар Туркменистонга ва Бокуга чакирилганидан, бир кисм инглизлар ҳатто Александровск фортига чиққанидан, Туркия қушини Озарбайжонга кирганидан хабардор булдик. Ва Бука Урда билан Уралск ва Гурьев орасида алоқа урнатган Мунаввар зиёли козок қизи ёрдами билан Бухоро ва Хивадаги вазиятни ҳам билиб олдик. Ҳолбуки, генерал Дутовнинг истихборот (агентлик, разведка, хабар йиғиш) ишлари жуда заиф ташкил этилган эди. Кейинчалик Лондра (Лондон) университетиде форс тили буйича профессор булган мусташирик (ориенталист, шарқшунос) Владимир Минорский утапта Йрондаги Россия консули вазифасидан бўшаб, Бухоро йули билан Оренбургга келган эди. Куришсакда, менга бир гайрирус (инородец – ватандош булмаган, бегона) сифатида қараб, ҳеч қандай хабар айтмади. Лекин у бермаган маълумотни Дутовнинг муовини генерал Ахулин менга барча тафсилотлари билан сузлаб берди. Қозокстон орқали Тошкентдан узлуксиз хабарлар етиб турарди. Хуялас, ушанда Оренбургдаги Истихборот (Ахборотлар) марказимиз шарқда Семипалатинск (Етти утов) билан ғарбда Астархан, жанубда Бухоро билан шимолда Омск, Уфа ва Қозон орасида чузилган жойларда жараён этувчи ҳодисалар ҳақида яхши хабарлар оларди. Октябадаги кизиллар кузгалса, тошкентдагиларининг кули кукка совриларди. Туркиялик ҳарбий асир зобитлардан Умар Бей билан бухоролик Абдулхамид Орифов ва бошқа бирини уч йулдан Тошкентга ва Фарғонадаги босмачиларга, Олош Урдага ва Бухорога юбориб, алоқа урнатдик.

*§ 118. Бухоро ва Хива билан алоқаларимиз.* Июл ойи сунгида бир ҳодиса булди. 1920 йилда Бухоро инкилобидан сунг у ердаги инкилоб(ий) ҳукуматида Марказий Шуро раиси булмоқчи булган Усмон Хужа билан шу ҳукумат ижроия кумитаси раиси булмоқчи булган Файзулла Хужа туркистондан Москвага кетаётганда Дутовнинг хавфсизлик ишлари – амният субой (зобит)лари тарафидан тутилиб, большевик жосуслари сифатида айб куйилиб, Оренбург хибсхонасига ташланган. Булар эса узларини шахсан танишимни Дутов ҳукуматида билдирган. Бу ҳукумат эса маълум муддатдан сунг менга хабар берди. Мен уларни хибсдан чиқартириб, Карвонсаройга олдим. Аввалдан ҳам Москвада тижоратхоналари булган бу икки зот Бухоро бойларидан, тужжор ва ёш Бухоро(ликлар) раҳбарларидан эди. Булардан ҳам Бухородаги аҳвол ҳақида етарли даражада маълумотлар олдик. Ҳар иккиси Москвага бормоқ умидида ушанда кизиллардан қутулган

Қозонга кетдилар. Бу икки зот билан сухбатларимиз натижаси уларок бизга қушни Сайрон кишлогидан Абдуллоҳ Илёсовни ва яна бир-икки кишини Бухорога амир ҳукуматиға мураххос (делегат, вакил) сифатида юбормоққа қарор қилдим. Бухоро аскарлари Орол кули (Қозоли) ва Ок Мачит (Петровский) орасидаги темир йўлни кесиб, уша минтақадаги поезд бекатларини ишғол этишларини таклиф этдик. Агар лозим бўлса, октуба жабҳасидан субойлар юбориш мумкинлигини билдирдик. Амир вакилимизни шаҳсан узи эмас, кушбеги (бош вазир) билан қуриштирмоқ ила кифояланди ва узининг Москвада вазиятга ким ҳоким эса ушани Россия машру (шаръий, қонуний) ҳукумати сифатида танишини тан олишини, Россия билан қилган муаҳада (шартнома, келишув, сулҳ, аҳд, ақд) ларига содиқ қолажагини, киём ҳаракат (исён, кузғолон) ларда иштирок этмаслигини билдирди. Абдуллоҳ Илёсов вазифасини маҳорат билан адо этиб қайтди. Натижа ҳеч эди. Яъни Бухоро амири узининг ҳеч ким эмаслигини бизга билдирган эди. Мен ушанда муаллифи номаълум форсча мана бу шеърни Бехбудийга ёзган мактубимда келтириб, Бухоро амирининг ҳеч ким эмаслигини очик ишора этган эдим: “Фалак қулида айланган бу инсонлар нўхтасиз кезган ҳукиз ва эшаклардир. Эшак минган киши улиб кетди, лекин бу эшаклар эшаклиги, нодонлиги туфайли ҳануз юкларини устида олиб қорибдилар”.

Амир жуда оз куч билан, хатто Қизилкум қозокларини ташвиқ этароқ темир йўлни кесиб тўхтатиб қуя оларди, қилмади, қилолмади ва икки йилдан сўнг буниинг жазосини тортиди. Бизнинг қушинларимиз Оренбург кузоқ субой (амалдор зобит)ларидан Миролой Нохин қумондасида эди. Бу жуда қадр-қимматли бир зот эди ва шахсан менинг дустим эди. Октубани олсак, тезда Тошкентга юриш қилмоқчи эдик. Лекин бу шаҳар Тошкентдан ва Ҳазор денгизин орқали Астрахандан (яъни Москвадан) керакти ук-дорилар олганидан қулга киритилмади. Қозоклардан Омонгелди Имонов деган бир саркарда танассур (насроний динини қабул) қилиб, бу орада поп булган қозоқ ойдини Жонгелдин, шунингдек, Одой қозоқ уруғи оқсоқоли Тавбаниёз Октубага бу ёрдамлар келишини таъмин этиб туришди. Бу ердан эса, Хива хони тарафидан тўхтатилиши ҳеч гап эмасдики, агар у ерда кузи очик ҳукумат булганида эди. Биз бошқирд мунавварларидан Хурмагуллоҳ Эдилбоевни ва Оренбург татарларидан Зокир деган тужкорни Хивага юборароқ, Хондан Урал вилояти минтақасида назорат урнатишини илтимос қилдик.

Қозогистон (Олош Урда)нинг гарбий қисми “гарбий Олош Урда” номли алоҳида бир идорага боғлиқ эди. Бунинг маркази Чимбитида булиб, буларнинг бошида менинг яқин дустларим ва

\* Anha ki be zir-i felck devvar end, Gavan u kharan u bi dum u efsar end  
Kharbende bemurd u rest u inha zi khari, Az bi-khaberi henuz zir-i bar end.

фикрдошларим – адвокат-оқловчи Жаҳоншоҳ Дустмухаммедов билан Халил Дустмухаммедовлар бор эди. Уларни бу ташаббусимиздап этароқ ўз тарафларидан Хивага одам юбормоқларини таклиф этдик. Хурматуллоҳ бу ишни бажарди, лекин жуда қурқоқ бир шахс булган Хива хони Исфандиёрхонни шахсан курсида, амалий бир натижани қўлга киритолмади. Чунки Жунайдохон идорасидаги туркманлар тугдирган безовталиқ бу улкани қарахт қилиб қўйди. Хурматуллоҳ Қўнғирот шаҳри урталикда булгани учун у ерларда бу тарафдан Хива хони билан, у томондан Жунайдохон билан алоқа урнатиб, баъзи ишларга ҳаракат қилиб қўрди. Лекин хоннинг иродасизлиги туфайли бирор натижани қўлга кирита олмади. Ягона иши бизга маълумотлар юбориб туриш булиб қолди. Бу аснода Хурматуллоҳ ҳуқуқни урганар, рус адабиётини, Тургенев, Белинский, Герцен, Чаадаев кабиларнинг асарларини қўп уқирди. Ҳатто у немис моддийончиси (материалисти) Людвиг Бютчернинг баъзи асарларини бизга русча таржимасидан ўқиб берган эди. Бу жиҳатдан биз Тургенев асарларидаги бир типга ўхшатароқ унга Базаров дердик.словжи (с/лавофил) идеалистларни севмасди. Мутолаалари натижасида ўзига хос бир ахлоқий тушунча, қарашлар шакллантирган, мувофиқлаштирган эди.

Бошқирд халқи XVIII асрда Дали Петро ва қизи Елизаветага қарши исёнлари замонидан бери Хива билан сиёсий алоқаларда бўлмаган эди. Биз на Бухородан, на Хивадан бирор нарса қутмаган эдик. Миллий вазифамиз талабига қўра, уларга мурожаат этдик. Бу сабабдан Хурматуллоҳдек кадрли бир ойдин (зиёли)мизни у томонга юбордик. Бу ташаббусларимизда муваффақиятсизлик қўнғлимизда ҳеч қандай умидсизлик тугдирмади.

§ 119. *Монархистчиларнинг бошқирд қўшини уртасида низо чиқаришга уришишлари.* Оренбург казаклари орасида ута унғ, муътадил ва сўл сифатида уч қанот мавжуд эди. Биз муътадиллар билан бирга эдик. Бошқирдлар эса яқдил эди. Генерал Дутов ва Чалабийдаги генерал Ханжин умуман бошқирд ҳуқуқатини севмаганликлари боис уртага фасод уругини сочишга уришишарди. Бошқирд қўшини Челябинскдан Оренбургга келгандан сўнғ ҳар қандай қўмақдан маҳрум бўлиб қолган генерал Ханжин уша томонларда рус мовархистлари тарафдори булган Барин Табин уругидан Мидяк кишлоғининг бадавлат кишиси, номи бир неча маротаба тилга олинган Абдулхай Қурбоналиев билан тил бириктирган эди. Улар Тошкент fronti бошқирд армиясининг аксарияти Аргайаш кантонлиги бошқирдларидан ташкил топганидан фойдаланишга уришишди ва яширинча жўнатган айғоқчилари воситасида уларга “Заки Валидий сизни Тошкент ва Туркистон томонларга жўнатмоқчи, сизлар унга итоат этманг. Биз сизни ўз мамлакатингиз ва Фарбий Сибирга олиб келамиз” деб гижгижладилар. Август ойи Оренбургдаги қарвонсаройда бошқирд армиясининг паради ўюштирилди. Қурбоналиев томонидан

олиб борилган ташвиқотлардан хабардор булганим боис Аргайаш бошқирдларига расмий утишда орқада боришларини буюрдим. Маросим пайтида уларга яқинлашган пайтимда 23 киши олд сафларни ёриб утиб менга хужум қилишди. Бошқа аскарлар дарҳол уларнинг кулларидан куролларини олишди. Биринчи пиёда аскарлар уларни ўша захоти ўлдирмоқчи эдилар. Мен уларни тухтатдим. Барчасини озод қилиб расмий утишда давом этишларини амр этдим. Маросимдан сунг суриштирув жараёнида улар Абдулхай Курбоалиевнинг фиску фасодини, ўша йили май ойида бизнинг аскарларимиз томонидан ўлдирилган дусти Минҳожнинг интиқомини олиш ва уларни Туркистон фронтдан олиб Фарбий Сибир фронтига тащламоқчи булганини ва Оренбургда татар реакционерларининг раҳбари монархиячи Вали мулла Хусайинов билан куришишганини ва уз ноҳияси булган Мухаммадкул атрофидаги аскарларни чақириб шахсан узи таълимот берганини, Оренбург татар бойларидан Ғани бой Хусайиновнинг ўғиллари ҳам бундан хабардор эканларини айтиб беришди. Мен бу 23 аскарни кечирдим ва улар бошқа отрядларимизда содиклик билан хизмат қилишди. Кейин билдикки, шуrolар бу ҳодисани эшитиб шов-шув кутариш мақсадида газеталарда бошқирдлар орасида исён кутарилибди деган гап тарқатишди. Ваҳоланки, Аргайаш бошқирдлари шуrolарнинг энг катта душмани ва чор тарафдори булган Курбоналичилардан эди. Бу ҳодисадан сунг Абдулхайнинг отаси Убайдулла эшонга бир харбийдан мактуб йўллаб ўглини инсофга чақиршини сурадим. У бундан уч ой бурун Абдулхайнинг олдига келиб сузини утказа олмаганини ва иккинчи ўгли Ҳорунни хизматимга беришини билдирди. Ҳақиқатан ҳам Ҳорун миллий қўшинда қахрамонона хизмат қилиб жанглардан бирида шахид булди. Абдулхай эса бизнинг душманимиз адмирал Колчакнинг химоясига кириб мовархист атаман Семенов билан Узоқ Шаркка чекинди ва қолган умрини Японияда утказди. Токиода Ислом жамиятининг имоми булиб, масжид қурдирди. Мактаб очиб унга мудирлик қилди. Матбаа очиб фойдали ишлар билан шуғулланди. Худди унга ухшаб Японияга чекингандан сунг Венгрияга утган учинчи бошқирд пиёда қўшини қумондони капитан Олимжон Таган орқали менга мактуб йўллаб, унда эски хатолари ҳақида ёзибди. Ҳар ҳолда Абдулхайнинг ҳаракатлари бутун бошқирд армиясида ягона салбий ҳаракатлардан булди. Бугун унинг оиласи Токиода. Битта қизи Америкада, яна бир қизи Туркияда. Уларнинг барчаси русча ва инглизча таҳсил олишган. Мамлакатимизнинг бошқа ҳеч бир жойида Курбоналичилар ҳаракатига ўхшаш ҳаракат содир булмади. Унинг хийласига учган 23 аскар эса шундан сунг фидокорона хизмат қилишди.

**§ 126. Миллий қўшиндаги ишларнинг изобий томонлари.** Орск шаҳри қамал қилинганда бизнинг Қозғистон билан алоқаларимиз кучайди. Ушшқин ҳуқуқшунос Аҳимбек Беймуратов келиб Ўзбекистон

виляятида козок кушини ташкил этишда кумаклашишимизни суради. Биз Абдулхак Обидов билан бирга бир неча харбийларимизни юбордик. Улар Тургайда яхши фаолият олиб бориб козок миллий отрядларини ташкил этишди. Козок отрядлари учун куролларни Бошқирд Харбий Идораси (Башкирское войсковое управление) таркатди. Самара хукумати берган куроллар аввал бизга жунатиларди. Биз бошқирд ва козок отрядларини алохида гурухларга ажратиб ягона Бошқирд козок корпусини ташкил этмоқчи эдик. Бу ишни амалга ошириш учун чор кушинидан етишиб чикқан харбий Эшбулатовни кумондон этиб тайинладик. Самара хукумати аъзоси Веденияпин билан алоқаларим дустона эди. Бу генерал ҳам Самарага мен билан бориши керак эди. Харбий иш юзасидан бир неча маротаба Самарага бориб келдим. Веденияпин ва Харбий ишлар нозири Галкин мана шу корпусни ташкил этишда бизга кумаклашди. Мен ва генерал Эшбулатов ҳамда Самара хукумати кушини масъуллари белгилашган мехмонхонада учрашдик.

Бир куни эшикдаги аскарлар Қозон татарларининг машхур театр актёри Абдуллох Қориевни бошқирд кушинини хақорат қилмоқда деб тутиб келтиришди. Мени бу ерда харбийлар билан формада куриб: “Сен харбийларга кумондон булиб одам улдиришни урганибсан. Сафарбарлик эълон қилибсан. Худо хақи бу ишингни куй. Бу ишни русларга куйиб бер”. деди. Унинг сузлари хазил эмасди. Кушинимиз кумондони Эшбулатов бу сузлар шахсан узига қаратилган деб уйлади. Қаттиқ ғазабланганидан узи танимаган Қориевга қараб: “Сен Ваисовларданмисан?” деб суради. Ваисовлар қозонликларнинг харбий хизматга қарши жамоаси булиб, хозир французлардан *Mme Chantal Quelquejaу* уларнинг тарихини ёзган. “Иук” деди Қориев. Узи татар ёки татар бошқирд аралаш оилада улғайган Эшбулатов айтдики: “У ҳолда сен ваисист эмас, пассивистсан. Қозонликлар ва чувашлар неча асрлардан бери Россия бошқаруви остида булганликлари боис харбий бошқарув ишларини русларга тегишли иш деб билишади. Шу сабабли бизнинг купчилигимиз мустақил миллий кушин, улка ва худуд автономияси фикрига қаршимиз, ва фақатгина дин ҳамда маорифга асосланган миллий бошқарув фикрига осилиб олганмиз. Агар сизни кушинда хизмат қилиш учун олганимизда у ерда ҳам худди хозиргидай пропганда билан машғул булишга қодир булганингиз учун мен сизни иккиланмай камокка ташилардим” деди. Мен Қориевга “Бошқа бундай аҳмоқлик қилманг, кетишингиз мумкин” дедим. Қориев чиқиб кетгач генерал менга: “Миллий ва мустақил корпус ташкил этишни харбий рухиятини сақлаб қолган бошқирд ва қозоклар орасидан бошлаганимиз маъқул. Улар орасида бундай иғвогарлар йук” деди. Бу воқеадан бир ой утиб Уфада ташкил этилган “Россия давлат шүроси” асносида капитан Биглов ва бошқа татар харбийлари миллий корпус ташкил этишга қарши булишганида генерал Эшбулатов “Самарада

мана шуни айтмоқчи эдим. Қозонликлар майда масалаларда ҳам иккиланиб қолишарди. Улар бизни тамоман телбага чиқаришди” деди. Бошқирдистон миллий автономияси ҳаракати ҳақиқатан ҳам бошқирд ва татарларнинг умумий иши эди. Қушинга татарлар сон жиҳатдан ҳам чин кузгилдан иштирок этишарди. Ҳарбийлари ҳам кунгилли булиб қушинга қушилишган эди. Бироқ улар орасида давлат сиёсати, иқтисодиёт энди русларнинг иши, биз фақатгина дин ва миллий масалалар билан машғул бўлайлик дейдиган Қориевга ухшаш кишилар куп топиладди. Бу татарлар миллат сифатида яқдил эмаслигини исботларди.

Мен хануз буйдоқ эдим. Ҳарбий иш мени жиддий маънода узига ром этди. Карвонсаройда аскарлар учун ажратилган хоналарда яшардим. Худди бундан сунг бу тун ҳаётим шундай давом этадигандек туюларди. Аскарларимиз мени жуда яхши куришарди. Қуриқчи аскарларни таниш бошқирд оилалари ва дусларимизнинг фарзандларидан ташкил этдим. Уларнинг бошлиғи Абдурашид Бекбов ўғли эди. Ўзи Хавалин мишарларидан булиб, хотини Литва татарларидан эди. Бошқирдистондаги эрини куришга келолмади. Ажойиб угиллари булиб, лицейда уқирди. Муҳожирликда юрганимда 1929 йил Вильносга келиб хотини ва ўғлини курдим. У менга Бекбов ўглининг бошқирд қушинини тасвирлаб ёзган мактубларини курсатди. Уларни уқиб у ва бошқа аскарларнинг менга жону дилдан садоқат билан хизмат қилишганини билиб кузларимдан ёшлар оқди. Уша пайтдаги ҳарбий ҳаётимизни Россиядан чиқиб кетгандан сунг номи зикр этилган Исмоил Шариф ҳамда Бекбов ўглининг хотираларидан, биринчи бошқирд пиёда қушини кумондони польковник Емельяновнинг муовини Дамидов томонидан ёзилган хаяжонли хотиралар ва Оренбург казакларидан генерал Акулининнинг Оренбургдаги казак ва бошқирд қушини тарқатилгандан сунг ёзган хотираларидан билдим. Генерал Акулинин Дутовнинг ёрдамчиси эди. 1919 йил казак қушинлари тарқатиб юборилгач Дутов Хитой худудидаги Синьзиянга. Акулинин эса Урал казаклари билан бирга Украинага чекинди. Акулини Оренбург казакларининг шуруларга қарши тарихига оид 1947 йил Шанхайда нашр этган асари ҳамда чет элдаги казак газеталарида биз ҳақимизда баҳс юритиб жумладан шундай деган эди: “Оренбург казаклари орасида уз худуди ташқарисида жанг қилмаслик ҳақидаги ташвиқот уз таъсирини курсатди. Бундай ташвиқот бошқирдлар орасида ҳам амалга оширилган булса-да, уз таъсирини курсатмади. Умуман олганда, бошқирдлар узларининг яхши аскар эканликларини исбот этдилар. Улар инқилоблар булишига қарамай конларида мавжуд булган ҳарбий интизомни саклаб қолишди. Бошқирд аскарини уз бошлиғига итоаткор”.

Оренбургда биз ҳарбий ишлар билан бирга маориф ишлари билан ҳам машғул булдик. Муаллимлар тайёрловчи мактаблар, ҳамшира,



телеграф, телефон курслари, ҳарбий мактаб ва аскарлик курсларини ташкил этдик. Бошқирдлардан ким ҳарбий булса бу ишга жалб этилди. Жумладан, чор қушинида хизмат қилган полковник Оқчулпонов, Хасан Аҳмаров, Олимжон Таганлар куп фидокорлик курсатишди. Татарлардан генерал Эшбулатов, полковник Бикмаев, ака-ука Теригуловлар, Илёс Алкин, Янбухтин, Чанишев, Суяндукловлар жонларини аямай хизмат қилишди. Биз билан бирга булган татарларнинг баъзилар кейинчалик Бухорога, бошқа бир қисми эса Туркияга келишди. Франциялик Леон Каённинг “Туркийларда қушин доимо умуммишлат орасида миллий бирликни юзага келтириш учун асосий омил булган” деган фикрлари мана шу ҳаракатларда уз исботини топган эди. Ҳатто аввалига бизга жиддий равишда муҳолифатда булган татар муҳаррири Фотиҳ Каримий ва Давлат Думаси аъзоси Ибниямин Ахтямов ҳам бизга қушилди. Татарларнинг буюк олими Ризоуддин ибн Фахриддиннинг уғиллари матбаа ва газеталарда ишлашди. Унинг катта угли Абдурахмон Фахриддинов “Бошқирдистон” газетасининг бош муҳаррири эди. Қушинимизга зобитлик қилган рус ва польшалик ҳарбийлар ҳам Бошқирдистон автономияси ҳаракатига жиддий киришишган ва самимий туриб ёрдам беришарди. Улар орасида номи тилга олинган полковник Емельянов ва штаб бошлиғи ёрдамчиси Федоров (15) ва польшаликлардан қушинимизда 1917 йилдан бери фаолият курсатаётган капитан Бритзларни алоҳида таъкидлаб утиш жоиз. Августнинг урталарида (1918) Уфага бориб учинчи полкимизни текширдим. У ерда Агач Қишлау деган қишлоқда бошқирд қушинига қушилмай рус армиясида хизмат қилаётган татар аскарларини ҳам чақириб сузлаган узок нутқим Уфа мусулмонларига жуда ижобий таъсир курсатди. Уша пайтда ҳамма биз билан бирга эди. Гапимни татар ва бошқирдларнинг уша нутқимда айтган сузларимни кейинчалик сузма-суз айтиб беришлари исботлайди. Русларнинг бизга кумак берган гуруҳлари билан жуда яхши муносабатда бўлдик. Рус миллати орасида ута шовинистик руҳ фақатгина большевиклар ҳокимияти даврига келиб юзага келган эди. Аввал бундай эмасди. Ғайрирус миллатлари билан уларнинг ҳақхуқуқларини таниган ҳолда бирга яшашни истайдиган рус жамоаларда бизнинг багрикевг сиёсатимиз яхши таассурот уйғотди. Бунга бир мисол. 1924 йил бошида дўстим Абдулқодир Инон билан бирга Париждан Берлинга кетаётганимизда Брюсселда китоб-дафтарларимизни бошқа поездга жойлаётган эдик. Бир темир йул ишчиси келиб “Господин Валидов” деб мурожаат қилди. Билсак, у бизнинг ҳарбий идорада ишлаган, сунг Деникин қушинига ўтган ва Белгияга келиб қолган Дамидов исмли киши экан. Нарсаларимизни жойлаштиришга ёрдамлашди. Эски хотираларни эслаб йиғлади. Ҳатто мени кучоклаб олди. Юзбоши даражасидаги дўсти Черемисhev мен билан куп йиллар хабарлашиб туришди. Туғилган кунларимда совғалар юборди ва хотираларини

езди. Бизнинг бу пайтдаги асосий душманимиз коммунизм ва миллий истиклолга қарши мунофиқлик эди. Шу сабабли қўшинимизга большевик айғоқчилари асло кира олмадилар.

§ 121. *Самара ва Уфадаги музокаралар.* 30 августдан – 7 сентябрғача Бошқирдистон, Қозоғистон ва собиқ Туркистон ҳукуматлари ўртасида Оренбург ва Самарада жиддий музокаралар бўлиб ўтди. Бу Алаш Урда, Бошқирдистон ва Қўқон мухторияти ҳукуматларининг иккинчи йиғилиши эди (биринчи йиғилиш июл ойида Семипалатинскда бўлиб ўтган эди). Алаш Урдадан Алихон Букайхон, Аҳмад Бойтурсунов, Мирёқуб Давлат ва бошқа кишилар, Қўқон ҳукуматидан раис Муҳаммаджон Танишбоев ва ташқи ишлар вазири Мустафо Чукай, Убайдулло Хужаев яна бир нечта киши иштирок этишди. Музокараларда Жануби-шарқий Мусулмон давлатлари федерациясини ташкил этиш, бошқирд ва қозок қўшинларини битта корпусга бирлаштириш, Сибирь, Самара ҳукуматлари ҳамда Урал ва Оренбург казаклари билан Шарқий Россия Иттифоқи асосидаги катта федерацияни ташкил этиш каби масалалар қурилди. Биз музокаралардан сунг Бошқирдистон ҳукумати қўлидаги вагонлар билан Уфада 8 сентябрда бошланадиган “Россия давлат маслаҳат конгресси” (Российское государственное совешание)да иштирок этиш учун бордик. Уфада барчамиз Сибирь меҳмонхонасига тушдик. Русларнинг Э-Р, С-Д, К-Д, ва бошқа партиялари вакиллари ҳамда ҳарбийлар уша йили ташкил топган Шарқий Россия ҳукумати вакиллари ҳам қатнашди. Биз куп масалаларда эсерлар ҳамда Самара ҳукуматини қўллаб-қувватладик. Рус инқилоби тарихига оид асарларда тилга олинган бу конгрессда генерал Болдиренинг бошқаруви остида коалицион ҳукумат тузилган эди. Бироқ бу ҳукумат адмирал Колчак томонидан тунтарилди. Шундоқ ҳам унг партиялар ва монархиячи генераллар конгрессдаёқ узаларининг диктаторлик сиёсатларини изҳор этишдан, демократия фикрини очиқчасига пастга уришдан тортиниб ўтиришмади. Бу конгрессда биз уз масалаларимиз, яъни мусулмон турклар масаласи билан машғул бўлдик. Сибирь меҳмонхонасида татарларнинг зиёлилари билан мажлис ўтказилди. Улардан муҳаррир Аёз Исоқий, польковник (собиқ Дума аъзоси) Акрам Биглов ва зобитлардан Исқандар Эшмухамедов автономия ва мустақил ҳарбий корпусга қаттиқ қарши чиқиб, Россия мусулмонларининг дин ва маориф ишларини бошқаришда давом этиши лозимлигини, Сибирь ҳарбий назорати остидаги мусулмон отрядларни диний ишларига қарайдиган янги муассаса сифатида Осиё шубасини ташкил этишни, татар, бошқирд, қозок ва Урта Осиё мусулмонлари мана шу Осиё шубасига тобе бўлишини исташларини билдиришди.

Мен шарқий туркий қавмлари тақдирига доир қарашларимни Россия инқилобининг дастлабки йилларидаёқ аниқ равшан ва батафсил қилиб 8 сентябр кўни кечқурун мана шу Сибирь меҳмонхонасида ва

9 сентябр кунни бошқирд қўшини харбийлари билан бирга таклиф этилган татар харбийларига карата сузлаган нутқимда айтган эдим. Менда уша кунн Туркистон ва Волга буйи мусулмон зиёлиларининг бу ишни бевосита амалга ошира олишларига ишонган эдим. 1917 йил май ойида Москва съездида ва уша йили ёз ва куз фаслларида Тошкент, Оренбург, Уфа ва Қозонда Шарқий туркий қавмлари доирасида конгресслар тўпланганда зиёлилар уртасида турли мунозаралар ва қарама-каршиликлар келиб чиққан эди. Энди эса Алихон Букайхон атрофидаги қозок зиёлилари ҳамда татарларнинг аксарияти автономия ва миллий қўшин тарафдори бўлишган, қарши томондагилар эса жуда озчиликни ташкил этарди.

Энг кизиқарли суҳбат 12 сентябрда императрица Е. Катерина буйруғи билан ташкил “Духовная собрания мусулман”, яъни, Мусулмон Рухоний мажлиси биносиди Юсуф Окчура иштирокида утди. Юсуф Окчурин аслида Симбир губернияси фабрикантлари ҳисобланган Окчуринлар оиласига мансуб бўлиб, Истанбул ҳамда Парижда сиёсий илмлардан маълумот олган, 1905–1907 йиллар инкилоби пайтида Қозон ва Петербургда кенг сиёсий фаолият олиб борган, сунгра Туркия университетларида сунгги давр сиёсати тарихи профессори даражасини олган ва Отатуркнинг ишончини қозонган, олим ҳамда жамоат арбоби эди. У Туркия тарих жамияти раиси ва турк Мажлиси депутаты булди. Бу киши 1917 йилги инкилобда ҳам иштирок этмоқчи булган. 1918 йилда Туркиянинг “Ҳилоли Аҳмар” Қизил ярим ой жамияти вакили сифатида Москвадан Уфага келиб, эски кадрдони муфтий Олимжон Барудийникида меҳмон булган эди. Алихон Букайхон, Муҳаммаджон Танишбоев, Мустафо Чукай ва мен Самаранда Жануби-шарқий Мусулмон улкалари федерацияси куриш масаласида Юсуф Окчура билан суҳбатлашдик ва француз тилини билладиган киши сифатида биз ташкил этаётган федерациянинг ташқи ишлари билан шуғулланишини илтимос қилдик.

12 сентябрда “Собрания” биносиди бўлиб утган ушбу суҳбатда Окчура Туркия фукароси булганлиги сабабли бизнинг сиёсий ҳаракатларимизда расмий вазифа ололмаслигини айтди ва янги куриляётган федерацияни Шарк турклари федерацияси деб номлашни таклиф этди. Алихон эса пантуркизм тамғаси босилишига сабаб буладиган номлардан қочиш зарурлигини уқтирди ва вақти келиб Юсуф Окчура айтган номни бериш мумкинлигини айтди. Ҳозирча эса Шарқий Россия мусулмонлари федерацияси номи маъқул эди. Юсуф Окчура кейинроқ Истанбулда куришган пайтларимизда мана шу Уфа суҳбатларини марок билан хотирлади. Биз Туркистон, Қозогистон ва Қозондан келган меҳмонларимизни кимиз билан меҳмон қилдик. Қимизни Дим дарёси ҳавзасидаги Кандракулдан келтирган эдик. У ер Бошқирдистондаги энг яхши от турлари етиштириладиган жой бўлиб, афсонага кўра Заятулак исмли ботир йигит Сувсулув

исмли сув парисига ошиқ булибди. Мана шу йилкилар кизнинг сепи бўлиб, кўлдан чиққан экан. Уларнинг кимизи айниқса бошқача бўлади. Уфадан кетганимиздан сунг бу кишиларнинг кўпчилиги, шу жумладан Алихон Букайхон билан умуман куришмадик. Мен Давлат Маслаҳат Конгресси тугашини кутмай Уфадан кетдим. Дутов билан битта поезд, битта вагонда сафар қилган булсақда муносабатларимиз бузилгани сабабли йўлда умуман гаплашмадик.

Биз Россия микёсида социалистлар билан ҳамкор эканимизни ҳар бир ҳаракатимизда курсатдик. Бу пайтда миллият ва социализм асосларига кура Социалистик партиясини ташкил этаётган эдик. Режаларимизга кура бу партия Шарк туркийларнинг барчаси учун хос бўлиб, қозоқ зиёлиларидан Алихоннинг ёнидагилар ўзбеклардан Низомхўжа шир Чўлпон, Бухоролик Абдулхамид Орифов бу партиянинг асосчилари эди. Мана шу гуруҳнинг ташаббуси билан Бошқирдистон ҳукумати ер масаласини йўлга куядиган конун чиқарди. Бу конун социализм асосига таянар эди. Буни кишлоқ хужалиги бўйича вакилимиз Халил Амиров билан биргаликда яратдик. Ҳукумат парламентида агрофлича муҳокама қилинганидан сунг 20 сентябр куни эълон қилинди. Бу конун ҳақида ҳозирда шуро Бошқирдистон тарихида тилга олинади.

§ 122. *Орсқнинг ишғол этилиши.* Бу пайтда генераллар ва рус партияларининг тортишувларига карамай, фронтда анча илгарилаш булди. 27 сентябрда Орсқ қизиллардан тортиб олинди. Улар барча курулларини ташлаб Ақтобинскка қочишди. Орсқни ишғол этган бошқирд отрядларини Сулаймон Султоғалиев ва Мирсаид Султоғалиев исмли икки татар ҳуқуқшунос талабаси бошқарган эди. Шаҳарда қизиллар кулида тутқин булган зиёлилар қутқарувчиларни байроқлар билан қаричи олишди. Яна Гулсум Музаффарова ва Софня Музаффарова исмли талаба қизлар ҳам бизнинг ҳаракатларимизда иштирок этишди. Бошқирд кушинида эркаклардек зобит бўлиб хизмат қилган Гулсум кейинчалик олмонияда илм олди. У ердан Туркияга келиб углини ҳарбий қилиб вояга етказиб Нью-Йоркка кетди. Ҳозир вафот этибди. Гулсум ва қозоклардан Аккағит исмли қизлар Шаркий туркийлар орасидан етишди чиққан тамоман янгиича қамол топган инсонлар эди. Орсқ ишғол этилгач, Бошқирдистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янада кучайди. Қизиллар Бошқирдистондаги миллий озодлик ҳаракатларида иштирок этган миллиятчи татар зиёлиларидан Абдуллоҳ Саруқинни 50 тача одами билан тузоқка тушириб улдиришибди. Орсқдаги зиёлилар (ҳозир шуро тарихчилари татар эсерлари деб пастга уриб тилга олган) татар раҳбарларидан Нуримапов, Шафиев ва Сахий исмли кишиларни одамлари билан кулга олиб улдиришди ва бизнинг олдимизга келишди. Шоир Шайхзода Бабич бу воқеани шеърларида жонлантирди. Бу ҳодисалар шу пайтга қадар совуқ муносабат билдирган татар зиёлиларининг бутунлай биз

томонга утишларига сабаб булди. Биз Россия ичида руслар орасида озчилик булиб яшайдиган татар қишлоқларига Бошқирдистоннинг шаркий қисмига кучиб утишлари хусусида ташвиқот олиб бориш учун одамларимизни юбордик ва варақалар тарқатдик. Бунга ҳамма томондан розилик мактублари келди. Бугуруслан уездидан юзлаб татар оилалари Бошқирдистонга кучиб утишди. Мана шу воқеалардан сунг Бошқирдистон миллий ҳаракати фақатгина бошқирдларнинг эмас, татарларнинг ҳам миллий ҳаракатига айланган эди. Расмий газеталаримиз ҳам бошқирдлар, ҳам татарлар тушунадиган урта тилда ёзиларди. Орскнинг ишғол этилишида татарларнинг бошқирд ва козоклар миллий қўшинига қўшилишига сабаб булганини жиддий равишда ижобий қарши олган киши генерал Эшбулатов булди. У бундан сунг Абдуллоҳ Қориев, Аёз Исҳокий, Акрам Биглов каби татар унитарист пропогандачиларига (айниқса) қўшинда қатъиян йул берилмалигини эълон қилди. Айнақса, бу генералнинг жуда ҳам миллиятчи булган хотинининг унитаристлар билан тортишувларини эшитиш марокли эди.

Бошқирдистон миллий ҳаракати бизнинг ўлкамизда ишлайдиган татар зиёлилари томонидан жону дилдан қабул қилиниб, улардан Шайхуллоҳ Алкин исмли бир зиёли биз 1920 йилда Бошқирдистондан чиқиб кетганимиздан сунг шуролар билан жиддий тарзда курашган, ниҳоят ожиз қолиб Бошқирдистон озодлик ҳаракати ёдгорлиги ҳисобланган карвонсарой масжидида узини осиб улдирган эди. Бу Бошқирдистонда юз курсатган аччик изтиробларнинг ифодаси бўлди. Зиёлиларининг бир қисми ўлкада қолиб, қолган қисми биз билан бирга Туркистондаги ҳаракатларда иштирок этиш учун шарққа ҳаракат қилди. Бироқ мамлакатдаги зиёлиларнинг барчасига кетишимиз хақидаги хабарни етказишнинг имкони булмади. Бу кунгилсиз воқеаларни келтириб чиқарди. Улардан бири Шайхуллоҳ Алкиндир. Унга Истарлитомокдан Туркистонга ҳаракат қилаётганлар орасида Хорис Игликов: “Биз кетялмиз, сен коласан. Сенинг исминг кетадиганлар рўйхатида йуқ, сен Мирза Булатов билан қол” дебди. У “Нега буларни Заки оғанинг ўзи айтмади”, деб йиғлабди. Сулаймон Мирзо Булатов шуролар мусулмонларнинг жонини олса жоним билан жавоб бераман дейдиганлардан эди. Бироқ унинг исёни муваффақиятсизликка учрагач, Шайхуллоҳ Алкин миллат ва дини учун жонини фидо қилиб Карвонсаройдаги масжидда жонига қасд қилибди. Шайхуллоҳ Алкин Уфа ёнидаги Туман мирзаларидан эди. Алкин “Алка уғли” дегани. Бу қабила номини Махмуд Қошғарий ҳам ўз асарига тилга олади. Ўрни, бу қабила қадимдан машхур саналади. 18 асрда русларга қарши бошқирдлар томонидан амалга оширилган ҳаракатларда мардона жанг қилган Туман татарлари фарзанди Худоёров исмли ёш ҳарбий 1921 йилда Суяндиқов исмли ҳарбийнинг отряди билан босмачилар ҳаракатида иштирок этиш учун Бухорога

келибди. Шахрисабздаги шуро горнизонида хизмат қилаётганида дустлари биз билан бирлашиш учун Шахрисабзни ташлаб чиқишибди. Бирок Худоёров уша кунларда жуда бетоб бўлгани боис касалхонага ётқизилибди. У ҳам касалхонада дустларимга қўшила олмадим деб жонига қасд қилибди. Худоёров Тол кишлок номли жойда босмачилар билан биргаликда Суюндиқов томонидан бир неча марта хабар олиш учун юборилган эди. Ниҳоят даражада софдил ва ажойиб йигит эди.

§ 123. *Учинчи полкнинг аҳволи.* Орсқ олингандан сунг қизиллар бошка фронтларда оқ генераллар билан демократик партиялар уртасидаги келишмовчиликдан фойдаланиб қолишди. Натижада Қозон яна уларнинг қулига утди. Уларни Актюбинскдан чиқариб юборишнинг иложи булмади. Самара – Златауст йўналишида қизиллар ҳаракати кучая бошлади. Бу бизнинг учинчи полкимиз учун оғир келди. Полк Оренбургга кучиб Актюбинска келиши керак эди. Бу иш амалга ошган тақдирда Тошкентга йўл очиларди. Бирок бундай булмади. Полкимиз Самара – Златауст темир йўли йувалишидан ажрала олмади. Давлат маслаҳати бўлаётган кунларда Уфада бу полқдан 900 кишилиқ икки қисм бор эди. Шаҳардаги вазият уларнинг бошқарувида эди. Улардан капитан Теригулов ва ёрдамчиси Хорун Қурбонали қумондонлиги остидаги полкни Самара ҳукуматиинг талабига кура уша кунларда ҳаракати кучая бошлаган қизилларга қарши Сизранга юбордик. Чунки рус қўшини жуда ҳолдан тойган эди. Самара ҳукумати уларга ишона олмас, ягона таянч бошқирд қўшини эди. Бирок бошқирдларнинг Самара frontiда фақатгина мана шу полкигина бор эди. Сунг бу полк ҳам капитан Коппел қумондонлиги остидаги рус армияси билан чехлар Сизранни, Волганининг Самара ёнидаги Зулфу куприги муҳофазасини тарк этган қайиқларга чиқиб Зулфу дарёсининг чап соҳилига амаллаб утиб олишди. Куприкнинг унғ томонини муҳофаза қилиш бошқирд қўшинига топширилди.

7 октябрда бошқирдлар чехлар билан бирга Самарани тарк этишди. Шундан сунг қўшин шахсан капитан Таган қумондонлигида капитан Коппелининг аскарлари билан бирга Бугулма йўналишини ҳимоя қилиб Туркгелди деган кишлокда қаттиқ жанглар бўлди. Қизиллар хизматидаги венгриялик ва чуваш аскарлар мардонавор жанг қилишди. Самаранда ҳам бу ердаги фронтда ҳам белоруслар жуда ҳам кучсиз эди. Сибирдан олиб келинган француз аскарлари икки туп билан бу жангда иштирок этишди. Улар бошқирдларни қизиллар билан яраштиришга уринишди. Буни нима мақсадда қилишмоқчи булганини ҳанузгача тушунмайман. Сибирдаги француз кучлари қумондони генерал Жаниннинг хотираларида ҳам бу фикр изоҳланмаган. Французлар русларга қараб: “Сиз бир рус миллатига мансуб була туриб бирингизни оқ, бошқангизни қизил деб бир-бирингиз билан

кун давом этган бу жангда венгр ва чувашларни мағлуб этди. Учинчи отрядда икки чапчи аскар бор эди. Қизилларни таъкиб этишда уларнинг куп фойдаси теги. 1920 йил июли бошларида Москвадан Туркистонга кочиб Пенза шаҳрига етганимизда шаҳарнинг расмий газетаси (Пензенская правда) бир қизил ҳарбийнинг хотиралари нашр этилди. У хотираларида: “Биз қизиллар Бугулма фронтида Катиян тоғи чапчиликларидан еган зарбамизни ҳеч қачон унутмаймиз”, деб ёзибди. Олимжон Таган бу жангда ҳалок бўлган қизил ҳарбийнинг ашёлари орасидан бошқирд аёлларига оид жавоҳирлар ҳамда қумуш қинли тилла билан қопланган қадимий қилич топиб менга йўлаган эди. Мен эса келажакда ташкил этилиши муржалланган Бошқирд Этнография музейи учун сақлаб қўйиш мақсадида хазинага топширдим. Жуда яхши кетаётган жанг охириларига бориб Москвадан юборилган қизил ишчи қўшинга бас келолмай французлар билан Коппелнинг қўшини чекинди. Бизнинг учинчи полк ҳам Уфага, сўнг Уфанинг шарқига чекинишга мажбур бўлди. Ваҳоланки, бу полк жангларда мағлубият нимагини билмай келатган эди. Таган уз ҳисоботида: “Французлар ердан бериш урнига қизиллар қўшинидан қандай қочиш кераклигини кўрсатиб қўйди. Модомки бизни яраштиришни истаган экан, у ҳолда уларнинг бу ерга келишларининг боиси нима?” деб ёзган эди.

Учинчи полkning чекиниши афсуски кутубхонамизнинг зоё бўлишига сабаб бўлди. Бу кутубхона қўшинга тегишли анжомлар билан бирга 17 сандиққа жой бўлди. Улар Кенели станциясида турганида бу станция қизиллар томонидан ишғол қилинди. Сўнг бу китоблар яна чехларнинг қўлига ўтди. аммо барибир қизиллар қўчлилик қилиб Сибирни яна эгаллагач Иркутск университетига бериб юборилибди. Бу кутубхонада алоҳида эътибор билан тупланган туркча газета қоллекциялари, хусусан, 1883 йилдан Қримда чиқа бошлаган “Таржимон” газетасининг барча сонлари бор эди. Урта Осиёда тупланган форсча тарихий манбаларнинг баъзилари шурулар билан сулҳ тузгач узимга қайтариб берилди. Бутун босилган асарлар ва архивим эса йуқолди. Уларнинг катта қисми Иркутск университетиде сақланишини 1954 йилда Кембрижда тупланган шарқшунослар йиғинида рус олимларидан эшитдим.

**§124. Ишларнинг тескарикетиши.** Самара ва Уфа шурулар қўлига ўтиши билан уларнинг қўли баланд кела бошлади. Бошқирдистон ҳукумати эса фавқулодда чора қўллашга мажбур бўлди. 17 ноябрда Қўрбан хайити сабаб тупланган парламент аъзолари масалани музокара қилиб ҳукуматнинг ҳарбий булмаган идоралари, нашриёт ва матбуотни Оренбургдан Бошқирдистондаги Тимас шаҳарчасига қўчириб ўтказишга келишиб олишди. Бу иш тезда амалга оширилди. Мен шурулар билан курашни охиригача давом эттириб Ақтўбинскдан қизилларни ҳайдаб чиқариш ва Қозғистонда ташкил этилаётган ҳарбий ташкилотлар билан бирга Туркистонда оёкка турган маҳаллий

исёнчилар билан бирлашиш фикрида эдим. Бирок Урал вилояти козоклари орасида кизиллар айғокчиси Жангелдиннинг самарали харакати, Фарбий Сибирда генералларнинг диктаторлик режимини урнатишга уринишлари ва бунинг уша пайтда Сибирда таъсир кучига эга француз, инглиз ва америкаи бирлашган кучлари томонидан ҳам куллаб кувватланиши ишимизни оғирлаштириб куйди Россия Таъсис Мажлисига, яъни демократия фикрига булган ишонч ҳалиям кучли булса-да, бирлашган кучларнинг таъсири ҳал қилувчи роль уйнади. Француз, инглиз, америкаи ва япон кушини вакиллари Владивостокдан Омскка келди. Уларнинг бошида турган генераллар Сибирдаги рус генералларини куллаб-кувватлашди. Улар орасида энг эътиборлиси Еттисув казаклари бошлиги Иванов Ринов эди. 1916 йил Чор Россиясига қарши кузгони кутарган киргиз ва қозокларни шафқатсизларча улдирган эди. Колчакнинг диктаторлигига мойил тамойилларни Уфа давлат маслаҳат конгрессида мана шу мовархист Иванов Ринов илгари сурган эди. Биздан, яъни, Шаркий турк вакилларидан ҳеч ким унинг кулини сиқиб қуймади. Француз генерали Жанниннинг хотиралари ҳамда Америка вакили генерал Гравеснинг одамлари томонидан яратилган “1918–1920 йиллар Сибирь экспедицияси” мавзули асарида айтиб утилганидек бу иттифокчилар нима учун тупланишгани ва нима қилишларини билишмас эди. Уларнинг фаолияти ҳақидаги режа тақдим қилинмаган эди. Шу сабабли унинг фаолияти 1948–1949 йилларда Хитойдаги америкаликларнинг Хитой миллий ҳукуматига қарши булиб қолган фаолияти сингари охир оқибат зарарли тус олди.

Мана шу миссиялар ёрдамида адмирал Колчак 18 ноябрда узини Россия олий ҳукмдори (верховный правитель), яъни, диктатор деб эълон қилгач, ҳаммаси остин-устун булиб кетди. У биринчи навбатда Комучга қарши харакат бошлади. 21 ноябрда Қозоғистон, Бошқирдистон ҳукуматлари ҳамда қозок-бошқирд коргусининг йук қилинганини эълон қилди. Генерал Дутов Колчакнинг унг кули эди. У Колчакнинг буйруқларига амал қилиб, бизга қурол берилишини сиқиб қўя бошлади. Диктатор Колчакнинг дабдурустан қурган чоралари биздан Самара Златауст темир йули йувалишида рус кушини орқали ажратиб қуйилган учинчи полкка нисбатан дарҳол қулланила бошланди. Учинчи полк қурбон ҳайити муносабати билан телеграмма юбориб, саломлашдик. Шундан сунг Колчак алоқамизни узиб қуйди. Полк иккига ажралиб, бир қисми Таган бошчилигида Лавза номли рус посёлкасида яна бир қисми эса Саткинск фабрикасида Хорун Курбонали бошчилигида Колчакнинг қуролсизланиш ҳақидаги амрига буйсунмасдан икки ҳафта мобайнида қаршилиқ қуратишди. Колчак озиковқат йулларини тўсиб қуйди ва кишлоқларни тарқалишларини буюрди. Таган ва Хорун агар киш фасли булиб қалин қор ёғмаганида эди, бу амрга буйин эмас, бошқирд кушинига қушилган булардик, деб ҳисобот беришди. Колчакнинг кизилларга қарши қаҳрамонона жанг



қилган бошқирд қушиннига бундай муомалада бўлиши бошқа бошқирд полклари бу генералнинг қулига утадиган бўлса қандай аҳволга тушишларини қўрсатиб қуйган эди. Биз бунни қушинимизга буйруқ (приказ) шаклида билдирдик. Корпус қўмондони генерал Эшбулатов "Бундай нозик пайтда қўмондон илдам ҳаракат қилиши лозим, узимда бу ҳусусиятни қўра олмаяпман, қушинни бошқарниш Валидовга топшириштириши лозим" деб истеъфога чиқди. Ҳукумат 22 ноябрда қушин бошқарувини менга топширди. Бундай вазиятда бир томондан демократиянинг Таъсис мажлиси ташкилотларининг (Комуч) ГАРбий Сибир, Уралда ғалаба қозониши ва Актюбинск фронтининг тугаши умидида қизиллар билан жиддий курашда давом этиш, бошқа томондан эса мағлубиятга учраган тақдиримизда шўролар билан келишиш йулларини излаш лозим эди. Демократиянинг ғалабаси учун биз қиладиган яғона иш Оренбург ва Урал казаклари орасида демократия фикрига содиқ кишилар билан келишиб генерал Дутовдан кутулиш эди. Бу иш амалга оширилса Таъсис Мажлиси қайта тиклаш имкони юзага келиб, қизиллар Волганинг вариги кирғоғига суриб ташланиши мумкин эди. Яхши ташкил этилган яширин айғокчиларимиз воситасида қизилларнинг шарқий fronti жуда заиф эканини билиб олган эдик. Бирок ок генераллар гарчи узаро келишишмасида, Таъсис Мажлиси ҳамда бизга қарши яқдил бўлганликлари учун ишлар тесқари кетиши муқаррар бўлиб қолди. Бу ҳолат шўролар билан музокарани дарҳол бошлашни талаб этарди. Биз ҳукумат аъзолари бўлган Муллажон Ҳолиқов ва Герей Карамиевнинг Москвага юбориш мақсадида фронтдан утқаздик. Муллажонга Максим Горький ҳамда санъаткор Гр.Шаляпинга бериш учун мактуб ёзиб бердим. Муллажон шўролар билан музокарани мана шу икки кишининг ёрдамида амалга оширилиши лозим эди. Бирок Муллажон ва Герей Москвага утолмасдан хатларни бир киши орқали жўнатиб юборишибди. Оренбург казак генераллари қизиллар ғолиб чиқадиغان бўлса, уларига содиқ аскарлар билан Қозоғистон йули орқали Хитойга утиб кетишни мулжаллашган экан. Биз ўлкамиз аҳолисини ўрнидан кузгатиш ёки уларни ташлаб кетиш ниятида эмасдик. Бошимизга нима тушса халқимиз билан бирга қўрамиз деб қарор қилдик.

§ 125. *Қилтис вазиятда қўрилган чора-тадбирлар.* Шунинг баробарида Алаш Урда билан биргалликда Актюбинск фронтини ёриб кириб Туркистон кучлари билан бирлашини йулидаги ҳаракатларимизни сусайтирмадик. Тургай ҳудудида биздан Абдулҳак Обидов ва козоқлардан Азимбек Беримжонов фидокорона хизмат қилишмоқда эди. Поезд орқали алоқа қилиш қийинлашгани боис отлар воситасида қозоқлар билан алоқада бўлиб гурдик. Воқеалар эса борган сари жадал тус олмақда эди. Самара ва Актюбинск қизиллари, Дутов ва Қоячак гурт томондан бизни қўриш олиқтинмас бўлди. Бундай нозик вазиятда бизни кишиларга ишониб бўлмади. Алявалига

миллий фронтда хизмат қилиб сунг Москвага бориб гарчи коммунист бўлишмаган бўлса-да. Сталин ҳамда Муллақур Воҳидовлар билан бирга фаолият олиб борган бошқирд зиёлиларидан Салоҳ Атвагулов ҳамда Шариф Манатов Урта Волга буйи қизиллардан тозалангандан сунг яна бизга келиб қушилангандилар. Биз уларга сиёсий соҳада эмас балки маориф соҳасида вазифа бердик. Ҳозирги қалтис вазиятда эса бундай кишилардан халос бўлиш лозим эди. Шу боис биз Салоҳ Атвагуловни кейинчалик шурулар билан келишишга тўғри келса, бунга замин ҳозирлаши учун Москвага юбордик. Дарҳақиқат, бу киши бориб бизнинг ишимиз билан эмас, уз иши билан машғул бўлибди. Шариф Манатовга эса бир оз пул бериб Озарбайжонлар билан алоқа урнатиши учун Гурев ва Петровск йули орқали Бакуга жунатдик. У Бакудан Туркияга ўтиб кетибди. 1911–1912 йилларда Болқон урушида қўнғилили бўлиб жанг қилгани учун турк тилини яхши биларди. Колчак томонидан тарқатиб юборилган Таъсис Мажлиси ва Комуч аъзолари ҳам Бошқирдистонга келишмоқда эдилар. Жумладан, Туркистон вакили Мустафо Чукай ҳамда Туркистон эсерлари раҳбари Вадим Чайкин мен билан бирга эди. Бир куни собиқ Керенский ҳукуматининг зироат вакили ва Россия эсерлари раҳбари ҳамда назариётчиси Виктор Чернов ҳамда Самара Комуч ҳукуматининг ташқи ишлар вакили Веденияпин, яна бир қанча эсерлар мен Истарлитомоқда фронтни назорат қилаётган пайтда Екатеринбург томондан казакларга келишди. Уларни йулда Қизилмачиғда яхшилаб меҳмон қилдим. Улар билан Оренбургга бордим. Бир муддат ўтиб яхши отларга миндириб энг яхши қўриқчилар билан Уралска кузатиб қуйдим. Агар Дутовнинг қўлига тушиб қолишса халок бўлишарди. Улар Букай Урда йули билан Астарханга кетишди. Шундан сунг бир муддат яширинча яшадилар. Тўрт ойдан сунг эса уларни Москвада қурдим. Черновни эса кейинроқ Парижда ва Прагада учратдим. У “Дело варода” газетасида бош муҳаррир бўлган маҳаллари унга нисбатан ҳурматим жуда баланд эди. Бошқирдистонга келганида эса у мен учун гуё шайх эди. Прагада “Constructive Socialism” номли асарини нашр этгандан сунг ундан қўнғилим совуди. Чунки асариди ахамиятга молик деярли ҳеч нарса йук эди. Фикрлари ҳам бир-бирига зид эди. Чернов ва хамроҳлари Бошқирдистон ҳукумати ташкилоти ҳамда қўшинининг интизомига қизиқиб қолишган эди. Чунки ҳар томон алғов-далгов бўлиб турган бир пайтда қўшинимиз уз интизомини йўқотмаганди. Бу ҳақда Чернов Европада чоп эттирган баъзи мақолаларида ҳам бир неча бор айтиб ўтади. Улар Оренбургга келишган пайтда бизнинг демократияни қутқариб қолиш йулидаги ташаббусларимиз жадаллашганди. Мен 6 ва 25 ноябр кунлари икки мароаба Ақтобинск фронтдаги бошқирд қўшинини назорат қилдим. Аскарларининг кайфияти қутаринки эди. Уларга капитан Максин қўмондонлик қиларди. У Оренбург демократ казакларининг вакили бўлиб, диктатор Дутовга қарши эди. Яна

улардан атаман Каргин ҳамда бир неча казак вакиллари ҳам бор эди. Актюбинск фронтда генерал Дутовга қарши қўллавадиган чоралар аниқлаб олинди. Бу бошқирд, қозок ва Оренбург казакларидан ташқил топган умумий ҳукумат ташқил этиш ҳамда бош қўмондонликни капитан Каринга топшириш фикри эди. Дастлабки йигинни 12 декабр кунлари Оренбургдаги қарвонсаройда утказишга келишиб олдик. Шаҳарнинг бошқирд қўшини эгаллаб турган қисмида Дутов келтирмагани боис йигин тинч ўтди. Бу мажлисда иштирок этган Мустафо Чўқай ҳамда Вадим Чайкинларга ҳам вазифалар юклатилди. Бироқ Дутов томонидан қўшинимизга киритиб юборилган Чалабий шаҳри савадогар татарларидан Аҳмад Али исмли ҳарбий уша захотиёқ Дутовга хабар бергани аниқлангач у ўзига содиқ казаклар билан шаҳар ташқарисига кочди. Максим ортикча қон тукилишини истамади. Шу тариқа уч ой давомида тайёрланган режамиз бир ондаёқ сувга чўкди. Янги қурилган ҳукуматда ташқи ишлар бўйича масъул бўлган Мустафо Чўқай бошқа мамлакатларга кетиш истагида эди. У ва хотинини Бакуга қузатиб қўйдик. Тун буйи Оренбург шаҳридаги барча аскарларимизни ва мавжуд поездларни кулимиз остидаги станция атрофида тўплаб 2 декабр кунга тушга қадар Оренбургни ташлаб чиқиб кетдик ва Сакмарск ҳамда Орск орасидаги станцияларга бориб жойлашдик. Оренбург ва Уфа орасидаги 400 километрлик фронтни фақатгина бошқирд қўшинлари ушлаб турарди. Ермолаевка деган жойда Оренбург дворянларининг бошлиғи Шотта исмли асли немис бўлган йирик ер эгасиникидан штаб туздик.

### *§ 126. Ермолаевкидаги мажлислар ва қабул қилинган қарорлар.*

Декабр ойининг биринчи ярмида фронтни узгартиришимизга сабаб бўлган уч ҳодиса ҳусусида гуҳталиб ўтишим жоиз.

*Биринчи ҳодиса.* Тошкентда туркиялик асир ҳарбийлардан Қозимбей ҳиндистонлик инглизлар душмани мавлавий Баракатуллоҳ билан бирга фаолият олиб бормоқда эди. Уларнинг асосий душмани инглизлар бўлгани сабабли Тошкент ва унинг атрофидаги мусулмонларнинг шуруларга қарши исёнчилик ҳаракатларига (Осинов ҳаракатлари<sup>295</sup>) ғов бўлиб туришар эди. Улар Бошқирдистон ҳукуматиغا ҳам шурулар билан ярашишни тавсия этиб мактублар йўллашди. Ермолаевкадан Тошкентга юборган вакилларимиз ўзбеклардан вакил ҳамда Қозимбей ва Баракатуллоҳдан мактуб келтиришди. Мактубда Туркия қўшинининг Бакуни ишғол этгани, инглизларнинг Ашхабоддан чекингани ва афгонларнинг инглизлар билан уруш ҳолатида эканликлари ҳамда уларнинг шурулардан қурол олишга мажбур бўлгани боис бундай вазиятда шуруларга қарши қурашишнинг Туркия, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳаракатларига қаратилган қарши ҳаракат сифатида Қабул қилиниши ёзилган эди. Бу сафар уларнинг мактубларига қўшимча сифатида туркистонлик таниқли зиёлилар ва Туркистонда яшовчи озарбайжон зиёлилари ҳам

худди шу маънода мактублар йуллашган эди. Кейинроқ Европада вафот этган Баракатуллох биз шурулар билан сулҳ имзолагач Москвадан Истардотомокка келиб меҳмон булди. Козимбей эса Туркияга қайтиб кетди. Биз у билан бирга 1926–1928 йилларда Истанбулда “Янги Туркистон” журналини ташкил этдик. У уз хотираларини Истанбул газеталаринда нашр эттирди. Яқинда вафот этди. Уларнинг Туркия ва Кавказ, Ҳиндистон ва Афғонистонга оид муфассал маълумотлари биз учун катта янгилик булди. Шурулар билан келишувда баъзи дусларимизга уз таъсир курсатди.

*Иккинчи ҳодиса* генерал Колчак ҳамда француз генерали Жанишинг Дутовга йуллаган мактубларининг биз томонимиздан уқилиши булди. Уша лайдта Уфа шаҳри кизиллар кулида булгани боис Оренбур билан Омск ва Челябинск уртасидаги алоқалар Бошқирдистон орқали амалга оширилар эди. Аввалроқ Бошқирдистон кушинида хизмат қилган капитан Емелянов бир нечта ҳарбийлар ҳамроҳлигида Челябинскдан чаваларга утириб Оренбургга кетишмоқда эди. Уларни қор бурони сабаб чавалар кеч қолди деган баҳовада олиб қолиб, тунда ҳужжатлар уқидик, уларни яна узларига қайтариб бердик. Бу ҳужжатни уқиш учун 80 километр йул босиб Тавлиқай кишлоғига келган эдик. Унда Бошқирдистон ва Қозогистон кушинларини йук келиш, мени ва бошқа бошқирд раҳбарларини қулга тушириб ҳарбий маҳкама (Военно Полевой суд)га бериш хусусида катъий курсатма берилган эди. Яна унда “муслмонлар ҳаракати” яъни Бошқирдистон, Қозогистон ва Туркистон ҳаракатларига қарши бир қанча сузлар битилган эди. Немислар бу пайтда ҳануз Украинадан чиқиб кетишмаган эди. Сибирдаги иттифоқдошлар Украинадаги немислар билан Кавказга кирган немис ва турк кучларининг Ҳазор денгизи шаркидаги муслмон қавмларга таъсир курсатиши мумкинлигини уйлаб, Шарқий турклардан чучиб туришарди. Козимбей ва Баракатуллохнинг Тошкентдаги фаолияти ҳам уларга маълум эди. Ҳар ҳолда, Ғарбий Сибирда иттифоқдош вакиллари Қозогистон ҳамда Бошқирдистонда миллий муслмон кушинини ташкил этилишига қарши жиддий чора қуришларини истаган эдилар.

Мен Қизилмачитга келганимда Оренбургда кушин телеграфи бошида турган Дутов мен билан гаплашмоқчи эканини айтишди. Генерал ғоятда такаллуф ва дустана сузлар билан мени овлашга уриварди. Мени ва ҳукуматимиз раиси Юнус Бикбовни “Нозик вазиятлар хусусида музокара олиб бориш” учун Оренбург ёки бошқа бирор муносиб ерга келишимизни таклиф этди. У бизнинг 1 декабрдаги унга қарши қаратилган қарорларимиздан хабардор эмасдек курсатарди узини. Мен унга: “Нималар деяпсан, уятсиз, кимни қулга олмақчисан, кимни авраяпсан?” деганимдан сунг русчалаб “бодо” деб сукиниб алокани уздим.

*Учинчи ҳодиса* Қозогистоннинг шарғи четидан Алаш Урдага хабар

хамда вакилларнинг келиши эди. Қозоклардан Азимбек Беримжонов, ёзувчи Мухтор Авезов ва бошқалар Ермолаевкага келишди. Улар ҳам Колчак ҳамда иттифокдошларнинг миллий ҳукумат ва ҳарбий ташкилотимизга нисбатан салбий тус олиши қаршисида шўролар билан келишини таклиф этишди. Азимбек кейинчалик Олмонияга бориб у ерда таҳсил курди. Юртига қайтганида эса шўролар томонидан ўлдирилди. Мухтор Авезовнинг эса 60 йиллик юбилейи катта таътибана билан нишонланди. У Қозогистон Фанлар академияси аъзоси бўлди ва 1961 йилда вафот этди. Уларнинг ташрифи муносабати билан Шкотнинг катта залида бошқирд ҳарбийларини ҳам тушлаб катта зиёфат ташкил этдим. Бу жумҳуриятимиз қурилгандан сўнг утказилган энг катта ҳарбий зиёфат эди. Зиёфатда барча самимий суҳбатлашарди. Мен Сибирдаги вазият ва Колчакнинг режаларига тўхталиб нутқ сузладим. Қизиллар fronti бу ердан 40 километргина узок булишига қарамай аскарлар ва ҳарбийларимизнинг кайфияти жойида эди. Миллий қушиқлар куйланди, рақсга тушилди. Фермер эгасининг биз бу ерларни тарк этгач қизилларга қоладиган хайвонлари жуда куп сўйилди, ертулалардаги шароб, шампан, бир неча йиллик колбасалар, пишлок ва бошқалар аскарлар учун туқиб ташланди. Бу мажлисда иштирок этган биринчи пиёда аскарлар қумондони Исмоил Шарипов Туркияга келганидан сўнг Миллий Мудофаа қумондони Ражаб Пекерга Бошқирдистон ҳаракатлари ҳақидаги батафсил гапирар экан (бу ҳақда тухталган эдик) Ермолаевкадаги зиёфатни жуда ҳам ёрқин рангларда тасвирлаган эди.

Колчакнинг диктаторлик фаолияти зурайиб ишлар ваҳимали тус олаётган бўлса-да, Россияда ҳали неқбин кайфиятли кишилик йук эмасди. Екатеринбургда Колчак томонидан тарқатиб юборилган Тавсис Мажлиси Ҳукумати раиси Авксентьевнинг ҳамроҳлигидаги Кондратьев исмли ҳарбий бу ҳукумат билан бизнинг уртаимзда алоқа ўрнатувчи киши бўлди. Уни бир муддат қушинимизда Капитан Таган билан бирга иккинчи пиёда аскарлар полкини ташкил этишда масъул вазифалардан бирига тайинлаган эдик. У “Колчакнинг диктатураси узок давом этмайди, иш яна узимизга қолади, шўролар билан музокара олиб боришга шошилманг” деди. Мен бу кишига қаттиқ ишонардим. Бизга миллий қушинимиз учун Комучдан қурол-яроғ олишда куп ёрдами теккан эди. Энди эса Самара ҳукуматига тегишли бўлиб ҳали шўролар қулига утмаган “Усулка” заводига яшириб қўйилган қуролларнинг қўлимизга утишида қумак берди. У келтирган таклифни қўшин ва ҳукумат аъзоларига билдирдим. Бирок барча Колчак бир кун келиб ағдариб ташланишини уйлаб урушни давом эттириш маъносиз эканини, рус миллатининг маъвавияти бузук эканини ва яримчала чоралар билан ислоҳ утказиш мумкин эмаслигини билдирди. Кондратьев саломларимизни олиб Колчакдан яширинган Комуч аъзолари олдига кетди.

## ШУРОЛАР БИЛАН УН БЕШ ОЙЛИК ФАОЛИЯТ (1919–1920)

§ 127. *Шуролар билан тинчлик урнатилиш қарорлари ва урушнинг давом этиши.* Қозоғистон вакиллари билан махфий йиғинларимизда Шуролар билан сулҳга боғлиқ масалалар юзасидан батафсил сузлашиб олдик ва ягона фикрга келдик. Оренбург қизиллар кулига утгудек булса, қозок ҳукумати вакиллари билан шу шаҳарда топишиб, Москвага бирга боришга келишдик. Алош Урдага биз томондан Юрмати худуди раиси Абдуллох Илёсни юбордик. Тошкентдаги махфий вакилимиз орқали Туркистон ташкилотларига хабар етказиш учун Абдулхамид Орифовни жунатдик. Бу одам кейинчалик Бухоро ҳукуматининг Ҳарбия нозири булди. 15 декабрда ҳукумат аъзоси Муллажон Холиқов билан Хайриддин Саидовни ушанда Шуроларнинг Уфа шаҳрини идора этаётган Қумитасига расмий хат билан юбордик. Булар билан музокара қилишга Шуро кумондонлиги ҳеч шошмади. 1919 йил 23 январда иттифокчилар большевикларни тан олишибди. Бундан кейин Россиянинг ички ишларига аралашмоқчи эмасликларини ва Истанбул оролида 15 феврал куни Шуролар билан музокара олиб боришга тайёр эканликларини хабар қилди. Бундай янгилик бизда катта бир ҳаяжон туғдирди. Биз музокараларни тезлатиш учун яна бир вакил юбордик. 1 январда Уфа Шуроси билан булган музокараларда Муллажон Холиқов баён қилган Бошқирд келишув шартномалари сунгги йилларда Шуро матбуотида эълон ҳам қилинди. Мақсад ички тула мухторият, Бошқирд қушинлари Шуро кумондонлигига буйсунишига қарамай, республика ички тартибларини назорат қилиш ишларини бошқирд ҳарбийларига топшириш ва коммунистик тизим мажбурий бўлмаслигидан иборат эди. Уфа Шуролари раиси мутаассиб коммунист Эльцин бу шартларни қабул қилмоққа яқин ҳам келмади, лекин Қизил Армия кумондонлиги бошқирд полкларидан қурққар эди. Шунинг учун ҳам Ленин ва Сталин телеграмма орқали бу талабни фақат бир шарт билан қабул қилишди. яъни, бошқирд қушинлари мажбурий ҳолда «ок»ларга қарши жангда иштирок этишлари лозим эди. Яна Шуро матбуотида (Шуро муаррихи Типеевнинг «Бошқирдистон тарихида») 23 январда иттифокчилар Шуроларни тан олганлари сабабли Бошқирдистон «Ҳарбий кенгаши» раисининг 11 февралдаги махфий фармони нашр этилганди. Бунда, жумладан, шундай дейилган: «Булар (иттифокчилар) Шуролар билан урушни тухтатади. Энди ҳар ким узи вазиятдан чиқиш йулларини уйлайдиган булиб қолади. Улар энди на пул беради, на қуроқ. Колчак, Дутов ва Деникин Шахзода оролига уз вакилларини юборганлар. Шу муносабат билан Бошқирдистон ҳукумати, ҳукумат раиси муовини шифокор Кулаевни Абдурашид Бикбавов, Хайриддин Саидов, Карлугонов ва Муллажон Холиковни Шуроларнинг 5-армияси

кумондонни билан сулх музокаралари олиб бориш учун юбордилар».

Шуролар билан музокара 22 ноябрда бошланган бўлса-да, Бошқирда Кушинни (армияси)даги тартиб-интизом ва ҳукумат аъзолари орасидаги мустаскам бирдамлик ва ҳамфикрлик туфайли бизнинг обрўйимизга зарар келтирадиган оқ казаклар ва чехославаклар кулларига тушмади. Биз 16 январда чехлардан курол, уқ-дори сураб Чоншиев ва Хидоят Саъдиевни юбордик. Улар Колчак ва Дутовнинг қаршиликларига қарамасдан, биз сураган уқ-дори, курол-аслаҳа юбордилар. Биринчилардан бўлиб, Шуролар томонига 1, 2, 4 ва 6 полклар утиши лозим эди. Фақат биздан ажралиб Златоуст томонда қолган 3-полк Колчак ҳудудида қолди.

Бундай музокараларга қарамай, 22 ноябрда вакил юборишимиз билан 18 февралда Шуролар томонига боришимиз орасида утган 3 ой мобайнида қизилларга қатта талофатлар келтирган бир-неча жанглар бўлиб ўтди. Бу жангларда ўзим шахсан иштирок этдим. 15 декабрда кушин штабини Ермолаевқадан Кананикольск заводига қучирдик ва Шуролар тарафига утгунча у ердан чиқмадик. Қизилмачит ёнида, Йулдибой кишлоғидаги Шуроларнинг бир отлик полкига туида ҳужум қилиниб тамоман янчиб ташланди. Шахсан мен Ермолаевқа билан ўз она кишлоғим Кузан, Солих ва Макар минтақаларидаги жангларда иштирок этдим.

Бир гал ҳозир нефт топилган Эшимбойда қизиллар билан жанг олиб бораётган Мусо Муртазиннинг 1-отлик полкига келаётганимда Солих кишлоғи ёнида чап қўлимдан ва унг оёғимдан сўнгилроқ яраландим. Шунга қарамасдан отдан тушмадим. Бизникилар пистирмадан ут очаётган қизил аскарларни тезда топиб, яқсон қилишди. Бу ерда Покровка деган рус кишлоғида (1918 йил 10–12 декабрда) ва Ахмарда (1919 йил 15 январида) қатта жанглар бўлди. Бу икки урушда қўлимиз баланд қелди, ютуқларга эришдик, лекин на Оренбургдан, на Чехлардан уқ-дори, курол-аслаҳа келмаётганлиги боис жуда мушкул аҳволда қолдик. Оренбургдан Уфагача бўлган бутун оралик фронтни фақат биз ушлаб турардик. Ермолаевқа – Истарлитамоқ орасидаги 190 км лик масофани фақат 700 тача аскар мудофаа этардик. Шундай вақтда ногаҳон 5-қизил армия январь ойининг урталарида фақат Истарлитамоқ-Ахмар шоссе йулига бир неча полк жўнатишди. Биз Ахмардан Макарга чекиндик. 24 январда ўз кишлоғимда эдим. Кекса ота-онамни қизилларга қолдириб кетишга тугри келмоқда эди. Ёшлиғимдан бери Аллоҳга ибодат этиб, улғайганим Жомеъмизга бориб, ҳеч кимга билдирмай йиғладим. Чунки бир неча соатдан сўнг, Қизиллар қелиши ва бу эски жомеъни ҳам вайрон этишлари мумкин эди. Кишлоғимни эҳтимол булдан сўнг бошқа ҳеч кўролмасман...

Биздан 7 км нарида Макар кишлоғида ҳукуматимиз ва кушинимизга муҳим бўлган бир қароргоҳ бор эди. Бу кишлок Қорамншлар оиласининг кишлоғи эди. У ерда сойлар орасидаги

мавзеларда кизилларни уриб-суриб чекиртирдик ва 25 км. нарига, Ахмар кишлогига қилич билан таъкиб этиб бордик.

Ахмар ёшлик пайтимдаги дўстим ва ҳозир эса отряд командири Шохибек Узбековнинг кишлоғи эди. Қозон татарларининг илғор фикрловчиларидан бири Илёс Алкин ҳарбий штаб бошлигининг муовини эди. У ҳам бу ердаги курашларда оддий аскар сифатида жонини ҳам аямай жанг қилди. Шу тарих биз Қизилмачитдан шимолда, бизнинг кишлогимиз, жанубда Макар ва яна шимолроқда Залим-Карон кишлогини 18 февралга қадар 100 км. Масофани мудофаа этдик. Бу ерда Қизилмачит, Макар минтақасидаги жанубий Урал тоғлари ёшлигимдан ҳар қадами таниш булгани учун стратегик жиҳатдан фойдали бўлди. Ушанда мени ёнимда кузатиб юрувчи булган шоир Саидгарай Могоз бир неча антиболшевик рус кишлоқларининг биз билан қилган уруш, жанглари бир дoston тарзида баён этганди. Алиакбар кишлоғидаги бир кекса мулла Адхам айтган эди: «Ёшлигингда бу тоғларда юриб ёввойи асал ари уяларини кидириб йилки боқардинг, энди эса кизилларни таъкиб этиб, қувиб чопаяпсан».

Уша жанглар пайти 1919 йил феврал ойининг бошида Қогана кишлоғида турганимизда Қозоғистондан ҳозир исмлари эсимда қолмаган икки вақил келди. Буларнинг бири шоир Мағжон бўлса керак деб уйлайман. Чунки, аввалроқ ҳам бизга келганди. У «Урал» номли асарида бошқирларнинг рус истилосига қарши курашларини баён этганди. Тургайдан Аҳмад Бойтурсуновдан мактублар келтирган бу икки киши Шуролар тарафига утиш туғрисида аввалроқ қабул қилинган қарорни ҳаётда амалга ошириш туғрисида суҳбатлашдилар. Уларнинг фикрига кура, бу сафар фақат Ғарбий Қозоғистон ҳукуматининг Шуролар томонига утиши ҳақида гап булиши керак. Шарқий Қозоғистон Колчак генерали Беловга буйсунишга мажбур. Мен Аҳмад Бойтурсунов ва Алихон Букайхонга мактуб ёздим. Мазмунлари эсимдан чиққан бу мактублар кейинчалик Алаш Урда архиви билан бирга Шуролар қулига тушиб, улар тарафидан нашр ҳам этилди. Бу мактубда мен, жумладан, мана буларни ёзган эканман: «Биз бу кунларда Шуролар тарафига утишга ҳозирланмоқдамиз. Фақат вақилларимиз орқали юборилган шартлар жавобини кутмоқдамиз. Лекин шуни билишингиз лозимки, Шуролар тарафига утишимиз фақат иложсизлик ва мажбурлик оқибати натижасидир. Колчак бизга бу қадар душман булгач, бошқа йул қолмади. Миллий даъволаримиз ҳақида биргаликда қабул қилинган қарорларда Алаш Урда ҳукумати билан қилинган аҳдноларимизга содиқ қоламиз. Ўзларингиз ҳам биласизки, Шуролар билан сулҳ тузсак-да, уларга тула, тамоман ишониб бўлмайди. Сузларига қатъиян суяниб, умид қилиб бўлмайди. Бу сабабдан балки бир кун улардан ажралмоқ, такрор курашни давом эттириш зарур бўлиб қолиши мумкин».

Биз Шуролар билан олиб бориладиган музокаралар учун Аҳмад



Бойтурсун келмоғи зарур эканлигини билдирдик. Шуrolар тарафига утиш 18 февралда булажагини Ғарбий Қозоғистон раҳбарига шахсан оғзаки билдириш учун шоир Саидгарей Моғоз ҳам вакиллар билан Турғайга юборилди. Уша куни биз Каненикольскийга келдик. Шуrolарга утиш хусусида қозоклар билан келишиб олинди. Бу жуда муҳим эди. Чунки, қуролли аскарлари заиф булган қозоклар фақат узлари ўтадиган булса, яқсон этилиши мумкин эди. Биз ҳам қозоклар ҳам агар Московга бирга борадиган булсак, музокаралар қучли мавқега эга булишига ишонардик. Шоир Мағжоннинг “Урал” номли шеърида, жумладан, куйидаги мазмундаги сатрлар бор: “Узун Урал тоғи, сен шарқу ғарб орасида чегара булганингдек, ойдинлик фарзандлари билан зулмат фарзандлари ўртасида ҳам бир ҳадсан. Сенинг у томонингда қук кўзли жинларнинг макони булганидек бу ёнида Туркнинг сариқ даласи (Бузқирлар)дир. Урал каби боболаримиз макон этган улкага, боболаримизнинг бу азиз қабрларига оғзини қил қоплаган, тук босган бегоналар соҳиб булгандир. У ердаги эрларга зулм, бешавкатлик қилмоқдалар. Юзингни оғанг (Қозоғистон)га қарат. Бизни, тарбиялаб, вояга етказган отамизсан, азамат Урал!. Туркнинг барча қахрамон ўғлонларни душманга топтатманг! Душман йулини кесинг, тухтатинг ва отларингиз тизгини тутиб, бу ерни мудофаа этингиз»:

*«Узун Урал Кун мен Тун чек ораси,  
Бир жоғи Кун, бир жоғи Тун боласи,  
Орғи жоғи қук қузди жин уяси,  
Берги жоғи Туруктун Сар Даласи.  
Уралдай ота макон жирларина,  
Қосиятда отанин гурларина,  
Овзи тукту чет елдор ийе булун,  
Курсатиб тур қисимди эрларина,  
Отамиз бизди устирген қойрон Урал,  
Моунун бир тунгужуна, Берман  
Қусилни ботир Турк балалари,  
Топтатна, жулин кесиб чизгеги Урал!»*

Биз Шуrolарга қушилмасдан аввал мунтазам бир сиёсий шакл олмоқ, коммунистлар партиясидан мустақил булган бу миллий социалист партия тузиш масаласи билан шугулландик. Назарийёт масалалари билан, купроқ Илёс Алкин шугулланди. Биз “Эрк” социалист партияси тузишимиз керак эди. Бу партия Россия коммунистик партияси билан тенг ҳуқуқли ва айни пайтда мустақил бир партия булиб шаклланиши керак эди. Бу қароримиздан қозок раҳбарларини ҳам хабардор қилиб, уларга ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан социалистик бўлмаган “Алаш Урда” урнига қозок

социалистик партиясини тузишларини таклиф этдик. Дастуримиз тайёр эди. Унинг бир нухасини козокларга бердик. Кейинчалик (1926 йилда) бу дастур Прагада тулдирилган ҳолда ротатор усулида босиб чиқарилди. Илёс Алкин гапни ортиқчасига чузиб юборадиган одати бўлгани учун дастур назарига оид қисмларини музокара қилишга вақт етди. Мен томонимдан тайёрланган қисқа куринишдаги нуха қабул қилинди. 1919–20 йилда РКП нинг Бошқирстондаги раиси Самойлов кейинроқ партия ҳақида эслаб ёзган ишида «Эрк» сўзини яъни русчадаги «воля» сўзини хато – янглиш «волна» яъни тулқин тарзда хато ёзган.

Биз бу партия дастурини тайёрлаш билан машғул бўлган чоғимизда воқеалар жадал суръат олмақда эди. Қозоклар Оренбургни 21 январда қўлдан бой берди ва Орск ҳам қизиллар қўлига ўтди. Биз энди ҳар тарафдан қуршовда қолган эдик. Биз жанг қилишни билганлигимиз учун майда кучлар билан хужум қилишга журъат этолмасдилар. Бу орада биз учун энг ёмон 3-бошқирд полки Коппел кумондонлигидаги рус қўшинларига қаршилик курсатиб, Уфа – Златоуст темир йўл йўналишининг шимолий қисмида ажралиб қолишлари эди. Улардан фақат оддий фуқаро кийимида камдан-кам хабар келарди. Мен полк командири Мингбоши Таганга полкни тарқатиб, аскарларни уйларига, уз қишлоқларига юбориш ҳақида буйруқ бердим.

§ 128. *Шуролар томон утишимиз.* Бизнинг олиб бораётган сиёсатимиздан ва дастурларимиздан яхши хабардор булган, бу хусусда ташвиқотлар туфайли ишонтирилган бутун бошқирд қўшини ва ҳукумат маъмурларини Шуролар тарафига қаратиш осон иш эмас эди. Сирларимиздан душман воқифлиги учун уни аскарларимиздан ҳам махфий тутдик. Шуролар билан келишув қарорини қўтирмаганда амалга оширишни тақозо этмоқда эди. Бундан ташқари, бир кун ичида қўшинларга билдириб Шуролар томонга утишимиз лозим эди. Генерал Акунин ~~93~~ хотираларида ёзганидек, Оренбург қозоклари учун бундай тезкорлик билан утишни имкони йўқ эди, фақат бошқирд халқини ва қўшинларимизни айниқса, шахсан менга булган катта ишонч туфайли муқаммал бир тарзда амалга ошганини ёзади. Музокаралар бир ойдан купрок чузилиб кетаётганига хавотирда эдик. 8 феврал куни Кананикольскда Бошқирдистон ҳукумати ва ҳарбий арбоб фавқулодда йиғилишга тупланиб, Бошқирдистон ҳукумати раиси Қулаевни ва Муллажон Холиқовни ҳамда менинг адъютантим Абдурашид Бекбавовни тургидан турги Москвага юборишга қарор килди. Қизиллар билан жанглар энди тухтаган эди. Делегатлар кийинчилликсиз, тусиксиз бориб келишарди, бироқ, натижа йўқ эди. Уфадаги музокаралар узок давом этганининг асл сабабини кейинчалик билдик. Ленин билан Сталин ўзларининг Шарқдаги сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бизнинг қизиллар томонига утишимизни ижобий баҳолаб, қулайлик курсатиш хусусида 5-қизил армия кумондонлигига ва Уфа

губерния кўмитасига буйруklar юборишган. Бирок, 5-кизил армия кумондонларининг Бошқирд қўшинларига нисбатан эҳтиёткорлиги, коммунист ва ўта мутаассуф мухториятнинг ашаддий душмани, уша вақтда Уфада партия ва фукаралар раҳбари булган Шамигулов, ҳеч қандай шартсиз қуролларни топширишни ва Бошқирдистон ҳукумат аъзоларининг ўлим жазосига ҳукм этилишини қатъий талаб этганлиги сабабли Ленин ва Сталин буйруқлари бажарилмади. Бу воқеаларга алоқадор ҳужжатлар кейинчалик Шуrolар матбуотида эълон этилди. Сталиннинг танланган асарларида ёзилишича, 1923 йилги коммунистик партия йиғилишида Сталин Шамигуловга «Нима учун сиз ушанда Валидовниотиб ташламадингиз?!» деб савол берган. Уфада чузилиб кетган музокараларни тезроқ тугатиш мақсадида РКП МК Москвадан мусулмон коммунистик партиясига раиси, машҳур Мирсад Султонғолиевни Уфага юборишди. У Уфада губерния кўмитасида келишмовчилик сабабини муҳокама қилди ва масала ечимини Симбирскдаги Шарқий фронт штабига ва Москвага қолдирди. Айти вақтда узи ишонган Олимжон Аминев деган бир татар коммунист, миллатчи орқали узининг дўстона маслаҳатларини юборибди. Султонғолиевдек миллатчи булган бу вакилнинг 9 январда бизга келтирган маслаҳати қуйидагича эди: «Музокаралар тугамасдан Шуrolар томонга ўтмай турсин, шошилмасинлар. Агар бошқа кутиш имкони қолмаган тақдирда, 5-армия кумондонлиги ихтиёрига эмас, штаб Оренбургда жойлашган 1-кизил армияга ўтсинлар». Султонғолиевнинг бу дўстона маслаҳатларидан коммунистик партия марказий комитети хабари бўлган. 1937 йилда Султонғолиевни қатл этишлари олдидан: «Заки Валидовга шундай маслаҳат берганмидинг?» У «Ҳа» деб жавоб берган. Олимжон Аминев Кананикольскдаги штабимиздаги суҳбатда айтган: «баъзи мутаассиб партия одамларига қарамасдан қизил армия кумондонлари бошқирд қўшинларининг имкониятларини муносиб баҳолаб, улар ҳам шошилмай турингиз» деб маслаҳат беришди. У бизнинг қўшиндаги бошқирд ва татар зобитлари билан алоҳида суҳбатлашган. Кейинчалик узи билан Москвада куришганимда уша буронли кунларда бу зобитларда курган идеализм ва ички ишонч унда жуда ижобий таассурот қолдирганини ва Уфадан қайтгач буларни Шуrolар раҳбарларига айтганини ҳикоя қилди. Яъни у вақтларда қизил ва оқ тарафлари деган гап булмасдан, татар ва бошқирд миллатчилари орасида ягона қарашлар ҳукмрон эди. 11 февралда Кананикольскида ҳукумат ва қўшин командирларининг иккинчи фавқулодда кенгаши чакирилди. Унда узаро урушга тортилган тарафлар қизиллар, оқлар, болшевиклар, Деникин, Колчак, Дутов, Украина ва Кавказ вакилларининг Истамбулда оролларида булиб ўтган музокаралари ва ягона Россия тўғрисида музокара олиб бориш тўғрисидаги улар қабул қилган 23 январ тарихий баённомаси муносабати билан

бизнинг аҳволимиз муҳокама этилди. Кенгашда шунингдек, адмирал, бизнинг мустақиллигимизга ва миллий қушинларимизга тажовуз қилмасликларига ишонтириб ваъда бераётган адмирал Колчакнинг бизга душманларча муносабати. Шуруларнинг таклифларини қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги туғрисида гап кетганди. Утиш вақти 18 феврал эрталаб соат 10 да деб белгиланди. Биз ҳам бу ҳақда Шуро вакили Олимжон Аминев ва у билан бирга борадиган вакилимиз орқали Биринчи ва Бешинчи кизил армия кумондонларига маълум қилдик. Бизда ишни янада кейинроққа қолдиришнинг имкони йўқ эди. Қушин орасида қаттиқ интизом сақлаиб қолганди, кучли назорат бор эди, ҳарбий сирларимиз душманга ўтмасди, лекин улар қандай бўлсада булардан хабар топиши эҳтимоли ҳам бор эди. Биз Шурулар тарафига ўтмасдан туриб, улар қолган томонга утишлари мумкин эди. Биз советлар тарафга утаётганлигимизни қушиннинг олдинги сафларига икки кун аввал, ортдагиларга эса бир кун аввал билдирдик. Бу хабарни аскарлар оғир босиқлик билан қабул қилди. Бундайларга бир ойлик маошларини, от ва ўқ-дори, қурол-аслаҳа бериб оқ улари истаган Оқ генералларга қушилишингиз мумкин, дедим. Баъзи бир зобитлар, шу жумладан, семимли дўстларимдан Шохибек Ўзбеков, Ғани Қорамишев, Исмоил Шарипов руҳсат олиб хайрлашдилар. Буларнинг баъзилари кизиллар билан бўлган жанглар туфайли касос олиш ҳисси кучли бўлиб, кизиллар билан энди ҳеч қандай шаклда алоқа қилмайдиган ҳолда кетгандилар. Масалан, бизнинг қушинимиз ичида низо чиқариш учун Шурулар томонидан юборилган рус кизил жосуслари махфий жойларда маҳбус эдилар. Капитан Шохибек Ўзбеков бир оқшом Ёйик дарёси музларини уйиб, кизил жосусларни муз остига чуқирган эди. Бу ишни ўз билганича қилгани учун танбех эшитган эди. Шохибек менинг ёшлиқдан дўстим, жуда яхши, гузал, заки ва жуда жасур бир зот бўлгани ҳолда ортиқча мағрур эди. У жуда илмли зобит эди, мен уни ҳарбий нозир булади деб умид қилган эдим. Қайсарлик қилиб, буни ҳам рад этди. Юқори мансаб учун туғилмаганман, қолаверса бунга ҳавасим йўқ, деди. Шохибек биздан ажралиб кетаётганда унга бир қанча қимматбаҳо буюмлар бердим. У Урал казакларига қушилди, кейин Доғистон орқали Украинага ўтган. Врангел қушини, ниҳоят Қримдаги жангларда ҳалок бўлган. Кейинчалик Истанбулга келган дўсти – Исмоил Шариповнинг айтишича, у узининг қайсарлиги туфайли биздан ажралганига қаттиқ афсусланиб юрган ва куп йиғларкан

18 февралда эрталаб фронт чизигини кесиб, советлар тарафга утишни бирдан-бир йўл эканлигини аскарларга тушунтирмасдан туриб, у ёққа бирорта ҳарбий қисмини юбориб бўлмас эди. Бу ўша қисмини оловга отиш билан баробар ёки улимга юборишга берилган буйруқ буларди. Ишончли ёрдамчим Аҳмаджонни ва икки кичик зобитни олиб, ун киши билан чошгоҳ соат унда Биринчи Шуро армиясининг

фронтига яқинлашдик ва бу ҳақда полк кумондонига билдирдим. Шуро зобитлари келишди. Мен утгач, биринчи пиёда полкимизнинг биринчи батальони ўтди. Бу иш тамом булгач, полк кумондони ёнига келиб Оренбургга булган 1-кизил армия кумондонлиги билан телеграф орқали суҳбатлашдик. У эса эрталаб Оренбургга келишимни таклиф қилди. 19 феврал пешиндан сунг, Оренбургга келиб, биринчи кизил армия кумондони, армани Гай билан учрашдик. Кумондон менга қисмларнинг утиш ишини шахсан назорат этиш учун бир неча зобитлар билан бирга фронтга боришимни таклиф этди. Мен бордим. 20 февралда барча полklar куз ўнгимда Шуrolар томонига утдилар.

Икки от қўшилган чанада туриб қўшинлар ҳаракатини кузатдик. Қисмлар утаётганда саломлашдик, ўзимни йиглаб юборишдан зурга тутиб турдим. Аскарларни ҳам кулчилиги йиглашарди. Улар утиб булгач, навқарим Аҳмаджоннинг куксига бошимни қуйиб, хунграб-хунграб йигладим. 18 февралдан 19 февралга утар кечаси ҳам йиглаган эдим. Бундай куз ёш тукишим умримда икки-уч марта булгандир. Бунда биз ишонган демократия ва ҳуррият гоёлари билан видолашган эдик. Биз шахсий, миллий ва инсоний иродамизни Тоболинлар ва Колесовлар ихтиёрига топширган эдик, бу қадар қуп уришган душманларимиз олдида бош эгиб, бундан кейин биздан фойдаланишларини билмасдан туриб, орзу умидларимизни улар оёғи остига отган эдик. Халқнинг бошига, фидойи аскарлар бошига қулфатлар тушиши мумкинлигини қуриб турардим. Шуrolарнинг Шарқ халқларига нисбатан олиб бораётган сиёсати туфайли ҳаётимиз сақланиб қолинишига амин эдим. Лекин миллатимизнинг демократия йули билан ҳурриятга эришувимизга ишончимизни йўқотиш, мен учун узини-узи улдиришдан ҳам оғирроқ бир иш эди. Биринчи ва иккинчи пиёда полklarимиз утгач, мен штаб бошлиғи муовини Илёс Алқин билан Москвага бориш учун Оренбургга йул олдик: 4, 5, 6 – пиёда ва 2-отлиқ полklarимиз, инженерлик қисмлари, биз кетгач, Шуrolар тарафига утди.

Миллий шонримиз Шайхзода Бобич ҳам уша инженерлик қисмлар билан бирга эди. У уз шеърларида қўшинларимизни қурқувдан титрагани ва бу ҳодиса бошқирдлар тарихида энг фожiali ҳодиса эканини тасвир этган эди. Унинг фикрича, агар бу фронтларни узгартириш билан боғлиқ ҳодисалар бошида Заки Валидийнинг узи булмаса эди, бутун армиямиз аскарлари уз жонига узлари қасд қилган буларди, деган эди. Бу шеърларни мен фақат архивларимизни хорижга келтиргандан кейин, Шайхзода ва дустлари қизиллар тарафидан улдирилиши воқеасидан беш ой сунг билиб олдим. Шайхзода қизиллар томонига ўтиши билан улар қулида улишили билгандай ёзганди. Чунки шеъри билан бирга менга куз ёшлари билан ёзган видолашув мактубини топширишни илтимос қилган Тимаслик дустидан менга бу мактубида қизиллардан қупроқ бизни фронтни узгартиришимизга мажбур қилдирган Колчак ва Дутовга лаънатлар ёғдирганди.

§ 129. *Москва сафари.* Илѐс Алкин иккимиз Оренбургга келганимизда биринчи армия кумондони Гай бизни дарҳол окшомда келган қозок вакиллари билан учраштирди. У бизни қозоклар билан бирга Москвага келишимиз мумкинлигини айтиб, ихтиѐримизга бир вагон ажратганини айтди. Бир неча кишидан иборат булган қозокларнинг Алаш Ҳрда вакилларининг бошлиғи машҳур қозок ѐзувчиси Аҳмад Бойтурсун ва Қоролдин бор эди. Қумондон Гай «Оренбургга айна кунларда ваъдалашиб келдингизми?» деган саволига «Ҳа, шундай» деб жавоб бердик ва бу келишув ѐлғиз бошқирдларнинг эмас, барчамизни бирдай қизиқтирган бир иш эканини айтдик. Қизил кумондон ва зобитлар бизга етарли даражада ҳурмат ва ѐътибор курсатдилар. Ҳар ҳолда бу ҳақда Москвадан курсатма олишган булса керак. У пайтда большевиклар махфий полиция (ГПУ) ва жосуслик ишлари хали унча ривожланмаган эди. Ҳар ҳолда уларнинг бизга бўлган муносабатлари оқларнинг казак зобитлари назоратидан фарқ қилар эди. Бизни Москвада “Метропол” меҳмонхонасига жойлаштиришди. Энг аввал мен Сталин ва Троцкий билан учрашдим. Сталин «Правда» газетасининг 1919 йил 2 март сониде, Бизнинг Шуrolар тарафига утишимиз муносабати билан “Шарқдаги вазифаларимиз” мавзусида мақоласини ѐълон қилди. Муаллифнинг таъбири билан айтганда «татар, бошқирд, киргиз, ўзбек, туркман, тожик каби урта аср маданиятини ташувчи ва 30 миллионлик халқларни Шуrolар томонига утиши муносабати билан бутун Ислом олами ва Шарқ муаммолари буйича ечилиши лозим булган масалалардан суз очганди. Бу мақола унинг куп томлик асарларида босилган. Бу билан биз Москвада мавқеимиз анча мустаҳкам эканини тушундик. Буни Сталиннинг узи билан “Миллий ишлар комиссарлиги”да булган учрашувимизда янада батафсилроқ тарзда изохлади. У узининг гуёки менга висбатан зур ишончи борлигини, мени оқлар тарафида фақат вақтинча янглишиб қушилган бир инқилобчи сифатида билиши туғрисида суз юритди. Агар 1918 йилда даъват этганларида келган булсам эди, янада яхши булган буларди, деди. У билан тез-тез, ҳар кун куришдик. Купинча Шарқдан мен таниган нуфузли шахслар ва улар билан дўстона муносабатим ҳақида суриштирарди ва мандан куп нарсаларни билишни истарди. Мен ҳам буларни не максатда сураётганини тушунганимни сездирмасдим. Москва кучалари кишда куп қор туфайли тулиб ѐтарди. Автомобил билан юришнинг иложи йук эди. Бир кун мотоцикл коляскаси уриндиқларида ѐнма-ѐн утириб борардик. Баланд қор уюмлари эриётгани боис мотоциклдан тушиб яѐв юришимизга туғри келди. У бу уюмларни курсатиб, кулимсираб: – Бизнинг Шуро тепаликлари (Наши Советские горы),– дея узларини мазах қилгандай булди.

Бир кун мени яна мотоциклда бошқа бир жойга олиб борди. Куп каватли уйларнинг юқори каватидан қоғозга уралган ниманидир ерга

ташлашди.

– Буларни одатда тунда отишарди. Энди бир халқ комиссари ва мухтарам Шарк вакили ўтмоқда дея олқишлаб кундуз ҳам отмоқдалар, – дея ҳазиллашди.

Буни қарангки. қишдаги совук туфайли, туалетлар бузилгач, чиқиндиларини ва ахлатларни газетага ўраб, пастга ташлашаётган экан.

Тоҳо Сталин узи билан ёнма-ён ишлаётган татарлар ва кавказликларни ҳазиллашиб турадиган одати бор эди. Менга эса арман ва гуржиларга хос хушомад кўрсатиб сўзлашарди.

– Бу ерда Шаркнинг мухтарам вакили, Халқ Комиссари билан бирга, –деган такаллуфлари ута салбий таассурот қолдириб, дилимда эса нафрат уйғотарди. Хуллас, Сталин мени мутлақо уз томонига огдириб олишни истарди. Мен Аҳмад Бойтурсунга буни айтар эканман:

– Балким бу ҳаракатлар қолчак фронтини тор-мор этиш режасигина эмас. узоқни кузлаб, бошка мақсадлар йулида ҳам қилинаётган бўлиши мумкин, – дедим.

Сталин мени Оржоникидзе ва Каменев билан таништирди. Мен Каменевни самимийроқ деб билардим. Сталин бир кун мени ишчилар Касаба уюшмаси раиси Пятаков билан учраштирди. Мақсади миллий масалаларда уларнинг қарашларида катта фарқлар борлигидан мени хабардор қилмоқ экан. Троцкий билан суҳбатларимиз доим ҳарбий масалаларга доир бўлиб, жуда қисқа давом этарди. Ленин билан ҳам учраштирмоқчи булган эдилар. Бироқ Султонғолиев унга қилинган сунқасддан сунг у партиясизлар билан бўладиган учрашувлардан жуда эҳтиёт бўлиб қолганини айтди.

Бу вақтда Москвада Коминтерннинг 2-конгресси (2–6 март) утказилмоқда эди. Ҳақиқатдан ҳам Ленин жуда банд эди. Чет эллардан кўп делегатлар келганди.

Сталин бир кун менга телефон қилиб:

– Сизни Ленин кўрмоқчи, ёнингизга бир икки ҳамкор дўстларингизни олишингиз мумкин, – деди.

Мен ҳукуратимиз раиси шифокор Қулаевни ёнимга олдим. У эндигина уша кунларда Симбирскда шарқий фронт қумондонлиги билан қилинган сулҳ музокараларидан келганди. Қулаев болалигидан рус миссионерлари қулига тушган, унга насроний муҳитига ургатган ва насронийлик динини қабул қилган бир бошқирд эди. Асл исми Муҳаммад Али эди. Биз унга Мехмет Али оға дея мурожаат қилардик. Узи ҳам шундай мурожаат қилишимизни сурарди. Фақат расмий ҳужжатларга Метислав Қулаев дея имзо қуярди. Қозон университетиде тиббиёт факультетиде таҳсил олган яхши бир шифокор эди. Бу ходисалардан сунг сиёсатдан кетиб, Қозон университетига борди ва профессор бўлиб фаолият юритди. Эҳтимол, хозир ҳам ҳаётдир.

Номусли, тугри одам ваҳоланки, у мусулмон бўлмасида бошқирд туркийлигича жуда содиқ эди. Русларнинг зolimликларига ва ҳаёсизликларига нисбатан муросасиз эди. Сибир ё туркий кавмларига оид русча нашрларни уқирди. Мен у билан Ленин хузурига бирга бордик. Кийимларимизни титкилаб, қурол бор-йўқлигига қарайдилар деб уйлардик. Бундай текширув бўлмади. Ленин стол ортидаги креслодан туриб, қўл берди. Столнинг Ленинга қараган тарафида қоғоз ва газеталар уюлиб ётарди. Ленин мен билан суҳбатлашар экан стол устида турган тахта жавон унинг қўлларини тўсиб турарди. У эшитган шарқона исmlарни ёзиб борарди. Мен бу тахта жавонда туппончаси ҳам бор дея уйладим. У Қулаевдан суради:

– Биродаримизнинг исми Аҳмад Заки бўлгани ҳолда, сизники нечун Метислав?

– Мен насроний бошқирдман, – деб жавоб берди.

– Динийгизни узгартирганингиз боис халқингиз билан орангиз бузилмадими? Дин алмаштиришдан кўра ундан мутлақо воз кечсангиз яхши бўлмасиди? – деди Ленин. Қулаев ҳеч нарса демади. Тугриси, хижолат бўлди.

Уша кунлари РКП IX съезди тупланаятган бўлиб, бундан ташқари хорижий мамлакатлар коммунистик партияларининг конгресси булаяётган эди. Ленин миллий ва Шарқ масаласида сўзлаш ниятида эканини ва келажакда яхши ҳамкорлик қилмоқ умидида эканини айтди ва менга мурожаат этиб:

– Менда Туркистон ва Ҳиндистон масалаларига оид ёзган ёзув ишим бор, шуни уқинг, мен сизни яна чақираман, ушанда муҳокама этамиз, – деди.

Ленин бизда яхши таассурот қолдирди. Лекин бу учрашувдан сунг, бир-икки кун утиб партия съездида Ленин миллий масалада Бухарин билан баҳслашар экан:

– «Тактик мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, буржуа миллатчилари билан ҳам келишишни тақозо этганини Финляндияда ишчиларни суйган Свинхувудом яъни тунгизбошлар деб аталувчи буржуа миллитчилари билан шартномалар тузишга тугри келмадими? – Кеча бошқирд ҳукумати билан ҳам худди шундай шартномалар тузишга тугри келмадими? – дея сурагандан сунг, давом этдики;

Бухарин айтишига қўра, Коммунистик партия дастурига миллатлар ҳуқуқини киритиб бўлмайди, пролетариатни миллатларга ажратиб бўлмайди, хинд, бушмен, готтенготлар каби халқлар ҳуқуқи ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Наҳотки, Бухарин кичик бир нарсани – бошқирдларни унутади? Россияда мухторият талаб қиладиган на бушмен, на готтенготлар бор. Лекин, бизда бошқирдлар, қирғизлар ва бошқа бир қатор халқлар борки, биз уларни тан олмаслигимизни иложи йўқ. Балким уларда ҳам вақти келиб уюшган, онгли пролетариат пайдо булар. Балким улар ҳам уз юртларида биз



каби инкилоб қилишар. Аммо биз ҳозир не бўлса, шу билан келишишга мажбурмиз. Қирғиз, ўзбек, тожик ва туркман каби хануз муллалари таъсири остида бўлган халқларга биз муллаларингизни бир четга суриб қуйинг, деб ички ишларига аралаша олмаймиз. Биз улар учун шарт-шароитлар яратиб берсак, табиий ҳолда инкилоб бўлади».

Лениннинг бу сузлари кейинчалик тула асарлар тупламида босилиб чиқди ва инглиз, француз ва немис тилларида ҳам нашр этилди. Лениннинг нутқидан шуни англаш мумкинки, сафдошларининг биз билан тузган сулҳларни вақтинчалик деб ҳисобладилар. Унинг сузларидан тушундимки, уларнинг бизга нисбатан дўстона муносабатлари вақтинча. Ўзбек имомлари ва муллалари фин капиталистлари каби келажакда бизни ҳам бир четга суриб ташлайдилар, ҳокимиятни эса ўзлари етиштирган коммунистик партия қулига берадилар. Биз уларнинг ниятларини уша қуни билдик. Лекин, бу ҳақда дўстга ҳам, душманга ҳам айтмадик. Сталин мен билан Аҳмад Бойтурсунни яна бир марта ишчилар қасаба уюшмаси раиси Пятаков билан учраштирди:

– Сиз билан Шарқда қандай қилиб қасаба уюшмаси тузиш мумкинлиги ҳақида сузлашамиз, – деди Пятаков.

Фақат Сталиннинг мақсади Бухарин ва Пятаковларнинг миллий ва майда миллатлар ҳуқуқи масалаларидаги фикрларини ута салбий эканлигини бизга кўрсатиб, ўзи ва Ленинни бу кам сонли миллатларнинг ҳимоячилари сифатида курсатмоқчи бўлганини уша вақтнинг ўзида жуда яхши англадим. Биз Пятаковга қасаба уюшмасининг Тошкентдаги 1917 йилги фаолияти ҳақида гапирдик. У эса:

– Ишчи ташкилотлари миллий асосда бўлолмайди, қасаба уюшмаси фақат ягона бўлади, – деб, миллий масалада баҳс бошланди. Мен ундан:

– Нима учун сиз яҳудийларнинг “Бунд”ини бекор қилмаяпсиз, – деб суралдим.

Бу баҳслардан сўнг бу одам хусусида ҳақиқатдан ҳам салбий таассурот қолди. Бизнингча, Ленин ва Сталин уларга нисбатан бу масалаларда яхши инсонларга ухшаб қуринар эди. Уфада бизнинг музокараларимизга ҳалакит берган Эльцин шундай мутаассиб коммунистлардан эди. Мартнинг 23-сида Шуро расмий газеталарида Бошқирдистон мухтор Республикаси ҳақидаги битим эълон қилинди. Қелишилган битим 16 моддадан иборат бўлиб, мустақил бошқирд қушини тузилиб, булар тўртта пиёда ва учта отлик аскарлар полки қизиллар бош қўмондонлигига бўйсундирилди. Иқтисодийни бошқаруви масалалари тўрт моддадан иборат эди. Битимга Ленин, Сталин, Владимирский, Енукидзе, Др. Қулаев, мен, Бикбоев ва Абдуллаҳ Адигамовлар тарафидан имзоланиб, шуро расмий газеталарида эълон қилинди. Битим лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ҳаҳон уруши сабабли Россиянинг гарбий губернияларидан вақтинча

Бошқирдистонга кучириб келтирилганларни сайловда иштирок этиш хукуklarига эга булмаcлигига доир бир модда киритган эдим. Ленин ва Сталин бу моддага қарши чиқишди ва чиқариб ташлашни талаб қилдилар. Сталин билан бу модда ҳақида алоҳида сузлашганимизда Конституция урнини босадиган бу битимга бундай моддани киритиш мақсадга мувофиқ эмаслигига ишонтиришга ҳаракат қилди. "Сизлар бундайларни йук қилиб юборинг ҳеч қандай муаммо булмайдн. Вырежьте их", деди. Мен унинг бу сузини эшитиб сесканиб кетдим ва шу кун Сталин ҳақиқатан буюк иғвогар деган фикрга бордим. Унга жавоб бердим:

– «Иосиф Виссарионович! Нима демокчисиз! Қанака «вырежьте»! Бу одамларни ҳатто бурунлари қонаса ҳам Уфа ва Оренбургдаги Эльцин қабилар бошқирдлар наcронийларни қириб ташламоқдалар деб қиёмат соладилар, энг яхшиси, уларга тегмайлик, ваҳоланки, тегмаймиз ҳам. Фақат битимни бир моддасида улар сайлаш хуқуқидан маҳрум этилади, деб ёзиб қуйиш лозим, чунки улар улкамизда вақтинча яшаб турганлар хуқуқига эга булиб яшамоқдалар, – дедим».

– «Бу дегани ун мингларча кучириб келтирилган оилалар сайловларда бизга қарши овоз беради».

Лекин Сталин бунга қунмади. Бу моддани битимга киритиш зарурлигини бизнинг делегат биродарларимиз ҳам англай олмадилар.

– Нима учун қайсарлик қиласан, – дейишди улар. Ва модда чиқарилди. Битим расман эълон қилингандан сунг Сталин гуёки бошқирдлар рус ва поляк кучириб келтирилганларни хуқуқдан маҳрум қилмоқчи булдилар, бироқ Шуро хуқумати уларни химояга олди, деб баёнот беришининг узи, менимча шубҳали эди ва шундай булиб чиқди ҳам. Бир йилдан сунг, Сталин уларга хуфёна қуроқ таркатди.

§ 130. *Шарқий фронтда вазиятнинг оғирлашиши.* Бу орада Бошқирдистонда баъзи қунгилсиз воқеалар юз берди. 21 февралда Тамасда Бутун Бошқирдистон съезди тулланиб шуро томонига ҳос янги инқилоб қумитаси (Ревком сайланди. Бу қумитага бошқирд ва татарлар мен ва Илёс Алкинга ухшаш коммунист булмаганлар киритилди. Бу пайтда Троицк шаҳрида тулланган Оренбург казаклари съездига Колчак келибди. У ерда казаклар Бошқирдистон хуқумати ва қушинини таркатиб юбориш ҳақидаги мантнксиз буйруқлар бериб, бутун фронтни ҳалок қилганлигини Колчакнинг юзига солишибди. У эса бошқирдлар масаласида хатосини тан олиб, уни тузатишга ваъда берибди. Бошқирдистон хуқумати ва қушини янгигидан ташкил этилишига руҳсат бериб хитобнома нашр эттирди. Буларни уша пайтда Сибир матбуотидан ва Мусо Муртазиндан эшитдим. Колчакнинг бу сузларига реакционер Абдулхай Қурбонғалиевдан бошқа ҳеч қим ишонмади. Колчак айтган хуқумат эса тузилмади, боиси уни ҳеч қим қулламади.

Бироқ бу орада шуролар томонга утган бошқирд қушини билан

бешинчи кизил кушини ўртасида ихтилоф чиқиб, шарқий томондаги баъзи отрядларимизнинг Колчак томонга утиб кетишларига сабаб булди. Биринчи кизил кушин кўмондони арман жангариси булиб, мусулмонлар душмани эди. Кушинимиз таслим булган Қизилмачит ҳудудини ишғол этаётган бешинчи кизил кушини 20 дивизияси кўмондони ҳам жуда мутаассиб рус ҳарбийси булиб, унга тобе булган учинчи бригада кўмондони Зеленков эса қарокчидаги баттар эди. Улар бошқирд кушинини қуролсизлангирмасалар кечаси ётиб ухласмас эдилар. Шу сабабли Қизилмачитдаги бошқирд кўмондонлигига уруш очиш билан таҳдид қилиб, биринчи ва тўртинчи отрядларимизнинг қуролларини топширишни талаб қилиб туриб олишибди. Мен Москвада ҳукуматдан узоқда эдим. Аввал Тамасдалиги кўмондонлик уша отрядларнинг қуролларини топшириб, аскарларни Истарлитамоққа жунатибди.

Бошқирдларнинг қуролсизлангирилиши кизилларга бошқирд қишлоқларини талон-тарож қилишга йул очди. Улар куплаб бошқирд ва татар зиёлиларини тутиб улдиришди. Улар орасида миллий шоиримиз Шайхзода Бобич ҳамда ёзувчи Абдулхай Эркабойлар ҳам бор эди. Тамасдаги ҳукумат Колчак кушинининг ҳужумидан кочиб Истарлитамоққа чекиниб борарди. Шайхзода ва унинг дуствари уша пайтда жуда ҳам мукамал булган бой матбаамиз ва ҳукумат архивини олиб кетишмоқда эди. Қизиллар уларни Жалойир металл заводида ушлаб ваҳшийларча улдиришибди. Шайхзода миллатнинг сеvimли шоири эди. Татарча ва бошқирдча ёзилган бир қанча асарлари бор эди. Хусусан, 1917 йилда бошланган инқилоб даври миллий ҳаракатларимизни асарларида тасвирлаган. Унинг этник характердаги ҳали тугалланмай қолган асарлари ҳам бор эди. Барчаси йуқ қилинди. Абдулхай Эркабой салжиот қабиласидан булиб, истеъдодли шоир эди. Бошқирдистон миллий ҳаракати мана шу икки шоир ҳамда Сайид-Гирей Мағоз асарларида ўз ифодасини топган эди. Афсуски, бу асарларнинг аксарияти чоп этилмади, барчаси шуролар томонидан йуқ қилинди.

Бундай ходисалардан хабар топгач, Колчакка қарши чегарани мудофаа этаётган биринчи отлик кушинимиз уйлаб утирмай, Колчак томонга утиб кетибди. Биринчи отлик кушин кўмондони Мусо Муртазин ниҳоятда жасур инсон булиш билан бирга ортиқча ҳиссиётларга берилувчан эди. Узи Шарқий Бошқирдистондаги оқ казак кушинларини Абдужалил деб номланган қишлоқдан уч марта қувиб чиқарган ва ҳар сафар бу ерларни қуриқлашни кизилларнинг Смоленск отрядига ҳавола қилган булса-да, улар бирон марта ҳам казакларга қаршилиқ курсатмаган, улар эса бошқирд қишлоқларини талон-тарож қилган эди. Муртазин Қизилмачитда биринчи ва тўртинчи пиеда аскарларимиз қисман қуролсизлангирилганини ва талон-тарож воқеаларини эшитиб дарҳол шуроларга қарши қурол кутарибди.

Колчакнинг Белов кушинига кушилиб қизил Смоленск полкани тор мор келтирибди. Шуро қўшинлари Уралда дош беролмасликларини куриб, қизил армия бош қўмондонлиги учинчи қизил бригадаси ҳамда Смоленск отрядига Урал тоғларига чекинишни буюрди. Улар жонларини ҳовучлаб чекинишди. Қурол яроғларининг бир қисми Муртазиннинг қулига утди. Қушинимизнинг катта қисми оқлар томонга утиб кетганлиги мен учун ҳамда бу пайтда Москвада булган барча дусларимиз учун қутилмаган ҳол булди.

Мени “Метропол” меҳмонхонаси эшиги олдида ҳарбий машина кутиб турарди. Кремлга борамиз, дейишди. Билсам, Ленин чақиртирган экан. Сталин ҳам уша ерда эди. Бироздан сунг Троцкий ҳам келди. Вазиятни унга ҳам тушунтиришди. Мени содир булаётган воқеалардан тушунчам йўқ эди. Мен “Сизнинг у ердаги қўмондонларингиз дайди қароқчилар ёки мутаассиб шовинистлардир. Арман дашноқ қароқчиси Гайнинг эса мусулмонлардан уч олишдан бошқа мақсади йўқ. Аскарларимизни қуролсизлантиришибди. Бу ишлар жойига тушиб кетади. Ташвишланишга ҳожат йўқ. Мен ҳам у ерда шахсан бўлишим лозим” дедим. Улар бунга рози бўлишди. Абдурашид Бикбаёв ва Абдуллоҳ Адигамов билан бирга Самарага келдик. Маълум бўлишча, март ойи урталарида Башревком Тамас шаҳарчасини тарк этиб, аввал Мурақ кейин Етти Уруғ кишлоғига келиб жойлашган, сунгра эса Оренбургдан 90 километр шимолида булган Мураптал кишлоғига кучиб утишган экан. Башревком катъиятлик қилиб узларини қуриқлаб бораётган отрядларни қуролсизлантиришга йўл қўймабди. Буларни Бузулук кишлоғига келгандан кейин билдик. Бу ерда Муртазиннинг қариндошларидан бири унинг тутган йулларини бизга тушунтириб берди. Бир томондан адмирал Колчак миллий сиёсатини ижобий томонга узгартириш зарурлигини тушуниб айтган. Юқорида айтганимдек, Троицк шаҳрида бўлиб ўтган қазақлар съездида у бошқирдларнинг нуфузли кишиларини ҳузурига чақирди. Бошқирдистон мухториятига ва қушинига нисбатан нотўғри ҳаракат қилганини эътироф этибди ва айбини ювишга ваъда берибди. Бошқа томондан қизиллар ҳам сиёсатларини манфий томонга буриб, бутун бошқирдларни узларига душман деб билиб, халқни талашга ва бошқирд аскарлари камчилик булган ерларда уларни қуролсизлантира бошлаган. Бир қанча жойларда таниқли кишиларни улдиришди. Жалойирда шоирларимизнинг кийнаб улдирилиши барчанинг қалбида битмас-туганмас дардга айланди. Бундай вазиятда Муртазин ва сафдошлари дарҳол фронтни узгартириб, оқлар билан келишиб, улар томонга утиб кетишга мажбур булган. Мен бу ердан Мураптал шаҳарчасида жойлашган Бошқирдистон ҳукуматига бир ҳарбийни юбориб қизиллар қушинидан қимлар бошқирд кишлокларини талаган булса, руйхатини юборишларини сўрадим. Ҳукумат руйхатни жунатди. Қасерда ва қанча миқдорда таланган, қанча уй ёкиб

юборилган булса, кишлок идоралари томонидан мухр ҳамда имзолар билан тасдиқланган маълумот бу қадар қисқа муддатда тайёрланиши ҳукуматимизнинг халқ наздида нақадар эътиборли ва нуфузли эканини курсатади. Қизилларнинг аҳволи танг бўлиб, чекинмоқда эди.

§ 131. *Фрунзе билан учрашувим.* Самарада мен қизилларнинг маркази ҳисобланган Симбирскдаги Шаркий фронтнинг гарбий-жанубий тармоғи кумондони Фрунзе билан учрашдим. Вазият ниҳоятда оғир булгани боис у мен билан ҳисоблашишга мажбур эди. Биргалиқда овқатландик. Биринчи қизил қўшини тор-мор булган эди. Урал казаклари Бузулукқа ҳужум уюштираётган эдилар. Биринчи қизил қўшин Оренбургни тарк этиб, Самарага чекиниш учун руҳсат кутарди. Бизнинг Мурапталдаги Бошқирдистон ҳукумати эса Колчакнинг қўлига тушиб қолмаслик учун ишончлироқ жойга, Самарага чекинаётган эди. Фрунзе танг аҳволда қолган эди. Чекинишни ҳам чекинмасликни ҳам билмасди. Мен унга чекинмасликни тавсия қилдим. Колчакнинг Волга ҳавзасини яна қайтадан қўлга киритишга кучи қолмаган эди. У томонга утиб кетган Муртазинга яширинча одам юбордим. Фрунзega “У Колчак томонга сизнинг қизил қўшинингиз кўмондонларининг узбошимчаликлари сабаб ўтиб кетди, сиз ҳам Гай, Зеленков каби қароқчилардан воз кечинг” дедим ва “Туркистон fronti” очилса, бошқирд қўшинини бу фронтга олишини тавсия қилдим. У таклифимни мамнуният билан бажармоқчи булди. Бироқ бугун қизиллар қўшини бош кўмондони булган латвиялик Вацетис ҳамда Троцкийлар унга жанубий-гарбий қанотнинг қароргоҳини Волганинг ғарбига кўчиришни таклиф этишаётган экан. Биз Бошқирдистон ҳукумати ва қўшинини борича Самара ёки Сизраньга олиб кетиб, озгина қурол билан булса ҳам шарқдаги ҳаракатда иштирок этиш орзусида эдик. Троцкий билан Вацетис эса бизга ишонч билдиришмади. Улар ҳукуматимизни ғарброқдаги Саранск шаҳрига чекинишини буюришибди. Кўп тортишувлар булди, охири оқибат бу амрга буйсунишга мажбур булдик. Москва мени Самаранинг шарқига юборишни Фрунзega буюрарди. Ваҳоланки, Фрунзенинг ишончига кириб улгурган эдим. Апрельнинг охирида мен яна Бузулукқа келдим. Ҳукуматимиз бу ерга яқин Тоцк (Ток) шаҳарчасига кўчиб ўтди. Мен Фрунзе билан маслаҳатлашиб, бир томондан бошқирдларни химоя қилиш, бошқа томондан эса қуролсизлантириш баҳонасида тарқаб кетган қўшинимизни қайта тўплаб, Саранскка юбориш мақсадида “Бошқирдистон вакиллар ҳайъати”ни ташкил этдим. Узим эса Волганинг ғарбига чекинган ҳукуматимиз билан бирга Саранскка келдим. У ердан Москвага бордим. Сталин билан куришдим. У бир неча ҳафта олдинги гердайишидан анча тушган эди. Бошқирдистон ҳукуматининг қизил қўшини томонидан талонтарожи килинган бойлик ва мол-мулки руйхатини, бунинг натижасида келиб чиққан фожеали аҳвол ҳақидаги ҳисоботни шахсан Лениннинг узига топширдим.

Қушинни гаъминлаш учун зарур булган курул-яроғларни май ойининг бошларида Саранскка юбордим.

§ 132. *Саранскдаги ҳаётимиз.* Хозир Мари республикаси маркази ҳисобланадиган Саранскда биз хароб аҳволга тушиб қолган қушинимизни тиклаш билан машғул булдик. Биринчи ва иккинчи пийда ҳамда биринчи ва иккинчи отлик полкларимиз аҳволи яхши эди. Лекин бизда қизиқарли мажлислар, уйин-кулгу, туйлар булиб турарди (расм №10). Китобга киритилган расмдаги бугун фарзандлари билан Анқарада яшаётган Исмоил Мухлий (№23) ҳамда Афибахоним (№24) ларнинг никоҳлари муносабати билан катта йиғин булди. Расмда 2, 3, 10, 11, 17, 24, 28, 29, 31, 32, 35, 36 рақамлари билан курсатилган кишилар кейин ҳам ҳукумат ва қушин таркибида масъул вазифаларда фаолият курсатдилар. Мен Саранскдан тез-тез Москвага бориб Троцкий билан баъзида Самарага бориб Фрунзе билан харбий ишларда маслаҳатлашиб турдим. Полковник Ҳасан Аҳмаровга Белебей худудларида сафарбарликни ташкил этиш вазифаси юклатилган эди. Бу ишни шахсан узим назорат қилдим. Кулаев ҳукумат раислигидан истезфо бергач, Хорис Юмагуловни раис этиб сайладик. Мен харбий вазир булиб қолдим. Юмагуловнинг келиб чиқиши Кемелик бошқирдларидан эди. Зироат муҳандислиги буйича таҳсил қурган сергайрат йигит эди. У ва акаси Жаҳонгир Юмагулов Бошқирдистон мухторияти харакатини аввал бошданок қўллаб қувватлаган зиёлилардан эди. Биз бошқирд ва татарларнинг умумадабий битта булиши лозим деган фикрга келишимизга карамай Хорис Юмагулов бошқирд тилини адабий тил сифатида эълон қилиш фикрида эди. 1917 йилдаги I-бошқирд съезди вақтида намоёншлар уюштирган Юмагулов ва унинг маслақдошлари бошқирд тилида ёзилган байроқларни кутариб чиққан эдилар. Биз 1918 йил апрел ойида шуруларга қарши очикдан-очик курашга кирганимизда улар шурулар томонда бўлган эди. Хорис бу орада коммунистик партияга ҳам аъзо булди. Сталин уни Саранскка марказий кўмита вакили сифатида юборди. Саранскка келганида Хорис бизга “Москва мени уз уйимга элчи қилиб юборди”, деб ҳазиллашарди. Чунки у миллатчиликда дўстларимиз орасида пешқадамлардан ҳисобланади. Марказий кўмита Хорис билан бирга Зарецкийни ҳам юборган бутиб, у бизни коммунизмга даъват этиши керак эди. Май ойининг охирларида Москвадалигим чоғида бошқирд қушинини Фрунзе кўмондонлиги остида Шарқий фронтга қолдириш масаласида Ленин, Сталин, Стасова хоним, Троцкий ва Вацетис билан куп маротаба учрашдим. Бироқ бу борада билдирилган ортикча талаб уларда шубҳа уйғотиши мумкин эди. Фрунзенинг бошқирд қушинини Туркистон fronti ихтиёрига беришини сўраб, 16 июнда Ленинга телеграмма йулладим. Ленин буни қабул этиб 23 июнда қушинимизни Туркистон frontига берганлиги ҳақидаги буйрук берди. Кейинроқ, шуру матбуотида бу ҳақда босилиб чиқди. Бироқ, Вацетис бу амрни

бекор қилдиришга эришди. Бу пайтда ташки ишлар комиссари Чичерин ва маориф ишлари комиссари Луначарский ҳамда иқтисодиёт ноизири (Иқтисодиёт шуриси раиси) Риковлар билан яқиндан танишдим. Мен бу уч киши ҳамда Фрунзе билан бирга ишлаш мумкин булган инсонлар эди. Ленин ва Сталин миллий масалаларда бизга яқин бўлиб кўринсаларда, уларнинг бизга ишончи вазиятга қараб узғариб турарди. Троцкий, Вацетис, Каменов ва Бухарин кабилар бизнингча интернационалист коммунистлар эди. Кейинроқ билдимки, мен уч ой мобайлида улар билан булган муносабатлар жараёнида бу кишиларга тўғри баҳо берган эканман. Сталин 1919 йил март ойининг иккинчи куни эълон қилган мақоласида шарқий туркий халқларни қолоқ урта аср даражасидаги халқлар сифатида тасвирлади. Унинг мусулмонлар ҳақидаги қарашлари арман ва грузинларникидан фарқ қилмасди. У ўзини шарқ масалаларида донишманд деб ҳисоблар эди. Ленин эса шарқни билмаслигини эътироф этган ҳолда, бу ҳусуеда бошқаларнинг фикрига қўлоқ соларди. Шу боис бизга нисбатан муносабати ҳар қуни узғариб турарди.

*§ 133. Лениннинг Туркистон хусусидаги фармойиши.* Бир куни Ленин мени телефон орқали чақириб қолди. У аввалроқ менга берган Урта Осиё масалаларига оид мақоласи ҳақида суҳбатлашмоқ учун таклиф қилганди. Мен бу мақолага оид ўз фикрларимни ёзма равишда тайёрлаб қўйган эдим. Ленин буларни эътибор билан, овоз чиқариб ўқиди. Мақола муаллифлари Ҳиндистон ахрорларидан (исми юқорида зикр этилган) Мавлавий Баракатуллоҳ билан Тошкентда яшаган Наби Юсуповдеган бир татар коммунисти бўлиб, Урта Осиё муносабатларига доир муштарак ёзилган эди. Улар мақолада Қуръоннинг коммунизмга уйғун экани, мусулмон халқлари коммунизмга Қуръон тафсири билан ёндашмоқ фойдали бўлишини ва Урта Осиёда тузилиши керак булган Ислом давлатига Афғонистон ва Шарқий Эрон, Шарқий Туркистон қўшиб олиниши лозим бўлишини, кейин Ҳиндистон билан яқин муносабатга киришиб ва Урта Осиё мусулмон халқларининг ёрдами билан инглизларни Ҳиндистондан қувиб чиқариш мумкин бўлишига доир тезисларини илгари сурган эдилар. Мен уларнинг мақоласи асосиз ва буш деб айтдим. Қуръон билан коммунизм уртасида ҳеч қандай муносабат булмаслигини, бу йул билан мусулмон халқларини коммунизмга мутлақо жалб этиш мумкин эмаслигини, Урта Осиёда бир Ислом давлати тузиш лозим булса, шу сабаб билан Афғонистонга ёки Шарқий Эронга бостириб кирмоқ фақат салбий оқибатларга олиб келишини, Ҳиндистон озодлиги муаллифлар тарафидан илгари сурилган ҳарбий қучлар билан ҳал буладиган осон иш эмаслигини тушунтириб ёзган эдим. Урта Осиёда амалга ошириб буладиган ишлар фақат Чор замонидан мерос бўлиб қолган рус империализмининг бартараф этиб, диний муаммолардан келиб чиқмай миллий ғояларни илгари суриб муваффақият билан олға юриш лозимлигини изох

этдим. Мен рус империализмига қарши курашда аввал бажариладиган тадбирлар ҳақида батафсил ёзган эдим. Булар: Тошкент шаҳридаги рус истилочилари қушини кумондони генерал Кауфманнинг ҳайкалини зудлик билан олиб ташлаш ва Ёттисувдаги Чу хавзасида, Беловодск деган жойда қуйилган ҳайкаллارни бузиб ташлашни, 1916 йил кузғолонидан сунг, рус мухожирлари учун маҳаллий халқдан тортиб олинган ерларни эгаларига қайтариб бериш масалалари эди. Давлат муассасалари сайловида маҳаллий аҳоли билан рус мухожирларини тенг ҳуқуқли бўлиши кераклигини, маҳаллий аҳолидан ҳарбий отрядлар тузишни бошлаш лозимлигини, муфассал баён қилган эдим. Дастлабки, амалий тадбирлар сифатида, мен уч мусулмон ва икки рус аъзодан иборат «Туркистон фавқулодда ишлар комиссия»си тузиб, маҳаллий аҳолини темир йўл, почта-телеграф ва саноат ишларига жалб қилиш зарур эканлигини айтдим. Менинг ёзганларим ҳаммаси бўлиб, 11 моддадан иборат талаблар тарзида ёзилган эди. Буларнинг барчаси Ленинга жуда маъқул тушди. У нариги муаллифлар таклифларини сафсата, беҳуда, бекорчи гап, менинг мулоҳазаларимни эса амалий жиҳатдан фойдали (деловой) деди. Юсуповнинг келажакда пайдо буладиган барча ихтилофлар демократик йўллар билан ҳал этилади, деган фикрини Ленин «Таъсисчиларча тугуриксизлик» деб атади. Унинг айрим хусусий масалаларга оид фикрларини мазах билан қаршилади. Ўйин, у парламентаризмга умуман паст назар билан қарайди. Ленин кулига қаламини олди ва жумлаларни биргалашиб тартибга келтирдик. Ленин диктатор эди, аммо мустабид эмас эди. Юқорида айтилган ҳайкаллارни олиб ташлаш таклифини ҳам камраган баъзи тадбирлар тугрисидаги фармойиш 12 июлда Тошкентдаги Шуро раҳбарларига радио орқали берилди. Телеграфсиз берилган бу фармойишларни Тошкентдаги расмий шуро газеталарида босиб чиқарилди. Шу билан бирга давлат вакилларини сайлашда маҳаллий аҳолига яхши муамола этиш кераклигини ва бу тадбирлар ижроси учун марказ (Москва)да «Туркистон фавқулодда ҳайъати» (Турккомиссия) тузилишига доир хабар ҳам бор эди. Туркистондаги рус коммунистларини хавотирга туширган бу радио-фармойишлари ҳақида Тошкент шуро ҳуқуматининг уша қулларда Москвада бўлган аъзоси Тоболин бунин партия Марказий Кумитасининг фикри эмас, балки Заки Валидий билан Ҳиндистонлик Баракатуллоҳнинг Ленинга таъсир этган боисидан чиқарилган радио-фармойиш деб изоҳлади ва унинг бу изоҳларини ҳам камраган телеграммаси Тошкентдаги русча «Известия» ва узбекча «Иштирокиюн» газеталарида эълон этилди. Бу фармойишдан бир қисми бажарилди. Шу жумладан Кауфман ҳайкали олиб ташланган деб уйлайман. Лекин Уфа ва Оренбургда булганидек, Тошкент маҳаллий рус коммунистлари давлат муассасаларига маъмурлар жалб этилишида маҳаллий аҳолининг мутаносиблигига риоя этмадилар ва бошқа моддалар эса мутлақо



бажарилмади. Турккомиссияга мусулмонлардан Турор Рискулов, узбеклардан Низом Хужаев ва татарлардан Мирсаид Султонғолиев номзодларини мен таклиф этган эдим. Ленин бу номзодларга рози булди, бироқ Тошкентдаги рус коммунистлари бу қарорларни йўққа чиқардилар. Яна бир сафар қуришганимизда Ленин жуда самимий равишда куйидагиларни айтди: “Қурыпсизки, радио орқали берилган фармойишни амалга ошириш жуда машаққатли иш булди. Бу буйрукни сиз менга айтиб, ёздирдингиз, аммо у ерда сиздан, яъни маҳаллийлардан бу фармойишни амалга ошириш учун ҳаракат қилувчи, одамларингиз йўқ экан. Рус империализмини бевосита русларнинг уз қули билан йўқ қилиш ва бу ишларни бажаришда фақат мусулмон аскарларига таяниб руслар хоҳишидан ташқари ҳолда бажариш қийин. Уртоқ Тоболин Туркистонда коммунизм гоёсини тарқатувчи дустимиздир. Лекин шуро режимини мамлакатингиздаги рус истилочиларига таянмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмаслигини на Тоболин, на бошқалар англаб етмаётир! Ҳозирча, Турккомиссияни тузайлик, майли улар бориб ишлашсин, ҳар ҳолда аста-секинлик билан ниманидир амалга ошириш мумкин бўлар”.

Ленин айтган бу сўзларининг маъноси шундай эди: сизнинг тазйикингиз туфайли берган фармойишни бажараман деб, мусулмонлардан кўшин ташкил қилиб, у ердаги рус пролетариатини эзишим керакми? Бизнинг мақсадимиз сизга мустақил давлат қуриб бериш эмас, балки шуро режимини амалга оширмоқдир. Социализм гоёсига уйғун зиёлилар гуруҳини ва маҳаллий инқилобчи ҳарбий қисмларни тайёрласангиз ҳаммаси амалга ошиши мумкин, лекин бу вақт талаб қилади.

§ 134. *“Эрк” социалистик партияси муаммолари.* Саранскда коммунистлар билан бирга ҳамкорлик олиб борадиган “Эрк” партияси ҳақида атрофлича гаплашиб олиш, унинг дастурини тайёрлаш ҳамда бу хусусда марказ билан музокара олиб бориш имкониятига эга эдик. Бу масалани Москвада компартиянинг сиёсий бюросида ҳамда кўпроқ Ярославский ва Стасова хоним муҳокама қилди. Улар коммунистик партия ва унинг мусулмон коммунистлари бюроси билан бирга бизнинг “Эрк” партиямиз сингари миллий социалистик ва коммунистик партия ташкил этиш тарафдори эдилар. Бу масала билан шуғулланиш учун Саранска Зарецкий исмли кишини юборишган эди. Дастуригимизда иқтисодий ҳаётни бутунлай миллийлаштириб, миллий ҳуқуқда тулик эркинликни қўлга киритиш назарда тутилгани сабабли Зарецкийга партиямиз коммунистик партиядан радикалроқ ва сулроқ булиб қуринди. Зарецкийнинг бизни – иқтисодиётда буржуа назарияларига алоқадор булмаган, иқтисодий дастур коммунистларга яқин партия сифатида курсатиб, партияни ташкил этишда коммунистларнинг тамойилларини асос қилиб олиш лозимлиги ҳақида ҳисобот ёзганини кейинчалик билиб

олдик.

Июн ойи охирларида Москвага борганимда бир неча мартаба Ленин билан учрашдим. Негадир партиямиз хақида гап очмади. Сталин, Троцкий, Камсневларнинг бизнинг алоҳида миллий партия куришимизга йул бермасликларини ҳис этиб турардим. Ярославский ва Стасова бизни чалғитишмоқда эди, холос.

Зиёратларим асносида, Ленин билан учрашиб юрган вақтларимда у менга катта Фиат русумли автомашина ажратиб берди. Машинанинг берилиши ҳақидаги буйруқни яшия каламда оддий коғозга ёзиб берган эди. Бу автомобил бир вақтлар Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгандан сунг Немис-Рус frontiда Ҳинденбургдан мағлуб булган генерал Самсоновга тегишли экан. Уша пайтда Москвада бензин топиш мушкул иш эди. Улар машина билан бирга бензин ҳам беришди. Биз бу автомобилни аввалига Саранскга, сунгра Бошқирдистонга олиб келдик. Машина оғир вазели нокулай ва бензинни кул сарфлайдиган, у қадар фойдали булмаседа, уни шахсан Ленин томонидан берилганлиги учун ҳам большевиклар олдида менинг обрӯим ортган эди. Афсуски, буларнинг ҳаммаси сохта хурмат эди, холос.

§ 135. *Қушинимизнинг Туркистон урнига Украинага жўнатилиши.* Бахтимизга қарши Ленин 9 июльда Шарқий фронтни бир четга суриб «Барча нарса Деникинга қарши» шiorини уртага ташлади. Вацетис ва Троцкийларнинг гапига қириб, бизнинг қуролланган қушинимизни Самара ва Туркистон frontiга эмас, «киска муддатга» деб Украина frontiда Деникинга қарши кураш олиб бораётган 14 кизил қушинга ёрдам бериш учун юбориш хақида қатъий буйруқ берди. Биз Саранскда икки бригада ва баъзи техник отрядларни олиб қолиб, колган қушинни Харьковга жунатдик. Қушинимиз фронтга этиб келганида 14 кизил қушин бутунлай мағлуб булган, уларни бошқараётган Мудофаа штаби совети бошлиғи бутун одамлари билан Деникин томонга ўтиб кетгани боис бизникилар Харьковдан чекинишга мажбур бўлишди. Мен фронтга келган вақтда қушинимиз Гоголнинг асарларида куп бора тилга олинган Миргород шаҳри яқинида Деникин аскарлари билан жанг қилаётган эди. Аскарларимиз вагонларга мебеллар тулдириб, хар бир вагонга бир нечтадан киз олиб киришибди. Барча мебелларни туплатиб, ёқтириб юбордим. Қизларни эса уйларига жунатдим. Бундай ишлар ҳарбий интизомга зид эканлиги хусусида буйруқ чиқардим. Троцкий ушбу буйруғимни уқиб, худди шу интизомни рус армияси учун ҳам жорий этмоқчи булибди. Бирок Вацетис рус аскарларини бундай қатъий тартибга чақириш мумкин эмаслигини айтгач, фикридан қайтибди. Буларни Троцкийнинг шахсан узи эътироф этди. У бизнинг ҳарбий интизомимизга ҳақиқатан қойил қолган эди. У қушинимизнинг ички низомига амал қилинишини таъминлайдиган сиёсий комиссарлар урнида, аввал, полк

имомлари булишган, «У холда ички тартибни сақлаш учун биз ҳам полк руҳонийларни (попларини) олиб келишимиз керакми?» деб қаҳқаҳ уриб кулди. Чунки бош қўмондонлари оқлар томонга утиб кетган қизилларнинг қўшинида интизом деярли йуқолган эди.

Жангда аскарларимиз томонидан куп нарса кулга киритилди. Жумладан, касалхона жиҳозлари, Европадан келтирилган ва аксарияти немис қўшинидан қолган ва бизга мутлақо номаълум дори-дармон ҳамда хали очилмаган тонналаб матбаа қоғозлари кулга киритилган эди. Уларни Истарлитамоққа етказиш мақсадида Уфага яқин Шафрон станциясига иккита поезд орқали юбордим. Яна бу ерга ҳарбий жиҳозлар ҳам юборилди. Саранскда факатгина фукаровий идораларимиз қолган эди. «Бошқирдистон вакиллар ҳайъати» ва бошқа фаол ташкилотимиз эса Шарқий фронтда Фрунзе қўшинининг олд сафларида жанг қилишарди. 5 июнда капитан Ҳасан Аҳмаровни Белебейга юбориб, сафарбарлик эълон қилдим. Халқ уйлаб ўтирмай даъватимизга эътибор берди. Аҳмаровдарҳолучинчиватўртинчипиёдахамда учинчи отлик қўшинини ташкил эта бошлади. Фрунзе улар учун куп миқдорда қурол-яроғ ажратди. Украинадан юборган қуролларнинг бир қисмини ҳам уларга бердик. Янги ташкил этилган отрядлар Туркистон frontiда қолгани шубҳасиз эди. Бизнинг дардимиз аявалгидек қозоклар билан биргаликда Оренбургга жойлашишдан иборат эди. Бирок шуро ҳукумати Ленин ҳамда Сталиннинг империалистик кайфиятида булган сафдошларининг сузларига кириб, бошқирдлар ва қозокларнинг уртасида рус Оренбург губерниясини ташкил этиб булиб ташлади. Қозокларга маркази Ақтўбинск, бошқирдларга эса Истарлитамоқда шуро мухтор ҳукуматини тузишга руҳсат берилди. Шахсан Лениннинг ўзига учраб эътирозимни билдирган булсамда, қарорларини ўзгартиришмади. Ленин эса «Ҳозирча шундай булсин, кейин кўрамиз» деб мени тинчлантирар эди.

§ 136. *Яна Бошқирдистонда фаолият.* Июннинг урталарига бориб, Қолчак қўшини ҳар томондан тор-мор келтирила бошланди. 9 июнда Фрунзе қўшинларининг ғалабаси туфайли Уфа яна қизилларга ўтди. Мен Саранскдаги ҳукуватимизнинг турли вазирликларидан биттадан вакил ва кўриқчи отлик аскарларни олиб Самарага келдим. Бу ерда 13 июнь куни Фрунзенинг ёнида бўлган Риков ҳамда Рудзутак билан учрашдим. Улар бошқирд қўшинини Фрунзе қўмондонлиги остида Туркистон frontiга юбориш ҳолисини маъқуллаб ва Туркистонда миллий қўшинга эга булган мухтор ҳукуватнинг ташкил этилишига тарафдор эдилар. Риков менга Сталин Оренбургни Ислом марказига айланишига қатъиян қарши эканлигини айтди. Лекин ўзи ва Фрунзе бу ишда бирор ёмонлик кўришмаётганини билдирди. Улар билан куп ажойиб суҳбатлар қурдик. Бир неча маротаба бирга овқатландик. Қошки, шуроларда бутун ишлар мана шу кишиларнинг қўлида булса эди. Биз Ленин яхши, Сталин эса иблиснинг ўзи дердик.

Аммо Ленин партия тизгинини хақиқий инсонлар булган Фрунзе ҳамда Рудзутак кабиларга эмас, Сталин сингари кишиларга бериб қўйганининг узи ҳам иблисликнинг бир киёфасини кўрсатмайдими?

Самарадан Белебей оркали Истарлитамоққа жўнадим. Бу ерда узимни деярли ёлғиз хис этардим. Бир жойга боришга тўғри келса, отлик қўриқчилар билан боришга мажбур эдим. Чунки рус қишлоқларида Колчак ва казакларнинг айғоқчилари бўлиши мумкин эди. Қишлоғимга бориб, ота-онамни, укаларимни, қариндошларимни кўрдим. Қишлоғимиз бир неча бор қўлдан-қўлга утган булса-да, китобларимга ва бошқа нарсаларимга зиён етмабди, ота-онамга жабр қилишмабди. Қизиллар кетгандан сунг Муртазин аскарлари уларни химоя қилишибди. Истарлитамоқда маҳаллий ҳукумат ташкил этиб, Колчакдан халос булган ерларда ҳам дарҳол бошқарув идораларини ташкил эттирдим. Мен, ҳатто, кичик ҳарбий ўқув курсини ҳам очдим. Унинг бошлиғи қилиб яхши зобитлармиздан катай уруғидан булган Кади Низомиддин ўғлига топширдим. Кейинчалик бу мактаб катта ҳарбий мактабга айланди. Ҳукумат ҳам бир қисм кадрлари билан 23 августда Саранскдан Истарлитамоққа келди. Бу ерда Муртазиннинг яна қизиллар томонга утиб, бошқирд қўшинига қушилишни сўраб вакиллар ва қариндошлари келди.

1917 йилда Бошқирдистон миллий ҳаракатини бошлаган пайтимизда бизга қўмак берган кишилар Истарлитамоққа келишиб, нима булди, нима булади, қаерга борамиз, деб сўрашди. Мен Бошқирдистоннинг Колчакдан озод булган туманлари вакилларини музокарага чақирдим. Самимий суҳбат курдик. “Қизиллар билан келишимдан узга чорамиз йўқ эди. Мамлакатни Сибирь ёки Хитойга олиб бора олмасдик. Энди эса кутишдан бошқа иложимиз йўқ. Қизиллар билан бирга Оренбургга жойлашишимиз ва Туркистон фронтига қўшинимизни олиб боришга изн бермадилар. Бунга ачинамиз албатта, бироқ Россияда маълум бир режимга буйсунушдан бошқа йулимиз йўқ. Чунки рус миллати болшевиизмни уз устида тажриба қилиб қуришга киришган. Уларни бу йўлдан эсерлар ва Таъсис мажлиси қайтариши мумкин эди. Аммо уларга аллақачон барҳам берилди. Чор тарафдори булган генераллар энди рус миллатини эргаштира олмайди. Биз ҳам улар билан бирга булиш ва янги саргузаштларни бошдан кечириш фойдасизлигини курдик ва шўролар билан келишдик. Модомики, шўроларнинг шартларига буйин эгишдан узга чора йўқ экан, бошқарув, кооператив ва мамлакатнинг иқтисодий маданий ташкилотларига кирасиз, токи ўлкамизнинг бошқаруви уз қўлимизда қолсин. Энг катта нуқсонимиз жаҳолатдир. Уни бартараф этишимиз лозим” дедим. Ушбу блёнот, отам ва тоғам иштирок этган суҳбатларда айтилган гаплар атрофга ёйилди. Ҳар томонда татбиқ этила бошланди. Иигирма беш, уттиз кишидан иборат жамоанинг эрталабдан кечгача давом этган мажлиси қурилишда у қадар катта булмасада, аҳамияти

жиҳатидан эътиборга молик эди. Буни Фрунзегга ёзма равишда билдирдим ва Ғарбий Бошқирдистонда саккиз жойда “тинчликни сақлаш” учун жойлаштирилган қизил аскарларни олиб чиқиб кетишни сурадим. Бу иш амалга ошди, улар урнига бошқирдлардан ташкил топган милиция ходимларини жунатдим.

Шу ерда кичик бир воқеага тўхталиб ўтишим жоиз. Юртимизда мев 1904 йилдан буён танийдиган, хотираларда ҳам бир неча бор номи тилга олинган Қарғалилик Абдурахмон Ҳақбердин исмли татар ёзувчиси бор эди. Отамнинг дўсти эди. Шокир Рамеевнинг олтин конида назоратчи булиб ишларди. У “Юридическая библиотека” номи остида рисоалар тўпламини нашр эттирган. Аксарияти усмонличадан ёхуд русча манбаларга таянган маълумотларни ўз ичига олган эди. Арабча ва форсчани тушунарди. Мен уни авваллари социалист фикрли деб уйлардим. Аммо у большевик экан. Мана шу киши ёки мен ҳозир номини унутган унинг дўсти Истарлитамоқда чақирилган мажлисга келган кишилардан нима ҳақда сўз бўлганини суриштирган ва “маълумот” тўплаган. Сўнг “Валидов мамлакатда буржуа бойларини тўплаб, улар билан яширин мажлислар утказмоқда” деб узидан ҳам баъзи ёлгонларни кушиб, “Шарқий фронт”нинг яширин хизматлар бўлимига топширибди. Фрунзенинг ёрдамчиси Авксентьевский ундан бир нусха олиб дўстлик нишонаси сифатида менга курсатди. Унинг устига Ҳақбердининг номига “Мерзавец” деб ёзиб қуйибди. Кейинчалик эшитишимча, Авксентьевский уни ёки унинг номидан иш кўрган дўстини чақириб адабини берибди ва мен ҳақимда: “Валидов бир неча киши билан сўзлашиб бу ерда тинчликни таъминлади. Бизни аскарларни ушлаб туришдан қутқарди. Сен эса юртингда нотинчлик булишини истайсан, яна бошимизга бир балоларни чиқармоқчимисан. даф бул!” дебди. Икки ойдан сўнг Қарғали қишлоғидан утишимни эшитиб, “Мени ўлдиради” деган қурқувда жуфтакни ростлаб қолибди. Мен унга шундай хат қолдирдим: “Ўлдиради, дебсан, бунга ҳожат йук, чунки сен узингни ўзинг ўлдириб булибсан. Карвонсарой масжидини ёндириб юборишни тавсия этибсан. Аллохнинг уйларида Унинг номини зикр этишни маън этадиган ва бузғунчилик билан машғул булган кишидан ҳам золимрок бормикан. Яхшиям, сузларингга аҳамият беришмабди, юзсиз. Сенга айтадиган бошқа сузим йук!”

§ 137. *Миллий мухторият ҳолатининг бошқирдлар орасида мустаҳкамлиги.* Бу пайтда учинчи полкдан Колчакка тобе булишни истамаган, шунингдек қизилларга ҳам қушилмай, Бошқирдистон ҳукуматини кутиб, Қатай вилояти урмонларида жон сақлаётган бир гуруҳ аскар ҳузуримизга келиш учун руҳсат сурадилар. Уларни ҳурмат билан қабул этиб, Ишай қишлоғида улар учун мол сўйдирдим. Қоринларини тўйдириб уларни бағримга босдим. Биринчи марта улардан билдимки, Учинчи полк қўмондони Тугоннинг қўмондонлиги остидагилар Лавза қишлоғида оқ аскарлар томонидан қуршаб

олиниб икки ой давом этган тукнашувдан сўнг 17 мартда таслим булишибди. Туғон уларга нима булса ҳам Заки Валидовнинг олдига боринг деб буйруқ берибди. Туғоннинг дусту Хорун Қурбонали “Урал-Олтой отлик қушини” номи остида отряд ташкил этибди, куп қахрамонликлар курсатибди. Бирок 1920 йил 7 апрелда Беклемиш станциясида кизиллар билан жангда шахид булибди. Аскарлари эса Қатай урмонлариغا яширинишибди. Кумондон Туғон ва Йулдибоев исмли яна бир зобит Колчак томонидан ғарбий Сибирга жунатилибди. Улар ҳам узларини куриқчи ун аскарини бизга қушилишларини буюриб жунатиб юборишибди. Улар яшириниб узлари сингари кочиб юрган баъзи дустларини топишибди. Кейинрок Европага келганимда билдимки, Туғон учинчи полкнинг зобитлари ва аскарларидан бир гуруҳи билан бирга Узок Шаркка кетибди. У ерда маълум бир вақт фаолият олиб бориб, Токиодаги Венгрия элчисининг ёрдамида Венгрияга келишибди. Биз Туғон билан 1924 йили Олмонияда ва Венгрияда учрашдик. Жасур йигит булган Йулдибоев эса японлар ёрдамида бошқирд ва татарлардан иборат 200 кишилиқ аскар билан Маньжуриядаги Хунхуз қароқчиларини тозалашда куп хизмат курсатибди. Мен учун зиёфат берган аскарларнинг ҳам Қатай урмонларида яшириниб, оқ ва кизил русларга буйин эгмасдан, Муртазинга ҳам қушилмаган, лекин миллий ҳукумат ва мустақиллик гоъларини мана шу тарзда ҳимоя қилиб келганликлари ўзи таҳсинга сазовор эди. Шунга ухшаш яна бошқа мисолларни ҳам курганим сабабли ишонч билан айтишим мумкинки, руслар ҳеч қачон шарқий туркийлардаги миллий ҳис-туйғуларни батамом учириб ташлашга муваффақ була олмайдилар.

*§ 138. Оқлар томонида қолган аскарларимизнинг бизга қайта қушилиши.* 12 августда Муртазиннинг полкини узимиз томонга олдириш учун Шарқий фронтнинг ғариги томонига, яъни Колчакнинг қушини томонга ҳаракат қилдим. Ёнида яқин дустларимдан Тохир Имақовборэди. Қишлоғимиздан чиқиб Ташкисувдарёсиёнидаги Нутуш қишлоғида отамнинг эски кадрони Бергули ҳожи деган кишиникида меҳмон бўлдик. Атрофдаги бошқирдлар бизнинг келишимиздан хабар топиб, севинганларидан куй суйиб дастурхон тузашибди. Қимиз ҳам куп эди. Бир кеча ётиб дам олдик. Бу ойларда илк маротаба дам олаётган эдим. Оренбург, Самара, Саранск, Москва ва Украина фронтлари орасида кезиб юардим. Куп ҳолларда мен бир паровозга тиркалган икки-уч вагонли поездда юардим. Бектошдан Тимяс шаҳарчасига келиб, эски дустимиз Абу Бакр мулла Хусайиновнинг уйида меҳмон булдим. Бу ерда биринчи кизил қушинига кетаётганда менга йулдош бўлиши учун Оренбургдан юборилган Бройдо келди. У яхудийларнинг социалистик Бунд партияси аъзоси ва муҳаррири эди. У, аввал, сионист социалист булган. 1917 йили биз Тошкентда учрашганмиз. Сўнг, у Хивага бориб, у ерни текширди, кейинчалик миллий масалалар

комиссариятида, Сталинга маслаҳатчи ҳам бўлди. Бу фитна уясини менга жунатилаётганини билсам эди, Фрунзедан ёхуд биринчи қўшин кумондонидан унинг урнига бошқа кишини юборишларини илтимос қилган бўлардим. Мен билан фақат 120 нафар отлик аскар бор эди. Муртазиннинг полкини Ёйиқ дарёси ва Кизил шаҳарча шаркидаги Нуғайбек номли насроний татарлар яшайдиган қишлоқдан топдик. Унинг аскарлари жасур йигитлар ва кунгилилардан ташкил топган эди. Бироқ туپларининг ўқи қолмаган эди. Уст-бошлари бир ахволга кирган эди. Уларни тўплаб Бошқирдистон ҳукумати чиқарган афвни ўқиб эшиттирдим. Барча мамнун бўлди. Нуғайбеги татарлари чор замонда мажбуран насронийлаштирилган. Ибодатхоналарда татарча ибодат қилишади, бироқ уйларида яширинча мусулмонча дуоларни ўқиб узларини мусулмон ҳисоблашади. Мен уларга “Сиз энди эркинсиз, динингизни яширишингиз шарт эмас, очикчасига насроний ёхуд мусулмон бўлишингиз мумкин” дедим. Бироқ улар ҳали ҳам бу сўзларга ишонишмас, ибодатхоналарни тарк этишмас эди. Муртазиннинг аскарлари биз турган қишлоқдаги ибодатхонани ёндириб ташлашди. Ибодатхона ёнаётганида йиғлаётган аёлларга қўзим тушди. Улар 200 йил давомида бу мажбурий эътиқод туфайли насронийликка ёхуд икки динликка урганиб қолишган эди. Улар кейинги миллий ҳаракатларда иштирок этишмади, чунки улар миллий хис-туйғуларини йўқотган эди.

Муртазиннинг полкини 25 августда Ёйиқ дарёси ғарбига утказдик. Уларни Самара-Тошкент темир йули йуналишидаги Новосергиевск станциясига дам олиш ва бошқадан қуроллантириш учун жунатдим. Бройдо улар билан бирга кетди. У Фрунзегга Муртазин қўшинини Бошқирдистон ҳукумати қўшинидан алоҳида ушлаб туриш лозим деган фикрни тушунтирар эди. Бу мени ва Бошқирдистон ҳукуматини Оренбургга жойлаштиришга қарши чиққани каби шўроларнинг кейинги яна бир нияти бузук эканлигини курсатувчи иккинчи ҳодиса эди. Муртазин қўшинини янги аскарлар билан тўлдирди. Отлик отряд юзага келди. Уларни қуроллантириш тугаллангач, Вацетис уларни Украинна фронтига жунатди.

**§ 139. Никоҳ тўйи.** Август ойи охириларида Абжалил қишлоғига келиб, Мухаммад ҳожи исмли имомнинг қизи Нафисага уйландим. Ҳожи Мухаммад тангавир бошқирдларидан бўлиб, отамнинг яқин дўсти эди. Қизнинг онаси Троицкдаги машҳур шайх Зайнуллоҳнинг қизи эди. Нафисани ёшчилигимдан севиб мактублашиб турар эдим. У билан турмуш қуришим ҳақида 1904 йилда келишиб олинган бўлиб, бу бир навъ унаштириш эди. Бу орада ўртага бир қанча катта ҳодисалар аралашиб, тўй кечиктирилган эди. Тўй куни ҳаво ажойиб эди. Никоҳ кечаси Магнитогорскни қуриқлаётган аскарларимиздан бештаси менинг олдимга шошилиб келиб, қўлимга телеграмма тутқазинди. Москвадан Троицкий мен билан телефон орқали гаплашиш учун

зудлик билан Магнитогорскка келишимни сурабди. Дарҳол кетдим. Ҳозирги кунда ярим миллиондан ортиқ аҳолига эга шуро индустрия шаҳри ҳисобланадиган Магнитогорск уша пайтда бирорта завод ҳам булмаган, аҳолиси 100 хонадондан ошмайдиган рус казаклари кишлоғи эди. Абжалилдан 25 километр узоқликдаги бу кишлоққа от чолтириб кетдик. Масала шу қадар жиддий эканки, Троцкий суҳбатлашишни кутиб ҳали ухламаган экан. Ётиб борганимда бизни дарҳол боғлашди. Троцкий Белебейда ташкил этилаётган учинчи ва туртинчи пиёда ҳамда учинчи отлик кўшинимизни Петроградга юриш қилаётган генерал Юденичга қарши юборишимни талаб ва илтимос қилди. Мен уларни тайёргарлик ишлари ҳали тугалланмагани боис ҳозирча икки батальонни бир-икки ҳафта ичида тайёрлаш учун полковник Аҳмаровга буйруқ беришимни ваъда қилдим. Уша кеча Белебейда полковникни телефон бошига чакириб вазиятни тушунтирдим. У буни ҳам иложи йуқ эканлигини билдирди. Тонгда Троцкийга Аҳмаровнинг жавобини айтдим. Бу бошқирд аскарларининг Юденичга қарши жангга киришишларининг бошланиши булди. Эрталабгача кузимга уйку келмади. Абжалилга қайтиб келдим. Келини олиб Авесно-Петровск заводи ёнидаги бошқирд кишлоғига олиб бориб қуйдим. Бу якин атрофда телеграф булмагани боис Троцкий ҳам, Ленин ҳам мени топиш имкони йуқ эди. Икки кун кейин аскарлардан келинни ортимдан олиб келишини тайинлаб, ўзим Истарлитамоққа кетдим. Бу сафар мени Лениннинг узи сураганини айтишди. Телеграф бошига келганимда Ленин ҳам уша гапларни такрорлади. Албатта, бир пиёда ва бир отлик полк юборинг деб талаб қилди. Ва бизнинг инқилобга булган садоқатимизни синаш йулидаги бир иш деб ҳам қушиб қуйди. Мен яна ҳали тайёр булмаган аскарни қандай жунатаман дедим. Ишни иложи борича оркага суришни истардим. Мақсадим шуро тарихчилари ёзганидек, саботаж эмас, ҳали тайёр булмаган аскарларни омон сақлаб қолиш эди. Ленин ва Троцкийни “Бошқирдлар келди” деб шовкин кутариб, биздан фойдаланиш мақсадида эди. Бу ҳақда Троцкий телефон орқали суҳбатлашганимизда очиқ айтди. Агар биз Петроградга аскар юборганимизда, Украина фронтидаги қўшинларимизнинг бошига фалокат ёғилиши мумкин эди. Тарихчи Раимов “Валидов аскарларини Юденичга қарши юборишга қарши эди” деб ёзган. Бу тўғри эмас. Модомики, биз шуро ҳукумати билан келишув битимини имзолаган эканмиз, мажбуриятларимизни бажармаслигим нотўғри буларди. Шундоқ ҳам, Россияда чор режимининг қайта қурилишига бутун вужудимиз билан қарши эдик.

Лениннинг 5 сентябрда жунатган узоқ насиҳат ва газабли сузлардан иборат телеграммасидан сунг бошқа чора қолмаган эди. У бошқирд қўшинининг фақатгина бир қисмини сураётган эди ҳолос. Биз бу қисмини шошилмасдан тайёрлаб, булиб-булиб Петроградга юбордик.



§ 140. Соҳиб ибн Аббоднинг никоҳ туйида уқиган шеър.  
 Мендан бир неча кун кейин Нафиса ва куриқчилар Истарлитамоққа келишди. Биз бу ерда Ходи Махдум Нугаев исмли бой кишининг биз томондан мусодара қилинган уйига жойлашиқ. Отамнинг устози ва шайхи, асли Нугой булган Камол эшоннинг угли булган уй эгаси Ходи Махдум бу вақтда вафот этган эди. Хотини ва болаларига уйлариининг катта хонасида яшашига рухсат бердик. Бойнинг хотини мамнуният билан бизга хизмат қилди. Бу орада дусларим Талха Расул ва Фатхулқодир Инон шарқий Бошқирдистондан келишди. Улар ичкиликка муккасидан кетган одамлар эди. Нафисанинг тоғаси Талха уй эгасининг ертуласидаги саноксиз шароб тулдирилган шишаларини куриб узини бахтиёр хис қила бошлади. У ердан туриб шишаларнинг этикетларига шеърлар ёзиб менга жунатар эди. Фатхулқодир эса бир сафар мастлигидан уйини топа олмай кучада ётиб қолибди. У бу пайтда тарихий қахрамон Саловот ҳақида пьеса ёзиш билан банд эди. Автомобилда Белебейга бориб аскарларни юбориб Истарлитамоққа қайтганимда ота-онам, укаларим, тоғам Ҳабиб Нажор, унинг хотини ва болалари билан никоҳ туйининг биз томондаги маросимларини ўтказдик. Тоғам 1911 йили ёзилган ва жанжалга сабаб булган дин ва ислом ҳақидаги мақолаларни менга бериб туриб: “Дин ва ислом ҳақидаги либерал фикрларинг балки мана энди ишингга ярар” деди. Мен тоғамга: “У пайтда намоз уқимаслик айб саналарди, ҳозир эса намоз уқиш айб ҳисобланади” дедим. Биз ислом динининг муқаддаслиги тақдири ва келажаги хусусида кўп суҳбатлашдик. Ота-онам, тоғам, укаларим менинг уйланганимдан хурсанд эдилар. Чунки келин улар наздида буюк ва азиз булган шайхнинг невараси эди. Кечки овқат маҳали тоғамга бир қадах оқ вино тутқаздим. Ходи Махдумнинг ертуласида ажойиб вино, ҳаттоки шампан винолари ҳам бор эди. Тоғамга узатган шаробим эса энг яхшиларидан эди. Тоғам худди ичадигандек қадахни қулига олди. Козонда мадрасада таҳсил олган маҳаллари Садри ва Аббос исмли дуслари билан кўп ичкилик ичишганини, бу кўп халқ шеърларининг пайдо бўлишига сабаб булганини билардим. Тоғамнинг туйимда оз булса-да шароб ичадигандек кўриниши мени жуда хурсанд қилди. “Мени сигарет чекканим учун урган эдингиз” деб эслатдим. У менга: “Тамаки чексам, сен ҳам ур. Бироқ шундай шаффоф қадахда тиник шаробни ичмаслик инсофдан эмас” деди. Менга кичкиналигимда уқитган қуйидаги арабча шеърни айтди: “Қадах ва шароб ҳар иккиси ҳам шаффоф бўлиб бир-бирига аралашиб кетадилар. Шу сабабли бошимиз ҳам шу қадар айланадики, билмайман уртада шароб йук қадах борми ёки қадах бор шароб йукми?”. Уз урнида уқилган бу

\* Raqqa az-zucacu ve raqqatti'i-xamru \* ve tasabaha fa-tasakala al-amru  
 Fakaannama xamrun ve la qadahun \* va kaannama qadahun va la xamru.

шеър кайфиятимни кутарди. Соҳиб ибн Аббод Х асрда яшаган араб адиби ва Аббосийларга вазир эди. Либерал фикрлари, жамиятда жасур ва шонли хатти-ҳаракатлари билан машҳур эди. Шеърда шаробнинг таъсирида зехн утмаслашишига доир сузлари йиғинимиз холига тугри келарди. Ноодатий бир шаклда отам ва тоғамнинг Соҳиб ибн Аббоднинг шеърини айтиб, бу даврада иштирок этишларидан мен жону-дилдан қувонган эдим.

Бу ерда иштирок этаётган бошқирд ва татар коммунистларига шеърни таржима қилдим ва Соҳиб ибн Аббоднинг шарафига қадаҳ кутардик. Мен айтдим: “Шуро режимининг мана шундай фойдали томони ҳам бордирки, шайх билан мурид, устоз билан шогирд уртасида йиллар буйи давом этган риё пардасини йиртиб ташлади. Иккиси биргаликда шароб ича оладиган булдилар”. Кулишдик. Эртасига отам ва коммунист Рахматуллиннинг айтишича, тоғам шаробни ичмабди. Ташқарига чиқкан пайтимда уни бошқаси билан алмаштириб куйибди. Мен тоғамнинг Соҳиб ибн Аббоддан келтирган шеърларига карши араб шоири Мутаваббийнинг шаробга оид шеърларини уқидим. Тоғам вақтида менга араб адабиётини ургатганидан мамнун эди. Унга: “Менинг илмий тадқиқотларим рус мухитига оид булиб қолди. Араб адабиётини ургатганингиздан сизга бирор фойда тегмади” дедим. У: “Йук, Туркистонга қилган илк илмий сафарингизда менга Замахшарийнинг арабча девонини ва Тафтазоний билан Сайид Шариф Журжонийнинг мунозараларига оид рисола келтирдинг. Мен учун булардан ҳам қимматлироқ ва кадрлироқ ҳада булмас” деди. Рисола Амир Темурнинг уз замонида икки буюк олимни Куръонда “Бақара” сурасининг “улаика аъла худан мин Роббиҳим” ояти устида мунозара килдиргани ҳақидаги арабча ёзилган асар эди. Бу асар араб риторикаси ҳамда фалсафанинг энг нозик масалалари ҳақида эди. Истарлитомокдаги бу ширин суҳбатлар тоғам билан сунги кўришишимиз булди. Эртаси куниёк бир бригада аскар билан Шафранга кетдим. Бу суҳбатларни ҳеч қачон унута олмадим. Баъзида бу ҳақда бошқаларга ҳикоя қилиб берардим.

1926 йили Истанбулда Саматядаги уйимда меҳмон бўлиб турган қилиб Бартольдга бу ҳикояни айтиб бериб, завқлантирган эдим. Чунки бу шеър немис шарқшунони ва шоири Рюкерт томонидан таржима қилинган, Бартольд эса араб адабиётининг нодир намунаси булган бундай асарнинг Урал бошқирд мулалари орасида маълум эканини тасаввур ҳам қилмаган экан. Яна Бартольд “Тоғангизнинг шеърни тушуниши гарбликларникига яқин экан” деди.

Яна бир сафар Истарлитомокдаги никоҳ туйидан 37 йил кейин, 1956 йил Олмониянинг Рейн дарёси соҳилидаги мухташам ресторанда даниялик профессор Гронбех бошчилигидаги туркологларга бағишланган зиёфатда қулимга тоза мазел виносини олиб ҳикоя қилиб бердим. Уша мажлисда иштирок этган француз олими профессор

Ж. Дени Соҳиб ибн Аббод шеърининг француз арабшунос олими Де Сасининг мукаммал таржимасини ўқиди. Тоғам уша охириги учрашувимизда жуда самимий булган эди. Ундан бошқа пайт сурасам жавоб ололмайдиган саволларни ҳам сурадим. У мамнуният билан жавоб берди. "Аҳмадсонийнинг сузига кура, дустларингиз Аббос ва Садрийлар билан бирга Қозонда ўқиб юрган чоғингизда, сиз ҳақингиздаги шеърлар Истанбулдаги татарлар хотирасидан халигача учмаган экан. Нима сабабдан ундай аҳволга тушган эдингиз? Ёки қозонликлар назарида кайфу сафога мойил ҳаётингиз чегарадан чиққанмиди?". "Асло, деди тоғам, баъзи-баъзида уйин-қулгу қилардик. Бошқалардан ортикча булмас эди. Маржонийнинг душманлари булган муллалар орага кириб устозимиздан уч олиш мақсадида бизга ухшаган шогирдларини шарманда қилишга уринардилар. Маржоний асарларида: "Ислом фалсафа ва фанни инкор этмайди. Фанга келсак, уларнинг барчаси хайрлидир" дейди". Биз учаламиз ҳам мустақил равишда тараккийпарвар моҳиятга эга булган бу сузга шарҳлар ёздик. Уларни арабча ёзган эдик, муллалар буни куфр сифатида қабул қилдилар. Бунинг устида бошқа муллалар билан тортишишга, хатто муштлашишга тўғри келди" деди.

Истанбулга келганимда Аҳмадсоний ва бошқа қозонлик зиёлилардан суриштирдим. Ҳатто, бу қушиқ куйи(нота)ни қозонлик мирзо Теригул Умарнинг кизи Ифғат хонимдан олдим (14-расм). Тоғам 1925 йилнинг 25 июнида вафот этди. Отам унинг ҳаётига доир чигатой лаҳчасида жуда ажойиб рисола ёзган эди. Менга ёзган мактубида: "Марҳум Юрмати элида авлиё сингари хурматга эга эди. Жанозасига ҳар томондан шу қадар қўп оломон тупландики, айникса, шуро даврида бу қадар қўп киши жанозага келмаган эди" деб ёзган эди. Марҳум ҳаётининг бир канча кизик томонлари бордирки, бир куни албатта тадқиқот мавзуси бўлади. Угли ва кизи рус мактабларида таҳсил куришди, бугун катта лавозимларда экан.

Хуллас, 1919 йил кузида никоҳ туйимда олим тоғам томонидан айтилган арабча шеър кейинчалик мана шундай завқ билан тилга олинандиган булди. Никоҳ туйимни табриклаб, Украинадан қушин қўмондонлари ва Петрограддан эса Мусо Жорултоҳдан табрик телеграммалар жўнатишибди.

**§ 141. Оренбургга қайтиш учун ҳаракатлар.** Истарлитамоқда ҳукуратимиз бошқарув музассасалари, мактаблар очган эди. Украинадан жўнатилган дори-дармон ва жиҳозлар билан касалхоналар яхши таъминланди. Янгилари ҳам фаолият олиб бора бошлади. Бирок биз Оренбургга қайтишга ҳаракат қилардик. Украина фронтидаги қушинимизни Бошқирдистонга қайтариш ва Туркистон фронтига ташлаш ҳақидаги менинг талабим туфайли ва Фрунзенинг аралашуви

\* Al-Islam la-yukadhib-u al-hikmete va'l-fann-u xayrun kulluhu.

билан Москва рози булди. Бирок, уларни сентябрнинг дастлабки кунларида Бошқирдистонга жунатиш урнига Троцкий ва Вацетис Петроград фронтга юбордилар. Муртазиннинг кумондонлигидаги кушинни Украинада ушлаб қолдилар. Муртазинни биздан совутиш ва бошқа бошқирд кушинларидан алоҳида тутиш учун уринишарди. Буни Муртазиннинг узи ҳам куриб турарди. Бундан ташқари, шу пайтгача фидоий булиб келган бошқирд зиёлиларининг баъзиларини коммунистик партиёга аъзо қилиб, урталарига нифоқ солишга ҳаракат қилишарди.

Актюбинск шахри яна кизиллар қулига утгач, шуро ҳукумати раиси М. Калинин Шарқий фронт масаласида музокара олиб бориш учун Оренбургда 19–21 сентябр кунлари мажлис чақирди. Мажлисда Фрунзе, машҳур ёзувчи Сафаров, Оренбург ва Уфа вилоят коммунист лидерлари иштирок этишди. Мени ҳам таклиф этишди. Ленин томонидан берилган “Фиат” автомашинасига миниб, Истарлитамоқдан Оренбургга жунадим. Бензин ёмон бўлгани ва машина балонлари яхши ҳолатда эмаслиги сабабли орқамиздан отлар келишини буюрдик. Машина йулда бир неча мартаба бузилди. Бошқирдлар “Бу автономия нега юрмаяпти” дейишиб, автомобил билан автономия сузини чалкаштиришарди. Ниҳоят, Оренбургга етиб келдик. Сафаров “Шарқ ташвикоти поезди”ни жиҳозлаётганди. Ичида араб ёзувли матбааси ҳам бор эди. Ҳиндистондан келган вакиллар ҳам бор эди. Улар ҳам сузга чиқишди. Ҳозир исмлари ёдимдан кутарилган бу кишилар Валидов билан Ленин уртасидаги музокаралар Ҳиндистонлик мавлавий Баракатуллох томонидан тайёрланган лойиҳа туфайли амалга ошганини, Ленин билан қилган суҳбатларида бу ҳақда суз борганини айтишди. Бир киши уларнинг сузларини русчага таржима қилди. Аслида улар Оренбургдаги мажлисда иштирок этган киши ва Ленин билан Осиё масаласида суҳбатлашган аслида Валидов узи эканини билмас эдилар. Ҳиндистонлик ахрор Баракатуллох Неруга яқин киши эканлигини билмаган эканман. 1964 йил бошида Ҳиндистонда Неру билан қуришган пайтимда, бу ҳаётни тарқ этган уша кишининг Россиядаги аҳволи ва мен ҳақимда сузлаганларини эшитдим. Ҳиндистонликлар Калининга бошқирд қушини ва бошқа Шарқий қавмлар узбек, қозок, қирғиз ва бошқаларнинг миллий қушинини тузиш лозимлиги ҳақида гапирдилар. Бирок, Оренбург губернияси компартияси раиси Ақулов яна Бройдо бу фикрларга ҳамда шу ҳақда мажлисда айтган сузларимга қарши чиқишди. Улар том маънода рус империалистлари эдилар. 26 октябрда Фрунзе мени ҳамда бошқа қозок ва бошқирд зиёлиларини Оренбургга чақириб, Туркистон масалаларини муҳокама қилдик. Ҳар икки ҳукуматнинг Оренбургда булиши кераклигини айтди. Уша кунларда унинг Туркистон мавзусидаги ажойиб мақолалари эълон қилинди. Бу мақолалар кейинчалик унинг хотиралар тўпламига киритилган. Бу

яхши эди, бироқ барчаси Москва, Оренбург ва Уфа коммунистлари томонидан жиддий қаршиликка учради.

§ 142. *Ризо Кади ва Зокир Рамеев.* Бу сафар келишимда туркийларнинг машҳур олимлари Ризоуддин Фахриддин ва шоир Зокир Рамеевлар билан икки мартаба учрашдим. Ризоуддин Кади бизнинг муваффақиятимиз учун дуо қилишини, уғилларини эса хизматимизга беришини айтди. Ризо Кади эшиқдан чиқаётганимда елкамни тутди, кузлари ёшга тўлган эди. Бу ҳолимиз нима кечади, деган ташвишнинг ифодалари эди. Олим ва миллатимизнинг файласуфи булган Ризоуддинга: “Ойдинлик йулини оловланган ҳаёт ичига ўзимизни отиб излаймиз, бундан балки келажак авлод фойдаланишар, бизнинг вазифамиз миллатимизда эркаклик ғурурини саклаб қолишдан иборат. Бу туйғу улмаса, шубҳа йукки, бир кун келиб албатта озод бўламиз” дедим. Мана шундай талотуп вазиятда ҳам кутубхонасида ишлай олган Ризо афандининг асрларга етгулик ҳузур ва фарогати, гарчи кузлари намланган булса-да, менда яхши таассурот қолдирди. У билан ҳайрлашгандан кейин ҳам сузларини хотирлаб мушоҳада қилдим. Ризо Кади 1926 йил Макка конгрессига кетаётганида Истанбулга тушиб, Оренбургдаги суҳбатимизни эслади. Мен айтган сузларни мажлисдагиларга гапириб бериб, барчамизни севинтирди. Камтарин ҳаёт кечирадиган собиқ миллионер шоир Зокир Рамеевни бу сафар ёки бу ёз Оренбургга иккинчи марта келишимда курдим. Бу киши буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижодига мафтур эди. У мен 12 йил аввал юборган Алишер Навоийнинг шеърларига тақлид ёзганлигини айтди. Хасталаниб ётоққа миҳланиб қолгани ёмон булибди. Бойликларини йукотишдан чучимаётганини, аммо миллат тақдирини ўйлаб қуйинаётганини айтди. Хайрлашиб эшиқдан чиқаётганимда Алишер Навоийнинг қуйидаги шеърини хотирладим: Улимданда оғир булган ҳаётимними дейсан, хасрат шамидан кузимдан оққан ёшними дейсан. Тош устидаги ғариб бошимними дейсан. Мунглиг бошим остидаги тошимними дейсан?” Ризо Кади бошини қуйган эски ёстиқ ҳам тош каби қаттиқ эди. Унга бир миқдор қоғоз ва тилла пул ташлаб, лозим булса ёрдам беришимни айтдим.

§ 143. *Туркиялик асирлар.* Истарлитамоққа келганимдан кейин турк асирлари масаласи юзага чиқди. Сибирдан келаётиб, Уфа билан Самара орасида тупланган бу асирлар биздан ватанларига қайтишга ёрдам беришимизни сурадилар. Мен Троцкийнинг уз ҳарбий эҳтиёжларимиз учун деган баҳона билан ҳар бирида юз йигирма урин булган вагонлар олиб, асирларнинг бир қисмини Тошкентга, иккинчи қисмини Астарханга юбордим. Лекин товар ва ҳарбий юк ташиш

\* Olmekten sa' b-raq ma'asimni mi deyin  
Haaret sum' iden kozimdegi yasmin mi deyin  
Tas ustundeki garip basmim mi deyin  
Muntlug' basim astidagi tasimm mi deyin.

учун зарур булган локомотивларни кагта қийинчилик билан тортиб олдим. Шу муносабат боис, мен Троцкий ва Ленин билан телефон орқали жуда огир бахслашишга ҳам мажбур бўлдим. Улар мазкур ишимни яна бир қароқчилик деб баҳолашгача боришди. Фрунзе эса менинг ҳақ эканлигимни тан олди. Советларнинг барчаси унга ёки Риковларга ўхшаб ишонч билан дустана муносабатда булганда эди, ҳаммаси бошқача буларди. «Правда» газетасининг мухбири билан булган бир суҳбатда Шуროларнинг бизга, шарқ халқлари билан узаро муносабатларида эришилган келишувларга содик қолишлари жуда муҳим эканлигини таъкидладим. Мана шу орада Бройдонинг қулимизга тушган қандайдир маълумотларидан (уларнинг бир қисмини яқинда Шуроларнинг узлари ҳам нашр қилишди) Москвада угирган Сталин, Фрунзе ва унинг дусларининг фикридан кура Бошқирдистонга кушни рус губерниялари коммунистик ташкилотлари фикрини устуи қуйиши аниқ булиб қолди. Бройдо бир рапортида шундай ёзган эди: «Оренбург Шарқий Россия муслмонларининг бирлашиш нуқтасига айланди. Валидовни бу ерга яқинлаштирмаслик керак. Муртазинни унга қарши гижгижлаш лозим. Қозоклар билан бошқирдларнинг орасини бузишни узимиз учун мажбурий мақсад қилиб қуйишимиз даркор. Неплюев худди шундай қилган эди, у ҳақиқатан ҳам улуг сийёсий арбоб булган. Валидовни бошқа туркий халқлардан ажратиш зарур». Бройдо эста олган Неплюев XVIII асрда буюк Пётр ҳамда унинг кизи Елизавета даврида Оренбургдан туриб бутун Шарқий Россияни идора қилган, шунгача эса Истанбулда дипломат булиб, бу соҳада уз давлатига буюк хизмат курсатган.

§ 144. “*Баширопомощь*”. Бу найранглар “Бошқирдларга ёрдам” (Баширопомощь) атрофида, айниқса ёмон тус олди. Қизил қушин томонидан талонгарож қилинган бошқирдларга оид ашёлар рўйхатини Ленинга май ойида топширган эдик. Шуру Вазирлар хайъати 6 октябрда уни куриб чиқиб, аванс сифатида 150 миллион рубль берилишини айтди, сунг яна берилиши хақида қарор чиқарди. Ленин ва Сталин бу қарорни бизга қилган буюк лутфлари сифатида телеграф орқали маълум қилдилар. Бу иш шурулар томонидан амалга оширилганини курсатиш, бу орқали бошқирдлар қалбини забт этиш учун Ленин яқин дусларидан баъзиларини бу ёрдамни бошқирдлар орасида тақсимлаш учун Истарлитамоққа шахсан юборган эди. Бироздан сунг маълум булдики, бу ёрдам “бошқирдларни ичларидан бузиш”, улар орасида фуқаро комитетлари ва коммунист ячейкалари ташкил этиш учун берилган экан. Айни пайтда Сталин Бошқирдистонда яшайдиган ва биз томонимиздан “ғарблик муваккат муҳожирлар” деб номланган Ғарбий Россия ва Болтиқбуйидан кучириб келтирилганлар орасида ташвиқот ишлари билан машғул буладиган агентларини ҳам юборган экан. Улар бизга коммунистик партияни ташкил этиш учун Коммунистик Марказ Бюроси томонидан юборилган Самойлов исмли

кишининг қўлига топширилган эди. Ленин ва Сталиннинг самимий дустларидан булган бу киши кейинчалик (1933) “1917–1920 йилларда Кичик Бошқирдистон” номи хотира асарида фаолиятларини ибратли шаклда изоҳлаган эди. Мамлакатимизда утаётган бу шуро тадбирлари туфайли нотинчлик юзага келишини билсамда, Петроград фронтга юборилган аскарларимизни назорат қилиш учун жунадим. Бутун маъсулиятли ишлар Ревком, яъни Инқилоб Комитети раиси Хорис Юмагулов зиммасида қолди. Истарлитамоқдан кетадиган куним туркиялик асирларнинг бир қисмини Тошкент томонга жунатганим сабабли Оренбург шўролари раиси Ақулов бу ишимни пантуркизм деб партия марказига ёзганини билиб қаттиқ сикилдим. Шундоқ ҳам бошқирларга берилаётган ёрдам тагидаги манфаатларнинг моҳиятини уйлаб эзилиб юрардим. Демак, шўролар нимаки яхшилик қилсалар, унинг ортида албатта ёмонлик яширинган булади.

§ 145. *Петрограддаги фаолиятимиз.* Қушинимизга ёрдам тариқасида бир неча вагон озиқ-овқат олиб бордим. Петроградда очлик ҳукмрон эди. Вагонлар гушт ва ёғлар билан тула булгани сабабли ҳамма иштаха билан қарашарди. Собик дустим профессор Самойловичнинг хотини ва ўғли бошқа вилоятдан бир қоп картошка келтиришганида ушланибди ва Николзевск поезд станцияси ертуласига ташланибди. Уларни чиқариб олиб гушт ва ёғ бердим. Яна шарқшунос Бартольд, арабшунос Крачковский ва мугулшунос Владимирцов, эроншунос Розенберг ва бошқаларга ҳам гушт, ёғ, шакар улашдим. Бу олимлар бу ишимдан умрларининг охирига қадар мамнун булдилар. 1926 йилда Бартольд Истанбулга келганида буни очикча эътироф этди. Келган куним Лениннинг яқин дусту ва коммунистлар раиси Зиновьев чақирди. У ҳам биз келиб тушган “Астория” меҳмонхонасида яшарди. Унинг ёнида шўро қўмондонлари ҳам бор экан. Бошқирд қушинининг келишини бўрттириб кўрсатиш учун фойдаланишибди. Мен уларга Бошқирдистоннинг эҳтиёжлари ҳақида гапирдим ва Петроградда куп миқдорда булган илмий таъсис жиҳозларининг бир қисмини бизга ажратишлари лозимлигини айтдим. Украина frontiдаги сингари тиббий жиҳозлар, матбаа ва ёзув машиналари, меҳмонхона ашёлари, иншоот материаллари сурадим. Нима истасанг олавер, дейишди. Биз аскарларимиз учун Бошқирдистондан озиқ-овқат келтирилган вагонларни мана шу нарсалар билан тулдириб жунатардик. Яна бир нечта махсус кутубхона ҳам жунатдик. Истарлитамоқда битта олий ва битта тиббий мактаб ташкил этиш учун профессор кадрлар ҳамда статистика идораси учун мутахассислар жунатдик. Шаҳарда очарчилик авжида бўлгани боис биз билан боришни истаган олим ва мутахассислар шу қадар куп эдики! Аскарларимизнинг Петроградга ажойиб таъсирдан энг куп мамнун булган киши Мусо Жоруллоҳ эди. У “Петроград ишчилар ва коммунистлар шаҳри ҳисобланади. Улар Юденични сизнинг аскарларингиз келмаса ҳам осонгина қувиб чиқара

олишарди. Аммо сизга нисбатан ижобий таассуротдан фойдаланиб қолинг” дер эди. У таниган рус зиёли табиб ва профессорларни йиғишда ва баъзи лабораторияларни юборишимизда кумак берди. Зиновьев билан бир неча маротаба кўришдим. Улар орасида айниқса Сталин билан ихтилоф бор эди. Бу сузларни айтиб мени ўзи томонга оғдиришга уринарди. Бу ерда қизил аскарлар “Астория” меҳмонхонасидаги қуш патидан қилинган ёстикларни йиртиб патларини кўчага учирришар, ҳаммом ва ҳожатхоналарни бузишар, қимматли ойна ва кандилларни синдиришарди. Бизнинг бошқирд қўшини уларга солиштирилганда жуда тартибли ва интизомли эди. Шу билан бирга граф Румянцев саройини менинг рухсатим билан аскарларимиз талон-тарож қилишди. Бу саройнинг бир қисмида Чор даврида япон элчихонаси жойлашган бўлиб, элчилар Россиядан чиқиб кетаркан, барча нарсаларини шу ерда қолдирган эди. Улар орасида ҳада этиш учун Япониядан келтирилган музейбоп ёдгорлик буюмлари: қумуш қалам, нозик қилиб ишланган хотира дафтарлар, бадий альбомлар бор эди. Уларни ҳарбийларимизга тарқатдим. Аскарларимиз мен билан бирга келган Пафисага графнинг хотини гардеробидан такинчоклар, қимматбаҳо шуба ва бошка кийим-кечаклар келтиришибди.

Биз уларнинг ҳеч бирини, ҳатто бир игна ҳам олмадик. Зиновьев кейинчалик бу ҳаракатимни мактаб гапириб берибди. Бир неча ойдан сунг Япония шўролардан зарарни қоплашни талаб этибди. Биз уларни қайтармагач, Ленин “Улар буриларнинг ошқозонига тушиб булди” дебди.

Украинадаги қўшинимиздан икки пиёда ва икки отлик полкимиз 16–17 сентябрда Троцкийнинг буйруғи билан Украина фронтдан Псков ва Петроград фронтга юборилди. Белебейдан тупланган аскарлардан Ҳасан Ахмаров 15 сентябрда уч пиёда полки ташкил этди. Ун бир минг аскар орасида тажрибали жангчилар фақат 6233 кишини ташкил этар эди, холос. Улар умуман жангга киришмади. Улар қурқитиш учунгина кучаларда олиб юриларди. Бошқирдлар кизиллар орасида жангчи миллат сифатида танилгани боис, баъзилар уларга ҳавас қилишар, баъзилар ҳасад қилишарди. Айни пайтда Юденич қўшинида “Вахший бошқирдлар” (дикисе башкиры)га ортикча эътибор қилингани ҳақида Американинг Станфорд шаҳридаги “Гувер институти ҳарбий кутубхонаси”га олинган архивни ургана туриб билиб олдим. Бу ерда бошқирдларга алоҳида жанг майдони ажратилган эди. Қароргоҳ Петрограддан 5 км масофадаги Пулково обсерваториясида жойлашган эди. Биз келган кунларда (20 октябр) учинчи отлик ва учинчи пиёда полкларимиз Царское Село ёнида Юденич қўшини билан шиддатли жанг олиб борди. Кун бўйи давом этган жангга 70 га яқин аскарларимиз яраланди, бир қанчаси ҳалок булди, айримлари бедарак йўқолди. Икки кундан сунг Кулма киштоғи яқинида яна қаттиқ жанг булди. Ўша куни 100 га яқин аскаримиз



яраланди. Ҳалок булганлар булмади. 24–31 октябр кунлари ҳам жанг давом этди. Биздан ҳеч ким зарар курмади. Бошқирд аскарларининг бу фронтда ишлари яқун топиб, Петроградга қайтишди. Биринчи куни яраланган 70 кишидан баъзилари Юденич аскарлари томонидан асир олинди. Сунг улар у ердан кочиб Петроградга қайтиб келишди. Мен ярадорларни зиёрат қилиб уларга Бошқирдистондан келтирилган озик-овкат ва совғалар бердим. 16 ноябрда Ямбург қизиллар кулига ўтгандан сунг Юденич муаммоси хал булди. Бошқирд аскарларига у ердан Туркистон фронтига боришлари учун руҳсат берилмади. Бу жанглар тарихи бошқирд гуруҳи сиёсий комиссари Ҳидоят Саъдиев ва гуруҳ кумондони Алишев томонидан “Бошқирд инқилоби тарихи” номли асар ёзилган, бироқ, бу ҳозиргача қўлёзма тариқасида менда сақланмоқда. Улар бу асарида 11 минг бошқирд аскарининг Юденичга даҳшат солиш билан бирга Петрограднинг шуруларга қарши булган унсурларда уларга нисбатан самимий ҳурмат уйғотганини ва улар бир кун қуролларини шуруларга қарши қаратиб, чор тизимини қайта келтиришига умид қилишганини, бошқа томондан деярли зарар кўрмай ҳаракатларида қатъият ва мардлик уфуриб турган бошқирдлар Петроград frontiдаги асосий куч булган 7-қизил армияда ҳасад уйғотганини, шу сабабли уларни дарҳол Новгородга жўнатиб юборишганини ёзган эди. Дустим Фатхулқодир Сулаймон сафар давомида доимо ёнимда эди. Петроград Салтиков кутубхонаси ва Фанлар Академияси кутубхонасидан бир қанча тарихий асарларни фото нусхасини олдик. Бу вақтда менинг ёрдамчим Иброҳим Исҳоқов доим ёнимда булар эди. Кейин, у билан Туркистонда ҳам бирга бўлдик.

§ 146. *Яна Истарлитамоқ ва яна Москва.* 15 ноябрда биз Петрограддан чиқдик ва 17 ноябрьда Истарлитамоққа келдик. Ортимиздан улжа қилинган юкларни ортган поездлар келарди. 1917 йил, 17 ноябрда Бошқирдистон Мухторияти эълон қилинди. Байрам қилдик, қутладик. Ўша куни қатга зиёфат бўлди. Декабрда Истарлитамоққа келган отам бу хурсандчиликни қуриб, “астағфируллоҳ” дея чекишиб кетди. Эрталаб келиб менга Атторнинг «Тазкират-ул авлиё» китобидан бир тазкира айтдилар:

Халифа Умар (р.а.) билан Абдурахмон ибн Авф ичувчиларнинг мажлисига тасодифан кириб қоладилар. Ҳазрат Умар бунини курганлар ва гуноҳкор инсонларни кузатмоқ яхши эмас деб, узларини курмаганга олиб, билмаганга солиб, чиқиб кетганлар.

Отам бизни хижолатда қолмаслигимиз учун оқшом ичкари кириб, саломлашдилар.

– Ота, уша ҳазрати Умар замонидан ҳозиргача ҳеч нарса узгармаган деб уйлайсизми, лекин бундан мен қаттиқ хижолат чекаман, дедим.

Мен Истарлитамоқда кўп қолмадим. 1917 йил 5–9 декабрда Москвада буладиган VII Шуруларнинг съездига жўнаб кетдик. Мени Истарлитамоққа келишимдан бир неча кун аввал (8–11 ноябр)

Бошқирдистон коммунистик партиясининг I-съезди булган эди. Бошқирдистонда аксарияти рус булган 700 тача коммунист бор эди. Улар узларини бу мамлакатнинг хақикий эгалари, деб билишарди. Бизга эса, яъни партиясиз миллатчилар вақтинчалик хукумат сифатида қарардилар. Москва Шуросу съездида хукуматимиз номидан қатнашиш ва айни вақтда буладиган коммунистик партия конференциясида иштирок этиш учун сайланганлар орасида дустим адиб Абдулқодир Инон ҳам бор эди. Москвага, Қозоғистондан Ахмад Бойтурсун ва Букай, Урдасидан Тунганчин келишган эди ва улар ҳам мени эски дустларим эди. Партия конференцияси каби Шуросулар съездида ҳам "мазлум миллатлар"га оид қарорлар қабул қилинажаги туфайли бизга ҳам сузлашиш таклиф этдилар. Қозоғистон делегатлари узлари номидан ҳам менинг сузлашим кифоя эканлигини Сталинга айтдилар. Қозонлилар номидан Саидғалиев баёнот берадиган булди. Биз (қозоқ, узбек ва бошқирдлар) йиғилиб, ҳаммамиз номидан мен тарафимдан уқиладиган баёнотни пишитиб олдик. Сузлаганларимизни 1957 йилда Америкада Станфорддага Гувер харбий архивида сақланган русча «VII Умумроссия Шуросу съезди стенографик ҳисоботлари»да уқидим. Маъноси будир: «Жаҳон инқилоби гоёсига содиқмиз. Бошқирд, қозоқ ва туркистонликлар мусулмон булиш билан бирга таассубдан узокмиз. Макка ва Мадина бугун англизлар тарафидан ишғол этилган. Туркий халқлар маданияти Исломиий ёки Эроний маданиятлардан фарқ қилади. Макка ва Мадинада булаётган ҳодисалар бизни қизиқтирмайди; биз кўшимиз булган рус пролетариати билан уз муаммоларимизни узимиз ҳал қиламиз». Нутқда Хижозда англизлар масаласини ҳам айтиб ўтишни тавсия этган Сталиннинг дусту туржи коммунист Элиава эди. Биз эса, бу мавзуда шуросуларнинг ташки сиёсатига ярим чала тарзда: «Дунё мусулмонлари билан бирга биз шарқий Россия мусулмонлари ҳам англизларни лаънатлаймиз» маъносида сузламоқдан узок турдик. Бизнинг баёнотимиздан негадир мамнун булмаган қозоқ комунистлари номидан Саидғалиев англизларнинг Макка ва Мадинанини ишғол этганини, Отбозор деган жойга, Абдурашид Иброҳим Қозонга келиб хаяжон билан айтганидан суз очди ва англизларни айблай бошлади.

Съезддан сунг Элиава мен ва Ахмад Бойтурсунни чакириб, нуткимизда бировнинг совунига кир ювмаганимизни яхши қабул қилганини айтди:

– Бу яхши бир дипломатик нутқ булди, – деди. Фақат Сталин биз тугримизда:

– «Гуё буларнинг бошқа, алоҳида сиёсатлари бор эмиш, – деган, яъни ёқтирмаган. буни бизга кейинроқ Султонғалиев айтди, у эса Саидғалиевдан фарқли ўлароқ бизнинг гоёларимизга мойил эди.

Бу съездда одам фавқулудда куп эди. Меньшивиклар ушанда хануз коммунистлар билан алоқаларини узмаган эдилар. Мартов, Либер ва Дан каби яхудий раҳбарлари иштирок этдилар. Ленин уларни подшо

ложасига утказиб масҳара килди. Булар орасида ва бир қисм Эсерларда коммунистлар билан бирлашмоқ мойиллиги кучли эди. Шу жумладан бири эски Самара Комуч ҳукумати, ташки ишлар нозири Веденяпин эди. Уни ахлоқи жуда бузук эди. Чунки коммунистлар узларига таслим булган инсонларга, бундан сунгра фақат ўзлари учун бир фойдали иш қуриб, кўрмаслиги жихатидан қиймат берадилар. Масалан, Ленин узининг Шарқ сиёсати нуқтаи назаридан фақат фойдаси тегадиган одамларга назари билан қарарди ва баҳо берарди. Веденяпин нақадар қимматли инсон булса-да, унга тамом булган одам, деган назар билан қараган ва забункашлик қилганди. Веденяпиннинг хафагарчилиги, қайғуси шу сабабдан эди. Мен унга:

– Самара, Уфа ва Оренбургда бўлган чоғингизда, сизни метин бир инсон ҳисоблагандим. Магарки ҳодисалар сизни букиб қуйган, ортиқча ўзингизга олмасангиз, диққат булмасангиз буларди, – дедим.

Сунгра бу муҳтарам зот ўз жонига қасд килди, деб эшитдим. Бу ерда бизга меҳмон бўлган эсер раҳбари Чернов ва бошқалар билан учрашдим.

*§ 147. Шалаяпин билан учрашувим.* Съезд кунлари купчилик иштирок этган катта концертни томоша қилдик. Шалаяпин русларнинг “Дубинушка” номли қўшиғини қуйлади. Икки минг кишидан ортиқ киши жўр бўлган қўшиқ янада жарангли эшитиларди. Ленин, хатто меньшевиклар ҳам қўшиққа жўр булишди. Концерт тугагач, сахна ортидаги хонага Шалаяпиннинг олдига кирдим. Авваллари ҳамма унинг ғурурли эканидан шикоят қиларди. Менга нисбатан асло ундай муомала қилмади. 1918 йил охирида шурулар билан сулҳ тузишда танишларим сифатида Мақсим Горький ва Шалаяпинни курсатган эдим. Шалаяпин мени қўриши биланоқ “Мактубингизни олдик, бироқ мени фойдам тегмайди. Бундан кейин ҳам шундай ҳаракат қиладиган булсангиз, марҳамат қилиб менга мактуб ёзманг” деб ҳазиллашди. Қаҳ-қаҳ отиб кулди. Яъни у мени яна исён кутариши мумкин булган инсон сифатида билар эди. Бироқ бу ҳазилни у ерда бошқа киши булмагани боис айтган эди. “Ҳазиллашдим, адашмасам, узингизга келдингиз. Бироқ уларга (яъни большевикларга) чидаб туриш шу қадар мушқулки...” деди. Оқибатда, у Россиядан чиқиб кетди ва қайтиб келмади. Уни 1935 йилда Австриядаги Кицбюэле шаҳрида кўрдим. Шалаяпин билан биринчи марта 1915 йили Мустамиякида Горькийнинг хузурида танишган эдим. Аммо опера артисти сифатида унинг концертини 1910 йилда эшитганман. Унинг мухлиси эдим. Айниқса, Борис Годунов ролини уйнаганида мени мафтун этарди.

*§ 148. Ленин билан учрашувлар.* Съезд охирида Ленин мени қақирди: Ҳиндистон аҳроридан Махандра Пратап ёзган мақолалари ҳақида суҳбатлашмоқчи экан. У зот эса, Жануб ва Урта Осиё муаммоларини гайри муслим ҳиндийлар нуқтаи назаридан таҳлил этиб шурулар бу соҳада нималар қилиш кераклигини ёзган. Бу

макола хусусида менга Троцкий ҳам суз очган эди. Булар, яъни хиндистонликлардан Махандра Пратап ва дустлари инглизлар зулмидан қутулиш ҳаракатларида хиндлар билан мусулмонларнинг бирга ҳаракат қилишларини таъминлаш йулида катта ғайрат қилмоқда эдилар. Ленин билан қуришимдан бир-икки ой аввал бу киши мени Москвадаги Бошқирдистон ваколатхонасида қидириб топди ва бир неча масалалар хусусида суҳбатлашган эди. Мен унга ва бошқа хиндларга Ҳиндистон озодлиги йулида хинд ва мусулмон бирлиги лозим бўлгани каби хиндлар ҳам шуроларга Урта Осиё мусулмонларининг сиёсий ҳақ-ҳуқуқларини тан олишга кўмаклашиши лозим, деб тушунтирдим. Ҳиндистондаги озодлик ҳаракатлари манфаатларидан келиб чиқиб, унинг аҳамиятига диққатларини тортишларини таклиф этган эдим. Махандра Пратап узун мақоласида бевосита шу масалага тўхталган эди; у Туркистонда бир хинд маркази ташкил этилмоғини ҳам таклиф этганди. Мақоласида менинг исмиمنى ҳам эслаб ўтганди. Лениннинг бу Жанубий ва Урта Осиё масаласига доир икки хуфийявий маълумотни менга уқиш учун беришининг сабаби – келажакда бу ишдан қандай фойдаланиш мумкинлигини билиш эди. Суҳбатлашаётганда Ленинга:

– Афғонлар Қувиттадан Қандаҳор орқали Қушкагача темир йул қуриш имтиёзини инглизларга бермоқчи экан. Шу муносабат билан Лениндан сурадим: Бундан Россия зарар қурмайдими? Ҳар холда Афғонистонда бу темир йуlining қурилиши келажакда бу минтақаларда инглиз ва хиндларни сиёсий ва маданий жиҳатдан таъсирлари кучаяди-ку, – дедим. Шу заҳоти Ленин иккиланмасдан шундай жавоб берди:

Қурайса нима бўлади, улар у ерга капитализмни суқмоқчилар, бунинг оқибатида Афғонистонда темир йули пролетариати шаклланади. Пролетариат эса, қандай бўлмасин, бизники бўлади, капиталистлар ўзлари лакомотивларга кўмир танимаслар, керак ахир деди.

Лениннинг мантиқий фикрлаши ва оптимист (неқбин) бўлиши менга ёқди. Шу учрашувимизда Ленин мени синаш учун имтиҳон қилди ва марксизмга оид нашрларни қай даражада ўзлаштирганимга доир саволлар берди. Мен эса унга Ульянов деганиниг ўтган XIX аср урталарида Қозон губерниясида рус бўлмаган қавамлар ва чувашларнинг этнографиясига оид нашр этган бир асарни кўрсатдим. Бу асардан муаллифнинг татарча ва чувашча билишини англаш мумкин эди. Бу муаллиф – Ульянов сизнинг қариндошингиз эмасми, деб сурадим. Ё сизнинг наслингизда татар ёки чуваш қони борми, деб яна Лениндан сурадим. Ленин эса ўзининг келиб чиқиши билан ҳеч машғул бўлмаганини, китоб муаллифини суриштиражагини, чунки уз наслидан бирор зот бундай бир илмий асар нашр этганини ҳеч эшитмаганини айтди. Жуда самимий ва идиқ кечган бу суҳбатларимизда Ленин менинг қандай илмий мавзулар билан, айниқса этнография

билан шуғулланишимни билиб олди.

– Афсуски, мен бу масалалар билан ҳеч машғул булмадим, мени фақат иқтисодий масалалар қизиқтиради, – деди. Мен жумҳуриятимиз тақдирига оид масалаларни уртага қуйдим.

– Бу хусусда Калинин ва Риков раҳбарлигида бошқирд-козок кенгаши тайёрланаяпти, бу масалани ўша ерда ҳал этасиз, – деб туғридан-туғри жавоб беришдан узини олиб қочди. Қарорлари ижобий булса, айтган буларди. Авваллари шундай иш тутарди. Демак, унинг бу ҳаракатлари бизни фойдамизга эмас, деб ўйладим. Узок давом этган суҳбатдан маънос бўлиб чиқдим. Эшик олдида борганимда: – Партияга кирсангиз яхши буларди, сиз билан партия доирасида ишламоқни истардим. – деди. Мен унинг “истардим” (желал бы) сузида самимият бормикин? – деб ўйладим. Ҳар ҳолда у бугун мен билан турли мавзуларда такаллуфсиз суҳбатлашди. Мен Лениннинг “Оқимга қарши” номли маълум ва машҳур асарини ва “Материализм ва эмприокритизм” номи билан ҳали 1909 йилда Ильин таҳаллусида нашр этган асарининг баъзи жойларини изоҳлаб беришини сурадим. – Бу асарни сиз қачон ўқидингиз? – деди. 1915 йилда Уфада уқиганимни айтдим. – Демак, Чор замонида, бундай асарлар таъқиқланган пайтда уқигансиз? – деди. – Ильин мен эканимни билармидингиз? – деб суради. – Цюрупа айтганди, – деб жавоб бердим. Энг яқин дўстларидан Цюрупани ҳали 1915 йилдаёқ таниганим диққатини тортди. – Балким сиз партияга кирганмидингиз? – деди. – Йўқ, фақат Цюрупани танирдим, у менга ишонарди, шунинг учун бундай асарларни уқишга берарди, – дедим.

– Бу китоб ҳозир анча эскирган, бироқ бу китоб сизнинг диний қарашларингизни ўзгартирмагандир деб уйлайман, – деди.

– Йўқ, менинг фикримча, жаҳон инқилобий йўлида давом этиш учун коинот – тасодиф маҳсули эканлигига инонмоқ шарт булмаса керак, мен эса коинот онг маҳсули эканлигига ишонаман, – дедим.

– Бизнинг кўпгина эски дўстларимиз шу фикрдадир, бу партия аъзоси бўлиш учун тускинлик қилмайди. Сиздаги самимият менга ёқиб қолмоқда, – деди Ленин. Бутун суҳбатимизни стоя ёнида оёқ устида туриб гаплашдик. Бундан маълум булдики, улар мени компартияга аъзо қилмоқни ўйлаб қўйганлар.

*§ 149. Бошқирдистон билан Қозогистонни бирлаштириш даъволари.*

Бу суҳбатдан икки кун утгач Сталин менга ҳудди шу сузларни козок Аҳмад Бойтурсуновнинг ёнида такрорлади ва:

– Ҳар икковингиз ҳам миллатчи булганингиз ҳолда сизни жаҳон ижтимоий инқилоби ғоясини биздан биров фарқли булса ҳам, маъқул кўра оладиган шахслар сифатида таниймиз. Ҳар иккингизнинг мамлакатингизда ҳам бугун партия ҳаёти бошланмоқда. Сизни шу ҳаёт ичида кўрмоқни истаймиз. Партия ташқарисида булган шахслар

ҳаётдан ортда қолади. Мен сизнинг ҳар иккингини коммунист бўлишингизни ва сиз билан бирга ишлашни истайман. Зотан, партия ичидаги рус ва бошқа миллатлар орасида сизга ухшаган миллатчилар кўп, – деди.

– Биродарларимиз билан маслаҳатлашиб, жавоб берамиз, – дедик.

Бу таклифлар билан улар бизни партия ички интизоми домига тортиб, шу йўл билан эркимизни тортиб олмоқчи эканини билардик. Анча суҳбатлашдик. Биз аввал “Эрк” социалист партиясини Коминтернга мустақил аъзо сифатида қабул қилиниши учун уринган эдик. Ҳозир “Эрк” ва қозокларнинг “Уч жуз”, узбекларнинг “Туда” социалистик партияларининг бир “Жанубий-Шарқий маҳаллий коммунист партиялар бирлиги” номи билан бирлашиб, коминтернга мустақил аъзо сифатида қабул бўлишимизни таклиф этдик. Сталин бу осон иш эмас, деди. Аммо партиямизни Коминтернда мустақил аъзо сифатида қабул қилмадилар. Натижада биз фақат Коммунистик партия аъзолари бўлдик. Фақат Султонғалиев раҳбарлигида “Шарқ коммунистлари бюроси” умуман динга қарши ва хусусан, ислом динига қарши жиддий ва очикча ташвиқот қила бошлади. Сталин Туркистон, қозоқ ва бошқирд коммунистларини бу ишларга қушмасликни буюрди.

Калинин ва Риков бошчилигида тузилган “бошқирд-қозоқ комиссияси” декабр ойининг охириг қунларида икки марта йиғилиш утказди. Бу комиссия Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистон орасида муштарак масалаларни ва ораларидаги ҳамкорлик масалалари ҳамда Оренбургнинг умумий пойтахт бўлишини, миллий қушин тузиш масалаларини қуришлари лозим эди. Кремлда тупланган мажлис бизнинг келажак ишларимизни олдиндан тайин этиши ва шурулар билан муносабатимиз масалаларини ҳал қилиб бериши керак эди. Бу комиссия мажлисида Калинин, Риков, Оренбург ва Уфа губерниялари коммунистик партия марказларининг раҳбарлари. жумладан, Бошқирдистондан мен, Фатхулқодир Сулаймон, ёрдамчи Абдурашид Бикбавов, Қозоғистондан – Аҳмад Бойтурсун, Туркистон – рус коммунистларидан Коростелев, Муҳаммаджон. Ҳусайн Кинжин, Абдулҳаким Букайхонов, Тунганчин, Ўзбекистондан – Оролбой угли Утарбоев ва Иброҳим Ҳусайн иштирок этдилар. Биринчи йиғилишда биз голиб келдик. Иккинчи йиғилишга руслар Москвадаги татар коммунистлардан Саидғалиев, Барундуков ва Шомил Усмоновларни таклиф этганларини билдирдилар. Бинобарин, қозоқ ва узбек вакиллари бу комиссия фақат Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистон вакилларига алоқадор ва бу улқалардаги рус муҳожирлари билан ихтилофли масалалар муҳокама этилаётгани, татарларда эса бундай масала мавжуд эмаслигини айтдилар. Лекин комиссия раҳбарлари бу гапга эътибор бермадилар. Татар коммунистлари таклиф этилди. Кўп утмасдан, улар мажлисга кирдилар, бу Сталин иши эди!

Бу ерда музокара этилиши лозим булган масалаларнинг бир қисми 1919 йил 8–11 ноябр кунлари Истарлитамоқда тупланган I-Бошқирдистон коммунист партияси конференциясида ва 22–24 ноябрда Москвада тупланган II Шарқ халқлари коммунистлари конгрессида, яна VII Шуrolар съездида муҳокама этилди. Муаммолар куйидагилардан иборат эди: Масалан, бир тарафдан Ленин Шарқ коммунистлари 2-съездида “Шарқ халқларининг истиқлол ҳуқуқлари ҳақидаги узун нутқида ва VII шуrolар съездида (5декабр) “Мазлум миллатлар ҳақида”ги декларацияда Россия мусулмон халқларининг ҳуқуқлари тантанали равишда тан олингани ва шуrolарнинг кафолати остига олингани зълон булган ҳолда бошқа тарафдан Қозоғистон ҳукуматини, октябр ойи бошида Актюбинский шахрига, Бошқирдистон ҳукуматини эса Истарлитамоққа жунатиб юборди. Оренбург эса рус губерниясининг маркази булмоқ учун янги рус вилояти тузиш сиёсати амалга оширила бошланди. Бошқирдистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам рус муҳожирларини қуроллантириш сиёсати бошланди. Шуру тарихчиси Раимов буни “Партиянинг Валидовни яккалаб куйиши (изоляция Валидова) ва аҳолини буржуа миллатчиларидан ажратиш сиёсати” дейди. Бу курашда Калинин татар-бошқирд иттифоқи масаласини ҳар қандай гапга қунадиган Саидғалиев орқали уртага ташлади. Бошқирдистон ва Қозоғистон бирлашиши эса ғайритабиий қушилиш (неестественное совокупление) булур тарзида талкин этдилар. Бройдо ва Песейковский типдаги одамлар буюк Пётр ва Елизавета замонларида Неплюевнинг қозоқлар билан бошқирдларни ажратиш борасидаги ишларни давом эттиришда барча имкониятларни ишга солдилар. Мен Сталинга ғанимларимиз ёзган мақолаларни курсатдим. У гуё буларни аҳамиятсиз, сафсата деди. Натижада, бошқирд ва қозоқларни Оренбургда бирлашиш даъволарини рад қилишди. Қолаверса, “татар-бошқирд” иттифоқи ғоясини ҳам рад этишди. Уларни алоҳида-алоҳида булиши тезисини яна айнан Саидғалиевга сузлатдилар. Калинин ва Риновлар комиссияси мажлисларида бизни қуллаб гапирган булса-да, буни фойдаси булмади Қозоғистон пойтахти Оқтубада, Бошқирдистон пойтахти Истарлитамоқда булиши ҳақида қарор қабул қилинди. Шу тариқа, туркий халқларнинг бирлашиш масаласи руслар фойдасига ҳал булди.

Лекин бу масалада барча татар коммунистлари бир фикрда эмас эдилар. Мирсаид Султонғалиев номи зикр этилган уч сафдошидан бошқа фикрда эканини Калининга ёзма равишда билдирди. Сабаби, комиссия йиғилишидан аввал Уфа ва Оренбург вилояти Коммунистик партия раҳбарлари Акулов ва Эльцин Султонғалиев билан учрашиб Оренбургда бошқирд-қозоқ раҳбарларининг бирлашишига қарши овоз беришни талаб қилган. Шу муносабат билан янги рус Оренбург ва рус Урал вилояти тузилади. Ва Бошқирдистон ва Букай Урдани

Қозоғистондан шу икки рус вилояти ажратишини билдириб, татар-бошқирд бирлаштириш ғоясини қуллаб-қувватлашни талаб қилганлар. Шундагина Султонғолиев Калинин раҳбарлигидаги комиссиянинг асосий мақсади шу икки рус вилоятини тузиш орқали Урал мусулмонларини Урта Осиё мусулмонларидан абадий ажратиб юбориш эканини англаган. Лекин, Султонғолиев русларнинг. Марказий Қўмитанинг мақсадлари ниҳоятда хавфли эканлигини сафдошлари Саидғолиев, Шомил Усмонов ва Брундуковларга ошкор қилиш уша вақтда журъат этолмаган. Буларни менга Султонғолиев Калинин Комиссияси йиғилишидан беш ой утгандан сўнг айтди. Ваҳоланки, Султонғолиев 1919 йил ноябр ойида булиб утган Шарқ коммунистлари 2-съездида “Кичик Бошқирдистон”га кирмаган ва бошқирдларнинг жумҳуриятини ташкил этишни таклиф этганди. Яъни, Султонғолиев “Кичик Бошқирдистон”нинг Оренбургда тузилиши лозим булган козоқ-бошқирд ягона раҳбарияти тузиш ғоясини қабул қилганди. Сўнги йилларда французлардан М.А. Беннигсен ва Кельеже хонимнинг ҳар томонлама ва жиддий нацирлари орқали кенг миқёсда танилаётган “Султонғолиев ҳаракати” (“султонғолиевщина”)нинг қахрамони Мирсаид Султонғолиев 1929 йилда ва унинг яқин сафдош дустлари 1937 йилда қатағон қилинди. “Правда” ва “Известия” газеталарининг ёзишча Султонғолиевга “чет мамлакатларда булган вақтларида империалистлар агенти Заки Валидов билан алоқада булган, деган айбловлар қўйилди”, – дея ёзган эдилар.

Ҳақиқатда эса, Султонғолиев билан Россиядан кетганимдан сўнг ҳеч қандай алоқада булмаганман. Айни шу газеталар Султонғолиев билан Валидов бирга “Миллий ғоя ва дастури”ни ишлаб чиқишган, деб ёзишлари эса, ҳақиқат. Мафкуравий қарашларимиз уйғунлиги Калинин комиссияси Ёйиқ (Волга) дарёсидан Ҳазор (Каспий) денгизига қадар қузилган икки рус вилоятини ташкил этиб, татарлар билан бошқирдларни козоқлардан мутлақо айирмоқ сиёсатининг амалга оширилиши туфайли шаклланган эди. Бунга қадар Султонғолиев фақат татар-бошқирд масаласини кутариб, тилга оларди. Бундай нохуш воқеалардан сўнг Кичик Бошқирдистон билан Қозоғистон иттифоқи шарт, деган ғояни қабул қилганди. Уртамиздаги фарқ шу эдики, мен шарқий туркий халқлар масаласи билан шўғуллансам, Султонғолиев Кавказ ва Қрим туркийлари масаласи билан машғул булган. Қолаверса, унда Кавказ ва Қримни бир-бирига бирлаштиришнинг аниқ ғояси йўқ эди. У фақат эски Чор замонидан қолган Давлат Думаси қошида тузилган мусулмонлар фракция бюроси, Россия мусулмонлари съезди, “Таржимон” газетаси замонидан қолган Россия мусулмонларининг худудий бирлиги каби ташкилотлар ҳақида фикр юритар эди. Мен нариги татар коммунистлари билан ҳам бу комиссия йиғилишларидан сўнг қардошларча қуришиб, татар-бошқирд иттифоқининг иқтисодий ва ҳаётий асослари ҳақидаги фикрларини сурадим, лекин уларнинг



бу хусусда қатъий фикрлари йўқлиги маълум бўлди. Улар Москва остидаги татарларини бу иттифокка киришини истардилар. Бу хусусда ҳам Султонолиевни наригилардан фарқ қиладиган фикрга эга эмас эди. Султонолиевни яна биздан фарқи шу эдики, у коммунизмга бизга ўхшаб мажбурий ёки зарурат юзасидан эмас, балки унга самимий ишониб астойдил дин билан алокани узганлигида эди. Комиссиянинг рус аъзолари Бошқирдистон ва Қозоғистондаги қучириб келтирилганлар масаласи музокарасига яқинлашмадилар. Бу билан “Калинин комиссияси” фаолияти шуни курсатдики, Шўролар Чор замонидан қолган миллатчилик ва мустамлакачилик сиёсатини давом эттириб, жумҳуриятларни бартараф қилади. Раимов бу музокаралар моҳиятини шундай изоҳлайди: “Валидов партия ташкилоти доирасидаги курашда ютқизган бўлса-да, буни давом эттирмоқдан воз кечмади. У Москвадаги мусулмон коммунистлари иккинчи съездида Бошқирд коммунистик партияси вакилларига шундай телеграмма юборди: “Шуро ҳукумати олдига қатъий қилиб Оренбургда қозок-бошқирд умумҳукумати вужудга келтириш йулида жиддий бўлишингиз талаб қилинади”.

У Бошқирд жумҳуриятини Қозоғистон жумҳурияти билан бирлаштирмоқни таклиф этмоқда эди. Бу эса “бошқирд буржуа миллатчиси валидовчиларнинг, қозок буржуа миллатчилари Алаш Урда билан бирлашган дегани эди. Валидов ушандаёқ Шарқдаги инглиз империализмининг агентлари билан алоқа урнатган ва 1917 йил феврал инқилоби кунларида Урта Осиё буржуа жумҳуриятлари федерацияси ғоясини уртага қуйган эди. Ҳозир (1919 йилда) Валидов Бошқирдистон билан Қозоғистон буржуазиясини ҳарбий қучлар билан бирлаштириб, қардош деганлари Туркия ёрдамида инглиз империализмига таяниб инқилобий Россиядан ажратмоқ учун уринмоқда”.

Раимовга кура, менинг Анвар пошо билан Туркистонда ҳамкорлик қилишим ҳам уша вақтда ёзилади. айнап Анвар пошо ҳам гуё уша вақтда Россияга келган эмиш. Бугунги Россия тарихи ана шундай бузилиб, уз сиёсий маффаатларидан келиб чиқиб ёзилади. Йўкса, Анвар пошо бу вақтда Россияда бўлмаганини, менинг инглиз империализми билан алоқам бўлмаганини шуро тарихчилари ҳам жуда яхши биларди.

Бошқирд-қозок комиссияси қарори хақида Раимов шундай ёзади: “Бу комиссияда валидовчиларнинг Бошқирдистонни инқилобий Шуро Россиядан ажратишга интилишлари тула намён бўлди. Бу комиссия аъзоларининг қўчилиги РКП(б) МК курсатмасига биноан ҳар қандай бирлашмоқ фикри ва режаларини қатъий рад этиш билан бирга бошқирд халқига мустақил бир давлат сифатида яшашлари учун имкониятлар берилди”.

§ 150. *Бухоро масаласи.* Москвада бўлган кунларимда Троцкий ва партия марказий қўмитаси қотиби Стасова мендан Бухоро хонлигини

ағдариб ташлаш ишида бошқирд кўшинлари қатнашадими, агар қатнашсалар қандай шартлар асосида қатнашади, деб сураб қолди. Мен уларга:

– Амирни ағдариш зарурий ишдир, фақат шу шарт биланки, Бухоро мухториятини саклаб қолиб, ярим мустақиллик сиёсий ваколатини ҳам қолдириб, миллий қўшинига таянган бир миллий демократ ҳукумат тuzилиши лозим, – дедим.

Бу масалалар хусусида уша пайтларда Москвада булган Бухоро вакиллари хур фикрлилар Мирзо Абдулқодир ва унинг отаси Мирзо Мухиддин билан бир неча бор учрашдим. Уларга ҳам Шуролар таклифни фақат мен айтган шартлар асосида қабул қилиш кераклигини тайинлаган эдим. Ҳолбуки, улар фақат амирга нисбатан нафрат ҳисси билан ҳаракат қилдилар. Русларга бирон-бир шарт қўйишни уйлаган ҳам эмас эдилар.

Москвада бу сафар қалбимда туғён уриб ёнганини фақат бир ўзим ва ёлғиз Аллоҳ биларди. Ҳеч кимга ҳеч нарса айтолмасдим. Бир томондан Стасова билан Бухоро масаласида гўё самимий суҳбатлашаётгандай ҳаракат қилардим, бошқа томондан Туркистонда Шуроларга қарши бошланган курашларни қандай қилиб қўллаб-қувватлаш мумкинлигини уйлардим. Мен билан бундан бир ой аввал учрашувларимизда ширин суҳбатлашган Ленин гўёки ҳозир иккиозламачиларнинг устози булиб туюларди. Стасова менга: – Бухоро масаласида Ленин билан куришимиз лозимлигини айтди. – Жуда соз, – деб жавоб бердим.

Учрашдик. Суҳбатимиз қиска булди. Бухоро ҳақида Сиёсий Бюрода айтганларимни такрорлаш билан кифояландим. Калинин комиссияси ҳақида Уфа ва Оренбурглик рус биродарларимизнинг гайрати туфайли бу иш бир трагикомедия булди. Ленин вазиятни тугрилаши мумкин эди. – У фақат йулга қўйилган ҳатолар учун губерния партия қўмиталари жавобгар дейиши кифоя эди. Бу суҳбат Ленин билан булган биринчи норасмий суҳбат. Менда унга нисбатан аввалги ҳурматдан асар ҳам қолмади. У менга ўқиш учун берган материаллар хусусида вақт топиб суҳбатлашайлик, деб қўл узатди.

Баъзи оқишомлари рус коммунист дустларим билан утиришлар булиб турарди. Қалбимни уртаб турган Калинин комиссияси ҳақида ҳеч нарса билишмас эди. Мен эса, гуллаб қўймайин, деб ичмас эдим ва тишимни тишимга қўйиб юрардим. Гўё ҳеч нарса булмагандай, фақат Эльцин ва Ақуловлар билан келишолмаётгандай қуридим.

*§ 151. Янги қузғолон ҳақида фикрлар.* Бу вақтда Афғонистоннинг ташқи ишлар вазири Муҳаммад Валихон билан унинг муовини, кейинчалик маориф ишлари вазири, Туркия ва Ҳижозда элчи булган Файз Муҳаммадхон Москвага келишган эди. Улар билан бир неча маротаба учрашдим. Улар учун берилган зиёфатларда ҳам иштирок этдим. Ташқи ишлар вазири Чичерин мени Афғонистон масалалари

билан шугулланишга даъват этганида ҳарбий ишларни баҳона қилиб ўзимни четга олдим. Чунки Калинин комиссияси натижалари мени рус ташки ҳамда умумий сиёсий ишлари билан шугулланишга қўлим бормайдиган даражада умидларимни тунча чиқарган эди.

Ленин менга хиндистонлик Махендра Пратапнинг ҳисоботлари ва Афғонистонда инглизлар масаласи ҳақидаги ҳисоботларни урганишни топширди. Бу иш юзасидан Ленинга учрашишим лозим эди. Бироқ комиссия чиқарган қарорларни қуриб Ленинга бориб учрашишни мантиқсиз деб билдим. Юқоридаги ҳисоботлар ҳақидаги фикрларимни ёзма равишда баён қилиб жунатдим ва Москвадан Петроградга келдим. У ердаги ҳарбий ишларимизни назорат қилгач, икки-уч вагон аскар ва дусларим билан феврал ойининг урталарида юртимизга жунадим. Москва мен учун ёлгончилар, найрангбозлар ва сохтакорлар маконига айланган эди. Афғонистонлик дусларимизни Москва станциясида кузатаётиб, Файз Муҳаммадхон билан уларга ажратилган вагонда учрашдим. Берилган ваъдаларга у қадар ишонавермасликларини форс тилида билдирдим.

Аммо юртга қайтиш сафаримиз узок давом этди. Россияда инфляция авж нуқтасида эди. Менга давлат ва қўшин харажатлари учун Москвадан берилган қоғоз пуллар нақ бир вагон булган эди. Қолаверса, улар Истарлитамоққа келгунга қадар яна қиймати тушар эди. Сафаримиз чузилишига тухтовсиз ёғаётган қор ҳам сабабчи булди. Москва ва Самара орасидаги Розаевка станциясида поезд қор қўплигидан тухтаб қолди. У ерда роса бир ҳафта қолиб кетдик. Вагон гилдираклари каттиқ совуқдан музлаб қолиб, юришга имкон булмади қолган эди. Яқин қишлоқдан белқурак, кетмон олиб келиб музни тушириш учун қилган ҳаракатларимиз самара бермади. Менинг бу пайтдаги фаолиятим ҳақида 500 саҳифалик асар яратган Раимовнинг муболагали сузлари тагида ҳақиқат излари бор. Масалан, у “Валидов бироздан сунг Туркистонда босмачилар ҳаракатини бошқара бошлади. У бу ишни қозок-бошқирд комиссияси (Калинин комиссияси) пайтидаёқ режалаштирган эди” дейди. Москвадан қайтишимда ўзимга яқин ҳарбийлардан учтасига Туркистон масаласини очдим. Ёрданчмим Иброҳим Исоқовга Масальскийнинг “Туркистон улқаси” номли асарини бериб, яхшилаб урганишини тавсия этдим. Сабабини суради. “Бироз вақт утиб балки у ерларга бориб қолармиз” деганимда, у рози булди. 1920 йил феврал ойида Розаевка станциясида мана шу қарорга келган эдик.

**§ 152. Троцкий билан суҳбатлар.** Бир маҳал Самарага кетаётган Троцкий поездда Розасевкага келди. У ҳам қор сабаб кетолмай, уч кун шу ерда қолди. Кейинчалик маршал унвонига муносиб қўрилган Буденний ҳам шу ерда экан, менинг олдимга келди. Розасевкада мажбуран қолиб кетишимиз Троцкий билан яқиндан танишиб, унинг фикрларини урганиш жиҳатидан фойдали булди. Унинг вағони чор ҳукуматиға

тегишли вагонлардан эди. У ердан туриб радио орқали ҳар томонга буйруқлар юборарди. Бир неча маротаба куришдик. Троцкий бу ерда ҳам ҳарбий ишлар билан машғул булар. ҳам бир асарини ёзар эди. У ҳақиқатан ҳаракатчан ва ташкилотчи киши эди. Менга “Бошқирд-қозок комиссияси” қарорларига кушилмаган, Риков билан ҳамфикр эканини, мендан, айниқса, Шарк ишларида фойдаланишлари ва менга нисбатан самимий бўлишлари лозимлигини Ленинга айтганини, бироқ Сталин бошқирдларни қозок ҳамда туркистонликлардан ажратиш фикрида туриб олганини айтди. У Сталиндан мамнун эмаслигини, улар уртасида кураш кетаётганини англатди. Шундоғам бу ҳақда Петрограддалигимда Зиновьевдан куп бора эшитган эдим. Унга Саранскда қуроллантирилган аскарларимизни Фрунзе бошқарувидаги Туркистон фронтига бермай «Украинага жунатиб юбориш билан қатта хато қилганини айтдим. У: “Бу бир зарурат эди. Ҳамма нарсани Деникинга қарши қўйишда Ленин билан ҳамфикр эдим. Аммо у ердан сизнинг аскарларингизни Туркистонга юборишни қабул қилган эдим ва буни сизга шахсан айтдим. Гарчи буйруқ берган бўлишимга қарамай, Сталин уларни Туркистонга жунатишга унамади. Петроград frontiда ишингиз биттач, аскарларингизни Фрунзегга беришга ваъда қилдим. Бироқ Ленин Сталиннинг таъсири остида қолган эди. Сталин эса Туркистонда бошқирд армиясидек қаттиқ интизомли мусулмон қушинни киритиш фикрига оёқ тираши аниқ эди” деди. Яна Сталиннинг жаҳон социалистик инқилобини рус империализми ва рус миллий ғоялари билан бирлаштириш фикрида эканини айтди. “Шу сабабли аскарларингиз Новгород ёнидаги Мураев казармасига юборилди” деди. Унда Сталинга қарши қайфият кучли эди. Мени ҳам узига оғдириб олишга уринарди. У билан утказган суҳбатларимда унинг инқилобдан аввалги Европадаги ҳаёти. Плеханов ва бошқа инқилобчилар билан фаолияти ҳақида кўпгина маълумот олдим. Хуллас, қор сабаб бўлиб, Троцкийнинг Розаевқада уч кун қолиши у билан яқиндан танишишимга сабаб бўлди. Бу суҳбатимизни 1927 йил Истанбулдалигида Буюка оролида яшаб турган уйи ёнганда жунатган ҳамдардик телеграммасига жавоб тариқасида ёзган хатида хотирлаган эди. Фурсатдан фойдаланиб, Троцкийга бошқирд қушинининг қурол-яроғ билан таъминланишига доир лойиҳалар бердим. У лойиҳаларимни қабул қилди. 5 апрелда ҳарбий фармон чиқариб, қушинимиз уч полкдан иборат укчи пиёда бригадаси, тўрт полкдан иборат отлик дивизия, барчаси 40 минг кишилиқ армия бўлишини, пиёда бригадасида 12 тўпга эга тўпчи гуруҳ, иккита тўпга эга гаубич тўпчи батареяси, битта жангчи гуруҳ, битта истеҳком гуруҳи, отлик дивизия эса тўртга тўпчи отлик гуруҳи тарзида ташкил этиш бошлаганини, уларни мунтазам равишда ташкил этиш учун Истарлитамоқда битта пиёда заҳира полки ва битта заҳира отлик полки бўлишини, уларни қурол-яроғ билан таъминлаш...

Жумхурияти харбий комиссари хисобланган менга топширилганни расмий газеталарда эълон қилди. У самолёт ва милиция ташкил этиш учун ҳам қурол берган эди. Апрель ойида аскарларимиз сони 27 мингга етди. Яна куп миқдорда транспорт воситаларини берди ва менга айтдики: "Мен сизга батамом ишонаман ва қўлимдан келган ёрдамни аймайман. Тиришқоқ инсонларга кумак бериш мен учун мароклидир". Сталин қўшинимизга қурол-яроқ берилишига тусқинлик қилатган эди. Троцкий куп миқдорда қурол-яроқ бериб, бу муаммони ҳам ҳал қилди.

§ 153. *Паншаха исёни.* Украинада. Польша чегараларида шурулар мушкул вазиятда қолганини, апрел ойида эса поляклар ГАРбий Украина ва Киевни ишғол этди. Бундан хабар топган Урал томонларда большевикларнинг талончиликдан иборат мол-мулкни мусодара қилишидан изтироб чеккан қишлоқ аҳолиси орасида исён ҳаракатлари бошланди. Бошқирдистон бир мухтор республика сифатида мутлақо янги ижобий қуринишда узини намоён қилди. Яъни, узининг миллий қўшинига ва миллий ҳукуматига таяниб халқни қизил босқинчиларнинг тажовузидан ҳимоя қилди. Уфа, Балабой ва Минзала минтақаларидаги қуролсиз татар дехқонлари қўлларига ёғоч ёки темир паншаха кўтариб, 1920 йил январ ойида тарқок, уюлмаган ҳолда исён ҳаракатларини бошладилар. Ва бу ҳаракат "Паншаха исёни" деган ном олди. Булар босмаҳоналарда "Заки Валидий қўшинлари коммунизмни йуқ қилиш кураш бошладилар, бизга ёрдамга келмоқда!" дея варақалар бостириб тарқатган эдилар. Мен Петроград ва Москвада пайтимда Бошқирдистон Инкилоб кумитаси (Ревком) Бошқирдистонни мустақил бир улка сифатида Ташқи ишлар комиссарлиги тузган ва бунга хориж тилларини билган Ракай фамилияли кишини комиссар этиб тайинлаган. Бу комиссариат бир вақтни узиди Туркистон ва Қозоғистон учун ҳам ягона булган эди. Бу одам Москвадан Бошқирдистонга почта-телеграф ишларини ташкиллаштирмак учун юборилган бир коммунист эди. Узи шарқликларни, қозок ва бошқирдларни яхши қураб, қозоқча ва Оврупа тилларидан баъзиларини билар эди. У таникли Урга Осиев тадқиқотчиси Рычковнинг невараси эди. Биз ҳам Туркистонда туғилганларни миллатидан қатъий назар туркистонлик деб ҳисоблар эдик. Пишпекда туғилган бир румин булган Фрунзе Туркистон қўшинлари бош қумондонни булган эди. Ракай эса Туркистон ташқи ишлар вазири эди. Улар ҳақида салбий мулоҳаза бўлиши мумкин эмасди. Бошқирдистон ҳукумаги раҳбари Хорис Юмагулов ҳам шундай фикрда эди. Мустақил Туркистон келажакда Россия билан муносабатларни сақлаб қолишига ишонган ва рус коммунистларининг империалистик сиёсати душманги эди. Мен Москвадалик пайтимда эса уларнинг ораларида бир неча бор тўқнашувлар бўлиб утди. Ҳаттоки, Юмагулов Бошқирдистон вилояти коммунист партияси марказий кумитаси аъзоларини камоққа

ташлади. Сталин эса мен хали Москвада эканимда Бошқирдистонга кучириб келтирилган рус кишлокларига хуфиёна курул юборган эди. Бу ерда мустахкам туриш учун Туркистон фронти ёрдамида Бошқирдистоннинг турли жойларида мустахкам районларга асос солиш хақида буйрук берган эди. Бошқирдистон хукумати бунга йул бермасдан бу мустахкам районларни дархол тарқатиб юборди. Оренбургдан мустахкам районлар мудофааси учун юборилган рус аскарларини қайтариб юбордилар.

Кейин айтиб утиладиган “Бошқирдларга ёрдам кумитаси” деб номланган найранга қарши жиддий кураш олиб борилди. Бошқирдистонда содир булаётган бундай воқеалар бизга қушни булган Урал губерниясида гуё бизда Москвага қарши исён харакати бошланганини изоҳлаган эди. Юмагуловнинг рус сафдошларга нисбатан қўллаган кескин чораларини оқлаб булмас эди. Мен буларни маъқуллаган булмасамда, руслар Юмагулов орқасида мени турибди, деб уйлашардилар. Ҳақиқатдан ҳам, бу вақтда Бошқирдистонга қушни булган рус вилоятларида обрويم катта эди. Менинг биргина ишоратим билан бутун Урал вилоятлари кенг бир кузғалон солиб, оёкка қалқиб, исёнли харакатларига утиши мумкин эди. Лекин мен Туркистон марказ булиб бутун шарқий Россияда тупланган кутарилган кузғолон ғалаба килиши мумкин, деб уйлардим. Мен ҳеч қачон Шуруларга қарши кичик исёнларни тарафдори булмаганман.

Мен Москвадан қайтар эканман, поезд станцияларида халқ мен билан учрашиш учун тупланганлиги хақида хабар бердилар. Ҳақиқатан, гузаргоҳларда, кишлокларда, кучаларда, ҳар жойда таомлар пиширилган, ичкилик мул эди. Йулда, татар кишлокларида киёмат каби фарёд этардилар: “Бизни Бошқирдистонга қушиб ол, бизни кутқар, ҳаммамизни ол, аскар кил, уғилларимизни аскарликка ол!” дейишарди. Ва уйларига зиёфатга таклиф этардилар. Ҳолбуки, Белебей уездига қарашли булган бу татар кишлоклари 1919 йил июнида эълон қилинган биринчи сафарбарликка розилик билдирмаган эдилар. 24 февралда Истарлитамоққа келгач, Белебей ва Уфа уездларидаги волостлардан вакиллар келиб, Бошқирдистонга қушиб олинишларини сурашди. Биз уларни тинчлантириб, исёндан фойда йук эканлигини тушунтирдик. Куп марталаб, ҳар хил рус кишлокларидан яна вакиллар келиб, Бошқирдистонга қушилмоқликларини сурадилар. Биз буларни зурға хукумат қароргоҳидан ва мен яшаётган уй атрофидан узоқлаштираб эдим. Бу ерда руслар билан баъзи кизикарли муносабатлар буларди. Истарлитамоқда хали инкилобдан аввал таниш булган бир поп (рухоний) бор эди. Менинг Аҳд-и Атийқ (*Таврот, Забур ва Мезамир – Забурдан суралар. Яҳудийларнинг эски муқаддас китоблари-тарж.*) ва Жаидид (*яъни Аҳд-и Жаидийд – Инжил-тарж.*)дан хабардорлигим туфайли танишган эдик. Шурулар даврида уни ҳеч қурмагандим. Бир кун бу зот менга русча “Библия” (*Яҳудий ва насроний динининг*

‘Муқаддас китоблар ва шайхларнинг шайх’ деган Пешим (Забурдин) 72 киеми (1911) тури оятини машиқлада Вилдан (Забурдин) шайх) халди юборди. Буни шайхларнинг ‘У (хужмдор) оятин (носор) ахлига алоқаи кўрсатиб, фуқарони баалолақдан куткариб, қолмақдани парча-парча айлаб, исён!’ деган руҳоний топ мени туғридан туғри исёнига таъшиқ ашмоқда дег Шўрларга қарши бўлган русларнинг баъзилари мен билан муносабатга киришмоқчи бўларди. Лекин мен ўзимни олиб қочардим. Социал демократлардан хисобланган, ҳозир эса коммунист бўлган, сибирлик рус ўзбекиси Тимофей Сиделников уйимга келиб, агар биз исён кўтарсанк ишўрлар кўн шартларини қабул қилишга мажбур бўлишларини айтган эди. Мен у билан бу мавзула муҳожаз қилмадим. Кейин билсам у бириндан йиқилиб, белими, оёғими дег ели, сиоли

**8 154 Троцкийнинг хотиралари.** Троцкий биз билан Уфиди учрашганимизда у Паппаха исёни” воқеалари хусусида ўз мулоҳазаларини айтди. У Мехикада ўлдирилганидан сўн, исёнига доир хужжалларнинг бир қисми Подданицияни Утрехт шаҳридаги рус институтига тушибди. Бу хужжалларни кўздан кечириётган профессор Ж. Мейжер менга ёзган мактубида Троцкийнинг мен билан Паппаха исёни пайтидаги алоқаларимизга доир хужжатлар, жумладан, менин унга юборган телеграммаларим борлигини билдирди. 1920 йил 2 март санаги ҳақида Троцкий бундай ёзди: “Истарлитамоқ масаласини ҳал қилиб, Юмагуловни Москвага юборишдан сўнг вазият бироз юмшаган эди. Бирок Валидов Москвадан Истарлитамоқка келгач, ахвол яна чигалланди. Валидов 6 март кунига тушганини тўлов қилинган партконференцияни бекор қилишни талаб қилиб туриб олди”. Троцкий партия секретари Крестинскийга юборган телеграммасида: “Кеча Валидовни телеграф оркали галлашиб, маҳаллий мусулмонлар исёнида бошқирд кушиилари узларини қандай тутишларини изохлаб беришини сурадим. Валидов узок тушунтириб айтдики, бу воқеаларга бирорга ҳам бошқирд бош кўшмаслигини қатъий қилиб айтди”. Мен томондан жунатилган телеграммаларнинг бирида Троцкийни Истарлитамоқка чакирибман. Профессор Мейжер кулида мавжуд бўлган Троцкийнинг архивини бир қисмини нашр эттирмоқчи экан. “Троцкий хужжатлари”ни “Амстердам Халқаро ижтимоий тарих институти” томонидан ҳозир бир неча жилд ҳолида чоп этилмоқда. Ушбу институтнинг ўша пайтдаги директори бўлган профессор Постомус 1951 йил Истамбул шаҳрида тулланган ва мен раислик қилган Шарқшунослар конгрессини бошқарганимда олдимга келиб: “Троцкий хужжатлари орасида сиз ҳақингизда ёзилган маълумот ҳам бор, уларни чоп этмоқдамиз, сиз хотираларингизни ёзмайсизми? Агар ёзсангиз “Brill” фирмаси мамнуният билан нашр эттирган буларди”, деган эди. Шундай қилиб, Троцкий хотираларида мен ҳақимда маълумотлар мавжудлиги туфайли хотираларимнинг Постомус

ишларидек "ВВП" фирмаси томонидан нашр этирилганига алоҳида бўлди.

§ 155. *Эркабоев ва Кошаровнинг айтиши:* Бу ҳолатларни ошқорлаганлар. Париш томондан бир муддат Екатеринбургга Россия таясис мажлиси" ҳукумати ўртасида бўлиб турган Кошаров ва у билан Сибирияда яшайтиб олган Эркабоев дотан кичик тобиқ келди. Кошаровнинг бизнинг қарашларимизга хайратанхў бўлган рус дўстим, охирига революционер эди. Бир жонлар иккинчи пиёда шайқатниқлигида бир муддат капитал Тўғон ва шу Эркабоев билан бирга ишлагани Кошаровнинг менга у қушларда турли жойларда кўтарилиб келадиган харажатларга бошчилик қилсам, Эсерларнинг шўрилар билан келишувига яқин бўлмаган баъзи турухларнинг бу харажга қўшилганини айтди. Мен унга уралликларнинг айниқса, бошқирларнинг янги бир исёнга қўзғолган чидайдиган тоқати қолмади, бундай қўзғолган имконият ва маълумот жанини айтдим. Эркабоевга эса, ишларар мени Уралда қолдирмаслигини, Москвага олишларини ва у ердаги Туркистонга кетишимни айтдим. Кошаров ва Эркабоевга йўл қира ва харажатлари учун пул бериб, уларни Узок Шарқда капитал Тўғон билан бирлаштириш мақсадида жўнатдим. Улар Сибирия орқали Манчжурияга ўтган ва Харбиндан туриб Японияда бўлган Тўғон Тўғонга муфассал мактуб йўллаб, менини айтганларим хусусида хабар берганлар. Булардан эн муҳими Эркабоевнинг Тўғонга Харбин шаҳридан ёзган бошқир тилидаги мактубларидир. Буларни капитал Тўғон рус тилида ёзилган ўз ҳозираларига қиритган, лекин нашр этмаган "Узок Шарқда бошқирлар" номли асарига ҳам қисман қўшган. 1925 йил майда Олмониядан Будапештга келганимизда Тўғон Эркабоевнинг жуда кизиқарли мактубларини менга берди. Эркабоев Истарлитамокда мен билан 1920 йил март ойи охирида бир неча бор суҳбатлагганини айтган ва тассuroтларини ҳамда менинг унга сўзлаганларимни бундай ёзган:

"Болишевизм бу халқаро ҳафга эга бўлган куч экапигини жаҳон аҳли билмай турибди. Иттифокчилар Сибирия-Урал ва Украинадаги ййрик большевикларга қарши ҳаракатларни бостирдилар. Ок генераллар билан ҳозир ақли бор одам ҳамкорлик қилмайди. Россия ичида большевизмга қарши булган демократияни қуллаб-қувватлайдиганлар фақат Таясис Мажлис ва Эсерлар партияси бор эди. Мажлис қувғинга олинди, эсерлар тарқатди. Шарқий Россия мусулмон халқларини бир миллий тоя атрофида туплаш мумкин эди, бироқ уларни қуллаб-қувватлайдиган йук. Улар орасида бошқирдлар каби ҳарбий ишларни билганлар оз. Рус миллати ҳам бугун тарқок, парижон, гоаявий жиҳатдан бирлашиш имкониятлари йук. Бундай вазиятда ҳар қандай исён ҳаракати бошда муваффақ бўлса ҳам, охирида фалокатларни келтириб чиқарувчи можаролардан иборат бўлиб қолади. Биз болшевиклар билан ишлаш олмаслигимиз аниқ



булганди. Мен дусларим билан Туркистонга бориб, купдан бери бошланган курашларга ёрдам бермоқни афзал курардим. Ташқаридан буладиган ёрдамга умид йук эди. Иттифоқчилар Урта Осиёда бир мусулмон давлати қурилишидан кура, у ерда большевизм ҳукмрон бўлиб қолишини афзал курардилар. Шундай экан, яна Москвада қолиб, шуруларга хизмат қилгандан ёки дорга тортилгандан кура, мен гайратимни купдан давом этаётган ҳаракатларга бераман ва кузғолонларни тартиб-интизомга, бир мафкурага йуналтираман. Сен полк командири Туғонни ва сафдошларини излаб топгин. Улар йўл тополса, Туркистонда бизга қушиясинлар ёки у ерда қолиб, японларни миллий ҳаракатимиз томонга оғдиришга ҳаракат қилсинлар. Агар Туркистондаги ҳаракатларимиз ижобий натижалар бермаса, биргалашиб чет мамлакатларга чиқамиз. Курашни у ерда давом эттирамыз”.

Эркабоев бизнинг Челябинскдаги фаолиятимиз даврида мен энг куп ишонган бир зобитим эди. Бир пайтлар адъютантим ҳам булганди. Туғон бу мактубларни ҳаммасини эҳтиёт қилиб Япониядан Будапештга келаётганида, ёнида олиб келибди. Кондратьевнинг унга Харбиндан Токиога йўллаган мактубларида ҳам 1920 йил ҳаракатлари тафсилотларига доир жуза қимматли маълумотлар борки, бу хатларни алоҳида асар шаклида нашр этишга арзигулик ва татигуликдир. Уралда ва Сибирияда мавжуд фаол унсурларнинг менга ишониб айтган сўзларини диққат-эътибор билан тингламоқ ва суҳбатлар қилмоқ билан бирга, мен Москвада шуру ҳукуматига садокатимни исбот қилмоққа уриндим ва шубҳа уйғотишга сабаб булувчи ҳеч қандай ҳаракатда ва суҳбатда булмадим. Ҳукуматимиз раиси Хорис Юмагулов Москвага чақирилгач, инқилоб қумитаси (Ревком) мени ҳукумат раиси этиб сайлади (1920 йил, 25 феврал. Шунини алоҳида айтиш керакки, амалда мен ҳар доим ревком раиси эдим. Лекин, мен ҳукумат раислигини расман зиммамга олишни истамай, доимо Мудофаа вазири бўлиб қолишни истар эдим. Барча ҳокимиятни қушин атрофида бирлаштириш учун ҳаракат қилган эдим.

**§ 156. I Бутуибошқирд партия конференцияси.** Мен Петроград оstonасидалигимда РКП МК томонидан юборилган вакиллар Бошқирдистоннинг коммунистик партия ташкилотларининг I-конференциясини 1919 йил 8–11 ноябрда чақирибди. Гарчи уша пайтда пойтахтда булсам ҳам, партия аъзоси булмаганим сабабли конференцияда иштирок эта олмадим, коммунист дусларим орқали маълумот олишим мумкин эди, холос. Петроград фронтдаги қайтиб келганимдан сўнг, эшитилишга кура, конференцияда асосан руслар ва ҳарбий ташкилотларда мавжуд булган 700 кишилик партия аъзоларидан делегацияси иштирок этган. Москва вакиллари булган Сергесв-Арте́м ва Самойлов оз сонли бошқирд коммунистлари иштирок этган мажлисдан ташқари фақат рус делегацияси

иштирок этган алохида мажлис утказишни лозим топган. Бирок, бу мажлисларда қандай масалалар қурилганини уша пайтда тулик аниқлаб олишнинг имкони бўлмади. Шуру тарихчиси Р. Раимовнинг «Бошқирд шуру жумхуриятининг ташкил топиши» номи остида 1952 йилда нашрдан чиққан 520 саҳифалик асарига (2973026.) бу конференцияга доир «Октябр инкилоби номидаги марказий давлат архиви»да (Фонд.1320) сақланадиган хужжатларнинг баъзилари киритилган. Энди маълум бўлмоқдаки, ушбу конгресс ўз олдиға умумий ташкилий масалалардан ташқари Шарқ масаласи, татар-бошқирд масаласи ва мусулмон коммунистларининг иккинчи съезди хусусида қабии масалалари ҳам қуйилиб, улар атрофлича муҳокама қилинган экан. Унда айниқса Валидов бошчилигидаги бошқирд раҳбарларнинг Оренбург шахрини марказ қилган ҳолда Бошқирдистон ва Қозогистон Шуру Республикаларининг бирлаштириш ҳаракатиға қарши чиқиш, татарларнинг Туркистонға эмас, балки русларға боғлиқ эканини, Бошқирдистонни эса татарлар, яъни Қозон билан бирлаштириш лозимлигини илғари суриб, бу ўлканинг Қозогистон ва Туркистон билан бирлашувининг олдини олишға қарор қилишибди. Мана шу муносабат билан Р.Раимов «Октябр архиви» материалларидан олиб айтадики: «Валидовнинг фикри Ўрта Осиё буржуа республикаларини бир федерация остида бирлаштириб, инкилобчи Россиядан ажратишдан иборат эди. У шунға ҳаракат қилмоқда. Биз унға Калинин бошчилигида 1919 йил декабрда чақириладиган бошқирд-қозок комиссиясида қарши чиқишимиз керак». Яъни биз Москвада иштирок этган «Калинин комиссияси»да нималар хусусида келишиб олиниши ва қандай қарорлар қабул қилиниши бир ой аввал Истарлитамоқда тулланган конференцияда собиқ коммунист сифатида иштирок этган ҳукумат раисимиз Хорис Юмагуловнинг аға шундай қарорлар олиганидан хабари ҳам бўлмабди, баъзи нарсаларнигина уша конференцияда иштирок этган поляк коммунистидан билиб олибди. Мен Петрограддалигимда баъзи татар зиёлиларининг уша I Бутунбошқирд партия конференциясида Москва вакилларининг иғволарига алданиб, Калинин комиссияси ва Мусулмон коммунистларнинг иккинчи съезди бу фикрни ҳимоя қилишларини сураб Москваға ҳайъат жунатишганини эшитиб, қаттиқ ранжидим. Қуп утмай, бу ишлар юқорида айтганимдек ҳақиқатға айланди.

*§ 157. Руслар малайини айланган мусулмон коммунистлари.* Мен Москва ва Петрограддалигимда Истарлитамоқда Инкилоб Қумитаси билан руслар уртасида юзаға келган келишимовчилик натижасида ҳукумат раиси Юмагулов Москваға чақирилди. У русларға ён босадиган мусулмон коммунистлари Шамигулов ва Исмоилов исмли икки кишини қулға олган эди. Шамигуловни руслар Самойлов бошчилигидаги пидоят партия қумитаси Бошқирдистондаги бошқирд

кушини сяссий комиссари этиб тайинлаган эди. Шу боисдан хам Юмагулов уларни кулга олган эди. Мен келиб уларни камокдан озод килдим. Шуро нашрлари уларни «Валидовнинг шахсий душманлари» деб ёзишган эди. Вахоланки, менинг улар билан хеч кандай шахсий адоватим йук эди. Уларнинг ҳар иккиси фаолиятини руслардан кура купрок рус булиш асосига курганликлари боис ҳар кандай миллий автономия ҳаракатларига душман булишган ва бу ҳаракатларни бостириш учун бутун кучгайратларини аяшмаган. Бизни улдиришга, бизга қарши суикасд уюштиришга ҳаракат қилишган. Камокдан чиқариб олгач, уларни уйимга чакириб сурадим:

Савол: сиз узингизни «сул коммунист» деб ҳисоблайсиз. Менга айтингчи, қайси ижтимоий ва иктисодий дастур моддасида бизнинг сизга нисбатан унга ёки сулда эканимиз акс этган?

Жавоб: биз ижтимоий ва иктисодий масалаларда сизни бизга нисбатан унгчи деб ҳисобламаймиз. Биз сиздан фақатгина миллий масалаларда фарк қиламиз.

Савол: бу фарқлар нималардан иборат? Бу фарқларнинг унг ё сул булишга нима алоқаси бор?

Жавоб: биз ҳар кандай автономияга қаршимиз. Уни пролетариат бирлиги учун зарарли деб ҳисоблаймиз.

Савол: яъни рус ва татар пролетариати бирлиги учун зарарли деб ҳисоблайсиз, шундайми? Агар автономия ташкил этилса, улар миллат сифатида бир-биридан ажралади, деб ҳисоблайсиз, туғрими?

Жавоб: ха.

Савол: партия аъзолари даҳрий булганликлари учун, уларга диний фарқнинг аҳамияти йук. Модомики, рус пролетариати билан татарларнинг бир булишини истар экансиз, нима сабабдан узингизни мусулмон, деб ҳисоблаяпсиз? Туғридан-туғри рус ташкилотларида ишласангиз яхши булмайдими?

Жавоб: партия бизни каерга тайинласа, уша ерда ишлаймиз.

Савол: у холда сиз бизнинг орамизда рус империализмининг вакиллари саналасиз. Яхшиси, Москвага бориб, уша ерда ишланг. Сизнинг миллий автономияга булган муносабатингиз хеч бир жихати билан унг ёки сулликка алоқадор эмас. Сиз билан бизнинг уртамиздаги фарк шуки, сиз рус биродарларингизга бизга нисбатан содиқсиз. Яна хам аникроғи, сиз уларнинг малайсиз.

§ 158. *Турт панистолмистининг Истарлиптомоқда меҳмон булиши.* Март ойи бошида куп қор ёққан изгиринли кунларнинг бирда бизнинг эшигимиз олдида бир нотаниш киши пайдо булиб, Москвадан келдим, деди. У Туркия ва бутун ислом оламида маълум булган Рашид Кади (Абдурашид Иброхим) эди. Чана устида кигизга ўраниб утирган икки йулдоши хам бор эди. Улар хиндистонлик мавлавий Баракатуллоҳ билан Мавлавий Абдур Барг экан. Ҳаммасини уйга таклиф килдик. Бу хиндлар совуқдан улар холга келишибди.

Улар бир неча кун бизникида меҳмон бўлиб қолдилар. Булар ахрори Хинд ва айни пайтда панисломистлар эди. Урал тоғларида бир ислом давлати тузилишидан хурсанд эдилар. Бу эса келажакда Туркистонда қурилажак бир буюк мусулмон давлатининг маркази бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисоблашарди. Уларни социализм кизиктирмасди, лекин ислом оламини ғарб империалистларидан қутқариб қолиш йулида коммунистлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эдилар. Баракатуллох Ленин учрашган, у эса мен билан қуришишни маслаҳат берган. Улар бу “Буюк ислом давлатининг асоси” нима ташкил этишидан мутлақо хабарсиз эдилар. Ҳаммасини очик гапириб тушунтиришни имкони йук эди. Шундай бўлишига қарамай уларга айтдим:

– Бу фикр бир ҳаёлдир. Исломиятни, Қуръонни коммунизм билан бирлаштирмак эса, фақат гуноҳдир. Модомики, сиз шуrolар билан суҳбатлашар экансиз, буни дин билан аралаштирманг. Бир оддий фуқаро сиёсий инқилоби ҳаракатини ривожлантириш истагини айтинг.

Улар билан суҳбатлашиш учун Рашид Кадининг жуда яқин дустри бўлган отамни ва тоғам Ҳабиб Наҳжорни чақириб келдим. Айни замондами. ёки бироз кейинроқми Қозондан йирик диншунос олим Мусо Жоруллох ҳам бизникига келди. Кейинчалик бу зот билан 1929–1948 йилларда Истанбулда бир неча бор учрашдик. Ҳозир эса у Бошқирдистон Адлия вазирлигида маслаҳатчи. У ҳукумат аъзоси сифатида йулқира тулашдан озод қилинган эди. Шундан фойдаланиб купинча туз тижорати билан шуғулланарди. Чунки большевиклар даврида транспорт ишлари издан чиққанлиги туфайли бошқирларнинг айрим районларида туз топилмасди. У шу пайтгача мусулмон савдогарларининг ёрдами билан ва китоб савдосидан тушган маблағ ҳисобидан кун қуриб келган, лекин сармоядорлар ёрдами ва китоб сотиш ишлари тўхтагач, тирикчилик утказиши қийинлашган эди. Мен меҳмонларга агар имкон топсалар, мусулмон мамлакатларига боришларини маслаҳат бердим. Фақат коммунизмни ислом билан бирлаштириб, шуrolардан ёрдам олиш йулига киришларини тавсия этмадим. Бу тавсиялар уринли айтилганини уччаласи Россиядан чиққач, миннатдорчилик билан эслаганлар. Абдурашид Кади ва Мавлавий Абдул Барг Истанбулдаги уйимга яна келдилар. Рашид Кади Токио жомеъ масжиди имоми бўлган пайтида 31 август 1944 йили, 94 ёшида, АбдулБарг эса Измирда вафот этдилар. Мусо Жоруллох эса Қашғар йули билан Хиндистонга ва сўнгра Японияга кетиб, 1948 йили Истанбулга келиб, олти ой уйимда меҳмон бўлиб қолди. Қохирага кетиб, у ерда 15 октябр 1949 йилда 74 ёшида вафот этди. Мавлавий Баракатуллох эса, Францияда вафот этибди. Бошқирдистон миллий ҳукумати уларни юқори даражада эҳтиром, ҳурмат билан қутиб олганликларини ҳар жойда хайрли дуолар билан ёд этганлар.

Мавлавий Баракатуллох Хиндистон Миллий Конгресси аъзолари-га, шу жумладан, Мавлавий Абдул Қалом Озодга, Истарлитамоқда,

бизникида қандай меҳмон булганлари ва менинг маслаҳатларимдан сўз очиб, мактублар ёзишган. Бу ҳақда Абдул Қалом Озод 1950 йилда Ҳиндистон Маориф вазири булган чоғида Истанбул келиб Истанбулга университети ректори Қозим Исмоил Бей ҳузурда айтди. Рашид Қади Россия мусулмонларининг ва бошқирларнинг курашлар тарихи ва Истарлитамоқда меҳмон булганлари ҳақида жуда самимий бир рисола ёзган. 1930 йили Истанбулга келиб, шу рисола мента тақдим этди. Улар Истарлитамоқда бир ҳафта меҳмон булгач, ҳукумат чана-кареталарида энг яқин темир йул станцияси булган Шафронга узатдим.

Декабр ойида шарқий Қозоғистон Алош Урда ҳукумати тарқатилди. Ҳукумат аъзолари булган Мир Азим Қидирбоев билан Мухтор Авезов март ойида Бошқирдистонга келдилар. Кейинчалик профессор ва Қозоғистон Фанлар Академияси аъзоси булган, 27 июл 1961 йилда вафот этган ҳурматли Мухтор Авезов 1918 йилдаги учрашувларга нисбатан жуда ҳафсаласиз бир ҳолда эди. Эркабоевга Узоқ Шарққа кетаётган вақтда айтганларимни унга ҳам такрор айтган эдим. Бундай суст ҳолатда бўлишига қарамай, у Туркистондаги курашларни давом эттириш ғоясининг жиддий тарафдори эди. Фақат бу ерда ҳар нарсангиз бор, мул-куллик, фаровонлик ичидасиз, буларни қандай ташлаб кетасиз, деганди. 1959 йили совет делегацияси билан бирга Нью-Йоркка келганда, у ердаги қозок мухожирларидан биринга бизга қилган ташрифи ҳақида гапириб: “Зулмат аро Бошқирдистон бизнинг назаримизда шимол ёғдуси булиб порлаб турарди”.

### **§ 159. *Москвалик меҳмонлар Бошқирдистон пойтахтида.***

Истарлитамоққа келганимизда Бошқирдистон ҳукумати билан Лениннинг энг яқин дусларидан ҳисобланган Сергеев-Арте́м, Преображенский ва Самойлов бошчилигидаги «Бошқирд коммунистик партияси» уртасида тортишув авжи нуктасига чиққан эди. Гарчи, мен Коммунистик Марказ Қўмитасига аъзо бўлсам-да, буни тасдиқловчи бирор ҳужжат ёки гувоҳнома берилмаган эди. Мен расман коммунистик партия мажлисларида иштирок этмадим. Бироқ Москванинг Истарлитамоқдаги вакиллари мени расман коммунист деб билишарди. Шу боисдан мен билан маслаҳатлашишдан тортинишмасди. Юмагулов аввалдан партия аъзоси булгани учун коммунистик партиянинг марказий қўмитаси уни Москвага чақирди. Самойлов уша пайтда нашр этган ўз хотираларида «Биз бошқирд раҳбарлари орасида Валидовни энг ақлли ва доно деб ҳисоблар эдик, у Юмагуловнинг ҳаракатларига нисбатан қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар унга очикчасига қарши чиқади, деб уйлаган эдик, бироқ янглишдик. У келиши билан Юмагуловнинг ҳаракатлари туғри эканлигини билдирди. Бошқирдистон Коммунистик партиясининг иккинчи конференциясини чақиришга рози эмас эди. Юмагулов томонидан қамоққа олинган коммунистларнинг барчасини озод қилди», деб ёзган

эди. Бу тугри. Преображенский яхши овчи ва мерган эди. У мени овчи деб эшитибди. «Бир кун бирга овга чикмаймизми?» деди. Фурсат булмади. Аммо уни овкатланишга чакирдим. Якин дустим Тохир Ймак угли: «Унинг қандай фазилати борки, меҳмонга чакирдинг» деди. «У политбюро аъзоси ва секретарлардан. Ундан бир қанча нарсани урганиб олишим керак» дедим. Аммо ичма деди. Ҳақиқатан ҳам Преображенский болшевик пешволари орасида Бухарин сингари зиёли ва ақлли эди. Ҳар бир сузингдан шуруларга қарши душманлик кидирадиган чекистлардан эмасди. Дусту Бухарин ва Крестинский билан биргаликда «Коммунизм алифбоси» номли китоб ёзишди. Меникига бир дусту билан келди, ҳозир унинг исми эсимда йўқ. Мен дарҳол Маркс билан Бакунин уртасидаги тортишувлар гоёвийми, рақобатми ёки узаро адоватга асосланганми, билишга қизикдим. У батафсил, фикрларини асосли изоҳлаб, жавоб берди. Марксизм тарихини жуда яхши билар эди. Орада Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарининг баъзи жихатларига уз эътирозимни билдирдим. «Сиз бу ҳақда Черновнинг китобидан уқидингизми?» деб суради. Мен «Йўқ, ўзимнинг фикрим» деганимда, у ҳолда эътирозларингиз муҳим. Сиз ударни Ленинга ёзиб юборинг ёки шахсан ўзига айтинг. У ёшлик даврида ёзилган бу китобида баъзан аҳмоқона фикрларни илгари суради. Бирок у тортишувни ёқтиради, деди. Яна куп нарсалар ҳақида суҳбатлашдик. У билан келган дусту дарҳол ичкиликка берилди. Кетма-кет қадахни бушатарди, менга ҳам ўзи билан бирга ичишни таклиф килди, карта уйнади. Мен унга 20 ёшимдан бери қимор уйнамаганимни, маст булиб қолишни ёқтирмаслигимни айтдим. Преображенский маст булмасанг, ичкиликка не ҳожат, деди. Мен бу борада васиятига амал қиладиган бир устозим бор, бироқ у минг йил аввал яшаган, дедим. Ҳозирги Хивада туғилган ва яшаган математик ал-Берунийдир дедим. Хуш, у нима дебди, суради. “Ақлли одамлар руҳиятни кутарадиган абадий қадриятлардан лаззат олади; гофил инсонлар эса мастлик ва қимор орасида минг қиёфага киришдан ўзга нарсадан завқ олмайдилар””, дедим. Ўзи математик булиб нима ишлар қилибди, деб суради. Мен “У ернинг экватор узунлигини биринчи булиб аниқлаган доҳий саналади”, дедим. У ҳақда Эдуард Захаудан билиб олишингиз мумкин. Умар Ҳайём ҳақида суради. «У ҳам буюк математик эди» дедим. Преображенский ута атеист киши эди. «Коммунизм алифбоси»да атеизм бутун илмларнинг бош манбаи деб ёзган эди. Бир кун бу мавзуда суҳбатлашар эканмиз «Бутун бу метафизик баҳслар ҳақида бу қадар қатъий фикр билдириш жоизмикин. тугриси, уртоқ Преображенский сиз бир поп булишингиз керак эди, коммунизм йулига нотугри кирибсиз” дедим. Бу ҳақда кейинчалик

\* Al-aqil-u la-yatalazzezu illa bi-l umuri al-nafsaniyeti al-baqiye;

Va'l gafil-u la yalizzuhu illa-l-taqallub-u bey`nl-khamri va`l-khumari.

Ленинга сузлаб беришибди. Ленин «Валидов буни тугри айтибди» дебди. Преображенский хакикатан ҳам маданиятли киши эди. Май ойида Москвада қуришганимизда «Ал-Берунийда нима гаплар бор?» деб сўради. Менинг гапларим эсида қолган экан. «Вақтим булганда эди, мен унинг ҳаётини урганар эдим. Мен бундайларга кизиқаман» деди. Балким у бу орада Заҳаунинг ёзганларини уқиб чиққандир.

Декабр ойида Артемни ҳам меҳмонга чақирдим. У том маънода «чекист» эди. Ҳозир Украина, Урал ва Сибирдаги бир нечта саноат корхоналари унинг номи билан юритилади. У жаҳон коммунизмнинг назарийчиларидан ва ашаддий амалиётчиларидан бири эди. Коммунизм урнатилишига тусиқ булаётган эски авлодни илдизи билан бутунлай йуқ қилиш керак деган фикрда эди. Ун минг зиёлини бир неча кунда йуқ қилсак катта фожиа эмаску, янги авлодни эса коммунизм руҳида тарбиялаймиз. Коммунизм руҳида етишадиган авлодни биз инкубатордаги жужалар қаби етиштирамиз, дер эди. У аслида украин эди. Бироқ украин миллатчиларидан нафратланарди. Унинг фикрича, рус тилини бутун Осиё билиши керак, деб ҳисоблар эди. Унинг фикрича, келажакда одамлар русча билан бирга инглизчани уқиб-ёзишига ишонар ва дунёнинг бошқа барча тиллари уткинчи деб ўйларди.

Мен Артем билан Чернишевский ва Плеханов асарлари хусусида куп суҳбатлашардим. Унга бу жуда ёқарди. Қишлоқдаги оиламнинг содда ҳаёт тарзини ҳам билиб олди. У уз саргузаштларини гапириб беришдан чарчамасди. Олий техника билим юртини тамомлаши билан социалист булган. Ленин билан анчадан бери таниш булган, аввал Париж, кейин Швецарияга қочиб юрган. Украина ва Уралда ишчилар орасида яширин ташкилот тузиб юрганида бир неча мартаба ушланиб, Сибирга сургун қилинган. У ердан ҳам қочиб Кореяга, Хитойга ва ниҳоят Австралияга келиб, саккиз йил яшаган, ишчилар орасида тарғибот ишларини олиб борган, инқилобга даъват этувчи газеталар нашр қилган. Шунча йиллик саёҳатига қарамай у Шарқ, хусусан, мусулмон олами, салоҳияти хусусида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасди. У коммунизмни Жануби-шарқий Осиё буддизм билан бирлаштиргандан сунг коммунизм бутун дунёда ҳукмрон бўлишлигига ишонарди. У исломни душмани эди. 1966 йил «Янги Истамбул» газетасининг 2 январ сонида Вьетнам масаласи муносабати билан бир мақола эълон қилган эдим. 1966 йил Венада утказилган Халқаро тарихчилар конгрессига келган бир рус олими бу мақоланинг рус тилидаги таржимасини Москвада уқиганини айтди.

Артем инсоният жамияти иродасини синдириб, уларни роботлар ҳолатига келтириб, коммунизмни энг қупол воситалар орқали амалга ошириш лозимлигига ишонарди. Унинг фикрича, коммунизмни синдириш учун майда халқларнинг иродалари урнига катта миллатларнинг империалистик ғояларидан фойдаланиш тугри

буларди. Унингча, гоё учун бутун воситалардан фойдаланиш мумкин. Хуллас, у халқаро коммунизмни ашаддий мутаассиб миссионериди. Албатта, бу гоёларни Лениндан урганган бўлиб, куп ҳолларда гуёки унинг акси куринарди. У билан суҳбатлашиш, уни гапиртириш Лениннинг режа ва фалсафасини урганиб олишимга кумак берарди. Мен Ленинни унинг асарлари билан бирга унинг издошлари орқали яхшироқ урганиш мумкинлигига ишонардим.

Бизда энг куп булган Самойловда коммунизм доктринасидан бошқа узининг фикрига эга эмасди. Шунингдек, у Бошқирдистонда утказган ҳаётини хотира шаклида жонлантирган ягона рус кишиси ҳисобланади. Бу кишилар менинг ленинизм ва Лениннинг истикболига оид фикрларини яқиндан урганишимда жуда қимматли манба бўлиб хизмат қилишди. Улар орасида яна мен номусли, деб биладиган асли поляк кекса Войцеховский ва Сыромолотов бор эди. Улар Артемпдан фарқли уларок оддий кишилар эди. Сиромиятников ҳам Бошқирдистондаги фаолияти ҳақида қизиқарли мақолалар нашр қилганини кейинчалик билиб олдим. Бошқирдистонда ижобий сиёсат юргизиш тарафдори булган коммунист руслар ҳам бўлиб, улардан бири Мостовенко эди. У ҳам Самойлов сингари Бошқирдистондаги фаолиятларига доир мақолаларни 1928 йили «Пролетарская революция» журналида эълон қилган. Унинг фикрича, Самойлов бир томонга ён босиб ҳаракат қилган эди. Шамигулов каби татар шовинистларга варусларнинг бошқирдларга душман булган аъзоларига суяниб ҳаракат қилган, холбуки коммунистик партия секретари Крестинский сингари Мостовенконинг ўзи ҳам Бошқирдистонда бир миллатни иккинчисига гижгижлаш сиёсатига қарши эди. У кишининг айтишича, 1918 йилда Сталин вақтинчалик илгари сурган татар-бошқирд жумҳурияти ташаббусидан Самойлов фақатгина иттиҳорлик мақсадида фойдаланган эди. Мостовенко яна айтадики, «Валидов шуро Осиейдаги халқлар ва уларнинг ҳукуматини федерация асосида бирлаштириб, буюк давлат қуриш йулида ташаббус курсатар экан, албатта унинг мақсади Россия тобелигидан чиқиш эди. У бошқа дустларига нисбатан кенг дунёқарашга эга инсон эди. Жумладан, Валидовнинг ташқаридаги Туркия билан келишган ҳолда ҳаракат қилгани қурилади. Бизнинг (яъни шуроларнинг) Бошқирдистонда муस्ताҳкам мавқега эга бўлиш, қушни вилоят русларига ва татарлар орасида бошқирдларга қарши булган унсурларга суяниб амалга оширган сиёсатимиз хато эди. Крестинский сингари Лобов ҳам айни шу фикрда эди».

Биз Бошқирдистондан кетгач, Мостовенко 1920 йилнинг 8 ноябрида коммунистик партия марказига муфассал баённома ёзиб берди. Мен Мостовенкони шахсан қурганимни эслолмайман, бироқ Войцеховский қурашлар авжига чиққан пайтида Истарлитамокка келиб, рус коммунистлари билан суҳбатлашганда, бундай иғволардан



иборат сиёсатини «виждонсизлик сиёсати» (нечествая политика) деб номлаганини эшитган эдим. Унинг томоғи тешик эди. Гапираётганда томоғига резина тиқиб олар эди. Ҳар ҳолда Войцеховский ва Мостовенко коммунистларнинг энг виждонли фидойиларидан эди. Артем, Преображенский, Мостовенко ва Войцеховский гарчи бир ғояга ишонишсада, уларнинг характери ва тутган йўлида очик-ойдин фарқлар сезилар эди. Бироқ уларнинг ғояларидаги софлик ва куч-қувват йўлдошлари бўлган бошқа коммунистлар характери ва фикрларида мавжуд булган шайтоний хусусиятлари каршисида йук булиб кетарди. Уларнинг бир ғояга боғланганлиги инкилоб учун улдирилган юз минглаб инсонларга нисбатан жавобгарликнинг катта эканликларини англашини таъминлар эди.

§ 160. «Бошқирдларга ёрдам» ва мустақкам мавқелар. «Башкиропомощь» номи билан машҳур булган ва юкорида тилга олинган ташкилот фаолияти шўроларнинг бизга нисбатан татбиқ қилган носамимий, айёрона сиёсатларининг энг мукаммал кўриниши эди. 1919 йилнинг дастлабки турт ойида Бошқирдистоннинг айниқса урта ва жанубий кантонликларида қизил қушин дахшатли талонтарожни амалга оширди. Бу ерларда 5377 та хонадон бутунлай вайрон қилиниб, 50000 га яқин инсонлар очликка маҳкум қилинган эди. 13354 та от, 6242 та сигир, 20 000 та қуй, 100 000 пуд ғалла, 20 000 пуд гушт ва ёғ, 400 000 пуд емоҳашак зурлик билан тортиб олинган. Булардан ташқари кийимлар, ғилам, кўрпа-тушак, оёк кийимлари, аёллар такинчоклари ва бошқалар олинган. Бошқирдистон ҳукумати ҳаммасини аниқлаб, уларнинг руйхати тузилиб, шахсан мен уни Лениннинг қўлига топширган эдим. Ленин 6 октябрда Шуро ҳукуматининг қизил қушин томонидан етказилган зарарни коплаш учун бошқирдларга ёрдам деб аванс тариқасида 150 миллион рубл миқдорда пул ажратишига доир қарор чикарди. Бироқ бу ёрдамни улар Бошқирдистон ҳукумати орқали эмас, узлари тайинлаган «Бошқирдларга ёрдам қўмитаси» орқали берадиган булишди. Ёрдам эвазига ушбу қўмигага камбағаллар комитетлари ва коммунистларни кичик ташкилотларини тузиш учун буйруқ ва курсатма берилган эди. Бу ишларни бошқариш учун даставаат Дудник исми кишини сунг (14 декабрда) юкорида номи тилга олинган Артемни юборишди. Улар фуқаро комитетларини маҳаллий рус коммунист комитетлари билан биргаликда тезлик билан ташкил этишар эди. Янги қурилган Бошқирдистон улка коммунистик партияси ҳам уларга ёрдам беришга мажбур эди. Юкорида айтиб ўтганимиздек, Сталиннинг сайъи ҳаракати билан Бошқирдистон тобе булган Туркистон Фронти (Туркфронт) Бошқирдистонда гуёки «умумий хавфсизликни таъминлаш мақсадида» мустақкам истехкомлар қурила бошлаган эди. Бунинг учун Оренбургдан Спирин бошчилигида бир қисм рус аскарлари жунатилган бўлса-да, мен Москвадан қайтгач, уларни қайтариб

юбрдик. Шунга карамай Москва Бошқирдистон ҳудудида мустаҳкам истеҳкомга эга булган қумондонликни ташкил этиш ишларини тухтатмади. Сталин курсатмасига биноан Оренбург коммунистик ташкилоти Туркистон фронтидаги бошқирд кушинларини ҳам мана шу қумондонлигига қушиб олишга уринишар эди. Биз қушинимизнинг улкамизда рус мустаҳкам истеҳкомига эмас, туғридан-туғри Туркистон фронтининг узига тобе бўлишини, ўлкамизнинг ички ишларига аралашилмаслигини сурадик. 7-9 мартда Бошқирдистон коммунистик партиясининг иккинчи конференцияси йиғилди. Гарчи, ҳалигача аъзолик билетим бўлмасада, бу конференцияда мен ҳам иштирок эдим. Рус делегацияси ва Москва вакиллари «Бошқирдларга ёрдам» ва «Мустаҳкам истеҳкомлар» масаласига ёпишиб олишди. Биринчи жаҳон уруши туфайли Ғарбий Россиядан кўчириб келтирилган «вақтинчалик мухожирлар»нинг қупчилиги жануби-шарқий Бошқирдистоннинг Усерган ҳудудида ва рус қишлоқларига жойлаштирилган эди. Сталин ва Оренбург вилояти шуро ҳукумати уларга ҳомийлик қилди. Улар ёрдамида бу мухожирлар туғридан-туғри бошқирдларнинг ер ва мулкига тажовуз қила бошлади. Уларни камбағаллик комитетлари ва мустаҳкам истеҳком қўллаб-қувватларди. Бошқирдистон ҳукумати буни олдиндан билиб, чорасини курди.

§ 161. Қизгин жанг пайтидаги илғий мулоқотлар. Юкорида айтилган турт панисломчилар зиёратидан қуп утмай хинд аҳрорларидан ва панисломчи шайх Саид Арабий Панжобий Истарлитамоққа келди. Москва вакиллари билан тортишувимизнинг қизгин палласида уни уйимга таклиф қилдим. Москвадаги ташқи ишлар вазири Чичериндан мактуб олиб келибди. Бу киши асли панжоблик бўлишига карамай Бирмада яшаб, Биринчи жаҳон уруши йилларида Истамбулда газета нашр эттириб турган. Уни Москвада курган эдим. Жалолиддин Румий ва Шамс Табризийнинг шайдоси эди. Мен унга Шамс Табризийнинг Сирдарё буйидаги туркий яссавий шайхларидан бўлганини, унга туркий шеър ва ҳикматлар несбат қилинганини ва Бошқирдистонда уша пайтда оламдан утган Муллагул дарвишининг бу шеърларни ёд олганини айтганимда сузларимдан хайратланган эди. Чунки у Шамс Табризийни эронлик деб билар экан. Румий ва Табризий асарларини доимо ўзи билан олиб юриб, Қуръон сингари доим уқир экан. Румий ва Шамс Табризий хикояси қуйидагича эди: Жалолиддин Румий асли балхлик булиб, она томонидан қипчок хонларига бориб такалади. (Унинг буваси бу хонлардан биттасининг қизига уйланган эди). Бу қипчок хонлари Афғонистондаги Мурғоб бўйи ҳамда Тожикистондаги Вахш дарёси хавзасида яшаганлар. Хоразмшоҳнинг онаси билан ораси бузилгач, унга яқин булган қушин қумондонлари унинг душмани Чингизхонга мактуб йўллаб, у билан келишишади. Бу масалалар сабаб қипчок хон ва беклари билан онаси томонидан қариндош саналган балхлик сайидлардан Баҳовуддин ва унинг уғли

Жалолиддин очикчасига Чингизхон томонга ўтиб, Хоразмни тарк этади. Богдод ва Ҳижоз томонларда юриб, сунг Овадулидаги Куња салжукийлари ҳузурига келади. Жалолиддин у ерда Табриздан келган ва азер қабиласига мансуб Шамсиддин исмли дарвишга муҳаббат боғлади ва ундан илҳом олиб шеърлар битди ва машҳур бўлди. Жалолиддин бу дарвишни кипчоқларнинг девона шоҳи деб атаган ва унга бағишлаб кипчоқ шеvasида шеърлар битган. Жалолиддиннинг ўғли Султон Валад кипчоқ ва ўғуз шеваларини аралаштириб ёзган бир шеърда Шамсиддиннинг тилидан “мен азерман” деб айтади. Темурийлар даврида яшаган тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий ҳам Шамс Табризийни азер қавмига мансуб деб курсатган. Мен Шайх Сайидга буларни, Шамс Табризийнинг туркийча шеърларини Бошқирдистонда Муллагул исмли бир дарвиш ёд олганини, отам ҳам бу дарвишдан эшитиб унинг шеърларини ўрганганини айтдим. Шайх ўша шеърларнинг қаерда эканини суради, топайлик деди. Туркийчани яхши биладиган Шайх Саид бу масалани суриштириш ва Муллагулнинг шеърларини топиш учун Бошқирдистонга келишини айтган эди. Мана у келди ва биринчи иши Муллагул ҳақида маълумот олиш бўлди. Мен отамни чакириб шайх билан таништирдим. Отам унга кўп ёрдам қилди. Муллагулнинг таржимайи ҳолини, айтган шеърларини ёзиб олди. Вазият мураккаб бўлгани боис мен унга ёрдам бера олмадим.

Шайх Сайид Истарлитамоқда бир муддат қолиб, отамни ва Муллагулнинг яқинлари билан қуришганидан сунг Москвага қайтиб кетди. Сунг ҳозир Истарлитамоқда яшайдиган ҳиндистонлик Зафар Ҳасанбей билан Истамбулга борибди. Мен у билан уша ерда яна бир бор қуришдим. Сунг Мисрга кетганини, 1950 йилларда вафот эганини эшитдим. Шайх Сайид узини аслида сирдарёлик қозоқлардан деб танитган Муллагул дарвиш ҳақида тўплаган маълумотларини олиб чоғ эгирмаганимга ҳалигача ачинаман.

Шуро ҳукуматиининг меҳмони бўлгани боис уни биздаги шуро вакиллари ҳам кузатиб қўйишди. Шайх Сайиднинг мени яхши сузлар билан мактаб, араб ва эрон адабиётини билишимни айтганида Артем: “Налидон бу Урал томонларда катта фигура саналади” деди. Москва вакилларининг, хусусан, Артемнинг мени Москвада ишлагани учун Бошқирдистондан чакириб олиш кераклиги ҳақида рапорт ёзишига ҳиндистонлик Махендра Протан, мавлавий Баракатуллоҳ ва Шайх Сайидларнинг мени Шарқнинг умумий муаммолари билан шуғуллана оладиган шахс сифатида кўрсатишлари ҳам сабаб бўлган.

§ 162. *Москва вакилларининг қутқулари.* Мамлакатимизда “вактивчаллик мухожирлар” ва қипчоқ русларига суянувчи Артем ва маслакдошларининг қутқулари давом этди. Биз ҳам жиддий равишда уларга қарши курашдик. Улар тўққиз кишидан иборат бўлганликлари боис “Тўққизлар” (девятка) деб аталарди. Улар Бошқирдистон

хукумати билан маслаҳатлашмасдан 9 март куни Истарлитамоқда камбағаллар комитети (комитет бедноты) ва коммунистик ташкилотлар съездини чакиришди. Биз бошқирдларга ёрдам ишини сиёсатга аралаштирмасликларини, келаётган пулни кизил қушиндан зарар қурган бошқирдларга дарҳол таркатиш лозимлигини талаб кидик. Улар рози бўлмагач, конгрессга аралашдик. Бу ҳодиса шўро тарихчилари томонидан бир “қузғалиш” сифатида тасвир этилди. Улар орасида Шамсун Типеев “Бошқирдистондаги миллий ҳаракатлар тарихига қизгилар” номи остида 1929 йилда нашр этилган асарида шундай ёзади:

“Бошқирдистон инқилоб комитети билан келишиб ишлаш имконияти йуқолгандан сунг Артем бошчилигидаги “туққизлар”, Москва хайъати Усарган вилоятида коммунистик партия съездини чакирди. Бошқирдистон хукуматининг руҳсатисиз чакирилган бу съезд хукумат томонидан ғайриқонуний деб эълон қилинди. Усарган съезди масаласини уз урнида тафтиш қилиш учун Бошқирдистон хукуматидан икки валидовчи ва “туққизлар”, яъни Москва вакилларида Ивановлардан иборат уч кишилик хайъат юборилди. Бирок Валидов шу қадар қатъият ва тезлик билан ҳаракат қилдики, (Москва партия вакили) икки кун кечикиб Усарганга келган пайтда ҳамма иш ҳал қилиб булинган эди. Икки валидовчи келиши билан съезди ва Усарган коммунистик партия ташкилотини таркатиб юборди. Партия аъзоларининг қулидан аъзолик гувоҳномаларини тортиб олди. Аъзолардан улгурганлари ҳудуд ташқарисига (Рус Оренбург вилоятига) қочишди. Баъзилари эса валидовчилар томонидан қамоққа ташланди. Яъни Иванов келган пайтда бу вилоятда коммунистик ташкилотидан асар ҳам қолмаган эди. Иванов қулидан ҳеч нарса келмасдан ортига қайтиб кетди”.

Биз томондан қурилган қатъий чораларга қарамай, Артем “Оренбург шўро хукумати”ни ва Бошқирдистондаги вақтинчалик муҳожирларни авраб улар орқали ҳар жой ҳар жойда коммунистик ташкилотлар қуришида давом этди. Яъни Артем ва унинг маслақдошлари Бошқирдистон хукумати розилиги билан ташкил этилган расмий коммунистик партиядан ташқари хукуматга қарши иш олиб борадиган яширин коммунистик ташкилот қуришди. Бу эса ичкарига яширинча қурол олиб қирган рус муҳожирлари билан туқванувга ва уларнинг қулидан қуролларнинг олиб қуйилишига сабаб бўлди. Спирин очикчасига бўлмасала, яширинча қаршиликка тайёрланди. 10 март куни кечаси Истарлитамоқ шаҳридаги мен яшайдиган уйнинг шундоқ орқасида ук овозлари эшитилди. Деразалар сипди. Қуриқчилар ҳимояга утиб тажовузқорларни қувиб солишди. Аммо уларнинг қаердан ва қандай келгани орғаси кунги текширувларда ҳам маълум бўлмади. Чунки улар Бошқирдистон коммунистик партиясига қирувчи русларнинг сиёсий мувоқабла мақсадида жойлаштирган

кушни уйлардан чиқиб сунг яна худди шу тарзда йуқолишган эди.

Бу масала Лениннинг шахсан узига билдирилди. Шуру хукумати Троцкий билан Фрунзенинг бу ишларни текширишга маъсул килди. Фрунзе Спириини Бошқирдистондан чақириб олиб, урнига бизнинг биринчи бошқирд отлик кушни кумондони булган полковник Ахловни тайинлади. Ахлов шимолий Кавказнинг батлабоши нугайларидан эди. У мардонавор зобит эди. Бу билан Фрунзе мақсади Бошқирдистоннинг ички ишларига аралашиш эмаслигини курсатмоқчи булди, бу ҳақда билдириб менга телеграмма йуллади. Бошқирд халки учун бир хитобнома нашр килди (Бу хитобнома Фрунзенинг хотираларида келтирилган). Троцкий эса Москвадан шахсий поезд орқали шошилинич Уфага юборилди. Бошқирдистон хукуматидан турт киши, Москва партия вакилларидан турт киши (улар орасида Артем ва Преображенский ҳам бор эди) Уфага чақирилди. Троцкий ҳар икки томондан туриб қатнашди. Бу мажлисда Артем фанатик ва душманларча сузлаган булса, Преображенский шу қадар мулойим эди. У мени ранжитадиган бир огиз ҳам суз айтмади. Натижада 20 моддадан иборат қарорнома қабул қилинди. Бу қарорлар асосан бизнинг фойдамызга ҳал булган эди. Унинг 16-моддасида “Бошқирдистоннинг қатта коммунистик федерация таркибидаги коммунистик жумҳурият ҳолига келиши учун ҳаракат қилинади” дейилган булса, 14-моддада “бу улка ва аскарлари Туркистон фронти таркибида қолади” деб қайд қилинган эди. 11-моддада “татар газеталарида ва Бошқирдистонга кушни вилоятлар (Оренбург ва Уфа) газета ва нашриётларида Бошқирдистон мухториятига қарши, бу ерни реакция маркази деб курсатиб амалга оширилаётган кампания ҳаракатлари қатъиян ноқоиз экани курсатилган ва “бу ишлар бутунлай гухтатилиши керак” дейилган”. Ҳақиқатан ҳам Оренбург ва Уфада чиқаётган татар газеталари руслар сингари бизга қарши эди. Улардан Шамигулов ва Исмоилов исмли икки кишини руслар уз вакиллари сифатида Бошқирдистон ўлка коммунистик партиясига жунатган эди. Улар улкадаги ишларни бузиш йулида руслардан кура купрок ҳаракат қилишарди. Бошқирдистон хукумати уларни кулга олишга ва қайтариб олишларини Москвадан талаб қилишга мажбур булди. Шунингдек, татарлар орасида номи юқорида зир этилган Каспранский ва Раҳматуллин исмли икки собиқ коммунист миллий гоъни куллаб мухторият учун ҳаракат килдилар.

§ 163. *Муфтий Олимжон Барудий билан учришув.* Уфадалигимда ички Россия ва Сибир мусулмонларининг муфтийси унвошини сақлаб қолган Олимжон Барудий мен билан куришиш истагини билдирди. У менга “Бошқирдистон мухторияси тарихан адолатли булган шарафли ишдир. Татарлар орасида аксарияти сизни куллаб-қувватлайди. Бирок бир қисми ҳали ҳам сизга душман. Буни ҳал қилишга ҳаракат қиламан” деди. Мен: “Яхши ҳаракат қилинг, бирок

бу ишни икки йил олдин қилишингиз лозим эди. Куриб турибсизки, ҳозир Уфа вилояти татарлари бизга аскар булиш ва жумҳуриятимизга қушилишни истади. Бирок уша пайтда мусулмонлар номидан бизга қарши чиқиб руслар билан ҳамкорлик урнатган ҳолда коммунистик партияга киришган. Улар бизга қутук солмайди” дедим. У: “Ҳа, тўғри, кунгиз чораси йўқ, мана шунинг учун олдингизга келиб сизга зиён келтирмадимикин деб қурқаман”, деди. “Бунга ҳаққингиз бор” дедим. Олимжон Ҳазрат узи бошқараётган муфтийликнинг бутунлай йўқ қилинмаслиги учун нима қилиши зарурлигини сўради. “Уша кунларда Уфада булган Троцкий билан учрашиш фойда бермайдими?” деб суради. “Роzi булмаса, ранжийсиз, сиз учун энг яхшиси, жимгина кузатишдир” дедим. Муфтийлик биниси таъмирталаб эканини айтди. Мен Бухорода таҳсил куриб форсча урганган муфтий афандига латифа йули орқали шайх Саъдийнинг қуйидаги мисрасини уқидим: “Мулк эгаси уйининг айвоқини бёзатиш билан банд, холбуки уй таг-туғи билан кулаш арафасида турибди”. Бирок умидсизланманг, ислом бир куни шурулар орасига кириб келади. Муфтийлигингизни бутунлай кулатиш йулидан юрмайди. дедим. Преображенский Троцкий билан бирга Москвага қайтди.

Қайтишда темир йулларни ҳимоя қилиб турадиган харбий қучларимиз иши билан машғул булдим. Давлекан станциясида мен билан бирга булган Каспранский ва Раҳматуллин улар учун муҳим булган бир ходисани гапириб беришди. Контреволюционер Абдуллох Баттол мана шу станцияда экан, уни тутишимиз керак экан. Мен уни олдимга келтиришларини сурадим. Ҳозирги кунда саксон ёшдан ошиб Истамбулда бир нечта асар муаллифи сифатида яшаётган ва Қозон туркийларининг маданий ҳаёти ҳақида ажойиб асарлар нашр этган бу киши (ҳозирги исми Тоймас) мамлакатимизда инқилоб ҳаракатларининг иккинчи жабҳасини ташкил этмоқда эди. Аксарият татар зиёлилари мухторият ҳаракатига қарши булган. 1917–1918 йилларда Абдуллох Баттол ва адабиётшунос Жамолиддин Валидий ва бошқа бир канча кишилар “худудий мухторият” тарафдори булиб, кураш олиб боришди, газета чиқаришди. Бирок Уфа шаҳри қизиллар қулига ўтган пайтда улар Колчак бошқарувидаги Қизилёр (Петропавловск)га утишганликлари боис коммунистлар уларни колчакчилар деб ҳисоблашади. Энди Сибирь ҳам шурулар қулига ўтгач, оиласи яшаётган Қозонга қайтмоқчи экан. Бу ерда у билан узоқ суҳбатлашдик. Уни татар коммунистлари қулидан қутқариб, йулида эркин давом этишини таъминладим. Татар коммунистлари рус устозларига яхши қуриниш учун узларидан бошқача фикрда булган кишиларни тутиб келтиришни одат қилишган эди. Москвада Калинин

\* Xosa derpis-i naqs-i eyven-est  
Xane ez pes-u bend veyran-est.

комиссиясы пайтида ва сунг юзага келган тортишувларга гувоҳ булган бу икки кишига айтдимки: “Уз ватандошини таъкиб килиб, рус дусларига яхши куринишга интилишнинг окибати қандай булишини курдингиз. Бир куни бу таъкиб сиз ва бизнинг бошимизга тушса, уша пайтдаги пушаймон фойда бермайди”. Бу улар учун яхши дарс булди. Зотан, Москвадаги Калинин комиссиясидаги курашлар бу икки татар коммунистига жуда ёмон таъсир қилган эди.

Троцкий билан Уфада булиб утган конференциядан сунг Артем ва Самойлов уз вазифалари булган фиску фасод ишларини давом эттириш учун Истарлитамокка кайтишди. 15–20 мартда Артем Усарган хурудидаги бир рус кишлогида съезд чакириб қарорлар чиқарди. Бу ерда Артем “Заки Валидов давлат ишларида бошқирд тилидан фойдаланмайди, мана биз сизга бошқирдчадан фойдаланишни ўргатамиз” деб қарор чиқаришибди. Бу Москвадан Сталин томонидан берилган кўрсатманинг натижаси эди. Ҳақиқатан ҳам биз Бошқирдистондан чикиб кетгунимизча, расмий газеталаримизни татарлар ва бошқирдлар тушунадиган умумий рус тилида нашр эттираётган эдик. Артем, Губайдуллин исмли бошқирд коммунистига бошқирд тилида хитобномалар ёздирибди. Мен эса у ташкил этган инкилоб комитетини тарқатиб юбориб, аъзоларини камокка ташладим. Тошли конида ва Архангелск заводитда рус коммунистик ташкилотларининг салбий фаолиятлари хаддан ташқари чегарадан чиққан эди. Самойлов: “Валидов уларни тутиб, қулига кишан солиб, базиларини икки отлик орасида югуртириб камокхонага келтирди”, деб айтибди. Шу кунга қадар доимо ҳарбий ёки ярим ҳарбий кийимда юраман (14-рasm). Москвада бир таниш тикувчи менга ҳарбий кийим тикиб берди (15-рasm), бу Самойловга ёқмади ва гуё менга дустдек “бу кийимингизни танкид қилишимга рухсат этинг” деди. “Рухсат, бироқ тикувчига ёмон суз айтманг, тикувчимиз коммунист” деб хазиллашдим.

§ 164. “Бошқирдларга ёрдам”нинг апрел ойидаги съезди. Апрельнинг биринчи ҳафтасида Артем ва бошқа Марказ вакиллари “Бошқирдларга ёрдам” ташкилоти съездини бу сафар биздан рухсат олган ҳолда чақирдилар. Халқимизга ёрдам беришни шиор қилган бу ташкилотнинг мақсади ва нималар билан шуғулланаётганини билсақда, тўскинлик қилмадик. Бироқ съезд давомида русларнинг мухториятимизга қарши билдирган ортиқча хитобларини съездда иштирок этган бошқирдлар келиб айтгач, Бошқирдистон унинг бу шаклда давом этишига монелик қилди. Бу хусусда Самойлов уз хотираларида шундай хикоя қилади: “Уфа мажлисида Троцкийнинг қуллаб-қувватлашидан рухланган Валидовчилар узидан кетди. Уларнинг коммунизмга зид булган, миллатчиликдан иборат сиёсати ва ҳаракатлари биз марказ вакилларининг бу ерда фаолият олиб боришимизга мутлақо имконсиз ҳолга келтирди. Бу айниқса апрел ойи

бошида тупланган Бошқирдларга ёрдам съездда билинди. Бошқирд рахбарлари бу ёрдам ташкилоти воситасида Бошқирд партиясининг Москва ва коммунистлар таъсири остига олинишига қарши туришди. Бу съездда Москвадан Артём, Сухарев, Дауге ва мен (яъни Самоилов) вакил эдик. Бу ерда Артём томонидан сузланган нутқ сўнгида мажлисга Бошқирдистон ҳукумати аъзолари Валидов, Тухватуллин, Илёс Алкин ва яна бир киши кирди ва раислик қилаётган Артёмдан рухсат олишни ҳам лозим топмай кетма-кет минбарга чикиб нутқ сузлай бошладилар. Артём нутқ сузлашлари учун раисдан рухсат олишлари зарурлигини айтганида Заки Валидов уни “сволоч” деб ҳақорат қила бошлади. Артём жуда қаттиқ ғазабланди. Бирок Валидов билан тортишмасликка мажбур булди. Улар нутқларида бизни бошқирд халқининг мухториятини кулларидан олишни истаётган душманлар деб атади ва шаркликларни чор замонидаги сингари асоратда тутиш ниятида эканимизни айтишди. Бу вазиятда Артём фаолиятини давом эттира олмади, бетоб булиб қолди. У ҳам, мен ҳам бизни Бошқирдистондан чақириб олишларини сураб Москвага телеграмма жунатдик”. Артём уша хасталанганидан сунг тузалмасдан вафот этди.

“Бошқирдларга ёрдам съезди” ҳақида шуро тарихчиси Ш.Типеев асарида батафсил ҳикоя қилинган: У ҳам Менинг Артёмни “сволоч” деб атаганимни ва чор давридаги мустамлакачилик ва асоратни яна тикламоқчи булганликда айблаганимни, бироқ Артём бунга қарши ҳеч нарса дея олмади. Энди ҳеч нарса дея олмас эди ҳам, чунки съезд кайфияти (вастроение) узгарган эди.

Бу кураш натижасида партия ташкилоти Москванинг истагига кура ташкил этилган булса-да, бу кураш халқимизнинг тақдирига чуқур таъсир курсатди. Айниқса, Спирин билан рус аскарларини Усаргандан чиқишига мажбур қилишимиз, улар урнига мусулмон Ахловнинг тайинланиши, Москвадан келган 150 миллион рубл Бошқирдистон ҳукуматининг ташаббуси билан қулга киритилганининг барчага аён эканлиги ва бу ёрдамнинг қисман булса-да, бошқирдларга берилгани халқ олдида ҳукуматнинг обрусини кутарди, орттирди. Улкамизга чегарадош булган рус вилоятларида ва айниқса, татарлар маскан тутган ҳудудларда Бошқирдистонга қушилиш учун ҳаракатлари, бизни қуллаб-қувватлаб айтилган сузлар ва имомлар бизнинг халқимизга қилган дуолари юртни ички ишларини мустақил равишда бошқариш қанчалик фойдали эканлигини курсатди. Бу ҳақиқатлар икки йил илгари мухториятга қарши чиққан кишилар томонидан очик айтилмоқда. 1948 йил Анқарада эканлигимда Қозим Қорабакир пошо мени меҳмон қақириб, бир чашка қаҳвасини ичсам хурсанд булишини билдирди. Бордим, суҳбатлашдик. Унинг қулида 1919-1920 йил қиш ойларида Оренбург шахрида асирга олинган Сами исмли бир туркияликнинг Оренбург воқеаларига онд хотиралари бор экан. Унинг бу хотираларида давлатимизни мухтор бўлиши ва



эга булиши, Тургай ва Оренбург вилоятлари мусулмонларида қандай умид қилганликлари ёзилган эди. Бошқирд халқ шоирларидан, Буржан нўғайларидан булган Али Аҳмад исмли кишини монийлари ва курай(най)да куйланадиган миллий куйларини фонографга ёзиб олиш учун чақиртирган эдим. Бу киши 1895 йилда рус мусикашуносларидан Рыбаковга бу куйларни чалиб берган ва монийларни айтиб берган эди. Рыбаков 1897 йили Россия Фанлар Академияси нашрида “Урал мусулмонларининг мусикаси ва қушиқлари” номли каттагина асар нашр этди. Мен ёшлигимда бир неча маротаба Али Аҳмад кишлогига келиб тинглаган эдим. Мен унга мукофот тарикасида ҳарбий кийим ва бир қилич тақдим этдим. У жуда севинди. Бу киши бизникидан қайтишида Спирин аскарларининг Бошқирдистон ҳудудини тарк этаётганини уз кузи билан курган ва қасида шаклида шеър килиб айтган эди. Ҳозир, афсуски, бу қасиданинг менга бағишланган куйидаги парчаларигина муаллим Аҳмад Зиё Ўзқайнакнинг қўлида сақланиб қолинган:

Коронғуликда йул адаштира, Бизни тутри йулга чиқарар бу йигит.  
Ватанимиз душман тажовузига учрайдиган булса, уни бу тахликадан кутқарар бу йигит\*.

Уша пайтдаги шоиримиз Фатҳулқодир Сулаймон (Абдулқодир Инон) ҳам мен ҳақимда бир қанча қушиқ ёзиб ва уларни басталаган эди. Доктор Тугон ва профессор Янски уларни Венада нашр этишди (16-расм). Уша пайтда содир булган курашларни шеър оркали тасвирлаганлардан яна бири жануби-шарқий Бошқирдистондаги Байик номли кишлокда улғайган бир татар шоира қизи эди. Унинг “Спирин отряди” шеърый ҳажвияси тарихий ҳодисаларни англашда ва лирик жихатдан жуда юқори савияда эди. Афсуски, унинг шеърларини хорижга чиқариш имкони булмади. Бу Байик кишлогининг кекса тарихчиси Утамиш Ҳожи “Манғит кишлоклари” бу ерни татарлари Қозон татарлардан доим фарқ килиб келган, утган асрдаги бошқирд кузғолонларида жон фидо килиб ҳаракат килишган, улар орасидан ҳурматга сазовор олимлар чиққан. Бизнинг Бошқирдистон мухторият ҳаракатлари бошида булган Абдуллоҳ Адхам угли ҳам мана шу Байик татарларидан эди.

§ 165. *Калит муалмоси ва Ленин.* Шуро ҳуқумати Бошревкомни Истарлитомоқда жойлашишига рози буди, лекин бу шаҳарни чегарада жойлашган шаҳар деб РСФСР ҳудудида қолдириб, бизни шуро ерларида меҳмон сифатида тутишни истар эди. Шаҳар бевосита Бошқирдистон ҳуқумати бошқаруви остида булса-да, у ерда Россияга тегишли баъзи бинолар жойлашган эди. Бу биноларда рус муҳофаза

\* Qarangila tuned yul yadh han,  
tabip ta gina sigar bil yegit.  
Tugerektey ildi yav bath ha,  
alip ta gina sigar bil yegit.

ходимлари жойлашган эди. Шулардан бири аввал Кузнецов исмли бир бойга тегишли булган дон омборхонаси эди. Уфа вилоятининг шу ро рахбарлари “Бошқирдистон ҳукумати рус курикчиларини чиқариб юбориб, кулларидан калитларни тортиб олибди” деб Марказга телеграмма йуллашибди. Апрель ойининг урталарида кечки пайт уртоқ Ленин сизни телеграф бошига чакиряпти, дейишди. Петроградга аскар юбориш масаласини гаплашгандан сунг, Сталин ва Троцкий мени телеграф бошига чакиришган, шундан сунг Ленин бирор марта чакиртирмаган эди. Албатта, муҳим бир иши бордир, деб уйладим. Билсам, калитлар масаласи экан. Ленин дарҳол: “Уртоқ Валидов, Уфа вилоятига тегишли бинонинг калитини мажбурлаб олиб, у ерни ишғол қилибсиз. Бу калитлар ва бинони дарҳол қайтаринг” деди. Мен: “Хурматли Владимир Ильич, бу калитлар менда ҳам эмас, ҳукуратимизда ҳам эмас, ваҳоланки ҳеч қандай ишғол ҳам булган эмас. Сизни рус шовинистлари йулдан уряпти, сиз эса уларнинг айтганини ҳақиқат деб қабул қилмоқдасиз. Бошқирдистон ҳақида тўқиб чиқарилган уйдирмалар ва шубҳалар мана шу тарзда юзага келмоқда. Чор замонидан қолган империализм борган сари кучайиб бормоқда, кичик Бошқирдистон мухториятининг мавжудлиги қушинларимизнинг уйқусини қочирибгина қолмай, уларни телбага айлантирганини, сизнинг ҳам уларнинг сузларига ишонаётганингизни куриш мени ҳақиқатан ранжитди” дедим. Ленин: “Рост айтяпсизми, ҳақиқатан ҳам биноларни тортиб олганингиз йукми?” деб суради. “Йук” дедим. Ленин: “У ҳолда мен бу масалани суриштириб, натижасини сизга билдираман”, деди. Икки ҳафтадан сунг мен Москвада Ленинни курганимда бу ходисадан ранжиганини айтди. Бирок бутун Урал улқаси билан бирга Бошқирдистоннинг ҳам тақдир иғвогарлар, қизил рус шовинистлар қулига топширишдан бошқа нарсани уйламасди. Мен “Қанчалик, афсусланмай, уларга биздан кура купрок ишонасиз. Биз бунинг олдини олишдан ожизмиз. Чунки рус дусларингиз орасида буюк социалистик Россияси биносини барпо этиш ғоясини амалга оширишда ва мустаҳкамлашда фақатгина рус миллати цемент вазифасини ўтайди. Биз шарқликларни хурмат қилиш буюк рус жамиятини парчаланишига сабаб булади, деб уйлашади. Буни бизга уртоқ Артём ва Эльцин балки юз мартача айтди ва фикрларини яширишни лозим ҳам топишмади. Сиз мени таниганингизга энди 13 ой булди. Ваҳоланки, бутун ҳаётингиз улар билан утган” дедим.

§ 166. *Бошқирдистондан кетишимиз.* 28 апрелда Сталин мени телеграф бошига чакирди ва: “Уртоқ Валидов, бошқирд қушинига оид бир қанча муҳим масалани музокара қилиш учун дарҳол Москвага етиб келинг. Самойлов сиз билан бирга келади”, деди. Бу мени Бошқирдистондан чакириб олиш учун амалга ошириляётган тадбир эканини дарҳол англадим. Ҳукуратни тўплаб масалани музокара қилдик. Бир қанча дусларимиз бу амрга буйсунмай,

аввал Фрунзе билан маслахатлашишни тавсия қилдилар. Мен “Бу ишларда Фрунзенинг партия марказидан бошқа фикрда булишига ишонмайман. бундан фойда йук. Итоат қиламиз, сунг чорасини уйлаб курамиз. Мен оиламни олиб кетаман”, дедим. Сталин мени коммунисттик партия аъзоси сифатида, яъни партия маркази номидан чакирмоқда эди. Бироқ менга ҳали партияга аъзолик ҳужжати берилмагани учун “Бошқирдистон инқилоби тарихи”ни ёзган Типеев Бошқирдистон улка коммунисттик комитетининг сиёсий секретари булган Каспранский хакида тухталар экан. “Партияга оид бутун ҳужжатларни ҳали партияга аъзо булмаган Заки Валидовга беришди” деб ёзган. Яъни, улар мени партия (обком) мажлисига чакиришяпти, бироқ хақиқатда эса мени партия аъзоси деб билишмайди. Мен эса буни жуда яхши билардим. Энг яқин дўстларимга “Москвада ушланиб қоладиган булсам, Туркистонга бориб, исён ҳаракатларида иштирок этишимизни айтнинг” дедим. Баъзи чораларни куриб куйдик. Барча тайёргарлик ишларини биз кетгандан сунг Аллоҳберди Жаъфаров бошқарадиган булди. Бу ишларни икки кунда битириб, Москвага йўл олдим. Келибок Сталинга учрадим. Унинг ёнида Каменев ҳам бор эди. Билсам, Бошқирдистон ва қушинимиз масаласини муҳокама қилиш учун Сталин, Троцкий ва Каменевлардан иборат уч кишилик комиссия тузилибди. Сталин менга: Бир муддат марказда булиб туришингизга тугри келади, деди. Мен: “Шундай бўлишини билган ҳолда келдим” дедим. Автомобилни вакилликимизга жунатиб, йулда яёв кетаётган эдим. Тасодифан юкорида номи тилга олинган поляк коммунистини куриб қолдим. Унинг исми Войцеховский булса керак. У менга асло эсимдан чиқмайдиган баъзи нарсаларни айтди: “Сизни партияга олдик дегани фақатгина партия интизомига буйсундириш ва эркингизни қулингиздан олиш учундир. Энди партия сиз учун бир бешик вазифасини утайди. Биз коммунистларнинг энг катта омади партия интизомидир. Бироқ бу йул билан инсон иродасини букишимиз бир канча хурриятпарвар инсонларнинг омадсизлигига сабаб булмоқда. Менимча, сиз узингиздан Москвада эмас, Шарқда, уз мамлакатингизда фойдалана оладиган инсонсиз. Мен мамлакатингизда сизнинг ҳаракатларингизни катта қизиқиш билан кузатдим ва сиздан дунёқарашингизга мос равишда фойдаланиш кераклиги хакида баъзи дўстларимиз билан бирга партия марказий кумитасига таклиф киритдик. Бироқ бизга қулоқ солишмади», деди.

1917 йил ноябр ойида Бошқирдистон автономиясини эълон қилиб, биринчи бошқирд қушинини ташкил этаётиб, жон дилдан ёрдам бериб, сунг русларнинг таъкибига учраган капитан Бриц ва унинг олтига дўсти поляк эди. Полякларнинг руслардан бошқа миллатлар автономиясига кизиқшини XIX аср уртасидаёк бошқирд қушини кумондони ва Оренбург вилояти хокими булган генерал Циолковский ҳам очикчасига кўрсатган эди. Бошқирдларнинг миллий ифтихори

булган Карвонсарой биноси ва унинг Урта Осиё услубида қурилиши Цюлковскийнинг хайрихоҳи туфайли барпо этилган эди.

Москвага келганимдан икки кун утиб Ленинни кўрдим. Сталиннинг сузларини такрорлади. Юқорида ҳикоя қилинган қалит масаласини гапирди ва айтдики: “Мен сизни фақатгина кичик бир улка даражасида эмас, бутун Россия даражасида бирга фаолият олиб бора оладиган шахс деб биламан, улкангизнинг ишини бошқа дусларингиз ҳам қила олади, сиз ҳам ора-сира бориб турасиз. Ҳозирча шу ерда марказда ишлашга урганинг”, деди. Мен унинг сузларида лаганбардорлик излари борлигини сезиб турардим, бироқ узимни унинг сузларига ишонгандек қилиб кўрсатдим. Ленин мени Украина фронтида ташкил этилаётган мусулмон отрядлари иши ҳамда Москвада мусулмон шура республикалари конституцияларини тайёрлаш ишига масъул қилишгаётганини ва “Миллатлар иши комиссариати аъзоси” этиб тайинлашганини, ёнимда яна аввалгидек қуриқчи бўлишини гуё менга қилинаётган лутфдек гапирди. Менга автомобиллар ҳам берилган эди. Яъни, вазиятнинг зоҳирий томонини узгартиришмади. Ленин Бошқирдистон Шура Конгрессини менинг иштирокимсиз амалга оширишларини айтди. Менга Шарқ қавмлари орасида ишлаш учун бир режа тузишни ва Коминтерннинг бу борадаги фаолиятида жиддий равишда иштирок этишимни таклиф қилди. Сталин билан яна бир бор кўришдим. Бу суҳбатлар гуёки катта сирдек эди. У доим Троцкийдан шикоят қиларди. Мени Москвада олиб қолиш Троцкийнинг иши эмиш. Гуё Троцкий ва Дзержинский менинг Шарқ вилоятларида обрўимни ошиб бораётганидан кўркаётган эмиш.

§ 167. *Лениннинг ахлоқий қарангалари.* Бошқирдистон масаласи буйича комиссияга мени ҳам маслаҳатчи сифатида чақирди. Май ойида бу комиссия беш моддадан иборат қарор қабул қилди. Бу қарорга қура Бошқирия адлия, маориф, зироат каби масалаларда мухтор, бироқ ташки сийosat, иқтисод ва молия масалаларида, почта ва телеграф ҳамда йул ишларида РСФСРга тобе вилоят бўлиб қолди. Қушимиз энди Туркистон ҳарбий округига эмас, бундан кейин Волга буйи округига буйсундирилди. Комиссия аъзоси Каменев мухториятни бу қадар пучга чиқариб ташлаш фикрида эмас эди. у менга улкамизга Уфа шаҳри билан бирга бир қанча рус минтақаларини қушиш фикри мавжудлигини, бироқ бу ҳозирча тухтатилиб турганини айтди. Қарор эълон қилинган, яна бир бор Ленинни кўрдим. 1919 йил март ойида дастлабки битим тузилган эди. Барчамиз имзолаган эдик. Унда Шарқнинг мазлум миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари оз бўлса-да, берилган эди. Энди 14 ой ўтди, улар ҳам ҳавога учди” дедим. Ленин: “Сиз нима сабабдан бундай ахлоқий назариялардан гапиряпсиз? Қандай инқилобчисиз? Қандай қилиб бундай битимларга ишонасиз? Сиз билан имзолаган битим оддий қогоз парчасидан иборат эди”

деди. Мен: “Мен сизнинг инсоний муносабатларда мана шундай қоғоз парчаларига риоя қиласиз деб ишонган эдим”, дедим. Ленин айтди: “У ҳолда адашибсиз. Сиз бизнинг муҳтда ҳали яна куп нарсаларни ўрганиб оласиз. Мен жиддий ва самимий равишда истаймакки, сиз биз билан бутун Россия ва дунё микёсида ҳамкорлик қиласиз. Бир пайтлар ўткинчи зарурат сабабли имзоланган бир қоғозни деб мунозарага киришиш сизга ярашмайди. Ҳали курасиз, олдимизда бундан ҳам муҳим ишлар бор”. У бу сузлари билан мени маслакдошлари орасида кўришни истаганини ва буни самимий айтаётганини билдим. Чикиб кетаётганимда менга бир қанча қоғоз берди. “Буларни ўқиб чиқинг, сунг гаплашамиз, аммо фикрларингизни ёзма равишда беришингиз лозим” деди.

“Метропол” меҳмонхонасида юкори лавозимли шуро кишилари билан турли мавзуларда суҳбатлашардик. У пайтда одамларни ва партия аъзоларини шуро ходимларининг орқадан таъқиб қилишлари унчалик ривожланмаган эди. Бир қанча хусуслар эркин гаплашилларди. Бир кун Украина шуро ҳукумати раиси Петровскийга миллий республикалар конституцияси лойиҳаси ҳамда Ленин билан булган суҳбатларимдан олган таассуротларимни айтиб, ҳазиллашиб сурадим: “Модомики, Ленин гоя учун бутун воситалардан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблар экан, у ҳолда унга бугун онанг билан никоҳлансанг эртага жаҳон инқилоби бўлади, дейилса, буни бажарармикин?” Петровский ўйланиб утирмай айтди: “Албатта бажарган бўларди. Ленин бундай ишларга факатгина тактик нуктаи назардан қарайди. Масалан, у халқ орасида миш-миш чикиб, уларни бизга қарши қилиб қуймасмикин деб ўйлайди. Унинг бундай масалаларга қараши диний нуктаи-назарда мутлақо ёндошмаганлиги билан бирга ахлоқ ва анъаналар борасида ҳам чегара йук. Унинг ахлоқи пролетариатнинг синфий кураши эҳтиёжларига буйсундирилган. Биз коммунистларда вақтинчалик йулдош булганлар купчиликни ташкил қилади. Уларнинг бир қисми Ленин банкноталарга сохта имзо қуйганида, ташлаб кетишди. Аввало битимлар факат зарурат булганда қимматга эга. Шунингдек, мен бундай хусусларда Ленин сингари бепарво була олмайман”, Мен: “Ленин ҳақиқатан ҳам самимийми интернационалликда? Ёки унинг тафаккурида ҳам рус миллий гояларининг таъсири борми?” деб сураганимда шундай жавоб берди: “Ленин коммунизмни жаҳон микёсида урнатиш гояси томон одимлар экан, самимий ҳолатда миллийлик ташқарисидадир, бироқ тарихий, жуғрофий ва иктисодий жиҳатдан буюк Россияда яшовчи халқларга нисбатан унинг интернационал экани хужакурсинга. У бу хусусида великорус саналади. У коммунизмни кичик миллатларга суянишдан кура рус, инглиз, хитой каби буюк миллатлар ҳамда уларнинг империалистик анъаналарига суянган ҳолда ёйишни қискароқ йул деб билади”. Бошқа ҳеч ким бўлмаган пайтда бир кун Петровский билан ёлғиз

қолиб, ушга қуйидаги саволни бердим: “Григорий Андреевич, сиз 25 йилдан буён партиядасиз, улар билан йўлдошсиз. Ленин великорус миллий манфаатларини ҳимоя қиладими ёки унинг, масалан, Шарк улкаларида шовинист русларни ушлаб туриши тактика холосми? Нима сабабдан оз сонли коммунистларга нисбатан кичик буржуазия таъбирини қўлайди?”. Перовскийнинг жавоби қуйидагича булди:

– Ленин великорус манфаатларини буюк Пётрдан ҳам кура купрок ҳимоя қилади, бироқ у великорус миллатини капитализмдан озод қилиш шарти билан катта социалистик жамиятда ва бошқа миллатларга идеал булиши умидида тутиб туради, унинг манфаатини унга тобе миллатлардан устун куради, яъни у великорусчи бўлмаган ҳолда великорусча сиёсат олиб боради. Биз Украина миллатчилари ҳам Украина масаласида Украина миллатчиларидан бошқача фикрлаганимиз ҳолда Ленин билан ҳар доим тукнаш келамиз. Ленин русларга маҳкум бўлган халқлар ҳақида бошқача уйлай олмайди. Бу шу даражадаки, баъзида буни унинг юзига айтишдан чўчиймиз. Ленин “Оқимга қарши” асарида кичик миллатларнинг чексиз ҳимоячиси булиб куринади. Бироқ назария даври аллақачон тарихга айланди. Энди у ҳам бир қанча великорус дустлари сингари сиздек кичик миллатларга мансуб инкилобчиларни ва партия аъзоларини кичик буржуазия деб билади. Великорус тезисини ҳеч қандай шартсиз Қабул қилгунларига қадар уларга ҳақли ва ҳақсиз равишда кичик буржуазия номи тақалади. Модомики, умумий душманимиз капитализм ва капиталистик империализм экан, у ҳолда великорус коммунистлари билан кичик миллатларга мансуб партия аъзолари ўртасида узаро ёлғон давом этади. Буни шундай қабул қилиш ва бу билан тил топишиш лозим”.

Лениннинг энг яқин ва энг самимий дустларидан бири булган Петровскийнинг оғзидан эшитган бу гапларни Шарқий туркийлардан узим ишонган бир кишига айтдим. Адашмасам, бу Турор Рисқулов эди. У эса буни Букай Урдадаги коммунист дустларидан бирига мактуб орқали билдирибди. Петровский менга бу сузларни Ленин билан ўрталарида бир тортишув булгани сабабли айтди деб уйладим. Уша кунларда Туркиядан доктор Фуод Собит исмли кекса пантуркист келган эди. Бу киши эски турк аъналарига эътиқодли булса-да, коммунизмга мойил эди. Ҳатто унинг Туркияда таҳсил олган татар зиёлиларидан бири (астраханлик Нажиб Асрибей булса керак) ҳам буни кўрган ва мени ёзган деб уйлаган бир мактубни қозокчадан Туркия туркчасига ўгириб доктор. Фуодга берибди. У эса Анқарага қайтганида Мустафо Камол пошога берибди. Уша пайтда Россия туркийлари билан турклар ўртасида алоқалар мустаҳкам эди. Москвадаги “Метропол” меҳмонхонасида утказган суҳбатларимиз ҳақида дустларимга айтганларимнинг Туркиягача бориб етганини, кизиқиш билан қарши олинганини билиб, хайроқ қолдим. Менга

Лениннинг ахлоқий тамойилларини ва рус миллатчилигига булган муносабатини энг яхши тушунтириб берган киши Григорий Перовский бўлди. Албатта, у ўзи сингари менинг ҳам халқимиз руслардан нима кўришидан қатъий назар Ленинга содик қолишимга ишонгани сабабли бу сўзларни айтган эди. Бироқ мен Москвадан кетиб, шуруларга қарши ҳаракатга ўтганимдан кейин ҳам мен ҳақимдаги ижобий фикрinni ўзгартирмаганини Рудзутак Турор Рисқуловга айтибди. Лениннинг ахлоқий дувёқарашини ва битимларга қандай қуз билан қарашини 1924 йил декабр ойида Берлинда тўпланган “Сул социалистлар конгресси”да (бунда ҳозирги Италия сул социалистлари раиси Ненни ҳам бор эди) ўқиган нутқимда англаган эдим. Бу немис ва рус сул социалистлари нашриёти булган “Звамя борбы” (№9–10, 1925 йил) ва “Klassenkampf” (14.1.1925)да нашр этилган. Бу конференцияда ва босилган мақолаларда мен “Биз осиеликлар Ленин қадрсиз деб биладиган бундай қогоз парчаларига риоя қилишга одатланганмиз. Биз аввал Ленинни Тошкентдаги Колесов, Оренбургдаги Цвиллинг ва марказдаги Артёмлардан бошқача шахс деб билардик. Энди эса Лениннинг улардан умуман фарк қилмаслигини билдик” деганман. Бошқирдистонда коммунистик партияга аъзо булган баъзи зиёлилар 19 май қароридан сунг партиядан чиқишди. Самайлов бунинг сабабини сураганда: “Битимларни пучга чиқариб, 19 май қарорини чиқарган партияга аъзо булолмайман” дейишибди ва буни Самойлов ўз асарида алоҳида эслаб ўтган.

§ 168. *Яширин ташкилот.* 1919 йилнинг мартидаёқ Москвада III Интернационал (Коминтерн)га асос солинган вақтда Бошқирдистон ҳукумат маркази бўлган Темясда бу Интернационалга мустақил аъзо булиб кириш учун Шарқ социалистик партиясини ташкил этишга ҳаракат қилинди. Айни кунларда қозок зиёлилари орасида ҳам, Тошкентда ҳам бу йулда бир қанча ишлар қилинган эди. Уша йилнинг март ойида Коммунистик партиянинг Бошқирдистон ўлка қумитаси ташкил этилаётганда, Туркистонда социалистик ҳаракати рус коммунистик партиясидан алоҳида мустақил, Шарқ социалистик партияси мақомида III Интернационалга аъзо булиш йулида яна навбатдаги бир ҳаракат ҳаракат қилинди. Бошқирдистонда фаолият курсатаётган татар зиёлиларидан Илёс Алқин ва унинг уртоқлари 12 моддадан иборат дастур ҳам ишлаб чиқишди. Бироқ РКП МК бу дастурларни қуполлик билан рад этди. Бу орада Москвада ўзбек ва қозоқлардан салоҳиятли кишилар Низомиддин Хўжаев, Турор Рисқулов, Аҳмад Бойтурсунов ва бошқалар бор эди. Коммунистик партия мусулмон бюроси ҳалокат ёқасида эди. Расман мустақил бир Шарқ социалистик партияси қурилиши расман рад этилгандан сунг, биз яширин ишлашга қарор қилдик ва шу йул билан Туркистон, Қозоғистон, Бошқирдистон, Бухоро ва Хива коммунистик партиялари ташкилотларини бошқариб туришга қарор қилинди. Бошқирд миллий

ташкилотидан 14 кишини Туркистонга юбориб фаолият олиб бориши ҳақида қарор қабул қилинган эди. Москвада бизнинг режаларимиз ўзгарди. Шурулар билан ишлаётганларнинг бир қисми Туркистон жадидлардан иборат эди, уларнинг социализмга алоқаси йуклиги, бошқа қисми эса самимий равишда социализм фикрини қабул қилишгани боис бу икки гуруҳ мустақил партия сифатида дастурини ишлаб чиқиши ва узаро ҳамкорлик қилишига қарор қилинди. Ҳар икки мустақил партия ўзининг дастурини ишлаб чиқиб, ундан кейин эса ҳамкорлик платформаси аниқланди. Тошкент ва Қозоғистондан баъзи дўстларимизни чақирдик. Бошқирдистон вакиллиги учун Москва шаҳрининг марказидан данғиллама бир уй совет ҳукумати томонидан ажратилган эди. У ер барча суҳбатларимиз маркази бўлди.

§ 169. *Туркияликлар билан алоқаларимиз.* Май ойининг охирида Туркия ҳукумат аъзоларидан Жамол ва Халил пошолар, Ҳожи Сомий ва яна бир неча “Иттиҳод ве Таракқи” партияси раҳбарлари келдилар. Бу муносабатлар натижасида бизда туркияликлар билан суҳбатлар, гурунглар жонланиб кетди. Бунга Мустафо Камол пошо тарафидан Арзирумдан бизга юборилган бир телеграмма сабаб бўлди. Бу телеграмма “Оренбург ҳукумати Исломия Раиси”га яъни менинг номимга юборилганди. Уни аввал Оренбургга ундан Истарлитамоққа ва у ердан Москвага юборилганди. Бу телеграммада қардошлиқ ҳислари изҳор этилиб узаро алоқа урнатиш истағи билдирилган эди. Бу телеграмма қурашаётган янги ёш Туркиядан туғри келган илк хабарнома эди. “Оренбург Ҳукумати Исломияси”, яъни Бошқирдистон номи ҳар тарафга ёйилган бўлса-да, у ҳозир мухтор мамлакат сифатида умрининг сунгги дақиқаларини яшамоқда эди. Жанубий Кавказдаги Озарбайжон миллий ҳукумати бошига ҳам ҳудди шундай бир ҳол келган эди. Халил пошо Россия билан “воситасиз муносибат” урнатиш Озарбайжоннинг орадан кутарилишини тақозо эттирганини сузларди. Жамол пошо бир тарафдан Онадўлидаги ҳаракатга қўшилмоқ, бошқа тарафдан эса, Шурулар ёрдамида Афғонистон орқали Ҳиндистонда инглизларга қарши фаолиятда бўлмоқ тасаввурларини айтарди. Туркиялик мартабали арбобларнинг бу гоёлари бизга жуда мавҳумдай қуринди, Зеро улар шурулар имкониятларини тасаввур қила олмаётгандай туюлди. Айниқса, Жамол пошо ва Бадри бейларнинг профессор А.Лежандр деган бир франсузнинг “Қуо Бадис Европа” (“*Quo Vadis Europe*”) номли уша кунларда Парижда нашр этган асарида ёзилган ҳаёл маҳсули беҳуда нарсаларга боғланиб қолганларидан хайрон бўлдик. Бу франсуз Шуруларга туғри баҳо беролмаган. Россияда Шурулар оврупаликлар учун эркин нафас олиш учун имкон яратаётгани, улар билан ҳамкорлик қилиш зарурлигини, асосий ҳавф Шуро ҳукмронлигидаги Урта Осиё халқлари қурашларидан қутиш кераклигини ёзган. Жамол пошо эса булардан қуйидаги хулосага келган: “Мана бизда қандай



катта, куч-қудрат мавжудлигини кўрмоқдалар. Булардан Шуrolар ёрдамида иттифокчиларга қарши фойдаланиш керак”, дерди. Жамол пошо Чичерин маккорлиги туфайли Шуrolарга бутун Урта Осиё халқларидан иттифокчиларга қарши қушинлар тузиш вазифаларини унга топширишларига ишонган ва Россияда мавжуд турк харбий асирлардан бу йулда кенг миқёсда фойдаланиш имкони булади деб уйлаган. Ҳолбуки, Шуrolар Урта Осиё халқларидан куркар эди, профессор Лежандр айтган маънода эмас, балки бошқа бир маънода кўркадилар яъни, Урта Осиёликларнинг ҳар қандай бир куринишда ташкилотлар тузишга эришиш, айниқса, туркияликлар иштирокида уюштирилган иттифокчиларга нисбатан кўпроқ кўркардилар. Мен, аксинча, Урта Осиёга Шуrolар билан курашаётган кучларни ташкил этиш фикрида эканими Жамол ва Халил пошоларга сузлаган эдим.

Жамол пошо: “Худо хайригизни берсин, бундай килманг, биз ҳаммамиз Шуrolар билан бирга булайлик, хатто курашаётган туркистонликларни Шуrolар ёрдамида мен тузмокчи булаётган қушин сафига олайлик!” дерди. Мен бу тасавурлар оқибатда хаёл гирдобидан (иллюзиядан) бошқа ҳеч нарса бермаслигини, исён ҳаракатлари эса, исталган натижани бермаган тақдирда ҳам туркистонликларни русларнинг буйинтуруғига қарши курашга ургатишини, чиниктиришини, зотан, асосий душманимиз – ижтимоий қарахлтигимиз, аскарликдан (харбий хаётдан) узоклигимиз ва русларга боғланиб қолаётганимиз эканини айтдим.

Биз Бошқирдистон вакиллигида Туркиялик арбобларга катта зиёфатлар бердик. Лекин шунда биз янги бир нарсани кашф этдик. Туркиялик мавқе сохиблари ичишга, ичкиликка мубтало эканлар. Эски бир рус бойининг уйи ертуласида турли шароб, ҳар-хил ичкиликлар бор эди. Бирор зиёфат булмаса, бизнинг орамиздан ҳеч ким бу ертўладаги ичкиликлардан тотиб кўрмасди, фойдаланмасди ва буни лозим ҳам топмасди. Хусусан, бу меҳмонлар билан овора дусларимиз орасида одатий утиришларда, зиёфат ва оддий таомланишларда ичкилик ичадиган кимса йук эди ва буни асло одат килмаган эдик. Ҳолбуки, Жамол ва Халил пошолар бутунлай маст булганча ичдилар, ёрдамчи (адъютант)ларидан Муҳиддин бей ва бошқаларнинг кайфлари каттик маст булди. Халил пошо бу ишни зиёфатдан кейинги кун ҳам давом эттирмокчи булди. Лекин “Иттиҳод ва Тараккий”нинг мартабали зотлари Россиядаги туркий зиёлипардан фаркли уларок мустақил бир давлат одамлари ва мустақил қушин кумондонлари билан суҳбатлашганларимиздан кунлигимиз кутариларди.

Бошқирдистон вакиллигида берган зиёфатимизда мен бу орада Шуrolарга қушилгани сабабли Боқуда бир Мусулмон халқлари съездини ўтказиш таклифини уртага ташладим. Меҳмонларимиз бу ерда Россия итоатида булган мусулмонларнинг турли гурухлари

билан суҳбатлашиш имконига эга эканлигини айтдим. Сталинга ва партия котибларига масалани тушунтирдим. Бу орада келган баъзи озарбайжонликлар билан ва мусулмон коммунистлари билан суҳбатлашдик. Кейинрок сентябр ойида Россияга келган Анвар пошо иштирок этган бу съездга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

Бу суҳбатлар давомида Жамол пошо менинг туркча гапиришимга диққат билан эътибор бериб эшитиб келди. Унинг туркча сузлашини бир неча зиёли тушунарди, холос. Мен туркча сузлаганимда козюклар, киргизлар, узбеклар, татарлар, озарбайжонлар ҳам тушунарди. Жамол пошо: – Ҳар ким тушунаётган бу тил алоҳида бир шевами? – дея суради. – Йук, пошо. Фақат мен кўп лаҳжаларни биламан ва шу асосда гапираман, шунинг учун ҳаммаси тушунади, – дедим.

**§ 170. Украина фронтига йул.** Партия марказий комитети қизил армияга раҳбарликни тулик Сталиннинг қулига топширган эди. Троцкийнинг “Ҳарбий инқилоб шүроси”га раислиги уз маъносини йуқотган эди. Троцкий менга телефон қилиб, Жанубий фронтда Сталин бошчилигида мен мусулмон қисмлари қумондони этиб тайинланганимни айтиб ва дарҳол жунашим кераклигини тушунтирди. Мен баъзи важдарни баҳона қилиб курсатдим. Уша соатда Ленин телефон қилиб, катъий оҳангда Троцкийнинг сузларини тақрорлади. Мен қул остимдаги вагонларга локомотивни улаб, ағримдаги бошқирд отрядлари билан шошилишч Жанубий Украинага жунаб кетдим. Сталинни Кримга яқин Кременчукда топдим. Сталин мени уз машинасига олиб, шаҳар атрофидаги казармалар турган жойларни айлангирди. Вазифамни тушунтирди. Бошқирд ва татарлардан ташқари шимолий Кавказ мусулмонларидан отрядлар ташкил этар эмишлар ва мен эса юксак салоҳиятли мутахассис сифатида отрядлар ташкил этилишига маъсул этиб тайинланган эдим. Уша қуни Харьковга жунаб кетдик. Бизнинг вагонларимизни Сталиннинг поездида улашди. Сталин мени чор даврининг ичи бутунлай юмшоқ тери билан қопланган мухташам вагонига тақлиф қилди. Грузин шаробидан ичиб, товук гушти едик. У жуда мулойим булиб қолган эди. Қўнглимни олишга ҳаракат қиларди. Гуё у ҳам бир шарклигу, биз шаркликлар учун, биз каби кичик мазлум миллатлар учун яшаётган эмиш. Бутун айбни кичик миллатларни суймайдиган яҳудий интернационалист булган Троцкийга қўйиб барча офатларга у сабабчи деб айтар эди. У бир грузин ёзувчисининг ўгли сифатида миллий мухитда тарбия топганини ва бизни яхши тушунишини айтар эди. У русларни шовинизмда айблаб буралатиб сукарди. Ленин сингари Сталин ҳам менга Россия миқёсида фаолият олиб боришимни, кичик бир халқни бошқариш билан энди шуғулланмаслигим кераклигини, бу миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқи кейинчалик албатта қозонилишини айтар эди. Бироқ, унинг бу сузларининг самимий эмаслигини,

ота ва онаси, ёшлик даври муҳити ҳақида эшитганларимга мос келмайдиган сузлари мен учун тукиб чиқарилаётганини сезиб турганимни билдирмадим.

Харьковга келганимизнинг иккинчи куни тобим қочди. Штабда Сталин билан учрашиб, мусулмон отрядларни ташкил этиш ишини бир ойга қолдириб туришини, ҳозирча Астрахан вилоятига бориб дам олишимга рухсат беришини илтимос қилдим. У рози булмади. Вазифангни бажаришинг шарт деб партия номидан буйруқ берди. Мен эса: “Сиз мени партиёга аъзо қилишингиз мана шундай буйруқлар бериш мақсадида эдимиз? Жаҳлим чиқиб у ҳақида нима уйлаган бўлсам ҳаммасини юзига солдим. Фронгдаги вазият ҳали ҳам қалтис эди. У ташки куринишидан босиқлик билан. “Барчамиз мана шундай асабий бўлиб қолдик” деди. Астарханга боришимга рухсат бермаган бўлса-да, поездимга локомотив берилишига қаршилиқ курсатмади. Енидаги ёрдамчим билан бирга Москвага қайтдим. Тобим йуқлигини Ленин ва Троцкийга билдирдим. Тошкент ва Қозогистондан чақирган дўстларимиз келишган эди. Ленин ва Сталин билан булган суҳбатларимизни уларга айтиб бердим. Маълум бўлишича, ҳамма жойда вазият қалтис бўлган.

**§ 171. Ленин билан миллий масалага доир тезислар юзасидан баҳслар.** Жануб фронтдан қайтганимдан бир неча кун утгач, Лениннинг котиби телефон қилиб:

– Владимир Ильич сиз билан куришмоқчи, – деди. Тайинланган вақтда бордим. Лениннинг ёнида Стасова хоним бор эди. Ленин уша кунларда Москвада тупланаётган коинтернинг иккинчи конгресси уқиш учун “Миллий ва мустамлака масалаларига доир тезислар” ҳозирлаганини, тез уқиб чиқинимни ва фикрларимни ёзиб беришимни суради ва бу жавобларингизни урганганимдан сунг, алоҳида суҳбатлашишини айтди. Ленин асарларида нашр этилган бу тезислар ун икки моддадан иборат эди. Биз бу тезисларни туркистонлик ҳамфикр дўстларимиз билан бирга ўқидик. Мен буларнинг баъзи жойларини, хусусан, 5, 11 ва 12-моддаларини таҳрир этиб, бир-икки модда ҳам қушимча киритдим. Бу ерда “Майда буржуа” атамасига аниқ тушунтириш-изоҳ берилиши лозим деб ўйлардим ва ўзгартириш киритдим, мустамлакачилик ва капитализм йуқ қилингандан сунг “раҳбарлиги”нинг “ёрдам” шаклида давом ибораларни ҳам ўзгартиришни маъқул деб ҳисобладим. Икки кундан сунг фикрларимни мустақил бир тезис тарзида ёзиб бердим.

Ленин бундан аввалги учрашувимизда бир неча варақлар берувди, улар ҳам миллий ва мустамлакачилик масалаларига доир экан. Уларни ҳам таҳрир этдим. Ун икки моддалиқ лойиҳасига менинг юз-хотирим учун у “наброски”, яъни “тарҳлар” сўзини ёзиб қуйди. Сунгра ёзганларимни моддама-модда уқиб, баҳслашди. Лекин фикрларимизни

қабул қилишга яқинлашмади. Собик мустамлакаларда фақат рус пролетариатига ишонгани, бизга эса, фақат уларнинг раҳбарлигига нисбатан қилинадиган итоат ва садоқатимиз нуктаи-назаридан ишонишларини ва бу ишонч Россияда ва жаҳонда социализм тулик ғалаба қилгандагина булиши мумкинлигини айтди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, умуман шарқ халқларининг миллий социализмни ўрнатиш ва ишчиларга ишонмаслиги ҳақиқат эди. Буни мен шахсан Лениннинг уз оғзидан эшитдим.

Бу ҳам бизга Шурулар билан жиддий ва халқ олдида ошқора курашга киришмоғимиз зарурлигини аниқлаган бўлди. Уша кунларда Тошкентда Турор Рисқулов, Низом Хужаев ва уларнинг баъзи сафдошлари Турккомиссиядан ва Туркистон Марказий Ижро Кумитасидан чиқарилди. Улар урнига байналмилалчилар сифатида ишонч қозонган кишилар киритилди. Аҳмад Бойтурсун ва мен 29 июнда Москвадан чиқиб кетишга қарор қилдик. Сталин бермаган рухсатни партия Марказий кумитаси котибларидан Крестинский билан Преображенский кумагида қулга киритдим. Астрахан вилоятида дам олмоқчиман деб баҳона қилишга тўғри келди. Преображенский мен билан Бошқирдистонда бирга кечирган кунларни, овчиликларни доим хотирлаб турар эди. Мен билан дустана муносабатда буларди. Подшо улдирилганидан кейин иккита бири олтин кубок улига берибди, иккинчиси устига зарҳал берилган ов милтиғи экан, менга ҳадя этди. Мен унга куп ташаккурлар айтдим.

Уша кунларда “Иттиҳад ва Таракки”дан профессор Нозим Балри келди. – Сузлашадиган шахсий гаплар бор, – деди.

Бу зот менинг Туркистонга келишим ва исёну кузғолонларга қушилишим масаласида Жамол пошонинг фикридан узга фикрда экан. – Балки сизнинг фикрингиз тўғридир. Уз билганингизча ва сафдошларингиз фикрича ҳаракат этинг. Тўғриси, биз Россияни яхши тан олмаймиз. Хориж ишлари буйича вазирликдаги бугунги бизга айтганлари, иккинчи кунга тўғри келмаяпти,-деди у. – Зотан, ёлгонга тоқатим йук. Агар мен қандайдир натижалардан заррача курганимизда эди, бу ёлгонларга чидаган булардим. Лекин бундай ижобий натижа беришга ҳатто энг заиф далил ҳам йук. Бундай ишлар таваккал билан булур. Мен қушин олиб кетмаяпманки (кетмоқчи эмасманки), қайсарлигим туфайли аскарларим талофот куриш эҳтимоли қаршисида масъул булмоқдан курксам. Ниҳоят, елкамда ўз бошим бор. Сафдошларим эса, ҳақиқатда фидокорлардир. Қуй деганим билан барибир улар тўхтамайдилар, – дедим.

Автомобил билан шаҳар ташқарисига, менга ажратилган дала ховли – дачани кургани кетаётувдим. Суфи Оллоёрдан ёдимда қолган шу мисраларни такрорлар ва Москва атрофидаги бу муҳташам дала ховлилардан нима чиқади дердим:

*Таваккул ганжидан эи юз угирган,  
Буюрганга мухалифотир бу юрган.*

Яъни, эй таваккул ганжидан, Аллохга суянишдай хазинадан юз  
Ўгирган кимса, бу юришинг амри Илохийга зид-ку?!

§ 172. Москва – Боку – Ашхобод пулиди. 1908 йил 29 июлда отамни қолдириб узок шаҳарларга тахсил олишга кетгандим. Ҳозир 1920 йил 29 июлда Ленини қолдириб, ошқора кураш байроғини кўтариб, Туркистоннинг тоғу чўлларига чекинмоқда эдим. Агар бу сафар ҳам муваффақият қозона олмасак, мен балким, Европага чиқиб кетарман. Бундан кейин Москвани ҳеч кўрмасман. Бошқирдистондан ўн тўрт нафар сафдош айна кунларда Туркистон ва Қозоғистонда аввалдан режалаштирилган жойларга боришлари керак. Уларга бу тўғрида икки мактуб орқали фикр билдирилди. Бир қисм сафдошлар, шу жумладан, мен Қозоғистонни ва Туркистонни айланиб, келажакдаги курашларни ташкил этиш билан шуғулланадиган ва ноябр ойида Хоразмнинг Қунғирот шаҳрида учрашишга келишиб олдик. Бошқаларимиз эса Ўзбекистондаги босмачилар орасида, ҳатто Қошғаргача бориб, ташкилий ишларда иштирок этиб, 1921 йил бошида Бухорода ҳаммамиз тупланишга келишиб олган эдик. Лекин Бухоро амириликни у пайтгача яшаш-яшамаслигини билолмасдик. Шахсан мен Москвадан Астрахан, Боку йули билан Ашхободга, ундан кейин эса Бокуга бориб, “Боку шарқ халқлари съезди”да яширин ҳолда катнашиб, у ердан яна ғарбий Қозоғистонга ўтиб, Устюрт орқали Хоразмга, у ердан Бухорога боришни режалаштирган эдим. Бутун бу ишлар йил охирига қадар тулик бажарилди.

Хотиним Нафисани Самара-Волга парохотида бир аскарим билан аввалроқ йўлга чиқарган эдим. У билан Царицында топишмоқчи эдик. Ёнимда кўриқчи аскарлар, қозоклардан Аҳмад Бойтурсун ва яна баъзи қозок ва бошқирд зиёлилари билан Саратовга келдик. Букай Урда худудида Ботокул ёнида, 30 июн тонг пайтида бизни икки от билан бир қозоқ кутиши лозим эди. Эрта тонгда келишилган жойда поездни тўхтатдик. Ёнимда бир аскар билан баъзи керакли буюмларни ва милтиқлар ҳам олиб тушдик. Буларни отларга ортдик. Қиладиган ишларимиздан яхши хабардор булган адъютантим Ориф Мухаммадёроевга қолган ашёларни ва шахсий архивимни Истарлитамоқ ҳукуматига энди қурила бошланган марказий музейимизга ва кутубхонага топширмоқ учун бердим. Чор подшоҳининг хазинасидан чиққан ов милтигини Москвада Преображенскийга юбормоқ учун бердим. Преображенскийга эса “Бу қимматли ҳадянгиз яхшиси сизнинг қулинигизда турсин, агар яна қуриша олсак, сиздан сўрайман”, деб мактуб эдим. Мен ҳам сафдошларим каби кўзил аскар кийимида эдим. Поездаги аскарларга ҳеч нарса демасдим. Шу ерда хайриандик. Биз ҳаммамиз ҳатто Аҳмад Бойтурсун ҳам, йиғладик. Ваганин бошқа қурмаслик ҳўғимли борлиги Омадимиз келмаса, чет элларга чиқиб кетнишга қарор қилган эдик.

Поезд бизнинг буюмларимиз ва қўғоқларимиз билан Ўзбекирдистонга кетиши керак. Улар биз отларимизга миниб, кўздан гойиб бўлгунча кўтишди. суғира кетишди. Биз Орол денгизи – Шаркка караб чолдик. Бузқунжак қўмларига киргач, отларимизнинг излари йук бўлиб борарди. У ердан кўч чикканда Царева-Сариниева чуллари йуналиши бўйлаб кетдик. Мен йўл-йўлакай Олтин Урда пойтахти бўлган Янги Сарой шахри харобаларини кўрмоқчи эдим. Биз бир кичик, хароба. яшаш учун мулжалланмаган уйда тўхтадик, овқат пишириб едик ва тунадик. Эрталаб Сарой харобаларига дуч келдик. Лекин ёзувларни диққат билан урганишга вақтимиз йук эди. Волгага караб йўл сурдик. Царицын қаршисида отларимиз билан қозоқ ёшларини қолдирдик. Биз нарги томонга утиб, Самарадан келадиган пароходни кутдик.

Пароход уч соат кечикиб келадиган бўлгани учун шаҳар айландим. Кейинчалик Сталинград номи билан танилган бу шаҳарнинг Хазорлар давридаги номи “Сариг Син” эди. Руслар эса “Царицын” деб талаффуз этишарди. Шаҳар тарк этилган – қаровсиз қолган эди. Кучаларини ўт босган. Уша вақтда бу шаҳарнинг иккинчи жаҳон уруши даврида довруғи кенг тарқалишини тасаввур қилмаган эдим.

Пороход келганда палубада хотиним билан кузатувчи аскарни кўрдим. Биз (хаммамиз тўрт киши) Астраханга караб суздик. Ўзимизни билдирмаслик учун хаммамиз учунчи палубага жойлашдик. Астраханга келгач, у ерда ортикча вақт утказмадик. Москвадан чиқилдан икки-уч хафта аввал ишончли одамларимдан бирини Астраханга, Абдурахмон Мулланинг қўлига фақат “ишончли одам” сузидан иборат бир тавсия ёзув билан масалани ўзига оғзаки тушунтириш учун юборган бўлиб, жавобини ҳам олган эдим. Мулла вазиятни урганиб туриб бизни суқир Нуғой деб танилган кишига мурожаат қилишимизни маслаҳат берди. Унинг ёрламида Бузанга бориб Гузаир деган дустига учрашишни айтди. Окшом жуфтим билан Хорис Сисенбойни суқир Нуғойникида қолдириб, мулла юборган киши билан Кизилтёр (“Красный Яр”)га ва у ердан моторли кайик билан Гузайирниқига кетдик. Мулла қачонлардир Бузанда ўзи туллаган халқ қўшиқларини бир рисола шаклида нашр этганди. Гузайирнинг баъзи оқинларини топиб учрашув ташкил қилиш эҳтимоли ҳам бор эди.

173. *Ненека – жон.* Бузан Эдил дарёси хавзасининг бир тармоғи саналади. Тарихда, ҳатто хазор ҳоқони Юсуфнинг мактубида зикр этилган бу дарё ота-боболаримнинг Қўбонга қилган сафарларига оид ривоятларда Камалик дарёси билан бирга тилга олинади. Ҳозир бунга излашимнинг сабаби бошқа эди. Рус ёзувчиларидан Евгений Марков исмли кишининг утган аср охирларида “Крим лавҳалари” номи остида нашр этган китобида Чуфут-Қалъаси ёнида, қалъа остонасида Ненека – жон исмли Олтин Урда маликасининг ишқий саргузаштлари хотираси сифатида ёзилган мрамор китоби хақида суз боради. Унинг суратини ҳам илова қилади. У ерда ёзилишича, малика Тўхтаминшоннинг

қизи экан. Бир яхудийни севиб қолибди, унга турмушга чиқа олмагач ўзини қоядан пастга ташлабди. Суратга қараб бу ходисанинг хижрий 740 йилда, милодий 1340 йилда содир бўлгани кўрсатилади. Қримлик Исмоил Леманов Ненека-жон исми бу маликага онд қушиқларни Қрим ва Астрахан нўғойлари билишади деган эди. Бу хусусда Абдурахмон муллага мақтуб ёздим. Бироқ жавоб ололмадим. Унга юборилган ҳарбийга: “Бориб ўзи қидирсин. Красноярдан моторга ўтириб Гузайир нўғойнинг уйига борсин. Мен ҳамма нарсани тайёрлаб қўйдим” дебди. Мен вақтни бой бермай у ерга йўл олдим. Гузайирнинг уйида иккита меҳмони бор экан: бяттаси – Балиқчи лақабли нўғой-қозок аралаш аули савдогари, иккинчиси Букай Урданинг Янги Қозон аулидан келган дусту экан. Мулланинг кўрсатмасига биноан бу ерда мен учун асал шаробини ҳам тайёрлаб қўйишибди. Қимиз, кази, мол тушпи, турли хамирли таомлар пиширилган эди. Янги Қозонлик Орифуллох жуда ажойиб қўшиқлар айтди. Жумладан, уша ерда айтилган татар қушиқларидан қуйидаги мисралар хотирамда қолган: «Севган кизининг ёнига қоронгида бориши керак булатуриб вақтли келгани сабабли “ёзги оқ уйнинг зипиги илмоғини қандай илишини билмасдан илаяпсан, қоронги булмасдан, кексалар ҳати ётмасдан қандай келишни билмасдан келяпсан”. Бу турк шеъри мени дол қолдирган эди. Маъноси ва алитирацияларни уз ичига олган бундай шеърлар доим диққатимни тортиб келади. Қозон туркийларининг халқ қушиқлари ва мусикаси Олтой туркийлари, мугуллар, ҳатто қисман хитой мусикаси билан бир хил. Бу жиҳатдан Қозон мусикаси жуда қадимги анъаналарни замонамизгача сақлаб келган. Эҳтимол, булар Олтин Урда даврида Қозон томонга келиб жойлашган олчи-татар сингари қабилалардан қолгандир. Бу оқшом қолғу асбоблари йўқ эди, фақатгина қўшиқлар айтилди. Кечки вақтда Гузайир бир кишини чақириб келди. У Ненека-жондан фақатгина бир неча байт билар экан. Бироқ бу байтларнинг Ненека-жонга онд эканини тасдиқлайдиган бирорта суз ёки исм йўқ эди, у Астрахан нўғойларининг бошқа халқ қушиқларидан фарқ қилмасди. Бошқирларнинг “Таф-тилов” деган қушиги оҳангига ухшаб кетарди. Қолаверса, мен нота ёзишни тушунмаганим боис уларни қайд қила олмадим. “Балиқчи” лақабли дустимиз яна қуйидаги қушиқни айтиб берди. Маъноси:

Дустимнинг уйига дўстлари келган эди. Улар ўртасида муштарак дардлашадиган ишлари бор эди. Ярим ақчалик пулга қанча асал беради, ярим ақчага сотиб олинган асал дўстларни тўйгазмайди. Аргамчига боғланган бўз отимни келтиринг, уни сотиб асал олиб ичайлик. Бу асалнинг мумини чирок қилиб ёқайлик. Уйимизга меҳмонлар келганда қоронғуда бу мумларни ёқайлик. Бизни уйимизда қузатаётган душманлар булар асал ичишяпти деб кетишсин.

Нўғой халқ ривоятлари бизни қувонтирди. Зотан бу сунгги шеър Эроннинг машҳур шеири Хожа Ҳофизнинг “Жумарлик



топилмайдиган замндир, бирок номус сотилмайди. Шаробни ва гулни устингдаги хиркангни сотиб қўлга киритишинг керак” мазмунидаги шеърини эслатарди. “Балиқчи” Карагач нўғойлари орасида халигача айтиладиган Истирак мирзо ва унивг угли Эртаргин мирзо (Танрикул мирзо) хақида жуда гузал ва мен шу пайтгача эшитмаган шеърларни ўқиди. Бу мажлис қадимги Олтин Урда нўғой мирзолари даврини эслатди.

Мана шу Бузан суҳбатидан олти йил ўтган эди. Истамбулдаги Археология музейи кутубхонасининг қўлёзма асарлар фондида (№1619) Олтин Ўрданинг Сарой шаҳрида 740/1340 йилда ёзилган бир мажмуада мана шу Ненека-жон қушигининг нотасини топдим. Бу нотанинг нусхасини Техронда ўшх қақирган “Эрон тарихи конференцияси”да Эрон мусиқа санъати билан шуғулланадиган эронлик олимларга ҳам кўрсатдим, бирок ҳанузгача ўқишининг имкони бўлмади. Ненека-жон бастасининг Усманийлар давригача етиб келгани туркий халқларнинг миллий маданиятининг Саройда ривожланганини кўрсатади. Умуман, Истамбулнинг маданий хазинасида нималарни топмайсиз. Бузанда биз тун бўйи ухламадик, тонгда Астарханга йўл олдим.

*§ 174. Денгиз орқали Бокуга.* Волга дарёсининг ҳавзасидаги узанлар торлиги ва саёзлиги туфайли Астрахандан Бокуга катта пороходлар қатнамаётганди. Чуқурлиги ўн икки фут бўлган бир порт бор, уни руслар “Двенадцать фунтов” дейишади. Суқир Нўғойнинг уйида яна бир кеча қолганимиздан сўнг кичик бир кема билан ўша “Ўн икки фут”га бордик.

5-6 июлда Бокуга келдик ва бу ерда татар ёзувчиларидан Ҳоди Атласий ва Абдуллох Баттол билан топшидик. Ҳоди Атласий аввалроқ Дума нъзоси бўлган бир лдиб-муҳаррир ва муаррих эди. “Сибирия тарихи”, “Қозон хонлиги”, “Суғон-Бика” каби асарлар эъдон қилган. Большевиклардан кочиб Бокуга келди. Лекин у келган, большевиклар бу ерни ҳам илғол эдилар. Озарбайжонлик ташкиллар ё чет элларга кетган, ёки қочок ҳолида эдилар. Ёлғиз Мумтоз Сулаймон билан яширни кўришдим. Мен Бокуда туркиялик коммунист Мустафо Субҳинининг уйида қолдик. Уни Москвадан танирдим. У коммунист бўлса-да, русларнинг шарқ сиёсатини ёқтираведи, айниқса, уруш ваъри бўлган туркияликлардан баъзиларини “ҳақиқий коммунист” санаб, ўзини бир четга сурмоқчи бўлишгани учун Сталин ва сафдошларидан раижган эди. Менга Бокуда турининг даврида уйида бўлишимни таклиф эди. У бизни озарбайжонлик Амин Афандиёвда ва қримлик Вали Иброҳимга топширди. Мен у билан кўп суҳбатлашдим. Туркистонда қилмоқчи бўлган ишларимиз хақида баъзи нарсаларни гапирдим. Чунки русларга айтмаелингга амин эдим. Шуро махфий полицияси мени Озарбайжонда эмас, Қозонистонда қидиражанини билганим учун Бокуда бирмунча эркин юрдим. Осори атикаларини,

хонларнинг саройларини, жоме ва мадрасаларни зиёрат қилдим. Бу ерда бир ҳафтача қолгач, Туркменистонга – Қизилсув (Красноводск)га ва у ердан эса, июл ойи охирларида Ашхободга келдик. Бу ерда Берди Ҳожи оиласининг уйида қолдик.

Бизни кузатиб келган оддий аскарлардан бирини Самарқандга юбордим ва ўзим ҳомиладор аёлимнинг куз ёришини кутдим. Уғил қурдик. Исмини Ирис Муҳаммад қуйдим. “Ирис” – бахт демақдир. Бу Сибирия ва Бошқирдистоннинг хони – Кучум хон авлодидан, бошқирдларга хонлик қилган невараси кичик Султоннинг Бушай Султон исмли ўглининг ўгли Ирис Муҳаммад хоннинг исми эди. Бу зот Туркияга бориб келган ва 1709 йилда Доғистондаги Терек калъасида руслар тарафидан асир олинди, ўлдирилган Мурод Султоннинг ўкаси эди.

Кучумлиларнинг катта бейлари булган Авдар ва Уракай Султон катл этилгандан сўнг бу Ирис Муҳаммадни Хон деб эълон қилди ва бутун Урта Волга атрофларини руслардан озод этган. Қозонга 38 километрга қадар ерга келган, шаҳарни ишғол қилишга тайланган эдилар. Мен бош фарзандимга қандай исм қуйишни ўйлаб турганимда, шу қахрамон ёдимга тушди ва унинг исмини қуйдим. Оддий аскарларимиздан бири Тошкентдаги сафдош биродарларимиз билан хабарлашишни, алоқани таъминлаб турарди. Август ойини тула Ашхобод ва Марв атрофида туркманлар орасида ўтказдим. Ўзим сентябрда Бокуда бўладиган “Шарқ халқлари съезди”га бормоқчи эдим. Аёлимни эса бир оддий аскар кузатувида, баҳорнинг охирларида қуришадиган бўлиб, Хоразмга жўнатдим.

§ 175. *Ашхободда ўтказган кўнларимиз.* Бердихужанинг ўгли собиқ дустим адвокат Қақажон билан “Туркменистон” газетасини чиқардик. Унинг биринчи сони бошидан охиригача ўзим томонидан ёзилди. Бу пайтда Чёка ходимлари мени ҳамма жойда қидириб юрганини эшитдик. Москва мени Букай Урладан Уралек томонларга қочди деб ўйлабди. Бирок қозоқлар уни барибир беришмайди деб, таъкиб қилишни тўхтатишибди. Тошкент, Самарқанд, Ашхобод ҳудудларида қидира бошлашибди. Москвадан ташқи ишлар ходимларидаги бири булган Островскийга бу вазифани юклашибди. Мен Қақажоннинг уйида утирганимда бу киши келиб Қақажон билан ҳовлида суҳбатлабди. Мен ҳақимда гапирди. Гуеки шу атрофда булсам мен билан Боку съезди ҳақида гаплашмоқчи эмиш. Сталин Бокуга келибди, Амми Раёулзодани мени у ерда бўлишимни хоҳлаган. Мен билан бирга келган икки аскарнинг бири салжиноғ қабиласидан Хорис Сиеенбой ва буржан қабиласидан Аҳмадхон Азнабой эди. Мана шу салжиноғ ва буржан қабиласи бизнинг амиллий истиклол гоъяларимизга ниҳоят даражада содиқ эди. Ёрданим Ориф Муҳаммадёроев ва секретарларимиздан шоир Абдулхай Орқабоев ҳам салжиноғлардан эди. Буржан қабиласидан ҳам жуда қадрили пингитларимиз бор эди. Аҳмадхон Азнабой 1919 йил феврал ойида шурелар томонга ўтишга

мажбур булганимизда мен билан бирга чиққан ва бошимни куксига куйиб бирга йиглашган ҳам Ахмаджон эди. Мен уни биз билан юришга чақирмаган эдим. Узи мени излаб келганди. Унга ухшаган жуда кун ботир йигитларимиз бор эди. Улар менинг содиқ дустим марҳум Иброхим Қочқинбойнинг урнини тутган ёшлар эди. Менинг кучим кушинда менга жону дилдан боғланган мана шундай эр йигитларининг кўплигида эди.

Берди Ҳожидан унинг угли Қакажон менга, турмуш уртоғимга, Хорис Ахмаджонга туртга туркман отини берди. Ашхабодда шаҳар четдаги бир арманни аелнинг уйида тунаб қолардик. Баъзан чулга чиқиб сайир қилиб келардик. Агар Бокуга бора олмасак, туртталамиз от устида Хивага боришни мулжаллаб турган эдик. Ноябрь ойида, албатта, Қунғиротда булишимиз лозим эди. Хивада давлат бошқаруви ёшхиваликлар ва руслар қулига утган булса-да, улканинг шимолида ва Қунғиротда туркман хони Жунаидхон ҳоким эди. Саксон ёшли Жунаидхон 1873 йил руслар Хивани ишғол қилганида Хива хонининг аскарлари булган экан. У руслар билан келишувни қабул қилмай, уларга ҳеч қачон тобе булишни истамаган қахрамон эди. Мен Москвадалигимдаёқ бир муддат Ашхабодда қолиб Туркистонда мавжуд булган кучларни ташкиллаштириб, сунг Бокуда буладиган Шарқ халқлари съезидига бориши, кейин эса Астрахан у ердан қозоқлар еридан Жунаидхон бошқарувидаги шимолий Хоразмга, у ердан Хивага, сунг Бухоро ва Самарқандга утишни режалаштирган эдим.

Бошқирдистонда нималар қилинишини Москвада дустларимиз билан бирга аниқлаштириб олдик. Бошқирдистон ҳукуматидаги 14 киши турли йуллар орқали Туркистонга бориши, бир қисми қушин учун от сотиб олиши керак эди. Уларнинг қиладиган ишлари хақида Москвадан иккита мактуб жунатилди. Улардан бири русларнинг қулига тушадиган ва уларни хайратда қолдирадиган мактуб эди. У ҳақиқатан ҳам русларнинг қулига тушди. Бошқирдча ёзилган ва хатоларга тула русча таржимаси Самойловнинг хотираларида ва Типичевнинг тарих китобида напир қилинган. Бу мактубда мен шуро ҳукуматининг шарқий туркий халқларига нисбатан муносабати ёлгондан иборат эканини, туркий халқларининг бир-бири билан бирлашинишига йул қуймасликларини, ҳамма жойда бошқарув руслар қулига утишини, миллий қушин бекор қилинишини, шунга карамай очик қурашга киришмай, расмий равишда мамлакатда ишлайдиган бошқирд зиёлиларига ўлкада маориф иши ва иктисодий бошқарувини уз қуларига олиш ва ривожлантириш учун ҳаракат қилишлари лозимлигини, Туркистон ва Қозогистонга кетадиган дустларимизнинг Шарқ миллатлари уйғонғунига қадар ўша улқаларда халқ орасида фаолият олиб боришлари лозимлигини, шуро съездларида иштирок этиб қуралиши зарурлигини, Осие ва Шарқ коммунистик партияси қурилиши кераклигини, бу йулда ҳаракат қилиш кераклигини, биз

сингари яширишча фаолият олиб борадиганлар сони чегараланган бўлишини, зиёлилар доимо очик ва расмий фаолиятга содик қолишлари лозимлигини, бу йул билан Москвага ҳақ-хуқуқларимиз қабул қилинишига мажбур қилишимизни ёзган эдим.

Бирок кейинги мактуб Карл Марксни "Капитал" асарининг янги нусхаси ичига шифрланган ҳолда киритилган эди. Унда 14 кишидан кимлар қаерга бериши ва нималар қилиши батафсил баён қилинган эди. Дустим Фатхулқодир Сулаймон (Абдулқодир Инон) Қозоғистоннинг Арқа деган қисмида Аҳмад эшоннинг олдига бориб, қозоқ зиёлилари билан бирга яширин фаолиятни ташкил этиб, Хоразмга, у ердан Қунғиротга, биз у ерга келмасак, Самарқанддаги дустларимиз олдига келиши, Элдорхон Мутин киргизлардан Иброҳим Жонузоқов билан бирга Фарғонадаги Шермухаммад ва Омон Палвон исмли босмачилар бошлигининг олдига бориб, улар билан бирга Самарқандга келишлари ва бизни уша ерда кутишлари, шахсан менинг Туркистон ва Хоразмни ташкилий ишлар билан шуғулланишим ёзилган эди. Кейинги мактуб руслар қулига тушмаган эди. Шунга қараб ҳаракат қилинди. Бошқирдистонда дустларимиздан Аллоҳберди Жаъфар угли бошқаруви остида бир ҳукумат ташкил этилди. Бироз утиб (25-30 июл) Биринчи Бошқирдистон Шуро съезди тупланди, унда ярмидан кўп қисми, яъни 54 фоизни гайримусулмон вакиллар ташкил қилган эди, съезд бизни "Халқ ва шуро душмани" деб эълон қилди. Сунг Москва "Бошқирдистон ерларини янада кенгайтириш ва бой ерларни унга қушиб бериш" баҳонаси билан пойтахтни Уфа шаҳрига кучирди. Аҳолиси кўпчилиги руслардан иборат бўлган.

Самойлов ўз асарларида бизнинг Бошқирдистондан кетишимиз воқеасини қора чизгилар билан тасвирлаган. Шунингдек, Бошқирдистондан кетини ҳодисасида менинг шахсий манфаатим бўлмаганлиги, кўлимда ҳукумат олтинлари булатуриб олмаганимни, гарчи душман бўлсанда ахлоқий жиҳатдан тоза инсон эканимни қайд этган. Бошқа дустларимизни ҳам худди шу тарзда тасвирлаган. Бошқирдистон ҳазинасига тегмаган бўлсакда, аввалроқ (май ойи бошларида) мени Москвага чақиришлари маълум булганда қулимда мавжуд бўлган олмосларни, хусусан, Пашков ва Шотт исмли рус зодагонларининг кучмас мулкларидан йиғиб олинган олмос ва тиллалари ҳамда қозоқ пулларни Тошкентга ва Қозоғистонга жунатган эдик. Яъни Бошқирдистондан чиқиб кетаётган кишиларга отлар сотиб олини мақсадида.

Мен Туркистонда ва Хоразмда қилинадиган ишлар учун Ашхабодда туркман зиёлилари орасидаги унча машҳур бўлмаган уч кишидан иборат гуруҳ туплаб, улар орқали Самарқанд, Кукон ва Тошкент билан алоқа урнатдим.

§ 176. *Боқу съезди.* Боқуда 1-5 сентябрдаги Боқу шарқ халқлари съезди утказини ҳақида тоясини Москвада Бошқирдистон

ваколатхонасида Жалил пошо ва Халил пошо иштирок этган суҳбатда мен уртага ташланган бўлсамда, бу иш Сталиннинг миллий масалалар комиссарлиги ва мусулмон коммунистлари марказий бюроси тарафидан ташкил этилди. Мен бу вақтда қочкин эдим. Съездда Зиновьев билан К. Радек раҳбарлик қилди. Мени бу съездга албатта келади деб ҳисоблашиб, ушлаш чораларини куриб қуйишган эди. Мени Боку, Астрахан, Дарбанд, Красноводск ва бошқа жойларда қулга олиш учун 300 га яқин чекист ҳаракат қилаётганлиги тўғрисида менга хабар беришди. Буларнинг қўлчилиги мени шахсан танийдиганлар экан.

Қозоқистон ва Ўзбекистондан келадиган делегатлар қимлардан иборат экани ва уларни маҳсус поездда келишлари ҳам хабар қилишди. Мен бу поездни 29 августда Ашхободнинг ғарбидаги Бами деган кўрмисиз бекатда кутиб олдим. Юк поездидан уларнинг поездига сакраб ўтганимда – вагонда Турор Рискуловни ва Иброҳим Жонузоқовни кўрдим. Булар билан Бокуда қандай куришишимизни ва қандай иш тутишимизни Красноводскдан аввалги Жебел бекатигача суҳбатлашиб, пишитиб олдик. Бу ерда Турор менга қизиқ бир мақола берди. Биз Москвадан чиққач, тупланган Коминтерн конгрессида рус хориж ишлари бўйича комиссарлиги ва Яқин Шарқ масалалари билимдони деб ҳисобланган Павлович Яқин Шарқ ва Урта Осиёда фаолият олиб бораётган сафдошлар учун қўлайтирилган бир мақола тарқалган, лекин уни мусулмон коммунистларга бермаган. Турор Рискулов ва мени танийдиган бир польшалик коммунист ундан бир нухсани Турорга яширинча берган. Кейин 1923 йилда татар зиндиларидан Усмон Туқимбет буни Берлинга келтира олган. Бу мақолада қуйидаги мазмундаги фикрлар бор эди:

Яқин Шарқда араб, турк, эрон ва афгон миллатларида капитализм ва сийфий карама-қаршиликлар кучайиб кетмаганлигидан бунинг ўрнига утадиган бошқа карама-қаршиликларни – маъхаб ва тариқат ихтишофларини авж олдирмақ, уларнинг Шўро Россия мусулмонлари орасидан кутарилмагани ҳолда ҳам қушни мусулмон улкаларида инкишоф ва давом эттирилиши кераклиги, шахсий фитнес-игво, савдогарлар ва шайхлар орасида рақобат ва келишмовчиликлардан фойдаланиш тавсия қилинган. Шарқ халқларининг тили, ёзуви тўлиқ шаклланмаганлигидан фойдаланиб, ораларида кучли адабий тил ҳосил булмаслиги учун халақит бериб, адабий тилнинг халқ тилига яқинлашувидан фойдаланиб, бу халқларнинг мавжуд тилини парчалаб юбориш имконияти ва бунинг аҳамияти хусусида айтилади. Бу миллатларнинг маданият ходимлари ва мутафаккирлари жуда кам булганидан уларни булиб ва тамоман йукотиш ҳам қўлай булиши изох этилган эди. Дустим Турор менга Боку съездда фойдаланмоқ учун яна бир неча ҳужжатлар – васиқалар берди ва қўлайтирмагимни илтимос қилди. Менга бу ёзувларни Бокуда беришини айтдим. Мен

Туркменистонда туркман кийимида юрардим. шу сабабдан Турорнинг бошка сафдошлари мени содда бир туркман ҳисоблаб, мен билан кизикмадилар.

Мен Жебел бекатида ҳеч ким курмайдиган бир жойда поезддан тушим. Уша кун кетадиган пароход йулга чиқмади. Бандоргоҳга келиб, Қрасноводск шаҳрининг четларини айланиб, бир ҳарбий кема сузишга тайёрланаётганлигини курдим. Озарбайжон вакили сифатида Туркияга кетадиган урток Абиловни ва ёнидагилар Тошкентдан Бокуга бораётган экан бу кема уларга ажратилган кема экан. Якинлашдим. Қурикчи аскарлардан бирига “Мени олиб кета оласизми?” деб сўрадим бекарорлик билан. Марҳамат, деди. Палубага чиқдим. Ҳаммаси туркман аскарлари бўлган бир даврада ерга тўшалган бўйрадан жой курсатдилар. Мен унчалик яхши танимайдиган Абилов хизматчилари билан юкори полубада экан.

Мен турган пастки палубада қирқтача туркман суворийси ва отлари ҳам бор эди. Булар учун қўйлар ҳам олиб келишибди. Булар миллий туркман кийимида Анқарада элчихонани куриклар экан. Кема оқшомга бориб ҳаракатланди. Бироз сузгач, даҳшатли тўлқин, пуртана, довул бошланди. Кеча ярмига бориб довул шу қадар кучайдики, умримда бунақасини курмайдим. Кема баъзан тик тургандай туюларди. Отлар кеманинг трюмаларига туширилди. Қўйлар қолган эди. Буларни ва ем-хашакларининг купини довул учириб кетди. Туркман аскарлари куп тарвуз олиб олишган экан. Уларни денгиз ютиб юборди. Тарвузлар териб қўйилган жойдан тарқалиб, салонимизда футбол коптоқлари сингари думалар, деворларга урилиб ёрилар ёки туркманлар устига отиларди. Туркманлар эса менга “Тут, ушла”, деб бакиришарди. Мен тарвузларнинг ёрилмаганларини тутиб, бир қатта сандикни тулдирдим. Менга денгиз касали тегмади. Лекин кемада айрим матрослар ва аскарлар денгиз касалига учради. Ярим кечада ошхона ходимаси келиб менга: Юкориди шу қадар куп овқатлар ҳозирланган, ейдиган одам йук, ҳаммаси хаста, чиқ, уша ерда овқатланиб ол – деди. Чиқдим. Элчи жаноблари учун шароблар, ковурилган паррандалар, жужа-хўрозлар, анвои мевалар, Хоразм ва Чоржуй қовунлари ҳозирланган экан. Қоринини туйдириб, бориб менга берилган курпачада ётиб ухладим. Тонгда уйғондим. Довул тинибди. Менга емак таклиф этган аёл билан анча суҳбатлашган эдим. Бокуга етиб келгач, бу аёл орқали Абиловга мактуб беришни ўйладим ва шуларни ёздим: “Қимматли урток Абилов! Кемангизда меҳмонингиз бўлдим. Сиз довул туфайли таомга яқин келолмасангизда, мен лаззатли таомлардан едим. Бекаму-куст тортилган дастурхонингиз учун ташаккур! Сизга буюк муваффақиятлар тилайман! Бошқирдистон ҳукумати раиси ва БМИК аъзоси Заки Валидов”.

Кема ҳарбий портга яқинлашди. Мен мактубни уша дақиқада ошхона ходимасига бердим. Кемадан дархол тушиб кўздан гойиб

булдим. Аёл мактубни Абиловга берган экан. У кейинчалик бу воқеани Туркистон вакили Турор Рискуловга айтиб берибди. Гуё мени билган тақдиримда ҳам шуро ҳукуматига ушлаб бермас эдим дебди. Рискулов унинг бу сузини узи учун бир даъват деб қабул қилган.

Боқуда мен тугридан-туғри Турк Коммунистлари партияси Марказий кумитасига бориб Мустафо Субҳийни учратдим. У менга Партия марказий кумитаси биносида партия аъзоси бўлган озарбайжонлик Амин Афандизода ва кейинчалик Крим жумҳурияти раиси бўлган Вали Иброҳимовга берилган жойда уларнинг меҳмони бўлиб туришимни айтиб: – Ҳечам қурқманг, – деди.

Амин Афандизода асли боқулик бўлиб, 1917 йилда мусовот партияси томонидан Туркистонга жунатилган экан. У ерда узи билан қуришган эдим. Кейин Туркияга келди. Шурулар менинг бу ерда туришимни ҳеч ҳам ҳаёлига келтирмас эди. Мен учун эса тилч бир қалъа эди. Бу ерда Туркистон вакилларидан асли киргиз Иброҳим Жонузоқов билан ҳар кун қуришар, съезд музокараларида айтиладиган сузлар ва таклиф этилиши лозим бўлган қарорлар ҳусусида суҳбатлашардик. Мен томонимдан қаламга олинган қарорлар лойиҳасини Жонузоқов ёки Бошқирдистон вакили Холиқов номидан тавсия этиларди. Бир кун съездда раислик қилаётган Карл Радек: – Уртоқ Жонузоқов. Балки чунтагнингизда тайёр резолюция бордир, уқинг, – дегач, эҳтиёткор Жонузоқов бошқа ёнимга келмади. Бирок, Рискулов собиқ адыютантим Абдурашид Бикбеков ва Адигимовлар боягидай келиб туришди. Шулар тўфайли мен съезд ишида фаол ва самарали иштирок этгандай булдим. Бу съездда Масковдан келган Анвар пошо, Бакир Сомий ва Юсуф Камол Бейлар ҳам иштирок этдилар. Лекин мен улар билан қуришмадим. Улар мен бўлган жойга келмас эдилар. Мен ҳам улар олдига борсам, ушланардим. Бунига қарамасдан Анвар пошо менинг Боқуда эканлигимни билиб мен билан воситачи орқали хабарлашиб турди. У Жамол пошо каби менинг Шурулардан яширинаётганимни ортиқча ҳисоблаганди.

Боқу съезди бизнинг Москвада қабул қилган қарорларимизни қайтадан ва атрофлича музокара этиб, Бухоро ҳусусида амалий тадбирлар ишлаб чиқишимизга сабаб булди. Мени Астрахонда қутаётган сафдошларим Хорис Юмагулов, қайноғам Талҳа Расулов билан бирга Гурьев ва Устиюрт орқали Хоразмга боришимиз керак эди. Съезд уз ишини тугатиши биланоқ биз йулга тушдик. Мени бандаргоҳларда ва темирйул вокзалида махфий агентлар қутаётганлигини сабабли Боқудан Сумгаит темирйул станциясигача фойгаида бордим ва у ерда поездга утирдим. Олдиндан келишганимиздек Муллажон Холиқов ва адыютантим Абдурашид Бекбоев угли эгаллаб қуйган купеда Петровскийга бордим. Улар менга ЦИК – яъни уша кунгача узлари аъзо булган “Россия Марказий Ижроя Кумитаси” аъзолик билети тайёрлаган экан. Шу тариқа бемалол Петровскийга келдим. Бу

икки сафдош дўстларим билан шу поездда видолашдим ва ҳаётимда бошқа учрашмадим. Улар Бошқирдистонга қайтдилар ва кулларидан келганича халқимизга фойдали хизматлар қилдилар. Лекин 1937 йилги қотогон даврида улардан ҳеч ким қолмаганини 1943 йилдаги харбий асирлардан эшитдим.

**§ 177. РКПга 1920 йил 12 сентябрда ёзган мактубим.** Петровск-Порт шахрида мен ғойибона таниган Зоҳид Афанди деган бир имом яшар эди. Ҳудди унинг уйида қолиб, уша маълум булган Ленин, Сталин, Троцкий ва Рыков номига 1920 йил 12 сентябрда 4 нусхадан иборат ёзган машҳур мактубимни йулладим. Нусхалари Боку съезди қатнашчилари уртасида тарқатилди. Бир нусхасини Усмон Тукумбетов деган ҳамшахаримиз 1923 йили Берлинга келтирган, кейинчалик эса менга берди. Уша пайтда Ленин ва Сталин билан сузлашга ҳеч ким журъат этолмас эди. Жиддий фикр-мулоҳазаларни қамраган бу мактубда қуйидагиларни ёзган эдим: "РКП Марказий Қумитаси тадбиқ эта бошлаган сиёсатдан маълум бўлдики, сиз ҳам Артём каби ва сафдош дўстлари Шарқ халқларига нисбатан сиёсатингизда ҳақиқий миллий рус шовинистларининг фикрларни асос қилиб олмоқчи бўлдингиз. Гарчи урток Троцкий Уфада бу масалаларни текширганида Артёмнинг фаолияти фитна ва игволардан иборат эканини аниқлаган, шубҳа йўқки, у масалани Марказий Қумитада ҳам шундай тушунтириб айтган, лекин, барибир яна рус империалистик сиёсати давом этаверди. Турк комиссияси раҳбари булган урток Фрунзе ва Куйбишев уртоқлар Троцкий каби МК уларга текширишни топширган сиёсат иккиюзламачи ва алдоқчи бўлишини Рискулов билан мени ишдан четлаштирилгандан кейинги битим тузилган мажлисларда очикдан-очик айтишган. Партия азоси булган сафдошларимиздан эски, анъанавий рус империализминини никобли бир суратда идора эттирмоқ истаганлар Туркистон халқлари уртасида синфий тафовутини, фарқни сунъий равишда авж олдиришни Рискулов, Валидов каби маҳаллий миллатчиларни маҳаллий ишчи синфининг душмани сифатида қош қилинажакларини, маҳаллий зиёлиларни орасидан "октябристлар" деб аталиши рус империализмига содиқ одамлар шаклланиши ва бизни уларга эздирәжагларини айти Турк Комиссия мажлисларида очикча айтганлар. Лекин билишингиз керакки, биз ишчи-хизматчи, деҳқон ерлиларнинг сунъий синфий душмани була олмаймиз ва умумий истеҳзоларга нишон қилмоқ нишига бунин эголмаймиз. Сизга керак экан қурбонларни топарсиз. Лекин, уша қурбонлар биз була олмаймиз. Боқуда Шарқ Халқлари съезди Туркистонликлар ҳуқуқига қилинган тажовуз ёлғиз маҳаллий рус коммунистларининг иши бўлмасдан бу сиёсат МКнинг уз сиёсати эканини бу съездда иштирок этган ҳамшахарларимизга очик-ойдин қурсатган. МК вакиллари Зиновьев ва Радекнинг съездда иштирок этган шарқликларга нисбатан раво қурган муомалалари 1917 йил



ниқилоби бошларида тулланиш қишлоқлик (крестьян) съездларида жомил сурув (пода) деб қарилган қишлоқликлар қаринишига чиққан комитетларнинг муомаласи эди. Делегатлар мамлакатларида(и) тайёрлаб келтирилган маълумотларни ўқишларига туюқчилик қилувчи, таъқиқловчи бақирқ-чақирқлар билан кифояланмадилар. қишлоқ кўриқчи аскарларнинг ёрдами билан узлари жим қилдилар ва фақат Москвадан тайёрлаб узларига берилиб юборилган қарорларни қабул қилмоққа мажбур этдилар. Шарқ халқлари масаласини фақат ер ва деҳқон муаммоси деб қараш МКнинг янгилиги йулига кетгани, аданганини курсатувчи асосий воқеадир. МК бу шарқ деҳқонлари орасида суъий ижтимоий фарқни фақат террор йули билан вужудга келтира оладилар. Урток Лениннинг Коминтерн съезида мустамлака масаласига доир ўқиган тезисларида ёзган мулоҳазаларимизда ҳам Шарқда ижтимоий ниқилоб фақат суъий табақаланиш билан вужудга келадиган бир кайфият эмаслигини, бу янада мураккаб бир масала эканини изох этгандик. Модомики, Шарқда овруналикларнинг капиталисти ва ишчи синфлари бирга мустамлака соҳиби уларок ҳаракат қилмоқчи эканлар; у ҳолда Шарқдаги деҳқон ва ишчи ҳам узини бой Шарқлик билан бирлашмоқ мажбуриятида куражакдир. Сиз маҳаллий аҳоли орасида табақаланиш ҳосил булмаганини қурғач, бунда зиёлиларни қабоҳатли топажаксиз ва уларнинг бир қисмини “синфий душман, майда буржуа миллатчиси”, бошқасига “сул октябрчи” қилажаксиз, ва ҳар гал бу “сул октябрчи”ларни “синфий душман” сафига қушиб йўқ қилиб, унинг ўрнига янги бир “сул октябрчи” шаклантирасиз. Шу тариқа, ниҳоят ўқишсиз-ёзишсиз, фақат эшаги билан ҳуқизини ва бел курагини билган маҳаллий деҳқон билан ёлғиз коласиз. Маҳаллий зиёлига нисбатан ишончсизликни умумий Туркистон мезонида ўзгартира оласиз, деб уйламайман. Ҳеч бўлмаса, бу маҳаллий зиёлиларни ҳозир, амир қочгандан кейин урнатилган Шуру Бухоросида бемалол ишлашларига имкон беринг”.

Айнан Петровск-Портдан МКнинг аъзоларига ва сиёсий бюро аъзоларидан Крестинский билан Преображенскийга ҳам тарихий йилда шу мактубни ёздим: “Ҳарчи социализм миллий тамойиллар муаммоларига нисбатан қарашларимиз турлича булса-да, социализм буюк миллатларнинг ҳуқумронли ўзгарганлиги асносида намён қилиниши, шаклантирилиши масалаларида фикрларимиз айродир. Бирок мен оддий бир инсон сифатида иккалангизга ва бир печа партия арбобларига дустига муносабатларда самимий эдим. Мен шўролар ва коммунизмга қарши кураш йулига ўтган булсамда, сизга хийнат қилмадим. Алдаганларим Сталин қаби мени алдаган давлат арбобларидир. Уртокларимиз самимий бўлмаган ниқобланган диктатордан, яъни инсон шахси ва эркини менсимасдан муносабатда булганлигидан, уйвмогидан шикоят этган душтар партия ичида катта депрессия ва мудҳиш террордан хабар бермоқда. Балким сиз ҳам

бир кун келиб йук килинишнигиздан хавотирдаман. Мен эса бошимни качон олишаркин деб кутиб утиришни хохламадим. Очик курашда улмокни лозим тондим!”

Менинг бу мактубларим эътиборсиз қолмади. Сталин турли ваъдалар бериб мени Москвага олиб келиш учун бор чораларни ишга солди. Жумладан, татар зиёлиларидан Усмон Тукумбетовни мени бўлишим мумкин деб гумон қилган жойларга, яъни Ашхободга, Бухорога, Самарқандга юборди. Лекин, мен Усмон билан учрашишдан узимни олиб қочдим. Турор Рискуловнинг менга 1922 йили етказган хабарига кура Ленин шундай деган: “Ушанда Туркистон ҳукумати раҳбари этиб тайинланган Рудзутаққа ортиқча ишонсизлик курсатилмаганда эди. Валидов Туркистон тоғларига чиқиб кетмасди”.

Лениннинг 1932 йилда нашр этилган тупламида “Миллий – мустамлака масаласи” номли асаридида шу сузларни ёзади: “Бошқирдлар великорусларга ишонмайдилар, чунки великоруслар уларга нисбатан маданияттироқ булганидан ва уз маданиятини бошқирдларни талаш учун қуллашди. Шунинг учун ҳам бу чекка ерларда великоруслар бошқирдларга эзувчи, золим ва товламачи демақдир”.

1915 йили Уфада танишган Крестинский ва Преображенский дахшатли қийноқлар азобига бардош беролмай шармандали айбловларни буйнига олганидан кейин 1937 йилда қатл қилинди. Мен Крестинскийни 1924 йилда Шуроларнинг Берлиндаги элчиси булган пайтда кўрдим. У Петровскдан юборган мактубини эслаб: “Демак, сиз сиртмоқни мен билан Пресображенский буйнига ташладингизу. узингиз қутилиб кетдингиз, – деб қулган” – эди.

Буни карангу ушанда узининг 13 йилдан сунг осилишини тасаввур ҳам қилмаган. У менга Россия фуқароси булиб қолишимни маслаҳат қилди. Мен эса ундан сўрадим:

– Ажабо, яна Россияга қайтишимни тавсия этяпсизми? – дейишимга: “Йук, хорижда қолинг, фақат шуро фуқаролигини узгартирманг”, – деганди.

§ 178. *Доғистондан Хоразмга.* Петровск-Портда бир неча кун қолиб Волгадаги Ун икки футдан юрадиган кичик пароходга утирдим. Бокудаёқ бир аскарни Астраханга юбориб, Хоразм саёҳатида мен билан бирга буладиган дўстларим Талҳа Расул ва Хорис Юмагуловни Ун икки фут бандаргоҳига чақирган эдим. Улар ҳам бу ерга мен билан бир вақтда етиб келишди. Елкашли балиқчи кемаси билан Гурьев томонга суздик. Бу ерда балиқчилар маҳалласида қуритилган шўрли балиқларнинг баланд қилиб йиғилган ва бу ҳамма томонга утқир хид таратар эди. Биз руслар “Жилая коса” деб номлайдиган Қангбакти деган жойга келганимизда рупарамиздан шамол эсиб, кемамиз соҳилга яқинлаша олмади. Кемамиз киргоқдан икки километр узокликда тухтади. Овқатимиз ва сувимиз оз эди. Бир кеча-кундуз шу ерда қолдик. Ниҳоят, 17 сентябр кунини Қангбактига етиб келдик. Балиқчи



керенка деб номлаган Керенский хукуматининг пулини ишлатишарди. Кекса бизга инглизлар, японлар ва хитойликлар сиёсатидан гапирди. Унга дунё ҳодисалари хақидаги хабарлар икки-уч ой кеч келсада, гоятда туғри мулоҳаза юритаётган эди. У болшевишни чор қайтгандан сунг мушгазам арок ичадиган рус миллатининг мастигининг зоҳир булиши деб аилар эди. Бизнинг карвонимиз жуда калта эди. Қозоқлар Қуниғиротга бозорга кетгисаётган экан. Биз қушилган карвонга қим сарбоғлиқ қилаётгани битга маълум эмасди. Карвон кечаси юриб, топга яқин дам оларди. Тухтаган еримизда саксовул ва баялини сингари сахро дарахтларини ёкиб исилар, қийинларимизни тулхана тутиб ушлага юзлаб битларни тукардик. Оловда исинастиб қуйлагимиздан юзлаб битларнинг тулиши биз учун бир кашфиёт эди. Бир қуни қалъа ва нетехком ҳаробаси жойлаган биланги деган жойга келдик. Билсак, бу ерда икки буюк Алдай қабиласи урғасида мол талон-тарожига бил дамол тасатган ички пишаларни ҳал этиш учун ҳакамлар ҳузурига келишибди. Бирок ҳисомлар тарифқандлик қилгани боис масалани ҳал қилишга олмабди. Биз келишимиз билан ҳар икки томон оқсоқоли одлимизни келди. "Сизни бизга Худонинг узи юборди. Бизга ҳакамлик қилгани дейинди. Мен бунга қабул қилмадим. Давловнингизни билмайман. Янқай ҳал қилмай" дедим. Улар айтди. "Бизга аиз шу билмаслигиниз мизқул, чунки бизга ҳакамлик қиладиганлар барча ширеши билганишқилари боис улар чиқарган ҳукм с у с бу томондан Қабул қилинмайди". Мен "дигей ҳам шу ерларда ҳакамлик қилган экан" деб сўрдим. Сунг ушанга маълум тунди. "Ҳақиқий бий ушанга" дейинди. "Дигей XV асрда Олтин Ҳудонинг билиқарган буюк сўлачи ва кўмондон эди. Олтин Ҳудонинг қочиб Хорезмга ва Самарқандга ўтаётганида мана шу ерда "Бизга ҳакамлик қил" деган ҳодисани ятиминини қабул қилиб, туя қимга тегинди. Янқай ҳақида ҳукм чиқарибди. Бу ҳукм олтинга ҳукм бўлган боис. Дигей биларди дигей бу билан ва қозоқларди. Дигейнинг зуми деган нақл бир бу қилгани билганим уларни қуниғиротга юборди. Мен давловни ўрғаниб чиқдим. Қозонда ҳали оқсат ишидеганида. Ҳакамлик қилишимизни жиддий сўриётган бўлишимиз розиман. Дедим. Улар ҳа дейинди. Мен бир неча йиллардан бунга давом этиб келётган ва икки қабилани бир-бирини дунгани қилиб сўриган давловни одилога ҳал қилишга тарбия қилдим. Талон тарож қилишни мол сар қайтарилганида ҳукм қилдим. Улар қабул қилишқиларини мумкин эммо йоқ келганини сўни мошларини қайтармай ҳин жапа-зилағини қилишлари мумкин деб ўйланам. Сунг бит пулини қил дамол олди.

Ордадан сўни ол ушга Оқсудондан Бухорига қочиб вакиллари юзганини. Уларнинг дигинида менни Алдайлар орасида қилиган ҳакамлик қилмайиб нагажа оқрибди ва менлар туған тег қайтарилганини. Алдайларни жуда яқин билганидан Ачи Бухорани қозоқлар орасида тора бирини сўнига оқсатган қилди. Мен қабилга деб мана бир мақсуд

орқани таъриқ таъди 20 октябрда она X асрда араб жутрофия ашмалари "Хоразм нуслари" деб аталган Чингиз тизмаларидан Хоразм пөдийсига тулдик. Бир кундан сунг Хоразмнинг биринчи шахри бу план Кунгирот шахри деворларига яқинлаштык. Бизни бу ерда юкерида шара ашнтан бошкарды те ишен Хурмагу тлох. Ундобев шахар дарабден тапкарисен да бизни кутю олди.

*§190 Кунгиротни шухрида таъриқ чакан.* Кунгирот Хива хонлигининг вилоят маркази саналади. X бир неча юз ундан шорат кичик шахар сулда та, хариталарда, масалан, Немисияда Гансхурт, Англияда Манчестер, Хитойда Шанхай енислари шахарларга куйиладиган бевли орқани курелдиган эди. Кунгирот Чингизхоннинг ууллары билан ойна гарбга келган татар кабилелсининг ному хисобланган. Асли туркийда "Кунгурлар" су ашнини кунинги саналади. Кунгирот ларсинг ашмалари келек ва узбекларда турли жонларда яшап кельмокта. Хошр бу шахар Олтин Урда хонлари даришдан тур рус петишоенга катар бу ерларни малюм даришар оралинида бошкарган кунгирот кабилелен бекларни номенидан барто эитилган эди шахар эди. Шахар турк тарихида X аср араб жутрофия асарлариде хошр ушбу шахарининг ишмалени гарбда жонлашган Бокиргон киндогои ному билан аталган. XII асрда яшлаган турк мутасавуфи шайх Хаким Ота Бокиргонининг макарден шу ерда жонлашган. Туркий халкларга тасавуфини шельлар ва диний асарлар келдирган Хаким Ота пажерини Россия ашнини даламан ва Туркияда профессор Фуад Кутрулу ургашиндан. Хаким оганини Қошода 1887 ишдан бошлад бир неча маролава босилган "Бокиргон китоби" тулик бир аср динионда мактелларда даре китоби еифатида укитилган. Мен дам кичиклигимда туркча дин дариш еифатида шу асарни укитган ва ташлан ерим. Кунгирот шахрида яқинлашганда, карвонимиз мама шу шайх мадехи булган Бокиргон киндогоида бир соатга келди. Мен буцдан фойдаланиб, шайхнинг мотарини шерап киндим ва ушбу ашмаларни булган кекса мақдара ходимининг дафтарига Хаким Отадан ашмалда келган куйидаги икки мисерани эни куйдим:

*Султон бу дини ушбу ашмалар деч киле олган олмади  
Сулбуни ишмал хитобининг бериб куйиша оларми!*

Яъни, "Бир хукмдорининг сонта еифатида берган хитобини хеч кимдан кайтариб олмаган. Таъриш ишмал хитобининг куйидаги халк келиб бериб, юш кайтариб оларми!"

*Арслан шини шельларлар, шинини калми куйларлар  
Бошнини куйишда куйиш ишмал куйиш оларми!*

Яъни, Хакимий ларини лар арсланни шиниш ишмал калми еифатида шинини шинини даришдан карвондан бу планларни хорда

хуруретанмайдилар; бошларини гаштга куйиб ва тискаларини кузлари билан кучиб Тангрига ийиб айтадилар”. Шайхнинг авлодидан Ибнотининг ичиди бир киши бўлиб, Ёш хиваликлар ҳаракатига қўшилганини билардим. Бирок у бу ерда йўқ эди.

§ 180. *Совик дустиги Хурматуллох Эдилбоев.* Қўнтроғи а биз роса вақдалигани тақдиринда, яъни октябр ойи охирида келганимизда Ўшқиретондан Хурматуллохдан ташқари яна бир киши келган эди. Бирок ваъди дустиларини Хиваса келиш динини шикдик. Биз келадиган кун яқинлашганда Хурматуллох ҳар кун шаҳар ташқариёнга чиқиб, келган қаринлардан билларни сўради. Бизни куриб севинганидан йиллаб юборди. Мен айтдим: “Авалло битни битлардан ҳалос қилинг”. У “Авалло бу вилоятини Жунайдохон номидан бошқараётган Бақра-бек билан куришганини тизмаққул. Мен унга ет старининг келадиганини уни хабар бердим”. Биз бир чойхонага кириб, етти патир ва қора майиз билан чой ичдик. Бу биз учун Қашқаридан кейин куриган буёқ нематлар эди. Сўш Бақра-бек хуруша бордик. У сўш устиди ёттиққа еттибошаб утирган экан. Бизга “Хуш келибсенлар” деди. Чой тақатиф қилди. Росетининг ахволини сўради. Қиека қилиб жаваб қайтардик. Ушмининг еттеат кишилари қилиб кураётганини, Жунайдохонини куриши ордунда жанамининг билдиридик. Хон чулга чиқиб кетган, уни Урганедан тошишинга тизмаққул” деди. Мен “Биз у ерга борамиз, бирок еттедан бир мактуб ёзиб беришинини иштимос қиламиз” дедим. У “Берамиз” деди.

Сўш Хурматуллох ва ушмин оренбурглик татар дусти Зоқир биз учун ижарага олиниган ушша бошдан Дарҳол бозордан текки қийим, франк кутуқлари ва Хива чопонидан олиб, ҳаммомга бордик. У ерда устара олиши соғаринининг ҳам қилладик. Танамизда бирерта ҳам кил қозирмадик. Устидинидаги экан иётинларини ҳаммомининг ушхонасида ташлаб ёқиб юбордик. У ерда илар олониға ушварини олиб қийимларини олимоқини бўлиши. Биз қайтардик. Биздан “Бизга дечки қилмо шундан қийимлар ёқилганими” деб жаҳларни чикди. Ҳаммомдан чиқганимизда биз худди бошқа инсонларга айланган эдик. Сўш етти роса ушхалик.

Қўнтроғда биз келадиган кун уни йўқ эди. Дустининг Хорие Ўшқиретон бу ерда бўлган дубларга бардош бера олмаслигини айтиб, Қўнтроғда еки ширинча. Бошқардиктонда франкост олиб борини учун биздан руҳлат сўради. Ҳақиқатан ҳам ушмин сафарда қийимчиликларга дини бера олмаслигини куриш эдик. Биз унга Чимбўйга келганимизда биздан айрилиб, Сирдарё бўлидан кетасини, дедики. Тахт Расулга дед Чимбўйга бериладан Қўнтроғда қилиб Аму дарёсини чап сўхалини кулаганини айтдик. Урғаланимизда учта от олиб олдик. Қўнтроғ хонки бўлиниб турк бўлиб, у ерда қилгани Хорие маънафидан келган аштановар яшаб келмақда эди. Улар баер шавқча куриган ва биздан қилиб дублар билан бир билидан



эки рус интеллигенти енгизиб бурган Хурмагулох вақт ўтиб  
пятикочларни мусулмон бўлиши эди. Билки унинг илдоки хам Уларар.  
Кетганганимизди болонирдек хўи хўи йиғилди. Уни шунидан кейин  
умуман кўридим. Кекел бўлинига қарамай, бизга бошқирдиетон  
незикков ҳаракатининг бошларида кўп эрдани теккан отаси таржимон  
Сафар Али Қаринни улитини эди. Менги устид кетар қаниман Сафар  
Али ва Хурмагулохни, яна ҳаракатларининг бошида бошқирчи миллий  
кўшини кура бошлагани, қизиллар томонидан Балқожа хотинларча  
Ҳидирнинг биродари Абдуллох Эдилбоевни элиниги. Кўпиротдан  
80 километр улоқда бўлган Чимбой Ҳўли Аму тарёнинг бошқажиклари  
устидан ўтган эди. Отиларининг кўп ерда қичик қайиқ тира чиқариши  
қанин ва кўнлардан ўтказилар эди. Қадимги ислом жўрофиячилари  
айтганидек, бу ерда Ҳўлини ўтиши жуда кўп эди.

Чимбойда янги усул мактаби бор экан. Бу мактаб устозларидан  
бўлган бир татар муаллимининг уйда қондак. Бу ерда сўшк қеалиниги  
кўп эди. Муаллимнинг айганини, болаларининг кўнчилиги сўшк бўлган  
оти инлардан тугилган эди. Тиз Ҳина кўни оққатни дахшад ишида  
сдик. Қорақачинок Шўро Жумхурияти ташкил этилганда қорақачинок  
ишчилари маңа шу қасла тоққа қарин кураш илар. Жуда кўп табиқлар  
қинириб, бу хасталикка қарини эйдий қарин олиб боришдан на  
наҳоят енгилди. Аммо 1920 йилда биз бу ердан ўтганимизда вақит  
қоққани эди.

§ 181. *Хорис билан афганчилиги.* Хорис Юматулов шу ерда  
мен билан ажраб қолди. Курагани ва жанҳад қилгани артик бирдон бери  
оқмақ иши ҳақида айтади сўшари қанин ушдан асво сўшга оқмақни.  
Сўш у шўролар кўнига тунди эки ўни таслим бўлди. Ҳасти Москвада  
қамоқларда ўтди. Сўш қамоқдан чиқарилиши дейишиги Хуллас.  
Хорисни ишдан сўш кураганим. Жуда янани йилга эди. Бирок  
керак бўлса Россия ташқарисида янги ҳаёт бошлаганини ҳақиқатин  
сўшарининг тугилмикиди тарбияси шу вақт эди. Шу сўшдан айрилди.  
Акс ҳинда, у мендан хали эди. У ва Туркистон учун кураш қорикда  
албатта фойдали бўлар эди. Шу бошловчи билдан отга киши, мен билан  
айрилди. 1917 йилда ушдан такрор такрор кетирим сўради. Мен  
"Худойим бу ишдан ошк қилкин, сўш оқман бу ва билини дуо қилгин  
сўш қилдим."

Тасдан ажралиб уламизда қайтган инчилардан Хорис Идиқов  
ва шўри Сайид Ҳарал Мағзобларни. Уларининг ишги ошдида  
бошидан тар ўтириб кетинди. Хорис собиқ коммунист бўлгани  
учун ўш ушлармай қалганиди оқибати маълум бўлмади. Бирок  
шўроларининг "Ички-ишчи Шўро" журбонда ушга қарин ҳарқат  
қилган Сайидов Мостовенко ва бошқаларининг Ҳидирларини,  
Хориснинг ушга берган қаровини кўп енгиларининг тугиб уқидим.  
сўш ақилларининг бошлаганиди деб ишидим.

Чимбойда қорақачинок сўш ердада Шўридин иккиди ҳаққ ишларин



борлигини билардим. Уни куриш чун бир-икки кун колдим. Қадимги турк дostonларини, айникса, қорақалпоқ ва қозок ривоятларини жуда яхши биладиган бу кекса кишини аввал шарқшунос Белтяев куриб, баъзи дostonлардан парчалар ёздириб олган эди. Мен ҳам бу кишини курдим. Айникса, Эдигей, Гухтамиш ва Темур хақидаги дostonларни жуда яхши ёд олган эди. Куп нарсани ёзиб олдим. Улар орасида Олтин Урда қахрамони Эдигейнинг Хоразмда Темурнинг маслаҳатчиси бўлган Шохмалик билан дустлиги хақида булиб, уни бошка жойда эшитмаган эдим. Бу дostonларни яхши биладиган Добружа нугайтаридан бирини 1925 йил Кустанжа (Констанца, Руминяда) курдим. Унинг оти ҳам тасодифан Нуриддин эди. Бирок қорақалпоқ Нуриддин окин қипчоқ муҳитидаги дostonнависларнинг энг каттаси ва кучлиси эди. У Темур ва Эдигей дostonини бошка ҳеч бир бахшидан нақл қилмаган Хоразмга оид қисмларини ҳаяжон билан тилга оларди. Шохруҳнинг Хоразм ҳоқими Амир Шохмалик Билживут билан угли Нуриддиндан мағлуб булгандан сунг, Эдигей собиқ дустим деб Шохмалик ҳузурига ҳол сураб келганида улар орасида булиб утган суҳбатни нақл қилди. Эдигей унга "Анда дустим Шохмалик" деб хитоб қилади ва шеърый жавобида Шохмалик Темур даврини икки васлнинг ҳаётини олтин давр сифатида курсатади, узини: "Мен буюк эгам (яъни хожа) Темур учун муз устида олов ёқиб, бутун бошли қучқорни пишириб, тақдим қилган кишиман, мен амир Темурга жигарининг боши, кузларининг ола жавҳар тоши эдим, бирок Эдигей оғам, сен буюк зотсан, кичик Бешкалта (Хоразм) қитъасига сигмайсан, энг яхшиси ўглингни топиб яраш, у сенинг қучоғинга сиғади". Қунгирот билан Чимбой орасидаги ерда ва Нукус йулида аввалдан урнашиб қолган бошқирд уруғлари бор эди. Улар бошқирд ёки истак деб аталади. Уруғлари манкавай, қайипназар, қора теренчи ва қалмуртойлидир. Қорақалпоқлар ҳам бошқирдлар сингари тубаларга, яъни ҳудудий булинмаларга ажралади. Халқ йиғинлари бошқирдлардаги қаби "жийин" деб аталади.

Мен Нуриддиннинг қишлоғига борганимда шу бошқирдларни куриб суҳбатлашдим. Уларнинг сузига кўра, улар бу ерга етти-саккиз "бувин", яъни авлод олдин келишган экан. Демак, 1700 йилларда, эҳтимол Қайибхон (Ғойибхон) замонида келиб жойлашган, бирок бир гуруҳ бошқирдлар яна ҳам қадимий экан. Булар келиб уша эскиларга қушилишибди. Улар Қунгирот беклари даврида муҳим сиёсий фаолият курсатишибди.

§ 182. *Қўшна урганчилик туркман босмачилари.* Уша вақтларда Чимбой Ҳивага эмас, Петро-Александровскы (Турткул) булисидаги рус ҳукуматига тобеъ экан. Сирдарё ҳавзасидаги Қозола (ёки Ғазола, Қазалинск) тарафдан қизиллар қушини келаётгани хақида хабар тарқалди. Мен йўлбошловчи топиб, тез бу ерни тарк этдим (1920

йили) 2 ноябрда Нукусга келдим. Нукус ҳозир Қорақалпоғистоннинг пойтахти (аэропорти бор). Лекин у вақтларда кичик бир қасаба (шахарча) эди. Шу ерда тунадим. Эртасига Амудареннинг гарбий соҳилидаги (Хужа эли) Хужайлига бордим. Хужайли X асрда Бағдод халифасининг вазирини Ибн ал-Фуратнинг мулки хисобланарди ва Ардахушжичақ деб аталар эди. Сайёҳ Ибн Фазлон бу ерга келганида, вазир мулкининг ишбошқарувчиси бир масихий (христиан) экан. Бу ердан олинган даромадларни вазир Волга бўйидаги Булғорга юборар, бу маблағларга камбағалларнинг болаларига мактаблар ва ҳарбий истеҳкомлар қуришга сарфланар экан. Лекин, ҳозир (болшевик советлар қелган) бу жойлар ҳароба эди. Шу кечасиёқ Қухна Урганчга йул олдим. ...Кечкурун қадимий Хоразм пойтахтининг ҳаробалари сақланиб қолган Қухна урганчга етиб келдим.

Хоразмликлар Урганчни Гурганч дердилар. Арабчада эса Журжонийа деб аталарди. Келганимда Жунайджон бу ерда йук эди. Унинг қунимгоҳида бир туркман бекига ва унинг аскарларига дуч келдим. Қимсан деб суриштириб утирмасдан, жой таклиф этдилар. Туркман беки нима иш билан шугулланишимни суради. “Савдогарман, Қунғиротдан келдим”, деб унга Болабекнинг хатини топширдим. Хатни мирзасига ўқитгач, менга қайтариб берди. Балки хон эртага келар, дейишди. Мен билан кўп ҳам кизикавермадилар. Қадимий шаҳар вайроналарини, XII аср минорасини, XIV асрдаги Қунғирот бекларидан бирининг хотини Турабекахонимнинг, айтишларича, бойликларини ҳозиргача сақлаб келаётган мақбарасини, шайх Нажмиддин Кубро<sup>35</sup> ва бошқа баъзи машҳур кишиларнинг қабрларини зиёрат қилдим. Ёлғиз ўзим юриб, қабртошларга битилган ёзувлардан ўқий билганларимни кучириб олдим.

Чингизхон Хоразмни босиб олгач, шайх Нажмиддин Кубро қулига қурол олиб, Урганчни ҳимоя қилишда иштирок этади ва уни муғул жангчиси билан санашга киришган пайтда улдиришади. У сунгги жанггида Аллоҳ номини тилидан қуймай, дуолар ўқийди ва бир муғул босқинчининг сочини маҳкам ушлаганича қулидан чиқармай жон беради. Уша муғулнинг сочини кесиб қутқариб қоладилар. Бу воқеани Жалолоддин Румий шайх Нажмиддин Куброга бағишланган бир шеърда ниҳоятда гузал тасвирлайди. Шайхнинг ажойиб бир рубойисини Шайх Нажмиддин мақбараси деворига ёзиб қуйдим:

*Аз шабнами ишқ ҳаққи одам гул шуд,  
Сад фитнау шарр дар жаҳон ҳосил шуд.  
Сар ништари ишқ бар рағи руҳ задаанд,  
Як қатра фуру чақиду номини дил шуд.*

Туркиячаси:

*Одам учун ишқ шабнамидан бир тамчиси ҳўла айланади.*

*Бу ҳўл жаҳонда юз фитнаю шарр (ёмоқлик) ҳосил этди.*

*Ишқ ишон қон тамирига ништар урди.*

*Ишқ ништари сачрапган қоннинг бир тамчиси юрак деб аталади.*

Буни кучирувчи фалон, деб исминни ёзиб куйдим.

25 йил утгаъ, бу макбарани диққат билан урганган рус археолоғи профессор Толстов Туркияга келганида менинг ёзувим хали ҳам сақланаётганлигини айтди. Макбарани кўриқловчи бир қари узбек ёзганларим мазмунини сўради, мен тушунтириб бердим. У менга ҳурмат кўрсатиб, қаердандир олиб келган палов билан сийлади. Шу орада Жўнайдхоннинг вақили булган Туркбейнинг кишиси келиб, Хон бундан беш чақиримча жойда аллақайси бойнинг уйида эканлигини айтиб, хоҳласангиз, боришингиз мумкин деди. Хамроҳларимни шу ерда қалдириб, туркман бети юборган икки соқчи билан хон хўзурига йўл олдим. Мени кузатиб келган соқчилар орқали Болтабекнинг хатини бериб юбордим. Аён булдики, Жўнайдхоннинг узи келмаган, мени унга яқин Анна-Болта исмли бек қабул қилди. Нима иш қилишимни сўради. Айтганим сирли гапим бор, дедим. Унинг ёнида 4-5 киши бор эди. «Бу кишилар ишончли сузлайверинг», деди. Мен ким эканлигимни, нима учун келганимни, Бухорога боришим зарурлигини, Россия ҳўкмронлиғи олдида бўйин эгини хоҳламаган давлат қаҳрамонини куриш истагим борлигини, келажакда ҳам у билан алоқа боғлаб туришга умид қилишимни айтиб бердим. «Хивага борганингизда жадидлар (яъни руслар ёрдамида ҳўкимият тепасига келган узбек арбоблари) сизни ўлдирмасларми?» дея сўради. Мен эса, йўқ, уларнинг бир нечаси билан шахсан танишман, уларни сўзларга қарши мўсулмон аскарларини юбормасликка рози қилурман, дедим. Сўзларингизни қабул этсалар, бизга билдирингиз. «Агар Тошхўвуздаги фалон кишлокка, фалон уйга ун миқтиқ билан уқлар юбортирсангиз, тақлифингиз қабул булганлигини аниглаймиз», деди у. Дўне хабарларидан сўриштирди. Маълакатдаги ахволдан анчамунча хабардорлиғи сўзилиб турарди. Унга Боқу сўзди тўғрисида сузлаб бердим. Жўнайдхон ҳам сўзд булишини билган экан, ҳатто унга одам юбормоқчи булибди, лекин пулини тополмабди. Икки соатча сўхўбтлашиб, бирга овқат едик. Сўхўбат вақтида Ниёзбахши исмли яна бир туркман бети: «Англия қандай сиёсат олиб бормоқда? Туркиянинг ахволи қалай?» деб сўраб қолди. Улар эса бизга Фарғона ҳамда бошқа баъзи вилоятлардаги босмачиларнинг етакчилари билан алоқа боғлаганлари, асосий ташвишлари қурол-яроғ ва уқ-дори топишдан иборат эканлиғи тўғрисида айтиб беришди. Мен саёҳатим махфий эканлигини билдириб, улардан қимлигим тўғрисида бирор қимсага айтмасликларини утينيб сўрадим.

Хуллас, Жунайдхон билан учраша олмадим. Урганчда унинг бир углини куришга муваффақ бўлдим. Кейинчалик Жунайдхон Эрон ва Афғонистонда паноҳ топиб, Хирот яқинидаги Таймана қишлоғида вафот этган. Хиротга иккинчи келишимда мен унинг уша Урганчда курган угли билан учрашишни ният қилдим. Афсус, у ҳам қазо қилган экан, невараси билан суҳбатлашдим...

Анна Бола билан хайрлашиб чиққач, кечаси Қўхна Урганчда тунадим. Эртаси Нукус яқинидаги бир кичикда, иккинчи куни Хўжақулда, учинчи куни Бийбозорда тунадим. Бу ерларда ҳам қадимий ёдгорликларни урганишга ҳаракат қилдим...

Нукусда ёллаган кузатувчи ҳамроҳим ҳақини бериб, уйига қайтариб юбордим. Эртасига ёлғиз ўзим Хоразмнинг Амударё қунчиқаридаги қадимий пойтахти Кат шаҳри қолдиқлари сақланган Шайх Аббос Вали деб аталмиш қасабага келдим. Қўхна Хоразмнинг Абу Наер ибн Ирок ва ал-Беруний сингари буюк олимлар яшаган бу шаҳарнинг паҳса деворлари хали ҳам унинг ўтмишидаги маҳобатидан тасаввур бериб турибди. Бу ерда мени қаршиловчи ҳеч ким йўқ, ўзим бемалол юриб, кўплаб қабртошларни, ёзувларни куриб чиқдим, бироқ фотоаппаратим булмаганлигидан уларни кейинчалик урганиш учун суратга тушириб ола билмадим.

§ 183. *Кат шаҳри харобалари.* 1017 йил Ғазнали Маҳмуд Ғазнавий бу ерни ишғол этаркан, бу ернинг машҳур олими шаҳзода Абу Наер ибн Ирок унинг тақдир (бўтун) кўшинини шу Кат ёнидаги хўжалигида тунатганди, меҳмон қилганди. Бугун эса Шаббос Вали (Шайх Аббос Вали) кичик бир қасабадир. Шунингдек, Аббосий халифа Маъмун Бағдолга рух қутиларда келтирган машҳур "Хоразм қовуни" хануз бор. Мен бу қовунлардан тўйиб-тўйиб едим. Булар ҳозир "Шайх Аббос (Шаббос) қовунлари" дейилади.

Августда жума намозига бордим. Паст бўйли бир воиз жуда гузал сузлар айтди. Фореча ва арабча ҳодисалар ва шеърлар нақт этибқ таржима қилиб, изоҳлаб, тушунтириб берарди. Бир ҳафтадан сунг Муҳаммад (с.а.в.) туғилган кунларига тайёрланмоқни тавсия этарди. Дедики: "Аллоҳ қўрқуви (Аллоҳдан қўрқув), Аллоҳнинг хидояти, Пайғамбар(с.а.в.)га, тург дўстига, дўстларига нисбатан ҳурмат ва муҳаббат бўлмаса, инсонлар ич (олами)да яширин ва ташқаридан келадиган оздирувчи, қутурувчи-қутиртувчи қучлар йулдан адаштирадидлар"

Ва туркча уларок "Узинг қўллаганга агар Раббимиз, оздирур нафе билан шайтон бизларни!" дея бошланган шеър билан шу маънода Хоразмнинг буюк шоири Нажмиддин Қўброга нисбат битилган бир фореча шеър айтди ва баъзан хоразмлик бир олимга нисбат берилган шу маъно (маъно) ва арабча шеър нақл этди ва сунг туркча изоҳлаб берди:

"Пайғамбар (с.а.в.)га ва турт саҳобаси (р.а.)га нисбатан

муҳаббатимиз ва эътиқодимиз бор. Агар (Худо курсатмасин) бир кун биз бу севгидан ва диндан айриладиغان бўлсак, Жиз тирноқ дейилган Гүлёбони, бизни исезиз чулларда йўлимиздан адаштириб, халок этур".

Халқни бу гузал ваъзалари билан жуштирур эди. Бу зот баъзидан нафе, шайтон инсонни ичдан (ва таъздан) игво этарок йулдан оздиришини, одамларни алдаб, чулларга чиқариб, култик остиларига боқур, тирноқларини ботирур, улдириб еганига ишонганлари бу "Жиз тирноқ" дейилган "Гүлёбони"ни қулай узбекча билан шу қадар устамоҳирона тавсиф этар ва жонлангирар эдик, ҳайратландим. Айтган шеърлардан хотирамда қолганларини намоздан сунг дафтаримга қайд этдим. Воғини қурмоқ истадим. Жомеъга яқин бир баққолдан:

- Воиз қайда? Қўрмоқчиман, - деб сўрадим.

- У бир Хизр қабидир, бир ерда турмайди, кишлокларда қолади, билмадим қайга кетдйкин, - деди.

Ва англадимки, менга манзилни билдирмоқ истамади. Хукуматга ҳаёт бери, деган гумонда бўлгандир.

Замонлар ўтди. Ўша арабча шеър Хоразмнинг буюк олим али ибн ал-Ниронийга оид экан. Қўрилмоқдаки, Хоразм давлати маданий излари ҳануз яшамоқда. Воиз буларни, албатта, бир устоддан урганган. Эҳтимол, ўзи ҳам буларни талабаларига ўргатар, лекин Хоразм халқини дин ва иймондан ажратадиган куч Турткулда ўрнашаётган Рус коммунистлари бўлажигидан ҳали унинг хабари йўқ эди. Мен Хивага келгач, ҳукумат раиси Хужа Ниёзга бу воиздан ва унинг ваъзидан суз очдим ва қадимий Хоразм маданиятининг бу қимматли асарларига эътибор этишларини, қарашларини тавсия этдим. Лекин 1921 йилнинг март ойида Ёш хиваликларнинг ҳукумат аъзолари қочиб Бухорога келишганда Хоразмда Рус идораси (бошқаруви)да бўлган "Амударё шубҳаси" миштақасида дин олимларига қараган ва ёрдам берганларини, аммо бу ёрдам уларга фалокат келтирганини, Турткулдаги коммунистлар буидан хабар топгач, бу имом ва воизлар орасида Хива ҳукумати диққатини тортиб, камокка олганларини ва баъзиларини улдирганларини айтди. Мен ҳам бечораларни Хужа Ниёз Хожига айтиб, уларга (яхшилик қиламан деб) ёмонлик қилиб қўйдимми дея қўп безовта бўлдим, қўп қайгурдим.

Мен Шох Аббос Валияниқидан икки кун қолдим. Турткулдаги Рус гарнизони яқин бўлса-да, Шох Аббос Валига улардан ҳеч ким келмади. Кечани уш баққолнинг уйида кечирдим. Ва 13 август эрталаб бир отлик йўлбошловчи (киловуз) билан Хивага қараб йўл олдим.

Амударёдан қайиқда утиб, пешиндан сунг Хивага кириб келдим. Ашқободдан бу ёққа қузатган оиламни излаб топишим керак эди. Ўқитувчи бўлганидан иш беришгандир дея изладим. Ҳеч захматсиз топдим. Ҳақиқатан оиламга уз ишини берибдилар. Бошқирдистондан бу ерга қочиб келган субай (зобит)имиз Усмои Теригулов Хоразм Ҳарбия нозирини муовини бўлибди. Мен ҳукумат аъзоларидан экин

дустларим Мулла Бекжон билан Султон Муродни кўрдим. Булардан биринчиси (Мулло Бекжон) маориф вакили, иккинчиси (Султон Мурод) ҳукумат раиси муовини экан. Менинг келишим бу дустларим учун буюк ходиса бўлди. Бу билан бирга саёхатим махфийлигини муҳофаза этишга эътибор қаратдим. Уз уйимизда ҳеч кимни Қабул қилмадим, ташқарига ҳам деярли чиқмадим. Бир кун (10 ноябр) Ёш хиваликлар ҳукумати аъзолари ҳукумат раиси Пахлавон Ниёз Хожининг Хон саройидаги хонасида менга зиёфат бердилар. Бу ерга баъзи ишончсиз инсонларни, жумладан, рус одами деб билганлари Ҳарбия нозирни отли қозонликни Хасановни чақирмадилар. Жуда гузал суҳбатлар бўлди. Пахлавон Ниёз Хожини мендан:

– Нега Москвада колмадингиз? Қолганингизда умумий ишларингизга, ҳар холда, фойдангиз теғарди. – деди.

– Агар миллатга Москвада утириб фойда келтирмоқ мумкин бўлса эди, бундай чўл-биёбонларга, тоғ-тошларга чекинмаган бўлардим. – дея масалани тушунтирдим. Хивада пайтимда қандай хусусларда фойдам тегиши мумкинлиги сузлашилди ва бир режа тузилди. Бу ерда кўпи билан бир ярим ой қолишим мумкин эди. Декабр охирида Бухорода бўлишим Боқуда қарорлаштирилган эди.

*§ 184. Тошкентликлар, бошқирлар ва турклар Хивада.* Хивада кўп ишладим. Менинг 1917 йилдан бери аскарний ташкилотда энг яқин дустим, бир вақтларда адъютантим бўлган Усмон Теригулов Ҳарбия Нозирни Муовини бўлиши муҳим эди. Бу ердан Жунайдохоннинг муовини бўлган Бекка 10 та милтик ва мушакларни келишилган жойга дарҳол жўнатдилар. Мен Хивада пайтимда ўша Туркман беги билан алоқа урнатилди. Хивада булган пайтларимда эрта тонгда эски асарлар (қадимий ёдгорлик)ларни, мадрасаларни, жоме ва Текке<sup>45</sup>ларни зиёрат этардим. Хивада Туркиялик асир зобитлардан бир қанча киши бор эди. Пахлавон Ниёз ҳукумати уларни Тошкентдан келтириб қўйиб бир Ҳарбия мактаби очганди. Бошларида Ускудорли Ризвон Бей ва Ҳусайн Бей бор эди. Булар бизнинг Бошқирд қўшинидан Усмон Теригулов ва Ҳусайн Алиқеевлар билан бирга ишлашарди. Мактабларида 100 тача ўзбек талаба бор эди. Фақат уларнинг қаршисида уларнинг зарарига фитна, даҳшатли итфо айланарди, уларни мудҳиш тузим қўраб олмоқда эди. Москва вакили Сафанов уларни бу ердан узоқлаштирмоқ ва мактабни ёпмоқ истарди. Россиядан ватанларига қайтган бу зотлардан кейинчалик Истанбулда ҳам кўп хурматлар кўрдим. Шунингдек, ўзбеклардан Миршаропов ва фарғоналик Қирғизов деган миллатчи субай (зобит)лар бор эди. Бутун бу зотлар ва Мулла Бекжон Хивада замонавий маданият гуллаб-яшнаши йўлида улкан фидокорликлар қўрабдилар. Агар руслар тўсқинлик қилишмаса эди, булар “Ёш хивалик” ҳукуматида кўп яхши ишлар қилардилар. Мен Хива темирйўлидан узоқ бир ўлка булганидан Туркистоннинг бошқа тарафларида келганиб бораётган босмачи ҳаракатларига фаол уларок

кушилмасдан, тинчлик йули билан ҳаракатда булмоқларини. Фақат руслар бундай юмшоқ, итоатгуй, тинч ҳаракатларга ҳам йул бермасдан кескин чора, катъий тадбирларга угажаклари аниқлашилса, ҳаракатга утмоқлари, ёқани қулга бермасликлари тавсиясида булар ва уларга Бухорога келмоқларини тавсия этардим. Баъзан Хива хонларидан қолган хазинадаги ёзма асарларини тақиқ этардим. Бу хазинада(н) ҳар қолда қутилган кийматдаги асарлар чикмади, муҳим тарихий асарлар, Қунғирот бейлари, хива хонлиги замониға оид архив материални эди. Буларни тартибланини тавсия этдим. Маориф вакили булган Мулла Бекжон Истанбулда таҳсил қурган йигит эди. Ҳукуматдаги бошқармасидан чикқач, мадрасадаги ҳужрасига келарди. У ерда уз қули билан палов пиширар – ош дамларди, суҳбатлашардик. Баъзан асарлар езарди. Булардан Хоразм ўзбек мусикаси ҳақидаги асари ва яна бошқа асарлари кенг тарқалди. Ёш Хива ҳукумати тарқагач, Бухорога – ёнимизга келди. Фақат расмий йулдан айрилмади. Коммунист бўлиб қолди, ниҳоят 1937 йилги “тозалаш” (репрессия, қатағон)ларда Тошкентда қатл қилинди. Жумҳур раиси Пахлавон Ниёз Ҳожи билан қул бор қуришдим. Бир қул мендан сураб қолди:

– Руслар бизни борган сайин сиқиштирмоқда, ҳеч қандай хусусда ишонадиганга ухшамайди, шахсан менға қандай тавсия берасиз?

– Сиз утирган Хон саройи сизға бир қул камокхона булиши мумкин. Қуршовда қолсангиз, руслар қўлиға тушмаслик учун сарой деворига туташган бинолардан бириға узингизға махфий йул очдилинг! – дедим.

– Бори шуми?

– Фақат шумини узигина эмас. Лекин ҳар недан аввал шудир. Аввал жонишлизни руслардан қутқариб олиш, кейин не қилиш кераклигини ўйлайсиз. Ҳозирча руслар билан ишланг ва миллатға фойдали бўлмоққа ҳаракат қилинг. Русларға исён қилган гуркман ва ўзбеклар билан эҳтиёт булмоқ шарти билан алоқа ўриятинг. Эҳтимол, бир қул уларға муҳтож бўларсиз, – дедим.

Пахлавон Ниёз Ёш Хива ҳукумати тарқалгач, руслардан қочди.

Рафикам Нафиса Ашхабоддан бу ерға боласи билан келганда Бошқирдистондан қочиб келган Усмои Теригуловни топган, Мулла Бекжон ўқитувчиликка ишға тайинланган, ўзига ҳам яхши қараб туришган, ҳол-аҳволдан ҳабардор бўлганлар. Уч ойлик ўғлим Ирисга бир қозоқ аёл қараб турган. У эса, бити қул бир аёл экан:

– Либосларингни алмаштир, йўкса битинг чақалокка ўтиб кетади, – дейишса, жуда жаҳли чиқиб кетарди.

– Ифлослик манбаи бит эмас, пашшалардир. Биз қозоқлар бир жой ифлосланиб, пашша қулайдимиз, бошқа жойға қўчамиз. Сиз эса, уша ерда қоларсиз. Пашша ҳар қил ёмон жойларда кезади, ифлосларға. Сўнг эса егуликларимизға қўнади. Сиз бўлса, нега битини; бурганини ифлослигидан гапириб ўтирибсиз, – дерди.

Лекин боламизга жуда гузал қозоқча аллалар айтарди. Чақалогимиз буларни эшитар-эшитмас ухлаб қоларди. Мана шу аллалар ҳурмати, юз-хотири учун аёлнинг кир булиб юришига чидадик. Аммо кейинчалик у ҳам сскип-аста покланмоққа урганди. Тоза либослар кия бошлади.

*§ 185. Хоразмдан кеттишим.* Хивада эканман, Тошкент, Бухоро ва Қозоғистондан блязи дустларимиз янги хабарлар келтирдилар. 1921 йил январ ойи болида Бухорода белгиланган съездга кеч қолмаслик кераклигини айтдилар. Мен ҳам шундай ҳаракат қилдим. Йуллар жуда тахликали эди. Чунки Чоржуй йули рус аскарларининг йули эди. Ҳолбуки, бугун бу йул угадиган минтакалар туркман босмачилари қулида эди. Ҳимоя кучлари олмоқ булар билан урушмоқ демак эди. Хивада умумхалқ ҳурматиға сазовор энг буюк авлиё Пахлавон Ота эди. Мақбараси яхши муҳофаза этилган ва маъмурдир. У деганки: "Модомики, йуловчи экансан, йулга кара, қурқув ва қутқудан йирок бу!"

*Гар марди реҳи ба роҳ баяд буд  
У зи хавфи ҳарис бе қанор баяд буд.*

Мен ҳам шундай қилдим. Ёнимга ҳеч қандай қурнқчи олмасдан йулга чикдим.

Ҳарбий позирлиги орқали Хива аскарый минтакаларининг биридан кизил аскар ҳужжати, либоси ва милтиқ олдим. Чоржуй йулидаги иккинчи темирйул бекати Садивар деган туркман кишлоғида Маҳмуд деган кишини мени чул йули билан Чоржуйга элмоқ учун кирага қулдирдим. Аёлним, болам ва чонарим Ҳорис Сисанбой ҳамда Аҳмаджон Бухорога юрмоқ имкони булгунча ёки эрта баҳорғача бу ерда қоладиган булишди. 19 декабрда Хивадан йулга тушдим. Бир кеча Ҳазорасп шаҳрида, иккинчи кеча йулбошловчи туркманиннг Садвардаги уйида тунадик. Биз бу ердан суниг факат ягона булган йулдан Қизил руслар қулига тушмаслик учун Қорақум саҳросига кирароқ бироз айланишни йулдан етги кунда Чоржуйга етиш мулжалида эдик. Туркман дедик:

– Узинг кизил сарбоз (аскар)сан, қулингда милтигинг бор, сени босмачилар улдирали-ку. Сен туфайли мени ҳам улдирурлар. Мен боролмайман. Бошқа бир йул бошловчи (қилувуз) ол.

Мен босмачилардан қурқмайман. Факат Русдан қурқаман. – дедим.

Ниҳоят бу одам яна бир оз ҳақ эйдаси (орттирилишни) билан рози булди. Чул ичида йул олишни яхши биларди. Биринчи кеча бир тарқ эилган туркман олағишда (пахта на гупрқудан қурилган яйлов уйларида) тунадик. Ҳаво жуда совуқ эди. Бир бало кишиб, минг балоли кечани ортда қолдирдик. Тонгги чойимизни ичиб, йулимизда давом этдик. Сийёр (ҳаракатланувчи) қумлардан кетиб борар эдик. Ҳеч қандай



йулдан асар ҳам йўқ. Юрган йўлимиздаги боёган изларимиз бирпас ўтмай йўқ бўлиб кетарди. Бир жойда қумтепа устида кийик кўрдим. Қузойнагимни тақиб қарадим. Орада анча масофа борлигидан кийик биздан қочмади. Отдим, нақ мўлжалга тегди. У ер-бу ерда олачалпоқ қор бор. Кийикка қараб юрмоқчи бўлдим. Қиловузим Маҳмуд:

– Омон борманг, катъиян кетманг, йўлни йўқотасиз, отим ҳам кетади, урдим деб ўйлаганинг (из) кийик ҳақиқатда паридир. Парилар инсонга кийик шаклида қуришиб, чўл ичкарисига тортади ва ниҳоят ҳалок қилади. – деди.

Унга қудок солмай юрдим. Туркман “Кетма, кетма”, деб бақирарди. У учун мендан ҳам аҳамиятлироқ остимдаги оти эди. Мен кийикни урган тепага келдим. Кийикка ўқ тегибди, қор узра қонлар бор. Кийик ҳам узокка кетолмасдан йиқилиб ётарди. Туркманни чақирдим. Кийикни шу ерда суяйлик дедим. Туркман келди. Ҳали тирик бўлган кийикни бўғизлади. Икки сонини хуржунига жойлади. Қолганини ерда қолдирди.

– Ҳарҳолда нари эмас экан, яхши мерган экансиз. Оқшом бир жойда олов ёқиб, қабоб қилиб еймиз. – деди.

Шу тарика оқшом тушгунча юрдик.

§ 186. *Туркман босмачиларида меҳмонда.* Бирдан қумлар орасида туркман чодирни қуринди. Маҳмуд дедик:

– Бу чорва (чўпон, подачи), дайхон (деҳқон) эмас. Бу Қалқомон (босмачи) бўлса керак. Истасангиз, чодирга қараб бормаймиз, четлаб ўтамиз. Бошқа йулдан юрамиз.

Қўп вақт ўтди.

– Аллоҳга таваккул, не бўлса бўлсин, шу чодирга борамиз, – дедим ва бордик.

Утов ёнида эгарланган икки от бор эди. Чодирга келгач, салом бердик. Лекин отларимиздан тушмадик. Милтикларига таяниб туришган иккови ҳам милтикларини бирдан қўлларига олдилар. Улардан кексароғи:

– Нега келдингиз? Қайга кетмоқдасиз? – деб сўради.

Мен кимлигимни, Бухорога кетаётганимни, Жунайдхон қароргоҳида бўлганимни, босмачилар қуроқдош дўстларим эканини, йўлда русларга дуч келиб қолиш эҳтимолни бўлганидан кизил аскар кийимида эканимни сузладим. Бирдан ишониб қўя қолмади.

– Ишонмасангиз меҳмонингиз бўлмаймиз, йўлимизда давом этмоққа, кетмоққа ижозат этгайсиз, – дедим.

Милтигим эгаримнинг қошида эди. Қиловуз Маҳмуд ҳам улар билан гаплашди. Ниҳоят икки кишининг ёни улугроғи:

– Яхши, мен гапингизга ишонман. Меҳмонимиз булиш. Ҳеч нарсаимиз йўқ. Лекин оловимиз бор, – деди.

Биз отдан тушдик. Бу икки кишидан кичикроғинини кузларименин милтигим ва белимдаги тўпқончамда эди. Ҳар ҳолда суҳбатлаша-

сухбатлаша бу икки босмачи бизга ургандилар, куниқдилар. Айниқса. Қунгирот ва Қуҳна Ургачда Жунайджон одамлари билан суҳбатларимизга оид ҳикояларимга ишондилар. Ва олов олдида ўтириб Россия ҳамда дунё ахволдан суҳбатлашар экан, бу ишонч борган сари ортиб бораётганини билдириб турарди. Мен милтигимни тиззамнинг остига олдим. Чой ичгач, ёши каттароғи кичигига бўқорди:

– Бор ўғлим, тукли (бир ёшли қўй) келтир. меҳмонга сўяйлик, – деди.

Ҳолбуки, бу чодирга келаётганда ҳеч қандай хайвон қуринмаганди. Бир оздан сўнг ҳалиги йигит бир ковок келтирди. Кекса босмачи ковокни тизлари орасига олди, “Бисмиллоҳ” деб, уч тарафини кесиб олиб ташлади.

– Ана, биз калкомон (босмачи)ларнинг меҳмонга сўядиган қўйимиз шу, – деди.

Қулишдик. Биз ҳам хуржунларимиздаги кийик соңларини чиқардик. Кабоб қилдик. Таомдан сўнг кўп суҳбатлашдик. Ташқаридан кўп саксовул ўтинлари келтиришар ва тинмай ёкишарди. Хуллас, бир-биримизга яқин бўлиб қолдик. Ҳеч хавотирсиз устимиздаги либослар билан милтиқларимизни бошимиз остига олганча ётиб ухладик.

Эрталаб қўлда пиширилган ва қотиб кетган ноңлари бор эди. Шу ноңлар ва чой билан нонушта қилдик. Натижада Аннамурад исмли бу қалқомон (босмачи) бизга Жунайджон ва бошқа туркман босмачилари билан алоқаларимизда воситачилик қиладиган бўлди. Ҳақиқатан бу вазифани жуда яхши удалади. Ҳатто саккиз ойдан сўнг – 1921 йилнинг августида Туркиядан келган Ускудар шайхи – Шайх отани ва ёнидаги одамини шу Аннамурад Тошовулдан олиб Қорақум чўли орқали Жунайджон хузурига элтди.

§ 187. *Чоржуйдаги можаро.* Бу ердан биз Аннамурад ёрдамида чўлда унинг одамларига учраб утдик. Чоржуйга бир кун(лик йўл) қолгач, Деновда туркман Маҳмудга ҳақини тулаб, жавоб бердим. Бошқа бир йўл бошловчи қиловуз билан Хивадан чиққанимизнинг унингчи кунда Чоржуйга етиб келдик. Бу қиловузнинг ҳам ҳисоб-китобини қилиб, рухсатини бериб, қўлимдаги милтигим билан қизиллар орасида ёлғиз қолдим. Отимни сотдим. Бу ердан Бухорога борадиган ягона йўл Амударё купригидан трен (поезд)да утмоқ эди. Бунинг учун қизил аскар кийимида бўлишимга қарамасдан рухсатнома (“пропуск”) олмоқ лозим эди. Шу туфайли бошимдан бир можаро утди.

Хивада Ҳарбия назорати воситаси билан менга берилган хувият жуздони (паспорт)га яхши қарамган эканман Зотан бунга ҳожат бўлмаган эди. Исмин “Абдулхамид” ва суй отим (фамилиям) “Сулаймонов” деб ёзилганини тевардим. ЧКага хувият жуздони (паспорт)ни кўрсатиб, пропуск (рухсатнома) сўрагач, комиссар русчаслаб:

- Истинг нима, отангинг оти нима? – дедилар.
- Сулаймонов. – дедим.
- Сулаймонов суй отинг (фамилиянг), отангинг оти нима?

дедилар.

Билмадим.

- Сулаймон. – дедим янз.

ЧКада менга нисбатан яна шубха пайдо булди.

- Бу жуздон (паспорт) сеники эмас. – дедилар.

Мен ўзимни русча билмайдиган бир хивалик килиб курсатдим  
Комиссар бирисига:

- Бор, таржимонни чакириб кел, – буюрди.

Таржимонга одам кетди Вазиятим ёмонлашди, аммо тусимни ўзгартирмадим, парвосиздай турдим. Бироздан сунг узун буйли озарбайжонлик таржимон ичкарига кирди унга қараётганимда маса (стол) устидаги жуздон (паспорт) имда ота исми “Холмурод” ёзилганини узокдан кўрдим.

Таржимон бошқатдан суради:

- Отинг нима?
- Абдулхамид.
- Отангинг оти-чи?
- Холмурод.
- Суй отинг (фамилиянг)?
- Сулаймонов.
- Энди бундай жавоб бераяпсан, аммо боя отангинг отини

айтмадинг. – дедилар.

- Тушунолмадим, суй отимни (фамилиям)ни сурашаяпти деб ўйладим. – дедим.

Кейин бошқа саволларга утишди.

- Қаерликсан?
- Хужайилик.
- Отанг нима иш қилади?
- Чойхоначи.
- Яна нима қилади?
- Боги бор.
- Аскарликка қачон кирдинг? Туғилган йилинг?

Буни милод йили билан эмас, хайвон йили билан жавоб бердим.

- Партия аъзосимисан?

Мен бузук русча билан:

- Йук, фақат (сочувствующий) номзодман, – дедим.

Комиссарлар кулишдилар

- Унинг партия билан қандай иши булиши мумкин. Бухорога не учун кетаяпсан?

- Амман бор у ерда, уикига кетаяпман.

Натикада менга рухсатнома бердилар. Берар экан, комиссар:

– Бу коғозни олганингда ун икки кун булибди. шунчалик эскиртиб, титиб юборибсан, бундай қилсанг, бундан ҳеч нарса қолмайди-ку, буни коғозга ёки бузга яхшилаб ураб ол, – деди ва узи ураб берди.

Мен шу тарика “пропуск” олиб, қўлимда милтигим булгани холда Бухоронинг Когон бекатига келдим. У ердан поздга минмадим, пиёда келиб, йулдан фойтун ушлаб, Бухоронинг серкатнов Карши дарвозасидан эмас, Мезор дарвозасидан кириб бордим.

§ 188. *Бухородаги илк култар.* Тугри Мирзо Абдулвоҳид деган танишимни кига кетдим. Бу 1920 йилнинг энг охири 31 декабр, шанба куни эди. Мирзо Абдулвоҳид Бухоронинг тожикча ва туркча асарлар битувчи икки тилли (зуллисонайн, билингуал) зиёли, шоир ва адибларидан эди. Таржимаи холи Садриддин Айнийнинг “Тожик адабиети рарихи”да бор. Жуда қурқок бир одам эди. Бундан уч йил кейин Бухоро ҳукумати Оврүпога юборган талабалар бошида Немисияга келди. Менинг Афғонистон, Ҳиндистон йули билан Парижга келганимни эшитгач, “Сиз билан, афсуски, қуриша олмаймиз” дея мактуб ёзган ва Россияга қайтган эди. Менга Бухорода(н) не учун бу зотнинг уйини манзил уларок берганларини англамадим. Фақат бу уйда кўп қолмаслигимни кўрдим.

Бу хиссимни унга сездиримасдан, турар жойим катта кучадан узоқроқда, бир четда булишини истайман, дедим. У ерга, Бухоро Марказ(ий) Кумондонлигида булган субой (зобит)ларим Султон ўғли ва жияним Бойиш ва Ҳарбия Нозири Ориф, бироздан сўнг Файзуллоҳ Хужа келдилар. Ҳаким ўғли Мухиддин Маҳдум деган дўстларининг ховлисидаги боғларига мени жойлаштирар эканлар. У ёкка бордик. Бу жой уйнинг орқа тарафида боққа туташ эди. Тамоман, бутунлай тожиклашиб булган Ҳаким ўғли оиласи (аъзолари) асли Шаҳрисабзнинг кенагас уруги беклари наслидан соф турк, узбеклардир. Бухорода Абдулхамид Ориф Миллий Мудофаа вакилигида ва бошқирдлардан Султонов деган бир субой (зобит) ГПУга комиссар этиб тайинлаганларидан вазиятимиз соғлом, ахволимиз яхши эди. Миллий кутубхона мудури қариндошим Бойишев деган зобит тайинлангани учун бемалол мул фойдаланардим. Бу кутубхонада 30 мингга қадар ёзма асар бор эди. Буш вақт булиши билан уйга олиб келиб тадқиқ қилиш мумкин эди. Бухорода ҳукумат тузилган эди. Лекин, фақат бир неча ойдан сўнг муайян бир шакл олди. “Инқилоб Кумитаси” номи билан тайинланган зотлар орасидан бир қисми “Марказий Кумита” (ЦК) номини олганди – раиси Мирзо Абдулқодир эди. Бошқа қисми “Ижро(ия) Кумитаси” (Исполком) булиб, раиси – Файзуллоҳ Хужа эди.

Маориф нозири Қори Йулдош, молия Усмон Хужа, ҳарбия Абдулхамид Ориф, Хорижия (ташки ишлар) Ҳошим Шоик, Дохийия (ички ишлар) Муинжон, Адлия Мирзо Абдурахим. Бироз сўнг Усмон Хужа Марказий комитет (ЦК) раиси булди. Хорижга, Афғонистонга

Шариф Хужа тайинланган эди. Афғонистондан Абдурасулхон Бухорода элчи эди. Булардан бугун Истанбулда яшаётган Усмон Хужа (Хужаев) Фаргонанинг Уш шаҳри Отаҳужа хужалари наслидан бир тўжжорнинг ўгли булиб, Бухорода таҳсил олгандан сўнг 1910 йилда Истанбулга келган, у ерда бухоролик ёшлар учун "Таълим-тарбия уйи" таъсис этган, қайтгандан сўнг Бухорода Қримдаги "Гаспиришский мактаби" типига "Усули жаҳид мактаби" очган, газета чиқарган бир зот эди. Мен Бухорога келган кунларимда у шарқий Бухоро ҳукуматининг Мухтор вакили булди.

Усмон Хужа Файзуллох Хужа каби бу инкилобнинг том-тулиқ марказий шахсияти эди. Бухоро амири пойтахтидан қувилгач, энг муҳим масала молия ишлари, иккинчиси эса Амирнинг таъкиби эди. Истанбулга келгач, Бухоро хазинасининг Шурулар томонидан мусодара этилиб, Москвага юборилиши асносида бунинг муҳим бир қисми еш Бухоро ҳукумати тарафидан ушанда эҳтиёж ичида булган Т.Б.М.М. ҳукумати ихтиёрига берилгани ҳақидаги хабар тўғри. Ва барча молий ишлар ушанда Усмон Хужа билан муовини Носир Маҳдумнинг уйида булган. Пойтахтини тарк этган Амир биз келганимизда Бойсуи тарфларда эди ва уни таъкиб этган Қумита раиси уларок Усмон Хужа "Шарқий Бухоро Мухтор Ҳайъати" раислигига тайинланган эди.

Файзуллох Хужаев Бухоронинг Қосим шайх деялган хожалари наслидан, бой-бадавлат, миллионер оилга мансуб. Хусусий уларок рус тилини ҳам урганган эди. Икки хотинидан бири рус эди. Вақтида тижорат мақсадида Немисияга борган ва немис тилини ҳам бирмунча ўрганибди. Мирзо Абдулқодир Муҳиддинов "Мирзо" (қотиб) лақабли маъмурлар оиласига мансуб эди. Булар ҳам миллионерлардан эди. Абдулқодир эса русча ўқиб ёзар ва суҳбатлашарди. Эҳтимол, ораларида энг мунаввари бу зот эди. Усмон Хужа, Файзуллох ва Абдулқодирнинг Москва билан тижорий алоқада эдилар. Шу йул воситасида руслар билан муносабат уриятган эдилар. Бу сабаб уларнинг оила исмлари сўнгида ов еки ев бор. Абдулхамид Ориф Бухоронинг Кохистувои кишлоғидан бир ўзбек фарзанди эди. Мадраса таҳсили фалон-тулан курмаган, татарлар орасида кезган, бирмунча русча таҳсил курган. Оренбургда Бошқирдистон ҳукуматида, менинг енимда қотиолик вазифасида эди. Сўнгра биз тарафимиздан Тошкентга юборилган эди. Татарларга ва бошқирдларга доим яқин бир ниғит эди. Ораларида идора муассасаларини модерн (янги, замонавий) бир тарзда тушуна олувчи шу Ориф эди.

Хорижий вакили Хошим Шоик Бухоро жуҳидларидан эди. Истанбул дорилмуаллимиде таҳсил курди. Фореча шейрлар айтарди. Бухоронинг замонавий шоирлари таъкирасини тулди. Кейинчалик Афғонистон элчилигига тайинланди. Турк муҳиби эди. Рус еки бошқа ажабий тил билмас эди.

Маориф вакили Қори Йулдош Қирки шаҳрида жойлашган

Қийикчи туркманларидан. Бу туркман ҳам дохил бутун бу вакиллар форсча суҳбатлашарди. Фақат Ориф форсча яхши гапиролмаслигини эслайман. Форс адабиётидан суҳбатлашишни хуш курардилар. Биз бу ерга келганимизда Тошкент туркларидан Мунаввар Қори, Саъдуллоҳ Хужаев, Абдулқодир Қушбеғиев, Самарқанддан Ақобир Шохмансуров ва бошқа тошкентлик, самарқандлик, фарғоналик узбек мунавварлари бор эди. Буларнинг кўпчилиги Давлат идора муссасаларида жойлашган эдилар. Татарлардан ҳам бир неча киши бор эди. Бухороликларнинг татарлар, бошқирд ва қозоқлар билан суҳбати туркча буларди. Бу зотларнинг турк ва тожик тили истисносиз Туркияга боғлиқ эди. Туркияни, билхосса Озарбайжон адабиёти ва мактублари воситасида урганган эдилар. Келиб чиқиш эътибори билан тожик булган Мирзо Абдулқодир билан Ақобир шохмансуров Эрон Аҳрорининг Берлинда нашр этилган мажмуаларни ўқирдилар. Лекин сиёсий тушунчалари фақат туркчилик асосида эди.

Бир окшом Мирзо Абдулқодир 1917 йилда Фарғонада, Қўқонда Ашур Али Зокирий билан нашр этганимиз “Юрт” мажмуасида турк маънавий маданиятининг бойлиги мавзусига, билхосса (хусусан), дostonларга оид нашр этган мақоламда Алишер Навоийнинг:

Яъни, “Турк бошига миғфар (дубулға) кийса, гулисафсар (савсан) олти қиррали гурзисини кутарур ва лола япроқлари бағри қорадек ҳавога учиб кетар” маъносидаги шеърини нақл этмок билан мунаввар туркистонликларни жуштириб юборганимни айтди.

Бу мажлис менга Бухоро жаҳид ёшларидан асли тожик булганларнинг ҳам Туркистон турк руҳини жуда яхши кўришларини курсатган эди.

Ораларида келишмовчилик бор эди. Айниқса, Файзуллоҳ билан Абдулқодирнинг ораси икки рақиб миллионер оиласидан мерос адоват иқтидор билан қоришиб аралашгач, авжига чиқди. Бундан руслар фойдаланрди. Бу “жаҳид” бухороликларнинг ҳаммаси Бухоро Амрини отмок йулида руслар билан тула ҳамкорлик қилдилар. Фақат яна истисносиз ҳаммаси рус босқинчилигига, тажовузқорлигига муҳолиф (қарши) эдилар. Бу хусусда бирдамликлари, елкадошликлари тақдир ва таҳсинга лойиқ эди. Окшом уйларига меҳмонга чақирар, лекин буларнинг узаро ички келишмовчиликлари туфайли мен ҳақимда русларга бирор нарса айтишлари мумкин деган уй ҳатто ҳаёлимга ҳам келмасди. Фақат менга берилган зиёфатларда асло ичкилик ичилмас, бундай ҳоллар ҳушёрликни талаб этишини ва менинг истагимни ҳаммасини идрок эттирдилар.

§ 189. *Бухородаги ташкилий ишлар.* Асосий ишимиз амирга инебатан мужодала (кураш) мақсади ва сабаби билан Бухоро миллий қушини тузмок, Хива, Туркманистон ва Қозогистондан вакиллар келтирмок “Туркистон миллий бирлиги” (ТМБ) таъсис этмок эди. Ишга

ҳар тарафига. Ғулжада японларга ва Фарғонада босмачи қурбошиларига биз томонимиздан қўборилган кишилар ва козок мунавварлари бирикети келдилар. Қозогистондан келган бошқирд ойдинлари орасида Саиджаран Мағазов бор эди. Булар бутун Марказий Қозогистонни кидирчб, дўстларимиз билан муносабатини мустаҳкамлаб, алоқа урнатдилар. Яна Фарғона босмачиларидан Шермухаммадбек ёнида бўлган Иадархон Мутии ва Ҳорис Ичкиков ва Рағмонқул қурбоши хузурда бўлган Мустафо Шоқудовлар келишди. Бу Мустафо "Миллий Бирлик"нинг Тошкент Қўмитаси раиси Садриддинхон билан бирга маълум вақт Раҳмонқул ёнида қолгач, Тошкентга махфий қайтиб, татар ойдинларидан Ориф Каримий билан бирга Ғулжада бўлган Япония вакилларига бормок ниятида йўлга чиққан. Лекин Авлиёота атрофида русларнинг қулига тушган, ҳибс этилганди. Ўзбек ва козок миллийатчилари қурашиб, буларни қутқарадилар. Мустафо Шоқудий билан Ориф Каримий Бухорога келдилар. Булар рус университетига таҳсил кўргн зотлар эди. Аввалроқ Бошқирдистонда маъмурият тартиб бўлишган эди. Қозок "Олош Урда Қўмитаси" билан туркман мунавварларининг ҳам Бухорога чакирган эдик. Уларнинг келишининг кутарқачиниз, Бухоро жанубида – шаҳар ташқарисинда Харғуш деган кишлоқда Амирчи боийнинг ҳукумат томонидан мусолара этилган хужалигида қолдик. Бизнинг Бошқирдистон қўшин ташкилотидан Аухади Эшмурзин, менинг адъютантим (ёрдамчим) Иброҳим Исоқов ва бошқа бир неча зобитларимиз мирослай (полковник) Ҳайбатуллоҳ Суяндукнов мулозимлари билан бирга келиб, ҳаммаси Бухоро аскарый ташкилотида идорый вазифалар олдилар. Қарши, Шаҳрисабз, Нур, Ғузор, Қармана аскарый ташкилотлари (яъни марказ қўмондонликлар) буларнинг қулида эди. Буларни Ориф тайинларди. Мақсадимиз русларнинг расмий ва қонуний йўллар билан миллий қўшин ташкил (этиши)га йўл бермаган ёки тузила бошлаган ташкилотни йўқ қилмоқчи бўлган тақдирда босмачилар билан бирлашиб, тупланиб ҳаракат қилмоқ, қузғалмоқ эди. Аммо бунинг учун босмачилар орасида миллий амалларни уларга аяллатмоқ йўлида кенг миқёсда ташвиқот (пропаганда) қилмоқ зарурати бор эди. Бу ишни тошкентлик ва фарғоналик дўстларимиз муваффақият билан адо этардилар.

Орифов Бухорода туркиялик асир зобит (субой)ларни бир аскарый мактаб таъсис этмоқда (этмоқ билан) вазифалантирган эди. Уларнинг баъзилари, аввало Али Ризо Бей жандарма ташкилоти билан ҳам шугулланарди. Лекин, уларнинг шугулланадиган жойлари маълум бўлиб, расмий яшайтганларидан ва рус жосуслари тарафидан барча ҳаракатлари ва алоқалари таъкиб этилаётганидан биз булар билан фақат битвосиёта хабарлашар эдик. Феврал инчида туркманлардан адвокат Қақажон Бердиев козоклардан "Алаш Урда" Ҳайридин Балтинбоев, Мухтор Авезов ва Динша билан ҳануз яшайтганларининг гўмон қилганим икки киши келдилар. Бухороликлар ва ўзбеклар билан ишлаш

осон, қулай эмас эди. Чунки бухоролик ва тошкентликлар орасида тушунмовчиликлар булганидек, ўзбеклар орасида рус мактабларидан тахсил олганлари бор. Хусусан, козокларга "миссионер" (ерли халкни насроний динига даъват этиш учун келган шахс) деб каровчи жуда нуфузли бир гуруҳ бор эди. Биз бухоролик, ўзбек, туркман ва козок вакиллари Харгушда бизнинг кароргоҳимизда ва Амирнинг Ситораи Мохи Хосса саройининг бир гушасида тупланарок тузилаётган "Миллий бирлигимиз" дастури (программаси) устида (хақида) суҳбат танидик. Хивада руслар тарафидан таркатилган Миллий ҳукумат аъзоларидан баъзилари яширинча Бухорога келдилар. Булар билан ҳам суҳбатлашдик. Лекин бу суҳбатлар узок давом этганидан, козоклар ёш бухороликларнинг чекинган (тарадудли катъиятсиз, уйлаб иш тутishi, эҳтиёткорлиги, журъатсиз)лигидан зериккан эдилар. Ниҳоят суҳбатлар натижасида Ўзбекистонда бири социалист булмаган ва динга асосланган "Жадишлар фиркаси", иккинчиси социалист "Эрк фиркаси" козокларнинг "Алаш Ҳрда" фиркаси бирлашарок мен тарафидан тақлиф этилган шу етти моддадан иборат бир "Муштарак платформа" (Сиёсий дастур) Кабул килдик:

1. Истиклол. 2. Демократик жумҳурият. 3. Миллий қушин. 4. Каналлар, темирйўл ва иктисодий идоар иншоотларининг қурилиши, Туркистон истиклоли гоёсига уйғун булиши. 5. Маориф тўла асрийлаштирилиши – замонавийлаштирилиши ва Ғарб маданияти билан рус восита(чи)лигисиз, бошқа йўл билан танишиш имкониятини топмок. 6. Миллат масаласи, мактаблар ва мамлакат табиий бойликларидан фойдаланишни мамлакатда яшаган миллатлараро нуфус (сон) нисбатида, адолат асосида ҳал этиш. 7. Динда тўла ҳуррият, дин ишларини дунё ишларига аралаштирмаслик.

Козоклар Диншани вакил сифатида қолдириб, мамлакатларига қайтгач, Жадид ва Эрк партияларининг алоҳида-алоҳида дастурлари тасдиқланди. Бу уч иш бизнинг Бухорода йиғилишимизнинг асосий муваффақияти эди. Умуммамлакатни бири либерал, иккинчиси социалист икки партия тизими (системаси) билан ва буларни бирлаштирган муштарак дастур (программа) билан идора этмок тамойили (принципи) қабул қилинди. Бундан ҳамма мамнун эди. Сандкарай Магазов етти моддалик муштарак тастурни тартиблаб, изох эди. Бу бир шох асар эди.

§ 190. *Уғлим Ириснинг вафоти.* Мен Бухорога келгач, Хивада қолган рафикам Нафиса кичик уғлим Ирис билан бирга июнда, улар ҳам Бухорога келдилар. Лекин бу йил Бухоро атрофида даҳшатли безгак (ваража) ҳоким эди. Натижада уғлимдан айрилиб қолдим. Уни Абдуллоҳ Хон замонида яшаган ва 1583 йилда вафот этган шоир Мушфикийнинг мазорига (қабрига) дафн этдик. Бу ерда устмалар тобут шаклида юксалган қабрларнинг бош тарафлари очилиб, жасад ўша ерга қуйилади. Кейин уни шокол (шоғол, чия)ури)



лар еб кетадилар. Устимни бундан кўримок учун Мушфикийини  
отилиб келган кабрини гинт билан, қорини билан мустаҳкам бир  
шақлда гўлмёр ятирдим. Қорини устига шу маънодаги бағтини  
"Устим Ирисини хитирасига" дея едим. Яъни "Устимни дардиндан  
калбимиз фиғон тилмоқда. Нуқулдину тўё исламоқдамиз, қизимини  
соғинчиндан оққан қовли суи билан юлмоқдамиз".

Туркманистонда доктор (дўхтур, врач, табиб) еки энга дея  
чақирмоқ, олиб келмоқ мумкин бўлмаган шароитда, Ирисини  
тўтилишига ўзим доғлик қилганим. Оловдай елқизилган кўдари  
бор эди. Ёухорода эски бир дўстим бўлган Назар Тўқсобе (Ўрта  
Осиё хонлиқларида олий ҳарбий мансаблардан бири ва шу мансабга  
эга бўлган шахс, мансабдор) ўғлим учун ҳар екка олиб-югурар, уни  
кўрмоқ учун келарди. Соғда бир ўйбек бўлган Тўқсобе менга

— Қизимиз олу, менга шундай бир ўғил беринг — деяди.

— Бу гурбатда битта хўлинига қарамоқ, битта хўлинига билишга  
бермоқ мушқул, — деяди.

— Қизимга ҳам, чақалоққа ҳам ўзимиз қараймиз, сиз фақат йўл  
беринг, — дея хулғандон куларди.

Нафиса унинг ҳазилини жиддий олиб:

— Шунинг қизини олўйларинг, мен ҳам бир бойбича (катта хўли)  
бўлайин, дардинга ҳам шерик бўлайин, — дерди.

Назар Тўқсобе қанча доридар келтирчали(син), барибир Ирисни  
қутқарилмадик, ўз қучоғида жон берди. Унга меидан кўпроқ  
Мулла Назар йиғлади. Мен ҳис-туйғули одамларни яхши кўраман,  
бу ҳолизадан сўнг Мулла Назарга дўстлангим яна ортди, қаттиyroқ  
бўладим. Ўзим ҳам бир синиқдан ўтгандай бўлдим, ўғлим учун кўп  
берилиб, билланиб келган экинман. Мушфикийини шеърини айтиб,  
йиғлардим. Нафиса жа

— Аллех буюк, биз хали ешмиз, ишшааллох, болаларимиз кўп  
бўлмай, йиғламиз, — дерди, менга таскин, тасалли берарди.

§ 191. Холмурод *Холмурод* эмас. Харгўшда яшайдиган уйимизнинг  
бошига қарайдиган Холмурод еки Холмурод билан ўғлим Ирисни  
дафн қилганда берган ёрдамидан сўнг яхши танишиб келган эдик.  
Балқорлик бу киши Холмуҳон, яъни қардуқлар номли қишлоқдан эди.  
Қардуқлар вақтида Ёухорода энг катта нуфусга эга эдилар. У ўзини  
Ўйбек ҳисобламас, туркийман дерди. Мен унда собиқ хўжайинига  
нисбатан синфий қарашини билиш учун сўрадим: Бегингиз амирнинг  
жуда ҳам юлғи одами экан, хўлвр қочиб кетибди, унинг болларини сиз  
қинилоқ аҳолиси ўртасида бўлиб олишини ўйладингизми? Маъазаллох,  
бу унинг мулки, қайтиб келса, у яна хўжайини, биз эа унинг  
хизматқори бўламыз, деяди. Унга айтдим: Амирингиз ҳам, бегингиз  
ҳам энди қайтиб келмайди, мулк уни ишлатадиган қишиники бўлади.  
"Энди қимга қолади"? У айтди: Бу мулк, яъни давлат мулки бўлиши  
мумкин, бизники эмас. Балки ҳукумат бизга берар. Бек золим эди,

дугри, бироқ жазосини қисматда Аллоҳ беради, балки бодларнинг бир қисмини бошқалардан тортиб олгандир, унинг ҳам жазосини Аллоҳ беради. Мен агар унинг ерини тортиб олсам, меникини ҳам бошқаси тортиб олади. Мен Холмурод билан неча марта гаплашдим, акли, фикри жойида эди. Унга айдим: "Бегингиз хотинингиз еки кизингизга тажовуз қилса нима қиласиз?" У айтди: "Амир бор, қози бор, бўлмаса биз уни ўлдирардик. Биз унинг хизматкор, навкаримиз; унинг қули еки дули эмасми? Шундай иш бўлса, мен бу ерни ташлаб ўз кишлоғимга кетаман. Бу киши асло Ёврона феодалларининг хизматкорлари сингари тўл эмасди. У дуненинг бошқа бир учида бекнинг "Jazmatspektis" яъни хизматкор уйланиган кизини илк кеча олушида олиб етишини ҳаслига ҳам келтирмас эди. У ўз ота боболари замонида бўлганидек ўзини бекнинг навқари деб билади. Яъни у қўл остида унга тобе қилдиганлар бўлса, у ҳам кичик бир бек бўлиши мумкинлигига ишонади. Инқилоблар бўлаётгани билан унинг иши йўқ, у эки бегининг хизматида тинчгина "мусулмон бўлиб яшаш" ни истаydi. Тошкент томонларда Россияда бойларнинг ерлари қўлидан кетибди, халққа тарқатилибди, бу билан иши йўқ. У айтадики, амир еки беклари балки келмас, бироқ мен уларнинг соғ-омон қайтишини дуо қилиб сўрайман.

Мен Холмурод хақида шундай уйладим: "Тоза, соф қор сувлари борлигидан беҳабар бўлган ўрдаклар йиллар ўтса ҳам тумшукларини шўр сувига ботирадилар". У фароқонлик фақатгина Ёухоро мустақил бўлганда таъминланганига ишонар эди. Умумсийёсатни тушуварди, бизни истиқлол учун фидойидик кўрсатаётган кишилар сифатида тасаввур қиларди. Амир хақида "Бизга ол бўлса-да, миллий истиқлолни таъминлаган эди, эди у кетди" дер, келажакка умидсиз боқарди.

§ 192. *Шоир Чўлпон ва профессор Самойлович.* Харгўнда пайтимда хар икки кунда бир Ёухорода менга ажратилган хонага келиб кетардим. Шоир Чўлпон (Абдулхамид Сулаймон) доим бу ерга келар, мени кўрмоқчи бўларди. Фақат шоир бу зот бўлгани учун гуллаб кўяр, оғзидан бирор сўз чиқиб кетар, дея уни қабул қилмас, бу ер жойи эмас, деб жавобимни етказар эдим. У бундан бироз сиқиларди. Бир кун: "Оҳ, шоирлигим мени енгилтаклик ва барқарорлик тухмати остида қолдирмаса эди, сизни кўрардим" деган маънода бир шеър ёзиб қолдирибди. Келгач, қабул қилдим.

– Эски дўстингиз профессор Самойлович кўрмоқчи, бу унинг холиси, дўстона истаги бўлиши мумкин эмасми? – деди.

– Сиздан қочиб юришимнинг сабаби шу эди. Гуллаб қўйишингиз мумкин, гап қочади. Самойлович бугун Шўро жосуси эмаслигини қайдан биласиз? – деди.

1925 йилда мен Германиядан Туркияга келганимдан сўни бироз ўтгач, Самойлович ҳам келди. Албатта, уни ўз ҳукумати юборган эди.

– Мамлакатга қайтинг – деди.

Мен унга Бухородаги ходисани айтдим ва:

— Мен энди қайтмайман, энди Туркия фуқаросиман. Шуrolарнинг энг катта маҳорати — энг яқин дўстларини, ҳатто оила аъзоларини жосус қилишлари ва уларни душманларига эриша олмақ учун восита қилишларидир. Сиз шундайсиз, демайман. Лекин Шуро режими махфий полиция тизими (системаси)да қўлга киритган ишлари — айғокчиликни дўстлар ва оила орасига киритишлари ва прага шоир Чупондай софдил ва маъсум кишиларни восита қила олишларидир. Бу мен учун умумий бир принцип (тамойл, қадрият, омил)дир. Бу сояда Туркистонда ҳеч қандай Шуро ажан (айғокчи, агент)и ёнимга келолмади. Агар барча ғарб миллатлари Шуrolарнинг бу жосуслик тизимларини (системаларини) англаган бўлсалар эди, қандай яхши бўларди. — дедим.

Ҳақиқатан менга 1923 йилда Туркистондан Эронга ўтганимга қадар фақат ўз ташкилотим, аскарларим ва мулозимларим кела олди. Еш ва шўбҳали бирер қимса яқинлаша олмади.

Самойлович Бухорода бир неча кун қолди. Мени турли дўстларим орқали қўрмоққа ҳаракат қилди. Шўбҳа йукки, у ҳукуматининг хизматини бажармоқда эди. Лекин фидокорликларига қарамадан Қизил идорачиларни, қизил ҳукмдорларни қондиролмади. Сунгра Шуrolар уни ҳам йук қилдилар.

**§ 193. Шайх ота.** Бу орада Истанбулнинг Ускудор районидаги ўзбек теккесининг бошлиғи Шайх ота декабр ойида Хоразм сафаридан қайтаётиб, Хивалга тушдилар. У удабуронлик билан ҳаракатлар қилиб Жунаидхон билан алоқа урната олган ва 1920 йилда мен Қорақум саҳросида учрашган Анна-Маҳмуд билан, Урганчда танишганим Анна-Бала билан қуришган, у ушанда “Жалидларнинг нияти жиддий бўлса ўқ мушаклари билан унта милтикни белгиланган жойга қўйиб кетсинлар”, деган. Милтиклар келишилган жойга қўйилди ва Жунаидхон мени “ўз сузида турадиган одам экан”, деб қуролмагани ва меҳмон қилолмагани учун Хонимиз қўп афсусланган экан. Хуллас, Шайх Ота бизга нарғи томондан қўпгина янги маълумотлар келтирди.

**§ 194. Файзуллоҳ ва Мулла-Бекжон.** Мен бир тарихчи сифатида ўзимни Хоразм ва Бухоро зиёлиларининг 1920 йилда тузган миллий жумҳуриятларни энг яхши кунларда қўраганимдан бахтиёр санайман. Ҳаққ уларни қўллаб-қувватлар ва келажакдан умидлари чексиз эди. Улардан қўп нарсалар қўтишарди. Ҳар икки ҳукумат илақ газламалардан пул зарб этиб чиқардилар. Шундай булишига қарамай, бу газмол пулларни Керенский ва шуро пулларидан афзал қўришарди. Фақат у ерда ҳам бугун содир бўлаётган Туркияда сулчилик ҳаракатидан нажот йули топиш умиди бор эди. Русларнинг истагини бажариш, не қил деса бажариш ва бундай қилганлар билан дўстона муносабатда бўлиб Шуrolарга яқинлашмоқ, рақиб гуруҳларни йук қилишни энг қисқа йул деб ҳисоблашарди. Файзуллоҳ Хужа ва

дўстлари жуда бой-бадавлат, миллионер эди. Руслар ўзларини яна шу миллионерларга ён босаётгандек курсатардилар. Бунда алданганини тушинган Файзуллоҳ қаттиқ виждон азоби чеккан. У бир неча азиз дўстларининг бошини егандан сўнг осилди.

Хивада бу типдаги зиёлиларнинг бири Мулла Бекжондир. У фақир бир идеалист муаллим “сул”чилик маъқул кўрарди. Рус тилини билмаганлиги сабабли РКПдаги рус сулчиларининг қимлар эканини ва тояларини билмасди. У 1918 йил ёз ойларида Оренбургга келди ва бизнинг ҳукумат аъзолари билан суҳбатлашганди. Июлнинг тоғса, бу ердан Москвага бормокчи бўлган эди. Узини бир “байналмилалчи” курсатишдан оқ қилмасди ва Москвада омади юришига ишонарди. Унинг асосий мақсади Хива ҳолигини йўқ қилиб, ундан кейин Шўролар ёрдамида ёш хиваликлар ва Шўролар билан ҳамкорликда ягона ҳукумат тузиш эди. Шўро тартиблари бизнинг ўлкаларимизда амалга ошимаслигини халққа билдириш учун қабул қилган Биринчи рамакдн фармони (Приказ №1) унга уқитдим. Унга ўхшаб Шўролар билан яқинда ҳамкорлик қилган ва қайтиб келишга мажбур бўлган миллиятчи бошқирд коммунисти Салоҳ Атанагулов шу ердалигини айтиб, у билан учраштирдим. Бекжон кетаётиб шундай деди: – Ваҳоланки, сиз бу тартибларга ишонмаяпсизми, бир бора Хивада ҳаракат қилиб кўрайлик. У ернинг шарт-шароитлари ўзгачадир. Мен бир адабиёт ва тарих муаллимиман. Шўролар даврида ҳам қиладиган ишим шу, бўмади. Мен Шўролар учун миллий адабиёт туркий халқлари тарихи йўқ, мавжуд эмас деб тушунтирмокчи бўлдим. Улар бизнинг буюк миллатимиз тарихини бир даврини билади. У ҳам булса Рус мустамлакаси даври “Энг порлок” қисминигина билади. Улар сиёсий таъвиқот мажлисларда барчани мана, ягона ваҳот йўлингиз – шўролар” йўлидир дея нутқлар сузлашингизга мажбур этадилар. Агар бордию бу нотикларнинг кўнглида миллатчилик аломатини сезиб қолса улдириб аҳдатхонага отадилар. Хива хони Исфандиёрхонни ағдаргандан сўнг, русларни аралаштирмасдан бир миллий зиёлилар ҳукумати туза олсангиз муваффақият қозонишингиз мумкин. Фақат Шўро ёрдами билан эмас, – дедим.

Унга Москвага бориш имкони булмади. Эҳтимол, менинг сузим таъбир этгандир, қайтиб кетди. Бир гал 1920 йил охирида Хивадан чиқмасидан уч кун аввал Жумҳур раиси Хужа Ниёз ва Мулла Бекжон билан саройнинг ички хоналарида жуда самимий суҳбатлар бўлди. Хужа Ниёз бу жумҳуриятни яшашга руслар йўл қўймади, деб ҳисоблар эди. Мулла Бекжон эса, руслар талаб қилаётган истаган сулчиёсатини улар хоҳишига қараб ҳаммасини қабул қилиб, жумҳурият умрини узайтириш мумкин, деб уйларди. Мен унга: рус бўлмаганларнинг сулчиёсат русларнинг сулчиёсатидан мўтлақо фарқ қилади. Рус сул коммунистга ижтимоий ислохотларни амалга оширишда энг андишасиз раҳбарлардир. Ҳайри рус сул коммунистга

қуйилган талаблари булардан иборат: рус тобе булган миллатлар ютиб киска вақтда халқларнинг ассимиляциясини амалга ошириш режаларини қўллаб-қувватлаши ва рус аҳолиси сонини қулайтириб иқтисодий ва маданий соҳаларда дунёда қудратли бир халққа айлантириш йўлидаги мақсадларини катъий маъқулламоқ. Бу ғояни ҳар бир сўлчи ғайрирус коммунистига уз ғоясидек қабул қилдирмоқ ва миллатини эса бунга ишонтириши лозим булади. Миллий ғояларни эса тағ-томири билан йўқ қилиш мақсади ётади. Коммунист экансан уз миллатингни охир оқибатда тил ва маданият соҳаларини руслаштиришга даъват қилиш керак булди”, дедим.

– Хўжа Ниёз “Бекжоннинг сўлчилигидан ҳам яхшилик чикмаса, нима қилайлик?” – деб суради. Мен унга: “Руслар фақат қурол билан қарши туриш қудратингиз мавжуд эканини курганига қадир сизни одам каторида курадилар. Ўзбекларингиздан Жунайидхонга қушилгувчиларни бу ишдан маън этмангиз. Баъзи ёшларимиз Жунайидхон каби чўл йули билан Эронга бориб қелишга ва у ердан Хоразм овозасини дунёга эшиттиришга ҳаракат қилишлари керак. Биз шу йўлдамиз, Мулла Бекжон дўстим ҳам бу йўлга утсин. Бу ерда ундан бошқа ҳам маориф ишлари билан машғул буладиган одамларингиз етарлича бор. Руслар Туркистонда мустақиллик учун авж олиб бораётган қўзғолонларига қарши кенг миқёсда авиация ва радио алоқалари - рациялар татбиқ этадилар. Сиз эса Қорақумда муқобил ҳаракатни амалга ошириш учун ғайрат қилишингиз лозим. Қиладиган ягона ишингиз курашни мамлакат ичида ҳам ва ташқарисида ҳам курашни бир шаклга келтириб, унга одамларни ҳозирламоқдир, – дедим.

Руслар Хива ҳукуматини тарқатгач, Мулла Бекжонга “Сен сўлчи эдинг, кел, бирга ишлаймиз”, демадилар, аксинча уни қамоқхонага ташлади, калтаклаб, қийнаб сўнг отиб ташладилар. Қримнинг таникли ёзувчиси ва шоири Шавки Бектура Туркистон ва Сибирия хибсхона ва лагерларидан эсон-омон қутилганидан сўнг Туркияга – Истанбулга кела олди. У ва яна бир дусти хибсхоналарда бу ёшхивалиқлар Хива “сўл социалист”ларини, жумладан, Мулла Бекжонни курибдилар. У бизнинг Хивадаги суҳбатлашганларимизни, эслаб йиғлабди чет элларга кетмагани, уларда Туркистон истиклоли учун фойдали будолмаганини афеусланиб айтибди.

§ 195. “Эрк” партияси ва жаҳидлар дастури. “Эрк” партиясининг аввалги 27 моддадан иборат дастурни Бухородаги музокаралар натижасида қуйидаги тўққиз моддага қисқартирилди:

1. Иқтисодий соҳада: ер, сув, ерости бойликларини давлат ихтиёрига ўтказиш, қишлоқ хужалигини жамоалаштириш, катта каналлар қуриш социализмни ҳаётга татбиқ этиш.

2. Санъати ривожланган мамлакатлардаги каби ишчи ташкилотлардан Туркистондаги танкилий ишларида режа асосида

фойдаланиш. Туркистон меҳнаткашларига ишчи-деҳқонларининг ташкилотини тузишга юридик ҳуқуқ бериш.

3. Туркистон қарамлик асоратидан қутулиб, мамлакатни мустақил идора этиши. Бу – ўлкада жамият ижтимоий табақалашини имконлари ва меҳнаткашларни уз ҳуқуқи учун кураша оладиган савияга юксалишининг биринчи ва асосий шартидир.

4. Озод Туркистонда идора усули, демократик тизими асосида бўлади. Бу меҳнаткашлар синфининг тусиксиз фаолиятларини таъминлайди. Туркистон парламенти, вилоят ва шаҳар ҳукуматлари идораларидан туғридан-туғри умумхалқ сайлови орқали тузилади.

5. Миллий армия мамлакат бошқаруви идораси ва социализм ҳаётга татбиқ этилиши кафолат бўлади.

6. Туркистонда миллий ва камсонли миллатлар масалалари аҳоли сонига кура хал қилинади.

7. Маориф соҳасида ишлар бевосита маҳаллий ҳокимият қўлда бўлади. Давлат муассасаларини бошқариш, транспорт воситалари темир йўли, почта ва телеграф, зироат ва саноат муассасалари миллий ҳукумат қўлга топширилади. Маданият соҳасида ёт (яъни рус) таъсиридан қутулган ва кучли миллий маданиятни шакллантириш лозим. Мактаблар айниқса, касб-ҳунар мактаблари очиш ва умумий таълимни татбиқи маорифнинг асосий тамойилларидан бўлур.

8. Дин ишлари дунё ва давлат ишларидан тамоман алоҳида тутилур.

9. Туркистон социалистлари мазлум халқлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқи учун кураш иш тамойилларини ҳам узига асосий мезон қилиб олган бир байналмилалга қириши мумкин.

Бу дастурнинг муфассал шакли менинг “Туркистон тарихи” китобимнинг 411–414 саҳифаларида берилган. Туркистондаги социализмнинг ғояси ва татбиқоти масалаларига доир назарияларни изоҳловчи асарим муқаддимаси биз Россиядан чиқиб кетгандан сунг Прагада русча тилида нашр этилган эди.

Жадид “Тараккийпарварлар” партияси дастури 19 банддан иборат бўлиб, унинг кискача мазмуни қуйидагилар:

1. Миллий маданиятга эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшамоқ ҳаётнинг туб асоси бўлиши керак. Бу барча миллатларнинг эзгу орзусидир. Мақсадимиз Туркистонда мустақил ва миллий ҳукумат тузишдир. Миллат тил, дин, адабиёт, урф-одат, анъаналар яхлитлигига таянади.

2. Озод Туркистонда давлат шакли ва идораси республика бўлиб, ҳокимият манбан демократик асосларда сайланган миллий парламент вилоят ва шаҳарларда эса, вилоят ва шаҳар кенгашлари ташкил қилади.

3. Марказий ҳукумат аъзолари миллат кенгашининг розлиги билан Республика раҳбар (Президент)ни тарафидан тайинланади. Вилоят ва

шаҳар идора кенгаши раислари ва ўтказилган тарафидан сайланур. Миллат кенгаши, Республика раҳбари вилоят кенгашларининг сайлан тартиби муваққат Туркистоннинг илк қурултоғи томонидан белгиланади — таъликланади.

4. Туркистонда камчиликни ташкил этувчи (аҳволиси оғ) миллат ва элатлар ҳам фуқаролик ҳуқуқидан истифодаланадилар. Улар Туркистон маданиятини юксалтириш йўлида бир-бирига таянган ҳолда ҳаракат қилмоқлари лозим.

5. Туркистон миллий ҳуқуқати Туркистон миллий қунишига таянади, ҳарбий хизмат мажбурийдир.

6. Ички тишчиликни, ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш учун вилоят идоралари, маҳаллий милиция ташкилотни вужудга келтирилади ва бу ташкилот мамлакатнинг миллий муҳофаза тизимида боғлиқ бўлади.

7. Мамлакатда виждон эркинлиги тўлиқ бўлур. Диний ибодатлар ва маросимлар ҳурфикрлик асосида суради. Ўтказилган таълим ҳимояси билан таъмин этилади. Мамлакатда ажабий миссионерлар фаолият олиб боришларида руҳсат этилмайди.

8. Матбуот ва нашриёт эркинлиги, шахс эркинлигини давлатнинг асосий қонуни асосида таъмин этилади.

9. Мамлакатнинг солиғи даромади мутавозиб бўлур. Меросдан ҳам ўта инебатда солиқ олинур. Туркистонда эски замонлардан қолган ўрта аср солиқлари бекор қилинади.

10. Ер масаласида асос ер, суи, ер ости, ер усти бойликлари ва урмонлар давлат мулки ҳисобланади. Ер деҳқонларга ҳусусий мулк сифатида берилур.

11. Ҳусусий шакллар ер-суи масаласида олин-солти қилмайдилар. Бундай муомалалар фақат давлат йўли ва давлат қўли билан амалга оширилади. Ерга эгалик ҳуқуқи маҳаллий шарт шaroитлардан келиб чиққан ҳолда қонунда белгилаб қўйилади.

12. Туркистон оқдони фақат иқтисодий муваққатлик шароитида бўлиши мумкин. Шунинг учун Туркистон бошқа қўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатларни замонавий шаклда тиклаб ва янада ривожлантирилишига ҳаракат қилур.

13. Туркистонда ер муаммосининг асоси сувдир, шунинг учун миллатнинг барча қучи суғориш ва ободонлаштириш ишларида келтиришга сарф этилади. Сув муаммосининг муҳимлигини тушуниган ҳолда уни тартибга солишга ҳаракат қилинади.

14. Туркистонда, айниқса, қозоқ, қирғиз, туркман халқларида энг муҳим масала қўчалчиликдан утрок ҳаётга ўтмоғидир. Бу масала катта дарслар бўйларида янги суғориладиган ерларни оғмоқ билан таъмин этилур. Туркистонга туркий халқлар иркидан ва мусулмонлардан бошқа муҳажирлар қабул қилинмайди.

15. Туркистонда ишчи масаласининг ечими — бу мамлакатда миллий

саноат тараққиётига, ривожлантирилишига боғлиқ. Ишчиларнинг меҳнат шaroитлари, иш кушлик вақти, болалар ва аёллар меҳнати, ижтимоий таъминот ва бошқа масалалар илғор мамлакатлар андозаси асосида тартибланади.

16. Адлия масалаларида мустақил ва ҳар кимга тенг ҳуқуқ. Диний ва дунёқарашлари фарқига қарамадан замонавий қонунлар қабул қилиниб уларни ҳимоя қилишни таъминлаш.

17. Маориф тизимида умумий бемул бошланғич таълим татбиқ этилур. Мамлакат фуқаролари давлат маънафатларига зид бўлмаган ҳолда мактаблар очинлари мумкин.

18. Туркистонда биринчи навбатда айниқса, касб-ҳунар мактабларига алоҳида аҳамият берилади. Европага талаба юбормоққа тўғибор берилади.

19. Қадимий цивилизация ўчоғи бўлган Туркистонда асрлар давомида шаклланган ва гушланиб келинган маданий ёлғорликлар муҳофазага олинади ва булар миллий маданиятни юксалиш йўлида хизмат қиладиган даражага келтирилишига ҳарақат қилинади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, Туркистонда келажакда биринчиси радикал миллий, иккинчиси социалистик бўлган икки партиялик тизимида идора этмоқ тоғея ҳеч қандай ташқи таъсир остида пайдо бўлмади, маҳаллий шарт шaroитлар ва 1921 йилда Туркистон эл-латлари, уруғ-аймоқлари, қавм-қабилаларининг бошлиқлари ва зивиллари билан давомий келганилиб, жойлардан маҳаллий шaroитдан келиб чиққан ҳолда юқориларига ўхшаш икки ва "Алаш ўрди" билан уч партия гузини лозим деган умумий фикрга қилинган эди. Англия ва Америкада и каби икки партияли тизимдан туркистонликларнинг деярли хабарлари йуқ эди.

196. "Туркистон Миллий Федерацияси"нинг тузиллиши ва унинг *Тасъили*. Биз партия дастурини ишлаб чиқдик, умумий платформани аниқлаб олдик, леккин нимагадир ҳамқорликда ишлайдиган Қўмита гуза олмаётган эдик. Буниин сабаби, бухороликлар билан тошкентликлар уртасида и турли рақобат, айни вақтда бухороликлар билан тошкентликларнинг қозоқларга нисбатан шубҳаланиши бўлди. Шу туғайди Умумий қўмита раислигига кўрсатишган номзодлар сайланмас эди. Бухороликлар орашарида бу назифани бажариб кеталиган киши топишмайди деган фикрда эдилар. Хусусан, уларнинг бир тарафдан Абдулқодир Муҳиддинов, иккинчи тарафдан Файзуллоҳ Хужа гуруҳларининг ҳеч қайсиси раисликка номзодларни ҳагто эшитгиси ҳам келмасди. Биз бошқирдлар тошкентлик Мунаввар Қорини раисликка сайлашни таклиф этмоқда эдик. Леккин бухороликлар уни қабул қилишмади. Масалани яна бир томони бор бўлиб, Қўмита раиси бўлганига тайин этилган ким бўлишидан қағбий назар лозим бўлиб қолса, очикда юрмоқни тарк этиб, махфий янашга ўтиши керак эди. Мунаввар Қори ҳар қандай шартларга рози эди. Тожиқларнинг



рахбарларилан Садриддин Айнийни раисликка таклиф этдик. Лекин у ишрин тарзда фаолият олиб боришни рад этиб раисликка рози булмаган эди. Уни сайламоқчи булганлар оз эди.

Июлда Туркия Буюк Миллий Мажлиси аъзоси Исмоил Субхий Суйсалли угли Бухорога келди. У расман депутат вагуё коммунистик партия тарафдори сифатида ташриф бузурган эди. Шу сабабли у Туркистонда бемалол зиёрат қилиш имконига эга эди. Бу борада Хивага ҳам бориб келди. Лекин узи Мустафо Камол пошо тарфидан топшириқлар олган эди. Бу зот Бухорода мен билан бир неча бор куришгач, илтимосимга биноан ушанда узаро рақобатда булган узбек ва тожик гуруҳлари билан куришди. Умумий кумита тузилиши мураккаб бир ахволга тушиб қолиши сабабидан жуда хижолат булиб бир оқишом гуруҳларни ҳаммасини бир жойга тупланишларини таклиф этди. 30 июл кечаси Мирзо Абдулқодирнинг уйида тупландик. Субхий Бей аввал тарафлар билан сузлашди. Умумий кумита раислигига мени сайлашларини таклиф этди. Таклиф қабул қилинди. Бу йигилишда у жуда гузал нутқ сузлади. Кейинроқ катта бир кенгашда айни таклифни яна такорлади. Барчанинг розилиги билан билан қабул қилинди. Марказий Кумитанинг бошка аъзолари ҳам шу ерда сайланди. Бу билан мен 2 августда ТМФнинг, яъни Умумий Кумита раиси сифатида фаолиятимни бошладим. Бу тахликали, огир, таиғ кунларда, Туркиядан Мустафо Камол пошо тарафидан юборилган ноибнинг "Алаш Урда" вакилларининг, айниқса, Диншанинг ва афгон элчиси Абдурасулхоннинг Туркистонда бир миллий кураш маркази тузилишида катъий, хал этувчи тазсирлари булди. Буни муносиб тақдирлаган Мирзо Абдулқодир менга гузал хошиялари булган калин ипақ гилам-жойнамоз ва ёзув, гулли хошиялари булган бир олтин соат хадя этди.

Усмон Хужа Шерободдан бир мактуб юбориб, мени кумитанинг раиси сифатида кўрмоқдан хуш-масъуд бўлганини билдирди. Усмон Хўжа русларга қарши куралли кузгolon тарафдори эканини ҳеч кикиланмай зён этди ва буни мактубида ҳам ёзди. У Шаркий Бухоро мухтор вакили эди. 2-5 августда Миллий Бирлик съезди булиб утди. Бу Москвадаги съездларидан кейин утказилган бешинчи съезд эди. Бу уюшмага "Урта Осие миллий-демократик Мусулмон жамиятлари федерация ("Жамият")" номи берилди. Жамият аъзоларидан бир тожик дустигимиз тарафидан Жамият Марказий кумитаси учун бир мухр тайёрлашган эди. Хануз кулимда булган бу мухрда "Урта" сузи "Отар" деб ёзилибди, кулишдик, лекин шундайлигича келди. Съездда Жамият Низомининг дойихаси йигилганлар томонидан қабул қилинди. Сентябрь ойида Самарқандда янги съезд утказиш ва босмачи гуруҳлари билан алоқа уриатиб, уларга сиёсий маслаҳатлар,



Бухоро босмачиларига юборилган Мустафо Шохкулининг ёнига икки ёрдамчи жунатилди. Булар Кулоб тарафлардаги босмачилар курбошиси Давлатманд ёнида қолиб жамиятдан вакил булдилар ва лакай уруғининг нихоятда мутаассиб булган оқсоқоллари билан ҳам алоқа урнатдилар.

§ 197. *Жамол ва Халил пошолар.* Бизнинг илк ишимиз Туркияликлардан Жамол ва Халил пошоларнинг Туркистон масаласи билан жиддий шуғулланишлари эди. Биз уларни бу жиҳатдан Туркистон масалаларига эътибор қилишларини машғул билдиришларига асосланиб, баъзи қарорларимизни қабул қилдик. Жамол пошо бир йил аввал Тошкент ва Бухородан утиб Қабулга келганди. Халил пошо билан Ҳожи Самийбей эса, Тошкентга келган эдилар. Қошғар томонларга утмоқ истардилар. Буларнинг Урта Осиё масаласига муносибатлари фақат Туркия манфаати жиҳатидангина эди. Улар Туркистон ишига Туркияга ёрдам нуқтаи назаридан қараб, Европа иттифоқчиларига ютқазган урушни Урта Осиёда давом эттириш ниятида эди. Жамол пошо Афғонистон ёрдами билан Ҳиндистонда инглизларга қарши курашиш бошлаш ва Туркистонда кутарилган туркларни Шуrolар ёрдамида ўз ислом қўшинига бирлаштириш ниятида жиддий ҳаракат қиларди. Ўз мулозимларидан Роғиб Бей деган зобитни Комил қори деган фарғоналик йигитга курбошиларга берилиши керак булган мактублар билан Бухорога жунатган эди. Мен булар билан куришдим. Роғиб Бей Жамол пошонинг фикрларини сўзлаб берди. Булар тамоман хаёлий фикрлар эди. Биз эса, Туркистон даъвосига фақат Туркистон миқёсида қилинадиган бир иш деб қарар эдик. Бунинг Туркиядаги ҳаракат билан, Ҳиндистонда инглиз ҳукмронлигини ағдариш гоёлари билан қориштирилишига қарши эдик. Жамол пошодан келган кишилар Фарғонадаги курбошилар билан русларнинг руҳсати билан куриша олган булсалар-да, руслар уларга асло ишонмадилар ва Тошкентда камокқа олдилар. Бироздан сунг озод этиб, Қобулга кетишларига руҳсат бердилар. Бухорога фаолият юритишларига ижозат бермадилар. Мен Жамол пошонинг фикрлари ҳам бир хаёл эканини узига очик айтиб, уни кайфиятини бузишдан узимни тийиб турардим. Роғиб Бей ва Комил қори Қобулга жунатилганидан куп утмай, Фарғона босмачилар алоқачиси (исми Сами қори эди, шекилли) Бухорога келди. Комил қори билан учрашгандан сунг, босмачилар орасида Жамол пошо ҳақида тулик салбий фикр пайдо булган. Бу ерда эса Жамол пошо Туркистонни руслар қўлида қолдириб Ҳиндистонга утиб инглизларга қарши курашиш ҳақидаги босмачиларга қилган маслаҳат ўз халқи ва ватанига нисбатан хиёнатдан бошқа нарса эканлигини афсусланиш ва ачиниш билан айтди. Рағиб бей ва Комил қори Тошкент ва Кукондаги сузлашган бойлардан вокиф бўлган ўзбек ва қозоқ зиялилардан бир нечаси шу орада Бухорога келган эдилар. Улар ҳам "Жамол пошо

яхши кўрувчи экан, қайси босмачи Ҳиндистонда инглизларга қарши урушиш учун боради?! – дедилар. Хуллас, бизларда вужудга келган вазият Шекспирнинг “Қирол Лир”идаги “Мен шу қадар буюк ишлар қилайки, дунёни титратсин, лекин ҳозирча бу ишларни қандай қилиш мумкинлигини узим ҳам бичмайман” маъносидаги мисраларни ёдга соларда.

Биз эса Жалол пошонинг бундай ҳаракатларидан унга булган ҳурматимиз туфайли қуп қайғурдик. Чунки, Туркия раҳбарларига нисбатан ҳалқимиз орасида булган ишонч бузилмаслигини хоҳлар эдик. Биз «пошо Олд ва Урта Осиёга оид муаммоларини яхлит, тулалигича кура оладиган одам деб, биз эса фақат маҳаллий ишларимизни биламиз» деб тушунтиришга уринар эдик. Шу билан бирга буларни пошо узи билишини истамасдик. Қурбошилар тарафидан Жамол пошога ёзган: «Сиз бизни русларга топшириб қўймаслигингиз керак» маъносидаги захарханда билан битилган мактубларни Қобулга юбормадик. Жамол пошога эса, русларга қуп ишонавермасликни, уларга қарши уруш ҳолатида булган босмачилар тегадиган бундай мактублар ёзмаслик кераклигини ва Туркистон ишлари билан “Туркистон Миллий Федерацияси” машғул бўлаётгани боис, босмачилар билан бизлар орқали алоқа урнатиш вазият такозо этаётганлигини тушунтирдик.

1921 йил 25 июлда Бухоро ташқи ишлар воситачи орқали Қобулга, Жамол пошога менинг имзоим билан ва Жамият помидан юборилган мактуб 1923 йилда Қобулга келганимда қўлга тушди. Бу мактубнинг баъзи қисмлари менинг «Туркистон тарихи» китобим босилган. Унда, жумладан шундай дейилган: «Мақсадимиз русларни талаб ва хоҳишларимизни қабул қилишларига мажбур этадиган йўлларни топиш, миллий курашларимизни кучайтириш бу курашга ҳозир давр талабидан келиб чиқиб миллий, сиёсий руҳ бермоқдир. Халқ орасига кириб фаолият юритаётган Амир тарафдорларини ва мутаассибларни босмачиларга таъсир этмайдиган тарзда узоқлаштирмоқ, уларнинг урнига “Миллий Федерация” жамиятига содик ва фойдали шахсиятларни тайинламоқ ва бу босмачи ташкилотини ёш эиёлилар раҳнамоллигидан нилқилобий руҳдаги аскарларга, яъни қудратли жангавор аскарний (уларнинг) мунтазам чете туда, партизан кучларга айлантиришимиз лозим. Агар руслар Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистонда аскарний ва иктисодий ишларни ерли мусулмонларга бермоққа рози булсалар, Бухоро ва Хиванинг истиклолини қабул қилсалар, улар билан сулҳ тузиб, яна муносабат урнатмоққа тайёрмиз, акс ҳолда, Шуруларга қарши ичида ҳам, четда ҳам шу кунларда жиддий қатъий суратда жиддий бир харбий ва сиёсий куч сифатида кураш майдонига чиқишга тайёрланмоқдамиз. Туркистоннинг хар уч – шарқий, жаңубий ва гарбий минтақалари учун Тошкентни хар тарафлама марказ қилажамиз. Ҳозир Шарқий Бухорода Шуру

тизими асосида миллий ҳукумат қуриб, расмий ташкил ташкил этишга, кушниларимиз Афғонистон, Хитой ва Эрон билан самимий муносабат урнатишга аҳамият бермоқдамиз. Бизнинг Жамол пошога илтимосимиз шуки, Урта Осиёдаги сиёсатимиздан, Улуғ Туркистон тақдирини ислом оламини кутқаришга қаратилган режаларга қурбон қилманг деб ёздик. Туркистонга оид барча ишларингизни бизнинг Туркистон Миллий Федерацияси жамияти орқали амалга оширинг. Жамиятни инкор этиб, менсимасдан босмачилар ва миллий курашда қатнашаётган бошқа гуруҳларимиз билан алоқа урнатмаслигингиз умумий манфатимизга мосдир. Ҳозир Шарқий Бухорода булган амирга ҳеч қандай ёрдам бермаслик, акс ҳолда бундай ёрдам бизга нисбатан душманлик қайфиятида булган кучларни ҳаракатга келтириши мумкин. Яна бир бор эслатамизки, большевикларнинг уз сузларида туриб мустамлакаларни Европа капиталистик давлатлари исқанчасидан қутқариб қолган тақдирда ҳам, Туркистон уз тақдирини капитализм ва социализм уртасида узаро оқибати курашларига боғлай олмайди. Туркистонга нисбатан олиб бориладиган сиёсат худди мана шундай қоидаларга асосланган ҳолда қурилиши керак”. Жамол пошонинг қамоқдан қутилган вакилларини Қобулга кетаётганларида Бухорога киришга руҳсат бермаганлари учун Бухородаги Афғон элчиси Абдурасулхонга 10 августда яна, тақрор мактуб жунатдик. Биз мактубда руслар билан унинг давом этиб келаётган ёзишмаларидан ҳеч қандай натижа чиқмаслигини эслатдик ва Туркистонда муаммоларини русларнинг Афғонистон ва Ҳиндистонда олиб бораётган сиёсатлари билан қориштирмасликни илтимос қилдик. Қобулга келгандан сунг қулимга тушган бу мактубда, жумладан, шу сузлар бор эди: “Сизнинг Ҳиндистонни озодлиги учун Туркистон босмачиларини ислом қушинларига олиш хусусидаги фикрларингиз туғрисида яна бир уйлаб кўриш керак. Чунки, босмачилар Туркистондан ташқаридаги ҳеч қандай ҳаракатда иштирок этмайдилар, зеро, улар фақат миллий муаммолар туфайли тоғу-чулларда кураш олиб бораётган ватанпарвар инсонлардир. Бизнинг Шуроларни Бухорода миллий қушин тузиш йўлида розиликларини олиш борасидаги маслаҳатларингиз ҳам бир хом ҳаёлдир. Қушин тузиш ишлари билан бизнинг сиёсий фаолиятга тушган одамларимиз шуғулланадилар. Файзуллох Хужа, Саъдуллох Хужа ва Мунаввар Қори қабилар албатта натижага эришишларига ишонадилар ва бунга уларни ҳақлари бор. Мактубларингизда уларнинг қўлини ранжитадиган ёки қамситишларига сабаб буладиган сузларни ёзмасангиз янада яхши буларди.»

§ 198. Самарқандга қўчиш. Мен озодлик курашчилари билан яқиндан алоқа урнатиш ва сентябрда буладиган съездга тайёргарлик қуриш учун 5 августда бир узим отда Кармана орқали Самарқандга қараб йулга чиқдим. Аёлим ва Хорис Сисанбоев деган ёрдамчи аскарим темир йули билан кетдилар. Мен тамоман ўзбек дехқони кийимида

эдим. Шундай бўлишига қарамасдан, мен рус аскарлари бир жойларни четлаб ўтдим. Кўргон деган бир кишлоққа келганимда бу ерда руслар борлигидан хабар топиб уларга дуч келмаслик учун бошқа йўллар орқали кечга яқин Ойибод деган жойда Кумушота макбараси ёнида фақирона кун курадингиз Шайхнинг хонақоҳида тунадим. Оқимга ем берди. Узимга таом тайёрлади. Бу галкон бўлиб фақирлар таом эди. Устимга ёпиладиган чойнаб ҳам бероялмаганидан айтаиб, жуда хижолат бўлди, узр ҳам суради. Дераза пештахтасида авлиёлар ҳаётидан ҳикоя этувчи бир китоб бор эди. Китобни олиб куйидан неча маънода фореза шеър эздим: “Бунда саргайган юз ва жулдур либостина бор. Ишак вашойи бозори бошқа жойдадир”.

«Китобга не эздими?» деб сурали ва китобни кулига олиб, уни ҳам билладиган шеърни уқигач, йиғлаб юборди. Ярим кечагача суҳбатлашдик. Дунё ишларидан яқингини хабардор экан. У ерларда йиғитлари булган Қорақулбек билан таниш экан. Тонгда намозга уйғотди. Бирга намоз уқидик. Сунг ширчоё келтирди ва бирлашиб ичдик. У билан дуст булдик. Орадан бир йил ўтгач, Қорақулбек билан бирга русларга қарши жанг қилганимизда яна бу шайхнинг хонақоҳида булдик. У Қорақулбекка мени айтган экан: – Ким билсин, балки Хизрдир. – деган. Қорақулбек Шайхни кургач: – Мана, Хизирини эшитиб олиб келдим, – дея мени курсатди. Яна бир кеча бу Шайх ёнида қолдим. Аёлим Нафиса Жамиятимизнинг Кузи Хайдар деган зиёли аъзосининг боғига тушган эди. Мен ҳам у ерга бордим.

**§199. Қурбон ҳайити.** Биз кенгаш ва учрашишни Кузи Хайдарнинг боғ узумзорида ўтказишни келишиб олган эдик. Бир неча кун Кузи Хайдарнинг боғ ҳовлисида йиғилишлар ўтказгандан сунг Хазрати Хизр масжиди деган ердаги бир уйга кўчдик. Кузи Хайдар жуда яхши одам эди. Кўпчилик Самарқандликлар ўзбек бўлсалар ҳам форсийча гаплашарди. Кузи Хайдар ҳам шундайлардан ҳисобланарди. Унинг боғи қатта, айниқса мевали дарахтларга бой, олма дарахтининг узидан қирқдан ортиқ тури бор. Турли хил узум навлари усиб ётибди. Умуман, яхши қаралган боғ экан. Кузи Хайдарнинг руслар орасида танишлари ҳам бор экан. Бир сафар биз ҳовлининг орқа қисмида булган чоғимда бу ерда ҳам Ашхабодда айгоқчи Островский билан булган ноҳуш воқеага ўхшаш воқеа такрорланди. Эски дустим профессор Вяткин бу ерга кириб келди. У Кузи Хайдардан мени суриштираётганда тахта девор орқасида утиргандим. Мен уларнинг суҳбатларини эшитиб турдим, лекин шу ерда эканлигимни сездирмадим. Вяткин айтишича, сўёки мен Бухорога келган эмишман деган гаплар юрибди деб қолди. Бир оздан сунг чиқиб кетди. У таниқди архиолог-тарихчи бўлиб, Темур ва Самарқанд вилоятининг шаҳарлари тарихини жуда яхши урганган олим эди. Унинг шахсий кутубхонасида кўплаб ноёб қўлёзма асарлар

\* Inca rukh-i u came jende kharend, Bazate-i harir u diba diger est

тўнланган эди. Унинг ижодига оид асарларидан илмий қимматга эга бўлган асари бу “Самарқанд вилоятининг топографияси” ҳисобланади. Бу асарида маъбаларга суяниб, Самарқанд атрофидаги бир қанча қадимги тарихий шаҳар жойларини аниқлаган. Вяткин билан ҳам Наливкин билан ҳам 1913 йилда танишган эдим. Биз Вяткин билан мактуб орқали доимий илмий ҳамкорликда бўлдик. Барча мактублари асосан тарих соҳасидаги муаммоларга бағишланган бўлиб, яхлит бир китоб ҳолига келтириш мумкин эди. Кейинчалик тарих илмидан сабоқ берди. Ҳаёт у балким ҳаёт эмасдир. Мен ўша шароитда унга қуранишга ҳаққим йўқ эди. Жуда ачиндим. Кейинроқ икки йилдан сўн биз Эронга чиқиб кетганимизда унга бу воқеа ҳусусида мактуб ёзиб юбордим.

Шундай қилиб биз Хазрати Хизр масжиди ёнидаги уйга кучиб ўтдик, уша жойда яшадик ва дусларимиз билан Кузи Ҳайдарнинг боғида учрашиб турдик. Биз турган жойни Кузи Ҳайдар, Ориф Мулла ва Мурот Хуждалан бошқа бирор кимсага ҳам билдирмадик. Бизда учта от бор эди. Мен уларни шахсан узим қараб турардим. Шу атрофдаги тарихий обидаларга қўп зиёрат қилдим. Бундай яширин ҳолда фаоллиқ юритишим менга Бухоро билан Самарқанд шаҳарларининг топографиясини жиғдий урганиш имкониятини ҳада этган эди. Албатта, биз яқинда яшаганим боис Афросиёб ва Шохизинда каби ёдгорликлар, тарихий обидалар деворидаги ёзувларни менимча барчасини уқиб чиқдик.

§ 200. *Хорис Сисанбой.* Бу орада чопарим, алоқачи аскарим Хорис Сисанбой безгақдан тузалмади, вафот этди. 1918 йилдан бери ёнимдан ҳеч айрилмаган бу йигит Салжийут уругидан эди. Жуда заки, жуда самимий эди. Имкон топсам ва чет элларга бориш зарур бўлиб қолса, уни ҳам бирга олиб бормокни, у ёқларда таҳсил олишини таъмин этмокни уйлардим. Буни узига ҳам айтган эдим. Рус шаҳар мактабини битирганидан рус тилида ёзганларимни машинкада ёза оларди, эътиборли эди. Бошимиздан кечган ҳодисаларни узбекча ёзиб, шишалар ичига жойлаб, Самарқандда белгиланган ерга, тупрокка қумишни ҳам шу Хорис эпларди. Хорис Сисанбой менинг ёнимда аввал жудо булганим Иброҳим Қочкинбоевнинг ўрнида ишларди. Биз самимий дуслик ришталари билан боғланган эдик. Унинг урнини босадиган ҳам йўқ эди. Дусти Аҳмаджонни аввалроқ уз юртига кетишига руҳсат бергандим. Инглай-йинглай кетди. Хорис буни қўрғач жаҳл билан: Ундай булса, мени ҳам бир кун юртимизга жунатиб юборасизми? Агар жунатиб юборадиган булсангиз, мен узимни ўлдираман, – деди. Бир кун зарур булса, Эрон ёки Афғонистонга утишимиз мумкинлиги ҳақида суҳбатларимизни эшитиб, форс тилини урганишга киришган эди. Бўш вақт топдим уқиш ва урганиш билан машғул булар эди. Чет элга кетадиган булсангиз, мен ҳам кетаман, менга ҳам уша тилларни ургатинг, – дерди. Сиз бир Султон Маҳмуд булсайдингиз, мен Аёз

Бўдишни истардим, — дедди Ёузхорода яшириқиб яшаганимда энг кичик буйруғимни ҳам харбийчасига бошини тик кўтариб эшитардим Унга харбий хизмат жуда маъқул эди Мен унга "Эди бундай килма менинг киллигимни" ёнқикалар сетиб қолиши мумкин деганимда, ёзу одатини тарк эди Лекин ҳаг ким йўғида шу одатини қуймас эди Мендан ҳеч тортинмасдан, баъзан дағал сўзларди баъзан ўзини Урта Осиё туркий халқ достонидати «Кемен» дер, мен эса унга «Ўз йигит» дердим. Уни «Хатрати Хизр» масжиди енидати кабристонга дафи этдик. Кабрига тош қўйдирдим ва «Ўз йигит» достонидан шу маъжодаги байтни ёдирдим: «Беназир бир инсон эди. Менинг тамгусламга ҳамдард эди. Ёузйигит деганимда жоним, жигаримман дер эди эй эълан фалак Шарафхизрарта шафқатини мўл дардиеларга илтифатини йўк дўстни йўлданидан қолиб олурсан Ота-онасидан айурсан не қалар олсанда тўйдимни йўк

*Ўш элган бир эди  
Менинг элим ер эди  
Ўз инситсан деганди  
Наббай, тақдир жонимсан,  
Хай-хай оуе, хай оуе!  
Лекин кун зурнига,  
Саловатини пук торлиги  
Йўзюшанидан қашираб,  
Ота-онадан шираб  
Олиб-олиб тулганни пук!*

Ўзбекистон Мухториятининг ашаддий душмани ва подпо малайи булган Минхожин 1918 йилда Ғў кўли билан ўлдирган ва гулпончасини олиб менига келтирган ҳам шу Хорис эди. Бу таппонга Самарқандда шайғимда доим енимда бўларди. Жуссаеи кичик Хорис Сисанбой ўхшашни йўк — бетакрор бир қаҳрамон эди. Вафоти билан мени ва эълимни кўн йигитиди.

§ 201. *Туркистон Миллий Федерациясини VI съезди.* Сисанбой вафоти ятти бутун съездига тайёрларлик ишлари рафикам Нафиса билан икковимизга қолди. Жамият ишларида кўн фидокорликлар кўрсатган кирит Ёурақул Жонизок ўғли ва андижонлик ўзбек Султон эди. Бу йигит унга вақтда Самарқанд қонисари бўлган кичик эиелиси Сергилисенинг хизматиди эди. Булар ёрламида 5–7 сентябр кунлари "Туркистон Миллий Федерациясини"нинг съезди ўтказилди. Анзалар Кўзи Хайдарнинг боғиса турди эшиклардан киривилар.

Бир кун Моғоруд маҳаллисидати бир боғда тўшандик Қозилардан Динча (ривм 21) бор эди. У ҳам бетакка қалинди. Оғир ҳаста эди баъзан ҳушидан кетиб қолар ва шу ҳолига қаримасдан съездда иштирок эди. Бир марта ҳолига ётган жойида менидан: — Ўзатман.

одов ичидаман, мена Шумбурундан бир челақ суқ келтир. — деб илтижа килди. Шумбурун Балханди рудининг шимолида Ёдбёк Дала чуллариди Учуруги фойдаланиш бир кулук экан. Кейин ўзи келди. Энди Шумбурундан тўйиб бир суқ ичмасам тамган тузалиб кетмайман, дея ватанига кетди. У шайр ва бир артист эди. Бир сайёр труппаси (турухи) бор эди. Турли жойларга бориб театру томошаларини кўярдилар. Сайсолои ўгли Исмаил Субҳи Бей Туркистон сажастиди. Ёзилмачиди. Диншанинг театрини томоша килган ва труппасининг катта бир расмини Истанбулга олиб келган.

Самарқанддаги съездга Кошгардан Қудратуллох келди. Ёзи Ёлшикиристондан чиқиб Туркистонга караб юрганчилида Қудратуллох, Ипоятуллох, Нешматуллох ва Фатхуллох оилаларини олиб Кошгарга кетдилар. У ердаги миллий теъддик харакатларига кўшилдишчи эдилар. Энди улардан бир киши ўзлариди ва касияларидан кабир берчюк ва биздан курсатма олимоқ учун келибди. Жуда яхши хабарлар келтирди. Расмларини ҳам келтирибди (23-рasm). Ташлигимдан бери ташиганич оиланинг фидокорона фаолияти ва сикат салимат эканлиги бизни жула севинтирди. Буларнинг оилалари Султон Гарай Ҳазрат отамнинг эски дўсти эди. Ёлшикиристон мухторияти учун бўлган харакатларида ҳам фидокорона фаолият юриди. Угиллари ва келинлари Шаркий Туркистонда харакат килишарди. Қудратуллохнинг икки ўгли ва бир кизи кейинчалик тахсил учун Тибет ва Хиндистон оркали Туркияга тахсил олиш учун келидилар. Шахсан Отагурк ўзи уларнинг ахволларидан хабар олиб турарди. Икки дўстнинг неваралари ҳазир Истанбулда танишдилар, бирлашдилар (24-рasm). Булардан бири Анвар Олтой ҳазир илгор, йирик бир муҳаңнисидир.

Самарқанд съезди 24 моддидан иборат жамият низоми ва Туркистон байрони қабул килди. Байрокни тайерлаш комиссиясида мен, Зийли Қори ва Жонуоқ ўгли яна бир неча киши бор эдик. Бу байрокка асос килиниб, Махмуд Кошгарийнинг асарида тасвирланган Салжукийлар ва Қорахонийлар замонидаги байрок шакли олинди. Алвол рашди бу миллий байрокни Темур ва теурийлар даври га оид сима асарлардаги миниятуралардан фойдаланиб тайерладик. Ҳазир бу рашдаги байроқининг Шоҳрух замонида 1449 йили асл намунасини Истанбулдан Гўнкош музей саройида 781 рақами билан сақланган кўлөзма Хайр Хитун «Ҳамеасида» (прк. 236) кўришимиз мумкин. Байрокка беш қирмин, тўрт ок, жами тўққиз буй берилган ва четларига мовий хошия солинган. Ёзи бу байрок қабул килинган куни (6 сентябрини) миллий байрам килалган бўлди. Хар ҳолда Туркистоннинг турли, кўнлаб виштақаларида Россияга қарши оёкка турган милолатимиз учун ягона байронги ўша куни қабул килинди. Байрокка аталиб чигатой ўбекчасида шайраар ҳам ўшилди, лекин ҳазир қўлимда йўқ. Яна бу съездда хар бир кўрбонни хизматига биттадан сивеши маслаҳатчи тоборинга қарор килинди. Самарқанд



вилоятининг «бош қурбошиси» Очилбек халқ орасида «Очилдов» исми билан ҳам машҳур бўлган, у найман уругидан эди. Унинг ёнига ўзбек зиёлиларидан ҳурматли Комил Қорини тайин этдик. Бу съезд Туркистонда бўлган съездларнинг энг самаратиси ва энг самимийси эди. Бухорода бўлганидек, Файзуллоҳ Хужа билан Абдулқодирнинг маккорона тортишувлари бу ерда бўлмади.

§ 202. *Бошқирдистондаги ҳодисалар.* Бу съезддан сунг мен уша пайтда Бошқирдистонда очарчилик авжига кутарилгани боис у ерга озиқ-овқат юбориш масаласида Бухоро ҳукумати билан алоқа урнатдим. Бир неча вагон озиқ-овқат юборилди. Бу озиқ-овқатларни олиб кетиш учун Бошқирдистондан вакиллар келишган эди. Бу вақтда у ерда Сулаймон Мирзабулатов раҳбарлигида қўзғолон кутарилибди. Биз дарҳол Бошқирдистонга икки кишидан иборат ҳарбий вакил жунатиб унга қўзғолонни тўхталишини маслаҳат бердик. Чунки бундай ишлар фойдасиз деб шуруларга таслим булишни маслаҳат бердик. У бунга рози бўлди. Лениннинг дустларидан уша пайтда Бошқирдистонда вакил булиб турган Мостовенко “О больших ошибках в «Малой Бошкирии»” номли хотираларида Мирзабулатовни таслим булишлигида гуёки унинг хизмати муҳим урин тутганлигини батафсил ёритади. Ваҳоланки, бу вақтда уша биз жунатган икки ҳарбий Туркистонга қайтиб келишиб амалга оширган ижобий ишлари хақида ҳисобот ҳам беришган эди.

§ 203. *Анвар пошо Туркистонда.* Сентябрь ва октябр ойларида бизнинг олдимизга Бухорога келган туркиялик ҳарбий Али Ризобей уша пайтда Москвада бўлган Анвар пошо юборган бир неча мактуб ва баъзи журналларни бизга топширди. “Liva-ri Islam” ва бошқа номлар остида Берлинда нашр этилаётган бу журналларда Анвар пошо ва унинг ҳамфикр сафдошларининг “Ислоҳ дунёси бирлиги” учун иттифокчиларга қарши, шурулар билан эса келишиш мақсадида ташвиқот олиб боришган эди. Туркиянинг иттифокчиларга нисбатан ҳаққоний ва ҳаётий даволари билан Туркистоннинг шуруларга қарши олиб бораётган ҳаёт-мамот курашларини тенглаштириш мумкин эмаслигидан Анвар пошонинг бундай ташвиқоти бизга ортякча, кераксиз булиб қолаверса Туркистондаги ҳаракатларга қўшилиши ҳам мумкинлиги хақида айтганлари бизни жуда ноқулай вазиятда қолдираётган эди. Биз яширин сийсат олиб бориш билан бирга бу курашда шуру муассасаларида ва қочмунистик партиядо расман ишлаётган дустларимиз билан келишган ҳолда фаолият олиб бораётган эдик. Бунинг учун Туркистондаги курашимиз Россиянинг ички масаласи булиб қолиши, расмий дустларимиз мусулмонлардан ташкил топган расмий қизил миллий қўшин таркибини, шуру муассасаларида ва партиядо мусулмон зиёлилар сафини кенгайтириши, таъқиқ лавлатлар билан алоқа ўрнатилмадиган бўлса, буни ошқора қилмаслик керак буларди.

Шу сабабли Бошқирдистовдан келган бир баталон бошқирд кушинини дархол босмачилар сафига қўшишям мумкин эди. Бирок Турор Рискулов сингари кишилар босмачиларга қўшилмасдан шуруларнинг расмий қўшини таркибига бир миллий қисм сифатида киришни тугри иш деб биларди, бундай қўшин сафи кенгайганидан сунг эса босмачиларни ҳам қўшиб олиш имкони бўлса, шунда биз сингари яширин фаолият олиб бораётганларнинг Бухоро ёки Шаркий Бухорода очик ишлаш мумкинлигини билдирди. Кузатув остида булган Турор Рискуловни кўришни имкони йўқ эди. Хукумат ва партиянинг бошқа аъзолари билан Самарқанд ва бошқа жойларда тез-тез куришиб турардик. Турор йўллаган хабарларни менга Тошкентдаги баъзи бошқирд аскарлари ва Диншеннинг дуслари олиб келишарди. Айни пайтда Туркистонда социал-рволюционерлар ва украиналикларнинг миллий ташкилотлари билан ҳам алоқаларимиз яхши эди. Мадомики Анвар пошо Шурулар томонида була туриб бизни ишларга аралашадиган булса шурулар ҳам иттифокдош давлатлардан ёрдам олишида, Украина ва эсерлар эса иттифокчи давлатлардан ёрдам олиш имкониятларидан махрум буладилар, оқибатда Туркистондаги кўзғолон ҳаракатлари ички ва ташқи ёрдамларсиз қолади.

Уртага ташланган ширларимиз кудратли эди, бирок қўлимиздаги имкониятлар чегараланган эди. Менга келган хабарга кура, Анвар пошо Туркистонга келаётган экан. Биз бу вазиятни кумитамиз кенгашида муҳокама қилиб, жавоб бердик: бизга унинг бу ерга келмасдан четдан туриб ёрдам бериши мақулдир, маъносида жавоб йўлладик.

Бу пайтда русларнинг Бухородаги сиёсати биз учун анча қулай эди. Мирзо Абдулқодир ва Файзулла Хужа уртасида давом этаётган курашда ўша қўлга қадар гуё ҳар икки томонни ҳам қўллаб-қувватлаётгандек булиб куриган руслар 27 сентябрда Файзулла Хужа томонида эканликларини расман эълон қилишди. Чунки Файзулла Хужа руслар билан яқин муносабатда эди. Бухоронинг турли шаҳарларида ҳарбий нозир Орифов орқали ташкил этилган гарнизон нима максатда ташкил этилганини Файзулла Хужа биларди. Ҳатто Орифов билан булган бир суҳбатда "гарнизонларимизнинг амалдаги қўмондони Заки Валидов ҳисобланади" деганини эшитганман. Бизнинг гарнизонимиз Карманада собиқ ёрдамчим Иброҳим Исҳоков бошчилигида ташкил этилган ҳарбий мактабда ўқиган талабаларнинг, шахсан Иброҳимнинг ва ҳатто ҳарбий нозир Орифовнинг расмий фаолиятни ташлаб, босмачиларга қўшилишини тақозо этарди. Мирзо Абдулқодирни қўллаб-қувватлаётган милиция бошлиғи Мирзо Мухиддин Файзулла Хужанинг ҳақиқий душмани булгани боис дархол босмачилар билан алоқа ўрнатиб, ўз қўли остидагилар билан уларнинг сафига қўшилди. Ўрни ноқсаларнинг тез ривожланиши бизни оғир аҳволга солиб қўйди. Мирзо Мухиддин мактуб билан бир одамни юборибди, унда: "Мен босмачиларга қўшиляпман, қаерда бўлай ва нима қилай?" деб

сурабди.

§ 204. Анвар пошонинг Бухорога келиши ва у билан учрашувим.  
Шундай қилиб, бир кун Анвар пошо баъзи дустлари билан Бухорога келанлиги ҳақида хабар, иккинчи кун Анвар пошонинг узидан менга «Мен Бухородаман, тез бу ерга келишингизни илтимос қиламан» дея кичик бир мактуб келди (25-расм). Бухорога 20 декабрда келган экан. Мен ҳам ҳеч тухтовсиз отимга миниб, ёлғиз узим Бухорога жунатдим. 23 декабр кун келишганимиздек, Бухоро шаҳрининг ташқарисида жойлашган Афғонистон элчихонасига келдим. Элчи кейинчалик жуда яқин дустим бўлиб қолган, Қобулда ва ниҳоят Берлинда куп қуришганим Абдурасулхон эди:

– Келганингизни билдириб, пошога ҳозир хабар жунатдим, – деди. Орадан бир соат ҳам ўтмасдан пошо келди. Ёнида адъютанти Мухиддин Бей бор эди. Анвар пошони уйримда биринчи мартаба қуришим эди. Оддий фуқаро кийимида экан. Ҳолбуки, мен уни расмларда доим ҳарбий кийимда қурардим. Креслога утирар утирмас Жамол пошо Қобулдан келаётганлигини доктор Нозим Чоржуй темир йул бекатида уни кутиб олишга кетаётганда руслар хаттоки Бухорода ҳам, Тошкентда ҳам рухсат этмаганларини, поезддан тушишимга йул куймасдан шу заҳоти Москвага жунатиб юборганларини айтди. Бу воқеадан Анвар пошо жуда ҳафа бўлганлигини билдирди. У суҳбат бошида мен Руслар туркларни узларининг сиёсий манфаатларидагина фойдаланади деб, Жамол пошога ёзганларимда ҳақли эканимни айтди. Узи Бухорогача келган экан. Туркистон учун фойдали, була оладиган қандай ишлар қилиши мумкинлигини ва бу хусусда қандай маслаҳат бера олашимни суради. Унинг аниқ белгиланган мақсади ва режаси йук эди. Мен унга Бухородаги туркиялик зобитларнинг мен билан муносабатда бўлганлари сиз келгач, босмачиларга қушилишингизни айтишди. Бу ҳам бир йул. Иккинчи бир йул эса, бу ердан Афғонистонга утишингиз маъқулдир. Бунга руслар рухсат бермайди, аммо сизда амалга оширишга имконият бор. Бурдалиқ деган жойдан осонгина утиб кетишингиз мумкин. У ерда ташкилотимиз мустаҳкам, дедим. Пошо босмачилар томонига ўтмоғини нечун маъқул қурмаганимни суради. Аввало бу қурашлар Россиянинг ички масаласи мақомида бошланган. Бизнинг болшевик душмани булган турли рус қучлари ва партиялари билан келишиб, иш қурамыз, хатто зарур бўлса Шўролар билан яна сулҳ тузиш, имконларимиз бор. Сиз аралашсангиз ва Жамол пошодек иш тутиб, Ҳиндистон аҳрорлари ҳаракати билан боғлансангиз, бу халқаро бу мажорога, айланур. Қолаверса, Россияга қарши ҳаракат тусини олади. Ҳолбуки, иттифоқчилар сизга иккинчи Вилгельм деб қарамоқда. Биз эса ташқаридан ёрдам олиш имконини топишни уйлардик. Сиз бу ҳаракатга қушилсангиз, бу имконлар уртадан бутунлай кутарилади. Ички муаммоларимиз халқаро тус олади, оқлар биз билан юз угиради. Фаолларимиз ошқора босмачилар

харакатига қушилишиб кетади. Шуру идораларида расмий иш бошида турган дусларимиз ё босмачилар томонига кочиб утишадн ёхуд биз билан алоқаларини дарҳол узиб, тулик Шурулар тарафида булиб қолади. Шуру ва партия ташкилотларида фаолият юритаётган юзлаб дусларимиз бизга бутунга қадар Россиянинг ички масаласи билан машғул булмоқдамиз, дея қарадилар ва ёрдам бериб келдилар. Улар чет эллар билан келишувни, сулҳни ёқтирмайди. Хусусан, инглизлар 1918 йилда Туркманистонга келганларида маҳаллий халқни қўлламасдан, оқ русларни қувватлашлари жуда ёмон таассурот қолдирган эди. Ҳали 1918 йил охирларида Сибирда ҳаракат қилаётган Француз ва Америка кучлари Бошқирдистон ва Қозоғистон миллий ҳукуматларига нисбатан бутунлай салбий муносабат булди. Қолаверса, улар миллий қўшинларига қарши мутлақо душманларча муносабатда булдилар ва ҳатто ҳукумат аъзоларини ва зобитларимизни харбий трибуналга беришни талаб қилган эдилар. Буни ҳеч ким унитган эмас.

«Инглизлар ушанда узларига қушилган ва бирга ҳаракат қилган туркманларни ҳам уз холига қолдириб кетган эдилар. Ҳозир биз озодлик учун олиб борилаётган бир вазиятда ташки кучлар ёрдамини ола бошласак, партия ташкилотларида фаолият олиб бораётган айрим дусларимиз бизга қарши булиб қоладилар. Бундан ташқари, Шурулар ҳозир подшо фондини кучайтирмоқда. У ердаги масалани тезда ҳал этсалар, бутун кучларини бу ёққа йўллашлари мумкин. Бу йил Туркистонда ҳосил яхши булмади. Ҳеч қайси ҳудуд тўрт-беш мингдан зиёд аскарни боқолмайди. Агар сиз Афғонистонга утиб, Ҳиндистон масалалари билан банд булмасдан Туркистондаги ҳаракатларга у ерда туриб бошқаришга уриниб кўрсангиз, балким жуда фойдали булармиди. Энг катта муаммо Бухоро амирлиги масаласидир. Биз уни қайтиб келишини хоҳлаймиз, қайтиб ҳам келолмайди. У жаҳид ва бизнинг душманимиздир. Бу ерда унга содиқ гуруҳлари бор. Улар албатта сизга қарши, ҳаракат қиладилар. Нима булган тақдирда ҳам амир тарафдори булганлар билан бирлашиш ҳаракатида булинг. Сиз Афғонистонга утсангиз, балки, Бухоро Амири билан учрашиб, уни йўлга сола оларсиз. Омонуллоҳон бунга, албатта, ёрдам беради. Балки Афғонистон воситаси билан чет эллардан ва Эрондан ёрдам олиш йулини излаб қурарсиз. Қурбошилар билан алоқада буладиган йуриқчи – иш ургағувчиларни юборарсиз. Биз бу ерда уз сиёсатимизда давом эттирасиз. Амирнинг тула ишончига сазовор булган, балки инглизлар билан ҳам келишя олишингиз мумкин буларди. Ушанда Туркистонга келиб, ҳаракатни шахсан узингиз бошқаришингиз мумкин. Бизнинг жамиятимиз тобе барча кучлар сизнинг хизматингизда булур. Ақс ҳолда орқада қучли-қудратли булмаган ишга қўпчилик аралашмайди. Ҳолбуки, Шурулар биз талаб этган, миллий кизил қўшинга таянган миллий Туркистон шуру ҳукумати ҳояларини дарҳол қабул қилиб сафдошларимизни осонгина алдай оладилар. Сизнинг ҳаракатингиз

панисломизм ва пантуркизм деб кораланди. Ҳолбуки, бундай фикрлар бу ерларда оммавий эмас. Иккинчи тарафдан сиз жаҳон уруши йилларида рус миллатининг буюк бир ганими сифатида машҳур бўлдингиз. Руслар буни ҳеч қачон унутмайдилар. Сизнинг Туркистон ички ишларига очикдан-очик аралашувингиз оқ ва қизил русларнинг бирлашишларига сабаб бўлиши мумкин. Агар сиз Афғонистонга ўтсангиз, бизга оқ руслар билан ва шўроларга қарши бўлган қучлар билан алоқа урнатил имкониятлари сақланиб қолур. Жамол пошо Афғонистонда бўлди. Сизга ҳозир Бухорода тушунтира олган сизни муаммоларга унга тушунтира олмадик. Сизнинг амалга оширадиган ишларингиз Туркистон учун самара бериши мумкинки, қачонки Ҳиндистон масалалари билан шугулланмасангиз” дедим. Анвар пошо мендан нима учун Туркистонликлар туркий ва бошқа мусулмон халқларининг бирлашишларини хоҳламайдилар деб сураб қолди. Мен унга “Туркистон халқи фақат усмон халифасини билади. У эса Туркия султонидир. Халқ Туркия туркийлари ҳам туркий сузлашишларидан мутлақо хабарсиз. Зиелдилар буни биладилар, аммо шу жиҳатдан яқин эканлигимиз ҳақи тасаввурга ҳали эга эмас. Иккинчи тарафдан руслар панисломизм билан пантуркизмни шу қадар маънур бир нарса сифатида кўрсатмоқдаларки, руслар билан уни кўраётган инсонлар бу мафкурадан узоқ турмоқ лозимлигини ҳис этмоқдалар. Ҳеч унутмаслик зарур бўлган боника бир ҳусус маҳаллий халқнинг фақат ўз дардлари билан машғул бўлишларидир. Ва Турк сиёсий бирлиги масалаларини ҳеч эътиборланмайдилар. Бу фикрни ҳагто ҳожилар ҳам билмайдилар. Билан бўлса, бу Истанбулда таҳсил кўриб келган талабалар ва «Турк юрти» журналини ўқувчиларидир, бошқа ҳеч ким эмас. Бу ерда ҳар ким ўзини Туркистонлик деб ҳисоблайди. Ҳазар денгизининг жанубида Эрон, шимолида рус халқининг зичлигига доир статистик маълумотга эга бўлган одамлар Туркия билан Туркистон ўртасида умумий сиёсий муаммолар бўлиши мумкин эмас деб ўйлайдилар. Оралати муносабат фақат исломият ва умумтуркий маданият бирлигини ана ривожлантириш лозимлигини тушунтириш ишларини олиб борамиз. Бунга шароит бор. Ҳар туркман, ўзбек, қозоқ, қуввати бўлса, туркияликлар келсин, бизни олсин, дейди, панисломизм ва пантуркизм тоғларидан ўзини четда кўрсатишга ҳаракат қилаётган зиелдилар русларнинг тоғларини смон кўришини билади. Буларга берилиб кетиб руслар билан муносабатларни кескинлаштириб бўлмади. Қовиларса, туркий халқлар бирлигини ким хоҳламайди. Анвар пошо барча сузларини диққат билан тинчлатганидан сўнг “Сиз кўрсатган икки йўлдан, яъни бу ерда қилиб кўнгувон ҳаракатларига раҳбарлик қилиш ёки Афғонистонга ўтиб кетишдан ҳам бошқа учинчи йўл бор. Бу йўл Москвага қайтиб, у ердан султонимнинг ёнига кетмоқдир. Туркистон ишларига аралашмайдилар, — деди «Султон» деганида Берлиндаги аслили пазарда туғмоқда эди

– Бу, узингиз хал этадиган иш. Факат менинг сузим билангина ҳаракат қилманг Мен мутлақо шахсий фикрларимни айтдим. Бошқаларни ҳам эшитиб қуринг. Менга, сиз пошонни қайтариб юборибсиз, демасинлар. Модамики, бир гал Бухорога қадар келган экансиз, бундан Туркистон истиклоли учун курашда фойдаланиб қолишимиз лозим. Берлинда Тальят пошо бошига тушган иш сизнинг ҳам бошингизга тушмаслигига ким қафолат бера олади? – дедим. Афғонистон элчиси Абдурасулхон тавози камтаринлик ва назокат билан шахсан ўзи чой келтириб, икром этарди. Пошога хурмати буюк эди. Бизнинг сўзларимизга бир калима қўшмади. Ўз хошимизга қўйди. Кечки овқатни шу ерда едик. Пошо кетгач мен бу оқшом элчихонада қолдим. Тун бўйи ун турт моддадан иборат пошонинг босмачилар ҳаракатига қўшилишининг хавфи томонларини кўрсатиб берувчи махзур зарар, тусик ва хавфларини ўз тушунчаларимни ездим. Мен унинг бундай қалтис масалаларини жиддий уйламасдан бир қарор қилмаслигини истардим.

§ 205. *Анвар пошо билан сулғи учрашувларим.* Эрталаб Бухородаги аввал янаган Ҳакимбойларни ҳовлисига кетдим. Оқшом эса Бухоро ташқи ишлар вакили Ҳошим Шоикнинг уйига тақлиф қилди. Пошо ёрдамчиси Муҳиддин ва Ҳожи Сали билан у ерга келди. Харбий кийимда. Оёқларида баланд, қалин пошпали немис резина этиги бор эди. Мен ёзган 14 моддани ўқиганини ва масала устида бош котираганини, Туркистон босмачилари вазияти ҳақида не ҳақиқат бўлса, ҳаммасини ўрганмоқ истаганини айтди. Мен ҳам бу хусусда билганларимни, турли босмачи гуруҳлари санокларини, кўрбошилари ва фетъа аъволлари ҳақида ўрганганларимни айтдим. У ерда билиб олдимки, Бухорода нуфуз соҳиби булган баъзи зиёли кишилар, айниқса, Мирзо Абдулқодир ва самарқандлик дўсти Ақобиршоҳ, пошонини мутлақо Туркистон қиём кузгони ҳаракатлари арахбарлик қилишини истаганлар. Мен бунга жанобан шундай дедим: “Мирзо Абдулқодир билан Файзуллоҳ Ҳўжа орасида кураш бормоқда, руслар ҳозир Файзуллоҳ тарафда бўлишни мақул кўриб турибди. Мирзонинг баъзи одамлари босмачиларга қўшилди. Шу боис сизни босмачиларга қўшилишингизни хоҳлайди. Мирзо Абдулқодирдан бошқалар билан суҳбатлансангиз, янада яқин булур” Факат Ҳожи Сали пошонини Афғонистонга кетишини умрини зое кетгани деган Омонуллоҳга ишонини эса ҳато қилиши айтди. Ҳожи Сали узининг 1916 йили Ўттисув кўли оёғидаги қилган ишларини бўрттириб: «Мана, камини қулиниг бир содда турк бўлганим ҳолда улкан Қозғонистонни оёкка қалқитдим. Сизнинг шухрат ва обрўиңиз билан Туркистонда шундай ишлар қилай чиқиб», мен уни таварига илоҳ беришимга кўри келди. “1916 йил кўли оёғи ташвиқот билан эмас, балки Чор Россиясини маҳаллий халқларни фронт орақасидан ишларига олиш ҳақидаги 25 илгў фармонини қарши умумий порозимлик туфайли қелиб чиққан

Сиз зоти олиёлари дўстларингиз билан фақат кузғолои охириларида козоклар Чинга утадиган вақтда Қоракул шаҳарчаси ёнида Шабдон Ёғир кўшидганингизни биламиз.

Мен пошога барча вазиятни очикчасига баён этдим. Мен уни хато йўлга бошлашни хоҳламас эдим. Бу билан Ҳожи Самининг сузларидаги муболагага пошонинг диққатини қаратмоқчи эдим. Ҳожи Сами бундан хафа бўлди. Мен бу окшом пошо кетгач, рус жосуслари тақво этади дея уйдан чикмадим ва шу уйда ухладим. Пошо билан бирга учрашувларимиз шундай бўлди. Келишилган уйга мен пошодан аввал келардим ва кечаси шу уйда қолардим. Шу тарика пошо билан турт кечани бирга утказдик.

Уша кунги окшомда Ҳошим Шаик билан кўп суҳбатлашдик. У бундай тушқунликка тушган эди. Бирок у ҳеч ким билан хаттоки Файзуллоҳ билан ҳам дардлашишдан қурқмоқда эди.

– Файзуллоҳни мен ҳам кўрмоқчиман, лекин унга бор ҳақиқатни айтиб бўлмайди, – дедим. Кеч бўлганда Ҳожи Сами яна бир Ҳошим Шаикниқига келди. Мен билан алоҳида гаплашадиган бир масала борлигини айтди. Ҳожи Сами:

– Пошони Султоннинг ёнига қайтмоғига қуйманг, катъийян рози бўлманг, уни у ерда (Берлинда) улдирадилар. Пошонинг бу ерга келиши бахтли бир ҳодисадир. Бу ҳаракатлардан бир натижа чиқадими йўқми, билмадим, лекин Анвар пошо бу ишга аралашини билан бу иш жаҳоншумул бир аҳамият касб этади. Балким Туркистонни бу авлод қутқармаса, пошони ва сизни шиор қиладиган келгуси бир авлод бу Ватанни озод айлағай! Пошо сизнинг сузларингизга жуда аҳамият бермоқда. Зинҳор уни Олмонияга қайтиб кетмоқлиги жоиз эмаслигини айттинг! – деди. Мен сўз бердим ва: Пошонинг Туркистонда қилажак ишларида муваффақ бўлмоғи учун аввал Афғонистонга кетмоғи кераклигини илғари сураман, сиз эса бунга қаршилиқ қилманг, муболагали сузлар айтманг. – дедим.

Учинчи окшом суҳбатлашганимизда пошога Ҳожи Сами таъсир этаётганини сездим. Пошо менга: Заки Бей, балким сиз менинг Туркистонда фаолият юритишимни истамаётган дерсиз? – деди.

– Аллоҳ арасин, Туркистонда сиздек минглаб фидойиларга иш бор. Бу мамлакатни фақат фидойилар қутқаради. Халқаро вазият энди миллий озодлик ҳаракатлари асосида ривожланиб, мустамлакалар ўртадан кутарилғай, Туркистон ҳам бир кун озод бўлғайдир! Фақат мен ватанимизнинг бугунги аҳволидан келиб чиқиб гапирдим. Фикр ва мулоҳазамни сурадингиз. Мен ҳам билгаларимни, англаганларимни қандай бўлса шундайлиғича айтишга мажбурман. – дедим. Туртинчи учрашувимизда пошо Афғонистонга утиш фикрига мойил бўлди. Бу хусусда русларга мурожаат этадиган, агар улар ёрдам бермаса, бизнинг ёрданимиз билан узи кетадиган бўлди. Мен унга хариталар тайёрлаб бердим. Бу ишга жамиятимизнинг Чоржуй ва Бурдалиқ худудларидан

туркманларни жалб этиб, пошони Бурдалиқ-Сакарқудук-Ондқуй йули орқали Афғонистонга утишлари учун ёрдам беришларини. Карки минтақасида кураш олиб бораётган Туркман босмачиларига пошони таништирмоқларини айтдим. Чоржуйга бориб, туркманларни ёрдамини тез таъмин этдик. Бу шошога макул булди.

27 октябрда Анвар шошо Қоғонда рус консули Юренев билан учрашиб, Жамол шошонинг Афғонистонга қачон қайтишини сўраган. Консул: – Жамол қўйиб турайлик, сизнинг бу ерларда қандай ишлар билан машғул эканингизни жуда яхши биламиз», деган. Шошо бунни тўғридан-тўғри таҳдид деб тушунган. Руслар ўзини ҳам, Жамол шошони ҳам ўлдиришлари мумкинлиги ўйлаб қолади. Босмачилар орасида киргач, у эса босмачилар билан булиб кейин Россияга қайтиб, кейин Берлинга қайтиш фикрида эди. Бир сафар мен унга: Босмачилар орасига булгандан сўнг Россияга қайтиб кетолмагайсиз, бундай фикр хатто хаёлингиздан кечганини ҳеч кимга айтмасангиз яхши буларди», дедим. Бухородан Самарқандга кетишим олдиндан шошо билан яна бир бор киска вақт куришдим. Ишлар кейинга қолгани, Шарқий Бухорога кетмоқчилиги, у ерда босмачилар билан зиёлиларни тўплаб, съезд утказмоқчилигини айтди. Менга ҳам уз қарорини Хивага, Қозоғистонга, Фарғона ва туркманларга жамиятимиз номидан унинг бу қарорини билдирмоғимни, улар ҳам Шарқий Бухоро съездига келишларини таъмин этишимни, таклиф этди. Мен съездга вакиллар юборишини икони қўйлигини, унга яна бир бор Афғонистонга ўтиб кетишга қулай вазият борлиги хақида яна бир оғохлантирдим. Менинг бу эътирозларим унга ёқмади. Мен кейинги кўни йўлга чиқолмадим. Чунки, шошо яна бир куришмоқчи эканини айтган эди. Мирзо Муҳаддин Ҳакимбойнинг уйига яширин фаолият олиб бораётган икки-уч кишини чақирдик. Шошо бизга эҳтимол босмачиларга ўтарман. Бунинг учун ҳали бир неча кун бор. Сизнинг айганларингизни ҳали ўйлаб юрибман, аминманки, барча сузларингиз самимийдир. Бурдалиқ йўлидаги ҳозирликни қолдирмайман, – деди. Кузларидан ёш оқарди. Унинг бундай ҳаяжонли вақти рақибига ташланмоқчи бўлётган спортчига ухшарди. Аввалроқ кўрганимиз немис этигини ҳам кийиб олганди. Жуда самимий сузлади, фикрларини очик айтди. Афғонистонга ўтса, эҳтимол ҳеч қачон Туркистондаги миллий озодлик курашларига қўшилаолмаслигини, мамлакатнинг озодлиги учун жопини ҳам фидо этишга ҳам тайёр эканлиги, бу йўлда унинг қарори қатъий эканлигини билдирди. Кавказ унга генерал Ҳалилов ёрдам беришини айтди. Сиз Туркистонликлар ҳеч нарсага тайёр ҳолда эмассизлар, бу яқин орада тайёр ҳам бўлмайсизлар. Руслар билан буладиган курашга не лозим бўлса, шуни қилиш кераклигини айтди. Ҳозир ўзини туркларнинг Ота юртида – Она Ватанида ҳис этганини, барча туркларини кураш майдонига чиқариш нетағи борлигини айтди. Мен куз олдида буюк бир идеалистни кўриб турардим. Лекин ҳаётий воқеаларнинг



туб мохиятини чуқур тушинмайдиган Туркистон жугрофияси ва статистикасига доир Оврүпа ва рус нащрларини укимагани куришиб турарди. Шубха йукки, бу зот Туркистонда киладиган ишларини бу ерда – Бухорога келган кунларда режалаштирган. Бунга русларни Жамол пошо билан учрашиш имкони бермаганлиги элчи Юринев эса учрашган чоғида унга тахдид килган эди.

§ 206. *Ситорай Мохи Хосада Файзуллох билан учрашув.* Мен эрталаб Бухородан чикмокчи булдим. Файзуллох Хужадан бир алокачим оркали от сурадим. У эрталабки соат туккизда амирнинг Ситорай Мохи Хоса саройига келишимни сураб, хабар юборди. Бу амирнинг янги саройларидан бири эли. Мен у ерга келишим билан Файзуллох Хужа ҳам келди. Модия нозири Носир Хаким углининг мента ажратган икки отни маъқул курмадим. Ёнимга хамроҳ олмаслигимни, ёлғиз келишимни, от зотдор ва чиройли булиши шарт эмаслигини, лекин яхши, йўрға булиши кераклигини айтдим. Амирнинг отхонасида қолган бири ок, бири қора икки отни келтирдилар. Ок бироз кичик эсада, жуда яхши чопар, равон, текис юрар, қораси эса йўлчил булсада, бироз кўзга ташланадиган туридан экан. Мен сўзини афзал курдим. Қора отни Орифов Самарқандга поездда юборсин. – дедим.

От масаласи хал булгач, Файзуллох мени ичкари олди. Шу ерда Туркистонда қатъий қарорлар қилишимча сабаб булган суҳбатларимиз бўлди. Файзуллох Хужа: – Анвар пошо бу ерларда нималар қилиб юрибди? Сиз билан булган суҳбатларининг нима хақида булганлигини билмокчиман, – деди. Мен у Афғонистонга ўтиш ёки Берлинга қайтиш борасида иккиланиб турибди, – дедим. У Москвада булган чоғида Сталин билан учрашган. У мени номимни тилга олиб эслабди. Март ойида курганимда эса отздан олов сочарди. Лекин Ҳозир қайтсангиз, аввалгидай хурмат билан қабул қилишини ҳам айтиб ўтди. Узингиз биласиз, – деди Файзуллох Хужа. Мен учун энди орқага қайтиш йўқ. Қайтмайман ҳам. Эҳтимол, чет элларга чиқиб кетарман. Анвар ҳам, сиз ҳам босмачиларга ўтадиган булсангиз, биз сизга очик уруш эълон қиламиз. Сизнинг жамиятингизга аъзо булган одамларни ишдан бушатилга тўғри келади. Биласанми, руслар Орифовни харбий вазирликдан қўпдан бери олиб ташлашимни талаб қилишмоқда. Буларни билмасанг билиб қуй. Балки биз сўнги маротаба учрашаётгандирмиз, биз қатъий ҳаракат қиламиз. Бирок фақат Султонов ўз ўрнида қолади. У орқали хабарлашмоқ учун йўл очикдир. Шуларни айтиб туриб, Файзуллох йиглаб юборди. У албатта, Анвар пошонинг босмачилар томонига ўтиб кетиш нияти жиддий эканлигини сезган, мен эса, унга қўп гапларни сир тутиб унга айтишдан ўзимни ушлаб турганимдан орамизда чуқур бир жарлик пайдо булганлигини иккимиз ҳам сезиб турардик. Энди эски дўстларига ва сафдошларига қарши руслар билан бирга омонсиз

урушажагини ўйлаб, даҳшатта тушмоқда эди. Йиғлаши ҳам, хар ҳолда, шу туфайли эди. Унинг йиғлашини курғач, менинг кузларим ҳам беихтиёр ёшланди.

Файзуллох билан хайрлашиб саройдан олдин яшаган Ҳаргуш кишлоғидаги боққа келдим. Бу ерда уч нафар бошқирд аскарини қолдирган эдим. Булар билан Султоновнинг хабардорлиги остида бу ерда узум шининиси қайнатилган учокка анчагина динамит қумган эдик. Боғ ичидига бинода эса қўпгина курол бор эди. Орифовни шаҳардан чақиртирдим. Кечикмасдан келди. Қуролларни ва уч аскарни унга топширдим. Бу ерда безгакка чалинган бу навкарларни Самарқандга юборадиган бўдилар. Бу аскарларни мен жуда яхши кўрар эдим. Улар мени ахтариб, Бошқирдистондан шу ерларга қадар келган эдилар. Шу кунни шу ерда қолдим, бу аскарлар билан қўп дардлашдик. Йиғлашдик. Чунки уларни қайтиб кўрмаслигим мумкин эди. Орифов оқ от кўзга ташланишини ўйлаб бошқа от берди. Оқ отни ҳам Самарқандга юк поезди билан юборадиган бўлди. Янги берилган бу от эса турик эди. 8 ноябрда Ғиждувон йўли билан Самарқандга кетмоқ учун отимга минганимда, мендан ҳеч айрилмоқни истамаган аскарларим билан қучоклашиб йиғлашдик. Чунки. Мирзо Абдулқодир милиционерлари босмачилар ўтиб кетганлиги сабабли хар тарафга рус соқчилари қўйилган эди. Уларнинг қўлига тушмаслик учун Зарафшон дарёсининг шимолига қараб от қўйдим. Лекин Вобкентга келганимда Зарафшон дарёсидан утмоқчи бўлганимда Ғиждувон қўпригини рус аскарлари қўриқлаётганини сездим. Орқага қайтиб ҳам бўлмасди. Чунки, Кармана йулларини ҳам рус аскарлари эгаллаган эди. Сувлар ёмғирлар сабабли қўпайган қўнлар эди. Ғиждувон қўпригидан бир неча километр пастда Зарафшон дарёсига от солдим. От жонивор ҳақиқатан қучли экан. Ярим километрча яқин суриб бориб, қаршидаги соҳилнинг қўмлоқ жойига чиқариб қўйди. Албатта, бу мени бир аҳмоқона ҳаракатим эди. Бир узбекнинг боғига кириб, уст-бошимни, хуржинимни қўритдим. Таом бердилар. Уй-соҳиби: – Бошингизга бир қўлфат тушдими? Нега узингизни тошқин дарёга отдингиз? – деди. Вобкентга тезроқ бориш учун Ғиждувон қўпригигача бориб юрмадим, дарё бунчалик қутурганини билмаган эканман, дедим. Фақат пешиндан сунггина йўлимда давом этдим. Бу ер Бухоро зиёлиларининг илғорларидан, кейинчалик Тожикистон Фанлар академияси президенти бўлган Садриддин Айнийнинг она юрти эди. У шу ерда эди, лекин унга учрамадим. Накшбандия машоихларининг буюқларидан Абдулҳолик Ғиждувоний ҳам шу қасабадан чиққанлар. Бу қасабадан яна қўплаб олимлар чиққанди. Бу ердаги қадимий, бетаксир тарихий ёдгўрликларни урганишнинг афсуски, вақти эмасди. Қалқон ота тарафга қараб елиб кетдим. Шу ерда тунадим. Қалқон отадан кейин Ислондан олдинги Сугд марказларидан бўлган Офаринкентга келдим. Икки кун деганда Самарқандга етиб келдим.

Бир неча кундан сўнг Файзуллоҳ берган оқ йил қора отлар ҳам дустигим тарафидан поёнд билан Самарқандга юборилди. Бухоро амирининг саронидан чиққан бу от тарих эск бу екка борсам миллиардим Аммо, жанпларга миниб кирмадим. Харғушдан бошиқирд аскарларидан бири Самарқандга келди. Унга бу от қирга қаровин ва шифасини юқлаб, Самарқандга қолдирдим. Балки бир ишимга яраб десим. Кейинчадик улар бир неча бор ҳасимни кутқариб қолдилар. Бу саҳагимда Бухорода курган зоғлардан Анвар пошо, Ҳожи Сами, Файзуллоҳ, Лужа, Абдулхамид Орифов, Султонов каби яқинларини бирортасини ҳеч қачон курмадим. Бухоро шахрига бошқа келиш насно имоди. Шунини учун 8 ноябр ҳасимда бунини пунктсен бунин. Рус шгоати остида бўлган ватагимда қолмадан, чет элларга кетшим ҳам шу кунин ҳал булган эди.

§ 207. *Анвар пошонинг босмачиларга қушишини.* Бухородан чиққанымдан сўнг ун кун ўтган, Бухородан поёнда келиш одам Анвар пошодан отаки хабар келтирди: «Шарқин Бухорога ўтмоққа қарор қилдим. Ёнсақ розини, қурбон булсақ шахид кетганимиз. Бурдалин туркманлари эиди бизни кутмасинлар» дебди. Пошонин бу ердан соғ-омон қолиб, Истанбулга қайтиб кетган адиқантини Муҳиддин Бей кейинчадик Истанбул чиқадиган «Вақт» газетасида хотира тарини нашр эди. Газетанинг 1923 йил 25 ноябрида чиққан сониди жумладан, шундай дейилган: «Пошо Бухородан чиқаркан шу сўзларин айтди: Туркистон учун курашчиларим. Зоған ҳақ йулдидати улумдан куркани, улунини ҳам қушак каби янашига ихтиер этгайсан. Агар бу ишларга киришимасак утган ва келажак авлодлар лаънатларини а қолтаймин. Холбуки, озодлик учун курашлар йулида қурбон булсақ келажак авлодга бахтиёр ҳасини таъмин этган буламиз». «Пошо, Самарқандин марказ қилиб Туркистон давлатини барно этинини, режалантирган, эди», деганди. Шу Муҳиддин Бей айни шу газетанинг 1923 йил 27 ноябр сониди менинг пошо билан сўхбатларим ва фаолиятим ҳаққиди илк фикрларини баён қилган. Буларни Туркияга келганимдан сўнг ўқидим. Бинобарин у: «Шарқда турк уйғонинини катта куч билан ўзини намоен этган сиймолардан бири Заки Валидийдир. Турк-гагар тарихини ёзган бу олимнинг илмий кизикиниларни қанчалик кенг булса снёнин фаолияти ҳам илмига уйғун ва самимийдир. Заки Валидий рус шкилобидан умид қилган эди. Буни у туркий олам учун қутулиш ва тараққинетида бир важд деб ишонди, лекин унинг орзулари русбга чикмади. Заки Валидий Анвар пошо билан булган муносабаддан ва большевикларнинг нилятларидан вокиф булган, уларга қарши жанг қилмоқни виждон иши деб билди ва шундай қилди ҳам. Биз илк бор у билан бу курашларнинг илк босқинчларида ва Халил пошо билан Москвага келган чоғимизда топшиган эдик. Кейин биз йиғирма уч кун Бухорода туришга раемий рўхсат билан яна куриндик. Заки Валидий турли кийим ва киёфада Шарк ҳаракатини авжлантирмоқ.

тарқоклик ва мудроликдан огоҳу эедор эмок, уйғотмок учун чет, улук ташадларни ҳам қолдирмадан пиймон билди, бир иллий сифат кезиб чиқидилар. Заки Валидин бу ердан Анвар ноно билан куришти, мехнатининг бирни самарларидан ва режаларидан ношонин хабардор қилди, ва яна туркман улкавариса қариб кетди».

Мухиддин Бей кийингида ҳукуматга Анвар нононинг фаоллигига оид катта ҳисобот рапорт этган. Бир тухасинин Туркистонда саёҳат қилётган Мехмет Қозим Бейга берган. Унда ҳам мен ҳақимди мақтоонин сулар айтибди. «Анвар ноно Заки Валидиннинг айвонларига кулок сошиб, Афғонистонга ўтгани эди, қанча яхши ишлар қилди оларди, кулок қолмади. Ҳожи Саид икки ойдан иш тутди, орғаниди. Ҳожи Саид эса, 1924 йилги бу курашларда мағлуб бўлиб, Афғонистонга қайтганида Қобулдаги Туркия элчиси Фахриддин нонога, «Заки Валидин Туркистондаги спесий вазиятни мишқум қилиб қуретди», деб этган. Буни Фахриддин нонони Ченгенкуйидаги вилдаида курашганида шахсан уни айтиди. Анвар ноно 11 ноябрда Усмон Хўжага ёзган мактубида ушнинг боекчиллар билан учришидан сўни Афғонистонга ўтгани фикрида экинчи билдирган. Яъни менин фикримин мушқоқ тарқ этган эмас экан.

Анвар ноно боекчиларга қушида деган хабар келини биланок Миллий «Туркистон бирликчи» кўмитасин аъзолари Самарқанд шимонидан Қонқулда иштиниб ҳаммамиз нононинг ҳаракатини кўлиаб-қувватламокка, ҳар тарафда жамият номидан фаоллият юригаётган аъзоларин босмачиларга қушилишига ва ноно Шаркий Бухорода утқамокни булаётган елудда боринга қарор қилдик. Борувчиларнинг бошида мен, Самарқандли шоир Ножий ва Туркияли донишлардан Собир Бей бор эди. Қарорларимизни нонога билдирмок учун бир одам юбордик. Уша одам йудда Жаббор Бек деган босмачилар раҳбарига бизнинг боринимизга ҳақидан хабарни етказини керак эди. Орадан унқун ҳам утмай, Самарқанд вилоят идорасига итлаётган дўстларимиздан ноно Шаркий Бухорода босмачилар билан учрагани, лекин улар уни шубҳалиниб қути олганлари ҳақида хабар олдик.

**§ 208. Босмачилар сафида ва қишлар билан дастлабки туқнашулар.** Бу вазиятда бизнинг шаркий Бухоро босмачилари сафида бўлишимиз бир зарурат тувени олд. Менга Шаҳрисабз вилоятида Жаббор қурбонини ёнида бўлиб шу ердан бошқарини тавсия этилди. 20 ноябрда мен, Ножий ва Собирбек билан Самарқанд ешидаги Баҳрини кишлоғида турган Самарқанд босмачиларидан Баҳромбек деган бошчиси енига келдик. Бу менин босмачи туруҳларининг чодирларига илк келишим эди. Бухородан келтирилган отларни Самарқандда аелим яшаётган унга ёнида қолдирдим. Баҳром бек менга бир бия берди. Орғалаб бу ердан Шаҳрисабз вилоятига ҳаракат қилдиған буддик. Уша оқном келган жамиятимиз аъзолари билан бирга Баҳром бекнинг мехмони буддик. Самарқанд вилоятида асран

улкан уч босмачи гуруҳи бор эди; Баҳромнинг, Очилбекнинг ва Катта Қургон тарафларда Қоракулбекнинг гуруҳлари. Баҳромбекни келиб чиқиши тожик эди. Узбеклар одатича тожикларга Бек кушимчасини босмасди, у ўзига шу лақабни олган эди. Самарканд ва атрофидаги кишлоқларда жойлашиб қолганлар эса, ҳозир тожик тилида гаплашишади. Масалан, Баҳрин кишлоғида асли мугул уруғларига мансуб аҳоли яшаган. Баҳромбек шулардан эди. Буидан ҳолатни кўплаб кишлоқларда қузатиш мумкин. Тожик бўлганлари ҳам узбекча билади. Баҳромбекнинг сиёсатдан хабари бор эди. Очилбек эса, Самарканд шарқидаги бир кишлоқдан. Найман уруғидан эди. У йирик гавдали, баҳайбат зот эди. У билан биз таниш эмас эдик. Лекин Баҳром билан бўлган учрашувимизда у ҳам йигитларини юборганди. Ҳар икки қурбошининг уч юзтадан йигити бор эди. 21 ноябр, душанба кунини эрталаб Баҳромбек берган 25 та йигитлар билан бирга тош йулдан юриб Самарканд жанубидаги Тахтиқорача довоғига чиқдик. Қор ёғарди. Қуринишидан кучаядиганга ўхшайди. Каттик бурон турди тоғнинг Шаҳрисабзга ошадиган довоғида мен минган семиз бия чарчади. Бошқа ортиқча от бўлмаганидан қандай кетарканман, дея ўйлай бошладим. Бирдан қаршимиздан руслар чиқиб қолди. Қор бўронда улар бизни қурмаган эди. Бир-биримизга рўпара бўлиб тўхтаб қолдик. Қизил командир олдинда келаётган экан. Бизнинг олдимизда гуруҳбоши кичик Баҳром, Собир афанди ва мен кетаётган эдик. Қилич солишдик. Орамызга қирган қизил командирнинг боши, эҳтимол, Собир Афандининг қиличидан яраланди. Менга ҳужум қилган командир фақат қиличи билан чарчаган биямнинг бошини яралади бошқа қарши ҳаракат қила олмай ўзини жарга отди. Бошқа қизиллар билан отиша бошладик. Улар командирини ташлаб, ортларига қарамай қочишди. Жарга думалаган қизил командирни улдириш мақсадида бизникилар юқоридан ўқ ёғдирди. Мен чарчаган ва бошидан яраланган биямни етаклаб олинг, деб йигитларга бердим, ўзим эса қизил командирнинг отини миниб олдим. У пастроқ лекин жуда тезкор ва чайир эди. Қочган қизиллардан бир-иккитаси ҳалок бўлди. Биздан ҳеч ким яраланмади ҳам. Қизиллар отларидаги юкларини ҳам ташлаб қочдилар. Бир талай патронлар, мушак қўлга кирди. Оқшомга яқин Шаҳрисабз шаҳри шарқий йўналишидан Қорасув кишлоғига келдик. Командир менга улжа бўлиб қолган от устидаги халтаси ва ёнига боғланган қиличи ҳам қолганди. Бу халтада командирларнинг барча ҳужжатлар, шахсий мактублар, бошқа қумондонлар тарафидан оилаларига, дўстларига ёзган мактублари бор эди. Булар Анвар ношо кетган Шеробод минтақасидаги қизил қисмларга тегишли экан. У ердаги воқеалар ҳақида ҳисобот (рапорт) бериш учун Самарқандга кетаётган экан. Бу ҳисоботларни ўқиб, Анвар ношо ва гурк зобитларининг ҳаракатлари, рус аскарларининг миқдори, қуроллари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Бу бизга Аллоҳ тарафидан лутф этилган бир оҳсон эди. Биз

бундай маълумотларни Анвар пошонинг ёнига борганимизда ҳам ололмас эдик.

§ 209. *Хуттал отлари.* Орадан бир ой чамаси вақт утгач билдимки, менга мерос қолган отни уша командир Кулобда янги уйланган бир йигитдан тортиб олган экан. Бу от тарихларда ёзилган, шоир Фаррухий<sup>87</sup> ва бошқаларнинг шеърларида ёд олинган Морко Полонинг саёҳатномасида «Хуттал отлари» деб тилга олинган. Булар пастрок, кучли, жуда бакувват ва бардошли отлардир. Қир-адирларда бедана овлаш ҳам жуда қулай. Бошқа отлар, тухтовсиз 40 километр масофани босиб утса булар 100 километрга чикаради. Чарчамайди, фақат боши беухшоврок, купол. Қорасувда кечаси билан ухламасдан бу омонат ёзувлар ва мактубларни уқиб чикдим. Булардан энг куп севишган юзбоши Собир Афанди эди.

§ 210. *Шоир Рожий.* Мен бу ишлар билан машғул эканман, дустим Рожий эрталаб китоб шахридаги кариндошиникига боришга руҳсат сурб қолди. Билдики, йулдаги ҳодисадан шоирни жуда кўрқибди. Энди йулда давом этишга ҳоли қомабди. Менга эса: – Фақат бир кун дам оламан, кейин Жаббор кўрбоши бориб қўшилиб оламан, – деди. Буларнинг ҳаммаси ёлгон экан. Хуп, шунчалик кўрқибсиз, бир-икки кун дам олинг, – дустим. Бари-бир бундан фойда йўқ эди. Бу Рожий аллақачон вафот этган булса керак. Тирик булса, менинг хотиравларимда номи келтирилгани билан, биздан қочгани учун большевиклар унга бирон жазо бермасдилар. Фахриддин Рожий самарқандлик шоир Васлий ва Маҳмудхужа Бехбудийнинг ёшлиқдаги дустларидан эди. Мен туғилган йилларимдаёқ вафот этган отаси Мирзо Нуриддин ҳожи ҳам шоир булган эди. Унинг тожик тилида ёзган шеърларини Рожий 1913 йилда Самарқандда нашр эттирган эди. Мирзо ҳожифорс тилидан туркийчага назмий таржима этган ҳинд масаллари ҳам бор эди. Хуллас, нутқларида жуда жасур булиб, ҳар кимга ақл ургатарди. Сафдош дустимиз Рожий кизиллар билан 15 дақиқа давом этган жанга чидаёлмай касал булиб қолди ва биздан қочиб кетди. Жаббор кўрбошининг ёнига ҳам бормади. Унинг кўрқоклиги орамизда ҳазил мазаҳга мавзу булди. Дарвоқе, у декабр ойида яна бизнинг ёнимизга келади.

§ 211. *Жаббор кўрбоши.* 23 ноябрини Ғузор вилоятининг Толқишлоқ деган жойида булган, Жаббор кўрбоши олдига келдик. У жасур бир ўзбек бекларидан эди. Бу ерда бир неча кун қолдик, Шарқий Бухоронинг лақай деган ўзбек уруғи бошлиғи Иброҳимбекдан бир неча вакил келди. Булар ҳар тарафдаги барча ўзбек босмачиларини амир номидан Иброҳимбек атрофида тупланишига даъват этишарди. Улар бизни билмас эканлар. Улар узини Анвар пошо деб таништирган бир одамни Иброҳимбек асир қилиб қамокда ушлаб турибди. Леб айтдилар. Уртадаги суҳбатлар вақтида уларнинг орасидан бир киши мени таниб қолди ва 1914 йилги лақайлар билан содир

булган воқсаларни эслади. Пошонинг асирга олиниши биз учун бир шармандалини нис эди. Лақайлар бу ердан Бухоро атрофида ҳаракат қилаётган қурбоши мулла Қахҳор олдиға жунаб кетмокчи эди. Мен уларға бу тарафларда кезиб юрмасдан, тезроқ Иброҳимбекка пошони тез қуйиб юборишиға кундириш лозимлигини маслаҳат этдим. Мулла Қахҳор музокараларни мен уз зиммамға оламағ деб ваъда берди.

Самарқанд тарафдан бу ёққа келишимдан асосий мақсад – Ғузор, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари уртасидаги ҳудудларни қул остиға олган Жабборбекнинг ёнида булиб бу ерларнинг ҳарбия нозири булган Абдулхамид Орифовни кумагида ҳарбий қисмларға киритилган зобитларимиз билан алоқада булиб туриш эди. Анвар пошо русларни Шарқий Бухородан қувиб чиқара бошласа, уша учта шаҳардаги зобитлар қулидаги гарнизонлар билан пошого қушилиб, шарққа келаётган русларнинг йулини кесиб, асир қилиб, қурол-аслаҳаларни, маълумот ва бошқа муҳим нарсаларни қулға киритиш эди. Бу ерда Нурота ва Хива билан алоқа урнатиш эди. Шаҳрисабздаги гарнизон командири бошқирд қушини зобити Суяндукров билан дарҳол алоқа урнатдим. Қаршидаги аскарлар ҳам унга буйсунар эди. Пошонинг ёнида булган 30 тача турк зобитлари ва менинг одамларим билан Бухоронинг Шаҳрисабз-Қарши қисмларини дарҳол қулға киритишимиз мумкин эди. Шарқий Бухорода ҳукумати бошида Бухоро Жумҳурияти раиси Усмон хўжа бор эди. Бухорода яшириб қуйилган динамитлари билан Амударё-Зарафшон купригини кули кукка соврилшимиз керак эди. Бухоро ҳукумати аъзоларининг барчаси бизға қушиламиниз деб туришган эди. Лекин, Бухоро амирининг одамлари ва ғайратлари зур булган лақайлар тамомила русларға ёрдам бераётган эди. Қолаверса, Анвар пошони асир этиш билан барча режаларимизни барбод этди. Ёнимдаги Собир афанди Анвар пошо асир этилганини эшитиб, бу ердан қолишни хохламай тезроқ Самарқанд босмачиларига уткиси келарди. Жаббор қурбошининг қушини заиф эди. Шаҳрисабз гарнизони зобитлари узларининг босмачилар билан булган алоқаларини рус билиб қолишди деб тезроқ босмачилар томонига утишни хохлашарди. Суяндик уз сафдошларини Чимқурғон деган жойға юборди мен уларға вазиятни тушинтириб яна Шаҳрисабзға қайтариб юбордим. Анвар, пошонинг асир холида эканини, улар руслардан эшитган экан. Мен уларға қандай булмасин, сабр этишларини, вақти келгач, хабар беришимизни айтдим. Баъзан турик отимға миниб, ёлғиз ўзим Қаршиға бориб, Умар хўжа деган кишининг уйида тухтардим. Асли у Бошқирдистондан булиб Давлатшоҳ эшон оиласидан эди. Тошкентдан, Самарқанддан, Бухородан одамлар шу ерга келишиб мен билан қурилиб алоқада булиб туришар, шу тарика алоқа урнатардик. Анвар пошо билан бирлашмокчи булган Усмон Хўжа ва Али Ризо бейларнинг Душамбадаги ишлари бузилгач, улардан Дониёлбек, Тошкентдан Абдурасул, Бухоро ёшларидан Абдуллоҳ Ражабий,

бир неча киши билан бирга Бойсундан бу ёкка келиб, Жабборбек билан бирлашдилар. Дониёлбек Догистондан келган бир бек эди. Озарбойжон кушинида ҳам хизмат қилган. Сунгра Бухорога келиб, турк зобитлари билан бирга Бухоро кушини тузиш йулида машгул булган. Файратли бир зот эди. Бухоро ҳукумати хизматида булган Тошкентлик Абдурасул сафдошлари билан доим жанжалашишдан бошқа иш қилмасди.

Абдуллоҳ Ражабий Шимолий Бухоро томонларда энг тажрибали угил болаларни сунаг қилувчилардан эди. У жуда виждонли киши эди. Кейинчалик Анвар полонинг хизматида булди. Туркияга келгач, 1945 йилда «Turkiston milliy nahakatlari» номли уз хотираларини нашр этди. У руслар бизни Толқишлоқда ёки бошқа жойларда тупга тутди, деб куркар эди. «Жабборнинг ҳам кишлоги хароб булган» дея майдонга чикиб, сойда, дараларда савашарди. Абдуллоҳ Ражабий доим менинг ёнимда буларди. Русларнинг снарядлари сифатсиз булганидан юмшоқ тупрокка тушгач, портламасди. Абдуллоҳ Ражабий жангга чиқаркан, юмшоқ тупрокли жойини ахтарарди. Лекин, кулига курол олмас эди. У хакикий мадраса тахсилини олган мулла эди.

Яна бизнинг сафимизда Бухоро амирининг катта амалдорларидан бири Авлиёкул Туксабо исми бир узбек беги бор эди. Янгишмасам у қовчун уругидан эди. Уни хатти-ҳаракатидан ишончли одам дейиш кийин эди. Шурулардан норози булган одамлар келиб Туксабонинг улар билан узаро сузлашишлари шубҳали куринар эди. Жаббор ва Дониёлбекларга эса тор фикрламайдиган угри-қароқчилар эмас, балки, таг-тугли оилаларнинг авлодлари мурожаат қилардилар. Мен баъзан уларнинг яқин-йироқдаги кишлоқларига борардим. Кўпрок мен Темур ва темурийлар даврига оид тарихий манбаларда номлари зикр этилган жойларни ва қорлуқлар ахтарар, уларга оид ривоятларни туплардим. Мен яна бу вақтларда русларнинг Бош Харбий штабининг «двухверстная» деб юритиладиган харбий харитани ургандим.

§ 212. *Безгак касати ва шомонийлик.* Бу ерда мен безгакка чалиниб ётиб қолдим. Бу ҳол мени Бухородан бери безовта қиларди. Ҳукумат аъзоси Абдулҳамид Орифов хина дори юборибди. Бу кулоқларимга ёмон таъсир қилди. Бир куни менга “шу яқин-орада Оқжар кишлоғида жуда яқини бир бахши бор, шунга олиб бораёйлик” дейишиди. Мен ночор қолиб рози бўлдим. Бахшига хабар қилиб, кишлоғига бордик. У қорлуқлардан экан. Бунга бир кун тайёргарлик куришини айтди. Иккинчи куни кечкурун уйига бордик. Чодир ичига катта олов ёқилган эди. Қопқора соқолли, 40 ёшлар чамаси, соғлом куринишли бахши оддий одамлар сингари чой ичиб, гаплашганидан сунг дустлари билан айлана ҳосил қилишди. Қулларидаги дунгур деб аталадиган думбранни чалиб олов атрофида айлана бошладилар. Бу маросим узок давом этди. Шунда бахшини олдимга келиб: “Сиз бизга ишонмаяпсиз, рухлар келмаяпти, тухтатамиз”, деди. Мен: “Йук, йук!



Ишонаман, асло тўхтатманг”, дедим. Яна гулхан атрофида дунгур чалиб айлана бошлашди. Қушиқ айтишди. Ниҳоят улардан бири жазава ҳолатига тушди. Оғзидан купик чиқиб, ҳушини йўқотди. Уни четга олиб чиқиб ётқизишди. Унинг ортидан яна бошқалари ҳам жазавага тушди, ниҳоят бахши ҳам бу ҳолатга кирди. У ерда олдиндан тайёрлаб қуйилган темир курак бўлиб, уни ёниб турган оловга қуйишган эди. Бахши дарахт хивчинини ташлаб куракни кутарди. Хивчин ёна бошлади. Озгига сув олиб куракка пуракди. Оловдан сачраган сув томчилари юзимга урилиб қуйдирди. “Қурқманг, яхши булади” дейишди. Ниҳоят бахши оловда ёнаётган бу куракни тиши билан тишлади. Шу ҳолатда атрофимда бир неча марта айланди. Яна оловга ташлади. Бу орада бахшидан турли саволлар сурай бошлашди. Бахши менинг тузалиб кетишимини айтди. Амир ҳокимиятини қулга киритадим, йўқми деб сўрашди. Бунга ижобий жавоб бермади. Яна бир қанча сиёсий саволлар беришди. Ниҳоят бахши ўзига келди. Менга: “Яхши булиб кетасан, доридармон қилишинг шарт эмас” деди. Қизиқ турган куракни тишлаган булса ҳам бахшининг қора соқоли қуймаган эди. Оловнинг сохта эмаслигини юзимга сачраган қайноқ сув қуйдирганидан билдим. Шу тарзда ҳаётимда биринчи марта ҳаққий шомоний маросимини кўрдим. Ёшлигимда ҳам бу касаллигимни бизда “бағучи” дейиладиган бахши даволаган эди. Бирок у ҳеч қандай маросим утказмас, бундай каромат ҳам кўрсатмас эди. Шомоний даволашдан сўнг бу касалликдан бутунлай фориғ булдим. У ҳақиқий бахши экан. Хизмати эвазига пул ҳам, совга ҳам олмади. Бу бахшида узимни даъволатишим шу жойларда доимий яшаб келаётган ўзбекларнинг менга нисбатан бўлган самимий муносабатлари янада ортди. Бу ерда ўзбеклар менга ҳурмат кўрсатиб “мулла” деб чақирдишарди. Жабборбек бир куни ўзбек пешволаридан қирққа яқин кишини мени таништириш учун чақирди. Улар амир тарафдори эмасди. Улар билан ажойиб суҳбатлар курдик. Шу тариқа Жабборнинг олдида бир ойдан кўпроқ вақт қолиб кетдим.

**213. 28 декабр қарорларини бошқирд зобитлари томонидан бажарилиши.** Жамият Марказий Қумитасининг йиғилиши 28 декабрда Ғузор шаҳрида тупланадиган булди. Мен Жабборбек томонидан ажратилган бир қуриқчининг кузатуви остида у ёққа кетдим. Бу ерда 1914 йилдан буён таниш бўлган қовунчи уругидан Мустафо билан учрашдим. Унинг уйида қолдим. Анвар пошо Бухорода пайтида Хивага, Жунайидхон ҳузурига жунатган одамлар ўз юклатилган вазифаларини бажариб қайтган эдилар. Булар пошонинг бошига тушган фалокатни Бухорода эшитиб қўп мутаассир ва маънос булибдилар. Мен уларга таскин бердим. Пошонинг яқинда қутилишини умид қилганимдан уларни уша ёққа жунатдим. Уч ойдан сўнг ҳаракат кенгайишини айтдим. Қизил командиридан улжа қилиб олинган жилдикул отимни эгасига қайтаришни илтимос қилиб пошога

жўнатдим.

Ғузурдаги йигинда Жамияти МКси жиддий қарорларни қабул қилди. Бу орада Анвар пошого кулайлик яратилсин деб Бухородаги Афғонистон элчиси воситаси билан Қобулга мурожаат қилинганди. Бу ишни тезлаштирилиб, Бухоро, Кармана, Шаҳрисабз ва Қарши тарафлардаги харбий қисмлар ва жамият аъзолари биргаликда уч ой сунг 23 мартда босмачилар томонига ўтади. Унгача босмачилар буларни қабул қилмокқа тайёрланадиган булди.

Ғузурдаги мажлисимиздан бир неча кун сунг Бухоро амирининг лақайларга амири ва Афғонистон ҳукуматининг аралашуви билан Анвар пошонинг лақайларга асирликдан қутилгани ҳақида хабарлар ва пошодан мактублар келди. Кун утмай пошо уз хизматидагилардан юзбоши Ҳалилил Бекни менга юборди. У Шаркий Бухоро ишини узим бажараман деган фикрда эди. Менга Зарафшон буйлари ва атрофдаги ҳаракатларни идора этмокни тавсия этарди. Самарқандаги отларимни аскарлари билан Катта Қургон минтақасида кезувчи Қоракул Бекка юборишларини айтдим. Узим ҳам уша тарафга кетдим. Шаҳрисабздаги мингбоши Суяндиков билан орамиздаги алоқа уриятган минбоши Худоёров билан учрашув жойимиз Чимқургон қишлоғида куришиб, қарор-ларимизни айтдим ва Худоёров йулдошлик қилишини сурадим. Бир ҳафтадан сунг биз Худоёров ва Жаббор Бекнинг қовчун уругидан бир узбек йигити (навқари) билан қасби деган жойда толишиб, Катта Қургон минтақасидаги босмачилар раиси қурбоши Қоракул Бекка бордик. Бу билан менинг 23 март учун тайёргарлик ҳаракатлари бошланган булди.

Биз бу ерда тоғлар орасида Сарой қишлоғидан Қоракул Бекнинг бир йигити йулдошлиғида Нурота, Ухум, Фориш ва Қуйтошга бордик. Мулла Ҳамрокул деган бир тожик зиёлисининг бошқарувида Қуйтошнинг иштимой минтақасида тузилажак суворит (отлиқ) фирқасининг асосини тузган булдик. Шу тариқа биз январ ва феврал ойларида Нур Ота билан Жиззах, Самарқанд, Катта Қургон ва Ғузур орасида бир неча марта отда айландик. Чарчаган отларимни Самарқандда аёлим яшаётган ховлида қолдириб, яна Жаббор Бек олдига келдим. Бу киши яхши одам эди. Хизматидаги Абдурасул ва Авлиёкул Туксобага ишонмасдим. Суяндиковнинг аскарлари рус аскарни қийимида булишларидан авом ичида шубҳа тугдириш мумкинлигини уйлардим. Бу тарафдан Қоракулбекка утишларига имкон тутдирдим. 23 мартда булар ва Бухородан харбий нозир Абдулҳамид Орифов кузғолончиларга қушилдилар. Аммо вақти-вақти билан менга йулдош (ҳамроҳ) булувчи мингбоши Худоёров безгак билан хасталанди. Қосон деган жойда даво қилинмокчи эди, бироқ сафдош дуслари кузғолонда иштирок эта олмаганидан руслар уни тутиб олишларини уйлаб, интихор (жонига қасд) этди. Унинг улими Орифов, мен ва бошқа дуслар учун буюк йуқотиш эди. Абдулҳамид

Орифов бизнинг ечимизда қолмасдан, Анвар пошонини ёнига кетди. Бу орада Бошқирдистондан захира полк зобитларидан Хайбатуллоҳ Янбухтин келиб бизга қушилди. Мамлакат аҳволини урганган бўлдик. Суюндиков ва сафдошлари билан бирга Қарини чулида ўзбеклар орасида кўп кездик. Бу ойлarda ўзбеклар Қорақул мажбуриятини бажаришлари учун барра қузиларини суярдилар. Ҳамма жойда гушт кўп эди. Қишлоқма-қишлоқ зиёфатга чақирилардик. Ҳаммамиз йиғилиб, бу ердан Қорақул Бекка кетдик. Ҳаммамиз бир жойда бўлишни маъқул топдик. Энди Бухорода руслар билан жанг қилмоқчи эдик. Бир кун эрта тоғда Қорақул Бекнинг сарой минтақасидаги тоғлар орасида жойлашган қароргоҳи тусатдан руслар ҳужум қилди. Жанг анча қузилди. Оқ отим енгилгани яраланди. Хуржунимдаги хариталарга, дурбинга уқ мушак тегди. Узимга ҳеч нарса қилмади. Бу кий-чув, туполон эски дустим Абдулқодир Инон ва бошқа сафдошлар Қозоғистондан Самарқандга у ердан эса Қорақул Бекнинг ёнига келдилар. Абдулқодир (Фатхулқодир) 1920 йилда Бошқирдистондан қочғач, Қозоғистонда, яна орқа дейилган урта Қозоғистонда кезган ва донм жамиятимиз ишини бажарган. Ҳозир менинг олдимга келиши мен учун қувват бўлди. Енимда Суюндик билан елкадошлари. Кармана харбий мактабидан асьютантим Иброҳим Исҳоқ бор эди. У ҳам харбий мактаб талабалари билан Нуротага келмоқчи. Ҳаммамиз Нурота билан Жиззах орасидаги минтақада Уҳум ва форишда жангчи гуруҳларини ташкил қилмоқчи эдик. Анвар пошонинг ҳаркатлари яхши йўлига тушиб кетса, Очил Бек ва Қорақул Беклари билан бирга Зарафшон воҳасидаги ва атрофларида барча ҳудудларни қўлга киритмоқчи эдик. Руслар Қорақул Бекка қарши ҳужумга утганларида бизнинг аскарларимиз уларини муносиб даражада курсата олган ва ўзбекларнинг ишончини қозондилар. Мен ўз аскарларимни бу ерда қолдириб, Жом қишлоғи йули орқали Самарқанд атрофида жанг қилаётган Очил Бек қушини томонга от қоптириб кетдим.

§ 214. *Анвар пошо вакиллари.* Самарқандда мени олдимга, Анвар пошодан бир нечта вакиллар келди. Улар пошодан менга ва жамиятимизга узун бир мактуб келтирди. Пошо Қозоғистон қўзғолонига қушилиш учун бу одамларни ёнлари керагича аскар қушиб юбориш ҳақида буйруқ берган эди. Лекин у томондан яқинда келган Абдулқодир Инон ва бошқа вакиллар орқали Қозоғистонда исён амалга ошириш имкони йўқлигини билиб олгандик. Шу сабабли пошо вакиллари бу ерда қолишди ва қайтишлари учун буйруқ келгунча менинг ва Очил Бекнинг ёнида бўлишларини айтдилар. Бу пайтларда Зарафшон соҳилларида ва атрофида менинг бош қароргоҳим бор эди. Бири Самарқандда Матурид маҳалласида, бошқаси Самарқанд шимолида Жомбой ва Бедана гарбий томонида Жарқургон ва Қўйитонда эди. Менинг оилам билан бу қароргоҳларнинг бирида яшарди. Мен билан қуришмоқчи булғашларни эса, Очил Бекнинг ёни

Қоракул Бекнинг сенига чакирардик. Бу орада Жиззах билан Нурота, Ситтон ва Муқри деган кишлоқларда яшайдиган узбеклардан иборат гуруҳлар уюштириб, Ҳамроҳкул деган бир тожикни раҳбар қилиб тайинлади. Кармана ва Бухородаги ҳарбий билим юрти Нуротага келтириб, Ҳамроҳкул билан ҳамкорликда булгани лозим эди. Самарқанд вилояти барча ҳудудларни бизнинг отрядларимиз қўлида эди. Руслар кишлоқларга мутлақо қира олмасдилар, идора ва темир йул станцияларидан ташқарига чиқа олмас эдилар. Анвар пошо Бойсун ва Термиз тарафларни қўлига киритса, Зарафшон ноҳасида жойлашган Нурота билан Жиззах орасидаги йул руслар учун тусиб қўйилган буларди. Бухоро ҳукумати хизматида кирган собиқ Бошқирдистон ҳарбий вазирини муовини бўлиб ишлаган Эшмурзин ҳам келиб, бу ҳаракатга қўшилди. Абдулқодир Инон мен бошқа жойларга кетганимда Қоракул Бекнинг дўсти Тонгатар Бекнинг ёнида қоларди. Тонгатар бизнинг ҳаракатларимиз барбод бўлган. Афғонистон утиб у ерда жиддий тижорат ишлари билан шугуллана бошларди. У билан бирга утганлардан бирини Англияда бўлган пайғимда кўрдим. Бу ерда қоракул савдоси билан шугулланарди.

Шу тариха босмачилик деб ном олган ҳаракати Туркистондаги озодлик курашлари мағлубиятга учрагандан сунг жуда қўплари дунёнинг турли мамлакатларига тарқаб кетди. Лекин улар ҳаммаси нуфузли, катта ишларни бошида бўлишди. Булар албатта қувонарли хабар эди.

215. *Самарқанд тарафларда ишларнинг бузулиши.* Бу орада Пайшанба, Челак, Янги Қўрғон атрофларида қизил қўшинлар билан қўп жанглар бўлди. Бу жангларда ҳамма қатнашди. Иен Абдулқодир, Авходий ва пошодан юборган кишилар ҳам ёнма-ён турдик, ишларимиз яхши кетаётган эди, бироқ учта муҳим ҳодиса туфайли омад биздан юз ўгирди.

1. Аввало амир тарафдорлари Анвар пошога қаршилик курсатганлиги туфайли у бир ярим ой давомида ҳеч қандай ҳаракат қила олмади. Бу орада руслар Шарқий Бухорога ҳарбий қисмларини юбордилар. Анвар пошо Бойсун ва Шерободни қўлга ололмади.

2. Бухоро яқинидаги амир тарафдорлари ёрдамга келган Бошқирдистонлик зобитларни хиёнаткорона ва шавқатсиз ўлдирдилар. Бу сотқинликни бошқа айғоқчиси асли Қасбилик учувчи бўлган Нуриддин Оғалик турган бўлиб, у айни вақтда шўро жосуси, айғоқчиси ҳам эди. Шаҳрисабздан март ойи бошидан чиқиб, Қоракул Бекка қўшилган Ҳайбатуллоҳ Суяндиқов ва унинг одамлари 8 апрелда Қарноб деган жойда Мустоҳ мулла деган бир амир тарафдори бўлганлар томонидан ўлдирилган. Жамиятимиз номидан берилган бунруққа мувофиқ Бухоро ҳарбий билим юрти курсантларидан 40 таси Иброҳим Исҳоқ билан босмачиларга қўшилиб, Нурота тарафга кетаётганида Қаҳҳор мулла деган амир тарафдорлари хужумига

дуч келади. Уч бошқирд улдирилиб, бошқалари асир олинади Кейин булар ҳам суйиб ташланади. Жаҳолат ва таассуб миллатимиз душмани эканини курсатувчи бундан «ёрқин»рок мисол булмасе керак. Аллох бошқа бунн миллагимизга курсатмасин. Дустоида меҳмонга таклиф этилган зобитлар курулларини бир пастга куйиб утирганларида улдириди. Ҳайбатуллоҳнинг 12 дўсти Уфа ёнидаги Қарғали, Исломқўл, Тошликул, Буздак номли ауллардан келган ўтмишда «Туман татарлари» деб юритилган тоифадан эди. Ҳаммаси рус харбий билан юртларини тамомлаган, хонлар замонида “туман”, яъни, “дивизион” таксимотига оид харбий кушиннинг номи. XVII-XVIII асрларда улар бошқирд кузголонларида иштирок этилган. Янги Қаргадан полковник Ҳайбатуллох Суюндиков капитанлар: Исмоил Суюндиков, Усмои Суюндиков, Илёс Ачиев, Иззатин Еникеев, Исмоил Еникеев ва Тошликулдан Салоҳиддин Сзкоев, котиб Усмои Малиев, Исломулдан майорлар Яҳйин ва Илёс Мамалиев Буздақдан булар бошқирд захира кесминиинг зобитлари булиб, фақат Туркистон мустақиллиги учун курашлари иштирок Бухоро кушинига кушилган эдилар. Палковник Иброҳим Исоқов ва менда хизматда булган уч бошқирд Истарлиғамоқ булиб, улар мард ва укимишли йигитлар эди. 1917-1920 йиллар орасида улар навбати билан менинг адъютантим булган Менинг фақат Иброҳим Суюндик, Исмолгей Ачиев, Айюб Сакаев, майор Худоёров, капитан Ҳайбатуллох Янбухтин, Аҳмад Ворис, Авходий Эшмурзин менинг ёнимда булганларидан соғ қолдилар. Улардан уч нафари Туркияга чикиб кетди. Ҳозир иккиси хаёт. Улар фидоний камтар эди. Мен уз фарзандларимдай жон-дилдан яхши кураддим. Аскарларимизни алдаб, курулсизлантириб узларига дуст булган босмачилар томонидан фожиавий тарзда улдирилиши Туркистонга ёрдамга келган куллаб зобитларимизга қаттиқ таъсир этди. Энди биз билан келганлардан ҳеч қайси курулини ёнидан айирмайдиған булди.

3. Россия-Полша фронтида кучлар исбати Шурулар томонига ўтганилиги муносабати билан Туркистонга харбий кучларнинг аича кесмини жунатиш имконига эга булишди. Қаҳҳор мулла ва Мустоқ мулла Кармана билан Қарши орасида кезишарди. У ерда ишлари юришмаслигини билиб, Нуротага кучдилар. Биз фалокатдан жуда кеч хабар топдик. Ёнимда Абдулқодир Инон, баъзи бошқа сафдошларимиз ва Сиггошдаги Ҳамроқулнинг аскарлари билан 2 майда Нуротага келдик. Қотиллар – Қаҳҳор мулла ва Мустоқ мулла ўша ерда эдилар. Гуё ҳеч нарса булмагандай узр сурадилар. Кенг майдонда юзлаб киши туландик. У ерда шундай дедим: – Бизнинг миллий фожиамизнинг асосий сабаби мана шу жаҳолат ва таассубликдир. Сиз улдирган инсонлар сизга курул ишлатишни, бомба куллашни ўргатмоқчи, темир йулларга динамит қуймоқчи, йуллар қурмоқчи, ёзув машиналари, кул матбааси ва радио ишлатмоқчи эдилар. Энди сиз нима киласиз?!

Ҳамма бош эгиб гинглади. Лекин, мен кўп гапириб утирмадим. Зеро, бизга ҳам бир фалокат келиши мумкин эди. Омон колган Айюб билан Исломгарайни (26-расм) ёлимизга олиб, хизматимиздагилар билан бу ердан кетдик. Ухум деган жойда Туркистон озодлиги учун курашаётганимизни маълум қиладиган баъзи ёзувлар деворларга ёздик. 9 майда Самарқандга қайтдик.

**§ 216. Озарбайжонлик панисломист Охунд Юсуф.** Бир неча киши Анвар пошодан мактуб олиб келди. Булар пошонинг мулозимларидан бири зобит Усмон Човуш, озарбайжонлик диншунос олим ва мутафаккир Охунд Юсуф Толибзода эди. Гаундан ташқари Шаркий Бухоро вакили ва Бургут “Эшикоғабоши” бор эди. Эшикоғабоши — сарой курикчилари бошлиғи дегани. Бу лавозим вақт утиши билан ўз аҳамияти йукотиб, Бургут Бухорода узига мос ўрнин топган. У мансуб булган қозок қабиласи қулоб ёки жилиқул қозоклари деб юритилади. Уругининг ҳурматли кишиси саналган Буркут огани Анвар пошо Қозогистон қозокларига Бухородалигида мендан олган манзилларга муфассал мактублар билан жунатган эди. Уч кишидан иборат вакилларга Охунд Юсуф Толибзода бош эди. Унга Анвар пошонинг имзоси ва муҳри туширилган ёрлик билан Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қозогистон томонларда олиб борилаётган курашларни бир тортитиб келтириш вазифаси топширилган эди. Охунд узини Анвар пошонинг шимолий ва гарбий вилоятлардаги катта салоҳият билан иш олиб боровчи “фавқуллодда комиссари” деб танитган булса-да, Туркия давлати ҳукуматидаги мансабига кура Анвар пошонинг ҳақиқий вакили Арзрумлик ёки Трабзонлик булган Усмон Човуш эди. Охунд Толибзода бу ерларни бевосита бошқараётган Туркистон Миллий Бирлиги жамиятининг унга ҳар хусусда ёрдам бериши кераклигини билдирди. Бажарилиши лозим булган иккита иш бор эди: 1. Уларнинг шимолий вилоятларга боришини таъминлаб, ёнларига жамиятдан вакиллар қушиш. 2. Уларнинг шимолий вилоятларга хавфсиз етиб боришини таъминлаб, сунг Толибзода иштирокида Самарқанд ва Бухоро томонларда босмачилар мажлиси ва намойишини утказиш ва уларга Анвар пошонинг сузларини уқиб эшиттириш.

Охунд Толибзода бу ишларни жуда осонлик билан ҳал булади деган ҳаёлда эди. Мен унга Қозогистон сафари оғир булишини, у ерда қипчоқ қабиласи бошлиқларидан Кийик Ботир ва Омонжур Баходирга пошонинг мактублари ҳамда совгаларини бериш ва у ердан кетиб Арқа деган жойдаги кучларни ташкиллаштириш камида икки ой вақт олишини ва албатта хавфли эканини айтдим. Эҳтимол, устларидаги кийимларни ҳам узгартириб бу ишларни яширин равишда бажаришга тўғри келар. Охундга Сирдаренинг шимолидаги темир йул утган ҳудуд тулик шуро қушини назорати остида эканини айтганимда мени бу сафардан норози деб уйлади. Ваҳоланки, унинг бу илға кириша олиши учун аввало узидан бир қанча муаммолар мавжуд эди. У ясама

тишлари сиқиб, овқат ея олмай қолган эди. Бунинг учун яширин равишда Самарқандда қолиб, белорусиялик тиш докторларига тишини даволатиши лозим эди. Охунд эса у ерда кулга тушинидан қурқар, тиш докторини асбоб-ускуналари билан шу ерга олиб келиб, кишлоқда даволатишимизни гагаб қиларди. Бир амалдаб кишлоққа доктор толиб келдик. Бирок у шаҳарга бормасдан тиш ясаи олмаслигини айтганида Охунд: "У ҳолда Қозоғистонга тишсиз бораман", деди. Чунки бу ерда ҳам қизил аскарлар билан туқнушув ҳавфи бўлиб узок қолиб бўлмас, жойини алмаштириб туришга туғри келарди. Охунд истаган осойишталик даври эмасди. Мен уша пайтда Ростовцева станцияси яқинида эски номи Ҳартаиғ бўлган Исмоил ота кишлоғидаги узумзорда яшардим. Машиҳур ислом олим Исмоил Бухорийнинг қабри шу ерда эди. Толибзода буш вақтларимда нима ишлар билан машғул бўлишимни кузатарди. Мен асосан учга иш билан шуғуллавардим: 1. Москва ва Ленинграддаги Коминтерн фаолиятини кузатиб бориш. Москвада қолган қушинимизга мансуб вакилларимиз бу соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида газета ва журналлардаги мақолаларни йиғиб менга юборишарди. Мен коммунизм назарияси ва тарихини урганиш йулида Москвада бошлаган илимни давом эттирдим. Айниқса, марксизмни аввал мен билмаган Фредрих Энгельс фикрлари билан боғлаб урганиш муҳим эди. 2. Мен Маҳмуд Қошғарий томонидан ёзилган ва Истамбулда чоп этилган уч жилдилик асарни урганиш билан машғул эдим. Бу асарни бухоролик дустим Ҳошим Шойиқ Озарбайжондан келтириб, менга совға қилган эди. 3. Жалолиддин Румий "Масъавий" сийнинг султон Мажид даврида босилган кичик ҳажмли нусхасини (Самарқандлик дустим қози Ҳайдар зериккан пайтингда ўқийсан деб берган эди) баъзида ўқиб турардим.

Охунд Юсуф Толибзода Озарайжон ҳаётида муҳим урин тутган мутафаккир ва ёзувчи эди. Унинг туркийча асарлари ва либерал фикрлардан иборат қисқача Қуръон тафсири бор эди. Рус тилини деярли билмасди. Аммо араб ва форс тилларини мукаммал эгаллаган эди. У том маънода панисломист ва пантуркист эди. Бу жиҳатдан Анвар пошога қаттиқ боғланган бўлиб, унинг муриди саналарди ва пошони тақкид қилишларини ёқтирмасди. Баъзида бирор потуғри гап гапирмасмикан, деб менинг сузларимга кулок солиб турарди. Бир кун менга: "Жалолиддин Румий яхши, бирок имом Бухорий қабри ёнида русча китоблар ўқиб утиришингиз қандай буларкин" деди. Мен: Биз "Россия ва коммунизмга қарши қураш ҳолатида эканимиз фақат ёлғиз мен эмас, балки уларнинг сиёсатини ва гоёларини Москвада, Тошкент ва Самарқандда яшайдиган дустларимизнинг барчаси билан жиддий маънода урганяпмиз. Бундан бошқа чорамиз йук" делим. Бу пайтда Тошкентдан бизнинг олдимизга яширинча келган баъзи ёшларга ҳам Толибзода: "Болшевикларнинг саноқли қунари қолди, уларнинг

наирлари билан банд бўлиш ишга алоҳид лозим бўлмади” деди. Бир куни Бургут Огабоши ёлғиз узим қолганимда олдимга кирди. “Бизнинг раисимиз Охундга ҳамма нарсани айтиверманг, у сузларингизни узгирганидек узгартириб пошого етказиб, уртангизга нифок солиши мумкин” деди. Унинг бу сузларидан мамнун бўлдим. Ҳақиқатан ҳам эҳтиёткор бўлиб сузлаш кераклигини хис қилдим. Бир куни Бадин қишлоғида эдик. У ердаги аскарлар бошлиғи саналган Очилбек узи ҳурмат қиладиган баъзи уламоларни чакирибди. Охунд шиа мазҳаби исломишуноси эди. Диний мавзуда суҳбат қуришни ёқтирарди. Уларга миллий ҳаракатларни диний асосда кучайтириш лозимлигини, Исломиётдаги ҳақиқатга тушунишга эга бўлиши лозимлигини айтди ва намоз пайғида у ердагиларга имо қилиб унг ва чап томонига қаради. Бирок Очилбекнинг баъзи одамларига намоз уқишарди, уқимайдиганлар эса намозга чакирилмасди. Бу ҳодисадан сўнг Охундга: “Самарқанд ўзбекларни хали ҳам Темур замонидagi аёнана саклаиб қолган. Беклар уларни қаттиқ ҳурмат қиладиган уламолар ва шайхлар билан ҳеч қачон диний ва ҳарбий масалаларда асло маслаҳатлашмайди. Уламо ва шайхлар ҳам улардан бунин талаб қилишмайди. Қолаверса, бундай фикрлар уларнинг ҳаёлларига ҳам келмайди. Беклар ҳафтада бир марта жума намозига келади. Агар хоҳласак, мен ва қул остимдаги бошқирд ҳарбийлари ҳам намозга борамиз. Бирок бормасак ҳам ҳеч ким ниммага намозга келмадингиз дечмайди. Шу боис сиз ҳам Очилбек ва Самарқанд беклари ҳузурда бўлганингизда бу жиҳатга эътибор қилсангиз яхшироқ булади”. Туркийлар ва бошқа мусулмон халқларнинг исломиёт асосида сиёсий жиҳатдан бирлашувини умид қилган Охунд Юсуф Толибзодага менинг бу сузларим ёқмади. Яна бир куни уша қишлоққа дустам Қори Қомил кимиз олиб келган эди. Қимиз анчагина эди. “Ғуругли” ва “Юсуф Аҳмад” дostonлар ўқиб, суҳбат қуриб утирарди. Кечга томон ўзбеклардан бир пайчи ажойиб куй чалди. Мен бу муносабат билан Жалолиддин Румийнинг “Найнинг ичига ишқ оташи, май ичига эса ишқнинг жушқинлиғи тушган” деган шеърини ўқидим. Форечани яхши билладиган Қори Қомил ва бошқа дустлар бундан жуда хурсанд бўлишди, мисранинг ўзбекчасини такрорлашди. Охундимиз: “Най бор аммо май қани” деди. Мен: “Бизнинг бу ерларда ёз ойларида қимиз ичилади, зиёли исломиёт олими бўлгангиз холда қимизга қафоат қилмай майни ишташигиз бу муҳитга муносиб тушмайди. Чунки биз майни қимиздан афзал қурмаймиз” дедим. Охунд суради: “Сиз шароб ичмайсизми?”. Мен: “Нега ичмас экманми, бизни куйинг, сиз Анвар пошонинг вакили бўлганингиз учун яйловда қимизни ташлаб майга утишингизни сизга муносиб қурмайдиганлар бўлиши мумкин” дедим. Қори Қомил: “Биз сизни диншунос олим ва муфассир сифатида таниймиз”, деди ва Охундга шароб бергизмади.

Бир неча кундан сўнг Охундимизни Самарқанд вилояти қозоқ-



ларидан бир икки кишини йулбошчи қилиб ва уч аскарни қушиб. Бургут Оға ва Усмон Човуш билан бирга Сирдарё томонлардаги "Ҳамият" имизга аъзо бўлган қозок бийлари олдига қузатдик.

§ 217. *Мухиддин Махдумга қандай айдандик.* Анвар Пошонинг вакиллари Қозоғистонга жўнашларидан олдин Самарқанд вилоятидаги босмачи раҳбарларини йиғиб. Охунд илтироқида бир учрашув ташкил қилмоқчи эдик. Бу йиғин кейин ҳам булар, кеч қолсак. руслар бизнинг Қозоғистонга юришимизга ҳалал бериши, тусқинлик қилиши мумкин, — деди.

Уша қунларда Зарафшон вилояти босмачиларининг бошқа гуруҳлари ёнида қолган бошқирд қушинига мансублар; Ауходи Эшмурзин, Ҳайбатқдлоҳ Янбухтин, Ислом Ачисв, Иброҳим Суюндиков, Аюб Сақойгарой, Аҳмад Ворис ёнимга келдилар. Ҳаммамиз Очил Бек ёнида тупландик. Минҳож ва Шохвали исмли бошқирдлар Тошкент билан алоқа ишларини бажармоқда эди. Биз сафдошларимиз улдирилгандан сунг ун киши бўлдик. Ваҳоланки биз яна қозларча туплашимиз мумкин эди. Бирок буларга бошпака бериб булармиди? Бу ерга келмоқчи бўлганларни келмаслигига ҳаракат қилиб, часатани ҳал этишни кейинга ташлар эдик. Лекин, бу масала мураккаб эди. Самарқандлик Ақобир Махдум билан Бухоролик Мирзо Абдулқодирнинг ёнимизда (яъни ТМБ марказида) бўлган вақили Самарқанд ва Бухоро минтақасидаги қураш ҳаракатларини уз ҳолича босмачиларнинг ички иши сифати қолдиришга қатъиян рози эмасдилар. Уларнинг фикрича Бухоро милициясининг бошлиғи Мухиддин Махдум ишим бузиб қуйиши мумкин эди. Шуро харбий қушинида менинг таъсирим остида бўлган бошқирд қисмларининг дарҳол очикча босмачилик ҳаракатига қушиб, Зарафшон бўйларида менинг раҳбарлигим остида бир мунтазам кучли харбий қушин вужудга келтириб, Самарқанд шаҳрини эгаллашни талаб қилмоқда эди. Зарафшон вилоятидаги ҳаракат жиддий бир шакл олмаган тақдирда Мухиддин Махдумнинг Шўроларга таслим булажанини сўзлашарди. Шуро қушинида мен билан муносабатда бўлган бошқирд аскарларидан икки киши Самарқандга келиб, Қоди Ҳайдарнинг узумзорига туташ, ижарага олган уйимда мен ва Ауходи Эшмурзин билан қуришдилар. Агар мен қабул қилсам улардан 250 тача аскар Фарғонага ва Уртатепа атрофидаги босмачилар томонига утишга тайёр эканликларини билдирдилар. Ауходи уларга босмачилар жаҳолати туфайли Суюндиков ва дўстлари ўлдирилганлиги, шўро-Полша уруши руслар фойдаси ҳал бўлганлиги натижасида, Туркистонга жуदा қатта миқдорда қушинлар келаётганлигини айтиб, яна бир муддат сабр қилиб кутиб туриш мақсадга мувофиқ деб туқинтиради. Ақобир Махдум ва унинг дўстлари бу аскарларни дарҳол қўзғалончиларга қўшилишини таъминлашларини айтиб менга ҳа уларни кутиб олиш учун Холбутбек олдига боришим лозим эканлигини билдиришди.

Келган икки аскар ўзларига ўхшаб қисмидаги сафдошлари ҳам бизга ўтмоқчилигини айтди. Ауходи айтганидек, мен ҳам яна 15–20 кун кугишлари кераклигини, Анвар пошо Ғузорга қараб юрадиган бўлса, хабар беришимизни айтиб, қисмларига қайтишларини буюрдик. Самаркандликлардан Коди Хайдар ва унинг дустлари Муҳиддин Маҳдумнинг шубҳали эканлигини, бизни у туғрисидаги гумонларимиз туғри эканлигини билдирди. Коди Хайдар бу муносабат билан Мавлоно Жалолиддин Румийнинг шижоатли ва адолатли қумондоннинг эҳтиёткорлигини кадрловчи шеърини ўқиб, мени мактади, Ақобир ва дустларини оғзини ёпди. Орадан ҳали 15 кун ўтмай туриб, ишларимиз барбод бўла бошлади. Ёнида ҳарбий таълим курган милиция бошлиғи бўлган ва бизга сунгги томчи қони қолгунча уришмоққа қасамёд қилган Муҳиддин Маҳдумга бизникилар, айниқса у зотни таниган Ауходига ишонарди. Қўп ўтмай Муҳиддин Маҳдум шўролар тарафига ўтиб кетиши бизникиларга қаттиқ таъсир қилди. Воқеалар бу тарзда даъвом эта бошлагач, Ауходи: – Оддий фуқоролар, айниқса, тожиклар ҳарбий мутлоқо аралашилари жоиз эмас, мавжуд қисмларимиз билан қизларга қарши бир-икки марта яхшилаб жанг қилиб, зарба беришимиз керак. Муваффақ бўлмасак, подшони ҳам олиб, Афғонистонга утамиз, – дерди. Зеро, у ҳам Самарканд босмачилари Бухороликга ишонгандан қўп ишонини керак эмас деб билар эди, улар билан бирга жиддий урушларга кириш мумкин эмаслигини ўзи ҳам қўриб турарди.

§ 218. Самарқанд босмачилари. Уша кунларда Зарафшон воҳасида Туркистон Миллий Бирлиги жамиятига қарашли жуда қўп жанговар қисмлар ва қўрбошилар ҳаракат қилардилар: Очилбек найман – ўзбекларнинг қўштамғали уруғидан бўлиб, ўттиз саккиз ёшда, ниҳоятда жасур, ахлоқ-одобли, аввалдан уйлаб иш юригадиган ҳалол бир инсон. Россия ва дунё сиёсати туғрисидаги газеталарни ўқиб, фикр қилади. Даврон Очил деган гайратли, ишнинг кузини биладиган укаси ҳам ёнида эди (27/2-расм).

Баҳромбек Самарқанд ёнидаги Денов қишлоғидан тожиклашган мўғулбарин уруғига мансуб эди. Рус тилини етарли ўқиб, ёзадиган даражада яхши биларди. Очилбек билан бирга Бухоро амирининг амакиси Сайид Акрам тўра ёнида Ғузорда бирмунча вақт хизмат этган. Иккови ҳам гуруҳларини Жамиятнинг буйруғи билан ташкил қилдилар. Очилбекнинг 1500 йигити бор эди. Ёнида Самарқанднинг энг билимли зиёлиларидан бири жамият Марказий Қўмитаси аъзоси Қори Комил юрарди. Унинг ёнида, шунингдек, Самарқанд вилояти қорақалпоқларидан Очил Тўқсабой ва Челақ қишлоғидан уламолар наслидан Катта Маҳдум, Кичик Маҳдум деган обрўли кишилар юрарди. Баҳромбекка Самарқанд ёнидаги Паст қишлоқдан Ҳамроқулбек исмли бир киши ёрдамчи бўлди. У ҳам Очилбек сингари ориятли, жасур, ўқимишли, Самарқанд жадидларидан бўлган муаллим Шоқурийнинг

ўқуғида бўлган Кейинчалик Истабунга келди, ҳазир Афғонистонда бўлса ҳарак. Баҳромбек сенида Самарқанд иемилигидан Ҳамроқулбек (32/1-расм) Абдулқамид, Қори Маҳмуд ва фарбийжон Асалбейтар бор эди. Баҳромбек тожиклар ўртасида алоқида ҳурмати сазовор эди.

Самарқанд шаҳри гарбиде. Каттакўрғон тазаратида Қирақулбек 500 кишилик қарлук йигитлари билан Зарафшоннинг жанубири ядани тоғ орадариния тўлик ўз назарати олтига олган эди. Бухородан келган иемилиларининг кунчилиги унга кунилди. Жом атрофидан Ойбонбек исмли бир киши ҳам унга бўйи илди. У сарой қабиласидан эди, унинг кизи яқин одами бўлган. У табиатан ахлоқи комил эдилек бир хот эди. Булар уларининг ҳаракатларини Баҳромбек билан келишган ҳамда амалия олиришарди.

Урғут тожикларидан Ҳожи Абдулқодир исмли киши ҳам бор эди. У рус тилини биларди, шўроларга ҳам хизмат қилган, ўқтам фикрли бир инсон. Урғутта муаллим Шақўрий билан бирга Урғутта яширған тарғла ҳарбий турух тулди, у ердаги рус тарғивонини бошиб, қуролларини тортиб олишган, тоққа чиқиб кетдилар. Қадимги форсий ҳамда туркий адабиётни жуда яши кўралди. Лекин иккидангадиган одати будиқилини учун кўн ҳам аскарларининг қатрига етавермасди.

Жиззах атрофида жойлашган Очилбек турухи ихтиерида Ниёзбек ва Туроббек исмли икки зиёли бор эди. Улар Самарқандда русча урта маълумот олишган, коммунистлар партиясига кирган, милиция идораларида раҳбарлик вазифаларида ишлаган едилар. Иккови 1916 йилдаги кун оловида кун зарар қурган ўзбек уруғларидан Маъмурбек қирқсадок уруғидан кейинроқ у Туркияга келгач, биз биргаликда «Яши Туркистон» жаридасини нашр қилдик. Темир йул қурилиши идораларида ишладди. 1929 йилда Тавшанли шаҳрида вафот эди (32/1-расм).

Туроббек – эски ўзбек уруғларидан, 200 га яқин аскарни бор эди. Самарқанд билан Фарғона орасидаги тоғлар улар қулида булди. Эронга чиққанида большевикларлар уни қўлга тушириб, Манҳаддан яширинча олиб чиқиб кетдилар, жуда узоқ, азоблаб кейин Тошкентда қатл этишди. Унинг Хуросондан меңга ёзган жуда кўп хатларини сақлаб юрибман, улар Туркистон миллий озодлик кураши тарихини ёритишда манба бўлиши мумкин.

Шунингдек, Жиззахнинг Нурота томонларидаги тоғларда яшаган тожиклардан Ҳамроқул мулла ҳам иш олиб борди. У Қуйтош деган жойни мақом тутди. Шеърят билан ҳам жуда кизикувчи зиёли бир инсон эди.

Жамият раиси эканлигим туфайли менинг ихтиёримда булди. Қизилқум орқали Сирдарё ва Хива томонлар билан алоқаларимизни шу Ҳамроқулнинг одамлари таъминлаб турдилар. Унинг тиришқоқолиги туфайли афланиб келиб турарди. Шунингдек, Ҳамроқул ихтиёрида Уқсум яқинидаги тожиклардан Мухаммад

Ишар мулла, Октепа ўбекларидан Қоракул мулла бор эди. У уша томоннинг язатиқрмалари одамлари эдилар. Қоракул мулла тарихдан яхши хабардор Куйтош тоғларида Ҳамрокул эғалик қилган тоғ оралиғи қадимий турк достонларида Эргенекун номи билан аталарди. Толиққан отларимизни уша ерга олиб бериб дам бериб, боқтирардик. Мен бу ерга бир неча бор келиб кетдим. Маҳаллий ўбеклар қадимий дала ҳасти урф одатларига содиқ қолган. уларнинг тили ҳам соғлиғини йўқотмаган. Хотин-хатажлари дадил, қимтиниб, бегона нигоҳлардан қочиб писиб юришмайди. Халқ оғзаки адабиёти ҳам яхши сақланган. Лекин шу вақтгача ҳали ҳеч ким ёзиб олиб, нашр қилмаган. Бу воқеалардан кейин Тошкент маориф идораси бу ерда япатаган достончи Эргаш Жумаибулбулин тоғиб, айрим достонларини ёзиб олиб нашр этди.

Самарқанд вилоятига ҳаёт бериб турган Зарафшон дарёсининг Мачай тоғларидаги тожиклар бошлиғи Асрорхон билан Ҳамидбек, Санзор хавласи ўбекларидан Абдулҳамидбек исмли кишилар ҳам Очилбек ихтиёрида эди.

Самарқанд ва Фарғона ўртасидаги Уратена атрофидаги тоғлар Холбўтабек деган бир кўрбошининг қулида бўлди, 500 га яқин йиғити бор эди. Ҳақиқий ботир, русга қарши бўлган бир ватанпарвар. Йиғитлари ва яқиндари уни жуда ақили, тадбиркор, истикболни кўриб иш қиладиган, дунё аҳволни тушунадиган ёрдамчиси бор эди. молиявий ишлар билан у шуғулланарди, чамаси юз уругидан эди.

Руслар босмачиларнинг ҳаммаларини элли таловчи, босқинчи деб ҳисоблашади. Лекин Самарқанд вилоятидаги босмачиларнинг қулчилик раҳбарлари Ватанига содик, фидойи, дунё аҳволдан воқиф кишилар эдилар.

**§ 219. Четақдаги жанглар.** Бу гуруҳларнинг ҳаммаси учун вазифа шуро аскарларини вилоятга йўлатмасликдан, келганларнинг қуроқларини аслаҳаларни тортиб олишдан иборат эди. Бундан ташқари вилоятнинг турли томонларида халқни туплаб, қурашга отлантириш. Шарқий Бухородаги қураш муваффақият қозона бошласа, Самарқанд вилоятида темир йўлларни кесиб ташлашга тайёрланиш эди. Июнда Жарқурғон, Янгиқурғон, Чоршанба деган ерларда қаттиқ жанглар бўлиб ўтди. Шундай қилиб, бир пайт Зиёвиддин кальасида олишув бошланиб кетди. Бу ер қадимдан, араблар келган замонлардан Дабусия номи билан машҳур жойдир. Жанг давомида мен ҳам яқинларим бирга бир қабристонда жойлашдим. Қабртошлардаги қуфий ёзувларни ўқиб юрганнимда дустим Абдулқодир ( Фатҳулқодир) ўқ теғди, деб чакирди. Қараб кўрға бир ҳикоя ёзишга асос бўлди. Шу Абдулқодир хотиним Нафисани Сирдарё бўйидаги Туркистон (Ясси) шаҳрига олиб борди. У биздан бир хабар бўлганига қадар уша ерда керак эди.

Бир куни Самарқанд шимолпрогидаги Жомбой деган жойга келдик. Шуролар Очилбек билан сулҳ тузиш учун гаплашишга Самарқанд

уламосини юборишибди. Улар: «Болшевиклар бизга, боринглар, учрашинглар, дегантаридан кейин, биз олдингизга келдик, лекин нима иш қилишни узларингиз биласизлар», дейишди. Шундай булса-да, шуrolар билан яқин аралашиб юрган бир имомни Очилбек ўлдириб қуйишига сал қолди. Улар орасида Самарқанднинг Қози Исо ва Эшонхўжа исмли таникли уламолари ҳам келишган эди. Биз билан баъзи бир диний масалалар хусусида гаплашгандан кейин номозда босмачиларга имомлик қилишни хоҳлашди, аммо ҳеч ким уларга яқинлашмади. Уларни музокарага Самарқанд водийси қозок Шерғозиев жунатган эди. Рус армияси қўмондонлиги ҳам айна шу йул билан бир зобитни жўнатиб, Очилбек билан гаплашмоқчи эканлигини билдирди. «Хоҳласанг, бориб гаплаш», деди Очилбек менга. Самарқанд кумитасининг аъзолари эса менинг у ерга боришимни хавфли деб ҳисобладилар. Учрашув Челак ва Қумуш тоғ киштоқлари орасида бўлиши керак. Икки томондан ҳам бештадан одам келиши лозим. «Маҳдумлар» деб аталган босмачилар гаплашиладиган жойни қўриқлаб, ўраб турадилар, руслар ҳужум қилмасалар, улар ҳам ҳеч кимга тегмайдилар. Очилбек билан Баҳромбек менинг ихтиёримга русча биладиган Абдулҳалим билан яна бир кишини беришди. Музокараларни маҳдумлар олиб боришади. Мен рус зобити билан гаплашмайман, узимни русча билмаган киши қилиб курсатаман. Шундай ҳам қолдик. Зобит, жангни тухтатиб, шуrolар билан келишинглар деди. Гаплашувдан натижа чиқмади. Биз куршиган жой тарихда Амир Темури билан амир Хусайн яқинлари яраш тузиш учун учрашган жойдир. Учрашув уша замонда ҳам самара бермаганди. Руслар шу тарзда ахволни билмоқчи бўлган эдилар, лекин бундан бирор натижа чиқмаслигини узлари очик курдилар.

§ 220. *Ёрайтоқдаги йиғилишлар.* Анвар пошо олдидан келган Охунд Юсуф, Усмон Човуш ва Бургут ога Қозогистонда Сирдарёнинг қуйи оқимигача боришган, лекин ҳамма тарафда рус аскарлари бўлганлигидан, бирор иш чиқара олмадан, ҳатто Кийик ботирган ва бошқа маълум қозок босмачиларига Анвар пошо томонидан юборилган қилч ва бошқа совгаларни ҳам топширолмади, қайтиб келдилар. Охунд Юсуф менга: – Сиз, албатта бу юртни бизга нисбатан яқши биласиз, биз бориб келдик, у ерда бирор иш қилиб бўлмади, – деди.

Полша урушида ахвол руслар фойдасига узгариши сабабли Анвар пошога Афғонистонга чиқишдан бошқа чора йўқ эди. Шунинг учун Чоршанба яқинида бошқирда армияси ҳам иштирок қилган бир жангдан сунг бундан кейин нима қилиш кераклиги туғрисида маслаҳатлашдик. Ва шундай ҳулосага келидикки, Авҳадий Эшмурзин раҳбарлигидаги бошқирлар Мачай тоғига, Маъмур ва Туроббеклар томон келиб, шундан Анвар пошога бориб қўшиладилар, мен эса Туркменистон тимсолида қароргоҳ туғиб, зарур булса, Эронга ўгишим лозим.

Сунгра ҳаммамиз Афғонистонда биллашамиз. Лекин шунгача мен “Туркистон Миллий Бирлиги”нинг Тошкентда тўпланиш каттачилиги каттачилиги керак эди.

Қори Қомил ва Очилбек билан гаплашиб, Охунд Юсуф билан Усмон Човушни пошо олдига бормасдан аввал, август бошларида Сангзордаги Самарқанд босмачилари олдига олиб бориб, ҳатто Уратепадаги Қолбутабекни чакириб, тоғ орасидаги яйловларда дам олдириш қарорига келдик. Июн охирида Самарқанд вилоятининг гарбий қисмидаги гуруҳларнинг бир тудасини. Боғдон деган жойга йиғиб, кейин ҳаммамиз бирга Сангзор дарёси соҳилидаги яйловга бормоқчи булдик. Бу эса Афшин, Темур ва Бобур тарихларида куп марталаб эслаб утилган Ёрайлоқ деган машҳур жой эди. Бу ерда Туркистон Мачай тоғларининг қорли тепаликлари ёнбағирларидаги урмонларда «тандир кабоб» пиширишга ҳозирлик қилинди. Ерни чуқур қазиб, четларига тошлар териб, бир неча тандир қурдилар, ичига куп олов ёқдилар. Янги суйилган куйлар, бир от гуштига гуруч, қалампир ва бошқа хушбуй кукатлар аралаштириб, қоринларига ўраб оловдан қизарган тандирга солдилар. Кейин устини япроқлар билан бекитиб тупрок билан қумиб ташладилар. Ниҳоятда тотли булган бу гуштни бизлар эртаси туш пайтида тановул қилдик. Ўша куни Охунд Юсуф, Авҳадий билан учовимиз икки ўзбек қузатувида, отда қузга яқин туюлган тоғнинг қорли чуққиларидан оқайтган бир шаршарани бориб қурдик. Ботиб бораётган қуёш нурлари бу шаршарага ранг-баранг тус берарди. Табиат гузаллиги менга шаманчи ота-боболаримизнинг тоғларга дарёларга сизиниб уларга хайрхудоий қилишларининг сирини асрорларини тушунтиргандек булди. Хайрат ичида бошимни ерга эгдим. Охун Юсуф: Агар ибодат қилсанг мажусий булдинг, деди. Куп ўтмай аскарларимизнинг бир қисми ҳам етиб келди.

Шундай қилиб, умримда унутиб булмайдиган дами бошимдан кечирдим. Самарқанддан шоир Васлий ва Тошкентдан бир муҳаррир бор эди. Балки у ҳали ҳам ҳаётдир. Самарқанд босмачиларининг барча қузга қуринган етакчилари шу ерга йиғилди. Бошқирдистондан келган уртоқларимнинг бари ёнимда. Қашгардан келган Ҳаким Тура исмли бир қария шарқий Бухорода ривоятга айланиб кетган шеърларимни ўқидики, улар бу тоғлар қуйнида ҳар биримизда вафис хислар уйғотди:

*Ёғишларга қул булиб,  
Қолмади армонимиз.  
Эрк учун булсин фидо, эй,  
Молимиз ва жонимиз.  
Бошимизда соябон,  
Тургай булиб имонимиз.*

Халқимизнинг озодликка интилиши ва шу туфайли бир-биримизга нисбатан булган самимий яқинлик туйғуси, аскарларнинг бир-

садоқати, табиатининг нафосати, тарихдан укиб билганимиз бу ерда ўтган машҳур марҳумлар кўнгилларимизни юксакликларга кўтарарди.

§ 221. *Миллати миданнинг масалатларига доир тушги суҳбатлар.* Ёр-яйлоқга келишимизнинг учинчи кунин Умар Ҳожи исмли бир ўзбекнинг утовида меҳмон бўлдик. Умар Ҳожи қозоқ, қирғиз, бошқир ва ўзбеклар сингари ярим кўчманчи туркий оилаларда учрайдиган, бойлиги авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётганлардан бири. Бу агрофидани халқ Умар Ҳожига қатъа ҳурмат билан қарайди. Унинг бойлиги — кўч соғли чорваси, қимизи, оши халқ учун. Одамлар ақли, мол-дунёси билан ёрдам беришдан қувониб яшайдиган бир юрт отасидир. Қўраёндаги мовининг қушини шуро ҳукумати қўлидан қутқариб қолши учун бу ерга, тоғларга кўчиб келган. Умар Ҳожи бизга ота-боболаримиздан қолган бир қанча қадимги асарларни, хотин-қизлар либосларини, ота-боболарининг тўй маросимларда киядиган кийим бошларини, эгар, жабдук ва бошқа асбобларини, жуда бир ҳурматли хоним бисотидан қолган кийим ва безакларини, унинг сандиғида сақланган раемли ёзма китобларини, музейда сақлангани керак бўлган Қуръонини ва Эврад ёзмаларини, Ҳофиз, Навоини девоиларини бирин-кетин олиб кўрсатди. Миллатимизни сақлаб қолмоқчи бўлаётган боёмачилар узоқ яшай оладиган бир ҳукумат тuzолмайдилар. Сизлар кетарсизлар, орқангиздан гизиллаб келиб, мени улдирилар, бугун бошли бу хазинамизни тортиб олиб, йўқ қилиб юборарлар. Шунга қўйишаман, деб йиғлади бой. Бу китоблар орасида XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган машҳур ўзбек ҳукумдори Убайдуллахоннинг туркча, форсча ва арабча уч тилда ёзилган шеърлар тушлами, узлига атаб "Э, болам" деб ёзган васияти ҳам бор эди. Музейда сақлангани зарур бўлган бу нуسخа Убайдуллахоннинг уз даврида ёзилиб Умар Ҳожининг тарихий китобларда номин эга олинган бобоенга хон тарафидан совға тариқасида ёзиб берилган эди. Китобда уша ёзув ҳам сақланган. Қорин Қомил ажойиб кўл ёзма Қуръон Умар Ҳожининг ота-боболариники бўлмай, биров томонидан шу оилада сақлаш учун омонат қилиб қолдирилганлигини хикоя қилиб берди. Ҳар ҳолда Сағзор дарёсининг юқори қисмидаги яйловларда яшаган бу ўзбек оиласи XV асрнинг ярмидан бошлаб қўнларгача, қарийб аср давомида жуда кўп бебаҳо асарларни йўқотмасдан сақлаб келган. Менин оиламда иккинчи аср давомида сақланган асарлар шуро аскарларининг босқинчилиги ва талови туфайли йўқолиб тамом бўлгани сингари бу асарларни ҳам аянчли қисмат қутарди. Умар Ҳожи қўлидаги ашёлар ичида олтин қумуш билан безатилиб ишланган камар ҳам бор эди. Унинг олтин ва қумуш безаклар билан безаб тикилган тасмаларини буш жойларига уйиб, форсча шеърлар битилган Ҳозир Оврунода пресе остида ҳар хил ёзув ва нақш тушириб нарсалар ясайдилар. Лекин аввал ўзбеклар буни қандай йул билан ишлаган эканлар? Бу хазиналар қизил руслар қўлига илинса, ош аввало, тоғдаги бу

ёдрорлик камарининг олтин кумуш безакларини шилиб олиб санъат асарини булган ёзувларини ахлатхонага иргитадилар. Умар Ҳожи: Бу бебаҳо нарсалар йуқ булиб кетмаслиги учун бирор чора топинглар, деди. Охунд Юсуф Толибзода: - Нарсаларининг энг зарурларинини менга беришлар уларни, Пошо олдига олиб бораёйин, ундан балки Афғонистонга чиқариб юборармиз, деб жавоб қилди. Умар Ҳожи эса: - Мен бу олдавий хазинани тарқатиб юбормоқчи эмасман, ҳаммаси бир ерда туриши керак. Пошо олдига етиб боргунча қизиллар босиб олган ерлардан утасизлар. Нарсалар руслар қулига тушиб қолмаслигига ким қаролат бера олади? Эркинлигининг хавф остида, деб иккилашарди. Бекларга 9 яъни боемачиларга) келганда, улар эгарларга ортинган хуржушларини олиб туришларини эрдан чиқармаслару, аммо жутани вақти келиб қола, уларни эгарларига яна ортинга фураатларини ҳам бўлмай қолар, деб бу суҳбатга қўлок солиб унрған бекларни қулдирди. Мен бир қарашда уларга талағи туюлган бир маслаҳат еолдим: Бу хазинани Самарқанддаги музейга олиб бериб беришлар. Охунд Юсуф бунга: «Руслардан бекитиб юрган бу хазинани уларга ўз қушимиз билан олиб бериб беришнинг маъноси нима?» деди. Катта шаҳарлардаги расмий кутубхоналар ва музейлар режимига еолишган вақтларида ҳам уларининг аёёсини саклай оладилар. Агар бизнинг мақсадимиз қачондир аманга ошеа бир кун келиб бу музейлар яна бошдан миллатимизини мулкига айлашажақлар, дедим. Очибек: Миллатимиз қулидаги хазинани музейга олиб бериб бериш бошлаган курашимизнинг омадига нишонмасликни билдиреди деди. Ундан булеа хазинани Умар Ҳожи ўз уйида сакламай бошқа бир ерда саклашга ҳаракат қишенилар, деб жавоб қайтардим. Умар Ҳожи эса: Хазинани Самарқанд музейга бериш миллий ҳаракатига зарарин экан, демак бу ҳаракатининг аёёси буш. Шундай бўлеа ҳам бу бойиқларни ўз уйимдан узокдаги бир уйга беркита оларман, фақат у ҳам жиддий бир чора эмас. Балки музейга топишириш энг яхши чорадир, деди. Эда қолган суҳбатдан бир ой утғач, Санзор дареси бунларидаги ерларни босиб олган қизил аскарлар Умар Ҳожининг уйларидан, оиласидан ҳеч нарса қолдирмаганишқларни ҳақида Самарқандда Туркистон Миллий Бирлиги съезди бўлган вақтда хабар топдик. Лекин уша қимматбаҳо асарларининг ҳеч бўлмаганда баъзи бирлари музейга топиширилган, топиширилмаганини туғрисида маълумот ололмадим. Умар Ҳожи қулида булган бу асарлар Туркистондаги шарафли аёл ўзбек авлодларида жуда қимматбаҳо хазиналар саклаганилигини курсатувчи бир далил эди.

Биз Умар Ҳожининг уйида уша оқшом зинҳор ухламадик. Кечани Охунд Юсуф Толибзода ва шонр Васлий билан адбий мавзулар айниқса, мавлоно байтлари кун суҳбатлашдик. Бу суҳбатларда уй эгаси ҳам қизиқиб қатнашган эди. Соқоллари ошюк, нуруний, юмшюк табиатли Умар Ҳожи ҳам тиз чуққан холда тинглади ва жон



дилдан иштирок этди. Тугриси, мен Жамолиддин Румийни каттиқ танюқд юсган эдим, бу билан Охунд Юсуфнинг кунглига каттиқ тегиб кетган эдим. Мавлоно куп мажозли, суфияна ва фалсафий фикрлар езган. Буларни англамок учун диний адабиётдан, хатто ихудий аъъаналаридан Пайгамбар киссаларидан. Хорут-Морут, Баълам ва Бобур тарихидан, араб адабиетидан чукур билимга эга булмаганлар учун бу фикрларни тушиниш кийин. Румийни билиш учун Болзид Бистони, Мансур Халлож ва Иброхим Адхам асарларини билиши, суфийларнинг таржимаи холларини. Куръон оятларини ва хадисларини, араб ва ажам халқ оғзаки ижодини билиши шу билан бирга Иблис-шайтон игволари ва гавголари хакидаги ривоятлардан хабардор бўдиши лозимдир. Мавлоно Жамолиддин Румий узи буларни яхши билган ва улардан фойдаланган. Зикр этилган суфийлар кимлар, хадисанинг тўда маъно-мохияти нимадан иборат, бир неча сўзи келтирилган оят ёки хадиснинг боши ёки охири кандай, булар не муносабат билан ёзилган буларни бизлар билмаймиз. Булар орасидан и узаро алокадорлик кўпинча тасаввуф маданиятига богликдир. Мен бу бахсларда Румий келтирган хикоялардан бири устида тўхталдим. Хикоя шундай: XI ва XII асрда Бухорони уламолар сулоласи "Садри Жахон" исми уламо идора этган. Бу сулола Тибет Далай-ламаси ва Рим Папаси каби сиёсий ҳокимиятни рухоний томонидан идора этиш тартибларини урнатган. "Садри Жахон"лар олим одамлар булиб, Урта ва Олд Осиё мусулмонларига Ислом ҳуқуқи ва бошқарувни ургатувчи мукамал китоблар колдирган. Бу Садри Жахонлардан ешроги жуда гўзал ахлоқли, ажойиб ва укимишли шаҳарнинг шохларидан булган ёш ва чиройли бўлган болага Садри Жахон ошиқ бўлган. Миш-миш тарқалган. Шохна бу куён арелонга ошиқ бўлиши деган гаплай калтис бир иш эканини англагач, Садр ўлдиради деган кўркув билан Бухорони тарқ этади ва 12 йил Хуросон ва Ироқ шаҳарларида ва кишлоқларида сарсон бўлиб юради. Лекин севгилиси Садри Жахонни ҳеч қачон ёдидан чиқаролмади. Ниҳоят, не бўлса бўлсин уни бир кўриб улай, деб Бухорога қайтиб келади. Садри Жахон ҳам шохга гойибона ошиқ бўлган эди ва у қайтиб келса авф этаман дерди. Лекин Бухорога етиб келгунча Садри Жахонга бир канча тўсиқлар, воқеа ва хадисаларга дуч келади. Мавлоно Румий унинг бу орада кечирган иштиробларини хар тарафдан тўплаган бошка воқеалар билан безаб Шохна билан Садри Жахон орасидаги хадисалардан минг байтли бир дoston қилган. Бутун бу можаро тафсилотларини яхши билган Бухоро халқи Мавлоно Румий таъбирлари билан "Кексалар, аёллар ва болалар барчаси" ошиқ тарафида бўлиб, Садри Жахоннинг бир инсоннинг бошка бир инсонга нисбатан мухаббатини ман этишини зolimлик сифатида қабул қиладилар. Мавлоно Румий ҳам бу хусусда халқ билан биргадилар. У зот хикоянинг охириги «исмларини жуда драматик бир тарзда тавсиф этганлар. Ва бухорликларни бу ишқ хадисаси туфайли

хаяжон кечирганликларини мактаганлар.

Лекин, бу хикоя мавзуи Бухорода хали X асрда маълум бўлган эркак севиши жанри билан аниқ учун менда фақат нафрат уйғотди.

Мавлоно Румий аниқ иш ҳикоясида бир кизга ошиқ бўлиб, етти йил етишса олмаганини ҳикоя қилади. Лекин бу хикоя Румийнинг бир эркакни иккинчи эркакни севиши ҳақидаги хикоядан хаяжонланганига сабаб бўлмади. Туркистон ҳар доим икки турли хил маданиятлар туқнашиб келган бир саҳна бўлган. XII аср Исроом оламининг буюк муаррихи ва мутафаккири Ибн Кайюм ал-Жавий эркак севиши Бахтолда хали Исмомиятнинг илк асрларидаёқ жамиятнинг бир илдати сифатида намоян бўлган эди. У VIII асрда юксалган ва Исроомнинг аҳли сунаат вал жамоат деишувчи турт маъхаблардан бирининг асосчиси бўлган. Имоми Молик ибн Анас тинглаётган талабалари орасида хали соқоли чиқмаган услирииларнинг булишини каъбият маън этганини, узида руҳсатсиз ораларига кирганлар бўлса, уларни камчи билан жазолантирганини зикр этган.

Ўзгал кийинган, безанган болаларни бу мажлисларга каъбиян яқинлаштиришмайди. Чунки, бундай гузал ёшлар орага аралангач, буюк устоздан ҳадис тингловчи богдоликларнинг чияладан чиқарар экан. Ҳатто Молик (р.а.)дан бироз кейинроқ келган ўзга бир ҳадис олимнинг бир гузал ва жозибали ёшнинг етмишга жозибали гузал киздан зиёда эканига доир ривоятни аниқ ибн Кайюм зикр этганлар. У ерда гап жинсий эмас, балки, мухаббат ҳақида боради.

Алишер Навоий ҳам шеърларида юзига упу сурган узун сочлари урилган, дудогини хатто лозим бўлса оёгини упчокка тайёр эканини ифодоловчи гузал, "рашно йигит"лардан, буларнинг миллатни "фитнага дуч этувчи "хат" ва "губор"ларидан суз очади. Лекин, бутун ҳаётида буйдоқлигича қолган Навоий учун бу бир соф эстетик масала эди.

Уша даврда яшаган хиротлик ёзувчи Камолиддин Ҳусайин барча машоих ва авлиёларни эркак севишига мубтало бўлган бузук инсонлар курсатиб "Мажолис ал-ушшоқ" каби китоблар ёзадилар.

Сафовийлар даврида эса ёш йигитларни аёллар каби безанган кўринишда ва уз замонасига ҳеч мос келмайдиган бир расмлари қизиқиб тасвирланган. "Махмуд ва Аёз", "Гуругли ва Аваз" каби тугри хикоя қилинган севиши мавзуларини баъзи XVII–XVIII аср шоирлари хиссиётини жунбишга келтирувчи дoston шаклиги айлантирган. Бу вазиятда бундай санъат асарларини биз урта аср даврининг илгор наъмунаси сифатида, яъни, "гузал йигит тасвири" деб санъат асари сифатида қарай олмаимиз. Бундай асарлардаги бу каби хикоя ва газалларни фақат бир томонга қўйиб, биз фақат замонамиз ахлоқи ва маданияти даражасига мос келадиган асарларни ҳозирги туркийчага угириб, нашр этиш мақсадга мувофиқдир. Фарғоналик зиёли зобит Миршараб бир сафар мендан: демак, сиз Мавлоно, Жомий ва Навоий

кабиларни ахлоқсиз инсонлар деб ҳисоблайсизми? Аллоҳ сакласин. Фақат бу ҳикоялар баён қилинган давр руҳи энди бизнинг давримизга мос келолмайди. Уша давр Эрон минатюрасида гузалга топинмоқ бор эди. Ҳозирги вақтда эса, юлдузи чикса “бомба каби портлади” деб шовқин кутарамиз. Уша замонда ҳам шундай эди. Хирот ёзувчиларидан Шаҳобиддин Давлатободий узининг бир китобида ҳикоя қилишича Самарқандда Мирза Ҳамдам аёл ролини уйнаган ва у ҳақида ривоят тарқалган. Гуёки, Султон Ҳусайн Бойқаро бу ривоятлар таъсири остида унга ғойибона ошиқ бўлган, жомий эса фақат шу гузални кўрмоқ учун Самарқандга борганда уша даврда бунинг бўлиши мумкин. Лекин, бизда аёл очикча саҳнага чиккач, аёл рулида эркак бўлмоғига эҳтиёж қолмайди. Умумият билан урта аср завқи кутаритур\*, дедим. Миршараф эртасига менга Сиз Мавлоно Навоий Суфий Оллоерлар ёзган шеърлари нима учун ҳозирги замон руҳида. Ваҳоланки, улар ҳозир орамизда йўқ. Демак, улар утмишга алоқодор. Бу қандай бўлди?

Суфий Оллоер мероси чегараланган бўлса-да, қуп шеърлари бетакрордир фақат уни ажрата билиш керак. Туркий халқлардан чиккан буюк мутафаккирлардан Мавлоно Румий ал-Беруний, Навоий юксак маданиятли ва қуп қиррати инсонлардир. Улар уз уринида сузлашни билганлар. Навоий албатта сарҳуш ҳеч қачон ичкилик ичмаган. Лекин, Умар Ҳайем каби у ҳам ичкилик ҳақида нималар демаган

Ал-Беруний қонинотнинг маркази эканига ишонган инсонлар самоларнинг ер кўрраси атрофида айланишига ишонарди” дер экан, албатта, ернинг айланишини билган. У қадимги Юнон ва Ҳинд олимларининг бунга доир баёнотларини келтириш билан қифояланган. Уз замондошлари орасида турли иғволарга йул қуймаслик учун “Бу физикларнинг муаммосидир, мен риёзатчиман” дея туғри жавобдан қочган. Бундан қуришиб турибдики Беруний у вақтда шароитга қараб иш тутишга мажбур эди.

Жалолиддин Румий ҳам қуп нарсалар билган. Унинг учун ҳақиқат очиш - қалб тубида яширинган нозик туйғуларни ошқор қилишдир”, яъни Тағри туғри Пайғамбарнинг теран туйғуларига таъсир этиб унга уз фикрларини сузлатур: холбуки, у Ваҳийни тамочилта умум англагани каби Жаброил воситаси билан қилинган бир иш каби айтмоқда. Жаброилни терлаган Пайғамбар қаноатларини салқинлатмоқ учун елпигич қилгандай (бир холда) деб тушунтиради ёки айтади. Маданияти юксак бўлган инсон янги аммо оддий халқ тушуниши қийин бўлган фикрлар атрофдагиларни чучитиб юбормайдиган суз билан изоҳлаш йулларини уйлайди. Бу уринида мен авомни атрофдагилар ақидаларига қарши уринсиз озор бериб.

\* “Пас маҳали ваҳий гардод қушии жон, Ваҳийи чи буд? Гуфтан аз ҳисси

узларини халққа карама-карши қилиб қўяди ва узидан бездиради. Румий айтиди: «Мен Қуръондан фақат илигини оламан, устихонларни эса китларга ташлайман!».

Бир неча кундан сунг Самарқандга келганимда, Миршараф бу суҳбатларимиз хақида дусларига айтганини билдим. Биз бу суҳбатларимиз асосий мазмунларини баён этувчи мактуб ёзиб Бухоронинг Фобулдаги элчиси Мирзо Раҳматуллоҳга юборган эдик. Мен буларни бир йилдан сунг Кобулга келганимда Мирзо Раҳматуллоҳнинг урнини олган Хошим Шоикдан олдим. Мен бир ҳақиқитга амин булдимки, бу хали булса биз озод Туркистонда Миллий маданиятимиз хусусларида бундан кизикрок мулоқотлар утказиш имконияти эди.

Самарқанддаги озодлик ҳаракатларида бизнинг иштирокимиз даврида кўп фойдали ишлар қилинди. Жумладан, ёнимдаги Ауходи Эшмурзин ва Хивада фаолият юритган бизнинг Усмон Терегулов ва Тошкентлик бир ўзбек Миршараф ҳарбий низомларни ўзбек тилига таржима қилардилар. Қозоқлардан бир ҳуқуқшунос мустақил Туркистоннинг Конституцияси лойиҳасини шакллантириш борасида иш олиб борган эди.

§ 222. *Мустафо Чуқасвага мактуб.* Мулла Раҳматулла деган бир шоир ва ёзувчи Бухоро вакили сифатида Афғонистонга юборилганди. Бу вақтда аввалги Бухоро ҳукуматининг ҳарбий ноziри Абдулхамид Орифов ва бошқа бир канча киши Кабулда эди. У ёқдан Мулла Раҳматулла ёнида юрганларнинг бири Абдулхамид Орифов ва бошқа танишларимиздан жуда кизикарли мактуб келтирди. Абдулхамид халқро сиёсатдаги янгиликлар, узининг Хиндистон ва Читрал саёҳатлари хақида ёзган. Шунингдек, собиқ Қўқон миллий ҳукумагининг раиси Мустафо Чуқай угли билан мактуб орқали хабарлашиб туришни, унинг ҳозир Парижда яшаётганлиги ҳамда унинг мактубларини қисқача мазмуни хақида ҳам ёзган. Бу хабарлар биз учун ҳуррият дунёсидан келган бир нурга ўхшаб кўринди. Оҳунд Юсуф орқали юбораман деган ниятда Абдулхамидга, кейинчалик у орқали Парижга Чуқай углига жунатиш учун мактублар ёздим. Оҳунд Юсуф Анвар попо халок бўлиб, аҳвол оғирлашганлиги сабабли Афғон томонга ўзи чиқа олмасан-да, мактубларни жунатишга имкони бор эди. 1922 йил 27 июлда ёзган мактубимни 1923 йил декабрда Парижга келган чоғимда, Мустафо Чуқай угли уйида ўқидим. Мактуб менда Самарқанд вилоятидаги уша вақтлардаги воқеалар ва Москвадан келган хабарлар хусусида ёзган эканман. Бу хотираларда эса олиш лозим булган фикрлар қуйидагилар: «Агар шўро ҳукумати рус-поляк урушида галаба қозонса, улар мўсулмонларга нисбатан янги бир маданий сиёсат тадбиқ этишни бошлайди. Бунни ўч қун олдин

\* «Мен эи Қуръон баргуздан мағзиро Устихон ро пиши сагон андохтам.»





Мухаммад (сав) ҳадисларидан ўқиб ўзбек тилида изохлаб берди: "Аскарлар уз тулпорларида қоя тошдан ўсиб чиққан бир новдадай мустаҳкам утиради. Бу қайиш белбоғлар билан эгарга мустаҳкам қилиб боғланганидан эмас, балки жанглардаги қудратли иродасидир". Туркий тилларда гузал шеърлар ҳам ўқилди. Биз шу зайдда окшомга қадар узимизни хушуд қилдик. Бизнинг аскарларимизни қуриш учун Беданага хаттоки бир доғистонлик ҳам келибди. Байрам муносабати билан утказилган аскарларимизнинг харобий намоийши, эркин мулоқотлар, шеърхонлик – буларнинг ҳаммаси фахр ва ғуруримизни яна юқори кутарди. Шу кунлари мен Россия штатида булган Туркистон, туркий халқлар ва Ислоннинг келажак тақдирини янги кутарилдиш шароитида қандай бўлишлиғи ҳақида уз фикрларимни маълум даражада шакллантиришга ҳаракат қилмоқда эдим. Бу фикрлар баёни 1922 йил 23 июлда ёзилган бўлиб, мен уни Туркияга жунатмоқчи эдим. Баъзи бир зарурий ўзгартиришлар билан Эрон ва Афғонистон давлат арбобларига бериб юбормоқчи булдим. Мактубни Анкарага жунатиш ишқони фақат Машҳадда турк консули орқали булди. Мен бу мактуб мазмуни ҳусусида қуйида айтаман. Мен бу ишим ҳақида Анвар пошони хабардор қилмоқчи эмас эдим. Шу боис уни Юсуф Охун Толибзодага қурсатмадим. Мақола ҳозир ҳам Туркия Республикаси ташқи ишлар вазирлиғи архивида сақланмоқда. Қоратегин ва Моъай орқали Юсуф Охуннинг бир ғуруҳ одамлари бизнинг йигитларимиз билан бирга Анвар пошо ҳудудига келишди. Афсуски улар у ерга етиб боришганларида Анвар пошо шахид булган эди. Юсуф Охун шиа масхабида эди. Шунинг учун Анвар пошо урнига қолган Ҳожи Салим олдида қолди. Пошо мағлуб булгандан сунг қаттиқ ҳужумга ўтишди, босмачилар орасида саросима қучайиб борди. Охунни эса тамомида руҳан тушқунлик қамраб олди, аёлларни деб уз дусту тошкентлик Абдурасулни ўлдирди. Афғонистонга қочиб ўтиш вақтида Панж дарёсида қўқиб ўлди. Санзор дарёси (туркийчасига "Тошлок") бўйидаги Жомбой Қурбон хайити байрами қайғули тугади. Очилбек ўзининг сафдоши босмачилар бошлиғи булган Абдумажидбекка суиқасд уюштирди. Ваҳоданки, Очилбек ва бошқа беклари Самарқанд вилоятининг "Жамиъат" кўмитаси билан маслаҳатлашмасдан туриб ҳеч қимми ўлдирмаслик ҳақида келишиб олинган эди. Бу мулҳиш воқеадан кўпроқ мен билан Қомил Қори азият чекдик. Ўлдирилган агар Очилбекка бирор нарса булса унинг урнини эгаллашга керак эди. Абдумажидбек Санзор ўзбекларидан бўлиб, у шу яқин орада Ўратепа қушинининг бош кўмондони Холбутбек ҳузурига ҳамкорлик урнатиш мақсадида Зоминга бориши зарур эди. Биз Мамурбек ва Турабеклар билан бирга кечаси Зоминга бориб, барча масалалар юзасидан келишиб, аскарлар билан Беданага қайтиб келдик.

§ 224. *Охун Юсуф наيرانлари.* Мен аввал ёзганимдан шикоятга боши йургут менга Охун Юсуф билан барча нарсани

очик гаплашмасликни маслаҳат бериб, у пошoga нотугри хабарлар етказиши мумкин деб огоҳлантирган эди. У тугри айтган экан. Бу менга Оҳунд Юсуф билан Бургут 6 август куни Шаркий Бухорога кетгандан кейин маълум бўлди. Улар кетгандан сунг икки кун утиб Анвар пошодан ва менинг дустим Мустафо Шохулдан июл ойининг охирига хафтаси санаси куйилган мактублар келди. Бу мактублар мени жуда хафа килди. Оҳунд Юсуф ва Бургут оркали юборилган аввалги мактубда 28 апрел санаси куйилган бўлиб, унда Анвар пошо вазиятни мураккаблигини айтиб, агар руслар Полша фронтдан Туркистонга харбий қисмларни ташлашга имкониятлари булган тақдирда Миллий Федерация Комитети ва Самарканд, Фаргона вилоятлари босмачилари Шурулар билан тенглик уриатиш борасидаги музокараларга тайёргарлик куриш зарурлигини айтган эди. Бухоро амирлигида руслар билан музокараларни узи олиб боришга тайёр эди. Бундан куришиб турибдики, Анвар пошо русларнинг харбий кудрати ортиб бораётган бир вазиятда Жамият ва босмачи кушинларининг заифлиги туфайли батамом мағлуб булишларининг олдини олишга қаратилган ҳаракат эди. Бундан ташқари Усмон Човуш пошодан оғзаки хабар олиб келди. Пошо бизнинг ёрдамичизда русларнинг Фарбий фронтдаги аҳволини билмокчи булиоди. Руслар Туркистонга қанча куч ташамокчи эканликларини билиш имконияти борми деб сурабди. Бизнинг Москва ва Тошкентдан керакли маълумотларни олиш имкониятларимиз яхши эди. Лекин русларни қачон ва қанча кушин жунатишларини аниқлаш бизнинг имкониятимиз даражасида эмас эди. Бу муаммоларнинг муҳокамаси учун биз 11 май куни Самаркандда Кумита ййгилишини утказдик. Фарғонада ишлар яхши эмас эди. Баъзи босмачилар руслар билан музокараларни бошлаганлиги маълум бўлди. Шермухаммадбек ва унинг акиси Нурмухаммад курашларни тухтатиб Афғонистонда ўтиб кетиш ҳаракатини килаётганди. Биз Анвар пошо маслаҳатларини қабул килдик. Зеро, шуъролар Полша фронтдан катта кушин ташлаши аниқ булганидан келиб чикиб музокаралар олиб боришга қарор килдик. Очилбек ва Баҳромбек бу қарорни тугри деб қабул килишди. Бургут, Оҳунд Юсуф ва Усмон Човушларни Козогистонга кетишларидан аввал вужудга келган вазият бизнинг фойдамизга эмаслигини тушунган ҳолда айрим қарорлар қабул килинди. Кумита ййгилишида Оҳунд Юсуф ҳам қатнашган эди. Бу ййгилиш зудлик билан музокаралар олиб бориш тугрисида булмаган булса-да, Оҳунд Юсуф мактуб юбориб, гуёки Заки Валидов ва МК пошони четда колдириб мустақил тарзда тинчлик битимини тузмокчи деган хабар юборган. Бу ёлган эди. Бургут шунинг учун ҳам бизни огоҳлантирган экан. Анвар пошо бу мактубга эътибор бермагандай туюлди. Усмон Човуш ва Мустафо Шаукли буни ёлган хабардан иборат чакимчилик деб баҳолашди. Мен Туркияга келганимда, Мустафо Шаукли Оҳунд Юсуфни махфий мактуби Анвар пошoga салбий таъсир килди деб айтди. Наҳотки пошо бу машҳур



илохиятчи турган-битгани лаганбардор эканлигини билмаган? Охунд Юсуф бизнинг муҳитимизга ёд булган яна баъзи бир ишларни ҳам қилишга улгирган эди.

§ 225. *Уратепа – Мачай йули орқали Анвар пошо олдида бориш ниятимиз.* Яна бир неча кун утди. Бизнинг Москвадан маълумот йиғиш иши билан шугулланадиган ва Тошкент ҳукумати орасида булганлардан билишимизча Совет-Польша билан булган урушида галабага эришганлиги боис Туркистондаги руслардан катта қуч ажратиш имконияти туғилди. Шу кучларни Туркистонга курашларни бостиришга юбормоқдалар. Турли қисмлардан иборат дивизия қизил аскарлари ва зобитларининг бир гуруҳи шу орада Самарқандга етиб келишларини ҳам маълум қилдилар. Биз ҳам Анвар пошога бу хабарни етказиб, биз асосий кучларни Уратепа ва Мачай томонларда туллашимизни, агар зарур булса Балжувон ва Қоратегин йули орқали пошо томонга боришимиз, ёки булмаса Афғонистон томонга утишимизни, Фарғонада эса босмачилар орасида саросимага тушиш кайфиятлари сёзилаётганлигини ҳам батафсил хабар қилдик. Қизил аскарлар куплаб қелаётганлиги ҳақидаги хабарни олганимиздан кейин иккинчи кунёқ Уратепа йулига чиқиш ниятида эдик. Эртасига қизил аскарларнинг икки отряди Сангзор водийсида Работ деган жойга етиб келганлиги ва йулларда телефон алоқаларини яхшилаётганлиги туғрисидаги хабарни эшитдик. Улар албатта Самарқанд шу ерда эканлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга эдилар. Янгикент деган бир узбек кишлоғида кечани утказдик. Аббосийлар даврида мусулмон аскарлари қумондони сифатида Анатолини босиб олган Афшиннинг авлоди утган кишлоқ экан. Ярим кечада Сангзор водийсига қараб русларнинг катта харбий булинмаларни ҳаракат қилаётганлиги ҳақида хабар келди.

§ 226. *Довул жанглари.* Биз Сангзордан эрталаб чиқиб кетдик. шу руслар ерга кириб келганлар. Улар бизни Зомин томонга қараб юрганлигимизни хабар топгандан сунг эртасига эрталаб Довулга етиб келди. Биз руслар утиши мумкин булган йуллар четидаги қоялар ва жарликлар ораларига яшириниб, уларнинг йулларини тусишга ҳозирландик. Жуда каттиқ тукнашув бўлди. Қизиллар қоялар орасида босмачилар яширинганликларини ва йуллари кесилганликларини курғач, қояларга тирмашиб, бизни куркитиб, қувиб чиқармоқчи бўлдилар. Лекин қоя ва тоғлар ниҳоятда баланд булганлигидан уқлари бизларгача етиб келмас эди. Мен ёнимдаги бир неча киши ва узбек жангчиларини танбиредотларни воҳада қолдириб, қизиллар жойлашган даладинг унг томонидаги жарликлар орасида урнашдим. Чунки йуллари кесилган қизиллар воҳадан чиқиб кетишга уриниб, шу ерга келишлари керак эди. Бушдан кейин қизиллар баланд тепаликлардан узоқлаб, ҳамма кучлари билан биз гарафга юра бошладилар. Уларнинг бошлиғи булган бир зобит ети билан тепа устига чиқди. Ора ерда

ут очиш билан чегараланиб, умуман отишмаларини тухтатдилар. Биз ҳам отларимизни чуқурликда яширган ерларимизда қолдириб, пинхона равишда қизилларга яқинлашдик. Улар бизни қуришмади, масофа қисқаргач, ут очиб, бирин-кетин отларидан отиб тушира бошладик. Олдимдагилардан бугунги кунда Қутйитоғ азот заводида ишлаётган Ислон, яқинда шу шаҳарда вафот этган унинг дуси Айюб мени уз гафдалари билан қизиллар уқидан химоя қилиш ниятида чуқур буйлаб русларга яқинлашдик. Мен жуда паст овозда сизларга теккан уқ менга ҳам тегади, беҳуда тепага чикманглар, ўлсак бирга улармиз, деб шивирладим. Биз отган уқдан қизил зобит оти устидан учиб тушди, аскарлари пулемётларини ҳам ташлаб оркага қочишди. Лекин бизнинг пулемётлар билан шуғулланишимизга вақт йўқ эди. Қизил аскарлар ўша захотиёқ қайтиб командирларининг жасадлари олиб кетишмоқчи бўлган вақтларида биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, чуқурдаги отларимизнинг ёнларига бориб, отланиб, русларнинг қуз унгиларидаёқ унг томондаги тепаликларга чиқа бошладик. Оркамизда қолган босмачи тудаларга қизиллар йулини сал олдинроқда ва биз улар билан жангга киришган жойда тусиб қуйишларини буюрдик. Бу жангда ғазабни кайнаган Аухади Эшмурзин ҳар томонга буйрук бериб, терга ботган буз отини тепаликдан тепаликка чоптирарди. Қизиллар бизнинг жой алмаштирганлигимиздан фойдаланиб, аскарларини командирлари ҳалок бўлган тепага олиб чикдилар ва бизларни қаттиқ пулемёт ўқига тутдилар. Лекин пулемёт ва милтиқ уклари бизларгача етиб келмас эди. Мен воҳа қопқасида қизилларнинг йулларини тусишга жўнайдингиз аскарларимизга: «Қурқманглар, қизилларнинг уклари бизларгача етиб келмайди. Воҳа қопқасини сақланглар»,— дедим. Қисқаси, биз жуда оз бўлсак ҳам, орқадан келган босмачилар воҳа буйлаб жойлаша олганликларидан қизиллар араваларини воҳанинг биз томон қисмига чиқара олмадилар. Довул атрафида жангни давом эттириб, йул очишга уриндилар. Аммо кўп куч йуқотиб, биз, босмачиларга қўлаб қўрол-ярроқларини қолдириб чекиндилар.

Бу жангда ғалаба қозондик. Лекин Зомин ва Уратепа тарафларга кўп сонли шўро аскарлари кетаётганигини билганимиздан Уратепа сафаридан воз кечдик. Улжа сонинган қўрол-ярроқлар ва қўлга тушган ҳужжатлардан маълум бўлишича, бизга қарши уришган аскарлар туғридан-туғри Шўроларнинг Ғарбий фронтидан ташланган экан. Демак, вазият пинҳонда жиддийлашди. Бешқурик деган қишлоқ икки кун ҳам олгандан сўнг, Усманга келдик. Тошкентда чиқадиган шўро газеталарида Довул даги жанг туғрида бизни ҳақорат қилиб ёзишган, бизнинг уқимиздан ҳалок бўлган қизил командир улар орасида бир мушқдор шахс бўлган экан.

§ 227. *Усман ва Самарқанддаги сўхбатлар.* Бу жангда биз улжа отно, қишлоғга чиқиб уқладик. Биз кейингиб барча кучни олмасдан Уратепа, Ёрдайлоқ, Усмандан бешқурик Самарқанд Шаҳрисабз йуна

лишидаги шаркий тоғли ерларни ва Мачайни босиб олиш қарорига келдик. Мачай босмачилар бошлиғи Аҳматхонга ва у орқали Анвар пошога ҳудуд билан мактублар жунатиб, уларга русларнинг бутун кучини ташлаб ҳужумга утганини ва вужудга келган вазиятда қандай ҳаракат қилиш кераклиғи ҳақидаги қарорларимизни маълум қилдик. Маълум булдики мактублар уш эгаларига тез фурсатда етиб борган. Усманда Туркистон тизма тоғлари гарбида жойлашган серсув яйловлари кенг бир ҳудуд. Бу ерга келишимиз билан Зарафшон босмачилари қурбошилариини тулаб, қўччилик қатнашган кенгаш қилдик. Қечаси тезда Самарқандга келиб, Обираҳмат ариғи буйида жойлашган Улуғбек расадхонаси ёмидаги бир богда жамиятимиз Марказий Кумитасининг шаҳардаги атаолари билан маслаҳатландик. Бу ерга Тошкент ва Фарғонадан ҳам баъзи бир уртоқларимиз келишган эди. Маслаҳатда айни шу пайтда аскарний қисмларга раҳбарлик қилмаётган, лекин ҳаётлари хавф остида қолган уртоқларнинг Анвар пошо олдига кетишлари, шу билан бирга Самарқанд вилоятидаги қурашни охиригача давом қилдириш тугрисида қарор қилдик. Холбутабекнинг одамлари ҳам келишганди. У шима булса булар, аммо уш вилоятимдан ажрамайман, деган фикрда эди. Қурбон хайити маросимларини утказиш учун босмачилар уйларига тарқаб кетганликларидан фойдаланиб, русларнинг айрим қисмларига ҳужум қилишди. Тарқалиб кетганлар эса 10 август кунин Усманда йиғилишди.

§ 228. *Усман жамиялари.* Самарқандда Қабул қилинган қарорларга мувофиқ равишда, босмачиларга ердан қурсатиб, (буни руслар ҳам билганлигидан), ҳаётлари хавф остида қолган зиёли уртоқларнинг баъзилари бири-кетин, баъзилари тулатуда бўлиб босмачиларга келиб қушилишди. Уларга Самарқанднинг милиция бошлиғи Абдулла Тулабоев билан ерданчиси Абдушукур Ҳакимбой угли (расм 31/4), самарқандлик Қори Махмуд ва озорбайжонлик Асад Афанди бош булдилар. Улар келган кун воқеаларга бой бўлди. Руслар бизнинг қароргоҳимиз жойлашган Усманга ҳужум қилишди, лекин душман орқага улоқтириб ташланди. Қадимги араб жугрофия китобларида «Усман» номи билан эсга олинган бу эски маданий марказдан машҳур олимлар, шайхлар чиккан, бу ерда мадрасалар қўп булган. Деңгиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган боғлардан бутун Зарафшон воҳаси қуриниб турарди. 11 август кунин руслар яна тусатдан бу ерга ҳужум қилишди. Тулабоев узининг йиғитлари билан уларга қарши ҳужумга утди, лекин жанг пайтида у қаттиқ яраланди. Йиғитлари отдан йиқилиб тушмасин деб уни суяб туришди. Олдига борганимда у менга бир уртоғининг жасади руслар томонида қолганлигини, Абдушукур уни ташлаб чекингалигини ачишиб гапирди. «Дустингни нега ташлаб келдинг, хозирок қайтиб бориб, олиб кел», деб Абдушукурнинг сўзасига бир-икки камчи туширдим. Абдушукур уртоқлари билан орқага қайтиб, қўп утмай, ёш йиғитнинг жасадини

олиб келди. Ушим тунагида ётган Тулабой Узининг қариндоши ва дўсти булган бу йигитни куриш учун чиқди ва энди ўлсам ҳам розиман, халқимга омонлик тилайман ва бир неча дақиқадан кейин қалинмаи шаҳодатни айтиб, жон берди. Абдушукур кейинчалик Ўрош йули орқали Хожи Сомий билан бирга Туркияга келиб, савдо билан шуғулланди, фабрика очди. Баъзи вақтлар «камчининг зарбон хали хам елкамдан кетгани йук», деб ҳазиллашарди. Ундай дамларни соғиниб гаширадиган булди. «Мени Усмада урган пайтингда, русларга ҳужум қилиб, адолат учун курашда кўрбон булганимда, яхши буларди», деб куяди. У 1944 йили Эскишаҳарда вафот этди. Аллоҳ раҳмат қилсин. Куш яна урғокларимиз курбон булган Усмаат жанги тугрисида халқ ривоятлар, хикоялар туқиди. Уша жангда қишлоқни ураб олишга ҳаракат қилган қизилларнинг узлари қуршовда қолди. Ҳар ҳолда режаsiz ҳаракат қилган булсалар керак. Урғокларим Қорн Қомил, Авҳадий, озарбайжонлик Отод афанди ва бошқалар биргаликда ук ёндириб, воҳа ичидаги русларнинг чиқиб кетишларига йул бермадик, қизил аскарлар отларини пастда қолдириб, жарларга тирмашилар, хар томонга тарқалиб, урилган бугдой гарамлари ичига қочиб бекинчишга урнирдилар. Очилбек, Қорн Қомил ва Авҳадий «Қуйиб берайлик, майли, бекиненилар, бу узларига ёмон» деб, аскарларни чақириб, бокка йигдилар. Руслар ажабланишиб, экинлар орасига яширинишди. Сунгра отлик босмачилар уларнинг устларига бостириб бориб ҳаммасини йук қилишди, бир неча одамларигина қутулиб қолди. Бу воқеалар (Эскишаҳар –Туркиядаги шу номдаги шаҳар кейинчалик халқ орасида дoston қилиб айтилгани билдим). Абдушукурнинг дусти, фабрика ишида унга шерик булган бир немис хотин бор эди. Бу хотин Усмаат ходисаларини Абдушукурдан эшитиб, бир хикоя қилиб ёзган. Жуда қизиқарли чиккан. Уни нащр қила олдим йукми, била олмадим.

**§ 229. Усмада қабул қилинган қарорлар.** Довул жангидан кейин бир кечада Усмаатга, кейин Самарқандга ва яна Усмаатга бориб қелдик. Узимиз хам, отларимиз хам ҳаддан ташқари толиқдик. Тузини Усмаатда утқаздик. Шаҳид булганларга бағишлаб Қуръон тиловат қилдик. Эртасига аскарларни қишлоқда қолдириб, Очилбек билан бирга тепалиқда жойлашган катта бир бокка қелдик. У ерда маслаҳатлашиб, қуйидаги қарорни Қабул қилдик:

1. Мен учта урғогим билан бирга русларнинг ичидан яширинча утиб, Тошкентга йигиладиган Туркистон Миллий Бирлиги съезидга боршим керак.

2. Жиззах ва Зоминдаги милиция бошлиқлари, миллий ҳаракатга кумаклашиб юрган ва эндиликда босмачиларга келиб қушилган Туроббек, Маъмурбек ва Авҳадий Эшмурзин раҳбарлигида бошқирд ва татар зобитлари Матчо йули билан Шарқий Бухорога, Анвар Пошо оллига боришлари лозим. Очилбек ва унга буйсунган босмачилар

Самарқанднинг шимолий ерларини озод қилиб, унинг жанубий тарафидаги Шаҳрисабз ва Гузор томонлари а кетажак. Ёухоро ва Нуурога тарафдан и босмачи гурухлари ҳам ёйилиб, уша томонга чиқажаклар.

3. Кейинчалик бошқариладиган ишлар Тошкентда қарор тайёрлангач, Анвар Шошо билан маслаҳатлашигач, маълум бўлади

Баланд тоғлардаги боғларда йиғилишганимиздан кейин кунгалимизни келажакимиз тугрисидаги хавfli уйлар чуқраб олди. Аскарларимиз ҳам, отларимиз ҳам хордик чикаришди. Қарорга кура, ҳар томонга тарқалишимиз керак. Атрофимдаги яқинларимни чуқитмаслик учун Авҳадийнинг узигагина: «Сизни Холбута олдида тополмасам, балки Афғонистонда куришармиз», дедим. Очилбек, Қори Комил, бошқалар ва уз яқинларим бир-биримиз билан кучоклашиб хайрлашдик, кузларимиздан окқан ёшларимизни тийилмай, йиғлаб ажралишдик, чунки бу дунёда яна куришамизми, йуқми, маълум эмас эди

§ 230. *Октовдан Зарафшон воҳасининг куришиши.* Мен билан бирга Тошкентга икки одам боради. Бирини Бошқирдистондан, катта ёшдаги мингбоши Минхож, у Миллий мухториятни амалга оширишда самимий ва фидокорлик билан қатнашди, қариндошлари ва фарзандларини чин юракдан аскарликка берди. Узи яшаган Усарган кантонда (поликда) раҳбарлик вазифаларини бошқарди. Балки фойдам тегиб колар, деган ниятда йил бошида Самарқандга келди. Мен унга юртига қайтиб, фаоллик курсатишини айтиб курдим, ҳеч айрилгиси келмади, ўлсак бирга улармиз, деди. Иккинчи уртоғим Москва ҳарбий мактабини тугатган, миллатчи қозок зобити эди. Бу жуда ақли ва шоир табиат йигитга Қалқамон деган лақаб қуйгандик. У туғилиб усган Окмола вилоятдан миллий ҳаракатга кушилиш учун бирқанча миллатпарвар йигитларни эргаштириб, уз отлари билан Тошкентгача келган. Уртоқларини менинг Овлок кишлоғидаги боғимда ишловчи сифатида қолдириб, узи Самарқандга келиб, мени Жомбой кишлоғида учратди. Терлама билан касалланиб, кейинчалик тузалди, лекин ҳали қуввати кам эди. Ҳозир мен билан бирга Тошкентга боради. Қалқамонда иккита жуда яхши туппонча ва анчагина ук бор эди, бирини Минхожга бергиздим. Уқдон белбоғини унинг белига боғладик. Менинг ҳам туппончам билан уқларим бор, уларни белымга боғлаб олдим. Туппончага уқлар қандай жойлаштирилиб, қандай отилишини ургатдим. Шу вақтда тарғил от олдимда эди, қора отимни қозок йигитга бердим. Очилбек ажралишганда ёнидаги Мустанк деган бир кишига, отингни Минхожга бериб, узинг яёл қайт, деб буюрганди. Шу Мустанкни ҳеч ёқтирмадим. Хон табиатли, галати бир нусха деб хаёл қилардим. Очилбек кетгандан кейин у бошқа бир одам билан ёнимда қолди. Уртоғининг отига минганиб кетишени айтди, лекин узининг отини бизга беришга шопилмади. Буни куриб, биз бу одамнинг шияти ёмон деб уйлаб, икки отимизни

олиб, юкорирок ерга кўчдик, милтик ва тўғшовчаларимизни тайёр  
гугга ҳолда («Отини олиб кел», деб кичкирдик. Лекин, куёш ботиб  
боряётганига карамасдан, у отини олиб келмади. Ёнимдаги касалланиб  
кйидалиб ётган қозоқ зобити: «Милтикни бер, отиб ағдариб ташлай»,  
деди. Мен унга: «Бундай қуркингли сафар олдида одам улдириб  
жунасақ булмас, мен бу ишларни туркининг бирор томчи қонини  
тукмасдан амалга оширмоқчиман», дедим. У одамга узоқдан:  
«Булмас, отингизни кутиб ўтирмаймиз, кузимиздан йуқолинлар,  
рупарамиздаги йулдан кетинглар, йуқолинлар, чапга буриланглар,  
бурилсангизлар, уласизлар», деб бакирдим. Улар шу захотиёқ  
отларига миниб, куришиб турган сукмоқ билан пастга караб кетишди.  
Бироз юриб, сукмоқнинг унғ томонига бурилишлари билан милтикни  
кутариб, йулларидаги бир қояга отдим. «Йулдан четга чикманглар»,  
деб кичкирдим. Улар йулга қайтиб тушдилар-да, отларини тезгина  
пастга караб чоптириб кетдилар. Биздан кейин анча вақт ўтгач, Жиззах  
– Сангзор томонларида босмачи гудалари орасида яшаб, кейинчалик  
Афғонистон-Эрон йули билан Истанбулга келган Маъмур Ниёзбек  
бизга шу Мустақ мени ва Қори Комилни улдириш хақида топширик  
олганлиги туғрисида гапирди. У ҳам майлия, уша қуни кечаси худди  
шунга ухшаш мақсад билан Мустақдан ҳам хавфлироқ булган иккинчи  
бир шуро чекаси айгоқчиси бизнинг орқамиздан тушиб, тоғ орасида  
кузиб этишга уринган вақтда менинг Октовда йул тополмай, воҳага  
тушганимни, ҳатто отимни ҳам узоқдан қурган экан. Лекин қоронгида  
бизнинг изимиздан туша олмаслигини тушуниб, орқага қайтган ва  
Усман ёнидаги бир кишлоклик уйига келиб, ётиб ўхлаган. Кечаси қон  
қушиб улган. Мустақ булса Қори Комилни намоз уқиб турган ерида  
улдирган. Биз эса Мустақ ва унинг уртоқларидан узоқлашгандан сунг  
жуғрофия китобларида «Туркистон тизма тоғлари» деб юритиладиган  
ва бир томони. Мачайга қараган Октов ёнбағирларининг энг ғарбий  
бурилиши булган Куктепа деган ерга караб жунадик. Бу жуда ажойиб  
жойлар эди. Кечкурун куёшнинг ботиши куз олдимизда хайратомуз  
бир гузал манзара касб этган. Рупарамизда Зарафшон дарёсининг  
ирмоқлари ва қурфазлари ранг-баранг жилваланиб, кузлармни  
камаштиради. Қадимдан Номий номи билан маълум булган бу дарёнинг  
ислом даврида Зарафшон, яъни «олтин сочувчи» деган ном олиши  
ўша куёш ботаётган пайтлардаги ғарбий куринишли манзаралари  
билан ҳам боғлиқ булиши мумкин. Мен ҳам сукланганимча: Агар  
бу озодлик урушлари булмаганда мен Туркистон тоғларининг  
Сангзор дарёси шаршараларини, қор, музликларини, бугунги қўрган  
ғарбий гузалликларни келиб қўра олармидим ахир?!» деб хитоб  
қилдим. Туркистонни босиб араб истилочиси Қутайба ибн Муслим  
бу атрофларни забт этгач, айниқса, Самарқанд вилоятига булган ва  
«Самарқанд вилоятининг яшиллиги само юзини, оққан дарёлари  
осмондаги сомон йулларини, саройлари эса қўлдаги юлдўзларини эса

тўширади», деган экан. Терлама касалидан ҳали тамоман тетиқлашиб кетмаган Қақамон ҳам бу муъжизага боқиб, хайратланиб қолди. Оти устида зурга утирганидан ушбу гузаликни шеър билан тасвирлашга ҳали бўлмади.

Суклюклар бўйлаб қор кечиб, йўлимизни давом этдирдик. Ярим тунда, соат ун иккиларга бориб, йўл тамом бўлди. Унғ томонимизда Мачайга қараб кетган узун ўпқондан кечув қузга тапланди. Ой ёғдусида бутун теварак-атроф қуриниб турибди. Мачай қаршисида оқиб турган Зарафшон бўйида Фалғар тоғлари қичқирсан, овозинг янграб, қайтиб эшитиладигандай яқин қуринади. Лекин прада қанча кўн юриб утадиган йўл бор ҳали... Бу тоғларнинг ҳазима ёғини қор қоплаган. Лекин одам совқотадиган даражада эмас. Иккала отимиз ҳам гуё «Бошқа йўл йўқ дегандай бизга қараб қолишди. Қоронғида бу ерларда от билан қор устида юриш ташқаридан қараганда ҳам, қўрқинчли Биз ҳеч қандай тусикка дуч келмасдан, Сангторга етиб олармиз, деб уйлаган эдик. Лекин йўлимиз узилди. Отларни тоғнинг бироз текисроқ жойида қолдирдик, улар тиззаларигача қор ичида турардилар. Отларни бойлаб қуядиган ёғоч ҳам, қоя ҳам йўқ. Урғокларимга: «Отлар шу ерда турсин, биз чап томонда қуриган қояга бориб, бекиниб ухлайлик», дедим. Шундай қилдик. Хуржуларимизни тошга суяб қуйиб ўзбек жангчиларининг шеърларини эсга олдик: Тошларни бағримизга босиб ухладик.

*Бу тоғларда қим ётган  
Аскар болалар ётган.  
Ен бағрига тош ботиб,  
Эт учун жонин отган.*

Тонг отди. Отларимиз кишяиб, бизни гуёки туришга ундар эди. Узимиз ҳам, отларимиз ҳам оч эди. Аммо теварак атрофимизда қуриб тўғиб бўлмайдиган даражада гузаллик. Шарқда тоғг шуъласида Ғарбий Олой ва Қоратегин тоғлари, кўн чиқкишда Мачайга қушни тоғ тиззалари, ҳаммаси ҳам абадий қорлиқлар билан қопланган, бир кунда бориб келса буладигандай яқин қуринади. Лекин уларга бориб етмоқ учун қаида дафта ёки ун кўн оғир йўл юриш талаб этиларди.

§ 231. *Мачай тоғларидан ва Қизилқум йўли орқали Тошкентга.* Тошкентда яширин тарзда тупланаётган съездга Қизилқум орқали утиб бориш ақл баробар қилмайдиган ишдай туюларди. Бу эса очликдан тинка мадори қуриган уч киши икки от билан утишимиз керак эди. Мана шу машаққатли йўл тафсилотлари хусусида ёзмакчи бўлиб қўлимга қалам олганимда Грибоедевнинг "Ақллиқ балоси" комедиясидаги "ривоят янги, бироқ ишонил қийин". Бундай машаққатли ҳаракатлар ҳақидаги фикрларни фақат мен тасаввур қилар эдим, иккала ҳамроҳим ҳаз бўни қуз олдитарига ҳам келтира олмасдилар. Кекса Минҳож

бетоблиги туфайли Қалқамондан менинг отимга мингашишга мажбур булди. Аллох таоло менга иймон, эътиқод ва эзгу мақсад бергану, лекин унинг азоб-уқубатларини бошқа одамларга юклаган экан. Иккала ҳамроҳим ҳам менга илтижо қилиб, биз бу қорли тоғлар, бу чуқур даралар оша водийга чиқа олмасмиз. Роза булсанг туппончани бошимизга тираб, жонимиздан кеча қолайлик, сен эса иккала отини навбатма-навбат миниб, Тошкентга етиб оларсан дерди. Йук, нима курсак ҳам бирга қурамыз, деб, уларни тинчлантиришга ҳаракат қилдим. Қор остида асрлар буйи топталган бир йул изи булгандай туюлди. Балки қадимги қорлуқлар ҳукмронлиги даврида очилган йулдир. Аммо қор қоплаган ердан бироз юргач, Санзор дарёси томон йул йуқлигини қурдик. Мен уртоқларимга: «Икковларингиз ҳам от устидан тушманглар. Мен яёв олдинда юриб, йул ахтараман. Келаверинглар, деб қул силгамағунимча турган жойларимиздан қузғалманглар, бўлмасам, мени тошлар орасида йуко-тиб қуясилар», деб, қул чикмасданок олға қараб жунадим. Уларни узоқдан қуриб борардим. Олдимда, чуқурларда қор бору, йулдан асар йук. Лекин жуда узоқда ут қидириб чиккан қуйларнинг излари қуринди. Бир вақт устимдан тош уча бошлади. Бир-бирига урилиб, қупайиб ваҳимали бир оқимга айланди. Тезда бир бўлок ёнидаги қоя остига узимни урдим. Бир соат қамаси вақт утгандан сунг тош учини тухтади, от туёқларининг товуши эшитилди. Бир оздан кейин яқинлашдилар. Мен ҳам бекинган еримдан чиқиб турдим. Икки уртоғим ҳам эргашди. «Худога шукр, кеча урушда улмадик, тунги қорларда чуқурларга йиқилмадик, совукда қотмадик, ҳозир ҳам қичкина қоя мени омон саклаб қолди», дедим уртоқларимни тинчлантириб. Тоғлар орасидаги қингир йуллардан айланиб бир қир устидан чиқдик. Бу ерда бир қор қуприк очилиб ётарди. Тоғдаги бундай қалин қаттиқ қор қуприклар ишоначлик булади. Лекин отларимиз бу қор қуприқдан ўтишга ҳурқиб туради. Унинг ярим метрдан қупроқ булган пастликка тушишдан маъно йук эди, чунки отларимизнинг туёқлари синиш эҳтимоли бор эди. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, бу отлар Бухоро амирининг ошхонасидан олинган булиб, улар нафақат қиройли, балки, узэгаларига жуда сазоқатли, буйини берадиган зотли отлар эди. Менинг оқ отим мени узоқдан тақиб қишнаб дарров олдимга қопиб келарди. Биз пастга тушиб қарасак, отлар бизнинг кетимиздан сакрашга тайёрдай, бироқ бундан қучиб туришарди. Мен тепага қайтиб чиқиб отларнинг эгар-жабдуқларини ечиб еҳтиётқорлик билан отларни олдиндан тошлардан тозалаб тайёрлаб қуйилган қумлик майдонгача утқаздик. Аввал оқ от утди. Қора от утишда ён томонидан бироз жароҳатланди. Биз жарликни нарғи томонига утиб олганимиздан кейин янада пастроққа тушдик. Соат ун иккиларга яқинлашиб қолган, биз эса тухтовсиз етти соат йул юриб келардик. Йулимизда эса тез-тез қор қуприклар учраб турар эди. Йулда уз подасидан ажраб қолган қасал қуйни учратдик.



Бу биз учратган биринчи жонзот эди. Уни пишириб емоқчи булдик, лекин утин бу атрофда йўқ эди. Мен куйни ушлаб турдим, бедоб хамрох ярим болаларга ухшаб куй эма бошлашди. Жарлик орасидаги бўлоқ буйида, отларимиз турган жойда ут усиб ётарди. Бу ерда бироз хордик олгандан сунг яна йулга тушдик. Мен пиеда, бемор дусларим от устида эди. Мен куйлар қолдирган излардан йул ахтариб борардим. Қуй ва тоғ эчкиларини кутара оладиган тоғ куприклари отларни кутара олмас эди. Ваҳоланки, қанча пастликка қараб тушсангиз қор куприклар ҳам юкалашиб борарди. Бир сафар хаттоки мени кутара олмади. Мен пастга қулаб тушдим. Тспага чикиб айлана йуллар орқали яна пастга қараб туша бошладик. Оқшомга яқин биз йулда бир сигирни учратдик. Баъзида қуриб қолган дарахтлар ҳам кузга кўрина бошлади. Қоя уртасида йул излайвериб, этикларимнинг укчалари қучиб кетди. Қалқамоннинг этигини кийдим. Ун турт соат йул юриб, одам изини учратмадик. Қоронгу тушгандан кейин, кечаси соат унларда қичкина бир кишлокка етиб келдик, у ерда биз яхши билган кишининг кекса онаси яшар экан. Қамлир бизга қаттиқ поён берди. Узанининг ҳар икки томонида ўрнашган Бекназар овулига рус аскарлари келган экан. Қудимиздаги милтик билан уч туппончани қоя орасига беркитдик, кизиллар қулига тушиб қолса, шубҳа тугдирадиган бошқа баъзи бир нарсаларни ҳам йўқ қилдик. Кечаси соат ун бирда йулга чиқдик. Ун учинчи август куни тун ярмида бир ўзбекни учратдик. Енимизга келгач, бу ўзбек бизни таниди, у уша атрофдаги босмачи тудаларидан эди. Бир неча кун аввал Сангзорда, қиряйловда бирга булганмиз. Қизил аскарларнинг ниҳоятда қарчаганликлари, ухлашга ётганликлари ва кишлок одамларини йул пойлаб туришга жунатганликларини, узининг ҳам шулардан бири эканлигини айтди. «Қучингиз етса, бориб, уларни қулга олишларингиз ҳам мумкин», деди. Мен унга «Ҳозирги пайтда мақсадимиз уруш эмас, мумкин булса, узандан утиб, кишлокка бориб, бироз дам олиш. Қуктепадан келяймиз», дедик. Хайрон булди: «У ердан шу вақтга қалар отда омон келган одамни кўрганам йў», деди. Биз сой бўйлаб, бошқуруқ кишлоғи енидан ўтсак, от туёғи товунига қизиллар уйғонар, отларни сизларникида қолдирайлик, яёв ўгармиз. Балки бошқа отлар курсатарсиз», дедим. «Бу кишлокдан ўтгандан кейин чук Урда таппандик ховуз бор, уша ерда қутинлар балки, отларингизни олиб борармиз. Бу ерда бир ўртоғим бор, балки у ҳам ёрдамланар. Агар қизиллар: «Отларни қасрдан олдингизлар?» деб сурасалар, эгасиз юрган экан, ушлаб олдик, дерсизлар. Булмасам, отларни тортиб оладилар», — деди у. Тайинланган жойда кўп ҳам қутмадик, у отларни ўртоғи билан бирга етаклаб келди. Раҳмат айғиб, қучоқлашиб хайрлашдик. Кечга яқин Ёвош кишлогига етиб, бир таппан одамнинг дарвозасига келиб, ахволни тушунтирдик. У бизга: «Мол суяман, гўшт пишгулча ухлаб олинлар, қундузи бу ерда қололмайсизлар, қурганингиздай, хар бир

кишлоқ кизилларга тулган», деди. Отларимизга ҳам ем беришди. От пишгач, бизни уйғотишди, ун биринчи август кечасидан бери биринчи маротаба оғзимизга иссиқ овқат тегиши эди. Бир оздан кейин уй соҳибни шундай хабар олиб келди: «Қизилларнинг бир қисми бизнинг кишлоқ, томон жунашган. Сизнинг бу ерда булганнигизни ҳеч ким кўрмаслиғи керак. Ким бўлди, деб суриштиришга бошлайдилар. Сизларнинг ҳам кетингиздан тушарлар». Биз отларимиз билан кишлоқдан сёздирмай чиқиб кетишимиз учун у аёллар, ёш укалари билан биргалашиб ховлисининг водий томондаги деворини йиқитди. Анча гушт, ебичкилик тайёрлашди, отларимизга арпа беришди. Улар билан ҳам кунглимиз тулиб энг яқин кадрдонлардай хайр-хушлашдик. Бу тарафдаги узбекларнинг Туркистон озодлиги гоёсига содиқликлари, ҳар қандан шартлар билан бўлса-да, уларга суяниб ишлаш мумкинлиги очик куриниб турарди... Ёвошда таниш оила аъзолари хайрлавиш олдидан оила бошлиғига курулларимизни тоғда яшириб келишга мажбур булганлигимизни айтганимизда, у уз туплончаси ва уларини бизга таклиф қилди. Лекин мен: «Биз ҳозир Тошкентга боряёмиз, ёнимизда курул олиб юрмаймиз», дедим. Бу содиқ инсон билан ҳам самимий хайрлашдик.

Сой ичидаги сукмоқдан илгарилаб жунадик. Руслар кўриб қолмасин деб, ҳеч қасрда тепага чиқмадик. Тошкент-Самарқанд темир йулини Янгиқургон бекатидан жануброқда кесиб утдик. Минхож ака шу ердан бекатгача пиёда боради поездга тушиб, Самарқанддаги дўстларимизга хавфу хатарли йуллардан эсон-омон утиб олганлигимизни хабар қилиб, сунгра Тошкентга боради. Уша ерда кўришишга ахдлашдик. Минхож кузимиздан узоқлашгач, қулай чуқур топдик. Ёвошда сахий уй эғаси кулимизга тутказган таомларни еб, отларимизга арпа бергач, бирор соат мизгиб олдик. Куп утмай Мухри кишлоғига йул олдик, куп ботишга яқин қолганди. Қаршимизда эшак минган икки киши куринди. Бири қария, иккинчиси ёш эди. Ёши қариянинг кулоғига бир нималарни шивирлади. Қария киши бизга: «Йул булсин» деди. Мен уларга Мухри ёки Жумабозорга боришимизни айтдим. «Мустаҳ мулла сизга хиёнат қилганини билиб кўйишингиз керак, – деди у. – Унинг ёнида ҳозир кизиллар бор, сизларни уларга ушлаб беради. Қаскка боряписизлар, бошқа хавфсизроқ йул курсатайин». Тошкентга боряёмиз, демадик, Қизилқумда таниш қозоклар бор, уша ёкка борамиз, дедик. Шу пайт Қалқамон узини тутолмай, йиглаб юборди. Бизга пешвоз чиққанларнинг ёши Куйтошдаги Ҳамроқул мулла лашкарида булиб, гуруҳ таркагандан кейин уйига қайтган экан. Мени таниб, эшагидан тушди, кулларимни, узангини утиб хайрлашди, менга айнади деб мурожаат қилди, бу ерларда илгаридан шундай олат экан. «Қаршингиздаги қарагайзор ичида иккита қабр бор, унғача мана шу йулдан кетинг», деб йул курсатишди улар. Менинг ҳозирча шонмасдан йул босишимни ҳам оғоҳлаптириб қўйишди. «Шундан

кейин бир тепалик келади, ундан Утишингиз билан отларингизга камчи босинг. Ҳеч ким курмай ҳам қолади, у ёғидан қутулдик, деб ҳисоблайверинг. Шундан кейин Қизилкум бошлავади. Аллох йулингизни очик килсин», дейишди улар хайрлашарканлар. Шу икки кабргача Қалқамон эгардан йикилмаса эди деб, Аллохга илтижо килиб борардим. Йигит айтган тепаликка етиб келганимизда хамроҳим: «Ога, сенинг шарофатинг-ла Тангри бизга хамиша ёрдамими аймаётир. Ҳойнахой шу учраганлардан бири Ҳазрати Ҳизр Илэс булса керак», деди. Отларимизни бироз дам олдирмоқчи булдик. Вақт ярим кечадан утган, 14 август тунги соат иккилар атрофи. Қалқамон эгарда утиролмай, йиқилиб тушди. Уни яна отга миндириб, утказишнинг иложи йуқ эди. «Менинг жонимни ол, эзгу иш йулида мени пичоклаб улдириб, шу ерда қолдириб кет!» деди у қозокларнинг машхур «Жура Ботир» достони сузларини эслаб. Отларни тушовлаб, ут-уланларга куйиб юбордим. Қалқамон ухлаб, балки эртагача бироз дармонга кирар, деб умид қилдим. У бошини тиззамга куйиб, уйкуга кетди, мен ҳам қаттиқ чарчаганлигимдан бир тошга бош куйганимча ухлаб қолибман. Эрталаб соат олтига якин уйғониб кетдим, кунботардан майин салкин шабада эсарди. Ҳақиқатан ҳам Қалқамоннинг аҳволи бироз унланганди. Биз туваган тепадан анча узоқда, чиқаётган қуёш шуълалари остида қозок утовлари кузга чалинар, тепасида нимадир ялтираб куринар эди. Қалқамоннинг кайфияти кутарилди. «Отга мина оласанми? Отни тошга яқинроқ олиб келайда, сени устига ётқизай», дедим. Зурга эгарга утказганимдан кейин у: «Қултигимдан, оёғимдан от устига боғла», деди, боғладим. Тугримизда узоқдан элас-элас куринаётган қозок утовларига қараб жунадик. Бирок, йулдошимнинг от устида утиришга мадори йуқ эди, эгарга боғланганлигига ва ёнида суяб бораётганлигимга қарамасдан, бир ёнга оғиб кетаверди. Боғлаганларимни ечиб, уни яна ерга ётқиздим, бир оз дам олдик. «Мен утов ёнига бориб курай, балки у ерда ёрдам берадиган бирор киши топилиб қолар», деб жунадим. Қалқамон ётганича қолди, отнинг тизгинини унинг оёғига боғла. Қозокларнинг утовларигача уч-турт чакирим қолган эди. Улар олдига етиб боргач: «Қасал уртоғим бор, отидан йикилиб қолди, олиб келолмадим, ёрдам беринглар», дедим. Утов бошида ялтираб куринган нарса мис кубба булиб чиқди. Шу уйда қолдик.

Қозоклар жуда меҳмондуст халқ. Ҳали вақт жуда эрта булишига қарамасдан, Қалқамонни олиб келганимизча биз учун мол суйилиб, қозон осилибди. Ёш келинлар қасал учун қайғуриб турдилар. Бой онла булмаса ҳам, кимизлари бор экан. Қасалга кимиз, гушт пишгач эса, ёғоч товоқда шурва ичиришди. Шурва ичиши билан қасалнинг кузлари ёришди. Гушт егандан кейин: «Оғригим, қолди, тузалдим», деди. Тарихчи Рашидиддиннинг «Турклар қасалликларини сафар машаққатлари орасида утказадилар, гуё бу машаққатлар уларга бир

доридармондир», деб айтган сузларининг маъносини мен шунда англадим. Келган еримиз Қизилқумдаги «Туз кони» деган тузли кулнинг кун чикишидаги бир козокнинг уйи эди. Ойнинг ўн бирида Усмаатдан тоққа чиқиб, эртасига тоғдан тушиб келишимизда учинчи куни Сангзордан ўтиб, Қизилқумга етиб келгунимизча икки юз чақиримдан ортик йўл босдик. Бу йигит шундай оғир ва машаққатли йўлда ўлмай қолиб, ниҳоят Қашқирқуйнинг Тилак деган жойида касалидан тузалди.

Тушдан сунг йўлга чикишга шайланаётганимизда, волост мудири ўн икки аскар билан бу томовга келяпти, деган хабар олдик. Мезбон бизга тавозе билан: «Қоронги тушгач, Темиркозикка караб кетаверинлар. Эртага Мирзачўлни топасизлар», деди. Биз узимизни уй эгаларига таништирмадик. Улар бизни ўқимишли, сиёсий ишпар билан машғул булган, миллий манфаатлар йулида курашаётган кишилар эканлигимизни билиб турардилар. Энг муҳими биз жуда чарчаган эдик, яхшилаб дам олишимиз зарур эди. Отларимизга жуда яхши қарашди. Қалқамон узини бардам сезарди. Икки-уч соат утгач, бир козокнинг уйига учраб, ушя ерда дам оларсизлар», деб тушунтирди. Гарчи уларга ким эканлигимизни айтмаган булсак-да, бизни халқ манфаати йулида кизилларга қарши курашиб юрган ва ҳозир улардан қочиб Қизилқум козоклариникида бироз хордик чиқарган миззалар, яъни миллат учун курашиб юрган зиёли, сиёсий кишилар, деб тушундилар. Улар бизнинг отларимизни ҳар томонлама урганиб, ҳатто думларини кутариб қурдилар. Лекин исимизни суриштирмадилар. Қалқамон хайратомуз чидам кўрсатди. Одамлар ёрдами билан булса-да, отга утириб, мен билан йулини давом эттирди. Кун ботиб қоронги тушиши олдидан козоклар айтган ёлғиз утовни қурдик, шу томонга юрдик. Иккала от ҳам йўрга эди. Салқин тушиши билан улар илдам йўрғалай бошладилар. Қалқамон ҳам хурсандлигидан тетиклашди. Узокдан қуринган утовга ҳадемай етиб келдик. Бу ерда ҳам бизни жуда яхши кутиб олишди. Икки соат дам олдик. Тузалиб қунда қотирилган гушздан шурва килдилар. Уни ҳузур қилиб ичдик. Олдинга, юлдузга қараб, йулимизни сира узгартирмай, чул ичига кириб кетдик. Бирорта қуш ҳам, хайвон ҳам учрамайди. Ора-сира саксовул билан янтоқ туғлари ҳаракатларимизга гувоҳ бўлиб қоладилар. Кечга яқин отларимиз чарчаб қолди, лекин тунга қарамасдан, охириги кучлари билан булса-да олдинга интилардилар. 15 августда тонгга яқин хон саройи қолдиқларига дуч келдик. Отларни сувга қондирган, йўлда давом этиб, қуёш чиққан вақтда Мирзачўл номили қасабага етиб келдик. Бозор кунни эди. Қишлоқ четида жуда яхши гишздан қурилган бир уй яқинидаги козок утовига тушдик. Боғчалари ҳам бор, қовун суйдилар, чой ичдик. Ҳаттоки, биз анчадан бери қурмаган папирос ҳам таклиф қилинди. Уй эгасининг ўғли эса папирос чекаркан, биз ҳам роҳат қилиб чекдик, ҳаттоки бундан Қалқамоннинг боши айланиб

хушини йукотиб қўйди, мен уни тагин касал булиб қолдим деб анча қурқдим, лекин ярим соатлардан сунг ўзига келди. Отларимизга ем бериб, бозорда одамлар йнгилгунча дам олдик. Бизни танийдиган бирор киши учрамади. Тошкент томон йулимизни давом эттиришимиз учун қўнган уйимизга-қозоқникига қайтиб келдик. Улар ош тайёрлаб қўйишибди. Туш вақтида йулга чиқдик. Темир йул купригидан ўзок булмаган ерда от кечиб утадиган жой бор эди, шу ерга келдик. Йуловчи куп булганлигидан кечиб утишга шошилмадик. Ҳеч ким ҳеч нарса суринштирмади, пастликка тушиб, кечувдан утиб. Чиноз қасабасидаги таниш бир оиланинг уйига кирдик. «Отларимизни дам олдиршига руҳсат берсаларингиз, узимизга эса бир чойнак чойдан бошқа ҳеч нарса керак эмас», деб утиндик. Шу кишининг боғида 15–16 соат чамаси ухлабмиз. Эрталаб уйғонганимизча ош пиширишибди. «Ўз отларингиз билан олдинга қараб йулга чиқолмасаларингиз керак, улар ўзок йул юриб, толиққанлиги қуриниб турибди», дейишди. Бошқа отлар беришди. Отларимизни кейинроқ орқамиздан олиб бориб бермоқчи булишди. Бу отлар ҳам жуда зотдор отлар эди. Етмиш чақиримча келадиган орани тезгина босиб утиб, пешин намози вақтида Тошкентга кириб келдик. Бизнинг бунда учрашадиган жойимиз шаҳарнинг қок марказида жойлашган. Қозоғистон дорилмуаллимини биноси эди. Чорлик замонида бу бинода бир гимназия жойлашган, атрофи боғ. Отларимиз билан шу бокка кириб келдик, бизни муаллим Азимбек Беримжон кутиб олди. (У билан бир неча йилдан сунг Берлинга учрашганмиз...) Отларимизни шаҳар четидаги бир бокка олиб кетишди. У бизга керак одам эди. Биз ҳам отларимиз олиб борилган жойда тунаб қолишимиз лозим эди. Ўша кунлик кечқурун Туркистон мухторият раиси Муҳаммаджон Тинишбоев билан учрашдик. Биз жуда чарчаганлигимизни, айниқса, Тошкент билан Чиноз уртасида жазирамада энтикиб, холдан тойганлигимизни, бугун дам олиб ҳаммасини эртага гаплашишимизни, келган мактубларни ҳам эртага ўқишимизни айтдик. Шундай қилиб, биз узимизни хавф-хатардан холи сезиб ширин уйкуга кетдик. Бу сафар ҳам 15–16 соатча ухлабмиз. Биз босиб ўтган йулларни бирор кимса босиб ўтганлиги бирор бир тарихий китобларда учрамаган. Бу бир бетакроп воқеа булиб қолди. Бу дегани мен шуро айғоқчиларидан омон қолдим. Ўзбек халқи эса миллий озодлик қурашлари ғоясига садокатли эканлигини бир исботи эди.

## ТОШКЕНТ КОНГРЕССИ

Туркистон масаласи халқаро муаммолар орасидан урин олиши  
керак

§ 232. *Тошкентдаги яширин ҳаёт.* Эрталаб уйқидан уйғониб оқ  
файтунда Ивановнинг узумзорига кетдик. Чунки мени у ерда  
Абдуқодир, хотиним Нафиса кутиб туришганди. Улар июл ва август  
ойларини бу ерлик дустваримиз билан утказган эди. Олдиндан  
Тошкент ва унинг яқин атрофида тўрт ерда яширин яшашимиз учун  
жой тайёрлаб қуйишган эди. Булардан биринчиси узумзор, иккинчиси  
шаҳар марказидан Бешёғоч маҳалласидаги бир уй. учинчиси Келеда  
булиб қозоқлардан майор Абдурахмоннинг уйи ва ниҳоят гуртинчиси  
эса бизнинг Овлоқдаги хусусий боғ-уйимиз эди. Биз Келесда яшаб,  
йигилишларни эса Бешёғочдаги ҳовлида ёки уша Иванов узум боғида  
ўтказишга келишдик. Келишим ҳамоно менга икки мудхиш хабарларни  
айтмоқчи бўлишган, лекин мени ухлай олмай чиқади, деб яширишган  
экан. Бу хабарларнинг бири икки кун аввал Кўлоб ёнида Анвар  
пошонинг кизил аскарлар томонидан улдирилганлиги, иккинчиси, уша  
кунларда Самарқанд булими раиси Қори Комилга вахшиёна суикасд  
уюштирилиб, бошини эса русларга олиб борилганлиги туғрисидаги  
хабар. – Анвар пошонинг ўлдирилганлигига ишонасизми? – деб  
сураганларида мен: – Босмачиларда на қалъа, на мустаҳкам кўрғонлар  
бор. Шунинг учун уларнинг ҳаёти бир кун ичида бир неча бор қил  
устиди булади, – деб жавоб бердим. Қори Комилни ўлдирган одам  
бундан бир неча кун аввал Ҳаснат тоғларида биз билан бирга бўлган,  
ажрашаётганимизда бизга от ҳам бермаган, хоин Мустах экан.  
Қори Комил уша куни эҳтиётсизлик қилиб соқчиларсиз ёлғиз ўзи  
уйига кетган. Бундан фойдаланган Мустах, у намоз ўқиб турган  
вақтда узоқдан отиб ўлдириб, бошини олиб, Жиззахга, ундан кейин,  
ўша кунларда Тошкентда тупланадиган коммунистлар партияси  
конференцияси иштирокчиларига курсатиш учун Тошкентга олиб  
келган. Бу мудхиш воқеадан айниқса ёш йигитлар ғазабга келишган.  
Мустах қаерда бўлишидан қатъий назар, уни қулга тушириб, ўлдиришга  
келишибди. Бу хоин одам узоқ яшай олмади. Болшевикларнинг  
қуриқлашига қарамасдан, уни йук қилдилар. Қори Комилнинг ўлими  
ниҳоятда аянчли бўлди. У энг фидокор, зиёли ва жасур самарқандлик  
бир курашчи эди. Оилам билан узоқ вақтлар униқиди яшаганмиз.  
Туркистондаги маънавият ва маърифат соҳасидаги курашларда  
Мунаввар Қори Тошкентда қандай уринга эга бўлса, Самарқандда  
Қори Комил ҳам шундай уринга эга эди. Биз Ерлаймоқда бўлган  
пайтлари Қори Комил ёшларни илҳомлантирадиган шеърлар ёзиб,  
уни ўзи чиройли овоз билан ўқирди.

Бухорода биз билан ишлаган Диншо Балхаш қули атрофида яшовчи  
қозоқ уруғларидан қирққа яқинроқ йигитларни тайёрлаб бизга келиб

афшаниши учун ок фотиҳа берган. Улар Самарқандда бўлган бизга ски Бухородаги Анвар шоҳга кўшилиш мақсадида тўғи от соғувчилар сифатида Тошкентга келганлар. Бу йигитларнинг барчаси жўшқин, ўлимизнинг шайт ўспиринлари каби эдилар. Кўпчилиги уйларида олма, юк, шафтоли ёки коғуз деган нарсаларни татиб қуришмаган. Қўлақчон билан бирга келган Окмулалик қозоқ йигитлари ҳам Оқдоқдаги бизнинг боғ уйимизда яшадилар. Шоир ва театр ходими Диншо ҳам келиб кетган. У яна бизга кўшилмоқчи бўлганларни олиб кетмоқчи бўлган. Энди Анвар шоҳ ўлими муносабати билан еужуша келган вазиятда бу ешлар нима ҳам қила олардилар. Қўртларига қайтиб боришга мажбур эдилар. Тошкентда йиғилган ўзбек ешлари ҳам Анвар шоҳнинг ўлими ҳақидаги хабарга ишонмадилар, ишонганини хотламадилар. Ғарбда напир этилган асарларда, бошлешвиклар матбуотида, ўша йилнинг ёз ойларида босмачилар олиб борган қурашлар ҳақида ва бутун Туркистон эзелдилари фидокорона курашга қарор қилганликлари ҳақида бирор сатр ёзилмаган. Агар Анвар шоҳво келиш аскар қайдан улмаганида, шуро армиясининг ғарбий фронтда эмаси қришиб асарларини Туркистонга ташламаганида, шу август ойининг охирида Тошкент билан Анжобод орасидаги темир йўл бир неча кундан қаратилган бўларди. Хива, Бухоро ва Фарғонадан шуро кўшинларида хизмат қилаётган кўпчилик оғдлик курашчилари шонинга ўтишга таян эдилар. Бу ўринда шахсан Анвар шоҳ орақатини таъсирли ҳолат эмас. Ёргут Ўшиқоғобшининг, Юсуф Ўқчил ва ҳамма Чилушнинг Жанубий Қўзғолтиридаги Буқан тоғигача ўтишга кўрашчилар билан учрашувлари, шоҳнинг даъватлари ҳамда Самарқандда ўтказилган Жамиятимиз номидан Хивага, Жунайхонга биз йўлдан олдиришга кўрашчилар натижасиз қолмади.

Энди Самарқандда 19 август куни йиғилиб, 20 сентябрда Тошкентда 1919 йилиги Конгрессини ўтказиш қарорини қабул қилдик. У шайтларнинг шонини қўлажакка бўлган умидларимиз қагга эди. Конгрессда шонини ишлар ва миллий ҳаракатининг режалари кўриб чиқилиши зарур эди. Энди булса биз руслар келтирган қатта ҳарбий қўлақ Самарқандда виллоятлиги босмачи тўдаларини олиб ташламасин, деб қарор қилдик. Тошкентга келдик. Усукулук гапларга ҳамон ишонмаган, ишонганини хотламаган бўлсак ҳам, Анвар шоҳнинг шайт келганлиги билан ишонли хабар топдик. Конгрессда оғдлик учун кураш йўлида биздан буен ҳаракат режаларини муҳокама қилишимиз зарур эди. Конгресс сентябр ойининг ўн саккизинчи йрмаларида уч кун давом этиши тўғри эди. Лекин Туркистоннинг таниқли сиёсий арбоблари Алиқул Ёқубов, Ёрғут Рисқуллов, Аҳмад Ёйгурсуи, Муҳаммаджон Гўшқибой ва бунлардан Мунаввар Қори, Бухоридан Ҳакимзода, Мирза Абдуқадир Муҳиддин, туркманлардан адвокат Қақажон Бердиев ва бунларлар ушк вақт бошлешвикларнинг доимий назорати остида

бир жойга йиғиш мумкин бўлмаганлигидан, конгрессга бор йўғи уни-  
ун беш кишидан иборат вакиллар чақиришга қарор килинди. Ушша  
вақтда юқорида номлари тилга олинганлар урнига обрўли зиёликларни  
ва сиёсий фаол ёшларни ҳам назорат остида бўлмаган кекса ёшдаги  
зиёликларнинг ҳам ишга ярашмаслигини таъминладик. ИМБ ҳукумат  
муассасаларида ва болшевикларнинг махсус идораларида хизмат  
кўраётган «Жамият» аъзолари конгрессни ҳукумат идораларида  
ўтказишга шароит яратиб хавф хатарсиз ўтишини таъминлаб беришди.  
Самарқанддаги ҳукумат идораларида ишлаётган дўстларим ёрдамида  
мен ва билан туёқи Самарқанд агрофларида юрганлигим хақида  
овога тархатдим. Шу кунлари мен Тошкентда эканлигим туғрисида  
болшевикларнинг муғлақ хабари бўлмаган.

§ 233. *Оқ отнинг улани.* Ёзи Чинозда қолдириб келган оқ ва  
қора отлар оғир кунларимизда қутқариб қолгани учун бир тиласимдай  
кўриниб эди. Улар энди минимас эди. Келесга олиб келишганда  
уларнинг иккаласи жуда қолдан тойган ва қасат эди. Оқ от яғир  
бўлиб қолган эди. Бундай отларни қозоқлар яғир бўлган жойига  
итнинг тезагини майдалаб оёғини билан даволашган. Нафиса билан  
кўчада сайр қилиб юрганларимизда олдимиздан чиққан ит тезагини  
олиб рўмолчамга ўрадим. Нафиса менга: Бир қарасам, сиз бутун  
Туркистонни ўзид қилиш истаги билан бепайсал уллада кезиб юрасиз  
ва миллатни бунга даъват этиб етаклайсиз. Бир қарасам, бир отнинг  
елкасидаги яғирини тузатиш учун итнинг тезагини олиб рўмолчамга  
ўрайсиз. Бу ҳаракатларингиз бемаънилик эмасми? "Йўқ, меннинг  
ҳаракатларимда ҳатто қандай бемаънилик йўқ. Мен ахир қурсан от мени  
қутқарди. Ваҳоланки, бу ерлардан ветеринар тоғини кийин, итнинг  
учун, бу ишнинг жуда ҳам уринли деб билдиман. Миллатимга бўлган  
муҳаббат туфайли унга жонимни ҳам фидо қиламан". Бир неча кун  
ўтиб оқ отнинг олд оёғининг туёғи қалин тушгандай узилиб тушди.  
Демак, Оқтодан Кизилқумгача, Кизилқумдан Чинозгача бизни олиб  
келган отлар бугундай қолдан тойган эди. Туёғи тушгандан кейин ерга  
етиб қолди. Унинг кўзларидан ёшлар думалаб тушарди. Демак, қаттиқ  
азоб чеккан Қозоқларга отни дарҳол сўйишни буюрдим. Нарини қора  
отни ҳам кўзимдан узок тутини тузалиб кетса яхши, аке қолди, уни  
ҳам сўйинг дедим. Оқ отнинг суягини Келеснинг Санг деган чекка  
жойига кўмдик. Фурсат бўлса, отнинг қабрига тош қўйдиришни  
майор Абдурахмонга илтимос қилиб, қуйидаги мазмунида шеър  
ёзиб юбордим: Мачойнинг қуш учмас Оқотининг абадий қорлари  
орасида учқур тошларни ёстик, оқ булутларни кўрпа қилиб ухлаб,  
эласини қутган, душманларини қон қусдирган йўрғам. Тонг оқариб  
отмасдан, сичқон ўтмас йуллардан қорларни кўприк қилиб, қун бўйи  
югуриб, сакраб, гун ярмида Сангзор дарёсигача олиб келган, душман  
руслар қамалини ёриб чиқиб, жонимни қутқарган йўрғам. Тонгда  
Ивашига келиб, гун ярмида Кизилқумнинг Тилак деган тепасига олиб



келган. Қишлоққудан Сирдарёга, топи маҳали Чинотга соғ-симомаг олиб келган йўрғам. Қиёмаг куни шобатга бўлур. Мама шу қиёматда думингни ўйватиб, сазарингни ўйшатиб, меннинг олдима кел, куриям”

Келсанг бешетон утумлорларни оралаб яқин йўрғадан елти улим шайхарга келдим. Биз даярли хар туни йишлар тик. Оренбур, Семипалатинск, Оқмола ва Хивалардан ҳам дусларимиз келарди. Мужолатимиз кулроқ марҳум Анвар пошонинг улими ҳақида буларди. Бирок унинг ўлими ҳақида хаши ашиқ бир маълумот йук эди.

§ 234. *Еттинчи Туркистон миллий конгресси.* Конгресс 18 сентабрда очилди. Конгрессда Ун олтинта вакил қатнашди. Айниқса, қозоқ вакиллари яқин қатнашди. Уч кеча уч ерда гунондик Уюшма диятлаб, Бухорода берилган «Ўрта Осиё мусулмонлари миллий демократик федерацияси» деган ном урнига «Туркистон Миллий бирлиги» номини олди. «Алаш Урда» «Шимолий Туркистон» деб юрнатилишига қарор қилинди. Давлат идораларинин бошқарвин ва миллий маданиятни ривожлантиришда барча халқлар уртасида тенглик ва қардошлик тамонларинин амал қилувчи федерацияни мустаҳкамлаш, бундан кейин Туркистон муаммоларинин фақат Россиянинг ички муаммоси деб қарамасдан балки жаҳон миқёсидаги бир масала эканлигинин халқаро жамоатчиликка маълум қилиш зарур деган қарорлар қабул қилинди.

Конгресс қарорига қуз меъ аёлим билан бирга Туркистонда қолмасдан, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндиетон орқали Европага чиқиб, у ерда Мустафо Чукай угли билан биргаликда «Туркистон Миллий бирлиги»ни чет эл марказинин шакллантириш вазифаси юклатилди. Менга ваколатим хусусида конгресс раиси имзоси билан тасдиқланган расмий ҳужжат ҳам берилди. Фақат бу ҳужжат орамизда фарбий Европа тилларида ёзадиган киши бўлмаганлигидан, рус ва турк тилида бир парча матога ёзилган эди. Конгресснинг йигилиши охириги кунда Шаркий Бухородаги вазиятни билдирган бир мактуб ҳам келди. Мактубда Анвар пошо улимидан кейин ҳаракатга раҳбарлик қилиш ишлари Ҳожи Сомий билан доғистонлик Дониёрбек зиммасида эканлиги ҳақида ҳам ёзилган эди.

Конгрессдан кейин мен хотинимни қузатувчи билан темир йули орқали Ашхободга жунатдим. Узим эса Тошкентда яна роппа-роса бир ой бўлдим. Уша кунда бир ёш йигит мени қузойнакесиз ҳолдаги фотосуратимни Бошқирдистонга олиб борган. Кекса Минхож суратининг айнан бир нусхасини мактуб билан бирга Узган тоғларида бўлган киргизларнинг бош мужоҳиди Парпибекка етказган. Мен мактубда Парпибекка Қашғар томонга утиш туғрисида маслаҳат берган эдим. Парпи ҳужанинг жавоб мактуби билан бирга унинг от миниб тушган фотосурати бор эди. Буни менга топширгач, Минхож Бошқирдистонга қайтиб кетди. Кейинроқ биз Парпихужа билан Туркияда учрашдик. Унинг ҳаёти доло бир қаҳрамон достони

ди. Бошқирд на кезек курерлари Фарғона вилоятининг шимолий худудларида ҳаракат қилаётган қирғиз ряхбарларига ҳам улашиб келишди.

§ 235. *Арҳиди ʻИшмурзиннинг аспр олинishi.* Биз Тошкентда ҳукумат ташкилотига фаовият олиб бораётган ишонли дуётларим орқали яна бир қайғули хабар олдик. Бу хабар Аухали ʻИшмурзиннинг кизиллар тоқиятидан аспр олинишини ҳақида эди. Бу воқеанинг туғричилиги тасдиқловчи кўпимча маълумот ололмаган бўлса-да, шундай эҳалигига ишондик. Бир йилдан кейин, Қабулдалик пактигида ʻИшмурзин Москвада қатл этилганлигини эшитдик, лекин бу ҳақидаги бағайси тафсилотини 1925 йилда, яъни уч йил утиб, унинг кул естида хизмат қилган Хайбатуллоҳдан билдик.

Мен билан Аухади жангчилари 11 август куни Усмагда хайрланганимиздан кейин Маъмурбек ва Туроббеклар билан бирга Зомин, Уратена тоғларида маълум бир муддат қизиллар билан жанг қилиб юрмишган. Аухадининг дусти Хайбатуллоҳнинг айгишича, у Зомин темир йул станциясида ун чақиримча жануброкда Курук гулдирак яйловида кизиллар билан булган қаттиқ жангда аспр олинган. Уша кушлари Аухади ниҳоятда тушкун руҳда булган. Бу воқеадан бир кун илгариги ёмғирли, туманли кечаси турвасида «қора кунга» эҳтиёт қилиб юрган бир шиша коньякни дуётлари билан ичиб ичиб, Пушқиндан ўқиган:

У бу ердаги тоғларда узок қолиб кетишни уйламаган. Мочай тоғлари орқали Анвар пошо томонга утиб кетиш, у ердан эса Афғонистонга чиқиб кетишни уйлаган. Мачой тоғларидан келган Асрорхон отрядида булган Аухади бу жангда бетакрор жасорат курсатган. Лекин оти тошга қокилиб йиқилади. У одан учиб тушади. Бундан фойдаланган кизил аскарлар шитоб билан унга ташланишади. Аухади туппончаси билан бир неча кизил аскарни отиб улдиради. Бирок кўпчилик булиб қулга оладилар. Айни шу жангда кизил аскарлар билан булган полковник ҳам улдирилган. Полковникнинг оти эгарига боланган сумкаси ва дурбин ҳозир Туркияда яшаётган уша жанглар иштирокчиси булган Исломгарой қулида чекинаётган кизил аскар Аухади отини миниб кийганлигини куришган. Шу тарзда бошқирдиларнинг ҳарбий вазири аспр этилган. Уни аёвсиз қалтақлашиб аввал Зоминга, сунгра Тошкентга у ердан Москвага олиб кетишган. Ҳукумат идораларида ишлайдиган дуётларимиз ҳам Аухадининг кейинги қисмати туғрисида ҳеч нарса билишмадилар.

§ 236. *Тошкентдаги сунгги кеча.* Мен Тошкентдан Туркменистонга қараб 22 октябрда чиқиб кетишим керак эди. 21 куни кечқурун эса уртокларим маслаҳатига биноан яна бир тупландик. Эронга чиқиб кетгунча аввал бир неча ой вақт борлигини инобатга олиб турли жойлардаги ТМБнинг булимларини тацкил этиш ишлари билан шуғулланишимни сафдошларим айни бир мақсадга мувофик деб

билдиклар.

22 октябрдаги бу галги йигилиш Жамиятини энг сунгги йигилиши бўлиши ҳам мумкин эди. Суҳбатларимиз самимий руҳда утди. Айрим дустлар бошқа куриша олмасмиз деб йиғладилар ҳам. Бу тупланнида келажакимизга яхши умид ниятлар бир-биримизга нисбатан чин кунгидан қардошлиқ туйғулари ҳукмронлик қилди. Йигилиш жуда кеч тутади, мен кечани козокларнинг таниқли бир зиелиси уйда утказиб, эрталаб йулга чиқишим керак эди. У хотини билан бирга Петербургда ўқирди. Мен уларни исм-шарифларини келтира олмайман. Зеро, улар хали ҳаёт. Мен Петербургда бўлган вақтларимда бу оила билан яқин дустлашган эди. Мен ховлига келганимда уй бекаси йук экан. Уй бекаси тушлиқдан қолган овқатни иситиб берди. Мен овул козони кийимида эдим. Бекитишга қулай бўлиши учун кузойнагимнинг ҳам яқки кузлигини олиб юриб, сафар вақтларда жуда керак бўлиб қолгандагина тақардим. Соқол-мўйловимни козокларникига ухшатиб олдирдим. Уй хужаси мени бир бурчакдаги ўриндикка утказди. Хоним сени танимасин козокча гаплаш деди. Бир оздан кейин хоним келди. Хотини татар қизларидан бўлса ҳам эрига рус тилида: Овулдан ким келса ҳам турга утказиб едирасан, ҳатто уз креслосига утказасан деб нолий бошлади. Мен бўлсам ҳеч бир нарсани тушунмаган дунё аҳволдан беҳабар бир саҳройига ухшаб утиравердим. Бироздан сунг уй эгаси хотинининг қаршилигига қарамасдан, меҳмонхонадаги диванга яхшилаб жой тайёрлаб берди. Уларни қушни хонада ётишди. Шу икки хонани ажратиб турган деворнинг тепа томони очик эди. Мен уй бекасини жаҳл қилиб эрини тентаклиги ва русчалаб битлиқи козокни уйига олиб келгани устига устак яна диванга ётқизгани учун вайсаб эрига уйқу бермайди. Эри эса фақат «малчи», «малчи» сузиши паст овозда айтишдан нари утмасди. Мен ҳаммадан аввал турдим, кетишдан лаввал бир қогоз парчасига русчалаб ҳурматли хоним! Мен туфайли эрингизга озор берманг. Афсуски, Петербургдаги ҳаётимизни эслашиб гаплашиб ўтиролмадик. Бугунги вазият шуни такозо қилади. Бу ёзуваларни йук қилинг, деб имзо қуйиб, конвертга солиб, стол устида қолдириб чиқиб кетдим. Бир йил утди. Германияга келган чоғида Туркистондан Германияга ўқишга юборилган ёшлар орасида бир козок йигитини уратдим, бу йигит уша Тошкентдаги дустимнинг қариндоши экан. Унинг айтишича хоним мактубни уқиб қаттиқ қайғуриб йиғлабди, бу шармандалиқдан кейин бир кун келиб учрашиб қолгудек бўлсак мен бу муҳтарам зотни юзига қандай қарай оламан деб эридан хафа бўлган экан.

§ 237. *Тошкент билан хайрлашув.* Мени Бешёғочдаги уйимдан Чинозгача кузатиб борадиган бир ўзбек йигити кутиб утирарди. Тошкент-Самарканд каби ката темир йул станцияларида поездга утириш мен учун жуда хавfli эди. Чупки, Чиноз станциясида Сирдарёга ўтиш олдидан барча йуловчиларнинг ҳужжатлари

текширилаётганини эшитдим. Шунинг учун Чинозгача от суриб бордим, дарёдан утгач, Мизачулда поездга утирдим.

Уша куни мен Нугайкурғонга бориб бемор ётган дустим Фарид аҳволдан хабар олдим. Кечкурун эса Ковунчидаги Хужа Макбул угли Умарникига келиб тунадик. 24 октябр кечаси Ховос станциясига келиб поездга утирдим, чунки поездда асосан кечалари юришни вазият такозо қилар эди. Самарқандга бир бекат етмасдан, поезддан тушдим. У дустим Шахвали тайёрлаб куйган отга миниб Самарқандга келдим.

§ 238. *Самарқанд билан хайрлашув.* Самарқандда тўрт кун турдим. Тошкентда мени хорижга чикиб кетишни тўғрисида қарор қабул келингандан кейин чет эл матбуотида мақолалар нашр этиш учун одамлар хақида маълумотлар йиғиш зарур эди. Кечкурунлари дустларимизнинг уйларида йиғилишлар уюштириб, самимий суҳбатлар қурдик. Пойкабок дарвозаси яқинида яшовчи дустимнинг уйидаги йиғилишда Тошкентда келишилган масалалар ва қарорлар тўғрисида яна бир бор гаплашиб олинди. Менинг хорижга жунашим тўғрисидаги қарорни урлоқларимиз бир-бирига темир йўл оркали аллақачон етказишган эди.

Самарқандликлар бу сафар ҳам аввалгидай жасур ва самимий инсонлар эканликларини курсатдилар. Самарқандда рус аскарлари бош қумондони генерал Каменев штаби булишига қарамасдан, йиғилишларимиз хавф хатарсиз узаро ишонч ҳолида утди. Чунки вилоят бошқарув идораларида ишончли одамларимиз ишлашарди. Пойкабок дарвозаси яқинидаги узумзорда булиб утган йиғилишдан меида унутилмас дустлик хотиралари қолди. Дустларимизнинг узлари ана шундай туйғуларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Қади Хайдар мен учун махсус тикилган Самарқанд дупписи ва ипак чопон келтирди. Кимдир Самарқанднинг энг машҳур шароб тайёрловчисидан бир неча шиша шароб олиб келибди. Бу совгаларни уртамизда алоқа боғлаб турувчи оркали Туркманистонга бериб юбордим. Энг яқин дустим булган Мурод Хужа эшон уз дустлари билан маслаҳатлашиб чин кўнгилдан лента уралган бир даста гул совга қилишди. Лентада “мардлик ва матонатлик гулдастаси” деган сузлар ёзиб куйилган эди. Орада стоя йуқ, гилам устида утирибмиз. Дустларнинг бири утирган ерида менинг шаънимга ёзувни ўқиб чиқди. Кейинчалик Бухородаги афғон курери оркали Қобулга, Ҳошим Шойикка юборилган эди. Куйида унинг айрим нарсаларини келтираман. Бизнинг камтарона совғамизни қабул қилинг. Бу гулдаста охир-оқибат хазон булур, биз хоҳлаймизки сизнинг қалбингизда хатто суялмасин ҳам ва сизга булган чексиз муҳаббатимизни ҳамиша эслатиб турсин.

Гулдаста тепасига “мардлик ва матонатлик гулдастаси” деб ёзилган. Бу сизнинг сузингиз. Бутун Туркистон буйлаб озодлик учун кураш байроқлари кутарилди. Сиз нима учун яширин миллий озодлик курашлари маркази қилиб айнан бизнинг шахримиз ва вилоятимизни

танладингиз? Сиз ўзингиз утган иили Обирахматда Қурбон байрами учрашувини тушунгирдингиз ва бизни ўзингизга асир қиларли даражадаги қадимги араб олимининг куйидаги сўзларни келтирдингиз: “Муқаддас Самарқандда, Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларидаг фарқли равишда ута мард ва матонатли кишилар яшайди». Сиз самарқандликлар шундай эъқлигига ўзингиз иқрор бўлишни хоҳладингиз. Имонимиз қомилки, сизнинг кўнглингизни қолдирмади. Сиз бизга 1921 йилнинг 9 августида келиб турт кун бўлдингиз ва Қурбон байрами кунларида муҳим қарорлар қабул қилган эди. Бир ой утиб конгресс утқазилди ва Туркистоннинг миллий байроғини ва «Жамиъат» Низомини қабул қилди. Сизнинг Самарқандда бугунги кунга қадар ун турт ой ва ун беш кун муддат давомида Туркистон Жамиъат раҳбари сифатида фақат сиз тан олдингиз, деб биламиз ва топшириқларингизни сидқидилдан муносиб бажаришга бор кучимизни сарф этдик. Сиз бўлмасангиз “Жамиъат” ҳам йўқ эди. тарқоқ ҳолдаги мужоҳид гуруҳлари орасида узаро уришлар бўлиб турар эди. Уларда ғоя йўқ бўлиб, миллий ғоя йўқ бўлиб, уларнинг барчаси бутунлай мутаассиб муллалар таъсирида эди. “Жамиъат” Туркистон босмачилик озодлик даражадаги курашлари уртасида ички тартиб ва интизомни урнатди. Мардлик ва матонатлиликни қадимдан бизнинг халқимизга хос фазилат деб айтишингиз бу ҳақиқат. Бугун бу фазилатини ўзингиз намоён қилдингиз. Сиз Ургут тоғларида Ҳожи Абдулқодир олдида бўлган вақтингизда Бухорога келган Анвар пошо сизни уз ҳузурига чақириши биланок отда икки кунда Бухорога етиб бориб пошо билан Туркистон озодлиги кураши йулида турк йирик арбобларининг иштироки билан ҳамкорлик қилиш масаласини ҳал қилдингиз. Ғузурдаги Жаббор, Каттакўрғондаги Қорақул, Уратепадаги Холбутаҳужа, Бухородаги Қаҳҳор мулласиз от устида юриб айланиб, ҳаммаси билан шахсан куришиб, гаплашиб чиқдингиз. Ҳатто Баттол Ғозидай ашаддий душман бўлганлар ичидан юриб, уларни ишонтириб, барчамизни бир марказга, уларга самарали таъсир қилиб Жамиъатга бирлаштирдингиз. Ҳаммамизни ана шу Жамиъат раҳнамоларини эътироф этишга даъват қилдингиз. Қаҳҳор мулла одамлари бошқирд дўстларингизни баъзиларини хоинларча улдирдилар. Шу вазиятда сиз Нуротага Қаҳҳор мулла олдига ўзингизнинг доно тарбирларингиз воситасида омон қолганларини кутқардингиз ва босмачиларни ҳам Жамиъат сафида бўлишга эришдингиз. Ваҳоланки, уларнинг ўша вақтда амир томонига утиб кетиш эҳтимоли купроқ эди, сизни ўлдиришлари ҳеч гап эмас эди. Сиз Самарқандда турганингизда шаҳарнинг марказида жойлашган Улугбек мадрасасининг бир хужрасини ўзингиз учун учрашув жойи қилиб фойдаландингиз. Бу ҳам мардлик намунаси эди. Аммо Гури Амир мақбарасига бормадингиз, зеро у ерда қизилларнинг пистирмаси бўлишини билардингиз. Бунда донолигингизни намоён этдингиз. Сиздан Муҳиддин Маҳдумга

ёрдам бериш масаласини хал қилишингизни талаб қилишди. Сиз эса Тошкент ва Фарғона тарафларда шуро кўшинларида хизмат қилаётган бошқирд ва козоқ аскарларининг босмачилар томонига утишини таъминлашингиз лозим эди. Сиз буни рад эттингиз. Тугри иш қилдингиз. Зеро, кўп угмай Муҳиддин Махдум русларга кушилиб кетди. Агар ўшанда юртдошларингиз босмачилар томонига утганларида аскарларингиз огир аҳволда қолган булармиди? Сиз хар қачон огир босиклик билан рахбарлик қилдингиз. Буни биз мардлик ва матонат белгиси деб атаймиз. Раҳнамомиз булмиш Пайгамбаримиз Исомнинг буюкларига хос булган юксак фазилатни яъни мардлик ва матонатлиқни кўпроқ кадрлаган. Анвар пошо жангда халок булди Сиз бундай вазиятда миллатимизга тугри йул курсата оласиз ва озодлик учун олиб борилаётган курашимизда хорижий мамлакатлар ва хур миллатлар ёрдамини ҳам уюштира оласиз. Бундан кейинги хайрли ишларингизда ва бизнинг умумий мақсадларимиз йулида мана шу ёзувлар мададкор булсин. Замахшарий юксак кадрлаган мардлик ва матонат олис давлатларда ҳам сизга мададкор булсин! Мен бунга жавобан: “Барча эзгу фикр ва гоёларимни амалга оширишга имкон тополсам эди, узимни бахтли деб ҳисоблардим. дедим.

Ҳақиқатан ҳам мен Самарқандга келиб шаҳарни ургандим, унинг ажойиб халқи билан жуда яқиндан танишдим уларга бутун вужудим билан суюниб қолдим. Муродхужа Эшон каби дусларни унутиб буладими ахир? Қади Хайдар айтганидек: “Бу ерлардан Бурхониддин Сағарчи исмли шайх чиққан. У Бағдод ҳам Ҳиндистонда, кейинроқ Хитой мамлакатларида ҳам булиб, уз халқи учун фидойий бир инсон булган. Сағарчи Самарқандда дафн этилган. Ҳозир унинг қабри муқаддас қадамжога айланган. Менга сафарим давомида муваффақиятлар тилашди, яна кайтиб келишим учун доимо дуо қилишларини ваъда қилдилар.

§ 239. *Хорис Сисанбой.* Мен Самарқандга булган кунларда баъзан қабрстонларига бориб шаҳид кетганларнинг мазорларини зиёрат қилиб турар эдим. Улардан бири дустим Хорис Сисанбой булиб унинг қабри Ҳизр масжиди ёнида эди. У жанг майдонида эмас, безгак касалидан улган.

Иброҳим Қочқинбой, Олимжон Тугон ва Хорис Сисанбой каби содик дусларимнинг мазорларига бориб, хотирлаш ва эслашни бир умрлик муқаддас бурчим деб ҳисоблардим. Она қишлоғимга борганимда ёш вафот этган опам Айнул ҳаётнинг қабрига, 1919 йилнинг кишида Шарқий Уралдаги огир жанглар пайтида Қочқинбойнинг қорга кумилиб ётган қабрига, 1954 йилнинг кишида Ҳамбургда доктор Тугоннинг қабрига бориб уларнинг рухларига бахшида қилиб Қуръон тиловат қилдим. Ҳозир ҳам Хориснинг қабри ёнида шундай бурчимни бажардим. Қиёмат, махшар куни улар билан яна бир бор дийдор қуришамиз деб умид қиламан. Хорис бу дунёдаги

хастни чиндан ҳам ўтқинчи бир ҳол деб ҳис қиларди. 1922 йилнинг 6 майида бошини тиззаларимга қуйиб йиғлаган эди. У Нафиса ва менга қараб: – Улсам киёматда қўришамиз, шундай булса ҳам мени доимо эслаб, вақти-вақти билан дуо ўқиб, руҳимни шод қилиб турунглар, – деб қўлимда жон берган эди. Ниҳоятда яхши кўрган дўстларимизнинг қабри олдида тиз чўқиб Қўрьон оятларини ўқишдан, уртамиздаги шахсий боғлиқликнинг давомийлигига ишонмоқдан ҳам лаззатли нарса борми? Хорис менга алоқадор бўлган барча ишлар билан шуғулланди, отларимни боқди, қўлимга тушган барча пул муомалалари билан ҳам у машғул бўлди. Яширин қурол саклайдиган жойимиз ҳам. Харгушдан Бухорога олиб келган икки уртоғим билан Хорис илтиёрнада бўлди. Бир марта Бошқирдистонга, икки марта Хивага, куп маргалаб Бухорога бориб, оғзаки хабарларимни етказди. Ул жойи жаннатда бу нурнинг миллатимизнинг озодликка эришган кунларини қўришдан ёки булмаса шу йулда шахид бўлишидан бошқа мақсади йук эди. Русчани яхши биларди. Бухоро ва Самарқандда форсча урганди. Жуда ақлли, ориятли, жасур, узокни кузлаб иш қилгани учун унинг давлатни бошқариши ишларида фойдаси тегади деб уйлаб юрардим. У буш вақтларида Мирхонд тарихини ўқирди. Хотинимга нисбатан ҳам ниҳоятда эҳтиромли эди. Баъзан мен билан баҳсга киришиб кетиб, кейинчалик бунга ўзи куп ачинарди. Аждоллари булмиш салжукий беклар Чингизхонга қарши исёнлар бошлаб, куп жазолар тортгани хақидаги ривоятларни тарихдан уқигач, ўзича: “Балки бу нуқсон, бу ўжарлик бизнинг қонинида бордир”, деб ҳам қўярди. Бошқа икки дўстимга Бошқирдистонга қайтишга руҳсат бердим. Хорис эса мендан ажралиб, қаердадир, қандайдир бир вазифани бажаришни хохламади. Булун Тўркияда олдимда булса, ҳеч шубҳасиз илм соҳасида муваффақиятларга алобатта эришган булар эди. Унинг учун тарихни яхши билувчи жангчи шоир Бобур қабилар сиймоси муқамаллик намунаси эди. Мен унга Олтойликларнинг ички қофияли шеър ёзиш сирларини ургатган эдим. Темурнинг Кук Гумбаз деб аталган мақбарасини қургандан кейин кечирган тўйғуларини ифдаловчи бир гузал шеър ёзган, айрим сатрлари ҳали ҳам эсимда қолган: Кук Гумбазинг гўмбурлатиб, Қўрқитма бизни. Бек Темур, Қораяшм тошинг тебратиб, Қўрқитма бизни. Бек Темур.

Қоратош – нефрит Темур қабрига Хутандан олиб келинган. Буни Хорис Бартолддан ўқиган. У козок ва нуғой дostonларини яхши билади. Агар тирик булганда қандай яхши булар эди.

Самарқандда ўтқизилган турт кун мени янада бу шахарга ва одамларига яқинлаштирди

§ 240 *Яна Тўрқманистонда.* Шоҳвали Самарқандда Ашхободга поездга жунади. Мен булсам Самарқандда поездга утириш хавфли булганлигидан Утарчи бекатигача отда бориб, сунг юк поездига чиқиб, Амударёгача келдим. У ерда Фороб станциясида тушиб, эски

кадрон туркманлар уйига бордим. Бу ерда бундан икки йил аввал шоир Сайидгорай Мағоз билан бирга меҳмон бўлган эдик.

Танишларим мени кемага утказиб, Чоржуйга олиб утдилар. У ердан яна юк поездига утириб Марвга келдим ва кадрон дўстим Қакажон Бердиевникида туриб, 18 ноябрда отда Ашхободга келдим. Шохвали ижарага уй топиб қўйган экан. У Самарқандда дўстлар билан бўлган суҳбатларимиздан жуда мамнун бўлибди. Суҳбат чоғида бўлган гапларни қатнашчилар номини тилга олмасдан бариси ёзиб қўйилган экан. У ҳам бошқирд аксарий қисмлари босмачиларга келиб қушилишга шошмаслигини маъқул деб топди. 1 декабрда хотиним ҳам бир козок йигити кузатувида Туркистон шаҳридан етиб келди. Нафиса Шохвали билан поездда, мен эса отда Янги Марв яқинида яшайдиган туркман дўстимиз Коди Маҳмуднинг кишлоғига йул олдик. Ашхободда яшадик. Шаҳар ташқарисидан йигинлар утказиб туриш учун махсус уй ажратилган эди. Янги Марвда ҳам шундай килдик. Вақти-вақти билан жойни алмаштириб, шу икки шаҳарда яшаб турдик. Дўстим Фатхулқодир ҳам 8 декабрда Ашхободга келди. У Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Европа ва Туркия буйлаб мен билан саёхат қилмоқчи эди. Шохвалини биз Самарқандда қолдирдик. Бир неча кундан сунг икки уқимишли узбек йигити билан бирга Янги Марвга етиб келди. Улар Тошкент, Самарқанд ва Бухоро билан алоқа боғлаб турди. Бу ерга баъзан Оренбургдан ҳам одамлар келиб турарди. Шу аснода Эронга чиқиб кетгунча, тўрт ой яшадик. Жамиъатимизнинг туркман бўлими бизга отлар беришди. Шу сабабли узоқ ерларга чиқиб келиш имкониятларига ҳам эга эдик. Мен Маҳмуд Қошғарий асари урганиш билан машғул бўлдим ва Туркистон янги давр тарихини ёзиш билан ҳам банд булдим. ГПУ идораларида ишлаётган дўстлар ёрдамида гўёки мен ҳали ҳам Самарқандда юрибман деган гаплар тарқатиб. Анвар пошонинг ўлими хақидаги хабарни эшитгач, Валидий Шарқий Бухорога кетишга ҳозирланмоқда, деб гап тарқатдик. Тошкентдаги каби Ашхободда ҳам осойишта ҳаёт кечирдик. Руслар эса ҳеч қандай гумон қилишмади. У вақтда бизни туркманлардан жуда оз одам танирди. Анвар пошо ҳалок бўлгандан кейин унинг урнига раҳбарлик қилаётган Ҳожи Сомий билан Дониёрбеклар Жамиъат марказига Анвар пошонинг ўлими билан боғлиқ воқеалар тафсилотини расмий ҳисобот шаклида ёзиб, юборган эди. Бу бизни бир ярим ой ўтгач, пошонинг сунги қунари ва ўлими ҳусусида олган дастлабки маълумот эди.

§ 241. *Анвар пошонинг шаҳид бўлиши.* У шаҳид бўлганида ёнида бўлганлардан бир гуруҳи 17 августда босмачи Фузайл Маҳдум ёнида тупланиб, Тошкентга одам ва хат йуллаб, мени ҳаракат бошида бўлишимни сураб мурожаат қилдилар. Лекин хатда пошонинг ҳалокати хақида гап йўқ эди. Ҳожи Сомий уша вақтда Афғонистонда бўлган. Қайтиб келгач, маъқур шу расмий хатни йуллабди. Унинг ёзганлари самимий, раво ва ҳаяжон билан бир шеър каби уқиларди. Уша



вақтда Анвар пошо ёнида бўлган собиқ Бошқирдистон жумҳурияти ходимлари Мустафо Шохқули билан Хайбатулла Янбухтидан ҳам хатлар келди. Энг аниқ маълумотни Мустафо Шохқули келтирди, пошо Курбон хайити 4 август жума куни Балжувондан етти-саккиз чакрими узокликдаги Чакан кишлөгиде руслар билан булган жангда улган. Дастлабки кунларда русларнинг узлари ҳам бу тугрида маълумотта эга булмаганлар. Кейинчалик улар орасидан Анвар пошонни мен улдирдим, деганлар ҳам купайиб қолди. Айнан мавзуга оид воқеалар тафсилоти хақида ёзган шуро чекист-зобити Огабеков эълон қилган мақолада ҳам шу тугрида гап кетади. Россияда харбий асирликда булган австриялик Густав Крист "Такикланган ер орқали" асариде гүё Огабековнинг узидан эшитганларини хақиқат деб ёзган. Кейинроқ бу хақда югославиялик Махмуд Муфтич билан Ч.Ховард Эллис ҳам "Исломии кузатувлар" журналининг 1962 йил март ва декабр сонларида шу хақда суз юритадилар. Бирок буларнинг ҳаммаси уйдирмадан бошка нарса эмас. Хақиқатда эса Анвар пошо жангда рус аскарларининг укидан улди, аммо, кимнинг уки унинг хаётини тугатгани номаълум. Марҳум Анвар пошо мавқеи ва мартабасини камситмокчи булганлар унинг Чакандаги халокати тугрисиде анчагина бемаъни сузлар ёзишган ва ёзишда давом этмокдалар. Бу билан улар барча туркистонликларни ҳам камситмокчи истайдилар. Анвар пошо гүё харбий тактикани билмаган, юзаки бир довдиру, туркистонликлар эса сира ҳам ишониб булмайдиган харбий куч, деган фикрни хосил қилмокчи буладилар. Хақиқатан ҳам босмачилар харакати партизанлик уруши тарзида кечди. Юкориде айтиб утганимдек, Анвар пошонинг ва хар биримизнинг жонимиз хамиша тахлика остиде булди. Кейинроқ (урта аср тарихигача) Мунажжим Бошининг тарихий китобидан Анвар пошонинг Чакандаги улимга ухшаган бир воқеа тугрисиде укиган эдим. Унде ёзилишича 1210 йил Салжук султони Қилч Арслон II нинг угли Гийёсиддин Кайхусрав I нинг салибчилар билан жангда халок булиши ҳам Анвар пошо билан руй берган воқеага ухшаб кетади. Гийёсиддин Кайхусрав чекинаётган салбчиларни кувиб, душманиннг курул-яроғлари ва харбий аслахаларини ёлғиз бир узи улжа қилиб олаётган пайтда яқишида булган бир салбчи уни улдириб устидаги кийимларини ечиб олиб яланғоч холда ташлаб кетади. Анвар пошо менга: Мен Талъат пошога ухшаб Берлин кучаларида арман укидан улишни истамайман. Мен хаётимни туркий халқлар озодлиги учун фидо қилишни хоҳлайман. Агар гозий булмасак шахид булиб улармиз деган эди. У шак-шубхасиз юксак максадли бир идеалист эди. Унинг Туркистон озодлиги учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрман дейиш албатта самимий эди. Орзусига эришди ва унинг номи Туркистон тарихиде абадий қолди.

Агар дунё олдиндан бащорат қила оладиган кишилардан иборат бўлиб улар галаба ёки мағлубиятни айтиб беришганда эди, мағлубият

мукаррар бўлган ахлоқона урушлар ҳеч қачон бўлмаган буларди. Мағлуб бўлишни аввалдан билгач, курашишдан не фойда? Марҳум Жамол пошо бошқача эди. Жамол пошо 1921 йили Бухорода бўлган вақтимида Кобулдан юборган хатларида у босмачиларни шурулар билан тил топишга ундаб, уларни Афғонистонга жалб қилиб, инглизларни Ҳиндистондан хайдаб чиқаришда қатнашувга даъват қилди. Куп босмачилар уни бугунги ҳаётдан беҳабар бир ҳаёлпараст фитнесчи-авантюрист деб тасаввур қилардилар. Жамол пошо ҳам бир идеалист бўлганлигига ҳеч шубҳа йук. Лекин Анвар пошо соф идеалист эди. У билан Бухорода куришганимизда менга: «Ғалабага эриша олмасак ҳам, ҳеч бўлмаса, танамни шу ерда қолдириб, туркийларнинг келажагига хизмаг қиларман», деган сузларини чин кунгилдан айтган эди. У нима иш қилгани ва қилётганини яхши биларди, у босмачиларнинг инглизларга қарши курашиш учун Афғонистонга кетишини бир авантюра деб ҳисоблади. Бундай йулга кирмаслигини қатъий равишда баён қилди. У Афзалиддин хонга ҳам шу тўғрида гапирганди. Анвар пошо ҳалокатга учраган вақтда бошида турган бир неча урқоқларимиз кейинчалик Туркияга келишди. Уларнинг ҳаммаси айниқса Мустафо Шохқули билан туркман Мирзо Нафас айтганлари ҳам шуларни билиб олиш мумкин: Анвар пошо топшириғига кура Курғонтепани назорат қилаётган туркман Абдурахмон унга Курбон ҳайитидан бир неча кун аввал “Руслар Амударё бўйида Кулобга куп аскар юбориб. Афғонистон йулини туса бошладилар,” деб хабар берган. Афғон хони Омонулла Анвар пошони химояси учун Афзалиддин исмли бир зобит бошчилигида уч юзга яқин аскар юборган. Улар Бойсун сафарида ҳам бирга бўлганлар. Анвар пошо чекинаётиб Балжувон билан Кулоб орасидаги Гуврекчи деган жойга етганида Омонуллахондан бир хат келади. Бу хатда у Анвар пошони Афғонистонга келишга яна бир бор даъват этиб: “Сенга миллатимизнинг бағри, юртимизнинг дарвозаси очиқ” деб ёзади. Гуврекчидаги аскарий қисмнинг раҳбари Дониёлбек эди. Анвар пошо шу ерда бўлганида афғон аскарий қисмининг бошлиғи Афзалиддинхонни ҳузурига чақириб: “Сизнинг бу ердаги вазифангиз тугади, юртингизга қайтинг” деб буюрган ва Омонуллахонга қуйидаги мазмунда хат ёзади: “Мен қатъян шу ерда қоламан”. Улсам дусларимнинг юртида устимга тортиладиган тупрок топилар. Бу ердан кетиш катта хато бўлур. Аскарларингизга қайтишга рухсат бердим.

Аввалроқ, Лақайлар пошони қулга олган вақтда ҳам Омонуллахон Холлободдан узининг Нурулло исмли бир қариндошини жунатиб. Афғонистонга чақирганда ҳам Анвар пошо бош торган эди. Анвар пошо Чакан қишлоғида русларга қарши қаҳрамонона жанг қилди, лекин кўриб чекинаётган бир рус аскарининг укига учради. Анвар пошо аскарлари тарқаб кетди. Аммо Дониёлбек билан Форуқбек бутун кучларни янгидан туплаб русларни ураб олиб, уларнинг

Чаканга етиб келган баталонини деярли бутунлай қириб ташладилар. Мустафо Шохқулнинг фикрича, руслар Анвар пошо кимнинг уқидан ўлганлигини ҳам, ўлган киши кимлигини ҳам билмаганлар. Уша вақтда Анвар пошо ёнида бўлиб, ҳозир Туркияда яшаётган Мирза Муҳиддин билан Мирза Нафас Туркманнинг айтишича, марҳумнинг Анвар пошо экалигидан беҳабар тожиклар унинг кийимларини ечиб, салласидан қафан тикиб, дафн қилганлар. Анвар пошонинг кийимлари билан баъзи коғозлари бир ордан кейин тожиклар орқали рус айғоқчилари қўлига тушган бўлса керак. Ашхабодга Ҳожи Сомийнинг хати билан бирга олиб келинган хатларда турк зобитлари ва босмачи бошиқларидан Имомил Хаккий, Нафи-бей, Халил-бей, Ҳасан-бей номлари бор эди. Хайбатуллоанинг 11 августда ёзилган мактубида Усман жанидан кейин Магчо йули орқали Балжувонгача булган жанглариинг тулик ҳисоботи келтирилган. Унда Магчога жунашдан олдин булган жанглариинг бирини Аухадн Эшмурзининг қамалда асир тушганини, бошқа йуқотилар булмаганини туғрисида ҳам хабар қилинган. Хайбатулла Аухадийнинг ҳалокати хакида жуда тулик хабар берди. Аухадн эски кадрдоним, у миллий ҳаракатинг бошидан охиригача мен билан бирга жанг қилди. Хотирамда сақлангани у кун рус хотинини уйларди, мен эса унга: – Қуй, куп уйлама, бу уйлар яхшиликка олиб бормайдн, – деб кунглини қугарар эдим.

§ 242 *Марвдан келган меҳмонларимиз.* Уйда хотиним билан нақовимиз қолган эдик. Бу Абдулқодир билан Шохвали Тошкентга кетган эди. Хивадан Огабой ва Қурбон Марвдан эса туркман, Қози Маҳмуд немли дўстларимиз бизникига келиб қолдилар. Бизни хотиржам қилишга уриндилар. Қози Маҳмуд бизни уйига меҳмонга таклиф қилди. Нафиса боришини истамади. Қози бир узимни уйига олиб кетди. Уйда узн таёёрлаган вишодан анча ичдик. Бизни бир оқин яхши кўшиқлар айтиб хурсанд этди. Жалолоддин Румийнинг ижодини жуда яхши билган Қози Маҳмуд унинг бир шеърини уқиди. Мен эса шу заҳоти уни шеърларини ҳозирги чағатойчада уқиб берар эдим. Бу Қози яна илҳомлангирарди.

Маммуни:

*Жаҳонни сотиб олганинг  
Савдосига арзимас  
Оламни тасхир қилганинг  
Гаввосига арзимас  
Сенга бу сифра дунёда  
Қорун ганжини берсинлар,  
Эртага сен еттишгучи  
Ваъдан Фирдавсга арзимас.*

Бу шеърлар оддий бўлиб, мен туркийчага осонгина таржима этардим. Уларга маъқул бўлди. Шоирликдан асар бўлмаса-да, узимни

уша кунн худди шоирдай хис килдим. Ярим кечада Қози мени Курбон билан бирга Ашхабоддаги уйимизга олиб келди. Қози Махмуд йўл-йўлакай от устида туркман кўшикларини куйлаб келди Қози Махмуд зехили, айниқса кизикувчи бўлган. Марв атрофида ҳам ерлари бор эди. 1920 йили Туркменистонда биринчи бор яширинганимда мени шу ерга олиб келиб Темур ва Амир Ҳусайнинг 1362 йилда Ойрот амирлари билан бўлиб утган жойини кўрсатган эди.

Йўлда Жунайхон аскарлари туртайдиган аулга кирдик. Улар билан бирга бир печа соат хурсандилик килдик. Уларнинг ҳарбий кийимлари узларига ярашиб турар эди. Биз аввалроқ Ашхабоддан фотосуратчини аулга жунатган эдик. Уларнинг суратларини олдирдик, шу баҳона узимиз ҳам суратга тушидик (23-расм).

§ 243. *Рудзутакка ёзган мактубим.* Ойнинг йигирмаларида Тошкентдан навбатдаги алоқачи келди. У Турор Рискуловдан хабар келтирган эди. Унда Валидов партия марказий кўмитаси томонидан авф этилди, деган хабар бор эди. Шу муносабат билан Рудзутакни олдига зўриқ билан боришим лозим эди. Шундай бўлишига карамай Турор шунинг эътиборга олишини илтимос килган яъни, шу қарор муҳокамаси вақтида Рудзутак киноя билан: «Кейинги йилларда Валидов қаерларда бўлди, нималар билан шугулланди, номаълум», деб айтган сўзларини уйлаб ҳисобга олишимни илтимос килган эди. Рудзутак менга ёзган шахсий хатида: “Мабодо орқага қайтишни истамасангиз узингиз хоҳлаган мамлакатга чиқиб кетишингизни енгиллаштиришни уз зиммамга оламай” деган эди. Бу вақтда бутун Туркистонни қўлида ушлаб турган Рудзутакнинг кизик туюлган тағмаъноли таклифига шу захоти жавоб ёздим: “Партиянинг IX съезди кунлари қасаба союزلари масаласида гаплашган вақтимизда сиз ва Томскийга шуро давлатида партияенг ишчи қасаба союз аъзолари эркин меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинамаслиги лозим, у билан армиядаги аскарга ухшаб муомала қилинамаса яхши бўлади, бунга мен чин кўнгилдан айтаётirman, деб уз фикримни билдирганимда сиз икки қўлаб қулимни қисган эдингиз. Бирок бугун патижа қандай? Орадан уч ой ўтиб, Ленин Коминтернининг II конгресси учун тайёрланган миллий ва мустамлақачилик масалаларига 12 баъддан иборат тезисларини менга бериб, “фикрларингизни айтасиз” деган эди. Бу тезисларда Ленин бутун дунё миқёсида инқилоб галаба қилган тақдирда метрополия пролетариати мустамлақа пролетариат устидан ҳукмронлик қилади деган тезисларини таклиф қилди. Менинг фикрларим эса, Ленин учун шунчаки бишиб қуйиш учун керак бўлган экан.

Ленин гуёки «ини оппозицияси» платформасини ва Троцкий билан Бухарин қарашларига қўйилган бўлди. Бирок қўп утмай мутлоқо бунга қарама-қарши тезисларни қабул қилиб меҳнатқашар ҳуқуқларини хоҳиш-иродаларини инкор қилди. Биз ҳаммамиз шу жумладан Троцкий шахсан гушундик, бу шароитда фақат Сталинга

тасх багши. Дөнгөжин Фига деч кандай масалада ишоний булмаслигингиз  
эмис булдух. Россиядаги социализм шу алволда анъанавий рус  
инкарвацинги тэмис кетилде эди. Кимга идонийш мүмкин, кандай  
оркага кайтаман?

Сизга идонсам яз мавасийгиз мустахсамлигинга ишончингиз  
бирми. Иктивий масалалар хусусида орамизда фарк йук. Лехин  
ионгилебидилерде фарк ивонч ва сэмийийлик булиши керак деб  
илон шадимеи сиз яшик биласиз. Сизга утшаган инсонлар кайси  
сэмийий орамга ивонийш мүмкин? Муслумонларда бир накл бор.  
"Таш марта йонч запкан мүлмин бандаси иккинчи илон кирган  
тешкеде бармийши тикмайди" Бу хақ гап. Мен уз кароримга содик  
керемет. Лехин чалда булса хам илов ва эркин нафас олиб яшаш  
тешкеде керемет. Сизга мени дүст хисаблаган ва ишонган ўртоқлар  
Томский, Фрунзе ва Рудневга сазиматлик тилайман.

§ 244 Ленинга утлаган мактубим. Худди шу 20 феврал куни  
Москвага мактуб айтганим. Кут хурматли Владимир Ильич  
Башкир. Кут Адитивингиз сабабидан бу мактабни улоб беришга ружсат  
берилдик. Хатимда бундай мактуб борлигини сизга айтмасликлари  
иктивийдими мен олдиндан билиб турибман. Москваки, мактуб  
ташадими инок тутдаларини яна айрим ўртоқларга хам юбораман.  
Зотан бу мактуб тарихий хужжат хамдир. Ўртоқ Сталин ўртоқ Рудзутах  
юхали мени постигага кайтарингизга уринишда. 1920 йили Марказий  
Ташадими Бюродан келган мактубимда Москвага карши фаолийатимни  
кураштинлар сабага кийингилебидимни энчак билдирган булсамда  
у Фига билмасликка шадити. 1919 йилнинг 20 мартада сиз билан  
Москва мени ва болонга

жамолари астидаги шартномани  
битириб олган. 1920 йил 9 майда фахат сиз ва Сталин иккаланги.  
Ташадими ивонч билан бешке килдингиз. Бундан кейин кич хам сизга  
жамолар, урдага кайтаман бир тамомилама булган карорингиз эль  
китилеб, мен шаддан сизга тарашиб, норелингимни билдирганман.  
Сиз ва шартноманиги бир парча шад сифатида таърифлаб кул  
керемети. Хамбуки бу фахат шартномага кура болш кўмондонликка  
таърифланганери. Бу шартнадиган аюкида бошкирдларнинг армияси  
булган шад эди. 1920 майдаги карорга асосан хазир бошкирд  
аюктери бу хужуддан махрум килиниб, Волгабуий кушинлари  
кереметге бийондирилиб, айрим иккалар эса таркатиб юборилди.  
Хамбуки шадинг махшингизга керемет амалга оширилади. Бугунги  
кунда бошкирд аюкери амалда йук. Шунга ўхшаш бошка бир карор  
билан Уфа вилоятини Башкирдистонга кушдингиз, аслида эса  
нахрийдан ивонч бу чора амалда Бошкирдистонни Уфа вилоятига  
керемет шадан махшони билдикради. Шўро хукуматининг 1917 йил  
20 мартда шадан килган Россия муслумонларига муржаатиде та  
Россиядан ажралиб чикиншгача булган мустакил яшаш хукуки 1920  
йил 9 майда чикарган карорингиз билан тамомила йук килдингиз.

Бошқорд, қозок ва туркистонликлар бу курашларда маълумиятга эришадилар. ҳамда меннинг эртанга Совет Россиясини тарқатишим Россиянинг жануби-шарқий муқомиллари тарихи янги даврни бошлайди. Мустақимларнинг бу ҳуқуқлари учун олиб борадими бу курашлар халқлар кураш майда ичига чиқади. Меннинг вақифам бутун дунёга халқлар бу курашларни тарихини ва унинг асл моҳиятини олиб беришдан иборатдир. Бу маълумиятда халқимизнинг маълумиятдаги олиб беришнинг айрим томонларини олиб утишни лозим топдим.

Велижурус миллати ҳозир уз кели остида қолган миллат ва халқларга қарши нафақат илтимий-иктисодий соҳада, балки, маданий соҳада ҳам олиб беришнинг амалга оширишга киришди. Утган йили сиз бунга ташкил этган Шарқ университети мажмур сийосатни ҳаётга тадбиқ олишда бир марказга айланган МКда велижуруслардан иборат шарқ масалалари билан шуғулланадиган мутахассисларни вужудга келди. МК қошидаги Шарқ масалалари билан шуғулланадиган баъзи мутахассисларни Москвага қачириб олиб, уларга Шарқ масалалари бунга зарур ҳужжатлар тайёрлаш вақифалари юклатилган. Айнан ана шу шарқшунослар бир қанча китоб ва рисоалар ҳам нашр қилдилар. Аммо бу нашрларнинг маълумиятни белгилаб беришнинг нафақат велижуруслар амалга оширган. Бу ерда фаолият олиб бораётган узга миллат зиёлиларни бу юрларни учун ётган конституциялари ҳақидаги баъзи маълумият, бевосита уз халқлари ҳаётига оид бўлган масалаларни муҳофиза қилинишга ҳам аралаштиришмаган. Шарқ университети ва МКнинг Шарқ бўлими мутахассислар бутун шуғулланаётган энг муҳим иши айрим халқларнинг маҳаллий шеваларидаги товушларга мувофиқ равишда алифбо ва адабий тилларни майдонга келтиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу ишларнинг тамойилларини белгилашда ҳам рус бўлмаган коммунистлар қари борса маслаҳатчи сифатида қатнашганлар. Шарқ университети мутахассислари томонидан чиқарилаётган "Кизил Шарқ" журналининг сунгги сонида доғистонлик Умар Алиев ёздики, Шимолий Кавказдаги туркий тиллар учун рус кирилл алифбоси қабул қилинса олиб олиб унинг натижаси бу халқларни руслаштириш бўлади, шунинг учун улар озарбайжонлар каби лотин алифбосидан фойдалангани маълум. Алифбо ва адабий тил масалалари билан руслар эмас, маҳаллий мутахассислар миллий озодлик курашлари натижасида вужудга келган мухтор давлатларнинг мустақил ҳуқуқлари раҳбарлиги остида халқ этилиши лозим. Бунга ўхшаш мақолатлар шунингдек озарбайжон мутахассисларининг "Кизил Шарқ" журнали атрофида туркий халқлар зиёлиларини ягона адабий туркий тил теъарағида бирлаштиришга интилишлари велижурус мутахассисларини асабийлашмоқда. Узбек ва қозок зиёлилари иштирок қилган бир кенгашда барча туркий халқлар учун ягона лотин алифбоси асосида бир алифбо шакллантириш фикрини ёқлаган озарбайжонликлар, хусусан, Шоҳтахтински ва Жалол Қулиевлар

билан булган мунозира профессор Подшиванов ва бошқа руслар эътироз би ёдириб, маълумки, ҳозир лотин алифбоси қабул қилинишга удеқ бўлса, бари бир кетинчалик унинг урғига кириб қўлинилади ва қирқка яқин туркий дахъанин ҳар бири ўз алифбосига эга бўлини турғида гаширди тар. Шохтахтинский Подшиванов фикрларини қўлаб алоҳида шундан деди “Русларнинг қатъий ўзгармас мақсади туркий адабиётинини амал қилишига пул қўймайди. Бундан аниқ қуриши турибники, сиз, великорус уртоқлар, бошқа халқларнинг тили ва имло қондиенга аралашдинизми, уларин ҳеч қачон тинч қўймайсизлар ва охири руслаштирасизлар.” Сизнинг “Оқимга қарши” ва бошқа асарларинида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилатиш ҳақида аниқ билан фикрларини из билан ҳозир амалда қўлаётган сиеватингиз мутлоқ бошқа жааилигидан хайратга гунамаеликни шюжи йук 1919 йилинн ёзида биз Саранскда ўз қушишимизни ислох қилиб турган вақтимизда сизнинг вакилингиз уртоқ Зарецкий бир ой давомида эътиган халқларнинг келажаги, миллий ҳукуматлар ва миллий армиялар тузилиши ҳақида. Шуру ҳукумати тарихида биринчи марта бу масалаларни ижобий ҳал эгилиши ҳақида маърузалар уқиди. Мен эса ани шу насихаларингиз таъсиринда “Правда” газетасида мақола эълон қилдим. Аммо, орадан тўрт йил утмай, сизнинг сиеватингиз амалда мутлоқ тесқари томонга қараб кетмоқда. Энди РКП (Россия коммунисттик партияси) Россиядан олинедаги, Осиё ва Африка халқларини озод қилиш ҳақида жуда чиройли гаплар айтмоқда. Ҳақиқат эса великоруслар Туркистонда ханузгача мустамлақачилик сиевати давом этиб келаётганлиги ҳақида мақолалардан асабийлашмоқдалар. Туркистонда шахсан бўлиб шу масалани ҳаққоний кутарган Георгий Сафаровнинг мақолаи хам великорусларга ёкмади. Баъзи маҳаллий коммунистларнинг кам сонли халқлар майда балиқлар, бари бир китлар томондан ютиб юборилади, деб хулоса қилсалар великорусларга жуда маъқул бўлади. Уртоқ Артём Бошқирдистонда бизнинг баъзи коммунистларимизга: “Келажакда Хитой ва Ҳиндистондан ташқари Осиё мамлакатларда ягона шуру (рус) маданияти ҳукмронлик қилади, маҳаллий тиллар ва маданиятлар бунга қаршилиқ қилолмайдилар, бу тиллар коммунизм гоъларини тарқатишда бир восита бўлиб қолди” деган эди.

Бундай маънодаги фикрларни Артём бошқа жойларда хам куп такрорлаган. Бу сузлар Россиядан ташқарида хам тарқалган. Шубҳасиз бундай сиеват доимий давом этади ва оқибатда Совет Россияси ўз ҳолича мустақил яшаётган ва яшамокчи булган ҳар бир халқнинг биринчи рақамли душманига айланади.

Сиз “Коммунисттик интернационал” журналида эълон қилган тезисларингизда пролетариат диктатураси жаҳон микёсида галаба қилса, барча қолюқ мамлакатларда хам «илгор миллатлар»нинг яқин ёрдамида социалистик тузум қуришлари мумкинлиги ҳақида фикр юритгансиз. Ҳиндистонда, Туркистонда ва Африкада

Сизнинг фикрингизча шведиз, рус, француз ва Белгия пролетариати мустамлақчилик снсагини давом эттиришни керак деган маъно чиқади

Мен 1915 йили Уфада сизнинг уртоқларингиз билан суҳбатлаган вақтда ош курадингиз соғналистик тузум терроризмик асосида халқлар эркини наймол қилади деган гап йук эди. Энди нима булди? Ичкилоб халқларингиз эркини йуқотувчи террористик режим урнатилиш мақсадида амалга оширишдими? Ўнтаконетизга касабатуошмалари хуусеида булган мунозараларинда берган саволида хақиқатни айтган экан. Унда шулар айтганига эди. Ишчи ташиқилотларининг эркини наймол қилманглар, чунки ичкилобни улар тер ва қон туқиб амалга оширганлар. Ҳатто, Роза Люксембург ҳам агар голиб халқлар империалистик анъаналар домида қолса, бундай социализмдан яшиллик кутиб булмайдди. Модамники, Россияда оциализм империалистик анъаналар даражасига тушиб қолмаган булганга эди, Россия ҳукмронлиги остида булган халқлар тил лахчалари асосида қандайдир сохта, илмий асоссиз, ягона бир янги тил хақида шов-шув кутариб юрармиди?

Согайиб кетсангиз балким йул күйияган хатоларни туғирларсиз. Мен бунга умид қиламан.

Сиздан биргина илтимосим бор: хомиладорлиги сабабли мен билан бирга эртага Эронга чиқиб кетолмаётган хоғишим Шафисага кейинроқ Германияга чиқиш учун рухсат беришингизни сурайман.

Аҳмад Заки Валидов.»

Рудзутак ва Ленин номига ёзилган мактубларни ишончли кишилар орқали юбордим. Биз Эронда булган чоғимизда Машхадга келган Саъдулла Хужа Турсунхужаев Ленинга ёзган мактубимни менинг собик адъютантим ва Марказий Ижроком аъзоси Абдурашид Бекбобов ўзи шахсан топширибди.

§ 245. *Баъзи уртоқларимга видоланшув мактубларини.* Икки кундан кейин мен бошқирд зиёлиларига мактуб ёздим. Мен 1943 йили Германияга келган ҳамюртларимдан худди шу мактуб Шоҳвали этигишинг пошчаси орасига тикилиб эсон-омон манзилга етиб борганлигидан хабар топиб жуда хурсанд булдим. Энг муҳими мактубни купчилик уқиган ва «машхур мактуб» номини ҳам олибди.

Биз Эронга утиб олганимиздан кейин бир туркман савдогаридан мактублар нусахасини ва айрим муҳим қоғозларни менга Муҳаммадободга жунатиб юборишни илтимос қилдим. Мен Бошқиристондаги уртоқларимга юборган мактубнинг баёни куйндагича:

«Мен миллатимиз ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва озодлиги учун имкони борича ҳаракат қилдим. Бизнинг Бошқирдистондаги ва Туркистонда олиб борган ҳаракатларимиз купчиликни ҳаяжонга келтирди. Амалдаги ишларимиз турк, доғистон, озорбайжон, афғон хаттоки, Анвар пошонни узига жалб қила олди. Пошиа билан шуро давлати



уртаси бўлиб утган урушда Москвани галабаси билан тугаганилиги биз учун огир вазиятни юзага келтирди. Агар совет полша уруши яна бир неча ойга чузилганда эди, Бойсун-Гузорда Анвар пошо Самарқанд вилоятидаги Жиззах-Нурота босмачилари бирлашиб Самарқанд ва Бухорони олиши мумкин эди. Темир йул бўлиб кун жойларда портловчи моддалар (динамит) тайёрлаб қуйилган бўлиб август ойида Қизил Армияни Қизил-Арват ва Сирдарё йуналишларидаги йуллари тусиб қуйилар эди. Бундай бузмади, Москва ката кучларни Туркистонга юбориш имкониятларига эга булган эди.

Вазиятни август ойида бизга нисбатан огирлашганига карамай, мен курашни давом эттиришга ҳаракат қилдим, август ойининг охирида эса Шаҳрисабз ва Самарқанддаги барча босмачи қўшинларини ҳамда бошқирд, татар ва козок зобитларини Анвар пошого қўшишга ҳаракат қилдим. Лекин бу масалада омадимиз келмади. Анвар пошо жангда шаҳид кетди.

Ҳуди шу вақтда (сентябрда) Тошкентда бўлиб утган ТМБнинг яширин конгресси менга курашни хорижда давом эттириш ваколатини бериб, унинг тарихини баён этиб, амалдаги ишларни шундай ташкил қилиш лозимки, бу кураш халқаро тус олсин.

Мен Европа ёки Туркияда яшайман ва ишлайман. Ҳақиқатга тик караш керак: курашларимиз бу босқичда ҳамда Шуруларга қарши кенг миқёсдаги қўзғалон ва уларни ён босишга мажбур қилиш йулидаги ҳаракатлар натижа бермади ва бермаяпти. Миллатимизнинг ҳозирги аҳволини бури чанғалидаги қузичокка ухшатиш мумкин.

Биз янги шароитда курашларимизни янги босқичга кутарамиз, унинг янги саҳифаларини очамиз. Мамлакат ичидаги очик курашлар барҳам топди. Россияда шурулар ҳукумати муаммолари халқаро муаммоларга айланди. Бу билан буидан кейин йирик давлатлар шугулиланади. Мустамлакадан озод қилиш, халқлар мустақиллиги ҳақида эълон қилган шуруларнинг ёлғонлари социализмни меҳнатқашлар ҳукуқларини химоя қилиш урнига империалистик гояларга хизмат қиладиган бир тузумга айландим. Шу кунларда мен бу масалалар хусусида мактуб ёзиб мени кечирдик деб эълон қилган Ленин ва Сталинга жўнатиш учун Тошкентда Рудзутакга тонширдим.

Ҳозир амалга оширилади ан сиёсий дастурлар келажакда рус тили ва рус маданияти ҳукмронлиги нафақат Россияга тобе булган улкаларда балки, Россияга қўшни булган Осие ва Европа мамлакатларида ҳам урнатилди. Жаҳон миқёсида социализм урнатиш гоясини амалга оширини учун бутун дунё халқлари мажбуран жалб қилинади: бу аслида асосий мақсадга эриниш йулидаги бир восита холос. Бутун дунё халқларини руслаштириб бўлмайди. Бирок бу ҳақиқатни дунё аста-секинлик билан аниқлаб боради. Чунки русларга тобе булмаган мустақил халқларга рус империализмининг ўзи а хос хусусиятларини руй-рост тушуитириш мураккаб бир ишир.

Хаттоки, буни ёш хиваликлар ҳукуматини руслар бундан турт ои аввал қўлини қўққа соғурғича тушуниб етишимди. Наҳотки бу ҳақиқатни англаш учун бошқа халқлар ҳам руслар иттиҳодида бўлишлари шартми? Бошқардистонда киринчилик қўзғолонларга қандай вазият бўлишидан қатъий назар мутлақо йўл қўйиш керак эмас. Сулаймон Мирзабулатов ҳаракатига ўхшаган ҳаракатлар бизнинг халқимиз учун ёмон оқибатлар келтириб чиқаради. Бундай маслаҳатни мен Бухорода бўлган вақтимда етказган эдим. Яхшиям қўрбонлар кам бўлди.

Ҳозир эса барча имкониятларни қўйидаги энг муҳим масалаларга қаратишингиз лозим:

1. Ёшлар таълими, илмий ва техника соҳасида мутахассислар таёрлаш.

2. Тадбиркорни майда хусусий савдо ишларидан воз кечишларига ишонтириб, ширкатларга кириб, социалистик идораларда фаолият олиб боришга ва шу йўл билан ўз миллатига хизмат қилишни урганиш. Мен бу ҳақда 1919 йилнинг августида Истарлитамокда ҳам гапирган эдим.

3. Тилимиз ва динимизни сақлаб қолиш. Зеро энг катта йўқотиш бу аввало миллий тилимиз ва динимиздир. Модомики бундан кейин расмий ташкилотлар русларнинг ихтиёрида булганлиги сабабли фақат у жойларда ишлаш мумкин бўлади. Шунинг учун тил ва динни сақлаб қолиш учун очик ва яширин йўлларини қўллаш лозим бўлади.

4. Туркистондаги қурашлар тарихининг навбатдаги саҳифаси халқаро масалалар мақомини олади. Бунга ишониш ва тайёр бўлиш керак. Волгабуйи ва Урал туркийлари Туркистон билан бирдамликда мустақиллик учун қурашмоғи лозимлигини ҳам унутмаслик керак. 1917 йилдан буён биз шу масала билан шуғулланиб келдик, бу келгуси авлодларга буларни бир муқаддас амал қаби тушунтирмоқ зарур.

Агар эркин дунё бирлашиб болшевиизмни йўлини тусмаса, Осиё халқларининг қўпчилиги Шурулар томонига утиб миллий низоларни қўчайтириб бораётган коммунизм ғояларида ўзаро қурашлар авж олиб бораверади. Зеро биз китъалараро ҳаво орқали алоқалар тараққий этаётган даврда яшамокдамиз. Шу билан бирга савдо-сотик муносабатларида ҳам шундай жараён содир бўлаётган бир вақтда Россия аввалгидай шарқ-улларини монополистик тарзда танҳо ўз қўлида ушлаб тура олмайди. Россия учун туркий халқларни ўз томонига тамойилига тортиш учун юз йиллар керак бўлади, бунинг учун улар Кавказ ва Украинада руслаштириш сиёсатини – муваффақиятига эришмоғи лозим. Қолаверса, руслаштириш сиёсати қўрбонига айланаётган халқлар қўл қовуштириб утирмайдилар: улар русларга қаршилиқ қўрсатадилар. Келажакка оид баъзи фикрларни баён қиламан, фақат бу бир қаромат деб қабул қилманг. Рус империализмининг ва халқаро миқёсда инқилобий жараёнларни жадаллаштирилишини оқибатида XX асрда дунё халқлари тақдирида жуда катта воқеалар

созир бўлади. Бу боридаги уларга ҳақ бўлган бекларни қўриқиб  
Биз айтганга ўқиб Умарийлар. Тасдиқларини ҳақ қилушни кўрадилар  
қулайиб боради. Бу воқеалар ва айтишни яна тил таълимини ўзидан  
ярашиб боради. Бундай имкониятлардан суғроқ қўриқилар  
яшайдиган мамлакатлар, ҳусусан, Туркиянинг фойдаланишга  
дедим. Биз аялоқчи бўлишни тилларини қўриқиб созир бўлади деган  
фикрга ишонтириш десим. Ўшааримиз ижтимоий тар. Ишонтиришнинг  
ишлангандай ишонтирилари десим. Биз ҳозир таълимнинг қўриқиб  
ишончим қўриқиб, ҳозирги кўриқиб ҳаётлик қўриқиб ўқиб, эркин  
қўриқибни кўриқиб қўриқиб элади.

Биз бошларистонда миллий ҳаётлик ҳарикатларини қўриқиб, қўриқиб  
йўллар билан амалда қўриқиб бўлишни қўриқиб. Россиянинг қўриқиб  
асосида қўриқиб миллий қўриқиб ташкил қўриқиб. Ҳаётлик қўриқиб  
миллий маъбуот сўриқиблариди ва маъбуотларда қўриқиб тартибот  
қўриқиб. Туркиянинг ҳақ бу ҳарикатлар бунга ерда қўриқиб  
афеуски ҳаётлик ва қўриқиб қўриқибни бир тўриқиб бошларини бўлиб,  
босмачиларини қўриқибни мустақил муқабиллар ташкирида эди. Биз бу  
қўриқибларини миллий тўриқиб қўриқибни қўриқиб, эди қўриқиб  
сари йўриқиблариди. Ниҳоят бу ҳарикатларда Туркиянинг ички тарихини  
проблемари ўз қўриқиблари билан бирга шахсан қўриқиблариди. Бундан  
тарихий воқеалар бир-икки аялоқ ҳаётлик давомида қўриқиблариди.  
Модомки, туркий халқлар ўқиблариди мустақиллик қўриқиблариди  
қўриқиб қўриқиб, келажакда ўз халқининг буюк шахслари – Жонбекхон,  
Амир Темури, Эдигей ва Қучум қабидаларини ўқиб ҳаётликлариди  
яшандилар.

Уқибларимизда шундай даврлар бўлганки, бизнинг халқларимиз  
туркий бўлмаган қўриқибларини ташкил қўриқиб халқлар орасида ўз  
тилини йўриқиб эки йўриқиб арафасида бўлган пайтларда ҳам  
биринчи имконият пайдо бўлишни билан яна ўз ҳаётлик келди бошларини  
ва ўз давлатчилигини тез муддатда тиклаб олишган. Бунга мисол  
қўриқиб хитойлар орасида яшаган тўриқиб, шото ва товғоч уруғларини.  
Ҳиндистонда яшаган қўриқиб ва қўриқибларини, финн-угролар орасидаги  
арпатларини айтишимиз мумкин. Қўриқиб қўриқиб бўлган лекин ўзлариди  
яшовчанлик қўриқиб аялоқларини сақлаб қўриқиблариди. араблар  
ва қўриқиблар орасида ўқиб, оғочари ва оққўриқиб туркийлар тарихини  
мисол тарихида қўриқиб оламиз. Мен булар ҳақида қўриқиблар  
қўриқибни ҳаётлик эдим. Эргенакон қўриқиб қўриқибларини айтишнинг  
уни ҳаётликда йўқ деб қўриқибганда туркий жамият тикланган.

Вақоланки, биз руслар орасида тарихимиз давомида энг хавфли  
даврни бошдан қўриқибларимиз. бундан асло қўриқибларга қўриқиб  
қўриқиб эмас. Мен шахсан омадсизлик қўриқиблариди қўриқиблариди  
оламиз. Биз қўриқиблар зикр қўриқиблар қабидалар ўқибларини  
сақлаб қўриқибларини ўқибларини тарқ қўриқиблар ва эркинларини  
сақлаб қўриқиблар. Миллатимиз қўриқиблар бир илдиздай, унинг бир қўриқиблар



Бошқирistonлик бир дустимга йуллаган мактубимда қуйидагилар ёзилган эди: «Мени шу кунларда бенихоҳ ҳушиуд қилаётган воқеа бу Султондурковнинг Шаҳрисабздаги қўшинлари ва Қармана ва Нуротала Иброҳим Исҳоқов қўшинлари орасида бошларга қўшилиб жанг қилиш истагини билдирганлар қўпчиликти ташкил этар эди. Хаттоки, Тошкентдаги Троица казармасидан бутун бир батальонлар биз томонга интилишар эди. Мен уларни тўхтатдим. Шошилмасликларига маслаҳат бердим. Агар тўхтатмаганимда эди ҳозир фақат Абдулқодир иккимиз эмас балки, бутун бир полк четга чиқишга мажбур булармиди, булар эса жуда ката муаммоларни юзага келтирар эди. Уларни Эрон ва Афғонистонга жойлаштиришни иложи булолмас эди. Ваҳоланки шундоқ ҳам босмачиларнинг озодлик учун олиб борган курашларида қатнашган ўзбеклар, туркманларнинг омон қолганларини қўпчилиги хорижга чиқиб кетишга мажбур булишмоқда.

Мен уларга куздан йироқ булган овлок кишлоқларга яшири-нишларини маслаҳат қилдим. Мен ёзган мурожаатларимда энг яхши йул агар имкон булса ватанда қолиш. Ва имкони борича динимиз, она тилимиз, миллий мавжудлик ва маданий бирлик учун курашмоққа даъват қилдим. Зеро, у юртидан қочиш, бу ўз жонини сақлаб қолиш ёки устамонлик билан ҳаракат қилишдир, ҳолос. Агар сиз бошқирдлардан ким ўз юртида қолиш имконлари булмаса Туркистонга ёки Шарқий Туркистонга бориш маъқул булади. Сиз ҳар қандай имкониятлардан фойдаланиб ёшларни таҳсил олиш учун Европа ва Туркияга жўна-тишингиз лозим».

## VI ЭРОН ХУРОСОНИДА ЕТТИ ХАФТА

246. *Эронга ўтиш* Нафисани куз ёриш вақти яқинлашгани сабабли қолдириб кетишга туғри келди. 21 февралда биз Аннамаҳмуд исмли кузатувчи туркман ҳамроҳлигида Эроннинг Машҳад шаҳрига қараб йўлга чиқдик. Бундан икки кун аввал Санги Сувлокка Аннамаҳмуднинг бир дусту орқали баъзи қогозларимизни жунатган эдик. Ашҳабоддан одамлар кузига чалинмайлик деб, биз беш келометргача йўлни Абдулқодир билан пиёда юрдик. Келишилган жойда тайёрлаб қўйилган отларга миниб олдим. Ҳаво жуда яхши, ойдин кеча эди. Анов харобаларига етиб келдик. Масжид гумбазлари остида шеърлар жуда жарангдор чиқар эди. Бир неча минг йиллар давомида инсониятнинг илк цивилизациясини сақлаб келаётган бу Ановни айланиб юриб, узимча уйладим: Ким билсин, балким мен Туркистонни охириги марта қуришимдир. Уша кечаси Кавдонли дўлида тунаб қолдик. Эртасига Ганди Чашма сулини четлаб ўтиб, Эроннинг Санги Сувлоқига, яъни Тешиктошига келдик. Санги Сувлок аҳолиси фақат туркийлардан иборатдир. Қурбон Маҳмуд ва Эрон чегара қуриқчилари жуда меҳмондуст экан. Ашҳабоддан жунатган қогозларимни ҳам шу ерда олдим.

Биз руҳсат олганимиздан кейин ҳам бу ерда яна икки кун қолдик. Нодиршоҳ ва угли Ризо Қули хақида ривоятлар эшитдик. Қишлоқнинг номи Султон Санжар ва қорахонийлар даврида бу ҳудудларга урнашиб қолган чигил қабиласини номи билан боғлиқ бўлса керак.

Яна бир ҳодиса хотираланади: бу тарафлардаги туркманлар Қучон, Бужнурд ва Машҳад тарафларини талон-тарож этганларида Тешиктош ва Чиглондаги туркийларга зарар келтирмаганлар. Чунки улар туркийларни аслзодалардан деб ҳисоблашарди. Бу туркманлар ҳужумидан қолган тотлар ва қурдлар отда тиконли бутазордан от қопғириб боришар экан либосларини тиконли шохлари тартқилаб қоларди. Булар қурққанларидан ортларига қарамас ва туркман тутиб олди деган ҳаёл билан, «қой, ярамас, қуйвор!» деб бакириб йиғлашар экан.

Вазирларининг иғвоси натижасида углининг кузига мил тортиб, қур қилган Нодиршоҳ айтган туркча шеърлардан уқишди. Улар бу ҳодисани бир дoston моҳиятида айтадилар. Нодиршоҳ қилган иши оқибати эканини билгач, вазирларини ва бошқа айбдорларни Қучонда қатл қилган. Улиқлардан тепа ҳосил бўлган. Бу тепа устига чиқиб, Имом Ризонинг Машҳаддаги мазорини қурган ва «энди булди, ҳеч ким ўлдирилмасин» деган. Аммо ўлганларнинг яқинлари яна бир фурсат топиб Нодир шоҳни ўлдиришибди. Нодир шоҳнинг узи бу ерга яқин Шиглон кишлоғидан Афшарли атрофларидан экан. Булар суннийлардир. Айтишларига қараганда, бу атрофда ҳар тепа, сой ва

даранин уз тарихи ва ҳикояси бор экан. Ўзининг қўлида Истанбул газеталаридан эски бир нуسخасини (сонини) кўрдик. Унда Ўзининг хабарлар эски бўлишига қарамадан завок билан ёзилганлар. Ва Ўзининг Туркистонда русларга қарши жангларимизни сураб, қизиқинг билан ёзилганлар. Айниқса, Анвар пошта оқибати ҳақидаги айтган маълумотларимиз уларни хайратга солди. Булар туркмавларнинг яъни Подир шохнинг Эронда ҳокимиятини тугатган сулола сифатида Қожаларни тан оладилар. Уларни фореланиган турклар деб билишсади (яъни узи турк, сузи фореча) ва фореча сулолани Тохроилларни ҳам Қожалар дедишсади. Қожаларнинг билк ҳукмдори бўлган Ога Муҳаммад хондан шикоят эдилар. Ва унга «Октобрий шох» дея ном қўйдилар. Яъни узи Подиршохнинг оғдари ва қаровчи «Ахтари» деб билишдилар. Уз беқларига, айниқса, Забарласт Хонга ҳурматлари чекенди. Ақидларини кўра Эронда ва балки бутун жаҳонда яхшилик нешкوماتини берувчи Туркман ҳокимияти ва Туркман Давлати Подиршохнинг қилгани Шикоятда тузилар эмас. Буларнинг элтиқовларига Подиршох асло шикоят эмас, очик-ойдин сунна эди.

§ 247. *Аббос Қулихонникиди меҳмон бўлганимиз* 28 феврал куни Муҳаммадободга етиб келдик. Халқи туркийлардан иборат бўлиб, фореланин фақатгина савдогарлари биларди. Бу ерда ҳукумат вақили Аббос Қулихон немли оғдарибайжон эди. Муҳаммадобод ҳудудига 106 та киши тоқ бўлиб, барчаси туркийларлардан иборат эди. Машҳаддан руҳеат келганига тўққиз кун шу ерда бўлдик. Аббос Қулихон бизга кунлаб тарихий китобларни қўмладан, Мирзо Мулкашнинг қўлигетин ҳамда Тахирхон Сипехрининг “Насийҳ ал-Таворих” номли буюк асарини берди. Узи ҳам ўқиб чиққан бу асарлар ҳақида мен билан суҳбатлашганимиз хушгабарди. Машҳаддан иборат қушин қўмондони Мир Назардан ва Тохронда ҳарбий вақир, икки йилдан сунг Эрон шохни бўлган Ризохондан “хуш келибсиз” деяни мазмунида икки та телеграмма келди. Ўзинга Санги Сулолга келганимиздан бери ҳамроҳлик қилаётган туркман Қурбон Маҳмуд “Аббос Қулихон сизга кун хурмаи курсатди, унга мишватдорчилик билдириб бирор соғга қилин керакмикади” деди. Мен “Агар биз унга соғга берсақ хафга булади, соғга учун эмас, куниндан чиқариб қилинган самимий хурмаи деб ишонаман”, дедим. Қурбон Маҳмуд “У ҳолда руҳеат берсангиз, сизини ҳам самимий сузларингизни унга етказсам”, деди. Буни эшитган Аббос Қулихон унга “Ишлага бунидай дединг” деб танбех берибди. Хулласе, 8 март куни Муҳаммадободдан юлга тушиб, иккинчи куни Қучонга келдик.

§ 248. *Имом Ғаззалии ватанида*. Йулда Аллоху Акбар тоғининг довоида тарихларда ҳам ёзилган бу ернинг каттик шамолига дуч келдик. Оғлардан тушиб, топалар орқасига ўтиб олганига тугри келди. 11 март якшанба куни машҳур Туе шаҳри харобаларига келдик. Имом Ғаззалии ва Фирдавсий қабрларини зиёрат қилдик. Уларнинг қаровечга қолган бўлишига ётган қабри харобаларини макбара дейини қилин эди.

Мен асарларини ўқиган ва эшитган бу икки буюк инсонни ўз юртида кам қарлаганишини тушуниш учун уларнинг қабрларига қараш кифоя эди.

§ 249. *Машҳад.* 12 март куни Машҳадга келиб. Лағали қарвонсаройига тушдик. Ўша кунлик бу ернинг қадимий санъат асарларини, Имом Ризо ва Хорун Рашид макбараларини. Гарҳаршодбеғим жомеъини ва Алишер Навоий томонидан қурдирилган, аммо тилла суви югуртирилган куббаси Нодиршоҳ томонидан барпо этилгани боис унинг номи билан аталадиган жомени кўриб, бир қағиз битиклар, китобларни олиб олдик. Кечга томон Шарк кўчинлари бош кўмондони Мир Панж Хусайнхонни ва ҳозир леми елимдан кутарилган Хуросон ҳокимини ва тапқи ишлар бўйича вақилини қурдик. Хажар шаҳзодаларидан булган Хусайнхон ва ҳоким жуда қағиз ҳурмат кўрсатишди ва ўз ходимларига бизга Машҳаддаги тарихий обидаларни ҳамда кутубхоналарни кўрсатишни буюрди. Март ойининг 14-куни Қурбон Махмуд биз билан хайрланди ва биздан бир печта мактуб олиб ўз юртига кетди. Ўша куни Машҳад китоб дуконларидан жуда кўп китоб сотиб олдим. Уларни Қабулга олиб боришим учун от сотиб олишга тўғри келди. Ўша куни Афғон консули Сардор Абдулазизхон билан танишдик. Қобулга боришимизни айтиганимизда бизга кузатиб бориш учун ун беш аскар беришини ваъда қилди ва хавфсизлигимиз Афғонистон ҳукумати томонидан таъминланишини ҳам айтди. Бу киши ва Воллий Умуния бизни бир печта марофаба меҳмон қилди. Ҳокимнинг турмуш уртоғи рус эди. Узи ҳам русчани яхши биларди. Сўхбатимиз рус тилида булгани боис бу хоним мамнун булди.

Бу хоним кийимини узарттиришим лозимлигини маслаҳат қилди. Эрон услубида янги кийимлар тикдирдик, эски кийимларда эса эҳданик учун раема тушдик.

§ 250. *Ҳақимов.* Машҳаддаги шуро консули татар Қарим Ҳақимов эди. Уни ва турмуш уртоғи Ҳадичани Россиядаги курашларимиз давридан билардим. Улардан ҳеч қандай яхшилик кутиб булмас эди. Ҳақимовнинг Машҳаддалигимизни эшитиб, оқ Лағали қарвонсаройига бир одамни юбориб, учрашимизни илтимос қилибди. Биз учрашувда менга Машҳаддаги кутубхоналардан фойдаланишим учун ҳар қандай ёрдамни аймаклигини айтди. Шу билан бирга Тошкентдан бу ерга Саъдуллаҳужа Туреунҳужаев немли ўзбек зиёлиси икки кундан сунг келишини ҳам билдирди.

§ 251. *Туркман Жабборберди* 17 мартда Хусайнхон деган меҳмонхонага кучиб утган эдик. Жабборберди деган бир туркман келиб, инглизлар 1918 йилда Туркистонга келишганида улар ёрдамида Туркменистон негнклолини қулга киритишга ишониб ҳамкорлик қилишганини, кейин келиб руслар унинг куплаб дусларини улдиргач, уни ҳам йўқ қилишларини билгани учун Эронга паноҳ



сўраб келганини айтди. Бу киши инглиз консули номидан мен билан кўришиш таклифи билан келган эди. Мен: "Ҳиндистон йули орқали Европага утиш ниятимиз бор. Бу жиҳатдан консул билан кўришишни жуда истар эдим, бироқ оилам тақдирини тезроқ хал қилишим учун тезроқ Қабулга бориб Шуро Россияси вакиллигига учрашишим зарур", дедим. Шу сабабли ҳозирча инглиз сиёсий арбоблари билан кўриша олмастегимни айтдим. Жаббор оға деярли ҳар қуни олдимизга келар эди. Биз гаптаримизни инглизларга етказишидан гумон қилиб, инглизлар сиёсатини танқид остига олувчи бирорга суз айтмадик.

**§ 252. Ризохон билан ёзишмаларимиз.** Мамлакатни амалда ҳарбий вазир Ризохон бошқарар эди. Мен ташқи ишлар вазирлиги ходимлари орқали Ризохонга 19 март қуни иккита мактуб юбордим. Биринчисида ким эканлигимизни ва режаларимиз ҳақида хабар бердим. Иккинчи мактуб бир ҳисобот тарзида бўлиб, коммунизм тахликаси остида қолаётган Афғонистон, Эрон ва Туркия мамлакатларини уша хавфга қарши бирга қураш олиб борилиши зарурлигини исботлашга уриндим. Биринчи мактубда 1917 йилги инқилобдан сўнг Бошқирдистон ва Туркистондаги фаолиятимиз, коммунистларнинг руслар ва рус бўлмаганларга турлича муносабатда бўлишиди. Бошқа бир гуруҳ кишиларни манфаати йулида хизмат қилиб, бошқа халқларни мустақилликдан иймонсизларча маҳрум этишларига қарши қурашганлигимиз. 1920 йилдан кейин миллий ташкилотларимиз ширин фаолият қурсатаётганлиги ва босмачилик ҳаракатига қушилганлигимиз тугрисида ездим. Мақсадимиз Машҳаддан Қобулга, сўнг Шарқий Бухорода Сомибей раҳбарлигида Шуроларга қарши қурашаётган босмачилар олдига бориш. ундан сўнг Қобулга қайтиб, Европага утиш. бир йилдан кейин яна Шарққа қайтишдир, деб тушунтирдим. Мен тарих билан шугулланишимни. Туркистон тарихига бағишланган туркийча ва рус тилларида асарларим борлигини дустим Абдулқодир муҳаррир эканлигини, сиёсий фаолият билан бирга илмий тадқиқотларимизни ҳам давом эттиришимизни тушунтириб. Имом Ризо кутубхонасидан фойдаланишга руҳсат сурадим. Ҳисобот тарзида ёзилган иккита мактубга «Ҳурматли Эрон Ислому давлати ҳукумати» деб сарлавҳа қуйдим. Унда Туркистон ва Волга-Урал муслмонларининг 1917–1922 йиллар давомида олиб борган қураши воқеаларини статистик маълумотлар асосида баён қилдим. Чор Россияси даврида Туркистоннинг Бешвилоятда 8084700 аҳолияшаган бўлса, 1922 йилга келиб 5029512 аҳоли қолганлигини ва келтирилган умумий зарарларни тушунтирдим. Мен Ризохонга «Россия асоратида бўлган муслмон оламига болшевикларнинг ҳозирги сиёсати бир намуна сифатида Россия қули етиб борган бошқа муслмон оламида амалга оширади». Профессор Крижановскийнинг Эронга нисбатан

\* Siyaseti ke Bolsevikha der Rusye nisbet be Mustulmanan tatbiq u ta'qib mi kunend numune-i siyaseti st ke be hayali batil-i isan der heme Alemi Islām tatbiq u ta'qib xohend kerd.

билдирган фикрларини: Шимолий Эрондан бошланиб Россияга оқиб чиқадиган барча дарёларнинг хавзаларини эртами-кечми Россия уз кулига олиши керак, деган тавсиясини, Сурицнинг Тошкентдаги бир партия йиғилишида шуро ҳокимияти Кобулгача ва Форс култигига қадар кенгайтирилмагунча Россия мусулмонлари масаласини тулигича ҳал қилиб бўлмайди, деб сузлаганларини эслатдим. Эрон, Туркия ва Афғонистон Россия мусулмонлари муаммолари билан узиникидай каби шугулланишлари лозимлигини, фақат шундагина Ғарб давлатларини ҳам бу масалаларга жалб қилиш мумкинлигини тушунтирдим. Россия шарқидаги мусулмон халқларининг миллий ва демократик ташкилотлари 1921 йилнинг августида ягона «Туркистон Миллий Бирлиги» (ТМБ) уюшмасига бирлашганлигини, унинг 1921 йилги Бухорода утқазилган яширин конгрессида бир овоздан мен раис этиб сайланганлигимни, ҳар икковимиз ҳам бутунги кунда ўша жамият вакиллари сифатида фаолият юритаётганимизни, Эрон ҳукуматининг Боқуда бўлганидек Тошкентда ҳам уз расмий консули бўлиши лозимлигини, ТМБни Эрон, Афғонистон ва Туркияга Россия мусулмонларининг ахволи ҳақида маълумотлар юборишини, биз Шуrolарга қарши қуранлар шароитида бу уч ислом давлатидан амалий ёрдам қутмаймиз, биз фақат эътибор қаратиб руҳан қудлаб туришларини илтимос қилаётганлиги, Машҳадда туркистонликлар учун туркий ҳамда форсий тилларда таҳлил берадиган бир бошланғич ва бир кишлоқ хужалиги билим юрти ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлишлиги ҳақидаги фикрларни билдирдим. Шунингдек, Шуrolар онгли равишда суннийлар билан шиалар орасида низоларни авж олдиришга ҳаракат қилмоқдалар ва Туркистондаги шиаларга айниқса, Бухородаги Мирбобо, Самарқанддаги «Шуълаи инкилоб»<sup>10</sup> газетасини нашр этаётган Саид Али Ризо, Жиззахдаги Абдулжаббор шуrolарда хизмат қилаётган бўлса ҳам, уларни турли йул ва воситалар билан инсофга чиқаринг, зеро, улар Сиздан зоти олийларига ҳурматлари баланд дедим.

Шулар билан бирга бу мактубда Туркия, Эрон ва Афғонистон орасида радио алоқалар урнатилган вақти келди бу ниҳоятда зарур эканлигини, уз мамлакатидан айрилган Туркистон мужоҳидларидан бир қисми Эрон ва Афғонистон шимоли вилоятларида савдо иши билан шугулланмоқчи эканлигини, Эрон бундан манфаатдор бўлишини баён қилдим.

§ 253. *Туркия элчиларининг Машҳадда келиши.* 17 март окшомида биз Мустафо Камол пошшо томонидан тайинланган янги ҳукумат элчихонаси аъзолари Соми бей, Таҳсин бей ва Фарудин бейлар – Анкарадан келажаклари хабарини эшитдик. «Саҳрон Кабир сайёҳи» номи билан танилган Соми бей «Еш турклар»дан бўлиб Анвар пошонинг яқин одами эди. Менинг Машҳадда эканлигимдан хабар топиши биланок ўша захоти менга хат юбориб, турк консуллиги

жойлашган оза байжонлик Дожки Козим Ризаевнинг уннга келтишим-  
ни илтимос қилди.

Кечкурун бирга овқатландик ва оқшом соат олтидан кеч соат  
иккигача. саккиз соат давомида Соми бей ва унинг дуслари билан  
сухбат курдик. Соми бейнинг маслаҳатига кура, уша куни Юсуф  
Окхура, Зиё Кукали, Ога угли Ахмад ва Курули Фуодбейларга  
Туркистондаги вазиятни батафеил баён этдиб, Ғозий Мустафо Камол  
пошога ҳам эхтиромимни билдиришларини сураб, киска мактублар  
битдим. Чунки, иккинчи куни эрталаб, Техронга курер кетиши керак  
эди. Сами бей, Фаруддин бей ва Таҳсин бейлар консуллик жойлашган  
бинода яшар эдилар. Фаруддин бей билан кейинчалик тез-тез учрашиб  
туришга туғри келганди. Чунки, у кўп Истамбулдаги нашр этиладиган  
газеталар билан ҳамкорлик қилиб турарди. Кўпрок Туркистон  
воқеалари, Анвар пошо хотиротларини ёзиб турарди. У баъзи  
хамфикрлари билан Сарикқамишда нашр этаётган «Борлик» номли  
газетасининг йиғмасини Машҳадга олиб келган экан. У олиб келган  
газеталар ва китоблар ҳамда журналлар турк инқилоби тарихини ва  
Олд Осиядаги вазиятни урганишда кимматли манба бўлиб хизмат  
қилди. Биз Абдулқодир билан бирга буларни бошидан охиригача уқиб  
чикдик. Таҳсинбей эса Машҳадга келмасдан аввал Москвада Туркия  
элчихонасида котиб бўлиб ишлаган ва мени сиртдан яхши билар экан.  
Кейинчалик у Отатуркнинг асранди кизи Сохибага уйланиб, унинг  
яқинлари каторига қўшилди.

16 июн. сешанба куни Туркия элчихонаси жойлашган бино турк  
байрогини кутариш тантанаси булди. Байрокни Таҳсин бей билан  
уй томига чиқиб тортиб чикардик ва бино пештокига урнатдик. Бу  
менинг ҳаётимдаги қувончли дамлардан бири эди. Сами бей афғон  
ҳукумати руҳсати билан Хирот ва Балхда ҳам Туркия Республикаси  
консули байроғи кутарилади, - деди.

§ 254. *Саъдулла Хужа*. Саъдулла Хужа Турсунхужаев билан  
учрашдим. Ҳақимов бу учрашувни ўз элчихонасида утказишни  
хоҳлаган булса-да, мен учрашувни Ризаевнинг уйида, Туркия  
элчихонасида Турсунхужаев билан юзма-юз суҳбатлашишни маъқул  
курдим. Ризаев ҳам бунга рози булди. Саъдулла Хужа Турсунхужаев  
ўз оиласини Пайгамбар авлодидан деб санайдиган тошкентлик  
бойлардан бири эди. Унинг Москвада ҳам савдо уйлари бор эди.  
Сивёсий мулоҳазалар туфайли коммунистлар партиясига кирди. Бирок  
у беш вақт намозни қанда этмайдиган бир мусулмон коммунисти  
эди. Рус тилини яхши билиши туфайли рус ҳукумати билан узбеклар  
уртасида аввалдан алоқачи сифатида хизмат қилган, бундан ташқари  
Туркистон Шуро ҳукуматининг ҳам аъзоси эди. Унинг айтишига  
қараганда бу сафарга уни Шуро ҳукумати Эрондан Туркменистонга  
оқиб чиқувчи дарёлардан фойдаланиш ишларини тартибга солиш  
масалалари туғрисида мулоқот қилиш учун жунатибди. Лекин

Саъдуллаҳужанинг айтишига қараганда, менин Машҳадда эканлигим туғрисида Ҳакимовдан телеграмма бориши ҳамонро узи мен билан учрашни учун ёлғиз узини юборганлар, сув туғрисидаги баҳсли масалалар билан шугуллануви бирон бир мутахассис ҳам бундай музокаралар олиб бориши учун бирорта хужжа ҳам Саъдулла Хужага берилмаган. Туркистон ҳукумати раҳбарлари Рудзутак ва Турор Рискуловдан фақат мактуб олиб келган. Мактубда бир муддат саяҳат қилганимдан сунг яна Туркистонга қайтиб келишим айтилган экан. Мен катъий қилиб эркин дунёда қолишимни ҳеч қачон Шуро юртига қайтмаслигимни, бу ҳақда 19 февралда Ленин ва Рудзутакка Ашҳабоддан юборган мактубларимда очик маълум қилганимни айтиб бердим. Саъдулла Хужа Машҳадда икки ҳафталаб кунрок бўлди. Сунгги марта Саъдулла Хужанинг илтимосенга кура, 7 апрелда яна Туркия элчихонасида учрашдик. У менга, ҳали ҳам босмачилик курашлари давом этмокда. Сомин Ҳожини ва бошқалар ҳапуз фаолиятини тухтатган эмаслар. Шуро ҳукумати сизни Афғонистонга бориб, у ерда исён ҳаракатларини тартибга келтиришга ҳаракат қилади, деб уйламокда. Иккинчидан, улар Машҳадда Туркия элчихонасининг очилишидан ҳам хабардор, эди. Элчихона очилиши арафасида сенинг Россиядан бу ерга келишингиз Шуро ҳукуматида катта шубҳа уйғотди. Сиз Туркистонда булган чоғларингиздаёқ Туркия билан яқин алоқада бўлиб, ҳозир Машҳад ва Мозори Шарифда элчихоналар очилишига ҳам бевосита алоқангиз бор, деб уйлашмокда. Анкара, Машҳад, Мозори Шариф ораларида радио алоқа урнатиш туғрисидаги ташаббусини ҳам сизга юклашмокда. Биз, Жамиъат аъзолари (у ТМБ билан алоқа киларди) сенга айрим истаклар айтмиш. Сенга ватан учун чет элларда фойдали ишларни амалга оширишингизда соғлиқ, муваффақият тилайди, четда булган тақдирда ҳам Шуролар билан алоқангни тулик узилмаслигини истаймиз, сенга суиқасд уюштиришлари ҳам мумкин, деб ҳавотирдамиз». деди. Турсулхужаев яна бир Ҳакимов билан учрашишни маслаҳат қилди. Менинг эса қайтмаслигим ҳақидаги катъий қарорим ҳам Ҳакимовга айтмаганлигини ҳам билдирди. Ашҳабоддан Ленинга юборган мактубимнинг бир нусхасини бердим.

§ 255. *Шурочи марта қўлига тушмаслик учун қўрилган чоралар.* Туркман Жаббор оға бизнинг Афғонистонга борадиган йулимиз устида узларининг темурийлар деб ҳисобловчи ҳазоралар беги булган Самсом-уд-Давланинг русларга сотилганини, отаси Шужаъ-ул-Мулк эса инглизлар тарафдори эканини, Шуроларнинг мени осонлик билан Афғонистонга утқазмасликларини, тутиб олиб русларга топширишларини, шу боис Кобулга Дуздоб-Ҳиндистон йули орқали борсаяк яхшироқ бўлишини айтди. Кейинчалик шуроларнинг Жиддадаги элчиси булган Карим Ҳакимовнинг менга қарши бундай иш қила олишини хаёлимга ҳам келмаган эди.

Иккинчи кун турк консуллигида Ҳакимов билан урашдим. У

мендан Афғонистонга борасизми, сизга ёрдам бермоқчиман, деб суради. Яъни Афғонистонга утаётганда қабилаларнинг ҳар турли тажовузларидан ҳимоя қилишини биродарларча билдирди. Мен унга: "Раҳмат, мен яна бир-икки ой Машҳад қолмоқчиман. Жуда ноёб тарихий манбааларни топдим, уларни урганишимиз керак. Сафаримиз яқинлашганда сизга албатта хабар қиламан" дедим. Бу суҳбатдан Сомибейни хабардор қилдим ва бизни ҳимоя қилиш учун эътиборни кучайтиришларини бу ердаги ҳарбий ҳокимдан илтимос қилишини сурадим. У илтимосимни бажарибди ва Афғон элчиси Абдулазизхонга ҳам бизни Афғонистонга борғунимизча муҳофаза қилиш учун соқчилар бериш чорасини илтимос қилибди. Эрон ҳарбий вакили бизни чакириб, ҳозир яшаётган меҳмонхонамиздан чиқиб Ҳожи Саййид Ҳошим исмли кишининг уйида яшашимизни таклиф қилди. Афғон элчиси эса сафар кунини ҳеч кимга ошқор қилмаслигимизни, отлармизни шаҳар ташқарисида уларига қарашли қарвонсаройда сақлаб, у ерга бормаслигимизни, бунинг учун эса бир одам ёллашимизни, Машҳаддан ун чоғли одам билан ҳаракатланишимизни тайинлади. Биз шундай қилди ва Абдулҳолиқ Қунисбой исмли қозок аскарни кетадиган кунимизгача отларимизга қараб турадиган бўлди.

**§ 256. Ноёб топилмалар.** Шу тариқа биз Машҳадда 13 мартдан 20 апрелгача беш ҳафта қолиб кетдик. Вақтимиз жуда мазмунли, унхили утди. Темурийлар ва Нодиршоҳ даврига оид тарихий манбааларни урганар эканман Сомий уд-Давланинг Машҳад ва унинг атрофидаги ёдгорликлар ҳақида ёзилган 2 жилдлик маълумотномаси менга йул курсатувчи вазифасини угади. Бу ерда қилган энг муҳим ишим Ймом Ризо масжидида жойлашган Машҳаднинг марказий кутубхонасини кутубхонасини бошдан-оёқ куриб чиқишим бўлди. Бу борада консул Сомибейнинг кумагидан фойдаландим. Бу ерда топган муҳим асарларимни орадан бир йил утиб, Парижга борганимда французларнинг "Оснэ Жамиятида"ги нутқимда билдирдим. Бу асарлар орасида милодий IX аср ва X асрнинг биринчи ярмида яшаган Ибн ал-Факих исмли машҳур араб жуғрофия олими асари ва унга илова қилинган Ибн Фазлон ҳамда Абу Дулаф исмли икки сайёҳнинг асарлари бор эди. Бу икки сайёҳ асаридан парчалар араб жуғрофияни Ёқут Ҳамавийнинг асарида келтирилгани боис европаликларга қисман маълум эди. Бироқ Ҳамавийнинг асарида келтирилмаган баъзи парчалар бошқа асарларда мавжуд бўлиб, бу икки асарнинг янада мукамал нусхаси борлигини билдирар эди. Машҳад нусхаси ҳар икки асар ва Ибн ал-Факих китобининг бизга қадар етиб келмаган деб курсатилган тулиқ нусхаси эди. Асарни топганимнинг иккинчи кунин Сомибейни ҳам кутубхонага олиб келиб ушбу асарлардан олиб кетиб фойдалана олишим учун кутубхона мудиридан руҳсат сурадим. Ёвимда фотоаппарат бўлмагани боис кеча-кундуз ишлаб асарни кучириб олишимга тўғри келди. Сввинчимнинг чегараси

йўқ эди. Чунки болалигимда ғалати туш қурган эдим. Тушимда Чор императори Николай бир неча кишини атрофимга тўплабди. Улар олдида менга қараб: “Мана шу олтин лавҳалар мендан сенга совға” дебди. Бу лавҳалар булғор ва бошқирдлар тарихига оид арабча асар экан. Отам уша пайтда “Сен балки булғор ва бошқирдлар тарихига оид муҳим бир асар топарсан” деган эди. Ҳозир отамнинг уша сўзларини эсладим. Ибн Фазлоннинг асарини Вена университетиди докторлик диссертацияси сифатида ишладим. Ишим Германия “Шарқ Жамияти” томонидан чоп этилгач,<sup>\*</sup> мен мана шу жамият ва бир канча Европа жамиятларининг фахрий аъзоси булдим. Абу Дулафнинг саёхатномасини эса профессор Минорский нашр этди. Бу топилмалар сабабли хотира дафтаримга қўйидаги сўзларни ёзиб қўйдим: “Ибн ал-Факих ва Ибн Фазлон менинг ҳаётимни балким янги йўналишга буриб юборса керак”.

Ҳақиқатан ҳам шундай булди. Ҳозир Ибн Фазлонга оид китобнинг иккинчи нашри босилиб чикди.<sup>\*\*</sup>

§ 257. *Техрондан келган жавоб.* Машҳадда мен вақтимни куп қисмини Туркияга жунатиш мақсадида Россия муслмонларининг аҳволини билдириш мақсадида тўпланган маълумотларни тартибга солиш ва айни пайтда “Шарқда ижтимоий инкилоб ва реакция қарши курашда шарқ инкилобчи зиёлиларининг вазифалари” номли 1922 йил 23 июлда Самарқанд вилояти Бедана қишлоғида ёзилган 26 саҳифалик маърузанинг нусхаларини тайёрлаш билан утказдик. Аввалроқ бир хулосаси Қобул орқали Анкарага ва Париждаги Мустафо Чўқайга юборилган бу асар ниҳоят 15 апрелда ниҳоясига етди. Шу орада Техрондан биз сабрсизлик билан кутаётган жавоб ҳам келди. Ризохон мазкур масалаларни муҳокама қилиш учун бизни Техронга чақиртирган эди. Техрондаги “Асри Бистум” яъни “IX аср” номли ҳукумат газетасида биз ҳақимизда, яъни Абдулқодир билан менинг Туркис-тондан Эронга келганимиз ва Эрон ҳукумати билан алоқа ўрнатганимиз ҳақида мақола чикди. Бундан жуда севиндик. Чунки Техрондан менга Маҳмудободдалигимдаёқ “Хуш келибсиз, қулайлик курсатиледи” деган мазмунда келган телеграммадан Ризонинг ёнида мени яқиндан ташйидиган ва биз илгари сураётган даъволарни тушунадиган бирор киши борлигини тушиниш мумкин эди. Менинг таҳминим тугри булиб чикди. 1921 йил Машҳадда Эроннинг Хуросон ҳокими булган асли табризлиқ Саййид Ҳасан Тақизода 1922 йилда Эрондан вакил булиб Москвага келган эди. Бу телеграммалар ва “Асри Бистум”даги мақола ҳамда биз сураган масалаларга курсатилган илик муносабатнинг бошида мана шу Тақизода ва унинг дўстлари турган

\* A. Zeki Validi Togan. Ibn Fadlan's Rei. (иб. №137) (Ибн Фазлон «Саёхатнома») асари ҳақида айтилмоқда.

\*\* А. Заки Валидий Тугоновнинг ушбу асари 1966 йил қайта нашр қилинган. Қараг: № 332..

экан. Бир йилдан сунг мен Берлинда шахсан узи билан танишган бу мухтарам зот Эрон ҳукмати азбосен, Лондондаги Эрон элчиси. Эрон Сенати раиси будди. Ҳозир "Садр ашрафи Эрон" (Эрон фахрий элчиси - М.Д.) будди. Аллоҳ унга узок умр берсин. Техронга миннатдорчилик мазмунида бир мактуб ёзиб, ҳозир Кобулга боришим зарурлигини, Европа саёҳатидан сунг яна Шарққа кайга олесам. Техронга бориш ниятида эканимни билдирдим.

§ 258. *Туркияга юборилган мактублар.* 15 апрелда Туркиянинг чет эл ишлари ваколати учун ёзилган мактубим элчи Сомийбейнинг маслаҳати билан кенгрок булди. Бу мактубнинг нусхаларидан Юсуф Окжур, Рауф Урбой, Оға угли Аҳмад ва Исмоил Субҳибейларга юбордим. Бу узун мактубга Анвар пошонинг Туркистондаги фаолияти тўғрисидаги ва юкорида эслатиб утилган «Шарқда ижтимоий инқилоб...» номли мақоламнинг нусхасини ҳам илова этдим. Эрон ҳукматига ёзилгани каби бу мактубда Россия мусулмонлари муаммолари билан Туркия, Эрон ва Афғонистон жиддий шугулланишлари кераклигини тушунтиришга ҳаракат қилдим.

Мактубимда исгари Афғонистон ва Эрон ҳукуматларига қилган мурожаатномада айтилган масалалар қаторида коммунистларга қарши курашнинг сиёсий аҳамиятини ҳам тушунтирдим.

Сарикамишда Шарифбей каби сиёсатчилар Анвар пошони танкид қилиб ёзишлари афсусланарли эканлигини. Москва элчихонасида ишлаётган Мухторбей Шуруларни аввалгидай, дипломатия йули билан инсофга чакириши энди иш бермаслигини мактубда айтиб утдим.

Усмонли туркчага яқин Урта Осиё туркийчасида ёзилган бу мактуб Ғозий Мустафо Камол пошога ҳам етиб борибди. Буни менга 1930 йили у билан учрашган чоғимизда шахсан узи менга айтди ва уша хатимни диққат билан уқиб чиққанлигини ҳам эслаб утган эди. Бу мактуб ҳозир Туркия ташқи ишлар вазирлигининг архивида сақланмоқда. 1927 йилда мен Истамбул университетида қадимги туркий халқлар тарихидан дарс жараёнида фойдаланилган ва тошбосма (литография)да босилган маърузаларни матини Аҳмад Ҳикмат муфтий углига уқишга берган эдим. У уқиб чиқиб, менга юборган мактубида бундай дебди: "Бу маърузалар тили соф турк тилида равои ва тушунарли ёзилган. Сизнинг Машҳаддан юборган Урта Осиё туркий лаҳчасида ёзган мактубингизни ҳам бир оз булсада жуда катта кизикниш билан уқиган эдим. Унда сиз воқеаларни ҳаққоний ва самимият билан ёритгансиз ва Туркия келажаги ҳақида қимматли фикрлар ҳам айтгансиз. Ҳагто сиз уз ҳаётингизни кейинги даврида ҳисобатлардан бошқа ҳеч нарса ёзмаганингизда ҳам, Машҳаддан юборган мактубларингизни узи мамлакатимизда сизни мангу эслашлар учун кифоя қилган булур эди. Уша мактубда туркилар тарихини янги даврига ҳам биров тухтагансиз. Бу маърузаларингизда эса туркларнинг энг қадимги давр тарихини

ёритгансиз. Бунинг учун сиз куллардан манбалардан фойдалангансиз. Туркларнинг қадимги тарихи билан янги тарихи оралигидаги 2000 йиллик бушникни тулдирishingиз учун Аллоҳ сизга умр берсин!"

Туркияда босилган "Шарқда ижтимоий инкилоб..." мақолада коммунизм билан капитализм уртасидаги курашнинг келажакда пима билан тугаши ҳақида, Маркс замонидаги коммунизм ва унинг Гроцкий каби ҳозирги вакиллари уз софлигини йукотиб, империалистик кучли давлат кулида заиф халқларни эксплуатация қилишда қугирчоққа айланиб қолган бир вақтда Шарқдаги социалистлар ижтимоий адолат ва ислохот тарафдорлари қандай ишлар қилиши мумкинлиги ҳақида, социализм базис-пойдевор таълимот сифатида сира йуқолмаслиги, лекин I жаҳон урушида мағдубиятга учраган Германия ва Россия, фуқоролар урушида ҳам фикр орқага кетиб, социализмни катта йулга бўриб юборилганлиги ҳақида, коммунист-социалистларнинг асоратига тушиб қолса, Осиёдаги ярим мустамлака, заиф ва эзилган халқлар империалистик давлатларнинг қугирчоғига айланиб қолмаслиги учун хушёр булишлари кераклиги ҳақида фикрларимни баён қилдим. Яна айтдимки, Россия социалистлари ва коммунистлари Ғарбдаги ва Шарқдаги миллий социалистик ташкилотларга аввал ёрдам қилини чузайди, алдаб узига буйсиндиради. Сунг уларни, йук қилади. Ленин 1920 йилда Москвада, III интернационалнинг конгрессида баён қилган тезисларига қура. Ғарб пролетарлари жаҳон инкилобиде галиба қозонсалар, хомашёга бой мамлакатлар устидан ҳукмронлик қиладилар, Шарқ мамлакатлари халқлари эса Европаликларнинг абадий қулларига айланади. Бундай вазиятда Шарқ инкилобчилари Ғарб ва рус империалистларига қарши курашиб, уларга қул булиб қолмаслик учун уз мамлакатларида уртаҳол синфларни, хунармандлар ва дехқонларни қуллаб-қувватлашлари, Ғарбликларнинг фан ва техникасини илмий узлаштиришлари зарур. Мазкур шароитларда Шарқнинг инкилобчи зиёлилари уз миллатчилари билан биргаликда уз мамлакатларини (коммунист-империалистлардан) қутқариш учун коммунистик булмаган Ғарб мамлакатларининг ёрдамига суянишлари, улар билан бирга коммунистлар ҳужумига қарши курашмоқлари керак. Яъни шарқ мамлакатларининг инкилобчи-социалистлари Россиянинг империячи коммунистларига қарши курашда уз мамлакатларидаги илгор, тараккиётпарвар кучларни қуллаб-қувватлаши зарур.

Мазкур мақола 1922 йилнинг июл ойида, аввал биз билан елкама-елка гуриб, Камецев ва Будёний қумондонлигидаги Шууро армиясига қарши курашган Туркистон мусулмон коммунистлари орасида тарқатилди. Миллий озодлик кучларининг аҳволни оғирлашган ҳамда халқаро вазиятни тушунишни кийинлашиб қолган бир вақтда мазкур мақола ҳақиқий аҳволни ва булгуси ишларни равшанлаш учун фойдали булди.

Машиҳадда, Кобулда булган вақтимизда ўша мақоламни бир неча



нусха кучириб, тили Урта Осиё туркийчасида булишига карамасдан Эрон, Афғонистон, Туркия ҳукуматларига ва шуниингдек, социалист булмаган либерал зиёлиларнинг бир қанчаларига юбордик. Шу жумладан Истанбулдаги озарбайжонлик Амин Расулзодага, Берлиндаги ёш бухороликлар вакили Мирзо Абдулвоҳидга қозоклардан Азимбекка, татарлардан Фуод Тўқтаровга, Парижга Исломбек Худоерхоновга, Алимардон Тупчибошевга, Мустафо Чўқасевга, Лаҳордаги шоир Муҳаммад Иқболга ва Техрондаги Саид Хасан Тақизодага жунатдик. Амин Расулзода Истанбулга келгач, мактабни қискартирган ҳолда «Янги Кавказ» журнали (16. 18. 19 сонлар)да эълон қилди, лекин инглизчага ёки русчага таржима қилиб бостирилмаганлигидан, у қатта аҳамият қасб этмади. Аммо Туркияда таъсири кучли булди.

Машҳадда булган чоғимда иккинчи ишим бу имом Ризо масжидини Алишер Навоий тарафидан қурилиб, кейинчалик Нодиршоҳ номини олган Гавҳаршодбегим масжидларни нодир меъморий обидалар элборлити сифатида, уша вақтдаги имконим даражасида урганиб, ёзувларидан кучирмалар олдим. Бу маълумотларни Туркияга келганимдан кейин «Ислот энциклопедияси»да ва бошқа нашрларда чиққан мақолаларимда эълон қилдим.

§ 259. *Машҳадаги озарбайжонлар.* Машҳадда қуплаб озарбайжонликлар бор эди. Улардан Ҳожи Қозим Ризаев, Мирзо Иброҳим Тақиев, шоир Асадулло Зеварзода ва Маждид Афандиев, доришунос (фармацевт) Ғулом Ғулсуз, Ғулом Ризолар билан тез-тез қуришиб турдик. Улар менга бировларнинг қулида булган қулезма асарларни қуриб урганишимда ёрдам беришди. Турк тарихига муҳаббат қуйган доришунос Ғулом ўзбек ҳукмдори Убайдаллахон даврида унинг вазири, қорағун уругининг қавчин тармоғитомонидан Амир Қанбар Али бин Кўпак Қушчи учун форсчадан туркчага таржима қилинган "Қалила ва Димна" китобини олиб келди. Бу асарнинг муқаддимисидан Убайдаллахон даврида форсчадан қура қўпроқ туркчага аҳамият берилгани қуринади. Ундан ташқари яна бир қанча нодир форсча ва туркча шеърини тупламларни келтириб улардан фойдаланишимни таъминлади. Машҳаддаги озарбайжонликлар миллатчи ва зиёли кишилар булиб, қупчилиги Кавказ Озарбайжонидан эди. Россия турклари орасида истиклол даъвосида пешқалам булган озарбайжонликлардан Махмуд Хасан Баҳорлининг "Озарбайжон" номли улқа тарихи, жуғрофияси ва этнографиясига оид асари 1921 йилда Боқуда нашр этилганини Самарқандда эшитган эдим. Мана шу асарни Ғулом Ғулсуз келтириб берди. Чунки Бошқирдистон ва

\* Заки Валидий Тўғон ўзининг 1941 йилда «Ислот энциклопедияси»да нашр этилган «Алишер» номли мақоласи ҳамда Алишер Навоий тўғрисидаги мақолалари ҳусусида зйтмақдир.

Туркистон мухтор республикаларининг жуғрофияси ва статистикасига оид асарларни мен ҳам тайёрлаган эдим. Факатгина Бошқирдистонга оид қисми ва қатга хаританигина 1920 йилда нашр қила олдиқ.

Мана шу озарбайжонлар орасида қорақуйли уруғига мансуб бир киши туркийлар тарихини ёзиш билан машғул эди. Бу киши билан 1956 йил Техронда яна бир бор куришдим. Олий маълумотли угиллари бор эди. 5 апрел қуни асли баёт қавмидан булган бир кишининг уйида меҳмон булдиқ. У бизга Ироқ туркийлари тарихига оид асарларни курсатди. Бир қисми Фахриддин Шавкат нашр этган ва яна баъзилари ҳали қулёзма шаклида эди, улардан билдимки, шиа қизилбош тоифаси бошида келадиган баёт қавмлари Амир Темур бу ерларга келганида Дийёрбақир томонларда яшаган экан. Амир Темур уларнинг қатта қисмини Бағдодга қучириб, ҳарбий қушин сифатида жойлаштирган. Сафавийлар XVII асрда уларни Мозандарон, Рой ва Хуросон томонларга аскар сифатида жойлаштирган. Улар Хулағу-хен авлодлари саналади. Демак, улар узларини мугул қавми деб ҳисоблайдиган баёвутлардир. Бир зиёфатда Асадулло Зеварзода уз шеърларидан уқиди. Ажойиб шеърлар эди. Бу киши ва унинг дустлари мендан тарихга оид бир қанча саволлар сурашди. Уша саволлар ва уларга берган жавобларим ҳали ҳам эсимда. Яъни, Чингизхон келиб чикишига қура қим? Руслар биз озарбайжонликларни нима сабабдан татарлар деб аташади? Жавобларим эса қуйидагича эди: “Чингизхон проф. Бартольд курсатиб утганидек, қорататарлардан ҳисобланади. Хитой манбаларида Чингизхоннинг ота-боболари Хитой деворининг ғарбий қисмида яшагани айтилади. Улар узларини қора татар, айни пайтда шато деб ҳам аташган. Уларнинг яна бир номи чумук (жумук) булган. Ғарбий Туркистондан Шарққа қучган Чингизхоннинг ота-боболари узларини қук, туркийлар билан бир илдишдан, яъни Эргенекун (Мирзо Улугбекда-Арқонақум)дан чикқан қабилалардан деб ҳисоблашган. Сунг улар, балки ички қурашлар натижасида, Хитой девори атрофларидан шарққа кетиб, Керулон (Гур Ёғлон) ва Онон дарёлари бўйида яшовчи мугул қабилалари устидан ҳукмронлик урнагишган. Вақт ўтиши билан уларнинг тилини узлаштириб олишган. Мажор қироллари ҳам асли туркий бўлишларига қарамай мажор, яъни угор тилида сузлашишган. Шунингдек, Чингизхоннинг тарих саҳнасида чикиши вақтида қора татарларнинг Қансудагилари туркийча сузлашган. Чингизхон угиллари даврида ғарбга келган қора татарларнинг Туна (Дунай) бўйи ва Онадулида яшаганлари тулик туркий тилда гаплашишган. Улар Озарбайжонга Ички Осиёдан келган қабилаларга мансуб булган. Шекки, Нух томонларда ҳукмронлик қилган орлотлар татар қавмидан эди. Волга дарёсидаги булғорлар ҳам уларга олчи татарлар қабиласи аралашгани сабабли “Қозон татарлари”, Қрим турк қабилалари эса “Қрим татарлари” номини олган.

§ 260. *Машҳаддан Ҳиротга.* Нихоят 20 апрел куни тун ярмида Машҳаддан чиқиб, отларимиз турган карвонсаройга келдик ва русларга хабар етиб бормасин деб тезлик билан 70 км. масофа босиб ўтиб, Асадобод деган жойда ҳокимнинг меҳмони булдик. Бизни афгонлар ҳимоя қилиб келди. Тонгда орқамиздан туркман кийимида ва яхши туркман оти устида яхши қуролланган бир киши Турук деган жойда биздан узиб кетди. Бу ерда Таймурийларнинг ҳам русларга, ҳам инглизларга сотилган бошлиғи Шужоъ ул-Мулкнинг одами булиши мумкин деб ўйладик. Шитоб билан ўтиб кетган бу отлик темурийларга бизнинг келаётганимизни етказгани аниқ. Хайрободда ташвишли ҳолатда ухладик. Иккинчи кун Турбати Жомга келиб у ернинг ҳокими Шавкат ад-Давлани кўрдик. Бизнинг бу ердан утишимизни Машҳад ҳокими хабар қилибди. Тонгда бу киши бизга икки аскарини қўшиб жўнатди. “Бирор хавфни сезсангиз, дарҳол ортингизга қайтинг” деди. Турбати Жомдан 5 км. узоқлашмаган ҳам эдикки, темурийлар отликлари ортимиздан келиб етди. Беш-ун хонадондан ибораг кишлоққа келганимизда “Ҳокимнинг уйида нарсаларимиз қолиб кетибди, ортга қайтамиз” дедик ва афгон ҳамда эрон муҳофизлари билан бирга Турбатга қайтдик. Уша кеча Эронда қолдик. Иккинчи кун ҳоким яна бир нечта аскар бериб бизни қўзатди. Уларнинг ҳимояси остида 24 апрелда Афғонистон чегара қалъаси ҳисобланган Кофир-Қалъага эсон-омон етиб олдик.

Ҳудуд қўмондони капитан Муҳаммад Аминнинг ёнида бир муддат Шаркий Бухорода босмачилар билан бирга бўлган Қал Фаҳмий исмли турк зобитини кўрдик. Туркияга қайтаётган бу зобитдан Ҳожи Сочининг фаолияти ҳақида янги хабарлар олдик. Ҳожи Самий ҳам уша зобитдан менинг Қобулга келишимни эшитибди. 26 апрелда Сарой Чорха яқинидаги туркманларнинг Йовмут деган кишлоғини кўрдик ва уша кунини Ҳиротга етиб келдик.

§ 261. *Хиротда темурийлар даври ёдгорликлари.* Кобул ҳукумати чет эллар вазирлигининг ходими бизни Чорбоғ деб аталадиган саройга жойлаштирди. Биз хоҳласак сафаримизни давом эттиришимиз мумкинлигини бизга билдиришди. Лекин туркийлар тарихидаги буюк бир даврда пойтахт булган бу шаҳарда сакланган асарлар ва ёдгорликларни куриш мақсадида беш ҳафта шу ерда қолдик. Баъзан волийнинг узи, бошқа вақтларда эса шу ерлик олим Салоҳиддин Салжукий бизга шаҳар ва унинг теварак-атрофларини жиддий урганишда ёрдам курсатди. Мен ҳар куни деворлар билан ураб олнган эски Хирот ташқарисидаги темурийлар даврига оид барча ёзма манбаларни ва қурилган ёдгорликларни куздан кечирдим. Темурийлар давридаги Хирот шаҳри харитасини олдим. Бу ерда темурийлар даври ёдгорликларига эътиборсизлик билан қаралар экан, ҳатто XV асрнинг иккинчи ярмида маданий ҳаёт бошида турган ва шаҳар ободончилигида муҳим урин тутган буюк ўзбек шоири Алишер Навоий қабрини аниқ биладиган бирор кимса топилмади. Лекин Алишер Навоий узининг “Вақфия” номли асарида мадраса ва масжид билан “Хайрия жамияти” ораси неча аршин келишини аниқ айтган. Бошқа манбаларда Алишернинг шу бинолар урталигидаги бир макбарага дафн қилингани кайд этилган экан. Макбара урнини топиш осон бўлди. Ҳар томондан метрлаб ўлчаб чиқиб белгиланган нуқтада бир қабртошга дуч келдим. Шу атрофдаги богчага қаровчи кишининг айтишича, тош бу ерга кейинчалик бошқа жойдан олиб келинган ва бу ерни хиротликлар «Шоҳи Ғарибон» деб атаар эканлар. Бу ерда қадимдан шаъм ёкиш одати булган. Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг Хиротда «Ғариблар подшоҳи» деб танилганини билдим ва у қабрни тоғганидан беихоёя қувондим. Шаҳарнинг кун ботар томонидаги Газиргоҳ деган жуда яхши обод мазорларни; Абул Валид номли қишлоқда бинолар деворидаги ва қабр тошлардаги ёзувларни ёзиб олдим. Биноларнинг айримларини Алишер Навоий қурдирган эди. Бу ерда беш ҳафта давомида олиб борган кузатиш ва тадқиқотларим натижаларини Истанбулда «Ислоҳ энциклопедияси»да «Хирот» номли мақоламда ўша давр шаҳар харитасини илова қилган ҳолда нашр қилдим.

§ 262. *Хиротдаги қўлёзма асарлар.* Хиротда темурийлар даврида жуда кўп кутубхоналарда тарихий асарлар жуда ҳам кўп булган. Абдурахмон Жомий, Мирхонд, Хондамир ва Муҳиддин Исфизорий<sup>2</sup> асарларига манба бўлиб хизмат қилганлигини узи буни исботлаб турибди. Бироқ ҳозир эса, Машҳаддагидек умумий кутубхона ҳам мавжуд эмас экан. Бу ердаги “Иттифоқи Ислоҳ” газетасининг юқорида номи тилга олинган муҳаррири Салоҳиддин Салжукий ва маслаҳатчи

Башир Аҳмадхонларнинг ёрдами билан хусусий кутубхоналарда Хирот Жомеъи Кабирига қаровчи баъзи биноларда. Гозургоҳда тасодифан сақланиб қолган ноёб қулёзмаларни қурдим. Хирот қабрларига оид "Василат алсафоат" асаридан бошқа теуриийлар даври тарихга оид асарларни учратмадим. Лекин бу ерда Ислои ҳуқуқига оид қулёзма асар аслининг қолган айрим қисмларини топдим. Бу асарлар XIII аср бошида Чингизхон истилоси натижасида ўз урнини туркийга бериб, йўқ бўлиб кетган шарқий-эрон хоразм лаҳжасида ёзилган эди. Бу Машҳадда топилган Ибн Фазлоннинг асари сингари аҳамиятга молик эди. Чунки бу тилда ёзилган бирорта асар мавжуд эмас. Хоразмда ёзилган бу китобнинг янада мукаммал нусхасини Истамбулдан топиб Олмонияда 1927 йилда "Ислои" журналинда, мана шу тилда Хоразмда ёзилган луғат китобини 1951 йилда Истамбул университети нашрларида чоп эттириб, XXII Халқаро Шарқшунослар конгрессида ҳам айнан шу мавзуда илмий маъруза қилдим. Бу қадимий тилда ёзилган қулёзма асарларни биз Американинг Калифорния университети профессори эроншунос нечис олими В. Хеннинг ва бошқа олимлар билан ҳамкорликда изланишлар қилдик. Биздан сунг бу тил устида Россияда яна бир қанча олимлар тадқиқот ишларини олиб боришди.

§ 263. *Хиротда рус чопарлари.* Мен Хиротда булган вақтимда биз яшаётган Чорбоғ саройига икки рус чопарлари келиб жойлашди. Улар бизни отбоқар Абдулҳолик билан гаплашиб, биз туғримизда бирор-бир маълумот олишга ҳаракат қилиб биз Кобулдан қачон йўлга чиқишимизни билишга уринганлар. Мен бу ҳақда Хирот водийсига айтиб ва бизни бошқа жойга қучиришларини илтимос қилдим. Бу илтимосимни зудлик билан амалга оширишди. Улар чопарлар Кобулга кетаётган булсалар-да, бизнинг Хиротдалигимиздан хабар топишиб Хиротда тўхтаган экан. Буни билган афғон хорижий ишлар вазирлиги ходими уларни Хиротда ушлаб туриш учун барча чораларни ишга солди. Отларимизни сотадиган киши бўлиб, бизни бошқа ерга қучиришди. Волий билан хорижий ишлар вазирлиги ходими бизни Кобулгача кузатиб бериш учун бир неча соқчи ажратишларини маълум қилишди.

§ 264. *Ҳазоражат.* Ниҳоят 28 майда Ҳазоражат йули билан Кобулга йўл олдик. 30 май куни Карух номли кишлоққа келганимизда Кукон ҳоқлигининг сунгги ҳукмдори Худоёрхоннинг шу ерда вафот этганини билганим туфайли унинг қабрини топмоқчи булдим. Бирок ёнимиздаги бизни кузатиб бораётган аскарлар тўхташни исташмади. Бундан қаттиқ ранжидим. Аммо тақдир мени Афғонистонга иккинчи марта етаклаганда хоннинг қабрини зиёрат қилиш учун вақт ажратдим. Хон, бош вазир ва шайхулисломнинг қабрлари чиройли қилиб қурилган ва нафис ёзувлар билан безатилган экан. Бу ёзувларни барчасини қучириб олдим. Мен 1913 йили Фарғонада тадқиқот ишларини олиб

борган чоғимда ўша пайтда ҳаёт бўлган сарой аъёнларидан хон туғрисида туллаган маълумотларни “Худоёрхоннинг сунгги кунлари” номи остида китоб нашр эттирган эдим. Худоёрхоннинг ўғил ва невараларидан бирортаси Карухдаги макбарани шу кунгача зиёрат қилмаган экан.

1923 йил 4 июнда биз Афғонистон ва Ҳиндистон тарихида муҳим урин тутган Гурулар ўлкасига кирдик. Сунгги йилларда япон олими Эноки ва шахсан менинг изланишларим натижасида асли туркий бўлган ва эфталитларга бориб такалиши маълум бўлган бу қавм билан бирор алоқа урнатиш имкони бўлмади. Ўзбек ҳукмдори Шайбонийхон бу ерларни ишғол қилганида шу ердаги бир тошга галаба китобасини ёздирган бўлиб, уни бир инглиз зобити қўрган. Бирок, бу ерда яшовчи аҳолидан суриштирганимизда бу ҳақда бирор муълумот ололмадик. 5 июн куни бу ерларда бир канча туркийча жуғрофий номларга дуч келдик. Тошбулоқдан утгандан сунг қадимги Гур ҳукмдорларининг асл пойтахти саналган Ферузқўҳ деган жойга келдик. Бу (ҳозир бу жойни Охангарон ҳам дейдилар) ерда бир канча хароба бинолар бор эди, бироқ афғон аскарлари йулдаги харобаларни кўриш учун карвонсаройдан чиқадиган бўлсак, гурийдилар тажовузига дуч келишимиз мумкинлигини, бунинг учун Кобулдан алоҳида руҳсат олиб, кўпроқ куриқчи аскар билан келиш лозим бўлишини айтишди. Қаҳвахонада мен бир маҳаллий гурий билан танишдим. У Мирхонднинг тарихини яхши биладиган киши экан. Унинг сузларига кура, “Охангарон” эски Ферузқўҳ шаҳрининг ички қалъаси номи бўлган. Бу ерда “Шоҳнома”даги афсонаний темирчи Қоъванинг устахонаси топилганига доир ҳикояларни гапириб беришди. Бу ердаги 12 000 уйдан 7500 хонадон асл гурийдиларники экан. Хиротдан бу йулда на бир карвон ва на бир йулловчини учратмадик. Охангарондан Божгоҳ номли жойга етганимизда эски дустимиз Али Ризо бейни учратдик. Россияда асирга тушган Али Ризо бей Бухорода Еш бухороликлар ташкил этган Аскарӣ Ҳарбия мактабининг мудирӣ бўлган эди. Унинг ёнида турмуш уртоғи – Козон туркийларининг машҳур уламоларидан Убайдуллоҳ Бубийининг кизи Марямхоним, баъзи босмачилар, Фарбий Сибирдан Аҳмад Жонибек исмли тюмен татарӣ, яъни уз аскарлари бор эди. Анвар пошо минган Сўлтон исмли отни ҳам узлари билан олиб юришган эди. Тогда тухтаб, бир муддат улар билан бирга бул.

Улар Туркистондаги вазиятни ва Кобул муҳити ҳақида сузлаб беришди. Улар ҳам Эрон йули орқали Туркияга қайтишаётган экан. Биз кейинрок Али Ризо бей билан Туркияда куп маротаба кўришдик. У ва турмуш уртоғи Анқарадан Фавзи пошо томонидан берилган уйда яшаб, ўша ерда вафот этдилар. Али Ризо бей Бухородан Анвар пошо билан чиқиб кетган, барча ходисаларни у билан бирга бошидан кечирган турк зобити эди (25/1-расм). Бу ерларда эронийлашиб кетган

на кўйлар аралаб ҳаракат қилдим. Ёзи билан келасган икки рус човонлари бизни қувиб келишга бошладди. Лекин отларни тошлоқда яхши юри олишмади, кўй ва эшаклар қарнига қушилиб, тастага тушиб кетдилар. Улар ўлмади, бироқ оёқлари йиқилган отлар остида эзилиб жорилка қилиб кетди. Мен оловим борича русчалаб уларга: «Ва бошине не поймасте Валидова», деб яғонлар билан отларимизни тез чаққириб кетдик. Кечаси Нептринда бироз хордиқ чиқаргач, яши йўлимизга давом этдик ва 1923 йил 18 июн куни соат ўн бирда Кобулни етиб келдик.

Ўзини молия ва ишроғинини сабик бияосига жойлаштирилдилар. Уч кун ўтиб Шўро ағчихонаси ходими, бир ўзи йилни рус човонлари ағчихонага бир яшилда, яра чака бўлиб қайимлари йиртилган холда етиб келганинни таъриб берди. «Валидов бизни пойга чаққириб адиб тушсак яши жорга тушқириб юборди. Ёзи Кобулда билдикки, Қаршига Нептринда ўлдирилган Жамоя поно кетиларидан бири экан.

§ 266. *Кобул.* Ёзи етиб келган қушимизда Бухоро ағчиси Ҳошим Шобкин, Бухоро ҳукуматиинин сабик раиси Усмои Ҳўжани ва даврларинин қилдириш Ута куш Афғонистон банкни ишлар вақринин ва Туркни ағчихонаси бўлди. Ёзи Фаҳри поно мен мужихид дея, кучоқиб кўтарди. Ўзи 22 июлда мен танки ишлар вақри Ваки Муҳаммадхон ва шориф вақри Фаит Муҳаммадхон бизни уранидим. Мен уларни 1919 йил Москвага иперат қилиш учун вақри вақри ураниши ва шифат берган эдим. Ислоҳ хастига давр мисоилар ҳусусида менни ҳошвади суҳбятлар қилган эдик. Ўшқин ишлар вақринидаги суҳбикда мен Кобулда қилиш иетимин бўла ҳошвади мўдда бўлишимин ёки бутундай қолди ишларини тақлиф қилдилар. Муҳаммад Вақихон эса Афғонистон илмин таъжасурини таъли ва тараккии таъриш бўлишга бир понода ишлар тақинини таълимоқ қилди.

§ 267. *Фаҳридан поно.* 23 июлда Фаҳри поно ағчихонадаги табуи вақрида. Мен хизмат иетасидан Мадинада бўлган вақрида мусулмон халқини бир бирини тушунмасликларидан йиллар эдим. Кобулда келганимда журиниетларга мурожат этиб, мамлакатини таъли қўшимда ва ишларини таълирини учун келган эдим. Бироқ таълисуфки, бу кўзимим яшида кўпроқ ешларга тўлди. Сиз таълишета, дафтариини ва ёшиб кўшим Фаҳри поно «Мусулмон халқини бириница олмайди ва мусулмонлар иттиҳолни амалга ошилади дейди». Мен унга «Сизини Мадинада бошқини ва Кобулда келиш давом таълирмақини бўлиган «Ислоҳ иттиҳолни» ҳақидаги фикрини ит иеллида аёвсиз эди. Ислоҳ ишларини ўртасидан бирилик фақатгина диний аёвста эмас. иетисолий минфаидлар аёвста қурилиши иетим, бир европаликлардан ўртанишимни керак. Бироқ буин ҳам мунасабларга амални оширини ярамиди. Бу ит тақини таълине тик руҳиядаги европикларда шубҳа





сингдирмоқчи бўлишяпти. Бугун биз учун энг муҳими кураш ҳолатида бўлган ижтимоий инқилоб ва реакция ҳаракатларини ургатиш, бу курашдаги уз йулларимизни белгилаб олишдан иборат. Ҳар бир миллатнинг ҳақ-ҳуқуқига ҳурматда бўлиш, тажовузларга қарши курашиш туркий миллатларнинг буидан кейинги бош ғояси булиши лозим. Буларни бир йил аввал Самарқанддалигимда ёзиб, бу ердаги Бухоро элчиси Ҳошим Шойиққа жунатган эдим. Бир куздан кечириб чиқишингизни тавсия этаман” дедим. Европада бироз юриб Туркияга, лозим бўлса, яна Қобулга келиш ниятида эканимни айтдим.

1923 йил 24 июнида Фаҳри пошо маслаҳатчиси Васфи бей ва бир неча элчихона ходимлари билан бирга бизникига меҳмонга келиди. Мен буни бизга ишоний қилинган ҳурмат деб қабул эдим. Чунки улар мени бир мужоҳид деб билишарди. Икки кундан сунг Фаҳридин пошони яна қурдик. Аммо бироз бошқача вазиятда. Биз яшайдиган қарвонсарой ёнидан оқадиган дарёнинг нариги томонида ёнги чикди. Абдулҳолик мени уйғотди. Абдулқодир билан уч киши бўлиб қарвонсаройдаги челақларни қутариб, уша томонга чоқдик. Сув олиб, уйнинг томига чиққанимизда рўпарамизда оловни сундиришга уринаётган пошони қурдик. Афғонларнинг ёнги учирувчи гуруҳи ҳали келишмаган эди, пошо ва бошқалар бизга пастдан сув узатиб туришди. Мен пошо билан ҳазиллашиб: “Қаранг, Олд Осиёдан бир турк, Урта Осиёдан бир турк Афғонистон ёнгини учирмокда.” Бунга жавобан пошо: “Қаерда бирор ҳодиса бўлса, туркийлар уша ерда ҳозир у позир” деди. Қулишдик. Сунг ут учирувчи гуруҳ етиб келди, оловни учирдик.

**§ 268. Салим пошони Туркистонни тарк этиши.** Эртасига Усмон Хужа бизга Ҳожи Сомибейни (Салим пошо)ни Шаркий Бухородан чиқиб, Афғонистоннинг Ховобод шаҳрига келаётганини хабар қилди. Биз Фаҳри пошо билан гаплашиб, Анвар пошоннинг алоқачи зобити бўлган Хужа Соми Исмонил Ҳаққи бейни Ҳожи Соми бей олдига бориб, ундан хабар олиб келишни илтимос қилдик. Ҳожи Соми бейнинг қули яраланган экан. 1923 йил 25 июнда ёзган мактубида: отга қийналиб минаётганлигини, даволавиш учун Туркияга кетиш нияти борлигини ёзибди. 30 июнда йуллаган жавоб мактубини биз Усмон Хужа орқали бериб юбордик. Мактуб шундай сузлар билан тугалланган эди: «Сиз бир ишқилобчисиз, мушкул дақиқаларда руҳан тушқушликка тутманг. Биз уз мақсадимизга эришиш учун қулимиздан келган барча ораларни ишта соламиз. Ишонч билан йулимизда давом қилайлик». Бир-икки кундан кейин Ҳожи Соми бей билан бирга мамлакатни тарк этган Тўрабек, Маъмурбек, Садриддинхон, Мустафо Шохқули, Ориф Қаримий ва бошқарди аскарлари Аюб, Ислоҳ, Ворис, Ҳайбатулло, Иброҳим ва туркман зиёлиси Аҳмад Нафис, шунингдек, турк зобити Сабри афанди, Нафи афанди, Юсуф Зиё афанди ва бошқалардан

алоҳида-алоҳида хатлар келди. Улар энди нима қилишларини қаерга боришларини сурашган эди.

Бизнинг режаларимиз ҳам узгарди. Ҳожи Сомӣ бей курашни тез тугатишини уйламаган эдик. Ашхабоддаги режамизга кура, биз Эрондан утиб Кобулга, ундан Шарқий Бухорога Ҳожи Сомӣ бей олдига келиб, оиламизни олиб, яна Кобулга қайтиш. Ҳожи Сомӣ бей, босмачилар раҳбари сифатида Туркистонни тарқ этиши вазиятни мутлақо ўзгартириб юборди.

Афғонистон ҳукумати босмачи раҳбарларини Кобулда йиғилишларини унчалик хоҳламас эдилар. Босмачилар сардорлари эса Эрон ёки Туркияга чиқиб кетишлари мустақиллик курашларининг тухтаб қолишига олиб келарди. Биз буни хоҳламас эдик.

§ 269. *Истиқболдаги фаолиятимиз хусусида.* Мен 26–28 июнда ТМБ раиси сифатида Усмон Хужа, Ҳошим Шойик, Мирзо Асомиддин ва бошқаларни йиғилишга тўплаб, бундан кейин нима ишлар қилишимиз ҳақидаги масалаларни муқаммал қилиб батафсил қарорлар олиш керак эди. Мулоқот уч кун давом этди. Шу уч кунги маслаҳат натижасида қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1) Ҳожи Сомӣ бей ва унинг сафдошлари Туркистонни тарқ этишганлиги муносабати билан ТМБнинг чет элларда қумита бўлимларини ташкил қилиш ва улар фаолиятини қучайтириш. Кобул, Туркия ва Францияда ишларни аниқ мақсадлар сари йуналтириш.

2) ТМБ бош ғоявий йуллари белгиланиб уларни зълон қилиш учун журнал нашр этиш. Буни Заки Валидий зиммасига юклаш; Заки Валидийни ТМБнинг раиси вазифасида қолдириб Абдулҳазид Ориф углини Кобулдаги бўлимнинг раиси, Усмон Хужани Туркияда, Мустафо Чуқасевни Европада бўлим раиси этиб тайинлаш; Ҳошим Шойикни Афғон ҳукумати руҳсат берган тақдирда Японияга юбориш; Заки Валидийга Парижда Мустафо Чуқасев билан маслаҳатлашиб, ТМБнинг уй ишгабини очиш, Берлинда агар имкон бўлса ва Истанбулда ҳам ташкил қилишни; Заки Валидийга Туркистондаги миллий озодлик курашлари тарихини ёзиш, уларни нашр этиш, иложи борича хориж тилларида нашр этиши ва шу билан жаҳон жамоатчилиги фикрига етказиш вазифаларини юклаш.

Абдулқодирнинг мен билан бирга бўлиши, унинг расмий ёки яширин равишда Россияга бориб қайтиши, Берлин ёки Истанбулга келиши, менинг бир йилдан кейин яна Кобулга қайтишим, Усмон Хужа, Абдулқодир билан уюшувимиз Туркияда Туркистон муаммоларига бағишланган мажмуа нашр қилишимиз белгилаб олинди. Садриддинхон билан Турабек Машҳадда қолиб, Эрон ҳукуматида уларини Туркистон Жамияти вакиллари сифатида танитишлари зарур эканлиги белгиланди. Афғон ҳукумати қабул қилган тақдирда Мустафо Шохқули билан Гариф Каримийнинг Кобулга келишлари ва Орифов билан бирга ишлашларига, Ҳожи Сомӣ

бейнинг сафдошлари унинг ўзи касрда бўлса, Туркиядами, Эрондами, у билан ёнма-ён булишларига қарор қилинди. Қобулдан кетгач, зиг шошилинч бажариладиган ишлар Усмон Хужа, Абдулқодир ва мен Англия ҳукуматдан рўхсат олиб, Ҳиндистонга чиқиб, Пешоварга боргач, Садриддинхон, Тўрабек ва шу вақтда Читралда булажак Абдулхамид Орифовни чақириб, уларнинг фаолият режаларини батафсил белгилашимиздан иборат эди.

Қабул қилинган қарорларнинг бир қисми маблағ камлиги ва Ҳиндистондаги инглиз ҳукуматиининг қаршиликлари туфайли битмаган бўлса-да, деярли амалга оширилди. Усмон Хужа билан Мирзо Ҳисомиддинда Бухоро ҳукумагидан қолган бир оз пул бор эди, улар 10 августда Ҳиндистонга кетишди. Мен Абдулқодир билан бирга Оврупога йўл олишимизни маълум қилиб, Афғон ҳукуматидан моддий ёрдам сурадик. Бош вакил Муҳаммад Валихон бизга ёрдам беришларини билдирди. Кейинроқ Усмон Хужа ёрдамида Қобулдаги инглиз вакилларига мурожаат қилиб, Ҳиндистон орқали Европага кетишга рўхсат сурадим ва Пешоварда дустваримиз билан куришни тўғрисидаги режамизни ҳам баён қилдик. Ҳиндистондаги Англия вакили бизни жуда яхши кутиб олди ва бу ҳақда Симледаги инглиз-ҳинд ҳукуматига етказишни айтди. Биз бу сафардан аввал Туркия ҳукумати Анкарадан Истанбулга кучганлигини билмаганимиз туфайли Фахри пошодан Истанбул шаҳрига бориш учун рўхсатнома алолмадик. Бу биз йўл қўйган хато эди.

Мен 1923 йил 1 июлда Усмон Хужа, Ҳошим Шойик, Мирзо Асомиддин Тоғманга келиб, Муҳаммад Валихон билан урашдик ва Истанбулдаги ишларимиз ҳақида хабар бердик.

**§ 270. Бизнинг Афғонистон ҳукуматига йўлаган ёзма ахборотларимиз.** Муҳаммад Валихон мендан олий ҳазрат Афғонистон амири Омонуллахонга бизнинг Туркистон келажаги тўғрисидаги режаларимиз ва афғон маорифи соҳасидаги ишларни ривожлантириши хусусидаги тавсияларимни ахборот тарзида ёзиб беришимни илтимос қилди. Агар Афғонистонга келган бу тўрт киши Қобулда қолиб, маориф ишлари соҳасида Афғон ҳукумати билан ҳамкорлик қилсак, бундан улар мамнун булишларини ҳам алоҳида таъкидлашди.

Мен бу ахборотни бир неча кун тайёрладим Усмон Хужа ва Ҳошим Шойик ёрдамида форс тилига таржима қилдик. 17 июлда Абдулқодир билан бирга Боғлонга келиб, хорижий ишлар вазирининг муовини Файз Муҳаммадхон орқали ахборот бериб юбордик. Ахборот яхши қабул қилинди. Омонуллахонга Туркистон-Афғонистон муносабатлари тўғрисида ёзган ахборотим беш саҳифадан иборат эди. Унинг мазмунни қуйидагича эди:

Маълумки, Афғонистоннинг келажаги, Россия итоатида булган Туркистон мусулмонларининг тақдири билан ҳамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам 1917 йилги рус инқилобий воқеаларидан кейин

вазиятнинг кай йўсида ривожланиб бораётганлигини диққат билан урганиш ва англаш лозим. Афғонистон мустақиллиги бугун руслар билан инглизларнинг узаро карама-каршилигига боғлиқ бўлиб турибди. Улар уртасида карама-каршиликлар бархам топгандан сунг, Афғонистон империалистик Россия билан муносабатлари қандай шаклда бўлади? Россиянинг нияти агрессиядан иборат. Бунга улар хозирданок тайёргарлик чораларини куришмоқда.

1. Энг аввало руслар Афғонистонда миллатлар уртасидаги низолар келтириб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Улар афғон миллатчи-экстремистларни қўллаб-қувватлайдилар. Сизни олдингизга рус элчиси килиб: «Биз, руслар орқали миллатчилларга таяниб, мамлакатимиз ҳудудларини кенгайтириб ва бошқариб келяпмиз. Сиз ҳам фақат соф афғонларга суянган ҳолда бошқаларни афғонлар аралаштириб, сингдириб юбориш орқали мамлакатингизни кучайтира оласиз», дейди. Бу сузларни эшитганингизда мен айтган сиёсий иш деб ҳисобланг. Улар ҳазоролар билан бошқача гаплашади. Ҳазоралик теурийлар даҳоси Самсом ал-Султонни ҳам улар ўзларига ургатиб олишди. Фақат Сизнинг консулингиз Абдулазизхон ва Эрон ҳукуматининг қолаверса, Эрон, Афғон қуркчи-аскарлари туфайли Машҳаддан Қобулга келаётганимизда русларга асир бўлиб қолишдан қўтилиб қолдик Хуросон ва Афғонистоннинг туркий халқлар яшайдиган шимолий қисмини истило этиш учун улар ўзбек ва туркман коммунистларига: «Сизнинг халқингизнинг ярми Афғонистон билан Эронда яшайди, бу ҳудудларни ўзингизга қушиб олиш Сизлар учун бир миллий муаммодир», деб ишонтирадилар. Россияда чиқадиган «Военная мысль» журналининг 1919 йил 3 ва 4-сонларида эълон қилинган баъзи мақолалар билан хорижий ишлар буйича фаолият олиб борадиган маҳкамалар танишиб қўнса фойдадан ҳоли бўлмас эди.

2. Афғонистоннинг шимолий қисмини босиб олиш Шуrolарнинг иқтисодий сиёсати масаласи сифатида кўрилмоқда. 1922 йилнинг декабрида Тошкентда, коммунистлар партияси марказида Эпштейн, Михайлов ва Суриц каби коммунист раҳбарларнинг мусулмон коммунистлари олдида уялмай-нетмай: «Афғонлар шимолий Афғонистонда туркий (ўзбек, туркман) халқларнинг қупайишларини сира хоҳламайдилар. Улар (афғонлар) руслардан қурққанлари каби туркий халқлардан ҳам қурқадилар. Туркистоннинг иқтисодий ривожини учун бу ўлкани Қобулгача босиб олиб ва у ердан ҳукумат бошига собиқ Бухоро амири сингари бир қуғирчоқ ҳукумат урнатиб, идора этиш лозим.» деб айтганлардан хабарим бор. Бу билан улар, бир томондан, туркий ва афғон халқлари уртасида узаро низоларни кучайтиришдан иборат бўлса, бошқа томондан, улар иқтисодий сиёсат манфаатларидан келиб чиқиб, шимолий Афғонистонни босиб олиш йўлидаги истакларини гуё Туркистоннинг эркинлиги ва

келгуси ривожланишни таъминлашга қаратилган гоя деб қуратилган а  
уринмоқдалар.

Сиз юзи Олийларнинг даъват ҳақида шйрим рус газеталарида  
«афғонларнинг йўлқ Нестри» деб ёзишлари бир ҳийдатдан иборатдир.  
Вақтлар келиб руслар Херируд дареси билан Амударега чаи томондан  
куйиловчи дареларни ўт ташеирлари бетиға олгани мақсадларида  
ху урларининга «Сун ҳақида шартномалар»нинг тузиниға келадилар. Бу  
ҳақда Тошкентда пашр тилиан «Шародное хозяйство Туркнетана» ва  
болка шу кабиларга ўтибор бериш зарур. Шунининдек, Россиянинг  
Амударедан сивитон четаранингда бошлаб, касил қелиб уни Марк  
орқани утқави Амударени Касний денгизниға йуналтириши, Қоракум  
чўлини ситорни бунича белгиланган режалари ҳам диққатға молик.  
Хуросон ва Афғонистоннинг тарбий ўлкаларидан оққан дареларни у  
пашоратниға ошни тўғрилендири режаларниға ҳам ўтибор бериш керак.  
Профессор Ризенкампф билан Крижановский томонидан ишлаб  
чиқилган Россиянинг Шарқни қисмини ривожлантиришида Афғон  
ни Эрон заминиға окуви дареларни Россия газетри бетиға олиниға  
қаратилган дохидаларни мамлакатиниға тақдирини белгилловчи  
масала сифинида ўрғанилини лозимдир. Туркнетон иштиқболниға ҳам  
авокадор булган буничи режаларни олдини олиш учун қиздан чоралар  
кўриши мумкин бўлади? Бу хуеудани фикрларим куйидагиче:

1. Хиндистон мустақиллик деган бахтли кунларға эришди.  
Урта Осиёда жа ниғиз рус ўрғанилини рақобат булмайдни, русларға  
қарши ёниб бўлиб қолмаслиғини ўз яни рақибни маидонға келтириши  
устиди шилан ни муҳим масалалардан биридир. Афғонистон билан  
Туркнетон ўрта дареларниға ҳаққаро микёсдаги иқтисодий аҳамиятини  
пўқотганини аёсний сабабни XVI асрда Ўрта-Осиё сийдо  
иўшаринини Жибубий дегиниға кўчириши билан пайҳдан мумкин. Буни  
ўрта Осиё орқани утган бу йўлларға яна ҳаёт бахш этишни ўйлаш  
ларур. Буниш учун бу борлиш Америка, Япония билан Туркнетон ва  
Афғонистон орқани Хитойдан Эронни автоқобини ва темир йул қуриш  
тўғриленди шартномалар тузин керак. Яъни, бу бой мамлакатларни  
ўрта Осиёга жаиб этиш, бунидан шиларни амалии олириши улар учун  
ҳам фойдали эканиниши.

Сиз Осиё газеталарниға тушутириши шу мақсадда Япония,  
Америка ва Хитойни, Туркнетон ва Афғонистондан бир гурҳ  
мутахассис толовини керак. Эҳтимол, Америка билан Япония ўрта Осиё  
масалаларниға Андия ва Россия билан муносиватларни эмонданни  
қилиниши хоҳлимак. Ўлассуфисе айти шилан Маньчурия сабабни  
қилиниши ва ниғиз булудни келди. Лекин, мен улоқ келдилик тўғриленди  
ўйлаштираш. Ишти келиб улар қиллайди Маньчурия туфанли сийди  
қилиниши билан бунича, иқтисодий аҳамиятиға яна бўлган шилар  
билан тушутириши тўғри жаиш шилан тушутириб еладишар. Ана шилан  
Улоқ Шарқни Сиз Осиёни бирлаштириладиш буниқ шилан йўлини қилға

иктисодий аҳамиятини аниқлаб, таъқиқ дунедан Хитой ва Россия узаро қўлдинларга чек қўйиб келилиб шлади.

2) Афғонистон индиз-рус уртасидаги заиф «буфер» мамлакат сифатида абдий яшай олмайди. У вақтда икки кучдан бири таълашга туғри келди. Менимча индизлар томонида бўлиш туғри булар эди. Чунки, руслар Амударёдан Каенгий денгизигача қапта қапал очса, бу қапал бўйлари ва грмоқларига кеска бир муддатда мизилнонлаб руслар кучириб келтиришлади. Подшо томонидаёқ Россия Эрлнинг Журжон ва Астрабод худудларига шунга ухшаш кучирини енеагани бонлаган эди. 1917 йил иккилаби туғрайли бу жараён тухтатилиб, хозир эса яна давом эттирмакка қарор қилинди. Воксалар ривожини шундай давом этаверса, Афғонистон Англия еки мустақил Хиндистон билан ҳамкорлик қилишга мажбур булади.

Биттин: Англия билан ҳеч қандай алоқамиз бўлмаган. Чунки улар ҳам биз Урта Осиёда, Афғонистон бикинда яна бир иелом давлатини тузилишини хохламаган эдик. Миллий ҳаракатлар сабабли индизлар Хиндистонда уз ҳукмронини давом эттира олмайди. Улар Хиндистонда Америка, Япун Зеландия ва Австралиядаги каби у ишларини амалга ошира олмади. Индизлар Хиндистонини тарк этувларига қадар еи бериб енеаг олиб боради. Бу жиҳатдан Хитой орқали Урта Осиёга учинчи бир кучини жишб қилиш ияқонияти бўлмаса, Англия ёки унинг уринини босадиган оқуд Хиндистон билан тил тоинишиб, иш олиб бориш жуа уринини булар эди.

Кветтаин Хирот орқали Кушқани боғлайдиган темир йўл қуриш хуеусида Англия билан келишини жуа яхши нагажа беради. Бу эса Афғонистон ва Хуросоннинг Эрон билан бирига тез иктисодий ривожланишини сабаб булар эди. Умуман, Афғонистонда юк ташув транспортини ривожлантириш керак. Аке ҳолда еил хаттоки, майда-чуйда еилотан маҳсулотларини маеалиеида Хиндистонини Пешовар ва Кветта қорхоналарини а муурожаат қилишга мажбур бўлсаеилар.

1. Урта Осиё муеулмонларинини паниселомийин аеосида бирланиш ҳеч қандай гагажа бермайди. Чунки иктисодда еужимлан фақат диний иккиликлар билан чекланиш ҳаракатлар қурук еул булиб қолавереди. Туркия, Эрон ва Афғонистон Россия ҳаифига қарин иктисодий ва маданий аеосларда иш бирлинеа ҳақиқий қураш булади. Менин фикримча, Афғонистон билан Эрон иктисодий еоҳалани енеагани Россияга четаридан бўлган ичимелин шилоятларида амалга ошириш керак. Туркиядан бонлаб ичимелин Эрон бўйлаб Каенгий денгизин кирголдигини Қизил-Ариот етанеияенгача булган темир йўл қуриш, Хиндистондан Хирот орқали Кушқангага аятомобил ва темир йўл қурилишини учтада давлатинини аумумий иш и бўлишиз керак. Шунда Габриел, Рой, Луе, Хирот, Иаиш, Габриел каби шаҳарлар қидини и иелом маданийиетинини аеосини маркашари сифатида унинг намоеи қилади. Уз тушуничаларинини ҳар уз давланга баеишома сифатида расмиийлантириш

юбордизм Тайёрланган баённомалар бир-бирига ҳамохат эди. Самимият ва хайрихоҳлик билан тайёрлашга ҳаракат қилдим.

Зеро, русларнинг доимий равишда утказган миллий шовинизмдан ҳиҷмет бўлиш керак эди. Бу ҳолда ислом омили ҳам фойдали бир военотага айланади. Уч мамлакатда яшовчи барча халқларнинг ҳуқуқлари тенг олинши лозим. Афғонистонда ўзбек, туркман ва тожиқлар учун ўқитиларида мактаблар очилиши, уларни ҳам ҳарбий хизмати устасига жабб этиш ва афғон халқидан қамайишига йул қуймаслик лозим. Бу ҳусусда Саъдуқ вазир Низомулмулкнинг «Сиёснома» асари 24-26 бобларидаги фикрлари эътиборга лойиқдир.

4. Россиянинг Шарққа инебатан сиёсатида туб узгариш булади деб кутиш фойдаеи. Шўролар чор Россияедан мерос бўлиб қолган сиёсатни давом эттиради маркенизм асосида ундан кучайтиради.

5. Ва низоҳат бу давлатлар уртасида радио алоқалар уригини ва ахборот аламатиини йулга қуйиш вақти келди. Руслар ва инглизларда ахборот инини учун кучли алоқа тизимлари мавжуд.

Аҳмад Заки Валидий. 15.VII 1923»

§ 271. *Ғалати тасвиф* Хотираларимнинг бу қисмларини суяқли устим Субатой билан бирга Улугтоғга чашида учини учун келган вақтинида тушлари ухламан еган эдим. 1966 йил 4 февралдаги Истамбул гапеларидан қунидан хабарларини уқидик: “Олд Осиедан Урта Осие нули орқали қатонлардир Узок Шарққача бориб етан қадимий Инак нули устида тадқиқот олиб бориш учун япон имий экспедиция Истамбулга келмоқда. Япониялик олимлар изланиш инларини 9 февралда Истамбулдан бошланди. Экспедиция Анкара шаҳридан бошланиб Қайсария, Ҳаџаб, Байрут, Шом, Ҳамадон, Техрон, Афғонистон буилаб йул устидаги тарихий обидаларни, маҳаллий урф-одаи ва анъаналарни ҳамда сандо-сотиқ шарт-шароитларини урганиб, Японияга қайтиб кетишади”. Япониянинг таникли ёзувчиси К Фукада бошчилигидаги экспедиция хайъатини Токио университети профессори К Нагасава, Айти университетидаи профессор С Судзуки, Хагасаи П компанияси вакили К. Фуджи, Япониянинг дунё буйича ин кўч нуҳалда чоп этиладиган газетаси “Асахи симбун” мухбири М Такаги ва шу газетасини телевидение буйича мутахассиси М Ёсикава бор эди.

Мен 1965 йилнинг март ойида Техронда туплаган «Худудий тараккиет ҳамкорлиги» конгрессида Туркия, Эрон ва Афғонистон мамлакатларининг ривожланиши мана шу Инак йулининг тикланиши билан боғлиқ эканини курсатиб путк сузлаган эдим. Бу путқимни “Турк юрти” журнали май ойидаги сониде, инглизча таржимасини «Худудий тараккиет ҳамкорлиги»нинг Техронда чиқадиган “Бюллетен”ининг биринчи сониде чоп этилди. Бирок Афғонистон «Худудий тараккиет

ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо эмас эди.

■ 272. *Менинг тўғлиқ соҳасидаги маслаҳатларим маориф ва Омонуллахоннинг жавоби* Маориф ва илмий ташкилот хусусида 1923 йил 15 июл санаги ботида берган рапортимда куйидаги вазифаларни кўрсатдим:

1. Ушун пайтда Кобулда қазини ишларини олиб бораётган француз археологлари экспедицияси билан ҳамоҳанг Афғонистон Археологик жамияти тузиш ҳамда афғон миллий кутубхонасини ташкил этишни таклиф этарканман, ушим бу йилда хисса қилиш учун Россиядан Дров ва Афғонистоннинг жуғрофиясига доир русча асарларни келтирилган ҳолда ислом олами жуғрофиясига оид араб олимлари томонидан яратилган ва Европада чоп этилган асарларни ушим билан бирга олмаган эдим. Улар Кобулнинг марказий кутубхонасида бўлса керак, деб уйлаган эдим. Бироқ Кобулга келганимдан сўнг Европа шарқшуносларининг асарлари у ёқда турсин, кутубхонанинг узи ҳам йук экан. Саройга оид кулёзма ва баъзи чоп этилган асарлар усти яхши ешилмаган, ёмғир сизиб турадиган хонада сочилиб ётганини кўриб ачиндим. Илмий жамиятда ва кутубхонада фаолият юритадиган афғон мутахассисларни тайёрлаш учун дархол бир курс очилиши лозимлигини айтдим.

2. Бешта факултетдан иборат университет очиш. Бунинг учун аввал ташқаридан ва Туркиядан олимларни таклиф қилиб, Кобулда университет кадрларини тайёрловчи олий курс очиш. Мен таклиф этатган бешта факултетни батафсил тушутирдим:

1. Ҳуқуқ ва сиёсат; 2. Иқтисодиёт ва тижорат; 3. Табиёт ва риёзиёт; 4. Гил ва тарих; 5. Тиббиёт ва ташрих (анатомия) факультетлари. Шахсан ушим илмий жамият, кутубхона ва университет ташкил этиш йулида Кобулда қолсам ҳам, қолмасам ҳам, қудимдан келганча ёрдам беришга, хусусан, китоблар масаласида ёрдамимни аямасликка ваъда бердим.

Бу таклифлар шу қадар яхши кутиб олиндики, маориф вазири Файз Муҳаммадхон 19 июлда Омонуллахоннинг саройида махус кенгаш чақирди. Мажлисга Мавлоно Абдулвосий, маориф назорати ходимлари, харбий мактаб ва Олмония мактаби муаллимлари, пуштун жамиятининг раиси Абдурахмон, Афғонистоннинг Лондондаги элчиси Абдул-Ходийхон, Файз Муҳаммадхоннинг узи, француз археология экспедицияси бошлиғи месье Фуше ва унинг ёнидаги туртта француз олими, немис профессори, туркиялик дипломат Васфи Манташбей, Бухоро элчиси Ҳошим Шойик ҳамда мен чақирилган эдик. Кенгашни бошқарган Файз Муҳаммадхон уз иутқини уқиб бўлгач, бу ишни Рундия мактабини очиш билан бошлаш уринли бўлишини айтди. Бу мактаб учун маориф назорати ходимлари ҳамда номи тилга олинган икки мактаб муаллимлари томонидан тайёрланган дастур кўриб чиқилди. Бироқ Файз Муҳаммадхон бундай мактаб фаолиятини



бошлаб, давом эттириши учун китоб ва муаллимлар йуқлигини, яна дарсларни хатто тожик болаларга ҳам пушту (афгон) тилида ўқитиш фикрида эканликларини самимият ва таассуф билан айтиб ўтди. Мен эса бу урта мактабда дарслар афгонларга афгон, тожикларга форс, ўзбекларга ўзбекча ва туркманларга туркманча ўқитилса уришли булишини айтдим. Улар бунини истамас эди. 21 июлда яна Пағмонга бориб, мени куришни истagan Файз Муҳаммадхон билан куришдим. У жуда самимий эди. Мамлакати жуда ортда қолганини, аммо режалари кенг эканини, ўзи маориф вакиллигини бошқаришини айтиб, унга муовинлик қилишини таклиф қилди. Уша куни Вали Муҳаммадхон билан ташқи ишлар вазирлиги резиденциясида тўшлик қилдик. Улар Россиядаги саёхатлари ҳамда биз билан бўлган учрашувларни хотирлади. Файз Муҳаммадхон ҳарбий округ бошлиги муовини билан Тошкентда узок вақт суҳбатлашганини, Файз Муҳаммадхоннинг хотира дафтарига рус тилида ёзилган "Яқин дустим Файз Муҳаммадхон билан Кобулда куришини тилаги билан" эсдалик жумлаи курсатди. Ҳолбуки, Афғонистон делегацияси билан рус ҳарбий округи бошликлари уртасида уларнинг Афғонистонни зиёрат қилишига доир бир оғиз суз гаплашилмаган экан. Улар генералнинг бу сузларини густоҳлик ва Афғонистонни ишғол этмас куришамиз, деган маънода қабул қилишибди.

1923 йил 23 июлда ўзимга ва Абдулқодирга Бухоро сафаридан Ҳиндистон ва Европага ўтиш учун паспорт олдим. Паспортга ёништирилган расмларимиз шу қадар хунук эдики, бунини бошқа мамлакатда қандай курсатамиз деб ўйладик. Бу билан биз оғизда мустақил, зели мавжуд булмаган Бухоро Жумҳурияти фуқароси бўлдик.

1923 йил 25 июлда Қурбон ханга бўлди. Амир Омонуллахон имом бўлиб, намоздан сўнг минбарда туриб хутба ўқиди, форсча сузлади. Сузлари орасида "Мусулмонликка келсак, унинг ҳеч қандай қусури йўқ, қандай қусур ва нуқсонлар бўлса, бу бизнинг мусулмонлигимиздадир деди. Бу сузларни катта оғаси Абдурахмонхон ҳам зикр этган экан. Сўнг туркийча сузлади ва сўёбат бораёнда "Мен фақатгина афғон мислани учун ҳаракат қилмайман, турк, эрон ва туркистонликларнинг барчасининг тиллагини Аллоҳдан сурай". Шундай қилиб мен ёзиб берган атрофлича рапортга номини тилга олмасдан яхши жаъоб берди.

§ 273. *Ҳошим Шоиқ ва менинг жимжитим.* 29 июлда Хонободадаги дустларимиз ва Ҳожи Сомийдан Исмоил Ҳаққийдей орқали юборилган мактубларни олдик. Афғонистон ҳукумати уларни Кобулга келишига руҳсат этмасач, 35 киши биригаликда Туркияга чиқши

\* Islam be dhat-i vod ne dâred 'aybi  
her aybi ke hest der musulmani ma-st

учун Хирот йули оркали Машиҳадга караб йулга чиқишган экан. Садриддинхон билан Мустафо Шохқулнинг мактублари жуда аламли эди. Айниқса, Хошим Шойик Садриддинхонни кура олмаслигидан хафа булди. Хошим Бухоро яхудийларидан булиб, Бухоро мухитида ушиб, махаллий урф-одатларга берилган туркий гоьларни маъқуллайдиган дуст эди. У кейинги йилларда Бухорода етишган шоирлар туғрисида тасқари ёзган эди. Шеърини туплами бор. Бухоро ёшлари билан Туркияга бориб, дорилфунунда тахсил олди. 1918 йилнинг нотинч шароитида Боку оркали юртга кайтар экан, «Мишлий тадқиқотлар журнали» тупламини, Махмуд Кошғарийнинг «Девони лугатитурк» ва «Дада Қуркут» сингари бутун Туркистон эиёлилари учун янгилик хисобланган бошка асарларни ҳам Бухорога олиб келган. Муаллимлар мактабида француз тилини урганганлиги бонс, 1920 йилда таъкил топган Бухоро хукуматининг хорижий ишлар вазири киблиб тайинланган. Хошим Шойик жуда куркок ва шубхаланувчи бир киши булганлигидан, чет эл ишлари билан шуғулланмиш даврида юзага келган воқеалар унга ором бермай турарди. Ёнз учун ишларнинг мураккаблашиб бораётганини кургач, Кобулга элчи булиб кетди. Хожн Сомиш хам дустлари билан Туркистонни тарк этишганда Хошим Шойик гамга ботган эди. Уша куни Мухаммад Валихон кабулига бордик. Хошим Шойик Садриддинхон учун Кобулга келишига рухсат бермаганлигидан хайрон булаётганлигини хорижий ишлар вазирига кузларида ёш билан айтди. Унга кайтаётганимизда узини улдираман, деб бир неча бор айтиб борди. Уйида жуда ёмон тушлар курганлиги хатто, Файзуллани хам тушимда курдим деди. Олдига кириб уни тинчлантиришга ҳаракат килдим. Туптончасини олиб куймоқчи эдим, бермади. Усмон Нуха билан Хожн Хисомиддинлар хам унинг ёнида эди. Туптончани гортиб олмоқчи булдим. Шу пайт ук овози янгради. Туптонча огзини беркитиб турган иккинчи жимжилотим жанг пайтидаги каби пачокланди. Исмоил Ҳақкибий шу захоти турк шифокори Мушир бейин олиб келди. Уша куни Фаргона озодлик курашчилари раҳбарларидан булган Шермухаммад бир неча йнгитлари билан бирга Хонободдан Кобулга келган эди. Менинг яраланганимни эшитиб, менинг Кобулга келишим хосиятеиз булди», деб йнглади. Мени касалхонага олиб боришли ва паркоз бериб, яраланган бармогимни майдаланган суюклардан тозалаб, тикиб куйишли. Яна уша жимжилотим азоб бера бошлади.

1918 йилдан эътиборан беш йил давом этган куролли жангларда иштирок эдим. Лекин бирор марта хам хаётимни хавф бетида колдирган даража ярадор булмадим. Бир марта Урал тоғида булган жангда шуро кушини пулемётчиен мени огимни кулатди, ён суюккага теккан ук хариталарни тешиб утган эди, уним эса сонимдан ешил яраландим. Лекин мен бошка ота мишиб жангни давом эттира олган эдим. Мени бошка бир омалсиз жимжилотим Кана кишлогн ёнида

— деди. Шундан кийин мени бу курашлардан икки жаражатимга яриданган холда чиқарди. Хошим Шойиқ эса яридор бўлган ҳам уларнинг доросунги ёроқ кун ўтиб мени унинг уйида бўлдим. У уйда кун пачағгай экан. Яна ўзимга жонига касал қилимаган деб кўриктим. Мен уни каттадан дугун еифатида қаттиқ боғладим.

У бундан мутлақо хайра бўлганди. Мен унга Мусо ва Хорун аялдорларга ушлаб қолмасан. Агар сен жонингга касал қилсан менинг бармоқ ўнгунда, дедим.

Хазир бундай очкиликдан шима фойда, уи кун анвар ичинин боғчанлиги балким мени бармогим соғ қолармиди. Бундай жилдин талоҳлардан кейин у мени куламинг ушлаб кечирим суради. Кейинчалик маориф ва тиббиётда маслахатчи ва университет профессори лавозимларида фаолият олиб борди.

Хошим Шойиқ 1961 йили вафот этди. Ундан Туркистонга оид жуда бой кутубхона мерос қолди.

274. *Шермухаммад бек*. Бу хот (Фарғонада туғилган, 1915 йили) пошо ҳукуматининг фармонига бинсан фронтда иллати учун мардикорликка сафарбар қилинган ва Пошиа фронтда бўлган. 1917 йили Фарғонага қайтиб келгач, большевиклар эолимликларига индай олмай, дустлари билан биргаликда кураш байроғини кутариб, бир неча йиллар давомда руслар билан жанг қилди. Унинг ҳаёт йули воқеаларига жуда бой утган. Бу ҳақда у уз хотираларини ёзган ва менга ҳам жунатган.

Фарғонада курашни давом эттириш имконияти қолмагач, Анвар пошо билан Афғонистонга утиш ниятида юртидан чиқиб кетинга мажбур бўлди Афғон ҳукумати Шермухаммаднинг укаси Нурмухаммад ҳамда бошқа яқинларини биз яшаётган саройга жойлаштирди. Мен 1920 йили Бонқирдистондан Элдорхон Метин исмли бир зиёлини Шермухаммад олдиға Фарғонага жунатган эдим. У Шермухаммад бек кўшинидаги аскарларига ҳарбий ишлардан сабоқ берди. Рус тилини урганишга ҳам қуп ёрдам қилди. Мен билан илк бор куришганидаёқ: «Элдорхонни менинг олдимга юбориб, жуда яхши иш қилдинг, ҳозир эса Қобулда учрашиш бизга насиб қилибди», — деди. У саводсиз бўлса ҳам олийҳимматли миллатига содиқ бир мард қили эди. У башоратларга ҳам ишонган холда баъзан ҳаракат қиларди. «Юмалок» деб аталадиган фол очиш усулини қупроқ қуллагига уринарди. Афғон ҳукумати унга рус элчихонасига бориб, ватанига қайтиб кетишга руҳсат сурашни маслаҳат қилишгандан сунг у икки марта бориб ҳам келди. Кейин Афғонлар мени урисга жунатиб, шарманда қилишди. — деди. Биз кетганимиздан у хамроҳлари билан Афғонистонда қолди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Нурмухаммадбек бир неча йил қамокда утирди. Ҳозир опа-укалар иккови Туркияда яшамақда. Қобулда эканлигида мен Шермухаммад билан Фаҳри пошо ҳузурига бордим. Фаҳри пошо эртасига бизни олдимизга келди. Фаҳри пошо

кетди, Шермухаммид тушди сулим билди содам Урташди фарк бўлгани  
кйби, милоди билан милоди орасида ҳам фарк бор. Туркия нокидан  
буёқ шопшонин келиши курашлар ниҳоятда мен учун кутимган,  
бейхудо гинга бўлди, деди. Ўзини талоқои билди рус элчихонасида  
бўлганининг у ўзини дўхитинг энг тубинга тушинг одам, деб хис  
киладиди. Мен Россиядан кочиби, Кобулда русга ёлворининг не  
ҳажати бор? Чоно таниффи уни руҳан бардам килди

§ 275. *Яна Кобулда амалга оширилган атирим ишларим.* Кобулда  
килини бошқа муҳим ишим бу турк мабуотини, жумладан,  
“Янги мажмуа” тўйламини, Зис Ёўк Алининг асарларини, Фуош  
Кушулуниги ишларини, турк файласуфларининг усмонийчилиги,  
туркчилик ва исломчиликка оид мувозараларини, шунингдек,  
Афғонистон натирларини тадқиқ этилган иборат бўлди. Шу билан  
бирга 3 исдан бошлаб, Кобул бои қумондонлиги ва қароргоҳи (шааб)  
да гартисез равнида тупланган кулзма асарларини урганиш, шаҳир  
атрофида, айниқса, Бобур Мирзо ва унинг уғилларига оид обидаларни  
ва Баграм (Шоҳ Баҳром) харобаларини зиёрат қилиб, уларда ёзилган  
китоб ҳамда шеърларни дафтарим.а кучириб олдим. Кулзмаалар  
орасида энг ноёби Рашидиддиннинг уз даврида кучирилган нафис  
миниатюралари “Жоме ат-таворих” китоби, Темур “Тузуқлари”нинг  
турли нусхалари, XIV–XVI аср Туркистоннинг иқтисодий тарихига  
оид жуда қимматли маълумотларни уз ичига олган, кейинчалик,  
афеуски, йуқолган “Жоме ал-Вақоийф” (Вақфлар тўплами) номли  
буюк асар, Қошиғар ва Қашмир тарихига оид асарлар ва XIX аср афгон  
ҳукмдорларининг васикалари бўлди. Мен инглиз элчихонасида бир  
хонд билан танишдим. У Ахмадийлар диний жамаъатининг аъзоси эди.  
Улар уз мазхаблари таълимотига оид чоп этилган барча асарларни  
беришди ва Фозил Карим исмли шифокор Ахмадий Хиндистонга  
келгандан сунг ахмадийлар маркази ҳисобланган Қадийн шаҳарчасини  
албатта зиёрат қилишимни истаб, йулга кетадиган ҳаражатларни ҳам  
коплашини айтди. Кейинчалик шоир Абдурасулхон Бобур Мирзо  
явлодидан бўлганидан жуда яқин дўст булиб қолдик. Менинг афгонлар  
орасида Вали Мухаммадхон ва Файз Мухаммадхондан бошқа узимга  
яқин олган ва купинча маслаҳатлашиб турадиган яна икки киши бор  
эди. Улардан бири Лондон элчиси бўлган Абулходихон ва иккинчиси  
Афғонистоннинг Бухородаги элчиси Сардор Абдурасулхон эди.  
Сардор Абдурасул билан 1924–1925 йилда Берлинда ҳам бирга булдик.  
Мусулмон, шу билан бирга очик ва реал фикрлайдиган шоир эди.  
Мен учун ёзган қасидасини уйига чакирган дўстлари даврасида ўқиб  
берди. У мажлисида ҳазиллашиб инглиз элчихонаси шифокори Фозил  
Каримнинг мени Қодиёнга таклиф қилиб йул ҳаражатини бермоқчи  
булганини айтди. “Нима қилай?” деб сурадим. “Қутир қуйдан – бир  
тутам юнг» деб мажлисидаги афгонларни қулдирган эди. Кобулда яна  
шунга ухшаш марокли суҳбатлар булди. Мен уларга қисқа масофага

булса ҳам темир йули ётқизиш фойдали булишини, Афғонистонга транспорт ва саноатни олиб кириш ҳамда автомобил йулини куриш зарур эканлигини тушунтиришга уриндим.

§ 276. *Тошқи ишлар вазири билан сунгги марта учрашув* 1923 йил 20 сентябр пайшанба куни Афғонистон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Валихон билан сунгги марта учрашдим. Бизга Европа бўйлаб Парижгача булган сафар харажатлари учун маблағ ажратилди. Муҳаммад Валихоннинг келиб чикиши асли афғон булмай, Помирнинг Дарвоз беклигидан эди. У форс тилининг алоҳида шеvasида она тилида сўзлашарди. Хақиқатда ҳақ узларини гуе Буюк Искандарнинг авлодлари деб курсатадиган бу тожик беклари аслида туркийларнинг қарлук қавмидан келиб чиккан. Араб манбаларида буни аниқ тасдиқлайдиган далиллар мавжуд. Муҳаммад Валихон мenden бу ҳақдаги манбаларни урганиш ва бу қавмни қадимги келиб чикиши ва тарихи устида изланиш олиб боришимни илтимос қилди. Мен унга худо хоҳласа, Кобулга яна бир марта келсам, ушанда албатта бу масалалар билан ва тарих билан шугулланаман дедим. У: “Мен узингизни фан ва маориф соҳаларига боғлиқ булган таклиф ва тавсияларингизни амалга ошириш учун Европада ишингизни битириб, тезроқ бу ерга қайтиб келишингизни жуда хоҳлайман, амир ҳам шуни истайди”, деди. Вали Муҳаммадхон сафар харажатлари учун бир неча кун аввал уч минг рупия берган эди. Ҳозир Омонуллохон номидан яна шунча пул берди. Март ойида Ашхабоддан Эронга чиқаётганимизда мабалагдан 950 рублга тенг Бухоро пулини олган эдик. Кейинги харажатларимиз Афғонистон ҳукумати томонидан қопланди. Муҳаммад Валихон агар Европада муҳтож булиб қолсак, Афғонистоннинг Париждаги элчиси Маҳмуд Тарзийга мурожаат қилишимиз мумкинлигини айтди. Яъни Афғонистон ҳукумати бу масалада бизга уз фуқаросидек муносабатда булишди. Бундан биз бениҳоя миннатдор булдик.

Муҳаммад Валихон – сизларга худди афғонларга қилинадиган эътибор курсатилди. сафарингиз тезроқ ниҳоясига етсин. Бу ерга қайтиб келасиз деб сўз беринг. Биз ҳам сизни юқори мартабали лавозимдан жой олишингизга ваъда берамиз. Сизнинг кенг маънодаги таклифларингиз Омонуллохонга маъқул тушди, деди. Мен бизга курсатилган самимий муносабат ва қилинган саховатлар учун миннатдор эканлигимни билдирдим. Бу ерга келиб, университет, илмий кутубхона ва илмий жамиятга асос солиш буюк бир шарафли иш, бироқ албатта келаман деб сўз бера олмайман. Фақат сизларга Хожа Ҳофизнинг қуйидаги мисраларини эслатиб утишни лозим топдим: Биз бу ерга юқори мансаб учун келмадик. Бошимизга тушган оғир сивовлар сабаб паноҳ сураб келдик”.

\* Ma be inca ne beray i hasmet u cah amede im  
Belki ez bed hadise be penah amedeyim.

Хайрлашаётиб мен уни қулидан ўпмоқчи бўдим, лекин у мени кучоқтаб ўпди. Биз самимий ажралитидик.

Уша куни 20 сентябр 1923 йили куннинг иккинчи ярмида маориф назоратида Анжумани маориф вазирлиги илмий хайъати йигилишига таклиф этилган эдим. Унда Кобулда очилиши мулжалланаётган педагогика институти иши дастури муҳокама қилинди. Бу олийгоҳ ҳам лицей ва қисман университет мақомида бўлиши кузда тугилаётган эди. Менинг таклифим асосида бу олийгоҳ зиммасига икки вазифани юклатиш қарори қабул қилинди:

1. Бошланғич таълим билимларни кенгайтириш;

2. Бошланғич таълим бериш усулблари ва педагогика.

Файз Муҳаммадхон мenden миннатдор эди. Мажлисдан кейин афгон дусларим билан хайрландим. Икки кундан сунг йулга чиқдик.

§ 277. *Ҳожи Сомийга ёзган мактубим.* Ҳожи Сомийнинг Хонободдан Машҳадга йулга чиқишидан олдин ёзган мактубида унинг ниҳоятда рухий тушқунликка тушганлиги сезилиб турарди. У ярадор бўлганлиги туфайли жангларда қатнаша олмаётган бўлсада, кураш давом этишини хоҳларди. 22 сентябрда мен унга Машҳад консуллиги орқали қуйидаги мазмунда мактуб йулладим: «Менга ва Фахриддин пошога ёзган сунги мактубингизда бухороликларнинг, айниқса, лақайларнинг бизга нисбатан нотўғри муносабатларидан шикоят қилган эдингиз. 1921 йилнинг қишида Бухорода Анвар пошонинг курашларга қушилишини хоҳлаган вақтингизда, мен сизга бундай ишларда эҳтиросга берилмасдан, ақл билан иш тутиш керак», деган эдим. Мактубингизни уқиб сиз рухий тушқунликка тушганлигингизни сабаби мен яна уша сўзларни такрорлашга мажбурман: «Босмачилик характери олти йилдан бери давом этиб келмоқда. Бирок Россия бошқа фронтларда банд бўлиб турган муваффақиятга эришиш мумкин эди. Ҳозирги мағбулиятларни эса руслар бошқа кучли рақиблирдан қутулиб бутун кучини бизга қарши ташлаганлиги билан изохлаш мумкин. Бу хусусда шу йил феврал ойида Ашҳабоддан Мачай йули орқали юборган мактубимда ҳам ёзган эдим. Ҳозир руслар сизга қушилмаган босмачиларга қелишувчилик сиёсатини юритиб, сизга тарафдор лақай ва қарлуқларга душманлик сиёсатини юритади, бизнинг душманларимиз босмачилар эмас, Сомий пошога қушилувчилардир», деб халқни сизлардан бездиришлари табиий, деган эдим. Агар сиз яраларингиз тузалгунча Афғонистонда ёки Эронда қолиб, кейин ҳам бу ишдан воз кечмасангиз, яхши буларди. Хорижий элларга чиққан мужоҳидлар ёрдам курсатмасалар, бу ҳаракат келгусида яшай олмайдди. Анвар пошо билан Сиз бу ҳаракатнинг дарров муваффақиятга эришажагига ишонган эдингизлар. Мен пошога, балки бизнинг авлод галабага эриша олмас, шундай бўлса-да, курашни давом эттириш керак, чунки Урта Осиё масаласи бир кун келиб, жаҳон масалаларининг бирига айланди. Уша кунлар етганда, бизнинг бугунги курашларимиз

тамак топи бўлади, деган эдим. Анвар пошонинг Туркистон учун жон  
фишо килиши қалбларда отодлик гоъларини жонлантирди.

Ҳиндистонда ҳам шундай бўлган. сипоҳийлар кузголони бит  
Пипу Султон ҳаракати Ҳиндистон мустақиллиги курашларига замин  
бўлиб кетади. Холбуки, Пипу Султон ҳаракати муваффақиятсизлик  
учрагандан сўнг одамлар унинг ўзини улдиришга урингандар. Али  
Шавкат бейнинг айтишига караганда, Туркия мустақиллиги учун  
курашда ҳардошнингиз Ашраф бей билан Мустафо Камол уртасида  
карвон-каршилик рўй берган, демак, сизнинг Туркияга қайтишингизга  
руҳсат беришмаслиги ҳам мумкин: яхшиси, сиз Урта Осиёда қолинг.  
Сиз ҳам кетсангиз, Туркистон халқи: «Туркия одамлари ҳам уриниш  
кўрдилар, муваффақиятга эришолмагач, кетдилар», деб гапирдилар.  
Машҳад консулини Шохбандар Сомий бейнинг айтишича, Туркияда  
Шариф бей исмли бир киши сиз ва Анвар пошо тўғрисида ута салбий  
мақола ёзган. Сизни у ерда кутиб утиришмагандир. Сиз учун Туркистон  
курашидан нажратлишқатта гуноҳ бўлади. Афғонистон ҳукумати сизнинг  
Ҳонободда яшашингизга ижозат бермайди. Машҳад қамалатомасида  
бирарта ватифа берадиларми, йўқми, унисини билотмайман. Али  
Ризо бейга ҳам шундай маслаҳат бергандим. Фақат руслар сизнинг  
Хўросонда қолишингизга имконият бермаслар, деб ўйлайман.  
Фикримча, Сиз ҳам, Ризо бей ҳам Техронни марказ қилиб, Хўросон  
ва Афғон Туркистоннида савдо ишлари билан шуғуллансаларингиз,  
яхши бўларди. Абдулҳамид, Туроббек ва Маъруфбеклар ҳам, бизнинг  
бошиқрадаримиз ҳам бу ишда Сиз билан бирга бўлсалар, кун  
ўтказишга имкониятлар яратиларди. Шунинг баробарида Сиз Эрон ва  
Афғонистон шималидаги Туркистон қочқинларининг отодлик руҳини  
сундирмас эдингиз. Мен, Фатҳулқодир ва Усмон Хўжа бу курашни  
илмий жиҳатлари билан шуғулланамиз. Мен бу ҳаракатнинг тарихини  
ёзмам, қўлимда маълумотлар кўп. Бу тарихни туркий тилларда нашр  
қилгандан сўнг инглизчада ҳам нашр эгитирмоқчиман. Агар сиз кураш  
қилнашганларни ҳаммасини шошилиш равишда Туркияга олиш  
чиксангиз, сизни у ерда қабул қилмасалар, ҳамма ноқудай ахволда  
қолдирасиз. ташкилотимиз ҳам тарқаб кетади. Туркистон муаммоси  
кўп вақт татаб қилишини барчамиз тўғри эгитлашимиз лозим, шунга  
муносиб иш олиб бораёлик. Усмон Хўжа билан Мирзо Асомиддин  
ўтдан биннинг ўзини сизга Ҳиндистон йўли билан Истанбулга йўл  
чиқди. Ҳошим Шойи бей ҳам балким Японияга кетар. Биз Фатҳулқодир  
билан икки кундан сўнг Пешоварга йўлга чиқамиз, у ердан ишпазлар  
Париж еки Берлинга кетамиз. Сизга ҳурмат ва салом билан».

22 сентябр 1923, шанба

1278. **Абдулқалиқ Кўчирбай** Қобулдан кетишини экинлашгани  
муносибати билан энг қаттиқ изтироб чеккан киши от боқар

хис қилар. баъзан йиғлаб оларди. Бизга Машихаддан бошлаб ҳамроҳлик қилган Абдулҳолиққа самимияти ва садоқати сабабли шу калар ўрганиб қолган эдикки, уни қолдириб кетиш биз учун ҳам оғир эди. Бирок учинчи кишининг йул ҳаражатиғи тоғини имкони бўлмади. Афғонларга ўргана олмаганини билганимиз учун унга йўлини тоғиб Туркияга боришни тавсия қилдик ва элчихонага мурожаат қилиб Фахри пошо ва элчихона имоми Али Шавкат афандидан илтимос қилдик. Улар илтимосимизни қабул қилишди.

Абдулҳолиқ Сирдарё бўйида Горон ўзбек темир йули станцияси атрофида яшовчи тобун уруги қозоқларидан эди. Уни шўролар уша ерда аъзон қилинган сафарбарлик билан қизил қушинга олишибди. Бошланғич таълимни рус тилида олгани учун бу тилни яхши биларди. шу боис бир қанча вазифада ишлаган, коммунистик партияга ҳам аъзо бўлган эди. Эрон ҳудудидagi қизил қушин полкнинг кумондони уни ҳақорат қилгандан сўнг, у ерни тарк этиб Эронга қочган. Машихаддаги бир мадрасада ишлаб бошлабди. У ерда шиа маъхабига кирибди, сўнг бош бир эронлик уни уш уйига хизмага олибди. Келишган, турк тилидаги Абдулҳолиққа у киши муҳаббат боғлабди. Баъзан унга атаб шеър ҳам ёзар экан. Абдулҳолиқ шеър мазмунини тушулмаганида уни ҳақорат қилар экан. Бир кун кечаси хужайяни Абдулҳолиқнинг олдига ялангоёқ кириб унга нот-ишва қила бошлабди. Абдулҳолиқ булдан жаҳли чиқиб уни роса душрослабди ва кийимларини олиб у ердан кетибди. Эндан Эрондан бошқа улкага кетишни уйлаб, Россияга қайтишдан қурқиб турган пайтда биз унга рўпара бўлибмиз.

Қобулдан кетадиган кунимиз Али Шавкат бейдан Абдулҳолиқни хизмагига олишини илтимос қилдик, у рози бўлди. Али Шавкат афандини мен яхши танирдим. Француз ва форс тилидан ташқари урду тилини ҳам ўрганган Али Шавкатбей фалсафий асарлар, ҳусусан, ҳинд фалсафаси ўрганиш устида иш олиб борарди. У билан ислом дунёсининг тақдири ҳусусида кўп суҳбатлашган эдик. Бирок афғонистонлик дўстим Сардор Абдурауфхон бир кун менга: "Менинг узоқдан кузатишимча, бу Али Шавкат баҳонийлар билан яхши алоқада" деди. Ҳолбуки, у ўзини исломнинг ислоҳотчиси қилиб кўрсатар эди. Унинг фикрига кўра, ислом оламида келажакда ғарб маданиятига зид бўлмаган, хурофотдан холи ва исмига мос келадиган жиҳатлари қолади. жин, шайтон, фаришталар ҳақидаги фикрлар ўзгаради, улар табиат қонунарига мос тасаввурлар деб қаралади. Ғарчи ҳаёт тамоман ғарбона кўринишида бўлса-да, ислом диний ақида сифатида мукаммал тарзда яшаида давом этади. Эҳтимол, жомеъларга мусалка келар. Али Шавкатбей билан кўп маротаба бу мавзулар устида қўрган суҳбатимиз натижасида "Исломият ва унинг истиқболи" ҳақида 20 саҳифалик бир рисола ёнган эдик. Бирок ушбу рисолаги бутун а қалар нашр этири олмадик. Абдулҳолиқ ҳам билини. Али Шавкатбей билан бўлган суҳбатимизни...



булиб қолиб, турли кишилар билан суҳбатлашишдан бошқа иши қолмаган эди. Форечани билгани туфайли афгонлар ва ахмадийлар билан қўрган суҳбатларимизга уринди, уринсиз аралашиб турарди. Биз Қобулдан кетадиган кунимиз Абдулхоликни ва баъзи буюмларимизни Али Шавкатбейга юбордик.

1925 йил июн ойида Европада икки йил юриб Истамбулга келганимизда Абдулхолик дарҳол бизни излаб топди (22-расм). Али Шавкат бей уни Истамбулга олиб келибди, унга диний-фалсафий мавзулардан сабоқ берибди ва ниҳоят баҳой эканини очикчасига эътироф қилиб, Абдулхоликни бу мазҳабга олиб кирибди. Абдулхолик уларнинг нашрларини уқиб, бу мазҳабга яхшигина боғланибди. Бироқ Абдулхолик вақт утиши билан Али Шавкат бейнинг ута иккиюзламачи ва мунофиқ киши эканини ва баҳойлик ҳам дин эмас, балки Али Шавкат бейдан урганганидек, масонлик – тош йунувчиликка ухшаш диний-фалсафий оқим эканлигини англабди ва Али Шавкат бейга: “Модомики, сиз баҳойликнинг устозларидан экансиз, у ҳолда қандай қилиб узингизни ватанингизнинг элчиси сифатида фаолият олиб борган вақтингизда қандай қилиб узингизни исломият соҳасида мутахассис ва имом қилиб курсатдингиз? Демак, сиз бошқа биров учун ватанингизга қарши ишлайдиган жосусларсиз. Аммо кимнинг жосуси? Баҳойларнинг давлати йук, уларнинг жосуси булишингиз мумкин эмас” дебди. Узок тортишибдилар. Сунг: “Баҳойлигинг узинга буюрсин. Уз козоқларим қайси динда бўлган бўлса, мен уша диндаман. Мен сунний ва ханафийман” деб Али Шавкат бейни ташлаб кетибди.

Биз Шишхона мавзесида ижарага уй олдик. Стамбулда Абдулхолик мен билан бирга ишлади. У ёнимдалигида кунглим хотиржам буларди. Овқатимни пиширар, кийимларимни тозалар, ҳар қандай ишимни нуқсонсиз бажарарди. Босмаҳона ишларини ҳам у қиларди. Қутубхонам учун жавонлар ясаёттирди, ҳуллас, менинг хотиржамлигимни таъминлади. Абдулхолик баъзан жушиб: “Керак бўлса, сиз учун жонимни ҳам бераман, жанг бўлмади, бўлса, аялақачон сиз учун улгай булардим” дерди. У ҳақли эди. Уз юртига қайтиб Туркистон мустақиллиги учун курашишни истарди. Бироқ ҳозир бунинг иложи йук эди. У бу дардини козоқча улугвор қушиқларга жо қилиб хиргойи қиларди. У бировга қарам булишни асло истамасди. Буни ҳам қушиқларида ифода этар эди.

Бир кун кримлик Жаъфар Саид Аҳмад ва Юсуф Окчура келишди. Турли мавзуларда суҳбатлашдик. “Табарий туркийларида қучилик бўлмаганлигини араб олимлари ёзишган. Муғулистонга сафар қилган Рим Папаси вакили Плато Карлини ҳам буни қайд қилган, француз кироли вакили Рубруквич ҳам шундай деган. XVIII аср сайёҳи Паллис козоқлар ва бошқирлар ҳақида бундай дебди” деб гаплашиб турганимизда Абдулхоликнинг қулликка қарши сўзларини айтиб бердим. Абдулхоликнинг фикрлари уларга маъқул келди. Ҳуллас,

Абдулҳолиқ бизнинг муҳитда узини жуда ҳам бахтиёр хис қиларди. У исломни қозоқлар сингари тушунгани боис унинг ягона мақсади ҳажга бориш эди. Афсуски, рақ қасалига йулиқди. У ҳақиқий инсон эди. Бир қанча дин таъсирида булган коммунист ҳам булган, бироқ уз миллатининг дини ва урф-одатларига содиқ қолган инсон эди. Қуриниб турибднки, қозоқлар дини, урф-одатлари коммунизми, шиа ва баҳонийликдан қура мустаҳкамрок экан.

Уйлайманки, Урта Осиё туркийларини руслаштириш йўлида руслар ҳарчанд қучли сиёсат олиб боришмасин, улар миллий хусусиятлари жихатдан утмиш авлодлари йўлида содиқ қоладилар. Турғилик очиқлик жихатидан Абдулҳолиқ Урта Осиёга оид ёртиб берадиган роман бош қаҳрамон образига лойиқ эди.

§ 279. *Тантана ва Бухоро амири.* 1923 йил 5 август куни ҳукмдор ва ҳуку-матнинг ёзғи қароргоҳи булган Пағмонда Афғонистон мустақиллигига бағишланган тантана утқазилди. Қун жуда яхши эди. Омануллохоннинг отаси Абдурахмоннинг душманларини енгишда қатта ёрдам берган, бу туфайли «Фотих» номини олган бир кекса фил тантана ишгирикчилари диққат марказида булди. Фил майдонга чиқиб, ҳукмдор Омануллохон олдига етгач, эхтиром қурсатмоқчи булган одамдай у томонга бурилиб, узун ҳартумини жон оёғига чўзиб, тиз чўқди, шу орада қўзларидан ёш оқди. Фил ҳам йиғлар экан, Омануллохоннинг қари отаси, буюқ амир Абдурахмонхонни эслаяпти, деб йиғилганлар ҳайрон қолдилар. Ҳар ҳолда бу жуда ҳаяжонлантирувчи манзара булди. Бухоро амири Олимхон ҳам яқинлари билан тантана майдонининг бир тарафидан урин олган эди. Ҳаммаси Бухоро ҳукмдорлари қийимида. Дустиқ Абдулқодир менга: «Туркистоннинг сунғи ҳукмдори, сен ҳам бориб амирга салом бер», деди. Мен унга: «1918 йилда унга жунатган элчимиз Абдулла Илёсга: «Москвада қим тахтга утирса, тузилган аҳдлашувга қура, шуни ҳукмдор деб таниймиз. Аҳдлашувни улар бузсалар ҳам, мен бузмайман», деб подшони Шуроларга алмаштирган, уларга буйсуниб, бизни бузгунчи деб ҳисоблаган, лақайларни Анвар пошога қарши қайраган одамнинг қулини ушлолмайман. Умуман, бутун бу Манғит сулоласидан валиаҳд Абдулмалиқдан бошқа қулини қисшга арзигулик бирор зот чикмади. Заррача ақллари булганда Ҳақим қушбегига қулоқ солган булардилар.

Садриддин Айний шу маросимда қатнашганида Амир билан бориб қуришармиди? Мен амир туғрисида форсча бир шеър ёзиб, унда подшони эшакбоқарга, Амирни эшакка қиёслаган эдим. Садриддин Айнийнинг золимлар дунёси чириган чуп сингари инқилобимиз алангасида ёниб кетди. Дунё ёнди демангиз, ҳаммаёқни ут қоплади, жаҳон тозарди»<sup>\*</sup> маъносидаги шеърини эслатдим. Бу амир халқ

\* Ez axgeri inqilab-i ma soxt, dunya-i sitemgeran cu xasak;  
bihude megoy soxt alem, be goy ke xar kem sud-u cihan pak.

бошидаги бир яра бўлса, унинг ўрнига келган рус болшевиклари бир саратон (рак) касали эди. Лекин ҳақиқатни айтганда, бу касалликни юртига Бухоро амирининг узи олиб келди. Бундай амирлар ҳақида Қуръонда: «Аллоҳ бир юртни хароб қилмоқчи бўлса, марҳаматсиз ҳукмдор юборар, у ҳалқин хароб қилиш даражасига олиб бориб қуяр», дейилган. Буни а ёркин мисол уша амирдир. У бизни ҳам ёқтирмас эди. Аявар пошога эса қарши эди. Унга қандай қилиб кул бериб булади?

§ 280. *Абдурасулхоннинг қабулида.* Биз йулга чиқадиган кунни эрталаб Абдурасулхондан: «Қобулдан кетгунларингизга қадар сизлар билан қуришишим керак», деган мактуб келди. Тушиликдан аввал йулга чиқдим. Тушга яқин қуп ош тайёрлашибди, лекин Абдурасулхондан бошқа ҳеч ким йук. Ондан кейин унинг икки ўртоғи келди. У Бухорода инқилоб пайтида айни Аявар пошо келган кунларда Афғонистоннинг Туркистондаги элчиси вазифасини утаган чоғларида узини бахтиер хис қилганини сўзлади. Лекин, мен Аявар пошо ҳаракати муваффақиятсизликка учраши мумкинлигини тушуниртган. Абдурасулхон бу мураккаб шартларга илашиб қолганидан ҳасратга тушганини ҳам қуниб куйди. У Менга: «Бизнинг Афғонистонда узокроқ бўлишингизни истаймиз», деди. Мавлоно Румийнинг: «Ватанга хизмат қилишда, уз зимманга олган вазифаниги бажаришда давом этсанг, миллатингга яхшилик қилсанг, умматинг олдида бир Найғамбар даражасига кўтариласан», деган шеърини ҳамда бошқа баъзи шеърларни эдалик дафтгаримга ёзди. Қобулда ебеса ва маърифат туғришда таллашганимиз, айниқса, доримуллимнинг ҳақиқат фикрларингиз дивлаг фаолларига жула мавқуд тушди. Муҳаммад Валихон каби, мен ҳам сизнинг бу ерда яна қайтиб келишингизни истаймиз», деди у. Абдурасулхон мен меҳмонлари билан таништириб, «Мен Бухорога элчи бўлиб келганимда, бухороликлар ўзаро ишонашардилар. Бундан руслар фойдаландилар. Шунда жула юратим сикилганди. Лекин Заки Валидий билан қозок муслмонлари сизиб келишди. Бухороликларнинг орашга қориб, Туркий халқлар Мисolni Баринги Жамиятнинг туғдилар. Туркия вакитларининг тавсияси билан Заки Валидий унинг раиси қилиб сайланди. Шунда бутун Самарқандия ишляти оёкка қалқди, бирдамлик қилишга келди. Заки ёси Самарқандия Бухоро ишлятиларининг бутун қилиш қарини, бутун босмачилар турухларини айлавиб чиқди, улар орашда яқин ишларни амалга оширди», деди.

Абдурасулхоннинг меҳмонларидан бири мен ҳақимда аявадан хавардор экан. Бу зот Афғонистонда бир демокритик тузум ўрнатини тарафдори саналаркан. «Сиз пошхо замонини ҳам, Керенский режимини ҳам, Шуроларини ҳам икки томонларини урганган қилишлардан оқирсиз. Чета у ерда демократия муваффақият

қозонмади? Шурулар йук қилинса, Туркистонда демократия яшай оладими? Афғонистонда демократияни амалга ошириб булармикан? Бўлса, қандай тарзда?» деган саволлар берди.

«Демократиянинг бирдан-бир, ягона рецепти йук. Унинг мақсади миллатларга ва жамиятларга уз ихтиёрларига мувофиқ ҳаёт кечариш имкониятини беришдан иборатдир. Демократия турли миллатда турлича бўлиши мумкин. Лекин унинг асосий бир шarti бор: миллат ва жамият орасидаги масъулиятга шериқлашиб, шунга мувофиқ равишдаги иш қонунларига бўйсуниб керак бўлади. Инглизларда, Америка, Швеция, Норвегияда иш шу тарзда йўлга қўйилган. Бир партияс ҳокимият тепасига келса, бошқалари унга ёрдам беришади. Россияда эса бу йук. Иби Рустнинг хабар беришича, X асрларда ҳам бу улқаларда ижтимоий бирдамлик йук эди. Хаттоки ҳожат чиқариш учун борган чоғида ҳам ҳар эҳтимолга қарши узини ҳимоя қилиш учун қуролини қилидан чиқаришга мажбур буларди. Агар озгина бўлса ҳам шумовсираш бўлса улар бир-бирини ўлдирешар эди. 1917 йилда яхшигина демократик партияслар вужудга келди, аммо болшевиклар партиясига тепага чиқди-ю, бутун бошли партиясларни йук қилди ва тарихда мисли қўрилмаган мустабиллик тузумини ўрнатди. X асрда саёҳат қилган Иби Фазлон «Хоразмнинг тарбида яшовчи угузларда умумий ишлар хақида маслаҳатлашиб олиш одати бор, улар қабул қилинган ноҳайит қарорни қўпчилик бўлиб бекор эталдилар. Булғорлар эса подшоҳлари ҳукмини вожиб ҳисоблайдилар ва бу миллат ичида тишч янаса бўлади», деб маълумот беради. Давлат ишида масъулият ҳиссининг умумийлиги халқнинг маданий камолотига боғлиқ, шунингдек, тарбия ва одағ масаласи ҳам. Менинг бошиқирд қардошларим маданият жиҳатидан руслардан орқароқда, аммо давлат ишларига келганда, умумий масъулиятни ҳис этишда улардан қўпчидилар, бошиқирдилар орасида тулик бир демократик режими ўрнатса буларди. Қозок ва туркманлар орасида ҳам аҳвол шундай. Бўхороликларнинг маданий ривожини юксак. Лекин, шундай эса-да, нодон амирга бўйсуниб ўргангашлар. Бошиқирдилар орасида тузилган партиясан гуруҳларидаги бирдамлик бўхороликларга ёт. Қозок, бошиқирд ва ўзбекларга уз мустақилликлари таъмин этилганда, халқ ҳужалиги, суғориш, ер осети бойликларини қазиб чиқариш ишларини ривожлантиришда социализм қўлай таъсир қилади, лекин халқларнинг ҳоҳишларини, иваҳени ташаббуслорликни йук қилишда социализмнинг мисли бекисе бўлади. Афғонистондаги аҳволни эса узингиз яхши биласиз. Лекин сизлар ички тартибсизликлар келтириб чиқаришга тайёр Шуру Россияга қўшни бўлганингиз туфайли, партияслар тузилиб, ҳукуматни танқид қиладиган матбуот майдонга

\* Va enrubum sara beynehum, gayra innahum mata ittfaqu ala sey'in ca'a erdheluhum ve axassunum, fa nuqida ma qad acma'u alayhi.

келса, уни Шўролар қандай сотиб олишни биларди. Радио ҳам эркин ишлай олмас. Ишчилар синфининг миллий асосларини қандай уюштира оласизлар? 1918-1919 йилларда Озарбайжонда ташкил қилинган миллий ишчилар касаба уюшмалари сизларда ҳам уюштирилармикин? Қорахонийлар даврида қорлук ва ўғиз фитналари тўфайли шоир Амаднинг: «Подшонинг ун йил давом қилган зулмидан кура халқнинг икки кунлик фитнаси қурқинчлироқ» деган сўзлари бунн яна бир бор неботламоқда. Афғонистон учун, баъки, энг яхшиси конституцион монархия булар. Қайдам, янаям узларингизга ҳавола».

Меҳмон сўзларимнинг кўпини ёзиб олди. Намоз вақти бўлгач, Абдурасулхон мени имомликка утишга таклиф қилди. Мен эса: “Ҳеч вақт ҳеч кимга имомлик қилмаганман, намоз дуоларини унчалик яхши билмайман”, дедим. Намоздан сўнг менга бағишлаб, самимий бир дуо қилди. Шунда керак бўлиб қолар деб, қулимга бир неча олтин танга берди. Шундай қилиб мени Афғонистондан яхши кузатиб қолдилар. Абдурасулхон Германиянинг дўсти эди. 1924 йилнинг кишида уғлини ўқитиш учун Берлинга олиб келди. Бу учрашув ҳам марокли бўлди. Афғонлар асосан ватанпарвар инсонлардир. Улар рус томонидан бўладиган доимий ҳавфни яхши биладилар. Шу боис ҳам уларга қарши озодлик учун курашганларни ҳурмат қиладилар.

\* *Beh ez du ruze-i sarri- 'am u fine u gavgast.*

## VIII Ҳиндистон – Туркия

§ 281. *Пешовир*. 1923 йил 24 сентябр, душанба куни автомобилда Кобулдан Ҳиндистонга қараб йўлга чиқдик. Бизни йиғлаб, кузатган одам бу отбоқаримиз Абдулҳолик Қунисбой булди. Автомобил билан Жалолобод шаҳрини четлаб утиб машҳур Хайбар довоғига етиб келдик.

Булок довоғи Урта Осиёнинг Жунгор довоғига ухшаб тарихан кўп маротаба туркийларни турк дунёсидан ташқарига чиқарган. Туркий қўшинларни ҳарбий юришларга кузатган ва олқишлаб қўтиб олган. Ҳозир инглиз чегара соқчилари билан боғжона хизматчилари юкларимизни болшевикларига ухшаб текширармиканлар, деб уйлаб келаётган эдик. Мен Махфий деб ҳисоблаган қоғозларимни Туркияга олиб борарсиз, деб Фаҳри пошога қолдирган эдим. 20 йил утиб, уруш вақтида Берлиннинг «Adlon» меҳмонхонасида менинг йўқлигимда нацистлар юкларимни, хатларимни текшириб чиқишларини сезиб, ҳамма қоғозларимни Берлиндаги элчимиз Сафват Аркин бейга бериб, Истанбулга олиб боришини илтимос қилган эдим. Ҳар иккала элчи ҳам улларга зарар етказмай олиб келди ушбу хотираларни Фаҳри пошо олиб келган ўша манбаларга суяниб ёзаяпман. 1923 йил 25 сентябрдан то 1 ноябргача, беш ҳафта давомида Абдулқодир билан Ҳиндистонда бўлдик. Ҳиндистон икки мустақил давлатга айлангандан кейин мен Покистонда уч маротаба, Ҳиндистонда 1964 йилда бир марта бўлдим. Бир ой давомида Неру ва Ҳиндистон ҳукуматининг меҳмони сифатида бу мамлакатнинг маданий марказларини кўрдим. Бу мамлакат олимлари ва сиёсий арбоблари билан самимий суҳбатлар қурдим. Қутубхоналарда сақланаётган қўлёзмаларни ва нодир китоблардан ўрганиб, туркий халқлар маданияти ва тарихига оид янги муҳим манбаларни кашф этдим. Лекин 1923 йилда Ҳиндистон тамоғида бошқача эди. Инглиз ҳукумати бизни жуда қатъий шартлар асосида саёҳат қилишга руҳсат берган эди. Афғон ва ҳинд ўртоқларимиз битга Кобулда белгилаб берган манзиллар бўйича юришга қўйишмади. Шундай булса-да, Хайбар довоғига келгандан сўнг боғжона хизматчиси юкларимизга ишора қилиб: «Буларда нималар бор?» деб суради. Кийим, китоб, қоғозлар», дедик. «Бошқа кўрсатиладиган нарсалар борми?». «Бир туппонча бор, кўрсатайликми?» деб сурадик. «Июк, икки юк машиналатуппонча олиб келсангиз, қарардик. Марҳамат. йўлда давоғи этаверинглар», дейишди. Гарчи Ҳиндистон Англия колонияси булса-да, Россия ҳукмронлиги остидаги Туркистондан тамоғида фарқ қиларди. Пешоварда номи «Д» ҳарфи билан бошланган қатта бир меҳмонхонада тўхтадик. Мен ҳеч қачон Ҳиндистонда буламан, деб ҳаёлимга келтирмаган эдим, бу ерга келиш ҳам насиб қилди. Эртасига бизни волий чакиртирди. «Сизнинг Ҳиндистонга



мухториятга ва менга қарши жиддий курашувчилардан бири эди. Ҳозир эса менинг ҳақ эъқолиимни тап олиб, кечирим сўраб, мазкур мактубни ёзибди. Шу захотиёк, Шоаҳметов ёрдамида полк бошлиғи Олимжон Тугон билан алоқа уриятини имконияти борлиғи эсимга келди. Лекин инглизлар 1918-1919 йилларда Сибирда булганларида Бошқирдистон ва Туркистон миллий булимлари билан узларигина эмас, бошқа хорижий юртлирнинг ҳам алоқага киришишларига йўл бермаганликларини ҳисобга олиб, Шоаҳметовга ёзган мактубларимни Пенсовардаги инглиз почтаси орқали жўнатмасдан, Бомбайга келган, Уюк Шарққа кетмокчи бўлиб турган Италия пароходи орқали жўнатдим. Инглизларнинг Россияга қарам муеуломларини оқ бўладими, қисил бўладими, барибир рус ҳукмронлиғи остида қолдиришга булган хоҳишини Мирбадалов ҳам, Бухоро амиривини Гарай Гўкаёб синигари кишилари ҳам жула яхши билишарди. Ҳайлар Хужа Мирбадаловнинг Самарқандлик ўзбек генерали Мирбадалов билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин бу Ҳайлар Хужа лақабини ўзига-ўзи «саийидлик» даражасини кушиш мақсадида олган. У қозонлик бир савдогарнинг уш шир, 1913 йида Бухорода бўлган вақтимда менга оинаси тарихини сўзлаб берган эди. Уша вақтда «Бухорон шариф»<sup>1</sup> номли тожикча ва ўзбекча газета чиқарар эди. Ҳозир у мени худди қадрдон дўстидай самимий кутиб олди. Амирнинг молиявий ишлар вазири бўлганини билан афеусланади. Менга Ҳиндистонда чоң эгилган, либерал руҳда ёзилган баъзи асарлар шу жумладан, мазкур юртининг муеулом файласуфи ва шоири Муҳаммад Иқболнинг уша вақтларда босилиб чиққан «Наём-и Машиқий» (Шарқ номалари) номли асарини берди. Бу таниқли шоир ва мутафаккирининг кун шеърлари билан Бухородалик вақтимдаёқ Мирзо Абдулқодир ва Акобиршоҳ деган дўстларимдан олиб танишганим. Бироқ улар на шир этимаган кўлёмна парчаларидан иборат эди.

**§ 282. Ҳошим Шойик ва Абулфазлнинг бир шеъри.** Ҳошим Шойик Истабулга бориб таҳсил курган, Бухорода и каби Афғонистонда ҳам янгилик учун хизмат қилган бўлишига қарамай, ўзариб турувчи киши эди. Туркин курса турк, ажабини курси эрон тилида таширарди. У Уюк Шарққа бориши лозим эди. Бироқ биз Кобулдан чиқиб кетишимиздан бир кун илвал ташки ишлар вазири олдинга бориб «Агар мен бу ерда «сабадий бахт» топсам, Туркистон истиклоли далооси ортидан югурмайман» дебди. Буни менга Файз Муҳаммадхон айтди. Унинг суваридан қаттиқ галабладим ва кетивимдан олдин Акбаршоҳнинг<sup>1</sup> муниийси Абулфазл Аллоқийнинг куйидагича маъмурият шеърини дафтарида ёзиб кетдим: «Дунедан беҳабар булимлар уларидан ҳам беҳабарлар, ҳунар ва фағилят уринга тубни ва айб ишларни қавб эғадилар, димоглари кўтарилиганда (хияли захарловчи) тутун бўладилар (яъни фақирлар устига қоронгулик соладилар), шаймга



яқиндашганида эса (уни сундирувчи) ел бўладилар”

У ердаги амирга қарапи Гагай Туксабо немди бухоролик бир киши Хошим Шойқанинг менга йуладиган мактубини келтирди. Бечора шертни уқиб каттик хижолат бўлибди, буни 1926 йил менга Анкарага йуладиган мактубида яна бир бор эсга олган эди.

§ 283. *Аухаднинг қатъ қилиниши* Мирбадаловга Қобулда билга берилган маъзилларга кўра баъзи маҳаллий олим ва мутафаккирлар билан қуришмоқчи эканимни айтдим. “Бунинг учун полициядан рухсат олишингиз лозим” деди. Меҳмонхонага кайтгандан сўнг полиция ходимларидан рухсат сўрадик, бироқ улар рози бўлишмади. Мирбадалов менга бир нечта французча газети ҳамда журналлардан берган эди. Уларни ва Ҳабиббраҳмондан олган русча газеталарни уқиб, тушни меҳмонхонада утказдик. Газетада мен учун иккита муҳим хабар бор эди. Бирини Милюков Парижда нашр этаётган “Последние новости” газетасида Бошқирдистоннинг собиқ харбий комиссари поляк командири Аухадн Эшмурзиннинг Москвада суд қилиниб улимга ҳукм қилиниши эди. Унга “машҳур Валидов” рабарлиги остида Туркистондаги озодлик ҳаракатларига қумондонлик қилди, деган айблов қўйилган эди. Бу мен учун жуда аччиқ хабар эди. Мен Аухаднни болалигидан билар эдим. У рус тили муаллими бир бошқардининг угли эди. Акаси Сулаймон сингари Аухадн ҳам Чорнинг харбий мактабида тахсиз олиб, харбий бўлиб етишди. Оталари каби улар ҳам миллятчи инсонлар эдилар. Аухадн қушинимизда қумондонлик қилишдан ташқари, мен ҳукумат раиси этиб сайланганимда харбий комиссар бўлди. Бухоро ва Самарқанд томонлардаги жангларда бирга иштирок этдик. Мен 1922 йил июлида Аухадн ва унинг дустларини Шарқий Бухорода Анвар пошонинг олдига боришлари учун Сангзор дарёси бошларидаги бир кишлоқда қолдириб, узим Тошкентда яширинча тўпланадиган Туркистон VI конгрессида иштирок этиш учун борган эдим. Уша пайтда бу ерларнинг барча даралари рус аскарлари томонидан ураб олинди, оти тошга уриниб йиқилган Аухадини кулга олишган ва Тошкентга юборишган. У ердан эса Москвага юборилибди. Москвада суд бўлиб, улимга ҳукм қиливибди.

Иккинчи хабар инглиз лейбористлар партиясининг Шўролар билан келишган ҳолда фаолият олиб бораётган булиши мумкинлиги ҳақидаги хабар эди. Бу мен учун янги хабар эди. Чунки мен Англияни консерватив ва либераллар, яъни буржуа-капиталистлар мамлақати сифатида билардим. Имконияти катта ҳисобланган инглиз лейбаристлар партиясининг ҳокимият устига келганлигини билдирувчи бу хабар менинг Россияда ўрганиб қолган фикрларимни остин-устун қилиб юборди. Очик қураш ўрнига “совук уруш” вазиятининг юзага келиши

\* Беҳабари чанд зи ход беҳабари, айб пасанданд ба жайи хунари. Луд шаванд ар ба димоги расанд, Бод шаванд агар ба жигари расанд.

ва ҳеч қандай тукнашув бўлмаслигини тушунидим. Кобулдалигимдаёқ дустим Ҳошим Шоник форечага таржима қилишга уринаётган “Шарқда ижтимоий инқилоб” номли асаримда мен Англияни ва Фарб оламини болшевиизм билан ҳеч қандай шаклда келиша олмайдиган ҳолине капиталистик давлатлари деб курсатган эдим. Кечкурун хотира дафтаримга: “Демак, биз аввал тасаввур этгандан бошқа Европача кетмоқдамиз. Демак, дунёда ижтимоий инқилоб ва реакция ишлари фақатгина курали тукнашув билан ҳал қилинмайди, узаро келишув орқали давом этади ва боши берк кучага кириб қолиши мумкин” деб ёздим.

§ 284. *Сэр Олаф Кароу* 27 сентябр куни тонгда вилоятдан икки ходим келиб “Сиз хоким билан куришмоқчи экансиз, балки бошқа бирор ходим билан суҳбатлашарсиз” дейишди. Мен: “Агар юзили тесқари буриб олмаса гаплашамиз” дедим. Бироздан сунг вилоятга бордик, ичкарига таклиф қилишди. Бизни бир хонада кутиб турган хушбичим кийинган ва форс тилида сузлай оладиган инглиз зобитининг олдига олиб киришди. У: “Марҳамат, хоким узр сурадилар. Биз инглизларда мана шундай оёқ узатиб такалдуфсиз утириш дустларга инсбатан қилинади. Сузлашишни истамаган одамларимизга назокат юзасидан бир-икки оғиз гапириш билан кифояланамиз. Хоким сизга жуда куп парсаларни айтибди. Истасангиз, қолганини биз давом эттирамиз” деди. Мен мамнуният билан дедим: “Сизнинг юртингизда вақтинчалик меҳмонмиз, доимо қолмаймиз”. Ҳарбий: “Сизга оғир ботган нарса дустларингиз билан куришишингизга руҳсат бермаганимиз деб уйлайман. Бироқ Хоким сабабини айтибди. Англияда катта узғаришлар бўлмоқда, шунингдек, биз Ҳиндистон ноини лорд Редингга вазиятни билдириб хабар бердик. Сиз бир неча кун шу ерда қолинг” деди ва коғозларни қулига олиб, менинг хаётим ҳамда фаолиятимга доир маълумотларни бирма-бир уқиб, “Туғрими?” деб сураб турди. Шу жумладан, Сибирдаги адмирал Колчок ва генерал Дутов билан курашишимиз хақида суради. Яна 1919 йилда “Правда” газетасида умумий сиёсатга тўхталиб, мен томондан берилган баёнот хақида, 1920 йил Боқуда тупланган Шарк конгресси пайтидаги муносабатим ва Бухородаги баъзи гуруҳлар уртасидаги курашлар хақида фикримни суради. Мен унинг сузларидан инглиз ҳукумати менга олдиндан эътибор қилиб, мен хақимда маълумот туғлаганини билиб хайратга тушдим. Бу билан мен Боқуда ва Бухородалигимда олдимга келиб суҳбатлашган баъзи кишиларнинг инглиз махфий хизматига мансуб кишилар эканлигини билдим. Пешоварда менга эътибор курсатиб, кизиқиш билан суҳбатлашган бу ҳарбийнинг ким эканини 1954 йилда Истамбул Адабиёт факултети томонидан олти ойга Англияга хизмат сафарига юборилган пайтимда Пешоварда менга катта кизиқиш билан эътибор қилган собит бу сэр Олаф Кароудан билиб олдим. Сэр Олаф Кароу уша пайтда лорд Редингнинг Ҳиндистондаги масъул

мақили бўлиб, Туркистон маъдлари билан яқиндан танишган экан. 1953 йилда чиққан "Soviet Empire and the Turks of Central Asia" номли китобдаги китобидagi маълумотларни уша пайтда тузлабди. Эҳтимол, мени текширган ҳам уша бўлгандир. Чунки у уша пайтда Пешовар ҳокими бўлган. Бирок мен билан гаплашган харобни форечани яқин биларди.

Пешоварда маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашишнинг иложи бўлмади, аммо кутубхоналарга бориб, ушим китибкан китобларни мутолаа қила оладим. Ун кун утиб, дорд Ридингдан келган жавобда мингта ҳукумати Ҳиндистонга қиладиган сафаримдан мен уйлагандан ҳам кура кўпроқ ташвишга тушганини билдиб хайрон қолдим. Менинг сафаримга онд курсатма 14 модалдан иборат бўлиб, Симледан сажалет аркали келган эди. Бизга туғри Бомбейга бориш буюрилибди. Қуришишви суръб қилган мурожаатларимиз, жумладан, Лаҳор шахрида яшайдиган шойр Мўхаммад Иқбол ва Бомбейда яшайдиган тарихчи Сулаймон Надвий билан қуришиш хуусида Пешовар ҳокимига билдирган истагимиз рад этилган эди.

Бомбейга кетишда фақатгина Ажмирда келиб чишти тарикатига мансуб манзилларни қуришимиз мумкинлиги курсатилган эди.

§ 285. *Чигатойча туй маросими* Ёулда поездимиз Лаҳорда ярим кун қолиб кетди. Станциянинг полиция бошкармасидан Иқболнинг манзиллини қуралиб (Даруний Сизан дарвоза, Хонзи Нур Оламхон) руҳат сўрадим. Руҳат беришмади. Шахарда айланишга ҳам қуйишмади. Лаҳордан ҳаракатланганимизда тасодифан бу мамлакатда эрлар давонда ҳукмонлик қилган чигатойларнинг туй қилаетган жамоасига дуч келдик. Улар орасида туркийча биладиганлари йук эди. Урду тилида сўзлашишарди. Шунингдек, форсча биладиганлари ҳам бор эди. Улар билан анча суҳбатлашдик ва чигатойлар Ҳиндистонни кэрлариди яшашлари хақида бироз маълумот тўпладик. Чигатойлар 1881 йил маълумотига кура Дехли ва Равалпинди минтакаларида 23593, бардослар эса 12147 киши қолган экан. Булар ҳозир чигатойлар билан аргунлар уртасида қурилаётган никоҳ қатнашчилари эди. Уларнинг вағони Ажмирга келганимизда биздан ажралиб қолди. Ёшлар поездда уйив-қулгу билан банд эди.

Лаҳор билан Бомбей орасида фақатгина Ажмирда ярим кун қолдик. Бу ер Чийтий тарикати шайхларининг манзили эди. Улар Фарғонанинг Чуст шахридан қучиб келишган, Туркистонда улардан XVI асрда Лутфуллох Чийтий яшаган эди. Биз бу ерда шайхларнинг қабрларини зиёрат қилдик. Поезд тез орада жунашини айтишди. Станциядан узоклашиб кетолмадик, фақатгина бир-иккита мақбарани кура олдик.

§ 286. *Бомбей.* Бомбейда "Шоҳжаҳон" номли меҳмонхонага тушдик. Музейларни, кутубхоналарни, "Royal Asiatic Society" жамиятини, китоб бозорларини кездик. XIX аср бошидан бошлаб

Бомбейда ва Рава-Кинжурда нашрдан чиққан Шаркка онд тарихий китобларни куриб чиқиб, уларнинг кичирилиши сотиб олдим. Бу жihatдан менинг Бомбейдаги сафарим Нетамбу даги педогогик фассиятним учун жуда фойдали бўлди. Касрга борсам, оркамдан форечани биладиган инкуварлар кузатиб юрар эди. Елик бозор-тимга келганда ўзимни одамлар орасига уриб, уларнинг кўзидан гоийб бўлдим. Қўлимдаги манзилни такси шофёрига кўрсатиб, Хинд мусулмонлари кўмитасига келдим. Афғонистонлик Абдурасулхон куришишни тавсия этган кишини топиб тавсия хагини бердим. Мен кидираётган Сулаймон Надвий бошка шаҳарда яшар экан, унинг баъзи асарларини беришди. Узок суҳбатлашдик. Менинг Хиндистонда инглизларга қарши қиладиган ишим йук эди. Шунга қарамай инглизлар мени хинд аҳрорлари ва хилофатчилари билан гаплаштирамаслик, Марказий ва Жанубий Осиё мусулмон кавмлари ва ихтилочилар орасида алоқа юзага келмаслиги учун жиддий туриб кузатишарди. Мен билан гаплашган доктор Ансорий ҳам буни билгани боис сизга бирор қорхал қилишмасин деб огоҳлантирди ва улар турган бинонинг бошка эшигидан бир биного утказиб, уша ердан таксига чиқариб юборди.

Шунда таксидан тушиб, бошка таксига утирдим ва меҳмонхонага келдим. Абдулқодирни ташвишли ва йнглагудек аҳволда курдим. Инглиз полицияси мени шаҳарнинг ҳар ерида кидирибди. Абдулқодирни ҳам каттик сиқувга олишибди. Бомбейда уша кунларда қамокдан қутқарилган хинд инкилобчилари раҳбари Шавкат Али ва Меҳмет Аалтар кучаларга чиқиб намоийнш қилишди. Биз турган меҳмонхонанинг олдидан утишаётганида меҳмонхона хужайини “Сизни уларга таништирайми?” деб сўради. Мен: “Йук, инглизларни бекорга ташвишга қўймайлик” дедим.

§ 287. *Бёлажак кутубхонам асоси.* Бомбей китобчиларидан хуп китоб оладим, масалан, Бобурийлар даврининг буюк олими ва мутафаккири Неймагуллоҳ Вали Дехлавийнинг “Хужжатуллоҳ ал-Балого” номли фалсафий асари. Берунийнинг Лейпцигда босилган асарлари, Минҳож Жузжоний, Байҳакий, Шарафиддин Али Яздий ва хиндислом тарихчиларининг мутасаввуфларва шoirларга бағишланган тазкиралари, “Bibliotheca Indica” да чиққан қатор асарлари, Вассоф, Хондамир каби тарихчилар ёзган манбалар, Абдулҳак Дехлавий ва Хусрав Дехлавий, Шахзода Доро-Шуқуҳнинг асарларини олдим. Уша пайтда инглиз тилини билмаганим ҳолда бу тилни албатта урганаман деб қарор қилганим боис Беруний ва Жузжоний каби муаллифларнинг асарларини инглизча таржималарини, шу билан бирга имкониятдан фойдаланиб Элиотнинг асарларини сотиб олдим.

Айлиқса, кекса маликул-қуттоб Мирзо Мухаммад Шерозийнинг дуқонида чап босиб ётган нималарни топган бўлсам, олдим. Бартольд бу асарларни тўплай олмаганидан шикоят қиларди. Хуллас, қуролли

кудирини тўғри йўлдан қўришга оқшандим. Кутубхонасининг асосини эса Маиша <sup>1</sup> қўлига бомбейда йиғилган китоблар ташкил қилди. Китобларни сангиларга жойлаб, Истамбулдаги парохонда асосинида етиб олди. Кутубхонасининг ташкил бўлишида Фарғонадаги ёлмачилар сартори Шермухаммаднинг ҳам ҳиссаси бўлди. У менга Мирҳоннинг “Равдат ус-сафо” асарини берди. Гарчи ҳозира етганда китоблар номини санаб утириш мумкин саналмаганди. Трон, Афғонистон ва Хиндистонда кўпга қиритган китобларим сабаб келажакдаги номини ҳаётим қандай бўлишини белгилаб берди. Мухим аҳамият касб этгани учун буларни зикр этдим. Хотираларимни ўқиндиганлардан бунинг учун оқшидан узр сурайман.

§ 200. **Мухаммад Иқбол.** Бомбейда кўп вақтимни Муҳаммад Иқболнинг асарларини урганиш билан ўтказдим. Хиндистон мусулмонларининг кўмитасида бўлганимда менга унинг шеърини тўпламинини берган эди. Пешоварда Мирбадалов совға қилган асар Гётенинг “Гарбу Шарқ девони” номи асарига Иқбол жавоб-назира таркибига ёзилган. Шоир ва файласуф Гёте бу асарини Шарқ файласуфларининг фикрлари ҳақида ёзган бўлса Иқбол эса “Гёте асарига Гёте, Ницше, Фегел, Толстой, Карл Маркс ва бошқа Гарқ файласуфларининг фикрларини юккак бир маҳорат ва маънавий кудрат билан тасвирлайди. У илоҳ оламни бутун ҳолатини ва унинг қайту-ҳасратларини тўғри-тоғри кўйлайди. Иқбол Бухоро, Табриз ва Көнъе шаҳарларига буюк эътиқод билан қарарган. Зеро, Хиндистонда Илоҳ дини тарқалиши шу ерларда шаҳарлардан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар маънавий мероси билан боғлиқ бўлган. Иқбол Мустафо Камал реҳбарлигида Туркиянинг Гарбни европачилар элидан қозongan галабани мадҳ этгани шеър эди: «Биз, дунё мусулмонлари, Пайгамбар раҳнамоси остида бутун жаҳонни Хак тасола томоғга бўрадик. Қўлимизда қурол бўлмада ҳам қўлаб халқларни элт эдик. Ҳозир эса қўлимизда қурол була туриб, бу халқлар остида қолдик». Сунгра у Мустафо Камалга хитоб этиб: «Отинг чопи борган жойга бор, шу кунга қадар аламга посдон бўлайдик, лекин фавр билан алақлик, пировардида ҳаммасини қўлдан бери бердик. Энданга: Қўлдан бери берганимизни яна қайтариб олайлик!» дейди.

Мустафо пайгамбаримизнинг номи бўлганлигидан Иқбол Мустафо Камалга қарага ҳам бу номни мазкур маънода қўлайди ва

\* Асарини тўғри йўлдан қўришга оқшандим. Кутубхонасининг асосини эса Маиша қўлига бомбейда йиғилган китоблар ташкил қилди. Китобларни сангиларга жойлаб, Истамбулдаги парохонда асосинида етиб олди. Кутубхонасининг ташкил бўлишида Фарғонадаги ёлмачилар сартори Шермухаммаднинг ҳам ҳиссаси бўлди. У менга Мирҳоннинг “Равдат ус-сафо” асарини берди. Гарчи ҳозира етганда китоблар номини санаб утириш мумкин саналмаганди. Трон, Афғонистон ва Хиндистонда кўпга қиритган китобларим сабаб келажакдаги номини ҳаётим қандай бўлишини белгилаб берди. Мухим аҳамият касб этгани учун буларни зикр этдим. Хотираларимни ўқиндиганлардан бунинг учун оқшидан узр сурайман.

\*\* Ey bisha kurd ke te-dim be burak xodim,  
far bagli- i te a kemala kuste-i tavvev sudim,  
bergaci rah diled est' erazi taz ke ma  
bari-â ma' d'evz 'arsa... sudim

ани пайгамбардан кейинги беназир устози Маъноно Румий каторида  
қалайди, паҳомини Туркиядан кутади: «Европа ўз оловини пурқаб,  
улоқ вақт тинкани қуриган бўлса-да, турк фарзандлари томир  
отди ва ҳосил берди. Риёкор рақиб Абулаҳаб қанчалик қаршилик  
қилмасин, пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо қомил бир инсон  
булиб қолгани каби туркларнинг Мустафоси ҳам, (яъни Мустафо  
Қамол) овраполиклар билан кураш давомида қомил шахс бўлиб  
етилди. Менинг бу шеъримни ҳинд ва форс улқовин-ла улчама, чунки  
бу шеърнинг мазмуни саҳарларда оққан куз ёшларимдан иборат.  
Кел, Шайх Румий (Жалолиддин Румий) ҳаётдан бир ҳикмат шароби  
узатайинки, у узум шаробидан-да лаззатлироқдир»<sup>1</sup>.

Бомбайда ҳам бир масжидга кирган эдим, девордаги «Яшасин  
Мустафо Қамол» деб ёзилган ёғоч лавҳага кузим тушди. Меҳробнинг  
чап томонидаги икки утиргич устида Қуръони қарим билан «Маснавий»  
(Жалолиддин Румий китоби) турибди. Ҳиндистон мусулмонлари  
Мустафо Қамолни уз миллий қахрамони деб ҳисоблайдилар. Иқбол  
шеърлари орасида Туркистонга бағишланган ҳаяжонлангирувчи  
миқралар ҳам бор эди: «Темурнинг сози бузилди, лекин оҳанги  
яшамокда. Бу оҳанг Самарқанднинг бошқа бир созила янграйди»<sup>2</sup>,  
деган қомил ишонч билдирилди.

Иқбол асли ҳинд мусулмон шоири, лекин рухий ва маданий  
жиҳатдан туркийларга жуда яқин боғланган. «Гарчи ҳинд фарзанди  
булсам-да» куз нуриим Бухоро, Қобул ва Табризнинг пок тупроғидан  
униб чиққан»<sup>3</sup>, дейди у. Иқбол Бухоро машҳураарига, Қобулдан  
чиққан Бобур, Ҳумоюн, Жаҳонгир, Шайх Файзулла Қобулийга,  
Табризга, айниқса, Шамс Табризийга нисбатан чуқур ҳурмат ҳисси  
сакланганидан бу уч шаҳар тупроғини «кузимга нур берган пок  
тупроқ», деб ҳисоблайди. Ҳиндистоннинг маданий ва фалсафий  
оламида буюк инқилобий узғаришлар ясаганлар ҳам туркийлардир.  
Маҳмуд Ғазнавий ҳам туркийдир.

Иқбол Туркистонда яна бир бор бурон кутарилишига ишонади,  
лекин бу Мавлоно ва Шамс Табризийга қарши бир ҳаракат булишини  
сипра истамайди: «Самарқанд заминидан яна бир Чингиз бурони,  
сўв тошқинлари кутариламаса, деб қўрқаман. Муғриб, Румий, устоз

<sup>1</sup> Nihal-i Turk zi barq-i Ferenk bār avurd,  
zuhuri Mustafevi ra behane Bulehebi-st.

Menic ma'nii men der 'iyar-i Hind u 'Aceni.

Ke asl-i in goher ez giryehā-i nimsebi-st.

Biyā-ke men zi xum-i Pir-i Rum avurdem.

mey-i suxan ke cevanter zi bāde-i 'anāi-st

<sup>2</sup> Ceng-i Temuri sikest, āheng-i Temuri becast.

Ser birun miāred Semerqandi diger.

<sup>3</sup> Egerce zāde-i Hindem, furug-i cesm-i men est.



бу даврда тўғри деңиз сафарини келажакдаги илмий фаолиятим  
режаларини тузиш билан утказдик. Булга кўра мен тарих ва этнография  
Фондларидир жа тил ва этнография билан шуғулланган бўлишим  
Келувда 26-28 икки кунлари утказилган мажлиддан кўра  
истимий фаолиятга баширлашга қарор қилганим бонс. Келувда  
чиқишимиз биланок унинг режаларини тузиш бош қадим тузиш режаларини  
пайтдан ҳозирга қадар 43 йиллик фаолиятимни тартибга солиш  
таъминлаганди. Шунинг учун буни хотираларимда келтириб  
бўлмас. Мен Урта ва Олд Осиё, Россия мусулмонларининг  
ва ўтмишдаги сиёсий ва маданий ҳаётини тадқиқ қилишни  
қилдим. Ҳади яшайдиган жойимиз аниқ бўлмагани бонс қил  
таъмин юриш осон бўлиши учун сайер кутубхона ташкил  
Истамбулнинг буғуни ҳаётимизга оид тадқиқотларни  
олган ҳолда олиб боришни мўлжаллаганим учун, режаларим  
қилдим. Кутубхона бир метр утуликдаги, бир ёки икки китоб  
терилган китоблар жойлаштирилган сандиклардан иборат  
Уйимда ҳозирги кунда 100дан ортиқ сандик жавонлардан  
толган кутубхонам ушга пайтда 18 сандикдан иборат эди. Сандиклар  
ва китобларни рақамлаб чиқдим. Деңиз сафаринида кўлимга мавжуд  
бўлган китоблар 86 жилд асар ҳамда жула кун рисолатлардан иборат  
эди. Илмий мақбулар, тадқиқот материаллари VIII, IX, X сандик  
жавонлардан урин олди (булар ҳозир 165 та нажани ташкил  
этади). VIII жавонда турли мамлакат олимларининг мотила  
мақбулари ва кичикроқ асарлари, IX ва X жавонларда ўз асарларим  
қили материаллар ва тадқиқотлар тарихида икки қисми ташкил  
эди. IX жавонда режага кирмаган мавзуларга, алоҳида манс  
муаллифларга оид ҳужжат ва тадқиқотлар жойлаштирилди.  
ҳозир кутубхонамда 221 жилд (баъзи мавзулар бир неча жилд  
ташкил этади. X жавондан эса алоҳида материал ва тадқиқот  
урин қалдайди. Улар 43 йиллик фаолиятим назимасидан сун  
дафтарини ташкил этади. Ушга пайтда тартибга солиниб  
қадар ушартирилмаган кутубхонамнинг таснифи қуйидагича  
1 Жўрофия, 2 Иқтисодий ҳаёт; 3.Сиёсий ҳаёт, 4 Иқтисодий  
5 Таржиманӣ ҳодлар; 6.Тарихий жўрофия ва археология, 7.Тарих  
8.Этнография ва фольклор; 9.Турк тили ва адабиёти, ҳаск адабиёт,  
10.Манбалар ва қаталоглар; 11.Турк тарихидан бошқа мавзулар тарих  
методологияси, Хитой, Хиндистон, Эрон, Афғонистон, Кавказ, Россия,  
Угор-фин қавмлари, 12.Дин ва ислом. Бу булимларнинг фақатгина  
тарихга ажратилгани 7 даврга, қавмлар ва маданий соҳасига  
70 тармоққа ажратилган IX ва X булимлар ўз қўдим билан ёзилган  
материаллар асарлар, мақола ва этюдлардан иборат. Яқин йилларда  
қасрда бузишим номалум бўлгани бонс кутубхона ва ҳужжатларим  
Истамбулда сақланган. Бунинг учун Истамбулда бирор ишонч  
жойни ижарага олиб, китобларимни жойлаштиришим керак.



Эрон ва Афғонистонда Чигатоӣ адабиётига доир Абдулқодир билан бирга тушлаган материалларимизни XI жавон 9 қисм сифатида мана шу денгиз сафари асносида гушладик. 1206 саҳифалик асар бўлди. Унинг 78 саҳифаси системали индексе мундарижа, фихристан иборат. Ёмбей-Истамбул денгиз сафари бу кутубхонага қадар 43 йил давом этган илмий тадқиқотларимизни уларгирмасдан тартибга солиш имконини берди.

§ 291. *Хуржун маданияти* Кутубхонам сайёр булгани боис ташиш осон бўлиши учун китоблар сандиқларга жойланган эди. Бу хотирамда сакланиб қолган "хуржун маданияти"га асосланади. Кучманчиларнинг мол-мулки саёер ҳисобланади. Кийим-кечак ва буюмларини бугча-хуржунларга, сандиқларга жойлаштиришади. Хуржун ва сандиқлар оғларга, хукиларга юкланади. Бизнинг оиламизда кучманчилик ҳаёти ортада қолганига бир асрга яқин вақт утган бўлса-да, уйда ҳар кимнинг нараси алоҳида бугчаларга солинган ҳолатда сандиқда сакланади. Мен етмиш ёшга борганимдагиша кутубхонамни кучирмайдиган қилиб аниқ бир жойга жойлаштирдим. Асли Добружа нугайларидан булган қайнонам 86 ёшга кирган бўлса ҳам барча нарсаларини бугча ва жомадонларда саклайди. Худди эртага кўчиб кетадигандек. Ғарбда профессор Паул Кале, Шарқда (Покистонда) профессор Муҳаммад Шафи исмли икки кекса дўстим бизниқда мехмон бўлишганида сандиқлардан иборат булган кутубхонам уларга маъқул булди (немис профессори Хелмурт Ритгерга ҳам). Демак, кучманчи ҳаётдан қолган одатлар авлодлар хотирасида сакланиб қолади ва буни маданий-шаҳарлик ўтроқ инсонлар ҳам қабул қила олади. Файласуф Форобий ва XIV аср Сирдарё хавзасидаги Сигноқда етишиб чиққан туркийлар олими Хусомиддиннинг ҳам кутубхонаси мана шундай сандиқлардан иборат эди.

§ 292. *Зебуннисо бегим*. Мен Машҳад, Ҳирот, Қобул, Пешовар ва Ёмбей шаҳаридаги китоблардан жуда қувондим. Уларни бирин-кетин олиб ўқир эдим. Улар орасида «Девони Махфий» номли тошбосма бир асар бор эди. Бу Афғонистоннинг Бухородаги собиқ элчиси кадрдон дўстим Абдурасулхон менга қуп маротаба шеърларини севиб, ҳаяжон билан ўқиган Зебуннисо бегимнинг девони эди. Зебуннисо бегим – Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган теурийлар сулоласининг буюк намояналаридан бири. Унинг фан, адабиёт, дин, сиёсатга қизиқишлари ва қарашлари роман ва кино сценария мавзуси бўладиган даражададир. Бобурийлар сулоласининг буюк императори Аврангзебнинг (1658–1707) қизи бўлмиш Зебуннисо етти ёшида Қуръонни ёдлаган. Отаси унга 1640 йилда Меёбий исмли бир ўқимишли ўзбек аёлини муаллима қилиб тайинлайди. Аёл унга

\* Айрим манбавий маълумотларда шоира Зебуннисо бегим Махфий таҳаллусида ҳам

форс, араб тиллари, астрономия ва ҳисобдан сабоқ беради. Зебуннисо 14 ёшидаёқ Куръон тафсири билан шуғуллана бошлайди. Буёқ бобоси Бобурнинг кизи Гулбадан бегим каби Зебуннисо ҳам шоира эди. У. Акбар Мирзо таъсири остида бўлиб, турли динлар уртасидаги зиддиятларни юмшатишга ҳаракат қилади, ислом ва ҳинд динларини яқинлаштириш гояларини илгари суради. Шу йулдан борилса, Ҳиндларнинг исломиятни тез қабул этишларига ишонади, бу фикрлари билан амакиси (отасининг акаси) мусаввир ва наққош Доро Шукуҳга маслакдон эди. Куръондан муқаддима – «Кутубу муқаддима», Ҳинд файласуфи Брахманатра, Муҳийиддин ибн Арабий, Жалолиддин Румий асарлари мутолаасидан завқ олади. Бу «Девон»га унинг факат форсийда ёзган шеърлари кирган. Ваҳоланки, Зебуннисо бегим араб ва туркийда ҳам шеърлар ёзган. Носир Али исми бир шоир билан шеърини бадиҳа утқазилган. Бу бадиҳа хусусида менга Абдурасулхон айтган эди. Шоиранинг баъзи шеърлари амакиси Доро Шукуҳнинг девонига ҳам кирган. Доро Шукуҳ сингари у расомликда ҳам моҳир бўлган, унинг шахсий хазиналарида Зебуннисо чизган расмлар ҳам сақланиб келинмоқда. Булар орасида ҳагто Зебуннисо бегим Куръон уқиб утирган ҳолати тасвирланган гўзал автопортрети ҳам бор экан. Зебуннисо бегим учун Дехлида «Арши Товус» номли сарой қурдирган, деворларига кизи шеърлари намуналарини вақтинкор қилиб безатган. Бирок шоира оддий инсоний бахт неъматидан баҳраманд бўла олмади. Ҳар йили бир неча факирни ҳаж амалини адо этиши учун ёрдам бериб турган, бот ишлари ва жисмоний тарбия билан шуғулланган Қидичбоғликда пом чиқарган, шоир Имомий унга яқин дўст бўлиб, довмиё енида бирга бўлган. Бобоси император Шох Жаҳон уни Доро Шукуҳнинг угли Сулаймон Шукуҳга никоҳдамозни дилига тугали. Лекин Зебуннисонинг жула мутаассиб отаси Аврағзоб Доро Шукуҳни ва унинг углини ёқтирмади. Шулни учун ҳам бу никоҳга розилик бермайди. Оқибатда кизнинг фожиасти ҳаёт кечирганига сабаб бўлади. Унинг ошиқлари бисер бўлган, лекин ушш йиғитлар билан Зебуннисо бегим ўзи танлашишга ҳаракат қиларди. Бу борада у Чингиз наслидан бўлган Қайдухон кизи Кутулунга (Кутлун Инонга) ухшаб кетади. Эҳтимол, Зебуннисо бегим Кутулунни тарихдан билгандир, у ҳақда каердандир маълумот олган бўлиши ҳам мумкин. Сафавий ҳукмдори Иккинчи шох Аббоснинг угли Мирзо Фарруҳ Зебуннисо бегимнинг шеърларини уқиб, расмларини курғач, уни гойибона севиб қолади. Уйларини ниятида Дехлига келади. Зебуннисо билан унинг уртасида мушоира бўлиб угали. Лекин уз маънавий камолотининг юқорилигини авлағай Зебуннисо унга турмушга чиқишга розилик бермайди. Фарруҳ Мирзо Эронга қайтиб кетади. Кейинроқ сиёсий ишларда ҳукуматга қарши исёнда қатнашган Доро Шукуҳ билан ёзишномаларидан хабар тошган отаси Зебуннисо бегимни Салимжар

чоғларида ёзган шеърлари билан шуҳрат топади (Авраңгзеб буюк олим Доро Шукухни қатъ этиб) Йеён ҳаракатлари пасайғач, отаси Зебуннисо бегимни озод қилади. Шундан кейин у фақат илм, санъат билан шугулланиб, Лаҳорда яшади ва 1689 йили 50 ёшида бетобликдан вафот этди. Зебуннисонинг шеърлари диний маросимларда, суфийлар йиғилишларида кўп ўқилади, суфийлар унинг шеърларидан жазолага тушар эдилар. Қулимдаги китобда босилган куйидаги мазмундаги шеърлари менга ҳам жула ёқди: «Мен таним-ла бир Лайло эдим, руҳим-ла бир Мажнунман. Фақат бу заижирлар оғимни қисиб, сахро кумига кумган!» «Сен тузалдик оламида бир тождорсан. Ҳамма тузаллар сеннинг оғини ни упишга зор, фақат сен бегуноҳ одамлар қони туқилишига йул қуйма, Ҳажжож зулмининг чирогига мой қуйма!» Узи ҳам ракета тушиши яхши қураганин шоира дейди: «Яқинлар ва бетоблар олдида ракета туш, фақат раке дарди билан йиғитларга ошиқ бўлиб қолмасликни ҳам бил. Қулимдаги муҳаббат тўла жомийи камаймасин. Сенинг ишқингла маът бўлганлар даврасида хиром эт!»<sup>\*\*\*</sup> Зебуннисо турк ҳукмдорларининг аёллари турли таънашлар утқавидалиган хоналарга ҳам очик қолди, паранжисиз боришини Узинга хос таровати бўлишини тушуниган ва шунини учун «Узал қизини маликалик одаларига кўра очик. Тузалдик ислаб келган одамларга жилдакурса нури жамолитини курсайиб, қазоатлангир»<sup>\*\*\*\*</sup>, дейди у.

Зебуннисо Навигабарни жуда хурман қилган ва Қатъани тизрат этмок унинг муқаддас бир орзуси бўлган. Лекин маддиқлиги туфайли орзуси рўёбга чиқмай қолади. Унинг Навигабар шаънига ёзган наълари гоҳг тузал. Дустим Абдулқодир ухлаётган эди. Мени Зебуннисо бегим наъларидан завқланиб ястағина мудрок бведи.

§ 293. *Навигабарининг аягани Хижоз*. Биз 7 ноябр чорчатайба куни эртадаб у ерга. Ҳарамдун кирзоғига Хижога етиб келишимиз керак эди. Мен эрта турдим, Паётки палубида Бомбеидан юрғларига қайтаётган араб ишчилари қарга уйнашиб утиришарди. Эрта тонда уларнинг бири тузал овоз билан Қуръон тиловат қилаётганини, кейин мен ёнлигимдан яхши билган Бусурий наъларини ўқибганимни эшитиб уйғондим. Имомлари, Навигабаримизга бўлган ишончлари анча кучли эди. Туркий халқларининг қатта бир қисми XVI асрдан элтиборан русларга тобе бўлиб келди. Шунга қарамай, ислам

\* Gerce men Leyla İbâsem, dil-i Mecnun der hava st.

Ser ba sahra mizenem, İkin haya zinc-i pa st.

\*\* Tu-i dar mülk-i xulu sahib-i tac, be papus-i tu xuban emle mubâde.

Ba-xun-i bigumâhan sa'y kem kun kem kun mekun tuxen ırag-i zulm i Haccâde.

\*\*\* Eger merd-i rabi mestane mi raqs, be pis-i mahrami u bigâne mi-raqs

Mesev ez bilu dance sayd-i sayyâd, cu murgan-i cemen bidanee mi-raqs medeh

Maxfi zi keff-i cam muhabbet, ineyan-i asiqan mestane mi-raqs.

\*\*\*\* Berelken barqa' az luisnet be ayin-i sehensahî,

teselli kun be didaret temâmi dadıxohânâra

туфайли маълумоти сақлаб келишди. Энди уларни нималар кутмоқда? Зебуннисо ҳам Бобур сулоласи ҳақидаги шеърларида «Маъжусий хиндлар орасида йуқолиб кетмасдан, бу мамлакатни бошқариб яшаб қолганлигимиз учун Пайгамбаримизга раҳматлар айтишимиз бир фарздир», деган экан. Айни пайтда биз чин дилдан севган Пайгамбаримизнинг ватанига яқинлашаётган эдик. XVIII асрда Ҳиндистон орқали ҳаж зиёрати учун Ҳижозга келган ҳожилар Ҳадрамут тоғларини қураб-қурмас такбир айта бошлаганлар. Мен ҳам такбир айтдим. Сўнгги йилларда қурган-кечирганларим куз олдимдан тўеки тушдагидай бўлиб утаёттир. Кунглим таскин топди. Намозга утирдим. Исломият турклар учун ҳам суяукли миллий дин. Пайгамбаримиз буюклигининг ёрқин мужассамини ахлоқ билан шўбат мисолида қурагимиз. У бизни ёлғиз Аллоҳга ишонишга, унга содиқ бўлишга, бир сузликка, жасурликка, фидокорликка, тартибга, режални иш қилишга, одамийликка ургатади.

Туркистонда мусулмон туркий сулолалари булган қорахонийлар, чингачойлар, Темур авлодлари ва узбеклар замонасида “Қасидан бўрла” «Бусирий қасида»сининг ҳамда Ҳазрат Али туғрисидаги ҳикояларнинг қуп бор таржима қилиниб, уқилиб, ёдланишининг сабаби Пайгамбаримизнинг бу насихатлари турклар руҳига ниҳоятда мос тушиши билан изоҳланади.

Ёшлигимдан менга маълум булган “Бусирий қасида”га оид бу шеърларда айтилади: “Ой Ислом жамоаси! Севилишингиз керакки, Аллоҳнинг ишояти билан биз йиқилмайдиган, зарар етмайдиган устун булган динга эгамиз. Барчамиз хайрли ота ва хайрли ар бўлган пайгамбаримизнинг кафиллиги остида булганимиз боис, фарзандларимиз етим қолмайди ва хотинларимиз тул қолмайди”. Бу икки мисрани араблардан яна бир нечтаси жур булган ҳолда такрорлашди. Имомлари, пайгамбаримизга булган ишончлари шу қадар қучи эди. Яқин йилларда бошимдан утган ҳолисалар бирма-бир куз унгимдан ута бошлади. Кунглимга келди, намозга турдим. Намоз жанубга қараб уқилар эди, ҳозир эса қибла шимолда булиб қолган эди. Қизикилим орғди. Палубадаги арабларга эргашиб икки рақат бомдод намозини уқиб бўлгач, хотира дафтаримга қўйдани маммунида шеър ёзиб қўйдим:

*Жанубга қараб кун сизиндик Е Раб!*

*Шимолга боқиб Сенга бир бор ва жуда қиссам етирми?*

*Миллатим, юртим чекки атоб тариммоқда.*

*Сен аришимисан бу атоблар ут-ушдан йуқолурму? Е Раб!*

---

\* Kungcu qatar kop tonjaydiq ya Rabbin

Tunge qatar bir yugunsem yetermi?

Yurdum cekken bu atansiz azaplar

Sen arimisan ozkaramin imrim?

Абдулқодирхалиу йукда эди. Адан бандаргоҳига якни лашганимизда уни уйғотдим. Уч ёшимдан бери танийдиган Вайсал Қороний юрти Яманга келган эдик. Уз замондоши булган пайғамбарни кура олмагани учун чеккан изтиробларини чигатой шеvasида ифодалаган шеърларни бозорларда дарвишлардан эшитар эдим. Уларнинг купчилиги хали ҳамон эсимда. Бандаргоҳга келганимизда Вайсал Қоронийнинг ватанига бир кадам куяй, дедим. Бу ерни ҳам уз хукми остига олгани учун инглиз полицияси рухсат бермади. Инглизлар хизматидаги араб полициячисидан Вайсал Қоронийнинг кишлоғи каердалигини сурадим, билмади.

Пайғамбаримизнинг азамати факатгина мужизаларга эсосланмайди. У оддий инсон сифатида башариятга йул курсатган. жангларда зафар узи томондалигини билса ҳам бу борада гойибдан хабар келмаганини айтган комид инсон эди. У ургатган дин Мадинада давлат конуни хисобланади. “Масжидул-харам олдида урушмангиз! Бас, агар узлари уруш бошласалар, у холда уларни (мушрикларни) улдириклар. Агар тух-тасалар, у холда сизлар ҳам тухтангиз!” (II 191) деб буюради. Яна исломга тулик ишонишда шароитни назарда тутиб “Динда зурлаб киритиш йукдир” (II, 256.) “Сизнинг динингиз сизга, менинг диним узимга” (109:6) хукмларини ургатган. Том маънода даҳолик асарни булган бу хукмларнинг бири иккинчисини никор этмаслигини яхши тушунган хукмдорлар Чингизийлардан Улжайту ва Ёвуз Султон Салим булган. Улжайтунинг эътиқодига кура, “Мушрикларнинг барчасини улдирик”, “Каерда курсангиз килчидан утказинг” амри жангларда кумондонлик килган давлат арбобларига оид; “Кофирлар билан бирга яшанг, динда мажбурлаш йукдир” хукми эса пайғамбарларга келган. Қозок ва киргизларда Исат немли кахрамон мадх этилар экан:

“Душманни курса от уйнатар Исатинг,

Уйда утирганда курт кайнатар Исатинг” дейлади.

Ислом турклар учун мана шу жиҳатлари билан сеvimли ва миллий дин булган. Пайғамбар буюклигининг яна бошка ёркин куриниши ахлоқ ва сиёсатда намойн булади. Ягона Аллоҳга имон келтирини, садакат, вафо, дустаник, сабр-чидам, интизом, хушфеъллик ва муруват каби тамойилларга уйдатан; ширк, ёлғончилик, бевафолик, мунофиқлик, куркоқлик, метёрдан чиқини, газаб ва зулм каби илпатларнинг салбий оқибатлари хақида мисоллар келтирган холда узлардан кайтарган. Туркистонда мусулмон туркийлар сулоласи хисобланган Қорахонийлар, Темурийлар ва Чигатойлар даврида “Буеирний қасида”сининг ва Ҳазрати Алига оид ҳикояларнинг кўп бора таржима килинишининг, куи укчилик ёд олинишининг сабаби

\* Yavdi korse ai oynatir Iset'in  
nyde olursa qurt qaynatir Iset'in

Пайгамбарнинг бу мардона хулқи туркийлар руҳиятига мос келишиндан келиб чиқади. Дунёда шубҳа, гумон бўлса уни йўқ қилгандан сўнг жаҳоншумул давлат сийёсатини олиб боргани ва бунга Сосонийларни қўлатгач. Византияга навбат келишини билгани ва ёнида турт халифа ҳамда Муовия, Абдурахмон ибн Авф, Абуззар Гифорий, Халид ибн Валид каби ёрқин шахсларни етиштириб берганидир.

Тарихда дониш ҳаётда фаол бўлган турклар учун Муҳаммаднинг динидан узга муносиб дин бўлмади. Бир нечга динни тажриба қилиб кургач, турклар исломда тухташди. Мен ишонаманки, бундан кейин ҳам ислом уларнинг мангу мавжудлигини таъминлаб туради. Мана шу сабабдан ҳам Яман соҳилларига яқинлашгандан бошлаб Сувайш қанақадан устунга қадар Пайгамбар тарихига оид билганларимни бир-бир эсладим. Жиддага келганимизда бир кун бу ерларга алоҳида келиб, Каъбани ва Пайгамбаримизнинг қабрларини зиёрат қилишни ният қилдим.

§ 294. *Уртин Ер денгизи соҳиллари.* Порт-Саидда уч кун меҳмонхонада яшадик. Менда Мисрга бориб келиш истаги бор эди, бироқ пулимиз камроқ бўлганлиги сабабли, қолаверса, Бухоро паспорти туфайли эирим муаммолар келиб чиқиши мумкин эди. Байруқ э етиб келгач, шаҳар айланнишга тушдик. Бу ердаги мактаблар асосан насроний миссионерлар қўлида эканлигини куриб, 1908–1909 йилларда бу ерга келиб таҳсил олиш орзуларим амалга ошмаганидан хўрландим. Ун беш йил олдин келишга ният қилганим мазкур Америка коллежи билан кизиқдим, уқув дастурлари билан танишдим, китобларини айландим. Тарихий китоблар ва араб файласуфлари Амир Шакиб Арслон ва Муҳаммад Али Қурт каби зоиларнинг исломнинг ҳозирги аҳоли туғрисидаги асарларини олдим. Бу асарлар билан мен Хиндистонда кимсан танишган эдим. 24 ноябрда Измирга келгач, раҳматли Анвар полковнинг куёви Халил пошо билан ва иккинчи бошқирд отлик полковнинг кумондони Исмоил Шарипов билан урландим. Бу лобит бизнинг 1919 йил мартда Шуродар билан сулҳга келишимдан, қизиллар томонига утмай, Деникиннинг ок геардиячилари томонидан қўлган уч кишининг бири эди. У, Шохид Убеков ва Рашид Хусайнов билан бирга Деникин армиясидан бўлган Шибирлик яраланиб, Кримда касалхонада вафот эди. Рашид Исломнинг асли Исмоил бўлса, Мустафо Камол пошо яқинларидан Ражаб Пошар Денининг илтимосига кура, Бошқирдистондаги миллий армияга кириб, Денининг армияси ҳақида езиб берган. Менга берган нухасидан мана шуларнинг иккисида фойдаландим. Рашид Хусайновда менга нибилан динманлик кайфияти кучли экан ва хоҳлаган динларда мен бир социалист дин дунямани деб хўрлатишга уришини Исмоил эитиб берди. Рашид брёнбурглик татар миллионери Ганибни Хусайновнинг ёқини эди. У укаси Абдурахмон ор Россияси армияси илтифати бўлсада, Бошқирд армиясига кириб, Шуродар мусолари

қилган миллионларни бошқирд аскарий кучлари ёрдамида қайтадан қўлга киритишга уриндилар. Ҳақиқатан ҳам, мулкларининг бир қисмини олишга эришдилар, лекин биз социализм йўлига утгач, Рашид оқ рус генераллар томонига ўтиб, бизнинг ашаддий душманимизга айланди. Абдурахмон эса 1919 йилнинг мартада Шуролар билан сулҳ тузиб, ярашган чоғимизда армиямизни тарқ этиб, туғри 1-қизил армия қумондони ҳузурига борган. Уни шу заҳоти камокка олганлар.

Бундай қочоклар туғрисида Қизил армия қумондонлиги биз ҳеч қандай маълумот бермаганлиги боис биз Абдурахмон Хусановнинг кейинги тақдири ҳақида ҳе напреа билолмадик. Хусанов оиласидан Вали исмли мулла-миллионер бўлган. У монархист бўлиб ҳар қандай янгидикларни мурасасиз душмани эди. Узок йиллар давомида Оренбургда «Дин ва ҳаёт» номида ута мутаассиб журнал нашр эттирган.

Хусановлар оиласидан фақат Ғани бей тараккийпарвар инсон эди.

Уч кундан сунг Истанбулга етиб келгач, бандаргоҳ полицияси бизни визангиз йук, деб соҳилга чиқаришмади. Август ойида Кобулда экинчи нимада Истанбул ҳали озод этилмаган (Истанбул Антапта мамлакатлари кул остида эди). Анкара ҳукуматининг Кобулдаги элчиси берган виза билан бизни иттифоқчилардан эҳтиёт булиш мақсадида у визани олмаган эдик.

§ 295. *Истанбул партияси.* Ҳатил пошо Измирдан Анвар пошонинг Кабул оркали Туркияга қайтиб келган ёрдамчиси Муҳиддин бейга бизнинг келишимиз ҳақида хабар берган экан. Муҳиддин бей бизни пристанда кутиб олди ва виза учун Анкарага узимиз мурожаат этишимиз лозимлигини айтди. У Туркистон озодлиги кураши туғрисида «Накт» газетасида босилган мақолаларни олиб келибди. Биз Анкарага, ташки ишлар вазирлигига Истанбулда бир неча кун қолишга руҳсат сураб, илтимоснома юбордик. Булдан ташқари Юсуф Оқчура, Аҳмад Ого ўғли ва Зиё Қўқалди Францияга бораётганлигимиз, бироқ вақт Туркияда тухташ ниятимиз борлигини билдириб, хатлар ёздик. Порт полициясини дағал муомаласи жонимизга теккандигилан, ушдан руҳсат сурамай, Истанбулдаги ташки ишлар вазирлиги ходими доктор Аднон бейга учрашиб бизга бир неча кун шаҳарда қолишга руҳсат беришини суради. У: «Бу иш Анкара ихтиёрида. Кобулдаги элчимизнинг нега виза бермаганлиги ҳақида уйлаб куришадим», деди ва кемага қайтишимиз кераклигини уқтирди. Биздан аввалроқ Истанбулга келган Бухоро ҳукумати молия вазири Маҳдум Ҳаким ўғли, қозоқлардан Ҳайи Мухаммад ҳам порт полицияси руҳсати билан пароходимизга келишди. Китоб тулдирилган сандикларини уларнинг қатнагани уларга топширдим ва қандай қилган бўлсам шундай қилиб ҳар бир китобга ёрликлар ёзиштириб, қатолол тузиб боришни илтимос қилдим. Қарийб бир ярим йил давомида 1 прощада

булган чоғимда янги сотиб олиган ва тўплаган барча китобларни Носир Махдумга юбориб тургандим, уларни Ҳайит Муҳаммад сандикларга солиб, тартиб билан сақлабди. 1925 йил езида Истанбулга келганимда ўн бир сандикдан иборат кутубхонам борлигини куриб қувондим. Пароход Истанбул портида турт кун туриб қолди. Анкарадан жавоб келмади. Руҳан тушқунликда Измирга йўл олдик. У ердан Францияга жунаб кетдик.

Измирда бир неча кун Халил пошоникида меҳмон булдик. Унинг хузурда Анвар пошо яқинларидан Шукур бей Янгибоғчали, доктор Али Ҳайдар бей ва бошқалар бор эди. Халил пошо бизга жуда катта иззат-иқром кўрсатиб, Москвада учрашган, Туркистонда курашган кунларимизни эсга олди. Шу орада Анкарадан ҳам руҳсат келиб қолди. Бирок биз Франция визасини олиб улгурган эдик, шунинг учун бир юк кемасига утириб Марселга жунаб кетдик ва 20 декабрда етиб бордик. Ёнимизда гоят қимматбаҳо бир Бухоро гилами бор эди. Лекин француз божхонаси йирик миқдордаги пошлина тўлови талаб қилганидан уни кема капиталига арзон нарҳда сотишга мажбур булдик. Қаниган шарқ санъатига жуда қизиқар экан. Ёшимда пай ҳам бор эди, гоҳи-гоҳида каютада чалардим. Найини мен яқини чап оймасам ҳам қаниган берилиб эшитарди. Капитан бизда иккита пай борлигини биларди, бирини унга совға қилган эдим, жуда хурсанд бўлди.



§ 296. *Париж ва Маҳмуд Тарзий*. Измир шаҳрида бўлган чоғимизда бизга Парижнинг Сен-Жермен кучасида жойлашган меҳмонхона адресини берган эди. Меҳмонхона эгаси турк яҳудийси экан. Биз уша ерга жойлашдик. Марселдаёқ Париж харитасини сотиб олган эдим. Қаттиқ шамоллаб, касалланганимга карамасдан, трамвай ва автобусларда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдим. Париж туғрисида анча уқиган, киноларда курган бўлсам-да, Елисей саройи оқидаги майдон узининг кенлиги, гузаллиги билан менда кучли таассурот қолдирди. Кечаси итмани туширадиган кучли дори ичиб етганлигимдан терлабман. эрталаб соғлигим жуда яхши эди. Мен соқолимни олаётган пайтда яҳудийнинг хотини русчалаб: – Бу одам чойшабни хўл қилибди. Буни эри Осиеликка қойил! Терлаб чойшабни хўл қилибди. Кечаги бетоблигидан асар ҳам қолмабди, – деб жавоб берди.

22 декабрда Афғон элчихонасига бордик. Афғонистоннинг ташиқи ёзувчиси ва мутафаккири бўлган элчиси Маҳмудхон Тарзий мени кучоқ очиб қутиб олди, чунки биз Бухородаги Афғон элчиси Абдурасулхон бизни сиртдан таништирган эди. У билан дўстона мактаблар ёзишиб турирдик. «Кийимларингизни алмаштирини. Тарзий найридинлар юртида янги кийиниб юриш лозим», деб маслаҳат берди ва янги костюм келтирди. «Буни амир Иноятуллахон (яъни, Омонуллахондан аввалги ҳукмдор) гуй муносабати билан менга атаб тиктирган эди, қаптароқ келгани учун киймаган эдим», деди. Устимдаги кийим Машиҳада жуда оддий тикилган ва лазмоланмагани учун меҳмонхона эгасининг хотини мени «осиелик» деб атаганини айтиб бердим, қулиндяк. Кейинчалик Маҳмуд Тарзий 1928 йили Истанбулга келганида кемага тушиб, «Гарабея» меҳмонхонаси рўнарасидаги дептиҳда саёҳат қилган чоғимда: «Сиз жуда яхши кийинбсиз. Бу кийим билан сизни ҳеч ким осиелик демайди», ҳазиллашди. Ҳақиқатдан ҳам бир Парижга эронча тикилган узимизга ярашмаган кийимда келган эдик.

Маҳмуд Тарзийнинг Қобулда нашр қилинган «Сирож ул-Ахбор» номли газетасини мен 1913–1914 йилларда мунгазам ўқиб борар эдим. Тарзий Иноятулла ва Омонуллахоннинг қайноғаси экалийидан мамлақатда обрўни қатта элиг. Биз меҳмон сифатида тақлиф этилган тушлик вақтида ишбулар билан Маҳорда Муҳаммад Иқбол ва Бомбеида Муҳаммад Али, Шавкат Али билан кўришишга имкон бермаганини учун уларни қўйдик. У бизни Париждаги барча харажатларни ва китоб сотиб олиш учун керак буладиган маблағнинг зиммасини олишинини, қолверса Германияга боришда ёрдам беришини айтиб, бизни бениҳоя қувонтирди.

§ 297. Сунгги Кукон хонининг невараси. Бу ерда сунгги Фаргона хукмдори Худоёрхоннинг невараси Исломбек Худоёрхоннов Афғонистоннинг Париждаги элчихонаи котиби эди. Отаси Мухаммадаминбекни яхши танишимни, 1913 йилда Тошкентда уларнинг уйида меҳмон булганимни билгани учун "Сизни курсам отамни кургандек буламан" деб хурмат курсатди. "Миллатлар Иттифоки"га мурожаат қилиб, фуқароси булмаганлар паспортини олишимда, Германияга виза (ижозат) олишимда ва бошқа ишларда ёрдам қилди. Элчи "Афғонистон ҳам сизнинг ватанингиз, узимизнинг паспортни бера қолайлик" деди. Шунда Исломбек: "Буларнинг бирор давлатга боғлиқ булмай, фуқароси булмаганлар паспортини олишлари Туркистон номидан сиёсий ташаббуслар курсатишларида фойдали булади" деди. У бундай ташаббусларни жону дилдан қуллаб-қувватларди, бироқ элчихонадаги расмий вазифаси бу ишлар билан шахсан шугʻлланишига тўсқинлик қиларди.

§ 298. Мустафо Чукай угли. Элчихонада чиқиб Абдулқодир билан бирга Чукой угли Мустафонинг ёнига бордик. Ораларида яқин булмаса-да Исломбек бизга шаҳар ташқарисида Ножон Сур Марн деган жойда яшаётган Чукой углининг уйини топишда ёрдам берди. Бу Ножон ҳақида уқигандим. Чунки 1812 йили Рус қушини Парижга кирганида қушин таркибидаги Бошқирд полки шу Ножонда тухтаган эдилар. Бир Бошқирд полкини ичомининг Париж ва Ножон ҳақида Бошқардистонга ёзган мактубини ўз вақтида уқиган эдим.

Мустафо билан биз 1913 йил Фаргонага қилган илмий сафарим вақтида танишган эски бир дустим эди. У бу вақтда Тошкент лицейида таҳсил олади. Кейинчалик Петербург университетиде уқиб юрган чоғида учрашиб турардик. Отаси Сирдарё кипчок уруги қозокларидан булиб, Кукон хони хизматида додхоҳ рутбасида булган, утган аср уртасида рус қушини бу ерларни ишғол этгач, генерал Перовскийнинг хизматида кирган, русча урганган ва сунгра таржимонлик қилган бир киши эди. Кукон хонлиги даврида узбекларнинг буюкларига, кейин рус даврида эса дворянларга яқин бир оиладан эди. Лекин мустақил Кукон даврини кадрлаб хотиралар эди. 1916 йилда мен Думанинг мусулмон фракциясига Уфадан Мустафо эса Сирдарё вилоятидан юборилган эдик. У кадет партияси аъзоси бунишига қарамаздан доим мен билан ҳамфикр эди. Ва 1917 йил инқилобидан сунг Кукон мухторияти ҳаракатига қушилди. 1918 йил бошида Кукон шуро тарафидан ишғол этилгач, Мустафо қочиб Тошкентга келди. Тошкентда кадет партиядан бир рус зобитининг уйида булиб хотинини қочириб Тугай йули билан бизни Юрматидаги уйимизга келди, сунг Оренбургга кетди. Мана энди Парижда бизни меҳмон қиладиган булди. Унинг Мария Яковлевна исмли аёли бизни Тимасдаги учрашув вақтдан эътиборан

\* Қозихона ишлари устидан назарий ишларини олиб борувчи амалдор.

орамиз яхши эди. Улар аввал бизникига келиб, кейин Афғонистон гаутмишимизни маъқул куришарди.

Мишусто билан уч кун суҳбатлашдик. Мустафо камбак эди. Милюков ва Керенскийнинг газетадарига ёзган мақолалари хиобидан тирикчилик киларди.

Германияга кетаётганимизда Туркистондан келтирган миллий либосларни Мустафога колдирдик. Уларни музейга сотиб маълум бир муддат шунинг хисобига яшади.

§ 299. *Садри Мақсудий*. Садри Мақсудий ҳам шу ерда Ножонда Мустафога якин кучада турар экан. Ойнинг 24 куну Абдулқодир билан уникига бордик. Рафикаси Комилахоним ва хозир Туркияда муҳим вазифаларда булган, биз келган вақтда эса лицейда укийдиган кизлари Одила ҳамда Ноилалар кутиб олишди. Садрибей уйда йук эди, у келгунча Комилахоним бизга миллий таомларидан пиширди. Россиядаги ахвол хақида гаплашдик. Улар бу ерга Петроград, Хельсингфорс йули оркали келишибди. Садрибей кадет партияси аъзоси булгани боис партия оркали унга ёрдам келиб турар экан. Комилахоним Россияда Садрибей билан тортишганимизни унутмаган эди. Дархол менга: "Тортишдингиз, тортишдингиз нима булди. Россия билан курашиш уйин эмас. Менинг эрим буну яхши тушунгани боис сизнинг йулингиздан бормади. Мана энди узингиз ҳам шу ерларга келибсиз" деди. Бироздан сунг Садрибей ҳам келди. У бизга эски хисоб-китобимизни эслатадиган муомалада булмади. Аксинча, бизга Россия ва Туркистондаги вазиятни урганиш жихатидан янги манба деб каради. Кечки овқатни бирга едик. "Алимардон Тупчибоши билан гаплашиб, Европада нималар килишимизни биргалашиб уйлашимиз керак" деди. Бизга айнан шу керак эди.

300. *Алимардон Тупчибоши*. 26 декабр. Алимардон бейга телефон клиб, шаҳар ташқарисида Сен-Клу деган жойдаги уйига жунадик. Қулда шаҳар харитаси булгач, Оврүла шаҳарларида истаган уйни топмоқ кийин эмас. Шарқ шаҳарларидагидек излаб вақтингизни кетгазмайсиз. Алимардон бей келадиган дакикамизни билгандай эшиги олдига чикиб турган экан. Хурсанд булиб биз билан кучоклашиб куришди. 1917 йил Москвада Бутун Россия мусулмонлар кенгашида у билан бир хил фикрни химоя килганмиз. Алимардон бейни отамдай, аёлини онамдай курардим. Уйда икки кизи ва Петербургда тахсил олаётган вақтдан бери яхши билганим угли Али Акбар бор эди. Алимардон бейнинг отаси Мирзо Жафар Тупчибоши Петербург унниверситетида форс тили буйинча профессор лавозимида фаолият курсатиб, айни вақтда Россия мусулмонлари курашлари тарихида порлок урин олган. Мен Мирзо Жафар Туйчибоши хаётини, хатто улар мансуб булган бурчали уруғининг тарихини яхши урганганимдан бу оила менга ҳар томонлама яхши таниш эди. Суҳбатларимиз бир оилавий суҳбат тарзида, жуда самимий булди. Алимардонни уйи

тежир йўзининг енида жойлашганидан, поезда ўтганида шовкини энча битирарди. Шундай бўлишига қарамай, суҳбатларимиз жиддий ва самимий бўлди. Алимардон бей йиглаб: Энди мен қаридим Балқашта янги чини қурмадан улиб кетарман. Россия мусулмонлари ишини Амир Расулзола билан сизга қолдираман.

Биз Алимардон бей билан Европада бажарадиган ишларимиз режалари ҳақида маслаҳатлашиб олдик – Мени Европага келишимдан мақсадим, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш. – деган эдим. У катъий қилиб: – Сиз ҳали ёшсиз, илм қочмас, ҳозир туркий ва ислом дунёсининг энг қувватли маркази бўлган бир улқада шиддатли кийин кураш кетяётган жойдан келдингиз. Аввало, шу ишларни ўиланг. Турклар, Украинлар билан учрашинг. Максудов билан ҳам қуришайтик

28 декабрда Мустафо уйда кавказлик мусулмон лезгин Петербург университетининг шарқ факултетини битирган, айни вақтда ҳуқуқчи бўлган Исрофил исмли бир зиёли билан қуришдим. У ҳам Истанбулдан келган экан. Унинг рус аёли Мустафонинг аёли каби ашаддий кадет эди. Бу кадет муҳити менда жуда ноҳуш таассурот қолдирган эди. Уша окшом П.Н. Милюковнинг маърузаси бор экан. Ҳаммамиз уша ёкка кетдик. Милюков мени ғойибона танир экан. Заллик тула. Утирадиган жой йук. Милюков менга ва Мустафога ўзи утирган курсининг икки тарафидан тик туриш учун жой бермокчи бўлди. Демак, биз Мустафо билан черков ибодатхонаси меҳроби ёнида икки поп бўлиб икки томонида шамдай турар эмишимиз. Мен у курсатган жойга бормадим. Мустафо бориб маъруза тугагунча уша ерда тик турди. Милюков эса уз нутқи давомида «наши инородцы» деган иборани ишлатганда унга ишора қилиб курсатиб давом этар эди. Маъруза тугаши билан мен Мустафога: – Бундай кимаслигинг керак эди. Нега Милюковга «инородец» деб сени курсатишига йўл қуйдинг. Сен «инородец» эмас. Бизни Ватан Туркистон. Унинг фарзандимиз. Туркистонда руслар биз учун «инородец»лардир. Сен бу ердаги Туркистон вакили экансан, ўзингни бундай камситишинг керак эмас, деб дўстона ва бир оз таъна қилдим. Садри бей билан унинг уйда 20 ва 22 январ кунлари қуришган эдим. Ийгирма туртинчида эса Садри бейнинг уйда Алимардон бей, угли Али Акбар, Мустафо Чукой ва Абдуқодирлар билан бирга жиддий суҳбатлашиш учун тупландик. Алимардон бей бир сиёсий журнал нашр этиш масаласини уртага қуйди. Садри Максудий эса, бизга «Миллатлар Иттифоқи»га мурожаат беринг, бу мурожаатда Ислом оламига, Рус муҳожирларига ва Оврупадиларга. Урта Осие даъволарини англатадиган бир тарзда бўлсин деган таклифларни берди. Уша окшом Мустафонинг уйда насронийликка утган Туркман зобити Хон Ямудскийнинг угли зобит Николай Николаевич Хан Ямудский билан узок суҳбатлашдик. У ҳам кадет экан. Ҳайрон қоларлиги шундаки, бу Хан Ямудский

насроний бўлишига карамасдан туркман миллатпарвари эди. Зотан. Хан Ямудский гувоҳлигича болатик пайтида бир рус генерали фарзандликка олинган эди, туғрироғи угирлаб олиб кетган ва уни насроний қилиб тарбиялаган. Лекин, у Туркманлигини ҳеч унутмаган. Ҳар ойнага қаршида узининг туркманлигини эслатиб турганини шахсан ўзи менга айтиб берганди. Мен уни 1913 йилдан бери танирдим. Биз у билан Тошкент ва Петербургда қуп қуришган эдик.

**301. Рус муҳожирларининг сиёсий уюшмалари билан алоқалар.** Январнинг биринчи ҳафтасида украиналик йирик арбоблардан бўлган Шулгин, грузинлар етакчиси Рамишвили билан бир неча бор учрашдим. Рамишвили бир оқшом бизни фақат гуржилар ва кавказлик дустлари тупланган кечки зиёфатга таклиф қилди. Биз узоқ ва батафсил суҳбатлашдик. Парижда бўлиб ўтган суҳбатларимиз орасида энг самимийси ва самаралиси десам, ҳато қилмайман. Ҳаммаси ҳам Урта Осиёда озодлик ҳаракати бундан кейин ҳам давом этадими, яна у ерда кузгўлонлар қутариш имкониятларини бидишни истарди. Мен вазиятни очикчасига баён қилдим. Модомики, Туркистондаги озодлик қурашлари таркок ҳолда давом этса, тор-мор бўлиши аннқ. Бу ТМБнинг фикри эканлигини ҳам айтдим 12 январ оқшомида бўлиб ўтган бу мажлисга Алимардон Тупчибоши нимагадир таклиф қилинмаган. Бундан ҳафа бўлиб, мени грузин дустлари билан бирга уз уйига, яна бир марта суҳбатлашиш учун алоҳида таклиф қилди.

**302. Француз олимлари.** Мен Париждаги олимлар билан алоқа уриятдим. Ҳусусан, Шаркий Туркистонда археологик казиш ишларини амалга оширган Пеллио Поль олдиға неча марта бордим. Бир марта у мени тушлиққа ҳам таклиф қилди. Унинг турмуш ўртоғи рус аёли эди, ўзи ҳам рус тилини яхши биларди. Пеллио ўзининг илмий нашрларидан совға қилди ва ўша кунлари Парижда келган инглиз археологичи сэр Аурел Стейн билан таништирди. Улар билан бўлган дустона муносабатим умр бўйи давом этди. Мен Вена университетиде тахсил олаётган вақтда, менинг олдимга алоҳида хабар олгани келиб турарди. Бир марта Хиндистонга бораётиб, Истанбулда тўхтаб, мен билан учрашиб ўтди. У хар доим менидан хабар олиб, эҳтиёжим бор-йўқлигини сураб турарди. Агар лозим бўлса, моддий ёрдам бериб турарди. Келиб чиқиши венгер яҳудийси бўлиб, насроний динини қабул қилган. Бу мен билган энг ҳушмуомалати, сиво инсон эди. Ундан олган мактуб жуда қуп, уларни ҳаммаси кутубхонамда сақланмоқда. Унинг Срииагарда уйи ва кутубхонаси бор эди. У мени ўша ерда ишлашимни хоҳлар эди. У ерда мени Урта Осиёнинг сиёсий масалалари билан ҳам шугуллана олади деб ҳисобларди. Унинг таклифи жиддий ва уйлашимча самимий эди. Кейинроқ Венага келганида ҳам бу таклифини такрорлаган эди. Ушанда мен Анкарада бўлиб ўтган тарих конгресси (1932 й.)даги тушунмовчиликлар туфайли, олижаноб Отатурк ва яқинлари билан келишолмай, Туркияни тарк этиб, Венага

кечган эдим. У менга «Сринагарда яшасанинг илди эди бул зай олти эдим?» деди.

Габриэла Ферран французлар кўл остидаги Хинди-Хитойда губернатор бўлиб, араб ва форс тилларини билар эди. Араб жуғрофий олимларининг китобларини француз тилига таржима қилган. У ҳам мени таклиф этиб. У ерда биргалишиб, сиз Махмуддан тоғиб келган Ибн ал-Факих, ибн Фазлон ва Абу Дуаиф асарларини нашрга тайёрлар эдик. Деди Эрошунос профессор Готиога Хиролда қадимий хоразм тили намуналарини тоғганимни айлдим. Бу манба намуналаридан биронга қисмини беришимни катъий илтимос қилиб туриб олди. Лекин менинг Хиролдаги қайдларим Истанбулда китоблар орасида қолган эди. Профессор Ж. Дени мен билан ҳамкорликда Махмуд Кошгарий китоби остида тадқиқ ишларини режалаштирган эди. Агар мен барча олимлар таклифини қабул қилган чоғимда, Францияда қолиб яшашим лозим эди. Мен уларга қолдириб бўлмайдиган сиссий ишларим борлиги туфайли ҳозир илм билан шугуллана олмаслигимни ва Европа бўйлаб утказиладиган сафаримдан суиғ бу масалага яна қайтиш мумкинлигини тушунтирдим.

Мени Париж Миллий кутубхонаси Шарк булимининг директори, француз олими Блоше ва мени уйига таклиф этган месье Дени билан танишдим. Пантеон яқинида яшар экан. У билан пантеонда сайр қилган чоғимизда, менга Наполеоннинг қабрини ҳам курсагди. Кейин турли француз виюлари билан меҳмон қилди. Сухбатимиз кўпроқ Махмуд Кошгарий ҳақида бўлди. Дени Россияда туғилган ва уша ерда ўқигани учун русчани яхши биларди. Биз у билан рус тилида суҳбатлашардик. Дени билан дустлигимиз 1961 йил (вафот этган йил) гача давом этди. Аввал Россияда яшаган француз Жозеф Кастанье ҳам шу ерда экан. У билан Тошкентда танишган эдик. Оренбург, Тошкент укув даргоҳларида француз тилидан дарс берган. Козогистон археологиясига доир тарихий тадқиқотлари унинг Россияда нашр этилган археологияга оид бир асарини диққат билан ўқиган эдим. Бу асар француз ва рус тилида босилганидан француз тилини ўрганишимда катта фойда бўлди. Кастанье козок ва бошқирларни жуда яхши курарди. У Туркистон тўғрисида француз нашрларида мақолалар эълон қилган. Европада босмачилик озодлик ҳаракатлари ҳақида етган ягона муаллиф эди. Мени бир жонли кутубхона, манба деб билар ва ҳар бир имкониятдан фойдаланишга ҳамда кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қиларди.

Бу ерда озарбайжонлар социал-демократ Шайхулисломзода Акбар ота ва Эсер муҳандис Аббоскули Отамалибеков бор эди. Булар социалист бўлса-да, Алимардон бейдан алоҳида ҳаракат қилардилар. Ва мени ҳам Россиядан ташқарига чиққан муҳожирлар орасида бир социалистик жабҳа яратмоққа даъват қилдилар. Мен Европадаги муҳожирларни тула билмасдан бирор томонга қўшишнинг ҳеч

Бизнинг элларимиз социализм факат рус буйиштиригидан куттиланган  
еун мустақил партиялар булши мумкинлигини айтдим.

Шунииндек, Парижда мен икки рус олимлари Минорский ва  
Бруцкусин учраддим. Биринчисини Россиядан танирдим. Унинг  
аели мени Петербургдаги танишим туркшунос-профессор Василий  
Дмитриевич Смирновнинг кичи эди. Шу учун улар ментачиликунгидан  
муносабат кўрсатардилар Минорский Лондон ва Кембрижда кеш  
илмий фаолият олиб борди. У яқин олим эди, бироқ калтафаҳм  
рус миллатчиси эди. Бруцкус яхудий бўлиб, хазарлар тарихи билан  
шугулланарди.

Парижда мен учун кун фойдали булган мулоқот бу – Эрон олими  
Мирзо Мухаммад Хон Қазвиний булди. Бу зот, хусусан, Чингизхон ва  
унинг авлодларига оид тарихий манбалар устида иш олиб борарди.  
Унинг уйда кейинчалик Эроннинг бош вазири булган Мухаммад  
Фурқий ва Лондон Шарк тиллари мактаби мудири сэр Денисон  
Росс билан кун бор куришдим. Булар билан суҳбатимиз фореча  
буларди. Чунки мен хали инглиз тилини яқин билмасдим. Улар  
мени Овропада бир канча шаркшунослар билан таништирдилар. Хар  
уч зот дунёдан айрилгунларича менинг дўстларим бўлиб қолдилар.  
Моддий таъглик пайтларимда ёрдамга шошдилар. Сэр Денисон Росс  
мени Машхадда кашф этганим Ибн ал-Факихнинг жуғрофияга оид  
китобини нашр этмоғим учун Лондонга даъват этарди. Бу ҳусусда  
Кембриж университетиядаги форс тили буйича профессор Э. Браун  
билан сузлашиб, мени у тарафидан ҳам таклиф эттирди. Профессор  
Браун мени алоҳида сэр Аурел Стеиннинг Шаркий Туркистондан  
қелтирган Турк ва Эрон матилари устиде ишлаганини сураб бир  
мақуб ҳам юборди. Хуллас, илм йузида фаолият юритмоқ учун менга  
хал Парижда, хал Лондонда йуллар очилганди. Бу алоқаларнинг  
барчаси етти ҳафта давомиде эсанкирадиган даражада ривожланди.

1924 йил 22 январда мени Эсер партияси етакчиси Майер гушликка  
таклиф этди. Бу таклиф Лениннинг вафотидан аввал булганди. Биз  
учрашган кунимизда Ленин вафот этди. Мендан Лениндан кейин  
нима булади, ҳукумат бошига ким келади, деб сурашди. Мен ҳеч  
тараддудсиз: – Ҳукумат бошига Риков келади. Лекин амалда ҳукумат  
ишлари партия қулида булган Сталинга угади. Ва у Троцкий билан  
туқнашади, – дедим.

Бу ерда социал-демократларнинг журналининг чиқарган икки киши  
хам бор эди. Ҳаммасига менинг Риков хақидаги сузим галати туюлди.  
Орадан бир неча кун утиб, Риков ҳукумат раиси булганини билган:  
– Сиз Риков булишни кайдан билгандингиз? Лениннинг ундан  
яқинроқ дўстлари хам бор эди-ку? – деб сурашди. Мен. – Бу бир хие ва  
фаросатдан. Мен Русиядан чиққанимдан бери фақат ун ой ўтди ҳолос.  
Хотираларим янги. Россиядан икки-уч йил аввал ажралганларнинг  
Шуро Россияда нисбатан ҳулосалари янглиш чиқмоқта. Маълум

вактдан сунг менинг тахминларим худди шундай булди. – деб жавоб бердим.

Мен француз тилини яхши билмасам-да, Француз, Осие ва Француз жугрофия жамияти мажлисларига катнашиб турардим. Хамшахаримиз Садри Максудий Осие жамияти мажлисида ушбу ва уйгурлар хакида маъруза килди. Мен учун хурматли булган хамшахарим бу мажлисга бир базмга келгандай смокинг (камзулда келибди. Чап юкори чунтагидан оплок кул румолчанинг учи куриниб турар, унг кулидаги бошка румолча билан юзини артар эди. I уе у оғир имтихон топшираётгандай хаяжонда эди. Холбуки, келганларнинг хамаси одатий кийимда эди. Ҳозир булганлардан Дени турк тилида – R ва z харфларининг ёзиллиши бундан 100 йил аввал ушбу тилини хаммага маълум, – деди. Яъни бу маърузада ҳеч қандай илмий янгилик йуклигини айтди. Бирок, мен учун бир хамшахаримизнинг юкори нуфузли илм жамиятида нутк килиши қувончли варақачи. Маърузадан сунг Садри бей билан тушлик килаётганимизда уни табрикладим. Садри бейнинг Сорбонна профессори булгани хакида татарлар орасида гап юрарди. 22 январда дарсига бордим. Аудиторияда фақат етти киши булиб, еттинчиси мен эдим. Бу машғулот мухожир русларнинг славистикага доир дарслар бермок учун ажратилган факультатив дарслар сирасига кирар экан. Яъни, Сорбонна дарсига дохил дарслар эмас эди. 8 февралда мазкур Осие жамиятида менинг Машхад ва Кобулда топилган кулёзма асарлар мавзусида маъруза укидим. Бу маърузани рус тилида ёзган эдим. Профессор Дени эса буни французчага таржима килиб укиди. Маърузада минг йил аввал Бухоро, Хоразм оркали Булгорга расмий сафар килган Ибн Фазлонининг «Саёхатнома»сини Ҳирот шаҳри тарихига доир манбаалар, Темурнинг Зарафшон дарёсидан чиқарган каналлари буйлаб курган яшаш ва экин майдонлари, Кобулдан топганим миниатюра асарлар ва бугунгача номаълум қолган форсигуй шоирлар тазкиралари баҳс мавзуси булганди. Ферран, Пеллио, Карра де Во, Блоше, Бенвенист, Бове ва бошка олимлар бирин-кетин саволлар ёғдириб юборди. Дени менга таржичонлик килди. Баҳс бир ярим соат давом этди. Ниҳоят, Ферран: – Дустимизни куп саволлар бериб, чарчатиб куйдик. Энди ўзи билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашамиз, – деди. Мени самимий олқишладилар. Кейинчалик «Journal Asiatique»да маърузамни кискача матни тълон килинди. Бу мени Европа муҳитига киришимга омил бўлди. Дустим Абдулқодир билан бирга нусхалари фақат Париж Миллий кутубхонасида булган форс ва араб тилидаги асарлардаги кўпгина маълумотлар ёзиб олдик. Араб жугрофиячиларидан Шариф Идрисий асарларининг Урта Жанубий ва шарқий Осиега онд қисмлари мени купдан кизиқтирарди. Унинг кулёмалари Парижда бор экан, бу асарларнинг мени кизиқтирган қисмларидан нусхалар олдим. Булардан хануз фойдаланиб келмокдаман. Хуллас, мени хурматини



қилишган Пеллио, Дени, Феррон, сэр Денисон Росс, Блоше, Мирзо Мухаммад Қазвинийлар Европага қилган сафаримни ҳақиқий бир шарқшуносликка айлантирди.

Биз Парижда лайтемизда Д. Росс бую ерга икки марта келди. Кейинги келишида М. Мухаммадхонниқилда меҳмондорчилик вақтида у исомга оид қурган асарларнинг қайсилари диққатингизни тортди? – деб сўради. Бу бир имтиҳоннинг узи эди.

Мен энг куп Пайгамбар саллоллоху алайҳи ва саллам, ал-Беруний, Ибн Мисковайх, Жалолиддин Румий, Жомий ва Навоийларнинг ҳикматли сўзларидан парчалар ёзиб бердим. Бу мавзу устида балки бир асар ёзмокчидир. Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи ва салламга нисбат этилган: «Ишлар ниятларга боғлиқдир. Ният қилинса, ҳоҳ инсонни Аллохга элтувчи, қутарувчи юксак гоёлар бўлсин, ҳоҳ аёл ва севгисини қозонмок каби хусусий нарсалар бўлсин, ноил булажақдир».

– Ниятни қийматлантирмокдан мақсад нима? – деди.

– Бундан мақсад инсоннинг иродасига қиймат бермокдир. Болшевиклар инсон эркини йукотмокчилар, миллионлаб инсонни уз иродасига буюсундирмокчи, забун қилмокчи бўлганлари учун у ердаги мусулмонлар бую (ният)ни қабул қилмасдан муҷодала (қураш, уруш) қилмокдалар, – дедим. Бу унга жуда ҳам ёқди. У айтганларимни Лондонда нашр этиладиган «Asia» журналида бир мақоласида мисол сифатида берган эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Д. Росс Истанбулда Британия элчихонасида маданият ишлари буюича атгаше сифатида келганда куп марта қуришдик.

10 февралда Керенский ҳукуматининг зироат вазири булган ва Эссер партиясининг лидери Виктор Чернов мени чойга таклиф этди. Чернов мени икки кун аввал Осиё жамиятида уқиган маърузам ҳақида эшитган ва шу тугрида қиска ва умумий маълумот беришимни сўради. Ва оқибатда: – Француз шарқшунослари сизни бизнинг сиёсатимиздан ажратмокчи буляпти деб уйлайман, – деди. Бу учрашув жуда самимий утди. Умуман, бундай зотлар билан суҳбатларимдан россиялик мухожирлар орасида ва бугун Европада шуру Россияси ҳақида ва унга нисбатан тадбик қилиниши керак булган сиёсатга доир ойдинлашган, аниқ гоёлар булмаганини англадим. Ваҳоланки, биз ун ой аввал озод дунёнинг Россия масаласида аниқ белгиллаган бир сиёсати бор деган фикрда эдик. Берлинга бормокчимиз. У ерда янги учрашувлар булади.

§ 303. Парижда қилган бошиқа ишларимиз. 13 феврал. Бугун немислардан виза олдик. Уша кунни Алимардонбей Сен-Клу кучасидаги уйига Садри Мақсудий, Мустафо Чукай ва яна бир нечта озарбайжон дусларини меҳмонга ва суҳбатлашишга чақирган эди. Бу ерда Европада нима қилишни келишиб олмокчи эдик. Абдулқодир иккимиз эртарок борибмиз. Биздан сунг Мустафо Чукай билан Садри бей келди. Овқатланиб булгандан сунг бу иккиси худди келишиб олгандай, биз «кечаларимизни ёкиш» ниятида эмасмиз, дейишди ва уларга

истиклол давоси маъқул эмаслигини, бу ерда ҳам Россиядагидек  
буқ демократик Россия учун ҳаракат қилишларини, мусулмонлар  
ҳуқуқини мана шу тарзда ҳимоя қилишларини айтди. Алимардон  
“Демак, бундан кейин бирга фаолият олиб бормаймиз. Аммо бу ҳам  
бир фикр, зотан бу фикрни Москвадаги съездеда дустларингиз ҳимоя  
қилишган эди, ҳар ҳолда муштарак. Россия мусулмонларининг ягона  
қумитасини ташкил этиш вақти келмаган”, деди. Мустафо фикр  
бироз юмшашига уринди, бироқ Садри бей билан Алимардон бейлар  
тортишиб кетишди. Мажлис шу тарзда якунланди.

Хайриятчиб, уйда чикдик. Метрода қайтаётганимизда Садри бей  
билан ҳам, Мустафо билан ҳам бир оғиз гапашмадик, биз тушадиган  
станция яқинлашганда мен Садри бейга қараб: “Орамизда ҳар қандай  
фикрний ихтилоф бўлишидан катъи назар биз бир оила фарзандларимиз.  
Иккалангизин ҳам каттиқ ҳурмат қиламан. 1906 йил конгрессини  
чакирганингизда мен ҳали 16 ёшли бола эдим. Сизни фақатгина  
газеталар орқали танирдим. Сиз бизнинг буюқларимиздансиз,  
сизларни ҳурмат қиламан, ишонинг”, дедим. Садри бей настига қараб  
турган бошини кутармади ва ҳеч нарса демади. Чунки бир пайтлар  
ҳудудий мухторият (территориал автономия) фикрини илгари суриб,  
ҳалигача бу фикрни ҳимоя қилаётганим унинг назарида кечириб  
бўлмас гуноҳ эди. Умумий қатта бир журнал ташкил этиш ишлари ҳам  
шу тарика қолиб кетди.

Шу куни ярим кечасигача утириб, Белоруссия сийсий партиялари,  
европаниқлар ва россиялик мусулмон мухожир зиёдилар билан  
суҳбатлашганим ҳақида, Кобул, Маашҳад ва Истанбулдаги дустларимга  
мақтуб йулладим.

**§ 304. Берлиндаги ҳастимиз.** 15 феврал. Париж – Берлин йули  
Брюсселга келганда бошиқа поезига утиш керак эди. Парижда мен  
кўп китоб харид қилган эдим, анчагинасини шарқшунослар совга  
қилишганди. Ҳаммолга тулайдиган Белгия франки бизда йук эди.  
Абдулқодир билан икковимиз юкимизни жуда кийналиб узимиз  
ташидик. Шу пайт кимдир бизга русча салом берди. Қарасак,  
3-бошиқирд полкида хизмат қилган Демидов исмли бир рус зобити  
булиб, шуро Россиясидан кочиб, Белгияга уришибди. Болшевикларга  
қарши кўраш, турли миллат вакиллари бўлишимиздан катъи назар,  
уртамизда шундай бир самимийлик туйғуси борлигига мен бу ерда  
яна бир бор амин бўлдим. Демидов биз билан кузларида ёш билан  
хайраланди, кейинчалик у билан ёзишиб турдик.

Эрталаб биз Берлинга етиб келдик. Россияда урганган немис  
тилини анча унутганимиз сездим. Биз юқларимизни юқхонага  
топириб, немис тилида дудукланиб булса ҳам трамвай бекатига  
етиб келиб, Райникендорфер штрассе 12-уйга жунадик. Бизни  
дўстимиз, қозок зиёлиси Азимбек уша ерда кутиб туриши керак эди. У  
мақтуб орқали бу жойга бориш йулларини яхши тушунтирган булиб,

айтилган вақтда етиб ҳам келдик. Нулимиз йуқлигидан камбағал оиланинг уйига жойлашдик. Хонамизни иситиш учун бир печа булак кумир ҳам кийинчилик билан топилар эди. Турмушга чиққан кизларидан хабар олиш учун борган ота-оналар узи билан егулигини олиб боришар эди. Лекин уйлариди китоб жуда куп булиб, хатто немис шеърятининг тулик асарлари йитилган экан. Бу ерда 1919 йилги очлик вақтидаги Москвадагилар каби печкага китоб ёкиш ёки мерос қолган нарсаларни сотиш одатлари йук эди. Уй эгалари «Вперед». яъни ишчилар партияси газетасини ўқир эди. Ногирон турмуш кечирсаларда, ишчилар янайдиган маҳалладан анча олисдаги театрға бориб туришар эди. Бу ерда биринчи ишимиз Туркистон ҳукумати ижарага олган талабалар уйига, месье фон Ле Кок ҳамда герр Мюллер томонидан бошқариладиган этнография музейига, Пруссия давлат кутубхонасига, айникса, унинг Шарк булимига ва эсер партияси раҳбарлари билан учрашиш ишлари бўлди. Бу ерда очилган «Шарк клуби»да эса туркия ва озарбайжонликлар билан учрашдик. Бу ерда ҳам маъруза ўқишимни илтимос қилдилар Азимбек Берлинни яъин биларди бизга шаҳарни курсатар экан. Бошқирдистон ва Қозогистондаги фаолиятимизнинг ёркин хотираларини эслаб, озод дунёда учрашганлигимиздан чексиз қувонарди (29-расм).

Вақти келиб хотиралар ёзишимни уйлаб, узимда тупланиб қолган қогозларни қараб, тартибга келтирдим. Ок гвардиячиларни хориж ва шуро матбуотини Россияни тарк этган (март 1923)дан кейин чиққан нашрларини қуздан кечирдим. Қогозларни тартибга солаётган вақтимда баъзи таниганларимни хотирамдан қутарилаётгани сезилди. Шунинг учун тақдир тақозоси билан бирга булган бошқирд, татар, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркманларнинг, бухоролик ва хивалик эсимда қолган одамларнинг юзларча исмларини, уларни қайси қабилага мансублиги, миллати, туғилган юрти, қаерда ўқиганликлари, миллий ҳаракатдаги фаолиятлари ҳақида ездим. Шуролар томонидан тамомила йук қилинган булар ҳақидаги маълумотларни Берлинда туплладим. Талабалар, журналистлардан сурништириб, тузилган бу қисқача таржиман холлари шу қадар муҳимки, вақтим булганда буларни алоҳида китоб қилиб чиқардим. Бундан ташқари, ватанимиздан чиқиб кетмасдан аввал бир қанча воқеалар, исмиар ва маҳалла атамаларини аниқ айтмасдан «шифр»лаб ёзиб қуйган эдим. Бу қогозлар бегона одамларга, айникса, руслар қулига тушиб қолган тақдирда ҳам ўқий олмас эдилар. Энди эса бу шифрланган ёзувларимга хотирамда қолган исмларни ва жой номларини очик ёзиб қуйдим. Ушбу хотираларим айнан Берлинда тартибга келтирилган хужжатларга асосланган. Талабалар ёрдамда Туркистонда нашр этилган даврий матбуотга ҳам эга бўлдик. 1924 йилнинг 12–18 июнида Оренбургда тупланган қозоқ, қирғиз олимларининг биринчи конгресси ҳақида газетада берилган хабарни ўқидик. Бундан ташқари, Аҳмад Бойтурсун Азимбекка 28

июн санаен кўйилган мактубида конгресс хақида батафсил ёзиб, яна газетادا рўйхати келтирилган қисм парчасини юборган ва «Биздан сизларга салом», деб қушиб кўйибди. Бу газета саҳифасида Алихон Буқанхонов, Назир Туракулов, Халил Дустмухаммад, Мухтор Авезов, Аҳмад Бойгурсун, Сайфулла Сандвакқос (Сакен), қирғизлардан Эшонали Арабай ва Мирғойиб Дулат номлари тилга олинган экан. Бу ватандан келган биринчи хақиқий саломнома эди. Бу конгресс катташчиларининг бирортаси катагонлар туфайли омон қолишмади.

1924 йил езида Россиядан келган рус ва мусулмон ёзувчиларнинг кўпчилиги билан учрашиб ва суҳбатлашдим. Булар орасида татар эъелиларидан Аёз Исхокий, Фуод Туктаров, Умар Терегуловлар бор эди. Умар Уфадан кочиб чиқиб, Узок Шарққа борган. Ундан Японияга бориб яшаган, кейин Париж орқали Берлинга келан эди.

**§305. Боярин Кенжаков.** Бу ерда янги танишганларимдан бири, келиб чиқиши немис булган рус аристократи Эмануил Эмануилович Борел эди. У Венсдорфда яшарди. У билан бир неча маротаба ва сўнгги марта август ойида куришдим. У рафиқаси билан ёлғиз яшар эди. Биз томонда "Кенжаковлар боярлари" номи билан машхур булган бу оила бизнинг кишлогимизни ва қушни кишлоклар ерларига эгаллик қилган эди. Улар кул остида бир неча минг гектар ер булиб, унинг аксарият қисмини бизнинг кишлогимиздан тортиб олган эди. Катта отам Валид тортиб олинган ер масаласида Борелнинг катта отаси билан доимо судлашиб юришар экан. Улар бу ернинг катта қисмини Киндяков исми рус помешнигидан мерос қилиб олишган. Борелнинг айтишича, Киндяковлар оиласи насронийликни қабул қилгунга қадар Кинжак деб юртилган мирзо оиласи экан. Ҳақиқатан бу оила бизнинг бошқирлар томонидан Кинжак ёки Кинжакай бояри номи билан тилга олинарди. Кинжак - бу машхур туркий қабила булиб, Бухоро ва Қашқарда янашганлар. Бошқирдистонда Борел оиласининг усалба - қургони биздан беш километр узокликдаги Петровск номи рус кишлонида жойлашган эди. Бу кишлок хали ҳам Кинжаков деб номланади. Кинжаклар XI асрда Урал томонларда яшаган.

Ҳозир Эмануил Борелдан эшитишимча, уларнинг қулига утган ерлар 25 500 гектар экан. Бу ернинг аксарият қисми Ийган дареси парқилати урмонлардан иборат. Мен кичиклигимдан яхши билган Эмануилнинг катта угли Кулқоя деган жойда яшар, бу ерни улар она томонидан Кинжакай боярларига мансуб ва уларнинг куёви булган Тимашов боярдин олган экан. Кинжаклар сизгари Тимашов ҳам татар мирзолари оиласи саналади. Тимашов император Александр Иккинчи даврида милитопер булган экан. Тимашовнинг асосий ери Оренбургга яқин Тонзв деган жой булиб, 4500 гектарни эгаллик қилган Тимашовнинг бир кизи Оренбург нешварларидан (предводител дворянства) граф Мушин-Пушкинга келиб бўлган. Мана шунининг мерос хиссаи сифатида Киндиков боярларининг

ерлари Мусин-Пушкинларнинг кули остига утган. Бу ерларни Борел 1900 йилда улардан сотиб олган. Борел оиласи киролича Екатерина Иккинчи даврида унинг буйруғи билан Германиядан келтирилиб, Саратов губерниясига жойлаштирилган немислардан экан ва асл ерлари Саратов вилоятида экан. Эмануиль Эмануилович Борел Саратов Биржа кумитаси раиси булган. Саратов губерниясининг барча бойлиги унинг қулига утган. Бизга қушни булган Кинжаков ерларига улар фақатгина ёз ойларида кимиз ичиш ва дам олиш учун келишаркан. Ёнимиздаги Бужа ва Макар қишлоқлари оралигида жойлашган Максим номли тоғда портланд туридаги ғоят ажойиб цемент бор экан. Борел бир вақтлар Россиянинг Истанбулдаги элчиси, сунг Оренбург ҳокими булган граф Игнатъевнинг меросхурлари билан бирлашиб қишлоғимизга яқин бир ерда бир неча минг киши ишлайдиган цемент заводи қурмокчи булишибди. Бунинг учун 5 миллион рубль миқдорда маблағ ажратишибди. Туркистонда қуриладиган каналлар учун ишлатиладиган цементлар ҳам мана шу ердан олиб кетилиши керак эди. Борелнинг ерларига қушни Йиганбоши бояр деган рус боярининг ерлари бор эди. Унинг хужайини Мельников исмли рус эди. Унинг 6 000 гектар ери бор экан. Бу ер тулалигича Кузуян қишлоғининг собиқ эгалари булган ота-боболармизга тегишли эди. У билан бобом Валид судлашганда Борел шахсан ўзи бориб, бизнинг ер масалаларини урганибди. Аждодларимизнинг Шарқий Бошқирдистонда Ирандик минтақасида яйлов ва қишлоқлари, қишлоғимизга тегишли мулк (вотчина) булган. Ирандикдаги еримизнинг олиб қуйилиш сабаби шу экан. Кекса Борел оиламиз ҳақида жуда қуп нарсаларни гапириб берди.

Вақт ўтиши билан бизникилар ва Бореллар уртасидаги адоват суд уларнинг фойдасига ҳукм чиқаравергани боис босилган экан. Бореллар баъзан “мулла” деб отамни қургани келишарди. Қишлоқдаги хайвонлар уларнинг ерига киргудек булса, тутиб олиниб жазолавар эди, бироқ бизнинг молларимиз кирганида жазолашмасди. Бояр Борелдан бунинг сабабини сурадим. У “Сизнинг қишлоғингиз шимолидаги ерлар 8000 гектар ерни мени ката отам кейинналик граф Дашковнинг қуёви булгани боис қатта оталарингиздан тортиб олинган ва бу 1892 йилдагина расмийлаштирилган эди” деди. Булар ҳақида Борел батафсил гапирарди. Бир сафар Борел уйимизга русчани билмайдиган бир неча киши билан келди. Барчасининг отлари қопқора ва семиз эди. Билишимча, Борел оиласи Пруссия қиролилик оиласи билан алоқа урнатган экан. Қушни қишлоқдаги Аҳмад исмли киши ҳар йили байталларини поезд орқали Германияга олиб келиб, уша ерда кимиз тайёрлар эди. Борел билан келган бегона кишилар унинг Германиядаги дустлари экан. Бизнинг энг қатта мустамақачилигимиз булган Борел оиласи Россиядан қочиб чиққан ва Германиядаги танишлари ҳам инқилоб сабабли йук килинган, оқибатда улар бутунлай хонавайрон

булайишган эди

Бу орада Абдулқодир билан меннинг молиявий аҳволим ёмонлашди. Париждаги Махмуд Гарий ердан пули жунатишга шонилмади. Ундан, бундан қарз олиб яшар эдик. Абдулқодир жуда ҳам фидоқдор эди. Бир кунг иккуншта қилаётганимизда, тўғибор қилсам, менга берган ет оқ, уни еяётгани сарғиш экан. Маълум бўлдики, менга бергани сарғиғ бўлиб, уни еяётгани эригилган пч еги экан. Бу ет жуда эртон бўлгани боис уни уша ёгдан еб, менга сарғиғ берибди. Унга "Иди бундай қилма, нима бўлса бирга баҳам кураёлик" дедим. Яъни бизнинг аҳволимиз ҳам собиқ қушнимиз Борелникидан афзал эмасди. Уларникига борганимизда Борел бақиржа деб номланган эски мичошвақда чой дамлаб берди. Эски хотираларни эслаб тугага олмабди.

**§ 306. Тақизода** Берлинда мен танишган яна бир киши эронлик шели Саййид Ҳасан Тақизода ва озарбайжонлик Қозимзода эди. Тақизода эс ил табридлик уламолар оиласидан. Мендан ун икки ёшлар катта. Турмуш уртоғи немис қизи эди. Улар ҳозир ҳам Техронда биргаликда яшашади. Лейбниц-Штрасседаги уйлариди Тақизодадини, мукамал кутубхонаси бор эди. Бир нечта китоб олиб фойдаланганимизда кутубхона буғун Тақизода ҳам аъзо бўлган Эрон Сенати кутубхонасида жойлашган. Париждаги Мирзо Муҳаммад Қазвиний ва Берлиндаги Тақизода менни замондош Эрон зиёлилари билан боғлаган кишилардир. Ҳалигача қачон Техронга борсам, Саййид Ҳасан Тақизода ва турмуш уртоғини, Мирзо Муҳаммадхонни Райдаги қабрига бориб зиерат қиламан. Бу у билан 43 йил давом этган дустлигимизнинг бошланиши эди. 1957-1958 йиллар давомидида иккаламиз ҳам Нью Йоркдаги Колумбия университетиди профессор тажриба алмашишида бирга бўлдик. Техрондан Европа сафарига кетаётиб, бизнинг Истанбулдаги уйимизга алоқатта учраб утарди. Ҳусани Қозимзода Германияда тахсил олган ва у ерда яшган ёзувчи эди. "Эроншаҳр" номли журнал нашр этарди. Ортикча эронпарастлиги сабабли баъзида тарихни бузиб кўрсатиши, афсонавий Эрон ҳукмдорларини уз ҳукмдорлар ҳисоблаб, Эронда истикомат қиладиган туркий сулоаларини озарбайжонлар мажбурлаб туркийча гапиртиргани ҳақида уйдирма мақолаларни сабабли тортишиб турардик. Аммо ҳарқандай илмий келишимовчиликлар бўлишидан қатъий назар дуст бўлиб қолардик. Ҳаётининг охирига қадар уни чиқарадиган журналларни ва мактублар йўллатишни қанда қилмади.

**§ 307. Берлинда мен танишган шарқшунос олимлар.** Берлинда мен таникли олимлар билан танишдимиз. Булар орасида профессор Эдуард Заху, Теодор Нельдеке, Иоханнес Мордтман, Ф.В.К. Мюллер, фон Ле Кок ва Иосиф Маркварт бор эди. Пруссия давлат кутубхонасининг Шарқ будими мудири профессор Вейл менга Мартин Хартман ва бошқалар томонидан Шаркий Туркистондан олиб келинган ва ҳалигача номаълум булган Шарқ кулёмаларининг

каттадоғини гуниш вазифасини юклади. Ҳар ой менга бу ишлар учун бир оқдан ҳақ ҳам бериб турди. Вейл Яхудий бўлганингидан, Исроил давлати тузилгач, у ёкка қушиб кетди. 1951 йили мен йўл харажатларини тўлаб, уни Шарқшу носларнинг Истанбулда тўплаган XXII кўп ресига таклиф қилдим. Берлинда бўлган вақтимда у менга кўп ёрдам берди. Аслида мени юкоридаги номлари зикр этилган олимлар билан ҳам у таништирди. Берунийни жаҳоинга танитган йирик олим профессор Захау ёз бўлишига карамай давлат кутубхонасига гулки муыйнасидаги тикилган камзул кийиб келарди. Биз араб тилида мулоқот қилардик. Бир куни руҳеат сураб унинг уйига бордим. У Имом ал-Шофийий таълимоти билан шуғулланиб, ишини нашрга ганёрлаётган экан. Мен унга отам Ҳаж зиёрати вақтида Истанбулда бўлиб, Фотиҳ кутубхонасида Берунийнинг уз қули билан ёзилган Урта Осиё ва Ҳиндистон жўгрофияси тўғрисидаги қулёзмасини кўрган ва нуҳса олганини айтдим. Яна профессорга Берунийнинг мазкур асаридан хотирамда қолган бир кизик фикрни сузлаб бердим. У хозирок Истанбулга жўлаб кетишига тайёр эди. Ниҳоятда Беруний меросига боғланган эди.

Шаркий Туркистонда археологик изланишлар олиб борган, туркийча, уйғурча, сугдча ва бошқа тилларда ёзилган асарлар билан шуғулланган кекса К.Мюллерга 1923 йили Ҳиротда булган вақтимда қадимий хоразм тилда ёзилган Ислом ҳуқуқшунослигига оид фикх мажмуаси тўғрисида гапирдим ва дафтэримга кучирган қайдлардан курсатдим. У менга Истанбулда ҳам шундай асарларни қидиринг, –деб маслаҳат берди. Узининг ҳам шундай нияти бор эди. Бу учрашувдан икки йил утгач, мен хоразмча тил хақидаги биринчи асаримни дўстим профессор Виттек ёрдамида Лейпцигга «Islamika» журналида нашр эттирдим. Туркияга келгач, мазкур масалада Мюллер билан ёзишиб турдик. У кўпроқ археологик қидирувлар натижасида топилган ҳужжатларда келтирилган жўгрофий атамалар хақида сураб турарди, ҳамда янги нашрдан чиккан асарларининг ҳаммасини совга қилиб жунатиб турди.

Алберт фон Ле Кок немис этнографик музейининг директори эди. У Француз илқилоби вақтида Германияга кочиб утган сиёсий муҳожирлар оиласидан эди. Ле Кок Шаркий Туркистонда археологик қазилмалар олиб борган ва уйғур санъати ва меъморчилигига оид лодир ёдгорликларнинг намуналарини Германияга олиб келган, уларни тиклаб жонли уйғур маданияти музейини ташкил этган. Яна араб алифбосида уйғурча ёзилган кўплаб ёзма адабиётлар олиб келган. Туркча уқир эди-ю, лекин суҳбатлашмас эди. Озроқ рус тилида гапирарди. У менинг Берлинда қолишимни, қулёзмаларни тадқиқ этишда ёрдам беришимни хоҳларди. Бир сафар мени уйига таклиф қилиб музейга қуйилмаган қулёзмалардан курсатди. Рисолалардан бири уйғур тилида бўлиб араб алифбосида битилган асар экан.

Иоханнес Мордтман илгари Истанбулда яшаган ва биринчи жаҳон уруши йилларида эса Станбул университетиди профессор булиб фаолият кўрсатган. Туркий тилда яхши уқир, ёзар ва гаплашар эди. У ҳам профессор Вейль каби менинг Берлинда қолиб, Пруссия давлат кутубхонасида ишлашимни жудаям хоҳлар эди. У Заҳау ва Нёльдеке каби анча ёши утиб қолганди. Мен усмонли-чингачой аралаш тилида гаплашарди. Мордтман ҳам менга уз асарларидан совға қилди, муҳими. Ислом энциклопедияси учун немис тилида ёзган мақолаларидан иборат қулёзмалари булди. Мордтмандан фарқли уларок, Нёльдеке жуссаси кичик, ихчам эди. У усмондилар тарихига доир анча ишлар ёзган ва Эрон сосониёлари тарихига доир йирик асар нашр этган. Литвалик олим Яқуб Шинкевич Нёльдекеши немис дохнийси деб атарди. Кейинчалик мен уни ҳақ экашлигига амин булдим. Бир куни мен Нёльдекега профессор Мендников унинг Муҳаммад Пайгамбар ҳақидаги китобини таъкид қилгани ҳақида унга "Сиз ростдан ҳам илоҳий кашфиётларга, ваҳийга ва Муҳаммад расулуллоҳнинг Пайгамбарлигига чин дилдан ишонасизми?" деб сурадим. Ҳа тугри. Шундай, чунки Муҳаммад Пайгамбар ҳаётининг эллик йиллик тарихий манбаларда ургана оламиз. Ва у шубҳасиз, самимий, ростгуй инсон булган. Бошқа Пайгамбарлар, масалан Исо алайҳиссалом ҳақиқий тарихий шахси, йўқми? Бу хануз баҳс қилинади. Агар бошқа Пайгамбарларга ишонилса, Муҳаммад (сав)нинг Пайгамбарлигига ҳам ишонилш мумкин. Фақат Муҳаммад (сав)оддийроқ маданий муҳитда пачоён булдилар. Нёльдеке Берлиндан узокроқ бир жойда яшарди Берлинга яна бир келишида у менга усмондилар тарихига ва Пайгамбаримиз ҳаётига доир асарларини берди.

Ф.В.К. Мюллер айтганидек, профессор Маркварт асли католик руҳовийси булган, ихтисоси мумтоз шарқ тиллари қадимги Эрон паҳлавий тили ва араб сурёнийча тиллардан эди. 1892 йилда Мугилистонда Кук турклар тарихига доир битиклар топилашида туркий тил билан ҳам шуғулланиб, кичиклар тарихига доир катта асарини эълон қилган. Профессор Вейль унга менинг Машиҳадда Ибн Фазлон "Саёҳатнома"сини кашф этганим ҳақида гапирган экан. Уша вақтда профессор Маркварт араб олимларининг шимолики мамлакатларга саёҳатлари, жумладан, Ибн Фазлон асари билан кизиқаётган экан. У дарҳол мен билан учрашмоқчи булибди. Мен ёнимга таржимон сифатида эрон ва немис тиллари мутахассиси Азимбек Биримжон билан бирга Марквартнинг уйига бордик. У месьё Ферран унга Париждан мактаб юбориб, менинг Машиҳадда Ибн Фазлон ва Ибн ал-Факих қулёзмаларини топганимни хабар қилибди. Вейль ҳам бу хабарни тасдиқлабди Маркварт учун бу кизик эди. Мен сигарет чексам майлими, деб сурадим. У чекишни қатъий ман қилиб, лекин вино ёки шапе булса, мен ҳам сизларга жон деб қушилардим. – деди. Қулишдик. Суҳбат жонланди ва уч соатча давом этди. Мен Марквартга Яқинданкита мақола тайёрладим, бири Францияда, бири



Россия фанлар академияси журналида босилиб чиқади.” дедим. Олим нарози бўлиб: – Русларнинг кулига шундай кимматли нарсани бериб буладими? Улар русларга қарши фикрлар бор деб, тозилма мазмуини узгартириб юборишади! – деб хитоб қилди. Утган асрда Готволд уларга бир нодир асарни берганида руслар шундай қилган эдилар. Ибн Фазлон ва Ибн Фақиҳнинг ҳам бошига зинхор шундай қун тушмасин! – деди. Кейин ҳам Марквартнинг уйига бир неча марта бордим. Менинг немисча гапиришимдан у қаноат ҳосил қилди ва “энди таржимонсиз суҳбатлашаверсак булади”, деди. У менга Шаркий Европа ва Шаркий Осиё тарихига доир ва куман қавмига доир тадқиқотлари босилган китобларини совға қилди. У шимолий мамлакатлар ҳақида мусулмон муаллифларнинг асарлари ҳақида сзган мақоласида мен ҳақимда “Бир бошқирд олим жуда кимматли мактабни кашф қилди” деб ёзибди. Маркварт дохо, бир олим сифатида менда кучли таассурот қолдирди. У ҳам менинг Германияда қолиб, шарқ манбалари устида ишлашим кераклигини айтди. У халландиялик бир синюлог (хитойшунос) Грат берган хитойчадан таржималарни биргаликда тадқиқ этардик, деди. Менинг қадимги хоразмча тилни, Ибн Фазлон ва Ибн Фақиҳни топганимга юксак баҳо берди. Фирдавсий ва Асади Туси ҳақидаги фикрларимни ҳам қадрлади. “Афсуски, Германияда ҳозир пул кадрсиз бўлиб қолди, бунинг устига социал-демократларнинг жанжаллари бошга бало бўлди” деди. У билан кейинчалик ҳам куп хат ёзишиб турди. Хати хунук бўлса ҳам, фиклари тераи эди.

§ 308. *Британия олимларининг тақдирлари.* Араб, форсий ва туркий тилларда ёзилган асарлар устида жиддий шуғуллана олишимни Мирза Муҳаммад Парижда Кембриж профессор Эдвард Браунга айтган экан, у эра сэр Дениссон Росс билан Браун биргаликда мени Кембрижга чақирдилар. Яъни, бу тилларни ва манбаларни билишим менга Европада қолиб ишлаш имкониятини берарди. Шунингдек, Туркистоннинг ҳозирги ҳаётини урганиш билан шуғулланувчи дустим Иозеф Кастанье ҳам мени ҳозирги исломшуносликка доир «Шарқ мусулмонлари журнали» номли мажмуага ишга жалб қилмоқчи бўлди ва бу туғрида месье Массиньон билан гаплашмоқчи эканлиги, бунга ҳеч қандай тусик йуклиги туғрисида хат ёзди. Лекин уз вақтида Кобулда қабул қилинган қарорга мувофиқ биз Туркияда жойлашишимиз керак. Шу вақтда Шарқни урганувчи олимлар билан хабарлашиб туришимиз жиддий тус олаётганлигидан Туркияга бориб яшаш имкониятларини атрафлича ургана бошладим. Бунинг устига Афғонистоннинг Париждаги элчиси Маҳмудхон Тарзийнинг ҳам мени Кобулга қайтариб келиш режаси бор эди, яқинларидаш Исломбек Худоёрхон билан маслаҳатлашиб, бу режани амалга ошириш билан жиддий шуғулланишга киришди.

§ 309. *Польшалик бир киши билан суҳбатим.* Холбуки, Берлинда Польша телеграф агентлиги муҳбири месье Стемповский билан танишдим. Унинг мен учун бошқа режалар тузган экан. У айтдики:

1. Балтика давлатлари билан Кавказ, Туркистон ва Украина уртасида Россия истилоси ва мустамлакачилигига қарши иттифок тузиш лозим. Бир институт ташкил этамиз ва журнал чиқарамиз. Сиз бу борада жуда фойдали бўласиз. Сиз билан куришганимиздан сунг мен шахсан Варшавада бу масалани ҳукуматимизга билдирдим". Бу киши билан 1924 йил 20 июнда бошланган суҳбатимиз давом этди. Булар менинг хотира дафтаримда батафсил ёзилган. У бу соҳадаги фаолиятни сиёсий партияларга боғлашни номуносиб деб билар, бу ишни партиядан кураётмиш ва ярим илмий "Wschodni instytut" да марказлаштириш лозим дерди. Варшава «Конкорд Кулуби» номи ташкилот билан ҳам алоқада экан. Францияда "Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти" ва "Quotidien" газетаси муҳаррирлари билан ҳам алоқада экан. Хуллас, бу Стемповский билан суҳбатимиз менинг сиёсий фаолиятим учун умид бағишлайдиган даражада эди. Мустафо Чукай ҳам бу фикрлар тарафдори эди. Бу билан хабар топган ок гвардиячи Сокольников мен билан куришиб, бу ишни рус булмаган "инороден" ларга ҳос ташаббуе шаклига солиш тўғри булмаслигини, бундай ҳаракат охир-оқибат бизни Америка ва Англия сармоядорларига боғлашини айтди. Бу санадан (1924 йилдан) бошлаб менинг украинликлар ва кавказликлар билан алоқаларим мустаҳкамланди. Бу журнал Познада эмас, Францияда "Прометей" номи остида чиқадиغان бўлди. Стемповский бу ҳаракатга Россиядаги маҳкум миллатлардан ташқари яна Туркия, Эрон, Афғонистон сингари Россиянинг социализм шикоби остидаги истилочилик ҳаракатига қарши курашнинг мажбур бўлган шарқ қўшини давлатларнинг яқиндан шугулланишини таъминлаш кераклигини айтди.

2. Стемповский билан суҳбатимизнинг иккинчи жиҳати мен учун ҳаётийроқ бўлган масалалар билан боғлиқ эди. У мени немислар билан полякларнинг "UFA" номи киностудияси ширкатига киритишни истарди. Стемповский ва унинг яна баъзи дустлари бу кино ширкатида Шарқ миллатларига ва тарихига қўп урин ажратиш ва уларни дунёга билдириш фикрини ҳимоя қилишарди. Мен бу ерда маънаҳаққи мутахассисен сифатида иштирок этишим керак экан. Бунинг эъзизга UFA кино ширкати берадиган маош жуда катта эди. Бу орада Стемповский билан гаплашган кино ширкати вакили "Шарқ ҳаётидан олинқадан филмлар маънаҳаққиси яхши ишми, тарих ва этнографияни ҳам билиши лозим. Масалан, биз Чингизхоннинг, Темурнинг, Хубилайхоннинг, Бобурнинг, Акбарнинг қандай кийимда, уларнинг енидаги аъёнлар қандай кийимда чиқишини билмаймиз. Ҳолбуки, бундай филмларда фойдаланиши мумкин бўлган буюмлар ва кийимлар музейларда борлигини айтмоқдасиз. Биз сиздан мана шу борада фойдаланамиз" деди. Бу ҳақиқатан ҳам ажойиб фикр эди. Таклифни узоқ ўйладим. Ниҳоят, шундай жавоб қилдим: "Мен

хастимни бир томондан илм билан, бошқа томондан эса миллатимнинг ҳақ-ҳукукларини кулга киритиш учун курашини билан утқаздим. Агар энди кино соҳасига кирадиган бўлсам, Валидов артист бўлибди дейишадди ва давломизнинг жиддий эмаслиги ҳақида пропаганда бошланади. Бу эса яхши бўлмайди" дедим.

8 310. *Берлиндаги Туркистон талабалари.* Файзулла Хужа ҳукмати Туркистондан Берлинга 70 та талаба юборган эди. Шулар ичида козоклардан мазкур хотираларда номи куп тилга олинган Азимбек Беримжонов билан Бийтилов, ўзбеклардан Абдусаттор бор эди. Ҳар доим бирга бўлдик, уларга қараб истиқлол учун кураш истиқболидан умидланиб турардим. Бошқирдистондан Усмон Қуввагов ҳам бу ерда бўлган. Яқинда ичкилик туфайли хасталикка чалиниб, юртига қайтиб кетибди. Отаси бошқирд тарихидан асар ёзган эди. Усмон сиёсий курашда ҳалоллик намуналарини курсатди. Биз Берлинга келганимизда унинг қайтиб кетганлигини билиб, каттиқ ачиндик. Чунки бошқирдлардан курашни давом эттирадиган, дорилфунуни битирган, бунинг устига немисча яхши биладиган бирор олашимиз йук эди. 1943 йилда Германияга уруш асирларини курмок учун келган вақтимда бир ҳамюртимдан суриштирсам Усмон СССРга қайтганида: «Мени бу ерга улимдан бошқа ҳеч нарса олиб келмади», деб гоят уқиниб йиғлаган экан. Ҳақиқатан ҳам уни тезла улдиришган. Бошқирдлардан уша вақтда Европада полковник Олимжон Тугой будди. У Сибирь йули орқали Манжурияга бориб, у ерда жангда иштирок қилган, ниҳоят, Токиодаги Венгрия элчиси ердамида Будапештга келган. Дебретсин кишлок хужалиги университетига кириб, у ерда докторлик диссертациясини ёклаган. кеска вақт ичида венгер тилини урганиб, Венгрияда куплаб дуствлар ортирган. Июл ойида у ҳам Берлинга келди. Бошқа дуствларимиз билан бирга июл ойида Берлин ва унинг теварак-атрофларини айланиб, куш имизини ёздик. Ўзбек талабаларининг купчилиги тиббиёт, савдо, техника илмларини ургандилар, Абдусаттор эса адабиёт билан ҳам шуғулланди. Немисчани жуда пухта урганди, форечани яхши биларди. Туркистоннинг шаҳар халқи орасида ҳусндорлик тушунчаси алоҳида муҳим урин тутади, бу ҳусуеда ҳазил-мутойибалар ҳам килардик. Абдусаттор ҳам куркам йигит бўлганидан, унга ҳазиллашардик, хафа бўлмасди. Айниқса, фореча ва чигатойча газалларни ёктирарди. Бир куни соат туртларда кун булут бўлиб, кутубхона ичи уқиб бўлмайдиган даражада қоронғилашди. Худди шу пайт Абдусаттор эшикдан кириб келиши билан электр чироғи хонани ёритиб юборди. Бир Хуросон шоирининг эсимда қолган шеърини қозғга ёзиб столига қуйдим: «Эй илиқлик таратувчи нур, пайдо булишинг ҳамоно мажлисимизни бустонга айлантирдинг, эшикдан киришинг билан нурга чулғатдинг». Узимга маъкул тунди. «Эшикдан киришим билан шу сатрлар

кунишнингизга келдимми?»\* деб суради у. Мен унга: «Йук. Бу қадимги бир шоирнинг хотирамда қолган шеъри. Сени қураним биланок эсимга тушди», дедим. Жуда самимий дуст эдик. Менинг Туркистон учун қураш туғрисидаги мақоламни немисчага таржима қилиб “Дойч ревью” (Немецкое обозрение) журналида эълон қилдирди. узбек адабиёти тарихига доир уз мақолаларини ҳам уша журналда чоп эттирди. Уқишни битиргач, Туркияга олиб келишга уридим, фақат виза ололмадик, мамлакатта қайтгач, уни йук қилиб юборишди. Туркистон тарихига, айниқса, озодлик қурашига бағишланган ҳамма асарларимни ўқиб чиқиб, менинг қулимдаги маълумотлар билан ҳам танишган эди.

Азимбек Беримжон ҳам хотираларимда номи қуп тилга олинган қозок эиёлиси. Берлинда қурган-кечирганларимизни ва Азимбекнинг яхшиликларини батафсил ёза бошласам, шубҳасиз, асарим қузилиб кетади. Уқишни тамомлагандан кейин у Туркияга бормоқчи булди. Лекин виза ололмади. Такдири фожиали булишини тушуниб, йнглай-йинглай мамлакатига қайтиб кетди. Усмон Қувватов ва Абдусаттор синигари у ҳам қатл этилди.

**§311. Шарқдаги дустларим ва оилам билан алоқаларим.** Берлинга қайтганимдан сунг Париж ва Германиядаги алоқаларимиз асосида умум дунё сиёсати ва Туркистон такдири туғрисида, турли шахслар, олимлар, турли партия раҳбарлари билан гаплашувларимизнинг қисқача мазмуни хусусида Маъхад шахрида яшаётган Турабек углига, Ҳиндистоннинг Читра вилоятида яшаётган Абдулхамид Орифовга, Кобулдаги Ҳошим Шойиққа хатлар ёздим, улардан жавоблар олдим. Турабек билан Абдулхамид бу хатларнинг баъзиларини фақат узларигагина маълум бўлган йуллар орқали мамлакатларига ҳам етказа олардилар... Анвар пошо ва менинг олдимда булган кишилар бу ерга келиб, Туркистон миллий қураши ва маданияти фаоллари доирасини кенгайттирди. Шулар ҳисобидан Истанбулда яшаган Усмон Хужа, бухоролик Ҳожи Ҳисомиддин, Ғазнада яшаётган Садриддинхон билан муҳим масалаларга оид хатлар ёзишиб турдик. Ҳожи Ҳисомиддин ҳамда Бухоронинг собиқ молия вазири Назир Махсум Ҳақимовнинг 10 сентябрда қулимга етиб келган хатлари мени бенихоя қайғуга чумдирди. Иккови ҳам муҳтожлиги туфайли Туркияга келиб, хали ҳам иш тополмай, фақирлик азобига учраган, бунга мени сабабчи деб ҳисобларканлар. Уларга ёзган жавоб хатларим Туркистон фожиасини қурсатадиган хатлар эди. Отам шу йили вафот этган устозим ва бобом Ҳабибназарнинг таржимайи ҳоли ҳақида бир рисола ёзиб юборибди. Бу болалик чоғларимни қайтадан қуз унгимга келтиришга сабаб бўлди. Хотиним Нафиса билан қайнотам Ҳожимухаммад Яхшибатдан

\* Amedi ey sem` meclisa cu gulsen saxti  
Payra berder nihadi xane rusen sahi.

хам хатлар келди. Нафисанинг 1924 йил 2 ноябрда ёзган хатига 27 ноябрда жавоб ёзиб юбордим, уни Германия ёки Туркияга чакириб олиш учун Россия элчихонасига мурожаат қилишимни билдирдим ва Навоний, Фузулий газаллари таъсирида куйидаги 6 сатрни ҳам илова қилдим.

(Сузма-суз таржимаси):

*Ох, бу кук гумбази мен истаганидай айлинса эди,  
Дуст билан қовушиши давоси-ла айрилиқ қайғусин йуқ этса эди,  
Эт эл водийларида руҳим ҳеч таскин топмади,  
Дустим тез орада келиб, учрашув билан мени шод этса эди,  
Руҳим айрилиқ утида ёнди, шу он дустим билан қовуширга оттурман,  
Айрилиқ дарди билан қайғудаман, юзингни қурши билан дармон  
топурман\*.*

Отамга, кайнотамга ёзган хатларимга ҳам шу каби шеърлар илова қилдим.

§ 312. «Туркистон Миллий Бирлиги»нинг Европада тўпланган биринчи конгресси. Берлинга келишимиздан қуп утмасдан, Шуроларнинг яъни Россиясидан қайтган вақт орасида фаолиятимни тиклаш йулида баъзи бир чора-тадбирлар кўриш лозим бўлди. Бу бир бошқирднинг раис булиши ўзбеклар учун муваффақиятсизлик келтириши ҳақида баъзи қора ниятли инсонларнинг миш-миш гаплари борасида бошланган эди. Туркистонда вақтимда бу таъсир этмади. Аммо ташқарида эса ўз таъсирини кўрсатди. Мен эса 1924 йил 13 ноябрда «ТМБ нинг Туркистон атрофидаги аъзоларига» номли саккиз саҳифалик мактуб жунатиб, раис булишга бошқани сайлашларини таклиф этдим ҳамда 23 ноябр куни Берлинда ТМБ кенгаши тўпланишини эълон қилдим. Бу ерга Париждан Мустафо Чукай ва Будапештдан Олимжон Тугон келдилар. Бу иккиси онт ичиб, жамиятга аъзо бўлдилар. Қасамёд қилган, онт ичганларни Қабул қилиш ишини Абдулваҳоб Мурод билан Абдулқодир Инон юритдилар. Мустафо жамият дастурида истиқлол қонунини борлигидан у ерга киришда жуда қуп тараддуд кўрсатди. Негадир кейинроқ Қабул қилди. Бу кенгаш менинг истеъфони катъиян Қабул қилмади. Аввал ягова юрт бўлган Туркистоннинг Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва

\* Ah kim birdem felek re'yimce devran etsiken  
Vadi-i gurbette canim tapmadi' hic ir karar  
Tez kelip dostum visali birle mihman etsiken  
Yandi canim hier ile, vasl-i ruh-i yar isterem  
Vasli dermaniyle deyf'u derdi hicran etsiken  
Derdimend-i firqatem derman-i didar isterem.

Туркманистон шаклида беш республикага ажралиши хусусида мухтм қарорлар Қабул қилинди.

“Туркестон” сузи ташки нашрларимизда қуланиши ҳавом иди. дилоҳида республикаларда эса масалан, “Туркестоннинг Узбекистон қисми” деб номлавади. Фақатгина миллий байроқини Самарқандда Қабул бўлган турини сақланишига қарор қилинди ҳамда муштарак адабий тил масаласи музокара этиди. Бир қатор қарорлар Қабул қилинди. Бу қарорлар 1924 йил 28 ноябр санаи билан Туркия, Миер Эрон ва Афғонистонда бўлган юрдошларимизга ҳам юборилди.

**§ 313. Финляндия мусулмонлари.** Октябрь ойида Финляндияни Берлинга Зийнатуллох Аҳсан ва Имомиддин кузи қуринган савдогарлари келишди. Улар октябр ойида Олимжон Идрисийнинг уйида, сунгра эса уларни жойлашган меҳмонхонада қабул қилди. Мен Фин мусулмонлари билан фақат 1917 йил октябр инқилобиди булган элим. Улар орасидаги зиёли инсонлар гижорат билан шугулланаётган бўлса-да, миллий маданият ривожланиши масалалари ҳам эътибор билан қузатиб боришар ва китоблар ҳам нашр қилар эди. Улар молиявий имкониятлари борлигидан Россия мусулмонлари миллий ҳаракатлари учун моддий ёрдам қурсатиб турарди.

Таникти олим Мусо Жоруллох ва Петербург имоми Лutfий Исҳокий Петрбургдан бориб уларда тез-тез меҳмон булишарди. Мусо Жоруллох “Узун кунларда руза” номли асарини Финляндия татарлари орасида меҳмон бўлган вақтида ёзган эди. Ҳозир булар Аёз Исҳокий ва мен каби Россия мусулмонлари маданий ҳаётида сезиларли даражада урини эгаллаган кишиларнинг Берлинга келганликлари туфайли улар билан қуриниш ниятида бу шаҳарга келган эдилар. Булардан Зийнатуллох Аҳсан Қуръони Каримни фин тилига таржима эттириш ҳамда ислом маданиятини яхши қурсата оладиган баъзи Герб нашрлари эълон қилган асарларни ҳам финчага таржима қилиш, нашр этиш, умуман олганда финляндияликлар орасида Ислом маданиятини танитиш йулида ишлаш ниятида эдилар. Қуръони каримни герб тиллари буйича лицей уқитувчиси, фан Георг Пименовга қисман таржима қилдира боилаган эди.

Шуниинг учун ҳам фин татарлари мен билан муаммолар хусусида суҳбатлашниш ниятида бўлиб, бир қанча саволларни менга ёзма равишда келтирган эди. Бу саволларга жавоб берганларимнинг бир қисми Зийнатуллох Аҳсанга маъқул келди. Бир қисми эса менинг кизиккиларимдан узок бўлганлиги туфайли жавобсиз қолди. Мени диний масалалар борасида янада чуқурроқ уйлтишга мажбур қилган бу мавзуга бирон кейин тухғаламиз.

**§ 314. Бурҳон Шаҳидий.** 10 ноябр куни Бурҳон Шаҳидий деган бир маълумотли татар савдогари келди. Унинг менга берган ташириф қоғозига немис тилида S. Virehous, Силыгян вилояти ҳукумати вакили деган ёзув бор эди. У Қозоннинг Тетин туманидаги Оксун қишлоғида туғилган эди. Таникти татар ёзувчилари Бурҳон Шараф ва

Олимжон Шарифарининг укаси эди. У 1912 йилдан буён Урумчида яшар эди. Мен яқин танийдиган татар муаррихи Холи Атласий билан ҳам дўстона муносабатда эди. Сўнги вақтларда ўзини миссиячи ва мусулмон эъқолини кўрсатган Бурхон 1912 йилдан бери Шарқий Туркистонда, Урумчида тижорат билан шугулланар ва миллий, маданий ишлар билан машғул бўлиб кун кечирар эди. У хитой томони яқин билар ва Чан Кай Ши ҳукумати билан яқин алоқа урнатган эди. Хитой исломияти, хусусан, Шарқий Туркистон, унинг муҳторияти ҳақида тушунасиз бор эди. Буларни тушунирди. Менга ҳам Шарқий Туркистон тарихига оид бир асар ўзини тавсия этди. У бу асарни ўзим чоп эттирмаман деб айтди. У Берлинга Сипиэзиян ҳукумати топшиниши билан ашёлар, шу жумладан матбаа (босмахона) сотиб олини учун келган эди. Эртаси кун бу киши ҳақида Олимжон Идрисидан сурадим. Чунки у барча татар зиёлиларини табир эди. У: "Бу киши бир томондан ЧангКайШиға, бошқа томондан эса руслар билан ишлайдиган бир савдогар", деди. Кейинчалик бу киши 1935 йилда Шарқий Туркистон ходисаларига араланиб чин-уйгур-рус тилларининг дўғат китобини нашр этди. Кейинроқ яна кизиқиб, бу ҳақда сурштирадиган бўлдим. У Чан Кай Ши ҳукуматиға Миллий кенгаши аъзоси эди. Бирок у кўпроқ руслар фойдасига ишлади. 1949 йилнинг охирларида Чанг Кай Ши ҳукумати енгилиб, Хитойда коммунистлар ҳукмрон булган вақт бирдай кизилларнинг энг ишонган адами бўлиб уртага чиқди ва Маъсудбекнинг ҳукумати тарқалиб, кўпи Тибет ва Ҳиндистонға кочган вақтларида уларнинг Шарқий Туркистонда колганларини ушлатибкизилларға улдиртирди. У, 1940 йилда Олтойдаги Бурунчукай деган жойда, Чинға қарши исён кутарган Олтой козокларининг катта раҳбари ва қаҳрамони Усмон Ботирнинг ишларига ҳам, кизил Чинликларға ҳам, русларға ҳам хизматда булган. Усмон Ботир 1951 йилда қизил Чинликлар томонидан Урумчида камокка олинади. Бурхон бу кишини ўлдириш учун қарор берадиган сохта маҳкама қуриб, бунга ўзи бошлик бўлди, ва у Усмон Ботирни улимға ҳукм этди.

1924 йил 10 ноябрда урашганим Бурхон Шохидий дунёдаги энг катта илвогар ёлгончилардан бири эди. Хайрлашаётганимизда у яна учрашим орзуени айтганида бунга вақтим булмаслигини айтган эдим. Бу учрашувда унга нисбатан менда жуда ёмон таассурот колди.

1924 йил вақтимнинг кўпи сиёсий мавзулардаги суҳбатлар билан ҳамда "Бугунги Туркистон ва яқин мазийси" номи билан нашр этиладиган бир асаримни тайёрлаш билан ўтди. 1925 йил Берлинда фақат беш ой яшадим. Аммо бу давр айниқса ижодий фаолиятимда самарали ўтди.

§ 315. *Инқилобчи социалистлар кенгаши.* Берлинда рус зиёлилари орасида биз билан яқин муносабатда булганлардан эсерларнинг Чернов гуруҳи эди. Прагада яшаган Чернов билан

Касалдангачи халқимизнинг муважжиз ҳаракатига эътиборсиз эдилар.  
Касалдангачи гуруҳи бутунлай унги эсерлар томонида эди. Булардан  
Штенберг ва Спиро билан июнь ойида танишдим. Бу Спиро  
Россиянинг Карадениз флотиди кўмондон бўлиб, 1917 йил охирида  
Қрим талварлари Ҳукуриятини йўқ қилганлигини билдим. 1924 йил  
19 декабрда Англияда Макдональд ҳукумати ағдарилди ва ўнда III  
Коминтернинг раиси Зиновевнинг мактуби таъсирли кутарганлиги  
мақсиди гап тарқалди. Бир қанча Рус сиёсатшунослари бу мактубни  
икким-консерваторларни дейбористларга қарши тукиб чиқарган  
ҳужжатларнинг бошқалар ва бу ҳужжатнинг Москва томонидан  
уширилган бир шир эканлигини айтиш эдилар. Лекин сул эсерларнинг  
раҳбарлари бу ҳужжатни икким-шарнинг Макдональд раҳбарлигидан  
Ишчилар партиясининг ҳохимияти ўрнига консерваторларни ағдал  
қўрқакликлари учун бу ҳатни Берлиндаги рус социалист зиёлилари  
тўғри чиқарган ушарма эканлигини яхши билиб, даъво қилардилар.  
Бу Россиядан Берлинга келган турли сиёсий гуруҳлар ўртасида  
ақдидилиш йўқлигини кўрсатарди. бизларга эса катта сабоқ бўлди.  
Чунки бу Гарбде рус большевизмига қарши курашни умид қилган  
партиялар орасида аниқ бир гоя йўқлигини кўрсатар эди.

Шу билан бирга сул эсерлар билан танишувимдан бир натижа  
чакди. Эсерлар менга Берлинда 1924 йил 24-25 декабр ойида дунёда  
турли мамлакатларнинг ақдидилиш раҳбарлигини тан олмайдинган сул  
социалистлар партиясининг кенгаши бўлишини хабар бериб бунга  
Туркистон социалистларни номидан иштирок этишимни тавсия  
қилдилар. Мен ҳам Истанбулда яшаётган Мустафо Шохқули ва Маъмур  
Нисрий ва Берлиндаги дўстларимиз Абдулваҳоб Муродий, Азимбек,  
Абдулқадир Сулаймон, Дамулла Бийтилов томонидан имзоланган  
ҳужжат таърифлаб мақсдаларни Леденбургга, Туркистон Миллий  
уюшмасининг социалист гуруҳи га қатнашиш учун кенгашигизга  
меҳмон сифатида қатнашаман, дея хабар бердим.

Бу кенгаш Берлинда Шоссе-штрассе 121 да, Карл Либкнехтнинг  
уйида, Халқаро сул социалистлар кенгаши номи билан тупланди. Бу  
кенгашда қуйидаги партиялар иштирок этди Германиясоциалистлари  
Иттифоқи (Леденбург, Вегман, Рабольд), Француз Социалистлар  
Иттифоқи (М. Летранж), Россия сул эсерлари ва Макенмалистлари  
партияси (Штенберг Спиро), Литва сул халқчилар партияси,  
(Перкунас) Беларусиясул эсерлари (Т. Гриб, А. Боровский), Украина  
эсерлари партияси (С. Рипецкий ва М. Курах), Италия социал  
партияси (Ненни ва А. Балабанова), меҳмонлардан Туркистон Миллий  
Бирлиги З. Валидов ва Украин социалисти Шаповал бордилар.  
Мен А. Балабанова билан Москва шаҳрида танишган эдим. Бу аёл  
Мен Ленин билан яқин эди, ammo баъзи масалаларда у билан  
чиқирилмай, Россия коммунистик партиясидан айрилиб Италияга



кайтган эди Конференция пайтида бу аёл менга жуда яхши иттифот кўрсатиб, Ненни ва бошқаларга таништирдди. У айтган таъриқ сўзи жуда гузал эди. Чунки барча сўзлари хур улкада сўйланган хур фикрлар эди. Менинг билдиришимам "Балшевизмдан социализмга" мавзусида эди. Социализм байроғи билан Россиядаги давлат тепасига келган рус коммунистлари капиталистлардан ҳам ёмонроқ империалистлар эканлигини, Туркистонда боёмачилик ҳаракати халқ озодлик ҳаракати эканлигини, дунё сўз социалистларининг мустамакалар аҳолиси инкилобчилари билан самимий ҳамжўрлик қилишлари зарурият эканлигини, (Империализмга оғиб кетган) "Учинчи Интернационал урнига "Туртинчи Интернационал"ни тузиш шарт эканлигини сўйладим. Сўзларим олқишланди. Бу нутқимни Социалист-Демократ меншевиклар, инглиз унг эсэрлар, Француз ва Немис унг Социалистлари (Иккинчи интернационал вакиллари) тарафидан олқиш билан тақдирлаш йўқ эди. Бу сўз социалистлар орасида ички Москва коммунизмини эҳтиёткорлик билан қувватловчилар ҳам бор эди. Яхудиёлар "Бунд" партиясининг ва рус сўз эсэрларининг баъзи бир раҳбарлари Уионизмга боғланиб, синагогада мунтазам равишда ибодат этувчи диндор яхудиёлар бор эдики, буларнинг бизга баъзан боқишлари ўзларининг вақтларини ўтказишлари учун қилинган носамимий ҳаракати эди. Мени самимий бир хурмат билан тинглаганлар Ненни, Балабанова, Ледебур Вегман, Шаповал эдилар. Булар саволлар бериб бу мавзунинг ўзлари учун изоҳлаб беришимни сўрадилар ва баъзи маълумотларни олдилар. Карл Либнехтнинг укаси ҳозир исмининг эслолмадим бу билдиришимани ўзларининг "Klassenkampf" (1925 йил № 14, 21) газетасида ва Россия сўз эсэрларининг мажмуаси булган "Знамяборьбы" (1925 йил № 9-10) муқаддималари билан нашр этдилар.

Мен ҳаётимда турли хил партия вакиллари билан танишдим, аммо булар орасида, ишонган ўз партиялари таълимотигава ўзишларида уздабурон булган инсонларни кадрлайман

§ 316. *Чуқай угли ва социализм.* 1925 йилнинг 25 январиди Чуқай углидан бир мактуб олдим. Менинг Сўз социалистлар Кенгашида сўзлаганим ва "Знамя борьбы" журналида чиккан мақолам ва унга ёзган сўнги мактубимда ТМБ (Туркистон миллий бирлиги) аъзоси була туриб Милюковнинг газетасида мақолалар ёзиш яхши эмаслигини айтишим унга ёлмаган. Менинг мактубимни у "Сен кадетлар билан алоқани уз" маъносиди тушунган экан ва жавоб мактубида айтибдики "Сен халқаро социалистлар конгрессида Туркистон вакили сифатида қатнашадиган булсан, мен сизларнинг ТМБгизда аъзо бўлмайман "Хуррият" дастури билан сиз оркангиздан миллат оммадарини етаклай оламан деб ўйлайсизми?" Унга 1925 йил 1 февралда жунатган жавоб мактубим қуйидагича: "Берлиндаги йигилишларимизда, социалистлар кенгашида рус тилида сўзлаган нутқларимни аввалроқ сени а уқитган

эдим, сен шу имкониётдан фойдаланиб, инимизни халқаро майдонга таништиришимиз керак. деб маъқулладики. Нега энди бу фикримдан қайтдинг? Хар ҳолат бу ҳужжат ва сенга етган мактубим Мария Яковлевна (Чукайинин аёли)га ёлмаган бўлса керак. Бу ҳолатлар устани ил бир неча мартаба булади. Алакан (Алихон Букайхон) ва Акан (Ахмад Ҳойгуреун)нинг аёллари ҳам руе эди. Аммо улар ҳошнотларини синеат ишларига арава тирмас эди. Мактубларни уларга ўқитмас эдилар. Синеи масала юзасидан тап кетганида аёллар дарҳол чиқиб кетар эдилар. Мария Яковлевнани яхши инсон эканини ва сенинг рафикани булданини учун ҳурмат қиламан.

Шунинг учун нима ҳождасан шунинг жуваганиман. Ҳозир Турк синаретларини жунадим, аммо Мария Яковлевна бизнинг ГМБ аъзоси эмаслар. Шу сабабли бу мактубни Акбар Ога Шайхулislam орқали жунаганиман. Буна хафа булмайсан. Мен бу билдиришни ГМБ вакили сифатида эмас, фақат "Хуррият" партиясин аъзоси сифатида қилдим. Менин бу кенгашига тазо булиб эмас, фақат меҳмон сифатида иштирок этганимиз ҳам биласан. ГМБ Туркистоннинг икки буюк партиясини ва Алаш Урдани бирлаштирган "Етти моддани дастурни йул" ташкилотидир. Бу уч партиясини етти моддани асосида ўч дастурлари бўйича гураи кенгашиларда қатнаши оладилар. Биз "Хуррият" партиясидан мамлакат ташқарисинда фақат 22 кишидан иборатмиз. Мамлакатда қолганлар билан яхшироқ алоқамиз йўқ. Албатта, мамлакатимиз мустақилликни кулга киритса, сайловларда қандай мувафаккият қозонишларига кура янайдилар ва умид қиламанки, бизга имкон берган. Етти моддани дастурни йул еки мустақилликда бирор нинга ярабди.

"Хуррият" партиясини нима учун социалистик дастурини талон қилди? 1917 йилда Куқонда, 1921 йилда Бухорода Абдулқодир Муҳиддинов қабиларининг ишчилар табақаси (фракцияси) миллий ташкилотлардан узоқлашиб Россия ишчилари ташкилотига қушилиб кетдилар.

Сен ҳукумат раиси муовини булган вақтинда Чапинцевлар билан баҳсларда "ҳуқуқий" сўзини буржуача деб тушунашларининг бир мунча билдириган эдинг.

Ишчилар урта ҳол хизматчи ва аридошларининг яшай ти ани қатта кул қавати уини ҳукумат тарафидан қуриляни керак деган, фикримизни сен рад этиб. Куқонда Потеляхов ва Андижонда Мирқомилбой барча уйлари сотиб олиб, бутун шаҳар халқини уиларига ижарачи қилиб оладилар, ҳуқуқий сизлар шундай тушуниб, уиларинингизни социализмнинг душмани эканиларининг билдиришлар, ишчиларни партиясини булиш фикри ўша вақт ўртаса чиқди. Биз ишчиларни русларнинг социалистик Партиясинга олиб кетмаслиги миллий таяни илгари сурдик. 1917 йилнинг июн ойида Самарқандда Ҳамза Ҳакимзодининг, менин ва Махмудхужа Бехбудийининг миллий ишчи

қасаба соғозларини қуриш йўлидаги ишларимизда асосий мақсадимиз ҳам мана шу эди. Ўзбекистоннинг миллий социал партияси ва Musavat (Генляк) партияси 1918-1919 йилларда бу миллий ҳаракатларни янада яхшироқ тартибга солидилар.

Социализмни ҳар миллатнинг ҳуқуқиятларини элиборга олиб қуриладиган давлатларни Россия микёсида вужудга келадиган ҳур (мустакил) федерацияси деб тушундик. Диктаторлик тўраовонликка қатъий қарши эдик. РКП (Россия Коммунистик Партияси) эса Россия микёсида бир империалистик рус социализми тоқсини илгари сурди. Аммо, мусулмонлар учун РКПнинг Москвадаги маркази (Ўзига ёрдамчи тарбиётчи муассаса қилиб) бир "Мусулмон Маркази" қуришга руҳсат эди, лекин ушга ҳам вилоятларда филиаллар қуришга йўл берилмади. 1919 йилда Туркистонда ана шу рус социализми қурилаган эди. Социалист бўлмаган бирор бир етсий партия қурилмади, яъни таъқиқланди.

Биз тортдан ташқарига чиққанимиздан сўнг мамлакат ичидagi Миллий социалистик партия орқали таъсир этишимизни ўйладик, ҳозир ҳам буниш имкони бор. Бу жамиятнинг 1920 йилда Россия партияга мос ҳолда ёзилган дастурини алмаштиришни лозим қурмадик.

"Хуррият" партияси халқ ишончини қозона оладими? Миллат ва исломият асосларига едик қолса, нима учун қозона олмас экин? Улар мустакиллик партияда етарлича яшайши билеши. Бу ҳуқуқда 1917 йилда Маҳмудхўжа (Бехбудий) ва Хайридин Булғинбоев билан кўп суҳбатландик. Ҳозир эса Азимбек билан биргаликда бизнинг тоқсини а яқин Германия ташиқлотларини ўрганишимиз. Бу ерда социализмни миллат (миллийлик) билан айни ташиқлотга бўйсундириши иши иккига ажратилди. Биринчиси, Миллий социалистлар, факат буларнинг асоси яҳудийларга душманликдир. Миллий социалистлар Германия иркини католикка қарши олга суриб, диктаторлик йўлини олга сурадилар. Бизда эса турк бўлмаган тоқинларнинг ҳурматиниеақлати учун кўп маротаба "турк" еўзи ўрнида "мусулмон" ва "туркистонлик" иқюқини қўллаш талаб этилади. Яъни иркчилик йўли бизга тўғри келмайди. Иккинчи йўл Насроний социалистлар йўлидир. Эҳтимол булардан баъзи парчаларни ўрганириш. Менинг социализмим илмийдир. Мен Чернишевскийни, Марксни, Плехановни, Ленинни, Герценни ва Черновни жиддий ўргандим. Аммо бизнинг мамлакатимиздаги илмий социализм тарихини езаётганда уни материализмичетлатиб ўтолмаймиз. Демократияни асос қилиб олган ва ривожланидиган социализм миллат ва мусулмонлик билан бирлашганида Туркистоннинг йирик улқаларига раҳбарлик қила оладилар. Аммо Хуррият партияси Туркистонга ҳос партиядир. Унинг дастурлари ва фикрлари четга чиқариш учун эмасдир.

Жадидларнинг дастурида аниқлик етишмайди. Буларнинг уни

тукки моддидан иборат дастуриниг хомаки нуехасини мен ёзган эдим. Лекин бу дастуриниг моддалари юзасидан жадидларнинг сухбатлари бир печа ой давом этди. Ораларидаги бахслар жуда жиддий эди. Иншааб чикарни ва истеъмол кооперация (жамоа хужалиги) мавзуларини уз ичига олмаган бир буржуа миллатчи партия дастури ҳам мукаммал эмасли. Сен бу партияни "жадид" партияси эмас "радикал" партияси деб аташни нетаяппан. Лекин яна иктисодий мавзуларни уз ичига олган дастуриниг йук.

Хозирда барчамиз учун энг яхшиси етти моддали платформа - дастурдир. Сен бу дастурни Рашид Саффоубекга курсат деб айтгандим У билан куришибсан, аммо менинг социалистлар кенгашига катнашганимни ёктирмай гапирибсан. Узинг Милюковни яхши курншимизни ва ушинг газетасига маколалар ёзганингни айтиб Милюков билан Меньшиков уртасидаги фаркни курсатишга уринибсан. Холбуки, Талъат пошонинг секретари (ёрдамчиси) булган бу инсон учун булар уртасидаги фаркнинг ахамияти йук эди. Берлиндаги кенгашда Европа социалистлари биз каби кичик халкларнинг дардларини тинглашган социалистлар булганимиз учун эди. Роза Луксембург улимидан аввал ёзган мактубларида РКП Россия империализминингвориси булганига афсусланган ва Россия Коммунистик партияси узига тобе халкларга мустакиллик берамиз деб алдаб, найрангбозлик килганлигини айтган эди.

Дуне тез узгармоқда, мустамлакачиликка карши булган, катта ва кичик халкларнинг федерацияси - иттифокини ёкловчи партияларнинг вакиллари билан учрашиб, сухбатлашсанг фойдали булар. Сен хукукшунос сифатида 1917-1918 йилда Потеляховнинг мусодара этилган мол-мулкни узига кайтариш учун шугулландинг. Хозир эса Бухоро амирини, Потеляховни ҳам Миркомилни ҳам эсга олмайсан. Бу етти йил шундай тасаввур килинмайдиган узгаришлар даври булди. Келадиган етти йилда яна бир катча узгаришлар булади. Бу хакида социалист булмаган либераллар ҳам гапирмоқдалар. Матбуот таркибиди халкларнинг энг мукаддас хукукларидандир. Аммо бу матбуотни капиталистлар монополия килишига йул куймаслик керак. Матбуотни Шўро даврида ҳам матбуот чор замонида булганидек давлат ва партия монополиясида килгани энг салбий оқибатлардан биридир. Бу билан буен халклар капитал-сармоянинг хукмронлигини чеклаш, уни тулатини ёркали кинилар хусусий мулки кул а киритиш йули билан боралилар. Бу фикр сениа ҳам бетанга эмас. Аммо бу 1917 йилда ифрат билан рад этганини социализмнинг узидир. Социализм куриш бутун дуне масаласидир. Дуне нимани кабул килса, биз ҳам уни кабул килмасиз. Буни Таркистон учун алохида кучлар сарф этишнинг кераги йук. Бу эса барча давлатларнинг империалистлари ва миллатчорлрига социализмга алданмаган инсонлар ва халкларнинг кул-оқирти билан куриладиган, бешка одамлар ва халкларнинг

ҳуқуқларининг оёқосин қилмайдиган чипакам социализм бўлади

Барча масалалар 1920-1921 йил ТМБ (Туркистон мусулмонлар бюроси) маркази томошидан Бухоро ва Самарқандда ўз вақтида ўртага қуйилган эди. Сиз ўша вақт мамлакатда булмаганингиз учун бу ерда тафсилот бердим.

Бу мактубнинг худосаларини Истанбулда Усмон Хожига, Носир Махдумга, Мустафо Шоҳқулига, Машҳадда Абдулхамид Ориф ва Туроб бекларга жунатдим. Агар бу фикрларда хато бўлса, улар сизга ва менга ёзадилар” 1925 йил 1 феврал.

§ 317. *Немис социалистлари ва каутскичилар билан учрашувлар.* Бу конференция катнашчилари орасида социализмнинг келажаги, мустамлакачилик ва қолоқ халкларнинг ҳуқуқига оид қарашлар турди эди. Бу йнгилишда айтилган фикрларнинг қупчилиги мен учун қизик эмас эди. Шунинг учун ҳам Берлинда вакиллари булган бошқа партиялар ва социалист булмаганлар билан ҳам суҳбатлашишга қарор қилдим. Аввало Жумҳурият раиси Абарт (Эберт) партияси булган немис социалистларидан икки парламент аъзоси ва газета бош муҳаррирлари билан куришдим. Катта бир бинони ишғол этган. “Vorwärts” (“Олға”) газетаси идорасида учрашдик. Ушбу газета муҳаррирлари орқали ўша вақт немис социализмининг маънавий раҳнамоси Карл Каутскينий излаб топдим. Чунки бу кишининг “Тарихнинг материалистик асосда тушуниш” номли асари Плехановнинг китобидан уқиганим учун уни сиртдан танирдим. У билан 1925 йил 1 январида куришдик. Ун йил кейин Гитлер даврида Венада Каутский гоълари билан чуқурроқ танишдим. Аммо ўзи билан учрашганда тушундикки, у Россияда эзилган халкларнинг аҳволини билмайди. Бу суҳбат давомида дардимни немис тилида англистиш борасида Азимбек Баримжон менга ёрдам қилди. “Vorwärts” газетасининг бош муҳаррири Фридрих Штампфердан, Россия социалистик партияси бу вақт хокимият тепасига келгани сабабли анча маъгур (такаббур) эканликларини, биз каби кичик миллат масалаларига ахамият бермаганликларини ва мустамлакачилик мавзудан қочганини тушундим. Карл Либкнехтнинг дусту Вегман аввалги кенгашда меҳмон булиб катнашганимда мени четга чақириб ганилашган эди. Бу суҳбатдан Германия ўз мустамлакаларидан воз кечини истамаслигини тушундим. Мен ҳам кенгаш тугашида немис вакиллари билан алоҳида куришиб, “Мустамлакаларнинг бойлигига ёпишиб олган, немис социал-демократлари мустамлакачилик тарафдори экан улардан фойда йук Немис халки Англия, Франция, Бельгия ва Голландия давлатларининг мустамлакачилик қибру хавосидан воз кенганида ҳамда эзилган халкларини ҳуқуқларини хурматлаш принципига азият қилиш маълум бўлса, Шарқда катта хурмат қозонардилар, дедим. Чегакки 1914 йилги урушда Германия Шарқ халкларини хурматини жуда қуп қозонган эди” дедим. Вегман

бу фикрима кушилди. Штарнбергда конференция тугаганидан суну бу муносабат билан "Сиз янги меҳмон сифатида иштирок этишингизда конференциямизга фэйз бердингиз" деди.

§ 318. *Генерал Шлейхер билан суҳбат.* Социалист булмаганларнинг бош вакили булган Бош штаб бошлиғи генерал Шлейхер билан учрашшга кизиқдим. У билан куришишим немис зобити Леманнинг ёрдами билан булди. Леман социал-демократларнинг душмани эди. Айтардики, яқин дусларимдан бириси СД партиясига аъзо булганида келиб кулини узатганида Леман унга: "Кулингги торт, уни чунтагнингга сол" деган экан. Мен у билан Кобулда учрашиб, Европага ва аввал Германияга кетишимизни айтганимда "Мен сизга танийдиганларимдан бирисининг манзилини бераман, балки бирор ншингизга ярайди" дея кичик бир мактуб берган эди. Мактуб конверти очик эди. Мен хақимда "Ўрта Османинг вазиятини яхши биледи" деб ёзган эди. Бу кишини излаб топдим. У Вермахт зобити экан. У ҳам Леман каби рус тилини билар эди. "Нима истайсиз?" деди. Мен эса, агар мумкин булса генерал Шлейхер билан бир канча дақиқа куришишни истайман, дедим ва суҳбатимиз нима хақида булишлигини айтдим. Генералнинг вақти жуда зик булса ҳам, мен билан суҳбатга рози булди. Генерал билан 15 дақиқа гаплашдим. Ундан "Бизга Германияда фаолият юритиш учун руҳсат сурадим ҳамда матбуотимиз учун моддий ёрдам бера оласизми?" дедим. "Рухсатнинг кераги йук, истаганингизча ишланг ва мени ҳам ишларингиздан хабардор этиб туринг, факат моддий ёрдам беролмаймиз, деди.

Яна айтдики биз хозиргача уруш руҳияти билан яшайпмиз ва хақикий душманамиз французлар эканлигига ишонамиз. Шу сабабли Россияга самолёт бермокчимиз шуруларнинг кимё саноатига ҳам ёрдамлашамиз. Шу жиҳатдан русларни хафа қиладиган ишда сизга ёрдамчи булолмаймиз, сиз Кобулда зобитимиз Леманга ёрдам берибсиз, бунинг учун сизга миннатдорчилик билдирамиз" деди. Генералнинг бу сузларидан Кобулда топишган Леманнинг Германия Бош штабида хизмат қилувчи зобит эканлигини, Леман унинг яширин исми эканлигини асл исми Мюстерлигини билиб олдим. Мен ҳам генералнинг Германия киме махсулотлари ва самолётларни Шууро мамлакатига бериши ажабланарли деган фикрни эҳтиёткорлик билан унга айтдим.

§ 319. *Эрондиги озарбайжонликлар билан учрашувлари.* 22 апрел Менинг озарбайжон дустим Хусайн Козимзода оиласи билан Берлинда яшаётган бир хамюртининг уйига таклиф этган эди. У ерга бошка бир эронлик киши ҳам аёли ва болалари билан биргаликда келган экан. Улардан бирини, аввалдан билар эдим. У эронлик ёзувчи Қосим Ҳанизода эди. Унг яхши эронча таомларини куйдилар, онаси билан турк тилида гаплашган болага дустим Абдулқодир "Куз тегмасин, турк тилида гаплашяпти" деб айтганида отаси "Афсуски,

гаплашяпти” деб турк тилига қарши эканлигини ва бу тил ёқмаслигини айтди. Ғанизода эса бу ҳолатни изоҳлаб, Озарбайжон туркларининг умуман туркча ёзмай, форсча ёзганликларини ва турк тилининг вақти келиб йўқолишини ҳамда Озарбайжонда турклар қолмаслигини даъво килди. Бу қищининг усмонли туркларидан “Равшан-бейга жавоби” номида чоп эттирган бир туркча рисоласи ҳам бор эди. Унда бир вақтлар Козим Қорабакир пошонинг аскарлари Эрон Озарбайжонда булган вақтда озарбайжонлардан самоварларини зурлаб тортиб олган эдилар. Шу сабабли Эрон озарбайжонлари туркларни хуш курмайди. Эрон озарбайжонлари ҳозир уз фарзандларига туркча исмлар куймай. Жамшид, Хушанг каби исмлар куядилар, деб ёзган эди. Хуллас, бу йигин яхши булмади. Уй эгаси Хусайн Козимзода ҳеч нарса демади. У эрон туркларининг форелашини тарафдори эмасди. Лекин меҳмон (Ғанизода) уз даъволарини уjarлик билан химоя килди. Мен айтдимки: “Биз туркистонликлар Эрон адабиётини севамиз, хаттоки унга ошиқмиз. Аммо эронликлар туркий маданиятнинг йўқотиш йулини тутса, турклар форс маданиятига кизикмай куядилар. 1882 йилда Россияда догистонлик Искандар Муродбек бир мақоласида “Биз догистонликлар, она тилимизни куйиб, рус тилига утишимиз лозим”, деган эди. Бу фақат бир истисно ҳодиса эди. Эрондаги туркларнинг уз тилларини йўқотиши, болаларни оналари билан туркча суҳбатлашишларини ман этиши каби ҳолатлар, фақатгина Кожар монархияси даврида яшай олди. Сиз ҳам бир кун якка ҳукмронлик ўриятсангиз, эронлик булмаган аҳолининг она тилида мактаб очишларини манъ этмасиз. Ман этиш фақат мутлақ монархизм ёки форс халқи диктаторлигини кучга қиритиш билан булади. Демак, Машҳадда куришганимиз “Туркони Форсий ғояси” билан биргаликда узларининг турк эканликларини нафрат билан қарши олган янги бир типдаги инсонлар юзага келмоқда. Биз бундан ун йил аввал “Иброҳимбек саёҳатномаси” ва “Дорулроҳат мусулмонлари” китобларини укиганимизда булардан бирининг форсча, бошқаси эса қирим туркийчасида ёзилганлигини хаттоки фаркига ҳам бормасдик. Ҳозир эса фақат Эрон озарбайжонлари орасида эмас, балки Россиядаги туркий халқлар орасида ҳам янги типдаги одамларни учратишимиз мумкин. Улар “турк”, “туркистон” сузларини йўқотишга уриниб, миллий чегаралаш утказган Шуро туркий халқлари орасида “Умултурк маданият бирлигини” ораимиздан йўқотишни ва туркчиликни инкор этмоқдалар. Хуллас, шу куни Абдулқодир билан туркий халқларнинг келажакдан маданий бирлик ҳақида бир қайгули холда уйимизга қайтдик. Эронда Кожар, Бухорода Мангит туркий сулоласи туркий ҳукмдорлар орасида энг пошудлари эди. Қажарлар ва Мангитлар энди тарихга айланди. Урол-Олтой онласига мансуб булиш билан бирга туркийлар билан алоқалари булган манжурлар Чинни бошқараётганида миллий тил ва адабиётининг ривожланишига

куч-ғайратини сарфлаган эдилар. Эронда хукумронлик қилган туркий Қожар сулоласи эса Озарбайжон турклари орасида, тур тили қайтадан ривожланишини истаган озар миллатпарварларининг фикрлари екилишига тўқинлик қилгандилар. Маъна энди у сулола (Қожарлар) 93 жазосини олди. Аммо фарзандларини турк тили сўхбатлашувини истамаган турклар энди афсусланимоқда. Озарбайжон турклари маънавий жиҳатдан 1912 йилда Манжура сулоласи ағдарилганидан сунгра манжура йўқотган қаби ахволига тушмайдилар, чунки манжура миллий халқ демократия душмани булган мулт-өзчиликни ташкил қиларди, сулоласи йўқолганида эса унга тегшлик булган барча эланинг тили ҳам йўқолди. Озарбайжон эса иккинги ажралиши билан бир қаторда демократия учун кучли жанчи тайёрлаган ва истибоддога қарши курашларда муваффақият қозонган жамоадан эди ва улар уз худудларида өзчиликни эмас, қуччиликни ташкил қилар эдилар. Эрондаги озарбайжонлар жамолеси маъна миллатини форсийлаштиришини мақсад қилган Ироқ митронларини оғосини рад этиб, уз тилини сақлаб яшашини демократия нули орқали таъминлашини истади. Бир йил аввал Машхадда куриб, танишганим Озарбайжон туркларининг руҳини қайфияти шундай эди.

§ 320. *Шарқои қолган дўстларим билан алоқаларимиз.* Германияда турки халқ миллатларга ҳос есиетчи ва жамоат арбоблари, олимлар билан учраниши аҳамиятли эканини билар эдим. Хусусан, Кауфский ва генерал Шлейхер билан бир неча дақиқа сўхбатлашганимда Шарбни бутунлай англашимга кириш ҳосил қилдим. Шу сабабдан кўнларининг исемларини келтирмиш Шарқда қолган дўстларимга, Эронда кетаетганлар орқали мактублар эдим. Бу дўстларим эса Машхадда Абдулхамид Орипов билан Жизин, оқожағларидан кузга кўриларли кишилардан Туроббек Туробеков ва тошкентлик Садриддинхонлар эди. Аёл нуسخаси хоиргача қулумда турган 1925 йил 12 январ санаеси билан ёзилган мактубимда мен 1923 йилнинг март ойида Россияни тарк этганимдан сунгра ушан иккинчи йиллик кўрган-билганларимнинг хулосасини қамраб олган Туробеков ва Абдулхамид Машхаддан Тегхрова келиб, Туркия элчиликки мувожаат этиб, Туркияга кетиш учун виза олишини ушанлар билан уларнинг хошиш истақлари рад этилиб баъзи бир қулол суъбур ҳам эшитган эдилар. Эронликлардан ҳам хурқат кўрмай оч, қамраб олганда қул қавт ява кириб, Машхадга қайт эдилар ва улар мендан сўхбатда Шурқларга қарши бирор жиддий чора куриладими, йўқми, анда қайда Эронда билан антаримни этиб юборишимни истади эдилар. Халқ қандай ниятга зикмдас, Туркистонга қайтишни уйламоқчи булганлари қайда мактубларини олишим билан баҳс мангудайи мактубини эдим.

Мен Германияга келганимдан сунг Машхад, Қобуд, Цевновар ва Истанбулда янаетган дўстларимга кўнлагини саналарда есиетди мактублар ёзиб жунатдим. 1924 йил 24 феврал, 12 октябр, 13 ноябр



хар бири 10–15 бетни эгаллаган бу мактублар жаҳон ва Урта Осиё ҳолатига доир ҳур дунёда урганганларимни ва юқорида номли келтирилган уч инсоннинг Техрон, Кобул, Газна, Машҳад ва Қветта эканлигида Туркистон вазиятига доир туплаган маълумотларининг таҳлилини кэмраб оларди. 1926 йилда ҳаж сафарига бораётиб, бир муддат Истанбулда қолган Қозогистон муфғийси Маҳдий Қозидан эшитдимки, бу мактубларимдан иккитаси Қозогистон пойтахти бўлган Қитил Урдага етиб борибди ва дўстларим уқишибди, бундан жуда севишим. Булар 1925 йил 12 феврал ва 1925 йил 28 февралда юборган мактубларим экан. Сунгги хатимнинг мазмуни қуйидагича: “Россияда бўлган пайғимизда Ғарб давлатлари шўроларга қарши турли фитналар тайёрламоқда деб айтганлари фақат коммунистларнинг насапаси экан. Ғарбда умуман шўроларга оид фикр йук. Ғарбда Россиядаги воқеаларнинг аниқ тафсилотларини билмайдилар. шу сабабли булардан Шўролар ҳақида аниқ қараиш йук. Масалан К. Каутскийнинг Шўролар мамлакатига ер-сув ислоҳотига оид 1925 йилда ёнганлари 1916 йилги егасиетик маълумотларга асосланган. Социалистик инкилоблар жаҳонга жуда тез ёйилмоқда, деган барча фикрлар бир муболага экан. Бунга оид фикрларни менга илк марта Бомбейда Ҳалифалик комитетида эшитган эдим. Мисрда чиқадиган “Ал-Муқаттам газетасида (1924 йил 14 ноябр) ҳам шундай муболагали фикрларни кўрдик. Узок Шарқда, Ҳарбинда зиёли татарларнинг ҳозиргача 35 сони чиққан “Ирок Шарк” газетасида Япония газеталаридан олинган баъзи мақолаларда ҳам айни шундай фикрлар илгари сурилмоқда. Эндиликда жаҳон коммунистик инкилоби ғояси ўрнини эволюцион (гадрижий) ривожланиш ғояси эгалламоқда. Италия социалистлари Ленини ва Балабановалар ҳам суҳбатларимиз асосида, “Учинчи Интернационал ҳозир бепоён рус империализми дегнида ғарк бўлишга маҳкумдир”, дедилар. Немис социалистлари “Иккинчи интернационал га еодик қолганликларидан бу иккинсининг енида Гўртинчи Интернационални ташкил этиб, тарғибот ишини давом эттиришга моддий имкон топилмади. Лениндан айрилиб Италияга қайтган Балабанова, Россия империалистик социализми Россия инкилобини ютиб юбормаслиги керак демоқда. Троцкий ҳам бу фикрга қушилган. Балабанова фикрича Россия ҳукуматига тобет, халқлар (халқаро) инкилобчи социалистлар билан бирлашгани керак, дейди. Бу хуеуеда Иккинчи Интернационалдан ҳишвилиқ қутилмайди. Ҳозиргача ўрганганимизга кўра, муҳожирликдаги ок гвардиячи рус зиёлилари болшевикларининг эрки буюк Россия айтанасини саклаётганига ижобий баҳо бермоқдалар. Рус муҳожирларининг бир қанчаси аста-секин Россияга қайтадилар. Ехуд бу ерда иш ҳақи олиб еки иш ҳақисини, шўро империализмига кизмак қилдилар. “Ерки “Новое время” ҳозир Парижда чиқаётган эди. Марков Иккинчи, Милоков ва Керенскийлар рус болшевикларининг танқид этини билан

бирга келгусида ташки сийёсат юзасидан болшевикларнинг йулини тутишларига аминман. Машхур Изгоев оса "Рус" газетасида ёзган мақаласида шуру ташки сийёсатининг рус миллий урфларига мос келиши фикрини илгари суради. Бу газетанинг сунги нусхаларида хусусан 1925 йил 25 апрел сонида Изгоев "Энди болшевизм гоя сифатида уз кучини йукотмоқда. Хозир ҳеч ким унга уз ихтиёри билан ҳаётини фидо этиш ниятида эмас. Лекин Шуру Россиясида миллий хиссийёт қудрати ортяпти, хозирги вақтда Шурулар Россиянинг шарафли номидан юз минглаб одамларни истаган давлатига қарши кўя олади.

Шуруларда ва уларнинг озод дунёдаги тарафдорлари орасида ишлар гояви масалак учун эмас, балки фақат пул орқали битирилмоқда. Россиянинг мол-мулки туганмас, шу сабабли болшевиклар асрлар давомида пул, бойлик билан сотқинларни уз фойдасига ишлата олади. Фақат бундай ишлар, болшевизмнинг сотиб олиш фаолияти асосан Россиянинг узиде амал қилади, дейди. Мусулмон мухожирларига келсак, булар ҳам бир қанча Рус мухожир гуруҳлари билан ҳамкорликни ташкил қилдилар. Садр Мақсудий ва Мустафо Чуқай эски кадет Миллюков гуруҳи билан бирлашдилар. Аёз Исхокий, Фуод Туктаров, Аҳмад Цаликовлар Ф. Керенский билан бирлашиб кетдилар. Бизга келсак, рус мухожирларидан Виктор Чернов гуруҳи билан баъзи сул эсрлар билан суҳбатлашиб биргаликда мустақил қолиш, Туркия, Эрон ва Афғонистон атрофлари, озарбайжонлик Расулзода ва Али Мардонбей билан яқин бўлиш ниятидамиз. Туркиялик, афғонистонлик ва эронликлардан Берлинда бўлганлар билан алоқадимиз. Биз "Хуррият" дастурига содик қолганимиз учун истиклол фикрларига қушилмаган ҳар қандай партия билан алоқа қилмаймиз. Шу сабабли мен инқилоб тарафдори бўлган сул социалистларнинг 1924 йил декабр кенгашида фақатгина меҳмон сифатида иштирок этдим. Лаҳлар (поляндлар) билан самимиймиз. Улар Шарк халқлари институтининг очилишига самимий ёндашдилар ва Рус мамлақати тобелигидаги халқларининг озодлигини химоя этиш учун русча ва французча журналларнинг чоп этилишига ёрдам берадилар. Биз уз даъвомиз учун Америкадан ҳам ердам олиш керак бўлса, унга амал қилиш ва ҳаётда Машхадда, хусусан, ёш туркистонликларнинг илм олиши учун бир Америка хунар мактаби очилиши тарафдоримиз.

Бу хусусда баъзи бир эронликлар билан суҳбатлашдик, ҳамда Эрон ҳукуматидан ёрдам сураб, лойиҳа бердик. Аммо америкаликлардан ердам олиш ҳақидаги фикримиз фақат назарийдир. Ҳали улар билан ҳеч алоқага киришмадик. Улар четда қишлоқ хужалиги хунар мактабини оча олаелар еш туркистонликлар илм-хунар урганиш билан бирга инглиз ва француз тилларни билиб олар эдилар. Фақат инглизлардан ёрдам олиш учун алоқа қиляпмиз. Улар Хиндистон ва Урта Осиё сийёсатлари юзасидан лорд Керзон замонидагидан бошқача

уйламайдилар. Англия лейбористлар партияси лидери Макдоналднинг икки йиллик раҳбарлиги пайтида фикрлари заррача узгармаганини Абдулхамид (Орипов) жуда яхши билади. Инглизлар мусулмон аҳроллариини узлари учун зарарли сиёсат деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли бизни Ҳиндистонда бирор кимса билан алоқа қилишимизга руҳсаг бермадилар. Агар Маъшадда бир зироат мактабини очиш имкони бўлса, бизга ҳам у ерда ишлаш ҳамда мамлакат учун фойдали ишлар қилиш лозим буларди. Бирок капитализм ва демократия оламида марказий раҳбарлик булмаганидан ва сиёсатлари жаҳон урушидан аввалги анъаналарга тобе эканлигидан уларга фикримизни аниқлаштириш мумкин эмас. Чўқай угли фақат шу йил француз тилини жиддий ургана бошлади. Инглизча ёзадиган бирор кимса йўқ эди. Европаликларга ва америкаликларга уз мақсадимизни аниқлашганимизча шўролар шу он излашга тушар эдилар. Эронликлар устидан тазйиқ утқазардилар. Яъни, шарқликлар қурқоқ, гарбликлар эса қарорсиз, барча ҳаракатлари замонга мос келмайдиган бир шаклда оғир, такаббур ва тушунарсиз эди. Балки нашриёт ҳусусида поляклар бизга "Туркистон" номли туркча журнал чиқаришга ёрдам қилишларини ваъда қилдилар.

Россия уз ҳудудини ташқарида яна кенгайтирадиганга ухшамайди, фақат улар уз ҳукми остидаги тобе миллатларни истиқлолга булган ҳақ-ҳуқуқидан, мол-мулкидан маҳрум этиб, ислом динини йўқотиб, уз динини, маслағига "Интернационал" дея ном берганликлари, муштарак шўро ғоясини тарғиб этганликлари туфайли тилимизни ҳам йўқотишга қўл уринадилар. Ҳар ҳолда мамлакатимизда миллий истиқлол ҳаракатимизни бутунлай йўқотиш йўлида катта куч сарфламоқдалар. Яъни, коммунизмни бутун жаҳон миқёсида амалга оширганча, уни Россия миқёсида ҳақиқатга айлантириш ишини дастурийнинг асоси қилиб оладилар. Европа давлатларидан ҳеч бири Россия ҳуқуқати узга халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тортиб олган Шўро ҳукуматига қарши бу халқларнинг ҳуқуқи учун уруш эълон қилмайди. Шу сабабли биз рус коммунизмига (босқинчилигига) қарши курашда фақат уз кучларимизга ишонамиз, бу бизнинг ягона яқдиллигимиздир. Шўролар эса маҳаллий аҳолига нисбатан геттодан ҳеч қачон воз кечмайдилар. Туркистон ишларини яхши билган Тошкент гимназиясининг собиқ муаллими М. Кастеньеннинг айтишича, французларнинг Осиё масалалари билан шугулланганлари орасида шундай фикр бор экан: "Америкаликлар қизил танлиларни қандай бартараф этиб, ҳозирги Американи вужудга келтирган бўлсалар, руслар ҳам қозоқ, бошқирд ва туркманларни йўқ қилиб Ўрта Осиёда ҳам янги бир Америка вужудга келтириш ҳуқуқига эгадир. Бирок Кастенье "Учинчи интернационал"ни, уни ташкил этган коммунистлар миллий кураш асосида парчаланишига ишонади. Ҳар ҳолда биз бутун куч-ғайратимиз билан туркистонликларни бир



шакл олган бўлса, Урта Осиё туркийчаси янги бир тараққиётни қўлга еритган. Бугун эса сиёсий борлигимиз каби адабий тилимиз туркий халқлар тарихида кам учраган қоронғу бир даврга кирмоқда. Ҳар қандай ҳолда ҳам келгусида биз дунё халқлари қаторида уз ўрнимизни тинглаб олишимизга қаттиқ нишонамиз”.

Шаркий Ермаев ва Урта Осиё халқларининг бошига тушган бир давр-қучликларнинг, заифларнинг ютиш дардидир. Бу дарддан кутилишининг чорасини бутун дунё халқлари итлаб топиш мажбуриятига қоламоқда. Русларнинг, (қон сурувчи) вампирларга сушлаб, барча қўшин халқларни парча-парча қилиб, қучезлангириш барча қўшин давлатларини таҳдиқка соламоқда. Чунки Россия сиёсатда эришолмаётган мақсадига ушга халқларнинг миллий маданиятини йўқ қилиш йўли билан эришмоққа уринади. Ҳақ таоло миллатларнинг маъадлари бўлсин. Бизнинг бу ерда билганимиз шуки, биз миллат овозини учун кураш юлида елғиз эмасмиз. 1925 йил 12 феврал.”

§ 321. *Туркистон тарихини ёзиш масалалари.* Берлин шаҳрида яшаган вақтимда инг аҳамиятли масалалардан бири Туркистоннинг ҳозирги сиёсий ҳаёти, тарихини ёзиш, буни гарб тилларидан бирида нашр этиш, Туркистон масалаларини ёритувчи тилида ҳамда гарб тилида журнал ташкил этиш ва бу йўлда меҳнат қиладиган одамларни топиш эди. Туркистон тарихининг ёзилиши узоқ давом этмади ва Истанбулга келганимиздан сунг Мисрда нашр этилди. Буни дўстларимдан профессор Эберхард ва доктор Анхеггер немис тилига таржима қилдилар. Немисчадан У.Э.Д. Аллен уз ҳисобидан инглиз тилига таржима эттирди. Бирок ҳар икки таржима нашр этилмади. Немисча таржимасининг нусхалари менда ва инглиз тилидаги таржима эса Авленда ва Ҳарвард университети кутубхонасида сақланмоқда. Бу инглиз тилидаги асарларимдан фойдаланиб, Ҳиндистондаги инглиз вакилларидан Жаноб Олаф Кароу кискартириб “Шуро империяси ва Урта Осиё туркийлари” номи билан нашр этди. Жаноб Олафнинг бу асари туғайли менинг 1924–25 йида Берлинда ёзган асарим ва у ерда баҳс мавзун бўлган Туркистон истиклол курашлари дунёга маълум бўлди. Покистон президенти Искандар Мирзо билан Лахорда (1956) ва Ҳиндистоннинг бошлиғи Жавахарлал Неру (1964) билан Дехлида учрашган вақтларимизда менга сизнинг кураш тарингиз хақида жаноб Олафнинг рисоласи орқали билганликларини ва асарининг тулик таржимаси нашр этилиши лозимлигини айтдилар.

§ 322. *Туркистонга шид журнал нашри масаласи.* Журнал нашри масаласига келсам, немис эзилларининг бу масала билан қизиқтириш мумкин бўлмади. Украинаник социалистлар орасида бу мавзун Россиянинг барча миллатлари учун муштарак иш деб қўлга олишини иситганлар бўлди. Сул социалистлар конференциясида танишган “Украина социалистик партияси” бошлиғи Шановал билан “Океев-сиор” меҳмонхонасида бир неча марта суҳбат лашдим. У бу ишда бошчилик

кичиб, Россияга тобё халкларнинг социалистларини бирлаштириб "Инкилобий социализм назаридан Россияда мазлум халкларнинг ҳақ-ҳуқуқлари" номли мақолалар мажмуасини нашр этиш, сунгра чехлар ва полякларнинг ёрдами билан Украина, Туркистон ва Кавказ учун уч журнал чиқариш таклифини киритди. Мен эса учта эмас, битта умумий мажмуа чиқариш зарурлигини айтдим. Поляк Стемповский билан Шаповалининг бу ҳақда суҳбатлашганини аниқладим. Бу ерда чехлар ва полякларнинг тушунчалари алоҳида бўлишни уйладим, чунки рус инкилобчилари Прагани ўзларига марказ қилиб олган эдилар. Стемповский эса Варшавада Шарк институтини куриш ҳақида чехларга айтмаган эди. Бунинг харажатларини Польша ҳукумати худди ўзи кутарадигандек суҳбатлашди. Ҳозир Шаповал таклиф қилган журнал эса Лахликларнинг тасаввур этганидек, кенг миқёсда бўлиб, миллий социалистик партияларнинг нашри бўлган эди. Бу журнални чиқариш ҳусусида суҳбатлашниш учун Шаповал мени ўзи каби сул социалистлар конференциясига келган Белорусия ва Литва вакиллари билан учраштирди. 1925 йил январ ойининг биринчи куни бўлган бу мажлисда менга ва таклифларимга ҳурмаг ва эътибор билан қарадилар, уч кундан сунг (4 январда) Карл Либкнехтнинг уйида унинг дўсти ва "Klassen kampf" ("Синфий кураш") газетасининг муҳаррири Вегман билан куришасиз, унинг сиз ҳақингиздаги фикрлари яхши, дедилар. Поляклар ва чехлар ердам қилмаса, балки барча сул социалистлар ёрдамида журнални Францияда нашр қилиш мумкин бўлади" дедилар. Бу ерда мен Россия ҳукуматига тобе миллатларнинг миллий социалистик ташкилотлари чиқармоқчи бўлган бу журнал билан бир қаторда социалист бўлмаган ҳамда Россия зулми остидаги армони, туржи каби миллатларнинг умумий нашри бўлган социал-демократик руҳдаги бошқа бир журнал ҳам чиқариш кераклигини ва бунга қарши маънаслик кераклигини тушунтирдим. Мана шу ҳусусда эсэрлар ва Россия социал-революционерлар миллатларнинг сул социалистлари билан бўлган алоқаларим менга умид бахш этди. Бироз вақтдан сунг бу журнал "Promethee" деб номланди. Бу номини кавказликлар уйлаб топган бўлса керак.

Мен бу масалаларни айтиш учун Мустафо Чукайни Париждан Берлинга чақириб, Стемповскийнинг режаларини ҳамда биз ҳам уларга қушилишимиз кераклигини аниқладим. Албатта "Прометей" журналини нашр этиш билан боғлиқ ташкилий муаммолар ҳам бор эди. Аммо, энг муҳими, бу журналда ишловчи ва унда қатнашувчи муаллифлар масаласи эди. Бу ишларга Мустафо Чукайнинг ҳам қатнашиши Туркистондан четга чиққанимдан сунг қилган муваффақиятли амалга оширган биринчи ишим эдим.

Ҳудди, Варшавада, бизнинг масалаларимиз билан ҳам машғул бўладиган Шарк институти курилиши билан бир қаторда Полякларнинг ёрдами "Прометей" журнали Парижда француз тилида

хам чиқариладиган бўлди.

Бу йўлдаги суҳбатлар учинчи масalani — Туркистоннинг истиқлол йулида Европада ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш масаласини юзга келтирди. Мен бу иш учун энг қобилиятли ёшларни, хусусан, қозоклардан менга таржимонлик қилган Азимбек Баримжон, ўзбеклардан Абдулвахоб Муродий буюхорлик Аҳмад Наимни ва бошқир доктор Олимжон Тугонларни қуз остига олдим. Бу масалаларни “Zoch” деб номланган талабалар турар жойида яшаётган Туркистонлик талабаларнинг айричларига тушунтирдим ва талабалардан Азимбек Баримжонни, Аҳмад Наимни Чуқаевнинг ёнида ишлаш учун Парижга юбориш ва у ерда француз, инглиз тилларини ўқитиш чора-тадбирлари хусусида бош қотирдим. Аммо негадир Чуқай угли бу икки талабани моддий имконга эга бўлса-да, ҳатто уз ёнига келтиришга уринмади ва социалистлардан Керенский гурӯҳига яқин бўлганларни ҳам ёқтирмаслигини айтди. Зотан авваллари ҳам унинг фикри шундай эди. Парижда француз ва рус тилида чиқариладиган журналда ғайратли ёшлардан Усмон Қувватов бор эди. Бу ҳақида Чуқай угли ҳам айтган эди. У ҳам бизнинг Европага келишимиз арафасида яна келиш ўмиди билан Россияга қайтадиган бўлди. Бирок шуро ҳукумати унинг қайтиб келишига йул қўймади.

Хуллас, Чуқай углининг қозок миллатига мансуб ватандоши Азимбек Баримжонни ёқтирмагани туфайли бу иш ҳам ривожланмади. Абдусаттор исмли бир ўзбек йигитини таклиф этдим. Уни ҳам негадир ёқтирмади.

§ 323. *Россия фанлар академияси билан алоқалариниз.* Январ ойининг учинчи кунин, Бугун меннинг Машҳадда бўлган вақтимда қашф этган Ибн Фазлон, Ибн ал-Факих ва Абу Дулафининг асарларига доир мақола эълон қилинган Россия фанлар академияси журналининг олдим. Менга юборилган журнал йигирма беш нусха бўлиб, улардан битта нусхасини Парижга Ферранга, профессор Денига, Мипорснинг, Кастеньегга, Мирза Мухаммад Қазвиний ва Садри Макеудийга, Англияга профессор Браунга ва Денисон Россга, Истанбулга Фуод Кўпрулузодага, Анкарадаги Юсуф Окчурага, Берлинда эса Заҳау ва Марквартга шахсан ўзим топширдим. Бир қанча кундан сўнг улардан жавоб мактублари олдим. Проф. Бартольд, Самойлович ва Крачковский менга Россия Фанлар академияси мажмуаларида шу каби мақолаларимни бундан сўнг ҳам навиёр этилишини Россия олимлари миннатдорлик билан қутладилар, деган мазмунда мактублар ездилар. И. И. Крачковский эса алоҳида ал-Берунийга оид бир асар тайёрлашимни орзу қилишини билдирди. Мен учун Россияда қолган оқлам билан ҳат ёзишувимга ва у ердаги илмий нашрларда иштирок этишимга ҳеч қандай тусик йўқдай туюлди. Бирок, немисча “Klassen Kampf” ва русча “Знамени борьбы” журналларида Шўроларга қарши сиёсий мақолаларим босилиб чиқиши билан менга муносабат ўзгарди.

Менга фақат Бар альд мактуо эзининг давом эттирди.

1924 Финляндиялик профессор Янсон, 9 январ. Бутун Финляндия-  
дин Хельсингфорс Технология университетининг профессори Янсон  
Туркияда яшовчи қозонлик Хамид Зубайр билан биргаликда келиб,  
мен билан тўрт соат давомда суҳбатлашди. Македди финларни ва  
Осене халқларини, Россияга маҳкум бўлган миллатлар билан Россия  
мустамаказчилик сиёсатига қарши бирлаштириши эди. У Туркия, Эрон  
ва Афғонистон эзелларини ҳам бу ишга кизиштириш мумкинлигини  
хақида гаплашди. У Финляндиянинг Токиодаги аъчиси проф. Раметед  
орқали японларни ҳам бу ишга жалб қилган эди. Бу иш фин буржуа  
гурuhlарининг ташаббуслари эди. "Илгор халқлар клуби" номи  
клуби Стемповскийдан илк марта эшитганим Полшадаги "Конкорд  
клуби" билан алоқа боғлаган эди. Финляндиядаги социалистлар  
пацифизм тарафдорлари бўлганлиги туфайли Украиналик Шаповал  
билан илгари сурган гоялар – миллий озода социализм куриш  
фикрларига қўшилмаётган эдилар. Конкорд клуби билан бирлашув  
хақида сўз очган учун мен проф. Янсонга Стемповский билан бўлган  
суҳбатларимизнинг қисқача маъносини айтдим ҳамда "Полша ҳукумати  
бу йида бир журнал чиқаришни таъминлайдиган бўлса, фин ҳукумати  
ҳам бунга ёрдам қилса яхши буларди" дедим. Профессор Янсон  
полякларнинг бу ишда арманлар, гуржилар, украинлар етакчилик  
қилса муслмонларнинг мавқеи пасаяди, деб огоҳлантирди. Унинг  
фикрича, Осиё халқлари, муслмон халқлари поляклар ва финлар  
билан яхши ҳамкорлик қилса оладилар. Аммо арманлар, гуржулар,  
украинлар ва литваликлар бошқа мамлакатлардаги наслоний халқлари  
билан боғланиб, алоҳида бир халқаро ташкилот туза оладилар. Бошқа  
томондан гурчулар ашаддий социалист эканликларидан социалист  
бўлмаган миллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга яқин  
йўламак эдилар. Янсоннинг фикрича, можарларни ҳам уз ичига олган  
Турончилик ҳаракати эса сиёсатдан узоқ бир маданият ва этнография  
масаласидир. Шу сабабли туркий халқлар бир томондан финлар  
билан, бошқа тарафдан японлар билан алоқа ўрнатишлари мумкин.  
Мен эса "Бизнинг сиёсий ҳаракатларимизга можарларнинг турклар  
ва мугуллар билан ирқий ва сиёсий муносабатларини урганувчи  
Турончилик аралашмагани яхши дедим. Яхши асосланмаган бу  
назариялар аралашган тақдирда ҳам Эрон ва Афғонистон халқларини  
Россияга тобе халқларнинг миллий ҳаракатларига кизиштириш  
мумкин эмас", дедим. Проф. Янсон мамлакатига қайтганидан сунг  
ҳам бу масалалар хақида мактублар ёзиб, мен айтган фикрларнинг  
"Илгор халқлар" ва "Конкорд" клуби бошлиқлари тарафидан жуда  
яхши кутиб олингандлигини Хельсингфорс ва Варшавага бориб бу  
ҳақда маърузалар қилсам сафар харажатлари тулашларини езди.  
Янсон муҳокама этилаётган мавзуга доир мақолаларни немис тилида  
куп нусхада турли давлатларга таркатди.



§ 325. Доктор Ризо Нурбей. (1925 йил) 13 март Туркиянинг собиқ маориф вазири доктор Ризо Нурбей мени “Эден” меҳмонхонасига таклиф қилди. У Туркия халқлар тарихи ва этнографияси билан жиддий шугулланган бўлиб, кун томи тарихий асарлар ёзган Ризо Нурбей Парижда Алимардон Чунчибошидан мени турли соҳада сиёсий ва илмий фаолият билан шугулланишимни, Европанинг кўплаб шарқшунослари мени шу ерда қилиб ҳамкорликда ишлашга таклифи қилганларини эшитган экан. У катъий қилиб, менинг Туркияга боришим кераклигини, сиёсий соҳалардаги ишларимни бошқаларга топшириб, туркий халқлар тарихи буйича илмий тадқиқот билан шугулланишим кераклигини айтиди. У менинг хақимда Туркиядаги таникли кишилар: Фуад Кўпрулу, Юсуф Окчура (Ок Жўра), Ҳамдуллох Субҳий, Алмад Оға ўгли билан суҳбатлашганимни айтиб, бу масалада уз фикрингизни билдириб, Ҳамдуллохга хат ёзиб юборинг, деб маслаҳат берди.

Доктор Ризо Нурбей билан 15 март кунин алоҳида уч соат суҳбатлашдик. Мен унга Европада қилганим ишларим, режаларимни тушунтирдим. Аммо у, сиёсий ишларни бошқаларга топширинг, албатта Туркияга бориб, Стамбул университети профессори бўлиб, яхши ўрнашиб олиб, сиёсатчи дўстларингизга ҳам маслаҳатларингизни ёзиб, ёрдам берасиз, устозлик қиласиз, деди. Ризо Нурбей мени Туркиянинг Берлиндаги элчиси Камалиддин Сами пошо билан учраштирди, сунг шу кунларда Берлинга келадиган доктор Рашид Саффоот ва Рауф Урбей билан учрашинг, деб маслаҳат берди. Мана шу суҳбатлар оқибатида мен Европани тарк этиб, Туркияга бориб яшаш ва ишлашга қарор қилдим. Менга Ризо Нурбейнинг катъий тапириш, жавоб учун оғиз очирмаслиги ёқди. Демак, Туркия миалатчилари мени уз одами деб билар эканлар.

Бир неча кундан сунг Берлинга келган Камалиддин Сами пошо менга Туркия маориф вазири Ҳамдуллох Субҳийбейнинг таклиф хатини топширди. Туркиядан Фуад Кўпрулу ва Юсуф Окчурадан ҳам хатлар келди. Юсуф Окчура хатида “Бу ёққа факат бир узингиз келинг”, дегани кунганимни оғритди. Аммо Ризо Нурбей (менинг маслаҳатим билан) Абдулқодирни ҳам ишга чақирди. (1925 йил) 11 апрелда Ризо Нурбей менинг Анқарада маориф вазирлигининг “Муаллифлик ва таржимонлик ҳуқуқи” комиссиясига ишга қабул қилинганим хақида расмий хабарнома юборди. Шу заўлда менинг ишим ўз-ўзидан хал булди. Профессор Э. Брауннинг мени Англияга чақирган таклифи мен учун жуда фойдали эди. Мирзо Мухаммад Қазвиний ва Мустафо Чўқай ўгли ҳам мени шунга ундамоқда эдилар. Аммо, Туркияда яшаш тақдиримда бор экан. Арнэл Стейн, Денисон Росс ва профессор Э. Браун мени хар қанча Лондонга чақирсалар ҳам, энди бефойда эди.

Берлиндаги Шарқ клубида Чингизхон хақида қилган маърузам, Абдулқодирнинг Стамбулда озорбайжонлар чикараётган “Янги

Кавказия журналида бошилган бошқирдистон мухторияси учун кураш мавзусидаги мақолаеи Берлиндаги татар зиёлилари уртасида кучли баҳс-мунозарга кўзгатди.

§ 326. *Чингизхон хақида маъруза.* 22 январда Чингизхонга оид маъруза бошланд. 23 январда давомини ўқидим. 1 февралда Озарбайжон тарихига оид ёзмакчи бўлган асаримнинг маъмунини конференцияда маълум қилдим. 4 феврал кун Озарбайжон зиёлиси Али Аскарбейнинг Озарбайжон шоири Собир хақида ўқиган маърузаси Озарбайжон тарихига оид турт кун аввал қилган маърузамнинг давомини ташкил этди. Ҳар икки семинардаги маърузалар яхши ўтди. Бирок қозонлик зиёлилардан Аёз Исҳоқий ва Фуод Тухтар, бу маърузалар асосан Заки Валидийнинг фикрларини тэргиб эгиш учун қилинди деб эътироз билдирди. Туркистондан келган талабалар ва Мирзо Ҳожибек бошчилигидаги озарбайжонликлар мени қўллаб-қувватлаганликлари тўғайти бу баҳс-мунозараларда қозонликларнинг фикри утмади.

Озарбайжонлик Мехмед Мирзо Ҳожи Афанди ва Али Камолнинг чиқишлари ҳам узига ҳос маърузалар бўлди.

Аёз Исҳоқий менинг Чингизхон хақидаги маърузада тарихий таъкиқотдан кўра материалистик ва иктисодий масалалар кўп ёритилганлигини қамқонлик деб танқид қилди. Фуод Тухтар эса Валидов Чингизхонни буюк давлат қурган барча туркий халқларнинг қаҳрамони қилиб қўрсатмоқда, аслида Чингизхон татарларнинг миллатий қаҳрамонидир, деди.

§ 327. *Туркистоннинг иктисодий тарихи ва татар унвистаристлари.* 1 апрелда яна шу Шэрк клубида мен "Туркистон кишлук хўжалиги тарихи" мавзусида маъруза ўқидим. Аёз Исҳоқий ва дустлари "Валидов иктисодий масалани миллат тарихига аралаштирмоқда, у "миллат" нималигини тушунмайди", деб нерозилик билдирди. Булар яна Абдулқодирнинг "Янги Кавказия" журналида (1925 йил, 12-16-сонларда) бошилган мақолаеида татарларни қаҳрат қилган, деб нарази бўлди. Хуллас, булар яхшигина тупалон кўтардилар. Аммо менинг фикрларимни туркистонлик талабалар Тулаган, Аҳмад Шўқрий, Салих Улуе, Аҳмадхон Укёй, бухореликлар Афзал, Аҳмад Наим, барча озарбайжонлар ва турклар-Ҳалил Везел, Бакир Сидик, Ақрем Қарэн ижобий баҳоладилар. 17 апрел кун Олимжон Изрисий ўглининг суннат туйидаги утиришда татарлар мени ва Абдулқодирни зийбоб, Туркиянинг (Берлиндаги) консули Номикбейга шикоят қилдилар. Улар бизнинг фин савдогари билан суҳбатимизни ҳам чағиб-қушиб гапирдилар. Натижада уларнинг даъволарини аниқлаш учун ҳайъат тузилди. Ҳайъатга Бакир Садкий, Хорун малак, Халил Везел, Афзал Бухорий, озарбайжон Искандар Оға киритилди. Туркистонлик турт талаба комиссияга Аёз Исҳоқий билан Доғистон зиёлиси Аҳмад Салик-бий Керенскийнинг "Дни" газетасида (1924 йил 22 август ва 10 сентябрда) бошилган

маколасининг туркчага таржимасини тақдим қилдилар. Мақола мазмунига кўра, бу муаллифлар Россия "демократия"сини мактаб. Россияга тобеъ мусулмонларининг мустикаллик ва мухторият учун курашига қарли эканлиги билинарди. Шу сабабли комиссия баҳсни бизнинг фойдамизга ҳал қилади. Абдулқодир бу ҳақида 32-бетли рисола ва "Янги Кавказия" журналига бир неча мақола ёзди. Комиссия мажлисида Аёз Исҳоқов "Нима учун сизлар бутук Россиядан кўркасизлар?" деб менга ташланди. Озарбайжонлик Камолбей унга. "Узингиз Бошқирдистон автономияси учун русларга қарши жангда қатнашгансиз, энди нима учун мухторият енгилганига севинаяписиз?" деди. Комиссиянинг 29 апрелдаги мажлисида турк иктисодчиси Хорунбей татар зиёлиларидан "Нечун сиз иктисодий масалаларни урганишдан кўркасиз?" деб сўради. Татарлар: "Валидов мухторият учун курашиб, бизнинг муфтийлик тартибимизни йўқ қилди дедилар. Хорунбей уларга иктисодий масаламиз мислий масала бўлмайди. деди. Татар зиёлилари: «Биз фақат маданий ва диний асосларга кўра бирлашмоғимиз лозим». деди. Хорунбей "Бу сизларнинг ички ишингиз. Туркия бу ишга аралашмайди". деб масалани тугатди ва ҳал этди

Бу билан бир каторда 1917 йилда бир катор татар олимларнинг унитарист (фақат бугунги кунни ўйлабдиган) бўлиб ургага чиқиши ноурин эканлиги аниқланди. Чунки Аёз Исҳоқий ва дўсти Умар Терегулов лахлик (полшалик)ларнинг Варшавада қурган. Шарк институтига бориб, ўзлари истиклол тарафдори этиб кўрсатиш мажбуриятида қолдилар. Аммо улар «унитаризм ва федерализм» масаласини эски усулдан чиқариб, Татар-Бошқирд халқи мунозараеи шаклига ўтказиш йўлини тутдилар. Мени эса биринчи рақамли татар душманч деб элон этиб, Қрим, ҳатто Добрижа татарлари орасида ва Туркияда тарғибот қила бош-ладилар. Барчамиз Туркияда йиғилишимиз учун бу низоининг ёмон таъсирлари бўлиши маълум эди. Шу сабабли Туркияга кетишдан аввал Юсуф Ок Жўра-бей билан Алимардон-бей Париждан Туркияга кетмоқчи бўлган Садрин Мақсуд-бейга бу ёмон тарғиботнинг олдини олишни илтимос қилдим.

Юсуф Ок Жўра-бей розидик жавобини берди. Садрин Мақсудбек эса 1925 йил 25 июнда Париждан ёрдам юборган мактубида "Россия мусулмонлари масаласида сенинқарашинг менга, меники эса сенга маълум. Бир-биримизга ишонадиган даражада умид қилмоғимиз лозим" деди. Алимардон-бей эса Мақсуд-бейни бир неча марта излаб гаплашганини, бу низоининг умумий ишимиз учун зарарини айтишга муваффақ бўлганини ёзди.

Бу баҳс-мунозаралар тўғайли Эски Шаҳардан Мустафо Шох-қули томонидан 1925 йил, 2 мартда Аёз Исҳоқийга, бир нуҳасеи менга жунатилган узун мактубда қўйидагилар битилган эди. "Сизлар Россия ҳукумати турк халқи тобеъларининг, ҳатто Украина ва Филляндиянинг

мухториятига, мустақиллик учун курашга қарши чиқиб, уз кишилар фикринингизни буюн Қозон татарларининг фикри деб курсатиб, Россия туркларининг маданияти, тарихида бу қадар гузал мавқега элаб турган Қозон татарларининг обрусил тукмоқдасиз. Бу билан Қозон татарларини мустақиллик учун курашаётган туркий ва бошқа халқлардан ажратиб, яққалаб қуймоқдасиз. Сизлар аввал ҳам Россия инқилобидининг илк кунларида Россия Муваққат ҳукумати раиси Княз Львовга мурожаат қилиб, Қозон мусулмонларининг вакили сифатида Петроградга бориб "Биз украинликлар каби мустақилликни ва мухториятни истамаймиз. Россия фуқароси булиб қоламиз" деган эдингиз. Бу фикринингизни рус газеталарида ҳамда уз газетангиз "Эл"да (5-раам) эълон қилиб, мухторият булишини истаган Украинани Малороссия ва Холландия дея таҳқиромуз атамалар қуллаб, айблашингиз катта хатойингиздир. Холбуки, княз Львовга мурожаат энан фақат сиз турт киши эдингиз. Ҳозир бу ҳаракатларингизни барча туркларининг номидан деб кўрсатишингиз, Керенскининг "Дни" ("Кунлар") газетасида эса узларингизни гўё Россия бирлиги учун курашувчи "взтанпарвар" қилиб курсатишингиз ажабланарлидир.

"Сиз ҳам Озарбайжон ва Туркистон истиклолчилари каби, ҳаммангиз Туркияга ҳижрон қиласиз. Туркияга келганингиздан сунг узингизни истиклолчи қилиб курсатадиган булсангиз, княз Львов номига ёзган хатингизни юзингизга отадилар". Бу ҳамда шунга ухшаш мақбулар билан унитаристларни жим туришига мажбур қилдик.

§ 328. *Турки маърузалар.* Берлин Европа маданият оламининг энг буюк беш марказидан бири булганлигидан, хилма-хил миллатлар вакилларининг мустақиллик учун курашлари, ҳар улканинг сиёсий ва маданий масалалари борасида аниқ маълумотларга эга булиш мумкин эди. Бизга, умуман Россиядан келганларга Париж ва Берлин Россиядан фарқланувчи алоҳида бир янги олам эканлиги сезиларди. (1926 йил) апрел ойида мен учун энг муҳим сўхбатлар булиб утди. 2 апрел кунинда Берлин суя иншоати техникумида тадқиқотчи булган ва юқорида номи келтирилган доктор Хоруи, Туркия инқисодининг асосий масалаларига ҳамда турк кemasozлигининг истикболига доир яхши маъруза қилди.

5 апрелда эса рус сиёсий шарҳловчиси Пётр Савицкий Россия мусулмон вакилларини гуллаб, "Евроосие" ҳаракатига доир маъруза қилди. Кейинчалик "Кучманчиларни урганиш вазифалари" номи билан Прагада босилган бу маърузада Шаркий Европа, Урта ва Шимолий Осиё кучманчиларининг ҳаёти "Евроосие маданияти" деб аталган эди. Берлинда яшаётган татар зиёлиларининг баъзиларига "Евроосие" атамаси жуда екиб қолди. Мен булсам, махсус маърузаларимда "Евроосие" атамаси Россия империализмининг Шарқ халқларини элдани ютида янги бир тадбир деб баҳоладим. Бу фикр ҳам бир мунча баҳо-мунозараларга сабаб бўлади.

12 апрелда Хитой профессорлари ва адибларининг "Siemens Oberrealschule" бинасида Хитой социалистик партияси раҳбари Сунь-Ят-Сенни хотиралаш кечаси бўлиб ўтди. Бу эса Россия ҳукуматига тобеъ миллатларнинг Узок Шарк муаммоларига муносабати ва хитой тилига лотин алифбосининг татбиқи ҳақидаги суҳбатларичизга сабаб бўлди. Улар орасида Москвада қўрган бир Хитой инкилобчиси бор эди. У "Бу ерда ўрток Валидов бор. У Ўрта ва Узок Шарк масалалари буйича олимдир. Дохиймиз Сунь-Ят Сен ҳақида бир суз айтишни илтимос қиламан" деди. Мен "Бу мавзунини оз биламан. Билганим эса Шуро нашрларида босилган," дедим. Улар куп кистагач, сузлашга туғри келди. "Сизларнинг буюк йулбошчингиз Сунь-Ян-Сеннинг "Демократия"нинг асосий тамойиллари" китобидан бошқа бир асарини уқимадим. Бу асарида устозингиз демократияга куп умид боғлаган экан. Унда айтилади: "Большевикларнинг диктатураси шароитида қўлни давлат большевиклари билан яқинлик қилинса, уларда ҳам демократия жуда шартли, қалбаки бўлади, ундай шароитда на идора машинаси, на армия, на адлия ва иқтисодий-иҷтимоий муассасалар яхши ишлай олмайди. Го-Минданг (Го-Мин-Дан) партиясининг сўнги икки кенгашида қилган маърузасида Сунь-Ят-Сен ортга чекиниб, суллашди ва қочмунистларни социалистик партияга олиш йулига ўтди, бу билан Хитойни энг таҳликали вазиятга солдилар. Коммунистлар партиянгизга кириб аста-секин уни ичдан емирадилар. Еки ўзлари партиянгизга эгаллик қиладилар. Сиз эса у ердан кетиш мажбуриятида қоласиз. Туркистонда Наливкин ва дўстларининг оқибати барчага маълумдир. Агар сиз партиянгиз маъкеини қочмунистларга бермайдиган даражада матонат қурсатмасангиз, Хитой давлати икки қисмга ажралади.

Денгизлардан йироқ, буюк давлатлар, Туркистон халқлари мустақиллигини большевиклар сабабли ҳимоя қилмадилар. Шу сабабли Туркистонда маҳаллий ва рус демократларининг бирлашувига имкон берилмади.

Бу фикрларимни Хитой дўстларимга ёзма тарзда бердим. Бу фикрларим "Хитой тажрибаси" номи билан икки йилдан сўнг Истанбулда биз нашр этаётган "Янги Туркистон" журналида 1927 йил, 2-3-сонларда босилиб чиқди. Буни Жалолиддин Ван Зен-Цзиншан Хитой тилига таржима этиб, генерал Чанг Кайшига тақдим этди ва нашр эттирди.

1921 йилда Бухорода Афғонистон элчиси бўлган Абдурауфхон билан бўлган дўстона муносабатим ҳақида бу хотираларда аввал айтган эдим. Анвар пошо билан Бухорода илк суҳбатимиз ҳам унинг иштирокида бўлган эди. Абдурауфхон ўз ўғлини Берлинда ўқитиш учун олиб келибди. У билан 24 апрел кунини бирга ўтказдик ва бирга раэмларга тушдик. 25 апрел кунини эса Россия мусулмонларининг таниқли сиймоларидан, отамнинг яқин дўсти ешбирлик Абдурауфхон

Меннинг гапига Қозим билан бирга бўлдик. Унинг илтимосига қараб 17 апрел чорасинда кунги Россия мусулмонлари муаммаларини ҳал қилишга учрашмадик. Утказилди.

120. Турларнинг Миллий Бирлигининг Берлинга утказишдаги аҳамияти шундаки, Туркияга 12 майда йўлга чиқишимиз керак. 12 майда Берлинга «Туркистон Миллий Бирлиги»нинг иккинчи қўмитаси буюмлари, унга Мустафо Чўқай билан Олимжон Тўғон ҳам қўшилди, қўмитадан кўриладиган масалаларни белгилдик. Шу муносабат билан шундан, апрел охирида Россия ташқарисида бошқариладиган шартларга қўйилмайдиган умумий шаркий алабиди тўғри бўлса ҳам, булар ҳам ҳужжатларимизни узаро ўқишиб, муаммаларни ҳал қилиш керак. Иштирокида яна бир қанча муҳаққоқ қарорларни қабул қилиш керак бўларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун қўйилган шартларга буюк эҳтишом билан қараш керак.

121-йилнинг бошида Берлинга келишим билан Шуро элчи хонаси шундан қўйиб, мамлакатда қотиб кетган хотиним Нафисанинг Берлинга утиб кетишига шарт қўйиб берилишини сурай бошладим. Хотинимнинг ўзи ҳам, отаси Ҳожи-Маҳмуд ҳам, отам ҳам бу иш билан шўғул бўлиб қўрилар, лекин руслар сира жавоб қилишмади. Туркистондан Берлинга талабалар олиб келган Олимжон Идрисий Россия элчи хонаси билан доимий алоқада бўлди, талабаларга тегишли масалаларни ҳам уша ердан олди.

122. Россия элчиси Крестинский билан учрашувим. 16 апрелда биз элчи «Сизнинг хотинингизни бу ерга олиб келтириш ҳақидаги шартларнинг юзасига жавоб қилган шекилли, сизни чақиринишяпти», — деди.

17 апрелда уша ерга бордим. Менга: «Элчи Крестинскийнинг ўзи билан гаплашасиз», дейишди. Учрашдик. Мен Крестинскийни 1912 йилдан буюн билардим. Крестинский шундан кейин молия вазири бўлган. Сталин билан муносабати яхши эмасди. Бошқирд армиясининг тарқатилишини Бошқирдистон ҳукумати ҳуқуқларини йўққа чиқаришларини Мостовенко билан бирга танқид қилиб чиқди. Ленин вафотидан кейин Крестинский марказком қотиби вазифасидан бўшатилиб, Берлинга элчи қилиб юборилди. Мени эски кадрлардан қўтиб олди. «Хотинингизни, Бошқирдистонда қолган китобларингизни Берлинга келтириш осон иш эмас. Энг аввало, сизнинг Россияга қайтиб бориш-бормаслигингиз маълум бўлиши керак. Умуман, хорижий юрт фуқаролигини қабул қилмайдиган бўлсангиз, хотинингизнинг хорижга чиқишига имкон ҳам бўлмайди», деди. «Икки йил аввал Туркистондан Эронга чиқиб кетиш олдида умумий дустимиз Рудзутаққа (уша вақтда Туркистон Мусулмонлар Бюроси раҳбари) ва Ленинга юборган хатимини тула тушунтирдим, уша аҳвол узгармади, дедим. Менинг Россияга қайтишим ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, одамларнинг эркин яшаши керак, бунинг

аҳамиятини тушунаман ва буни ҳеч бир нарсга қурбон қилмасман», дедим. Мен сизни Россияга қайтиб бординг даяётганим йўқ, фақат Россия билан муносабатингизни узмасликни, асарларингизни ўз юртингизда бостиришни, дўстларингиз билан алоқани узмасликни маслаҳат бераман. Сиз шўро сиёсатига қарши танқидий мақолалар ҳам ёзасиз, лекин хотинингиз ва рузгор ашеларингизни олиб кетиш учун Россия фуқароси бўлиб қолишингиз шарт», деди у. Мен худди шў қунларда Туркия элчихонасидан вақтинча паспорт олган эдим, бундан кейин Туркия фуқароси бўлишимни, буни Крестинскийга очик айтдим. «Мен бундан буен Россия фуқароси бўлатмайман, илож канча, демак, хотиним ҳам олдимга кетолмайди», дедим. Анча гаплашдик. «Мен сизга ҳар томонлама яхшилик тилайман, соғ бўлинг», деди у охирида. Мен ўрток Сталинга ҳеч ишонмаслигимни, Крестинскийнинг узига соғлик тилашимни айтдим. Унинг ўзи ҳам Сталинга ишонмасди. Крестинский бироз вақтдан сўнг Берлиндан Москвага чақириб олиниб, камалди ва ўртоқлари Рижов, Бухаринлар билан бирга отиб ташланди. Мен Крестинскийни ҳам Рижов сингарни виждонли одам деб тушундим. «Ватанинг билан алоқани узмасдан, хорижда туриб қолишинг маъқул бўлар» деган гапни ҳам унинг аввалги дўстлигимизнинг бир рамзи деб тушундим.

9 майда «Туркистон Миллий Бирлиги»нинг Европадаги сўнги йиғилишини ўтказдик. Мустафо Чўкай билан доктор Олимжон Тўгон ҳам келишди. Марказимиз Туркияда булажак. Мустафо Чўкай угли «Туркистон Миллий Бирлиги»нинг Европадаги вакили қилиб тайинланди. Истанбулда босиб чиқариладиган нашрларимизнинг тили, фаолиятимизнинг дастури туғрисида ҳам яхши қарорлар қабул қилдик. Қозок, ўзбек, татар, бошқирлар туркча нашрларини ўзлари гаплашадиган тилларнинг ўзига ҳосликларини, ўз тилига ҳос айрим сўзларни сақлаб қолиш билан бирга, этимология ва морфология ҳусусида умумий қоидаларга риоя қилган ҳолда ёзадилар. Бу конгресс жуда яхши ўтди. Фақат Чўкай угли рус кадетлари (Милюков) ва ўнг эсерлар (Керенский доираси) билан алоқасини узишга рози бўлмади. Чунки у болшевишга қарши курашда демократ рус муҳожирлари билан бирга бўлиш керак, деб ҳисоблади. Берлиндалик вақтимда, бир томондан, фин мусулмонлари, иккинчи томондан, ҳинд ва Эрон мусулмонлари билан боғлиқ бўлганлигидан, ора-сира умумисломий масалалар билан ҳам шугулландик.

§ 331. *Қуръони қаримнинг фин тилига таржимаси.* Финландия 28–29 март кун и татар савдогари Зийнатуллоҳ Аҳсан буюртмасига кура Қуръони қаримни фин тилига таржима этмокчи бўлган профессор Пименов келди. Мен уни ёзган мактубларидан тушунишимизча, у баъзи мисрлик олимлар билан алоқа қилиб турарди, энди Зийнатуллоҳнинг маслаҳати билан Берлинга келиб, ислом оламини яхши тушунган кишилар билан, ҳусусан Олимжон Идирий билан, мен ва буюртмасига

мусулмонларидан доктор Куб Шинкени, аршинок олим Тақидода хидоятининг олим, профессор Садриддин билан учрашгани ва улар олдас келиши. Профессор Шименов шу пайда беринча булганда китобкал савотларидан бири Қуръони каримнинг турли жонларининг анъанасини ва тушунамасдан турли таржима килишдан ҳақиқат булган ва тиниши белгилардан иборат эди. Менга берилган савотлар 57 та булиб, бу савотларининг аждарияти мен билмайдиган маъноларга оид эди. Мен уларга, "Недом теологический билмаман, аъмо Қуръони каримнинг тафсилларини яхши билмайман, дедим. Профессор Шименовга "Мен фақат Қуръони карим оятларининг қачон поэма булганлиги сабабларини, ҳадисларни билмаман, Қуръони каримни фақат арабча билган киши сифатида озми-қунми тушунаман", дедим. Профессор Шименовнинг мақсади, Қуръони карим таржимасига Хазрати Муҳаммад (с.а.в) ва Қуръон ҳақида суз боши ейтиш эди. Мен унга Қуръони каримни энг яхши билган профессор Нельдеке Берлинда хали ҳам барҳалетдир. Сиз улар билан куришини дедим: "Мен европаликларини, шу жумладан, Нельдеке ҳамда Голдер кабиларининг асарларини уқидим. Мен улардан урганганига муҳтож эмасман. Фақат мен учун мусулмон олимларининг фикрларини ургангани муҳим шир", деди.

**1-савол:** Қуръони каримда баъзи тарихий воқеалар турри аке элган, баъзилари поэтикдир. Бунинг сабаби нима? Бутоқ Искандар эски элчи илоҳларни аниқланган бир бутнарасе булганни билан негадир Қуръонда Аллоҳ таолонинг амри билан сад (девор) қурган бир муваххид каби тасвирланган, бу хикояни Қуръонга киргитилдан мақсад нима?

**Жавоб:** Бу меннинг 15 йил аввал оилам даврасида муҳокама этилган масала. Мен бу хил оятларининг изоҳида эски муътазила йулдизи таъбиқ этаятман. Яъни Пайгамбарга юзил булган Қуръони карим сузлари ораида арабча булмаган сузлар ҳам бор. У сузлар ифода этган маъноларини арабча изоҳлаганлар. Арабларининг ислондан аввалги ва пайгамбар замонидаги изоҳласам, услубини ва араб фарқларини куллаш керак булади. Масалан, 91-Шаме сурасида изоҳланган ислон мавзу 7-10-оятларда айтиб утилган бу жумлалардир: (Жонга ва уни расо килиб яратиб, унга фуеку-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом килиб, ургатиб қуйган Зотга касамки: дарҳақиқат уни (жонини имон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (жонини фикс-фужур билан) хорлаган кимса номурод булди. Мазкур турт оятнинг юкорисида араб усулига кура Қуёш ва унинг ёгдусига, унинг ортидан келган Ойга, у ошкор қилган Қундузга, у ураб яширган кечага, касам этиш борки, масалан бизнинг туркчамизда бундай бир ифодани топиш қийиндир. Бу турт оятнинг сунги қисмида Арабистоннинг қадимги самудларнинг кирдикорлари баён килинади. Самуд қавми ҳадидан ошганлиги сабабли, удар узларига юборилган Пайгамбар Солих алайҳис-саломни ёлгончи қилишлари Пайгамбарнинг туясини суйиб



юборганликлари, шунингдек барчалари халок бўлишини аниқлаган бир хикоя биди элади. Бу факат 7-10-оятларни мустахкамлаш учун Қаф сурасининг 18-оятда келтирилган Зулқарнайининг Аллоҳнинг ишлаган байдаси эканини, факат Аллоҳ таолога иймон келтирган, Ернинг Шарқу Ғарбга ҳукмронлик қилгани, Аллоҳ таолонинг ва ушқ иймон ва тақво эгаи булган байдасининг Ер юзида ҳақин қарор топтириш учун қилган сайи-ҳаракатлари, "Биз Зулқарнайинга бу Ер юзида ҳукмронлик бердик ва барча нарасинга тақоиният ато эдик" (Қаф сураеи, 18 оят)га арабларни инвоитириш учун бир мисол сифатида юбордик. Негаки сиз христиияларнинг "Инжил"ида (исауа, XI, V, I, XVI, II) Некандардан икки аер оёдин келган эроник Ахашотиий ҳукмдори Кайхуерав ҳам Аллоҳнинг вақили, ушқ кули билан Шарқ мамлакатларини босиб олганини ва алолат гоёиб булиши сифатида таъниган эди. Холбуки, у ҳам Александер каби буюк мушрик эди, аммо хикоядан мақсад буюк ҳиммат эгаи боекинчилар орасида ҳам Аллоҳ таолонинг юксак марҳаматига эга булган етук инсонлар борлигини аниқлашдир. Мукад, Таврот ва Инжил каби Қуръони каримнинг ҳам бош гоёи инсонларга тарихин урғатини эмасдир. Бу оятлар ҳам позил булган қавмларга буюк ҳақиқатлар, уларни билган хикоят ва дастонлардан мисоллар келтириб тушунтирган.

**2-савол:** Пайғамбар (с.а.в)нинг меърожга кутарилишлари жемоний эканлигига илопасизми?

**Жавоб:** Россия подшоеси Александер II Плевнада усмонийларнинг асир тушган армияси кумондони Усмон подшодан "Мухаммад самога (7осмонга) қандай чикди?" деб сураганида: у "Сизнинг Исо пайғамбарингиз чиккан зинапоядан кутарилиши" дея жавоб берган экан. Қуръонда эса меърожни бу бир "туш" деб келтирилади пайғамбаримизнинг завжалари Ойиша уша кеча тунни расулудилоҳ она даврасида утказганини айтдилар. Ҳақиқатдан ҳам пайғамбар Коинотни устидаги 7-кават осмонни бу меърож кечасида "тушги сайри"да курган

Меърож инсоннинг акли етмайдиган илохий муъжизадир. Бу ҳолат будданинг ҳаётида ҳам мушоҳада этилмокда.

**3-Савол:** Қуръони каримнинг бир қанча жойларида (XIII:2; XXXI:10; XXXX:64) Ер курраси думалок, яеи, само эса устунларез, етги қаватли бир бино, томли жойларида тушунчага кўра, космос уртаеида, бошқа бир жойларида эса (XXXVI:40; XVII:13; XXI:33) кеча ва кундуздан алмашуви ва Қуёш, Ой ва юлдузларнинг барчалари фалақда сузиб юур. Қиёмат-койим булғунича Қуёш Ойга етаолмас ва кеча-кундузнинг урини эгаллаб ола билмас, дейилади. Коинотнинг бу икки турдаги тавсифида гелоцентризм ва геосентризм карашларнинг ишъикоси борми ва бу карама-каршилиқ ишма учун келган?

**Жавоб:** Менимча, бу карама-каршиликдан бахе этиб сиз ҳам мухим нуқтани босиб утганеиз. 36-суранинг 40-оятда. 33-суранинг

21-оғтида ҳақиқатдан ҳам қуёш, ой, юлдузларнинг алоҳида фазода сузиб юришлари баҳс-мунозара и мавзудир. Чунки кеча ва кундуз дейиш билан калдузлардан баҳс этилган. Шоядки, бунда фақат Қуёш билан Ойнинг фалакларда сузиб юришлари баҳс мавзуси бўлсайди, ҳаммаси бир иула деб эмас, ҳар иккиси икки орбитада деб айтиларди. "Ваҳий", яъний Пайгамбарга Аллоҳ таолодан келган суз. Бошқа оятлардаги сузлар араб муҳитига уларни тушунадиган даражада қилинадиган ифодалардан иборатдир. Пайгамбар ҳам инсон эканлиги, ижтимоий ҳаётини ва Коинотни доимий равишда ифода этган ва бундан илҳом олган бир истисномани яратиш деб билган "суфий"ларда ҳам бундай фикрлар тугилади.

Жалолиддин Румий шундай дейди: "Бу юлдузлардан кейин бошқа юлдузлар олами бошланади, улар ҳам ёниб қул бўлмайди, суниб ҳам қолмайди. Улар бизга маълум бўлган етти кават фалакдан бошқа фалакларга учиб утади. Юлдузлар Аллоҳ нуридан қувват олади, улар бир-бирига боғлиқ эмас ва бир-бирини тарк ҳам этмайди." Мен Пиченовнинг бошқа саволлари билан катъиян шугулланмадим. Чунки улар мен билмайдиган мавзуларга оид эди. Кейинроқ Пиченов Финляндияга кайтгандан сўнг эса мен билан мактуб ёзишда давом этди.

1937-йил Германия Бонн университетинда "Ислоҳ илмларининг фахрли профессори" бўлганимда Зийнатуллоҳ мени Таммерфорсга чақирди. Мен профессор Пиченов билан бу ерда бир неча марта учрашдим. У иломни яхши ўқитишган ва Пайгамбаримиз (с.а.в.)ни яхши курсаклардан эди.

Профессор Пиченовнинг Қуръони карим таржимаси Зийнатуллоҳ Алҳан тамонидан чиройли нашр этилди. Фин тилини билган олимларнинг айтишича, бу таржима Қуръоннинг Европа тилларига юслинган илг яхши таржималаридан биридир.

§ 332. *Холжа Садриддин* Пиченов ҳиндистонлик Холжа Садриддин билан нуридан ва унга менинг "муътазилла" маъхабидин эканлигимни айтибди. Бу киши Берлиндаги Ахмадийларнинг раиси эди. У бу маъхабидиннинг Велмерсдор қиёмида бир жоме масжиди қурдириши билан машғур эди. Мени ва поляшалик мусулмон олими, доктор Гасм Шинкелсвич уйига таклиф қилди ва зиёфат берди. Бу ерда билдан бошқа бешта ҳиндистонликлар бор эди. Барчаси форс тилида сузлашувчилар. Садриддин менига "Сиз муътазилла маъхабидан келибди, Пиченов шундай деган эди", деди. Мен эса: "Йўқ мен ҳеч қандай маъхабидин эмасман, фақат мусулмонман. Аммо Қуръоннинг

маъноси ва тили хакида муътазиллийаларнинг фикрини маъқуллайман. Негаки, Темурбек ҳам узига имомни хоразмлик муътазиллийалардан таълаған эди. У халқни исёнга жунатган, шомликларни узимга маҳкум этган, дедим. Менга Хожа Садриддин Аҳмадий Немисча нашр эттирган баъзи ваъзларини ҳаё сифатида берди, бу эса мажлисда алифбо масаласи юзасидан баъзи бир баҳслар юритишимизга сабаб бўлди. Бу ерда арабча ёки форсча исмлар ва истилоҳлар лотин ҳарфлари билан фақат ингиллиз талаффузига кўра, масалан "u" ўрнига "oo", "a" ўрнига "u" ёзилган эди. инглиз тилини билмаган инсон буларни ҳеч туғри уқийёлмас эди. Мен буни Ҳиндистонда ҳам кўрганымдан, у ерда на инглизча суз, ҳатто араб ҳарфлари билан ёзилган арабча ва урдуча сузларни инглиз ҳарфлари билан ёзганида бир қоидага амал қилмай, фақат инглизча талаффузга ва ҳинд мусулмонларининг ўз талаффузига кўра ёзишини мустақиллик туфайли илм ва ироданинг тараккий этишига қатъта ғов бўлишини сўйладим.

Рашид Саффо, муаллим Жавдо, мисрлик Мухаммад Мустафо, эронликлардан Мирзо Мухаммад Қазвиний ва бошқаларга турли муносабатларда англариб турсам-да, аслида қабул қилмадилар, фақат сўнги йилларда Қарачида покистонлик олимлар томонидан чоп этилиши керак бўлган "Ислоҳ тадқиқотчилари мажмуаси" бу фикрни ҳақиқатдан қабул этганлигини билдирди. француз, инглиз, ёки немис тиларида асарлар ёза олгунга қадар Ғарб тилларини бу тизим принципи туфайли қабул қилган ҳолда, унинг татбиқ қилинишида қийинчилик чекишларининг ҳақиқий сабабларини тушуниш ҳам осон эмас. Берлинда Хожа Садриддин билан бир неча марта кўришдим. Унинг айтишича, Аҳмадийлар мазҳабини кашф қилган Ғулом Аҳмад, аслида Бобурийлардан. Темурий шахзодалардан экан. Аҳмадийлар инглизларга жуда яқин инсонлардир. Чунки инглизлар бизнинг бошқа ҳинд мусулмонлари билан қуришувимизга тўқинлик қилганлиги билан. Қадёнга ўз ҳисобларидан жунатишни истар эдилар. Хожа Садриддиннинг ёнидагилар инглизларнинг ашаддий душманлари бўлгани билан, Садриддин ҳам, унинг дўстлари ҳам инглизларга амалда қарши чиқолмас эдилар.

3.33. *Европадан Туркияга.* 12 май, сешанба куни биз Берлинни Истанбулга йўлга чиқдик. Ашимбек, Абдулваҳид Мурод ўзини Иброҳим Орифхон ҳозир Анкарада профессор, Аҳмадҷон Укмас Истанбулда профессор, шунингдек, Туркияга келиб, ливенда фалсафадан даре бераётган Аҳмад Шукрий, бухоролик Аҳмад Нойим, Олимжон Идрисий, Усмон Туқумбет, курай чалувчи Муҳаммад Бошқирд, Темирбек Қазбеков ва бизнинг немис дўстимиз Макс вокзалга кузатиш учун келдилар. Поезд Прага ва Будапешт орқали утганлиги учун уша ерда яшайдиган танишларимизга хабар қилдик. Прагада бизни Шаповал билан қалмоқ мухожирлари бошлиқ Балинов кутиб олишди. 1918 йили Москвага қарши есен кутарган чехословак легионни қумондонлари Богдан Павло, доктор Пагайден ва бошқалар билан «Чехословак легионлари маркази»да учрашдик, кечки овқатни ҳам уша ерда қилдик. Оқшом жуда самимий суҳбатлар билан утди. Купчилик легионлар парламент аъзолари бўлиб катта обрўга эга эди. Богдан Павло ички ишлар вазирлигида вакил ва турли давлатларда элчи бўлган. Овқатланиш вақтида рупарамда утирган, менга нотаниш бўлган бир киши билан анча гаплашдик. Кейинчалик маълум бўлишича, бу киши Чехословакия ҳаётида катта хизматлар қилган доктор Бенеш экан. Овқатланиб булганимиздан кейин биз Бенеш билан суҳбатлашдик. Мен ундан: «Бизнинг ҳаракатларимизга жиддий ёрдам бера оласизларми», деб сурадим. У: «Албатта, ёрдам бера оламиз, бироқ бундан бирор-бир фойда чикишидан гумонимиз бор. Чехлар мустақилликка эришди. Миллатлар Иттифокига аъзо бўлди, йирик давлатлар тан олишиб, узаро дипломатик муносабатлар ўрнатилди, Россиядаги кам сонли халқлар кеч қолдилар. Украина, Грузия ва Озарбайжон ҳукуматлари турли ваколатлар билан Миллатлар Иттифокига кирди. Бироқ улар уз ватанларида тузилмаганлиги боис қандай ишларни амалга ошира олишади. Туркистонликлар ва бошқирдлар эса ҳаттоки Миллатлар Иттифоки эшигига ҳам яқинлашгани йўқ. – деб алоҳида қайд қилди. – Бизнинг фаолиятимиз эса бир неча сиёҳдондаги сиёҳни ишлатиш билан чекланиб қолса керак деган хавотирдаман», деди. Мен Бенешга: фақат дипломатик йўللар билан эмас, балки, армияни кучайтириш ва мустаҳкамлаб бориш ишончли ҳарбий мудофаа кучга айлантириш лозим. Мен Ленин билан куп мазотаба мулоқотда бўлганман. У оддий фуқаро сифатида бу масалада жуда ижобий гаплар айтарди. Бироқ биз шуро ҳарбий қумондони Вацетис билан миллий қўшин ташкил этишни ниҳоясига етказмоқчи булганимизда айнан уша Ленин ҳукумати 1920 йил 19 майда қонун чиқарди. Бу қонунга биноан бошқирд армияси майда қисмларга ажратилиб, Волга бўйи ҳарбий округига бўйсиндирилиб,

кушни юборилди. Бу бизнинг мухториятимизни йўқ қилишдан иборат эди. Буни доктор Патеидел яхши билади. Биз ўша куни мамлакатни ташқиб Гироттада яшашга қарор қилган эдик. Россиянинг гарб томонидаги кушни даялатлари бошқирд ва полякларга ўхшаб, гафлатда қолиб, харбий кучларини қулдан бой бермасликларига умид қилиб қоламиз. Яна шунга таъкидлаш лозимки, бу кунроқ еланин халқларига тааллуқли булиб, сиз кунроқ иркин хиссийатга берилиб кетасиз. Патеидел менин фикрларимни мулақо ҳаққоний эътиборини айтиб, лигционер ташкилотларни муҳолифатлардан химоя қилиш зарурлигини ҳам уқтириб ўтди. Бошқирдистонни курган бу чехлар орадан тўрт йил вақт утгагина қарамасдан, уша давр хақида анча хотиралар ёзиб, газета мақолалари, хағго айрим рисолалар ҳам нашр қилган экинлар. Доктор Патеидел менга: «Истаган вақтингизда Прагага келишингиз мумкин, хоҳласангиз, бу ерда яшанг, ёрдам берамиз», деди. Бундай самимий, дустиона таклифга миннатдорлик билдирдим, болшевикларга қарши биргалашиб курашиш чех дустрларимиз қалбида яхши гаассуротлар қолдирганлигини куриб, қувонганлигимни айтдим. 1927 йилдан кейин Прагага бир неча бор келдим. Қалмоқлар бу ерда осийликларнинг қупчилигини ташкил қиларди. Нашриётлари ҳам бор эди. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, улар Америкага кўчиб кетишди. Бу ерга келган вақтларимда менга хар доим чехларнинг самимий меҳмондорчилигини куриш насиб булди.

§ 334. *Будапештда.* Биз 14 май куни Будапештга келдик. Бизни туркиялик Хусайн Номик Ўрхун, можар туроншуноси, шифокор Баратуший, профессор Иштван Дьёрфи ва Олимжон Туғон вокзалда қўтиб олишди. Кейинчалик улар билан самимий дуст булиб қолдик. Аввал бизга можарларнинг Дунай хавзасига биринчи булиб жойлашган "Рунидичой"ни курсатдилар. Окшом Баратуший уйда зиёфат берди. У узининг Турон қавмлари тарихи ва этнографиясига оид 12 жилдлик асарини менга совға қилди ва жуда хаёжонли гаплар айтилди.

Эртаси куни Можар фанлар академияси кутубхонасини курдик. Сунгра эса машхур профессор Немет Дьюлани хузурда булиб, у билан 3 соат суҳбатда булдик. У ҳам менинг ёшимда, яъни 34 ёшда экан. Туғон томонидан таништирилганимиз учун ҳам улар бизга иззат-икромда булдилар ва яхши шароблар қуйилди. Хусайн Номик Фуат Қуярулу қаттиқ танқид қилди. Будапештда биз тасодифан этнограф Дьюлу Масарошни турмуш уртоғи битлан учратиб қолдик. Мен 13 ёшда булган чоғимда бу олим ёш аёли билан Бошқирдистонга келишиб, этнографик тадқиқотлар олиб боришган эди. Ушанда бизникида меҳмон булишган. Ҳозир эса у менга Бошқирдистон этнографиясига оид китобини совға қилди. Китобнинг бир боби биз ва қушни кишлок хақида экан. Этнограф олимнинг аёли менга қумуш портсигар ҳадя қилди. Бир неча йилдан сунг у Истанбул университетда этнография буйинча маърузалар уқиди. «Мен уни орадан қуп йиллар утса ҳам гуёки

уни узоқдан топиб қолганлигим ушун меннинг шайра ва менинг  
тасавви айтарди. Бу албатта, ортиқча мактов эди. Чунки мен уларни  
Олимжон Тўғон таништиргандан кейин таниган эдим. Умуман улар  
бизга катта иззат-иқром кўрсатдилар.

Масарош уша йилларда олинган суратларни кўрсатди. Доктор  
Тўғон унинг «Magna Hungaria» номли китобининг асосий мазмунини  
қисқача қилиб айтиб берди. Мен, Масарошдан отам билан қандай  
танишганлиги ва биз томонларга келишларининг сабабни сурадим.  
Унинг айтишича, Аскар кишлоғида дoston ва афсоналарни ёзиб юрган  
вақтда унга буларни Кузян кишлоғидаги мулла Аҳмадшо ҳаммадан  
қура яхши билади дейишибди. Суфий Хайбатуллох уларни отам  
билан таништириш учун кишлоғимизга олиб келган экан. Масарош  
отам Ҳисома ва Сафин исмли икки кекса ҳамқишлоқларимиз айтган  
қуллаб ривоятларни ёзиб олибди. Бу соҳанинг энг қул биладиган одам  
бу менинг катта тоғам Вали Кузянов эди. Балки унинг катта билими  
отамга ҳам таъсир қилгандир. У фақат ривоятлар билимдонигина  
эмас балки, илоҳиётчи олим эди. Шу оқшом Олимжон Тўғон ва  
дусти профессор Дьёрфи бизни Ҳусайн Номиқ билан ҳашаматли бир  
ресторанга таклиф қилишди, мижаз таомлари билан меҳмон қилди ва  
тоқай виноларини ҳам ичирди. Бу винолар жуда қувватли экан. Тун  
соат бирларда у ердан кетаётганимизда, учовимиз ҳам бошқирдча  
ашуалар айтдик. Тахаллуси “Инон” булган Абдулқодир эса курсида  
ухлаб қолди, зурга уйғотдик. Тўғоннинг овози ёқимли эди ва бутун  
бошқирд кушиқларини билар эди. Бизнинг кушиқларимизни кизикиб  
эшиятаётган аёллар деразаларини очиб қуйишган эди. Эртасига биз яна  
Масарошни олдига бордик. У булғор хазор ва бошқирдларнинг келиб  
чиқиши ҳусусига оид бошқирдлардан ёзиб олинган кизикарли угиз  
дostonини ўқиди. Немет Дьюлу билан биз фақат илмий мавзуларда  
суҳбатландик. Мен унга Будапешт университетида Марказий Осиё  
халқлари тарихи кафедраси очиб лозимлигини тушунтиришга  
ҳаракат қилдим. Эртасига “Турон” жамиятида Урта Осиёда яшаган  
кинжак қабиласи ва илк бошқирдларнинг булар билан қариндошлик  
муносабатларига доир суҳбат йиғилишида кўрдим. Жамиятнинг  
раиси профессор Пакар, Прел ва бошқа олимлар иштирок этди. Улар  
диққат билан тингладилар ва илк марта бир бошқирд келиб, бизнинг  
суҳбатимизда илмий мавзуга оид нутқ сузлади, дея мактадилар. Бу  
оқшом ҳам соат иккиларгача мижаз ресторанида вақтни ўтказдик.  
Бизнинг Тўғон бу ерда ҳам ухлаб қолди.

§ 335. *Констанца*. 1925 йил 18 майда биз Бухарестга, 19 майда  
эса Констанцага келдик. Абдулла Афандиникида меҳмон булдик. Бу  
ерда нўғойларнинг едисон, кенасас, олчин уруғларига мансуб оилалар  
яшар экан. Ислом Али оға афанди, Одил Юсуф оға Констанца ёнидаги  
Али оға номли қишлоққа одам юбориб, у ердаги Нуриддин исмли  
оқини чақиртириб келибди. Бу киши “Чура-ботир”, “Эдигей” ва

“Урок Мамай” каби мен яхши билган дostonлардан жуда гузал килиб айтиб берди. 1920 йилда Хоразмнинг шимолий қисмида яшайдиган қорақалпоқ оқинидан унинг ҳам исми Нуриддин, шу дostonларни эшитган эдим, жуда берилиб айтган эди. Иккала бахшининг исми Нуриддин экаплисига хайрон бўлдик. Одил Юсуф ога едисон қабиласининг қимшикли уруғидан эди. У менинг мулла Вали тоғамдан эшитган нуғой хикматиини айтди: «Алчин алави айтгани, Тангрини жазоси дегани». Учта нуғой қабиласи бор. Булар едисон, едишқил ва чимбойдик. Едисон қабиласи эса етти уруғдан иборат. Яъни: кенагас, мангиг, ажиган, олчин, елтир, дарсанги ва машқар. Олчин уруғидан Алави исмли бой бўлиб, уни Тангрининг балоси деб юритишарди. Биз уй эгасининг ҳазил-мутойибадан иборат қизиқарли дostonларидан эшитдик.

Этнография буйича комусий олим Абдулқодир Одил ога олчинларнинг қупчилиги қозоқларнинг Кичик жуз орасида борлигини. Бухоро ва Самарқанд ҳудудларида яшайдиган олчин уруғлари туғрисида ҳам чиройли маълумот айтди. Орада мангитлар ва кенагас уруғларига ҳам тухталиб ўтди. Биз олчинлар қахрамони Алавини яхши билмасак ҳам олинлардан чиққан буюк шахсларнинг айримларини, масалан, Ҳиндистонда император Аврангзеб замонида яшаган файласуф ва шоир Бедил Самарқандда узбек султонларининг машҳур вазири сир бериб безаттирган учта мадрасанинг иккитасини қурган Ялангтуш Оталиқ ҳам келиб чиқиши олчинлардан эканлигини эсладик. Ислоҳ Али ва Одил оғалар бу учрашувимиздан жуда мамнун бўлдилар ва яна бир неча кун шу ерда бўлсак, биз учун аҳамиятли бўлган билимдон одамларни таклиф қиламиз дейишди. Биз мулоқот чоғида нималар ҳақида гапирган бўлсак, уларнинг аъъана ва қадриятларига ҳамоҳанг эди. «Сон» бу «Ўз минг» дегани. Демак, «едисон» 700 000 билдиради. Бу нуғой қабиласи энг қудратли бўлганлигидан хабар беради. Ҳукмдор Арслон Мирзо уғиллари бошқарган бу қабилда Бошқирдистонни жануби-шарқий қисмида XVIII асрда Қучуқхон авлодлари билан яшаганлар. Қалмоқ хони Аюқхон даврида улар Қрим томонга қучишиб, у ердаги қабилар билан аралашиб кетди. Улар Усмонли давлатида ишончли аскарлар сифатида хизмат қилишди. Қабиланинг бир қисми эса Хивада қолган. Бошқирдистоннинг жануби-шарқий қисмидаги Ирандик тоғли ҳудудларида ҳозиргача нуғой қишлоқлари сақланиб қолган. Ирандин туғрисида Одил оғанинг хабари бор экан. Сибир хони Қучум авлодлари хизматида бўлган менинг ота-боболарим едисон нуғойлари билан яқин алоқада бўлишган.

Одил ога ва Нуриддин билан бўлган суҳбат чоғида мен онламининг келиб чиқиши ҳақидаги эшитганларимни ёдга олдим. Унга қўра бизнинг онламин бошқир-юрматлар билан аралашиб кетган нуғойлардан эди. 1908–1909 йилларда Астрахон губерниясида

нуғойлар билан танишганимда, мен бунга амин бўлган эдим. Ушанда нуғойлар мени ўзларига кўв кўчмочки бўлган эдилар. Ҳозир эса Одил оға менга худди уша маънодаги маслаҳатини айтмоқда эди. Нафисани турмушта чиққанлиги ҳақида Россиядан хабар келганда Одил оғани қўлетимга ничирлаб: «Кел, сени нуғой қизига уйлантирамиз», деган сўзларини эсладим. Лекин мен у екка бормадим. Мен Одил оғанинг дусту савбоналарга мансуб Умар Унгор оғанинг қизи Нозмияга миладим. Нозмия Бухарест университетини тугаллаб, диссертация тадқиқоти билан шугулланиш мақсадида, Истанбулга келган эди. Бу никоҳ Астраханда, Хива (Чимбой)да ва Констанца нуғойларидан эшитган дostonлар тўғайли менда пайдо бўлган ҳиссиётлар таъсири тўғайли бўлди. Нозмия мени тарих соҳасидаги тадқиқот ишларимга ҳар доим хайрихоҳ бўлди. Ушбу хотираларни ниҳоясига етказишда чин кунгилдан ердан берди.

Бу оиламдан тўғилган қизим Эсенбека Истанбул университетиди хитой тилини урганди ва мен ишлайдиган тарих билан шугулланди, сўнг Хитойга бориб, Тайван университетиди тарих факултетини тамомлади. Хотир Америкади Гарвард университетиди докторлик диссертацияси етиди тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Уғлим Субидей Франкфурт, Лондон ва Анкара Урта шарқ университетларида иктисодиёт соҳасидан маълумот олди. Ҳозир эса Жон Хопкинс университетиди докторлик даражасини олиш учун Америкага кетди. Шундай қилиб мен, 1925 йилнинг май ойиди икки кун Констанцади қолиб, нуғой ва татарлар билан қариндош бўлиб қолдим (30-расм). Хотираларимни сўнгги қисмларини фарзандларимга айтиб туриб ёздирдим. Янги оилам муҳтиди ҳаётим тинч ва бир маромди ута бошлади.

**§ 336. Истанбулдаги учрашувлар.** Окном пароходди Истанбулга келдик. Берлинди учрашганим Фуод Тухтар ва доғистонлик муҳандис Ҳусайн бейлар ҳам шу пароходди экан. Менинг эски дустим Фуод Берлиндидаги уртамизди бўлиб утган тортишувларди бўлган алам-андуҳларини унутмаган экан. Пароход чоршанба куни эрталаб Истанбулга етиб келди. Бизга қифолат беруви одам керак эди. Бу масала ҳақ булғуничи Бойуғли полиция идорасиди турдик. Ҳали соғ-омон юришган дустларимиз Еқуб Апанай ва Муҳаммад Амин Расулзода, туркистонлик Усмон Хужа билан Миен Бузруклар ўзларининг қифиллигига олишиб, бизга ердан беришди. Бизга бўлган бундай муносабатдан хайрон бўлдик. Чунки қулимизди вақтинчалик паспорт ва унга Берлиндидаги Туркия элчисининг визаси бор эди.

Бизни қифилликка олганлардан бири Муҳаммад Амин Расулзодадан уйғача қузатиб қуйишларини илтимос қилдик. Қузатиш учун бир полициячи ажратди. Мен билан гаплашмаётган Фуод Тухтар ҳам

\* Ахмад Заки Валиевни Нуғой ва Нозмия шикохлари 1940 йилди бўлган.



бирга эди. Расулзода уйига етиб келиб, Султонмахмед тумани полиция маҳкамасидан руйхатдан утдик ва бини арманлар эмас, мусулмонлар деб ҳам билдириб қуйишди. Бизга нисбатан муносиб бўлмаган бундай муносабатнинг сабаби бошимизга кийиб олган шапкаларда экан.

Ниҳоят, биз Истанбулга етиб келдик. Уша куни тушдан кейин от қўшилган трамвайга утириб, Фотих Жомеъ масжиди кутубхонасига бордим. Дустларимиз бизга меҳмонхонадан тоза, шинам бир хона олишган экан. Уи икки соат чамаси каттик ухлабмиз. Эрталаб туришим биланок Фотих, Сулаймония, Аё-София ва Купрулу кутубхоналарига бориб, отамдан эшитган, ҳамда турли китоблардан, Бартольднинг Истанбул сафарига оид ишларини билган ва ўқиб, хотирамда қолган қадимги асарларни, булар орасидан айниқса, Беруний асарларини, Хофиз Абрунинг Амир Темур ва теурийлар тарихига оид булган китобларини олиб урганишни жуда хоҳлар эдим. Энг яваб Рашидиддиннинг Аё-Софияда сақланган теология ва хитой табобатига оид асарини курдим. Купрулу кутубхонасида Берунийнинг Хиндистон тарихига оид ва "Патанжала" сини куриб чиқдим. Бу китоблардан фойдаланиш ва ўрганишим учун имконият беринини Яратгандан сурадим. Фотих кутубхонасининг мудури айтдики, бу китоблардан анчадан бери бирортаси фойдаланмаган экан. Яна у мандан: «Бу китоблар ва унинг кайд рақамларини каердан биласиз», деб суради. «Матбуотда босилиб чиккан каталогларингизни Россияда булган вақтимда бюрутмалар берганман», дедим. Кейинрок отам бу кутубхонада булганлигини ҳам эслади.

Уша кунини Истанбулда туркистонлик мужоҳид дустларимиз – Жиззахдан Мазмур, Самарқанддан Ҳамрокул ва Даврон Очил, Абдушукр, туркман Нафиз, Бухородан Усмон Хужа, Абдулкадир Инон ва мен бир гуруҳ бўлиб хоҳлаганимизча раемга туздик (32-расм). Туркистонда бундай қилолмас эдик. Биринчидан, узимизнинг фотоаппаратимиз йук эди, қолаверса, суратхоналар милиция назоратида эди.

1925 йили 22 майда Муҳаммад Амин Расулзода билан тун буйи гаплашдик. 23 майда Фуод Купрулу ва Ризо Нурбек билан куришдик. 26 майда озарбайжонлар чойга чакиришди. Ҳаммалари ҳам эгуниятли кишилар эдилар. 27 майда озарбайжонликларнинг озодлик байрами муносабати билан нутқ сузладим. Нутқимда Бошқирдистон ва Туркистон мухторияти ва мустақиллиги масалалари «Мусовот» партияси дастуридан урин олганлигини айтиб, мишиатдорлик билдирдим. 28 май куни Аё-София, Сулаймония, Боязид, Нурусомия ва Купрулу кутубхоналарида булдим. Окшомда эса Эронкейда истикомат қилувчи Юсуф Окжура олдиға бордик. Бизга тошкентлик Миен Бузрук ҳамроҳ булди. Юсуф бей қўтилмаганда менга: «Сизни Уфада курганимда ёки хон эдингиз ёки маршал эдингиз. Беш-олти босмачини кулидан нима ҳам келарди? Тарақкий этиш учун Россияға

қулоқ солиб, тинчгина яшаш керак», деб қолди. Мен унга жавобан: «Сиз бу гапларни 1552 йили Иван Грозний Қозон хонлигини босиб олмасдан аввал қозонликларга айтишингиз лозим эди. Ала шунда сизга шон-шарафлар айтишарди, бекорга қон ҳам тукилмас эди, тараккийёт ва осойишталик ҳам булар эди. Менга энди аён булди, нима учун сиз билан Уфада учрашган чоғимиздаги суҳбатлардан ҳеч бир натижа чиқмаганлиги», дедим. Суҳбатимиз ноқулай кечди. Мен тез бу ердан кетдим. Икки кун утиб, у меҳмонга келди ва унинг гапларини нотугри қабул қилганлигимизни тушунтиришга уриниб қурди. Мен унга эътироз билдириб: «Сиздай юқори мартабали сийёсатчи эртасига изох талаб қиладиган сузларни айтиши керак эмас. Уша ердаги ҳаётимизни баён қилувчи китоб ёздим. Қураминг, уни сиз қандай қабул қиласиз. Россияга қарши чиқиш ва у ҳақда ёзишни маъқулламайсизми? Уша даврда сизни бобонгиз Окжурга чор Россияси тарафдори булган эди. Бизга бу Вельяминов-Зернов ёзганларидан маълум. Мен буни сизга айтишни лозим топмаган эдим. Сиздан эса бизни хафа қиладиган эмас, балки, мадад берадиган гапларни эшитишни хоҳлаган эдик», дедим. Юсуф Окжурга, «Хафа бўлманг, яхши кунлар олдинда, деб тинчлантирмоқи бўлди. Буни мен ҳам аламиндан гапирдим. Зеро, сизнинг Урал ва Туркистонда олиб борган курашларингиз ҳеч қандай натижа бермади. Шу маънода сизлар бу жойларга келмасдан курашни давом эттиришингиз маъқулмиди, деди. Бу сузларингизни самимий эканлигига ишонаман, деб унинг гапини булдим, аммо Москвада нашр этиладиган «Кизил Шарк» журнали сизни Россияни қўллаб-қувватлаш ҳақида Анқара шаҳридаги нутқингизни уз саҳифаларида баён қилди», дедим. Юсуф бей ўзини оқлаб бу бир мажбуриятдан келиб чиқиб айтилган гаплар, уни рус элчисининг келиши муносабати билан айтган эдим ва бундай сохта чиқишлар баъзан булиб туради, деди. Мен: «Бундай гапларни айтишдан аввал яхшилаб ҳар томонлама уйлаш лозим. Бундай фикрларингизни Россия мусулмонлари, айниқса, Ўрта Осиё туркий халқлари қандай қабул қилади.

Бу нутқингиз Тошкентда нашр этиладиган «Инқилоб» журналида ва турли гаеталарда коммунистларнинг буйруқлари билан эълон қилинди ва жуда ноҳусн таассурот қолдирди. Айнан уша кунлари биз Самарқанднинг Шимолий қисмидаги Усман, Аюб ва Ислом кишлоқларида жанг қилмоқда эдик. Ҳозир сизни хизматингизда бўлган аскарлар ҳам бу жангда иштирок этишганда, дедим. Бу мунозара яна давом этса, кунгилеиз гаплар купаниб кетишини уйлаб, гапни бошқа томонга бурдим. Бундан кейин биз Юсуф бей билан бир неча марта учрашдик, лекин бу масалалар хусусида бирор-бир сўз очмадик. 28 май куни университетда Кўврулу ва бошқа профессорлар билан учрашдим. Тунни биз Абдурашид Кади билан ўтказдик.

§ 337. *Менинг Истанбулдаги биринчи маърузам.* Истанбул университетининг мени қойибона таниган бир гуруҳ талабалари

илтимосига кўра мен Урта Осиё туркий халқлари тэрнхи тугрисида умумий маълумот бериш учун маъруза укидим. 29 май куни бу дарсни Фуод Купрулу ташкил қилган экан. Маърузани туркшунослик институтида укидим. Мен ҳали турк тилини маъруза уқиш даражасида билмас эдим. Шундай бўлишига қарамасдан, диққат билан эшитиб утиришди ва қўлаб саволлар беришди. Бу ерда чинлик мусулмон талаба, Жалолоддин Ван-Зин-Шон бор эди. У Истанбул университетини тамомлаши билан юртига кетди. У ерда Гоминдан партиясининг фаолиятларига қўшилди. Шарқий Туркистон миллий ҳукуматида ички ишлар вазири бўлди. Шарқий Туркистонни болшевиклар истило этиши билан у Покистон орқали Туркияга келиб, Истанбул университетида хитой тилидан сабоқ бера бошлади. Мен кейинчалик Истанбул университетига таҳсил олиш учун келган Оснэ, Европа ва ҳаттоки, америкалик талабалар учун фойдали ишлар қилишга доим ҳаракат қилдим.

§ 338. *Кучукялда зиёфат.* 30 май Сулаймания ва Купрулу кутубхоналарида ишладим. 31май, яқинда куни марҳум Анвар пошонинг акаси Нури пошо мени кучукялдаги «Чамлик» казиносига таклиф қилди. Экспресс поезди Бустонга келгунча у ерда қолдик. Бир қанча дустанлар ва генераллар бор эди. Халил пошо Арқилат пошо, Жафар Тоёр пошо, Мурсал пошо ва Анвар пошо билан бирга Туркистонда курашган зобитлар бор эди. Улар ҳаммаси ҳарбий кийимда эди. Улар орасида Хайдар Тошон ва Мухиддин бейлар бор эди. Шўх қўйлар чалиниб турар эди. Тушиндимки, бу менга берилган бир зиёфат эди. Бу учрашувда бегоналар йўқ эди. Мен боғ ва тоза денгиз қумлари олдида Амир Эркалатга ва Нури пошого қараб: «Шу ерда яшашни хоҳлардим», дедим. Аллохнинг қаромати билан, тугриси, уша вақтда эмас, 32 йил утгандан кейин мен шу ерда уй қурдим ва кутубхонамни қучириб келдим.

§ 339. *Муаллим Жавдат ва Фаридбей билан суҳбатлар.* Муаллим Жавдат Туркиянинг таниқли олимларидан бири. У француз тилидан ташқари арабча, форечани ҳам билди. Мен у билан туркиёт институтида бир неча бор қўришдим. Бир вақт бу киши мен билан шяхсий бир иш бордек, мени қаҳва ичишга таклиф қилди. Белгиланган кунда эркаклар педагогика институтига келдик, бу ерда Истанбул университетида форс тили профессори бўлган Фарид бей ҳам келадиган бўлибди. У форс тилидан ташқари, французчани яхши билар, ҳатто шеър ёзишни ҳам билар эди. Уша вақтда Истанбулда француз тилининг обрўи баланд эди. Узаро мулоқотлар вақтида қанчалик француз тилини билишига алоҳида эътибор берилар эди. Биз Жавдат бей билан бирга унинг уйига йўл олдик. Унинг кутубхонаси ҳақиқатан ҳам китобларга бой экан. Бунда адабиёт ва тарихга оид Туркияда нашр этилган асарлар қўп эди. Шу билан бирга бу кутубхонада Россияда нашр қилинган нашрларни мунтазам йиғиб



киниги тили умумий фан тили бўлиши керак. Илом дунёси ҳам шу билан бориши мумкин. Олда ва Урта Осиё халқлари биргаликда ахборот мутақаддаси экан, бебаҳо халқаро комюней адабиётларини қилар қилишга эҳти бўлар эди. Ярим аср давомида билимнинг миллий тилига мурожаат тили қилди фан тилига айланган. Мен бу мақсадда бўлиб ўтган гапларни хотира даъватимга ёздим. Жавдат ва Фаридбейлар мени фикрларимнинг салбий баҳолашди. Жавдат бейни халқ билан яқиндан бу сўзларим Фарид бейни алабдиллаштирмади. Мен ёздимки, Чин, Япония ва Хиндистонда инглиз тилини эрон тилини фан тили ҳолида қўрилдиш бу тилининг Осиё мамлакатлари орасида ахборот рақибиди қилиш учун гарасидир. Рус тилини Осиёнинг фан тили қилиш ҳаёли ҳам ўз ахамиятини йукотади.

Фарид бей. Сизнинг халифат ва салтанат масаласида ун йил илалат "Билги мажмуаси" да ёзганларингиз бонга салбий таъсир қўрилди ва Жавдат бей сизга газобли мақтуб ёзди, зарур бўлса, энди эди эдиларингиз ҳам ёмон натижа беради. Сиз бундай сўзларни бу ерда боншга айтманг. Жавдат бей ҳам қўшимча қилди. "Агар турк тили боншга тили а фан тилини бўшатиб берса, мен ёзувларимни бундан сўнг ёрлангуча ё арабча ёзмам" деди.

Бу билан бир каторда Фарид бей бу ерда турк тилининг мавқенини фан тили деб боншга тилини тарк этишдан баҳс этимаяпти. Заки бей мусулмон миллатларининг тилларини Фаро нуктаи назаридан юкдаш фан тили деб айтди ва алифбо масаласининг хал бўлиши, университетларда Галатасарой тизимини татбиқ этиш муносиб эканлигиндан мунозарэ бўлмоқда. Яна инглиз тилини Урта таълим мактабларида инглизча тинглайдиган даражада қўтариш кераклигини қилди масалаларни орамизда гаплашиш фойдали бўлди, фақат матбуотда ёзмастлигингиз керак, деди.

Фаридбей либерал фикрли инсон эди. У мента шомонизмга оид саволлар беради. Исм-шарифлар тугрисида янги қонун чиққанда у ўзига "кам" шарифини яъни "шамон"ни олди. Латин алифбосини илмий тадқиқот ишларида ва техника илмида қўллаш ҳақидаги фикрларини ҳам маъқулади. Элдик йил вақт мобайнида эски ёзув билан латин харфларини қўллаш ҳақидаги фикрларимни 2 йил кейин "Янги Туркистон" мажмуасида ёздим. Бир йил кейин Истанбул университети профессорлиги унвони берилаётганда мен Фаридбей билан қўришадиган бўлдим. Истанбулга келган заҳотим танишган илм одамлар бу Фуод Қўпрулу, Фаридбей, Боязид қутубхонаси мудири Исмонил Сохиббейлар эди. Фаридбей форс тилида, Исмонилбей арабчада ўз билимига ишонадиган олим эдилар. Жуда мутаассиб ва жиддий эканлигини қўриб, муаллим Жавдатбей билан алоқа қилмадим.

§ 340. *Мустафо Шохули*. 1 июнда мен Анкарага жўнадим. Эски шаҳарда Мустафо Шохули билан ҳамроҳ бўлиб кетдик. Поезда бизга ҳамроҳ бўлган бир молия тафтишчиси билан халқаро вазият ва

туркий олам тугрисида суҳбатлашиб бордик. Биз мутлақо ҳамфикр эдик. Мустафо айтганидек, ҳамроҳимиз Туркистон воқеаларини туғқи ичида бўлгандай фикр юритади. Анкара меҳмонхонасида Мустафо менга Мозори Шарифдан сотиб олган қимматбаҳо буюмлар солиш учун фил суягидан ясалган ажойиб қутича сонга қилди. Қутичанинг ичи оппоқ эди. Мустафо унга қуйидагиларни ёзди: «Бизнинг ҳаёт ва курашларимиз хотирот учун ва бизни улкан туркий олам билан таништирган, индлий озодлик курашларида Туркистонда бир неча йил раҳнамалик қилган Заки оғага. Мустафо Шохқули, Анкара 1341 1925. Яна узининг катта фотосуратини ҳам менга беришга олиб келган экан (34-расм).

Мустафо келиб чиқиши жиҳатидан Қосим хонлари давридан қолган Шохқули санидлари номли ашраф (шарафли зотлар) енгиласидади. Бу енгиласида тарихини Вельяминов-Зернов нашр қилган Мустафо Шохқули Москвада Олив Савдо институтини битирган. У билан 1914 йили Москвада акрабосен фабрика бошлиғи Ҳасан Окчурунинг уйида танишган эдик. У Ҳасанбек кумағида яшш тарбия олди. Сиссий фандар билан ҳам шуғулланди. Сиглиси Сора билан бирга Леон Каёнининг туркийлар тарихи борасидаги баъзи мақодаларини таржима қилдилар. Икковлари ҳам 1907 йилида бизнинг Мухторият тугрисидаги фикрларимизга чин қўнғилдан қўнғилди. Москвада тутилган «Россия Давлат Шуроеси» йигитида баъзи талабалар билан бирга уштариесларга қарши чиқишди. Мустафо 1918 йилида Россияда қилгандан сўнг Швейцарияда олий таълим олган сийлиси Сора Шохқулова билан бирга Бошқирдистон ҳукуматининг иктисодий муассасаларида иш қилдилар. 1920 йилида Мустафо биз билан Бухорога келди ва Усмон Хужа билан бирга Шарқий Бухорога бориб, у ерда босмачилар ургасида мубоширлик вазифасини бажарди. Анвар ношо қилгандан кейин ҳар доним унинг хузурисда, кейинчалик Ҳожи Соҳни билан бирга хизмат қилди. Мустафо она томонидан Юсуф Окчура, Немола Гасирали оналарига қариноқлиғи бор. Фореча ҳам ўргатди, чингаой адабиетини жуда севарди. Аҳмад Ясавийнинг барча кўлемта тўпламларини ўрганиб, шеърларининг тўлиқ бир мажмуасини тўлди, лекин у ҳамон нашр қилинмаган.

Анкарада тутилган меҳмонхонамизнинг бизга ажратилган хонасида қаровчи йўқ эди, понга тушақлар тушадик. Мустафого бу жуда еқиб туғиди, уэ қўли билан бухороча палтов дамиди, май ва Туркия етукларидаю келтирган эди.

Бошқирдистонда қолган онасен билан сийлиси Сорани кўрсатди, хўйтае йилдади. Мен унга Анвар Навоийнинг

*«Не вельматхи ери»* деген уштарие киши

*«Низ»* деген уштарие ерида аштарие

деган шеърини ўргатдим. Бу шеърини у такрор такрор эстали

Севимли Мустафомнинг уксиб-уксиб йиғлаганига мен ҳам қушилдим. Мустафо 1918–1923 йиллардаги озодлик ҳаракатларини бир хотира китоби тарзида ёзди. Бир нуسخаси менинг кутубхонамда, расмлар нуسخаси Колумбия университети архивида сақланади. Профессор Э. Олворт ҳам узи учун бир нуسخа тайёрлатди.

Биз турк консули Сомибей билан учрашдик. 2 июнда эса Хамидулло бей билан суҳбатлашдик. Аез Исҳокий ва Фуад Тухтар менинг устимдан бу ерга – Хамидуллох бей ва ҳукуматга хуфия маълумот ёзибди. Хамидулло бей бундан мени хафа бўлмаслигини айтиб, бу хатда баён қилинган маълумотлар бизни ватанимиз муаммолари Туркияга ҳеч қандай алоқаси йук ва шахсан узи бунга жавоб беришини билдирди. 4 июн куни Хамидуллох Субҳи бей Туркия марказида мажлис туплади ва мен турк тилини яхши билмаслигим учун аввалдан узра сураб, туркий халқлар маданиятидан маъруза ўқидим. Мени шу уюшмани маданий ишлар бўйича хайъатига аъзо қилиб олишди. Бу хайъатни эса Самих Рифат бошқарар экан ва бунга Юсуф Окжўра Фуод Купрулу Велад Челоби ҳам аъзо эканлар. Биз расмларга тушдик.

§ 341. *Туркия фуқаролиги.* Бугун мен ва Хамид Зубайрга туркия фуқаролигини беришди. Газетада эълон қилинган Туркия президенти ва ҳукумат аъзолари имзоси билан қарор қўйидагича эди:

Қарор № 2032

Бош Вазир девонхонаси

Узларининг туркий халқлар тарихи ва адабиёти соҳасидаги талқиқотлари ҳамда асарлари билан танилган маориф Вазирлиги тошвириқларини бажариб келаётган Заки Валидий ва Хамид Зубайрбейларини тимосиваистакларини инобатга олиб, Вазирликнинг 3 июн 1341 йил 3840-8240-сонли Туркия Республикасининг фуқаролигини бериш туғрисидаги тавсияномасидан келиб чиқиб, Вазирлар маҳкамаси қўйилган масалани муҳокама қилгандан сунг 3 июн 1341 йил қабул қилган қарорига қура юқорида номлари зикр этилган шахслар Туркия Республикаси фуқаролигига қабул қилиш туғрисида қарор қабул қилди

3 июн 1341

Туркия Республикаси Президенти

Ғозий Мустафо Камол ношо

Бош вазир  
Немат

Ички ишлар вазирини  
М Д Жамил

Миллий муҳофаф вазирини  
Д-р Гафик Рошто

Ражаб Покар

Денгиз ишлари вазирини

Аҳлия вазирини

Қишлоқ хужалик вазирли

Меҳмет Сабрий

Молия вазирли

Сулаймон Сирри

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таълим вазирли

Д-р Рофик

Маориф вазирли

Ҳамидуллоҳ Субҳий

Бу қарор қабул қилингандан сунг мен маориф вазирлини қолдириб таржима ханзалига аъзоликим, қонуний мақом олдм. Энди мен маориф ҳам ола бошладим. Ҳукумат қарори ички ишлар вазирлиги ва юборилди у ердан Анкара вилоятни бошикармаларига ва менга паспорт берадиларини шаҳарнинг Ҳожин Хил маъдасига хужжатларимни юборилди. Ленин маъдаси қатъан мендан бирор нарса таъма қилдики ёки бошқа сабабларимни уюқ вақт рўйхатга олмади турди. У шундай дерди: «Агар Мустафо Камол ноёти Туркия президенти булса, мен Ҳожин Хил маъдасининг президентиман. Вақтим ва қайфиятим буларига рўйхатга олмади». Мен бу вазиятда рўйхатга оладиган район ва қуниб ўтишим лозим эди ва бошқа жойдан икки ҳолати уй олдм. Унинг икки томонида ҳам хашақ уюмлари гула эди. Оқшом пайтида уйимни енига шак боғлашдан булиб тез-тез ҳам раб турарди.

Анкараликлар у вақтда тор кучасларда ҳеч қандай санитар ҳолатига эла бўлмаган, доимий енгин хавфи бор уйларда яшар эдилар. Мен уйга ижара ҳақини гулаб меҳмонхонада яшасим, чунки бу уйда оиласиз елтиз эркаларини яшашига руҳсат йуқ булиб, қолаверса, бу уйда тахтакана жуда кўп эди. Шаҳарнинг дастки қисмида чивиллар сероб эди. Мен ўзимни кулезмаларим ва китобларимни маориф вазирлиги биносига жойлаштирдим. Анкарага келганимдан кейин биринчи навбатдан муҳим юмушим бу кулезмаларни ажратиб ва китобларни бир тартибга келтиришдан иборат бўлди.

**§342. Анкарада булган ирри ташаббуслар.** 4 июнда Истанбулдан Усмон Хўжа билан Назир Махзум (аввалги Бухоро ҳукумати молия вакили) келди. Улар ҳам фуқаролик олий билан машғул эдилар. Энди Туркия фуқаролари булганимизда, Туркистон масалалари билан қай йусуфда шугуллана олишимиз туғрисида гаплашдик. Мақсадимиз, келгуси 1926 йилда Париждан Мустафо Чукайини чақириб, Истанбулда Туркистон Миллий Бирлиги конгрессини гуллаш эди. Европада ТМБ ишларини вакилларимиз Мустафо Чукай билан Мустафо Шохқудин бошиқаради. Абдулқодир билан биз икковимиз Истанбул университети ҳаётига аралашиб, Усмон Хўжа ҳамкорлигида «Янги Туркистон» номли журнал чикараимиз. Бу журналда Туркистоннинг тарихи, адабиёти, ижтимоийети, иқтисодийети туғрисида илмий мақолалар босилади. Бу



ердаги Шууро мухлислари Урта Осиёда «Миллий чегарани белгилаш» сессатини амалга ошириш мақсадида Туркистондаги мустақиллик ҳаракатини бир бутун миллий ҳаракат деб қарашига қарши чиқишди ва бу соҳада жиддий чоралар кура бошладилар. Буни назарда тутиб, татар, бошқирд, қозоқ ҳаракатларини ҳам бир бутун кураш ҳаракатлари тарзида кўрсатиш мақсадида Ҳазор денгизи атрофидаги турклар учун «Туркистон ва шарқий турк эллари» атамасини қўллашга, йиғилишларини ҳам шу асосда умумий тарзда уюштиришга қарор қилдик. Бу йиғилишларнинг бири Юсуф Окчурабейнинг уйида бўлди.

6 июнда Россияда қолган хотиним Нафиса Туркияга ўтишга руҳсат олишига ёрдам қилишларини сураб, хорижий ишлар вакилликсига ариза бердим. Бу иш ҳусусида Тавфиқ Рундий ва Аҳмад Ҳикмат бейлар билан бағавсел гапиранидим. Ушбу кунлари Маориф вазири Ҳамдуллоҳ Субҳий топшириғига кўра Туркияда «Фанлар академияси тузиш учун, «Туркия археология жамияти», «География жамияти», Академияга алоқадор «Турк тарих институти», «Турк тили институти» тузиш учун тайёрланган низомларни тасвир қилдим. Бу Низомларни Геттингендаги «Германия Фанлар жамияти»нинг немисча низом ва қопуллари асосида тайёрлаб бердим...

10 июнда «Турк маркази» йиғилишида ҳамкасбларга мени таништирдилар. Шу кунни Абдулқодир билан Чинг-қоя туманидаги «Қовоқли» кишиликсига бориб, Валад Чалабийга меҳмон бўлдик. У гарб тилларини билмас, аммо форс тилини, тасаввуф адабиётини яхши биларди. Чалабий нашр этилган ва қўлёзма туркий лугатлардан фойдаланиб, «Қутадғу билиг» асарини усмонли туркчасига таржима қилибди. Валад Чалабий уйида биз бу мавзуда тўрт соатча суҳбатлашдик.

11 июн куни яна «Турк маркази» жамиятида йиғилиши бўлди. Унда жамиятнинг фахрий аъзолари Самиг Рифъат, Аҳмад Ҳикмат, Ҳамид Зубайр, Ҳасан Шарид, Иззат Унвай ва бошқалар бор эди. (Маориф Вазириликда) маслаҳатчи Нофий Отиф илтимоси билан мен Туркия илм-фанларини халқаро микёсда ривожлантириши тадбирлари ҳақида ахборотимни уқидим. Ахборотнинг бу нуسخасини Ҳамдуллоҳга топширдим.

Туркия ички ишлари вазири Жамолбей самимий, очикқўнгил инсон экан. У мен билан расмиятчилик қилмай, дўстона муомалада бўлди. Бирор муаммо туғилса, ҳар қачон келинг, ёрдам қиламиз, деди. Бу сўзлардан кўнглим равшанлашди. Гохи пайтлар уни кўриб турдим.

§ 343. *Жалол Унсийбей.* Мен 16 май кунни Жалол Унсийбей билан куришдим. Бу инсон Озарбойжон туркийларидан бўлиб, Исмоил Гаспаралидан аввал Тифлисида «Қашқул» номли туркий тилда газета чикарган эди. Мен уни вафот этган деб уйлаб юрардим. У тирик экан. Ҳотир Туркияда яшар экан. Эрон ва озарий туркий адабиётига кизикарди. Бу инсон Хулисийбей исмли гилам савдоси билан

шугулланадиган савдогар билан танишгярди. Унинг келиб чиқиши туркистонлик узбек эмас, крим узбек уругидан эди. У ҳам форсий тилини ҳамда Олтин Урда даврида Қримда ёзилган адабий ва диний асарларни яхши биларди. “Девони” Хофизийдан фол очарди. Менга бир марта ажойиб бир фол очиб берди. «Сен Хоразм ва Хужандга борасан.” Жалол Унсий эса, агар Самаркандга бориб қолсанг, Амир Темурга саточимни етказ», деб уртага тушди. Иккинчи бор учрашганимизда, Жалол Унсий унга: «Закибейга Хофиздан яна бир фол очиб берчи, балким у мени сафарга бирга олиб кетар». Бу сафар самимият билан: Туркистонликлар сени яхши кўради. Сени зулфинга Чин ва Ҳиндни ҳая қилади.”

Жалол Унсий бей: Хожа Хофиз сен билан жуда самимий. Сенга яқин дустри каби маслаҳатлар беради. Мен 30 йил шу ердаман Лекин Хофиз менга ҳеч нарса айтмади, деди. Жалол бей Хулисийбейга хитобан, “Энди мен учун ҳам оч”, деди. Унга: “Ҳасадчи одамлардан эҳтиёт бул!” деган фол чиқди. Жалол Унсий менга хитоб қилиб: “Бу фол сенга тегишли экан чунки менинг даврим утган. Ортик менга ҳеч ким бахиллик қилмас”, деди. Мен “Булади, чунки Али Қушчи Истанбулга келгандан сунг Самарканддаги дустларига ёзган мактубида, бу ерда бахил одамлар кўп экан, фақат султоннинг бағри кенглиги айтган экан, дедим. Жалол Унсий бей тапқи ишлар вазирлигида рус тилидан таржимонлик қилар эди 17 июн ойи. Мен буш вақтларимни Туркистоннинг тарихий географиясига оид катта асарини ёзиш билан утқаздим. Бирок Анкарада керакки китоблар ва кутубхонам йук эди. Зотан Ҳамидуллох Субҳи бей Берлинга жунатган мактубида мени тарихдан сабоқ бериш билан шугулланишимни ёзган эди. 10 июн куни безгак касаллигига чалиндим, икки кун ётдим. Ҳамидуллох Субҳи бей маслаҳатчи Шофий Отиф бейни менинг ҳолимни билиш учун жунатди. Хонам қулай эмаслигини кўрган, Отиф бей бу хусусда ердан қилишини айтди.

344. *Профессор Саломович*. 5 июль Маориф вазирлигидан менга кўнгирак қилиниб, Ога ўгли Аҳмад «Турк Юрду» журнали муҳарририяти билосида сиз билан учрашмоқчи, дейишди. Маълум бўлишича, Анкарага тапқикли туркушувос келган, мен билан учрашмоқчи бўлибди. Мен учрашувининг соатиини унга куни Вақф Хоналари деб атайдиган мавзегга яқин бир ресторанига белгиладим. Саломович иккилобгача менга жула яқин дўст эди. Дўстлигимини 1911 йилдан мен туркман пиюри Маҳтумқули ҳақида мақолалар

\* Hahz-eu terk-i gahze-i Turkai nashkuni, Dahi khosni say-i to? Kharezi va Khosni!

\*\* Dostim o' nest-i to usbi chmfo i Turkistan  
Be Cho-i zult-i to Maen u Hmof dade kharae

эълон қилганимдан сунг бошланган эди. 1921 йили мен билан учрашмоқчи булиб, Бухорога келганди. Мен бу ҳақда ёзганман. Унинг Бухорога ташрифи большевиклар топширғи билан уюштирилганлиги бонс у билан учрашмаган эдим. Менинг кариндошим Бойишев билан суҳбатлашган вақтда мен кушни хонада эдим. Лекин уни олдига чиқмадим. Ўзбек шоири Абдулхамид Чулпон орқали мени топишига ҳаракат қилаётгани маълум булгандан кейин ҳатто шоир дустим билан мулоқотларимни тухтатишга тугри келди.

Ҳозир эса Самойлович уртаимзда ҳеч бир гап булмагандай, Бухородаги воқеани эсламасдан узини эски кадрдон дустдай тутишга ҳаракат қиларди. Мен эса бу учрашув ҳам аввалгидай маҳсус топширикка биноан ҳаракат қилаяпти деган фикрда эдим. Мен унинг қачон самимий очик суҳбатга ўтишини кутдим. Бирок у фақат илмий масалалар тўғрисида суз юритди. Икки кун утиб биз яна учрашдик. Мен Берлинда Крестинский билан учрашган вақтимда айтган: «Сени рус олим дустларинг жуда ҳурмат қилишади, бу ердалигимда ҳам уларни унутмасдан алокани давом қилди. Вақти келиб фанлар академиясида Бартольднинг урини босадиган одам сен, фақат фуқаролигингни узгартирма», деган гапларини Самойлович ҳам сузма-суз такрорлади.

Мен оилам ҳақида гап очдим. Агар мен улар айтгандай қилсам, ҳаммаси яхши булади, ақс ҳолда оилангни чикишига руҳсат бермайди, – деб жавоб берди у. Укам Абдурауфни менга буюртма хат билан юборган кўлөзма асарларим, айниқса, нугойлар ҳақида ёзган асаримни менга етиб келмаганини айтдим. У булар ҳам сиёсатга боғлиқ ишлар булса керак, – деди. Кейин биз бирга кинога бордик, бошқа мавзулар тўғрисида суҳбатлашдик. У менинг Туркистонда босмачилик ҳаракатларида раҳнамолик қилганлигим ҳусусида ҳеч нарса гапирмади. Шу сабабли ҳам у менда шубҳасиз қандайдир мажбурият юзасидан гаплайяпти», деган тушунча қолдирган эди. Аҳмад оға угли унга менинг фанлар Академияси ташкил этиш тўғрисидаги лойиҳа тўғрисида гапирган экан, бу уни жуда қизиқаётган экан. Туркияда мустақил илмий марказ ташкил қилиш гояси унга ёқмаганлиги тушунарли бир хон булиб, у бундай ишларга русларни маслаҳатчи қилишни хошлаётганлигини аниқ айтди. Мен бу лойиҳагина холос, – деб қўл силтаб мавзунини бошқа ёққа бурдим. Лекин у яна такрор сўради. Шунда мен: – Бу маориф вазирлиги ваколатидаги бир масала,

<sup>1</sup> А. 3. Валидий 1913, 1914 йиллари Туркистон бўйлаб амалга оширган илмий-ирхсононафлик ишлари ва тасвиротлари довомида Оренбургда нашр қилинган «Шўро» журналинда туркман шоири Маҳтумқули ижодий меросини баён қилиб туркум мақолалар илал қилган. Булар «Маҳтумқули Девонин» // Шўро, 1913 йил, 12-сон, 157-160-бетлар, 13-сон, 193-195-бетлар; «Маҳтумқули Девонин» Маҳтумқули шоирларини кўрсатиқч. // Шўро, 1913, 14-сон, 424-427-бетлар, 15-сон, 458-460-бетлар; 16-сон, 491-494-бетлар, 17-сон, 522-524-бетлар.

буни яхши билмаган. — деу жавоб килдим. Мен фанлар Академияси хувида Туркия мислий таълим вазирини яна уз фикрларим баъани кун мартабдо едим, лекин бу дойиҳага қарши чиққанлар русларга яқин бўлган сул доирадаги кишилар эди. Бунинг мен кейинчалик турк энциклопедиясини чиқарувчи Ахийбевдан билдим, чунки мажмур масалада у билан фикрдош эрик. Ким билгани, балким Самойлович айтоқчи бўлмагандир. Оқибатда баъзицевиклар унинг унинг ҳам узидири. Мен у билан бундай маъносиз суҳбатларни тухтайдим. «Мен инди Туркия фуқаросиман ва Туркистонданги олодлик қариниши тарихини едим, Сизга яна нима керак, менинг эски қалрдон дусим Александр Нихазевич. Русларда самимийлик қатмади. Сиз индишларни бутун дунёга ҳукмрон бўлиш ҳақида и гоилар миятизини захарлади, шу билан эркинлигини дустлик ва ошқоралик каби хис туйғуларинингизни уз ихтиёрларига бўйсунирди. Қандай қилиб сиз Бухорода мени изимдан қувиб пасткашдикка бордингиз? Василлий Владимирович (Бартольд), Игнатий Юданович (Крачковский) лар бу шуни тутармиди?». Бу гапларни эшитиб Самойлович ранги оқари. Бухорода айтоқчилик қилмадим ва бу ерга ҳам ҳеч қандай қурбатга билан келган эмасман», деди. Ганимин давом эттирдим. «Сиз хали 1922 йили Москвада, Шарқ университетиде ва Фанлар академиясининг филология бўлимида Россия кул остидаги туркий халқлар учун рус алифбоси асосида 19 та адабий тилни шакллантириш масаласи кутарган рус туркологлари орасида бўлмаганман дерииз? Мен урталарнингизда бәрча туркий тиллар ўрнига ягона лотин алифбоси тарафдори бўлиб чиққан жасур еш олимлар ҳам бўлган, деб эшишим. Шунинг айтиш керакки, шаркий туркий халқлар уртасида умумий адабий тил вужудга келтиришга йўл қўймасликка ҳаракат қилмаганлар узларнинг алифбаларини фонетика асосида ҳар бир мустакил туркий тиллар учун алоҳида тиллар вужудга келтиришга йўл қўймадилар. Бунинг оқибатида эса кам сонли туркий халқлар узларига яқин бўлган қардош халқлардан ажралиб қилиб, киска бир муддат ичиде руслашиб, йуқолиб кетиши мумкин эди. Булар ҳусусида мен Туркистондан Эронга чиқиб кетишдан икки кун аввал Ленинга йўлдан мақтубимда ҳам ёзган эдим. Мен ҳозир Туркиязаман ва шу ерда қоламан. Сунги марта сиз Анқара ва Кони оралиғида шу ерлар узлаштирилмай абалый қолаверди деган узингизни ҳамда Страбон фикрларини айтиб утган эдингиз. Утган асрда баъзи одамлар турклар утга ҳудудларни забт этиш билан банд бўлганлиги боис Онадули кимсасиз жойлар бўлиб қолаверди деб айтишган эди. Ҳозир биз куриб турибмизки, турклар ана шу шу ерларни обод қилиш ва узлаштириш ишларига бәрча имкониятларни қаратмоқдалар.

Менинг фикримча, Анқара шаҳрининг Туркия пойтахти деб эълон қилиниши бу Туркиянинг истиқболи эмас балки бу буток келажатига ишорадир. Вақти келиб шу бу ерлар кўм-кўк ййлов ва экинзорларга

таълимиди. Анкара эса саккизи-ун миллион туркларга бошлана бериб  
турк маданияти маркази бўлиб қолади. Академиянинг шунинг этакки  
профессори Крижакановский бир ҳамкаеби йилдан урга Шарқда  
Россияни электр энергиясига булган эҳтиёжи учун маъна кидирини  
режаларини уйлаб Араке дарёсининг қурилиш жойларидаги  
Электр. Мехотя ва Днербакир шаҳарларини келажакдаги саноатин  
ривожлантирини баъси ва электрстанциялар бирю этиш сифатида  
белгилаб қуилишган эди. Бу учқаша шаҳарда ҳам яқин келажакда  
миллионлаб турк саноат ишчилари меҳнат қилишадн.

Туркий тиллар мустахкам қарор топиб бораверди, арман ва курд  
тиллари тамомидан уни сикм чиқарини хавфи йук бўлиб кетади.

Россия уз кул остидаги туркий халқларини ютиб юборғунига  
қадар рус миллатига ҳос булган утакетган очкузлик унинг уз бошига  
балонлар келтиради. Ана ушанда Александр Николаевич, сиз билан  
авваллидай дуёт бўлиб қоламиз. Авваллари очкузлик бу даражада эмас  
эди. Ва менга Қуръон сураларини ва «Евгения Онегина»ни бир вақтда  
урганишимиза туюқинлик қилмас эди. Ҳозир Россия уз ҳукмронлиги  
остида қолган бирорта миллатга ҳам яшаш ҳуқуқини бермаяпти.  
Севикли хотинимнинг бу ерга олиб келишимга руҳсат беришларини  
сураб Ленинга, Крестинскийга мурожаат қилдим, лекин улар бу  
вазиятдан менга азоб бериш учун фойдаланмоқчилар».

Пиво менга таъсир қилганга ўхшайди. Самойловичнинг ҳам  
кайфияти тамоман бузилди. Биз ажралишдик. Мехмонхонага  
келшим биланок бу суҳбатлар тафсилотини батафсил ёзиб қуйдим.  
У билан бошқа учрашмадик. Бир йилдан кейин маърузалар ўқиш  
учун Истанбулга келган профессор Бартольднинг хотини менга: «Сиз  
билан Анкарада суҳбатлашган Александр Николаевичнинг узи ҳам  
хафа бўлмоқда, сиёсий ишларга аралашганлигидан азият чекмоқда»,  
деди.

8 июл куни Истамбул шаҳрига ҳозир вафот этган Петербург имомни  
Мулла Лутфий қучиб келди.

9 июл куни эса миллий мудоффа вазири Ражаб Пекербейнинг  
ишхонасига ташриф килиб, Туркистонлик сафдошларим Маъмур  
Инёзий ва Мустафо Шолқулибекларни ўзларига муносиб вазибаларга  
тайинлашларини иттимос қилдим. Иттимосимни яхши қабул қилди.  
Вазир асли доғистонлик эди.

§ 345. «Хусайн Ғозин тоғи. 1925 йил 17 июл Амир Темур бидан  
Боязид ўртасида уруш майдонларини ўрганаётиб Анкаранинг  
жануби-шарқида Хусайн Ғозин номли тоққа чиқдим. Кизил хисорда  
бир дехкон: "Нега бу ерларда юрибсан, бирортаси келиб сени

\* Буилди йилдишим турк султону (1389-1402) ва Амир Темур ўртасидаги келтга  
уруш хижрий 804 йил худдижама ойининг 19-си, жума куни (1402 йил 20 июл) содир  
бўлди.

ушлайди-да улардан. Деди мен: "Темур билан Боязид уришган жойни куришни истайман, дедим. Ха маини, бироз шу тепаликка чиқамиз деди ва у ердан Чубук пасттекиелиги деб номланган жойдаги жанг жойларини узокдан кўрсатди. Сиз буларни китобдан ўқиганмиёиз, деб сурадим. У: "Ўк, бизнинг кишлоғимиз аҳолиси Хуросондан келган, биз Темурни севамир. Зотан Боязидни Темурга қарши қўйган турклар эмас, балки серблардир. Қайтишда бизникига кириш", деди. Мен яна юқорирокка, сунг эса тоғнинг чуққисига чиқдим. Ҳаво жуда совуқ эди. Тоштар орасидан шох ва тезаклар териб, олов еқдим. Сумкамда бир неча хом картошка бор эди. Мен уларни чуққа кўмдим. Сумкамдан мисдан ясалган кураини олиб чала бошладим. Бирданига узокдан одамларнинг товуши келди. Улар европаликлар эди. Немис, француз ва швед давлат темир йул муҳандислар эди. Мени олдимга узардан беш киши келди. Менга кун егулик, товук, Европа пишлокларини, виеки ва цароё келинракалар. Кўрканимдан уларга немисни айтмадим. Европа пайида бирорга сўз айтмадим. Бирок икки кун ўтиб миллий мудоффа вазирлигини қабулхонасида улардан бири олдимга келди. Мен танишим бўлган австралиялик билан келган эдим, у билан танишдим. Картошкани ким оловда пиширгани ошкор бўлиб қолди. Кейин улар билан дўстлашиб кетдик. Хусайн Ғозин тоғидан, Чубук текислиги урўшларини ўрганиш учун етарли эмасди. Уша вақтда хали Умар Ходис пешонинг харитаси йўқ эди. Кейинроқ мен Уша янги танишим швед ва лицейнинг бир тарих ўқитувчиси билан жанг бўлиб ўтган жойларни Эсонбога, Читал тепа ва Ёвбасанларни отда айланиб чиқдик. Ёвбасандан шибла юриб Юсуф Окжур Кечиноронадаги ўйнак келдик. Уша вақт Анкара атрофида эски миллий кийимларини саклаб қолган нугай муҳожирлари бор эди. Улар бошларига Марко Плато айтган "бел-тоғ", "севағали", синар адиллар, Бозорга "қурут" олиб келиб сотишарди. Мен уларнинг уйларида меҳмон бўлган эдим. Дам олма: кушларини эса кўпроқ Хаймона тоғидаги кишлокларда ўқидим.

§ 346. Ғози Мустифо Камол билан учришуу. 31 июн пайшанба Кўрбон хашити. Бугун Ходжи байрам маъжидига хайит номозига бордим. Халқимда туркий ўлкалардаги русларнинг зулми эди. Деворда бир интак сечихда ёзилган бу байтни ўқидим:

*Kasatni gerdan yikiler bir albe davanniz,  
Sanna ki canlar yatkanin can davanniz.*

Байтнинг ўзбекчаси:

*Чархлардан ойналар, бир оғда таянмас,  
Уйлама буя, жонни еққаннинг жонни еқилмас.*

Афгон элчиси Аҳмадхонни байрам билан кутлашга келдим. Бу девордаги ёзувни тушунтирдим. У “Мен у ёзувни кўрдим ва бу шаклда форсчага таржима қилдим”, деб ўзининг таржимасини уқиди. Жуда гузал эди. Ўз-ўзимга айтдимки, Афгон элчисини зиёрат қилдим. Мустафо пошони ҳам зиёрат қилиш вақти эди. Енимда Ҳошим Похидбей бор эди. У француз тилини яхши билар эди. У Туркиянинг утмиши ва келажигига доир кизиқарли асарлар ёзиб, нашр эттирган эди. Мен билан ҳам бу мавзу асосида суҳбатлар қилди. Унга қараб: “Ғози Мустафо Камолникига Қурбон хайнти билан табриклашга бореак қандай бўлади?” У: “Ғози мажлислар биносида зиёратчиларни кутмоқда”, деди. У ерга бордик. Бизни яхши кутиб олдилар. Мустафо Камол менга: “Сизни анчадан бери кутамиз”, деди. Мен Президентга: “Хузурингизга келганимда ёнимда туркия фуқароси” деган ҳужжат бўлишини кутдим” дедим. Пошо қилди. У жуда марҳаматли инсон эди. Бир ордан сўнг “Бизда Сузинак деб номланган ёкимли куй-матал (мақом) бор, Туркистонда ҳам шу қаби мўғом борми?” деб сўради Камол пошо. Мен: «Бу балким бигда “Бирбўғ” деб номланган қушиқдир», деб жавоб бердим. Камол пошо мен билан аввалдан танишдек, савол бериши жуда ёқди. Мустафо Камол пошо билан бир канча учрашган пайтдаги суҳбатларим хотираларимнинг Туркияда бир профессор сифатида фаолият олиб борган даврга оид қисмига киритиларди. Буни ёзиш менга насиб этадими? Ҳақи 45 ёшлардаги Ғози Мустафо Камол менда яхши таассурот қолдирди ва у билан қилган суҳбатим ҳаётимнинг иккинчи ярмини бошланиши бўлиб қолди. Эшиқдан чиққанимда мажлис депутаты Салих Рифатбейни кўрдим. “Камол пошо билан кўришганингиз яхши бўлди, табриклайман!” деди. Мен: “Одамни хижолат қилманг”, дедим. Рифатбей “Камол пошо Мўғом ҳақида беҳуда гап очмади. Унинг маъноси бор. Пошамиз, бarchа туркий халқлар маданияти ўша мўғомларда ўзини намоян қилади, деб ҳисоблайди.

1967 йил, 18 феврал





газ топилишидан кейин бамисоли осмонда тирмашадиган баланд бинолар, яъни маҳаллалар қад рўстлади, қадимий давр маданиятини ўч берида сиқлаб келадигин баланд деворлар бузилди, улар ўрнида автомобиль йўллари қурилди. Бу ерда 1963 йилгача 3,3 млрд м<sup>3</sup> табиий газ қўйиш ишлаб чиқарилиди. Бу ерлар Россиянинг тарбый қисмидан қўйлаб эдимлар кўчириб келтирилиб, қўлга киритилган газларин айнан ана шу Россиянинг тарбиди жойлашган саноат марказларига олиб борилган 3500 км узунликдан газ қувурлар етказилди. Бу ерда кичик бир шаҳарча сифатида шир этилган факатгина Эришкан даставларига алоқадор бўлган Нукуе бугун Москва билан Хинистон ва Цокнестон арсендан ҳаво йўллариини боғлаб турувчи инг муҳим нуқтасига айлиди. Қозонистонда текки Угуларнинг ердари хисобланган, амонаманда қўшир ва мис ишлаб чиқариши ҳудуди сифатида ташилан "Арқа да Бошқунтур бугун Шўролар давлатининг космик тадқиқотлар марказига айланган 1932-1933 йилларда Қозонистонда 3 хон киши очарчиликдан ҳалок бўлган, 20 йилдан сунг (1983 й.) бу ўлкада "боқира ерлар " деб номланган ҳудудлардаги 20 млн. тектар ер майдонини рус мухожирлари кўчириб келтирилди. Рус мухожирлари кўчириб келтирилгандан сунг, ишғол этилган "боқира ерлар"нинг майдонини 1963 йилга келиб 27 млн тектар ерни ташкил эди.

Нижожад, қозоқларнинг сони Қозонистонда 25 фойига тушиб қолган эди. Бу ерда шунинида Бошқирдистонда ҳали нефт ишлаб чиқарилаше эди, ҳошар ва Бакуга қараганда 4 хисса кўпроқ нефт чиқарилаганини 1963 йилда Татаристонини Тоймази қилларини ҳам қўшиганда 105 млн тонна нефт ишлаб чиқаришган эди. Шахта терими ҳажми, тешир ишлаб чиқариши, гидро тоғ-қон саноатини ва энергетикани ривожланишига оид Совет иттифоқининг кўрсаткич рақамлари, яна ҳамма жойда маҳаллий аҳолини қамайиб бориши, рус мухожирлар сонини ортиши, тилини рус таштириши каби кўрсаткичлар авенча параллел равишда қамайиб борган. Маҳаллий аҳолини сонига кўра мустанлакчи мухожирлар қўнчиликини ташиқи этиши боис ўрлик ўлкаини енебати Шарқий Туркистонда ҳам Хитой коммунистлари кўнлаган айни ҳуштар бичан, балким ундан баттарроқ бир шаклда тафиқ этиламоқда. 1943-1957 йиллар орасида Цишжангда хитойликларнинг сони 6 фойедан 46 фойсгача кўтарилган (The Guardian 21.06.1969) айниқса, Цишжаннинг саноатлаштирилган шарқий ҳудудларида мухожирларнинг сони шибати 1946 йилдаги 2 фойедан 1966 йилга келиб 45 фойсга чиқди (Central Asian Review, XV, 1967, N 3, s.255). Яъни, рус ва хитой мухожирларини кўчириши мустанлакчилик енебати текки бир ол қойласига ухшарди.

III. Мен ҳаётинини сунг 44-йилини аммунитет билан утганан Туркия билан Туркистонини бу янчи ҳолга енебати раққослаши бир арчиқ ҳақиқатдир. Ушқани ва турк миллатинини мустанлакчи

қисас ривожланишига сабаб бўлди. Бугун Туркия армияси қудрати ҳеч қачон бу даражада бўлмаган. Туркиянинг обрў-эътибори дунё чикесида ҳам ортди. Иқтисодий қудрати ҳам ўсди. Хати 1913 йилда мен Туркиянинг келажаги ҳусусида қурқув билан баҳа юритган эдим. Ваҳдалики, бу мамлакатда теократия батамом бартараф этилди ва утган йили апрел ойида Раваптиндида тўпланган мусулмонларнинг халқаро конференцияси Туркиянинг мусулмон олами, янгиланиш ва теократиядан озод бўлиши айрим камчиликларга қарамадан, бошқа мусулмон давлатлари учун намуна бўла оlishини кўрсатишди. Рус физик олимлари 1920 йилда Арақе дарёси хавзаларини ўрганаётганда, Фирот ва Дижле бовиларини ҳам Олд Осийнинг қудрат манбаи бўлишига, русларни "яратиш қудратига" муҳтож эканлигини эътироф этишди: ҳозир эса у ерларни миллатимиз ўз ирода ва қуч-қуввати билан Туркияни сановатлаштиришдаги, қайта қуриш ва электро-энергия ишлаб чиқариш ҳудудига айлантиришмоқда. Кўприк ва денгиз ости тунеллар ишшооти, соҳилларни икки томони билан бир-бирига боғлаган, Туркияда миллионлаб турк яшайди, турк тили ва миллий маданияти ҳукмрон бўлагани боис, дунё маданият марказларидан бирига айлантиришади.

IV. Фақат Туркиянинг ва бой нефт манбаалари соясида сурат билан ривожланаётган Эроннинг қон қазини усуллари тўғрисида Россия Осийни ўзига тўқе қилишидаги ташаббуслари ортиб бораётган эди. Россия Оқ денгизга чиқди. Нил дарёсида эса мисрликларга тўғонлар қурди. Хиндистонда коммунистик ҳокимиятни ўрнатиш йулида бор қудратларини ишга солишмоқда. Ҳозир Чехословакиянинг ишғол этилиши шунини кўрсатмоқдаки, бир вақтлар Россиянинг Австрия ва Эрон Озарбайжонидан воз кечиши, бу бир тактик йул экан. Уртаер денгизда, Олд Осие ва Жануби-шарқий Осие ҳудудларида ўз мавқенини мустаҳкамлашга интиляётган, шу билан бирга Каспий ва Қора денгиз мавқасида мавқенини сақлаш йулида Россия Афғонистонни батамом ишғол этиш режалари устида ишламоқда. Менинг утган йили (Нилдиз қирқилишига қараган Урта Осие Жамиятининг икки аъзои билан биргаликда) Шимолий Афғонистонга қилган саёхатим ҳақида сўзлаётган билан хотираларимни ишқорлашим мумкин эди. Мозори Шарифда дунё айтишларидан ҳабардор эканлиги кўришиб турган Бухоренинг қўнғирот уруғига мансуб бир ўзбек мухожирини шундай деди: "Қўнғирот мухожирлар Туркияга кетилиши орзу қилишяпти, бақилларимиз эса Россияга қайтиш истатидамиз. Аммо мен шу ерда қоламан, чунки Россиянинг ўзи бу ерга келмоқда. Хиндистонга Ҳирот ва Мозори Шариф шаҳарлари орқали оғир танклар утадингиз бетон йўллар қуришяпти, бетон йўлларни қалинлиги баъзан жойларда 1,5 метрни ташқил этмоқда. Русларнинг Хиндуқшдан ўтиб Кашмирда жойлашгани ниетлари бодлиги аниқ бўлиб қолди. Қизил Ҳитой шундан йўл бизни Тибетгача етиб боради эди. Русларнинг бундай агрессия

ҳаракатлари энди фақатгина Туркистон учун муаммо бўлиб қолмай, балки, барча осиеликларнинг бошига келаятган бало бўлиб қолади. Ҳозир мен мана шу сатрларни ёзар эканман, Фаробда "Россиянинг Осиёдаги асосий мақсадлари" мавзусида мақолалар ёзилаётгандир. Немис донишмандларининг фикри шундай: Россияни Осиёга нисбатан бўлган режалари энди маълум. Кашмир муаммосини ҳал этиш баҳонасида ўша ерда мустаҳкам жойлашмоқчи, кейин эса бутун Жануби-шарқий Осиёни ўз таъсирига бўйсундирмоқчи.

V. Россияга қушни бўлган мусулмон давлатлари русларнинг психологик усуллари тазйиқи қаршисида билчисизлик ва ожизлик қилишмоқда. Ишлар утиб бормоқда. Совет ҳукуматининг статистикасидан бошқа маълумот манбаи бўлмаганлиги сабабли, уларга ишонилишга тўғри келмоқда. Напижада, руслар жамоатчилик олдига устунликга эга бўлиб, маҳаллий олимлар эса билмидонлик ҳуёусида ўзларига нисбатан ишончсизлик ҳисси пайдо бўлмоқда. Россиянинг қушни давлатларига ва ўз қўл остидаги тобе халқларга нисбатан урнатилган тартибда тил, сўз, театр, ҳуқуқни ривожлантириш ва ўрганиш тизимини амалга оширишмоқда. Ишлар утиб бормоқда. Лекин руслардан эркин ҳолда айнан ана шу масалалар борасида олдинга қараб ҳаракат қилиб бўлмайпти. Хаттоки, профессионал судлар ҳам йўқ. Россия белгиланган режаларини оғишмай ва муваффақиятли ҳаётга татбиқ этиб бориб, бир томондан иттифоқдаги мусулмонларга мисли қўрилмаган саховатпешалигини гузал нэшрларда баён қилмоқда, бошқа томондан эса, ўзлари эълон қилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, мусулмон аҳоли қирилиб, йўқ бўлиб кетади, бундан қўтилишини иложи йўқ. Бу эса жаҳон афкор оммасини фикрини чалғитмоқда. Жиддий ишончсизликий нэшрларда эълон қилинган статистик маълумотларни ўрганмасликни иложи ҳам йўқ, уларни гулик инкор этиб ҳам бўлмайди. Қушни давлатларда Россия тарафдорлари бўлган кишилар сонини кўпайтиб бормоқда, руслар эса ундан моҳирона ва пинҳона ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Масалан, Афғонистонни иккисондий жаҳатдан Россияга тобе қилиши йўлидаги жуда катта тадбирларини айтиш мумкин. Шибирғонда табиий газ ишлаб чиқаришини ўз қўлига олишди. Бунда ҳам Бўхоро қаби газини минглаб километр қувурлар орқали Россияга, хатто, Шарқий Европага жунатилади. Хиндукуш тоғларидан Сузек гунаёлари очилганидан кейин бир вақтлар Искандар Зулкарнайн босиб ўтган ишлар ўрнида, қъни Кобулдан Балхга ўтиш йўли 200 километр масофага киекаради. Фақатгина русларнинг ўзлари маълум бўлган ишлар бу Шималий Афғонистонда қўрмоқчи бўлган газ ва нефт қонларини, автомобил йўлларини қўламайдир. Фарбистар бундай ёлгон маълумотлар таъсирдан ўзларини боъзан кеч бўлеа ҳам эҳтиёт қилишмоқдалар. Масалан, инглиз рузномалари Қозғонистонни "Боқира ерлари" ҳуёусида советлар 1954 йилдаги "маълумотига"

асосланиб, буни “совет иттифоки кишлок хужалиги соҳасида дувёни ларзага келтирувчи таъаббус” деб баҳолашган, ammo 15 йилдан кейин бу иш бутунлай барбод булгач, уша ерлар “чорва боқиладиган факир ерлар”га айланганлигини эътироф этишади. Бизда эса совет ташвиқот адабиёти халигача уз таъсирини утказишда давом этмоқда, хали ҳам уша “Боқира ерлар”ни совет ҳукумати бу ерларни ҳолига “Барака манбаи – унумдор ерлар” сифатида курсатиб келмоқда. Ҳақиқат Сийсийбюро монополиясига айланган бир вақтда ҳаққоний маълумотлар қулга киритиш – уни эса «сохта маълумотлардан ажратиб олиниши бир санъат даражасига айланган эди. Қолаверса, бу ишни бажариши имкони йук эди. Ҳақиқатларни мустақил равишда урганиб чиқадиган илмий тадқиқот муассасаларини ташкил этиш йулидаги тадбирларни амалга ошириш таклифлари натижада беҳуда ҳаракатга айланарди. Илмий-тадқиқот ишларини сусайтириш борасидаги олий укув юртларида ўқитувчи ва идора ходимларини кизилларнинг разилона ҳаракатлари, психологик таъсир этиш усуллар, ҳаддан зиёд кескин ва ишонч билан амалга оширилмоқда.

VI. Ваниҳоят, ушбу хотираларда учрайдиган хато ва камчиликларни курсатиб ўтадиган нашрлар шурулар билан кушни булган айрим мусулмон мамлакатларида пайдо бўлди.

1923 йили Кобулда бўлган суҳбат чоғида мен Ислон мамлакатларида демократияни инглиз-америка методини кур-курона жорий қилиш мумкин эмас, балки, миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ривожланиб бориши зарур деб айтган эдим. Бизнинг социализм хусусидаги тушунчаларимиз зиёлиларимиз фикрларига ҳамоҳанг булганлигидан шахсан мен мамунман. Кейинги 44 йил давомида жуда катта маблағ сарфланиб ва мунтазам ташвиқотларга қарамасдан, миллатимизни ва мусулмон халқларини булиб ташлаш мақсадида қилган ҳаракатлари улар кутган самарани бермади. Бу миллат ва халқлар ўртасида жиддий можаролар чиқмади, сафларимиз бутун қолди. Аксинча, онгли равишда у ёки бу воқеаларнинг асл сабабини урганиб бордик. Эрон ва Афғон ҳокими мутлақлари тушишиб етдики, агар вазият талаб қилса, уз тахтларини саклаб қолиш учун қон туқилишига нул қуймаслик чораларини куришни ва инқилобий ишларни амалга оширишда уз халқи билан бирга булишни, кенг ҳудудлар буйлаб, ҳатто ботқоқли ерларга ҳам халқларни кучириш борасида Россия уз қобилиятларини курсатди. Мен Россия билан қўшни булган мамлакатларда ҳам куриқ ерларни узлаштиришдан бутунду не манфаатдор деб авваллари ҳам айтган эдим. Ҳозир бу ишлар учун кенг миқёсда мажбурий ёрдам курсатилмоқда. 1967 йилги Ани Арборда булиб ўтган шарқшунослар конгрессида ва 1968 йили Эрон санъати бўйича йиғилган Техрон конгрессида Россия тожик олими Ғофуров ишлаб чиққан ва ЮНЕСКОдаги рус вакиллари томонидан нухалар қунайтирилиб, тарқатилган ташвиқот тезисларини илгари

сурди. Бу тезисларга мувофиқ, Россия ва мусулмон ташкилотлари Эрон, Афғон ва Тожикистон ҳудудларига ўз фаолиятларини мусулмончилик қоидаларига эмас, балки, ориқлик янги ақидаларини асос қилиб, юритишлари лозим эди. Шунга муносиб равишда бу ерларда маданиятлар ҳам ривожланмоғи зарур. Утган йили ана шу ташаббусни амалга ошириш йулида Кушон маданияти буйича Тожикистонда конференция уюштирилди. Бирок Афғонлар Ислонга асосланган сиёсий анъаналарига содиқ қолипиди, шунинг учун ҳам Қобул шахрини айнан шу янги ҳаракатлар марказига айлантириш режалари амалга олмади ва уни Москвага кучиришди.

Шуро туркий республикаларига келсак, уларнинг руслаштириш сиёсатига ва турли найранларга эҳтиёжкорлиги ортганлиги, қолаверса, миллий онг шу даражада усган эдики, буни 1925 йилда тасаввур ҳам қилиш қийин эди. Махмуд Қошғарий барча туркий халқларнинг миллий қахрамонига айланди.

1924 йили Берлиндан Эронда яшаётган туркистонлик мухожирларга йулланган ҳисобот мактубимда Ғарбнинг шўроларга қаратилган аниқ ва изчил сиёсат олиб бормаётганлигидан нолиб, шўроларни ҳеч қачон уз геттолоридан воз кечмасликларига ишора қилган эдим. Ғарб олами айнан мана шу сатрлар ёзилаётган бир вақтда узларнинг илм-фандаги эришган муваффақиятларини куч-қудратига боғламай ҳам юз миллионлаб одамларга бегараз намоён қилмоқда. Озод дунё космонавтларини Ойга чиқиб юрганларини ахли жаҳон қуриб турибди. Бу одамларнинг барчаси космосни узлаштиришдаги ютуқлар бутун жаҳонда барқарорлик ва маънавий-ахлоқий жиҳатларига албатта ижобий таъсир этишига ишонч билан қарашмоқда.

*[The page contains approximately 30 lines of extremely faint, illegible handwritten text, likely bleed-through from the reverse side of the page.]*

Handwritten text in a cursive script, likely a historical document or contract, written in a dark ink on aged paper. The text is arranged in approximately 12 horizontal lines, though the handwriting is very dense and difficult to decipher. The script appears to be a form of Arabic or Persian calligraphy.

Handwritten signature or name in a cursive script, located below the main body of text. It is written in a similar style to the main text and includes a date at the end, which appears to be 1757.

1a va 1 б-рasm c1.

1-рasm. Шартнома ва ишонч хати (1757 й.) кучаси.

Нурматӣ уруги телтима аймоғшан булган Буронгул Умрзоков дустлари билан саядоғар Саид ва Хусайн Абдурахмоновга 50 йил муддатга соғилган ер ҳақидаги ҳужжат













9-расм. § 132.

Исмоил Мухли ва Марямхонимнинг Сарапскда бўлиб ўтган никоҳ тўйлари. 2. Ҳарбий вазир Аухади Эшмурзин (1923 йили Москвада отиб ўлдирилган).

3. Гарай Карамисhev. 11. Гулсим Музаффарова (жанговор аёл, Америкада вафот этган).

17. Ҳарбий билим юрти бошлиғи Сулаймон Эшмурзин.

21. 2-чи дивизия командири Аҳмад Бийиш

23. И. Мухли бош адъютанти. 24. Марямхоним Мухлия. 30. Ҳарбий шифокор Умар Терегулов. 31. Усмои Терегулов. Зобит. 33. Гали Терегулов. Зобит. 34. Ягафар Баншов. Зобит.

Қолганлари ҳарбий хизматчилар ва ҳукумат аъзолари.



10-расм. § 156.

Ҳукумат бошлиғи адъютанти А. Бикбабов.



11-расм. § 156.


Бошқирдистон ҳукумати раиси А.З. Валидов. 25-феврал 1920 йил, Истарлитамоқ.




13-рaсм. § 163.  
А.З. Валидов (1920 йил қишида)



12-рaсм. § 163.  
А.З. Валидов ҳарбий кийимда (1919-1920 й.)



14-расм. §140.  
Ифбат Эркин ёзиб олган «Назар Аббос»  
кушиғи ноталари.



15-расм. § 164.  
Олим Алмат томонидан Вена фанлар Академия-  
си архивида сақланаётган «Заки Валидий» номли  
кушиғини пластинкасида ноталар.



21-расм. § 214.  
Исмоилгарой Ажи



16-расм. § 201.  
Бухоро ва Самарқандда Алаш  
Урда вакили ва козоқ шоири  
Диниша



18-расм. § 201.  
А.З. Валидий Тугон уз оиласи  
билан. Истанбул.







20-расм. § 264.

Анвар пошо билан бирга булган турк зобитари: 1. Али Ризо. 2. Муҳиддин Бартишли. 3. Полковник Ҳасан 4. Палковник Халил.



22-расм. § 378.

1. Абдулқодир Инон. 2. Ўзбек Даврон Очил. 3. Қозоқ Абдулқодир Кемисбой(Кумишбой).



24-расм. § 310.

1. 3. В. Тугон. 2. Азимбек Биримжон. 3. Абдулқодир Инон. 1924 йил Берлин Тиргаренида.



23-расм. § 242.

Абдулқодир Инон(1) ва 3 В.Тугон(2) туркман кийимида (1923 й январ)



25-расм. § 335.

1. Нозима Тўгон. 2. Субадаи Тўгон. 3. Эсонбике Тўгон. 4. З.В. Тўгон.



26-расм. § 336.

1. Маъмур Ниёзий. 2. З.В. Тўгон. 3. Самарканд босмачилари раҳбарларидан Ҳамроқулбек. 4. Бухоро Ижроия Кумитаси раиси Усмон Ҳужа. 5. Бошқирд талабаси Аҳмад Зиё. 6. Даврон Очилов – Самарканд босмачиларидан Очиловнинг ўғли. 7. Абдулқодир Инон. 8. Бухоролик талаба Солих.



27-расм. § 336.

1. Маъмур Ниёзий, 2. 3. В. Тўгон, 3. Фаргоналик зобит Темур,  
4. Самарқанд милицияси бошлигининг уринбосари Абдушу-  
кур, 5. Анвар шошо билан бирга булгая Идиккуллик туркман  
Нафис, 6. Самарқандлик Рауф (Истанбул, 1925 йил).



28-расм. § 342.

1. Мустафо Чукой угли, 2. Усмон Хужа, 3. В. Тўгон,  
4. Абдулқодир Инон, 5. Мустафо Шоқули  
(Истанбул, 1926 й.).



17-рasm. § 201.

Қашғарда фаолият кўрсатган Султон Ғарай Олтойнинг фарзандлари.

1. Иноятуллоҳ. 2. Раҳматуллоҳ. 3. Фитрагуллоҳ.

Handwritten text in Arabic script, likely a calligraphic inscription or a list of names, corresponding to the individuals mentioned in the caption above. The text is arranged in several lines and includes a date at the bottom: ۱۹۵۱ - ۱۳۷۱.

30-рasm. § 340.

Мустафо Шоқули тамонидан З.В.Тўғонга совға қилинган кутучадати ўзулининг тўлиқ матни.



23-рaсм. § 340.  
Муcтaфo Шoкyли



31-расм. § 337.

1. Заки Валидий Тугои 1926 йил 35 ёшида Истанбул университети профессори лавозимида тайинланди.  
3. Профессор Пертев Ноил Боратов. 5. Урхон Шойик Кукёй. 7. Жамолиддин Ван Цзиниань. Хитойлик мусулмон. 8. Нихол Отсиэз, туркшунос олим.



32-расм. § 337.

1964-1968 йилларда меннинг раҳбарлигимда диссертация химоя қилган шогирдларим: 1. Маньжуриялик Тан-чи. 2. Ойдинлик Тунжер Байқоро (Туркия) 3. Покистонлик Асро-ридин Аҳмад. 4. Анвар Қуникчи (Туркия). 5. Хуан Чи-хезул (Хитой). 6. Э.В.Тугон (Истанбул 1968 й.).



33-расм. § 337.

Туркийлар умумтарихи буйича Истанбул университетида олиб бориладиган семинар машғулотларининг тингловчилари. 1966 йил апрел – бу вақтда ушбу «Хотиралар...» тугалланган эди.

## БЕРУНИЙНИ УСТОЗ ДЕБ БИЛГАН ОЛИМ

Аҳмад Заки Валидий Тугон “Хотиралар...”и олимнинг илмий-ижодий меъросида муҳим урин эгаллайди. Зеро, унинг аҳамияти фақат олимнинг ҳаёт йўлини илмий ва сиёсий фаолиятини куз олдимида яхши ёритиб берадиган балки, XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиё халқлари, Ўзбекистон тарихи, маънавий-маданий ҳаётини, ижтимоий-сиёсий ҳолатини тасаввур этишда ҳам муҳим илмий, тарихий-манбавий аҳамият касб этади.

Заки Валидий Тугон “Хотиралар...”ни дастлабки кулёзма нусхасини 1925 йил бошларида Берлин шаҳрида ёзиб тугаллаган. Лекин уни тўлдириш, аниқликлар киритиш ишлари яна бир неча ун йиллар давом этди. Бу йиллари олим хотира дафтарини янги маълумотлар билан бойитиб борди. Ниҳоят китоб 1966 йил апрел ойида якунланди ва 1969 йили лашр қилинди.

Шу уринда табиий савол туғилади. Нима учун Заки Валидий мемуари 1925 йилда эмас, балки, қарийб қирк йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг эълон қилинди? Буни жавобини олимнинг рафикаси Нозмия хоним Унғор Тугоннинг 1979 йилда олмон олими Фридрих Бергдольт билан бўлиб ўтган суҳбатидан билишимиз мумкин. Суҳбатда шундай дейди: “Валидий ўз мемуарларига уша вақтда кизиқиш ва эҳтиёж йўқ деб ҳисоблаган. Иккинчи асосий сабаби эса олим билган ва бевосита илмий, сиёсий фаолиятида ёнма-ён бўлган таниқли кишилар ҳақида ошқор ёзишдан эҳтиёт бўлган”. Чунки, бу вақтда болшевиклик қатагон узининг бошланғич палласига кирган эди.

Мемуар асар тафсилотлари 1890–1925 йиллар, яъни, олимнинг болалигидан ва уни “сиёсий сабабларга қура”<sup>1</sup> хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлган давр тафсилотларидан иборатдир. Олим ўз ҳаёти ва илмий-педагогик фаолияти кейинги даври ҳақида хотиротларини давом эттирганми деган саволга жавобни олим ушбу китобнинг “Сўнг сўз”ида: “Мен ҳаётим ҳақидаги хотираларимни асар чоғ этилган қўнға қадар ёритиш ияятида эдим. Бу хотиралар ёшлигим ва 35 ёшгача бўлган давр ҳақида. Кейинги Отатурк Туркиясидаги бир университет профессори ва тадқиқотчиси сифатида ўтган 44 йиллик туғрисида манбалар диққат-эйтибор билан тўпланган эди. Туркияда сиёсатга аралашмаганим, ҳеч қандай партияларга аъзо бўлмаганим,

\* Нозмия хоним интервьюси. 13 август 1979 йил. Анкара. (Банкирское национальное движение 1917–1920 гг. А. Валиди. Уфа, 1997, “Илм”. Стр. 206–207).

<sup>1</sup> Қаранг: М. Абдурахмонов. “А.З. Валидий Тугоннинг профессор Пулат Солиевга мактуби”. // “Фан ва турмуш”, 2000, 6-сон, 18–19 б. 2001, 1-сон, 18–19 б.



шахсларга тобе булмай мустақил булганим учун бу даврнинг ҳикояси ҳам асло бир тарафлама булмаслиги керак эди. Илмий изланишларим мени 8 йил мобайнида Туркиядан йироқда, Австрия ва Германияда қолишга мажбур этди. Иккинчи жаҳон уруши даврида совет ҳукумати мусулмон туркий қавмларининг пуфузидан қурққани учун бу қавмларнинг тарихи ва миллий маданияти билан шуғулланганларнинг бошларига кулфатлар ёғдира бошлашди. Китобимнинг уша боби чоп этилганда эди, Туркияда олий таълим, тадқиқот умуман олганда Шарқни замонавий усуллар билан урганиш нулидаги қурашларим ҳам ёритилган булар эди. Уша давр хотираларда жонлантирилишга арзирди. Фақат умрим анча қузилиб кетганлиги ва ёзилган баъзи илмий асарларимнинг нашр этиш иштиёқи мени ҳаётий ҳикоямнинг сунгги қисмини ёзишдан воз кечишга ундамоқда.

Шундай булишига қарамай, китобнинг “Сунг суз”ида октябр тунтариши ва болшевикларнинг ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаганидан сунг ярим аср давомида Урта Осиё республикаларидаги социалистик тузумнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳолатига узининг илмий асосда танқидий муносабатини билдиради. Олимнинг эътироф этишича совет таталитар тузумининг XX асрнинг 50–60 йиллардаги мафкуравий сиёсатида 1917–1920 йилларда урнатилган империяча тартиблари зур бсриб қучайиб бораётганлигини алоҳида қайд қилиб утади.

“Хотиралар...”ни урганишимизда биз шунга амин буламизки, А.З. Валидийнинг илмий, фалсафий, диний ва маънавий-ахлоқий қарашларининг шаклланишида, умуман уз халқининг маънавий ҳаёти, маданий турмушларида мавжуд булган муҳитни тарихий келиб чиқиши, қадим Туркистон элидан эканлигини асарининг қуплаб фаслларида фахр билан эслаб утади: “Уй ва ховлиларимиз доимо Сирдарё хавзасидаги Туркистон усулида эди... Келиб-чиқишига қура Урта Осиёга мансуб маданиятнинг узларнинг маданиятлари деб билишган ва бу билан гурурланишган... “булар арабча, форсчаги билган диний илмлардан воқиф... Бухорода тахенл қурган.. мадрасалар Бухоро, билхосса, Хоразм усулида қурилган (§4). “Ёшлигимда миллий ҳаётимизнинг қуп жабҳаларида Хиванинг таъсири давом этиб келмоқда эди. Масалан, туйларда Хива чопони деб номланган қийим ҳада қилинарди”.

Устоз олим Ҳамид Зиёевнинг Сибир узбеклари ҳақидаги тадқиқотида шундай ёзади: “Сибир хоилигининг сунгги ҳони Қучум даврида ҳам уқинишли бухорийлар ва тошкентликлар ислом дини кенг ёйилишида фаол иштирок этишган. Рухонийлар асосан бухорийлардан тайинланган булиб, улар барча исломий амалларни адо этишларини қатъий назорат қилиш билан бирга, маҳаллий туркий

халқларни уқитиша, яъни Куръон уқиниш ҳам ургатар эди (85)

Мустақиллик учун кураш йиллари (1916-1922 йй.) АЗ  
Валидиннинг илмий тадқиқот изланишлари ҳам узлуқсиз самарали  
давом этган XX аср 20-йиллар воқеалари содир бўлаётган вақтда  
унинг сиёсий ишларда фаол иштирок этганини кузатишимиз билан  
бирга, халқимиз тарихига оид ноёб манбавий қулёзма асарларни излаб  
топиш, урганишни имкон қадар урганишни давом эттирганини  
“Хотиралар...” баёнида курашимиз. Масалан, у 1920 йили декабр ойида  
шундай деб ёзади. “Бухоро миллий кутубхонасида... 30 мингга қадар  
ёзма асар бор эди. Буш вақт булиши билан уйга олиб келиб тадқиқ  
этар эдим” (§188). Ёки, у хориж мамлакатларидан паноҳ излаб ўз  
ватанини тарқ этишга мажбур бўлган чоғида ҳам ва шахсий ҳаёти жуда  
катта хавф остида қолган вақтда ҳам илмий изланишларини давом  
эттиришга узица куч ва ирода топа олган. Чунки уни қулга олишни  
болшевикларнинг энг катта “дохий”лари махсус буйруқ берган эди.  
Олим айгоқчиларнинг таъқиб этишига қарамай, Эронда, Афғонистон  
ва Ҳиндистонда халқимиз утмишига оид қадимги қулёзма манбаларни  
излаб, уни илмий тадқиқ этиш ишларини самарали давом эттирди.  
Хусусан, у Машҳад шаҳридаги имом Ризо кутубхонасида бир ойдан  
қупроқ изланишлар натижасида Ибн Фазлоннинг “Саёҳатнома”си  
қулёзмасини тўлиқ нусхасини фан оламига олиб чиқиш бахтига  
муяссар бўлди. Афғонистонда бўлган чоғида у қупроқ Амир Темур  
ва темурийлар даври тарихи, маданиятига оид моддий ва номоддий  
маданий ёдгорликларни жиддий урганди. Хирот шаҳридаги  
меъморий обидаларнинг қаровсиз қолганлигини, айрим муқаддас  
жойлар харобага айланганлигини куриб каттик ачинганлигини  
“Хотиралар...”дан куришимиз мумкин. Ҳаттоки, Алишер Навоий  
қабри қаерда эканлигини ҳеч ким унга аниқ айтиб бера олмаган.  
Ваҳоланки, Алишер Навоий уз даврида бу шаҳарни ободончилиги,  
маданий тараққиётига узининг бекиёс ҳиссасини қушган. Қабр урнини  
топиш мен учун кийин бўлмади, – деб ёзади олим. Чунки Алишер  
Навоий узининг “Вақфия” номли асарида мадраса ва масжид билан  
“Хайрия жамияти” ораси неча аршин келишини аниқ айтган. Бошқа  
манбаларда Алишернинг шу бинолар урталлигидаги бир қабрда дафн  
қилингани қайд этилган.

Мен Аштархонга кетаётиб, йўлда Бузовлик шаҳрида тушиб  
Алиаскар Чигатой исмли имом ва адиб билан учрашдим. Бу киши  
либерал кайфиятда булиб, Пайгамбаримиз завжалари Ойшани  
қораловчи асар ёзган эди. Сухбат чоғида билиндики, бу мавзуга оид  
ёзганларини рус миссионерларнинг китобларидан олган ва уйида  
ислом тарихига оид ҳеч қандай манба йуқ деб уйладим (§30). Қозонда

<sup>1</sup> Х.З. Зияев. Узбеки в Сибири (XXII-XIX вв). Ташкент. “Фан”.  
1968. С. 67.

оркага ташлаш мумкин булмаган яна бир ишм бор эди. У ҳам булса мен мансуб булган ислом дини ва маданияти асослари булган Куръон ва фикҳни русча таржималаридаги урганиш. Уларни яхши билалдиган киши билан арабча асли билан киёслаш оркали умумий, туғри маълумотни кулга киритиш эди. (§34).

А.З. Валидий илмий фаолиятининг дастлабки палласида Туркистон халкларининг хусусан туркийларни кадим даврлардан Марказий Осиёда худудларида яшаб келганлиги, уларнинг кучли давлатлари булганлиги хақида узига хос янги тарихий концептуал фикрлари билан илмий матбуотларда мақолалар эълон қилган эди. 1915 йили "Шуро" журналида В.В. Бартольднинг бу борадаги айрим фикрларини мутлақ нотўғри эканлигини илмий асослаб берган эди. Б.В. Лунин Бартольд хаёти ва фаолиятига бағишланган асариде "буржуа миллатчиси", туркпарастликка берилган Валидий Бартольднинг туркий халклар уғмиши хақидаги фикрларига нисбатан "тухмат" қилиб сохталаштирган, деган фикрдан нарига уғмади". Шунин алоҳида қайд этиш зарурки илмий ҳамкорлик соҳасида "мен билан самимий муносабатга кирган профессор Бартольд булди. У "Ислом олами" журналини нашр қиларди. 1912 йилнинг ёзида Россия мусулмонлари орасида илмий-тадқиқот саёҳати"да булган вақтда деб ёзади Валидий. "...шу муносабат билан "Вақт" газетасида Бартольднинг илмий фаолияти ва аҳамиятини билдирадиган катга бир мақола эълон қилдим". Сафар чоғида Барнаул мусулмонлари жамияти орасида Бартольд мен хақимда илк фикрлар айтди ва мени Петербургга таклиф этиш учун машғул булишлигини билдириб мактуб ездди" (§52). "...унинг "Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши" асари матнларига тузатишлар киритдим. Мирзо Улугбек хаётига онд асарининг ёзилиши ва унга онд манбаларни уқишда унга ёрдам бердим". Бу йил (1912 й. – М.А.) Бартольд билан илмий ҳамкорликдаги фаолиятим, мен учун гоят фойдали кечди (§ 65).

Туркистон буйлаб амалга оширган илмий саёҳатлари вақтида (1913, 1914 йй.) шундай дейди: "Қарши шаҳри бозорида бир атторнинг дори урайдиган қозғлари орасида кадимги туркийча бир пече варақлар курдим: "Буларнинг қолганлари қани?" дедим. У варақларни бир китобдан йиртиб олган экан. Бу Куръоннинг "Субъ"и ("Хафтияк"), яъни "Еттидан бири"нинг туркийча тафсири эди. Буни 20 сум Бухоро пули (Пул – мис таңга булиб, тийиннинг тўртдан бир қисмига тенг булган – М.А.)га сотиб олдим... қўлёзма туркий тилнинг

\* А.З. Валидов. Шаркка онд янги асарлар. Шуро. Оренбург, 1915 й. 10-сон. Б. 307–308 (араб алфбосида).

\*\* Б.В. Лунин. Жизнь и деятельность академика В.В. Бартольда. Ташкент. "Фан", 1981. С. 92–93.

\*\*\* А.З. Валидий. Профессор Бартольднинг орамизда булиши муносабати билан. // Вақт. Оренбург. 1913 йил. 13, 15 июн. 1224, 1225-сонлар.



изданиялари давомнда туркман мумтоз адабиётининг асосчиси Махтумқули тоқдодий меросини ўрганнига салмоқли хисса қўнди. Олим ўзининг 1913 йида эълон қилган мақоласида шундай дейди: "Хар ҳолда Махтумқули тоқдодий устида тадқиқот, тахлил, муҳокама этиш билан шуғулланиш, керакли адабиётлар, керак тарихий этнография, лингвистик жиҳатлардан гоёт муҳимдир. Чет муаллифлар Махтумқули шеърларини ўрганш жуда муҳим дейди. Лекин, печук муҳимининг хали ҳамон қурсатганлари йук. Фикримча, бу ориенталист афандилар Махтумқули шеърларига тавсиф бериш учун шoirнинг барча шеърларини тўплаш ва бовшка шoirлар шеърлари билан таққослашга имкони бўлмаган. Иккинчи сабаби, улар бизнинг тилимизни яхши билишмайди, маънавий бойлигимизни эса кам билишадил".

Профессор А. Самойлович Валидий фикрларига ўз муносабатини билдириб, шундан дейди. "Мен ўзимнинг хали мукаммал бўлмаган тадқиқотларимиз келиб чиқини туркийгўй маҳаллий шарқшунослар учун йўл очиб бераётганлигидан хурсандлигимни ва қаноатланишнингмини билдириб "шарқшунос афандилар" билан қўлни-қўлга бериб ишласак, туркшунослик илими тараққий қилишига олий келадил". Профессор Самойлович Пасвидий "мартабали олимларнинг шайхига тегадиган ташари" тўла асосли эканигини ўша вақтда алоҳида қайд қилган эди.

В.В. Бартольд ўш тадқиқотчи А.З. Валидов ўзининг алоҳида мақолалари, мулоҳазалари ва тақрипларида мусулмон туркий халқларининг XX аср бошларида маънавий-маърифий ҳаётига оид долзарб муаммолар ҳақидаги тақрипларни илгари сурмоқда". Хууселанишнинг "Мадрасаларнинг ҳақида"\*\*\*\*\* повли мақоласига беришган тақрида шундай жумла бор: "Шунг учун маориф ва мактаб масалалари хууселида Аҳмад Заки мазкошени кўпроқ аҳамияттидир"\*\*\*\*. Шундай фикрлар ўш тадқиқотчи илмий мақолалари учун берилган тоқори баҳо эди.

Заки Валидий "Хотиралар"ида шундай дейди: "... менг учун янги бир ўфк динининг очилган эди, чунки менг бу билан ислом тарихида инг буюк рин ва маънавийт имкоийдаси бўлган Берунийнинг ўри анишга киршидим

\* А.З. Валидов. Девони Махтумқули /Шўри. Оренбург 1913. 13 сон. Б. 393-395 (араб шифоҳоти).

\*\* А.Н. Самойлович. Материали по Среднеазиатско-турской литературе // Анниси Восточного отделения археологического общества. Ташкент. 1915. с. 139.

\*\*\* В.В. Бартольд. Османская печать в Турции // Мир Ислама. Т. 1, № 1. С. Петербург. Изд. 8. С. 701-704.

\*\*\*\* А.З. Валидов. Мадрасаларнинг ҳақида. // Мектеп. Қонил. 1913. 2-сон. Б. 38.

\*\*\*\*\* В.В. Бартольд. Школы в Турции // Мир Ислама. Т. 1, № 8. С. Петербург. 1913. С. 526.

Бу гаджиконларни уша кундан то ҳозирги пайтгача утган эллик беш йил мобайнида муваффақиятли давом эттирдим. Берунийнинг "Ал-осор ал-бокия ал-курун ал-хомия" ("Қадимги халқларданқолган ёдгорликлар") номли асарини тилишда профессор Катановга учраб, китобни тилишда кўмаклаштишни сурадим. Профессор менга бу китобни Германиядан келтириб беришни айтиб, ҳозирча ўзининг кутубхонасидаги нусхасини берди. Китобни профессордан олиб, катта ҳаяжон билан уқидим. Кейининг босилган арабча бу китобнинг утгаз-кирк саҳифалик немисча мукаддимаси бор эди. Мен бу мукаддимада Берунийнинг ҳаёти ва асарлари хақида ёзилганини профессордан билиб, немис тилини ўрганишни кучайтирдим. Мен Мансур афандидан Беруний асарлари билан танишини бошлаганимдан ва немисчани ўрганиб олишимга сабабчи булгани учун умр бўйи миннатдор бўлдим.

Шундай қилиб 1910 йил иез ойлари мен учун жуда самарали ўтди:

1. Иелом оламини қамраб олган мутаассибликка қарши булган жангга галаба қозондим.

2. Айгирилганда Истанбул ва Маккадан келган дўстларим ва болкалар билан дин соҳасидаги фалсафий мунозараларимиз натижасида энди диний мавзулар билан машғул бўлмай, ҳаётимни умумбашарий ва иелом ва маданияти тарихига бағишладим.

3. Ал-Берунийни ўрганишни бошладим.

4. Немис тилини ўрганишни фаолаштирдим (§ 48).

Заки Валидий Берунийни ўзининг устози деб билган олимдир. Шу муносабат билан у "Хотиралар"ида шундай дейди: "Менинг устозим бор, бироқ у минг йил аввал ҳозирги Хивада яшаган ал-Берунийдир" (§159). Олим ижодининг бошланғич палласида буюк даҳо Берунийни илмий меросини ўрганишга астойдил киришди. Буюклар орасида буюк бўлган Берунийдан илм ва фаннинг жуда кун саволларига жавоб топти.

Валидий отаси ҳаж сафарини бажариш учун жунаб кетаётганида кўлёмза асарлардан олиб келишни илтимос қилган. Отамга ҳажга кетишларида Хижаз, Сурия ва Истанбул кутубхоналаридаги кўлёмза асарларга дўр баъзи иллатинилар учун бир режа берган эдим. У, ҳуеуеан, ҳоразмлик Берунийнинг фақат номини ша маълум асарларини иллати керак эди. Отамга қилинган бу илтимосни, топишган асарлар фикрнинг 1940 йилда Дехлида босилган «British Picture of the World» номли асарининг мукаддимасида тикр элдим. Отамга янги чиккан «Турк ва татар тарихи» китобидини бир нусхасини Маккада Шайх Мурод Рамзийга тоширмак учун бердим. Шайх Рамзий менга китобинини қадриовин мактуб йўладилар. Отамга ва Истанбулда Фотиҳ кутубхонасида Хофиз Абрунинг "Темур тарихи"дан мен учун нуса кўчиртириб олишни тавсия этибдилар. Бу тавсия учун Шайх Мурод Рамзийдан умрбўйи миннатдор бўсам ҳам арзийди. Отам Маккадан Истанбулга келган, бу китобинини муҳим бир қисмини

кучирибди. Берунийнинг асарларидан эса жўғорфия тадқиқотлари учунгина доир ўз қўли билан битган ва Фотиҳ кутубхонасида сақланаётган ягона қўлёзмаенинг бир бобини ва муқаддимасини (кучириб) келтирдилар. Бу асарлардаги нозик маънолар ва улардан чиқадиган хулосаларни тушунишида қатта ёрдам берган Абдуллоҳ Афанди эдилар. Бу зот Туркияда «дарси ом» вазифасини қурган. Халқ учун дарслар ташкил этган олим ҳамшаҳаримиз эдилар. У менга Сулаймония кутубхонасида Олтин Урда тарихига доир Қримли Хожиди Абдулғаффор асарини ҳам нуسخататиб жўнатган.

Бўлар мен учун бебаҳо асарлар эди. Мен Истанбулга – миллий тарихимизга оид бой манбаълар хазинасига эга деган фикрга келдим. Қўлёзма асарларни фақат Истанбулга борибгина керагича тадқиқ этиш мумкинлигини билардим. Отам келтирган қўлёзмалар денгиздан фақат бир томчи эди.

Заки Валидий Истанбулда шахрига келган кунлик кутубхонага борганлигини хотирлайди: Уша кунни тушдан кейин от қушиланган трамвайга утириб, Фотиҳ Жомеъ масжиди кутубхонасига бордим. Дусларимиз бизга меҳмонхонадан тоза, шинам бир хона олишган экан. Ун икки соат чамаси каттик ўхлабмиз. Эрталаб туришим биланок Фотиҳ, Сулаймония, Аё-София ва Қурдулу кутубхоналарига бориб, отамдан эшитган. ҳамда турли китоблардан. Бартольднинг Истанбулда сафарига оид ишларини билган ва ўқиб, хотирамда қолган қадимги асарларни, булар орасидан айниқса, Беруний асарларини, Хофиз Абруний Амир Темур ва темурийлар тарихига оид бўлган китобларини олиб урганишни жуда хоҳлар эдим. Энг аввал Рашиддиннинг Аё-Софияда сақланган теология ва хитой табобатига оид асарини курдим. Қурдулу кутубхонасида Берунийнинг Хиндистон тарихига оид ва «Патанжала»сини қуриб чиқдим. Бу китоблардан фойдаланиш ва урганишим учун имконият беришини Яратқандан сурадим. Фотиҳ кутубхонасининг мудури айтдики, бу китоблардан анчадан бери бирортаси фойдаланмаган экан. Яна у мендан: «Бу китоблар ва унинг қайд рақамларини қаердан биласиз», деб суради. «Матбуотда босилиб, чиққан каталогларингизни Россияда булган вақтимда буюртмаларга берганман», дедим. Кейинрок отам бу кутубхонада булганлигини ҳам эслади.

А.З. Валидий Туғон илмий тафаккурнинг шаклланишида Урта Осиёлик буюк мутафаккирлар ижодий меросининг таъсири улқандир. Унинг ота-онаси Алишер Навоий шеърларини, достонларини яхши билганлар. Заки Валидий ёшлигиданок куп маротаба эшитган ва ўқиган, хотирасида бир умрга муҳрланган Навоий шеърляти унга бир умр ҳамроҳ ва рухий мадад бўлди. Бу ҳолатни Олим шундай эслайди: «Мен 1918 йили Оренбург шаҳрида Шуро хибхонаси, 1944 йили эса Стамбулда хибхонасида ноҳақ қамалиб утирганимда, мутолаа қилиш учун ҳеч нарса йўқ булган пайтда, ёшлигимда онамдан эшитган ва

ёд бўлиб кетган Навоий шеърларини такрор ва такрор хотирамга келтириб вақтимни ўтказар ва руҳимни тетиклаштирар эдим» (§ 12).

Навоий газаллари ёш Аҳмад Заки Валидийни нафақат маънавий қамол топшишга, балки, доимий илҳом берувчи бир қудратли қуч. йўлчи юлдуз эди. Етук олим сифатида Навоий ижоди билан шугулланган пайтларда яна бир бор ёшлиқ чоғларига онасидан эшитган газалларини қайта ўқиркан, онасининг хотирасидан куп марта хайратланганди. Аҳмад Заки онасидан Навоийдан ташқари Румий, Яссавий, Суфи Оллоер каби буюк сиймоларни алоҳида таъналанган газал-шеърларини ҳам яхши билганлигини фахр билан эслайди. Болаларни она тарбиясида адабиётга мухаббат уйғотиш орқали таълим бериш анъаналари яхши самара берганлигини буюк алломалар ҳаёт йўлларида қуриш мумкин.

Бундан ташқари, Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида бир неча тадқиқот ишларини яратган олимдир. Ислоом Энциклопедияси «Алишер Навоий» номли мақолада Туғон биринчи бор Навоийнинг илмий биографиясини яратишга ҳаракат қилди: «Алишер Навоий туркий адабиётда асосий адабиётда асосий уринда турган сиймо бўлиб жаҳон адабиётига ҳам буюк хисса қўшган шоирдир». Хуллас, XX асрнинг йирик шарқишунос, туркийшунос тарихчи олими, айниқса, Урта Осиё халқлари ўзоқ ва яқин мунозиратига оид йирик илмий асарлар яратган олим ўз «Хотиралари»да: «Менга Навоий руҳи она сўти билан қирган», деб тан олиши оддий ҳақиқатдир.

\*\*\*

Аҳмад Заки Валидий Туғон XX аср жаҳон илм аҳли эътирофига сазовор булган таникли шарқишунос ва турқишунос олимдир. У илмий тадқиқотларини рус шарқишунослик мактабининг ва ғарб фенталистикасининг энг яхши анъаналари уйғун ҳолда олиб борганлиги бу соҳада муҳим назарий ва амалий ҳамда методологик аҳамиятга эгадир. Заки Валидий ўз даврининг йирик рус шарқишунос олимлари В. Бартольд, В. Минорский, И. Крачковский, А. Сэмойлович, Владимирцев, Ф. Розенберг, Н. Катанов, ғарб олимларидан Г. Вейл, Дени, Корра де Во, Э. Захад, И. Мардман, Ф.В.К. Мюллер, фон Ле Кок, И. Маркварт, Т. Нольдеке, П. Пелио, Д. Рози, Д. Росс, А. Стейн ва бошқаларни номини келтириш мумкин.

У Туркистон жадидчилари билан ҳамкорликда фаолият олиб борган ва унинг гоёвий раҳнамоларидан бири эди. Туркистон ва Бухорода олиб борилган босмачилик миллий-озодлик ҳаракатининг (1921–1922) Туркистон жадид намоёндаларидан Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори каби етакчилари сифатида қурашган миллатпарвар инсондир.

Аҳмад Заки Валидий Туркистон ва Бухоро буйлаб амалга оширилган расмий ва норасмий илмий сафарлари давомида жуда

\* Ислоом Энциклопедияси, Истанбул, 1941, том I. 349–357-б.

куплао ўша даврининг таниқти зиеллари ва жадид намояндлари билан яқиндан танишди ва умр бўйи улар билан дустана муносабатда илмий ва фикрий ҳамкорликларини давом эттирди. Улар хақида Валидий ўз "Хотиралар..."нда қуйидагиларни алоҳида қайд қилди: "Мен бу саёхатим давомида Тошкент, Фарғона, Самарканд ва Бухорода бир канча янги дўстлар орттирдим. Булардан қулчилиғи менга шу йилдан эътиборан, Туркистон маданий ҳаётида ва кейинроқ Туркистон сиёсий ҳаётида иштирок этишимда фойдалари тегди ва ҳар бири билан бўлган дўстлиғим жуда қулутилмас ширин хотиралар қолдирди. Булардан чор қўшинининг собиқ зобити, асли бошқирд Миралой Абубакр Диваевдир. У қозок, қирғиз этнографиясига оид жуда фойдали асарлар нашр қилган. Бу зот мени Тошкентда яна подшо аскарлиғида хизмат ўтаётган бошқирд зобитларидан Кучуков ва татарлардан генерал Еникеев, Самаркандда қирғиз генерал Қулжонов, Мирбадалов ва бошқирд Акимбетовлар билан таништирди. Мен қайга борсам, ўша ерға Абубакр оганинг мени таъриф-тавсиф этувчи мактублари борганини билдим. Қозоклардан хали лицей талабаси ва кейинчалик коммунист бўлган Назир Туракул (Туракулов), Тошкентда Петербург университети ҳуқуқшунослик бўлими талабаси Мустафо Чўқаев, ўзбеклардан кейинчалик машҳур бўлиб кетган андижонлик шоир Абдулхамид Сулаймон (Чулпон), яна Тошкентда нуғойлардан тарихчи Пулат Соли, ўзбеклардан Мунаввар Қори ва Убайдуллох Хужалар билан Тошкентда топишдим, Самаркандда эса Махмудхужа Бехбудий, Бухорода Ахмаджон Махдум, яна қирғизлардан талаба Жонузок ўғли Иброҳим шулар жумласидандир" (§ 57).

М. АБДУРАҲМОНОВ,  
М. ХУЖАЕВ.



## МУНДАРИЖА

Сутбоши.....	5
--------------	---

### I. ЁШЛИГИМ

§1. Оиламиз .....	6
§2. Оиламизнинг маданий алоқалари .....	11
§3. Ота-боболаримизнинг ҳарбий хотиралари .....	11
§4. Бухоро ва Хива муллалари .....	13
§5. Ориф Сайроний ва Хизир мулла .....	13
§6. Қозон мактабининг таъсири .....	15
§7. Муллагул Девона.....	16
§8. Рус тилини ўрганишим.....	20
§9. Утақдаги таҳсилим .....	21
§10. Отам ҳақида.....	22
§11. Отамнинг мадрасаси.....	25
§12. Яна бир оз онам ҳақида .....	26
§13. Онамнинг бир шеъри ва Фрейд .....	27
§14. Тоғам Ҳабиб Нажжорнинг тарбияси.....	28
§15. Ёз ойларида қандай утказардим.....	30
§16. Иброҳим Қочқинбой.....	32
§17. Бошқа дўстларим .....	35
§18. Отамнинг Троицкга сафари .....	37
§19. Бизнинг қозоқлар ҳамда Сибир (Тюмен) татарлари билан алоқаларимиз.....	38
§20. Отамнинг тасаввуфга муносабати .....	39
§21. Кузги ҳаётимиз .....	41

### УЗОҚ ЛАРДА УҚИШ ИСТАГИ

§22. Туркиялик Ориф Бей, бир америкаликни, Мурад Рамзий ва араб файласуфи Мааррийнинг мента таъсири .....	43
§23. Муҳитимни, жамоатим даврасини, истиқомат жойимни ташлаб таҳсил учун узоқларга кетсам, қаерларда, қандай таҳсил оламан? .....	47

### II. МЕННИНГ ДАСТЛАБКИ ИЛМИЙ ИШЛАРИМ

§24. Оренбург ва Қозон сафари .....	50
§25. Малавизда дин ҳуррияти байрами .....	51
§26. Қуноқбой гузали .....	52
§27. Оренбургта келишим ва Ҳусайния талабалари.....	54
§28. Камолбойнинг имтиҳони.....	55

§29. Ризоуддин Фахриддин	56
§30. Астрахан сафари ва Абдурахмон Умар ўгли	58
§31. Маржоний ва унинг асарлари	59
§32. Қозондаги ислохотчилар	60
§33. Мусо Жоруллоҳ ва Қози Абдурашид билан танишганим	61
§34. Хусусий тарзда русча ва исломий илмларни ўрганишим	62
§35. Катанов ва Ашмарин билан танишувим	64
§36. Қишлоқда ёз таътили	64
§37. Кўзойнак тақиш эҳтиёжи	66
§38. Отам билан баъзи фикрларда чиқишолмаганимиз	67
§39. Иккинчи Астрахан сафари	68
§40. Абдурахмон мулла билан дўстлигимизнинг илдиэлари	70
§41. Пароходимизнинг капитан ёрдамчиси	72
§42. Қозонда муаллимлигим ва рус мухити	73
§43. Мусулмон халқи ва туркийларнинг тарихий тараккиётдан ортда қолиш сабабларини ўрганишим	75
§44. Диний қарашларимда ўсиш	77
§45. Аҳмадсоний ва Мансур менга Россияда таҳсил олишга маслаҳат беришиди	83
§46. Ура, тоғларидаги “Сурат қахвахонаси”	85
§47. Фикрий ишқилоб изтироблари	88
§48. Диний мунозараларни кўйиб ал-Берунийга ўтишим	95
§49. Иброҳим Окчурин билан алоқаларим	97
§50. Илк тарих китобимни қандай ездим	97
§51. Рус шарқшунослари билан танишмоқ	99
§52. Туркийлар тарихига оид асарларимнинг акс-садолари	101
§53. Лочин овчилик	104
§54. Истанбулни зиёрат иили иштиёқи	105
§55. Иброҳим Қочкиқбойнинг вафоти	107
§56. Ёуржан бошқирдилари тил рафийасига оид ёганларим фойдаси	108

## МЕНИНГ ТУРКИСТОНГА ИЛМИЙ САФАРЛАРИМ

§57. Туркистонга биринчи илмий сафарим	110
§58. “Манас” достони билан яқиндан мулоқатимизга сабаб бўлган ҳодиса	113
§59. Ноёб илмий кутубхонани Истанбулга жўнатганим	114
§60. Ибн Халдуinning фалсафасини ўрганишим	115
§61. Туркистонга яқинчи илмий сафарим	118

§62. Шаркий Бухорога саёҳатим.....	120
§63. Лакайларда пулимнинг ўгирланиши.....	121
§64. Саёҳатларимнинг натижалари.....	123
§65. Петербургда шарқшунослар орасидаги фаолиятим.....	124

### III. 1916 – 1918 йиллар

#### СИЕСИЙ ҲАЁТ

§66. 1913 – 1916 йиллардаги сиёсий алоқалар.....	127
§67. Уфадан Петербургга юборилишим. Давлат Думасининг мусулмонлар фракциясидаги фаолиятим.....	130
§68. Илмда мартаба.....	131
§69. Петербургда сиёсий ишлар.....	131
§70. Рус зодагонлари.....	132
§71. Максим Горький.....	133
§72. 1917 йил инқилоби.....	135
§73. Кадетлар ва Туркия.....	137
§74. Россия мусулмонларининг умум конгрессига тайёргарлик.....	138
§75. Тошкентдаги икки съезд тортишувлари.....	140
§76. Туркистон миллий шўроси ва Туркистон мухторияти.....	142
§77. Федератив тизим ва мусулмон вакилларининг бошқарув муассасаларига кириши.....	144
§78. Москва съездида илтироқ этишим.....	145
§79. Тошкентда унитаризм ва реакцияга қарши курашлар.....	148
§80. “Туркистон Улка кўмитаси” да рус партиялари билан курашлар.....	149
§81. Сайлов ҳақида ягона қонун ва ягона Туркистон парламенти учун кураш.....	152
§82. Социал-демократ Наливкин қандай алданди.....	154
§83. Илк инқилоб ойларининг гузал хотиралари.....	155
§84. Оренбургда бошқирларнинг I курултойи.....	156
§85. Соғликни сақлаш вазири булармишман.....	158
§86. Машхур Плевханов билан учрашувим.....	159
§87. Саидгирей Алкин билан тортишув.....	160
§88. Москва Давлат кенгаши.....	162
§89. Иккинчи бошқирд курултойи.....	163
§90. Кишлоғимизни зиёрат қилишим.....	163
§91. Мирзакай кишлоғидаги учрашув ва йиғилишлар.....	165
§92. Тошкент муниципалитетидаги тортишувлар.....	166
§93. Наливкин ва Коровиченко билан суҳбатларимиз.....	167
§94. Шариф Манатовнинг найрағилари.....	169

§95. Бошқирдистондаги Россия Таъсис мажлиси номзоди учун курашлар.....	170
§96. Бошқирдистон мухториятининг эълон қилиниши.....	172
§97. Учинчи бошқирд курултойи .....	173
§98. Оренбургнинг болшевиклар томонидан ишғол қилиниши ва Бошқирдистон ҳукумати аъзоларининг хибсага олиниши.....	175
§99. Қамокдан қочишимиз .....	178
§100. Уфа мажлислари .....	180
§101. Қатайда бошимизга тушган ташвишлар.....	181
§102. Тамяндаги фаолиятимиз ва кузғолончилар отряди .....	183
§103. Тункатор ва Йалан улусларидаги фаолиятимиз.....	185
§104. Қустанайдаги учрашув .....	188
§105. Чехославак исёни ва Бошқирд ҳукуматининг қайтадан ташкил топиши .....	189
§106. Минҳожнинг ўлими .....	191
§107. Янги ҳукумат тузилиши ва бошқирд миллий кушини .....	192
§108. Ниёз Мақсудов .....	192
§109. Дастлабки полклар .....	193
§110. Ҳарбий ҳаракатлар .....	194
§111. Каширинлар билан кураш .....	195
§112. Ғарбий Сибир ва Алаш Урда ҳукуматлари билан муносабатларимиз.....	197
§113. Оренбургга қучишимиз ва Жанубий Уралнинг қизил аскарлардан тозаланиши .....	198
§114. Каширинлар билан яна бир бор тукнашув .....	199
§115. Амир Қарамининг вафоти .....	200
§116. Самара ҳукумати ва Бошқирдистон .....	200
§117. Оренбургдаги ташкилий ишлар.....	201
§118. Бухоро ва Хива билан алоқаларимиз.....	202
§119. Монархистчиларнинг бошқирд кушинида фасод чиқаришга уринишлари.....	204
§120. Миллий кушиндаги ишларнинг ижобий томонлари .....	205
§121. Самара ва Уфадаги музокаралар .....	208
§122. Орскнинг ишғол этилиши .....	211
§123. Учинчи полкнинг аҳволи .....	213
§124. Ишларининг тескари кетиши .....	214
§125. Қалтис вазиятда қурилган чора-тадбирлар .....	216
§126. Ермолаевкадаги мажлислар ва олинган қарорлар .....	216

#### IV. ШУРОЛАР БИЛАН УН БЕШ ОЙЛИК ФАОЛИЯТ (1919–1920)

§127. Шурулар билан тинчлик урнатиш қарорлари ва урушнинг давом этиши .....	221
§128. Шурулар томон утишимиз .....	225
§129. Москва сафари .....	229
§130. Шаркий фронтда вазиятнинг оғирлашиши .....	233
§131. Фрунзе билан учрашувим .....	236
§132. Сарайскдаги ҳаётимиз .....	237
§133. Лениннинг Туркистон хусусидаги фармойиши .....	238
§134. “Эрк” социалистик партияси муаммолари .....	240
§135. Кушишимизнинг Туркистон урнига Украинага жунатилиши .....	241
§136. Яна Бошқирдистонда фаолият .....	242
§137. Миллий мухторият гоёсининг бошқирдлар орасида мустаҳкамлиги .....	244
§138. Оқлар томонида қолган аскарларимизнинг бизга қайта кушилиши .....	245
§139. Никоҳ туйим .....	246
§140. Соҳиб ибн Аббоднинг никоҳ туйимда уқиган шеъри .....	248
§141. Оренбургга қайтиш учун ҳаракатлар .....	250
§142. Ризо Қози ва Зокир Рамеев .....	252
§143. Туркиялик асирлар .....	252
§144. “Башкиропомощь” .....	253
§145. Петрограддаги фаолиятимиз .....	254
§146. Яна Истарлитамок ва яна Москва .....	256
§147. Шаляпин билан учрашувим .....	258
§148. Ленин билан учрашувлар .....	258
§149. Бошқирдистон билан Қозоғистонни бирлаштириш даъволари .....	260
§150. Бухоро масаласи .....	265
§151. Янги қўзғолон ҳақида фикрлар .....	265
§152. Троцкий билан суҳбатлар .....	266
§153. Паншаха исёни .....	268
§154. Троцкийнинг хотиралари .....	270
§155. Эркабоев ва Кондратевларнинг бу ходисаларга доир ёзганлари .....	271
§156. I Бутунбошқирд партия конференцияси .....	272
§157. Руслар малайинга айланган мусулмон коммунистлари .....	273
§158. Турт панисломиятнинг Истарлитамокда меҳмон булиши .....	274
§159. Москвалик меҳмонлар Бошқирдистон пойтахтида .....	276

§160. «Бошқирдларга ердэм» ва мустаҳкам макълар	280
§161. Қитгин жанг пайтидаги илмий мулоқотлар	281
§162. Москва вакилларининг қутқулари	282
§163. Муфтий Олимжон Барудий билан учрашув	284
§164. «Бошқирдларга ёрдам» нинг апрел ойидаги съезди	286
§165. Қалит муаммоси ва Ленин	288
§166. Бошқирдистондан кетишимиз	289
§167. Лениннинг ахлоқий қарашлари	291
§168. Яширин ташкилот	294
§169. Туркияликлар билан алоқаларимиз	295
§170. Украина фронтига йул	297
§171. Ленин билан миллий масалага доир тезислар юзасидан баҳслар	298

## V. ТУРКИСТОНДАГИ КУРАШЛАР

§172. Москва – Боқу – Ашхобод йулида	301
§173. Ненека – жон	302
§174. Денгиз орқали Боқуга	304
§175. Ашхободда утказган кунларимиз	305
§176. Боқу съезди	307
§177. РКПга 1920 йил 12 сентябрда ёзган мактубим	311
§178. Доғистондан Хоразмга	313
§179. Қунигирот шаҳрида бир неча кун	316
§180. Собик дустим Ҳурмагуллох Эдилбоев	317
§181. Хорис билан ажралишимиз	319
§182. Қуҳна урганчлик туркман босмачилари	320
§183. Кат шаҳри харобалари	323
§184. Тошкентликлар, бошқирдлар ва турклар Хивала	325
§185. Хоразмдан кетишим	327
§186. Туркман босмачиларида меҳмонда	328
§187. Чоржуйдаги можаро	329
§188. Бухородаги илк қуилар	331
§189. Бухородаги ташкилий ишлар	333
§190. Ўғлим Ириснинг вафоти	335
§191. Холмурод «қул» эмас	336
§192. Шоир Чулпон ва профессор Самойлович	337
§193. Шайх ота	338
§194. Файзуллох ва Мулла-Бекжон	338
§195. «Эрк» партияси ва жадидлар дастури	340
§196. «Туркистон Миллий Федерацияси» нинг тузилиши ва унинг I съезди	343

§ 197. Жамол ва Халил пошолар .....	345
§ 198. Самаркандга кучиш .....	347
§ 199. Қурбон хайити .....	348
§ 200. Хорис Сисанбой .....	349
§ 201. Туркистон Миллий Федерацияси VI съезди .....	350
§ 202. Бошқирдистондаги ходисалар .....	352
§ 203. Анвар пошо Туркистонда .....	352
§ 204. Анвар пошонинг Бухорога келиши ва у билан учрашувим .....	354
§ 205. Анвар пошо билан сунги учрашувларим .....	357
§ 206. Ситораи Мохи Хосада Файзуллох билан учрашув .....	360
§ 207. Анвар пошонинг босмачиларга кушилиши .....	362
§ 208. Босмачилар сафида ва қизиллар билан дастлабки тукнашувлар .....	363
§ 209. Хутгал отлари .....	365
§ 210. Шоир Рожий .....	365
§ 211. Жаббор қурбоши .....	365
§ 212. Безгак касали ва шомонийлик .....	367
§ 213. 28 декабр қарорларини бошқирд зобитлари томонидан бажарилиши .....	368
§ 214. Анвар пошо вакиллари .....	370
§ 215. Самарканд тарафларда ишларнинг бузулиши .....	371
§ 216. Озарбайжонлик панисломист Охунд Юсуф .....	373
§ 217. Муҳиддин Махдумга қандай алдандик .....	376
§ 218. Самарканд босмачилари .....	377
§ 219. Челақдаги жанглар .....	379
§ 220. Ёрғайлоқдаги йиғилишлар .....	380
§ 221. Миллий маданият масалаларига доир тўнги суҳбатлар .....	382
§ 222. Мустафо Чуқаевга мактуб .....	387
§ 223. Қурбон байрами .....	389
§ 224. Охунд Юсуф найранглари .....	391
§ 225. Уратепа — Мачай йули орқали Анвар пошо олдига бориш ниятимиз .....	392
§ 226. Довул жанглари .....	392
§ 227. Уснат ва Самарканддаги қуришувлар .....	394
§ 228. Уснат жанглари .....	394
§ 229. Уснатда қабул қилинган қарорлар .....	395
§ 230. Октовдан Зарафшон воҳасининг қурилиши .....	396
§ 231. Мачай тоғларидан ва Қизилқум йули орқали Тошкентга .....	396

ХАЛҚАРО МУАММОЛАР ОРАСИДАН ЁРИН ОЛИШИ КЕРАК

§232. Тошкентдаги элчилик маёт	408
§233. Саъдийнинг	409
§234. Еттичи Туркистон миллий конгресси	408
§235. Ардаста Осмурийнинг асир олиниши	409
§236. Тошкентдаги сўнги кеча	409
§237. Тошкент билан айирлашув	410
§238. Самарқанд билан айирлашув	411
§239. Нарик Сиданбой	413
§240. Яна бир бор Туркменистонда	414
§241. Анвар посолнинг шахид бўлиши	415
§242. Маразая келган меҳмонларимиз	418
§245. Рустуллога ёлган мактубим	419
§244. Ленинга йўллаган мактубим	420
§243. Баъзи ёртоқларимга видалашув мактубларим	423

VI. ЭРОН ХУРОСОНИДА ЕТТИ ҲАФТА

§246. Эронга утиш	429
§247. Аббос Кулихонниқиди меҳмон булганимиз	430
§248. Имом Ғаззелий ватанида	430
§249. Машҳад	431
§250. Ҳалимов	431
§251. Туркман Жабборберди	431
§252. Ризохон билан ёзишмаларимиз	432
§253. Туркия элчисининг Машҳадга келиши	433
§254. Саъдулла Хужа	434
§255. Шурочи Мирзо кулига тушмаслик учун курилган чоралар	435
§256. Ноёб топиалмалар	436
§257. Тефрондан келган жавоб	439
§258. Туркияга юборилган мактублар	438
§259. Машҳаддаги озарбайжонлар	440
§260. Машҳаддан Ҳиротга	442

VII. АФҒОНИСТОНДА БЕШ ОЙ

§261. Ҳиротда теурийлар даври ёлгорликлари	443
§262. Ҳиротдаги кулезма асарлар	443
§263. Ҳиротда рус чопарлари	444
§264. Ҳазоражат	444
§265. Рус чопарлари билан пойга	446



§266. Кобул .....	447
§267. Фахриддин пошо .....	447
§268. Салим пошони Туркистонни тарк этиши .....	448
§269. Истикболдаги фаолиятимиз хусусида .....	449
§270. Бизнинг Афғонистон ҳукуматига йўллаган ёзма ахборотларимиз .....	450
§271. Ғалати тасодиф .....	454
§272. Менинг таълим соҳасидаги маслаҳатларим маориф ва Омонуллахоннинг жавоби .....	455
§273. Ҳошим Шойик ва менинг жимжитоғим .....	456
§274. Шермухаммад бек .....	458
§275. Яна Кобулда амалга оширган айрим ишларим .....	459
§276. Ташки ишлар вазири билан сўнги марта учрашув .....	460
§277. Ҳожи Сомийга ёзган мактубим .....	461
§278. Абдулҳолик Қўнисбой .....	462
§279. Тантана ва Бухоро амири .....	465
§280. Абдурасулхоннинг қабулида .....	466

### VIII. ҲИНДИСТОН – ТУРКИЯ

§281. Пешовар .....	469
§282. Ҳошим Шойик ва Абулфазлнинг бир шеъри .....	471
§283. Аухадиннинг катл қилиниши .....	472
§284. Сэр Олаф Кароу .....	473
§285. Чигатойча туй маросими .....	474
§286. Бомбей .....	474
§287. Булажак кутубхонам асоси .....	475
§288. Муҳаммад Иқбол .....	476
§289. Туркистон ва Ҳиндистон муносабатларининг истикболи .....	478
§290. Келажак илмий фаолиятим режалари .....	479
§291. Хуржун маданияти .....	481
§292. Зевуннисо бегим .....	481
§293. Пайгамбаримизнинг ватани Ҳижоз .....	483
§294. Урта Ер денгизи соҳиллари .....	486
§295. Истанбул портида .....	487

### IX. ЕВРОПАДА УН БЕШ ОЙ

§296. Париж ва Маҳмуд Тарзий .....	489
§297. Сўнги Кукон хонининг невараси .....	490
§298. Мустафо Чуқай угли .....	490
§299. Садри Максудий .....	491

§300. Алимардон Тулчибоши .....	491
§301. Москва – Боку – Ашхобод йулида .....	493
§302. Француз олимлари .....	493
§303. Парижда қилган бошқа ишларимиз .....	497
§304. Берлиндаги ҳаётимиз .....	498
§305. Боярин Кенжаков .....	500
§306. Тақизода .....	502
§307. Берлинда мен танишган шарқшунос олимлар .....	502
§308. Британия олимларининг таклифлари .....	505
§309. Полшалик бир киши билан суҳбатим .....	505
§310. Берлиндаги Туркистон талабалари .....	507
§311. Шарқдаги дустларим ва оилам билан алоқаларим .....	508
§312. «Туркистон Миллий Бирлиги»нинг Европада тупланган биринчи Конгресси .....	509
§313. Финландия мусулмонлари .....	510
§314. Бурхон Шохидий .....	510
§315. Инкилобчи социалистлар кенгаши .....	511
§316. Чуқай угли ва социализм .....	513
§317. Немис социалистлари ва қаустикай билан учрашувлар .....	517
§318. Генерал Шлейхер билан суҳбат .....	518
§319. Эрондаги озарбайжонликлар билан учрашувлари .....	518
§320. Шарқда қолган дустларим билан алоқаларимиз .....	520
§321. Туркистон тарихини ёзиш масалалари .....	525
§322. Туркистонга оид журнал нашри масаласи .....	525
§323. Россия фаълар академияси билан алоқаларимиз .....	527
§324. Финляндиялик профессор Янсон .....	528
§325. Доктор Ризо Нурбей .....	229
§326. Чингизхон ҳақида маъруза .....	530
§327. Туркистоннинг иқтисодий тарихи ва татар унитаристлари .....	530
§328. Турли маърузалар .....	532
§329. «Туркистон Миллий Бирлиги»нинг Берлинда утказиладиган иккинчи конгресси .....	534
§330. Россия элчиси Крестинский билан учрашувим .....	534
§331. Қуръон қаримнинг фин тилига таржимаси .....	535
§332. Хожа Садриддин .....	538

## Х. ЕВРОПАДАН ТУРКИЯГА

§333. Европадан Туркияга.....	540
§334. Будапештда .....	541
§335. Констанца .....	542
§336. Истанбулдаги учрашувлар. ....	544
§337. Менинг Истанбулдаги биринчи маърузам.....	546
§338. Кучукялда зиёфат .....	547
§339. Муаллим Жавдат ва Фаридбек билан суҳбатлар.....	547
§340. Мустафо Шоқули .....	549
§341. Туркия фукаролиги .....	551
§342. Анкарада булган айрим ташаббуслар .....	552
§343. Жалол Унсийбей.....	553
§344. Профессор Самойлович .....	554
§345. «Хусайн Ғози» тоғи .....	557
§346. Ғози Мустафо Камол билан учрашув .....	558
§347. Сунг сўз.....	560

Аҳмад Заки Валидий Тўғон

# ХОТИРАЛАР

*Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун  
курашлар тарихи*

*Техник муҳаррир:*

**Рустам ҲИДОЯТОВ**

**Лицензия: АІ №218, 03.08.2012.**

Теришга берилди: 20.12.2013 й.

Босишга рухсат этилди: 23.05.2014 й.

Бичими 60x90  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма. Шартли босма таб. 38.25

Гарнитура Times. Адади 500 нусха. Буюртма № 707.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Истиқлол нури» нашриети.

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кучаси, 30.

«Toshkent Tezkor Bosmaxonasi» МЧЖ да чоп этилди.

100200. Тошкент, Радиал тор кўчаси, 10-уй.